


ОЗОД МАШАРИПОВ, АЛИШЕР МАШАРИПОВ


# ХОРАЗМНОМА

(Олтинчи китоб)

*Буюк Хоразмийлар ёхуд Хоразмнинг машхур кишилари*



ТОШКЕНТ



Хоразмий сак ва массагет қабилаларининг милодан аввалги V-IV асрларда яшаш хуудлари.



63.3(84)

№. 38

**ОЗОД МАШАРИПОВ, АЛИШЕР МАШАРИПОВ**

# **ХОРАЗМНОМА**

**Олтинчи китоб**

**БУЮК ХОРАЗМИЙЛАР ЁХУД ХОРАЗМНИНГ  
МАШХУР КИШИЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2014**

УЎК: 94(575.171) (092)  
КБК: 63.3(5Ў)

О.Машарипов, А.Машарипов. Хоразмнома. — «Истиқлол нури», 2014, 840 бет.

ISBN 978-9943-4304-4-0


Хоразм ўзининг узок ўтмиш тарихи билан, инсоният фани ва маданиятига қўшган санмоқли ҳиссаси билан жаҳонда ўз мавкега эга юрт. Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида халқимиз ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгач, халқимиз ўтмиш тарихига муносабат тубдан ўзгарди. Яқин ўтмишда тарихчилардан талаб қилинган партиявийлик ва синфийлик принципларига барҳам берилди. Тарихий адолат қарор тетди. Ўтмиш тарихий воқеаларини ҳаққоний акс эттириш асосий мезин бўлиб қолди.

Мазкур асар ҳам Хоразмнинг ўтмиш тарихини, буюк хоразмийлар ҳаёти ва ижодини ўзида акс эттиришга бағишланган китоб бўлиб, Юртбошимизнинг мамлакатимиз тарихчилари олдида қўйган вазифалари талаби асосида яратилгандир. Ёш явлодни халқимизнинг ўтмиш тарихи асосида тарбиялашга қаратилган улуғвор вазифа руҳи мазкур китобнинг бошидан охиригача асосий гоё сифатида акс этгандир.

УЎК: 94(575.171) (092)  
КБК: 63.3(5Ў)

Такризчилар: Қамариддин Усмонов – т.ф.н., профессор;  
Азамат Мухторов – ф.ф.д., профессор

Жамоатчилик асосида муҳаррир: М.Худайбергенов – т.ф.н.



ISBN 978-9943-4304-4-0

© «Истиқлол нури» нашриёти, 2014.





Профессор Мусаев  
Махмуд Мусаевич

Мухтарам устозларимиз –  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан  
Арбоблари. Махмуд Мусаевич  
Мусаев ва Йўлдош Жумабоевич  
Жумабоевларнинг ёрқин  
хотираларига бағишлаймиз.

*Муаллифлар*



Профессор Жумабоев  
Йўлдош Жумабоевич

## КИРИШ

Яратганга қайта-қайта шукроналар бўлсинки, бизга ўз халқимизнинг ҳаққоний ўтмиш тарихини яратиш имконини берган шундай бахтиёр кунларга ҳам етиб келдик. Мухтарам Юртбошимиз раҳнамолигида жонажон Ўзбекистон халқи янги демократик жамият асосларини қадам-бақадам яратмоқда. Қудратли замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда. Янгича дунёқараш, янгича жамият шаклланимоқда. Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари такомиллашмоқда. Бир сўз билан айтганда, мухтарам Юртбошимиз раҳбарлигида Давлатимиз мустақилликка эришганидан кейинги ўтган йигирма йилдан ошиб даврда мамлакатимизда асрларга тенг келгули ажойиб ишлар амалга оширилди. Айнан шу йилларда тарих фани соҳасида собиқ Иттифоқ даврида ҳукм сурган бирёқламалик, синфийлик, партиявийлик принциплари баҳрам берилди.

Ўтмиш тарихимизни ёритишда ҳаққонийлик тамойили танланди. Мухтарам Президентимиз қайта-қайта таъкидлагани

каби ўтмиш тарихимизни ҳеч қанақа бўёқларсиз, ҳаққоний ёритиш мезони амалий дастур бўлиб қолди. Узоқ ўтмиши ниҳоятда буюк бўлган она-халқимиз тарихини ҳаққоний кўрсатиш билангина биз тарих фанида тарихий ҳақиқатни амалга оширишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, биз – тарихчилар, ушбу ўта масъулиятли амалимиз билан халқимизни, ёшларимизни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдек олижаноб ишга ўзимизнинг салмоқли ҳиссамизни қўшишимиз мумкин.

“Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсондир, – деган эди Президентимиз И. А. Каримов. – Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди”<sup>1</sup>.

Айнан давр талабига мос инсонларни тарбиялаш иши ўтмиш тарихимизни чуқур ўрганишни тақозо этади. Биз – муаллифлар, Юртбошимизнинг юкоридаги оқилона кўрсатмаларига амал қилиб, халқимиз тарихининг ўта мураккаб ва ўта чалкаш ўтмишини имкон даражасида ҳаққоний ёритишга жазм қилдик. Токи бизнинг ушбу камтарона хизматимиз – халқимизни, жумладан, ёшларимизни ўтмиш тарихимиз мисолида ватан-парварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб вазифага ўз ҳиссасини қўшсин.

Бир сўз билан айтганда, мухтарам Президентимизнинг бугунги кун ватанимиз тарихчилари олдига қўйган халқимиз ўтмишини ҳолисона ёритиш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига тўла амал қилган ҳолда, ватанимиз тарихини ва унинг таркибий қисми бўлмиш Хоразм тарихини, шунингдек, шу азиз қадимий воҳада туғилиб, вояга етиб, ўзларининг бетакрор ижодий ва сиёсий фаолиятлари билан халқимиз ўтмиш тарихида сўнмас из қолдирган буюк Хоразмийлар ва машҳур хоразмликлар ҳаёти ва ижодини ҳаққоний ёритишга интилдик.

Комил ишонч билан таъкидлаш лозимки, мазкур асарнинг услубий асосини мухтарам Юртбошимизнинг мамлакатимиз

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.А.Т., 5-том, “Ўзбекистон”, 1997 й, 37- бет.



тарихини ёритиш борасидаги кўрсатмалари ташкил этади. Маълумки, яқинда Хоразм тарихига бағишланган “Хоразмнома” деб аталган беш томлик асарнинг бешинчи китоби нашрдан чиқди. Шунингдек, “Хоразм Ўзбекистон Республикаси таркибида (1924- 1994 йиллар)” деб аталган китоб нашр қилинди ва кенг китобхонлар оммасига ҳавола этилди.

Бешинчи китобни тугаллаш арафасида келгусида Буюк Хоразмийлар ҳақида китоб ёзишни астойдил ният қилдим. Албатта, бу ўта мураккаб ва оғир, бениҳоя маъсулиятли ишдир. “Хоразмнома”ларни ёзаётганимда ҳам жисмонан, ҳам асабий ниҳоятда чарчаганимга қарамадан, ушбу хайрли ишни бажаришга жадал киришдим. Ҳаммуаллифликка шогирдим Алишер Машариповни таклиф қилдим. Бахтли тасодифни қаранг, мазкур китобни ёзиш режасини кадрдон дўстим шоир Ошиқ Эркин билан маслаҳатлашганимда, у киши Урганч шаҳрининг 350 йиллик тўйига таклиф этилган, Хоразм тарихининг етук билимдонларидан бири – ғойибона устозимиз, Озарбайжон халқининг буюк фарзанди, академик Зиё Бунёдовнинг ҳам шундай эзгу орзулари бўлганлигини гапирдилар.

Афсуски, улуг устознинг ушбу хайрли ишни амалга оширмақликларига умрлари вафо қилмади. Устозимизнинг амалга ошмаган орзуларини рўёбга чиқариш маъсулияти менга куч-қувват ва илҳом бахш этди. Зора, ушбу хайрли амалимиз шарофати билан мухтарам устозимизнинг пок руҳларини шод этгаймиз!..

Мазкур китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган илмий-оммавий, энциклопедик қимматга эгадир. Дарҳақиқат, ўз тарихини ўрганмасдан ва қадрламасдан туриб Ватанни севиб бўлмайди. Бизнинг ота-боболаримиздан тортиб то бугунги бахтиёр кунларимизга қадар эътиқод қилиб келаётган муқаддас Ислом динимиз ҳикматларида “Ватанни севмоқ – иймондандир”, дейилган.

Халқимиз ўтмиш тарихини атрофлича ёритиш ва ўрганиш Ўзбекистон Республикаси халқаро субъект сифатида жаҳон миқёсида кенг танилган бугунги кунда мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътиборини янада кўтаришига ёрдам беради. Халқимизнинг ўтмиш тарихини ўрганиш мамлакатимиз фуқаро-

ларининг бунёдкорлик руҳини кўтаради. Уларда ўз онаюрти аждодлари тарихи учун ифтихор руҳини шакллантиради. Ўтмиш тарихини мукаммал ўрганиш халқимизда ўзининг миллат сифатидаги кадрқимматини англаш жараёнини янаям авжлантиради. Чунки, мамлакатимиз тарихини билмай, улуғ аждодларимиз билан фахрланмай, фидойи ватанпарварлар бўлиш мумкин эмас. Ахир, “тарих улуғ мураббийдир”. Шунинг учун ҳам мазкур китоб, умид қиламизки, бугунги кундаги халқимиз олдидаги энг долзарб вазифаларни бажаришда уларга албатта кўмак беради. Ватанимиз тарихини, жумладан, Хоразм тарихини кунт билан ўрганган замондошимиз ўтмишда юртимиз ҳудудида кўпгина қабилалар, халқлар иноқ, ҳамжиҳатликда яшаганликларини, улар тажовузкор босқинчиларга қарши бир тану бир жон бўлиб ўз онаюртларини астойдил ҳимоя қилганликларини англаб етадилар. Тарихимизни чуқур таҳлил қилиш орқали орттирилган бугунги кундаги тажриба кўп миллатли Ўзбекистонимизда халқлар, элатлар ўртасида қардошлик ва дўстлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ниҳоят, ўз онаюрти тарихини ўрганиш, айниқса, ёшларимизда эртароқ мустақил фаолният юритиш, ўз қобилиятларини тўлароқ намоён этиш ва ҳаётга тадбиқ этиш каби фазилатларни шакллантиради.

Фикримизча, азиз китобхонларимиз халқимизнинг ўтмиш тарихига, унинг буюк фарзандларининг ижодий ва сиёсий фаолиятига бағишланган ушбу китобни ўқир эканлар, уларнинг қалбларида аждодларимиз эришган илм-фан, шаҳар ҳаёти ва давлатчилик соҳасидаги буюк ютуқларидан фахрланиш ҳисси мавж уради. Шу боисдан, мазкур китобимиз бугунги кунда халқимизни, айниқса ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек ўта муҳим ишга ўзининг муносиб ҳиссасини кўшадди, деган умиддамиз.



---

## І ҚИСМ. ХОРАЗМ КИШИЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҚАДИМИЙ МАҚОНЛАРИДАН БИРИ

Хоразмнинг меҳнаткаш аҳли олдида ҳар қанча бош эгсак, таъзим қилсак арзийди, бошқалар хафа бўлмасин-у, мен ўзбек деҳқони деб айтганда, энг аввало шундай оғир шароитда – ҳали киши захри кетмаган бир пайтда, ернинг шўрнини юваётган хоразмлик инсонларни тассаввур қиламан.

*И.А.Каримов.*

### 1- боб. Қадимги Хоразм ҳақида умумий маълумотлар

Ўзбекистон худудида XIX-XX асрларда олиб борилган археологик қазिशмалар чоғида топилган топилмалар жаннатмақон юртимиз инсониятнинг энг қадимги мақонларидан бири эканлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, яқин-яқин даврларгача салобатли ва узок ўтмишга эга бўлган халқимизнинг ўтмиш тарихига етарли даражада эътибор берилмас эди. Жаҳон фани ва маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса кўша олган алломаларимизнинг, Буюк Хоразмшоҳлар, Буюк Темурийлар салтанатининг ватани бўлган, шунингдек, жаҳонда мисли кўрилмаган қаҳрамонлиги билан донг таратган Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг она-Ватани бўлган Ўзбекистонимизнинг ўтмиш тарихига нописандлик қилинар эди. Ўзбекистонимиз мухтарам Президентимиз бошчилигида миллий мустақиллигимизни қўлга киритгач, тарих фанидаги мазкур адолатсизликка чек қўйилди. Тарихий адолат қарор топди.

Халқимизнинг узок ўтмиш тарихи ҳақида ҳаққоний асосларга эга бўлган асарлар юзага кела бошлади. Мазкур асар ҳам ўшандай асарларнинг биридир.

Қадимшунос олимларимизнинг узоқ йиллик илмий изланишларининг гувоҳлик беришича, жаннатмакон юртимиз Ўзбекистон ва унинг таркибий қисми бўлган Хоразм тарихи жуда олис мозийга бориб тақалади. Ўзининг унумдор ерлари, қулай иқлим шароити, ўта меҳнатқаш халқига эга бўлган қадимий юртда инсоният тараққиёти жуда қадимдан бошланган.

Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришларича, Хоразм кишилиқ жамиятининг қадимий ошёнларидан бири. Табиийки, Хоразмийлар дунёнинг энг қадимийларидандирлар.

Кишилиқ жамияти тарихан таркиб топгач, юртимиз ўз тараққиётининг ҳамма даврларида ўзининг ҳаёт тарихига ва маданиятига эга бўлган. Инсониятнинг тинимсиз меҳнати, унинг доимо маънавият ва маърифатга интилиши натижасида даврлар силсиласи жараёнида тинимсиз ўсиб такомиллашиб борган. Қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлмиш Марказий Осиё халқлари ҳам бу жараёндан четда қолмаганлар. Марказий Осиёнинг қулай географик ўрни, юмшоқ табиий иқлими минтақада ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аввалроқ бошланишини таъминлади ва Шарқ билан Ғарб, Мессопотомия, Эрон, Миср кейинчалиқ Юнонистон ва Римни, Хитой ва Ҳиндистон билан боғловчи турли халқлар маданиятининг чапишувиши таъминловчи халқа вазифасини ўтади. Марказий Осиёнинг юқоридаги таъкидланган хусусиятлари, жумладан, серҳосил ерлари, бой-бадавлат шаҳар ва қишлоқлари қадим-қадимдан кўпларнинг эътиборини ўзига жалб этган ва уни кўп истилочилик тажовузларига дучор қилган.

Ватанимиз ва қўшни давлатлар ҳудудларида олиб борилган археологик қазилмалар, айниқса, сўнгги йилларда топилган топилмалар Ватанимизда милoddан кўп минг йиллар аввал одамлар яшаганини, шаҳарлар барпо этилганини кўрсатади<sup>1</sup>. Қадим Марказий Осиёнинг асосий маданият марказлари Бақтрия, Хоразм, Парфия, Сўғдиёна, Марғиёна ҳудудлари бўлиб, уларда Марказий Осиёнинг илк шаҳарлари Олтинтепа, Сополлитепа, Номозгоҳтепа, Бақтра, Насоим, Самарқанд, Қиропол, Марв, Ақчақалъа, Қизил қалъа, Тупроққалъа, Кат, Қўйқирқилган қалъа,

<sup>1</sup> Шишкин И. Б. У степ великой Намазги . М., 1968, 14-бет



Гулдурсун қалъа, Бургут қалъа каби шаҳар ва кентлар ташкил топган.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир минтақада тамаддун даврий нуктаи назардан эртaroқ ёки кечроқ ўзига хос шаклланиб ривожланиб борган. Олиб борилган тарихий-илмий тадқиқотлар Ватанимизнинг қадимги маданият ўчоқларидан бири эканлигини далилламоқда. Ва мамлакатимиз ҳудудида ўтган асрнинг ўрталарида ва охирларида олиб борилган археологик қазишмалар юқоридаги фикрларни тўла тасдиқламоқда.

Шунинг учун ҳам Марказий Осиёнинг жаҳон цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири эканлиги ўтган асрнинг бошларида мамлакат олимларининг эътиборини бу ерга қаратди. XX асрнинг 20-йилларида археолог олим В. Л. Вяткин бошлиқ археолог олимлар гуруҳи Самарқанд, Хоразм, Термизда, М. Е. Массон бошлиқ археологлар гуруҳи Оҳангарон водийсида, А. А. Потапов Фарғона водийсида қидирув ва қазиш ишлари олиб бордилар. 30-йилларда Ўзбекистон, Москва ва Ленинград олимлари ҳамкорлигида бир неча археологик экспедициялар ташкил этилди. Зарафшон экспедициясига А. Ю. Якубовский, Термиз экспедициясига М. Е. Массон, Хоразм экспедициясига С. П. Толстов раҳбарлик қилди.

Юқоридаги археологик экспедициялар кўп йиллар давомида Ўзбекистон ҳудудида унумли археологик изланишлар олиб бориб, Ватанимизнинг ва кўшни халқларнинг ибтидоий жамоа тузумига оид ашъвий далиллар топдилар. Мазкур топилмалар асосида аждоқларимизнинг ибтидоий жамоа тузумига оид, уларнинг турмуш тарзи акс этдирилган қатор илмий тарихий асарлари дунёга келди. Булар орасида В. М. Массоннинг “Страна тысячи городов”, М. “Наука”, 1966й, А. П. Окладниковнинг “Палеолит и мезолит Средней Азии (Средняя Азия в эпоху камня и бронзы)”, -М –Л ,1966й, С. П. Толстовнинг “Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования”, М.1948, В. А. Шишкиннинг “Афрасиаб – сокровищница древней культуры” .Т.”Фан”,1966, “Архитектурные памятники Бухары” – Т,1936 ва бошқа асарлар бор.<sup>1</sup> Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Марказий

<sup>1</sup> Қ.Усмонов ,М.Содиқов, Н.Айномуродов. Ўзбекистон тарихи. 1 қисм Т.2002 й 23-бет

Осиё халқлари тарихини ўрганиш мақсадида йирик археология ва этнография экспедициялари қайта ташкил этилди. Булардан С.П. Толстов бошчилигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси, А.Н. Бернштам бошчилигидаги Помир-Олой ва Помир-Фарғона экспедицияси, Я.Ғ. Ғуломов ва А. Шишкин бошлиқ Зарафшон археология экспедициялари кенг камровли илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Археологияга оид экспедициялар томонидан мазкур хуудларда олиб борилган изланишлар натижасида Марказий Осиё халқларига оид, уларнинг жаҳоннинг энг қадимий халқларидан бири эканлиги, шунингдек, Марказий Осиё дунё маданиятининг энг қадимий ўчоқларидан бири эканлиги тўғрисидаги маълумотларни ўзида тўплаган йирик тадқиқотлар натижалари чоп этилди.

С.П. Толстовнинг “По следам древней Хорезмской цивилизации”-М-Л, 1948, А. Н. Бернштамнинг “Древняя Фергана (Научно-популярный очерк)”, Т,1951, Я.Ғ. Ғуломовнинг “Ўзбекистонда археология фанининг ривожини”, Т. 1956; “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” – Т.1957, “Қадимги маданиятимиз изларидан” – Т. 1960й. каби асарлар ана шулар жумласидандир.<sup>1</sup> Ватанимизнинг қадим тарихини археологик манбалар асосида ўрганиш давом этди. Фан саҳнасига янги кучлар кириб келди. Аجدодларимиз тарихини чуқур ўрганиш давом этди.

Кейинги йилларда республикамизнинг таниқли археолог олимлари А. Асқаров, Ў. Исломов, А.Р. Муҳаммаджонов ва бошқалар етакчилигидаги тадқиқотчилар Ватанимиз тарихининг палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза даврларини ўргандилар. Олиб борилган илмий-тарихий тадқиқотлар асосида улар томонидан қатор илмий оммабон асарлар, ўқув қўлланмалари яратилди. Булар орасида А. Асқаровнинг “Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар”-Т. Фан,1973; “Сополли тепа”-Т.1973; “Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана”-Т.1977; Ў. Исломовнинг “Пещера Мачат”-Т.1975; “Обишерская культура”-Т.1980; А.Р. Муҳаммаджоновнинг “Қадимги Бухоро”-Т.1991; Ж. Кабиров ва

---

<sup>1</sup> Ўша жойда

А. Саъдуллаевларнинг “Ўрта Осиё археологияси”-Т.1990; каби асарлари алоҳида ўрин тутди.<sup>1</sup>

Тарихий адолат нуқтаи назаридан таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё халқлари, жумладан, Хоразмнинг қадимги давр тарихини ёритишда йирик Шарқшунос олим академик В. В. Бартольднинг хизматлари каттадир. Мисол тариқасида, унинг бир қатор асарларини тилга олиш kifойадир: “К вопросу о впадении Амударьи в Каспийское море”(1902г); “Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времён до XVII века”(1902г); “Дорожник XIV века от Бистама до Куня Ургенча” (реферат доклада 1903г); “К истории орошения Туркестана” (1914г); “Новые источники по истории Хорезма”(1914г); “О рукописи муллы Бабаджана”, “Тарихи Хоразмшахия” (написанием в 1864 году); ва бошқалар<sup>2</sup> шулар жумласидандир.

Қадим Хоразм тарихини ёритишда Ўзбекистон фанлар академиясининг тарих институти ҳам анчагина ишларни амалга оширган. 1976 йилда Ўзбекистоннинг кўзга кўринган тарихчи, жамиятшунос олимлари Я. Ф. Ғуломов, И. М. Мўминов, Х. З. Зиёев, О. С. Содиков, Б. А. Пугаченкова, Д. А. Фахриддинова, Б. В. Лунин иштирокида, тарих институтининг раҳнамолигида “История Хорезма с древнейших времен до наших дней” номли катта умумлаштирилган китобининг нашр этилиши фикримизнинг далилидир. Умуман олганда, инсониятнинг энг қадимги масканлардан бири сифатида эътироф этилган Хоразмнинг қадим тарихига бўлган қизиқиш ҳаминша кучли бўлган.

Муаллифлар ҳам ўтмишдош ва бугунги тарихшунос олимларнинг асарларига асосланган ҳолда мазкур асарда қадимги Хоразм тарихи ҳақида умумий маълумотлар беришдек жиддий ва мураккаб ишга қўл урдилар.

“Маълумки, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, – деб кўрсатади Ислоҳ Каримов. – Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни, ана шу тарих билан қуроллантириш яна бир бор

<sup>1</sup> Ўша жойда 23,24-бетлар

<sup>2</sup> Хоразм тарихи, 1 жилд, Урганч,1996, 21-бет

қуроллантириш зарур”<sup>1</sup>. Мазкур илмий тарихий тадқиқотимиз Хоразмнинг узоқ ва яқин ўтмиш тарихи, унинг ҳудудида бўлиб ўтган ижтимоий, сиёсий ва маданий воқеаларга бағишланганлигини ҳисобга олиб ишимизнинг ушбу қисмида Хоразм тарихи ҳақидаги умумий маълумотларга эътиборни қаратамиз.

Хоразм тупроғи ўзининг қадимийлиги ва инсоният маданиятига қўшган бебаҳо ҳиссаси билан жаҳоннинг қадимий маданият ўчоқлари Миср, Ҳиндистон, Хитой, Кавказ орти мамлакатлари билан бир қаторда туради. Хоразм ўзининг узоқ ўтмиши тарихида не-не гуллаш, ривожланиш кунларини бошдан кечирган ва не-не чет эл босқинчиларининг вайронали истилоларига дучор бўлган ва неча бор ўз мустақиллигини қайта тиклашга эришган.

Хоразм ўлкаси ўзининг узоқ ўтмиш тарихига эга. Бироқ, бугунги кунда Хоразмнинг узоқ ўтмиш тарихидан маълумот берувчи ёзма манбалар жуда кам қолган. Хоразм атамаси ва хоразмликлар тўғрисидаги илк ёзма манбалар қадимги юнон тарихчилари милетлик Гекатий (милоддан олдинги VII асрнинг охири – VI асрнинг бошларида яшаб ўтган) ва тарихнинг отаси деб ном қозонган Геродот (милоддан олдинги V асрларда яшаган) асарларида илк бор учрайди. Мазкур тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта ва Қуйи Амударё минтақасида бешта йирик қабиладан таркиб топган қабилалар иттифоқи мавжуд бўлган. Улар дербиклар, сакоравағлар, Хорасмия, Хаумварага саки ва асиан қабилалари деб аталиб, иттифокнинг марказида ўтроқлашган маданиятга эга бўлган ҳамда ўша даврда чуқур ижтимоий тақсимот амалга оширилиб илк давлатчилик муносабатлари қарор топган, ўзида бир қанча қабилаларни бирлаштирган Хоразмия иттифоқи турган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, у қабилаларнинг ҳаммаси ҳам бир-бирига яқин тилларда сўзлашган ва улар умумий ном билан массагетлар деб аталганлар. Афсоавий Тўмарис ҳам дербик қабиласининг бошлиғи бўлиб, милоддан олдинги 529 йил 16 август куни Эрон шоҳи Куруш (Кир) кўшини билан бўлган жангда массагетларнинг бирлашган кўшинига раҳбарлик қилган. Қадимги Хоразмнинг узоқ ўтмиш

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, Т., Шарк, 1998, 24-бет

тарихидан далолат берувчи яна бир манба бу – Марказий Осиёда, хусусан, Хоразмда яратилган “Авесто” китобидир. Ушбу манба Зардушт ибн Тўмон томонидан тўпланган ва унинг вафотидан кейин шогирдлари томонидан китоб холига келтирилган “Авесто” ёзма ёдгорлигида Хоразм номи “Қайризао” тарзида берилган. “Авестонинг” “Митра яшти” деб аталувчи V бўлим, 14-қисмида Хоразм номи “Арианэм Ваэжо” ёки (Ийрон виж) тарзда кайд этилади.

Ўзининг олтин вужуди билан тоғ чўққиларини қамраб олган, сўнг орийлар юртини тамоман эгаллаб оладиган Митрага ҳамду санолар ўқиймиз. Орийлар юртида ҳукмдорларнинг теваарак-атрофларида ажойиб ерлари бор. У ерларда озиқ-овқатга мўл-кўл тоғлар мавжуд. Чорва моллари учун сувга сероб чашмалар мухайё, серсув каналлар, бағри кенг дарёлар, Мауру ва Харнаёву ГОУ, Сўғд ва Қайризао томон шитоб билан оқади.<sup>1</sup>

Ўтмишдаги алломаларнинг ёзишларича, Хоразм замини инсониятнинг энг қадимий маконларидан бири бўлган. Бу заминнинг ворисларидан бўлган Хоразмийлар эса дунёнинг энг қадимги халқларидан бири саналадилар. Шунинг учун ҳам Хоразмнинг тарихига, Хоразмийларнинг урф-одатларига, уларнинг меъморчилигию санъатига, кўйингики, барча турмуш тарзига қизиқиш ҳамisha кучли бўлган. Археологик манбаларни ўрганиш асосида шу нарса маълум бўлдики, Хоразм ҳудудларида топилган инсон фаолиятининг илк излари бундан 150 минг йил илгари ўтган тош асрига – палеолит даврига тўғри келади. Афсуски, илк палеолит даврига дахлдор бўлган инсон суякларига олимлар бу ерларда дуч келмадилар. Лекин, бу ҳол – бу ерда улар йўқ, дегани эмас. Айнан илк палеолит даврига оид, Хоразмнинг Шўркўл деган ҳудуди (Янгиариқ тумани)да топилган ибтидоий одамга тегишли тош қуроллари, шунингдек илк тўрт оёқли ҳайвонлар (муз давригача) суяклари ибтидоий Хоразмда илк палеолит даврида ҳам одамлар яшаганлигидан далолат беради.<sup>2</sup> Қадимги Хоразм ҳудудига оид археологик ёдгорликларни таҳлил қилиш шундай хулосага олиб келадики, тош даврида анча мўътадил иқлим шароити, бой ўсимлик ва ҳайвонот

<sup>1</sup> О.Машарипов. Хоразм тарихидан саҳифалар. Т. Ўзбекистон 1994й. 7-8 бетлар


<sup>2</sup> Р.Жуманиязов. Қадимий Хоразм тарихи. Урганч 1993 йил. 6-бет



дунёси воҳанинг барча ҳудудларида ҳам одамларнинг истиқомат қилганликлари маълум бўлди. Улар ов, балиқчилик билан шуғулланганлар, мевалар ва илдизларни териб еганлар, ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатганлар. Тош асрида одамларнинг қуроли оддий бўлган. Уларнинг асосий қуроли ўткирланган учбурчак шаклидаги ва пичоқ шаклида ишланган тошлар, қистирғич, оддий балиқчилик асбобларидан иборат бўлган. Тош асри одамлари, қулай иқлим шароитидан фойдаланиб, тўда-тўда бўлиб ов қилганлар. Сони ўртача 100-120 кишидан иборат қавм чайла-ларда яшаганлар.

Бироқ, ўрта палеолит даврига келиб табиий иқлим шароитлари кескин ўзгарган. Ўрта палеолит-мустьер даври милоддан олдинги 100-40 минг йиллар илгариги давр бўлиб, у даврда ҳаво ҳарорати кескин пасайган. Ҳаммаёқни қор тўзони ва муз қоплайди. Илқ иқлимга кўниккан ҳайвонот дунёси совуқдан ҳалок бўлган. Шу билан бир қаторда, иссиқсевар ўсимликлар, дарахтлар дунёсини ҳам совуқ уриб кетган. Бу жараён ўлка табиатига ҳам хос бўлган. Гуллаб-яшнаб турган табиат ўрнида саҳро, ярим саҳро ва ботқоқликлар пайдо бўлган. Таниқли тарихчи олим Р. Жуманиёзовнинг қайд қилишича, археолог олимлар Хоразм ҳудудидан динозавр (уларнинг қолдиқлари Хўжакўл остида ва Амударёнинг ўнг қирғоғида топилган), буғулар, ибтидоий хўкизлар, отлар ва бошқа кўпгина ҳайвон ва қушларнинг йўқолишини табиий иқлим шароитининг кескин ўзгариши билан изоҳлайдилар.<sup>1</sup> Табиий иқлимнинг кескин ўзгариши ибтидоий одамлар фаолиятига ҳам кескин таъсир кўрсатган. Ўзининг ва яқинларининг ҳаётини сақлаб қолиш биринчи галдаги эҳтиёжга айланади. Ибтидоий одамлар овчилик ва балиқчилик билан бир қаторда, оз бўлса-да, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуллана бошлаганлар. Натижада қадимги одамлар бешафқат табиатнинг ўта бешафқат қийинчиликларига қарши тура олиб, матонат билан бардош бера олдилар. Бу билан одам ўзининг тирикчилик қилиш ва шунинг билан бирга, табиатнинг даҳшатли кучларига қарши тура олиш қобилиятини ўз эҳтиёжига яраша самарали фикрлаш ва ижод қилиш

<sup>1</sup> Р. Жуманиёзов. Қадимий Хоразм тарихи. Урганч 1993 йил, 6-бет



Орол Каспий минтақасидаги қадимги Хоразм қанъалари.

иктидорини намойиш этди. Милоддан 12 минг йил олдин ўтган сўнги ёки юқори палеолит даврида одам мослашган ва ўрганган иқлим шароитлари янада ёмонлашди. Р. Жуманиёзовнинг таъкидлашича бу даврда қадимги Хоразмда вулқонлар фаоллиги кузатилади. Бу жараён айрим тоғлар, баландликлар, жарлик ва пастликлар пайдо бўлишига олиб келади. Ўчган вулқонлар аломатлари ҳозир ҳам Уст-юрт атрофида, Айбигур кўлида, Султон Вайс тоғларида аён кўринади. Бу жойларда лава отилганда катта ҳароратдан эриб кетган айрим жинсларни бемалол учратиш мумкин.<sup>1</sup> Вақт ўтиши билан иқлим инсонлар учун яхши томонга ўзгаради.

Изгирин совуқ чекиниб, об-ҳаво яхшиланади. Муз даврида иссиқ иқлимга мослашган ҳайвонлар, фил, каркидон, динозаврлар йўқолиб, иқлимга мослашган эшак, от, тўнғиз, йўлбарс, арслон, сиртлон, кийик ва бошқалар сақланиб қолдилар. Муз даври ва унинг тугаши табиатга ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Денгизлар қуриб, майда-майда кўллар уларнинг ўрнини эгалладилар.

Қадимги Хоразм ҳудуди ҳам бу ўзгаришлардан четда қолмади. Давр, йиллар ўтиши, шароит ўзгариши одамларга ўз таъсирини ўтказиб борди. Сўнги палеолит даврида одамлар жисмоний жиҳатдан анча тараққий этиб, ақлий жиҳатдан нисбатан анча камол топди. Ўт ёқиш ва унинг ёрдамида овқат тайёрлаш, хавфсиз жойларда, кўпинча баландликларда содда турар-жойлар қуриш каби кўникмалар инсонларда пайдо бўлди. Одамлар меҳнат қуролларини такомиллаштирдилар, уй асбоб анжомлари “ихтиро” қилдилар. Ҳайвонлар терисига ишлов бериб улардан ҳар хил кийимлар тикиб, кийим кийиб юришга ўргандилар.

1930-1940 йилларда С. П. Толстов бошчилигидаги Собиқ СССР фанлар академиясининг Хоразм археология-этнография экспедицияси Қадимги Хоразм ҳудудида катта миқёсда археологик изланишларни олиб борди.

Археологик илмий изланишлар инсоният дунёсига Қадимги Хоразм тўғрисидаги ҳали фанга маълум бўлмаган кўпгина маъ-

---

<sup>1</sup> Ўша жойда, 7-бет




академик В.В.Бартольд.

лумотларни туҳфа этди. Хоразм воҳаси инсониятнинг энг қадимги маданият шаклланган масканларидан бири эканлиги тўғрисидаги илмий тахминлар тўла ўз тасдиғини топди. Хоразм тупроғида кишилиқ жамиятининг турмуш тарзи анча қадимдан бошланганлиги, Хоразм ўлкаси ўзининг қадимийлиги билан, жаҳоннинг энг қадимий марказларидан бири эканлиги тўғрисидаги илмий фараз амалда ўз исботини топди.

Амударёнинг Оқчадарё бўйидаги Жонбосқалъада топилган ибтидоий маданият қолдиқлари ва юқорида қайд этганимиздек С.П. Толстов ҳамда унинг экспедицияси олимлари томонидан йиғилган ашёвий далиллар ҳам ана шундан далолат бераётганлигининг гувоҳимиз. Маълумки, қадимги Хоразм ҳудудида унинг узоқ ўтмиш тарихининг турли даврларига оид бўлган кўпгина тарихий ёдгорликлар бор. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, уларнинг бугунги кундаги сони 400 тадан ортиқ. Айнан ўша тарихий археологик ёдгорликлар қадимги Хоразм тарихини ёритишда ўтмишни изчил тасаввур қилиш учун энг муҳим манба вазифасини бажаради. Олдин таъкидлага-нимиздек ўтган асрнинг 30-40 йилларидан бошлаб С.П. Толстов бошчилигидаги илмий экспедиция бу борада катта ишларни амалга оширди. Катта миқёсда археологик қазишма ишларини олиб бориб, қадимий Хоразм тарихини ёритишда катта ишларни амалга оширди. Таниқли ўзбек тарихчиси ва археолог олими академик Яҳё Ғуломов бошчилигидаги бир гуруҳ ўзбек археолог олимлари ҳам қадимги Хоразм ҳудудида археологик изланишларни олиб бориб, Хоразмнинг қадим тарихини яратишга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшдилар. Академик Я. Ғуломовнинг 1959-йилда Ўзбекистон фанлар академиясининг нашриётида чоп этилган қадимги Хоразм тарихига оид бўлган “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” номли асари Хоразмнинг кўҳна тарихини ўрганишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Бу асарда атоқли археолог олим узоқ илмий изланишларни тизимлаштириб, илмий-археологик изланишларга асосланиб Хоразмнинг суғорилиш тарихи асосида унинг қадим тарихини изчил тасаввур қилиш имконини яратди. Бир сўз билан айтганда, юқорида номлари зикр қилинган таниқли археолог олимлар Собиқ СССР Ф.А.нинг мухбир аъзоси С.П. Толстов, Ўзбекистон

СССР ФА академиги Я.Ф. Гуломов ва бошқаларнинг узок йиллар олиб борган илмий изланишларининг натижаси ўларок қадим Хоразмнинг кўҳна қалъаларининг сири аста-секин очила бошлади. Қадимги Хоразм худуди ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, унинг худудига қаерлар кирганлиги хурматли китобхонларни қизиқтириши табиий ҳолдир. С.П. Толстов-нинг илмий археологик изланишлари асосида тузган харитасига мувофиқ, қадимги Хоразмнинг худудига Эрон билан Турон ўртасидаги кенгликлар, жумладан, Амударё ва Сирдарёнинг ўрта



Хоразм тарихий этнографлар экспедицияси.

ва куйи оқими, шунингдек Каспий денгизининг ўрта ва шимолий шарқий қирғоқларигача бўлган ерлар кирган.<sup>1</sup> Шундай катта худудда бугунги кунда инсоният ҳаётининг турли даврларига оид, қатор археологик қийматга эга бўлган тарихий обидалар мавжуд. Шулардан бири Жонбос-қалъадир. Бу қалъанинг қурилганлиги милоддан олдинги биринчи минг йиллик ўрталари деб тахмин қилинади. Тарихчи олим – профессор Р.Жуманиёзов тарихий манбаларига ва узок илмий изланишларига асосланган ҳолда Жонбос қалъага шундай таъриф беради: “Эллипс шаклидаги 100-125 кишига мўлжалланган бу манзилгоҳ узунлиги 24,

<sup>1</sup> С.П. Толстов Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент. “Фан” 1964 йил 3 –бет



эни ўртача 17 метр келадиган жойдир. У ёғочдан қурилган бўлиб, камиш билан бостирилган. Манзилгоҳ ўртасида катта ўчмас олов доим ёниб турувчи ўчоқ бўлган, унинг атрофида эса овқат пиширишга мўлжалланган рўзғор ўчоқлари жойлашган. Манзилгоҳ худудида қалин кум ва тақир қатлам остида тахминан бундан 5 минг йиллар чамаси олдин тош, кремний, кварц ва чиғаноқдан тайёрланган меҳнат куроллари ва нозик, ўткир қиррали кремний пластинкалар – микролитлар, пичоқлар учун турли ғилофлар, суяк ва чиғаноқдан ясалган маржонлар ва бошқалар бор. Инсон ишлаб чиқариш фаолиятида катта роль ўйновчи ўймакорлик асбоблари ҳам топилди. Улар ёғоч ва суякларга ишлов беришда фойдаланилган.

Цилиндр, конуссимон ёки ярим тухумсимон шаклдаги кулолчилик буюмлари чети хиёл эгилиб, сайқал берилган, таги думалоқ, бироз ўткир гирдли товоқлар, тадқиқотчиларда жиддий қизиқиш уйғотди. Уларга думалоқ ва учбурчак ярим найча шаклида нақшлар ўйилган. Баъзи идишлар вазифасига қараб, қизил ёки сариқ рангга бўялган. Манзилгоҳда кулолчилик буюмларининг кўплиги шундан далолат берадики, энг қадимги Хоразм қабилалари ганчкорлик санъатидан хабардор эканликлари маълум бўлади. Идишларнинг шакли, тайёрлаш технологияси нақшлар услубига қараганда, улар Қозоғистон ва жанубий шарқий Европа, шунингдек Анау типидagi жануб маданиятлари билан изчил алоқада бўлганлар.<sup>1</sup>

Таниқли тарихчи олимнинг узок йиллар илмий изланишлари асосида вужудга келган юқоридаги хулосалари шуни далиллайдики, Қадимги Хоразмда, унда истиқомат қилган қабилаларда ўз даври учун юксак хунармандчилик маданияти қарор топган. Бу қабилалар кўшни қабилалар ва халқлар билан яхши кўшничилик муносабатида бўлганлар. Улар билан савдо муносабатларини ўрнатганлар. Фикримизнинг далили сифатида таниқли тарихчи олим – профессор Г.А. Ҳидоятговга мурожаат қиламиз. Г.А. Ҳидоятгов кузатувиға қараганда, Амударёнинг қуйи делтасида топилган чиғаноқ безаклар кўпроқ четдан, баъзилари Ҳинд океани ва Қизил денгиз орқали Форс ва Арабистон кўрфаз-

<sup>1</sup> Р.Жуманиёзов.Қадимги Хоразм тарихи. Урганч.1993 йил 7-8 бетлар

ларидан олиб келинган. Тарихчи ва археологлар ҳалигача бу буюмлар шунча йўл босиб қандай қилиб Хоразмга келиб қолди, деган саволга жавоб топа олмаётирлар. Балки, неолит даврида Хоразмни Ҳинд океани билан боғлайдиган, бироқ, ҳозиргача бизга номаълум бўлган сув йўли бўлгандир. Орол денгизи ҳам ўша пайтларда ҳозирги ҳолида бўлмаганлиги ва бутун ҳудуд кўплаб тошқин дарёлар, кўллар билан қопланганлиги ҳам ана шундай фикр юритишга тўртки бўлди.<sup>1</sup>

Юқорида келтирилган тахминлар олимларни Марказий Осиёни, жумладан, Хоразмнинг жуғрофий харитаси қизиқтиради. Ўтмишдош олимларимиз ҳам бундан истисно эмас. Улуғ бобокалонимиз, буюк қомусий олим Муҳаммад ал Хоразмий ўз кўли билан қадимги Хоразм ҳудуди чизмасини яратган. Чизмага қараганда Орол акваторияси ҳозиргига нисбатан ғарбга томон кўпроқ чўзилган, Орол денгизига 15 та дарё қуйилган. Каспий ва Орол денгизлари Манғишлоқ ҳавзасини кесиб ўтувчи икки дарё орқали бирлашган. Оролга қуювчи тўртта дарё Туркменистон жанубидаги Кўпетдоғ тизмаларидан сув олган. 15 дарёнинг энг йириклари, хусусан Сайхун (Сирдарё) ва Жайхун (Амударё) кичик кўллардан бошланган. Бошқа шарқий жанубий томондан шимолий-ғарбга қараб оқиб Оролга қуюлувчи икки дарё ҳозирги Қизилқум ҳудудидан ўрмонли ясси тоғлиқлардан сув олган. Шимолий шарқ томонидан Оролга беш дарё қуярди. Улар Мухожари тоғларидан бошланарди. Уларнинг ғарбида Орол билан оралиқда ўрмонлар бўлган. Баъзи дарёлар ҳам анча узун ва кўп сувли бўлганлар.<sup>2</sup>

Юқорида баён қилинган, қадимги Хоразмнинг тахминий жуғрофий харитасини кўз олдимизда гавдалантириш, бизга шундан далолат берадики, қадимги Хоразм ҳудуди инсон учун яшашга қулай бўлган серсув дарёларга, ов қилиш учун имкони бой бўлган ўрмонларга, нисбатан дехқончилик учун серурум ерларга, чорва боқилиш учун зарур ўтлоқларни камраган ҳудуд бўлган. Айнан юқорида зикр қилинган хусусиятлар келгусида бу ҳудудда илк давлатларни, ўз даври учун юксак бўлган мада-ниятининг илмий кашфиётлари билан, ҳатто, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини

<sup>1</sup> Ўша жойда. 8-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда. 9-бет

йўқотмаган. Олимларни, шоиру уламоларни, жаҳоншумул санъат ва санъаткорларни дунёга келиши учун замин бўлган.

Ўша замонда Орол денгизи қандай бўлганлигини тасаввур қилиш. Иқлим, ҳар ҳолда, ҳозиргидан кўра қуруқроқ бўлган; жанубдан тез-тез шамол эсиб турган. Амударё ва Сирдарёнинг суви анча кам бўлган, шунинг учун ҳам сув Султон Увайстоғ тизмасининг ғарбий тармоғи орқали ўзининг ҳозирги ўзани бўйлаб оқишга ожизлик қилган ва бу тўсиққа келганда, ғарб ҳамда шарққа ёйилиб, сон-саноксиз ирмоқлар, кўллар ва ботқоқликлар тизимларини ҳосил этган.

Худди шу ерда ўша вақтда сув тўлиб оққан Оқчадарё ўзани яқинида, жанубдан тошлоқ Жонбос тепалигини қуршаб олиб, афтидан ғарб томонга – узоқларга чўзилиб кетган катта кўлтўқай ҳавзасининг соҳиллари ва кумлоқ оролларида бутун Султон Увайстоғ тизими этакларида неолит давридаги Хоразм баллиқчилари ва овчилари ўзларининг турар жойларини қурганлар. Собиқ СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси С. П. Толстов бошчилигидаги экспедиция томонида Калтаминор маданияти деб номланган маданиятни ҳам улар яратганлар.

Археологик қазишмалар натижасида олинган археологик топилмалар шундан далолат берадики, калтаминорликлар ўз қуроқларини фақат тош ва суяқлардангина ясаганлар. Археологик қазишмалар натижасида, чакмоқтошдан қилинган сон саноксиз буюмлар, энг муҳими, турли мақсадлар учун ишланган жажжи, ишгичка, пичоқсимон пластинкалар (қирғичлар, тараши-лағичлар, нишлар, суяқдан қилинган катта қуроқларга ўрнати-ладиган тиглар) қалашиб ётарди. Бундай пластинкалардан бир учли, фақат бир томонга ишлов берилган найза учлари тайёрлаганлар, шунингдек икки томондан силлиқланган уч бур-чакли ишгичка найзалар учрайди. Катта қуроқлар (масалан, трапеция шаклидаги катта тошболта) силлиқланган тошдан ясалган. Безак буюмлари асосан четдан келтирилган чиганоклардан ва тошдан ишланган. Чиганокдан ясалган цилиндр шаклидаги майда маржонлар ва чиганоклардан ёки силлиқланган тош пластинкалардан қилинган бир учли тешик тухум шаклидаги зи-рақлар айниқса характерли бўлган.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> С.П.Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Фан. 1964 йил 75-бет

Археологик қазишмалар шуни кўрсатадики, қадимги Хоразм худудида аҳоли кўпроқ балиқ истеъмол қилган. Қазишма олиб борилган маконнинг маданий қатламида балиқ қолдиқларининг тўлиб тошиб ётганлиги юқоридаги фикримизга далил бўлиб хизмат қилади. Қадимги Хоразмда балиқчиликдан ташқари ов ҳам муҳим тирикчилик манбаларидан бири ҳисобланган. Археологик қазишмаларда тўнғиз, буғу, сувда яшовчи қушларнинг суяклари ҳам кўплаб учраши юқоридаги фикрларимизнинг далилидир.

Қадимги Хоразмийларда қадим-қадимдан ўз даврининг илғор маданияти шаклланган. Биз қуйидаги саҳифаларда улар ҳақида қисқача тўхталамиз. Хоразмийлар каби уларнинг маданияти ҳам қадимийдир. Археологик қазишмаларнинг берган маълумотларига кўра, Қадим Хоразм маданиятининг бошланиш даври Калта Минор маданиятига бориб тақалади.

## 1.2-боб. Хоразм маданиятининг тарихий давлари

### А) Ибтидоий жамоа

1.Калта минор маданияти (милоддан олдинги IV-III минг йилликлар). Бу маданият Хоразмнинг неолит даврига оид қадимий маданиятдир. С.П. Толстов бошчилигидаги Хоразм археологик экспедицияси 1940 йилда Жонбосқалъа яқинидаги қазишма ишларини олиб бораётганда неолит даврига оид чакмоқ тошдан қилинган қуроллар ҳамда босқонлаш йўли билан турли-туман нақшлар ишланган сопол буюмлари қони топилди. Ўша жойни текшириш ва қазиб кўриш жараёни ибтидоий хоразмликларнинг 1938 йилда топилган бронза даврига оид маконларига қараганда, қадимийроқ эканлигини исботлади. Бу ҳолатни С.П. Толстов шундай таърифлайди: “Биз Жонбосқалъа-4 деб атаган (бундан олдин ҳам Жонбосқалъа-4 деб атаган) шимолий-ғарб томонидаги қумлар орасида бронза ва илк темир давларига тегишли учта макон топган эдик) бу макон шу атрофдан топилган маданиятларга унча ўхшамайдиган янги неолит маданиятига мансуб эди. Археологлар одатига кўра, биз унга, яқин орадаги аҳоли яшайдиган пунктнинг

номига нисбат бериб, Калтаминор маданияти деб номладик”.<sup>1</sup> С.П. Толстовнинг кўрсатишича, Калтаминор маданияти милоддан олдинги IV-III минг йилликларга тўғри келади. Бу даврда аҳоли балиқчилик ва овчилик билан шуғулланган. Топилган қазилма ёдгорликлар буни тўла тасдиқлайди.

Калтаминор маданияти деб аталмиш топилмалар бугунги кунда Қадимги Хоразм маданиятига оид энг илк топилмалар ҳисобланади.

**II. Тозабогёп маданияти.** Бу маданият милоддан олдинги II минг йилликдан милоднинг бошигача бўлган қадим Хоразм тарихига оид топилмалардир. Бу давр маданияти бронза асрига тўғри келади. Аҳоли оддий деҳқончилик ва пода чорвачилиги билан шуғулланган. Бу даврнинг характерли хусусиятларидан бири шу эдики, уруғ иттифоклари вужудга кела бошлаган бўлиб, уруғларда асосан аёллар (матриархат) ҳукмрон мавқега эга бўлганлар.

Тозабогёп маданияти Калтаминор маданиятининг бевосита давоми ҳисобланади. Ўтган асрда олиб борилган қазилма тадқиқот ишларида Тозабогёп маданиятига оид мисдан ишланган буюмларнинг парчалари, Калтаминор маданияти ағъаналарини давом эттирувчи микролитоид чакмоқтош асбоб-ускуналар, бурчакли, учбурчакли ва тор бурчакли нақш туширилган идишлар топилди. Тозабогёп маконлари атрофларида суғориш изларининг йўқлиги, бу даврда деҳқончилик сунъий суғоришга асосланмаган, балки “Қайир ерлари”дан, яъни дарё одоғидаги ер ости сувлари юза бўлганлиги сабабли тупроқда деҳқончилик экинларининг ўсиши учун нам старли бўлган жойлардан фойдаланилган, деган хулоса чиқаришга имкон берди.<sup>2</sup>

Тозабогёп маданиятига оид топилмалар I-Анка қалъа ва 2-3 Тешик қалъа ёдгорликларидаги қазилмалар даврида топилган.

**III. Амиробод маданияти.** Бу даврдаги маданият милоддан олдинги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмига тўғри келади. Тарихда бу давр илк темир асри деб ҳам айтилади. Бу даврга келиб аста-секин деҳқончилик ва чорвачилик ривожлана бошлайди. Оддий суғориш системалари вужудга

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Фан. 1964 й, 41-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда, 85-бет

келади. Лойдан узундан-узун уруғ жамоаси уйлари курилади. Бу даврда уруғда аёллар йўлбошчилик киладилар. Уруғлар иттифоки мустақкам-ланади. Бу давр маданиятига оид манбалар 1,2,7 Жонбасқалъа ёдгорликларидан топилган.<sup>1</sup> Урганч Давлат университетининг бир гуруҳ олимлари томонидан яратилган “Хоразм тарихи” асарида Амиробод маданияти масаласига тўхталиб, шу хусусда таникли олим С.П. Толстовнинг қарашларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва ривожлантиришга ҳаракат киладилар ва ўз нуқтаи назарларини қуйидагича изҳор этадилар.

Милоддан олдинги VI-III минг йилликда Хоразм ҳудудида калтаминорликлар маданияти тараққий этган бўлса, миллоддан аввалги II минг йилликда Суверган ва Тозабөгёп қабилалари маданияти ривож топган. Сўнги бронза даврига келиб юқорида кўрсатилган иккала маданиятнинг бирлашиши натижасида Амиробод маданияти вужудга келади.<sup>2</sup>

Ўз фикрларини яна ривожлантириб ва ўтмишдаги тадқиқот-чиларнинг фикрларига таяниб, юқоридаги тадқиқотчилар Амиро-бод маданияти билан бир вақтда ўтроқ кўчманчиларнинг маданияти ҳисобланган Куясой маданияти ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатадилар. Бироқ, бу масала олимлар ўртасида қарама-қарши фикрларнинг вужудга келишига сабабчи бўлган муаммодир. Хоразм тарихи муаллифларининг кўрсатишларича, айрим олимлар миллоддан аввалги IX-VIII асрларда яшаган амирободликлар Сарикамиш атрофига кўчиб бориб, ўтроқ маданиятни яратганлар (Куvasой-2), деган тахминни илгари сурсалар, баъзи тадқиқотчилар, Куvasой маданиятининг келиб чиқишини Шимолий Эрон территориясидан кўчиб келган қабилалар билан боғлайдилар<sup>1</sup>

## **Б) Антик Хоразм**

**IV. Деворлар билан ўралган шаҳарлар маданияти.** Бу давр Хоразм маданияти Қадимги Хоразмнинг Ахмонийлар Эронига қарам даврига, яъни миллоддан аввалги I минг йилликнинг

<sup>1</sup> С.П.Толстов. Древний Хорезм.изд. МГУ. М. 1948й. 32-бет

<sup>2</sup> Хоразм тарихи I-қисм. Хоразм. Урганч 1996 й.486бет

ўрталарига тўғри келади. Бу даврлар милоддан аввалги VI-IV асрлар бўлиб, бу даврга келиб кишилик дунёсида анчагина ижобий ўзгаришлар рўй берган эди. Деҳқончилик хийла ривожланган, ўз замониغا мос суғориш иншоотлари қурилган, каналлар қазилган, сиёсий ҳаётда давлат аппарати вужудга келган ва Хоразм давлати қарам давлат сифатида Ахамонийлар салтанати таркибига кирган эди. Бу давр маданияти ҳақида сўз кетганда муқаддас “Авесто”да таъкидланганидек, атрофлари деворлар билан ўралган шаҳарчалар, кишилар яшашлари учун уйлар, молларни сақлаш учун қурилган молхоналар антик Хоразмнинг архитектура намунаси бўлса, усталарнинг қўл меҳнати натижасида вужудга келган ҳар хил чинни идишлар, сув ва озик-овқат захираларини сақлайдиган хумлар, уларга берилган ҳар хил нақш, безаклар – ўша давр маданиятининг намуналари ҳисобланадилар. Хоразмнинг антик даври маданиятига оид топилмалар Бозор қалъа ва Кўзали гир қазилмаларидан топилган.

**V. Қангли маданияти. Эллик даври.** Бу давр милоддан аввалги IV-III асрларни ўз ичига олади. Милоддан аввалги IV асрда македониялик Искандар Зулқарнай кўшинининг берган зарбалари натижасида Эронда Ахмонийлар давлати емирилди. Бундан фойдаланган Хоразм ўз мустақиллигини тиклаб олди. Юнонлар Марказий Осиёга ҳукмрон бўлиб олдилар. Искандарнинг милоддан аввалги 325-йили Ҳиндистонга юриши пайтида тўсатдан вафот этиши, македонияликларнинг Марказий Осиёга ҳукмронлик мавқесини анча пасайишига олиб келди. Эндиликда чет эллик истилочилар бу ҳудудни танҳо ўзлари бошқармасдан, балки маҳаллий ҳукмдорлар билан биргаликда бошқара бошладилар. Бу давр мамлакатимиз тарихида Грек-Бактрия давлати деб аталади. Мана шу даврда Марказий Осиё ҳудудига ўз даври учун илғор бўлган грек маданияти кириб кела бошлайди ва бу ҳолат қадимги Хоразмни ҳам четлаб ўтмайди. Бу даврда айнан Қангли-Хоразм маданияти унинг хунармандчилиги юксалди. Бу даврга келиб, уруғ жамоаси тартибларини ўзида сақлаган уч учбурчак шаклидаги мустаҳкамланган қишлоқлар ташкил топади. Улар асосан иккита мавзедан иборат бўлади. Ўзида қишлоқларнинг ижтимоий ҳаётини акс эттирган “Олов уйи” мавжуд бўлган. Бу давр маданиятига оид манбалар Кўнарли қалъа ҳамда



Оқ тепа ёдгорликларидан топилган. Шаҳарлар қурилиши тартиби, қишлоқлар қурилиши тартибини такрорлайди. Бу даврга келиб, уй идишлари, бинолар ва ҳар хил асбобларга туширилган безаклар ранглари хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бўйни узун, икки томонида қўл ушлайдиган кулоқ қўйилган ва иккита ўзига хос белбоғ билан ўралган хумлар бу давр сопол санъатининг намунаси ҳисобланади. Йирик, қўпол, чеккаларига нақш қўйилган идиш-товоқлар бу давр маданиятига оид ёдгорликлардир. Бизгача сақланиб қолган Қанғли (Қонқха) давлатининг тангалари ҳам ўша давр маданиятига оид топилмалардирлар.

Қанғли (Қонқха) давлати даврига оид ёдгорликлар Жонбосқалъа, Қўйқирилган қалъа, Кичик Қирққиз, Қўнарли қалъа, Ок тепа ва бошқа қалъалар қазилмаларидан топилган.

**VI. Кушон маданияти.** Милоднинг II-III асрлари. Ўзаро ички қурашлар, халқаро майдонда олиб борилган тинимсиз урушлар Хоразм-Қанғли (Қонқха) давлатини инкирозга олиб келди. Натижада, милоднинг I асрининг охири II асрининг бошларига келиб, у Кушон давлати томонидан босиб олинди. Бу давр Хоразмини биз Кушон империяси таркибида кўрамыз. Бу давр Хоразм маданиятида антик давр таъсири кучли бўлган, эндиликда атрофи деворлар билан ўралган жамоа уйларида, атрофи девор билан ўралмаган алоҳида, кўп оилалар яшашга мослашган уйлاردан ташкил топган қишлоқларга ўтилади. Жамиятда синфий табақаланиш кучаяди. Шаҳарларда оксуяклар (аристократия)нинг ҳашаматли қасрлари билан бир вақтда, камбағаллар тўда-тўда бўлиб яшайдиган жамоа уйлари ҳам мавжуд бўлган. Бу даврга оид санъат топилмаларида уй асбоблари, безаклар олдингига нисбатан анча тараққий этганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳар хил нақш қўйилган сопол идишлар, уч қиррали бронза ёй ўқлари, шишадан ясалган узук ва мунчоқлар бу давр хунармандчилигининг ёрқин намуналаридирлар. Бу давр маданиятига хос топилмалар 3-Аёз қалъа ва Тупроққалъа ўрта қатламидан археологик қазилмалар пайтида топилган.

**VII. Кушон-Офриғий маданияти (милоднинг III-V асрлари).** Бу даврга келиб Хоразмнинг антик маданияти тушқунликка юз тутди. Ўзаро тинимсиз ички қурашлар, тўхтовсиз олиб борилган чет эл босқинчилари билан мустақиллик қураши бу

даврга келиб Хоразмни холдан тойдирди. Халқ хўжалиги, жумладан, шаҳар хунармандчилиги ва савдоси инқирозга юз тутди. Шаҳарлар бу даврда олдинги кўринишини сақлаган бўлса-да, бироқ, уларнинг кўпчилиги бўм-бўш эди. Сабаби, юқорида таъкидлаганимиздек чуқур иктисодий инқироз, бу даврга келиб, бадавлат кишилар ўзлари учун атрофи пахса девор билан ўралган қалъалар кура бошлайдилар. Сопол идишлар ясашда офригийлар даври хусусиятлари акс этади. Нафис, жим-жимадор сопол идишлар ўрнини, писбатан кўпол ишланган сопол идишлар эгаллайди. Бунга сабаб, юқорида қайд этганимиздек, сопол хунармандчилигининг инқирозга учраши эди. Бу давр охирига келиб, археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, қадим Хоразмнинг антик маданияти аста-секин йўқола боради. Унинг ўрнига маданият майдонига Офригий маданияти кириб келади. Бу даврга оид характерли маданият ёдгорликлари Тупроққалъа, Якка-Парсан, Кичик Қаватқалъа ёдгорликларидирлар.

#### **В) Ўрта асрлар Хоразм маданияти**

**VIII. Офригий маданияти (VI-IX асрлар).** Хоразмлик буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг гувоҳлик беришларича, Хоразмни бир неча асрлар давомида Офриг асос солган Офригийлар сулоласи бошқарган. Алломанинг таърифича Офригийлар сулоласи Хоразмда милоднинг 305 йилидан 995 йилига қадар ҳукмронлик қилган. Офригий сулоласидаги шоҳлар сони 22 нафар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўртача 31 йил ҳукмронлик қилган.<sup>1</sup>

Бу даврга келиб Хоразмда патриархал тузуми емирилиб, аста-секин феодал муносабатлар шакллана бошлайди. Шаҳарлар сони кескин қисқаради. Янги шаклдаги шаҳарлар – йирик феодаллар қасралари атрофида бунёд бўлган шаҳарлар пайдо бўлади. Бундай мустақкамланган қаср-кўрғонлар мамлакат бўйлаб жойланган бўлиб, улардан топилган маданият ёдгорликлари, бу давр темир асри эканлигидан далolat беради. Уй безак шебообларида, қурол-яроғларда темирнинг ҳиссаси анча кўплиги шундан далolat беради. Офригийлар даврига оид ёдгорликлар

<sup>1</sup> Олод Машарипов. Хоразм тарихидан саҳифалар. Тошкент, Ўзбекистон 1994й 15-бет

асосан Беркут қалъа, Тешик қалъаларда олиб борилган археологик қазышмалар даврида топилган.

**IX. Офригийлар – Сомонийлар маданияти (IX-XI асрлар).** Бу даврда Хоразмда феодал муносабатлар шаклланган бўлиб, хусусан, ер эгаллиги ташкил топади. IX-XI- асрларда жаҳонда фан ва маданиятнинг гуркираб ўсиши жараёни аста-секин Марказий Осиёга, жумладан Хоразмга кўча бошлайди. IX аср охирида Бағдод халифалиги қарамлигида бўлган Марказий Осиё халқлари аста-секин мустақилликни қўлга кирита бошлайдилар. Бухорода Тоҳирийлар, кейинчалик Сомонийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилиши, Марказий Осиёнинг Бағдод қарамлигидан тўла қутилишига имкон беради. Хоразм ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритади. Шимолий Хоразм (маркази Кат шаҳри) Жанубий Хоразм (маркази Гурганч) мустақил давлатлари шаклланади.

Бу давр Марказий Осиё фани бутун жаҳонга машҳур бўлган олимлари билан доврқ қозонган. Муҳаммад ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Ибн Ироқ, Замахшарий, Чағминий ва бошқалар бу даврда фаннинг турли соҳаларида ижод қилиб, илсоният тарихида ўчмас из қолдирдилар. Бу давр шаҳар меъморчилигида ўзига хослик акс этган. Баланд паҳса деворлар билан ўралган тўрт бурчак уйларнинг тўрт бурчагида миноралар ва ёхуд гумбазлар қад кўтариб турган. Бу давр кулолчилик санъати топилмаларини диққат билан кўздан кечирганимизда, Сомонийлар даври кулолчилиги билан Офригийлар даври кулолчилигининг қўшилиб кетганлигининг шоҳиди бўламиз. Бу даврга оид маданият топилмалари Бўрон қалъа, Нойиб қалъа ва Норинжоннинг “Эски шаҳар” қисмида археологик қазышмалар даврида топилган.

**X. Хоразмшоҳлар даври маданияти. (XI-XIII асрлар).** Бу давр Хоразми ўзининг халқаро обрўси билан, ҳарбий кучқудратию дунёвий савдо-сотикқа бой шаҳарлари билан, юксак ҳунармандчилигию илм-фани билан жаҳонга машҳур бўлган. Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида Хоразмда феодализм гуллаб яшнади. Аҳоли ўртасида синфий табақаланиш кучайди. Бир томонда ниҳоятда кўркам, салобатли феодал кўрғонлари мавжуд бўлса, иккинчи томонда оддий камбағал дехқонлар ва

хунармандлар уйлари шаклланган эди. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти, катта- катта кўп оилали уйлар кўпчиликини ташкил этган. Хоразмшоҳлар даврида шаҳар ҳаёти ниҳоятда ривожланган. Хоразмнинг пойтахти Гурганч – жаҳоннинг энг кўркем, энг катта ва энг гавжум шаҳарларидан бирига айланган. Гурганчга жаҳоннинг деярли барча мамлакатларидан савдогарлар келганлар. Гурганчда ўнлаган мадрасалар ва қироатхоналар мавжуд бўлиб, уларда кўзга кўринган алломалар фаолият кўрсатганлар. Шаҳар меъморлиги ҳам ўз даврининг энг илғор архитектураларидан бири бўлган. Осмонўпар миноралар, ҳашаматли бинолар шаҳарнинг кўркига кўрк қўшган.

**XI. Хоразм-Жўжи маданияти.** Хоразмшоҳлар давлати мўғул bosқинчиларининг беомон истилочилиги натижасида емирилди. Маданий тараққиёти жиҳатидан Хоразмга нисбатан анча қуйи даражада бўлган мўғул bosқинчилари, Хоразм маданиятига, унинг халқ хўжалигига оғир зарба бердилар. Шаҳар, қишлоқлар вайронага айланди. Суғориш иншоотлари издан чиқарилди. Хоразм халқининг фидокорона меҳнати туфайлигина бир неча ўн йиллардан сўнг ҳаёт аста-секин тиклана бошлади. Мўғуллар хоразмлик етук хунармандларни Мўғулистонга ва бошқа ерларга ҳайдаб олиб кетдилар. Хоразмлик усталар Сарой Боту, Сарой Берка каби шаҳарларнинг қурилишларида фаол ишладилар. Натижада, бу даврга келиб, Хоразм маданияти аста-секин мўғулларга таъсир эта бошлади ва Хоразм-Жўжи маданияти шаклланди. (С.Н. Толстовнинг “Древний Хорезм” (“Қадимги Хоразм”) китобидан “Қадимги Хоразм маданиятининг даврларга бўлиниши” муаллиф томонидан рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган ва қисқартириб берилган – муаллиф.)

Кишилиқ дунёсида бўлгани каби, қадимги Хоразмда ҳам ҳаёт ўз измини ўтказа борди. Қадимги одамларнинг онг даражаси ўса борди. Улар жисмоний жиҳатдан такомиллаша бордилар.

Милoddан олдинги II-I минг йилларда бронза асрига қадам қўйган Хоразмда маълум ўзгаришлар содир бўлди. Янги шаҳарлар пайдо бўлиб, изчил шаҳар ҳаёти вужудга келди. Эндиликда одамлар тош давридаги қабила-қабила бўлиб эмас, бир-бирларидан маълум масофада узоқликда турган кичик-кичик шаҳарларда ва қишлоқларда яшар эдилар. Албатта, бронза

асридаги шаҳар ва қишлоқларни ҳозирги шаҳар ва қишлоқларга ўхшатиш асло мумкин эмас. Кичик-кичик паст пахса уйлардан ташкил топган ўша давр шаҳарлари одамлар яшайдиган манзиллар бўлиб, улардаги ҳаёт тарзи ниҳоятда оддий эди.

Бироқ, бу оддий инсонлар яшайдиган ошиёнлар келгусидаги инсон кўли билан яратилажак улуғвор ҳашаматли бинолар ва маданият учун замин эди. Бронза даврига оид Қадимги Хоразм маданияти, яъни милoddан олдинги иккинчи минг йилликларга Хоразмнинг илк бронза маданиятига оид археологик топилмалар археологлар томонидан олиб борилган қазилмалар натижасида Бозор-2, Байрам қазган-2 номли жойлардан топилди. Юқоридаги археологик топилмалар шундан далолат берадики, илк бронза асри Хоразмийлари суғорма деҳқончилик ва ирригация қурилмалари ҳақида тасаввурга эга эдилар, рангланган ва пардозланган кулолчилик идишларидан фойдаланганлар. Хоразмийлар бу даврга келиб, ҳунармандчилик соҳасида маълум ютуқларга эришганлар. Кенг қўлланиладиган идишларга тўлқинсимон тиккасига ёки ёнига йўл-йўл нақшлар ўйилган. Олимлар бу маданий топилмаларни Сувёрган маданияти деб номлаганлар. Сувёрган маданияти эгалари маъдан билан ҳам таниш эдилар. Шунга қарамай, улар тош қуролиридан фойдаланишда давом этишар, лой идишларда овқат тайёрлашар, балиқ ва гўшт истеъмол қилинар, деҳқончиликда бугдой ва арпа ҳосили етиштиришарди.<sup>1</sup>

С.П. Толстов бошчилигидаги илмий археологик экспедиция Оқчадарё дельтасидан жануброқда милoddан олдинги 2 минг йиллик ўрталарига оид қадимги Хоразм маданий топилмаларини топди. Анқа қалъа ва Қават қалъадан топилган бу маданий топилмаларига археологлар олдин қайд этганимиздек Тозабогёп маданияти деб ном бердилар.

Тозабогёп маданиятига дахлдор бой далиллар Кўкча тоғи жанубида ўша узоқ даврларнинг изларини сақлаётган манзилгоҳлар қолдиқларида топилди. Бу даврдаги (неолит) уйлар, Кўкча-15 ва Кўкча-16 топилмалари аломатларига қараганда, ярим ва тўла, тўрт бурчак шаклида бўлган. Уларнинг деворлари сомоний билан сувалган, ичкаридан устунларга таянган. Уй икки қават том

<sup>1</sup> Р.Жуманиёзов. Қадимий Хоразм тарихи. 1993 й 9-10 бетлар.

билан ёшилган. Узун дахлизда думалоқ майдонча бўлган, марказда унча чуқур бўлмаган тўртбурчак хандакда олови ўчмайдиган ўчоқ жойлашган.<sup>1</sup> Археолог олимларнинг таъкидлаганларидек милоддан олдинги иккинчи минг йилликка, Хоразмнинг бронза даврига оид ашёлар жуда кам. Харобага айланиб кетган бир неча маконлар бирмунча яхши сақланиб қолган, 1945-1946 йилларда археолог олимлар Я.Ф. Ғуломов ва Вактурская қазиб очган Жопбос-6 маконидан юқоридаги даврга оид археологик топилмалар топилди. Айнан ушбу топилмаларнинг ўзи ҳам қадимий Хоразмнинг бронза даври ҳақида маълум тасаввурларни бера олади. Хоразм ибтидоий тарихининг Қалтаминор даври ўрнинга келган давр, аввало йирик иқлим ўзгаришлари билан фарқланади. Макон вақти-вақти билан сув босиб турадиган ботқоқлик остида қолиб келган. Афтидан, бу иқлим ўзгариши Евро-Осиё иқлими тарихининг “Атлантик” даврдан “Субореал” даврга ўтиши билан боғлиқ бўлса керак.<sup>2</sup> Бу даврда Ўрта Осиё учун намлик олиб келувчи асосий манба ҳисобланган шимолий шамоллар ҳукмрон бўлган Европада бу ўзгариш тахминан милоддан олдинги III минг йилликнинг ўрталарида рўй берган. Таниқли шарқшунос олим Л.Н. Гумилев узоқ илмий изланишлари асосида битган ўзининг “В поисках вымышленного царства” (Санкт Петербург, 1994 й) асарида Европа ва Осиё қитъаларида циклон йўналишига боғлиқ равишда об-ҳаво иқлимининг кескин ўзгаришларини ва унинг сув ресурсларига таъсирини кўрсатади. Олимнинг таъкидича, милоддан олдинги IV-III асрларда Жанубий циклон оқими туфайли чўлларда намгарчилик кучайган. Бу даврда Каспий денгизининг сув даражаси бугунги кундагидан 8 метр пасг бўлиб, Орол денгизининг суви кўтарилиб кетади. Амударёга сув сизмасдан Ўзбой ирмоғи орқали унинг бир қисми Каспийга бориб қуйилади. Циклонлар ўз оқимини ўзгартириб ўрмон худудига ўта бошлайдилар. Милоднинг I-III асрларида чўллар яна қурий бошлади. Балхаш кўли ва Орол денгизи сатҳи кескин қисаради, Каспийдаги сув 4 метрга кўтарилади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда. 10-бет

<sup>2</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Фан. 1964 й. 84-бет

<sup>3</sup> Озод Маъруфов. Аждодлар фожияси. Урганч, 2003 й. 37-бет.

Бироқ, циклон вақт ўтиши билан яна ўз йўналишини ўзгартиради. Табиийки, бу ҳолат жойлардаги табиатга ва шароитга катта таъсир кўрсатади. Бу хусусда Л. Н. Гумилев шундай ёзади: IV асрда циклонлар яна жануб томон силжиган. Чўллар яна жонланади. XIII асргача, IX асрдаги қисқа қурғоқчиликни назарга олмаганимизда, аҳвол шундай давом этди. XIII аср ўрталарида циклон йўли яна ўрмон ҳудудига йўналади. Каспий денгизнинг сатҳи 8 метрга кўгарилди. Буюк чўл зонаси ўзининг қурғоқчилик иқлими палласига кирди. Кейинги юз йилликлар даврида циклонлар Шимолий Кутбга томон силжиган<sup>1</sup>.

Таниқли шарқшунос олимнинг узоқ илмий изланишлар натижасида Европа Осиё иқлими ҳақидаги юқоридаги хулосаси қадимги Хоразм иқлимига ҳам бевосита тегишлидир. Циклонлар чўл ҳудуди бўйлаб ўтганларида, узлуксиз давом этган муссон ёмғирлари, намгарчилик қадимги Хоразм ҳудудини ва унинг атрофидаги чўлларни кўкаламлаштирган хилма-хил дарахтлардан ташкил топган ўрмонларни вужудга келтирган бўлса, шу билан бир қаторда, кучли давом этган намгарчилик қадимий Хоразм ҳудудида кўплаб ботқоқликларни ҳам вужудга келтирган эди. С. П. Толстов ўзининг илмий изланишларида<sup>2</sup> Қадимги Хоразмнинг Қалтаминор маданиятидан кейинги Тозабогёп маданияти ҳақида ёзганда, бу даврда Тозабогёп маконлари атрофларида сугориш иншоотлари изларининг йўқлиги, бу даврда деҳқончилик сунъий сугоришга асосланмаганлигини “қайр ерлари”дан, яъни дарё адоғидаги ер ости сувлари юза бўлгани сабабли, тупроқда деҳқончилик экинларининг ўсиши учун нам етарли бўлган жойлардан фойдаланилган, деб хулоса чиқаради. Айнан Тозабогёп маданияти даврида қадимги Хоразм ҳудуди циклон – довул ҳудудига кирганлиги учун, узлуксиз давом этган ёмғирлар, сунъий сугоришга бўлган заруриятни йўққа чиқарган. Қадимги Хоразмда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт давом этди. Милoddан олдинги II-минг йилликнинг иккинчи ярмида Амударёнинг қуйи қисмлари ижтимоий ривожланишида туб бурилиш юз беради. Қадимий текисликларда катта бўлмаган, аммо мустаҳкам девор билан ўралган шаҳарлар бирин-кетин пайдо бўла бошлайди. Уларда 20 гача ҳатто ундан ҳам зиёд уйлар қурилиб,

<sup>1</sup> Л. Н. Гумилев *Впоисках вымышленного царства*. Санкт-Петербург, 1994 й 26-бет.

<sup>2</sup> С. П. Толстов. *Қадимги Хоразм маданияти* излаб. Фан. 1964 й 85-бет.



уларнинг ҳар бири 2-3 хонадондан иборат бўлган.<sup>1</sup> Аста-секин шаҳар-ларнинг чегараси кенгая боради. Унда истиқомат қилувчилар тобора кўпаядилар. Ҳунармандлар ва савдогарлар тоифаси шакллана боради. Бу даврга келиб, деҳқончиликда чинакам инқилобий ўзгариш рўй беради. Сунъий суғориш иншоотлари ташкил этилади, 200 чақирим узунликдаги Чарманёп, 70 чақирим узунликдаги Гавҳара каналлари бунёд этилади. Каналлар қазишда қадимги ирригатор ва мелиораторлар геометрик қондалардан фойдаланишган, тупроқнинг сув ўтказиш қоби-лятини, зичлигини, ер ости сувлари ва қатламлар ҳаракатини эътиборга олишган, мустаҳкам дамбалар яратишган. Ўзининг қурилиши ва сув таъминоти жиҳатидан қадимги Хоразм каналлари Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги каналлардан бутунлай фарқ қилганлар.

Уларда сув олувчи ёки бошқарувчи иншоотлар қурилмаган. Хоразмийлар каналнинг сув таъминотини кафолатлаш учун маҳаллий шароитда самарали бўлган усулни қўладилар, улар сув олиш учун бир неча соқалар бунёд этдилар. Ортиқча сувни эса махсус канал билан “бадар сув” орқали чиқариб юборардилар. Қадимий хоразмликлар дарёдан сув олишда зўр билимдон эканлигини ушбу далиллар ҳам исботлаётир. Бир-бирига нисбатан турли масофада жойлашган каналлар ва уларнинг соқалари Амударёнинг сув сатҳига мослаштирилган эди. Юқори соқа дарёда сув сатҳи паст бўлганида, паст соқа эса дарёда сув сатҳи кўп бўлганида ишлатилган. Ҳусусан, хоразмликларнинг кўп асрлик тажрибасида синишган бу усул ҳозир ҳам мелиораторлар томонидан фойдаланилмоқда.<sup>1</sup> Милоднинг II минг йилликлар ўрталарида қадимги Хоразмда катта узунликдаги каналларнинг бунёд этилиши, хоразмликларнинг турмуш тарзига баракали таъсир кўрсатди. Деҳқончилик ривожланди. Унинг асосида шаҳар ҳаёти ривожланди.

Қадимги Хоразм ва хоразмликларнинг турмуш тарзи ҳақида ёзар эканмиз, хоразмликларнинг ҳаёти билан чамбарчас Амударё ҳақида мухтасар таъриф мақсадга мувофиқдир.

Табиатан жўшқин Амударё қадимий Хоразмга оби-ҳаёт бағишлаши билан бирга, доимо ташвиш ва қийинчиликларни ҳам туғдирган. Баъзан сув тақчиллиги туфайли тўхтаб қолса, баъ-

<sup>1</sup> Р.Жуманиёзов Қадимий Хоразм тарихи. Урганч 1993 й. 10-бет

1031/11  
2  
"КУТ"



академик Яхё Гуломов.

зан қирғоқлардан тошиб, қишлоқ ва шаҳарларни ўз домига тортган. Амударёнинг бу хусусиятларини назарда тутиб, араб манбаларида уни Жайхун – қутурган деб атаганлар.

Амударё ўзининг танти ва кескин феълига қарамасдан, хоразмликлар учун оби-ҳаёт манбаигина бўлиб қолмасдан, балки ўзига хос таркиб топган кўҳна Хоразм маданиятининг шаклланишида ҳам муҳим вазифа бажарган. Ўзининг минглаб қақирим йўлида минералларни оқизиб олиб келган ва ўлканинг ҳосилдорлигини ошишига хизмат қилган.

Бизга маълумки, узоқ ўтмишда Амударёнинг номи бир неча бор ўзгарган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да Амударё “Адвисура Анахита”, “Раха”, “Ранка” ва “Аранка” номлари билан аталган, юнон тарихчилари Гекатий ва Геродот эса Амударёни “Аракс” деб атаганлар. Амударёга Геродот ёки ундан олдин ўтганлар томонидан берилган “Аракс” номи билан бирга маҳаллий “Оксос” деган номи ҳам бўлган. Бу ном билан юнонлар Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юриши пайтида танишдилар. Шу билан бир қаторда, Ўрта асрлар Хоразмий муаллифларнинг асарларида Амударё қадимий ном “Окуз” тарзида берилади.<sup>1</sup>

Қадимги Хоразм илм-фан ривожланган илғор ўлкалардан бири бўлган. Хусусан, бу диёрда аниқ фанлар шакллана бошлаган эди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўлкада илмий тафаккур тарихи ижтимоий, иқтисодий ва маданий тафаккур тарихи билан чамбарчас боғланган. Хоразмликларнинг хўжалик ҳаётида эришган муваффақиятлари математика, геодезия, астрономия ва бошқа аниқ фанларга оид муайян билимларсиз рўёбга чиқмаган бўларди. Масалан, суғориш иншоотлари, канал, чиғир ва кориз усуллари билан сувсиз ерларга сув чиқариш, кемалар яшаш, қалъалар, кўп қаватли сарой бинолари бунёд қилиш ишлари ҳисоблаш ва ўлчаш техникасининг ривожланишини тақозо этади. Хоразмда топографиянинг ривожланиши у ердаги суғориш иншоотлари қурилиши билан чамбарчас боғлиқ бўлса, деҳқончилик ва меъморчиликнинг амалий эҳтиёжлари геометрия фанининг ривожланишига олиб келди. Математик географиянинг ривож-

<sup>1</sup> Ўша жойда. 12-бет

ланиши эса хоразмлик савдогарларнинг узоқ юртларга сафарлари билан боғлиқ. Зеро, астрономик мўлжал денгизда ҳам, куруқликда ҳам зарур. Ана шундай кенг кўламдаги географик алоқалар Хоразмда картография ва тасвирий географиянинг ривожланишига сабаб бўлди. Манбаларни ўрганиш қадимги хоразмликлар илм-фан соҳасида ўз даври учун илғор бўлган ютуқларга эришганлигидан далолат беради.

Маълум бўлишича, қадимги ажодларимиз ҳали қатъий ёзув тизимини яратмасдан туриб, ўз астрономик кузатишларини тош ва суякларга ёзишдан ташқари, самовий жисмларни кузатиш учун махсус иншоотлар ҳам қурганлар. Ажодларимиз астрономия ва математикадан хабардор бўлгани, шунингдек, бурчак ўлчовчи ускуналарни ярата билгани ва улардан фойдалана олганидан далолат беради. Зотан, фалакиёт-кузатишларга асосланган фан, қадимги Хоразмда фалакиёт фанига ҳам қизиқиш катта бўлган. Фалакиётни ўрганишга бағишланган иншоотлардан бири кўҳна Хоразмнинг маданий ёдгорлиги Кўйқирилган қалъасидир. Миллоддан аввалги IV асрда бунёд этилган бу қалъа Тўрткўлдан 22 чақирим шимолий-шарқда жойлашган, Кўйқирилган қалъаси тўққиз минорали истехком девори харобаларидан иборат. Қалъа фақат ибодатхона сифатида эмас, балки астрономик кузатишлар олиб бориш учун ҳам мўлжаллаб қурилгани тахмин қилинади. Жумладан, олти-етти газли деворлар орасидан кўкка қарата қия қурилган деразалар бинонинг биринчи қаватидан туриб осмон гумбазининг фақат маълум йўналишидаги ёриткичларини кузатиш имконини бериши аниқланди.

Кўйқирилган қалъа цилиндр шаклидаги буржга ўхшаш бино бўлиб, сақланиб қолган баланд жойи теварак-атрофдаги текисликдан 8 газ баланд эди; диаметри 42 газ келадиган бу бино ташқаридан тўққиз буржли айланма девор (унинг ташқи ҳалқаси 86,5 газга тенг) билан ўраб олинган эди. Археологик изланишлар қадимги Хоразм тупроғининг ривожланган фан, маданият ва хунармандчилик макони бўлганлигидан далолат беради.<sup>1</sup>

Кўйқирилган қалъани тадқиқ этиш натижасида у ерда фақат куёш эмас, балки, бошқа самовий жисмлар ҳам кузатилгани

<sup>1</sup> С. И. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 365-366 бетлар.

аникланди. Қалъа харобаларидан сопол парчалари топилган. У гардишлар мис ҳалқалар орасига ўрнатилган бўлиб, ёриткичнинг мередианда баландлик бурчагини ўлчовчи асбоб сифатида ишлатилган бўлиши мумкин. Асбоб ташқи кўриниши, ишлаши жиҳатидан Берунийнинг “Қонуни Масъудий” китобида таърифланган сопол астролябияга ўхшаб кетарди.<sup>1</sup> Қадимги Хоразмда ўзларининг йил ва ой ўтишини ҳисобга олган тақвимлари бўлган. Археологлар томонидан Хоразмда милодий III асрга оид дастлабки тақвимнамо ҳужжатлар топилди. У топилмалар қадимда хоразмликларнинг ўз тақвими бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Демак, Хоразмда қадим замонлардан бери илм-фан, маданият, савдо-сотик, қишлоқ хўжалиги жуда тараққий этган. Бу фикрнинг тўғрилигини Хоразм воҳасида узоқ йиллар давомида олиб борилган археологик текширишлар натижалари ҳам тўла тасдиқлайди. Хоразм Волга бўйидан Ўрта Осиё оркали бир томони Мўғулистон ва Хитойга, иккинчи томони Эронга борадиган савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги туфайли ниҳоятда қулай мавқега эга бўлган. X аср географ олимлари Хоразмни деҳқончилик маданиятининг хилма-хил намуналарига бой, шаҳарлари кўп ва маданияти юксак мамлакат сифатида таърифлашади.

Ушбу китобда қисқа бўлса-да, ўша давр тараққиёти ҳақида маълум даражада маълумот берилган. Қадимги Хоразм тарихига оид Қалта минор, Тозабоғёп, Сувёрган маданиятидан сўнг, милоддан олдинги I минг йилликнинг бошига келиб, Сувёрган маданиятининг ўрнини Амиробод маданияти деб аталган маданият эгаллади.<sup>2</sup> Бу маданият инсоният тарихида олдинги даврга (Сувёрган маданиятига) нисбатан анча олға томон ривожланиш эди. Бу давр маданияти учун шу нарса хоски, бўялган сопол идишлари ўрнини таги ясси, оғзи ҳалқасимон, безаксиз, аксар қора ва қорамтир, кулранг идиш турлари эгаллаган; баъзан идишнинг бўғизига тушурилган арча шаклидаги ўйма нақш, кўпроқ шимолий Кавказ олдининг скифлардан олдинги сополини эслатади.<sup>3</sup> Бу давр бинокорлигида ҳам хийла

<sup>1</sup> Ўша жойда, 367-бет

<sup>2</sup> С.П. Толстов Древний Хорезм, 68-бет

<sup>3</sup> С.П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 97-бет

ўзгаришлар содир бўлди. Устунли, юмалоқ ёғоч уйлар ўрнини аввалгидек қумтепалар устида, лекин энди лойдан қурилган узунчоқ бинолар эгаллади. Археологик қазिशмалар шундан далолат берадики, қадимий Хоразмийлар бино қуриш санъатида ҳам анча илгарилаганлар. Археолог қазिशмалар натижасида Жонбос-7 да бўйи 70 газ келадиган, бир-бирига ёнма-ён иккита тор хонадан иборат уй топилди. Улар этнографик жиҳатдан яндаманларга эмас, эронезларга яқин.<sup>1</sup> Уйларнинг чўзинчоқ шаклда бўлиши одатда ҳали бир уйда яшовчи, лекин умумий ўчоққа эга бўлмаган оила жуфтларининг турмуш жиҳатдан бир-биридан кескин ажралиб чиққанини кўрсатади; умумий ўчоқ ўрнини энди қатор қилиб қурилган оила ўчоқлари эгаллади.<sup>2</sup> Қабила-қабилла, уруғ-уруғ бўлиб умумий оила бўлиб яшашдан, алоҳида мустақил оила бўлиб яшашга ўтиш кишилиқ жамиятидаги тараққиёт аломати эди. Археологик қазिशмалар шуни кўрсатадики, у даврда суғориш ишлари ҳали сезиларли тараққий этмаган. Амиробод маконлари аввалгидек каналлардан четда жойлашган. Балки, олдин таъкидлаганимиздек жанубий циклон-тўғфон туфайли тез-тез бўладиган ёмғирлар мавсуми, сунъий эҳтиёжни туғдирмагандир, шунинг учун ҳам бу давр одамлари деҳқончилик ишларида сунъий суғоришни эмас, балки, намгарчилик туфайли ер ости сувлари яқин бўлган қайрларни танлагандирлар.

Милоддан олдинги II минг йилликнинг иккинчи ярмида қадимги Хоразмда мис ва бронза ишлаб чиқариш бошланган. Агар олдин бунақа ишлар билан айрим гуруҳлар шуғулланишган бўлса, эндиликда шаҳарларда бевосита эритувчилар қавмлари вужудга келди. Масалан, ўрта аср қўрғони яқка Порсон-2 худудида археологлар “Қуювчилар уйи” ни топилди. Унда бронза қуроллари, қуйиш учун такрор ишлатилган тош қолиплар ва тагида бронза томчилари қолган гил идишлар топилди. Бу “цех”ларда ўк-ёйларнинг учлари, болға, пичоқлар, суяқ дастали бигизлар, қулоқчали игналар ва бошқалар тайёрланган.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Р. Жуманиёзов. Қадимий Хоразм тарихи. 13-бет

Шунга эътибор бериш керакки, шаҳарларда турли ишлаб чиқариш шаҳобчаларининг ривожланиши секин-аста уруғларнинг емирилишига олиб келди. Бу эса, табиийки, жамиятнинг табақалашувини тезлаштиришга олиб келар эди. Ишлаб чиқариш қуролларига бўлган мулкчилик муносабатларининг шаклланиши эса жамиятда кишиларнинг ижтимоий ўрнини белгалаб беришга имкон туғдирар эди.

Қадимги Хоразмда аста-секин мулкчилик шакллари, хусусий мулк, синфий жамият шакллана бошлади. Эндиликда синфий жамиятнинг маҳсули бўлган хусусий мулкни муҳофаза этувчи давлат тузуми аста-секин вужудга кела бошлади. (Қадимги Хоразмдаги илк давлатчилик муносабатларининг шаклланиши ҳақида китобимизнинг кейинги бобларида ҳикоя қиламиз).

Тарихий манбалар қадимги Хоразмда милоддан олдинги II минг йилликнинг ўрталарида синфий жамият шаклланган бўлиб, уларда аҳолини уч асосий табақага: қоҳинлар, жангчилар ва деҳқонлар; кейинроқ хунармандларга бўлинганини хабар қилади. Қадимги Хоразм ҳудудида олиб борилган илмий археологик қазинмалар шундан далолат берадики, милоддан олдинги II минг йилликнинг ўрталарида бу ерда синфий табақаланиш асосида шаҳар ҳаёти алғача ривожланган. Бу даврда ҳарбий маъмурий марказлар амалдорлари ва ҳокимлари учун қудратли мудофаа деворлари билан қуршалган шаҳар тусидаги мустаҳкам манзилгоҳлар барпо этилди. Бу шаҳарлар вақт ўтиши билан йирик савдо марказларга айланди, улар кўпинча мазкур шаҳарлар атрофида яшаган деҳқонлар ва хунармандлар учун яшириниш макони хизматини ҳам ўтаб турган. Илмий археологик тадқиқотлар шундан далолат берадики, мазкур қадим Хоразм шаҳар ва қалъалари ўз даври учун меъморчиликнинг сўнгги муваффақиятлари асосида мустаҳкам қилиб қурилган ва ўз даврининг юксак шаҳарсозлик маданиятини ўзида мужассамлаштирганлар.

Аввал таъкидлаганимиздек, юқорида номи зикр қилинган Хоразм илмий археологик экспедицияси қадимги Хоразм ҳудудида археологик қазинма ишларини олиб бориб, жуда кўп миқдорда қадимги Хоразм қалъаларини кашф этдилар. Улар Амударё ва Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида, шунингдек, Каспий

денгизининг шарқий ва шимолий худудларидаги кенгликларда жойлашган эдилар. Бу кашфиётлар қадимги хоразмликларнинг ниҳоятда ўз даври учун катта худудни эгаллаганлигини ва қадимги замонларда уларнинг кўп сонлик бўлганлигини, халқаро майдонда катта таъсирга ва обрўга эга эканликларидан далолат беради. Қадим замонларда, ҳатто, Каспий денгизининг Хоразм денгизи (Хвалинское море) деб аталганлиги фикримизнинг далилидир. Қадимги Хоразм қалъалари, шаҳарлари Тупроққалъа, Кўй-қирилганқалъа, Жонбосқалъа, Қаватқалъа, Говурқалъа ва бошқалар ўзларининг қурилиш меъморлиги ва безалиш санъати жиҳа-тидан ўз даври учун тенгсиз эдилар.

Қадим Хоразм ҳукмдорлари шаҳар, қалъа қурилишларига зўр эътибор билан қараганлар. Айниқса, ўз пойтахтларининг иморатларини безатишга, унинг ҳашаматлари, ободончиликларига маблағ аямаганлар. Офрийлар сулоласининг асосчиси шох Офрий, Берунийнинг таъкидича, ўз замонасида Хоразмнинг қадимий пойтахти Котни обод ва гўзал шаҳарга айлантириб, ариқлар қаздиради, серҳосил боғроғлар барпо эттиради ва хоразмликларнинг барча мамлакатлар билан савдо алоқалари учун йўллар қурдиради. Тахмин қилишларича, қадим Хоразмнинг йирик шаҳарларидан бири – ҳозир ҳам қум тепалар орасида қад кўтариб турган Тупроққалъа ҳисобланган. Тупроққалъада ҳаёт, тарихий маълумотларга кўра, VI аср охири VII аср бошларига қадар давом этган. Тупроққалъада олиб борилган археологик қазिशмалар у қалъа ўз даврида юксак маданиятга эга шаҳар бўлганлигидан далолат беради.

Жингилжи кўрғони архитектураси, қадимги хоразмликлар математика элементлари ва олдосиё ҳамда мисрлик меъморларнинг Хоразмга Эрон орқали кириб келган ютуқларидан хабардор бўлганликларини кўрсатади. У манзилгоҳдан топилган камончи тасвири, ўйиб ишланган бронза, узун-муҳр кўринишидаги ҳокимият рамзлари, аҳмонийлар учун типик – бўкираётган арслон тасвири ишланган муҳр топилди. У топилмалар мазкур даврда Хоразм Эрон аҳмонийлари таъсирида бўлганлигидан ва у уйда аҳмонийларнинг Хоразмдаги обрўли вакилларидан бири яшаганлигидан далолат беради. Юқоридаги фикрнинг далили сифатида шуни таъкидлаш лозимки, археологик қазिशмалар



натижасида аниқланган топилмалар – уй ашёлари, идишлар, турли хил хўжалик буюмлари хонадон эгаси бадавлат бўлиб, Эрондаги Марказий ҳокимият билан алоқада бўлганлигидан дарак беради. Бу ерда кулолчилик дастгоҳида тайёрланиб, ёрқин кизил бўёқ билан бўялган кулолчилик буюмлари – хумлар, тослар, қозонлар, туваклар, турли хил кўзалар, қадахлар, гулдонлар, майда пиёлалар, товоқлар, манғаллар ва жинчироклар, фонуслар топилди. Уйдан темир ва бронзадан ясалган маъдан буюмлар – пичоқлар, ўроқлар, бигизлар, игналар, узуклар, сиргалар, билакузуклар, ҳалқалар, маржонлар, тўгноғич, осилмачоқ ва ҳақозолар чиқди.<sup>1</sup>

Археологик қазинмалар шуни далиллайдики, у давр Хоразмида деҳқончилик халқ хўжалигининг асосини ташкил этган; деҳқончиликда бугдой, тарик, арпа ўстирилган. Шароб тайёрлаш учун узум етиштирилган. Чорвачилик юксак даражада ривожланган ва кишилар ҳаётида муҳим рўл ўйнаган. Косибчилик ва уй ҳунармандчилиги Жингилжи аҳолисининг машғулотига каттагина ўрин эгаллаган. Улар орасида юпка ва дағал матолар тайёрлашдан иборат тўкувчилик, кийим-кечак тикиш, камишдан бўйралар тўкиш, маъдан буюмларни эговлаш ва тўгрилаш, бўёқ; гилдан қурилиш, ганч ҳозирлаш сингарилар муҳим аҳамият касб этган.<sup>2</sup> Қурилиш иши билан шуғулланувчи мутахассис ҳунармандлар, сопол буюмлар ишлаб чиқариш, темирчилик ва темирга ишлов бериш ҳамда заргарлик иши алоҳида ажралиб турган.

Меҳнат қуроқларининг топилмалари алоҳида уйларда турганлиги – ҳунармандчилик бўйича алоҳида устахоналар мавжуд бўлган, деган фикрни юзага келтиради. Жингилжи воҳасида топилган археологик топилмалар шундан далолат берадики, у даврга келиб қадим Хоразмда сипфий жамият ташкил топган, шаҳарлар ҳаёти ривожланган, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик анча тараққий этган. Ашёвий далилларнинг гувоҳлик беришича, у даврда қадимги Хоразмда ўз даври учун юксак даражадаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимооти қарор топган.

<sup>1</sup> Г.Д.Хидоятов. Менинг жонажон тарихим, 32-бет

<sup>2</sup> Уша жойда,

1946 йилда собиқ СССР Фанлар академиясининг Хоразм экспедицияси Жангадарёда милоддан аввалги I минг йилликда қурилган ва милод бошланмасдан бироз илгари қайта таъмирланган Чирикрат қалъасини топади. У қалъа деворлари ичида яшаган қадимги шаҳарлар аҳолиси, чамаси, балиқчилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи ярим кўчманчилардан иборат бўлган. У қадим Хоразм қалъаси ҳақида грек тарихчиси Страбон ҳам ўз асарларида қисқача маълумот берган. Страбоннинг таърифича, у шаҳарда ва унинг атрофларида “сув саклари” ёки “Арасиаклар” яшаганлар. Чирикрат қалъаси тухумсимон улкан истехком бўлиб, квадрат шаклидаги каттакон эски гиштларнинг катталиги 30x30x9 сантиметрдан 50x50x11 сантиметргача етадиган, бир-бири билан туташган икки қатор ғов ва девор билан ўраб олинган эди. Истехком ичида иншоотлар қолдиқлари бўлган учта баланд тепалик бор. Шаҳарнинг жанубий-шарқий қисмида қадимги Хоразм типидagi тўғри тўртбурчак шаклидаги истехком қад кўтариб турарди; истехком тухумсимон қалъанинг у даврга келиб ғовга айланган қадимги деворларини кесиб ўтган эди.<sup>1</sup>

Олдин таъкидлаганимиздек, археологик қазишмалар натижа-сида қадимги Хоразм худудида ўз даври учун юксак маданиятга эга бўлган қалъалар топилди. Милоддан олдинги IV-III асрларга оид бўлган Бозорқалъа, Қўйқирилганқалъа, Қўнарликалъа, Жонбосқалъа ва бошқалар шулар жумласидандир. Қадимги Хоразмнинг бошқа кўпчилик ёдгорликлари ҳам худди ўша даврда вужудга келган бўлиб, кейинчалик милоднинг дастлабки асрларида анча гуллаб яшнаган. Археологик қазишмалар пайтида ҳар бири 150-200 хонали ана шундай улкан мавзе уйларнинг бир нечтасидан таркиб топган Жонбосқалъа, Тупроққалъалар очилган бўлиб, у мавзе уйлар илгаригиларидек истехкомнинг йўқлиги билан ажралиб туради. У шаҳарларни уларнинг ташқи мудофаа усули душмандан ҳимоя қилиб турган. Бундай уйларнинг ҳар бирига камида 500 дан 1000 кишигача, бошқачасига айтганда йирик бир уруг жамоаси сикқан. Шаҳарларда бу жамоа уйлари икки комплексга бўлинган. Жонбосқалъада бор томони иккита уй бўлиб, улар ўртасидан шаҳарнинг ягона кўчаси ўтган. Тупроқ-

<sup>1</sup> С. П. Толстов . Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 107-бет

қалъада ҳам шаҳар дарвозасидан унинг ўрта чизиги ёқалаб кетган битта асосий кўча бўлган: кўчанинг ҳар икки томонида бир-бирига нисбатан симметрик жойлашган массив уйлар турар, уйлар ўртасидан тор кўча ўтарди. Бундай уйларнинг ҳар бирида яшаган жамоанинг хусусиятини аниқлашда ғиштларга туширилган тамғалар уруғга мансубликнинг белгилари катта қизиқиш туғдиради.<sup>1</sup>

Археологик қазилмалар натижасида аниқланган топилмалар қадимги Хоразм қалъаларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганар эканмиз, аждодларимизнинг қадим меъморчилигининг энг илғор удумларига эга бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Қадим Хоразм шаҳарлари ва қалъалари биринчи навбатда ташқи ҳужумдан мудофаа қилувчи истехком сифатида қурилади. Ҳар бир шаҳар ва қалъа ўз ҳарбий кучларига, унинг бошида турган сардорига эга бўларди. Қанча қалъа ва шаҳар бўлса, шунча сардор ҳам бўлган. Бу жойлардаги ҳарбий кучлар (шаҳарлардаги) сардорга бўйсунганлар. Ҳарбий ҳаракатлар чоғида шаҳарлардаги ҳарбий кучлар, гарчи ўз сардорлари бошчилигида ҳаракат қилсалар-да, улар олий сардорга бўйсунар эдилар ва олий сардор бошчилигида ягона мақсад сари интилардилар.

Қадимги Хоразм жамиятидаги юқорида кўрсатилган қатъий иштизом бу жамиятдаги ички бирликни мустаҳкамлар эди. Табиийки, бу ҳолат унинг ҳарбий кучларининг ташқи юришларида муваффақият омили бўлар эди. Юнон тарихчиси Геродот Ксеркс армиясидаги сак ҳарбий гуруҳлари ҳақида шундай ёзган: “Ҳар бир қабиланинг энг муносиб сардори ва ҳар бир элатнинг қанча шаҳри бўлса, шунча сардори ҳам бўларди”.<sup>2</sup> Юқорида таъкидлаганимиздек шаҳар сардорлари олий сардорга – саркардага бўйсунушар, ички, ташқи ва ҳарбий масалаларни ўзаро кенгашиб, уларни биргаликда ҳал этишарди.

Археологик қазилмалар қадимги Хоразмда санъат ҳам анча ривожланганлигини кўрсатди. Қадимги Хоразм қалъаларида олиб борилган илмий археологик қазилмаларда, ўша даврга оид кўплаган ҳайкалчалар ва кулолчилик буюмлари топилди. Башанг кийинган аёлларнинг ҳайкалчалари ҳамда узун этик, бели қисиб

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 123-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда 15-бет

боғланган учбурчак ёқали калта камзул ва уч шохли ғалати “Фригийлар қалпоғи” ни кийган эркаклар ҳайкалчаларининг аксарини ташкил қиларди.<sup>1</sup>

Қадимги Хоразмийлар юксак кулолчилик санъатига ҳам эга бўлганлар. Одамларнинг тасвирлари, ҳайкалчалар билан бир қаторда, идишларга ҳам бўрттирилиб тушурилган. Археологик қазишмалар даврида Хоразм қалъаларида турли хил кўринишдаги расмлар туширилган сопол идишлар топилган. Шунингдек, бадавлат кишиларнинг уй деворларига ҳар хил манзаралар ва расмлар туширилган. Бир сўз билан айтганда, қадимги Хоразмда меъморчилик билан бир қаторда, рассомлик санъати ҳам ривожланган. Юқоридагиларни умумлаштириб шундай хулосага келиш мумкин: қадимги Хоразм юксак ва ўзига хос бадиий маданият яратди. Шаклларнинг мағрурона улугворлиги билан кишини таиғ қолдирувчи монументал архитектура, лойдан ишланган монументал ҳайкаллар, терракот ҳайкалчалар ва рельефларнинг ажойиб пластикаси, қадимги Хоразм нишон ясовчи рассомларнинг ғоят нафис санъати ва ниҳоят, нақшлардаги рангоранг чизма образларнинг уйғунлиги бутунича олганда, қадимги Хоразм маданиятини яратган кишилар, образлар тафаккурининг ҳамда бадиий маҳоратининг мустақиллиги, кучи ва етуқлигидан далолат берувчи ниҳоятда оригинал ва яхлит комплексини ташкил этади.<sup>2</sup>

Қадим Хоразмда катта кичик шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ирригация ва мелиорация қурилишининг аниқ мақсад сари йўналтирилиши, ишлаб чиқариш маданиятининг шаклланиши – булар ҳаммаси стихияли суратда юз бермади, балки, улар онгли равишда, умумий раҳбарлик остида амалга оширилди, деб хулоса чиқаришга асос бўлади. Бу фикрни буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний ҳам тасдиқлайди. У ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Хоразмда деҳқончилик маданиятининг юксалиши, аҳолиси кўп шаҳарларнинг пайдо бўлишини, анча қадимдан, милoddан олдинги XIII аср билан боғлайди.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> С.Н.Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини йллаб. 131-132-бетлар

<sup>2</sup> Ўша жойда. 202-бет

<sup>3</sup> Р.Жуманиёзов. Қадимий Хоразм тарихи. 14-бет

Милоддан олдинги I минг йилнинг бошларида Хоразмда катта сиёсий ўзгаришлар юз берган. Олдин таъкидлаганимиздек ибтидоий жамият ўрнига синфий жамият вужудга келди. Қадимги Хоразмда куллар меҳнатига нисбатан унумли бўлган эркин деҳқонлар меҳнатидан фойдаланиш кенг миқёсда амалга оширилган бўлса-да, маълум даражада, яъни уй-рўзғор ишларида куллар меҳнатидан ҳам фойдаланилган. Шунинг учун ҳам қадимги Хоразмда куллар меҳнатидан фойдаланиш, шарқ мамлакатларидаги каби ҳар томонлама умумий характерга эга бўлмаган. Юқоридагиларга асосланиб шуни қайд этиш мумкин-ки, Хоразмда кулдорлик тузуми ижтимоий тузум сифатида бўлмаган.

Қадимги Хоразмда ибтидоий жамоа тузуми ўрнига синфий жамият вужудга келиши билан йирик сиёсий маданий марказлар шаклланади. Бу эса хоразмликларнинг қадимги аجدодлари халқ сифатида шаклланишида жуда муҳим аҳамият касб этди.

Шундай қилиб, қадимги Хоразмда аста-секин ёмғир ва тошқин сувлардан фойдаланиш ўрнига, сунъий суғориш системасига ўтилди. Хоразмда суғориш тизимининг юқорида кўрсатилган ривожли милоддан олдинги биринчи минг йилликнинг ўрталарига ва милоднинг бошларига тўғри келади. Бу даврга келиб қадимги Хоразм давлати сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама яхшиланди. Унинг Эрон, Ҳиндистон, Хитой каби давлатлар билан алоқалари ҳар томонлама ривожланди, савдо-сотик, хунармандчилик, деҳқончилик анча тараққий этди. Хоразмда ўнлаб йирик каналлар қурилди. Каналлар атрофида Жонбосқалъа, Тупроққалъа, Аёзқалъа, Қалъалиқир, Кўзалиқир, Ҳазорасп, Кардаронхос (Қоложиқ), Олмаотишган, Ваянгон каби кўплаб антик шаҳарлар қад кўтарганлар. Ўша даврда қурилган каналлар орасида ўзининг 70 чақиримгача чўзилган Гавҳура канали, Қирққиз канали, Чарманёп канали, узунлиги 200км гача қадимги Ҳазорасп канали, Хайқоник (Полвон ёп), Мадра (Ғозовот) ва Бадак (Шовот) каналлари алоҳида аҳамиятга эга бўлган.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Хоразм тарихи, 107-бет

Археологик манбаларнинг гувоҳлик беришларича, бу даврда Амударё ва Сирдарё оралиғидаги катта ҳудудда сунъий суғоришга асосланган дехқончилик ерлари вужудга келтирилди. Тахминий ҳисобларга кўра, биз юқорида ўрганаётган даврда Хоразмда суғориладиган майдон ҳозиргига нисбатан уч марта кўп бўлган. Фақат Амударёнинг қуйи оқимида 1,3 млн. дан 700 минг гектаргача майдонга сув чиқарилган.<sup>1</sup> Қадим Хоразм аҳолиси дехқончилик ишининг яхшигина билимдонлари бўлганлар. Антик Хоразмда кишлоқ хўжалигида дончилик, полизчилик ва боғдорчилик тармоқлари анча тараққий этган. Ўша даврда донли экинлардан буғдой, арпа, шоли, сули, тарик, жўхори каби, полизчиликда – сабзи, пиёз, қовун, бодринг, қовоқ, тарвуз кабилар, боғдорчиликда эса узум, олма, ўрик, шафтоли, анжир каби мевалар етиштирилган. Археологик тадқиқотларнинг далилланишича, у даврда Хоразмда пахта ва зиғир ҳам етиштирилган. Бедадан чорва молларини боқишда кенг фойдаланилган. У давр Хоразми дехқончилик маҳсулотлари билан фақатгина мамлакат ичкарисинигина таъминламасдан, балки, уларни чет мамлакатларга ҳам чиқарган. Қадимги Хоразм ирригация тизимининг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Ўша давр каналларининг сатҳи саёз бўлиб, энига ниҳоятда кенг (70 метргача) қилиб қурилган эди.

Қадимги Хоразмнинг ижтимоий сиёсий ҳаётида ҳам ўша даврга келиб жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Патриархал феодал тузуми анча мустаҳкамланди.

Қадим Хоразм ҳудудида содир бўлган бу ижтимоий сиёсий тушқунлик тахминан 2 асрларча давом этади. Фақатгина VII аср бошларида сиёсий барқарорлик юзага келади. Иқтисодий ва маданий ҳаётда яна янгидан кўтарилиш сезила бошлайди. Жафокаш, меҳнаткаш Хоразм халқи ички қурашлар ва ташқи ҳужумлар натижасида вайрон бўлган ўз юртларини қайта тиклай бошлайдилар. Издан чиққан эски каналлар қайта таъмирланди ва ишга туширилди. Ана ўша каналлар атрофида Бургутқалъа, Қаватқалъа каби мустаҳкам ва ҳашаматли шаҳарлар қад кўтарди. У шаҳарларда савдо-сотик ва ҳунармандчилик ривожлана бошлади. Юқоридаги ривожланиш Хоразмнинг кишлоқ хўжалигининг ва суғорилиш тизимининг

<sup>1</sup> Ўша жойда

таракқийсига ҳам туртки бўлди. Суғориш ишларида анча уддабурон Хоразмийлар бу давр-га келиб, унга давр талаби асосида янгилик киритдилар. Антик даврда, олдин кайд этганимиздек Хоразмда каналлар анча саёз, эни эса анча кенг бўлар эди. Энди биз таҳлил қилаётган даврга келиб хоразмликлар каналларни олдингига нисбатан анча чуқур ва энини нисбатан тор қазийдиган бўлишди. Бунга сабаб, у давр-да Хоразмда ер рельефининг анча баландлашиб қолганлиги муносабати билан унга сув чиқаришнинг кийинлашиб қолганлиги бўлса керак. Бундан ташқари, воҳа марказидан анча йироқда бўлган чўл ва адирларга сув чиқариш зарурияти ҳам ана шу муҳим тадбирни тақозо этган бўлиши мумкин. Ўша қадим даврда Хоразмда қурилган чуқур ва эни торайтирилган каналлар ўз хусусиятларига кўра, Хоразмнинг ҳозирги замон магистрал каналлари қурилмасига кўп жиҳатдан яқин туради. Каналларнинг чуқурлашуви деҳқонлар олдида яна бир муаммони келтириб чиқарди. Бу ҳам бўлса, пастдан оқаётган сувни юқорига кўтариб, экин майдонларига етказиб бериш муаммоси эди. Уста миришкор Хоразмийлар бу муаммонинг ечимини ҳам топдилар. Ариқдаги сувни юқорига кўтариб экин майдонларига тарқатадиган махсус қурилма-чиқир ихтиро қилинди. Чиқир – ёғочдан ишланган ва иш ҳайвонлари ёрдамида ҳаракатга келадиган ўзига хос қурилма. Унинг яратилиши ўша давр ирригация тарихида буюк кашфиёт-дир. Чиқир минг йиллар давомида Хоразм деҳқонининг муш-қулини осон қилган энг самарали усулдир. Академик Я. Гуломовнинг таъкидича кўҳна Хоразмда чиқирдан фойдаланиш миллодининг VI-VII асрига тўғри келади.<sup>1</sup> Ҳақиқатан ҳам Хоразм деҳқонлари томонидан чиқирни ихтиро қилиниши бу соҳадаги бебаҳо кашфиёт эди. Чиқирдан фойдаланиш Хоразм деҳқонининг оғир шароитли меҳнатида катта аҳамиятга эга бўлди ва унинг фаолияти XX асрнинг 50-йилларигача давом этди.

### **1.3-боб. Қадимги хоразм қабилалари. уларнинг тили, дини, ёзуви, маданияти хусусида мулоҳазалар**

Кўҳна Хоразм замини жаҳоннинг энг қадимий юртларидан бири бўлгани каби, Хоразмий қабилалар ҳам дунёнинг энг

<sup>1</sup>Ша жойда, 108 – бет

қадимий халқларидан бири бўлганлар. Улар қадим-қадимда Эрон билан Турон ўртасидаги катта ҳудудда яшаганлар. Ўз даврининг юксак маданиятли халқларидан саналганлар. Мустақиллигимиз туфайли аجدодларимиз тарихини ўрганишда янгидан-янги саҳифалар очилмоқда. Фикримизга далил шуки яқинда Ҳамид Сулаймонов номидаги республика қўлёзмалар институтида янгидан қадимги Ўрхон-Энасой, Сўғд, Хоразм ва пахлавий ёзувлари бўлимлари очилиб, унда ўтмишдош аجدодларимизнинг ёзувлари бугунги авлодга намойиш қилинмоқда. Аждодларимиз тарихини ҳар томонлама ўрганишга қизиқиш ортмоқда. Янгидан-янги илмий тахминлар илгари сурилмоқда. “Ихтиро” рўзномасида, 1994 йил 4-9 сонларида “Ўтмишга назар” деб номланган туркум мақолалар чоп этилди. Бу мақолалардаги илгари сурилган ғоя ва тахминлар кўпчилиكنинг диққатини ўзига жалб этди. Унинг муаллифи гидроинженер ихтирочи, фидойи ўлкашунос Т. Жулдубоев бўлиб, у ўз кузатувларида Хоразмийларнинг аждодлари 6-7 минг йил илгари улар яшаган ҳудудларни сув босганлиги сабабли, бу ердан Мессапатомиа – икки дарё оралиғидаги Бобил (Вавилон) мамлакатига кўчиб кетганликлари ва тўфондан сўнг 4 минг йил муқаддам яна Хоразмга қайтиб келганликлари ҳақидаги тахминни илгари суради.

Бу тахмин билан муаллиф Хоразмийларнинг асл келиб чиқиши инсониятнинг энг қадимий маскани Бобил авлодига, Хива шаҳри эса Вавилоннинг айна нусхаси эканини исботлашга уринади. Албатта, юқоридаги тахминлар илмий асоси йўқ тахминлардирлар. Назаримизча, Хоразмийлар жаҳоннинг қадимий халқларидан бири эканлигини асоссиз исботлашга зарурият йўқ. Қадимги Хоразм (Каспий денгизининг шарқий қирғоқларидаги ва Эрон билан Турон ўртасидаги ҳудудлар) ерларида олиб борилган археологик қазилмаларнинг гувоҳлик беришларича, Хоразм ҳудудида дастлабки одамларнинг яшаган даври илк палеолит даврига (бундан 150 000 йил олдин) тўғри келиши ва Хоразмий қабилаларнинг қабила бўлиб шаклланганликларига 12,5 минг йилдан ошиқроқ вақт бўлган<sup>1</sup>. Бир сўз билан айтганда, биз аждодларимизнинг жаҳоннинг энг қадимий ва маданиятли халқларидан бири эканлиги билан ҳар қанча

<sup>1</sup> Р.Жуманиёзов. Қадимий Хоразм тарихи. 6-бет.



фахрлансак арзийди<sup>1</sup>. Қадим Хоразмда яшаган қабила ва халқлар тўғрисида бугунги кунда ёзма манбалар кам, борлари ҳам агрофлича тўлиқ маълумот бера олмайди. Археологик манбалар қадимий Хоразм қабилаларининг илк турмуш-тарзи ҳақида муайян маълумот-ларни берсада, улар қадим хоразмликларнинг турмуш мадания-тини ёритиш учун мутлақо етарли эмас. Бир-бири билан узвий боғланмаган бу маълумотлар асосида қадим Хоразм тарихини ҳар тарафлама кенг ёритиш қийин. Қадимий Хоразм ҳудудида яшовчи қабилалар ҳақидаги дастлабки маълумотларни ҳам яна биз юнон тарихчилари Гекатий Перизегит (Милоддан олдинги VII-VI асрлар) Геродот (милоддан олдинги V аср), Плиний Страбон (милоддан олдинги I-II асрда) ва бошқаларнинг асарларида кўрамиз. Аммо бу манбаларда ҳам қадимги хоразмликлар ҳақида батафсил маълумотлар кам. Яна шуни ҳам уқдириш лозимки, юқорида номлари келтирилган юнон мутафаккирлардан ҳеч бири қадимги Хоразм ҳудудида бўлмаган. Улар қадимги Хоразм ҳақидаги маълумотларни Хоразмда бўлган кишилардан эшитган суҳбатлари асосида ёзганлар. Шунга қарамасдан, қадимги Хоразм ҳақидаги у ёзма манбалар бугунги кунда катта аҳамиятга эгадир.

“Хоразмийлар деб ёзади, – С.П. Толстов, – милоддан олдинги II ва I минг йилликлар чегарасида биз текшираётган Хоразм этногенези босқичларининг учинчисида фрак-киммерийлар деган умумий ном остида Қора ва Каспий денгизларини ўраб олган қабилаларнинг бири сифатида майдонга чиқади<sup>2</sup>.”

Қадимги юнон тарихчиси Страбоннинг таъкидича Хоразмийлар массагет қабилалари таркибига кирувчи аҳолидан таркиб топган. Улар жануби-ғарбда ва шимолий-шарқда дах қабилалари билан қўшни бўлгани ҳолда, дахлар томондан Болкон гетлари билан қўшни эдилар. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, хоразмликлар яшаган ҳудудларга қадимги Ҳинд-Европа қабилаларига тегишли учта катта ўлка, минтақалар кириши тахмин қилинади. Бундай тахминларга маълум даражада асослар ҳам бор. Буларга асосий шаклланиш Марказий Эрон яси

<sup>1</sup> Қадимги Хоразмийларнинг яшаш ҳудудлари харитаси китобнинг бошида берилган

<sup>2</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 94-бет.



**Ражаб Жуманиёвич Жуманиёв**  
**тарих фанлари доктори, профессор**

тоғлигининг шарқий этакларига (ҳозирги ғарбий Афғонистон худуди) тўғри келадиган, шунингдек Амударёнинг юқори оқимини ҳам ўз ичига олган Ҳинд-Эрон қабилалари; Оролбўйи ва Закаспий даштларини ишғол қилган Фрак-киммерий қабилалари: Ўрта Осиё шарқий дашт ва тоғ этакларининг чекка жойларида яшаган ҳамда борган сари Фрак-киммерийлар билан бирлашиб, уларга кўшилиб кетган сак ёки скиф қабилалари киради. Шунинг учун ўтмишда айрим юнон муаллифлари хоразмликларни скифлар деб ҳам атаганлар.

“Хоразм” атамаси ва хоразмликлар тўғрисидаги илк ёзма манбалар олдин қайд этганимиздек, қадимги юнон тарихчилари милетлик Гекатий (мил.аввалги VII асрнинг охири, VI асрнинг бошларида яшаб ўтган) ва тарихнинг отаси деб ном қозонган Геродот (милоддан аввалги V асрларда яшаган) асарларида илк бор учрайди. У тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, ўрта ва куйи Амударё ва Сирдарё минтақасида бир неча ўн йирик қабилалар истиқомат қилишганлигини ва бу қабилалар дербиклар, сокараваглар, Хорасмия, Хаумвараги-Саки ва апасиак (обисаклар) йирик конфедерацияга бирлашган. Иттифокнинг марказида ўтроқлашган, нисбатан юқори маданиятга эга бўлган Хорасмия қабиласи турган. Манбаларнинг кўрсатишича, у қабилаларнинг ҳаммаси ҳам бир-бирига яқин тилларда сўзлашган ва улар умумий ном билан массагетлар деб аталганлар. Афсонавий Тўмарис ҳам дербик қабиласининг бошлиғи бўлиб, милоддан аввалги 529 йил, 16 август куни Эрон Шоҳи Куруш (Кир) билан бўлган жангда массагетларнинг бирлашган кўшинига раҳбарлик қилган. Массагет қабилалари иттифоқига кирган апасиак қабиласи тарихий манбаларининг гувоҳлик беришича, ўша даврда Орол кўлининг жанубий-шарқий қирғоқларида истиқомат қилишган. Кўчманчи саклар – сакараваглар деб аталса, Хаумвараги-сакилар эса асосан ботқоқликда яшовчи, балиқ тутиб кун кўрувчи саклар деган маънони билдирган. Дербиклар ўша пайтларда (яъни милоддан олдинги I-минг йилликнинг I-ярмида) гирканлардан шимолда, Амударёнинг Каспийга қуйиладиган Узбой ирмоғининг ҳар иккала томонида истиқомат қилишган. Хорасмия қабиласи асосан Туямўйиндан то Қоратов (Султон

Вайис)гача бўлган майдонларда асосан ўтроқлашган турмуш тарзидаги элат бўлган бўлса керак, деб тахмин қилинади.

Таникли тарихшунос олим Г. А. Ҳидоятлов ўзининг “Менинг жонажон тарихим” номли китобида қадимги юнон тарихчиси, Плиний маълумотларига асосланиб, ўлкамиздаги 20 дан ортиқ қабила ва халқлар номларини келтириб ўтади<sup>1</sup>. Шу жумладан массагетларни ҳам алоҳида қабила ёки халқ сифатида қайд қилиб ўтади. Ҳолбуки, Геродот асарларида массагетлар алоҳида қабила бўлмай, балки бешта сак қабилаларининг уюшмаси эканлиги ҳақида маълумотлар бор. Массагетлар уюшмасидан ташқари ҳам бошқа сак қабилалари мавжуд бўлганлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас, албатта. Лекин, массагет қабилалар уюшмасига кирмаган ва бошқа қабилалар ҳаётига бу уюшма, хусусан хоразмликларнинг ўтроқ маданиятининг таъсири бениҳоя катта бўлган.

Биз ушбу китобимизнинг кейинги саҳифаларида қадимги Хоразмий қабилалари, уларнинг тили, маданияти, дини ва машғулотлари ҳақида қисқача фикр юритамиз. Юнон тарихчилари Страбон ва Геродот Каспий денгизидан шарқда бепоён текислик бўлиб, бунда кўп сонли урушқоқ халқлар яшайди, деган яқдил фикрни билдирганлар. Страбон у халқларнинг бир қисми тоғларда, бошқа қисми текисликларда, айримлари дарёлар ҳосил қилган ботқоқларда яшаганлар, яна аллақайсилари ўша ташландиқ оролларни эгаллаганлар деб ёзган<sup>2</sup>. Албатта юнон муаллифлари скифлар деб атаган қабилаларнинг кўпчилиги қадимги Хоразмийларга мансуб қабилалар бўлган бўлса керак. Юнон тарихчиси Плиний маълумотларига кўра, у қабила ва халқларнинг сони олдин ёзганимиздек 20 тагача етиб боради. Улар орасида массагетлар, саклар, дайлар, исседонлар, атаклар, руминлар, хоразмийлар, шерхонлар, каспийлар, арғипплар, аримпаслар, дербиклар, барконийлар, тапурлар, эглар ажралиб турган<sup>3</sup>. Назаримизча, у қабилалар ичида кўпсонли ва эътиборлиси қабилалар уюшмаси (конфедерация) деб аталган

<sup>1</sup> Г. А. Ҳидоятлов. Менинг жонажон тарихим. Тошкент 1992 й, 23-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

массагетлар бўлган бўлса керак. Чунки, юнон муаллифлари ўз асарларида кўпроқ ўшаларга эътиборни қаратганлар.

Юнон тарихчиси Геродот ўзининг “Тарих” китобида қадимги Хоразм ҳудудида яшаган массагет қабилаларини “кўп сонли” ва “урушқок” қабила ҳисоблайди. Геродотнинг ўша даврда берган маълумотларига кўра, улар массагетлар Амударёнинг ўнг ва сўл соҳилида Каспийдан то Сирдарёгача бўлган кенг ҳудудларда яшаганлар. Улар ўта жанговар, ўта ҳарбий ишга лаёқатли кишилар бўлганлар. От устида ҳам бемалол жанг қила олганлар. Улар ўзларининг ўта шиддатли жанг олиб бориш усули билан душманга даҳшат солганлар. Уларнинг жанг қуроллари ўқ-ёй ва найза бўлган. Уларнинг қўлларидаги ойболталар жангда даҳшатли уруш қуролига айланган. Уларнинг уруш қуроллари – найзалар, ўқлар ва ойболталари мисдан ясалган. Археологик топилмалар ва ёзма манбалар шундан далолат берадики, массагетларнинг олтинлари кўп бўлса керак, чунки улар отларидаги юганлар, совлиқлар ва эгардаги тўқаларигача олтиндан ясалганлиги маълум бўлди.

Юнон тарихчиларидан Гекатий ва Страбонлар массагет қабилаларидан хорасмийларнинг одатлари ва ҳаётлари тўғрисида анчагина маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Таниқли шарқшунос олим С. П. Толстов ҳам ўзининг “Қадимги Хоразм маданиятини излаб” номли асарида юнон тарихчиларининг массагет қабилалари ҳақида берган маълумотларини келтирган. Страбон ўз асарларида қадимги Хоразм ҳудудида яшаётган “Хвайразем” (Хоразм) қабиласи ҳақида ҳам тўхталиб, у қабилани 4 гуруҳга ажратади. 1) Ороллар аҳолиси – ёввойи мева ва илдиз мевалари билан озиқланишади, экин экилмайди, чорва моли асрашмайди; 2) ботқоқликлар аҳолиси – балиқ истеъмол қилишади, толен терисидан кийим кийишади; 3) тоғ аҳолиси – қўй, эчки боқинишади, улардан жуш ва сут олишади; 4) текисликлар аҳолиси – қўй гўшти, балиқ истеъмол қилишади. Юқорида биз юнон тарихчилари Страбон томонидан массагет қабилалари, Геродот томонидан Хорасмия қабиласи ҳақидаги маълумотларни келтирдик. Ушбу маълумотларни кунг билан ўрганганимизда, массагет қабилалари воҳадаги бошқа этник бирликлар билан бир таркибий яхлитликни ташкил этиши маълум бўлади ва уларнинг турмуш

тарзи ва урф-одатлари бир-бирларидан деярли фарқ қилмаганлигига шоҳид бўламиз.

Айрим юнон тарихчилари массагетларни саклар билан айнан бир деб ҳисоблаганлар. Бундай қарашларни биз Эрон ҳукмдорлари Аҳмонийлар ҳам қадимги Хоразм худудида яшаган қабилаларнинг барчасини бир ном билан, яъни саклар деб аташганларидан биламиз. Бу, албатта, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳол. Гарчи, массагетлар ва саклар Хоразмийларга ўхшаш ва энг яқин қабилалар бўлсаларда, бироқ, улар алоҳида, бошқа-бошқа қабиладирлар. Массагет юнонча сўз бўлиб, “катта Сак Ўрдаси” деган маънони англатса-да, бироқ бу ҳолат массагетлар деган қabila қадимий Хоразм худудида бўлмаган, деган фикрни тасдиқламайди. Гарчи, юнон тарихчиси Страбон ўз асарларида массагетлар алоҳида қabila бўлмасдан, балки қадимги Хоразм худудидаги қардош 5 та қабиланинг умумий номи бўлган деб ёзса, бошқа юнон тарихчиларидан Плиний қадимги Хоразм худудида кўп сонли массагет қабилалари яшаганликлари тўғрисида маълумот бериб бу фикрни тасдиқлайди. Юқоридаги фикрларга асосланиб, биз ҳам ўз китобимизда мамлакатимиз худудида узоқ ўтмишда бугунги хоразмликларнинг аجدодларидан бири – массагет қабилалари яшаганликларини таъкидлаймиз. Қадимги Хоразм худудида яшаган қадимги қабилалардан яна бири сак қабилаларидир. Саклар Амударё ва Сирдарё ўртасидаги жуда катта ҳудудда жойлашганлар. Урф-одатлари ва турмуш маданиятлари жиҳатидан қадимги хоразмликларга жуда яқин турганлар. Массагетлар қаби саклар ҳам бугунги кундаги хоразмликларнинг аجدодлари бўлса, ажаб эмас. Юнон сайёҳи Дионисий Периятий: “Сўғдиёна ортида Сирдарё (Яксарт) бўйларида ўқ узар, ўқи беҳуда кетмайдиган, дунёдаги энг моҳир ўқчилар-саклар яшайди” деб ёзган<sup>1</sup>. Манбаларнинг таъкидлашича, кўчманчи чорвачилик саклар хўжалигининг асосини ташкил этган, уларнинг бир қисми ўтроқ бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар. Бронза қуйиш уларда ривожланган эди. Улар араваларда кўчиб юрганлар ва сут истеъмол қилганлар. Сак қабилалари ибтидоий уруғ демократиясига эга бўлган озод жамоа

<sup>1</sup> Г.А.Хидоятлов Менинг жонажон тарихим. 23-бет.

бўлган. Юнон тарихчиси Эфор (милоддан олдинги 405-330 йиллар) улар адолатли кўчманчилардан чиққан бўлиб, ўлжага, бойликка берилмайдилар, бир-бирларига адолатли муносабатда бўладилар, ҳамма нарсага – хотинлар, болалар ва бутун оилага биргаликда эгалик қиладилар, деб ёзган <sup>1</sup>.

Саклар ўз қардошлари массагетлар каби ҳарбий ишга ўта лаёқатли бўлганлар. Саклар қалин кийиздан тикилган, ўткир учли қалпоқ кийганлар. Геродотнинг таъкидлашича, улар “иштон кийганлар”, ажабтовур шакли ёйлари, қиличлари ва махсус ой-болгалари бўлган. Улар одатлари жиҳатидан хоразмликларга яқин турганлар. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Страбон ва Диодордан сўнг кейинги манбаларда массагетлар ҳақида эслатмалар учрамайди. Тарихий маълумотларга қараганда, уларнинг тақдири шундай бўлган.

Милоддан аввалги VII-VI асрларда массагетларнинг катта конфедерацияси мавжуд бўлиб, унга бешта элат кирган ва VI аср ўрталарида конфедерация бир қанча қисмларга бўлиниб кетган <sup>2</sup>. Шу туфайли массагет номи тарих саҳнасида ўчган бўлса ажаб эмас. Назаримизча, айнан ўша бўлинишдан кейин Хоразм худудида вужудга келган катта Хоразм давлати таркибига кирган массагет қабилалари Хоразмийлар билан қўшилиб кетган бўлиши мумкин. Бу соҳада иккинчи тахмин ҳам мавжуд бўлиб, бунга мувофиқ юнон тарихчиси Геродот ёзганидек, массагет номи алоҳида бир қабиланинг номи бўлмасдан, ҳарбий иттифоққа кирган бешта қабиланинг умумий номи бўлган ва юқорида қайд этиганимиздек, ҳарбий иттифоқ тарқалиб кетгач, массагетлар хоразмликларнинг таркибий қисмига айланган. Юнон тарихчилари қолдирган массагетлар хусусидаги ҳар иккала ёзма манбага ҳам зўр эътибор билан қараш лозим.

Қадимги Хоразм қабилаларига орийлар ҳам кирган бўлиб, улар баланд бўйли, сариқ мағиз юзли, кўк кўзли, жингалак, кўнгири сочли кишилар бўлганлар ва ташқи кўриниши чиройли, хушбичим, очик кўнгил, ўта қатъиятли, жасоратли кишилар бўлганлар. Жанубдаги қўшни Ахмонийлар форс ҳукмдорлари Хоразмийлар ва уларга қардош қабилалар билан дўстлик

<sup>1</sup> Ўша жойда 23-бет.

<sup>2</sup> Хоразм тарихи I жилд, 75-бет.

муносабатларини ўрнатиб, иттифоқ тузишга интилганлар. Ахмонийларнинг хориж истилочилик юришларида Хоразмийлар иттифоқчи сифатида қатнашган. Улар Ахмонийлар қўшинининг душман устидан қозонган ғалабаларига салмоқли ҳисса қўшганлар. Кўпгина қадимги муаллифлар ва янги давр шарқшунос олимларининг айримлари, эронийлар каби хоразмийлар ҳам орий қабилалари оиласига таалуқли эканликларини билдирадilar. Худди шундай фикрни кўзга кўринган шарқшунос олимлар академик В.В. Бартольд ва С.П. Толстов ўз асарларида илгари сурганлар. Худди шундай тахминга ёзувчи Евгений Березиков ҳам ўз асарида<sup>1</sup> урғу берган. Хоразмийларнинг аждодлари, қадимги манбаларда таъкидлаганларидек, Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ёфаснинг фарзандлари – ўғиллари бўлиб, улар орийларнинг бир бўлагидирлар<sup>2</sup>, – деб ёзади Е. Березиков.

Березиковнинг кўрсатишича, орий қабилаларининг асосий келиб чиқиш жойи, кўпчилик олимлар томонидан энг қадимги одамларнинг пайдо бўлган ва ошёнларидан бири деб тан олинган Марказий Осиёдаги ясси тоғликлар бўлиб, кейинчалик орийлар ўша ердан Осиёнинг ва Европанинг бошқа ҳудудларига тарқалганлар. Березиков орий сўзини “олийжаноб” ва “эъзозли” маъносида таржима қилади. Орий қабилалари бўлмиш хоразмликлар ва уларга қардош бўлган қабилаларнинг феълу атворларида мавжуд бўлган олижаноблик ва мардлик хусусиятларини ҳисобга олсак, ҳамда хоразмликларнинг юқорида таъкидлаганимиздек, ташқи кўринишига уларнинг баланд бўйли, сарғиш сочли, оқ юзли, кўк кўзли эканликларини кўз олдимишга келтирсак, Е.Березиковнинг хоразмликларнинг орий қабилаларига мансуб эканлиги ҳақидаги фикрларига тўла қўшилиш мумкин. Олдин қайд этганимиздек, дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган халқаро Юнеско тапшилоти томонидан осмон остидаги музей шаҳар деб тан олинган Хива шаҳрига ташриф буюрганингизда, у ердаги кишиларга диққат билан разм солганингизда, қадимги хоразмликларнинг ташқи кўринишларини ўзида акс этдирган айрим кишиларни кўрасиз. Улар баланд бўйли, оқ юзли, кўк кўзли, малла сочли кишилар бўлиб, юзлаган

<sup>1</sup> Евгений Березиков. Святые лики Туркестана. Ташкент. Камалак. 1992й. 4-бет.

<sup>2</sup> Уша жойида 4-бет.



асрлар ўтишга ва халқлар ассимиляциясига – аралашиб кетишига қарамасдан, қадимги хоразмликлар-орийларга хос ташқи кўри-нишларини ўзида сақлаб қолганлар.

Таниқли файласуф олим Тоҳир Карим ҳам ўзининг “Муқаддас “Авесто” изидан” номли китобида хоразмликларнинг орийларга мансуб эканлигини аниқ далиллар асосида кўрсатиб беради. У ўз фикрини тасдиқлаш учун, керакли далилларга суянишга ҳаракат қилади. Биринчидан, “Авесто” ёзма ёдгорлигидаги (Видевдат) жугрофий ўлкалар (қаршвар)ларнинг рўйхатида Арианъм Ваэжо номи билан айнан қуйи Амударё ҳудудлари назарда тутилиши ва унинг маъноси орий кенгликлари эканлигини асос қилиб, пировардида Хоразм атамасининг этимологиясини ҳам шундан келтириб чиқаради. Иккинчидан, таниқли рус тарихчиси Л. Н. Гумилев (“Тысячелетия вокруг Каспия” М.1993г. стр. 57-61) асарларидаги орий атамасига ойдишлик киритиб, Зардуштга эргашиб ягона Ахура Мазданигина тангри деб эътироф этган қавмларга орийлар деб аташ расм бўлган, деган хулосасига таянади. Чунки, яқка ҳудолик дастлаб Зардушт томонидан айнан қуйи Амударё ҳудудларида тарқалганлиги маълум. Турон деганда ҳалиям эски, кўп ҳудолик (дсв) ларга сизгинувчи ва Зардуштнинг яқка ҳудолик таълимотига қарши турган, асосан Сирдарё бўйларида истиқомат қилувчи қавмлар – Корапонлар, Дану ва Тийирия (Тур) қабилалари тушунилган. Учинчидан, дастлаб Зардуштийлик қуйи Амударё ҳавзасидаги халқлар орасида кенг тарқалганлигини ва уларни Ариан (Эрон)лар деб аташ расм бўлганлигини Эрон авесто-шуносларининг отаси бўлган Иброҳим Пури Довуд ҳам тани олади. Ҳатто Пури Довуд ҳозирги хиваликлар – қавилар (сиёвушийлар)нинг аждодлари, деб ҳисоблайди. Тўртинчидан, хоразмликларнинг орийларга бевосита мансублигига оид бўлган қадимий ривоятни олиб келади. Гўё Сиёвуш (Хоразмшоҳ) билан Хўрмўзд (Ахура Мазда)нинг қизи Анахита никоҳидан “дунёга келган фарзандлар (Хоразмшоҳлар сулолалари) оддий фуқаролардан бутунлай фарқланиб, уларнинг наслини илоҳий Ормузд наслдан (орийлар) деб даъво қилганлар” (қаранг. Тоҳир Карим. “Муқаддас “Авесто” изидан”. Тошкент, 2000. 132-134-бетлар).

Яна шуни ҳам таъкидлашимиз лозимки, орий (Ариан, Эрон) атамаси Кайхусрав (эрамиздан олдинги 558-529) ва Кумбуз (эрамиздан олдинги 529-522) даврларда форс, Эламда қўлланилмаган. Эрон атамаси шаҳоншоҳ Доро I (эрамиздан олдинги 522-486)да оташпарастлик (яъни, маздапарастлик) форслар салтанатида расмий давлат дини (эрамиздан олдинги 487 йил), деб эълон қилгандан сўнг ягона тангри Ормиздга эътиқод қилувчиларга нисбатан қўлланила бошланган.

Таниқли олим С.П. Толстов ўзининг қадимги “Хоразм маданиятини излаб” асарида Каварлар (Венгрлар-муал.) аслида Хоразмдан келиб чиққанлиги ҳақида ёзади. “Каварлар аслида Хоразмдан келиб чиққанликлари тўғрисидаги нақллар, уларнинг авлодлари хотирасида XIII асрда ҳам эс эс-сақланиб қолган эди<sup>1</sup>, деб кўрсатади С.П. Толстов. Тарихий манбалар шуни далиллайдики, қадим-қадимдан Хоразмийларнинг таъсир доираси анча кенг бўлиб, Волга ва Каспий бўйларигача бориб етган. Хоразмийлар ўзга халқлар орасида катта обрўга эга бўлганлар. Каспий денгиздаги кемачилик бутунлай Хоразмийлар қўлида бўлган. Ҳатто Хоразмдан чиққан кишилар ўзга халқларда ҳукмдорлик мавқени эгаллаганлар.

XIII асрга оид венгер солномаларида Кавар зодагонлари ичидан чиққан қирол Самуин Аба (1041-1044) насл-насаби жиҳатидан хоразмлик бўлганлиги тўғрисидаги ривоят сақланиб қолган. Манбаларда унинг насаби Аттилланинг фарзанди Хабанинг хоразмлик хотинидан бўлган ўғиллари Ед ва Едумерга тақалади. Шуни ҳам айтиш керакки, Едумер ўз отаси ва онасининг жуда кўп қариндош уруғлари билан бирга Венгрияга қайтади.

Қадимги Хоразмийларга яқин қабилалардан яна бири Хазор қабилалари эди. Айрим тарихий манбалар шуни кўрсатадики, Қавар-Хвар, Ховар номининг Фарбий Ҳазорча талаффузи бўлиб, хоразмликлар қадимда ўзларини ана шу ном билан атаганлар. Айрим қадимий манбаларда Хоразмни – Хварейзим ёки Хвайризем шаклида берилиши юқоридаги тахмин учун асос бўлиши мумкин.

---

<sup>1</sup>С.П.Толстов. 243-бет.

VIII асрнинг тахминан ўрталарида, Хазориянинг пойтахти Доғистондан қуйи Волгадаги Итиль шаҳрига – Хоразмнинг Шарқий Европа билан қилган савдо алоқаларининг энг муҳим пунктига, бир қанча қуруқлик ва сув йўллари кесишган жойга кўчди. Эҳтимол, бу кўчиш ҳам Хоразм мухожирларининг фаолияти билан боғлиқдир.

Юқоридаги саҳифаларда баён этилган узоқ ўтмиш тарихимиздан хабар берувчи маълумотларни ўқир эканмиз, аждодларимизнинг халқаро сиёсий майдонда катта сиёсий обрўга эга бўлганлигининг шоҳиди бўламиз.

Хазория билан Хоразмнинг сиёсий жиҳатдан бирлашуви VIII асрнинг 60-йилларигача давом этди. 764 йили Хазория кўшинлари Тбилиси шаҳрини босиб олганларида, у кўшинга хоразмлик лашкарбоши Распархон қўмондонлик қилади. Бироқ, Хазория билан Хоразмнинг бирлиги узоққа чўзилмайди. Бу иттифок тезда тарқаб кетади.

Ахмонийлар давлати ҳукмдорлари ўз давлатларини худудий кенгайтириш, хазинани бойитиш мақсадида кўшни халқлар, жумладан, Хоразм ерларига кўз олайтира бошладилар. Мустақилликка мойил Хоразмийлар ўз қардошлари билан чет эл истилочиларига қарши чиқдилар. Биз олдин таъкидлаганимиздек қадим Хоразмда милоддан олдинги VII-VI асрларда йирик қабилалар уюшмалари мавжуд бўлиб, қabila уюшмалари қадимги Хоразм худудига бостириб кирган чет эл истилочиларига қарши биргаликда кураш олиб боришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эди. Қabila уюшмаларининг ҳарбий кучлари ҳарбий демократик асосда сайланган айрим қabila бошлиқлари томонидан бошқарилар эди.

Бизга маълумки, милоддан аввалги VIII асрда қадим Хоразмда қабилалар уюшмаси (конфедерацияси) давлатга, катта Хоразм давлатига айланади. Бу давлат аста-секин кучая бориб, VII асрнинг охирида унинг таркибига бутун Ўрта Осиё, бугунги Қозоғистон худудлари киради. Марказий Осиёдаги кўпгина қabila ва халқлар бу давлат таркибига ихтиёрий равишда қўшилган.

Тарихда катта Хоразм давлати деб ном олган бу давлат ўз даврида халқ хўжалигининг барча соҳалари ривожланган давлат

эди. Олимларнинг хисоблашича, давлат худудидаги экин майдони 4,5 млн. гектарни ташкил этиб, шундан 2,5 млн. гектари суғориладиган ерлар эди<sup>1</sup>.

Тарихда “Қатга Хоразм” деб ном олган Хоразмий қабилалари итифоқидан иборат бўлган бу давлат ҳам бошқа буюк давлатлар каби ички зиддиятлардан холи эмас эди. Айнан шу ички зиддиятлар Хоразм давлатини заифлаштиради. Милоддан олдинги VI аср ўрталарида Хоразм давлатининг бирлиги ва бутунлигига биринчи реал хавф пайдо бўлди. Бу хавф кўшни Форслар салтанати томонидан бўлиб, Ахмонийлар дунёга ҳукмрон бўлиш орзуси билан майдонга чиқиб, бирин-кетин кўшни мамлакатларни босиб ола бошладилар. Эрон шоҳи Кайхусрав II кўп минг кишилик кўшин билан, Мидия, Арманистон, Вавилонияни босиб олди. Эндиликдаги ҳужум йўналиши Марказий Осиё ва шу жумладан Хоразм ерларига қаратилади. Ўрта Осиё устига юришга Кайхусрав (Кир) ҳар тарафлама тайёрланди. Кўшин сон жиҳатидан кучайтирилди. Қурол-аслаҳа жиҳатидан янги қурол-яроғлар билан бойитилди. Кайхусрав, ўз айғоқчилари орқали, юришдан олдин Марказий Осиё ва Хоразм худудини ҳар томонлама ўрганиб бу юришга пухта тайёрланди.

Ахмонийлар Эрони милоддан аввалги 529 йилда Хоразмга ҳужум қилди. Кайхусрав енгил ғалабага ишонар эди. Унинг фикрича, Хоразмийлар ҳарбий ишдан беҳабарлар, қўлларига ҳеч қачон қурол ушлаган эмаслар. Шунинг учун ҳам улар осонликча таслим бўладилар, деб ҳаёл қилади Эрон шоҳи. Бироқ, яқин бундай бўлиб чиқмади. Чет эллик босқинчиларга қарши Хоразмий қабилаларнинг барчаси – ёшу қари, эркагу аёллар курашга кўзғалдилар. Қаттиқ ва аёвсиз жанглар давом этди. Кўп қурбонлар эвазига Эрон кўшини Амударёгача етган бўлса-да, бу Хоразмийларнинг мағлубияти эмас эди. Балки, бу ҳарбий услубий чекиниш бўлиб, душманни мамлакат ичкарасига олиб кириш, уни ҳолдан тойдириш ва кейинчалик босқинчиларга қатъий ўлим жазоси бериш усули эди. Узлуксиз олиб борилган жанглар Эрон кўшинини ҳолдан тойдирган эди. Амударё бўйида

<sup>1</sup> Р. Жуманиёзов. Қадимий Хоразм тарихи, 17-бет.

истилочи Эрон қўшинига, Хоразмий-массагетларнинг бирлашган қўшини қарши чиқди. Икки ўртада бир неча кун давом этган қонли жанг бўлиб ўтди. У қонли жанг ҳақида юнон тарихчиси Геродот ўзининг “Тарих” китобида батафсил маълумотлар берган.

Кайхусравнинг массагетлар устига юриши муваффақиятсиз тугагач, унинг вориси Доро қўшин тўплаб, Ўрта Осиёга иккинчи юришини бошлайди. Грек тарихчиси Тилиен ўз асарларида шу хусусда маълумот беради. Форсларнинг Доро бошчилигидаги бу юриши бу гал сак қабилалари Хаумаварга саклар ва дербиклар устига қаратилади. Душмanning ҳужумидан огоҳ бўлган юқорида кўрсатилган учала қабиланинг бошлиқлари ҳарбий кенгашга йиғилиб, душманга қарши кураш усуллари муҳокама қилаётган бир пайтда, уларнинг олдиларига сак қабиласидан бўлган Широқ исмли чўпон кириб келади ва душманга қарши курашда ўз хизматини тавсия этади. Қабила бошлиқлари дастлаб унга ишонишмайдилар. Бироқ, сак қабиласидаги донишмандларнинг илтимосларига кўра, Широққа форс истилочиларига қарши курашда ўз усулини кўллашга рухсат берадилар. Широқ ханжарини олиб, ўзининг кулоқларини ва бурнини кесиб ташлайди ва истилочилар томон равона бўлади. Эрон соқчилари уни ушлаб Шоҳ Доро олдига олиб борадилар. Чўпон Широқ, ўзининг ва оиласининг қабила бошлиқларидан ниҳоятда азият чекканлигини, форсларни улуглагани учун, кулоқларию бурнидан жудо бўлганлигини айтиб, форс ҳукмдоридан ўз қабиладошларидан ўч олиш учун ёрдам сўрайди. Шундай йўл билан Широқ зolim шоҳ Доронинг ишончига киради. Форс ҳукмдори Широқдан ўз қабиладошлари ҳақида маълумот сўраганида у саклар ва дербикларнинг сахро ичига қочиб кетганлиги айтилади. Қабиладошлари яширинган жойни яхши билишлигини, агар муҳтарам шоҳ рухсат этсалар, қудратли форс қўшинини энг яқин йўл орқали қабиладошлари яширинган жойга олиб бора олиши мумкинлигини билдиради.

Қахрамон чўпон юқорида ҳикоя қилинганидек бир ўзи ҳаётини барбод қилиш эвазига, ўз қабиладошларини ёвуз душман ҳужумидан сақлаб қолади. Тасодифан Эрон қўшинининг бир қисми омон қолади. Гарчи, Доро чўлдан соғ-омон чиқиб олган

бўлса-да, унинг қудратли қўшини анча заифлашиб қолган эди. Чўлда қўшиннинг ярмидан кўпи сувсизликдан, очликдан ҳалок бўлган эди. Кучсизланиб, озиб-тўзиб қолган қўшин билан сакларга қарши ҳужум қилишга юраги бетламаган Доро, ўз юртига қайтиб кетади.

Асрлар оша яшаган юқоридаги қаҳрамонлик ҳақидаги тарихий ҳикоятлар Хоразмийларни қадим-қадимдан ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ва Хоразмийлар ичидан Султон Жалолоддин Мангубердидек буюк ватанпарвар қаҳрамонларнинг етишиб чиқишида катта таъсирчан аҳамиятга эгадир.

Барча қадимий халқлардаги каби Хоразмийларда ҳам табиат мўъжизаларидан кўрқиш, ҳадиксираш хусусиятлари бўлган. Айнан табиат мўъжизаларидан кўрқиш, уларнинг сирларини билмаслик динни келиб чиқишига сабаб бўлган. Умуман, дин масаласи ҳақида сўз юритганимизда, инсонлар ўртасида ҳамиша дин бўлганми, деган савол кўндаланг туради. Археологик изланишлар натижасида олимлар бу саволга шундай жавоб берадилар. Манбаларнинг далиллашича инсониятнинг ерда пайдо бўлганига бир миллион йилдан кўпроқ вақт бўлган бўлса, инсонлар ўртасида диннинг пайдо бўлганлигига қарийб 50 минг йилча бўлган. Бир сўз билан айтганда, инсонлар орасида дин милоддан олдинги палеолит даврида вужудга келган. Фаннинг одамлар ўртасида диннинг вужудга келиш тўғрисидаги қарашларига қарама-қарши ўлароқ Жаҳон динлари (Яҳудий, христиан, ислом) таълимотига кўра, инсонлар ер юзиде пайдо бўлгандан бошлабоқ динлар бўлган. Динлар одамларга худонинг кўрсатмаларини баён қилиб борганлар. Уларни худонинг измида ушлаб туришда дин беқиёс хизмат қилиб келган ва келмоқда, деб баён қиладилар. Маълумки, инсон табиат даҳшатлари олдида ожиз! Қадим-қадимда табиат қийинчиликларининг сирларини тушунмаган. Шунинг учун ҳам табиат даҳшатларидан кўрқиб, уларни илохий куч деб уларга сизина бошлаган. Табиатнинг кўринишларига сизинишни фанда кўп худолиликини политеизм деб аталади.

Машҳур инглиз тарихчиси Давид Юм (1711-1776) бир худога ишониш (монотеизм) “Мажусийликка” – кўп худога ишониш (политеизм) га нисбатан кейинроқ пайдо бўлган, деган фикрга

келган биринчи европалик олим эди. Э. Тейдор, Ж. Фрейзер, Л. Штинберг ва бошқа олимларнинг кейинчалик ибтидоий халқлардаги ҳар хил эътиқодларни илмий тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бир худога эмас, балки кўплаб худоларга “жин” ва “шайтон”ларга ишониш-диннинг энг қадимий шакллари дир<sup>1</sup>.

Қадим Хоразмда ҳам кўп худодикка ишонувчи дин таникли археолог олимлар С.П. Толстов ва академик Я.Г. Фуломовларнинг тадқиқотларича, Тош асрининг палеолит даврида пайдо бўлган. Кўзга кўринган рус этнографи профессор Г. П. Снесарёв ўзининг “Обрядов у узбеков Хорезма” номли асарида қадимги ва ўрта аср Хоразмида ҳар хил диний маросимлар тасвирига кенг тўхталган. “Худди Помир тоғи яйловларидаги каби Хоразмда ҳам ибтидоий диний урф-одатлардан анчаси бугунгача сақланиб қолган. Назаримизча, Хоразмнинг уч томондан қум тепалари билан ўралганлиги, четдан таъсирнинг бу ерда нисбатан анча кучсизлиги бунга сабаб бўлса керак”<sup>2</sup>, деб ёзади Г. П. Снесарёв. Ҳақиқатан ҳам ер шарининг барча жойларидаги каби қадимги Хоразмда ҳам табиат даҳшатларидан кўрқиш, унинг сабабларини билмаслик асосида ўзига хос ғайри табиий кучлардан ҳадиксираш ҳисси мавжуд бўлган ва бу ғайритабиий кучлар Хоразмийларнинг тушунчасида улар учун ҳамиша катта хавфхатар бўлиб, улардан доимо эҳтиёткорлик ва огоҳликни талаб қилган. Қадимги Хоразмийлар ўртасида кенг тарқалган юқорида кўрсатилган ғайритабиий кучлар – “Жинлар” (Хоразмда кўпроқ ажина шаклида номланади), “Парилар”, “Девлар”, “Аждархо”, “Алвасти”лар – ғайритабиий кучлар, образлар Хоразмийларни ҳамиша даҳшатга солиб келган.

Юқорида номлари кўрсатилган образлар фақатгина қадимги Хоразм халқи учунгина хос бўлиб қолмасдан, балки Марказий Осиёнинг бошқа худудларида яшовчи халқларда ҳам учраб туради.

Қадимги Хоразмийлар ўртасида Исломгача кенг тарқалган юқоридаги ғайритабиий кучлар тўғрисидаги тушунчалар бу худудда Ислом дини кенг тарқалгандан кейин ҳам бу ерларни тарқ этмаган.

<sup>1</sup> Хоразм тарихи, 1-жилд, 64-бет

<sup>2</sup> Снесарёв Г. П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Издательства “Наука”, Москва 1969 г. 20-бет

Шуни таъкидлаш лозимки, фан ва техника тараққиёти ниҳоятда ривожланган бугунги кунда ҳам Хоразмда маълум кишилар дунёкарашида у ғайритабиий кучлардан кўркиш ҳиссиёти ва улар ўртасида “Ажина”, “Дев”, “Пари”, “Аждаҳо” ваҳималари мавжуддир.

Ҳатто, ўтган асрнинг ўрталарида ҳам Хоразмда айрим хонадонларда арвоҳлар ҳурматиға шамлар (Хоразмча “муштик”) ёқилган. Ўрта яшар ва кекса хоразмликлар буни эшласа керак. Айрим кишиларнинг уқтиришларича, ҳатто, бугунги кунда ҳам Хоразмда арвоҳлар ҳурмати учун шам ёқиб қўйилар экан. Қадим Хоразмда мавжуд бўлган яна бир одат – ис чиқариш – ҳам ислом дини ақидалари билан қўшилиб, бугунгача давом этиб келмоқда. Ҳайитларда, ҳайитдан бир кун илгари ис чиқариш (пўссиқ пишириш) одати Хоразмда бугун ҳам мавжуд. Шунингдек, ибтидоий жамоа тузумидаги арвоҳларға ҳурмат юзасидан жонлик сўйиш одати ҳам бугунги Хоразмда ҳали-ҳамон давом этмоқда.

Бугунги Хоразмда, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида сира учрамайдиган битта одат мавжуд. Куёв уйига келганида келин тушган (илгарилари арава бўлган) машина олдиға ўт, гулхан ёқилиши ва машинанинг ўт устидан ўтиши – ибтидоий кишиларнинг ўтға сиғинишлари аломати бўлиб, бугунги кунгача Хоразмда сақланиб қолган.

Қадимги қабилаларда ибтидоий динлар ўзига хос хусусиятларға эға бўлган. Урганч Давлат университетининг бир гуруҳ тарихчи олимлари яратган “Хоразм тарихи” асарида аجدодларимизнинг уруғ ва қабилаларида кўпроқ тотемизм, анализм, фетишизм ва ибтидоий диннинг бошқа шакллариға мойиллик кўпроқ бўлганлигини ёзганлар.

Ибтидоий динлар, синфий жамиятдаги динлардан анча фарқ қилади. Ибтидоий динларда мустаҳкам иттифоқ муайян шаклға кирган қоҳишлар тоифаси йўқ, уларда фақат ўзларига ишловчи сеҳргарлик, жодугарлик, эмчилик, пўрхонлар, дам солувчилар, дуохонларгина бор. Бундай динларда, мустаҳкам ақидалар, муқаддас китоблар ҳам бўлмаган<sup>1</sup>.

Ибтидоий динлар маълум тизимға ва узвий ғояға эға бўлмаган. Қабила ва уруғ аъзоларининг барчаси номидан ва барчаси учун хизмат қилган.

<sup>1</sup> Хоразм тарихи, 1-жилд. 65-бет.



Ибтидодий жамоа тузуми ўз ўрнини аста-секин синфий жамиятга бўшатиб берди. Тенг ҳуқуқлилиқка асосланган уруғ жамоа тузуми ўрнига, синфий жамият вужудга келади. Илгариги тенг ҳуқуқли уруғ жамоаси аъзолари ўрнини бир-бирига қарама-қарши, антогонистик зиддиятда бўлган жамоа аъзолари эгалладилар. Шароит тақозаси билан, у даврга келиб диннинг моҳияти ҳам ўзгаради. Ибтидодий жамоа тузумида мавжуд бўлган кўп худоилиқ дини эндиликда жамиятнинг ривожига тўсқинлик қила бошлади. Қарама-қарши манфаатларга эга бўлган ижтимоий гуруҳларни ўзаро келиштириб, уларга кўпчиликнинг манфаатларига мос келадиган умумижтимоий характер касб этувчи — якка худоилиқ динига бўлган эҳтиёжи кучаяди. Худди ана шундай шароитда, юқорида қайд этилган ижтимоий эҳтиёжлар асосида қадимги Хоразмда ҳам кўп худоилиқ динлари ўрнига, якка худоилиқни тарғиб қилувчи Оташпарастлик — Зардуштийлик дини қарор топа бошлади.

Зардуштийлик дини (Зароастиризм) якка худоилиқни илгари суради. Турли хил худолар ўрнига, барча ишларга қодир, кишиларни фақат эзгуликка, яхшиликка ундовчи ягона тангри Ахура Маздага сизгинишни инсонларга тақлиф қилади.

Қадимги Хоразмда ўликни кўмиш олдидан тозалаб ювганлар. Бу иш билан махсус кишилар — ўлик юувчи ғассоллар шугулланганлар. Зароастиризм ақидаларига кўра, ўликни юувчилар икки кишидан кам бўлмаган. Қадимги хоразмийлар удумига кўра, марҳум ётган хонада, бир неча кунгача олов ёки шам ёқиб қўйилган ва унинг олдига кичик идишда сув қўйилган. Шунинг таъкидлаш керакки, қадимги Хоразмдаги бу удум Хоразмда маълум даражада бугунги кунгача етиб келган. Масалан, марҳум вафот этган хонада чироқ Хоразмнинг Хонқа туманида 40 кун, Гурлан туманининг кўп худудида 7 кун, Хива туманида эса 3 кун ёқиб қўйилади<sup>1</sup>.

Бизга маълумки, Ислом дини ақидаларига кўра, киши ўлган уйда дод солиб фарёд қилиш катта гуноҳ ҳисобланади. Аксинча, қадимги Хоразмда Зароастиризм динига кўра, марҳум учун, унинг аёллари, қизлари, опа-сингиллари, барча хотин-қиз

<sup>1</sup> Снесарёв Г.П. Реликты до мусулманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Издательства "Наука", Москва 1969 г. 131-бет

қариндошлари, қўшилари сочларини ёзиб, дод-фарёд қилишлари муҳим, зарурий удумлардан бўлган. Марказий Осиёда, жумладан, Хоразмда аждодларимиздан қолган бу одат ҳам бугунги кунгача мавжуд. Ибтидоий одамлардан то бугунгача осмон – инсоннинг сиғиниш объектларидан бири. Илғор фан-техника ютуқларига эга бўлмаган инсоният, сирли осмонга жуда чуқур ҳурмат билан қараган. Уни илоҳийлаштирган, унга сиғинган. Ибтидоий динларда, ундан кейинги синфий жамият динларида зардуштийлик, буддизм, христианлик, ислом динларида ҳам Осмонга алоҳида ҳурмат билан қараганлар. Уни илоҳийлаштирганлар. Мазкур дин ақидалари бўйича, оламни яратган, Ахура Мазда, Худо, Оллоҳ осмонда (ислом дини бўйича, Оллоҳ қароргоҳи осмоннинг еттинчи қаватида) туриб, оламни бошқаради. Кишилиқ жамиятида бўлиб ўтаётган барча воқеа ҳодисалар унинг измисиз содир бўлмайди, дейилади.

Инсоният ҳаётида XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрда фазони ўзлаштириш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар албатта диний ақидаларнинг осмон тўғрисидаги фикрларини шубҳа остида қолдиради.

Тарихий тадқиқотлар оловга сиғинган халқлар куёшга ҳам сиғинганликларини кўрсатади. Ҳатто, олдин эслатганимиздек, тўйларда олов ёкиб, кейин куёвни ва келинни унинг устидан хатлатиб ўтказиш одати Хоразмда бугунги кунда ҳам сақланган. Хоразмда аёлларнинг ҳозиргача ҳам оловга сиғиниш ҳоллари учраб туради. Куёшга сиғиниш каби оловга сиғиниш ҳам ўз тарихига эга. Инсоният оловни кашф этганига юз минг йилдан зиёд бўлган. Олов кишилиқ дунёсининг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқишида бениҳоя катта аҳамиятга эга воқеа бўлди. Ҳар бир қабила, уруғ ва оилада олов махсус ўчоқларда сақланган. Унинг кишилар ҳаётидаги бекиёс аҳамияти қадрланган, эъзозланган ва илоҳийлаштирилган. Оташпарастлар оловни жуда эҳтиёт қилишган, бошқаларга улашмаган.

Хоразм воҳасида С. П. Толстов ўтказган археологик тадқиқотларда оташпарастларнинг ўнлаб ана шундай оташхона ёдгорликлари топилди. Аниқланишича матриархат даврида оловга топиниш маросимларига деярли аёллар бошчилиқ

қилганлар<sup>1</sup>. Қадимги Хоразмийлар оловни жуда эҳтиёт қилганлар. Олов ёниб турган жой деворлар билан ўраб олинган. У доимо ёниб турган. Кейинроқ олов сақланадиган махсус ибодатхоналар (оташхоналар) қурилган. Қадимги Хоразм ҳудудида кўплаган қаландархоналар бўлиб, уларда ўчмас олов ўчоқлари бўлган.

Бир сўз билан айтганда, одамнинг оловдан фойдаланиши – унинг табиат устидан қилган дастлабки буюк галабаси, инсониятнинг ҳайвонот дунёсидан узил-кесил ажралиши, унинг эркинлик сари кўйган дастлабки илк қадами бўлган. Инсонлар томонидан қадимда оловнинг кашф этилиши уларнинг ҳаётида инқилобий воқеа бўлди. Қадимги одамлар олов ёрдамида совуқдан сақландилар. Гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини пишириб ейишга ўргандилар. Бу эса ўз навбатида уларни жисмоний жиҳатдан камолотга эришишларида муҳим вазифани бажарган. Кишилиқ жамиятнинг тараққиётида тилнинг роли бениҳоя каттадир. Инсоният дунёсидаги қадимий халқлардан саналган Хоразмий қабилаларининг тили саксон-сармай тиллари гуруҳига кирган. Хоразмийлар милоднинг XIV асрларигача шимолий Эрон лаҳжасида сўзлашганлар. Археологик қазишмалар натижасидан аниқланган ёзма манбаларда XIII-XIV асрларгача Жанубий Хоразм ҳудудида сақланиб қолган қадимги Хоразм тилининг қолдиқлари қадим Хоразм тили осетин ва сўғд тилларига яқинлигидан далолат беради. Топилмаларни қунт билан ўрганган киши, қадимги Хоразм тили сўғд тилига қараганда осетин тилига яқинлигига шохид бўлади.

Таникли археолог олим академик Я.Ф.Гуломовнинг таъкидлашича, Олон ва Ос уруғларининг тили Хоразм тили билан бижанок тили аралашмасидан иборатдир. Қадимги Хоразм тили билан осетин тилининг яқинлигининг ўз тарихи бор. Биз китобимизнинг олдинги саҳифаларида ҳам бу ҳақда ёзган эдик. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, ҳозирги осетин халқининг аجدодлари Олон, Ос, Асиан қабилалари милоддан олдинги IX-VIII асрларгача Амударё бўйларида яшаганлар. Кейинчалик

---

<sup>1</sup> Ўша жойда, 68-бет.

табиат қийинчиликлари туфайли, улар Каспий денгизи (Хазор) бўйларига кўчганлар.

Буюк ватандошимиз Абу Райхон Беруний, Амударё ўз оқимини ўзгартириши ва кўп жойларни сув босиб кетиши билан хоразмликларнинг бир қисми Хазор денгизи қирғоқларига кўчдилар, деб ёзади. Олан ва Ос қабилаларининг табиат қийинчиликлари туфайли Хоразмдан шимолий Кавказга кўчганлиги ҳақидаги фикрни америкалик шарқшунос олим Ричард Фрай ҳам тасдиқлайди. Кўпгина ёзма манбалар Олон ва Ос қабилалари ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси, Туркменистон Республикасининг Тошҳовуз вилояти ва Хоразм вилояти ҳудудларида, яъни қадимги Хоразм ҳудудида яшаганликларидан далолат беради. Худди шу қадимий Хоразм ҳудудида Ос ва Олонлардан илгари массагет, сак, сўғд қабилалари аралашиб ўзаро узвий алоқада яшаганлар.

Китобхонларнинг эътиборини шу нарсага қаратамизки, бугунги кунда ҳам Хоразм вилоятининг кўпгина жойларида ўша қадимги асиан ва алан қабилаларининг қолдиқлари билан боғлиқ Ос, Олон деб аталадиган қишлоқлар, маҳаллалар мавжуд. Хоразм вилояти Боғот туманида Дехқонобод жамоа хўжалиги таркибида Ос деб аталадиган каттагина қишлоқ бор. Айнан ўша қишлоқда Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Отажон Худойшукуровнинг аجدодлари яшаганлар.

Қадимги қабилаларнинг ўзаро аралашиб яшаганликлари, уларнинг ўзаро қариндошликлари тилларида ҳам ўз аксини топган. Қадимги Хоразм, сўғд, ос қабилалари тилларида умумий ўхшашлик мавжуд. Ос ва олон қабилаларининг авлодлари бўлган осетинларнинг бугунги тилида қадимги Хоразм тили шеваю лаҳжаларининг мавжудлигини айнан шу томонлама излаш, назаримизча, мақсадга мувофиқдир.

Рус олими В. А. Лившицнинг фикрича, Хоразм тили сўғд ва жанубий-шарқий Эрон тиллари оралиғидаги ўзига хос Шарқий Эрон тилига ўхшаш бўлиб, унинг парфияликлар, осетин ва “Авесто” тиллари билан умумийлиги бор<sup>1</sup>. Хоразм араблар томонидан VIII асрда истило қилинади. Араб босқинчилари

---

<sup>1</sup> Ўша жойда, 63-бет.

Хоразмийларнинг динини ва ёзувини йўқотибгина қолмасдан, уларнинг тилини ҳам ўзгартиришга, унинг таркибига араб тилидаги сўзларни киритишга ҳаракат қилдилар. Бироқ, босқинчиларнинг бу ҳаракатлари амалга ошмади. Хоразмийлар ўз тиллари ва урф-одатларини сақлаб қол олдилар. Бугунги Хоразм тилини ҳар томонлама ўрганган ва қадимги Хоразм тили билан солиштирган тилшунос олимларнинг қайд қилишларича, бугунги Хоразм тилида, қадимги Хоразм тилининг анча аломатлари сақланиб қолган. Қадимги Хоразм тилида XIII-XIV асрларда туркийлашув жараёни кузатилди. Оддий халқ ўртасида бу жараён кенг миқёсда амалга ошган бўлса-да, ҳукмдорлар, сарой аъёнлари ва шоҳлар саройида ҳали шимолий-шарқий Эрон лаҳжасига асосланган Хоразм тили ҳукмрон даражада эди. Фикримизнинг далили учун китобхонларимизга шуни ҳавола қиламизки. XI-XIII асрларда мавжуд бўлган Хоразмшоҳлар Алуштегинлар саройида давлат идора ёзувлари форс тилида олиб борилган.

Дашти Қипчоқдаги Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек қабиаларининг Темурийлар давлати ҳудудига бостириб киришлари, унинг ҳудудини, жумладан, Хоразмни истило қилишлари (1508й) кўп сонли ўзбек қабиаларининг Хоразм ҳудудига кириб келишлари, Хоразм тилини тўла туркийлашувига олиб келди. Хоразмийларда қадимги Хоразм ёзуви ҳам мавжуд бўлган.

Миллоддан олдинги III минг йилликда пайдо бўлган Миср иероглифлари ва Месапотамия миҳхат ёзувлари юзлаган ҳарфлардан иборат бўлиб, жуда мураккаб, фойдаланиш ва ёдлаш ўта қийин бўлган. Бугунги кунда кўзга кўринган лингвист олимлар йиллар давомида бу ёзувларни ўрганиб, уларнинг мазмунини ўта қийинчилик билан очганлари, фикримизнинг далилидир. Ўтмишда ёзувларнинг вужудга келишининг ўз тарихи бор.

Миллоддан олдинги XV-XII асрларда Ўрта Ер денгизининг шарқий қисмида жойлашган Угарит шаҳри подшолигида 30 ҳарфдан иборат ўзига хос миҳ ёзуви алфавити тизими вужудга

келди<sup>1</sup>. Шу билан бир қаторда, ўша даврда Финикия давлатида анча такомиллашган алфавитли ёзув системаси пайдо бўлади. Буни инглиз археологи Флиндерс Петри ҳам тасдиқлайди. У 1905 йилда Синай тоғида жойлашган мис қонида тошга ўйиб ёзилган ҳарфлар матнини топади. У ҳарфлар милоддан олдинги XV асрга тўғри келган. Ҳаммаси бўлиб 30 та ҳарф топилган. Олимларнинг таъкидлашига кўра, ҳарф ёзувлари ватани Финикия бўлган<sup>2</sup>. Тарихда бу ёзувни Оромий ёзуви деб атаганлар. Милоддан олдинги II минг йилликнинг охирида Сурия, Финикия ва бошқа шарқий Ўрта-Ер денгизи мамлакатлари худудига Арабистондан Оромий қабилалари кириб келганлар. Уларнинг тили мазкур худудда кенг тарқалиб асосий тиллардан бирига айланган. Оромий тили ва ёзуви номи билан машҳур бўлган. Юқорида қайд этганимиздек, Оромий ёзуви милоддан олдинги X-VIII асрларда Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна ва Парфияга кириб келган. Милоддан аввалги II мингинчи йил ўрталарида ва I минг йиллик бошларида Оромий ёзуви негизида қадимги Хоразмда биринчи ёзув пайдо бўлган.

Таникли олим, С. П. Толстов қадимги Хоразм худудида олиб борган археологик қазишмалар натижасида топилган қадимги Хоразм ёзуви хусусида шундай деб ёзган эди: “Бу ёзув (Хоразм ёзуви) фақат Хоразмдагина эмас балки умуман бутун Ўрта Осиёдан топилган ёзувлар ичида ҳам энг қадимийсидир<sup>3</sup>”. Оромий ёзуви асосида яратилган қадимги Хоразм ёзуви археологик қазишмалар натижасида топилган ашъвий далилларда акс этган бўлиб, улар тери, ёғочга маъдан буюмларга ва тангаларга битилган. Топилмаларда акс этган сўзларни бугунги кунда ўрганиш ўша давр милоддан олдинги XIV аср ва милодий II-III асрларга оид Хоразм ёзувидаги сўзлар шарқий Эрон лаҳжасида ёзилган сўзлар бўлган. Бу ҳолат шундан далolat берадики, у давр Хоразмийларнинг тили Форс тили оиласига кириб, Хоразмийлар Шарқий Эрон лаҳжасида сўзлашганлар. VIII асрга келганда Ўрта Осиё, жумладан Хоразм араблар томонидан истило қилинди. Араб истилоси арафасида Хоразм ўз даврига хос

<sup>1</sup> Ўша жойда, 60-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 61-бет.

ўз маданиятига, ўз ёзувига эга бўлган ўлкалардан бири эди. Қадимий Хоразм тили ва алифбосида тарихий, илмий, бадий китоблар ёзилган. Аммо араблар истилоси натижасида Хоразмнинг қадимий ёдгорликлари яқсон қилинган. 712 йилда Хоразмни бўйсундирган араб саркардаси Қутайба Хоразм ёзувини билган, унинг тарихидан хабардор бўлган кишиларни кириб ташлаган.

Араб истилочилари қадим Хоразм маданиятига, ёзувига доир барча ёдгорликларни, асарларни ваҳшийларча йўқ қилдилар. Уларнинг ичида қадим Хоразм тарихини ақс этдирган китоблар ҳам оз мунча бўлмаган. Айнан бугунги кунда қадим Хоразм тарихига оид ёзма манбаларнинг йўқлиги сабабларини, назаримизча, VIII асрдаги араб истилочиларининг ва XIII асрдаги мўгул босқинчиларининг Хоразм ерида қилган ёвузликларидан ва уларнинг Хоразм маданиятига берган ваҳшиёна зарбасидан илзамоқ керак. Мўгул босқинчилари ҳам араб истилочилари каби Хоразмни истило қилганларида, унинг пойтахти Гурганж ва бошқа йирик шаҳарларни ёндириб кул қилдилар. Инсониятнинг энг нодир китобларини ёқиб йўқ қилдилар.

Араб истилосидан сўнг Хоразмда араб-форс алифбосидан фойдаланила бошланган. Хоразм ён атрофдаги туркий қабилалар билан яқиндан иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатгандан кейин, эрон тиллари гуруҳига кирувчи Хоразм тилига кўплаб туркий сўзлар ҳам кириб кела бошлаган. Бора-бора, аҳоли икки тилда – қадимий Хоразм тили ва туркий тилда сўзлаша бошлаган. Хоразм бир неча асрлар мобайнида аста-секин туркийлашган. Оқибатда, эрон тиллари гуруҳига кирувчи Хоразм тилининг энг муҳим аломатларини сақлаб қолган Хоразм туркий тили вужудга келди. Бу жараён XV асрда тугалланган<sup>1</sup>.

Қадимги Хоразм илм-фан ривожланган илғор ўлкалардан бири бўлган. Хусусан, бу диёрда аниқ фанлар шакллана бошлаган эди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўлкада илмий тафаккур тарихи ижтимоий, иқтисодий ва маданий тафаккур тарихи билан чамбарчас боғланган. Хоразмликларнинг хўжалик ҳаётида эришган муваффақиятлари математика, геодезия, астрономия ва

<sup>1</sup> Хасанов. Сайёҳ олимлар. Тошкент 1981 й, "Фан", 56-57-бетлар.

бошқа аниқ фанларга оид муайян билимларсиз рўёбга чиқмаган бўларди. Масалан, суғориш иншоотлари, канал, чиғир ва кориз усуллари билан сувсиз ерларга сув чиқариш, кемалар ясаш, қалъалар, кўп қаватли сарой бинолари бунёд қилиш ишлари ҳисоблаш ва ўлчаш техникасининг ривожланишини тақозо этарди. “Хоразмда топографиянинг ривожланиши у ердаги суғориш иншоотлари қурилиши билан чамбарчас боғлиқ бўлса, деҳқончилик ва меъморчиликнинг амалий эҳтиёжлари геометрия фанининг ривожланишига олиб келди. Математика, географиянинг ривожланиши эса хоразмлик савдогарларнинг узок юртларга сафарлари билан боғлиқ. Зеро, астрономик мўлжал денгизда ҳам, куруқликда ҳам зарур. Ана шундай кенг кўламдаги географик алоқалар Хоразмда картография ва тасвирий географиянинг ривожланишига сабаб бўлди”<sup>1</sup>.

Манбаларни ўрганиш қадимги хоразмликлар илм-фан соҳасида ўз даври учун илғор бўлган ютуқларга эришганлигидан далолат беради. Маълум бўлишича, қадимги аجدодларимиз ҳали қаъний ёзув тизимини яратмасдан туриб, ўз астрономик кузатишларини тош ва суякларга ёзишдан ташқари, самовий жисмларни кузатиш учун махсус иншоотлар ҳам қурганлар. Аجدодларимиз астрономия ва математикадан хабардор бўлгани, шунингдек, бурчак ўлчови ускуналарни ярата билгани ва улардан фойдалана олганидан далолат беради. Зотан, фалакнёт – кузатишларга асосланган фан.

Демак, Хоразмда қадим замонлардан бери илм-фан, маданият, савдо-сотик, кишлоқ хўжалиги жуда тараққий этган. Бу фикрнинг тўғрилигини қадим Хоразм худудида узок йиллар давомида олиб борилган археологик текширишлар натижалари ҳам тўла тасдиқлайди. Хоразм Волга бўйидан Ўрта Осиё орқали бир томони Мўғулистон ва Хитойга, иккинчи томони Эронга борадиган савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги туфайли, ниҳоятда қулай мавқега эга бўлди. X аср географ олимлари Хоразмни деҳқончилик маданиятининг хилма-хил намуналарига бой, шаҳарлари кўп ва маданияти юксак мамлакат сифатида

<sup>1</sup> М. Г. Воробьева, Т. Т. Рожанская, И. П. Веселовский “Древнехорезмский памятник IV в до Н.Э. Койкиргилган қалъа с точки зрения о астрономии”. Сб. историко-астрономическое исследование выпуск X.M. 1969 й, 15-35-бетлар.



таърифлашади. Милодий IX-X асрларда Хоразмда шахар қурилиши ривожланиб, меъморчилик ва хунармандчилик авж олди. Агар X асрда Хоразмда шахарлар сони 13 та бўлса, XI асрга келиб уларнинг сони 40 га етди. Бу даврда қурилган бинолар, одатдагидек, нақшинкор қилиб безатилган. Хоразм расомларининг араб истилосига қадар бўлган ажойиб қадимий анъанавий санъати ўрнига орнаментал нақшлар яратилган. Гўзаллик манбаи бўлган табиат воқелигини ҳаққоний ақс этдириш мақсадида устод мусаввирлар инсон, жонзод ва бошқа нарсаларни гул ҳамда нақш воситасида эмас, аксинча тасвир этиладиган нарсаларнинг бўлаклари, ранглар уйғунлиги, турли хил геометрик шакллар учбурчакли туташ доиралар воситасида ҳақиқий санъаткорона маҳорат билан тасвир этганлар<sup>1</sup>.

Ҳатто, араб хуснихат ёзувлари ҳам ана шу нақшинкорлик билан кўшиб берилган. XIII асрда хуснихат нақш сифатида меъморчилик, ўймакорлик, мисгарлик, заргарликда кенг қўлланилган. Қадимги Хоразмда хунармандчилик ва меъморчилик билан бир қаторда, деҳқончилик, савдо-сотик ҳам кенг ривожланган. Хоразмнинг жуғрофий ўрни қадим даврда ҳам Европа, ҳам Осиё давлатлари билан савдо алоқаларини олиб боришга қулай имкониятлар туғдирган. Натижада, қадимги Хоразм Волгабўйи, Итил, Хазар хоқонлиги, Жанубий Европа, Кавказ, Эрон, Булғория, Ҳиндистон ва Марказий Европа, Осиёдаги бошқа мамлакатлар билан савдо-сотик ишларини олиб борган. Маданий ва иқтисодий муносабатлар ривожланган.

Волгабўйи халқлари билан алоқалар ривожланиши натижасида Хазор подшолигининг пойтахти, махсус девор билан ўралган Итиль шаҳрида йигирма минг кишидан иборат хоразмликлар истиқомат қилишарди<sup>2</sup>. У срдда Хоразм аҳолисининг хизматида 30 та масжид бўлган. Шуниси характерлики, хоразмликлар Хазор подшолигида ўз таъсирини ўрнатишга муваффақ бўлганлар. Ибн Хавқалнинг ёзишича, Хазор подшоҳининг 12 минг кишилик гвардияси ҳам хоразмликлардан иборат бўлган.

<sup>1</sup> С.П.Голетов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 39-бет.

<sup>2</sup> Ҳ. Зияев. Волга ва Уралбўйи ўзбеклари. "Фан ва турмуш" журнали, 1972, 1-сон.

Хоразмнинг шарқий Европа билан иқтисодий муносабатлари рус тилида ҳам ўз аксини топган. Масалан, олдин қайд этганимиздек Каспий денгизининг рус тилидаги номи “Хвалинское море” деб юритилган. Бу сўз ўша даврда Каспий денгизининг шимолий қисмида кемачиликнинг эгаси бўлган хоразмликларнинг номи билан боғлиқдир <sup>1</sup>.

Хоразм жаҳон фанининг кўҳна ўчоқларидан бири бўлиб, кўпгина буюк кашфиётларнинг ватанидир. Қадим Хоразм Жаҳон фанига ўз кашфиётлари билан салмоқли ҳисса қўшган, дунёга машхур олимларни тарбиялаб етиштирди (улар ҳақида китобимизнинг иккинчи қисмида батафсил тўхталамиз).

#### **1.4.- боб. Хоразм давлатчилиги ва шаҳар ҳаёти хусусида мулоҳазалар**

Кейинги йилларда олиб борилган ва олиб борилаётган археологик тадқиқотлар Марказий Осиёда ва жумладан, Хоразмда илк синфий жамият ва давлатларнинг келиб чиқиши соҳасида жиддий маълумотларни беради.

Бизга маълумки, Марказий Осиё худудида илк пайдо бўлган давлатлар Парфия, Хоразм, Сўғдиёна, Маргиёна, Бақтрия давлатлари тўғрисидаги илк маълумотлар антик муаллифлар асарларида учрайди. Кейинги олиб борилган археологик қазишмалар у маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Бироқ, у маълумотлар ўша давр Марказий Осиё, жумладан, Хоразмдаги ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини ҳар томонлама ёритишга камлик қилади. Ўша давр ижтимоий ҳаётини тўлароқ ёритиш учун тинимсиз археологик изланишлар олиб борилиши зарур. Бизга маълумки, жаҳон илм аҳли ва мамлакатимиз олимлари Марказий Осиё ва жумладан, Хоразмни инсониятнинг энг қадимги ҳаёт ва маданият ошёнларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги замон тадқиқотчиларнинг аксарият қисми Марказий Осиё худудида синфий жамиятнинг шаклланишини милоддан

---

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 147 – бет.

аввалги VIII-VII асрларга тўғри келишини таъкидламоқдалар. Қадимги Хоразм худудида милоддан аввалги I минг йилликнинг бошлари ва ўрталарига оид кўпгина археологик ёдгорликлар ва қадимги суғориш иншоотларининг аниқланиши ва уларнинг Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари томонидан тизимли равишда ўрганилиши натижасида бой археологик ашёлар тўпланиди. Бу манбалар қадим Хоразм худудида “Катта Хоразм” номи остида дастлабки илк давлат куртаги – ҳарбий демократик тамойилларга асосланган қабилаларнинг давлат конфедерацияси мавжуд бўлганлиги масаласини ўртага қўйишга имкон берди<sup>1</sup>. Мамлакатимизнинг кўпгина тарихчи-археолог олимлари бугунги кунда шундай илмий хулосани илгари сурмоқдалар.

Бундай илмий хулосаларга ўтмишда атоқли шарқшунос олимлар, В. В. Бартольд, А. Ю. Якубовский, С. П. Толстов, Я. Гуломов, Б. Аҳмедов ва бошқалар ҳам эришган эдилар. Манбаларнинг кўрсатишича, милоддан олдинги VIII-VII асрларда Ўрта Осиё худудида мавжуд қабилаларнинг ўзаро бирлашуви асосида иккита ҳарбий демократик давлат – “Катта Хоразм” ва Бақтрия давлатлари ташкил топган.

Шуни таъкидлаш мумкинки, ҳозиргача ўрганилган мавжуд манбалар асосида биз Хоразм давлатчилигининг дастлабки нуқтасини айнан милоддан аввалги VIII асрга боғлаймиз. Марказий Осиё халқларининг жумладан Хоразм тарихини, унга оид археологик манбаларни кунг билан атрофлича ўрганиш, тарихчи олимларда Марказий Осиё ва Хоразм давлатчилигининг дастлабки нуқтаси тарихан милоддан аввалги VIII асрдан кўп асрлар олдиндан бошланган бўлса керак, деган ҳақиқатга анча яқин тахминларни ҳам вужудга келтиради. Афсуски, ҳозирча бу тахминлар исботи топилмаган тахминлардирлар. Манбаларни атрофлича кунг билан ўрганиш, Марказий Осиёда дастлаб ташкил топган “Катта Хоразм” ва Бақтрия давлатлари ўз даврининг қудратли ривожланган давлатлари эканлигини кўрсатади. Буюк хоразмлик аллома Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” номли асарида

<sup>1</sup> Хоразм тарихи. УрДУ. Урганч. 1996 й. 74-бет

Хоразм худудида ташкил топган “Буюк Хоразм салтанати” деб номланган “Катта Хоразм” давлати ўз даврининг қудратли давлатларидан бири бўлганлигини, унда маданият ўша давр учун анча юқори даражада турганлигини ва ушбу буюк Хоразм салтанати бир неча аср яшаганлигини кўрсатади. Беришнинг таъкидлашича, Хоразм худудида яратилган дастлабки йирик асарлардан бири “Авесто”нинг Зардушт ибн Тўмон томонидан яратилиш даври айнан Буюк Хоразм салтанатининг таназзулга юз тутган йилларига тўғри келади.

Жаҳонда тан олинган будда, христианлик ва ислом динлари қаторидан ўрин олган ва инсоният томонидан ҳаққоний асосда тан олинган Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”нинг айнан “Катта Хоразм” давлати худудида “Буюк Хоразм салтанати” даврида яратилиши, қадимги Хоразм худудида ижтимоий маданий ҳаёт тарихан анча илгари бошланганлигидан, “Авесто” китоби инсониятнинг ўтмишдаги иқтисодий, сиёсий ва маданий билимларини ўзида мужассамлаштирган илмий маданий маҳсули эканлигидан далолат беради.

Шуни эътиборга олиш зарурки “Авесто”дек асарни ярата олиш қудратига эга бўлган шахснинг вужудга келиши ва ижод қилиши учун етарли зарур сиёсий, иқтисодий ва маданий муҳит талаб этилади. Ана ўшандай муҳит бўлган тақдирдагина, илм фаннинг кенг ривожини учун имкониятлар вужудга келади. Фаннинг буюк сиймолари етишиб чиқади. Бундай жараён қисқа вақт ичида содир бўла олмайди. Юқоридаги фикрларимизга хулоса қилиб шу нарсани китобхонлар эътиборига ҳавола қиламизки, Зардушт ибн Тўмондек буюк сиймони ва муқаддас “Авесто”дек дунёвий асарнинг яратилиши учун қудратли давлат, етук иқтисод ва ривожланган маданий муҳит бўлиши керак. Демак, қадим Хоразм худудида милoddан олдинги VII-X асрларда қудратли тараққий этган давлат ва у давлатда ўз даври учун ривожланган маданий муҳит мавжуд бўлган. Айнан юқоридаги муҳит Зардушт ибн Тўмонни тарбиялаган ва унга ушбу асарни яратишига имкон берган. Юқоридаги фикр ва тахминлар Хоразм давлатчилигининг бошланиши анча қадимдан илдиз отганлиги ҳақидаги тахминга асос бўлади. Қадим Хоразм

давлатчилиги тўғрисида кўпгина ўтмишдош олимлар ёзиб қолдирганлар. Жумладан Хоразм давлатчилиги ҳақидаги қимматли маълумотларни буюк ватандошимиз Абу Райҳон ал Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ёзиб қолдирган. “Хоразмликлар, – деб ҳикоя қилади Беруний ўз асарида, – йил ҳисобини ўз мамлакатларида аҳоли жойлашган вақтдан, Искандардан аввалги 980-йилдан, яъни милоддан олдинги 1292 йилдан бошлайдилар. Шундан кейин улар милоддан олдинги 1200 йилдан, афсонавий қаҳрамон Сиёвуш ибн Кайковус уларнинг мамлакатига келган ҳамда унинг ўғли Кайхусрав Хоразмшоҳлар сулоласига асос солган вақтдан бошланадиган янги йил ҳисобини қабул қилдилар. – Берунийнинг сўзларига қараганда бу сулола милоднинг X асрига қадар ҳукмронлик қилган. – Кейинчалик, – деб ҳикоя қилади Беруний, – хоразмликлар форсларнинг йил ҳисобини қабул қилдилар<sup>1</sup>.”

Тарихий манбаларда қайд қилинишича, дастлабки қадимий Хоразм давлатига афсонавий Сиёвуш асос солган. Сиёвуш (баъзи манбаларда – Сиёвахш) Эрон афсоналари ва эпосида катта ўрин таллайди. Сиёвуш “Авесто”да ҳам Сиёваржон номи билан тилга олинади. “Шохнома”да Сиёвушга каттагина бўлим бағишланади. “Авесто”да ҳам, нахлавий адабиётида ҳам, “Шохнома”да ҳам, ҳатто, Берунийда ҳам Сиёвуш фақат ярим худо-қаҳрамон образида гавдаланади. Манбаларда кўрсатилишича, Сиёвуш-Эрон афсонавий шоҳларининг иккинчи сулоласи – Қадимийларнинг иккинчи подшоси, Кайковуснинг ўғли. У, Кайковус аскарлари Турон чегарасидаги ўрмонлардан топиб олган гўзал бир қиздан туғилган. Сиёвуш дунёга келиши биланок (онаси уни туғиш пайти ўлади), ҳаммани ўзининг беқиёс гўзаллиги билан мафтун этади. Ўғай онасининг ҳайвоний хирсини рад этгани учун, ноҳақ айбланган Сиёвуш ўт синовидан ўгиши, яъни олтин дубулға кийиб, қора отда катта аланга устидан сакраб ўтиши керак эди. У ўтни енгиб, ўз номусини қайтадан тиклаб олади ҳамда Туронга юриш қилади. Уруш тамом бўлгандан кейин Сиёвуш Турон подшоси Афросиёб хузурига боради ва унинг қизига уйланади. Қайнотасидан совға сифатида

<sup>1</sup> Ўша жойда. 16-бег

Турон ерларининг бир қисмига эга бўлиб, Кангдиз ёки Канги Сиёвахш номли ҳашаматли қаср — шаҳар қуради. Лекин, у яна бир тухматга учраб, Афросиёб юборган қотиллар томонидан ўлдирилади. Унинг ўғли (“Авесто” бўйича, набираси қизининг Афросиёбнинг укаси Агрератдан бўлган ўғли) Кайхусрав Сиёвушнинг қотилларидан ўч олади, яъни хиёнатчи бобосини тор-мор қилиб, орийларнинг ерларини бирлаштиради ва ривоятларга қараганда, биринчи Хоразмийлар сулоласига асос солади. Албатта қадимги манбаларда қайд қилинган ривоятлар аниқ тарихий далилларга асосланмаса-да, бироқ ҳақиқатга анча яқин ривоятлардир. Кайхусрав Хоразмшоҳлар сулоласига асос солган вақтда бошланадиган янги эрани қабул қилди<sup>1</sup>. Берунийнинг эътирофига қараганда, ушбу сулола милоднинг X асригача форсларнинг йил ҳисобига амал қилдилар. Бунга кўра, йил ҳисоби хоразмликларнинг мамлакатларини идора этган ва шоҳ унвонига эга бўлган Кайхусравлар сулоласидан чиққан ҳар бир подшоҳ ҳукмронлик қилган йилларга қараб юритилган. Хоразмлик Сиёвушнинг куйи авлоди (бу авлодни Офриғ бошлаб берган) Хоразмда 995 йилга қадар ҳукмронлик қилди<sup>2</sup>. Офриғийлар сулоласи ҳукмронлик қилган йилларда Хоразмнинг гуллаб-яшнаганлигини, унинг қудратли давлатга айланганлигини, ўша давр Хоразм ҳудудида қурилган ва бугунгача маълум даражада етиб келган кўҳна Хоразм қалъалари кўрсатади. Тинмайин олиб борилган ташқи урушлар, мамлакат ичкарасидаги зиддиятлар қудратли Офриғийлар сулоласининг емирилишини тезлаштирди. Офриғ қурдирган қасрнинг Амударё тошқинини ювиб кетиши Офриғийлар сулоласи ҳукмронлигининг тугаши билан бир даврга тўғри келади. Берунийнинг кўрсатишича, Офриғийлар давлати ўз даврининг қудратли давлатларидан бири бўлган. Бу сулола 305 йилдан 995 йилга қадар ҳукмронлик қилган. Офриғийлар сулоласининг шоҳлари сони, аввал таъкидлаганимиздек, 22 та бўлиб, уларнинг ҳар бири ўртгача 31 йил ҳукмронлик қилган<sup>3</sup>. Офриғийлар сулоласининг асосчиси шоҳ Офриғ Берунийнинг таъкидича ўз

<sup>1</sup> С.П.Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Фан. 1964 й16-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда. 17-бет

<sup>3</sup> Ўша жойда.

замонасида Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шахрини обод ва гўзал шаҳарга айлантирган – ариқлар қаздирган, серҳосил боғлар барпо қилган. Унинг ҳукмронлиги йилларида хоразмликларнинг бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқалари учун йўллар қурилган. Тахмин қилишларича, шоҳ Офригнинг қароргоҳи ҳозир ҳам қум тепалари орасида қад кўтариб турган Тупроққалъа ҳисобланган. Тупроққалъада ҳаёт VI аср охири, VII аср бошларига қадар давом этган<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам Тупроққалъада олиб борилган археологик қазилмалар, унинг ўз даврининг обод, энг кўркам, ривожланган шаҳарлардан бири эканлигидан далолат беради. Абу Райҳон Берунийнинг таърифича, Офригийлар сулоласининг давлатни бошқариш ишида меросийлик тамойили ҳукмронлик қилган. Тахт ва ҳукмронлик мавқеи отадан болага мерос сифатида ўтган. Бу юк бобокалонимиз Берунийнинг гувоҳлик беришларича, Офригийлар сулоласининг шажараси куйидагича: 1. Офриг; 2. Багра; 3. Саххасан; 4. Азҳажамук; 5. Азжажавар I; 6. Сахр I; 7. Товуш; 8. Хамгари; 9. Бўзгар; 10. Арсамук; 11. Сахр II; 12. Сабри; 13. Азжажавар II; 14. Азжажамук II; 15. Шовшафар; 16. Турксабоса; 17. Абдуллоҳ; 18. Мансур; 19. Ироқ; 20. Муҳаммад; 21. Аҳмад; 22. “Жафокаш” Абу Абдуллоҳ Муҳаммад. Абу Абдуллоҳ Офриг қасрини сув бузиб кетишидан бир оз аввал ўзининг қудратли рақиби Урганч амири Маъмун ибн Муҳаммад қўлида ҳалок бўлган<sup>2</sup>.

Бир сўз билан айтганда, Офригийлар давлати қадимги Хоразм давлатларидан бири бўлиб, ўз даврининг қудратли, ривожланган давлатларидан бири бўлган. У давлатда марказлашган давлатни бошқариш усули мавжуд эди ва бу усул ўз навбатида ишлаб чиқариш кучларининг кўншиливуига, Хоразмда деҳқончилик ва чорвачиликнинг тез ривожланишига олиб келди. Ўзига хос меҳнат тақсмоти вужудга келиб, деҳқончиликка ихтисослашган жойлар вужудга кела бошлади. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг мустақил тармоғи сифатида ажралиб чиқди. Аграр ишлаб чиқаришда ихтисослашиш натижасида товар муносабатларининг янги шакллари-моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларнинг юқори поғонасига хос бўлган –

<sup>1</sup> О.Машарипов. Хоразм тарихидаги саҳифалар. Т. Ўзбекистон 1994 й 15-бет

<sup>2</sup> С.П. Толстов. Хоразм маданиятини излаб, 17-бет

натура айирбошлаш юзага келади. Ишлаб чиқаришда тармок тизимининг вужудга келиши натижасида, меҳнат куролларининг сифати яхшилана борди, окибатда меҳнат унумдорлиги ошди. Манбаларнинг гувоҳлик беришларича, милоддан аввалги VII аср охирида Хоразм чегараси Марказий Осиёнинг катта қисмини, Шарқий Эронни Сурғоб ва Хорируд дарёлари ҳавзасини камраб олди. Бироқ, халқаро майдонда Хоразм давлатининг кучайишидан норози бўлган кучлар ҳам бор эди.

Тарихда Эрон ҳукмдорлари Хоразмни ўзларига тўла бўйсундирдиларми ёки бўйсундиरोлмадиларми, деган саволга аниқ жавоб йўқ. Вавилония билан Экбатонни бирлаштирувчи қадимги йўл ўтадиган жойдаги Беҳистун қоясидаги ёзувларда Доро томонидан бўйсундирилган халқлар орасида хоразмликлар ҳам тилга олинган. Лекин, тадқиқотчилар аниқлашдики, бу ёзувлардаги Хоразмга дахлдор гаплар кейинроқ Доро I нинг вориси Ксеркс (милоддан олдинги 486-465) шоҳлиги даврида ўйилган<sup>1</sup>.

Узоқ йиллар давомида Ахмонийлар Эрони Хоразмни ўзига бўйсундириш учун қаттиқ кураш олиб борди. Гарчи, Кайхусрав ва Доро I бошчилигидаги хоразмий, массагет ва сак қабилалари устига Эрон ҳукмдорларининг олиб борган bosқинчилик юришлари муваффақиятсиз тугаган бўлса-да, кейинги Эрон ҳукмдорлари, ўлжага бой шаҳар ва қишлоқлари обод қадимги Хоразм худудини ўзларига бўйсундириш режасидан қайтмадилар. Қадимги Хоразм, Сўғд, Бактрия ерларига қайта-қайта юриш уюштирдилар.

Назаримизча, истилочиларнинг сўнгги ҳарбий юришлари самара берган бўлса керак. Айрим тарихий манбаларда милоддан олдинги VI-IV асрларда қадимги Хоразм Ахмонийлар Эрони таркибида эканлиги қайд этилади. Ўша давр тарихий маълумотларини чуқур ўрганган киши, Хоразм Ахмонийлар Эронига тўла қарам бўлмасдан вассал (ярим мустақил) бўлганлигининг шоҳиди бўлади. Ўша давр Хоразм ҳукмдорлари ўз қўшини билан Ахмонийларнинг ҳарбий юришларида иттифоқчи сифатида иштирок этганлиги ҳақидаги маълумотларнинг борлиги фикримизга далилдир.

<sup>1</sup> Р. Жуманиёзов. Хоразм тарихи, 19-бет



Ахмонийларнинг улкан давлати мустақкам эмас эди. Шунга қарамасдан, у Марказий Осиё халқлари тарихида муҳим рол ўйнади. Бу давлат Шарқ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ривож топишига, савдонинг тараққий этишига турли этник гуруҳлар кўшилиб кетиб, элатлар ажралиб чиқишига, шаҳарлар кўпайишига, меҳнат тақсимотига ва синфлар пайдо бўлишига ёрдам берди. Ўрта Осиёдаги эронийларнинг ҳукмронлиги 200 йилча давом этди. Бу икки аср Ўрта Осиё, жумладан, Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштирди. Эрон амалдор ноиблари бўйисунган вилоятларни умумий бошқаришни, ишлар ҳолатини ва тартибни кузатишни айрим қабилалар ёки жамоаларнинг ички ҳаётига аралашмаган ҳолда ўз кўлларида тутиб турардилар. Маҳаллий қабилалар бошлиқларининг Эрон шоҳи фойдасига оддий жамоатчилардан солиқлар йиғиш, қабилadoшларни Эрон кўпининга ёллаш ҳуқуқи сақланиб қолди. Бошқа қабилалардан фарқи ўлароқ, Хоразмий қабилалари вакиллари Эрон кўпинида мустақил иттифоқчи кўшилма сифатида ҳаракат қилган.

Хоразм халқи, хоразмийлар азал-азалдан меҳнатқаш, жанговар ва мустақилликка мойил халқ. Қадим қаҳрамон халқимиз асрлар бўйи ўз мустақиллиги учун курашиб келган.

Хоразмийларнинг миллий мустақиллик учун кураши ўз самарасини берган. Милоддан олдинги IV асрнинг охирида Хоразм Ахмонийлар Эронига қарамликдан қутулиб мустақил давлат сифатида шаклланди ва мустақил сиёсат юргиза бошлади. Хоразм тўла мустақил давлат бўлгач, унинг шаҳар ва қишлоқлари гурқираб ривожлана бошлайди. Савдо-сотиқ, халқаро муносабатлар аста-секин кучая боради.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, мустақил Хоразм эҳдиликда Эрон шоҳи Доронинг юнонистонлик Александр (Искандар)га қарши фожиали ҳарбий юришида иштирок этмайдди. Мард, жанговар, жасур Хоразмийларнинг Эрон кўшини таркибида ушбу юришда иштирок этмаслиги, назаримизча, Эрон кўшинининг мағлубиятга учрашининг сабабларидан бири бўлса керак. Эҳтимол, шундай бўлгандир. Искандар ўз кўшини билан Эрон устига юриш бошлаганида, Хоразм давлати Эрон шоҳининг ёрдам сўраган илтимосини рад этган ва бегарафлик

сиёсатини олиб борган. Эронни енгиб, Марказий Осиё худудига кирган Искандар кўшини Хоразм давлати худудига тегмаган.

Рим тарихчилари Плутарх, Арриан ва Курцийларнинг ёзишларича, Хоразмшоҳ Фаразман (милоддан аввалги 329-328 йиллар) ўзининг 1500 кишилиқ кичик кўшини билан юнон подшоси Александр (Искандар)нинг Бақтриядаги кишки дам олиш кўнимгоҳига ташриф буюради<sup>1</sup>. Табиатан ўта доно, узокни кўра олувчи, зийрак Александр (Искандар) хоразмликларнинг бекиёс куч-қудрати ва имкониятларидан хабардор эди. Шунинг учун ҳам у Хоразмшоҳнинг ташрифидан ўта хурсанд бўлади. Қудратли Хоразмшоҳни ўз рақибига эмас, балки, содиқ иттифоқчига айлантиришга ҳаракат қилади. Александрнинг жаҳонга ҳукмронлик қилиш бобидаги истилочилиқ юришларида айнан Хоразмийлардек мард, жасур иттифоқчилар ўта зарур эди. Юнон подшоси Александр (Искандар) ва Хоразмшоҳ Фарасман ўртасида жиддий, дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Хоразмшоҳ Фарасман ўзининг жангвор катта кўшини билан Александрнинг бўлғуси Ҳиндистон, шарқий Европага қиладиган истилочилиқ юришларида фаол иштирок этиш маъсулиятини ўз зиммасига олади. Ўз навбатида Александр Хоразм ерига ҳарбий юришдан ўзини тийишга ва бундан буён Хоразм давлатини ўзининг содиқ иттифоқчиси сифатида ҳурмат қилиши ҳақида тантанали ваъда беради. Бу иттифоқ ва шартноманинг умри қанча вақт давом этганлиги ҳақида тарихий адабиётларда маълумот йўқ. Фақатгина юнон тарихчиси Страбоннинг асарларида юнон босқинчиларига қарши қаҳрамон курашчи Сўғд ўғлони Спитаменнинг юнонлар билан жангда мағлубиятга учраганидан сўнг Хоразмийлар юртига қочиб яширингани ҳақида маълумот бор. Шу маълумотдан хулоса қилиб айтганимизда, Хоразмийлар, гарчи Александр бошлиқ юнонлар билан иттифоқ тузган бўлсалар-да, бироқ улар ўзларига хос мардлик хусусиятларини намоён этиб, ўз кўшиларига хиёнат қилмаганлар. Душмандан чекинган сўғд фарзанди Спитаменни ўз бағрига олиб яширганлар.

<sup>1</sup> С.П.Толстов. Древний Хорезм. Изд. МГУ. 1948 г. 17-бет

## ҚОНҲА-ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТИ

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришларича, милoddан олдинги II асрларда Марказий Осиё худудида Қонҳа (Кангюй) давлати вужудга келади. Қонҳа давлати, унинг келиб чиқиши ҳақида тарихчи олимларнинг фикри бир хил эмас. Бу ҳақда манбалар жуда оз, чалқаш ва бир-бирига зид маълумотлар бор. Айрим тарихчи олимлар Қонҳа деганд, қадимги Хоразм давлатини тушунишади. Буюк шарқшунос олим С. П. Толстов шулар жумласидандир. Унинг асосли тахминига мувофиқ, энг қадимги Эрон манбалари Хоразмни билишади-ю, Қонҳани билишмайди. Хитой ва Ҳинд дostonлари Қонҳани билади-ю, Хоразмдан беҳабар. Маҳаллий манбалар эса Хоразмни ҳам Қонҳани ҳам билишади. Бундан С. П. Толстов шундай хулоса қилади: Хоразм ва Қонху – иккаласи ҳам бир. Бундан ташқари, “Авесто”да Урва (Урганч) шаҳри қаерда жойлашган бўлса, Қонҳа ҳам ўша ерда эди, деган бевосита тушунча бор. Булардан келиб чиқадики, “Қонҳа” этникдан кўра, кўпроқ сиёсий жуғрофий тушунчадир<sup>1</sup>.

Қадимги Хоразм тарихини ёритишда катта илмий ишларни амалга оширган олимлардан буюк шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд Қонҳа давлатининг тарихи ҳақида ҳам қалам тебратиб, у Қонҳа давлати милoddан олдинги II асрда ташкил топган кудратли давлат бўлиб, унинг таркибига Амударё шимолидаги барча худудлар – Бухоро, Шаҳрисабз, Кушон, Топкент, шунингдек, Хоразмнинг шимолий қисми кирган, деб ҳисоблаган. Халқимиз ўтмишининг етук билимдони – тарихчи олимлардан профессор Г. А. Хидоятлов Қонху милoddан олдинги II асрда Хитойнинг Гансу вилоятида яшаган Кангюйларнинг Жунғари орқали Фарғона водийсига ва ундан кейин бутун Марказий Осиё ва Шимолий Хоразмга кириб келиши натижасида ташкил топган давлатидир, деб ёзади. Қаерда ташкил топишига қарамасдан, Қонҳа мамлакатимиз худудида ташкил топган қадимий давлатлардан биридир.

<sup>1</sup> Р.Жуманиёзов Қадимги Хоразм тарихи. 24-бет

Қонҳа давлати милоддан олдинги II-I асрларда яшаган қудратли, ўз даврининг ривожланган давлатларидан бўлган. Қонху давлати фаол ташқи сиёсат олиб борган. У қўшни давлатлар Парфия, Кушон давлатлари билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантирган, ўз чегараларини мустаҳкамлаган. Шимолда яшаган аланлар Қонҳага қарам бўлиб, ҳар йили унга ўлпон тўлаб турганлар. Ватанимиз тарихининг милоддан олдинги III асрлардан, милоднинг IV асрларигача бўлган даври маълумотлари Хитой манбалари билан боғлиқдир. Муқаддас “Авесто” ва Ҳинд халқининг “Маҳобҳорат” ҳамда уларга ўхшаган бир неча Хитой муаллифлари асарларини ҳисобга олмаганда, у давр воқеаларига оид тарихий манбалар фан оламида деярли йўқдир.

Шу туфайли ҳам у давр Ватанимизнинг қадим ўтмиш тарихини ўрганишда Хитой манбаларидан фойдаланамиз. Айнан ўша манбаларда ўша давр жуғрофий номлари, давлат ва шаҳарлар қандай аталган бўлсалар, биз уни шундай қабул қиламиз. Чунки, улар ҳақида ёзилган, олдин қайд этганимиздек, бошқа манбалар йўқ. Уларнинг ҳақиқий номлари қандай эканлигини билиш имкониятлари эса бугунги кунда деярлик йўқ. Милоддан олдинги II асрда яшаб ўтган Хитой тарихчиси Сима Цзянь милоддан олдинги II асрнинг сўнги чорагида Марказий Осиёда бўлган Хитой элчиси ва сайёҳининг таърифларига асосланиб, бу ерда аҳолиси юечжигга ўхшаш Кангюй номли катта кўчманчилар давлати бўлганлигини хабар қилади. Хўш, юечжий қабилалари кимлар ва улар қаерларда яшаганлар.?

Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришларича, милоддан олдинги III асрларда Хитойнинг шимолий-ғарбий чегараларидан Сирдарёнинг ўрта оқимигача бўлган жуда катта ҳудудда туркий тил лаҳжасида сўзлашувчи кўп сонли чорвадор қабилалар яшаб келганлар. Улар хуннлар, сак-усунлар, юе-чжийлар ва бошқалар номи билан маълум бўлганлар. Улар ўртасида ҳудудий яйловлар ва сиёсий ҳокимият учун доимо ўзаро тўқнашувлар бўлиб турган.

Милоддан олдинги II асрда хуннлар билан тўқнашувда мағлубиятга учраган юе-чжий қабилалари Шарқий Туркистонга кўчиб кетганлар. Сирдарёдан Ўтиб Сўғд ва Бактрия вилоятларини эгаллаганлар. Бироқ, хуннларнинг муваффақияти

Ҳам узокқа чўзилмайди, улар Хитой билан урушда мағлубиятга учраб, Еттисув ва Сирдарё томон чекинадилар. Уларнинг бир қисми Каспий денгиз бўйларидаги скиф ва массагет қабилалари билан қўшилиб кетган бўлсалар, бир қисми эса шарқий Европа томон кўчиб кетганлар. Шимолий-ғарбий Хитой ва шарқий Туркистон ҳудудларидан Ўрта Осиёга кўчманчи чорвадор қабилаларининг катта оқимининг кириб келиши бу минтақада муҳим сиёсий ўзгаришларга олиб келди. Хитой манбаларига ҳамда “Авесто” ва “Маҳобҳорат” маълумотларига қараганда милоддан олдинги II-I асрларда Хоразм, Сўғдиёна ва Чоч (Тошкент)ни ўз ичига олган ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудини қамраб олган Қанг (тарихда Қонқха Конгюй деб ҳам юритилади) подшолиги ташкил топади.

Тарихчилар ўртасида бугунги кунда Қонха подшолигининг пайдо бўлиши ҳақида умумий фикр йўқ, чунки бу ҳақда олдин таъкидлаганимиздек, манбалар ниҳоятда оз, чалкаш ва баъзан бир-бирларига зиддир. Баъзи муаллифлар Қонха деганда Хоразм давлатини тушунишади. Баъзилари эса Хоразм Қонха давлати таркибига кирган деб исботлашга уринадилар. Олдин ургу берганимиздек, қадим Хоразм тарихининг катта билимдони С. П. Толстов Қонха давлатини бевосита Хоразм деб ҳисоблайди. С. П. Толстов юқоридаги ўз хулосасини қуйидагича исботлашга ҳаракат қилади. Зардуштийликка оид сўнгги манбалар сингари, “Авесто” ҳам Кангюйни “Юксак ва муқаддас Кангха” деб атайди. Бирок, уларни турли матиларда турлича тилга олади. Қонха давлатининг номи қадимий манбаларда ҳам тилга олинади. “Шоҳнома”да Сиёвуш ўзининг қаҳрамонона ишларини Қонхада қилган дейилса, Беруний Сиёвуш бу ишларни Хоразмда қилган, дейди. Юқорида баён этилган мулоҳазаларнинг ҳаммаси, шунингдек талайгина бошқа тафсилотлар “Авесто”даги Қонха билан ўхшаш номга эга бўлган Кангюй Хоразм демакдир, деган хулосага келиш имконини беради<sup>1</sup>.

Шарқшунос олим юқоридаги ўз фикрини асослашга интилиб, китобхонларга қуйидаги далилларни тақдим этади: Эронча Кан ўзаги билан боғлиқ Кангха иборасини ҳам шунингдек канал

<sup>1</sup> С.П.Толстов.Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 125-126 бетлар

сўзининг ўзини ҳам “ариклар ўлкаси” ёки “ирмоқлар ўлкаси” деб таржима қилиш мумкин. Шуниси характерлики, Сеистондаги Гильменд дельтасининг номи Миёни Кангдир. Хоразмнинг жануби ғарбидаги Амударёнинг қадимий Сарикамиш дельтасининг жануб томонидан энг чекка ирмоғи ҳозиргача Кангадарё деб, бу ирмоқнинг ёнидаги тепалик эса Кангагира деб аталади. Қанҳа Хоразмга нисбатан бирмунча кенгрок маънони англатиши ҳам мумкин. Дастлаб Хоразмга Амударё дельтасининг фақат юқориги қисми, яъни мамлакатнинг асосий ўзаги киргани ҳолда Қанҳа мазкур дарё дельтасининг ҳаммасини, балки ўша замонда ушбу дарё билан битта умумий ўзанга қуйилган Сирдарёнинг дельтасини ҳам англатган. Бироқ, бу даврда Хоразм ҳам жуғрофий, ҳам сиёсий жиҳатдан Қанҳанинг марказига, дельтанинг энг илғор ва қудратли вилоятига айланади <sup>1</sup>.

Қадим Хоразм тарихининг фидойи билимдони С.П. Толстовнинг юқоридаги исботи билан берилган хулосаси, яъни Қонҳа давлати – қадимги Хоразм давлати, деган хулосаси, назаримизча, ҳақиқатга анча яқин хулосадир. Мавжуд манбаларда Қонҳа давлатининг чегаралари ҳақида аниқ маълумотлар берилмаган. Таниқли этнограф-элшунос олим Карим Шониёзов ўз илмий изланишларида бу масалага аниқлик киритишга интилиб, Қанғилилар Шарқда Фарғона водийси, Шимолий Шарқда усушлар, Шимолий Ғарбда Сарису дарёси ва Ғарбда Сирдарёнинг ўрта оқими билан чегарадош бўлганлар. Бу чегарада қанғарларга қарашли бир неча вилоят ва уларга тобе бўлган қабилалар жойлашган. Тахминий маълумотларга кўра, Қанғарлар ҳукмрон бўлган ҳудудда милoddан аввалги I ва ми-лодий I-II асрларда 120000 оила ёки 600 000 киши яшаган <sup>2</sup>.

Албатта юқоридаги рақамлар нисбий рақамлар бўлиб, исботи қийин, тахминий рақамлардирлар. Лекин, бир нарса аниқки, Қонҳа давлати, бу милoddан олдинги III-I асрларда Ватанимиз ҳудудида ташкил топган Қонҳа давлати бўлиб, бу давлат ўзининг куч-қудрати жиҳатидан даврининг йирик қудратли давлатларидан бири бўлган. Қонҳа давлатининг Марказий

<sup>1</sup> Ўша жойда, 156-бет

<sup>2</sup> Ш.Каримов, Р.Шамситдинов. Ватан тарихи. 73-бет

Осиё халқлари тарихида жумладан мамлакатимиз халқлари тарихида ўрни ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Бу давлат ҳудудида эроний тилларга яқин тилларда сўзлашувчи туб ерли халқлар, бу давлат ҳукмронлиги туфайли Жанубий Сибир, Олтой, Шарқий Туркистон ва Еттисув вилоятларида яшовчи туркий тилда сўзлашувчи халқлар билан ўзаро яқинлашадилар. Натижада, милоддан олдинги II-I асрларда Сирдарёнинг ўрта оқидамида туркий тилда сўзлашувчи янги этнос-халқ бирлиги вужудга келади. Бу этнос-халқ бирлиги аста-секин сон жиҳатидан кўпайиб, мазкур вилоятларда ўзининг устун мавқеига эга бўла борди. Шу асосда Қангар элати номи билан аталган элат шаклланди. Ана ўша элат бирлиги асосида Қонха давлати ташкил топди.

Қонха давлатида қурилган шаҳарларнинг кўп бўлишига қарамай, янги шаҳарлар қурилишига, суғориш иншоотларини барпо этишга алоҳида эътибор берилган. Хоразм ҳудудида архсолоғлар томонидан топилган Жонбосқалъа шулар жумласидандир. Қонха давлати ҳукмронлиги даврида хунармандчиликни қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиш жараёни бошланган. Гарчи, у даврда Хоразмда патриархал синфий жамият вужудга келган бўлса-да шу билан бир қаторда, уруғ-қабилачилик тартибoglари ҳамон сақланиб қолган эди. Жамият негизини уруғ ташкил қилган бўлса, ерларга уруғ мулкчилиги ҳукм сурарди. Бир қанча уруғлар бирлашмаси қабилани, бир қанча қабилалар бирлашмаси – қабилалар иттифоқини ташкил этган. Уруғ, қабилла, қабилалар иттифоқи алоҳида сайланган оқсоқоллар, бошлиқлар томонидан бошқарилган. Бу бошлиқларнинг ҳокимияти уруғ, қабилла бошлиқлари кенгаши томонидан чекланган эди. Хоразмда милоддан олдинги II-I асрларда ва милоднинг юзинчи йилларида ўз даврига нисбатан ҳарбий техника соҳасида жиддий муваффақиятларга эришилди. Қонха ҳарбий усулининг моҳияти шундан иборат эдики, жанг вақтида оғир совут кийган, ўқ-ёй, узун найза, қилич ва пичоқ билан қуролланган ва зирҳланган отга минган чавадозлар зич саф тортиб ҳужум қилганлар. Ўқ-ёй ўқлари тез ва мувозанат сақлаб учиши учун уларнинг кетига бургут паридан ишланган алоҳида

мослама тақилган<sup>1</sup>. Қонха давлати ҳукмронлиги йилларида қадимги Хоразмнинг ўзга хорижий мамлакатлар билан савдо-сотик муносабатлари ҳар томонлама кучайган.

Кейинги олиб борилган археологик қазилмалар натижасида Ўрол ҳудудида топилган илк Хоразм жангчиларининг кумуш буюмлари Хоразм давлати Волгабўйи, Кавказ олди ва жанубий Ўрол олди ҳудудлари билан кенг иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлигидан далолат беради<sup>2</sup>. Бизга маълумки милоддан олдинги II асрларда Хоразм ҳукмдорлари мустақиллик рамзи бўлган олд томонига Сиёвуш ва отлик чавандоз тасвири тушурилган ўз тангаларини чиқара бошлаганлар.

Қонха давлати ҳукмронлиги йилларида қадимги Хоразм аҳолиси асосан Зардуштийлик динига эътиқод қилганлар. Шу билан бир вақтда аҳоли ўртасида бошқа динларга, жумладан Сиёвушни илоҳийлаштириб, унинг шахсига сифинувчилар ҳам бўлган.

Қонха давлати ҳар томонлама ривожланиб, ҳудудий кенгайиб борди. Манбаларнинг гувоҳлик беришларича, милоддан олдинги 170 йилда Сўғдиёна кейинроқ Чоч, Хоразм (бу ерда Қонха давлати назарда тутиляпти) билан ихтиёрий бирлашади. Чет эл хавфига жумладан юечжи ва хушларнинг босқини хавфи уларни кудратли қўшниси Хоразм билан бирлашувига туртки берган бўлиши мумкин. Шаҳарлари бой Қонха давлати кўпгина хорижий ҳукмдорлар эътиборини ўзига тортди. Уни ўзларига бўйсундиришга уринишлар бўлди. Милоддан олдинги I асрда Қонха гуллаб яшнади. Кушон подшоҳлигининг, айниқса, Кадфис даврига келиб Қонхани босиб олиш учун уринишлари ҳам бекор кетди. Хоразм Жанубий Ўрол бўйи, Кавказ, Қора депгиз бўйи давлатлари, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа кўп мамлакатлар ва минтақалар билан сиёсий ва савдо муносабатлари олиб борган. Қўшни чўл минтақаси қабилалари-анаҳоқлар яшайдиган марказлар (Чириқрабат, Бибишмулла ва бошқа) билан унинг алоқалари мустаҳкамланди. Улар Хоразмийлар билан иттифоққа интилардилар.

<sup>1</sup> Хоразм тарихи, 93-бет

<sup>2</sup> Уша жойда.



Олдин таъкидлаганимиздек, Қонха давлати ҳукмронлиги йилларида Қадимги Хоразм худудида шаҳарлар ҳаёти, уларнинг қурилиши, меъморчилиги соҳасида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Ноқулай ва эски кўрғонлар ўрнида Аёз қалъага ўхшаган мустаҳкам шаҳарлар пайдо бўлди. Милодимиз бошида мазкур қалъа 70 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган, кўп аҳоли яшайдиган шаҳар эди. Ушбу шаҳар марказида катта ер эгасига дахлдор кўрғон бўлиб, у ўқчилар учун мўлжалланган миноралар билан мустаҳкамланган эди. Кўп хонали турар жой, икки дахлиз орқали тўрт қисмга бўлинган эди. Кўрғон атрофи деҳқонларнинг 5-8 хонали уйлари, томорқалари билан ўралган эди.

Археологик қазилмалар натижасида топилган юқоридаги ашёвий далилларни таҳлил қилар эканмиз, қадим Хоразм синфий жамияти кўз олдимизда намоён бўлади. Бир томондан мулкдорлар синфи ва уларга тегишли бўлган мустаҳкам кўрғонлар, иккинчи томондан эса камбағаллар, йўқсиллар синфи ва уларга тегишли бўлган фақирона уйлар. Археологик қазилмалар натижасида очилган, Кангх даврига оид қадим Хоразм қалъаларидан бири Катта Гулдурсун қалъаси ўз даврининг мустаҳкам қалъаларидан бири бўлиб, ҳар қанақа ташки хавфга қатъий қаршиликни ташкил этишга мўлжалланган қалъа бўлган. Катта Гулдурсун қалъаси кўплаб ўқ отиш туйнуқлари бўлган мустаҳкам девор билан ўраб олинган. Бу истехком 37 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, ҳимояланмаган аҳоли уйлари унинг атрофида жойлашган. Ана шундай қурилиш усуллари милодимизгача бўлган I асрга таалуқли Қумбосган қалъа, Бургут қалъа, Отсиз қалъа, йирик Қирғиз қалъаларига ҳам хосдир.

Қадим Хоразмнинг энг қизиқарли ва энг яхши ўрганилган қалъаларидан бири Қўйқирилган қалъадир. У айлана шаклида бўлиб, айланаси 86 метр, атрофи 5 метр қалинликдаги девор билан ўраб олинган. Қалъада 9 та минора бўлган. Қалъа марказида ўша давр оқсуякларига тегишли айланаси 42 метрли уй бўлган. Шу билан бирга, қалъада ўликларнинг суякларини жойлаштирадиган кўп сонли лойдаң қилинган оғабонлар топилган. Уларнинг қалъадан топилиши ўша давр Хоразмидаги асосий эътиқод шакли – Зардуштийлик дини эканлигидан гувоҳлик беради. Қўйқирилган қалъа харобаларидан ниҳоятда

бугунги кунда илмий аҳамиятга эга бўлган милоддан олдинги III-II асрларга оид қадимги Хоразм ёзуви ҳам топилди. Бу ёзув Оромий ёзувида туш билан ёзилган. Қўйқирилган қалъа топилмалари қадим Хоразмнинг гуллаб-яшнаган давридан далолат берувчи ёдгорликлардир. Тарихий манбаларни кунт билан ўрганар эканмиз, Қонха давлатининг милоддан олдинги II-I асрларда қудратли давлат бўлганлигини ва уни қўшни Хитой давлатидан бутунлай мустақил сиёсат юргизганлигига ишонч ҳосил қиламиз. У даврда Қонха давлати фақатгина ўз мустақиллигини сақлабгина қолмасдан балки қўшни туркий халқларни Хитой босқинидан ҳимоя қилади. Қўшни Кушон ва Парфия давлатлари билан дўстона муносабатларни олиб боради.

Уша давр Хитой ҳукмдорлари қўшни Шарқий Туркистон халқларини ўзларига бўйсундириб, ўз давлатларининг ҳудудларини кенгайтириш сиёсатини олиб борадилар. Улар қўшни ерлар, Шарқий Туркистон, Қонха, Кушон, Парфия ерларида кўплаган ўз элчихоналарини очиб, уларга юзлаган ўз кишиларини сафарбар этадилар. Улар олдига битта вазифа, мазкур ҳудудни атрофлича ўрганиш, бўлгуси Хитой ҳарбий кучларининг юриши учун замин тайёрлаш вазифасини қўядилар. Тезда Хитой ҳукмдорлари сўздан амалий ишга ўтадилар. Милоддан олдинги 104 йилда Фарғона (Хитойча Давон) га катта қўшин билан юриш қиладилар. Бироқ, хитойликлар бу ерда халқ оммасининг каттиқ қаршичилигига дуч келадилар ва чекинишга мажбур бўладилар. Бироқ, бу муваффақиятсизлик Хитой ҳукмдорларини Фарғона водийсини унинг серҳосил ерларини, бой шаҳарларини эгаллаш ниятидан қайтара олмади. Хитой қўшини сон жихатидан қайта тўлдирилиб, унинг сони 60 минг кишига етказилди. Қўшин замонавий қуроқлар билан қайта таъмирланди. Ниҳоят, милоддан олдинги 102 йилда Хитой қўшинлари Фарғона ҳудудига иккинчи маротаба бостириб кирдилар. Хитойлар ҳужумининг асосий йўналиши бу вилоятнинг марказий шаҳри бўлган Гуйшанни эгаллаш ва ундан сўнг ҳужум йўналишини Сўғдиёна шаҳарлари томон қаратиш эди. Фарғоналиклар маккор душманга қарши курашга кўзгалдилар.

Хитойликлар ҳар қанча ҳаракат қилмасин қамалда қолган Гуйшан шаҳри ҳимоячиларининг қаршилигини синдира олмадилар. Улар Қўрғонга ёриб киришга эриша олмагач, Қўрғонни сув билан таъминлаб турган тўғонни буздилар. Натижада Қўрғон ҳимоячилари сувсиз қолдилар. Сувсизликдан тинкаси қуриган шаҳар ҳимоячилари душманга қаттиқ қаршилик кўрсатишни давом этдирдилар. Бирок кучлар тенг эмас эди. Сон жиҳатидан катта устунликка эга бўлган душман 40 кунлик қаттиқ жанглардан сўнг Қўрғон ичкарасига ёпирилиб киришга эришади. Шаҳар марказида Хитой ҳарбий бошлиқлари тўхтаб, қамал пайтида қаҳрамонлик кўрсатган гуйшанлик саркардаларни ва шаҳар ҳимоясини бошқариб турган Даван подшоси Муғуанни қатл этадилар.

Шаҳар оқсоқоллари кўшни Қонха ҳукмдорига ёрдам сўраб чопар юборилганлигидан хабардор бўлган шаҳарликлар, душман билан музоқара бошлаш ва Қонха ҳарбий кучлари ёрдамга етиб келгунларича, вақтдан ютишга қарор берадилар. Шундай бўлди ҳам. Музоқара пайтида ўзларини муддатдан олдин ғолиб ҳисоблаган хитойликлар фарғоналиклар учун ниҳоятда асоратли шартларни илгари сурдилар. Бу шартлар амалда Фарғонани Хитой ҳудудига айлантирар эди. Хитой кўмондонлиги билан музоқаралар олиб бориш учун юборилган Гуйшан оқсоқоли бу шартларнинг фарғоналиклар учун ниҳоятда асоратли ва қабул қилиш мумкин бўлмайдиган шартлар эканлигини айтганида, Хитой кўмондони ниҳоятда дарғазаб бўлиб, энциликда хитойликларнинг ҳужуми қайта бошланчага ва давом этажанини, Гуйшан (Косон) ва унинг атрофидаги ерларнинг кули кўкка совирилажанини билдиради. Бу сўзларга элчи қайта эътироз билдириб, яқинда фарғоналикларга кўшни Қонха давлатининг ҳарбий кучлари ёрдамга етиб келажаклигини ва улар хитойликларга она Фарғона ерини вайрон қилишларига йўл қўймасликларини билдиради.

Ўша пайт эшиқдан хабарчи келиб, Қонхани каттагина ҳарбий кучлари шаҳарга яқинлашиб қолганлигини билдиради. Бу хабардан эсанкираб қолган Хитой ҳарбий кўмондонлиги ўз ҳарбий қисмларига шошилиш равишда Фарғона ерларини ташлаб, чекинишга буйруқ беради. Қонха ҳарбий кучларининг

қудратини, уларнинг жангдаги шижоатини Хитой ҳарбийлари яхши билар эдилар. Шундай қилиб, хитойликларнинг Фарғонага қилган иккинчи юриши ҳам муваффақиятсиз чикди. Бу юриш Хань императорига жуда кимматга тушди. Фарғонага иккинчи ҳарбий юришда (милоддан олдинги 102 йили) Хитой кўшинига 60 минг киши жалб этилган бўлса, орқага (милоддан олдинги 101 йил) фақат 10 минг киши, 30 минг отдан эса фақатгина мингтага яқини қайтган эди.

Фарғона халқининг ўз она юртини қахрамонларча ҳимоя қилиши ва уларга кўшни Қонха давлатининг берган катта ҳарбий мадади бу ерларни Хитой истибдодидан сақлаб қолди. Фарғонадаги муваффақиятсизлик, хитойликларни кўшни ҳудудларни босиб олиш ниятидан қайтара олмади. Милодий I асрнинг 80 йилларида Хитой императори ўз кўшинига Қонха ва Фарғона ерларига бостириб кириш хақида буйруқ беради. Фарғоналиклар ёрдам сўраб кўшнилари Қонха давлати ҳукмдорига мурожаат қиладилар. Душманнинг ҳужумидан бохабар бўлган Қонха ҳарбий кучлари зудлик билан йўлга чиқиб, босқинчиларни Қашғар ерида кутиб, душман яқинлашгач, унга шердек ташланади. Қонхаликлар Хитой кўшинини қуршаб олиб, уни тутдек тўка бошлайдилар. Хитойликларнинг шармандаларча тор-мор бўлиши аниқ бўлиб қолган эди. Буни ўз вақтида сезган Хитой императори қонхаликларни кушонлар билан қариндошлик иплари ила боғланганлигидан фойдаланиб, Кушон подшосига ёрдам сўраб мурожаат қилиб, қонхаларни йўлдан қайтаришга, хитойликларни шармандали мағлубиятдан сақлаб қолишга кўмаклашишини сўрайди. Қонхаликлар Кушон подшосининг илтимоси билан ўз ҳарбий кучларини Қашғардан олиб чиқиб кетадилар. Ўз навбатида хитойликлар ҳам ўзларининг босқинчилик ниятларидан қайтадилар.

Шундай қилиб, Қонха ҳукмдорлари ўша даврда Хитойда ҳукмронлик қилаётган Хань империясининг босқинчилик сиёсатига қарши чиқиб, уларни ўз чегарасига, ҳатто, унга яқин бўлган Фарғона ва Қашғар ерларига киритмасликка ҳаракат қилар эди.

Ташқаридан қараганда ўта қудратли кўринган Қонха давлати ички зиддиятларга тўла давлат эди. Йиллар давомида

хитойликларга қарши олиб борилган урушлар, кўчманчи қабилаларнинг мамлакат ҳудудига тинимсиз давом эттирган хужумлари, шунингдек, йўқсилларнинг ҳукмрон табақаларга қарши қаратилган кўзғолонлари Қанғх давлатининг куч-қудратига путур етказди ва милодий I асрнинг бошларида Кушонларнинг хужумлари натижасида Қанғх давлати қулайди. Айнан милодий I асрнинг бошларида Хоразм Кунонлар давлати таркибига киради. Шу нарса эътиборга лойиқки, шаҳарларда турли ишлаб чиқариш шаҳобчаларининг ривожланиши аста-секин уругликнинг емирилиб, синфий жамиятнинг шаклланишига олиб келди. Бинобарин, маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш меҳнат қуролларига хусусий эгалликни тақозо қилади. Айнан мулкчилик ишлаб чиқарувчининг ижтимоий аҳволини, жамиятдаги ижтимоий ўрнини белгилайди.

Хоразмда милоддан аввалги 2-миңчи йилларнинг иккинчи ярмида синфий жамиятнинг шаклланиши ҳақидаги маълумотлар қадимий манбаларда ҳам учрайди. Уларда кўрсатилишича, ўша давр Хоразмида шаҳарлар аҳолиси асосан уч табақага: қоҳишлар, жангчилар ва деҳқонлар, кейинроқ ҳунармандларга бўлинган. Қул сақлаш тор доирада, уй шароитида бўлса-да, анъаналарини истисно қилиб бўлмайди. Шарқшунос олимларнинг фикрича, улар асосан ҳарбий асирлардан иборат бўлган. Аммо буларни тасдиқлайдиган ва инкор қилиб бўлмайдиган манбалар йўқ.

Бир сўз билан айтганда, Хоразм шаҳарларининг вужудга келиши ва уларда маданиятнинг шаклланиши, шунингдек, Хоразмда ирригация ва мелорация қурилишининг яхши йўлга қўйилиши стихияли (онгсиз) равишда вужудга келмади. Улар онгли равишда, умумий раҳбарлик остида амалга оширилди, дейишимизга асос бўлади.

Бу фикрни буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний ҳам тасдиқлайдилар. Аллома ўзининг “Ўтган халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Хоразмда деҳқончилик маданиятининг юксалиши аҳолиси кўп шаҳарларнинг пайдо бўлишини Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юришидан 98 йил олдин, яъни милоддан олдинги тахминан 1308 йиллар деб белгилайди.

Хоразм ҳукмдорлари хорижга муваффақиятли ҳарбий юришлар қилиб туришлари билан бирга, ўз мамлакатларининг мудофаасини ҳам бир зум эсдан чиқармас эдилар. Хоразмнинг барча чегара худудларида мустаҳкам мудофаа қалъалари курилади. Улар тўрт қатор деворлар билан ўраб олинган бўлиб, ҳар икки қатор орасида уч метрлик ўтиш жойи (Кўзалигир, Чермон-ёп, Калимигарда қалъалари) бўларди. Қазилмаларнинг гувоҳлик беришларича Хоразмийлар аллақачон милоддан аввалги 2 мингинчи йиллар охири 1 мингинчи йиллар бошлариданоқ ҳарбий-муҳандислик истехкомлари қуриш санъатини ирригация иншоотлари бунёд этгандек маҳорат билан эгаллаган эдилар.

Шаҳар, қалъалар ҳам истехком шаклида бунёд этиларди. Уларнинг ҳар бирида ўз қуроли кучларига эга бўлган сардор бўларди. Бу ҳақда машҳур юнон тарихчиси Геродот шундай деб ёзади: “Ҳар бир қабиланинг (Хоразмий қабилалар назарда тутиляпти – муалл.) энг муносиб сардори ва ҳар бир элатнинг қанча шаҳари бўлса шунча сардори ҳам бўларди”.<sup>1</sup> Шаҳар сардорлари олий сардорга бўйсунушар, ички, ташқи ва ҳарбий масалаларни ўзаро келишиб ҳал қилишар эдилар.

Хоразм давлатчилиги мустаҳкамланиши билан, унинг худудидаги шаҳарлар ҳам ривожланиб борди. Хоразм хунармандлари, бинокорлари ўзларининг юксак ишчанлик маҳорати билан қадим-қадимдан шуҳрат қозонганлар. Хоразм ҳукмдорлари ўз мамлакатларида шаҳарлар қурилишига катта эътибор билан қараганлар. Ҳукмдорлар кўрсатмаси билан қурилган улуғвор бинолар шаҳарларни безаб турган.

Шундай Хоразм шаҳарларидан бири Тупроққалъадир. Таниқли тарихчи олимлардан Г. А. Хидоятлов ва К. В. Гревернинг таърифлашларича, Тупроққалъа ғиштин деворлар ва тўртбурчакли миноралар билан ўраб олинган. Мустаҳкам пойдеворга ўрнашган йигирма газлик баландликдаги ғиштин деворли икки қаватли ажойиб гумбазлардан иборат мажмуида яшаш ва хўжалик хоналари жойлашган эди. Хоналар махсус нур деразалари билан ёритилган. Қасрнинг ярмидан зиёдини қарийб II минг квадрат метр жойни 100 хона эгаллаган, ҳар бири 40x40

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. I том, 56 бет.

метр ҳажмли 3 та минора 25 газ баландликка бўй чўзган. У ерда катта устунларга таянувчи порталли улкан заллар бўлган. Масалан, “Шоҳлар зали” одамнинг табиий гавдасига тенг бўлган лойдан ясалган ҳайкаллар, “ғалаба зали”да эса ўтирган шоҳлар, ғалаба худоси Ника тасвири топилди. Шунингдек “Буғулар зали” – рақсга тушувчи ниқоблар зали ҳам бор эди<sup>1</sup>. Қасрнинг безатилиши ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Деворлар ўзаро кесишувчи йўл-йўл қора жигарранг рангли нақшлар билан безалган. Улар ромбага ўхшаган майдончаларни ташкил қилади ва майдончаларга мусиқачилар тасвири туширилган. Мусиқа асбоблари орасида учбурчақли арфа, икки томонлама барабан ва кум соатига ўхшаган ҳозирги дуторни эслатувчи икки торли асбоб кўпроқ учрар эди. Уларнинг тузилишларида ҳозирги Хива гиламлари, ўзбек ва тожик сўзаналари, Қорақалпоқ наъмагарининг гул нақшлари билан ўхшашликлари бор эди<sup>2</sup>.

Тупроққалъа, мўъжиза сифатида сакланиб қолган Хоразм-шоҳлар архивини бизгача етказди. Қасрнинг жанубий-шарқий қисмида бурчагида 4 та хонада ёғоч ва терига қадим Хоразмий тилида ёзилган 80 дан зиёд ҳужжат топилди.<sup>3</sup> Улар бугунги кунда улкан қимматга эгадирлар. Академик С.П. Толстов бошчилигидаги тарихий этнографик экспедиция томонидан ўтган асрнинг 40-50 йилларида қадимги Хоразм худудида олиб борилган қазилма ишлари натижасида ўша даврга оид кўплаган Хоразм шаҳар ва қалъаларининг қолдиқлари топилди. Улар Тупроққалъа, Гулдурсунқалъа, Аёз қалъа, Қалалиқир, Ёнбошқалъа, Ёликқалъа, Шўрахон, Ҳазорасп, Қалъажик, Бозорқалъа, Жонбосқалъа, Қўйқирилганқалъа, Филқалъа, Норинжонқалъа, Элликқалъа, Беркупқалъа, Девқалъа, Чилпинқалъа, Нойибқалъа, Қаватқалъа, Кўргошинқалъа, Бозорқалъа, Эресқалъа, Тешиққалъа ва бошқалар бўлиб, улардан топилган археологик топилмалар бу қалъаларнинг ўз даврининг обод ва ривожланган қалъаларидан эканликларидан далолат беради.

<sup>1</sup> Р.Жуманиязов. Қадимий Хоразм тарихи. Урганч 1993 й, 25-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 25-26 бетлар

<sup>3</sup> Ўша жойда.

Хоразм хукмдорлари ўз мамлакатларида илм-фаннинг ривожига, шунингдек илм-фан ахилларига ғамхўрлик қилганлар. Улар ўз мамлакатада ободончиликка, илм-маърифатга катта эътибор берганлар. Хоразмшоҳ Маъмун хукмрониги даврида (1005 йилда) мамлакат пойтахти Гурганчда, Шарқдаги илк академиялардан бири Маъмун академияси ташкил қилинди. Унда келгусида бутун жаҳонга ўз илмий кашфиётлари билан танилган олимлар Абу Райҳон ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Сахл Исо ибн Яхё ал Масихий, ал Журжоний, Абу Мансур ибн Али ибн Ироқ, Аҳмад Маъсурий, Муҳаммад ас Солиҳ, ал Хоразмий, ас Косий, Абу Муҳаммад Ҳамид ал Хўжаңдий, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мисковайх, Умар Исфаконий каби алломалар самарали ижод қилдилар. Шунинг таъкидлаш лозимки, бутун Шарқнинг буюк мутаффакири, жаҳон тиббиёт оламининг сўнмас юлдузларидан бири бухоролик аллома Абу Али ибн Сино ҳам 1005-1017 йилларда Хоразмда яшаб, Маъмун академиясида фаолият кўрсатган ва ўзининг 3 жилдлик машҳур “Тиб қонунлари” асарини Хоразмда ёзган. Маъмун академияси фаолият кўрсатган ғоят қисқа даврда Хоразмда математика, геометрия, минералогия, табобат, география, астрономия, геология фанлари ривожланди. Хоразмда ўтмишда шаҳарсозлик, бинокорлик, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, меъморчилик анча ривожланган соҳа бўлган.

Қадимги Хоразм юрти маданияти бугунгача маълум бўлган Зардуштийлик даврида ижтимоий фанлар, табиий фанлар, хусусан, табобат, астрономия, ҳуқуқ ниҳоятда ривож топган. Зардуштийлар инсон ҳақ-ҳуқуқларига, унинг сихат-саломатлигига, табиий мусаффолик, озодаликка жиддий эътибор беришган. Осмон жисмларини кузатишган. Милoddан олдинги VI-IV асрларда Хоразмда барпо этилган Кўйкирилган қалъада обсерватория мавжуд бўлган. Хоразмлик алломалар самодаги ҳаракатларни ердаги ўзгаришларнинг натижаси деб қарашган. Улар самодаги ўзгаришларни кунт билан кузатиб, самодаги ўзгаришлар ердаги ўзгаришларни юзага келишига сабаб бўлади, деган тўғри хулосага эришганлар. Обсерватория куриш, осмон жисмларини кузатиш, уларни ўлчаш учун инсон математика, алгебра, физика, астрономия каби фанларни мукамал



ўзлаштириши; табобатни билиши учун кимё, биология, табиат, зоология сингари соҳаларни яхши ўрганиши; ҳақ-ҳуқуқларни ҳаётга тадбиқ этиши учун фалсафани, табиат ва жамият асослари илмларини тўла эгаллаши талаб этилган. Демак, аجدодларимиз ушбу соҳаларни милoddан олдинги даврларда ҳам яхши билишган.

Кўпчилик китобхонларга яхши маълумки, Хоразмшунос олим С.П. Толстов бошчилигидаги тарихий-археологик экспедиция XX асрнинг 40-50 йилларида Қадимги Хоразм ҳудудида қазилма ишларини олиб бориб, бугунги Қозоғистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон республикалари ҳудудида 400 дан ортиқ Қадимги Хоразмийларнинг шаҳар, қалъа ва маконлар қолдиқларини топганлар. Улардан бири ўтмишда Хоразмийларнинг катта шаҳарларидан бири бўлган Қўйқирилган қалъадир. Қўйқирилган қалъа ҳудудида қазилма ишлари олиб борилаётган пайтда, экспедиция аъзолари қалъа марказидаги ертўладан спиртга ўхшаган ичимлик сақланган кўплаган хумларни топганлар. У ичимликни Зардуштийлар Хаума деб атаганлар. Сергей Толстов ва экспедиция аъзолари ўнга яқин катта хумларда ичимлик сақлаганидан ҳайратга тушганлар. Наҳотки, бу қалъада милoddан олдинги IV-III асрларда яшаган одамлар майпараст бўлганлар? Текшириш натижасида ҳақиқий аҳвол аниқланган. Қўйқирилган қалъанинг марказидаги қаср – бинонинг девори қалинлиги 7 газ, баланддаги 15-17 газдан ошган. У камида уч каватдан иборат бўлган. Археологларнинг тахмин килишларича, у маскан кўёшнинг чиқиши, ботиши, юлдузлар ҳаракати, кўёш ва ой тутилиши, фасллар ўзгариши, вақт ҳисобини аниқлаб борувчи обсерватория – расадхона ҳисобланган. У расадхона яқинида Зардуштийларнинг доимо олов ёниб турадиган оташгоҳи бўлган. Оташгоҳда олов доимий ёниб туриш учун аждодларимиз ана ўша суюқликдан фойдаланишган. Бундан ташқари, аждодларимиз ушбу суюқликни табобат соҳасида ҳам қўллашган. Ана шу тарзда археологик қазилмалар натижасида топилган турли хил ашёлар Қадимги Хоразмда илм-фаннинг кўп соҳалари анча ривожланганлиги, Хоразм қадимги ва ўрта асрларда жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

Афсуслар бўлсинки, Қадимги Хоразм фани, маданияти, алломалари ҳақидаги ёзма маълумотлар бизгача етиб келмаган. Фазо жисмларини ҳаракати расадхона орқали кузатиш имкони даражасига етган аждодларимиз ичида, ўша даврда жаҳонга танилган олимлар бўлгани табиийдир. Илм-фан ривожланмаса, ўз даврининг илғор билимлари билан қуролланган олимлар бўлмаса, расадхона орқали фазо жисмлари ҳаракатларини кузатиш қаерда дейсиз? Афсуски, қадимги ўтмиш алломаларимиз ва уларнинг ижодий фаолияти ҳақида ёзма маълумотлар бугунги кунда йўқ. Ўрта асрларга келиб Хоразм фани ривожланиши давом этди. Қадимги Вавилон, Юнон ва Рим фани-маданияти ўрта асрлар бошларида тушкунликка учраб, Европада тушкунлик даври бошланган бир пайтда, юзага келган бўшлиқни Марказий Осиёдан, хусусан Хоразмдан етишиб чиққан олимлар ўз ижодлари билан тўлдирдилар. Академик Сергей Павлович Толстовнинг таъбири билан айтганда, у даврни Хоразм уйғониш даври деб аташ мумкин. Қадимги Хоразм ҳудудидаги археологик казишмалар натижасида аниқланган Хоразм шаҳар ва қалъаларининг қолдиқларини қунт билан ўргатиш Хоразмда узок ўтмишда қудратли давлатлар, обод шаҳарлар, илғор сув иншоотлари даврига мос ривожланган қишлоқ хўжалиги, шунингдек, илғор фан-маданият мавжуд бўлганлигини, етук олимлар яшаганлигини англашга имкон беради. Бироқ, бу тахминларни исботловчи ёзма манбаалар бугунги кунда фанда мавжуд эмас. Ўрта асрлар Хоразм тарихига оид ёзма манбалар етарли даражада бўлмаса-да, юнон, араб, форс манбалари орқали бизгача етиб келган.

Ушбу манбаларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкинки, илк ўрта асрларда Хоразм ҳудудида қудратли давлатлар, обод савдо шаҳарлари, илғор фан мавжуд бўлган. Айнан ўша даврда Хоразмда ўзларининг илмий кашфиётлари билан бугунги кун фан тараққиётига пойдевор солган буюк алломалар етишиб чиққан. Улар Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал Хоразмий, Абу Бакр Розий, Маҳмуд аз Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Абу Наср Ироқ, Чағминий, Нотилий Ас Сах-

рий, Муҳаммад Хоразмий, Исмоил Журжоний, Абу Малик Хоразмий ва бошқалардирлар.

Хоразм давлатчилиги ҳақида сўз юритар эканмиз, жаҳон тарихидаги буюк давлатлардан бири Хоразмшоҳлар-Ануштегинлар давлати хусусида тўхталмасдан иложимиз йўқ. Ануштегин ва унинг ўғли Қутбиддин Муҳаммад асос солган ушбу давлат сулола вакиллари Хоразмшоҳлар Отсиз, Эл Арслон, Текаш, Қутбиддин Муҳаммад ҳукмронлиги йилларида дунёвий салтанатга айланди. Ўз таркибида истило қилинган 27 та давлатни бириктирган мазкур Хоразм давлатининг ҳудуди Дашти Қишлоқдан Хинд океанигача чўзилган. Мазкур сулола ҳукмронлиги йилларида Хоразм буюклик шоҳ супасига кўтарилди. Хуросон, Эрон, Кавказorti, Мовароуннаҳр ерлари Хоразм давлати тасарруфи бўлган. Хоразмшоҳлар давлатининг ҳудуди XIV асрда Марказий Осиёда ташкил топган қудратли Темур давлатининг ҳудудига деярлик тенг келар эди. Давлат ҳукмдорлари юксак маданиятли, саводхон кишилар бўлиб, ўз мамлакатларининг ободонлиги, фуқароларининг турмуш фаровонлиги учун ўта ғамхўр кишилар эдилар. Хоразмшоҳлар фан-маданиятнинг ривожига, шаҳар ободончилигига, савдо-сотиққа катта эътибор берар эдилар. Мамлакатда илғор сув шишоғлари, обод қишлоқ хўжалиги мавжуд бўлиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги анча юқори эди. Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Ғурганж жаҳоннинг энг обод, энг кўркем шаҳарларидан бири эди.

Тарихий манбаларни ўргатар эканмиз, Хоразмшоҳлар даюлати халқаро майдонда катта обрў ва эътиборга сазавор бўлганлигининг шохиди бўламиз. Мўгуллар ҳужуми арафасида Хоразм давлатига сафар қилган машхур араб сайёҳи ва географи Ёқут ал Ҳамавий ўзининг “Жуғрофия қомуси” номли кўп жилдли асарида Хоразм давлати ва унинг халқи ҳақида қимматли фикрларни ёзиб қолдирган. “Хоразм ерларидай кенг ва аҳоли кўп янайдиган жой дунёнинг ҳеч бир ерида бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бунинг устига, аҳолиси машаққатли ҳаётга ва оз нарсага қаноат қилишга ўрганиб қолган. Хоразмнинг аҳоли ўрнатган аксарият жойлари, бозорлари, ғамлаб қўйилган нарсалари ва дўконлари бўлган шаҳарлардир. Аҳоли ўрнатган

жойлар орасида бозори йўқлари камдан-кам топилади. Шу билан бирга, у ерларда умумий хавфсизлик ва тинчлик-хотиржамлик ҳукмрондир”<sup>1</sup>.

Ёқут ал-Ҳамавий юқоридаги асарида Хоразмшоҳлар давлати шаҳарларининг тасвирига тўхталиб: “Бойликларининг мўллиги ва пойтахтининг катталиги, аҳолисининг кўплиги, яхшиликка яқинлиги ҳамда дин ва мазҳаб буюрган нарсаларни бажариш жиҳатидан Хоразмнинг бош шаҳрига ўхшаш шаҳар дунёда бўлмаса керак”<sup>2</sup> деб ёзади.

Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти бўлмиш Гурганж ўз даври учун беқиёс гўзал ва катта шаҳар бўлган. У Жайхун (Амударё) соҳилларида жойлашган. Шаҳарда осмонўпар миноралар билан бирга икки, уч қаватли бинолар кўп бўлган. Улар шаҳарнинг ҳуснига ҳусн қўшганлар. XIII аср Эрон тарихчиси ал Қазвиний Гурганжни таърифлаб: “Гурганж жаннатдаги шаҳар ва куёвнинг уйида келини таърифловчи фаришталар эътиборини қозонган гўзал шаҳардир”<sup>3</sup>, деб ёзади.

Гурганж ҳақиқатан ҳам ҳар қанақа олижаноб таъриф-тахсинга сазавор шаҳар бўлган. Зеро, шаҳарнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришларича, шаҳар ёши уч минг йиллардан ошиқдир. Хоразмнинг энг қадимги обод, кўркам шаҳарларидан бири Гурганж шаҳри Хоразмийларнинг қадимги ёзма манбаси “Авесто” китобида Урва номи билан тилга олинади. Хитой манбаларида (I аср) Юе-Гань деб, араблар эса уни Журжон деб атайдилар. Маҳаллий аҳоли эса уни Гурганж номи билан атаганлар.

Санкт-Петербургнинг Шарқшунослик институти кутубхонасида “Таърифи шаҳри Хоразм” номли қўлёзмада Хоразм, Гурганж шаҳри ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. “Таърифи шаҳри Хоразм” муаллифининг гувоҳлик беришича, Гурганжда мўғуллар босқини арафасида икки миллионга яқин аҳоли яшаган. Шаҳарда хунармандчилик ва умуман ишлаб чиқаришнинг 60 дан ортиқ тури ривож топган. Жумладан, 1300 ўринда баққоллик, 1200 ўринда мисгарлик ва заргарлик, 1300

<sup>1</sup> С. П. Толстов. қадимги Хоразм маданиятини излаб. “Фан”, Тошкент 1964 й.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 293 бет

<sup>3</sup> Озод Машарипов. Хоразм тарихидан саҳифалар. Т. “Ўзбекистон”, 1994 й., 105-бет

ўринда базозлик (тўқимачилик), тагин ана ўшанча саррофлик, этикдўзлик, дурадгорлик, бўёқчилик ва бошқа касбларга оид дўконлар ишлаб турган.<sup>1</sup>

У даврда шаҳар жаҳон савдосининг марказларидан бири бўлган. Унда 170 ўринда катта-кичик бозорлар бўлиб, уларда дунёнинг турли савдогарлар ва сайёҳларини учратиш мумкин бўлган. Гурганж на фақат иктисодий, балки фан ва маърифат маркази сифатида ҳам ўз даврида шуҳрат қозонган. Юқоридан номи зикр қилинган кўлёзмада келтирилган қуйидаги маълумотлар ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. “Хоразм диёрида 12 минг масжиди жомъе, 400 мингдан зиёд масжиди хай (харакатдаги масжид), 4440 мадраса бор эди. 12 минг хонақоҳ, ҳар ҳар хонақоҳда мақомига етган кутбул ҳикма ва муршид, ҳар муршиднинг 2 минг, камида 1500 муридлари бўлган, 3700 машойихи кибор тариқат таълими билан машхур эдилар”<sup>2</sup>, деб таърифланади.

Ушбу кўлёзмада яна пойтахт Гурганж ҳақида сўз юритилиб, шаҳарда ўша вақтда 700 га яқин мадраса, 5 минг масжид, 1000 ҳаммом ишлаб турганлиги қайд қилинади. Албатта, юқоридаги рақамлар Хоразм давлатининг на қадар ривожланганлигининг ёрқин далолатидир. Шундан аёнки, Гурганжда кўплаган кутубхона ва қироатхоналар мавжуд бўлиб, уларда жаҳоннинг энг ноёб китоблари сақланган.

Афсуслар бўлсинки, лаънати мўғул босқинчилари шаҳарни 7,5 ойлик қамалдан сўнг истило қилгач, (Гурганжда мўғуллар ўзларининг сараланган кўшинидан 100 минг кишидан ортиқ жашинсини йўқотган) аламидан уни Жайхун дарёсидан ажратиб турган тўғонни бузиб, сувга бостирганлар. Ниҳоятда гўзал, азим шаҳар сув остида қолиб, инсоният кўли билан битилган ноёб илм дурдоналари нобуд бўлган. Ижтимоий, маданий жиҳатдан Хоразмга нисбатан анча қолоқ бўлган ярим ёввойи мўғуллар Хоразмга ўзини ўнглаб бўлмас даражада зарба бердилар. Профессор Петрашевскийнинг таъбири билан айтганда, Хоразм мўғуллар босқинидан сўнг, ҳатто XIX асрда ҳам ўзини ўнглаб ола билмади. Олдинги ривожланган даражасига қайта олмади. Ўз

<sup>1</sup> А. Саъдуллаев, А. Солиқов. Хоразм Маъмур академиясининг тарихий илҳизлари. Урганч 2003 й, 101-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 101-102 бетлар.

замонасида шаҳарлар султони деб ном олган Гурганжда мўғулларнинг сув боскинидан сўнг Султон Тақашнинг мақбараси, Аловвиддин Муҳаммаднинг қизи Кўшки Охужук қасри ва бозорнинг бир қисми омон қолган холос.<sup>1</sup>

Форс тарихчиси Закарий Қазвинийнинг ёзишича, Гурганжда моҳир усталар, айниқса, темирчилар, дурадгорлар ва бошқа ҳунармандлар ўз ишларининг моҳир усталари эдилар. Гурганж наққошлари фил суягидан ва сандал дарахтидан ажойиб нақшлар ясар эдилар. Гурганж аёллари чеварликда моҳир эдилар. Ипакчилар табиий ипакнинг олий навини стиштирганлар. Бинокор қурувчилар тол ёғочидан шундай енгил (синчли) бинолар қураб эдиларки, у ерда тез-тез бўлиб турадиган zilzila пайтида тош ва ғиштли уйлар қуласа ҳам, синчли уйларга зиён етмас эди. Хоразмшоҳлар мамлакат ривожига савдонинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниб, ички ва ташқи савдога катта эътибор билан қараганлар.

Ички ва ташқи савдо йўллари давлат томонидан қаттиқ назорат остида бўлган. Шу хусусда машҳур қадимшунос олим Зиё Бунёдов форс савдогар тилидан бир воқеа тафсилотини ёзади: “Гурганждан катта савдо қарвони йўлга чиқди. Гурганждан анча узоқлашиб кетганимизда мамлукларимиз (ёллашма соқчилар) исён бошладилар. Савдогарларга нисбатан мамлуклар анча кўп эди. Улар ўзаро тил бириктириб бизга қамонларидан ўқ уза бошладилар. Биз улардан мақсадларинингиз нима, деб сўрадик. Улар, биз сизларни ўлдириб, молларинингизни оламиз, уларни сотиб, ўзимизга от ва қурол-яроғ харид қиламиз ва султон Аловиддин Муҳаммаднинг хизматиغا кирамиз, дедилар. Савдогарлар уларга: “Бу қизил матоларни сизлар сота олмайсизлар. Яхшиси, бизга қолдириңлар. Биз сизларга пул берамиз, бир одамимиз сизлар билан Гурганжга бориб, отлар ва қурол-яроғ олиб беради. Сўнгра орангиздан битангиз амир бўласиз ва султоннинг хизматиغا кирасизлар”. Мамлуклар бу таклифга рози бўлдилар. Гурганжга борган одамимиз, шаҳар шихнасига (миршаблар бошлиғига) воқеани билдирди. Бир неча кундан сўнг шихна мираншаблар билан бирга келиб, мамлукларни ҳибсга олдилар.

---

<sup>1</sup> Уша жойда

Карвон Гурганжга қайтди. Ибрат учун халқ олдида мамлуқларни дорга осдилар.<sup>13</sup>

Давлатнинг йўллар устидан каттиқ назорати бўлганлиги туфайли йўллар беҳатар эди. Натижада, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан Гурганжга савдогарлар мол тўла карвонлар билан келиб савдо қилар эдилар. Шаҳри азим Гурганж карвонсаройларида улар учун барча шарт-шароитлар муҳайё эди. Ўз навбатида Хоразм савдогарлари молларини Бағдод ва бошқа шаҳарларга олиб бориб сотардилар. Қазвинийнинг ёзишича, Гурганжда аҳоли кўплигидан кўчилар, бозорларда одамлар бир-бирларига урилар, ўтиш қийин эди. Шаҳарда, катта бозорларда ҳаёт қайнар, одамлар кўплигидан, юрши ниҳоятда қийин эди. Шаҳарда юзлаган маҳаллалар, майдонлар мавжуд эди. Тамура ва Майдон маҳаллалари, Қобилон дариюраси номлари айрим манбаларда бизгача етиб келган. Шаҳри азим Гурганж фақатгина савдо-сотик шаҳри бўлиб қолмасдан, мевazor боғлар шаҳри ҳам эди. Шаҳар атрофи катта-катта узумзор, олмазор ва бошқа мевазорлар билан ўралган бўлиб, бир қарашдаёқ кишини ўзига мафтун этар эди.

Жайхун (Амударё) дарёси Гурганжнинг қоқ ўртасидан оқиб ўтиб, шаҳарга алоҳида ҳусн бағишлаган (Ўша даврда Жайхун ўз сувиши Касний денгизига қуйган). Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топишида, унинг дунёвий империяга айланишида Хоразм ҳукмдорлари Хоразмшоҳлар Аловиддин Отсиз (1127-1156), Эл Арслон (1156-1172), Аловиддин Текаш (1172-1200)ларнинг хизматлари катта бўлди. Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад (1200-1220) ўз ҳукмронлиги йилларида Хоразм давлати ҳудудини минели кўришмаган даражада кенгайтди. Унинг ҳукмронлиги йилларида Мовароуннаҳр ерлари Хоразмга кўшиб олинди. Неча ўн йиллар давом этган Хоразмнинг Қорахитойларга қарамлигига барҳам берилди. Бирок, Хоразм давлати куч-қудратини ошириб, ҳудудий кенгайтирган Хоразмшоҳ Муҳаммад ўзининг олиб борган узокни кўра билмас, калтабин ташқи ва ички сиёсати билан уни ҳалок қилди. Гуллаб яшшаётган, илм-фан, маданият ниҳоятда ривожланган Хоразм мамлакатининг вайронага айланишига сабаб бўлди.

<sup>13</sup> Зис Бунёдод. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати. (1097-1231 й) Т.1998 й. 136-бет.

Мўғуллар истилосидан сўнг Хоразм ўз давлатчилигини бой берди. Шимолий Хоразм Жўжи улуси (Олтин Ўрда)га, Жанубий Хоразм Чигатой улусига берилди. Буюк Хоразм ўз ҳукмдорларининг машъум хатоси туфайли, ёввойи мўғулларнинг мустамлакасига айланиб қолди. Буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг сайъи-ҳаракатлари билан XIV асрнинг иккинчи ярмида бутун Мовароуннаҳрда бўлгани каби Хоразмда ҳам мўғуллар истибодидига чек қўйилди. Эндиликда Хоразм Темурийлар давлати таркибига киради. Бирок, Темур вафотидан сўнг Мовароуннаҳрда Марказий ҳокимият кучсизлашиб қолади. Феодал тарқоклик кучаяди. Шу сабабли, даврга келиб, Хоразм Бухоро хонлари, қозоқ ва қалмиқларнинг узлуксиз талончилик ҳужумлари маконига айланиб қолди.

Гарчи XV аср охири XVI аср бошларида Хоразм ўз мустақиллигини қўлга киритган бўлса-да, мустақиллик узоққа чўзилмади. 1505 йилда Хоразмни Шайбонийхон босиб олади ва у ерга ўз нойибини тайинлайди. 1509 йилда Марв остонасида Эрон шоҳи кўшинлари томонидан Шайбоний кўшини тор-мор келтирилиб, унинг ўзи ўлдирилгач, кўчманчи ўзбеклар Хоразмни ташлаб кетадилар. Бундан фойдаланган Эрон шоҳи Исмоил катта кўшин юбориб, Хоразмни эгаллайди. Бирок, эронийларнинг Хоразмдаги ҳукмронлиги узоққа чўзилгани йўқ. Улар олиб борган босқинчилик сиёсати, шунингдек диний мазҳабдаги тафовут (эронийлар Исломнинг шиа мазҳабига, хоразмийлар эса сунний мазҳабига бўйсунадилар-муаллиф) Хоразмийларнинг кучли норозилигини келтириб чиқарди.

Халқ эронийларга қарши кўзғолон кўтарди. Кўзғолончилар Вазир ва бошқа шаҳарлардаги эронийларни кириб ташладилар. Шундан сўнг улар Дашти Қипчоқдаги Шайбонийларнинг Берка Султон уруғига мансуб бўлган Элбарс ва Билбарсга мактуб юбориб, уларни Хоразмда хонлик тахтига таклиф қилдилар. Улар Вазир шаҳрига яширин келтирилдилар.<sup>1</sup>

1512 йилда Элбарс Вазир қалъасида Хоразмнинг хони деб эълон қилинди. Укаси Билбарс эса янги шаҳар қалъасига ҳоким этиб тайинланди. Хоразмда ҳокимият Элбарс ва Билбарс қўлига

<sup>1</sup> Озод Машарипов. Хоразмнома III китоб. Хива хонлиги. Хоразм 2009 йил, 76 бет



Ўтгач, улар уруғдошлари ўзбекларни Хоразмга кўчиб келишга чақирдилар. Шундай қилиб, мустақил Хоразм — Хива хонлиги 1512 йилда ташкил этилиб, у 1920 йил февралигача давом этди. Хивада Қизил Армия қисмларининг фаол ёрдами ва иштироки натижасида амалга оширилган Хива инқилоби натижасида хонлик ағдарилди. У даврда хонликни 47 та хон бошқариб, уларнинг биттаси ҳам маҳаллий халқдан бўлмасдан, ўзбеклар ёки қозоқлар орасидан танланган. Хоразм хонлиги ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан мутлақо ўз даврининг илғор давлати бўлган Хоразмшоҳлар давлатига тенг кела олмас эди. Хоразм хонлиги исбатан иқтисодий кучсиз, қолоқ феодал давлат эди. 1556 йилда хонлик пойтахти Хива шаҳрига кўчирилади ва шундан кўра у Хива хонлиги деб атала бошланади. Элбарснинг Хоразм тахтига ўтириши билан мамлакатда ички курашларга анча чек қўйилди. Хоразм Эрон шоҳлари таъсиридан халос бўлди. Ўзбек хонларининг таъсири орта борди. Дашти Қипчоқдан ўзбек қабилаларининг Хоразмга кўчиш жараёни жадаллашди.

Рус подшолари анча илгари даврдан серҳосил ерларга бой Марказий Осиё ҳудудига, жумладан Хива хонлиги ерларига ўз ғишларини қаратган эдилар. Улар бир неча марта махсус ҳарбий экспедициялар ташкил этиб, Хива хонлиги ҳудудини забт этишга уридилар. Маълумки, Марказий Осиёга қизиқиш рус подшоси Петр I ҳукмронлигидан анча олдин бошланган эди. Ривожланиб бораётган Россия учун биринчидан бозор, хом ашё манбаеси зарур бўлса, иккинчи томондан, Россия давлатининг кенгусун режасида Ҳиндистонга суқилиб киришдек вазифа турганини ва бу ишда Ҳиндистонга Марказий Осиё орқалигина кириш мумкинлиги, чоризмини Марказий Осиёга қизиқишини кучайтирар ва бу ерларга бир қанча экспедиция ва элчилар юборилганлиги ҳам юқоридаги фикрларимизга далил бўла олади.

Умуман, Россия ҳукмрон доираларининг Хива ва Бухоро хонликлари билан мунтазам алоқалари Шайбонийлар давридан бошланган. Савдогар Женкинсоннинг 1558-1559 йиллардаги Марказий Осиёга сайёҳати, тарихий воқеанинг бошланиш даври бўлди. 1556 йилдан бошлаб Рус давлати шаҳарларида Марказий Осиёлик савдогарларнинг эркин савдо олиб боришларини таъминлаш мақсадида 1556-1619 йилларда Хива ва Бухоро

хонлари Москва подшоси олдига бир қанча элчилар юбордилар. 1619 йилда Рус подшоси Михаил Федорович Бухоро амири Имомқулихоннинг Москвага юборган биригчи элчиларини қабул қилди ва ўз навбатида дворян Иван Данилович Хохлов бошчилигида рус элчилари Бухоро ва Хивага жўнатилдилар. Улар Бухоро, Хива, Самарқанд шаҳарларида бўлиб, 1621 йилда Москвага қайтдилар. Гарчи, ўша даврда тез-тез элчилар айрибошлаш бўлиб турган бўлса-да, бироқ давлатлараро расмий алоқалар ўрнатилмади. Петр I нинг ҳукмронлик даврига келиб, Россиянинг Марказий Осиёга қизиқишининг янги даври бошланди. Хива хонлиги ҳудудида табиий бойликларнинг бениҳоя кўплигидан хабар топган Рус подшоси хонлик ҳудудини рус давлатига қўшиб олишни орзу қила бошлади. Хива хонлиги ҳудудида олтин захиралари тўғрисидаги маълумотни туркман савдогари Хўжа Нафасдан яна бир бор эшитгач, Петр I 1714 йилда ўз олдига Хива хони элчиси Ашурбекни таклиф қилади. Ва, мазкур маълумот қанчалик тўғри эканлигини ундан сўраганда, элчи унинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Хива хонлиги ҳудудини истило қилиб, беҳисоб олтинларга рус давлатининг эга бўлишини орзу қилган рус подшоси Хива хонлигига борадиган экспедицияни тайёрлашга буйруқ беради. Бунинг устига Хива хони элчи Ашурбек орқали рус подшосига Амударёнинг эски ўзанида минг кишилик қалъа қуришни таклиф этади. Шу йўл билан Хива савдогарларининг Каспий денгизи орқали Астраханга чиқиб рус шаҳарлари билан савдони ривожлантиришга интилади. Савдо йўлларида қурилган рус қалъалари савдо хавфсизлигини таъминлар эди.

Ўз навбатида рус подшоларининг Хива ва Бухоро билан бўладиган муносабатларида ўз мақсадлари бор эди. Улар билан ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатишдан кўра, у ерларни ўзларига вассал қилиб олишни афзал кўрар эдилар. Амударёнинг эски ўзанида беҳисоб олтин захираларидан хабар топган рус подшоси Петр I Хива томон княз Бекович-Черкасский бошчилигидаги экспедицияни 1717 йилда жўнатади. Бироқ, ушбу экспедиция қатор сабабларга кўра муваффақиятсиз тугайди. гарчи экспедиция муваффақиятсиз тугаса-да, Россия подшоларининг Марказий Осиё ерларини ўзларига бўйсундириш

мақсадидаан бир зумга ҳам қайтаролмади. XIX асрнинг 50-60 йилларида жаҳонда бир қанча воқеалар содир бўлдики, улар Россия ҳукмрон доираларининг Марказий Осиёга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириб, уни истило қилиш жараёнини тезлаштирди. Халқаро империализмнинг йирик вакилларидан бири бўлган Англия XIX асрнинг бошлариданоқ Марказий Осиёга қизиқиш билан қарай бошлади. Улар Афғонистонни босиб олиб, Марказий Осиёга чиқиш учун ҳарбий плацдарм яратилишига интилдилар. Бир сўз билан айтганда, инглизларнинг Марказий Осиёга кириб келиш хавфи туғилди. Шундай шароитда Россия ҳукмрон доиралари Марказий Осиёга ҳарбий юришни жадаллаштиришига қарор бердилар. Бу ҳарбий юриш 1853 йилда рус кўшини томонидан Кўқон хонлигининг чегара шаҳри Оқмаччининг босиб олиниши билан бошланди. Шундан сўнгра бири-кетин Кўқон хонлиги шаҳарлари босиб олина бошланди.

Ҳарчи, истилочи рус кўшини озгина кишидан (1050 солдат ва офицер, 12 та тўп) иборат бўлса-да, ҳарбий салоҳияти ниҳоятда паст, ёмон қуролланган хонлик кўшини етарли қаршилик кўрсата олмади. Истилочилар ўз ҳарбий юришларини давом этдириб, бири-кетин Марказий Осиё шаҳарларини эгаллайвердилар. 1864 йилда Чимкент, Тошкентни, 1866 йил февралда Самарқандни, 1868 йилда Бухорони эгалладилар.

Эндиликда рус босқинчиларининг нигоҳи Хива хонлигига қаратилган эди. Ўша йилларда Хива хонлигида ҳукмронлик қилган Муҳаммад Раҳимхон II ўта доно, узоқни кўра оладиган сиёсатчи ҳукмдор эди. Ҳарбий уруш тажрибасига эга бўлмаган, ёмон қуролланган хонлик кўшини билан ҳарбий интизоми кучли, нисбатан яхши қуролланган рус кўшинига қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин эмаслигини у яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам бўлгуси рус босқинига қарши биргаликда қарши туриш учун инглиз ҳукуматига иттифоқчилик таклифи билан мурожаат қилади. Бироқ, ўта пихини қайирган мунофиқ инглиз ҳукумати бу таклифни эътиборсиз қолдирди. Натижада Хива хонлиги маккор босқинчи душман рус чоризми билан жанг майдонида яққама-яққа қолди. Чоризмнинг Хива хонлиги худудига босқини 1873 йил баҳорида бошланди. Албатта кучлар нисбати тенг эмас эди. Хива хонлиги кўшинида ёмон

куролланган 3000 атрофида навкар бўлиб, улар замонавий уруш олиб бориш усулидан бутунлай беҳабар эдилар. Икки ўртадаги жанг бошлангач, душман тўпларидан отиш бошланиши билан, улар ваҳимага тушиб, жанг майдонини ташлаб қочадилар. Хонлик пойтахти Хива мудоффаси ҳам тўғри ташкил қилинмайди. Босқинчилар муқаддас шаҳар Хивани эгалладилар ва таладилар. Ниҳоят, 1873 йил, 12 август куни Хива шаҳри яқинидаги Гандимийён қишлоғида рус подшоси томонидан Туркистон генерал губернатори фон Кауфман ва Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ўртасида сулҳ музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар натижасига мувофиқ Хива хонлиги Россия империясининг мустамлакасига, Хива хони рус подшосининг вассалига айлантирилди. Шундай қилиб, қадимий Хоразм ерида янги давр – рус мустамлакачилиги даври бошланди. Хива хонлиги гарчи хонлик ҳудудида ўз ҳокимиятини сақлаб қолган бўлса-да, мустақил ташқи сиёсат олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум эди. Хива хонлари ҳукмронлиги 1920 йил 2 февралгача давом этди.

Советларнинг фаол иштирокида, Қизил Армиянинг кўчи билан тарихда Хива инқилоби деб аталган инқилоб амалга оширилиб, 1920 йилнинг 2 феввалида Хива хонлиги тугатилди. Хонлик ҳудудида янги ҳокимият – Хоразм Халқ Республикаси ҳокимияти ўрнатилди. Хоразм Халқ Республикаси ҳам, гарчи мустақил республика деб эълон қилинса-да, амалда советлар қўл остида, уларнинг кўрсатмаларига мувофиқ иш олиб борадиган республика эди. Номигагина мустақил Хоразм Халқ Республикасининг мавжудлиги, қадимий Хоразм давлатчилигининг давоми сифатида муҳим аҳамиятга эга эди. Бироқ, Туркистон халқларини бўлиб ташлаш, улар орасига адоват уруғини сепиш асосий мақсади бўлган Совет ҳокимияти фаоллари 1924 йилнинг бошларида Марказий Осиёда миллий давлат чегараланиши деган кампанияни амалга оширишга киришадилар. Бу даврда Марказий Осиёда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Совет республикалари мавжуд бўлиб, улар тарихий ва ҳудудий жиҳатдан Марказий Осиё шароитига тўғри келар эди.

Лекин бундай сиёсий тузилиш Советлар манфаатига тўғри келмас эди. Шунинг учун ҳам Марказда Марказий Осиёда миллий давлат чегараланишини ўтказиш тўғрисидаги режа 1924 йил бошида ўртага қўйилди. Айнан Совет хукуматининг кўрсатмаларига асосланиб, Туркистон Коммунистик партиясининг 1924 йил 24 март пленуми Ўрта Осиё республикаларида миллий давлат чегараланишини ўтказиш зарурияти тўғрисида қарор қабул қилди. 1924 йил 28 апрелда шу масалани атрофлича ўрганиш юзасидан махсус комиссия ташкил этилди. Афсуски, комиссия бу ўта муҳим масалага юзаки ёндашган. Комиссия тайёрлаган (илмий асоссиз) хулосаларга асосланиб, РКП (б) Марказий Комитети 1924 йил 12 июнда Марказий Осиё республикаларида миллий давлат чегараланишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда Совет раҳбарларидан бирининг Хоразмнинг тарихий давлатчилигига эътибор бериш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмасига асосланиб, мустақил субъект сифатида Хоразм Совет Республикаси сақланиб қолинди. Бироқ, мазкур қарор асосида Туркменистон ССР ташкил этилиши муносабати билан азаддан Хоразмийларга тегишли бўлган Каспий денгизининг Шарқий томонидаги катта ҳудудлар Туркменистон ССР ва Қозғоғистонга олиб берилиб, Хоразм Совет Республикасининг ҳудуди анча қисқариб қолди. Бу мудҳиш қарор туфайли Хоразмийлар она Каспий денгизидан маҳрум бўлдилар.

Ҳурматли китобхонларимиз эътиборларига Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишига хулоса қилган РКП (б) Марказий Комитети сиёсий бюросининг 1924 йил 12 июн қарорини ҳавола қиламиз.

1.а) Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикаларидан туркманлар яшайдиган ҳудудларни ажратиб олиб, Туркменистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилсин;

б) Бухоро ва Туркистон Республикаларида ўзбеклар яшайдиган ҳудудларни ажратиб олиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилсин;

в) Хоразм Совет Социалистик Республикасини унинг таркибидан туркманлар яшайдиган ҳудудларни ажратиб олиганини ҳисобга олган ҳолда, ўз ҳолида сақлансин.

2. Туркменистон Республикасининг қирғизлар яшайдиган худудини янги ташкил этилган Қора Қирғизистон Автоном Совет Социалистик Республикаси таркибида бирлаштирилсин.

3. Қора Қирғизистон Автоном Республикаси РСФСР таркибига киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таркибида Тожикистон автоном области ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон ва Туркменистон Совет Социалистик Республикалари мустақил Республикалар сифатида бевосита СССР таркибига кирадилар <sup>1</sup>.

(Китобхонлар эътиборига шуни ҳавола қиламизки, Хоразм Совет Социалистик Республикаси мустақил Республика сифатида 1923 йил кузида СССР таркибига кирган эди.) Шундай қилиб, узоқ кураш ва тортишувлардан сўнг, Хоразм Республикасининг мустақиллиги сақланиб қолинди. Хоразм Республикаси мустақиллигини сақланиб қолганлигидан бутун Хоразм аҳолиси, миллатидан қатъий назар, ўта хурсанд бўлдилар. Бу хурсандчиликка бағишланиб, Республика худудининг кўпгина жойларида худойилар, байрамлар ўтказилди. Бироқ, Республика фуқароларининг бу хурсандчилиги узоққа бормади.

Хоразм Республикасини тугатиш борасидаги биринчи уринишлари гарчи муваффақиятсиз чиқса-да, ВКП (б) МК ва унинг Ўрта Осиё бюросидаги айрим раҳбарлари руҳан тушмадилар. Ушбу разилонга ҳаракатларини давом эттириб, Совет давлати раҳбари И.В.Сталиннинг ушбу масаладаги бетарафлигига эришдилар. Ниҳоят, улар Ўрта Осиёда янгидан миллий давлат чегараланишини ўтказиш ва кампанияга Хоразм Совет Социалистик Республикасини киритиш тўғрисидаги РКП (б) МК нинг янги қарорини қабул қилинишига эришдилар. РКП (б) МК нинг Ўрта Осиё бюроси 1924 йил 15 июлда бу борада махсус тезислар қабул қилди. Бу тезисларда Ўрта Осиё республикаларида (Хоразм Республикасини қўшган ҳолда) миллий давлат чегараланишини тайёрлаш ва уни шу йил октябрь ойида ўтказиш таклифи илгари сурилган эди. Ушбу тезисларга асосланган таклифлар билан РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси

<sup>1</sup> Н.Қаландаров. Образование и деятельность Хорезмской Коммунистической партии. Изд. Узбекистан». 1975. 311-312 стр

Марказга қайта-қайта мурожаат қилдилар ва ниҳоят, 1924 йил 18 сентябрда РКП (б) Марказий Комитети сиёсий бюроси Хоразм Республикасини ҳам Ўрта Осиёда ўтказиладиган миллий давлат чегараланишига қўшишини маълум қилади.

Натижада, бу маълум қарор РКП (б) МК нинг Ўрта Осиё бюроси томонидан зудлик билан амалга оширилди. 1924 йил ноябрь ойида Хоразм Совет Социалистик Республикаси ҳукумати ўз фаолиятини тўхтатади. Яқин ўтмишда (шунингдек азалдан) Хоразмийларга тегишли бўлган ҳудудлар бошқа халқларга берилиб, хоразмийлар, она-Каспийсиз, она-Оролсиз, чексиз ўтлоқларсиз кичкина бир ҳудудда тикилиб қолдилар.

Совет ҳокимиятининг Хоразмийларга нисбатан ўтказган ўта риёкорона сиёсатининг асосий қабиҳ натижаси шундан иборат эдики, ушбу сиёсат, ушбу қарор 3,5 минг йилдан узоқ давом этган Хоразм давлатчилигига барҳам берди. Хоразмийлар ўз давлатчилигидан, ўз адабий тилидан, аجدодларидан мерос бўлиб қолган чексиз ҳудудларидан маҳрум бўлдилар ва қардош ўзбек халқига қўшилиб кетдилар. Шундай қилиб, академик В. В. Бартольднинг таъбири билан айтганда, неча минг йиллар давом этган Хоразм давлатчилиги Совет ҳокимияти томонидан абадий тугатилди.

Хоразмийларнинг келгуси тақдири Ўзбекистон халқлари билан чамбарс боғланиб давом этди ва этмоқда.

### **1.5.- боб. Ўрта асрларда хоразмда фан. Бағдоддаги “байт ул ҳикмат” да марказий осий олимларининг фаолияти.**

Хоразм ҳудудида олиб борилган археологик казишмалар ва улар натижасида казиб олинган топилмаларнинг гувоҳлик беришларича, қадим Хоразмда фан ҳам айниқса тараққий этган. Қадим Хоразм шаҳар ва қалъаларининг архитектуравий қурилиши, уларда осмон жисмларини кузатиш учун қурилган мосламалар, аждодларимизнинг ўз даврининг илму маърифатининг фидойи билимдонлари эканлигидан далолат беради.

Ўтмишда Хоразм инсоният фани ва маданиятига салмоқли хисса кўшган мамлакатлардан бири бўлган. Қадимги Хоразмийлар оилада бола тарбиясига алоҳида эътибор билан қараганлар. Шунинг учундирки, ўтмишда Хоразмдан кўплаган буюк фан арбоблари етишиб чиққан. Ёзма маълумотларга кўра, Хоразм фанининг ривожини милoddан олдинги VII-VI асрларга, Зардуштийнинг “Авесто” китоби яратилишига боғланади. Бироқ, Хоразм тарихини кунт билан ўрганган, шу хусусда кенг мулоҳаза қилган киши Хоразм фани вужудга келиши “Авесто” китобидан анча илгари бошланганлигини англайди. Чунки, Зардушт ибн Тумандек буюк шахснинг фан дунёсига кириб келиши учун унга мос илмий муҳит зарур. Ана ўшандагина фан оламининг юлдузлари етишиб чиқиши ва порлаб ёруғлик беришлари мумкин. Афсуски, олдин бир неча бор таъкидлаганимиздек узок ўтмиш Хоразм тарихига оид ёзма манбалар бугунгача етиб келмаган. Археологик қазинмалар ва улар натижасида қўлга киритилган топилмалар шундан далолат берадики, Хоразмда фан тараққиёти анча илгаридан бошланган. Хоразм қалъаларининг қурилиш усули уларда фазо жисмларини ўрганадиган расадхоналарининг мавжудлиги, ер шари харитасининг ажодларимиз томонидан яратилиши, қадимги Хоразм худудида математика, геометрия, фалақийёт фанига оид топилган археологик топилмалар юқоридаги фикрларимизга маълум даражада асос бўлиб хизмат қила олади. Кишилиқ тарихини кунт билан ўрганар эканмиз, кишилиқ жамияти ижтимоий-иқтисодий йўналишда тараққий этиши билан бирга илмий изланишда ҳам давом этган.

Инсоният тарихида ўз жамиятининг илғор кишиларини ўзида бирлаштирган фанлар академиялари мавжуд бўлганлигининг шохиди бўламыз. Милoddан аввалги IV асргача Афинада иш олиб борган Платон академияси, 819-860 йилларда иш олиб борган Байтул ҳикма (Донишмандлар уйи) ва 1004-1017 йилларда иш олиб борган Хоразм Маъмур академиялари жаҳон илм-фан тарихида ёрқин из қолдира олган даҳолар мавжуд эдилар.

Ўрта асрларга келиб Дамашқ ва Бағдод шаҳарлари халифалиқнинг энг йирик маданий марказлари бўлиб қолдилар. Халифалиқнинг маданий юксалишида маърифатпарвар



хукмдорлардан ал Мансур (754-755), Хорун ар Рашид (786-809), ал Маъмун (813-833) ва бошқаларнинг роли катта бўлди. Айнан IX-XII асрлар шарқ халқлари тарихида маданий юксалиш даври ҳисобланиб, бу давр тарихда “Ислом Ренессанси” (“Ислом уйғониш даври”) деб аталади. Европада Юнон ва Рим фани ва маданияти тушқунликка учраб, фан оламини зулмат қоплаган бир даврда, айнан “Ислом уйғониш” даври фан оламига нур таратди. Шуни таъкидлаш лозимки, “Ислом уйғониш” даврида Марказий Осиёдан етишиб чиққан олимларнинг хизматлари бениҳоя катта бўлди. “Ислом уйғониш” даврининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, ўша даврда Ироқ, Сурия ва Хуросонда умумиктисодий ва маданий кўтарилиш замирида феодал муносабатлар ҳам тез-тез тараққий этди. Илғор феодал муносабатлар халифалик доирасига кирган барча вилоятларда ишлаб чиқариш, савдо, хунармандчилик ва қишлоқ хўжалигининг юксалишига таъсир кўрсатди. Бу жараён IX асрга келиб Мовароуннаҳрда ҳам илм-фан, маданиятни юксак даражада ривожланишини ривож топган маданий ва маънавий анъаналари, олдин қайд этганимиздек, Шарқ уйғониш даври маданияти шаклланишида муҳим рол ўйнади. Шуни таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё араблар истилосигача анча ривожланган ўлкалардан бўлган. Айниқса Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Термиз, Тошкент ўлкаларида қадимдан савдо, хунармандчилик, шаҳар ҳаёти, қишлоқ хўжалиги, ирригация қурилишлари ривож топиб, маданий марказлар вужудга келган. Қадимги Хоразм, Сўғд, Бактрия ёзувларида илмий ва адабий китоблар битилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда араб- мусулмон маданияти ва фани жаҳонда етакчи мавқега эришади. Шунинг учун ҳам IX-XII асрлар шарқ халқлари тарихида маданий юксалиш даври сифатида маълум. Бу давр тарихида “Ислом Ренессанси”, – “Ислом уйғониш” даври ёки “араб маданияти” номи билан илмий истеъмолга киради.

Арабларгача анча юқори маданий юксалиш даражасида бўлган Мовароуннаҳр ва Хоразм халқлари араб маданиятининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшганлар. Бир сўз билан айтганда, “Ислом уйғониш” даври деб аталган ана шу маданий кўтарилишда халифалик таркибига кирган барча халқларнинг

бевосита иштироки бор. Зеро, ўша даврда фан ва маданиятда юз берган мисли кўрилмаган юксалиш турли халқлар маданиятининг ўзаро чатишуви ва бир-бирини бойитиши асосида юз берганлиги натижаси эканлигини кўрамыз.

Олдин таъкидлаганимиздек халифалар ал Мансур (754-755), Хорун ар Рашид (786-809) ҳукмронлиги даврида мамлакатда илмий-маърифий ишлар анча жадаллашди. Илмий ва таржимонлик гуруҳлари ташкил этилиб, уларга машхур олим ва таржимонлар жалб этилди. Юнон, ҳинд, яҳудий, форс, паҳлавий, сурёний тилларидаги кўлёзмаларни сурёний ва араб тилларига таржималари амалга оширилди. Бу давр илмий муҳитда қадимги юнон антик илмий меросига қизиқиш кучли эди. Юнон олимларидан Евклид, Архимед, Аристотел, Гиппократ, Апполоний, Теон, Герон, Птоломей, Диофанний каби олимларнинг астрономия, математика, геометрия, география, тиббиётга доир асарлари чуқур ўрганилди ва сурёний ҳамда араб тилларига моҳирона таржима қилинди. Ҳалифа Хорун ар Рашид ҳукмронлиги даврида қадимги Рум, Эрон, Марказий Осиё ва Ҳинд халқларининг ўтмиш тарихи ва илм-фанига қизиқиш янада кучайгани боис, саройда турли соҳа ва турли миллатга мансуб олиму таржимонларни бирлаштирган “Байтул ул-ҳикмат” (Донишмандлар уйи) аталган илмий марказ ташкил этилди. Ана шу илмий марказ қошида алоҳида таржимонлар мактаби ҳам шаклланди. Араб халифалари таржимонлик ишига катта аҳамият бериб, уни давлат сиёсати даражасига кўтардилар. Хорун ар Рашид ҳукмронлиги йилларида саройда катта кутубхона ташкил этилиб, унда Юнонистон, Византия, Миср, Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистондан келтирилган нодир кўлёзмалар тўпланди. Ўша даврда халифа саройида Абу Ҳасан, Салмон, Абу Закирия, Яҳё ибн Мискавейҳ, ал- Ҳажжож ибн Юсуф, ибн Матар ал-Куфий каби машхур олимлар ва моҳир таржимонлар фаол ижод қилганлар.

Хорун ар-Рашид вафотидан сўнг (809) унинг ўғиллари маишатпараст Шахзода Амин ва маърифатпарвар ал-Маъмун ўртасида тахт учун қаттиқ кураш бошланиб кетади. Хуросон ва шарқий вилоятлар ўз нойиблари ал-Маъмунни халифа деб эълон қилдилар. Икки йилдан ортиқ тахт учун ака-укалар ўртасидаги

кураш 813 йилда ал-Маъмуннинг ғалабаси билан тугайди. Халифа деб эълон қилинган ал-Маъмун халифаликни 819 йилгача ўз пойиблик маркази Марвдан (Марв – қадимий Хоразм шаҳарини муалл) туриб бошқаради. Маърифатпарвар халифа ал-Маъмун ўз даврининг энг кўркам шаҳарларидан бўлган Марв шаҳридаги саройига Марказий Осиё, Хуросон, Эрондаги кўпгина олимлар, шоирлар, табиблар ва бошқа маданият ходимларини тўплайди ва уларга ҳар томонлама ҳомийлик қилади. Улар орасида Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аббос ал-Жавҳарий, Хабаш ал-Хосиб, Яхё ибн Аксам, Қози Ҳаммод, Яхё ибн Абу Мансур, Ҳомид ал-Марваррудий, Аҳмад ал-Марвазий каби буюк сиймолар бор эди. Бу улуғ сиймолар кейинчалик Бағдодда “Байтул ул-ҳикма”нинг асосий илмий ўзагини ташкил этган эди. “Байтул ул-ҳикма”нинг етук олимларидан бири бўлган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг Бағдодга боришининг ҳам ўз тарихи бор. Хорун ар-Рашид арабларга қарам бўлган Хоразмга ҳоким қилиб 16 яшар ўғли Маъмунни тайинлайди. У Хоразмда ўзидан уч яшар катта бўлган Муҳаммад ибн Мусо билан яқиндан танишади ва дўстлашади. 805 йилда Маъмун Хуросон вориси қилиб тайинлангач, ўзига тенгдош бўлган Муҳаммад ибн Мусони ҳам Марвга олиб кетган. Кейинчалик Хорун ар-Рашид вафотидан сўнг Маъмун халифалик тахтига ўтиргач, унинг тенгқури Муҳаммад ибн Мусо ҳам Бағдодга кўчиб ўтади ва буткул илмий фаолият билан шуғулланади.

819 йилда пойтахт Бағдод шаҳрига кўчирилди. Халифа ал-Маъмун Марвдан Бағдодга ўзи билан саройда ижод қилган Марказий Осиёлик ва хуросонлик олимларни ҳам эргаштириб жўнайди. Улар бағдодлик олимлар билан ҳамкорликда Байтул ул-ҳикма фаолиятини янада жадаллаштириб юбордилар ва араб фани маданияти ривожига муҳим рол ўйнадилар.

Байтул ул-ҳикмада фаннинг кўпгина соҳалари бўйича ўз даврининг забардаст олимлари ижод қилганлар. Байтул ул-ҳикмадаги олимлар асосан табиий фанлар: математика, астрономия, геодезия, геометрия, география ва табобатнинг назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалар юзасидан тадқиқот ва кузатиш ишларини олиб борганлар. Байтул ул-ҳикмадаги олимларнинг асосий қисми Марвдан, ал-Маъмун

саройидан келган олимлардан иборат бўлиб, Бериунининг гувоҳлик беришича, уларни “ал-Марвазий” яъни марвликлар деб атаганлар<sup>1</sup>. Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, мазкур академияда Марказий осийлик ва хуросонлик олимлар катта обрўга ва таъсирга эга бўлганлар.

Европалик олим Ю. Рушканинг таъкидлашича, Байтул ул-хикма фаолиятига улкан қувват бахш этган олимларнинг аксарият кўпчилиги Хуросон ва Марказий Осиёдан – Хоразм, Фарғона, Бухоро, Шош, Самарқанд ва марвлик олимлар бўлган. Шуларнинг ҳам учдан икки қисмини хоразмликлар ташкил этган. Немис олими Г. Зутер ўз тадқиқотларида Байтул ул-хикмада хизмат қилган 500 дан ортиқ олимларнинг рўйхатини тузган. Ана ўша олимларнинг кўпчилиги Хуросон, Мовароуннахр, Хоразм, Бактрия ва Фарғона олимларидан иборат эди, деб таъкидлайди. Байтул ул-хикма ишларида фаол иштирок этган Мовароуннахр, Хоразм ва хуросонлик олимларнинг айримларини исм-шарифларини китобхонларга таништиришни лозим топдик. Улар: Мухаммад ал Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аббос ибн Жавҳарий, Аҳмад ибн Абдулла Марвазий, Сайид ибн Холид, Яҳё ибн Абу Мансур, Ҳомид Марваррудий, Аҳмад ал Бухтурий, Али ибн Исо ал Устурлобий, Абул Вафо Бўзжоний, Исоқ Ибодий, Абу Жаъфар Хуросоний, Фотиҳ Исфаҳоний, Собит ибн Қуффа, Ҳамид ибн Абдуллоҳ ал- Марваррудий, Абу Ҳамид ал Хутғалий, Абу Маъшар Жаъфар ал-Балхий, Абу Фазл ал-Сарахсий ва бошқалар. Улар фаннинг астрономия, математика, география, кимё, табиат, тарих, фалсафа, мантиқ, адабиёт ва бошқа соҳаларида баракали ижод қилганлар. Улар ўртасида бирдамлик, ҳамкорлик ҳукмрон эди.

Ўз даврининг кўзга кўринган йирик олими Яҳё ибн Абу Мансур Байтул ул-хикманинг дастлабки раҳбари бўлди. Асли марвлик бўлган ул улуг зот астрономия соҳасининг етук билимдони эди. У киши халифаликда биринчи расадхонага асос солган, ҳамда “Маъмун Зиж”ни тузишда бевосита иштирок этган. 829 йили Абу Мансур вафот этгач, халифа ал Маъмун ушбу маъсул вазифага олимлар орасида ўзининг билими билан

<sup>1</sup> А Саъдулаев, А Сотников. Хоразм Маъмун Академиясининг тарихий шидизлари. Урганч 2003 й., 22 бет.

катта хурмат қозонган буюк юртдошимиз Муҳаммад ал-Хоразмийни тайинлайди. Айни вақтда ал-Хоразмий Академиянинг кутубхонасига ҳам раҳбарлик қилган. Муҳаммад ҳар иккала маъсулиятли вазифани умрининг охиригача, яъни ал-Маъмун ворислари Муталим (833-842) ва ал Восиқ (842-847) халифалиги замониғача аъло даражада бажарган. (Китобимизнинг кейинги саҳифаларида Муҳаммад ал Хоразмий ҳаёти ва ижодига кенг тўхталамиз).

Байтул ул-ҳикма қошидаги кутубхона ўз даврида фақат шарқдагина эмас, балки дунёдаги энг бой кутубхоналардан бири бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришларича, мазкур кутубхонада қадимги юнон, сурёний, бобил, яҳудий, куфий, фаластин, ҳинд, форсий ва бошқа тилларда ёзилган 400 мингдан ортиқ нодир қўлёзмалар сақланган. Кутубхонада араб тилига таржима қилинган адабиётлар ҳам бўлган. Улар орасида антик юнон мутаффакирларидан Аристотел (мил.аввал.IV аср), Евклид (мил.аввал.III аср), Птоломей (мил.аввал.II аср) ва Алксандриялик Теонларнинг (IV аср) математика, астрономия, география, табобат, фалсафа, мантиққа доир асарлари бор эди. Байтул ул-ҳикма олимлари юнон-антик давр олимларининг илмий асарларини моҳирлик билан араб тилига таржима қилганлар ва у асарларни кунт билан ўрганиш асосида олимларнинг бутун бир авлоди етишиб чиққан. Йирик олим ва таржимон ал-Ҳажжож ибн Юсуфнинг фаолияти диққатга сазовордир. У Евклиднинг “Негизлар” ҳамда Птоломейнинг “Алмажистий” номли асарларини арабчага, Абу Заҳийра Юханна эса Платоннинг “Тийей”, Аристотелнинг “Осмон ҳақида”, “Метереалогика” ва “Сиёсат” асарларини, Гиппократ ва Галеннинг табобатга доир асарларини арабчага ўгирган.

IX асрнинг йирик олимларидан ва таржимонларидан Абу Зайд Ҳунайн (808-877) нинг илмий фаолияти айшқса катта эътиборга моликдир. Буюк сиймо астрономия, механика, фалсафа, мантиққа доир 150 дан ортиқ асарни юнон тилидан араб тилига таржима қилган. Улар орасида Гиппократнинг “Прогностика”, “Афоризмлар”, Платоннинг “Синописис”, “Давлат”, “Тимей”, Аристотелнинг “Метафизика”, Галеннинг “Соғлиқ таркиби ҳақида”, “Оддий дорилар ҳақида” асарлари

диққатга сазавордир. Булардан ташқари, Хунайн ибн Исҳоқ баракали ижод қилиб, юздан ортиқ илмий асарлар яратган. Унинг асарларининг кўпчилиги табобат ва доринуносликка оид бўлган.

Байтул ул-ҳикма олимлари ижодидаги иккинчи йўналиш аниқ фанлар – астрономия, математика, геометрия ва бошқа фанлар соҳасидаги чуқур тадқиқот ишларига қаратилган бўлиб, бу соҳала ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Бакр ар-Розий, ал-Жавҳарий, Яхё ибн Аксам ва бошқаларнинг ижодлари эътиборлидир. Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиё ва хуросонлик олимлар антик Юнон ва Рум олимлари асарларидаги илғор ғояларнинг илмий моҳиятини биринчилар қаторида тушуниб, шарҳлаб, уларни янги ғоя, хулоса ва кашфиётлар билан ривожлантириб, мусулмон оламида кенг тарғиб қилганлар. Қадимги Юнон ва Рум олимларининг илмий ва фалсафий ғоялари араб тилидаги таржималари орқали Шарқ халқлари маданий тараққиётига баракали таъсир кўрсатган.

Хулоса қилиб айтганда, мусулмон Шарқидаги ташкил топган Байт ул-ҳикма ўз даврида Шарқда энг йирик илмий марказ бўлган. Унда инсоният тарихида фан ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломалар стишиб чикқанлар. Улар ўзларининг баракали ижодлари билан инсоният тараққиётига самарали ҳисса қўшдилар.

### **1.6-боб. Хоразм маъмун академиясининг ташкил топиши ва унинг фаолияти.**

Кишилик жамияти фани тараққиётида Хоразм пойтахти Гурганжда Хоразм амири Маъмун ибн Муҳаммад томонидан ташкил этилган Маъмун академиясининг роли бениҳоя катта бўлди. 955 йилда халқаро майдондаги жиддий хавфни сезган Гурганж амири Маъмун ибн Муҳаммад ибн Ироқ жанубий Хоразмда ҳукмронлик қилган. Офрийғийлар сулосасига барҳам бериб, Хоразмни бирлаштиради. Мамлакат пойтахти Гурганж қилиб белгиланади. Шу муносабат билан жанубий Хоразм ҳукмдорлари саройидаги олиму уламолар Гурганжга кўчириладилар. Фан, маданиятнинг равақига азал-азалдан ҳомийлик қилиб келган Хоразмшоҳлар, бу гал ҳам олиму

уламоларга, уларнинг баракали ижодлари учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиб бердилар. Ҳатто, Мовароуннахрнинг бошқа хуудларидаги олимлар ҳам бу даврда Хоразмга таклиф қилиндилар. Бу ҳайрли анъана Али ибн Маъмун (997-1010), Абул Аббос ал-Маъмун ибн ал Маъмун (1010-1017), Абул Хорис Муҳаммад ибн Али (1017) ҳукмронлиги даврида ҳам давом этди. Айнан ўша йилларда Гурганжда Хоразмшоҳ Маъмун раҳна-молигида Дорул ҳикма ва маориф (Мажлисӣ уламо) яъни, Маъмун академияси ташкил этилди. Академиянинг бошида ўрта асрларнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон ал-Беруний турган бўлса, шу билан бир вақтда академияда ўрта асрлар Шарқининг яна бир буюк алломаси Абу Али Ибн Сино ҳам фаол иш олиб борди.

Маъмун академиясида юқорида номлари битилган буюк ашомалардан ташқари, фаннинг турли соҳаларида ўз даврнинг етук олимларидан бўлган қуйидаги буюк сиймолар ҳам баракали ижод қилганлар. Булар: Абу Саҳл Исо ибн Яҳё ал-Масиҳий ал Журжоний, Абу-л-Хайр ал Ҳасан ибн Сувор ибн Бобо ибн Баҳром ибн ал-Ҳаммор, Абу Мансур ибн Али ибн Ироқ, ал Жаъдий, Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ, Аҳмад Маъсурий, Ал-Хорожи, Ал-Ҳамдамий, Абул Ҳаким Муҳаммад ибн Ҳамдакий, Абул Ҳаким Муҳаммад ибн Абул Ҳаким ибн Абдумалик ас-Солиқ ал-Хоразмий ас-Қосий, Абу Муҳаммад Ҳамид ибн ал-Хидрал ал-Хўжандий Абу Мансур Абдумалик ибн ас-Саолибий, Абу Абдуллоҳ ал-Бийан Найса-Бури, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сухайлий ал-Хоразмий Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мисковайх, Умар Исфохоний, Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ ибн Иброҳим ал-Ҳасан ибн Хорис ал-Хибубий ал-Хоразмий, Зайниддин Журжоний, Абдукарим Зирғолий, Абу Абдуллоҳ ал-Вазир, Абдул Ҳасан Маъмун, Абу Муҳаммад ал-Хоразмий, Абдуаввал ибн Абдусамадий, Абу Азоқ ибн Баҳним, Абусаид Шабибий, ал-Харожий, ал-Ҳамдики, Аҳмад Маъсурий, Абу Муҳаммад Ракшоший, Абу Абдуллоҳ ибн Ҳамид ал-Хоразмий, Абу Бакр Муҳаммад ал-Хоразмий, Камарий каби ўз замонасининг буюк олимлари эдилар. Улар фаннинг математика, астрономия, психология, фалсафа, маърифат, тиббиёт, тарих,

тилшунослик, фикх, география, геодезия, топография, механика каби соҳалари билан шуғулланиб, уларнинг келажакда жаҳон миқёсида ривожланишига замин яратганлар.

Маъмун академияси олимларининг илмий дунё қарашларининг шаклланишларида қадимги Юнон, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва бошқа ўтмиш жаҳон илмий марказларининг аҳамияти катта бўлди. Маъмун академияси олимлари Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини ижодий-танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичга кўтарганлар. Уларнинг илмий фаолияти, асарлари туфайли қадимий Хоразм фанининг барча жабҳалари, жумладан бадиий санъати, адабиёти, астрономияси, математикаси, суғориш маданияти ютуқлари, жаҳон фани хазинасига қўшилган ва умуминсоният манфаатларига хизмат қила бошлаган. Ўша давр Хоразм олимлари ўзларининг сербарака ижодлари билан жаҳон фанининг илғор намоёндалари сафларидан ўрин олганлар. Фикримизнинг далили сифатида Маъмун академиясининг қатор олимларини кўрсатишимиз мумкин. Абу Наср ибн Ироқ ал Жаъдий (X аср-1034) астрономияга оид илмий асарлари туфайли “Батлисумуси ас-Соний” (“иккинчи Птоломей”) деган фахрий ном олган. Абулхайр ибн Ҳаммор (1041-1048) мантик, фалсафадан ташқари табобатда ҳам жуда машҳур бўлгани учун “Буқротти ас-Соний”, “иккинчи Гиппократ” номига сазавор бўлган.

Абу Саҳл Масиҳий ал Журжоний (970-1011) табиб Беруний ва Ибн Синонинг устози бўлган. Фаннинг кўп соҳаларида баракали ижод қилиб жаҳон фанига салмоқли ҳисса қўшган ва дунё олимлари томонидан устоз сифатида тан олинган. Ал-Масиҳий манбаларнинг таъкидича 18 та асар ёзган бўлиб, унинг 12 таси Абу Райҳон Берунийга ва 6 таси Абу Али Ибн Синога бағишлангандир. Абу Мансур Абдул Малик ибн Муҳаммад ас-Саолибий (961-1038) Маъмун академиясининг кўзга кўринган олимларидан бўлган. У тарихий соҳада баракали ижод қилган. Манбаларнинг кўрсатишича, ас-Саолибий фаннинг турли соҳаларига оид 50 дан зиёд асар ёзган. Уларнинг кўпчилиги тарих фанига оид асарлар бўлган. Ас-Саолибийнинг бир қанча асарлари бизгача етиб келган. Шулардан “Йатимат ад-дахр маҳосин аҳл



ул-аср” (“Замонона аҳлининг фазилатлари ҳақида ягона дурдона”), “Китоб ал-ғурар” (“Маълумотлар китоби”), “Йатимат ал-дахр” (“Аср дурдонаси”), “Ғубар ахбор мулун ул-фурс шярухум” (“Эрон подшолари ҳақида маълумотлар”) ва бошқалар. Ас-Саолибийнинг юқоридаги асарлари Марказий Осиё халқларининг X-XI асрдаги тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ас-Саолибийнинг “Эрон подшолари ҳақида маълумотлар” асари тўрт жилддан иборат бўлиб, унда Эрон, Афғонистон ва Марказий Осиёда рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеалар хикоя қилинади. Ўрта асрнинг комусий олими ас-Саолибий асарларида Хоразм, Хуросон ва Марказий Осиёда яшаб ижод этган 124 нафар олим, адиб ва давлат арбоблари ҳақида ишончли маълумотлар берилган. Ўз илмий фаолияти билан ас-Саолибий жаҳон илм аҳли ўртасида катта обрўга эга бўлган. Олимнинг “Йатимат ат дахр” асари 1883 ва 1947 йиллари арабча матида Байрут ва Қоҳирада нашр қилинган. XX асрнинг ўрталарига келиб, асар француз, лотин, рус ва ўзбек тилларида нашр қилинган. Албатта, академиядаги олимларга юнон ва шарқ фанларининг таъсири кучли бўлган бўлса-да, бироқ академия олимларининг аксарияти олим сифатида юртимиздаги фан ва маданият ютуқларини мукамал ўрганиш асосида шаклландилар. Улардаги илмий дунёқарашнинг шаклланишида, айниқса, кўҳна Хоразм фанининг таъсири кучли бўлган.

“Маъмун Академияси” олимлари маҳаллий илмий муҳит вакиллариининг ютуқларидан кенг фойдаланганлар. Улар ўз асарларида X аср математики Абу-л-Ҳасан Озариур ибн Жаҳнас, астроном Аҳмад ал-Фарғоний, географ ал-Жайхоний, астроном Абу Маҳмуд ал-Хўжандий, табиатшунос Абу-л-Ҳасан ас-Самарқандий, Сулаймон ибн Исма ас-Самарқандий, Саъид ибн Хафиф ас-Самарқандий, Аҳмад ас-Соқоний, комусий олим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва бошқаларнинг илмий хулосаларига таянганлар.<sup>1</sup>

“Маъмун Академияси” олимлари фаннинг турли соҳаларида ижод қилиб, ўз даври фанини ривожлантириш орқали умум

<sup>1</sup> Ф.Расулова, Т.Дўстжонов, С.Ҳасанов. Хоразм Маъмун Академиясининг олиси яқин юлдузлари. Т.2005 йил. 12,13 бетлар.

дунёвий тараққиётга салмоқли ҳисса қўшдилар. Академиянинг раҳбари ва ташкилотчиси бўлмиш хоразмлик қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг сербарака ижоди ҳар қандай таҳсинга сазавордир. Олимларнинг таъкидлашларича, у ўзининг илмий қарашлари ва кашфиётлари билан ўз замондошларидан қарийб 500 йил ўзиб кетган. У ўз даври фанининг кўпгина соҳалари бўйича ижод қилиб, авлодларга ўлмас асарлар қолдирган. “Бу улуг ватандошимиз, дейди мухтарам Президентимиз И. А. Каримов, – математика ва астрономия, геодезия ва фармакология, кимё ва ботаника, география ва этнография, тарих ва фалсафа каби фан соҳаларида 150 дан зиёд асар яратиб, на фақат ўз даври, балки, бугунги юксак технологиялар асри учун ҳам гоятда қимматли кашфиётларни амалга оширганини барчамиз яхши биламиз. Шу боис ҳам жаҳоннинг машҳур олимлари томонидан XI аср ҳақли равишда “Беруний асри” деб таърифланиши бежиз эмас”<sup>1</sup>. Маъмун Академиясида ўрта асрнинг яна бир буюк олими бухоролик Абу Али ибн Сино самарали ижод қилган. Бухорода Сомонийлар давлатининг инкирози ва Қорахонийлар давлатининг вужудга келиши давридаги ўзаро тўс-тўполонлар буюк олимнинг ҳаёти учун хатарли бўлиб қолгач, Хоразмга қочишга мажбур бўлади. Хоразм илм аҳли буюк алломанинг ташрифини ниҳоятда хурсандлик билан кутиб олади. Тез орада аллома Хоразмда машҳур бўлиб кетади ва Маъмун Академиясида кўзга кўринган ўринлардан бирини эгаллайди. Абу Али ибн Сино Хоразмда 12 йилча яшайди ва бу ерда ўзининг машҳур “Тиб қонунлари” асарини ёзади. 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олгач, Ибн Сино ўта жоҳил ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавий билан Ғазнага кетишни хоҳламайди. Маъмун Академиясидаги бир қанча дўстлари билан Гурганжни хуфиёна тарк этади. Қолган умрини Эрон, Хуросон шаҳарларида қашшоқликда ўтказди. Абу Райҳон Беруний каби Абу Али ибн Сино ҳам авлодларга катта илмий мерос қолдирган. Унинг тиббиёт соҳасидаги буюк асарлари XVIII асрнинг ўрталаригача Европа тиббиёт мактаби учун дастурил-амал бўлиб хизмат

<sup>1</sup> Каримов И.А. Илму маърифат зинеси ҳеч қачон сўнмайди. “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 3 ноябрь.

килган (Буюк юртдошимиз Абу Райхон Беруний ҳақида китобимизнинг иккинчи қисмида батафсил тўхталамиз).

Бир сўз билан айтганда, қадимги Хоразм тўғрисидаги ёзма маълумотлар бизгача етиб келмаган бўлса-да, бироқ бугунгача етиб келган ва ўрганилган археологик ёдгорликлар, шунингдек, IX-XI аср Шарқ уйғониш даврида хоразмлик олимларнинг бебаҳо илмий асарлари фан ва маданият Хоразмда қадим-қадимдан, Маъмур Академиясидан анча олдин гуркираб ривожланишидан далолат беради. “Бундан минг йил аввал Хоразм замирида Дорул ҳикма деб аталган Хоразм Маъмур Академиясининг пайдо бўлиши бу кўҳна воҳада неча-неча асрлар мобайнида кечган буюк тарихий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг қонуний ҳосиласи ва натижаси десак ҳақиқатни айтган бўламиз”<sup>1</sup> деган эди Президентимиз И. А. Каримов. Маъмур Академиясининг олимлари ўз даври муаммоларини ҳал этишда анча муваффақиятларга эришганлар. Улар жамият ҳаётида дунёвий ва диний мезонлари орасида уйғунлик, турли қарамидаги олимлар аро ўзаро ҳамкорлик, муҳитни қарор топтириш, турмуш шароитини яхшилашда илм-фан аҳамиятини янада ошириш масалаларини ҳал қилишда ўзларининг асосли таклифлари билан чиқишди. Бу масалаларнинг кўпчилиги ҳозирги давр учун ҳам долзарб эканлиги фикримизнинг дўшмандидир. Узок ўрта асрларда Хоразм Маъмур Академияси ўзининг ўлмас илмий натижалари билан Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ўннга хос маънавий-маданий кўприк, умуминсоний қадрият ва маданиятлар силсиласида узвий бир халқ вазифасини ўтаганидан далолат беради. Ўрта асрлар Хоразмда дунё илму фан марказларидан бири Маъмур Академиясининг ташкил этилиши аждодларимизнинг ўтмишда илм-фан ва маданият тараққиётида жаҳонда илғор ўринлардан бирини эгаллаб турганини фикримизнинг тасдиғидир.

“Шундан ҳам Хоразм Маъмур Академияси умумбашарий цивилизация ривожигаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан,- деган эди И.А.Каримов,- қадимий Афинадаги Платон академияси, Мисрдаги Александрия кутубхонаси, Шарқ оламида Байт ул-

<sup>1</sup> Ушш жойда

хикма номи билан шуҳрат қозонган Бағдод академияси каби машҳур илмий марказлар билан бир қаторда туради. Шарқ мусулмон Ренессанс уйғониш даврининг ёрқин намоёни сифатида тарихимизнинг зарҳал саҳифаларини ташкил этади”.<sup>1</sup> Ҳурматли Президентимизнинг таъкидлаганларидек, аждодларимизнинг ўтмиш тарихи ниҳоятда қадимдан бошланади. Уларнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси бениҳоя салмоқлидир.

Жаҳоннинг илк фан марказларидан бири бўлган Хоразм Маъмун Академияси ташкил этилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 9 ноябрда махсус қарор қабул қилиб, шу соҳада жиддий тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 1 ноябрь “ 240 –сонли қарорига асосан Хоразм Маъмун Академияси фаолиятини такомиллаштириш ва унинг 1000 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорга асосан ва Вазирлар Маҳкамасининг “Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида” 2004 йил 9 ноябрдаги 532-сон қарори ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Маъмун Академиясининг катта илмий хизматларини муносиб тақдирлаб халқаро Юнеско ташкилоти ҳам бу масалага жиддий эътибор берди ва ниҳоят 2006 йил 3 ноябрда Хоразмда Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги тантаналарида ўз вакиллари билан қатнашди ва нишонланди. Байрам тантаналарида кўпгина хорижий давлатлардан меҳмонлар иштирок этдилар.

Юбилей тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов иштирок этиши ва ёрқин нутқ сўзлаши юбилей тантаналарининг сиёсий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилди. Президентимиз ўз нутқларида Маъмун Академиясининг фаолиятига ва тарихий ўрнига юксак баҳо бердилар. Бир сўз билан айтганда, Хоразм Маъмун Академияси қисқа муддат фаолият кўрсатган бўлса-да у ёққан чироқ, у таратган нур бугунги кунда ҳам ўчгани йўқ.

<sup>1</sup> Ўша жойда

## 1.7-боб. Хоразмшоҳлар- Ануштегинлар – хукмронлиги даврида Хоразмда фан ва маданият.

Кўхна Хоразм заминида вужудга келган Хоразмшоҳлар-Ануштегинлар давлати дунёвий империя бўлиб, ўз даврининг ҳар томонлама ривожланган мамлакатларидан бири эди. Мазкур Хоразм давлати ўзининг ўта такомиллашган қудратли ҳарбий кучи билан бирга, жуда тараққий этган халқ хўжалиги, юқори даражада ривожланган фан ва маданияти билан ўз имондошларини тани қолдирган. Хоразмнинг юксалиши унинг буюклик сулуласига чиқиб Ануштегинлар сулуласи билан боғлиқдир. Бу сулула хукмронлиги йилларида Хоразм шарқнинг энг йирик империясига айланди. Унинг пойтахти Гурганж жаҳоннинг энг кўркем ва катта шаҳарларидан бирига айланди.

Осмонўлар миноралар, салобатли иморатлар, кўплаган масжиду мадрасалар шаҳарнинг кўркемга кўркем қўшган. Хоразм хукмдорлари Хоразмшоҳлар ўз мамлакатларида илм-фаннинг ривожига катта эътибор билан қараганлар. Илм-фан арбобларига ҳар томонлама гамхўрлик қилганлар. Хоразмийлар ўртасида илм олишга интилиш ҳам кучли бўлган. Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж халқаро савдо маркази бўлиши билан бирга, халқаро илм-фан маркази ҳам эди. Шаҳарда кўплаган мадрасалар, кутубхона, кироатхоналар мавжуд эди. Шунингдек, бу шаҳри илмда ўз имондорининг стук алломалари ҳам тўпаланган эдилар.

Гурганждини Шихобиддин Хивакӣ кутубхонаси илмнинг турли соҳаларига доир қўлёзмаларни ўзига жамлаган. Шарқнинг энг бой кутубхоналаридан бири саналган. Подир қўлёзмаларни кўчириб китоб ҳолатига келтириш билан машғул бўлган моҳир хаттоғлар 1300 кишидан зиёд бўлган, 400 киши эса фақат сўхфурошилик билан шуғулланган, 1000 дан ортиқ киши эса Хоразмнинг ноёб мусиқа асбоби- дутор яшаш билан машғул бўлганлар. Юқоридаги маълумотлар Хоразмнинг ўша даврдаги маданий қиёфасининг қанчалик юқори даражага кўтарилганлигини тасаввур қилишга ёрдам беради. Бу фикрни ўша даврдан бизгача сақланиб қолган ушбу сатрлар ҳам тўла тасдиқлайди: “Хоразм шу даражага бориб етдики, у кўркем ва

хавф-хатарга тушганлар учун бехатар макон, қочган, қувилганларга манзилгоҳ, дарвешлар учун папоҳ жой бўлиб қолди. Одамлар Хоразмга ҳар тарафдан ўз кулфату мусибатларидан изтиробга тушиб ҳасрату надоматлардан қалблари куйиб ёниб нажот излаб келардилар, бу жойда барча иллатлар шифо топган, дардлари бартараф бўлган, жамики юмушлар ташвишидан қутилган ҳолда қайтардилар.”<sup>1</sup>

Хоразмликларнинг илм-фанга, маърифатга ва янгиликларга жуда ихлос қўйган юксак маънавиятли кишилар бўлганлиги ҳақида ёзма манбаларда кўплаган маълумотлар мавжуд. Араб тарихчиси ал Муқаддасий бу ҳақда куйидагиларни ёзган; “...Хоразмликлар идрок, илм, фикҳ, қобилият ҳамда билим кишиларидирлар”. Машҳур испаниялик араб сайёҳи Ибн Батута бу фикрни давом эттириб, “бутун жаҳонда менга ҳали хоразмликлар каби ажнабийларга нисбатан хушхулқ, олижаноб-меҳмондўст, фикҳ илмини сув қилиб ичиб юборган доно кишиларни учратиш насиб этмаганди”, деб қайд этади.

Шу хусусда Хоразмга сафар қилган араб олими Абу Ҳамид ал Гарнотий (1086-1169) ўзининг “Ақллар тухфаси ва ажойиботлар сараси” асарида келтирган фикрлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Олим хоразмликларнинг яхши фазилатлари ҳақида ёзиб: “Хоразм аҳолиси ақл заковатли, фикҳ ва дунёвий илмларини эгаллаган маърифатли кишилар бўлганлар”, деб таъкидлайди. Араб тарихчиси ибн Арабшоҳ (1389-1450) Хоразм ва хоразмликлар таърифи ҳақида шундай деб ёзиб қолдирган. “Журжон (Гурганж) шаҳри уларнинг пойтахти бўлиб, энг азиз шаҳарлардандир. Умуман, бу мамлакат (Хоразм) азим шаҳарлар ва кенг вилоятларга бой мамлакатдир. Унинг пойтахти фозил кишилар жам бўладиган, уламолар манзил тутадиган, зарифлар ва шоирлар макони, адиб ва улуғ кишилар чашмаси, иззат-икромли улуғлар тоғининг қони, йўлининг топгану адашганлардан ҳақиқат изловчи кишилар денгизининг манбаи эди,” деб ёзади.

Худди сомонийлар каби Хоразмшоҳлар ҳам ўз ҳокимиятининг нуфузини ошириш мақсадида Ўрта Осиё,

<sup>1</sup> Рашиддин ал Ватвот. “Тулкстон”, 1991 й. 11-сон, 13-бет.

Хуросон, Эрон, Ирокнинг турли шаҳарлари ва вилоятларидан келган олиму фозиллар, шоиру-бастакорлар, мухандису-мельморларни ўз атрофларига йиғиб, уларни ўзларига яқин тутишга ҳаракат қилдилар. Хоразм ҳукмдорлари буни ўз давлатининг обрў-эътиборини оширишнинг муҳим шarti деб билишган. Хоразмшоҳлар салтанатида айниқса Хоразмшоҳлар-Отсиз, Такаш ва Султон Муҳаммадлар ҳукмронлиги даврида илм-маърифат ва маданий ҳаёт юқори даражада ривож топади. Чунки, уларнинг ўзлари илм-маърифатга ихлосманд олиму фозилларни қадрлайдиган шахслар эдилар. Улар араб, форс тилларини яқин билишган. Шарқ кўлэмаларидан хабардор бўлишган. Улар қайси бир мамлакатга юриш қилган бўлсалар, уна ердаги ҳукмдорлар саройидаги нодир кўлэмалар, етук олиму доғинимандларни Гурганжга ўз саройларига келтирардилар. Хоразмшоҳлар Бағдод, Дамашқ, Марв, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги машҳур ашломаларнинг араб, форс тилларида ёзилган асарларини урганишга жуда катта эътибор беришар эдилар. Натижада, у даврда мамлакатнинг Гурганж ва бошқа шаҳарларида мадраса ва кутубхоналар фаолияти янаям жадаллашган.

Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги йилларида мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам кўплаган масжиду мадрасалар ва кутубхоналар барпо қилинди. Шаҳобиддин Насавийнинг гувоҳлик беришича, Бухоронинг деҳқон туманида “Камбағаллар уйи” кутубхонаси очилган. Хоразмшоҳ Султон Жалолиддиннинг фармони билан Исфакон шаҳрида мадраса қурилган. Хоразм Кутбиддин Отсиз, Такаш ҳукмронликлари йилларида шоҳ саройида аҳли доғинимандлар учун Ҳикматлар уйи ташкил этилган. Ҳикматлар уйида академик Зиё Бунёдовнинг кўрсатишича, юздан ортиқ олимлар, шоир, ёзувчилар, ҳамда уламо-фузалолар араб ва форс тилларида ижод қилганлар. Ҳикматлар уйининг жамики ҳаракатлари ҳукумат зиммасида бўлган. Бундай илмий-маърифий марказлар мамлакатнинг Марв, Исфакон, Термиз, Бухоро, Аксиканд каби шаҳарларида ҳам мавжуд эди. Шунинг таъкидидаш лозимки, Хоразмшоҳлар саройига тўпланган олиму доғинимандлар қарийб бир аср муқаддам фаолият кўрсатган Маъмул академияси бошлаб берган хайрли ишларни янги

ҳадисшунос олимдир. У шу соҳага доир ўндан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган.

Шихобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хивакий (ваф.1221) машхур ҳуқуқшунос олим ва давлат-Султон Муҳаммаднинг дин ва давлат ишлари юзасидан энг яқин маслаҳатчиси бўлган. Султон Муҳаммад унинг маслаҳатларини ҳамиша ҳисобга олиб иш юритган эди. “У Гурганжда энг ажойиб кутубхона бунёд этганики, бундай кутубхона аввал ҳам, ундан кейин ҳам бўлмаган”, деб таъриф беради замондошлари. Шихобиддин айни вақтда Гурганждаги бешта мадрасада талабаларга ҳуқуқшунослик илмидан дарс берган. Унинг кутубхонасида билимнинг турли соҳалари бўйича жуда кўп нодир китоблар тўпланган. Чингизхон истилоси ҳақида хабар топган Шихобиддин Хоразмни тарқ-этар экан, кутубхонасидаги нодир китобларни ҳам ўзи билан олиб кетган. Ўша таҳликали замонда у китобларнинг кўпи йўқошиб кетган, бир қисми мўғуллар томонидан қуйдириб ташланган.

Абу Иброҳим Исмоил ал-Журжоний шарқнинг энг машхур шабобат олими бўлган. Унинг “Заҳираи Хоразмшоҳий” номли 12 жилдлик китоби бор. Шихобиддин Муҳаммад ан Насавий (ваф.1249й) тарихчи, шоир, давлат арбоби. У Хоразмшоҳларнинг элтиборли ноибларидан бўлган. 1224-1231 йилларда ан Насавий ўзбек халқининг миллий қаҳрамони, сўнги Хоразмшоҳ Жалололдин Мангубердиниинг шахсий котиби бўлган. Унинг “Сирот ус-султон Жалололдин Менгбури” номли асари жуда машхурдир. Асар 1241 йили бедаликлар тарзида ёзилган бўлиб, муқаддима ва 108 бетдан иборат. Асар мўғул-татар қабилалари ҳаёти, Чингизхоннинг хон бўлиб кўтарилиши, унинг Мўғулистон, Хитой ва Ўрта Осиёдаги истилочилик ҳаракатлари, Хоразмшоҳ олиб борган қаҳрамонона жанглари, унинг фожиали ҳалокати ҳақида бой ва аниқ маълумотлар берилган. Асарнинг арабча мисли, кейинчалик эса форс, француз, рус ва ўзбек тилларидаги таржималари нашр қилинган. Хоразмшоҳлар-Ануштегинлар даврида ноёнтахт Гурганжда Ҳикматлар уйида ижод қилган олимлардан яна бири Аловуддин Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолияти, султон Жалололдиннинг мўғул истилочиларига қарши кураши ҳақида асар ёзган олим Муҳаммад ибн Нажиб Бақрондир.



Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида бизгача тўлиқ маълумотлар етиб келмаган. Нажиб Бакрон астрономия, география ва картография илмлари соҳасида ўз даврининг етук олимларидан бўлган. У XII аср охири ва XIII асрнинг бошларида яшаб ижод этган. Олим Хуросоннинг Тус шаҳрида, бадавлат оилада таваллуд топиб, мадраса таълимини дастлаб Тус, сўнгра Нишонур мадрасаларида давом эттирган ва ўз замонасининг машҳур олими сифатида танилган. Нажиб Бакрон Хоразмшоҳ томонидан 1209 йилда Гурганжга – Ҳикматлар уйига ишга таклиф қилинади ва умрининг охиригача илмий даргоҳда фаолият кўрсатади. Шу ерда у “Олам шакли”ни - дунё харитасини матога тушириб, уни Хоразмшоҳ Муҳаммадга тақдим этади. Хаританинг ўзи бизгача етиб келмаган. Аммо харитага илова қилинган кўлёманинг иккита нусхаси, яъни унинг изоҳномаси “Жаҳоннома” номи билан бизгача етиб келган. Шулардан бири Парижда, иккинчи нусхаси Санкт-Петербургда сақланмоқда.

“Жаҳоннома” география илмига доир энг қимматли ёдгорлик бўлиб, у олимнинг география ва картография соҳасида етук илм эгаси эканлигидан гувоҳлик беради. Бу асар муқаддима ва 20 қисмдан иборат. Унда Ернинг обод жойлари, шаҳарлар, халқлар, денгизлар, дарёлар, тоғлар, кум ва сахролар, савдо йўллари ва мамлакатларнинг табиий бойликлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Олим ушбу асарни ёзишда Берунийнинг “Осор ал-боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”), “Китоб ат-Тафҳим” (“Астрономия санъатининг бошлангичини ўрганиш китоби”), Носир Хисравнинг “Сафарнома”, Ибн Хурдодбекнинг “Китоб ал-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”) ва бошқа олимларнинг асарларидан фойдаланган, улардаги илмий ғояларни ўз кузатишлари ва хулосалари билан бойитган. “Жаҳоннома” китобидаги изоҳга қараганда, Нажиб Бакроннинг ярим шарлар шаклидаги чизган харитаси рангли тасвирда ишланган ва шарғли белгилар билан изоҳланган. Ушбу хаританинг яна бир муҳим жиҳати, унда меридиан ва параллел чизиқларнинг аниқ кўрсатиб берилишидир. Бошқача айтганда, “Жаҳоннома” да изоҳланган харитада 600 тага яқин географик номларнинг батафсил изоҳлари ва таърифлари кўрсатиб берилганлиги учун ҳам у алоҳида илмий аҳамиятга моликдир.

Булардан ташқари, Хоразмшоҳлар саройида адабиёт ва шеърят мактабининг машхур намоёндаларидан Рашидиддин Муҳаммад ал-Умарий (1115-1182) Ватвот тахаллуси билан ижод қилган. У Отсиз, Эл- Арслон ва Такаш саройида котиблик қилган, араб ва форс тилларида шеърлар, қасидалар ва ғўзал мактублар битган. Ўша даврда ижод этган тарихчи олим Ёкут Ҳамавийнинг “Иршод” китобида таъкидланишича, Ватвот: “Шеър ёзиш ва насрда ниҳоятда моҳир эди, араб тили ва грамматикаси сирларини ҳамда адабиётни ҳаммадан кўра яхши билар эди. Унинг шуҳрати бутун оламга тарқалди ва барча ўлкаларга машхур бўлиб кетди”, дейилади.

Рашидиддин Ватвот ўзининг “Шеър санъатининг сеҳрли боғлари” асарини Хоразмшоҳ Отсизга бағишлаган. Хоразмнинг ўша замондаги шоир ва адибларидан яна бири Фахрул-машойиҳ Абул Қосим ибн Умар ал-Хоразмий (ваф.1165) , Фахрул-афозал абу Ҳафз ибн Умар ал-Хоразмий, Муаййа Нуддин Абу Саъд Иброҳим Хоразмий, Ғиёсиддин Абулмажид Жандий, Абул Абдуллоҳ ар-Розий, Камолиддин Исфохоний, Маҳмуд Самарқандий, Маъсуд Хўжандий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Хоразмшоҳ-Ануштегинлар даврида олимлар ўлка тарихига, хусусан Хоразм тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қаратганлар. Ўша даврда “Хоразм тарихи” номи билан ёзилган бир қанча китоблар юзага келган. Машхур тарихчи олимлардан Абул Ҳасан ибн Абу Али ибн Муҳаммад ал-Хоразмий (ваф.1141) ва Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Арслон ал-Аббосий ал-Хоразмий (1099-1172) лар маъкур китобларнинг муаллифларидир. Бирок, ана ўша китоблар бизнинг замонамизгача етиб келмаган.

Хоразмшоҳлар ислом дини пешволарига, сайидларга, уламолар ва машойиҳларга ҳам жуда катта илтифот кўрсатганлар. Улар орасида бутун мусулмон оламига машхур бўлган Аҳмад бини Умар Абулжаъоб Нажмиддин ал-Қубро (1145-1221) Хоразмда тасаввуф илми ва Кубровия тариқатининг асосчиларидан эди. Гурганжда яна Имом Фахриддин Розий, шайхи Азизон номи билан юритилган Ҳожи Али Ромитоний, имом Азизиддин Али Балхий, имом Фахриддин Абу Собит Абдулазиз ибн Абдул-Жаббор Куфий ва бошқа машойиҳлар фаолият кўрсатганлар. Хоразмшоҳ Султон Такаш даврида

Гурганжда ижод қилган алломалардан бири имом Фахриддин ар-Розий (1149-1209) дир. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, у Эроннинг Рай шаҳрида таваллуд топган. Кейинчалик оиласи билан Гурганжга кўчиб келади. Фахриддин ар-Розий Гурганжда бошлангич, сўнгра мадраса таълимини олади. Кейинчалик Макка, Мадина ва Бағдод шаҳарларида машҳур алломалардан Ислом дини ва фикҳ илмидан чуқур таълим олиб, етук олим ва машойих сифатида Гурганжга қайтиб келади. У Гурганжда ислом тариқати, фикҳ, фалсафа, адабиёт, шеърият, мантиқ, тиббиёт ва бошқа илмлар соҳасида машҳур бўлади. Розий ўз илмий фаолиятида қадимги юнон олимларидан Аристотел, Героклит, Эпикул, шарқ мутаффакирларидан ал Форобий, ибн Сино ва Беруний асарларидан ижодий фойдаланган, уларга бағишлаб шарҳлар ёзган ва Гурганж мадрасаларида мазкур илмлардан талабаларга дарс берган. Шайх ва олим 30 дан ортиқ асарлар муаллифидир. Шулардан Хоразмшоҳ Такаш (1172-1200) га бағишлаган ва 60 бобдан иборат бўлган “Илмлар йиғиндиси” асарида диний билимлардан ташқари математика, астрономия, тиббиёт, физика, кимё, тарих, мантиқ фанларига доир кимматли маълумотлар берилади. Улар ислом қадриятларини ривожлантириш ҳамда мамлакатда тинчлик-осойишталикни қарор топтиришда муҳим рол ўйнаган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж Шарқ мусулмон дунёсининг энг мўътабар, муқаддас маконига айланади. Буюк алломалар, авлиёлар қабрини зиёрат қилиш учун барча мусулмон дунёсидан ташриф буюрган зиёратчилар сони кўпаяверади. Чунки, Гурганжда шайх Нажмиддин Кубро ва унинг мўғуллар билан бўлган озодлик жангида қаҳрамонларча ҳалок бўлган уч нафар шогирди айнан шу муқаддас шаҳарда дафн қилинган эди. Шу боисдан, муқаддас шаҳарга қилинган зиёрат мусулмонлар наздида Маккаю муқаррамага қилинган зиёрат билан баробар, деб қаралган. Шу жиҳатдан, “Таърифи шаҳри Хоразм” кўлёмасида келтирилган ушбу эътироф Хоразм ва Урганчнинг мавқеини янада оширган: “Кўҳна Урганчнинг бир ҳовуч тупроғи ҳам авлиёлар ва солиҳларнинг баданларидан, шаҳидларнинг қонидан холи эрмас. Шу боисдан, Хоразмда икки ракат намоз ўқиган киши ўзга диёрларда етмиш ракат намоз адо қилганнинг

савобини топади. Бу муқаддас тупроқда дафн этилганлар гўр азобидин ва Мункар-Накир сўроғи вақтидаги рашжу машаққатлардан халос бўладилар”.

Хоразмшоҳлар даврида илм-маърифатнинг тараққиёти ҳақида Хоразм тарихининг билимдони академик С. П. Толстовнинг куйидаги сўзлари алоҳида эътиборга лойиқ: “Бу даврдаги Хоразмнинг иқтисодий ва маънавий маданияти парвозини назардан ўтказар эканмиз, бир вақтлар феодал монархияси бўлган бу давлат қиёфасининг қолдиқлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бизнинг нигоҳимизда юз минглаб гектар ерларга оби-ҳаёт берган улкан суғориш иншоотлари, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Қипчоқ даштларига туташиб кетган стратегик “Буёқ ипак” савдо йўллари, истехкомлару шаҳарларнинг қайноқ ҳаёти –хунармандчилик, равнақ топган савдо-сотиқ, ҳамда Марказий Осиё, Эрон ва Волга бўйининг маънавий маданияти ва илм-фаннинг бутун тарихига кучли таъсир кўрсатган Хоразм Уйғониш даврининг улуғворлиги ва маънавий маданиятининг бой равнақи гавдалангандай бўлади”<sup>1</sup>.

Афсуски, иқтисодий ва маданий ҳаёт юксак даражада гуллаб-яшнаб турган Хоразмшоҳлар давлати ҳамда юқоридаги таҳсину таърифларга сазавор бўлган унинг гўзал пойтахти Гурганж ёвуз Чингизхон бошлиқ мўғуллар босқини, уни вайронага айлантирган бўлса-да, буёқ Хоразм шухратини батамом йўқ қила олмади. С. П. Толстовнинг таъбири билан айтганда: “Чингизхон шаъварининг биринчи зарбасига учраган бу давлатни ҳар қанча тақдирласа арзийдиган хизмати шунидаки, у ўз қони эвазига Европа цивилизациясини ҳалокатдан сақлаб қолди”.

## **1.8-боб. Хива хошлари ҳукмронлиги йилларида Хоразмда маданият, адабиёт ва санъат.**

Узоқ давом этган мўғул истибодидан сўнг, ниҳоят, Хоразм ўз мустақиллигини қайта тиклади. 1512 йилда ўзбекларнинг Шайбонийлар уруғидан бўлган Элбарс Хоразм хони деб эълон қилинди. Шу даврдан бошлаб Хоразм тарихида янги давр -

<sup>1</sup> С.П.Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т., “Фан”, 1966 й. 217-бет

хонлик даври бошланди. Албатта Хива хонлигини Хоразмшоҳлар давлатига тенглаштириш мутлақо мумкин эмас. Хива хонлиги иқтисодий жиҳатдан анча қолоқ, ўрта асрчилик ва диний удумлар асосан ҳукмрон бўлган кичик бир давлат эди. Хонликдаги асосий ҳукмрон назар ислом ғояси бўлиб, мактаб ва мадрасаларда асосан ёшларга диний ақидалар уқдирилар эди. Бир вақтлар дунёвий фанлар - математика, алгебра, астрономия, тарих, геодезия, тиббиёт фанларининг ватани бўлган Хоразмда эндиликда ёшларга бу фанлардан сабоқ берилмас эди. Умуман олганда XVII-XVIII асрлар хонлик тарихида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тушқунлик даври ҳисобланади. Бироқ, шунга қарамасдан ижодкор Хоразм халқи ичида бадиий ижодиётнинг кўпгина соҳалари бўйича таниқли ижодкорлар етишиб чиқди.

Ўз даврининг маърифатпарвар шоирларидан бўлган Андалиб адабиётнинг барча соҳаларида ижод этган. Унинг шеъриятида ҳаётга муҳаббат, эътиқодга садоқат, ижтимоий адолат марказий ўринда турган. Шунинг билан бирга, адиб шеърият билан бир қаторда, “Зайнул араб”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун” каби сюжетлар асосида яратилган қатор ишқий ва қаҳрамонлик дostonларининг муаллифи ҳамдир. XIX аср ва XX аср бошларида Хива хонлигининг маданий ҳаётида анча силжиш даври бўлди. Бу даврда хонликда илм-фан, тарихнавислик, таржимонлик, адабиёт, шеърият, мусиқа ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Бу юксалишда Хива хонлари Оллақулихон, Сайид Муҳаммадхон айниқса маърифатпарвар ҳукмдор Муҳаммад Раҳимхон II Ферузнинг саъи ҳаракатлари баҳсинларга муносибдир.

Феруз Хива хонлигида илм-маърифатнинг ривожини учун катта ишларни амалга оширди. У ўз саройини ўзига хос илмий-маданий марказга айлантди. У ўз атрофига адабиёт, санъат вакиллари тўплаб уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилган. Хон саройи 40 дан зиёд машҳур ижодкорларни, олимларни, фозилу-фузалоларни, машҳур тарихчилар, шоирлар, мусиқашуносларни тўплаган. Хон саройида ижод қилган алломалар қаторида Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Худойберди Қўшмуҳаммад, Муҳаммад Юсуф Баёний, Комил Хоразмий ижодларини кўрсатиш мумкин.

Ферузхоннинг тарихий хизматларидан бири, унинг шахсий ташаббуси билан Хивада Тошбосма (литография) нинг ташкил этилишидир. Тош босмада тарих, адабиёт, фалсафа, табобатга доир асарлар ва тўпламлар нашр этилган. Жумладан, Алишер Навоий, Мунис, Огаҳий, Баёний, Комил Хоразмий ва бошқаларнинг асарлари босилган. Хива хони бир неча бор ўз яқинлари билан Россиянинг Москва ва Петербург шаҳарларига сайёҳат қилади. У ердаги фан-техника янгиликлари билан танишиб, уларни ўз юрти Хоразмда тадбиқ этишга ҳаракат қилади. Айнан ул зотнинг сайёҳи-ҳаракатлари билан 1880 йилда Хивада биринчи замонавий амбулатория очилган. Унда Россиядан таклиф этилган шифокорлар хизмат қилганлар. 1890 йил охирида Янги Урганч ва Кўнғирот шаҳарларида ҳам ана шундай фельдшерлик-амбулатория пунктлари ишга туширилди. 1910-1913 йилларда бош вазир Исломуҳжа ташаббуси билан Хиванинг Дешонқалъа худудида 100 кишига мўлжалланган янги Европа услубидаги касалхона ҳамда почта, телеграф бинолари қурилди. Касалхона қошида амбулатория ҳам ишга туширилди. Касалхона ўша вақтдаги илғор медицина усуллари билан жиҳозланди, унинг асосий ҳаражати хон хазинаси ҳисобидан таъминланди. Даволаш масканида А.Ф.Анисимов, Асфандиёрова, Шенковская каби тажрибали врачлар меҳнат қилдилар. 1913 йилнинг сўнгги 3 ойи мобайнида 11 мингга яқин бемор тиббиёт кўригидан ўтказилди ва даволанди. Бош вазир Исломуҳжа ташаббуси билан хонликда почта, телеграф алоқаси ҳам йўлга қўйилди. 1889 йилда Чоржўй-Дорғонога, Петро-Александровск (Тўрткўл) оралиғида почта, телеграф алоқаси ўрнатилди. Кейинчалик ана ўша алоқа воситасига Янги Урганч ва Хива шаҳарлари ҳам уланди. 1910 йилда эса хон саройида биринчи рус-тузем мактаби очилиб, ёшларга рус тили ва дунёвий фанлар ўргатила бошланди.

Хонликдаги илғор маърифатпарвар кишилардан бири бўлган Худойберган Девонов (1879-1940) ўша даврда биринчи фотосуратчи ва кинооператор сифатида шуҳрат қозонди. Ўз даврида ўзбек киносининг отаси деб ҳисобланган бу улуғ зот 1907-1908 йилларда бош вазир Исломуҳжа билан Москва ва Петербург шаҳарларига бориб, у ерда етук мутахассислардан

сураткашлик ва кино санъатини ўрганиб қайтади. Х. Девонов ўзи билан Хоразмга “Поти” киноаппарати, телескоп, граммафон каби янги асбобларни олиб келади. Дастлаб у сарой ҳаёти, хон ва амалдорлар, Хиванинг тарихий ёдгорликлари, хиваликларнинг турмуш тарзи, урф-одати, тўй-томошаси, деҳқончилиги, ирригацияга доир лавҳаларни фотосуратга тушириш билан шуғулланади. Унинг “Хиванинг меъморчилик ёдгорликлари”, “Туркистон кўринишлари”, “Хива ва хиваликлар” каби 10 га яқин ҳужжатли кинофильмлари ва 1000 дан ортиқ фотосуратлари бизгача етиб келган.

Хива хонлиги даврида тарихнавислик фани ҳам анча ривожланган. Хоразмнинг ана шундай машҳур тарихнавис олимларидан бири, Хива хони Абулғози Баҳодирхон эди. Абулғози Баҳодирхон 1644-1663 йилларда хонлик қилган. (Абулғози Баҳодирхон ҳақида китобимизнинг навбатдаги – “Буюк Хоразмийлар” қисмида кенгрок тўхталамиз). Абулғози ўзининг иккита асари “Шажариаи турк” (“Турклар шажараси”) ва “Шажараи тарокима” (“Туркманлар шажараси”) асарлари билан тарихда машҳурдир.

Хонлик давридаги Хоразмнинг машҳур тарихчиларидан бири Шермуҳаммад Мунисдир (1778-1829). Мунис Хива хони саройида хизмат қилиб, адабиёт ва тарихнавислик билан шуғулланган. 1809 йилда Муҳаммад Раҳимхон топшириғи билан ўзининг машҳур асари “Фирдавс ул-иқбол” (“Иқболнома”) асарини ёзишга киришади. Мунис ушбу асарида Абулғози ва Арабхондан сўнг ёзилмай қолган Хоразм тарихини ёзиб тўлдиришга қарор қилди. “Орнолар” деб номланган тарихий асар ҳам Мунис қаламига тегишлидир. (Биз Мунис ҳақида ҳам китобимизнинг келгуси қисмида кенгрок тўхталамиз).

Атоқли тарихчи ва таржимон бўлган Шермуҳаммад Мунис Хоразмий 1828 йилда вабо касалидан вафот этади. Унинг вафоти сабабли тугалланмай қолган “Фирдавс ул-иқбол” асари жияни Огаҳий томонидан давом эдирилади ва ниҳоясига етказилади.

Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1874) ўрта аср Хоразмнинг кўп қиррали билим эгаларидан бири бўлган. У шеърят оламида ўз даврининг тенги йўқ шоирларидан ва шу боис, “Иккинчи Навоий” деб тан олинган аллома бўлган. Отаси бевақт вафот

этгач, Огаҳий амакиси Шермуҳаммад Мунис оиласида тарбияланган. Амакиси ва устози Шермуҳаммад Мунисдан шеърят ва тарихнавислик сирларини ўрганган. Амакиси Мунис вафот этгач, Хива хонининг фармониغا мувофиқ, Огаҳий хонликда бош мироблик вазифасига тайинланади ва 30 йилдан ортиқ шу вазифада ишлайди. Огаҳий ўта лирик оҳангга, чуқур мазмунга эга бўлган ғазаллар ёзиш билан бирга, тарихнавислик ва таржимонлик билан ҳам шуғулланади. Хусусан, амакиси Шермуҳаммад Мунис 1829 йилда вабо касалидан вафот этгач, унинг тугалланмай қолган “Фирдавс ул Иқбол” (“Иқболнома”) асарини ёзиб тугатади. Шунингдек, Хоразм тарихига оид қатор асарлар ва таржималар Огаҳий қаламига тегишлидир. (Биз Огаҳий ҳақида кейинги қисмда кенг тўхталамиз).

Мунис ва Огаҳийдан сўнг тарихнавислик билан шуғулланган олим Муҳаммад Юсуф Баёнийдир. Баёний (1858-1923) машҳур тарихчи, шоир, таржимон ва жуда моҳир хаттот ҳам бўлган. Баёний “Шажараи Хорамшоҳий” ва “Хоразм тарихи” асарларининг муаллифи сифатида Хоразм тарихчилигида алоҳида ўрин тутади. (Биз Баёний ҳақида кейинги қисмда кенг тўхталамиз).

Хива хонлигида яшаб ижод қилган тарихнавислардан яна бири Худайберди Қўшмуҳаммад ўғли эди. У 1773 йилда Хива шаҳрида тугилган. Отаси Қўшмуҳаммад Сўқфи Кубровия тариқатининг давомчи издоншаридан бўлган. Нуфузли онладан чиққан Худайберди мадрасада таълим олгач, хон саройига хизматга тақлиф этилади. Худайберди ибн Қўшмуҳаммад ўз даврининг етук билимдонларидан бири бўлиб етишади. Бизгача етиб келган айрим махлумотлар унинг тарих, адабиёт, форс тили ва таржимонликда шуҳрат қозонганлигидан гувоҳлик беради. У Хивақий таҳаллуси билан ижод қилган. Саройда мавжуд бўлган тарихий-географик ва бошқа қимматли асарларни Хоразм тилига ўғирган. Жумладан Шарафиддин вл Яздийнинг “Зафарнома” асарини Хоразм тилига таржима қилган. Кейинчалик Хива хони Раҳмонқулхоннинг топшириғига асосан, ўзининг машҳур “Дили Ғаройиб” асарини ёзади. Асар 1825-1842 йилларда хонлик қилган Хива хони Оллақулихонга бағишланган. (Худайберди ибн



Кўшмухаммад ҳақида китобимизнинг кейинги қисмда кенг тўхталамиз).

XVIII-XIX асрларда Хива хонлигида таржимонлик илмига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ўша даврда хонлик қилган хонлар саройида тарих ва адабиётшунос олимлардан иборат махсус таржимонлик мактаби шаклланади. Шунини таъкидлаш лозимки, XVIII асрнинг охирларига келиб Хива хонлигида маърифат бир мунча ривожланди. Ўқимишли ва маърифатли кишилар анча кўпайди. Шу муносабат билан араб, форс, тожик ва усмонли турк тилида ёзилган тарихий, бадий ва дидактик асарларни хоразмий тилига таржима қилиш жадаллашди.

Шунини таъкидлаш зарурки, ўша давр тарихига назар ташлаганимизда, Ўрта Осиёнинг бирор бир ўлкасида таржимонлик санъати Хива хонлигидаги каби ривож топмаганлигининг англаймиз. Таржимонликнинг хоразмлик моҳир усталари Диловар Хўжа, Худойберди ибн Кўшмухаммад Хивақий, Табибий, Мунис, Огахий, Баёний, Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзабоши (Мирзо) ва бошқалар хорижий тиллардаги кўпгина адабиётларни хоразмий тилига таржима қилиб, Хоразмийларнинг билим- савияларини оширишларида самарали хизмат қилган.

XVIII аср охири XIX асрда Хива хонлигида маънавий кадриятларга, китоб тайёрлаш, уни безаш, хаттотлик санъатига қизиқиш анча кучли бўлган. Зеро, диний, илмий ва бадий асарларни тўплаш, кўчириш, уларни китоб ҳолига келтириш махсус кутубхоналарда жамлаш одат тусига кирган. Аҳолига китоб сотиш иши йўлга қўйилган. Хива, Янги Урганч ва Ҳазорасп шаҳарларида махсус китоб бозорлари ишлаб турган. Хоразмий, туркий, араб, форс-тожик тилларида битилган қўлёзмалар кўчирилиб, китоб бозорларида тарқатила бошланди. Китобга қизиқиш, уни тарқатиш ва кутубхоналарга жамлаш, маънавий-маърифий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Ўша даврда Хивада хаттотлик санъатининг истеъдодли намоёндалари етишиб чиқади. Хива мадрасаларида ёшларга хаттотлик ва хуснихат санъатидан таълим берилган. Шермуҳаммад Мунис, Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзо, Муҳаммад Юсуф Баёний, Юсуф Рожий, Бобожон Сапоий, Муҳаммад Папох

Хоразмий, Худойберган Мухрон, Ота-бола Муҳаммад Ёқуб ва Муҳаммад Юсуф Девон, Аҳмаджон Табибий, Бобожон Таррох Ходим, Абдулла Болта ўгли ва бошқалар Хива хаттотлик мактабининг вакиллари бўлганлар. Манбаларнинг гувоҳлик беришларича, XIX асрда Хива хонлигида 90 га яқин истеъдодли хаттотлар фаолият кўрсатган. Хаттотлик санъатининг устаси бўлган Шермуҳаммад Мунис 1804 йилда хаттотлик санъатига бағишлаб ўзининг “Саводи таълим” қўлланмасини тайёрлаган. Рус шарқшунос олимларидан А. Н. Кун ва А. Н. Самойловичнинг гувоҳлик беришларича, Хива хонлари орасида илм-маърифатга ихлосманд ҳукмдорлар кўп бўлган. Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) ва айниқса Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз 1864-1910) саройида нодир қўлёзмалар кутубхонаси бўлган. Қўлёзма китоблар махсус жавон ва темир сандиқларда сақланган. Хусусан, Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг 2 та кутубхонаси бўлиб, шулардан бири Кўҳна Арк саройида, иккинчиси ёзги Тозабог Арк кутубхонасида 550 дан ортиқ қўлёзма китоблар бўлиб, улар тарих, адабиёт, тиббиёт ва бошқа фанларга алоқадор бўлган. Хоннинг кўзга кўринган аъёнлари Ислохўжа, Комил Хоразмий, Огаҳий, Баёний, Расул Мирзо кабиларнинг уйларида шахсий кутубхоналари бўлган.

1874 йилда Хива хони Ферузнинг фармонида кўра, Эрон тошбосмасининг сотиб олиниши ва унинг Хива шаҳрида ўрнатилиши хонликда китоботчиликда янги даврга йўл очди. Мазкур тошбосмада 1876 йилда Ўрта Осиёлик қомусий олим Абу Наср Фаробийнинг “Нисобус-сибиён” (“Болалар насибаси”), Алишер Навоийнинг “Хамса” достонидан “Ҳайрат ул Лброр”, “Чор девон” каби асарлари чиройли безаклар билан нашрдан чиқарилган. Кейинчалик Огаҳий, Баёний, Комил Хоразмий, Мирзо, Пир Комил, Табибий, Комил Девоний, Ғуломий, Султоний каби Хива шоирларининг девонлари, тўплам ва баёзлари нашр қилинади.

1909-1910 йилларда Ферузнинг фармони билан, Хива адабий муҳитининг машҳур вакилларида 32 нафар шоирнинг ижодини ўзида мужассам этган “Мажмуат уш-шуаро” (“Шоирлар мажмуаси”) ҳамда “Девони хатти шуаро” (“Етти шоир”) тўпламлари нашр этилди. Хуллас, қисқа муддат ичида Хива

тошбосмасида 30 дан ортиқ муаллифларнинг асарлари нашр қилиниб, тарқатилди. Шунингдек, Хива тошбосмасида тарих, фалсафа, фикр илми, математика ва бошқа илмларга доир таржима асарлар ҳам кўп нусхада чоп этилиб тарқатилган. Буларнинг барчаси Хива хонлигида маданий-маърифий ҳаётнинг ривож топишида муҳим рол ўйнади. Феруз 1898 йил 12 апрелда хонлик ҳудудида сақланиб қолган қадимий маданий ёдгорликларни тўплаш ҳақида алоҳида фармон чиқарди. Ушбу фармонда: “Қадимдан қолган ёдгор нимарсаларни йўқ қилдурмасинлар, ҳар бир тариха кўҳна жой ва иморатлар бўлса, не тариха бино бўлганларини ва кўҳна тилло ва танга ва пуллар бўлса борлаб топиб мунда юборсунлар”, деб кўрсатилади. Ана ўша фармон Ферузнинг маданиятимиз тарихига, миллий кадриятимизга нақадар эътибор ва маъсулият билан қараганлигидан гувоҳлик беради. Тўпланган тарихий ва бадиий асарлар ва амалий санъат ёдгорликларидан бир қисми 1890 йилда Тошкентда, 1895 йилда Нижний Новгородда 1900 йилда хорижда ва ниҳоят 1904 йилда АҚШ нинг Олон шаҳрида ташкил этилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилади. Ул нодир ва ноёб санъат асарлари Хоразмнинг бетакрор маданиятига жаҳонда жуда катта қизиқиш уйғотди.

Шуни таъкидлаш лозимки, XIX аср ва XX аср бошлари Хива хонлиги тарихида мусиқа санъатининг мақомчилик, бастакорлик, ижрочилик, раққосалик, масҳарабозлик, дostonчилик, халфачилик, дарвоз ўйини ва бошқа соҳаларининг юксак даражада ривож топганлиги билан ажралиб туради. Хоразмда мусиқа санъатининг ана шу соҳалари бўйича ажойиб сиймолар етишиб чиқади.

Хоразмнинг мусиқа санъати узоқ ўтмишга бориб тақалади. Хоразмнинг Тупроққалъа, Кўйқирқилган қалъа ва бошқа антик давр ёдгорликларидан топилган археологик ашёлар, Тупроққалъа деворидаги раққоса аёл тасвири туширилган рангдор суратлар, ўйинчи аёл ва масҳарабозларнинг сопол ҳайкалчалари шундан гувоҳлик беради. Хоразмнинг қадимий сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақидаги қимматли маълумотлар антик юнон тарихчиларидан Геродот (“Тарих”), Стробон (“География”), Арриан ва Квинт Курций Руф (“Македониялик Искандар юришлари ҳақида”), Плутарх ва бошқаларнинг асарларида қадимий ўйин-томошалари ва мусиқа санъати ҳақида маълумотлар бор. Мусиқа санъатида

ханузгача ишлатилиб келинаётган арфа, дотор, танбур, дўмбира, буломон, сурнай, қайроқ ҳам энг қадимий мусиқа асбобларидандир. Олимларнинг таъкидлашича, “Авесто”нинг муқаддас оятлари - Гохтларда мумтоз мақомимиздаги “Якгоҳ”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Чоргоҳ”, “Панжгоҳ” каби мақом нағмаларининг акс этганлигини кўрамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, мумтоз мусиқа санъатимизнинг стакчи йўналишларидан бўлган мақом нағмаларида халқимизнинг узок ўтмишдаги дард-аламлари, севги-муҳаббатлари, шодлик-қайгулари ва орзу-умидлари ифода этилади. Ҳақиқатан ҳам, хоразмликлар ёшлигидан табиатан мусиқа санъатига жуда ихлосманд бўлганлар. Уларнинг тўй-ҳашамлари, базму суҳбатлари ва байрамларини аввал ҳам, ҳозир ҳам мусиқа, ашула-ўйин ва масхарабозларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ҳақда Темурийлар даври тарихчиси Ибн Арабшоҳ (1389-1450) куйидагиларни ёзиб қолдирган: “Улар (хоразмликлар-А.С.- деб ёзади) ул - мушоира ва адабиётга иноят кўйганлар. Хусусан, мусиқа ва нағмалар илмида ажиб ашёлар яратганлар. Бу борада уларда ҳар бир хосу авом иштирок этади”.<sup>1</sup>

Буюк қомусий алломаларимиздан Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва Алишер Навоийлар ўз асарларида мусиқанинг шифобахш фазилатларини алоҳида қайд қилганлар. Ўтмиш тарихимизда Ўрта Осиёда ва шунингдек, Хоразмда ҳам машҳур алломалар томошадан мусиқа санъати ва мақомчилик ижросига бағишлаб кўплаб илмий-назарий рисолалар битилганки, улар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Илк ўрта асрлар даврида яшаган Муҳаммад ал Хоразмий (783-850) нинг “Тарих” китоби, “Мусиқа” рисоласи, Абу Райҳон Беруний (973-1048) нинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Хоразмий (ваф. 997) нинг “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмлар қалити”), Фахриддин Розий (1149-1209) нинг “Илм ул мусиқий” (“Мусиқа илми”) асарларида Хоразмнинг мусиқа ва ижрочилик санъати ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг юкоридаги қомусий асарида бошқа илмлар қаторида мусиқа санъатининг умумназарий масалалари, жанр ва

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. “Амир Темур тарихи” 1- китоб. Тошкент 1982 й., 87-88 бетлар.

ижрочилик услублари ҳақида муҳим аҳамиятга эга фикрлар айтилган. Шулардан Шаркнинг машҳур хонандаси Барбод Марвозий, Саркаш, Озодворга ўхшаган забардаст хонандалар ҳақида келтирилган маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга. XII аср охири ва XIII аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган диншунос олим ва файласуф шоир Фахриддин ар-Розий (1148-1210) ҳам ўзининг “Жамиул улум” номи қомусий асарининг маҳсус бўлимини мусиқа илмига бағишлаган эди. Бу асарда мусиқа овозларининг тузилиши, тебраниши, турли мусиқа асбоблари, уларда ижро этилган куйнинг хусусиятлари, ритм, куйлар мутаносиблиги, мусиқани инсонларнинг ҳис-туйғуларига таъсири ҳақида қимматли маълумотлар берилган. XIII аср охири ва XIV аср бошларида ижод этган шоир Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, ундан бир аср кейин яшаган Ҳайдар Хоразмийнинг “Гулшон ул-асрор” номи асарида Хоразм мақом туркумларига кирувчи “Хусайний”, “Ирок”, “Исфакон” мақомлари, чолғу асбоблари, ижро услублари ҳақида хабар берилган.

Таъкидлаш жоизки, мақомлар мумтоз мусиқа санъатимизнинг ҳамиша етакчи жанри бўлган. Мумтоз куйлар Форобий ва Урмовийлар давридаёқ 12 та мақомга жамланганлиги маълум. Уларнинг таркибига кирган асарларнинг номлари ўша даврда яшаган алломаларнинг ижодларида ўз аксини топган. Буюк Хоразмшоҳ Ануштегинлар, Соҳибқирон Амир Темур, Улугбек ва Бобур Мирзолар, шунингдек, Қўнғиротлар сулоасидан бўлган маърифатли ҳукмдорлар даврида олиму фузалоларга, шоиру бастакорларга жуда ихлос билан қаралган, уларга ҳомийлик кўрсатилган. XIX аср бошларига келиб Хоразмда маданиятимизнинг бошқа соҳалари қатори мусиқа санъати ҳам ўз қаддини ростлай бошлайди. Ўша даврда саройга шоир ва адиларнинг кўплаб йиғилиши мумтоз мусиқа санъатининг ҳам ривож топишига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) ва унинг ворислари бўлган Оллоқулихон (1825-1842й) ҳамда Саид Муҳаммадхон (1855-1864) замонида, уларнинг саъй-ҳаракатлари, илм-маърифатга, мусиқа санъатига алоҳида эътибор билан қаралганлиги боис юз берганлигини кўрамиз. Айни вақтда санъаткорлар дутор, рубоб, гижжак каби мусиқа асбобларида

куйлар чалишда алоҳида маҳоратга эга бўлганлар. Ўша даврда Хивада қадимий 12 мақом нағмаларининг моҳир билимдонларидан Ниёзжон Хўжа, Худойберган устод ҳамда уларнинг истеъдодли шогирдлари Мақсумжон қози, уста Муҳаммаджон сандиқчи кабилар фаолият кўрсатиб, Хоразм мусиқа маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар ва эл ҳурматига сазовор бўлдилар. Хоразмнинг машхур мақомшунос олими, “Танбурчиларнинг биринчи муаллими ва ягона устози” деган муборак номга ўз замонасидаёқ мушарраф бўлган Ниёзжон Хўжа хон топшириғи билан Бухорои шарифга ташриф буюради. У ерда бир неча ой яшаб, машхур созандадардан Бухоро шошмақоми усулларини ҳам мукаммал ўрганиб қайтади. Шу билан у нафақат Хоразм, шунингдек, Бухоро мақомларининг ҳам стук билимдони сифатида машхур бўлди. Ниёзжон Хўжа бу санъат сирларини халқ орасида тарғибот-ташвиқот қилишда ва шогирдлар тайёрлашда алоҳида хизмат кўрсатган. Унинг шогирдларидан Мақсумжон қози қозилик вазифасидан ташқари, Хива мадрасаларида араб, форс тилларидан, фикҳ илми ва мусиқа санъатидан дарс бериб, кўплаб истеъдодли шогирдлар тайёрлаган. Ўша пайтларда Хоразм мақом усталарининг шуҳрати хатто Бухоро ва Қўқон хонликларига, Эрон ва Афғонистонларгача етиб борган эди. Қўқон хони Муҳаммад Умархон (1810-1822) ва Муҳаммад Алихон (1822-1842)лар сарой созандаларига Хоразм мақом нағмаларини ўргатиш мақсадида Хивадан Худойберган устод, Солиҳбек ва Мўминбекларни Қўқонга таклиф этадилар. Улар ўзларининг камтарин хизматлари билан Хоразмнинг мусиқа санъатини Фарғона водийси бўйлаб кенг тарқалишига улкан ҳисса қўшдилар.

Хоразмда адабий ҳаракат ва мусиқани юксалтиришда Сайид Муҳаммад Раҳимхон Соний-Феруз (1864-1910) нинг хизматлари ҳам беқиёсдир. Феруз бошқа соҳаларда бўлганидек, Хоразмнинг мусиқа санъатини қайта тиклаш ва юксалтириш борасида ҳам ҳайрли ишларни амалга оширди. У Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларидан 40 га яқин олиму фозилларни, моҳир созанда ва бастакорларни саройга тўнлади, улардан 16 нафари машхур созандаларни ажратиб, саройда махсус мақомчилар мактабини яратди. Ўша даврда яшаган шоир Ҳасанмурод Лаффасийнинг

гувоҳлик беришича, Феруз саройида Комил Хоразмий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Муҳаммад Расул Мирзо, Муҳаммад Ёқуб Харрот, Муҳаммад Ёқуб позочи, Қаландар Дўнмас, Ёқуб дорчи, Аваз дорчи, Абдужаббор маҳрам, Абдулла мажанак, Худойберган маҳдум, Мутриб Хонаихаробий, Отажон усулчи, Абдусаттор маҳрам, Полли Тузчи, Куржи бола, Бобожон буломончи каби машхур созанда ва бастакорлар ижод қилганлар. Улар халқимиз орасида унутилиб кетаёзган Хоразмнинг мумтоз мақом нағмаларини гавҳар донасидек авайлаб тўплаб, ўзлари яратган куй ва нағмалар билан бойитдилар, уларни келгуси авлодларга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Ушбу созандалар Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳий, Феруз, Комил Хоразмий каби шоирларнинг ғазалларини ўта маҳорат билан ижро этганлар. Феруз бир сўзли, қаттиқ қўл бўлиши билан бирга, илм ва санъат аҳлига ўта талабчан, шу билан бирга, меҳрибон, олийҳиммат ҳукмдорлардан эди. Шеърятда алоҳида эътиборга сазовор бўлган Феруз мусиқа санъатида ҳам улкан истеъдод эгаси эди. Комил Хоразмий, Огаҳий, Расул Мирзо ва Баёнийлар Ферузга нафақат шеърятда, мақом сирларини ўрганишда ва ижрочилик санъатида ҳам устозлик қилишган. Феруз Хоразмнинг мумтоз куйларини яхши билиши билан унинг созандалар томонидан меъёрида, тўлиқ ва мукамал ижро этилишига ҳам алоҳида талабчанлик билан қараган. Унинг бу ҳақда 1882 йилда (1292 ҳижрий) эълон қилган куйидаги фармони шундан гувоҳлик беради:

“Биз ким Хоразм мамлакатининг Олий ҳоқони Муҳаммад Раҳимхон Соний куйидаги Фармоний - Олийга имзо чекдук. Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу Фармони олийга шак келтирган ва мақомларни камситган ёнгики уни бузиб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин”<sup>1</sup>. Маърифатпарвар хон Ферузнинг ҳомийлигида юкорида номлари зикр этилган созандалар оғиздан-оғизга ўтиб, анча чалкашиб қолган ва ҳатто, кўплари унутилаёзган Хоразмнинг қадимий 12 мақомини жамлаб олти ярим мақом ҳолатида қайтадан тиклашга

<sup>1</sup> Комил Аваз. “Олис оҳанглар” Т., 1997 й, 25- бет.

ва уларни ўзлари яратган янги куй ва нағмалар билан бойитишга муваффақ бўлдилар.

Хоразмнинг машхур созандаси Ниёзжон Хўжа шашмақомнинг Бузрук мақомига соқил олдида бир куй басталаган, бу ёқимли куй мусиқа тарихида “Сайқали Ниёзхўжа” номи билан машхур бўлди. Шашмақомни юксак поғонага кўтаришда Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг ҳам муносиб хизмати бор. Феруз Мунис ва Отаҳий ғазалларига кўплаб янги куйлар басталади. Айниқса, унинг “Наво”, “Сегоҳ”, “Дугоҳ” нағмаларига бағишлаб яратган куйлари ўзининг чуқур мазмуни, ёқимли ва ўйшоқи жозибаси билан, кишини мафтун этади. Феруз ўз ижоди билан шашмақомнинг “Рост” мақоми чолғу қисмини “Муҳаммад Жадиди Феруз” ва “Мусаддаси Жадиди Феруз” куйлари билан сайқал топтирди. Бундан ташқари, мақомчилик санъатимизни ўзи ихтиро қилган 13 та янги куй ва қўшиқлар билан бойитди. Шунингдек, Феруз Хоразмнинг мақом куйларини ноталаштиришнинг ҳам ташаббускорларидан эди. Хоразмнинг машхур давлат арбоби, шоири ва бастакори, мақом нағмаларининг уста билимдони Комил Хоразмий ва унинг истеъдодли ўғли Муҳаммад Расул Мирзонинг ҳам Хоразм мусиқа маданияти тарихида муносиб хизматлари бор. Паҳлавон Ниёз, Комил Хоразмий ва Лаффасийнинг гувоҳлик беришига қараганда, шеърят ва мусиқа маданиятида ҳам ноёб қобилият эгаси бўлган. У устози Худойберган эгикчидан мақом куйлари ва ижрочилик маҳоратини пухта ўрганиб, танбур, ғижжақда мақом нағмаларини шундай моҳирона ижро этганки, унинг фавкулотда истеъдодига Ферузнинг ўзи ҳам қойил қолган. Комил Хоразмий шашмақомнинг “Рост” мақомига “Мураббаи Комил” ва “Пешравий Феруз” куйларини басталади. Унинг муҳим фазилатларидан яна бири Хоразм мусиқа санъатида ёркин из қолдирган Муҳаммад Расул Мирзо боши, Яқуб дорчи, Усмонжон каби ўнлаб машхур мусикашуносларни тарбиялаб беришидадир. Комил Хоразмийнинг сеvimли ўғли Муҳаммад Расул Мирзо ҳам мусиқа санъатимиз тарихида муносиб ўринни эгаллайди. Расул Мирзо шашмақомнинг “Рост” мақомини ўзи басталаган “Субҳ” ва “Уфори” куйлари билан янада мунаввар этган. Ўз даврининг



ноёб истеъдод эгаси бўлган Мирзо 1922 йилда 83 ёшида вафот этган.

Хоразм шашмақомини юксалтиришда Худойберган Муҳрконнинг ҳам ҳиссаси беқиёсдир. У Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Асфандиёрхон ва Саид Абдуллахон замонида саройда котиблик ва муҳрдорлик хизматини бажарган, хаттотлик ва ўймакорликда Хоразмдагина эмас, балки бутун Туркистон диёрида ҳам шуҳрат қозонган. Худойберган Муҳркон бастакорликда ҳам эл эътиборига тушган созандалардан эди. У Хоразм мусиқа санъатини ўзи яратган “Соқили муҳркон” куйи билан бойитди. Худойберган Муҳркон Хивада 1920 йилда 98 ёшида вафот этади.

Муҳаммад Юсуф Баёний Хоразмнинг таниқли тарихнавис олими, шоири ва хушхат хаттоти бўлиши билан, мусиқа санъатида ҳам етук билимдонлардан бўлган. Унинг отаси Бобобек ибн Оллаберди тўра хон саройининг фозил кишиларидан эди. Баёний тил, адабиёт, тарих, ҳикмат ва тиб илмлари, шунингдек, мусиқа соҳасида серқирра олим сифатида шуҳрат топган ва айни вақтда Хоразмнинг барча мусиқа асбобларини - дутор, танбур ва ғижжакни жуда меъёрига етказиб моҳирлик билан чала билган. Баёний жуда меҳмоннавоз бўлганидан унинг уйида машҳур созандаларнинг созу суҳбатлари тез-тез уюштириб турилган.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз Хоразмнинг мумтоз санъати дурдонаси бўлган мақом нағмаларини абадиятга муҳрлаб, келгуси авлодга мерос қолдириш, шашмақом ихлосмандлари ва ижрочиларини кўпайтириш, мақом сирларини ўрганиш ҳамда ижро этишни мукамаллаштириш мақсадида уларни жамлаб “Танбур чизиғи”ни нотага туширишни лозим топади. Хон бу маъсул вазифани машҳур шоир, таржимон, мақом куйларининг устаси, созандалар пешқадами Комил Хоразмийга топширади. Бу бежиз эмас эди, албатта. Аввало Комил Хоразмий Хоразм мақомларининг зукко билимдони бўлиши билан бирга, у Петербург, Москва ва Тошкент шаҳарларида бўлиб куй ва нағмаларни ноталаштириш илмидан анча бохабар эди. Ўзбек мусиқашунос олимларининг таъкидлашича, Комил Хоразмий қадимий Шарқ ноталаридан ҳам муайян даражада хабардор

бўлган. Хоразмлик мусиқашунос олим О. Матёкубовнинг таъкидлашича, куй ва нагмаларни ноталаштиришнинг маълум бир тури Ўрта Осиёда Х асраёқ маълум бўлган. XIII асрада яшаган Ўрта Осиёлик машхур мусиқашунос олим Сайфуддин ал-Урмовий уд асбобига мўлжалланган ҳарф ва рақамлар воситасида мусиқани ноталаштириш усулини ихтиро қилган. Комил Хоразмий томонидан яратилган Танбур чизиги нотасида ал-Урмовий яратган нотанинг айрим унсурлари учрайди. Комил Хоразмийнинг “Танбур чизиги” нотаси пардаларга мос равишда 18 та горизонтал чизиклардан иборат бўлиб, у ёзув ўнгдан чапга қараб ўқилган, куйлар номи, кўшиқ матнлари, куй усуллари ва изоҳлари араб ёзувида берилган.<sup>1</sup>

Комил Хоразмий даставвал Хоразм “Рост” мақомини бошланғич қисмини нотага тушириб, Ферузга тақдим этади. Бироқ, у оғир касалга чалинганлиги сабабли, бу хайрли ишни давом этдира олмайди. Шундан сўнг Феруз ушбу вазифани ниҳоясига етказишни Комил Хоразмийнинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзога топширади. Расул Мирзо бу вазифани ўта маъсул ва зарур эканлигини тушуниб, отаси бошлаб берган мазкур мақомнинг қолган қисмларини нотага тушириш устида иш олиб боради. Муҳаммад Расул Мирзо барча Хоразм мақомларининг чертим ва айтим йўллари орти ярим мақом ҳолатига келтиради. У яна ярим мақом ҳисобланган “Панжгоҳ” мақомига ўзи ва бошқа созандаларнинг яратган бир қанча янги куйларини кўшиб, уни бир мақом ҳолатига келтиради. Булар куйидаги тартибда номланади: 1-Мақоми Рост; 2-Мақоми Навос; 3-Мақоми Сегоҳ; 4-Мақоми Дугоҳ; 5 Мақоми-Бузрук; 6-Мақоми Ирок; 7-Мақоми Панжгоҳлардир. Мана шу мақомларни мусиқий ва шеърый матнлари билан ёзиб, тўлалигича “Танбур чизиги” га ўтказди. Ҳар бир мақом ўз навбатида 20 дан ортиқ шўъбаларни-қисмларни ўз ичига олади. Мақомларнинг ҳар бири ўз навбатидаги чолғу ва ашула бўлимларидан ташкил топади. Мақомларда мумтоз шоирларнинг орзу вазнида ёзилган чуқур фалсафий маъноли ғазаллардан фойдаланилган. Падари бузруквори Комил Хоразмий бошлаб берган хайрли иш - “Танбур чизиги” нотасини

<sup>1</sup> Отаназар Матёкубов. “Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа асосларига кириш”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1983 й., 27-42 бетлар.

муסיкий ва шеърый матнлари билан қоғозга тушириб, Мирзо 1883 йилда (ҳижрий 1300 йилда) ниҳоясига етказди ва уни иккита китоб ҳолатига келтириб хон ихтиёрига топширади. Кейинчалик Хиванинг машхур хаттотларидан Худойберган Мухркон, мулла Исмоил ва Муҳаммад Юсуф Баёнийлар хон топшириғи билан, Расул Мирзо тайёрлаган ушбу китобдан чиройли қилиб бир неча нусха тайёрлайдилар. Шулардан Муҳаммад Юсуф Баёний томонидан 1900 йилда оққа кўчирилган “Танбур чизиги” нусхаси ҳозиргача сақланаётган энг мукамал ва аниқ нусха ҳисобланади. Шундай қилиб, Комил Хоразмий ва унинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзолар Хоразмнинг мумтоз шашмақом санъатини тўплаб, уларни синчковлик билан ўрганиб ва ривожлантириб нотага туширган биринчи муסיқашунос олимларидир. Уларнинг бу хизмати жаҳон муסיқа маданияти тарихида алоҳида ўринни эгаллайди. Хоразмнинг машхур созанда ва хонандалари кейинчалик шу нота ёзуви асосида битилган Хоразм мақомларини чуқур ўрганиб уларни моҳирлик билан ижро этиш санъатини ҳам эгаллаб олдилар. Хоразм қаҳрамонлик ва ишқ-муҳаббат дostonларининг моҳир ижрочиси бўлган дostonчи-бахшилари, халфалари билан ҳам машхур бўлган. Ўша даврда Хоразмда ном таратган дostonчи-бахшиларидан Ризо бахши (Гурлан), Суяв бахши (туркман), Эрнафас бахши (Гурлан), Аваз бахши, Нурилла бахши (Чигатой), Бола бахши (Хива), Қурбон бахши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>. Улар ўзбек, туркман, қозоқ ва қорақалпоқларнинг катта йиғинларида катнашиб, эл ҳурматига сазавор бўлганлар. Хива хонлигида, Марказий Осиёда, ҳатто, олд Осиёда ҳам энг ноёб, ўзига хос санъат саналмиш хотин-қизлар ижро этадиган халфачилик санъати ҳам ривож топади. Санъатнинг бу тури Хоразмда ҳозиргача сақланиб келяпти. Тўй-томоша, байрам ва бошқа маросимларда улар учта-учта бўлиб, кўлида соз ва доира билан Хоразм ғазаллари, халқ дostonлари, кўшиқ ва лапарларини қиёмига етказиб ижро этадилар. Халфачилик санъатида Хоним сувчи, Шуқур Оллоқулихон қизи, Анабиби халфа (Ожиза) каби санъаткорлар шухрати бутун Хоразмда машхур эди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Хоразм тарихи II жилд, 87-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда

Хуллас, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати Хоразмда маданий ҳаётни тўхтатиб қола олмади. XIX аср охири ва XX аср бошларида оғир шароитга қарамай, Хива хонлигининг маданий ҳаётида улкан бурилиш даври бўлди. Ўша даврда тарихий анъаналарга суянган ҳолда илм-фан ва маданиятимиз хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган буюк алломалар, тарихчи олимлар, маърифатпарвар шоирлар, моҳир таржимонлар, мусиқашунос ва бастакорлар етишиб чиқди.

Хоразм ва унинг маркази Хива ўзининг илм-фан, адабиёт, мусиқа санъати билангина эмас, шунингдек, бетакрор ва ўзига хос меъморчилик санъати билан ҳам дунёга машҳурдир. Хивадаги кўк-яшил кошинлар ва ўйма нақшлар билан безатилган, аниқ режа асосида пишиқ гиштдан қад кўтарган меъморий ёдгорликлар ота-боболаримизнинг буюк даҳосидан, маънавий бойлигимиз кудратидан гувоҳлик беради. Хива гўзаллигининг тимсоли бўлган ана шу осори-атикаларнинг кўпчилиги Қўнғиротлар сулосаси ҳукмронлиги даврида бунёд этилган. Ўша даврда Хива ҳақиқатан ҳам улкан қурилиш майдонига айланган эди. Қўнғиротлар ҳукмронлиги даврида Хоразмда шаҳарсозлик ва маъмурий қурилишлар соҳасида қадимий анъаналар янгича жило топади. Хиванинг моҳир қурувчилари, муҳандис ва наққошларнинг моҳир қўллари, нозик диди ва юксак маҳорати билан кўплаб саройлар, карвонсаройлар, осмонўпар миноралар, маҳобатли масжиду мадрасалар, бозор расталари ва бошқа жамоат бинолари бунёд этилдики, улар шу кунларда ҳам ўз гўзаллиги билан хорижлик сайёҳлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Ушбу меъморий ёдгорликлар орасида Хиванинг Ичон қалъа ва Дешон қалъа деворлари алоҳида ажралиб туради. 1842 йилда пахсадан қайтадан тикланган шаҳар деворлари Хоразм мудофаа истеҳкомлари қурилишининг ёрқин намунаси дир. Деворларнинг баландлиги 10 метрга яқин бўлиб, пастки асосининг қалинлиги 5-6 метрни ташкил этади. Мудофаа деворлари ҳар 30 метрдан буржлар билан мустаҳкамланган. Девордаги тор шинаклардан шаҳарни мудофаа қилишда фойдаланилган. Ичон қалъа ташқи олам билан пишиқ гиштдан ишланган тўртта дарвоза, шарқда - Паҳлавон дарвоза, шимолда-Боғча дарвоза, жанубда - Тош дарвоза ва ғарбда - Ота дарвоза

билан боғланади. Дешон қалъа атрофида 10 та дарвоза қурилган бўлиб, шулардан фақат Кўш дарвоза сақланиб қолган<sup>1</sup>. Шаҳар дарвозалари ўзига хос меъморий кўринишга эга бўлиб, уларнинг олд томонида сершовқин бозор, карвонсарой ва ҳаммом жойлашган. Ана шу шарқона услубда қурилган меъморий ёдгорликлар орасида хон саройи -Кўҳна Арк алоҳида ажралиб туради. XVII асрда бунёд этилган бу ёдгорлик Оллоқулихон томонидан қайта қурилди ва таъмирланди. Кўҳна Арк мажмуаси хон саройи, кўринишхона, ишратхона (меҳмонхона), бошқарув маҳкамалари, зарбхона ва бошқа иморатлардан иборат. Кўҳна Аркнинг шимолий қисмида Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг ҳарами жойлашган. Хон ҳарамидаги иморатлар кошин ва ўйма нақшлар билан безатилган ва улар жуда гўзал ва бетакрордир.

Тош ҳовли саройи ҳам Хиванинг энг гўзал меъморий ёдгорликларидандир. Пишиқ ғиштдан Шарқ услубида қурилган бу сарой-кўрғон 134 та хона ва 8 та катта-кичик айвонлардан иборат. У 1830-1839 йилларда Оллоқулихон топшириғи билан қуриб битказилган. Тош ҳовлида хон саройи, ишхонаси, ишратхонаси, арзхона, омборхона ва бошқа хоналардан иборат бўлган. Саройнинг хоналари ва айвон деворлари гиламсимон нақшли кошинлар билан безатилган. Сарой дарвозаси, эшиклари ва айвонларидаги устунлар турли геометрик шаклдаги ўйма нақшлар билан безатилиб, ҳар бири бетакрор санъат асари ҳисобланади. Оллоқулихон замонида бунёд этилган ажойиб меъморий ёдгорликлардан яна бири Карвонсарой ва ёпиқ бозордир. У 1830-1838 йилларда қурилган. Пишиқ ғиштдан шарқона услубда қурилган бу маҳобатли меъморий мажмуа 14 та гумбазли ёпиқ бозор, карвонсарой ва омборхоналардан иборат. Бу ерда чет эл савдогарлари келтирган моллар билан савдо қилинган<sup>2</sup>.

Фақат Муҳаммад Раҳимхон Феруз замонида Хива шаҳрида 30 дан ортиқ ажойиб меъморий қурилишлар бунёд этилдики, уларнинг ҳар бири ўзига хос санъат дурдонасидир. Хива XVII-XIX асрларда бунёд этилган бир юздан ортиқ масжидлар, етмишга яқин мадрасалар, мақбаралар ва миноралар Хоразм

<sup>1</sup> Ўша жойда

<sup>2</sup> Ўша жойда 100 бет

меъморчилик санъатининг юксак намунасидир. Шулардан Араб Муҳаммадхон (1616), Муҳаммад Амин Инок (1765), Кутлимурод Инок (1809), Шерғозихон (1719-1728), Оллокулихон (1831-1835), Муҳаммад Аминхон (1852-1855), Муҳаммад Раҳимхон (1870), Исломхўжа (1910), Асфандиёрхон ва бошқа мадрасаларни, Жума масжид (1789), Сайид бой масжиди (1842), Оқ масжид (1835), Пахлавон Маҳмуд мақбараси (1835), Кўк минор (1852-1853), Исломхўжа минораси (1908-1910) ва бошқалар шулар жумласидандир. 1911-1913 йилларда Хивада Европа услубидаги касалхона, почта-телеграф ва дорихона бинолари фойдаланишга топширилди. Муҳаммад Раҳимхон Соний топшириғи билан Хиванинг Дешон қалъасида Нуруллабой боғида ўғли Асфандиёрхонга атаб ҳашаматли сарой, боғ ва ёзги қабулхон, қозихона ва бошқа иморатлар қурилади<sup>1</sup>.

Баёний ўзининг “Шажараи Хоразмшоҳий” асарида Муҳаммад Раҳимхон Феруз замонида қурилган маҳобатли масжид ва мадрасалар ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Маълум бўлсинким, хон ҳазратлари бағоят мушфиқи фуқаро ва бағоят хайрдўст киши эрдилар, кўп мадрасалар ва масжидлар бино қилдилар, кўп мадрасаларнинг биноларига сабаб бўлдилар. Андоғким, Муҳаммад Мурод девонбеги бир мадраса бино қилди, Юсуф Маҳрамга буюриб бир мадраса бино қилдилар ва Қадам Ясовулбоши бир мадраса бино қилди. Иброҳим хўжа бир мадраса бино қилди ва Юсуф Ясовулбоши бир мадраса бино қилди. Хусайн Муҳаммадбой бир мадраса бино қилди ва Дўст Аъзам бир мадраса бино қилди. Қози ул Кузат қози Муҳаммад Салим бир мадраса бино қилди ва Исломхўжа бир минорали мадраса бино қилди. Бу биноларнинг ҳаммаси ул ҳазратнинг тарғиблари бирла бўлди. Кўп масжидлар, мадрасалар ва қорихоналар бино бўлиб, кўп ерлар обод бўлди”.<sup>2</sup>

Юқоридаги меъморий қурилишларда европача услуб билан маҳаллий меъморчилик санъатини қанчалик уйғунлашиб кетганлигини аниқ кўриш мумкин. Хивадаги осмонўпар миноралар ҳам меъморий санъатнинг ажойиб дурдоналари ҳисобланади. Оқ, кўк, яшил кошинлар, бўртма ва ўйма нақшлар

<sup>1</sup> Ўша жойда 102 бет

<sup>2</sup> Баёний. “Шажараи Хоразмшоҳий”. Тошкент “Камалак”. 1992 й. 252-бет.

билан безатилган Полвон қори, Сайид Шоликарбой, Шайх Қаландар бобо, Кўк (Қалта) минор ва Исломхўжа миноралари Хивага бетакрор гўзаллик бахш эткан ёдгорликлардандир.

Қалта минор ва Ислом хўжа минораси ўзининг салобати, қурилиш услуби ва чиройлилиги билан Марказий Осиёда ягона бўлиб, улар Хива шаҳрига ўзига хос фойз бағишлайди. Бу миноралар эндиликда Хиванинг рамзига айланиб қолган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Хоразм меъморчилиқ санъатида ишлатилган безаклар оқ, қора, кўк, хаворанг парчин ва кошинлар билан мужассамлашиб, уларнинг бадиий услуби ўзининг алоҳидалиги билан ажралиб туради. Бундай бетакрор безаклар Хоразм меъморлари ва наққошларнинг юксак маҳоратидан дарак беради.

Хивадаги ажойиб меъморий обидаларни бунёд этишда мохир уста ва наққошлардан Нурмухаммад уста, уста Тожи, уста ва наққош Абдуллажон, уста Муҳаммад, уста Қаландар, уста Ибодулло, уста Худойберган Хўжа, уста Нурмат, уста Рўзмат Машарип ўғли, уста ва наққош Абдулла Болта ўғли каби ўнлаб, юзлаб қўли гул бунёдкорлар иштирок этишган. Шундай қилиб, Хоразм ва унинг пойтахти Хива шаҳри асрий ва бетакрор меъморий ёдгорликлар, минг йиллик илм-фан, маданият ва илғор анъаналар диёридир. Хивадаги бетакрор тарихий ва меъморий ёдгорликлар ўзининг мукамаллиги, етуқлиги ва бениҳоят гўзаллиги билан кишини мафтун этади. Улар Хоразм илм-фани, маданияти ва меъморчилиқ санъатининг ажойиб дурдонаси, аждоқларимиз меҳнатининг юксак самарасидир. Улар Хоразм усталари, наққошлари, муҳандисларининг чуқур билимга, бой тажрибага, юксак маҳорат ва ақл-заковатга эга бўлганлигидан гувоҳлик беради. Уларнинг қалб қўри, ҳалол меҳнати, ақл-заковати билан бунёд этилган юқоридаги санъат дурдоналари кўхна Хоразмни жаҳонга кўз-кўз қилмоқда ва шу муқаддас масканда камол топган олиму фозиллар, меъмору наққошлар ўзларининг комусий билими, бетакрор асарлари билан жаҳон маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшганигини яна бир бор тасдиқлайди.

Хива шаҳар ва қишлоқларида мавжуд бўлган фуқаролик қурилишлари ҳам ўзига хос равишда бунёд этилган. Турар жой бинолари қурилишида Хоразмнинг табиий-иқлим шароити тўла ҳисобга олинган. Қурилишда эса маҳаллий хом ашёлардан самарали

фойдаланилган. Қишлоқ ҳовлиларидаги ўзига хослик шундаки, уларнинг деярлик барчаси пишиқ лойдан тўртбурчак шаклида барпо этилган. Ташқи кўринишда улар хайбатли кўрғонни эслатади. Кунгирали баланд пахса деворлар билан ўралган ҳовлилар айна вақтда мудофаа истехкоми вазифасини ҳам бажарган. Ҳовлиларнинг бурчаклари ҳамда дарвозанинг ён томонидаги кунгиралар (миноралар) ўйма нақшлар билан безатилиб, иморатларга ўзига хос кўркемлик бахш этади. Қишлоқ ҳовлилари жойлашган ер майдони 300-400 кв.метрдан зиёд бўлган. Уларнинг таркибида турар жойлар ва хўжалик хоналари мавжуд бўлиб, ҳовлининг охири мевазор боққа бориб кўшилган. Хоразмнинг ҳовли жойлари икки бўлакка ажралган. Бидинги томонида дарвоза яқинида эркаклар яшайдиган хоналар, ҳовлининг тўрида эса аёллар яшайдиган хоналар бўлган. Эркаклар яшайдиган қисми дашон ҳовли, хотинлар турадиган ҳовли ичон ҳовли деб юритилган. Ҳовлининг ҳар бир бўлаги ўз навбатида қишқи уйга ва ёни айвонга ажратилган. Ҳар бир ҳовлида ёзда яшайдиган иккита айвон бўлиб, улар улш (кафта) айвон ва киччи (кичик) айвон номи билан аталган. Бадавлат хонадонларда алоҳида меҳмонхоналар бўлган. Дарвозадан ҳовлига кираверишда долон деб аталган махсус йўлак бўлиб, унинг охирида хўжаликнинг молхона, отхона, жувохона, хорозхона ва омборхоналари жойлашган. Ҳовлиларнинг деярлик барчасида хонадон эгаларининг ёзда дам оладиган, ҳордиқ чиқарадиган махсус айвонлари бўлган. Улар баланд, кенг ва равон хоналардан иборат бўлиб икки бўлакка ажратилган. Шулардан бири жува баланд бўлиб (олти пахсагача) шимолга қаратилган ва унинг боққа қараган қисми очик бўлган. Иккинчиси эса унга карама-қарши томонида пасти айвон деб аталиб у жангубга қаратилган. Айвонлар қурилишидаги бу услуб иссиқ иқлим шароитига мослаштирилган; ҳовлининг майишлиги, салқинлигини сақлашга хизмат қилган. Шаҳар ва қишлоқ ҳовлиларидаги устунлар, эшик ва дарвозалар ўйма нақшлар билан чиройли безатилган.

XIX аср ва XX аср бошларида Хива хонлигида халқ амалий санъати, бидиний хунармандчилик, айниқса қулолчилик, ганч, ёғоч, мис ва мармар ўймакорлиги, дурадгорчилик, мисгарлик ва заргарлик санъати каби аълонавий хунармандчилик турлари ҳам юксак даражада тараққий этганини кўрамиз. Қулолчилик айниқса Хива, Хазорасп, Бобот ва Хонқа қишлоқларида ривож топган. Рўзгор ва хўжалик



эхтиёжи учун лойдан хумбузда махсус пиширилган ва турли ранг-баранг бўёқлар билан чиройли безатилган идиш, тавок, лаган ва бошқа идишлар ўзининг гўзаллиги ва пишиқлиги билан алоҳида ажралиб туради. Меъморий ёдгорликларнинг эшик, дарвоза устунлари, мрамар таянчлари ва панжаларини безашда Хива наққошлик санъатига хос бадий безаклардан - шохпоя, барг, гул ва гулгунчаларга ўхшаш айланма ислимий нақшлардан кенг фойдаланилган.

Хоразм ўша даврда яна ўзининг ёғоч, ганч, мрамар ва мис ўймакорлик санъати билан ҳам машҳур бўлган. Хивада меъморий қурилишларнинг жадаллашуви туфайли ўймакорлик санъатига ҳам эҳтиёж кучаяди. Хива ёдгорликларидаги кўш равокли эшиклар, дарвоза, устун ва мис панжаларидаги ҳамда мрамардан ишланган курсилардаги ўйма нақшлар ўзининг ниҳоятда гўзаллиги ва нозиклиги билан алоҳида ажралиб туради. Хоразмда наққошлик ва ўймакорлик санъатининг шундай машҳур усталар етишиб чиққанки, уларнинг табаррук номлари ҳозиргача ҳурмат билан тилган олинади. XIX аср ва XX аср бошларида фаолият кўрсатган кўплаган моҳир усталардан; - ўймакор уста Муҳаммад Паноҳ, Худойберган Муҳран, Собиржон Худойбеган ўғли, Каримберган Раҳмонберган ўғли, муҳран Комил Девоний, уста Абдулла ибн Мулла Сайфулла Хивақийларнинг номларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Уларнинг сабъ-ҳаракатлари туфайли Хивадаги кўпгина тарихий обидалар, ўйма нақшлар сайқал топган.

Ўша даврларда Хоразмда мисгарлик ва заргарлик санъати ҳам алоҳида ривож топади. Хивада мисгар ва заргарларнинг ўзига хос уюшмалари шаклланган. Мис ва кумушдан турли рўзгор буюмлари - лаганлар, тунг (сув идиши), кумғон, чойнак, тунча ва бошқа идишлар тайёрланган.

Хива хонлигида мисгарлик санъати каби заргарлик ҳам юқори даражада тараққий этган. Тилло ва кумушдан рангдор, қимматбаҳо тошлар қадалган безак буюмлар ясаш бу даврга келиб ҳар қачонгидан ҳам ривож топади. Айниқса, хотин-қизларнинг тилло ва кумушдан нозик дид билан моҳирона ишланган тақинчоқлари - узук, билак узук, қулоқ сирға, сочга, манглайга ва кўкракка тақаладиган тақинчоқлари, тумор ва тузувлари Хива заргарлик санъатининг юксак намунасидир. Отнинг эгар ва жабдуқлари, пичоқ, қилич дасталари ҳамда филофларига тилло ва кумушдан ишланган махсус қоғламалар ва ўйма

нақшлар Хива заргарлари маҳоратини яна бир бор намоён этиди. Хушармандлардан Юсуф заргар, Жонибек уста, уста Ҳамид, Матёқуб усталар ўша даврнинг ном чиқарган уста санъаткорлардир. Улар томонидан ишланган заргарлик буюмлари Ўрта Осиё, Эрон, Арабистон, Россия бозорларида ҳам харидоргир бўлган.

Ўша даврда хонликда халқ амалий санъатининг тўқимачилик касби, хусусан пахта, ипак ва юнгдан тўқилган рангдор матолар, зардўсд чопонлар ва пўстинлар турли рангдаги нақшлар билан жиловланган. Хива гиламлари Хоразмдагина эмас, ҳатто, чет элларда ҳам жуда машҳур бўлган. Шундай қилиб, XIX аср ва XX аср бошларида Хоразмда қурилиш, меъморчилик ҳамда халқ амалий санъатининг юксак даражада тараққий этганлиги билан характерланади. Ўша даврда Хивада ижод қилган моҳир усталар, муҳандислар, наққошлар ва ўймакорлар, мисгару заргарлар фидойи меҳнати билан яратилган ажойиб санъат асарлари ўзларининг бениҳоя гўзаллиги ва мустаҳкамлиги билан ҳамон ҳам кишилар эътиборини ўзига жалб этиди.

## II ҚИСМ. БУЮК ХОРАЗМИЙЛАР

Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси ва инсонпарварлик ғоялари йўғрилган адабиёт ва шеърят маскани, дунёвий илм ўчоқларидан бири. Хорзам заминда камол топган не-не алломалар, фозилу фузалолар, мутаффакиру маърифат-парварлар Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга таратган Буюк аждодларимиз ал Беруний, ал Хоразмий ва бошқа ўнлаб буюк инсонларнинг номлари бутун дунё халқлари учун мўътабар ва муқаддасдир.

*И. Каримов.*

Мазкур китобимизнинг ушбу қисмида XX асргача Хоразм ҳудудида туғилиб вояга етган ва самарали ижодлари билан жаҳон фанига ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшган буюк Хоразмий алломалар шунингдек, дунёга донғи кетган хоразмлик ҳукмдорлар ва дунёга танилган хоразмлик шоирлар ҳақида қисқача тўхталамиз.

Хоразм қадим-қадимдан илму - фан, маданият ривож топган мамлакат бўлган. Афсуслар бўлсинки, қадим Хоразм тарихига оид ёзма матнлар бизгача етиб келмаган. Бироқ, археологик қазилмалар натижасида қўлга киритилган топилмалар, ўрганилган қалъа ва шаҳарлар қадимги Хоразмийларнинг ўз даври учун ниҳоятда юксак савияли ва маданиятли кишилар бўлганлигидан далолат беради.

Бизгача Хоразм тарихига оид етиб келган илк ёзма манба Зардушт ибн Тумоннинг “Авесто” китобидир. Биз буюк Хоразмийлар ҳақидаги маълумотларни ҳозирча қадим Хоразм фанига оид ягона ёзма манба ҳисобланган “Авесто” китобининг муаллифи Зардушт ибн Тумон ҳақидаги маълумотлардан бошлаймиз.

## 2.1. Зардушт ибн Тумон.

Марказий Осиё ва Эрон халқларининг қадим тарихидан гувоҳлик берувчи ноёб ёзма манба Зардуштийлик динининг муқаддас китоби - “Авесто” китобининг муаллифи Зардушт милоддан аввалги 660 йилда, Хоразмда Тумон исмли руҳоний оиласида дунёга келган.

Буюк бобокалонимиз Абу Райхон Берунийнинг гувоҳлик беришича, Зардушт македониялик Александрнинг Марказий Осиёга истилоси 258 йил илгари дунёга келган. Унинг асосий исми Зардуштра бўлиб “Сариқ туя соҳиби”, “Заррин ёруғлик эгаси” деган маъноларни англатади.

Зардуштнинг отаси қуйи Амударё хавзасида яшовчи машҳур Спитама уруғидан чиққан қоҳиш, ўз даврининг саводхон кишиларидан бири бўлган. Онасининг исми Дугона: у ҳам Спитама уруғи зодагонларидан бирининг қизи бўлган. “Авесто” китобида Спитама - Сипийтмон шаклида ёзилган. Зардушт оиласи ҳам шу ном билан юритилган. Сипийтмон Зардуштнинг тўққизинчи бобосининг номи, Пахлавий тилида “Оқлик” маъносини англатади. Баъзи авестошунос олимлар “Сипийтмон” Зардуштнинг болалигидаги исми деб, Зардушт эса пайғамбарликка эришганидан кейин унга берилган ном деб ёзадилар. Спитама уруғи ўша даврда Хоразмда мавжуд бўлган Хоразмий-Орий қабиалари иттифоқига кирган.

Зардушт ёшлигида отасининг хоҳиши билан Барзун-Куруш деган чўпонга шогирдликка берилган. У 15 ёшгача кўп худоликларга сизинувчи орийлар уруғида кенг тарқалган яштарни ёдлаб олади. Мураккаб ҳаёт қийинчиликлари таъсири остида унинг онг даражаси ўсиб борди. Жамиятдаги тўстўполонлар, зиддиятлар ва адолатсизликларнинг асосий сабабчиси кўп худолик эканлигини англаб етади. У 20 ёшдан бошлаб якка худоликни тарғиб қилган. Унинг қабиладошлари орасида обрў-эътибори тобора ошиб бориб, 28 ёшида шухрат қозонади. Бироқ, унинг якка худолик ҳақидаги тарғиботлари қабила руҳонийлари ва амалдорларига ёқмайди. Улар бу тарғиботларнинг аҳамиятини тушуниб етмайдилар. Уни ўз динидан қайтган шаккоқ сифатида осиб ўлдиришга ҳукм

киладилар. Бироқ, у даврга келиб, Зардушт қабиладошлари орасида анчагина ўз тарафдорларига эга эди. Ўлим хавфини ўз вақтида сезиб қолган Зардушт, ўз тарафдорларидан 300 га яқин киши билан Хоразмни хуфиёна тарк этади ва Хуросон (ҳозирги Афғонистон) томонга йўл олади ва у ерларда ҳам якка худоликни тарғиб қилади. Ўша даврда жамиятда кўп худолик дини асосида мавжуд бўлган кўп қурбонлар бериш, хатто одамларни қурбон қилиш каби иллатлар мавжуд бўлиб, Зардушт уларга кескин қарши чиқади. У фақат битта худога, яъни Ахура-Маздага (Ахура -“бутун оламнинг эгаси”, “кучли”, Мазда - “ақл - идрок”, “донишимандлик”) сизгинишни ва унинг кўрсатмалари бўлган Авестога амал қилишни тарғиб қила бошлайди. Бироқ, унинг юқоридаги тарғиботлари у ерда ҳам маҳаллий руҳоний ва амалдорларга ёқмайди. Улар Зардуштни ўз юрғларидан қувғин қиладилар. У ўн йиллаб чўлу биёбон, сахро, тоғларда, шаҳару қишлоқларда ўз тарафдорлари билан қувғинликда сарсону саргардонликда яшашга мажбур бўлади. Турмуш қийинчиликлари уни ўз ғоясидан қайтишга мажбур қила олмайди. У тинимсиз ўз тарафдорлари билан якка худолик ғоясини тарғиб қилади. Ана шу асосда унинг якка худоликни ўзида мужассамлаштирган илмий, бадий, диний асари “Авесто” дунёга келади. Зардуштнинг якка худолик тўғрисидаги ўз ғоясини қабиладошларига сингдириш йўлидаги уринишлари бежиз кетмайди. Оқибатда, замондошлари унинг қарашларини қабул қиладилар. Унга қабилага қайтишига рухсат этадилар. Зардушт ўз қабиласига қайтиб келгач, қабиланинг катта амалдорларидан бири Гуштианинг кизи Қави исмли қизга уйланади. Ундан уч ўғил ва уч қиз туғилади.

Зардушт асос солган якка худоликка асосланган, унинг номи билан аталган Зардуштийлик дини Марказий Осиёда ва Эронда кенг тарқалган. Зардуштийлик дини дуализмга асосланган, яъни олам икки асоснинг, икки ибтидонинг, ёруғлик ва қоронғулик, яхшилик ва ёмонликнинг тўхтовсиз курашидан иборатлиги тадбир этилади.

“Авесто”да баён қилинган воқеалар асосан, “Арианам Вайжа” мамлақатида яъни олимлар томонидан “Катта Хоразм” деб аталган давлатда рўй беради. У давлат ўша даврда Бактрия,

Марғиёна, Сўғдиёна, Хвайрезм (Хоразм), шимолий Афғонистон, жанубий Қозоғистон ерларини ўз ичига олган. (Биз муқаддас “Авесто” китоби ҳақида олдинги қисмда кенг тўхталганмиз).

Зардушт таълимоти жамиятнинг барқарорлиги, унинг осойишталиги ва равнақи учун ижтимоий мураса ғоясини илгари сурганлиги муҳим аҳамият касб этганини ҳукмрон синфлар англаб ета бошладилар. Эндиликда улар бирин-кетин Зардушт таълимотини яқка худо Ахура Маздага сифинишга асосланган Монотеизм-Маздаизм динини қабул қила бошлайдилар. Яқин ўтмишда сарсон-саргардонликда юрган Зардушт эндиликда пайғамбарлик даражасига етади, чексиз ҳурмат-эъзозга сазавор бўлади. У асос солган Зардуштийлик дини Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжонда жамиятнинг (Ислом динигача) асосий диний манбаси ва дунёвийликнинг тушунчаси сифатида қабул қилинади.

Зардушт ҳаётидаёқ Марказий Осиё ва Эронда кўплаган Оташқада ва Оташгоҳлар (ибодатхона) курилади. Зардуштнинг ўзи эса бош қоҳин сифатида Бактрия ҳукмдори Кави Виштасп саройида хизмат қилади. Саройда донишмандларга етакчилик қилади ва у 77 ёшида Балх шаҳрида Оташқада ибодат қилаётган пайтида кўпхудолик тарафдори бўлган Братар Вахш томонидан ханжар санчиб ўлдирилган.

Гарчи Зардушт душманлари томонидан ўлдирилган бўлса-да, унинг таълимоти Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжонда 10 асрдан зиёд яшади. Шунингдек, Зардушт таълимотига сифинувчилар, яъни маздапарастлар бугунги кунда ҳам мавжуддир. Чет эл босқинчилари қанчалар ҳаракат қилмасинлар, уни тамомила йўқ қила олмадилар. Зардушт жоҳилият, зулм, қабоҳатга, бутпарастликка, молпарастлик, ашёнпарастликка қарши дунёвий, инсоний, маънавий-маърифий ғояларни ўзида мужассамлантирган, яқка тангини тарғиб қилган. Янги эътиқод замирида яхши хулқ, эзгу мақсад, фойдали ҳатти-ҳаракат ва тараққиётга йўналтирилган меҳнат ғояси мужассамлиги, буни башариятнинг барча замонлардаги энг олий нияти дейиш мумкин. Шунингдек, Зардушт замонида шароб тайёрлаш ва шаробхўрлик, кўпхотинлик қаътиян ман қилинган. Зардушт нисбатан кўп болалик оилада дунёга келган. Зардуштнинг отаси

Турутасп оиласида, ундан ташқари Радуштар, Рангуштар, Нотарига, Нивейтиш исмли тўртта ўғил бўлган. Зардушт хонадоннинг учинчи фарзанди бўлган.

## **2.2. Дербик қабиласининг маликаси Тўмарис ва сак қабиласи чўпони Широқ - Буюк Хоразмийлар вакиллари дандирлар.**

Жонажон Ўзбекистонимиз ва унинг таркибий қисми бўлмиш Она - юртимиз Хоразм ўзининг узоқ ўтмиши, жанговар тарихи ва буюклари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Буюк Хоразмийлар қаторига узоқ ўтмишдош-ватандошларимиз малика Тўмарис ва чўпон Широқни киритишимиз қарз ва фарздир.

Қадим Хоразм ўтмишига назар солар эканмиз, бу тарих узоқ йиллар давомидаги мустақиллик, озодлик кураши тарихидан иборат эканлигининг шохиди бўламиз. Қадимги Хоразм халқи асрлар бўйи ўз мустақиллиги учун кураш олиб борган. Милoddан олдинги VI асрнинг ўрталарида қудратли Форслар салтанати ташкил топди. Тарихга Аҳмонийлар (Аҳамонийлар) давлати деб кирган бу давлат ҳукмдорлари ер юзига ҳукмронлик қилиш даъвоси билан майдонга чиқдилар. Улар мудҳиш мақсадларини амалга оширишда жуда асқотадиган катта ҳарбий қўшин тузишга интилганлар. Аҳмонийлар Эрони тарихи ҳақида маълумотлар юнон тарихчилари Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География”, Диодернинг “Кутубхона”, Полиининг “Ҳарбий хийлалар”, Арманнинг “Анабасис” номли асарларида берилган. Шунингдек, Аҳмоний шоҳлари ўз фаолиятларини ва муваффақиятларини абадийлаштириш мақсадида тоғ қояларига ўзлари ҳақида ўйиб ёздирган ёзувларда ҳам Аҳмонийлар даври ҳақида қимматли маълумотларни топиш мумкин. Буларга Бехустун ёзувлари, Персеполь ёзувлари, шунингдек Эрон шоҳи Доро I нақши, Рустам қабр тошига ўйиб ёзилган ёзувларда Аҳмонийлар даври ҳақида жуда муҳим маълумотлар бор.

Аҳмонийлар ҳукмдорлари ўз мамлакатларининг ички зиддиятларини бартараф этиб, унинг ҳарбий куч-қудратини оширишга интилдилар. Қудратли қўшин тузиб, уни замонавий

қуроллар билан қуроллантирдилар. Аҳмонийлар давлати Эрон шоҳлари Кир (Кайхисрав) ва унинг вориси Доро I ҳукмронлиги даврида ҳар томонлама кучайди. Аҳмонийлар давлатининг ҳудуди Эгсей денгизидан Сирдарё бўйларигача, бир томондан Ҳиндистонгача бориб, унинг пойтахти Персепо́л, сўнгра Бобил ва Суз шаҳарлари бўлган. У шаҳарлар ўз даврининг юксак маданиятли, ривожланган шаҳарлари бўлган. Юнон тарихчиси Геродот асарларида Аҳмонийлар 23 та давлатни бўйсундирганлиги ва улардан хирож йиғиб турганлиги ҳақида ёзади<sup>1</sup>. Аҳмонийлар давлати ҳукмдорлари ўз давлатларини ҳудудий кенгайтириш, хазинани бойитиш мақсадида қўшни халқлар, жумладан Хоразм ерларига кўз олайтира бошладилар. Мустақилликпарвар Хоразмийлар ўз қардошлари билан чет эл истилочиларига қарши чиқдилар.

Милоддан олдинги VI аср ўрталарида Хоразм давлатининг бирлиги ва бутунлигига биринчи хавф пайдо бўлди. Бу хавф қўшни Форслар салтанати томонидан эди, Аҳмонийлар дунёга ҳукмронлик орзуси билан майдонга чиқиб, бирин-кетин қўшни мамлакатларни босиб ола бошладилар. Эрон шоҳи Кайхусрав II кўп минг кишилик қўшин билан, Мидия, Арманистон, Вавилонни босиб олди. Эндиликда ҳужум йўналиши Марказий Осиё ва шу жумладан Хоразм ерларига қаратилди. Ўрта Осиё устига юришга Кайхусрав (Кир) ҳар тарафлама тайёрланди. Қўшин янги қурол-яроғлар билан кучайтирилди. Кайхусрав ўз айғоқчилари орқали юришдан олдин Марказий Осиё ва Хоразм ҳудудини ҳар томонлама ўрганиб, юришга пухта тайёрланди.

Аҳмонийлар Эрони милоддан аввалги 529 йилда Хоразмга ҳужум қилди. Кайхусрав енгил ғалабага ишонар эди. Унинг фикрича, Хоразмийлар ҳарбий ишдан беҳабарлар, қўлларига ҳеч қачон қурол ушлаган эмасдирлар. Шунинг учун ҳам, улар осонликча таслим бўладилар, деб хаёл қилди Эрон шоҳи. Бироқ, яқун бундай бўлиб чиқмади. Чет эллик босқинчиларга қарши Хоразмий қабилаларнинг барчаси, ёшу қари, эркагу аёл курашга кўзгалди. Қаттиқ ва аёвсиз жанглар давом этди. Кўп қурбонлар вазига Эрон қўшини Амударёгача етган бўлса-да, бу

<sup>1</sup> Хоразм тарихи. 1 жилд. 17 бет.



Хоразмийларнинг мағлубияти эмас эди. Балки бу ҳарбий услубий чекиниш бўлиб, душманни мамлакат ичкарасига олиб кириш, уни ҳолдан тойдириш ва кейинчалик босқинчиларга қатъий ўлим жазоси бериш усули эди. Узлуксиз олиб борилган жанглар Эрон қўшинига, хоразмий-массагетларнинг бирлашган қўшини қарши чиқди. Икки ўртада бир неча кун давом этган қонли жанг бўлиб ўтди. Бу қонли жанг ҳақида юнон тарихчиси Геродот ўзининг “Тарих” китобида батафсил маълумотлар берган. Шунини кўрсатиш лозимки Геродот массагетлар деганда хоразмликларни назарда тутган. Геродотнинг ушбу жанг ҳақида берган маълумотларига кўра, бу жангда массагетларнинг малика Тўмарис бошчилигидаги қўшини порлоқ ғалабага эришадилар. Эрон қўшини ва унинг подшоси Кайхусрав (Кир) шармандаларча енгилдилар. Массагетларнинг бу порлоқ ғалабаси ҳақида қадим-қадимда халқ орасида “Тўмарис” афсонаси вужудга келган. То бугунги кунгача маълуми машҳур афсонани ўз китобимизда китобхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим деб топдик. Халқимиз аждодларимизнинг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган қаҳрамонона озодлик курашлари ҳақидаги бу афсонани эъзозлаб сақлаганлар, асрлардан асрларга етказганлар. Бу афсоналардан шу нарса маълум бўладики, хоразмликлар азал - азалдан, жуда қадим қадимлардан ўз она - юртларини севганлар, унга ўта садоқатли бўлганлар. Улар ўта очикқўнгил сахий бўлганлари билан бирга душманга ниҳоятда шафқатсиз бўлганлар.

Тўмарис қўшини, Страбоннинг фикрича, хоразмликлар массагет қабилалари ва элатларидан ташкил топган экан. Тўмарис афсонаси ҳам хоразмликлар ҳақида Форслар шоҳи Кир ўз юришида массагет қабилаларини тор-мор қилишни ўйлаб ҳаракат қилади. Кирнинг юриши муваффақиятсизликка учрагандан кейин, Доро иккинчи марта юришга ҳозирланади. Полисекнинг ёзишича, Доронинг хужуми хабарини эшитган массагет ва сакларнинг учта подшоси Сенсафар, Ўмарг ва Тўмарис ҳарбий кенгашига тўпланадилар. Ўмар-Ктесий ривоятларидан бирида саклар подшоси Сакфоргга келганда, бу ном шубҳасиз, Хоразм Сиёвушлари сулосасидан Шоумафарнинг ўзидир. Шундан маълум бўладики, дербекларнинг аёл ҳокими, Хаумаварга, сакларнинг ва Хоразм ҳокими Эрон шоҳи Кирнинг

хужумига қарши иттифоқ тузиб мудофаа уюштирганлар. Геродот, Ктесий ва бошқаларнинг ёзишича массагетларда аёллар юқори мавқеини эгаллаганлар. Массагет қабилаларида аслида аёлга ҳурмат кучли бўлган. Шу туфайли бўлса керак Геродот асарларида “Малика Тўмарис”, Ктесий ҳикояларида эса “Малика Спарра” бошчилигидаги аёллар кўшинлари тўғрисида тўлқинланиб ёзадилар. Тўмарис ҳақидаги қиссасининг қисқача мазмуни шундан иборатки, Тўмарис милoddан аввалги VI асрда массагет халқига бош бўлган. Хоразмга тажовуз қилган Эрон шоҳи Кирга қарши мардона кураш олиб борган маликадир. Бу аёл ҳақида қадимги грек тарихчиси Геродот ўзининг “Тарих” китобида “Кирнинг массагетларга қарши юриши” деган сарлавҳа остида ҳикоя қилади. Мазкур ҳикоянинг кенг баёни “Вестник древней истории” журналида босилган. В. В. Латишевнинг “Древние писатели о Скифии и Кавказе” мақолалари 1974 йил ва унинг қисқача мазмуни “Ўзбекистон ССР Тарихи”, Н. Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” китобларида ҳам келтирилади. Биз ушбу ҳикояни “Ўзбек адабиёти тарихи” номли беш жилдлик асарнинг биринчи китоби асосида сизга тақдим қилаётимиз.

Энг қадим замонларда Амударё (Окс) ёқаларида массагетлар яшаган эди. Бу даврда уларга марҳум подшонинг хотини малика Тўмарис бошчилик қилади. Эрон шоҳи Кир массагетларни ўзига қарам қилиш ниятида Тўмарисга уйланмоқчи бўлиб совчилар юборади. Лекин малика унинг асл мақсадини тушуниб, рад жавобини беради. Шундан сўнг Кир очиқ тажовузга ўтади ва массагетлар томонга кўшин тортади. У дарёдан ўтиш учун кўприклар қурдира бошлайди. Бундан хабар топган Тўмарис Кирга элчи юборади ва айтади; “Эй шоҳ, қилаётган ишингни тўхтат! Сен ўз юртингда пошоҳлик қилавер, бизни ҳам ўз ҳолимизга қўй. Лекин, сен бунга кўнмайдиган кўринасан. Агар сен биз билан куч синашмоқчи бўлсанг, у ҳолда, марҳамат, кўприклар қуриб овора бўлма, биз дарёдан уч кунлик йўл нарига кетамиз, шунда сен бизнинг еримизга ўт ёки юртингда учрашишни истасанг, шундай қил”. Кир бу тақлифни эшитгач аёнларини тўплаб маслаҳат қилади. Уларнинг кўпчилиги Тўмариснинг чекинишини қувватлайдилар. Лекин Крез исмли маслаҳатчи шоҳга бошқача бир ҳийла ўргатади. “Эй Кир, сен ўз

кўшинингги ўлмасин деб ҳисобласанг қулоқ сол. Агар душманни ўз еримизга ўтказсак-да, енгилсак, подшолигингдан батамом айрилсан. Чунки ғолиб чиққан душман мамлакат ичкариси томон интилади. Агар душман ерига ўтиб ғалаба қилсак, олдинга интилсан. Хотин кишидан енгилсанг, шармандали ҳалокат бўлади. Шунинг учун, яхшиси, Тўмарис чекиниб қолдирган ерга борайлик-да, уни енгилсак ҳаракат қилайлик. Менимча, массагетлар эронийлар ноз-неъматининг лаззатини билишмайди. Шунинг учун, биз шаробларни аямасдан, моллар сўйдириб катта зиёфат тайёрлайликда, яроқсиз аскарлардан бир қисмини қолдириб, орқага қайтайлик. Сўнг ўзимизни ғалаба билан шарафлайлик”. Бу маслаҳат Кирга маъқул тушади. У Тўмарисдан чекинишини сўрайди. Кир ўғли Камбирга Крезни топшириб, агар урушдан қайтмасам, ўзинг маслаҳат билан шоҳлик қилгин, деб уларни Эронга жўнатади. Ўзи эса кўшин билан массагетлар юртига ўтади.

У ерда Кир ғалати бир туш кўради. Тушида Гистасининг катта ўғли Доронинг икки елкасидан иккита қанот ўсиб чиққанмиш ва бири Мағрибни, иккинчиси Машрикни тўсиб турармиш. Бу вақтларда Доро 20 ёшида бўлиб, ёшлиги боис урушга олинмаган эди. Кирнинг юрагига туш ғашлик солади. У Доронинг отасини чақириб, ўғлинг менга қарши фитнада айбдор, Эронга қайтиб, судга ҳозирла, дейди. Кир массагетлар юртига ўтгач, Крезнинг маслаҳатчиси зиёфат тайёрлаб, оз аскар қолдириб, орқага чекинади.

Массагетларнинг бир қисм кўшини Тўмариснинг ўғли Спарганис бошчилигида у ерга бориб қолдирилган аскарларни енгиб зиёфатга машғул бўлади. Сўнг маст лашкар уйкуга кетади. Айни ана ўшанда Кир ҳужумга ўтади. Массагетлардан кўпини ўлдириб, кўпини асир олади. Асирлар орасида шаҳзода Спарганис ҳам бор эди. Тўмарис воқеадан хабардор бўлиб, Кирга элчи юборади, эй қонхўр - Кир, узум суви ёрдамида бўлган бу воқеадан хурсанд бўлма. Сен ўғлимни жанг майдонида эмас, найранг билан қўлга олдинг. Энди қулоқ сол, сенга яхшилиқни маслаҳат қиламан:- Ўғлимни менга топширгин- да қилган ишининг учун жазоланмасдан юртинга жўна. Йўқса массагетлар тангрисни номи билан қасамёд қилиб айтаманки, сен очкўз

юхонинг қонга ташналигини қондираман. Кир бу сўзларга парво қилмайди. Спарганис эса ўзига келгач, воқеани англаб, хижолатдан ўз-ўзини ўлдиради. Шундан сўнг Тўмарис кўшинини тўплаб, жангга отланади. Жангда массагетлар ғолиб чиқади. Тўмарис ўз сўзи устидан чиқиб, Кирнинг бошини кестириб, қон билан тўлдирилган мешга солади. Ўшанда Тўмарис: “Гарчи, мен жангда ҳалоллик билан енган бўлсам-да, сен маккорлик билан мени ўғлимдан жудо қилиб қайғуга солдинг. Мен онтимга амал қилиб, сени қонга тўйдираман”.<sup>1</sup> Тўмарис раҳбарлигида массагетларнинг босқинчиларга қарши олиб борган кураши ва ғалабаси Хоразмда қадимий давлатлардан бошлаб хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи юксаклигини ифодалайди. Қиссада Тўмарис ўз юртини ва халқининг осойишта, бахтиёр яшаши учун ғамхўрлик қилувчи одила ва оқила ҳукмрон сифатида намоён бўлади. УшбуБу афсона ёвузлик ва босқинчиликка қарши эзгулик ва осойишталик тантанасини куйловчи қасидасидир.

Тўмарис ҳақидаги афсона, биринчидан, қадимги Хоразмийларнинг ўз она – юртининг эрки ва мустақиллиги учун қахрамонона курашидан далолат берса, иккинчидан, қадимги Хоразмий қабилалар - массагетлар, саклар, хоразмийларнинг конфедерацияси (иттифоқи) истилочи душманлар учун ниҳоятда даҳшатли куч бўлганлигидан дарак беради.

Тўмарис афсонаси шунингдек ўрта асрлардан фарқли ўлароқ қадимги Хоразмда аёллар эркалар билан тенг ҳуқуқда бўлганлигидан, уларнинг, ҳатто қabila бошлиғи даражасигача етганлиги ва катта обрў-эътиборга эга бўлганлигидан далолатдир. Кайхусрав мағлубиятидан сўнг Эрон ҳукмдорлари Ўрта Осиёга янги хужумга тайёрланганлар. Эрон шоҳи Доро қадимги Хоразмийлар юртига янги юриш уюштиради. Ўрта Осиё халқлари ўртасида истилочи форс кўшини ва унинг ҳукмдори Дорога қарши аждодларимиз олиб борган озодлик курашининг эркин саҳифалари ҳақида Широқ афсонаси ҳам кенг тарқалган. Кайхусравнинг массагетлар устига юриши муваффақиятсиз тугагач, унинг вориси Доро кўшин тўплаб, Ўрта Осиёга иккинчи

<sup>1</sup> Тўмарис афсонаси- Хоразм тарихи китобидаги олинди. Хоразм тарихи. 1- жилд. Хоразм, 1996 й. 77-78 бетлар.

юришни бошлайди. Грек тарихчиси Тилиен ўз асарларида шу хусусда маълумот беради. Форсларнинг Доро бошчилигидаги юриши бу гал сак кабилалари Хаумаварга саклар ва дербиклар устига қаратилади. Душмanning хужумидан огоҳ бўлган юқорида кўрсатилган учала қабиланинг бошлиқлари ҳарбий кенгашга йиғилиб, душманга қарши кураш усуллари муҳокама қилаётган бир пайтда, уларнинг олдиларига сак қабиласидан бўлган Широқ исмли чўпон кириб келади ва душманга қарши курашда ўз хизматини тавсия этади. Қабила бошлиқлари дастлаб унга ишонмайдилар. Бироқ, сак қабиласидаги донишмандларнинг илтимосига кўра, Широққа форс истилочиларига қарши курашда ўз усулини қўллашга рухсат берадилар. Широқ ханжарини олиб, ўзининг кулоқларини ва бурнини кесиб ташлайди ва истилочилар томон равана бўлади. Эрон соқчилари уни ушлаб, шоҳ Доро олдига олиб бордилар. Чўпон Широқ ўзининг ва оиласининг қабила бошлиқларидан ниҳоятда азият чекканлигини айтиб, Форс ҳукмдоридан ўз қабиладошларидан ўч олиш учун ёрдам сўрайди. Шундай йўл билан Широқ золим шоҳ Доронинг ишончига қиради.

Форс ҳукмдори Широқдан ўз қабиладошлари ҳақида маълумот сўраганида у саклар ва дербикларнинг саҳро ичига қочиб кетганлигини айтади. Қабиладошлари яширинган жойни яхши билишини, агар муҳтарам шоҳ рухсат этсалар, қудратли форс кўшинини энг яқин йўл орқали қабиладошлари яширинган жойга олиб бора олиши мумкинлигини билдиради. Чўпон Широқнинг хийласига лаққа тушган Доро ўз кўшинига уни йўлбошловчи қилиб белгилайди. Кўп сонли форс кўшини Широқ йўл бошловчилигида чексиз саҳро ичкарасига қараб йўл олади. Кунлар ўтади. Кўшиннинг тинка мадори қурийди. Озиқ-овқат захираси тугайди. Сув танқислиги бошланади. Бироқ, ҳали ҳам саклар ва дербеклардан дарак йўқ. Шунда тоқати-тоқ бўлган, ниҳоятда ғазабга тўлган Доро Широқни ўз олдига чақиради. Қабиладошларини сўрайди. Ана ўшанда Широқ бирданига хоҳолаб кулиб юборади ва ўзининг ғолиблигини, ўз ҳарбий хийласи бутун бир бошли форс кўшинини саҳронинг ичкарасига олиб кириб ҳалокатга маҳкум этганини айтади. Золим Доро қиличи билан Широқни майда - майдалаб ташлайди. Бироқ

ватанпарвар чўпон Широқ тапхо ўзи кўп сонли душманлар устидан ғалаба қозонади. Қабиладошларининг озодлиги учун ҳаётини тиккан қахрамон Широқнинг юқоридаги қахрамонлиги асрлар оша яшади ва бизнинг кўпимизгача стиб келди. Халқимизни, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бу қахрамонлик мисоли катта рол ўйнаб келди ва ўйнамоқда.

Қахрамон чўпон юқорида таъкидлаганимиздек бир ўзи ҳаётини нобуд қилиш эвазига, ўз қабиладошларини ёвуз душман ҳужумидан сақлаб қолди. Тасодифан Эрон кўшинининг бир қисми омон қолди. Гарчи, Доро чўлдан соғ-омон чиқиб олган бўлса-да, унинг қудратли кўшини анча заифлашиб қолган эди. Чўлда кўшинининг ярмидан кўпи сувсизликдан, очликдан ҳалок бўлган эди. Кучсизланиб, озиб-тўзиб қолган кўшин билан сакларга қарши ҳужум қилишга юраги бетламаган Доро ўз юртига қайтиб кетади.

Грек тарихчиси Невменнинг “Ҳарбий ҳийлалар” китобида берилган юқоридаги афсона, ўша давр воқеалари ичида тайинли асосга эга бўлиб, қадимги Хоразмий ва сак қабилаларининг озодлик учун олиб борган қахрамонона курашига мисол бўла олади. Манбалар Широқ афсонасининг реал асоси борлигини кўрсатади. Юнон тарихчисининг ёзишича, воқеа шундай содир бўлган. Доронинг бўлғуси ҳужумидан хабар топган сакларнинг уч подшоси Саксафар, Умарг ва Тўмарис ҳарбий кенгашга йиғиладилар. Кенгашда қудратли душман кўшинига қарши кураш режаси ишлаб чиқилади. Душманнинг сон жиҳатидан устунлигини ва уни очиқ ҳал қилувчи жапда енгиб бўлмаслигини назарда тутиб, маккор душманга қарши янгича ҳарбий усул қўллаш йўли маъқулланади. Дорони чўл ва ботқоқликлар кўп бўлган апасианлар (сак қабилалари) яшайдиган ҳудудга ҳийла билан олиб кириш, ниҳоятда оғир шароитда бу ҳудудда душманнинг тинка мадорини имкони борича қуритиш ва кучсизланиб қолган душманга орқа томондан ўлим зарбасини бериш- душманни чалғитиш режаси,- сакларнинг асосий ҳарбий режаси бўлган. Полиеннинг ёзишича сакларнинг юқоридаги режаси қарийб амалга ошди. Гарчи Доро кўшини бутунлай нобуд бўлмаган бўлсада, бироқ унинг ҳужум шиддаткорлиги йўқолди. Ҳарбий юриш муваффақиятсизликка учради. Форслар кўшини

орқага ўз юртига кетишга мажбур бўлдилар. Қадимги Хоразмийлар қадим тарихига оид бўлган юқоридаги афсоналар ва ёзма манбалар ўз юртининг ва ўз халқининг тинчлиги, саодати учун аждодларимиз олиб борган қахрамонона курашининг тимсоли бўлади.

Асрлар оша яшаган юқоридаги қахрамонлик ҳақидаги афсоналар хоразмийларни қадим-қадимданг ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ва хоразмийлар ичидан Султон Жалоладдин Мангубердидек буюк ватанпарвар қахрамонларнинг етишиб чиқишида катта таъсирчан аҳамиятга эга бўлган.

### **2.3. Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий. Хоразмнинг Буюк фарзанди – жаҳон математиканинг асосчисидир.**

Ватанимиз тарихини кунг билан ўрганар эканмиз, аждодларимизнинг инсоният тараққиётига салмоқли ҳисса қўшганлигининг шоҳиди бўламиз. Марказий Осиёлик, жумладан хоразмлик олимлар илм-фан соҳасидаги баракали меҳнат қилиб бугунги кун дунёвий фанлар тараққиёти асосларини яратишда беқиёс даражада ўз улушларини қўшдилар. Улар ўзларининг ўта сербарака ижодлари билан ўз давридан 500-600 йил илгарилаб кетдилар. Шундай олимлардан бири шубҳасиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийдир. IX асрда номи бутун жаҳонга машҳур бўлган, бутун инсоният эришган фан-техника ютуқларининг асосини яратишда салмоқли ҳисса қўшган ҳозирги замон математикасининг отаси, буюк астроном, географ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий етишиб чикди. Муҳаммад Хоразмийнинг ўлмас асарлари Шарқдагина эмас, балки Европада ҳам илм-фан аҳли учун дастуриламал бўлиб хизмат қилган эди. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида буюк алломанинг илмий асарлари ва кашфиётларини ўрганиб, ҳозирги илмий тафаккурнинг юксалишига сабабчи бўлган эдилар. Бу эса ўз навбатида, жаҳон фани ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ҳозирги замон математикасига ва шарқ географиясига асос солган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолияти VIII аср охири ва IX аср бошига тўғри келади. Математикада

“алгоритм” атамаси буюк зот номининг айтилишидан келиб чиққан. Унинг математикага оид рисолаларидан бири—“Ал-жабр ва-л-муқобала” дан алгебра номи келиб чиққандир. Ал-Хоразмий ўз асарларида ҳинд ўнлик саноқ тизими ва юнон геометриясини сингез қилиб, ҳозирги замон математикасига асос солганлигини жумла жаҳон эътироф этади.

Муҳаммад Хоразмийнинг туғилган ва вафот этган йиллари турлича кўрсатилади. Баъзи олимлар тахминан 780-847 йилларни кўрсатишса,<sup>1</sup> баъзилари 781-847 йилларни<sup>2</sup> бошқалари 781-860 йилларни,<sup>3</sup> бошқа бирлари 780-850<sup>4</sup> йилларни кўрсатишади. Лекин, бугунги кунда кўпчилик фан тарихи билан шуғулланаётган мутахассисларнинг эътироф этишлари, Мусо ал-Хоразмий 783 йилда туғилиб 850 йилда вафот этган. Ал-Хоразмий жаҳон маданиятининг буюк ўчоқларидан бири бўлган Хоразмда туғилган. У ўзининг бошланғич таълимни ўз ватани—Хоразмда олади. Унинг дунёқараши шаклланишида Шарқ ва Хоразм фани ва маданиятининг ўзига хос анъаналари ҳал қилувчи роль ўйнаган. Муҳаммад Хоразмий хоразмликларнинг қадимий бой маданий меросини йўқ қилиб ташлаган араб истилочиларининг қаттиқ жабр-зулми ва шафқатсизлигини бошидан кечиради. Хоразмийнинг бобоси оташпарастрларнинг коҳини бўлган Шаҳзода Маъмун 802 йилда Хоразмга ҳоким қилиб тайинланган. Ана ўша даврларда Маъмун ўздан уч ёш катта бўлган Мусо билан дўстлашиб қолади. 805 йилда Маъмун Хуросон ўлкасининг волийси қилиб тайинлангандан сўнг ўзига яқин сафдошлари билан Марвга келишади. Марвда Маъмун отаси Хорун ар-Рашидга эргашиб худди Бағдоддаги сингари жуда катта кутубхонага асос солади ва унга мудир қилиб Мусо ал-Хоразмий тайинланади. Мусо ал-Хоразмий 805-819 йилларда Марвда кутубхона қошида ташкил топган таржимонлик гуруҳига ва кутубхона таркибида қарор топган “Мадрасаи Олия” нинг ишларига раҳбарлик қилган. 819 йилда Маъмун Бағдодга келганидан сўнг Хоразмийни ҳам у ерга чақиради ва Байт ул-

<sup>1</sup> Х.Хасанов. Сайёх олимлар. Тошкент, «Фан», 1981йил, 2-бет.

<sup>2</sup> А.Абдурахмонов. Ўзбек фанининг асосчиси, «Гулистон» журнали. 1981 й, 8-сон.

<sup>3</sup> Ж.Ибодов, «Алгоритм»-Хоразмий дегани. «Фан ва турмуш» журнали.

<sup>4</sup> Х.Сиддиков. Ўрта Осиё яқин ва ўрта шарқ олимларининг ишларида геометрия. (IX-XIII асрлар), Тошкент, 1981, 67-бет.



ҳикма га уни жалб этади. Бағдод ўша даврда жаҳоннинг энг юксак ривожланган, фан, маданият тараққий этган, инсоният қўли билан битилган фан дурдоналари тўпланган шаҳар эди. Хоразмийнинг машҳур олим бўлиб етишишида ва бутун жаҳонга танилишида унинг Бағдодда олган ва ўрганган билимлари, илмий фаолияти муҳим роль ўйнайди.

Муҳаммад Хоразмий Бағдод шаҳрида халифалар: ал-Маъмун ал-Муътасим ва ал-Восиқ саройларида яшаб ижод этди. Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли ал-Маъмун (813-833) ҳукмронлик даврида ўша вақтнинг фанлар академияси ҳисобланган Байт ул-Ҳикма (“Донишмандлар уйи”) ташкил этилиб, унга барча мамлакатлардан машҳур олимлар, таржимонлар жалб қилинган эди. Халифа ал-Маъмун даврида Бағдод илмий, таржима ишларининг маркази бўлиб қолди. Қисқа вақт ичида Аристотель, Евклид, Архимед, Птоломей каби олимларнинг нодир асарлари араб тилига таржима қилинди ва Шарқ халқлари орасида тарқатилди. Бағдодда “Донишмандлар уйи” қошида катта кутубхона ташкил этилиб, унга Муҳаммад Хоразмий раҳбарлик қилади. Бу кутубхонада ҳинд, юнон, сурёний, араб, форс ва бошқа тилларда ёзилган 400 минг жилд кўлёзма китоб сақланар эди. Худди шу даврда Муҳаммад Хоразмий Маъмун академиясига жалб қилинган ўрта осиелик машҳур математик, астроном, географ Абул Аббос, Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний, Аббос ибн Саййид Жавҳарий, Аҳмад ибн Абдулло Марвазий ва бошқа олимларга раҳбарлик қилди.<sup>1</sup> Унинг Байт ул-ҳикмадаги фаолияти ўз моҳияти билан академия президенти вазифаси билан баробар эди. Байт ул-ҳикма расадхонасида ал-Хоразмий осмон жисмларинининг ҳаракатини ўрганайди. Текширишларнинг натижаларини “Зиж фи-илм ал-фалак” (“Астрономик жадвал”) номли рисоласида баён қилади. Алломанинг ўзи ёзган “Астрономик жадвал”лар бизгача етиб келмаган. Лекин, у асарни испаниялик мунажжим Абу ал-Қосим ал-Мажридий 1007 йили қайта ишлаб чиққан. Аммо у ҳам йўқолган. Фақат ана ўша қайта ишланган нусханинг Бата шаҳрилик Аделярд томонидан 1126 йили лотиңчага қилинган таржимаси бизгача етиб келган. Ал-

<sup>1</sup> Т.Н.Қари Ниязов. Астрономическая школа Улугбека М. 1950 й, 42-бет.

Хоразмийнинг “Астрономик жадвал”лар рисоласи Ньютон ва Гиршель асарлари пайдо бўлгунга қадар Европада асосий қўлланма вазифасини ўтаган. “Астрономик жадвал” лар охириги марта 1941 йили немис тилида Копенгагенда нашр этилган.<sup>1</sup>

Ал-Хоразмий геодезик ўлчаш ишларига ҳам раҳбарлик қилган. Ер меридиани ёйи, узунлигини аниқлаш мақсадида Тадмор ва ар-Рақка орасидаги масофа ўлчанган ер меридиани 9° ёйининг узунлиги 56, 2-3 араб милига тенг (бир араб мили 1973 метр) деб топилган. Шу тариқа, ер меридиани бир градусининг узунлиги ал-Хоразмий ўлчаншларида 111815 метрга тенг. Ҳозирги замон ўлчаншлари эса унинг 110938 метрга тенг эканини кўрсатади.<sup>2</sup> Шарқда ҳиндларнинг астрономияга оид “Синдҳинд” номли асари ўша замон астрономлари учун қўлланма эди. Манхур тарихчи Жамолiddин Али ибн Юсуф ал-Кифтий (1172-1248) “Биографик дугат” номли китобида бундай ёзади: 156 ҳижрий йилда Ҳиндистондан Бағдод шаҳрига математика ва астрономияни чуқур ўқитган олимлардан бири келган. Бу олим “Синдҳинд” жадвалларини билиш билан бирга, осмон ёриқчилари ҳаракатини тригонометрик функциялар ёрдамида ҳисоблашнинг турли усулларини ҳам билган, астрономияга оид масалаларини ўз ичига олган асар ёзиб қолдирган. Бағдод ҳақиқати ҳинд олими томонидан санскрит тилида ёзилган бу асарни араб тилига таржима қилишни даврнинг етук риёзшони ва фалсафачи олими Абу Исҳоқ Иброҳим ал-Фазорийнинг (777 йилда вафот этган) ўгли Муҳаммадга топширади. Олимлар бу таржимани “Китта Синдҳинд” деб ном берадилар.

Ал-Фазорийнинг ўгли томонидан қилинган таржима “Илм ал-фалак” (“Фалак сфераси ҳақидаги фан”) деб атала бошланади. Таржима назарий қисмдан ташқари планета, юлдуз ҳақидаги бир неча жадвалларни ҳам ўз ичига олади. Бир қанча олимлар, хусусан, Муҳаммад Хоразмий ҳам тушуниш қийин бўлган таржимада хато кетган жойларни топади ва уларни қайта ишлаб, асарни бир қанча янги боблар қўшади. Муҳаммад Хоразмий

<sup>1</sup> Х Жомбокиев, С Ҳасанов. Хоразм-кўҳна маданият ўчоғи. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1983 йил, 20-бет.

<sup>2</sup> А Абдуриҳмонов. Ўзбек фанининг асосчиси «Гулистон» журнали, 1981 й. 8-сон.

китобни назарий ва амалий жиҳатдан асослаб, унга “Қисқача Синдҳинд”<sup>1</sup> деб ном беради.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг “Синдҳинд” асари ўнлик санок системасини оммалаштиришда катта рол ўйнайди. У билан танишган Шарқ ва Европа математиклари ўз ишларида ушбу системани кенг қўллай бошладилар. Чунки, Хоразмийгача бўлган олимларнинг аксарияти олтмишлик санок системасидан фойдаланишар, бу эса ҳисобда анча қийинчилик туғдирар эди. Олимнинг арифметика рисоласи ҳисоблашда ўнлик позицион системанинг кенг тарқалишига асос солди. Муҳаммад Хоразмий тарғиб қилган ўнта арифметик (0,1,2,3,4,5,6,7,8,9) сонлар ёрдамида қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш, илдиз чиқариш амаллари бажарилишини ва яна қўшимча квадрат, куб илдизлар чиқариш амаларини ишлаб чиқди. Бу амаллар ўрта аср Европа фанида алгоритмлар деб ҳам аталган.<sup>2</sup> Ўз навбатида ўнлик ҳисоблаш тизими араб алфавитининг ҳарфлари ишлатиладиган ҳисоблаш системасидан тубдан фарқ қилади. “Араб рақамлари”нинг ишлатилишида Муҳаммад Хоразмийнинг тутган ўрни муҳимдир. Араблар Ироқ, Миср ва Сурияни истило қилгунга қадар юнон алфавитига асосланган рақамлардан фойдаланганлар. VIII аср охири IX аср бошларида Муҳаммад Хоразмий Ҳиндистонда кашф этилган ўн рақамдан ташкил топган позицион системани ўрганиб уни соддалаштиради, кенгайтиради ва биринчи марта араб тилида баён этади. Хоразмий “арифметика” си билан биргаликда бу ҳинд рақамлари Шарқда кенг тарқалади. Хоразмийнинг ушбу асари арабчадан лотинчага таржима қилиниб, X асрда Испанияда, XII асрда Европанинг бошқа мамлакатларида тарқалади. Муҳаммад Хоразмий тарғиб этган “араб рақамлари” ва улар орқали ифодаланадиган ўнлик позицион ҳисоблаш тизими Европада уйғониш даври арафасида Ғарб математикасининг ривожланишида тарихий рол ўйнайди. Бу рақамлар кўпгина бошқа рақам ва ҳисоблаш системаларини сиқиб чиқаради.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Х.Сиддиков. Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ олимларининг ишларида геометрия (IX-XVI асрлар), 68-69-бетлар.

<sup>2</sup> Ю. Файзуллаев. Хоразмнинг буюк фарзанди. “Гулистон” журнали, 1970 й, 1-сон.

<sup>3</sup> Я.Салье. Муҳаммад ал-Хоразмий—великий ученый. Тошкент, 1954 йил.

Алгебранинг мустақил фан сифатида вужудга келишида ва ривожланишида ал-Хоразмийнинг хизмати катта. Муҳаммад Хоразмий халифа Маъмуннинг топшириғи билан (830 йилларга яқин) ўзининг “Ал-китоб ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала” (“Тўлдириш ва қарама-қарши қўйиш ҳисобига оид қисқача китоб”) номли асарини ёзади. Асарнинг сўзбошисида шундай дейилади: “Имом Маъмуннинг фанга қизиқиши ва бу соҳадаги олимларнинг ишларида учрайдиган қийинчиликларга ёрдам бериш каби фазилатлари мени ҳисоблаш ҳақида қисқача асар ёзишга даъват этди. Бу асарни ёзишда ўқувчилар билан тушунарли, енгил, фойдали ва кишилар ўртасидаги муаммоларда ҳисоблаш ишини осонлаштиришга ёрдам берадиган, айниқса мерос тақсим қилишда, битим тузишда, савдо ишларида, ер ўлчаш ва шунга ўхшаш бошқа ҳисоблашларда қўлланма бўлишини мақсад қилдим”.<sup>1</sup> Муҳаммад Хоразмийнинг “Ал-жабр ва ал-муқобала” китоби алгебра, геометрия ва васиятлар ҳақидаги уч бўлимдан иборат. Хоразмий асарининг биринчи бўлимида Ал-Жабр ва Ал Муқобала ёрдамида биринчи ва иккинчи даражали номаълум тенгламаларни ечиш, рационал ва иррационал ифодалар билан амаллар бажариш ҳамда тенглама ёрдамида сонли масалаларни ечиш йўллари берилади. Иккинчи бўлим геометрияга тегишли бўлиб, миқдорларни ўлчаш ва ўлчовга доир масалаларга алгебранинг баъзи бир тадбирлари кўрсатилади. Учинчи бўлимда алгебранинг амалий тадбиқи, яъни меросхўрлар ўртасида мулк тақсимлаш ҳақида 60 дан ортиқ турли мазмундаги мураккаб масалаларни тенглама ёрдамида ечиш йўлларини кўрсатади.<sup>2</sup> Инглиз математиғи Роберт Честер бу асарни 1145 йили араб тилидан лотин тилига таржима қилди. Бунда “Ал-Жабр” сўзи алгебра, деб “ал-Хоразмий” сўзи эса “алгоритм” деб таржима қилинди. Бу атамаларнинг биринчиси ҳозирги замон математика фанига, иккинчиси эса ҳисоблаш математикасининг асосий иборасига айланди. Ал-Хоразмийнинг ушбу асари ўша замон мусулмон Шарқда лотин тилига таржима қилингандан кейин эса Ғарбий Европада ҳам бир неча асрлар давомида алгебра фанидан қўлланма бўлиб келган. Олим математика,

<sup>1</sup> Х.Жомбошиев, С.Хасанов. Хоразм-кўҳна маданият ўчоғи. 22-бет

<sup>2</sup> Ғ.Аҳмедов. Ўрта Осиёда математика ўқитиш тарихидан. Тошкент «Фан», 1977 йил, 17-бет.

астрономия муаммоларини тасвирий география билан боғлаб ўрганишга катта аҳамият берди. Халифа ал-Маъмун бу вақтда олимларга осмон ва жаҳоннинг батафсил харитаси-атласини тузиш тўғрисида топшириқ берган. Атлас тузиш иши билан қарийб 70 олим шуғулланган. Уларга Муҳаммад Хоразмий бошчилик қилган. Бу хариталар йиғиндиси “Маъмун дунё харитаси” номи билан юритилади. Ал-Хоразмий шу муносабат билан географияга оид “Сурат ал-арз” (“Ернинг сурати”) рисоласини ёзган. Китобда 537 жой номи, 203 тоғ номи, денгиз ва орол номлари, энг охирида эса дарёларнинг номлари келтирилган. 1894 йили Италия Фанлар академиясининг махсус комиссияси ал-Хоразмийнинг “Ернинг сурати” асарини текшириб, у асар ўз даврида қимматли қўлланма бўлганини таъкидлади. Ал-Хоразмий жўгрофия ва геодезия фанларига оид муҳим илмий изланишлар ҳам олиб борган. У барча астрономик кузатишларда фаол қатнашди ва бир неча (Византия, Афғонистон ва Волга қуйи оқимидаги Хазорияга бўлган) илмий сафарларга бошчилик қилган. Жумладан, 827 йилда ал-Хоразмий раҳбарлигида Ер Куррасининг катталигини аниқлаш мақсадида Ер меридианининг бир градуси ўлчаб чиқилди. Бунинг учун Месопотамияда шимолий кенгликнинг  $35^{\circ}$  ва  $36^{\circ}$  лари орасида чизикли масофа бевосита ўлчов чизмаси билан меридиан йўналишида аниқланиб, бурчак ўлчаш эса юлдузларнинг меридиан баландликларини кузатиш асосида бажарилган эди. Меридиан градуси узунлиги 56-3F3 араб милиясига, яъни ўрта ҳисобда 112 км га тенг қилиб олинган. Бу натижа анча аниқ бўлиб, ундан ташқари, ўлчаш усулининг ўзи ҳам катта илмий аҳамиятга эга эди. Шу тариқа ер меридиани бир градуснинг узунлиги ал-Хоразмий ўлчашларида 111815 метрга тенг. Ҳозирги замон ўлчашлари эса унинг 110938 метрга тенг эканини кўрсатади. Ал-Хоразмий риёзиёт, фалакиёт, геодезия муаммоларини математик жўгрофия, картографияни тавсифий жўгрофия билан боғлаб ўрганишга катта эътибор берди. Олимнинг жўгрофияга оид асари “Китоб сурат ал-арз” деб аталади. Бу лотинча “география” сўзининг арабчага айнан таржимаси бўлиб, арз - ер, графа - тасвирлаш, сурат дегани. Ал-Хоразмий бу асарини 836-847 йиллар орасида ёзиб тугатган.

Шундан 1037 йилда кўчирилган ягона нусхаси бизгача етиб келган. У 1878 йилда Қоҳира кутубхонасидан топилган бўлиб, 1883 йилда Страсбург (Франция) дорилфунуни кутубхонасига топширилган. Кўлёзма 96 саҳифадан иборат. Ал-Хоразмийнинг жўгрофий асари кириш сўзисиз, бевосита жадваллардан бошланади. Маълумки, ўрта аср табиатшунослари дунёнинг одамзод истикомат қиладиган обод қисмини “Муъмура”, “Руъби маскун” - “дунёнинг маъмур чорағи” деб атаганлар. Шулардан баҳс этгани учун бўлса керак, “Китоб сурат ал-арз” рисоласи билан “Расм ар-рубр ал-маъмур” (“Ернинг маъмур чорағининг расми”) деган ном билан ҳам машҳур бўлган. Шунингдек, ал-Хоразмийнинг “Китоб сурат ал-арз” китобнинг тўла номини “Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг Клавдий Птолемей “География” китобини асосида тузган шаҳарлар, тоғлар, дарёлар, ороллар ва денгизлардан иборат “Ер сурати” деб ҳам атаганлар. Ал-Хоразмий ўз асарини тузишда милоднинг I-II асрларида Мисрнинг Искандария шаҳрида яшаб ижод этган машҳур юнон олимни Клавдий II Птолемей (Батлимус Қалавзий - 90 йилда туғилган ва 170 йилларда вафот этган) нинг “Географиядан кўлланима” асаридан кенг фойдалангани маълум. Бироқ, ал-Хоразмий юкорида айтилганидек, Байт-ул-ҳикмадаги бошқа кўнлаб алломалардан фарқли ўлароқ, салафларининг фикр-мулоҳазаларини кўр-кўрона қабул қилавермас, балки уларга таъкидий кўз билан қарар эди. Масалан, ўша даврларда Птолемейнинг нуфузи шу қадар кучли бўлганки, унинг қариншари ўзармас қопун сифатида қабул қилинар, ҳатто, таъқим олимлар ҳам янги тоъларни илгари суришда унинг маълумотларига асосланишга уринишар эди. “Китоб сурат ал-арз” асарини ёзишга киришган ал-Хоразмий ўша анъанани инкор эди ва худди шу сабабли буюк олим Птолемей маълумотларини янгилай олди ва ҳақиқатга яқинлаштирди. Биринчидан, ал-Хоразмийнинг “Китоб сурат ал-арз” асари Птолемей “География”сига асосланган бўлса-да, ундан айнан кўчириб олинмаган, харитага қарабгина изоҳ тарзида ёзилган. Бошқа жиҳатлари билан ҳам ундан кескин фарқ қилади.

Иккинчидан, Птолемей ўз асарида дунёни Ғарбдан Шарққа томон тавсифлаган бўлса, ал-Хоразмий эса жадвалда жанубдан

шимолга томон, иқлимлар бўйича тавсифланган. Учинчидан, Птолемейда йўқ жўғрофий маълумотлар ал-Хоразмийда бор. Айниқса Кавказ, Марказий Осиё, Шарқий ва Шимолий Осиё тўлароқ ва аниқроқ тавсифланган. Хуллас, ал-Хоразмий мустақил ва ўзига хос йўл тутиб, қимматли жўғрофий қўлланмасини ярата билган. Бинобарин, 1894 йилда Италия Фанлар академиясининг махсус илмий ҳайъати ал-Хоразмийнинг “Китоб сурат ал-арз” асарини илмий текшириб, бу ўзига хос қимматли асар кўп асрлар давомида шарқда ва Ғарбий Оврўпада қимматли қўлланма бўлгани, у Птолемей “География” сидан тубдан фарқ қилишини исботлаб берди. Ана шу далиллардан кўриниб турибдики, авваламбор, ал-Хоразмийнинг “Китоб сурат ал-арз” асари материал жойлаштирилишига кўра Птолемей “География” сидан тубдан фарқ қилади. Юқорида айтилганидек, Птолемей маъмур чораги (Ойкумена)ни шимоли-ғарбдан, жануб ва шарққа йўналтиришда тавсифлайди ва бунда иқлимлар таълимотига асосланмайди. Птолемей Ойкуменанинг Оврүпо қисмини бирмунча ҳақиқатга яқин тасаввур қилган. Бироқ, у Скандинавия ярим оролни билмаган, балки шимол денгизидаги Скандинавия оролинигина билган холос. Птолемей Африканинг шимоли-ғарбий қисмини денгизда Испания чегарасига тиралган ўткир бурчак шаклида ифодалайди. Шимолий Африка унда ғарбдан шарққа қараб ҳаддан чўзиб юборилган. Яъни  $38^{\circ}9'$  ўрнига  $57^{\circ}15'$  га чўзилган. Натижада Ўрта денгиз  $62^{\circ}$  га чўзилган бўлиб, бу ҳақиқатдагидан  $20^{\circ}$  ортиқдир. Ал-Хоразмий эса Африкани ҳақиқатдагига анча яқинлаштиради.

Птолемей Осиёнинг Ўрта ер ва Қора денгизларига, Қизил ва Арабистон денгизларига ҳамда Форс кўрфазига ёндашган қисмларини бирмунча тўғри ифода этади. Бироқ, Осиёнинг ичкарасига узоқлашган сари Птолемей катта хатоликларга йўл қўяди. Орол денгизини у бутунлай билмаган, Окс (Аму) ва Яксарт (Сир) дарёларини Каспийга қўйилади, деб тахмин қилган. Каспийнинг контурларида ҳам у хатоликка йўл қўйган: уни шимолдан жанубга эмас, аксинча, ғарбдан шарққа чўзилган ҳолда ифодалаган. Ҳинди-Хитой ярим ороли жуда кичик қилиб тасвирланган.

Ал-Хоразмий Каспий денгизининг анча аниқлаштиради. Кавказ, Шарқ ва Марказий Осиёнинг топографиясига катта аниқликлар ва янгиликлар киритади. Умуман, олимнинг “Китоб сурут ал-арз” асарига 537 та шаҳар, 429 та тоғ, 316 та денгиз ва кўлтик, 265 орол, 56 мамлакат, давлат ва ўлка, 799 та дарё ва булоқ рўйхат қилинган. Жами 2402 та жойга изоҳ берилган, шулардан 936 тасининг номи кўрсатилган ва 1466 таси беном қолган. Ал-Хоразмий изоҳлаган дунё харитасининг ўзи сақланиб қолмаган. Аммо “Китоб сурут ал-арз” китобининг ичида тўрттагина худудий харита бор: Нил ҳавзаси, Ўрта денгиз, Живҳарлар ороли ва Кўл. Булар орасида, айниқса, Кўл харитаси қимматли. Чунки, бу аслида Азов денгизининг мукамал ва мураккаб манбалари-тоғлар, кўллар ва чашмалар кўрсатилган. Улар аниқ координаталарни белгиловчи рақамлар воситасида берилган, аммо ранглар билан ажратилмаган. Лекин, тоғлар таврифи жадвалда уларнинг ҳар бири турли рангда изоҳланади. Бугунги кунда эса ал-Хоразмий фан оламига ҳавола этган тоғлар ранги муаммоси билан космогеология фани шуғулланмоқда.

Ал-Хоразмийнинг “Китоб сурут ал-арз” асари ўрта асрдаёқ Шарқда ва Ғарбий Европа мамлакатларида жўгрофиянинг, айниқса, тавсифий ва математик жўгрофиянинг ривожланишига ниҳоятда катта таъсир этди. Ироқлик Сухроб Х асрнинг биринчи ярмида ал-Хоразмий асарини “Ётти иқлим китоби” номи билан ўз таҳрири асосида кўнайтиради. Ал-Хоразмий “Жўгрофия”сидаги шаҳарларнинг узунлама ва кенгламаларига хос айрим маълумотлар ал-Батонийнинг “Зиж” асарига ва XI асрда испаниялик араб астрономи аз-Зарқалийнинг “Тоledo жадваллари” га киритилган эди. Шунингдек, Венгер олими К. Цегледи “Дунай бўйи мамлакатларининг Хоразмийгача харитаси” ни ал-Хоразмийнинг жўгрофиясидан фойдаланган ҳолда тузди. 1983 йили шарқшунос олимлардан Жамол ал-Даббаҳ ва Ё. Розенфелрд ал-Хоразмийнинг “Китоб ат-тарих” тарихий асаринининг сақланиб қолган 144 та парчаларини рус тилига таржима этиб, нашр қилишди. П. Булгаков ва Б.Розенфелрд ушбу парчаларни Табрийнинг “Тарих-алқмулук ва –л-анбиё” асари билан солиштириб, ал-Хоразмий асари тузилиши жиҳатидан йилнома эканлигини аниқлашди.



Ал-Хоразмийнинг “Кито бат-тарих” асарида милоддан аввалги 312 йилдан то милоднинг 828 йилгача халифалик воқеалари ҳикоя қилинади. Шундай қилиб, Хоразмийнинг “Китоб-ат-тарих” асари халифалик тарихининг унчалик маълум бўлмаган тарафларини муҳим ҳаракатлар, халқ кўзғолонлари ҳақида муҳим хабарлар, фан ва маданият тарихига оид қимматбаҳо далиллар келтирилиди. Энди “Китоб ат-тарих”нинг ўрта асрлар тарихнавислигида тутган ўрнига қисқача тўхталадиган бўлсак, олимнинг бу асари бутун ўрта асрлар мобайнида Шарқ тарихнавислигига бевосита таъсир кўрсатиб келган. Шунга кўра, ал-Хоразмий ўрта аср тарихнавислигида анъанага асос солгани ва унинг илк вакилларида бири бўлгани шубҳасиздир. Ҳозирги замон тарих фани илк ўрта аср, Яқин ва Ўрта Шарқ тарихини ўрганишда кўпроқ Табарий билан ибн ал-Асирнинг маълумотларига, демакки, ал-Хоразмийнинг маълумотларига таянади. Шу вақтгача ал-Хоразмий асарига 141 марта мурожаат қилинган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, ал-Хоразмийнинг “Тарих китоби”дан ташқари “Қуёш соатлари ҳақида рисола”, “Мусиқа ҳақида рисола”, “Яҳудийларнинг эралари ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола” каби асарлари ҳам бўлган. Шундай қилиб, ал-Хоразмийнинг энг сермазмун ва сермахсул даври халифа ал-Маъмун даври бўлиб, у халифаликда биринчилар қаторида кундалик ҳаётда турли табиий-илмий ва ижтимоий фанларнинг кераклигини ва илмсиз ривожланиш бўлмаслигини тушуниб етган эди. У илм-маърифат инсон ҳаётини осонлаштиришини, унинг кундалик фаолиятида ёрдам беришини англаб етган донишманд эди. Ал-Хоразмий оламни билишга ингилиб, диний ва миллий ёки ирқий ютуқларини ўзлаштирган эди. У моддий олам ҳодисаларини талқин қилишда, ундаги қонуниятларни баён этишда фақат илмга ва тажрибага таянган. Ал-Хоразмий арифметикага доир “Ҳисоб ал-ҳинд” рисоласида айтади: “Мен ҳицдлар 9 та ҳарфдан (уларни ўзлари хоҳлаганларича жойлаштиришларига кўра) истаган сонларини тузишларини кўрганимдан кейин, ўрганаётганларга осонлик учун бу ҳарфлардан нима ҳосил бўлишини кўрсатишга азм қилдим”.

Ал-Хоразмий ўз илмий изланишларида инсонпарварлик ғояларига асосланиб инсон ҳолатини чиқариш ва унинг манфаати учун ижод этар эди. Ал-Хоразмийнинг қуйидаги сўзлари унинг дунёқарашини белгилаб беради. Алгебрага доир “Алжабр муқабала ҳисоби ҳақида қисқача китоб” асарида шундай ёзган: “Мен кишиларга ҳисоблашда нима кераклигини (текшириб) қараганимда, бунинг ҳаммаси сон эканлигини кўрдим”. Агар ал-Хоразмийнинг математикага оид иккала асари ҳам умуман олганда ҳисоб ва сонга тааллуқли эканлигини назарда тутсак, олим бу асарлари билан инсоннинг кундалик ҳаётида ҳисобга эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилганлигини англаймиз.

Ал-Хоразмий инсон тафаккурининг қувватига, кишиларнинг имкониятига ишонар ва ўз асарларини уларга бағишлар эди. У алгебрага бағишланган рисоласида: “Бу асарни ёзишдан мақсад - кишилар унга ўз ишқини қаратар деган умид”, эканлигини уқтиради. Демак, у инсоннинг кундалик ҳаётида ўз ақл-идроқи, тафаккур қувватига таянишга ундайди.

Ал-Хоразмийнинг инсонпарварлик ғоялари олимларнинг вакифаси ва бурчи, уларнинг инсоният олдидаги масъулияти ҳақидаги сўзларида ҳам намоён бўлган: “Ўтмиш даврларда ўтган халқларнинг олимлари фаннинг турли тармоқлари ва фалсафанинг турли бўлимлари соҳасида асарлар ёзишдан тийинмас эдилар. Бу билан улар ўзларидан кейин келадиганларни назарда тутардилар ва булар томонидан ўзларича сарф қилинган кучларига муносиб мукофот бўлар деган умид тутардилар ҳамда шон-шараф ва ёд тутиш билан мукофотланардилар, ростгўй лаблардан мактовлар айтилади, деб ишонардилар. Чунки, улар фаннинг сирларини очиш учун ўз бўёнларига олган қийинчиликлар ва меҳнатларини бунга арзимас деб биладилар. Улардан бири ўзидан аввалгилар қила олмаган ишларни амалга оширишда бошқаларидан ўзиб кетади ва уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қилиб қолдиради. Бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди ва бу билан қийинчиликларни осонлаштиради, ёпиқни очади, йўлни ёритади ва уни тушунарлироқ қилади ёки у айрим китобларда нуқсонлар тонагани ва сочилиб ётганини тўплайдиган одам бўлиб, у ўзидан

аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди”. Мутафаккирнинг ушбу таъкидларини илк ўрта аср даврида олимлар ва тадқиқотчилар учун умумий ахлоқ қоидаси (меъёри) деб қараш мумкин. Аввало, буюк олимнинг бундай ахлоқ дастури унинг дунёқарашини белгилаб беради. Шунинг учун бўлса керак, у ўз ҳаётини инсоният бахт-саодатига бағишлайди. Ал-Хоразмийнинг табиий-илмий, маърифий-педагогик қарашлари алгебра фанининг келиб чиқиши ва унга бағишлаб асар ёзиши сабабини баён этишда ҳам аниқ кўринади: “...мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи “Алжабр ва-ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”ни таклиф қилдим. Чунки, мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, хандаса ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир”. Демак, ал-Хоразмийнинг ушбу эътирофидан равшанки, рисола ҳаёт тақозоси туфайли вужудга келган. Ал-Хоразмийнинг илмий жасорати, башарият олдидаги буюк хизмати шундаки, у ўз асарлари билан замонасининг буюк математик, моҳир геодезист, ажойиб географ, забардаст астроном, етук тарихнавис олими ва мураббийси сифатида табиий-илмий фанлар, ёш авлод камолоти ва тафаккури, илм-фан равнақи учун хизмат қилди, инсониятнинг маърифий юксалишига катта ҳисса қўшди.

Алломанинг асарлари назарий-амалий ишлар билан узвий боғланган ўрта асрлар риёзиётининг ажойиб намунасидир. Ҳаётда табиий кучлар билан курашда инсонга кўмаклашиш, унинг оғирини енгил қилиш ал-Хоразмий асарларининг асосий мақсадидир. Унинг “арифметикаси” ва “алгебраси” ҳаммага бирдек қўлланма бўлган ва ҳамон инсоният тараққиётига хизмат қилиб келмоқда. Жаҳондаги ҳамма мактабларда арифметика ва алгебра ўргатилади. Ҳисоблашнинг ҳар хил машиналари, жумладан, электрон ҳисоблаш машиналари ал-Хоразмий тамойиллари асосида халқ хўжалигининг барча соҳаларида қўлланилмоқда.

Ал-Хоразмий бошлаган улуғ ишни унинг шогирдлари давом эттирдилар. У яратган математика мактаби Улуғбекнинг мате-

матика мактабига қадар етакчи ўрини эгаллади. Муҳаммад Хоразмийнинг жаҳон хазинасига қўшган салмоқли ҳиссаси бугун ҳам ардоқланмоқда. 1981 йилда Бутун жаҳон жамоатчилиги улуг аллома таваллудининг 1200 йиллигини тантанали нишонлади. Юбилей тантаналари алломанинг юрти - Хоразмда ўтказилиб, унда турли фанлар бўйича жаҳоннинг йирик олимлари қатнашдилар. ЮНЕСКОнинг қарорига мувофиқ 1981 йил Ал-Хоразмий йили деб эълон қилинди.

Ал-Хоразмий математика, геометрия, астрономия, тарих, география ва бошқа фанларга доир кўплаб рисолалар ёзган. Бизгача алломанинг 20 га яқин асарлари етиб келган.

\* “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала” (“Алжабр ва ал муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”), ал-Хоразмийнинг ушбу асари номидан “алгебра” атамаси пайдо бўлган. Рисола XII асрдаёқ латин тилига таржима қилиниб, “Algoritm” рисоласи номи билан бутун Европага тарқалган.

\* “Китоб фи ҳисоб ал-ҳинд” (“Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб”), Хоразмийнинг арифметикага оид ушбу рисоласи латин тилидаги таржимасининг фақат биригина нусхаси сақланган. Ушбу рисолада ҳозир биз ишлатадиган бирдан тўққизгача бўлган рақамлар ва нол ёрдамида исталган сонни ёзиш, улар билан арифметик тўрт амални бажариш, ўша рақамлар билан ифодаланган сонлардан квадрат илдиз чиқариш қоидалари илҳомлаб берилган.

\* “Китоб ал-жамъ ва-л-тафриқ” (“Қўшиш ва айириш ҳақида китоб”), ал-Хоразмийнинг иккинчи арифметик рисоласи мисрлик математик Абу Комил (850-930 й) қўлида сақланган ва ўзининг алгебрик рисоласида бир қисmini тўлалигича келтирган.

\* “Зиж ал-Хоразмий” ёки “Кичик Синдҳинд” Хоразмийнинг астрономик асари. Европа мамлакатларида “Астрономик жадваллар” номи билан машҳурдир. Асарни латин тилига 1126 йилда Аделард Баг таржима қилган.

\* “Китоб сурат ал-арз” - “Ернинг сурати” ёки “География”. Хоразмийнинг географик асари, яратилишига ўша даврда Бағдод халифалигида ўтказилган бир қатор географик илмий йиғинлар, жумладан, Хоразмий бошлиқ 70 нафар олим 840 йилда яратган “Маъмул дунё харитаси” номли атласнинг тузилиши ҳамда

кўпгина юнон олимларининг шу мавзуга оид асарларининг таржима қилиниши каби омиллар сабаб бўлган.

\* “Китоб ал-амал ал-астурлаб” (“Астурлоб яшаш ҳақида китоб”).

\* “Зара иф мин амал Муҳаммад ибн Мусо ал Хуаризми ма рифа ас-самат би-л-астурлаб” (“Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмийнинг астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида ажойиб ишлари”).

\* “Амал асса ат фи басит-ар-рухама” (“Мармар тахта юзасида соатларни яшаш ҳақида рисола”).

\* “Ма рифа тақвим самт ал-қибла аййи баладин шита” (“Хоҳлаган шаҳар қибласи азимутнинг йўналишини аниқлаш ҳақида”).

\* “Тулуъ азиматуни аниқлаш ва соат квадранти ҳақида рисола”.

\* “Рисала фи ма рифа авқат ас-салат” (“Намоз вақтларини аниқлаш ҳақида рисола”).

\* “Муҳкула, туғир, бинкам ва дулаб деб аталувчи соат асбоблари ҳақида рисола”.

\* “Рисала фи мар и ҳилал” (“Ҳилал кўриниши ҳақида рисола”).

\* “Мақала фи-истихраж тарих ал-йаҳуд ва а йадихим” (“Яҳудийлар календари ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола”).

\* “Китоб ат-та рих” (“Тарих китоби”) Ўз давридан олдинги вақтларда битилган тарих китобларининг йиғиндиси ва ўз даври тарихи билан мужассамлаштирилган рисола.

Буюк математик ватандошимиз ал-Хоразмий 850 йилда ўз ижод маскани бўлмиш Бағдод шаҳрида оламдан ўтган. Унинг илмий асарлари юнон, лотин, немис, инглиз, голланд, рус тилларига қайта-қайта таржима қилинган. Ал-Хоразмийнинг илмий фаолиятига буюк олим Абу Райҳон Беруний, шоир ва математик Умар Хайём юксак баҳо берганлар. Олимнинг илмий мероси ҳамон ўз қимматини сақлаб авлодлар олқишига сазовор бўлмоқда. Олимнинг 1200 йиллик тўйи жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Хива шаҳрида 1983 йилда нишонланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги бир талай илмий ўқув даргоҳлари, кўчалар олимнинг номи билан аталади.

## Ал-Хоразмий жаҳон олимлари ингоҳида

Алгебра номи билан аталган бу санъатнинг бошланиши Мусо ўғли Муҳаммад номи билан бевосита алоқадор.

*Ж.Кардано (1501-1576) италиялик буюк олим.*

\* \* \*

Илмий ижодиётнинг биринчи даврларида Европадаги ҳеч бир халқ Хоразмий эришган ютуққа эришишга қобил эмас.

*К.Наллино (XIX аср), италиялик олим.*

\* \* \*

Муҳаммад ал-Хоразмий Европага алгебра номини ва унинг асосий принципларини олиб кирди.

*Д.Ж.Смит, (1860-1944) инглиз олими.*

\* \* \*

Бутун IX асрнинг бирини ярмини “Хоразмий даври” деб аташ мумкин. Агар ўша даврдаги бутун аҳволни эътиборга олсак, у ҳамма даврларнинг ҳам энг буюк сиймосидир.

*Д.Ж.Сартон (1884-1956), америкалик олим.*

\* \* \*

Хоразмийнинг астрономик жадваллари Ғарбий Европадаги астрономик асарлар учун асос вазифасини ўтади.

*И.Ю.Кричковский (XX аср), рус шарқшунос олими.*

\* \* \*

Ҳисоблаш тарихида алгоритм, алгориғм, алгоритм сўзлари Ал-Хоразмий номидан келиб чиққан.

*Ж.Резно (1795-1867), Француз шарқшунос олими.*

\* \* \*

Ал-Хоразмий ҳозирги замон маъносидаги арифметиканинг асосчисидир.

*Герман Ганкель, немис олими.*

\* \* \*

Хоразмий ўз асарлари билан Шарқ ва Европа риёзиёт илмига асос солди.

*С.П.Толстов (1907-1976), рус шарқшунос олими, археолог.<sup>11</sup>*

<sup>11</sup> А.Саъдуллаев, А.Сотликов. Хоразм Маъмур академиясининг тарихий илдилари. Урганч, 2003 йил, 40-бет.

## 2.4. Абу Наср Мансур ибн Ироқ.

Ал-Хоразмийнинг издошларидан бири Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ астрономия ва тригонометрия фанларининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ибн Ироқнинг тақдири ўша давр илм-маърифат аҳли тақдирининг тажассуми эди. Ибн Ироқнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда кам учрайди. Унинг туғилган йили тахминан 961-965 йиллар<sup>1</sup> ўртасида, вафот этган йили эса 1018-1020 йиллар<sup>2</sup> деб кўрсатилади. Ибн Ироқ ҳақидаги маълумотлар асосан унинг шогирди Беруний асарларида сақланган. Берунийнинг Э. С. Кеннеди томонидан топилган “Сфера сиртида содир бўладиган нарсалар ҳақида астрономия илми калитлари китоби” (“Китоб мақолид илм ал-хайъа ма йаҳдису фи басит ал-кураш”) номли асарида устозини таърифлаб, Беруний унга юксак баҳо берган, унинг фикри теран, зехни ўткир, доно ва софдил, илмий мунозараларда одил ва ҳаққонийтли эканлигини таъкидлаган.<sup>3</sup>

Беруний эсдаликларида устозни қизгин ҳурмат билан хотирлаб, ўзга олимларнинг ишларига баҳо беришда одил ҳакам, шунингдек, ғоят камтар бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бу эса олимнинг қиёфасини ҳар томонлама ойдинлаштиришга имкон беради. Сақланиб қолган маълумотлар ва Беруний хотираларига қараганда, ибн Ироқ 995 йилга қадар Хоразмшоҳлар пойтахти бўлган Кат шаҳрида яшади ва ўзига шухрат келтирган илмий асарларини шу ерда яратди. Ибн Ироқ йигирмадан зиёд илмий асар қолдирган. Шундан 12 тасини олим шогирди Берунийга бағишлаган.<sup>4</sup> Олим математика, астрономия ва тригонометрияга доир илмий асарлари ва кашфиётлари билан Хоразмдагина эмас, балки кўпгина хорижий мамлакатларда машҳур бўлган. Шуни айтиш кифояки, фақат текис учбурчаклар эмас, балки сферик учбурчаклар учун ҳам синуслар теоремасининг дастлабки исботларидан бири шу олим қаламига мансуб. Абу Наср ибн

<sup>1</sup> Г.П.Матвиевская, Х.О.Тлалашев «О научном наследии астронома X-XI вв. Абу Насра Ибн Ирака в сб Историко астрономические исследования» вўп XIII. М.19977, стр 219-232.

<sup>2</sup> Э.Г.Касимова. Тракта Беруни о сферической тригонометрии. В. Сб. Беруни к 1000 летию со дня рождения. Тошкент, 1973 йил, 81-бет.

<sup>3</sup> Беруний туғилган куннинг 1000 йиллигига тўплам. Тошкент, 1973 йил, 230-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 230-бет.

Ироқнинг илмий ишлари ва кашфиётлари Беруний ва Насриддин Тусийнинг ўрта асрларда кенг тарқалган асарларида ҳам эслатилади ва юксак баҳоланади.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, ибн Ироқ жаҳонга машҳур математикларнинг асарларини араб тилига таржима қилиш ва шарҳлар ёзиш билан ўрта аср шарқ математикасининг шаклланишига ҳамда математика илмининг ривожланиш йўналишларини белгилаб беришга ҳам катта ҳисса қўшди. У Менелейнинг (I-II асрларда яшаган) “Сферика” номли асарининг ўзидан олдин шарқда қилинган таржималарида йўл қўйилган камчилик ва хатоларни бартараф этиб, қайта таржима қилди ва илмий шарҳ ёзди. Ибн Ироқ машҳур Менелей теоремасини шарҳлаш жараёнида биринчи марта сферик синуслар теоремасини исботлади. Олимнинг “Ислох китоб Маналус” асари келажақда Насриддин Тусий ва Муҳиддин Мағрибийнинг (XIII аср) асарлари орқали Европада тригонометриянинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.<sup>1</sup> Шуни ҳам алоҳида эслатиб ўтиш лозимки Менелей қаламига мансуб “Сферика” асарининг Ибн Ироқ томонидан ёзилган шарҳ орқали бизгача етиб келган. Ҳозир Ибн Ироқнинг бу рисоласи қадимги ва ўрта аср астрономия фани тарихида энг муҳим манбалардан бири саналади. Ибн Ироқ асосан сферик тригонометрия, сферик астрономия масалалари билан шугулланган бўлса ҳам, математика ва астрономиянинг бошқа масалалари унинг диққат тўғрисида бўлган. Хусусан, унинг “Синд Ҳинд муаллифларида тенглама шаклланишининг сабаблари ҳақида китоб”, “Иброҳим ибн Синонинг юқори планеталар тенгсизлигини тушунтириш китобини тузатиш ҳақида китоб”, “Ҳабашнинг эфемеридалар жаъваллари ёрдамида амалларни исботлаш ҳақида рисола”, “Абу Жаъфар ал-Хозин “Ассафоих зижи” да қўйган хатоликни тугатиш ҳақида рисола”, “Қанотли саратоний устурлоб ҳақида рисола”, “Геометриядан саволларга жавоб рисоласи” ва бошқа асарлари планеталар ҳаракати, ўзидан олдин ёзилган астрономик асарлардаги чалкашликларни тузатиш, уларни изоҳлаш, астрономик асбоблар ясаш каби масалаларга бағишланган.

<sup>1</sup> В.Аҳмедов. Абу Али ибн Синога замондош математик ва астрономлар. Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллигига тўғрама. Тошкент «Фан», 1980 йил, 108-бет.



Ҳозирги замон олимлари Ибн Ироқнинг мазкур асарларини математика ва астрономия фани тараққиётида буюк аҳамиятга молик иш деб баҳолашмоқда ва улардан кенг фойдаланишмоқда.

Буюк олим Ибн Ироқнинг сербарака ижоди, ишсониятнинг илмий тафаккури тараққиётида муҳим ўринга эга эканлигини алоҳида қайб қилиб ўтмоқ керак. “Яна бир аждодимиз Берунийнинг устози, Абу Наср ибн Ироқ математика ва астрономия соҳасидаги тенгсиз кашфиётлари билан “Иккинчи Птолемей” деган юксак унвонга сазовор бўлган”<sup>1</sup> деган эди муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов. Ҳақиқатан ҳам буюк аждодларимиздан бири Абу Наср ибн Ироқнинг фан тараққиёти йўлидаги хизмати ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

## **2.5. Буюк - Ватандошимиз Абу Райҳон ал Беруний жаҳонга донги кетган қомусий олим.**

Қадим Хоразм худудида туғилиб, вояга етиб, фан оламида қуёшдек порлаган урган аллома Абу Райҳон ал Беруний (973-1048) ўзининг сербарака ижоди билан Хоразм фанини, илм дунёсининг энг юксак даражасига олиб чиқди. У ўзининг илмий кашфиётлари ва тахминлари билан ўз давридан 500-600 йил ўзиб кетди ва қомусий ижоди билан жаҳон фани йилномасига унинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Абу Райҳон ал Беруний 973 йилнинг 4 сентябрида Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида (ҳозирги Беруний шаҳри) туғилган. Ёшлигидан илм оламига қизиққан Абу Райҳон болалигиданоқ илм сирларини эгаллашга интиланган. Бу ҳақда у шундай деб ёзиб қолдирган: “Мен болалик чоғимданоқ, имкони борича кўпроқ билим олишга интилдим. Бунинг далили сифатида қуйидагини келтириш кифоя: биз турадиган жойга бир юпон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб унга кўрсатиб ва бу нарсалар, унинг тилида қандай аталиши номини ёзиб қўяр эдим”<sup>2</sup> Абу Райҳон ёшлигидан илм олиш, ўз устида ишлаш туфайли буюк даҳо даражасига эришди. Унинг сиймосида

<sup>1</sup> Халқ сўзи рўзномаси. 2006 йил 3 ноябрь

<sup>2</sup> Д.Бобожонов. М.Абдураулов. Абдиқат фарзандлари. Хива. 2009 й. 16 бет.

Ўрта асрлар Шарқининг астрономи, географи, маъданшуноси, этнографи, тарихчиси ва шоири мужассамлашган. Беруний қалами остидан фаннинг турли соҳаларига оид жуда кўп йирик асарлар дунёга келди. Бу асарлардан унинг фан соҳаларини ниҳоятда яхши билган тадқиқотчи, фанда янгидан-янги уфқлар очган донишманд бўлганлигини яққол билса бўлади. Берунийнинг оламнинг тузилиши тўғрисидаги геоцентрик<sup>1</sup> ва гелиоцентрик<sup>2</sup> назарияларини бир қаторга қўйиши ўша даврда араб олимлари ўртасида ҳукм сурган Птолемей системасига нисбатан олға ташланган қадам бўлди.

Берунийшунос олим П. Г. Булгаковнинг маълумотига қараганда, Беруний Абу Наср раҳбарлигида риёзиёт ва фалакиётни ёшлигидан ўрганиб, 16-17 ёшларидаёқ Куёшнинг чошғоҳдаги баландлигини армила асбоби ёрдамида ярим даражагача аниқлик билан ўлчаган. Орадан 30 йил ўтгач, Беруний ёшлигида ўзи ўлчаб олган натижаларни таҳлил қилар экан, улар анчагина ишончли бўлганлигини таъкидлайди.

Беруний 21 ёшида эклиптика текислигининг экваторга оғиши миқдорини юзга аниқ ўлчаб, унинг  $23^{\circ}$   $35^{\circ}$   $45^{\circ}$  га тенг эканини топади. Бунда у ўзи тайёрлаган диаметри 7,5 метрли доирадан фойдаланади. Ёшлик йилларида у Куёш тугилишини кузатиш билан шугулланади. 22 ёшида Беруний фан тарихида биринчи бор Ер глобусини яратди.<sup>3</sup>

995 йилда Берунийнинг она шаҳри Кот (ҳозирги Беруний шаҳри)ни Гурганж амири Маъмун I қўшинлари истило этади. Хоразмда ҳокимлик қилиб турган офригийлар сулоласи ағдарилади. Бундай сиёсий воқеалар Берунийни ватани тарк этиб, Рай шаҳрига (ҳозирги Техрон яқинида) кетишга мажбур этади. Бу ерда у сарой мунажжими Абу Маҳмуд ибн ал-Хидр Хўжандий билан танишади. Берунийнинг сўзларига қараганда, Хўжандий само жисмларининг ҳаракатини ўрганишда

<sup>1</sup> Геоцентрик система-грек олими Птолемейнинг оламнинг ҳаракатсиз маркази ердир. Куёш, сайёралар ва бошқа барча самовий жисмлар ер атрофида айланади, деган ногўри назарияси.

<sup>2</sup> Гелиоцентрик система поляк олими Коперникнинг (Берунийдан беш асрга кейин яшаган) планеталар системасининг маркази куёшдир, барча планеталар куёш атрофида айланади деган назарияси.

<sup>3</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи, I-жилд. «Фан», Тошкент 1992 йил, 106-бет.

ишлатиладиган асбоблар фахрий секстант тайёрлаш соҳасида ўз даврининг ноёб билимдони бўлган.

998 йили Журжон (Каспий денгизнинг жанубий шарқий соҳили) ҳукмдори Қобус ибн Вушмагир Берунийни Журжон шаҳрига таклиф қилади. У саройда олий лавозимни рад этиб, илм билан шуғулланади. Ўздан олдинги авлодлар қолдириб кетган кўплаб китобларни ўрганади ва бизгача етиб келган, турли халқларнинг йил ҳисоблари ҳақидаги илк йирик асари “Осор ул-боқия ан ал-курунул холия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”)ни яратади. Унда юнонлар, римликлар, форслар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа кўплаб қабила ва халқларнинг барча даврлари, байрам ҳамда тақвимлари, шунингдек Шарқдаги турли мамлакатларнинг маданият ва адабиёт тарихи тўла баён этилган. Бу асарда Беруний ўзини нафақат элшунос олим, балки тилшунос, араб, юнон, форс, сурёний ва бошқа тил ҳамда адабиётларнинг билимдони сифатида намоён эта олган. 1004 йилда Маъмун II нинг таклифига биноан Беруний ватанига - Хоразмнинг пойтахти Гурганж (ҳозирги Кўхна Урганч) га қайтади. Бу ерда буюк олимлар йигилган эди.

Беруний Маъмун II нинг саройида Хоразм олимларини уюштириб, Маъмун академиясини барпо этади. Бу ерда машҳур ҳаким Абу Али ибн Сино (Хоразмда 12 йил яшаган), Мискавайх, файласуф Абу Сахл Масихий, математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ, таржимон, файласуф ва ҳаким Абул Хайр ибн Ҳаммор, адиб ва шоир Абу Мансур ас-Саолибий, Зайниддин Журжоний ва бошқа ўнлаб олимлар, шоирлар, тарихшунослар бўлиб, улар илм-фаннинг турли соҳалари тараққиётига катта ҳисса бўлиб кўшилган ажойиб асарлар яратдилар.

Маъмун академияси хусусида шуни қайд этиш лозимки, унинг таркибида ўз даврининг етук олимларидан 300 га яқин киши тўпланган бўлиб, улар фаннинг турли соҳаларида баракали ижод қилганлар. Академиянинг астрономик кузатишларга мослашган бир неча таянч нуқтаси ва катта шифохонаси ҳам бўлган. Академияда Беруний ва Абу Наср бошчилигидаги астроном, математиклар гуруҳи тўхтовсиз кузатишлар, тадқиқотлар олиб борганлар. Хусусан, Абу Наср “Зиж аз Шохий”, “Шарқ ал Мажитий” ва бошқа асарларини Хоразмда

ёзган. Беруний ҳам ўз “Геодезия”сининг қўлёзма нусхасини Гурганжга келиб баъзи кузатишларни лиҳоясига етказгач ёзиб туғатади. Беруний ўз “Геодезия”сида Гурганжда 1004-1017-йиллар орасида ёзган ўз асарларининг кўпчилигини эслатиб ўтади. Улар орасида “Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар” номли 250 варақдан иборат асар ҳам бор. У олимнинг ватандоши Муҳаммад ал Хоразмийнинг “Зижи Хоразмий” билан боғлиқ яна икки асарини Гурганжда ёзган. Биринчиси “ал Хоразмий “Зижи” даги амалларни исботлаш билан унга қилинган бўҳтонларни кетказиш” деб аталиб, у 360 варақ бўлган. Асарда у Абу Талха деган олимнинг Хоразмийнинг “Зижи Хоразмий” асарига ёғдирган бўҳтонларни рад этган. Иккинчи асари “Абул Ҳасан ал Ахвизий ва ал Хоразмий қарашларининг ўртаси ҳақида китоб” бўлиб олимнинг энг йирик асарлари сирасига киради. Унда олим IX асрдаги астроном Абул Ҳасан ал Хоразмийнинг ноўрин танқидини рад этади. Абу Райҳон Беруний Хоразмшоҳ саройида катта обрўга эга бўлиб, Маъмунийнинг яқин маслаҳатчиси даражасига етган эди<sup>1</sup>. Бирок, Маъмун академиясининг умри қисқа бўлди. 1017 йилда Хоразм йирик феодал истилочиси, улкан, лекин қисқа давр яшаган империя асосчиси Маҳмуд Ғазнавий қўл остига ўтди. Маҳмуд Ғазнавий машҳур олимларни ўз мамлакатининг пойтахти Ғазна шаҳрига (ҳозирги Афғонистон ҳудудида) олиб кетди. Шу вақтдан эътиборан Беруний Ғазнада фан билан шуғуллана бошлайди ва фаннинг турли соҳаларини оғаллайди. Беруний ҳинд юришларида Маҳмуд Ғазнавийга мажбуран ҳамроҳлик қилади. Ҳиндистонда узок вақт бўлиш олимга ҳинд халқини, унинг тарихи, маданияти, фанини ўрганиш имконини беради. У санскрит тилини ўрганиб, қадимги юнон асарларидан бир қанчасини, жумладан, Евклиднинг “Асослар”ини ва Птолемейнинг “Ал-Мажистий” асарини шу тилга таржима қилади ҳамда астрология ҳақида ўз асарини яратади.

Беруний Ҳиндистоннинг маданий меросини пухта ўрганиб, “Ҳиндистон” номли ажойиб асар яратади. Унда ҳинд фалсафаси тарихи, фани, жўғрофияси, аҳолисининг этник таркиби, унинг

<sup>1</sup> Ф. Расулова, Т. Дўстжонов, С. Хасанов. Хоразм Маъмун академиясининг олис яқин юлдузлари. Т. 2005 й. 301 бет.

урф-одатлари, расм-русумлари, диний эътиқодлари ҳақида кенг маълумотлар тўпланган.

Берунийни ҳақли равишда барча даврларнинг энг йирик хиндишунос олимларидан бири, деб атайдилар. Берунийнинг Захау томонидан нашр этилган “Ҳиндистон” деган ажойиб асари муаллифнинг тасвир этилаётган ўлка тилини ва урф-одатларини, санскрит тилидаги ғоят бой илмий адабиётни, Ҳиндистон жўғрофияси ва тарихини чуқур билганидан далолат бериши билан бирга, Ҳинд халқининг маданияти ва маъанавиятини ҳам чуқур эгаллаганлигидан далолат бериши билан бирга, тарихий-этнографик тадқиқотнинг ажойиб намунаси ҳамдирки, Ўрта асрларда бу борада ёзилган асарлар ичида унга тенг келадигани йўқ.<sup>1</sup>

Берунийнинг “Хоразм тарихи” асари бизгача етиб келмаган. Байҳақийнинг асарида Берунийнинг сана ҳисоби тўғрисидаги рисоласида ундан парчалар келтирилган, холос. Мавжуд парчаларга қараб муҳокама юритганимизда ҳам, қадимий Хоразм тарихини ёритишда бу ғоят аҳамиятга молик асар бўлганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Рус христианликни қабул қилмасдан бурун у ерда рўй берган воқеаларда Хоразм қандай роль ўйнаганлигини Берунийнинг “Хоразм тарихи” асарида ёритганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўрта аср тарихчилари Марвазий ва Авфий асарлари орқали бизгача етиб келган.

Берунийнинг Ўрта Осиёда VIII асрда рўй берган энг йирик халқ ҳаракатларидан бири – Муқанна кўзғолонига атаб ёзган махсус тарихий асари ҳам бизгача етиб келмаган. Ўз асарларида Беруний фақат улкан олимгина эмас, балки буюк инсонпарвар, ирқий ва диний хурофотларга қарши курашчи сифатида ҳам гавдаланади. У Маҳмуд Ғазнавийга буткул боғлиқ эканига қарамай, унинг диний мутассиблигини, қабоҳатини кескин қоралайди. Унинг фикрича, шулар туфайли Ҳиндистоннинг маданий бойликлари барбод бўлди. Аллома бундай ёзади: “Маҳмуд Ҳиндистонга юриш қилиб, кўпгина кишиларни ҳалок этди. Ҳинд мамлакатларида киргинлар қилиб, машхур афсоналардаги сингари уларнинг кулини кўкка совурди, ниҳоят

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 284-бет.

улар ҳамма ёққа сочилиб кетди, қолганлари эса жуда ҳам нафратланиб мусулмонлардан узоқлашишга тушдилар”.<sup>1</sup> Унинг нуфузли кишиларга танкидий муносабати ҳам диққатга сазовордир.

1025 йилда Беруний “Аҳоли турар жойлари оралигидаги масофани аниқлаш учун жойлар чегарасини аниқлаш” номли наватдаги асарини ёзиб тугатди. Бу асар ҳозир қисқача “Геодезия” деб юритилади. Унда ўзи кузатган, замондошлари ва қадимги муаллифлар томонидан фалакиёт, геодезия, геофизика, жуғрофияга оид синчиклаб ўрганилган, таҳлил этилган ва танкидий таҳлилдан ўтказилган қимматли маълумотлар тўпланган. 1030 йили Маҳмуд Ғазнавий вафотидан кейин ҳокимият унинг ўғли Маъсудга ўтди. У ҳокимиятни 1041 йилга қадар бошқарди. Бу даврда Беруний фан билан шуғулланишга кенг имконият яратган Султон Маъсудга бағишланган. “Ал Қонун ал-Масъудий” номли улкан қомусий асар яратди. Бу асар унга Ўрта аср шарқида катта шухрат келтирди. “Ал-Қонун ал-Масъудий” асари фалакиёт, риёзиёт ва жуғрофия тарихида ажойиб саҳифани ташкил этади. Нақл қилишларича, бойлик илмий ижодга ҳалал бериши мумкин, деб ҳисоблаб, Беруний Султон Маъсуд берган қимматли мукофотни ҳам олмаган экан.

Маъсуднинг вориси Султон Мавлуд даврида ( 1041-1048 йиллар), ҳаётининг сўнгги йилларида Беруний Ғазнавийнинг кудратли салтанати қулашининг шоҳиди бўлди. Ўша даврда у иккита улкан асар: минералогия ҳамда доришуносликка оид “Сайдана” асарини ёзади, лекин тугалланмай қолади. “Китоб ал-жамоҳир фи маърифий ал-жавоҳир” (“Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами”) асари ҳозир қисқача “Минералогия” деб юритилиб, унда кўпгина минералларнинг тавсифи: уларни аниқлаш усуллари баён этилиб, фойдали казилма бойликлар конлари ҳақида маълумотлар берилади. Мазкур асар минералогия бўйича анча кейин ёзилган асарларга, хусусан XII аср олими Абдурахмон Хазинийнинг “Ақл тарозуси” деб номланган машҳур рисоласига катта таъсир кўрсатади.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 109-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 109-бет

Берунийнинг сўнги асари – “Доривор ўсимликлар ҳақида китоб” (“Китоб ас-сайдана фи-т-тибб”) ёки қисқача “Фармакогнозия” хомаки нусхадан иборатдир. Бироқ, шу ҳолида ҳам у ботаника, зоология, минерология, жугрофия тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун жуда қимматли маълумотларга эга қўлланмалардир. Асарда доривор ўсимликлар ҳақида бой маълумотлар тўпланган, уларнинг турли тиллардаги номлари келтирилган, дори-дармон олинадиган ўсимлик ва ҳайвонот хом ашёси ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар мавжуд.

Абу Райҳон Беруний 1048 йилда Ғазнада вафот этди. Беруний қолдирган илмий мерос жуда баракали. Ўрта аср муаллифларидан бири XIII аср араб сайёҳи ва жугрофиони Ёкут Ҳамавийнинг шаҳодат беришича, Берунийнинг фалакиёт, мантик, фалсафага оид асарлари рўйхати майда ёзувда 60 варақни ташкил этган. Унинг турли билим соҳаларига оид асарларининг қайта тикланган рўйхати бўйича олимнинг турли ҳажмдаги 150 дан ортиқ асарлар ёзганлиги маълум. Шундан қарийб 30 тагина асари сақланиб, бизгача етиб келган ҳолос.

“Бу улуг ватандошимиз (Беруний) математика ва астрономия, геодезия ва фармакология, кимё ва ботаника, география ва этнография, тарих ва фалсафа каби фан соҳаларида, – деган эди муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов, – 150 дан зиёд асар яратиб, на фақат ўз даври, балки бугунги юксак технологиялар асри учун ҳам ғоятда қимматли кашфиётларни амалга оширганини барчамиз яхши биламиз”.<sup>1</sup> Шундай қилиб, европалик илмий кашфиётчилардан 500-600 йил муқаддам Беруний фалакиёт, риёзиёт, геодезия, маъданшунослик, доришунослик ва бошқа соҳаларнинг ривожига ўзининг бекиёс ҳиссасини қўша олган олимдир. Дунёнинг бепоёнлиги ҳар бири алоҳида қонуниятларга бўйсунувчи бошқа дунёларнинг мавжудлиги тўғрисидаги фикрлари билан Беруний поляк олими Николай Коперникдан йил ва ўз даврининг олимларидан бир неча асрга илгарилаб кетган эди. Беруний катта сув (океан)нинг нарёғида яна битта қитъа мавжудлигини ҳақидаги илмий фарази билан европаликлардан 450 йил илгари янги қитъанинг

<sup>1</sup> Халқ сўзи рўзномаси 3 ноябр, 2006 йил.

борлигини айтиб берди ва бу китъа Америка қитъаси бўлиб чиқди. Маълум бўлаётирки, Беруний ўз даврининг ажойиб фаол тадқиқотчи ва кашфиётчи олими эди. Ўрта аср табиий-илмий фанлари ҳақида фикр юритар эканмиз, Берунийнинг жўғрофия, геология, геодезия, минералогия, математика, физика, хусусан, фалакиёт соҳасидаги илмий ишлари табиат сирларини очиши, инсонни ўраб олган ҳодиса ва воқеалар тўғрисидаги табиий-илмий билимларнинг ривожланишида беқиёс аҳамиятга эга. Берунийнинг табиий - илмий ютуқларидан бири шундаки, у Ернинг марказ эмаслиги, унинг Куёш атрофида ҳаракат қилиши ҳақидаги гелиоцентрик тўғри илғари сурди. Берунийнинг бу илмий хулосаси ўша даврдан 500 йил ўтгандан кейин улуғ астроном Коперник томонидан илмий асосда тасдиқланди. Беруний Абу Али ибн Сино билан қилган мунозарасида коинотдаги сайёралар, шу жумладан, Ер ҳам ўзаро тортишиш кучига эга, деган хулосага келди. Берунийнинг бу назарий хулосалари XVIII аср бошида илмий жиҳатдан асосланди. Унинг табиий-илмий қарашларига кўра, Ер шарсимон бўлиб, бу кун билан туннинг, ёз билан қишнинг алмашишига сабаб бўлади. Беруний томонидан риёзиёт асосида Ернинг диаметри ва айланасини, шунингдек, жойлар кенглигини ҳамда Ердан ёритгичларича бўлган масофани аниқлаш бўйича константа (доимий сон)нинг чиқарилиши ўрта асрлардаги, шубҳасиз, энг катта ютуқ эди. Демак, Берунийнинг ўз давридаги ва кейинги олимларга илмий таъсири жуда кучли эди. Шунинг учун ҳам Берунийни замондошлари ва кейинги асрларда яшаб, ижод қилган Шарқ мутафаккирлари ва Европа олимлари ҳам ҳали ҳамон ўзларининг устозлари деб тан олмоқда.

Берунийнинг маърифатпарварлик ва олимлик фаолиятини юксак баҳолаб, буюк хоразмшунос олим С. П. Толстов шундай ёзади: “Улуғ бунёдкор Беруний фаннинг бир қатор ҳал қилувчи масалаларида ўз давридан беш юз йил, балки ундан ҳам кўпроқ олдинга кетган”. Беруний илм-фан тарихида биринчи бўлиб илмий ҳақиқатни, фанни хурофотлар ва бидъатлар таъсиридан қутқариш ҳақидаги таълимотини яратди. Унинг бу илмий таълимоти тажриба усули билан аниқ текширишга асосланган эди.



Беруний ёшларни илмга ўргатиш жараёнида ақлга ва тажрибадан ўтган билимга таяниш лозимлиги тўғрисидаги гоёни илгари сурган ҳолда, болалар билиши ва ўрганиши лозим бўлган фанларни ҳақиқий фанлар (тил, адабиёт, фалсафа, тарих, этнография, шеърят, психология, математика, физика, география, геодезия, фалакиёт, химия, минералогия, тиббиёт) га бўлади. Бу фанларнинг ҳар бирига ўз давригача бўлган билимларни умумлаштириб, ўзининг янги хулосалари билан катта ҳисса қўшади. Жумладан, Беруний умуман тил, тил илми ҳақида гапириб, тил кишилар ўртасидаги алоқа ва фикр алмашуви воситасигина эмас, балки тил илми барча фанларнинг асосини ўрганиш калити, дейди. Шуниси характерлики, Беруний тилнинг пайдо бўлиши, улар ўртасида тафовут ҳамда сўзлар этимологияси, атамаларнинг имлоси, атама ва ибораларда синоним ва омонимика ходисалари, турли тил атамаларида семантик маъно ва шунга ўхшаш бир қатор муаммолар устида тўхталиб, ўз даври учун илгор фикрлар билдирган.

Олим ана шу фикр-мулоҳазаларига доир ўз қарашларини баён этади. Айниқса, у “Минералогия” асарининг кириш қисмида тилда янги сўз атамаларининг ҳосил бўлиши масаласини қандай тушунганлигини ёритиб беради. Шунингдек, олимнинг “Геодезия” асарида ҳам тил ва тафаккур масалаларига оид ажойиб маълумотлар бор. Айниқса, мутафаккирнинг “Ҳиндистон”, “Сайдана”, асарларида тил ва тафаккур масалалари юзасидан айтган фикрлари ҳамон ўз қийматини йўқотмаган. Беруний тиллар ўртасидаги фарқ турли халқларнинг у ёки бу урф-одати, удумидаги тафовутлар ва географик шарт-шароитлар билан боғлиқ, деб тушунтиради.

“Тиллар ўртасидаги тафовут, - деб ёзади мутафаккир, кишиларнинг халқларга бўлиниши ҳамда уларнинг бир-биридан узоқда яшаганлиги билан боғлиқдир”. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Абу Райхон Беруний бундан минг йил олдин Ҳиндистонда бўлиб, унинг тарихи, маданиятини ўрганиш учун қадимги ҳинд ёзуви - Санскритни ўрганиб, ўзининг машҳур “Ҳиндистон” асарини ёзган. “Ҳиндистон” ҳажм жиҳатидан жуда катта асар бўлиб, унда ҳинд адабиёти, фалсафаси, аниқ фанлар, география, элшунослик, қонун ва урф-одатлар, дин, тарихий-

диний ривоятлар, ҳинд ёзувининг турлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу асар билан яқиндан танишган йирик ҳинд динлар арбоби Жоваҳарлал Неру шундай деган эди: “Беруний юнон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит тилини ўргана бошлади. Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини мавжуд бўлган умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик материални қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом этдирганликларини кўрсатиб беради. Икки орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бўлиб турган пайтларда ҳам, Беруний бегона одам бўла туриб, бу ўлка кишилари аҳволини тушутиришга ҳаракат қилади”<sup>1</sup>.

Беруний илм-фаннинг ҳамма соҳаларини яхши билган қомусий олим. Аллома ўзининг ўлмас асарлари билан фалсафа, астрономия, геодезия, география, тарих ва бошқа фанларга салмоқли ҳисса қўшган. Абу Райҳон Беруний ўша даврнинг буюк аъломаларидан бири Абу Али ибн Сино билан Турғанажда турган пайтларида қилган ёзишмалари бунга мисол бўла олади. Икки буюк сиймонинг ўзаро ёзишмалари, савол - жавоблари ва эътирозлари аке этган хатлардан 18 таси бизгача етиб келган. Бу ёзишмалар унинг табиат фалсафаси ва физика масалалари билан ҳам қизиққанлигини кўрсатади. Бу савол - жавобларда икки ўлмас даҳонинг фазо, иссиқнинг иссиқдан кенгайиши, нурнинг аке этиши ва синиши каби масалаларда илмий мунозара олиб боргашлар.

### Ал-Беруний жаҳон олимлари нигоҳида

\* Ўрта аср ва янги замон муаллифларидан ҳеч бири ҳам Ҳинд маданиятининг чигал масалаларини чуқур илмий руҳда тушунишида Абу-Райҳон Муҳаммад Беруний эришган ютуқларга эриша олмади.

*Ҳамид Раза, (XX аср) Ҳинд олими.*

\* \* \*

<sup>1</sup> Д. Бобоҷононов, М. Абдураҳмонов, Абдиқадир фарзандлари. Хива. 2009 й. 20-бет.

\* Беруний илк Ўрта аср олимларининг буюгидир. Қадимги Шарқнинг энг порлоқ маданиятидан бири бўлган Хоразм маданиятининг минг йиллик тарихи унда мужассамлашган.

*С.П.Толстов, рус шарқиунос олими, археолог.*

\* \* \*

\* Бу киши (Беруний) суҳбати ширин, хунмуомала, ширинсухан, ифбат-номусли, замона илм ва ақлда унга тенг келадиган бошқа одамни кўрмади.

*Ёқут ал-Ҳамавий, (XIII аср) араб сайёҳи ва географи.*

\* \* \*

\* Бу одам (Беруний), илм-одобда, нарсаларнинг моҳиятини аниқлашда, хандаса ва фалсафада шу қадар билимдон эдики, унинг замонида унга тенглашадиган ҳеч ким йўқ эди.

*Абу-Фазл Байҳақий, (XI аср) Ҳазнавийлар тарихчиси.*

\* \* \*

\* Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва Ўрта асрлардаги бутун илмий адабиётида бунга тенг келадиган асар йўқ.

*В.Р.Розен, (XX аср) рус олими, “Ҳиндистон” асари ҳақида.*

\* \* \*

\* Беруний буюк ақл эгаси ҳамда толмас меҳнатсевар, ўз давридаги илм-фаннинг деярли барча соҳаси бўйича қалам тевратган илм-соҳиби бўлган.

*И.Ю.Крачковский, (XX аср) рус шарқиунос олими.*

\* \* \*

\* У араб адабиёти уммонида ягона қоядир. Ҳиндшуносликда Берунийга тенг келадиган кишини на илгари ва на сўнги вақтларда ўтганини билмаймиз.

*Э.Захау, (XIX аср) немис шарқиунос олими*

\* \* \*

\* Минераллар солиштирма оғирлигини дастлабки аниқ ўлчаш, шубҳасиз Берунийнинг жуда катта хизматидир.

*Г.Г.Леммлейн, (XX аср) рус олими.*

\* \* \*

\* Дунё фанининг тарихида XI асрнинг биринчи ярмини “Беруний даври” деб аташ лозим.

*Г.Ж.Сартон, (XIX аср) Америка олими.*

\* \* \*

\*“Беруний геология ва минералогия фанларининг назарийтчиси ва асосчисидир”.

*Ҳ.А.Абдуллаев, (XX аср) ўзбек олими, академик.*

### Беруний ҳикматлари

\*Донишманд ва олимлар ахлоқидан таълим олиш яхши хулқни тиргизади, ёмонликни йўқ қилади.

\* \* \*

\*Кичик нарсага эътиборсиз қарама, унинг фойдали ўрни бор, қага, керакли жойи бор.

\* \* \*

\*Подонлик бедаво дарддир.

\* \* \*

\*Помуродларни камситма

\* \* \*

\*Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

\* \* \*

\*Тил сўзловчи истагини эшитувчига етказадиган таржимондир.

\* \* \*

\*Яхшилик-жамика одамларга яхшилик қилмоқдан иборатдир.

\* \* \*

\*Тенглик ҳукм сурган жойда ашдамчи эҳтирослар, гам-ғусса бўлмайди.

\* \* \*

\*Ёмонликнинг шаҳобчалари кўп бўлса, уларнинг асоси таъма, таъаб ва пилмсизликдир.

\* \* \*

\*Билиминг шундай нарсаки, у яланғоч бўлганида ҳам ўзини қолади, ҳаммомга кирсанг сув билан ювиб бўлмайди.

\* \* \*

\*Билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир.

\* \* \*

\*Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақлидир.

\* \* \*

\*Ҳар бир инсоннинг кадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

\* \* \*

\*Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонини йўққа чиқаради.

\* \* \*

\*Ёлгончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради.

\* \* \*

\*Одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар. Улар илм ва хунар туфайли ёвузликдан халос топадилар. Шунинг ўзи энг катта фойда, энг катта давлат эмасми.

\* \* \*

\*Сўз, тил ёрдамида ҳамма нарсага эришса бўлади.

\* \* \*

\*Инсоннинг асосий бурчи ва вазифаси меҳнатдир, исталган нарсага меҳнат орқали эришилади.<sup>1</sup>

## 2.6. Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад Сухайлий-Хоразмий.

Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад Сухайлий-Хоразмий Хоразмда тугилган. 1027 йилда вафот этган. Шоир, олим, етук сиёсатшунос. Абу Али ибн Синонинг дўсти. У Хоразмшоҳнинг вазири бўлган. Маҳмуд ибн Муҳаммад Исломиёнинг “Хоразм тарихи” ва Саолибийнинг “Ятима ул-дахр” номли асарларида баён қилинганидек, вазирининг ўғли ва вазир бўлишига қарамай, илм-фан муҳиби, шоир, адиб ва олимларга нисбатан муруватли бўлган. Ибн Сино Бухородан Гурганжга келгач, икки олим ўртасида дўстона илмий алоқалар бошланган. Жумладан Абу Али ибн Сино ўзининг “Китоб қиём ул-арз фи васат ис-само” (“Ернинг осмон ўртасида туриши ҳақида китоб”) ва “Дафъ ул-мазор ил куллия анил аблан ал инсония бит тадорикки анвоъя хато ит тадбир” (“Инсон аъзосида ҳар хил хато даволаш орқасида пайдо бўлган барча зарарли таъсиротларни йўқотиш”) номли китобларини Абул Ҳусайн Аҳмадга бағишлаган. Маҳмуд Ғазнавийнинг Хоразмга босқинидан (1017 й) сўнг, Абул Ҳусайн

<sup>1</sup> А.Саъдуллаев, А.Сотликов, Хоразм Маъмуи Академиясининг тарихий илтифлари. Урганч. 2003 йил. 72-75 бетлар.

Ахмад 1019 йилда Ироққа кўчиб кетади ва Бағдод яқинидаги Юқори Тикрит, Дужайл шаҳарларида яшайди.

## 2.7. Абу Абдуллох Хоразмий.

Ўз қомусий ижоди билан Шарқ ўрта аср маданиятини юксак чўққилар сари кўтаришда муносиб ҳисса қўшган улуғ алломалардан яна бири Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Ахмад ибн Юсуф ал-Хоразмийдир. Алломанинг ҳаётий фаолиятига оид маълумотлар деярли сақланмаган. Абу Абдуллох Хоразмийнинг қачон, қаерда туғилганиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Фақат 997 йилда вафот қилганиги маълум ҳолос. Олим фаолиятининг машҳурлиги Сомониийлар салтанати даврида вазир Абул Ҳасан Утбий хузурида котиблик лавозимида ишлаган пайтига тўғри келади. У даврда аллома “Ал-котиб ал-Хоразмий” номи билан шухрат топди. Вазифа нуқтаи назаридан Бухорога тез-тез бориб турган ва у ерда машҳур илм намояндилари билан учрашиб турган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Абу Абдуллох Хоразмийнинг илмий дунёқараши ўша даврда кенг тарқалган юнон фалсафаси ва маданияти, Шарқ маданиятининг буюк намояндалари Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндик, Абу Наср ал-Форобий, Абу Бакр ар-Розий ва бошқаларнинг илгор ғоялари таъсири остида шаклланиди ва камол топди. Улуғ алломадан бизгача араб тилида ёзилган ягона “Мафютих ал-Улум” (“Илмалар қалити”) асари етиб келган ҳолос. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари кўп эмас. Яқин-яқинларгача унинг фақат тўрттагина нусхаси борлиги ёзма ахборотларда маълум қилинган. Ана шу тўрт нусханинг учтаси Буюк Британиядаги музейда 7528, 2342 ва 2524 рақамлари ҳамда 1051 рақами остида Берлин кутубхонасида сақланади. 60-йилларга келиб олим К.Босворт Туркия кутубхоналарида мазкур асарнинг яна олти нусхаси борлигини аниқлади. Бу асарнинг барча олти нусхаси ҳам Истанбул шаҳрининг кутубхоналаридан жой олган. Бир нусхаси Фотиҳ Миллий кутубхонасида 2047 рақами, Нури Усмоғия кутубхонасида 3667 рақами ва тўрт нусхаси Сулаймония халқ кутубхонасида 2911, 329, 3758 ва 791 рақамлари остида сақланмоқда.

<sup>1</sup> Ўша жойда

Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ушбу асарини 1160 йилдаги қўлёзма нусхаси остида биринчи ўрганган ва унинг аниқланган матнини матбуотда 1895 йилда нашр қилган олим-голланд шарқшуноси Ван Флотендир рус академиги И. Ю. Крачковский бу асрни 976 ва 991 йиллар оралиғида яратилган деб ҳисоблайди. Дунёдаги жуда кўп олимлар “Мафотих ал-улум” асарини қомусий асар сифатида баҳолаб, унга жуда катта эътибор берганлар. Бу асар шу пайтга қадар Х.Хаджожам томонидан фақат форс тилига тўлиқ таржима қилинган, бошқа тилларга эса унинг фақат айрим бўлим ёки боблари ағдарилган ҳолос (инглиз, француз, немис, рус ва бошқа тилларда), ватандошимизнинг бутун жаҳон тан олиб қизиқиб ўрганаётган бу қимматбаҳо асари унинг ўз юртида ўзбек тилига таржима этилганлиги қувонарли ҳолдир.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Илмлар калити” асарида ўша даврдаги деярли ҳамма асосий фанлар бўйича фикр юритилади. И. Ю. Крачковскийнинг фикрича, “бу асар ўша давр билимларининг барча соҳаларини ўз ичига камраб олувчи изоҳли терминологик луғатдир”. Мутафаккир ўз даври анъаналарига кўра, илмларни икки қисмга бўлиб текширади.<sup>1</sup> Биринчи қисм шариат ва у билан боғлиқ бўлган араб илмлари ва иккинчи қисм - араб бўлмаган, яъни юнонлар ва бошқа халқлар илмлари. Араб илмлари қисмига мутафаккир: ўн бир бобдан иборат фикҳ, етти бобдан иборат калом, ўн икки бобдан иборат грамматика (сарф ва навх), саккиз бобдан иборат иш юргизиш, беш бобдан иборат шеърият ва аруз, тўққиз бобдан иборат тарихни киритади. Иккинчи қисмга, яъни “араб бўлмаган” халқлар илмларига олим: уч бобдан иборат фалсафа, тўққиз бобдан иборат мантик, саккиз бобдан иборат тиб, беш бобдан иборат арифметика, тўрт бобдан иборат ҳандаса, тўрт бобдан иборат илму - нуҷум, уч бобдан иборат мусиқа, икки бобдан иборат механика ва уч бобдан иборат кимёни киритган. Хулоса шуки, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асарлари халқимизнинг ифтихоридир. Унинг шу пайтга қадар ўрганилмаган ва илмий таҳлил этилмаган бой ижодий меросини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уни умумхалқ эътиборига хавола этиш Ўзбекистон илмий жамоатчилигининг биринчи даражали вазифасидир.

<sup>1</sup> Ватан тарихи, 249-бет.

## 2.8. Жаҳон фанининг юлдузларидан бири- хоразмлик буюк олим Абул Қосим ибн Умар аз Замахшарийъ(1075-1144).

“Араб мутаффакирларидан бири, - деб ёзди И.А.Каримов, - жаҳондаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг битга қишлоғи-Замахшар қишлоғига таъзим қилса арзийди. Чунки бу қишлоқ дунёга минг йилда бир марта келадиган, Маҳмуд аз Замахшарийдек инсонни берган деганида, у ниҳоятда ҳақдир”.

*И. А. Каримов.*

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Хоразм фарзанди, буюк аллома Маҳмуд аз Замахшарий ўзининг бетақрор ўтқир илми билан жаҳонда донг таратди. Жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган машҳур олим, адиб ва шоир Абул Қосим ибн Умар аз Замахшарий 1075 йилнинг 19 мартда гўзал Хоразмнинг Замахшар шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси ўз замонасининг ўқимшли, гоётда тақводор, диёнатли кишиси бўлган ва Замахшардаги масжидлардан бирига имомлик қилган. У хулқ-атвори гўзал, ширинсухан, мурувватли ва саховатли инсон бўлиб, бу фазилатлари билан эл орасида катта обрў-эътибор қозонган. Замахшарийнинг онаси ҳам гоётда тақводор ва саводхон бўлиб, у болаларга хат-савод ўргатар эди. Шунинг учун бўлса керак, ёш Маҳмуд Замахшарийнинг дунёқараши ва бошланғич билими тақводор ва ўз замонасининг билимдон кишилари бўлмиш ота-онаси таъсирида шаклланиб камол топган. Маҳмуд Замахшарийнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ маълумотлардан маълум бўлишича, унинг бир оёғи ёғочдан эди ва узун яктагини тушириб кийгани учун кўрган одам уни чўлок деб ўйламасди. У ёғоч оёқда юрганлигига қарамасдан, гоётда ҳаракатчанлиги билан ажралиб турган. Шу тариқа, ёшлигидан оғир ишлат туфайли бир оёқ бўлиб қолган Маҳмуднинг отаси, ўғлим энди оғир меҳнатга ярамайди, бирор касб - ҳунарни оғалласин, деган ниятда кийим тикувчи устага шогирдликка бермоқчи бўлади. Бироқ, ёшлигидан илмга зўр иштиёқ ва ҳавасманд бўлган Маҳмуд отасидан ўзини мадрасага ўқишга юборишини сўрайди. Шундан сўнг отаси ўғлини Гурганждаги



мадрасага беради. У мадрасада ўқитиладиган илмларни, айниқса, араб тили ва адабиёти, диний илмларни пухта эгаллашга киришади, ўша даврда илм аҳли орасида кадрланган хаттотлик санъатини ҳам мукамал эгаллаб, ўз тирикчилигини бир қадар тузатади. Сўнгра у ўз билимини ошириш мақсадида Бухорога йўл олади.

Аз-Замахшарий Бухорода мадрасани тугатгач, бир неча йил Хоразмшоҳлар хизматида бўлиб, девонхонада котиблик билан шуғулланади. Бирок, ўз юрти Хоразмда қобиляти, илми, фазилатига яраша бирор ҳурмат-эътибор кўрмагач, у Шарк мамлакатларига сафарга отланади. Жумладан, Марв, Нишопур, Исфохон, Шом, Бағдод, Ҳижоз, Макка шаҳарларида бўлади. Исфохонда бўлганида машхур олим Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарийр ад-Даббий ал-Исфохонийдан тил ва адабиёт илмини ўрганади. Бағдодда бўлганида шайх ул-ислом Абу Мансур Наср ал-Хорисий, Абу Саад аш-Шакқокий, Абул Хаттоб ибн Абул Батар каби машхур олимлардан ҳадис илмини ўрганади. Маккада бўлганида эса наҳв ва фикҳ бўйича илмни Абу Бақр Абдуллоҳ ибн Талҳат ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Йабирий ал-Андалусий, аш-шайх ас-Садийд ал-Хаййотий, луғат илмини эса Абу Мансур ибн ал-Халдар ал-Жавлокий каби машхур олимлардан ўрганади. Аз-Замахшарий Маккада қарийб беш йилча яшайди, Макка амири, таниқли олим ва адиб Абул Хасан Али ибн Ҳамза ибн Ваққос ас-Сулаймонийнинг унга кўрсатган хайрихоҳлиги ва ёрдами, шубҳасиз, илмий фаолиятига анча қулайликлар яратган. Чунки, олим жуда кўп асарларни ўша даврда яратади ва Жоруллоҳ (“Оллоҳнинг қўшниси”) деган шарафли лақабга ҳам муяссар бўлади. Қолаверса, аллома Маккада эканлигида араб тили грамматикаси ва луғатини ҳамда маҳаллий қабилаларнинг лаҳжалари, мақоллари, урф-одатларини чуқур ўрганади, бу минтақа географиясига оид хилма-хил маълумотлар тўплайди. Ўша даврнинг йирик олимлари, шоир ва адиблари ҳамда ўз шогирдлари билан доимо мулоқотда бўлади, улар билан дўстона, қизгин илмий мунозаралар, баҳслар юритади, илм аҳллари эса унинг фикрига кулоқ соладилар. Рашидуддин ал-Ватвоғ ўз устози аз-Замахшарийни олим сифатидаги баъзи хусусиятлари ҳақида “Ар-Расоил”

(“Мактублар”) асарида шундай деб ёзади: “Устоз (аз-Замахшарий) билан ўртамизда унинг ижодий фаолияти даврида ҳам, роҳатда бўлган вақтларида ҳам адабиётнинг турли жиҳатлари ва араб илмларининг ҳар хил масалаларига оид ҳисоб-китоби йўқ кўпдан-кўп ва узундан узоқ, илмий мазмундаги суҳбатлар бўлган эди. Шу суҳбатлар чоғида устод менинг сўзларимга диққат билан қулоқ тутар ва мен кўтарган масалаларга ғоятда эътибор билан қараб, кўпинча уларни саодатли ишларидан эди. Кейин у ўзи маъқул топган масалаларни яна бирин-кетин санаб чиқарди. Устознинг гўзал фазилатларидан ушбу арзимас бир мисолни ёшларни (ундан) воқиф қилиш ниятида келтирдим. Чиндан ҳам бу инсон, гарчанд барча билимларни тўла эгаллаган ва жаъмий воқеаларнинг соҳиби бўла туриб, ҳақиқатнинг аччиқлигию ҳалолу покликнинг қайноқ ҳароратига қарамасдан, ўта сабр-тоқатли киши эди. Башарти, ўзинга зарар бўлса-да, у доимо адолат юзасидан иш тутар эди”. Мана шундай улкан обрў-эътиборга эга бўлган аз-Замахшарий “Устоз ул-дунё” (“Бутун дунё устози”), “Устоз ул-араб ва-л-ажам” (“Араблар ва гайри араблар устози”), “Фахру Хваразм” (“Хоразм фахри”), “Жоруллоҳ” (“Оллоҳнинг кўшниси”) каби фахрий ному тахаллусларга сазавор бўлган эди. Эҳтимол, бу ўз асарларидан бирида “ва инний фи Хваразм Каабат ул адаб” яъни “Ростдан ҳам мен Хоразмда адиблар учун (бир) “Каъбаман” деб ёзишига асос бўлган бўлса керак.

Аз-Замахшарий адабий мероси ва ижодини тадқиқ қилган арабшунос олим У.Уватовнинг ёзишича, ўз даврининг йирик олими даражасига кўтарилган ва шарафли унвон (ном) ларга сазавор бўлган олимнинг Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али Аҳмад ибн Хорун ал-Умроний ал-Хоразмий, Муҳаммад ибн Абу-л-Қосим ибн Бойчук ал-Баққолий ал-Хоразмий ал-Одамий ан-Наҳвий, Абу Юсуф Ёқуб ибн Али ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Балҳий ал-Жандалий, Ал-Муваффақ ибн Аҳмад ибн Абу Саъийд Исҳоқ, Абу-л-Муайяд, Абу-л-Маҳосин Исмоил ибн Абдуллоҳ ат-Таъвиллий, Абу-л-Маҳосин Абдураҳим ибн Абдулло ал-Баззор, Абу Саид Аҳмад унвон (ном) ларга сазавор бўлган олимнинг Абу-л-Ҳа-ибн Аҳмад ибн Маҳмуд аш-Шотий, Абу Амру Омир ибн ал-Ҳасан ас-Симсор, Абу Тоҳир Сомон ибн

Абдумалик, Али ибн Исо ибн Ҳамза ибн Ваққос, Абу ат-Таййиб, Рашидуддин Мухаммад ибн Абдужалил ал-Умарий (Рашидуддин ал-Ватвот) сингари қобилиятли шогирдлари бўлиб, улар паноҳида адабиёт, ҳадис, тафсир, араб тили грамматикаси ва луғат, жўгрофия, фикх, фалсафа, мантиқ илмларидан таҳсил кўрдилар. Ўз навбатида, улар замонасининг стук олими даражасига кўтарилиб илм толибларига дарс бердилар.

Юқорида зикр қилинган илм толиблари аз-Замахшарий билан шахсан мулоқотда бўлиб, ундан таълим олишган. Аммо аз-Замахшарийни шахсан кўрмаган-у, фақат унинг асарларини ўқиб ўзларини олимнинг шогирди ҳисоблаган, асарларини ривоят қилиш учун ижозат сўраган олимлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Зайнаб Бинт аш-Шаърий аз-Замахшарийни устоз сифатида тан олган. Аз-Замахшарийни ўзига устоз билганлардан яна бири исқандариялик олим ал-Ҳофиз Абу ат-Тоҳир Аҳмад, ибн Мухаммад ас-Салафийдир. Шаҳобиддин Аҳмад ибн Али ал-Ҳасаний ал-Моликий, Абу Тоҳир Баракат ибн Иброҳим ал-Хушуъий ҳам аз-Замахшарийни ўзларига устоз деб тан олганлар. Аллома жуда кўп вақтини шогирдлари камолотига бағишлаб, ҳаётида бирор марта уйланмаган. Илмий асарлар яратиш ва муносиб шогирдлар тайёрлашни фарзанд ўстиришдан аъло деб ҳисоблаган. Аллома уйланмасликни энг юксак баркамоллик деб ҳисоблар ва бу хусусда ўзининг “Атвоҳ уз-Заҳаб” (“Олтин шогирдлар”) асарида “Аёл кишига унинг хусни-жамоли учун эмас, балки покиза иффати билан чирой жаъм бўлгандагина ҳақиқий баркамоллик ҳосил бўлади. Баркамолликнинг бундан ҳам юқори чўққиси - агар эркак бир асар умр кўрса-да, уйланишдан ўзини тия олишлиқдир”, деб ёзган эди. Илм-фан йўлида ўзини фидо (бахшида) қилишликни аз-Замахшарий ҳар қандай ҳирс ва нафсониятдан ғоят юқори кўяди. Шу боисдан ҳам у “Навобиғ ул-калим” (“Нозик иборалар”) номли бошқа бир асарида “Қотиб хати билан қоғозни қоралаш (яъни ёзиш) соҳибжамолнинг ёноғини (бўса билан) қизартиришдан кўра ёқимли”, деб илм-фанга бўлган ўз муносабатини алоҳида таърифлайди.

Аз-Замахшарий 1144 йилнинг 14 апрелида Хоразмда 69 ёшида вафот этади. Буюк аллома бизга жуда катта ва бой илмий

мерос колдирган. Ироқ олими Фозил Солиҳ ас-Самарийнинг номма-ном ёзишича, у араб тили ва грамматикаси, фалсафа, тарих, жўғрофия, услуб ва нотиклик санъати, лугатшунослик, араб ва аруз илми, тафсир, ҳадис ва фикҳга оид 56 та асар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Хусусан, олимнинг тилшуносликка, араб тили грамматикаси ва нафис адабиётга оид “Асос ал-балоға” (“Сўзга усталик асослари” ёки “Чечанлик пойдевори”), “Самим ал-арабия” (“Араб тили мағизи”), “Фоиқ ал-луғот” (“Энг яхши лугатлар”), “Муҳожоту аннаҳвия” (“Грамматика ҳожатлари”), “Муқаддамат ул-адаб” (“Нафис адабиётга муқаддима”), “Атвоқ уз-Заҳаб” (“Олтин шодалар”), “Алминҳож фил-усул” (“Усул бобида кўрсатмалар”), “Рабиъ ал-аброр” (“Саҳий ёз”) каби асарлари ўзига хослиги, илмий аҳамияти билан на фақат Шарқ балки Ғарб илмий тафаккурининг ривожига учун ҳам катта аҳамият касб этган. Инглиз шарқшуноси Х. А. Гиббнинг ёзишича, Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” номли араб тили навху сарфини ўрганишга оид дарслиги ва насрий сажъ нафис услубида ёзилган қисқа насихатомуз ҳикматли иборалар мажмуаси, “Атвоқ уз-заҳаб” (“Олтин шодалар”) асари каби Европа арабшунослигида шуҳрат қозонган асарлар жуда кам бўлган. Шунингдек, кўпчилик олимлар аз-Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” асари таниқли араб тилшуноси Сибавейҳнинг араб тили грамматикасига оид машҳур китобидан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидлаганлар. Ўша даврнинг ўзидаёқ араблар орасида ҳам бу асар катта эътибор қозонди ва араб тилини ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида кенг тарқалди. Ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Муқр аз-Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” асариини ёддан билган кишига беш минг қумуш танга пул ва сарупо совға қилишни ваъда берганлиги бежиз эмас. Бир қанча кишилар асарни ёд олиб, муқофотга сазовор бўлганлиги манбаларда келтирилган. Аз-Замахшарийнинг йирик асарларидан бири ҳисобланган “Ал-Кашшоф” (“Аён қилувчи”) эса Қуръонга бағишланган муқаммал тафсирдир. Асарнинг тўлиқ номи “Ал-Кашшоф ан ҳақсик иг-танзийл ва уйун ил-ақовийл фи вужух иг-таъвийл” (“Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш”) эди. Аллома Қуръон тафсири, ҳадис, фикҳ, илм

ал-қироат, наҳв, сарф, адаб илмларига бағишланган кўплаб асарларни кунт билан ўрганиб, улардан унумли ва танқидий равишда ўз асарларида фойдаланган. Дарҳақиқат, араб олимларининг яқдиллик билан таъкидлашларича, аз-Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асари ҳар хил даврларда Қуръонга ёзилган тафсирилар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу асар ҳозирги вақтгача араб мамлакатларида кўплаб мусулмон аҳли, айниқса, уламолар учун энг зарурий китоблардан бири ҳисобланади. Қоҳирадаги бутун дунёга машҳур Ал-Азҳар диний университетининг талабалари эса аз-Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асари асосида Қуръонни ва унинг тафсирини ўрганиб, ундан бир дастур - қўлланма сифатида фойдаланадилар.

Арабшунос олим У.Уватовнинг таъкидлашича, Қоҳирадаги Айн Шамс университетининг профессори Мустафо ал-Жуванийнинг “Манҳаж аз-Замахшарий фи итасир ал-Қуръон” (“Қуръон тафсирида Замахшарий усуллари”) асари “Ал-Кашшоф” га бағишланади. Ал-Жуванийнинг эътироф этишича, аз-Замахшарийнинг буюк хизмати шундаки, у ўз тафсирини ёзишда ҳар хил сабабларга кўра бизгача етиб келмаган тафсир, ҳадис, фикҳ, илм ал-қироат, наҳв, адаб ва бошқа илмларга оид ўша пайтда машҳур бўлган кўплаб манбалардан унумли фойдаланиб, ўз тафсирини улар билан бойитган. Шу билан ҳам йўқ бўлиб кетган мазкур асарлар ҳақидаги маълумот ва тасаввурни замонавий тадқиқотчилар фақат аз-Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” идан оладилар. Бу илмий нуқтан назардан жуда катта аҳамиятга эга. “Ал-Кашшоф” нинг ғоятда машҳур асар эканлигига яна бир ёрқин далил сифатида унинг қўлёзма нусхаларининг кўплиги, асарга ёзилган бир қанча шарҳлар ва сўнги вақтларда араб мамлакатларида уни қайта-қайта нашр қилинишини кўрсатиш мумкин. Немис шарқшуноси Карл Брокельман дунёнинг турли қўлёзма сайланмаларида “Ал-Кашшоф” нинг юзга яқин қўлёзмалари ва йигирмадан ортиқ асарнинг ўзига ёзилган шарҳ ва тафсирилари борлигини маълум қилади. Тошкентда, ЎзФА Шарқшунослик институтида ҳамда Мовароуннаҳр мусулмонлари диний назоратининг кутубхонасида ўша рисоланинг ўндан ортиқ қимматли нусхалари сақланади.

Аз-Замахшарийнинг “Қофия” асари арабча нахв (синтаксис) мавзусида ёзилган китоб бўлиб, у мадрасаларда ўқув қўлланмаси сифатида ўқитилар эди. Мавлоно Жомийнинг “Шарҳи мулло” асари эса ана шу “Қофия” га бағишланган шарҳдир. Аз-Замахшарийнинг тилшуносликка оид асарлари ичида “Муқаддимат ул адаб” асари алоҳида ўрин тутади. Маълумки, араб адабиётида ва илмий рисолаларда учрайдиган “адаб” сўзи “одоб, ахлоқ тарзи” маъноларида ишлатилган бўлиб, X-XII асрларда эса адаб деганда умуман таълим фанларининг йиғиндиси тушунилар эди. Адиб маданиятли, билимдон, ўқимишли ва саводхон бўлиш учун таълим фанларини билиши зарур экан. Демак, аввало шу билимларни ўзлаштириш учун маълум сўз ва атамалар бойлигига эга бўлиш талаб қилинади.

Аз-Замахшарий мана шундай мақсадни ўз олдига қўяди ва одоб ҳақидаги китобини биз ҳозирги кунда “Тилшуносликка кириш”, “Адабиётшуносликка кириш” деганимиздек, “Муқаддимат ул-адаб”, “Адабга кириш” деб атайти. “Муқаддамат ул-адаб” асари беш қисмга ажратилган: от (исм) лар, феъллар, боғловчилар (юкламалар), от ўзгаришлари (исмларнинг турланиши), феъл ўзгаришлари (феълларнинг тусланиши). Олим бу асарида ўша даврда араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўзлари, ибораларини камрашга интиланган, уларнинг этимологиясига эътибор қилган.

“Муқаддамат ул-адаб” лугати бошда икки тил (араб ва форс) да ёзилган бўлиб, у араб тилини форс-тожик ва туркий халқларга ўрнатиш мақсадида тузилган. Баъзи манбаларда қайд этилишича, асарнинг чигатой (ўзбек) тилидаги таржимаси аз-Замахшарийнинг ўзи томонидан амалга оширилган. Зотан, Хоразмшоҳ Аловуд-давла Абулмузаффар Отсизнинг (1127-1156) тушуниши учун асарнинг арабча матни билан биргаликда чигатой тилидаги таржимаси ҳам яратилган. Бу фикрнинг тўғрилиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки муаллиф китобга ёзган сўзбошида бу асарни Хоразмшоҳ Аловуддавла Отсизнинг илтимосига кўра ўгиргани, унинг кутубхонасига ҳам бир нусхасини тайёрлаб тақдим қилганлигини эслатади.

“Муқаддамат ул-адаб” мўғуллар истилосидан кейин мўғул тилига ҳам таржима қилиниб, оқибатда тўрт тиллик лугатга

айланади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда у арабшунослар, форсшунослар, туркшунослар диққатини тинимсиз ўзига жалб қилиб келмоқда. Хусусан, “Муқаддамат ул-адаб” лугати материалларисиз XI-XII аср ўзбек тилини тўла тасаввур қилиш қийин. “Муқаддамат ул-адаб” асарининг амалий ва маърифий томондан ўрганилиши араб лексикографияси анъаналарини ёритишга имкон берса, иккинчидан, бу лугатнинг мавзу тартиби бўйича тузилганлиги шунга ўхшаш замонавий лугатларни тузиш учун ўзлаштирилган яхши тажриба бўлади. Икки ва кўп тилли лугатлар тузишда ҳам “Муқаддамат ул-адаб” услубидан фойдаланиш мумкин. Қолаверса лугатнинг қадимий манба сифатида ҳам ўрганилиши ўзининг тарихий-маърифий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шунинг учун Садриддин Айний “Муқаддамат ул-адаб” асарининг Бухородаги нусхаси билан танишиб чиқиб, 1921 йил “Меҳнаткашлар товуши” рўзномасига ёзган мақоласида: “Ушбу китобнинг чигатойча таржимасидан чигатой тилидаги бутун фанний ислохотларни топмоқ мумкин ўлдуғи ила баробар, бутун кераклигига кифоя қилатурғон чигатойча сўзлар топмоқ мумкиндир. Бу китоб ўзбек тили учун бутун дунё хазинаси билан баробардир”- деб ёзган эди.

“Муқаддамат ул-адаб” асари биринчи марта 1706 йили Хўжа Исҳоқ Афанди томонидан усмонли турк тилига таржима этилган. Сўнгра XVIII асрнинг бошларида француз ва немис тилларига таржима қилиниб, Париж, Лейпциг, Вена, Лайден, Қозон шаҳарларида, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча марта босилган. Немис олими Ватзаштайн “Муқаддамат ул-адаб”нинг Европа кўлёмаси сайланмаларидаги етти нусхасини қиёсий ўрганиб, 1850 йили Лейпцигда асарнинг икки жилдлик танқидий матнини нашр этган. “Муқаддамат ул-адаб”нинг 20 дан ортиқ кўлёмма нусхалари Берлин, Лейпциг, Лондон, Истанбул, Техрон, Маиҳад, Санкт-Петербург, Ташкент, Махачқалъа шаҳарларининг кўлёмма жамламаларида сақланмоқда. Биргина ЎзФА Шарқшунослик институти жамламасида шу асарнинг 7 кўлёмма нусхаси сақланади. Аз-Замаҳшарийнинг лугатшуносликка оид яна бир машҳур асари “Асос ал-балоға” (“Нотиклик асослари”) ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Унда араб тилининг фасоҳат ва мукаммалиги ҳақида сўз боради. Фикрни чиройли ибора ва

сўзлар билан ифодалаш, сўз бойлигидан ўринли ва усталик билан фойдаланиш учун киши фасоҳат ва балоғат илмларидан яхши хабардор бўлиши керак. Бунинг учун сўзни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш, қоидага мувофиқ сўзлаш ва ёзиш ҳам керак бўлган. Бу асарда адабиётнинг асосий қисмлари, фразеологик сўз бирикмалари ва уларни амалда тадбиқ этиш йўллари чуқур таҳлил қилинган.

Олимнинг “Ал-Қустос фи-л-аруз” (“Арузда ўлчов мезони”) асари аруз вазни ҳақида баҳс юритади. Алифбо тартибда йиғилган араб мақол ва масалаларига бағишланган бошқа бир асарини у “Ал-Мустақсо фи-л-амсол” (“Нихоясига етган масалалар”) деб атаган. “Мақомат” (“Мақомлар”) - эллик мақомдан иборат асари қофияли наср, сажъ услубининг нозик намуналарини ўзида мужассам этган. “Девон уш-шеър” китоби ҳам диққатга сазавор асарлардан ҳисобланади. “Рабиъ ул-аброр ва нуус ул-ахайар” (“Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни”) номли 97 бобдан иборат асарида эса адабиёт, тарих ва бошқа фанларга оид ҳикоялар, латифалар ва суҳбатларнинг энг саралари жамланган.

Аз-Замахшарийнинг Макка амири ибн Ваққоснинг географияга оид маълумотларига таяниб ва ўзининг Ҳижозга қилган сафаридан олган кузатишлари асосида “Китоб ал-жибол, ва-л-амкина ва-л-мийоҳ” (“Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб”) номли машҳур географик ва қомусий асарини яратган. Асарда Арабистон ярим оролига оид георафик жойлар, тоғлар ва сувликларга доир қимматбаҳо маълумотлар келтирилади. Машҳур араб географ олими ва сайёҳ ал-Ҳамавий (1179-1229) ҳам ўзининг бутун дунёга машҳур “Муъжам ал-булдон” (“Мамлакатлар қомуси”) асарида Арабистон, хусусан, Ҳижоз ҳақидаги маълумотларни аз-Замахшарийнинг “Китоб ал-жибол ва-л-амкина ва-л-мийоҳ” асарига таяниб ёзган. Бу асар 1856 йили голландиялик арабшунос олим Сальверда де Граве томонидан мукаммал тадқиқ қилинган ҳолда нашр этилган.

Аз-Замахшарийнинг “Атвоқ-уз-заҳаб фи-л-мавоиъз ва-л-хутаб” (“Ўғит ва насихатларнинг олтин шодалари”) номли асари биринчи марта 1835 йили немис олими Фон Хомер томонидан немисчага таржима қилиниб, арабча матни билан нашр этилган.



Орадан ўттиз йиллар ўтгач, французчага таржима қилиниб, 1886 йили Парижда чоп қилинган. 1873 йили эса усмонли турк тилига таржима қилиниб Истанбулда нашрдан чиққан.

“Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавоиъз ва-л-хутаб” асари юзта мақолат (боб) дан иборат бўлиб, ваъз-насихат, ҳикматли сўзлар, масал ва мақолаларни ўз ичига олади. Аллома бу асарида Шарқ мамлакатларига кўп йиллик сайёҳати натижасида ҳамда ўзи кўрган, эшитган ва бошидан кечирган ҳаётий тажрибаси асосида шаклланган, ижтимоий-ахлоқий ва маърифий-тарбиявий масалалар тўғрисида кенг фикр юритади. Жумладан, мутафаккир ўз давридаги золим подшоларнинг адолатсизлигини, ноинсоф амалдорлару, фирибгар савдогарларнинг бойлик йигишга интилиши каби салбий ҳатти-ҳаракатларини қоралайди. Бундай ярамас иллатлар одамийликка путур етказди, кишининг ахлоқий қиёфасини бузади, деб ҳисоблайди ва маънавий жиҳатдан тубан бўлган бундай шахсларни “Ноҳақларга пора берувчилар, золимларга ёрдам берувчилардир”, “Савдогарларнинг шухрати чўнтагида”, “Чайқовчи - овчи ит”, “Виждонли одам хавфдан ҳоли яшаса, хиёнат қилувчи ҳалокатда яшайди”, “Хатолар қилишда авворалардир, хатолар тушган аробалардир”, деб таъкидлайди. Лз-Замахшарий ўзининг ахлоқий қарашларида ўз замонасидаги турли табақа кишилари ва касб-ҳунар эгаларининг жамиятда тутган мавқеи ва ахлоқ-одоби тўғрисида фикр юритар экан, мутафаккир шахснинг қандайлигидан, кимлигидан (подшоҳми ёки оддий киши) қатъий назар, аввало у хушхулқ ва одамийлик зийнатига эга бўлмоғи кераклиги тўғрисида гапиради ва “Хуш-сифат ва яхши хулқлар зийнатламаган кимсани ипак кийимлар зийнатлай олмайди”, дейди.

Буюк алломанинг фикрича, ахлоқий етук кишининг муҳим ҳислатларидан бири камтарлик, саҳийлик, гўзаллик ва мардликдир: “Гўзал юз ва чиройли кўриниш кўнгилда шодлик пайдо қилур”, “Мард мағлуб бўлса ҳам тубан тушмайди”, дейди Замахшарий. Демак, одамийлик ва камтарлик кишини маънавий гўзал қилади, бундай мард кишиларга бахт доимо кулиб боқади. Номард, “паст киши ўз наслининг балиндлиги билан мақтанади”. Мутафаккир бундайларни энг тубан шахслар деб ҳисоблайди. Лз-Замахшарий пасткаш, иккиюзламачи, иғвогар, номард

кишилардан йироқ юришни маслаҳат бериб: “Аҳмоқ ҳикмат лаззатини тотмайди, тумов киши гул ҳидини сезмайди”, “Миннат-силовлар билан қилинган хотамлик ортиғи билан ёққан ёмғирдек бўлса-да, унда яхшилик бўлмайди”, “Яхшилик биландур инсон жамоли, они қилурга-чи йўқдир мажоли”, дейди. Шунингдек, мутафаккир дўстлик, дўст танлаш муаммоларига ҳам тўхталиб, кишини дўст танлашда зинҳор янглишмасликка чақириб. “Ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси сенга юқади”, “Сен хавф-хатар, ночорликка тушиб қолишдан қўрқитувчига ёндош, бу ишда зиён йўқ деювчилардан сақлан” деб, чинаккам дўстликнинг асосий белгиси садоқат ва ишонч эканлигини уқтиради.

Аз-Замахшарий кишиларни инсонпарварликка ва ҳақиқатпарварликка, ҳалоллик ва ростгўйликка, тўғрилиқка, адолатли ва инсофли бўлишга даъват этиб: “Қуёш нури бекилмайди, ҳақиқат шами сўнмайди”, “Оғзингни мисвоқ (тиш ковлағич чўп) билан пок қилдинг, кошқийди энди уни ёлғон, гийбат, чакимчилик, бўҳтон билан ифлос қилмасанг”, дейди. Шу билан бирга у инсоннинг қадрини оширувчи ҳам, пасайтирувчи ҳам тил эканлигини қайд этиб: “Агар тилингни тиймасанг, жиловингни шайтонга бериб қўясан”, дейди. Сўнгра у камтарлик ва тўғрилик ҳақида гапириб: “Тил қиличининг ярқироқлиги, унинг тўғри сўзидир. Шунинг учун тилингни фақат тўғри сўз билан айлангир. Ямакликлар ўз қиличини қинида сақлагани каби, сен ҳам тилинг қиличини ёлғонлик хатосидан сақла. Қиличнинг ярқироғини занг ейди. Ёлғон эса тил учун зангдан ҳам ёмонроқдир. Ёлғон гапирганинда тилинг сенга бойлар келтирадиган ерда ҳам, барибир рост гапиргин. Сен билмайсанки, тўғрилиқнинг шарофатида нажот топиб бахтли бўлишингни. Ёлғон эса кўққисдан ўзининг шумлиги билан бироз фойда бериб, сўнг ўлдиради. Ёлғон гапириб ғалаба қозонганидан, рост гапириб ёмонликка учраганинг маъқулдир. Ростгўй одамга унинг ростгўйлиги кифоядир. Ёлғончига унинг ёлғонлиги етарлидир. Чамадони тўлиб келган ёлғончидан идиши бўш келган ростгўй яхшидир. Агар ростгўйлик одам шаклида ифодаланса, энг даҳшатли армон бўлар. Ёлғоннинг сурати эса кўрқоқ тулки бўлар эди... Ваъда қилган бўлсанг унга вафо қилиши ёки ваъдангни

бажаришга шошил. Чақмоғидан олдин ёмғири келган, ваъдасидан олдин берадиган нарсаси келган эркакка ўхшагин”, деб маслаҳат берди. Шунингдек, мутафаккир нутқ маданият яъни сўз гўзаллиги инсон учун хушмуомалалик воситаси эканлигини қайд қилган ҳолда, агар “бировни койувчи бўлсанг, хат билан койи, юзма-юз туриб койиш кўнгил синдирур ва сўз ўлчовсиз кетар”, дейди.

Аз-Замахшарий ахлоқий-тарбиявий қарашларида ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, бола тарбияси ва унда ота-онанинг роли ҳақида ҳам ўзининг қимматли фикрларини баён қилади. Ота-она болани хушхулқ, одобли, меҳнатсевар, ақл-идрокли қилиб тарбияламоқчи экан, аввало, болани меъёридан ортиқча эркатмасдан доимо назоратда тутиш кераклигини уқдириб: “Ҳайвонни сийласа, шодланиб эгасини тепади, одам боласи эрқаланса, шодланиб ота-онасини азобга кўяди”, дейди мутафаккир. Аз-Замахшарий жамиятда бахтга эришиш орзусида юрган кишиларнинг билимини, қобилиятини оширишга, ёмонлик ва зўравонлик каби иллатларга қарши курашишга чақиради. У илм-фанга интилувчи, муаян фанга ўз умрини бахшида этган олимлар ҳақида тўхталиб: “Инсоннинг кийинишига қарама, билимига қара” ёки “Савдогарнинг шарофати чўнтагида, олимнинг шухрати китобларидадир”, дейди. Аллома бу билан ёшларни ҳам инсонийлик руҳида тарбиялаб, уни аввало камтар инсон, етук олим бўлишликка ундайди ва ҳар қандай ҳою ҳавасдан четланиш лозимлигини уқтиради. “Эй, Абул-Қосим, сени дунёга келтириб, халқнинг муносиби қилиб, сенга ақлни ва ҳаво-ю ҳавасни миндирди. Улар яхши ва ёмон йўлларда сени бошлаб юргувчилардир. Тўғри ва эгри жойларда сенинг меҳмонларингдирлар. Уларнинг бири кўзи очик бўлиб, сени катта йўлнинг кўрсаткичлари бўйича олиб юради ва сени тоза, тилиқ булоқларга олиб келади. Иккинчиси эса, кўзи кўр, подоп бўлиб, сени сувсиз саҳронинг моҳирроқ, устароқ ва қайси бирига эргашиш лозимроқ экан. яхши кўрсаткичлар билан тўғри йўлда кутилганми ёки адашиб, эгри йўлда тутилганми? Билгинки, ҳою ҳавасни ақлнинг ўрнига танлаш адолатдан эмас. Ақлнинг тарафи тонг шафағидек оқ, ҳаваснинг тарафи тундек қора. Сенга биричиси юзланса яхшими, ёмонми, қара-чи, унга

иккинчисининг қайси бири мойилдир ва қабул қилур, ҳавасми ёки ақлми? Агар ақл бўлса, унда уни севиш ва унга ёпишиб олиш қандай муносиб, у (ақл) нинг бўйнига кўлингни сол, бўшатма... Агар ҳою ҳавас бўлса, ундан арслондан қочгандек қочгин. Қорадан ҳазар қилгапидек ҳазар қилгин. Агар уни барча сени севинтирувчи нарсалар билан ҳамроҳ кўрсанг ва агар сенга иккаласининг ўртасидаги бирор иш юзланса, ойдинлаштириш учун чин кўнгилдан тўғри маслаҳат берувчиларга муурожаат қил. Улардан бир ўткир фикр чиқса, сенинг тилагинг ўшадир. Акс ҳолда, ундай ишдан оладиган фойдангнинг орқасида бекинган зарардан ҳазар қил ва ундан қутулишга ҳаракат қил”, дейди Замахшарий.

Аз-Замахшарийнинг “Навобиг ул-калима” (“Нозик иборалар”) номли асарида ҳам одамийлик, шахс камолоти ва бахт-саодати, яхши хулқ ва адаб, илм ўрганиш фазилати, меҳр-муҳаббат, саховат, мардлик, олижаноблик, сабр-тоқат ва қаноат хусусида ибратли насихатлар талқин этилади. Мутафаккир ёш авлодни болалиқдан бошлаб яхши хулқ ва адабга, инсонийликка, олижанобликка, сахийликка ўргатиш зарурлигини уқтириб шундай дейди: “Сийратини гўзал сифат ва хулқлар беазамаган одам, қанчалик чиройли кийинмасин, барибир кўркам бўла олмайди. Хайр-саховат, фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шон-шарафга сазавор ва муносибдир. Чунончи, дур садафга нисбатан қимматроқдир”. Шунинг учун ҳам аллома ёшларни гўзал инсоний фазилатларни астойдил эгаллашга қатъий даъват этади: “Сахий ва сидқидил кимсанинг дилидан бошқа нарсани сирларинг сандиги қилма. Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман, деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут. Ўзингга зарур бўлган ҳар қандай нарсани сотиб ол, бу - эркак кишининг мурувватини, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бировдан сўрасанг, у сен сўраган нарсанинг бошқачароғини беради, сотиб олганингда эса, ўзингга керагини оласан. Ёмон, ҳасис киши ҳар жойда лаънатланади; сахий, карим киши ҳар жойда иззат-икромда бўлади. Ҳалолу покиза киши доимо хотиржам, тинчдир, бировга ёмонлик ва хиёнат қиладиган киши мудом беҳаловатдир.

Курт-кумурсқалар, арслон боласини талагани каби, олийжаноб ва қимматли одамнинг гўштини ҳасад аҳли ейди. Бас шундай экан, “... энг яхши савоб ва фикр соҳиблари ҳам, куфрши неъмат билувчилар ҳам, ёввойи қобонлар мисоли, Оллоҳ таолонинг мағфиратидан йироқдирлар”. Чунки ёмон, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш - сароб каби ҳеч қандай фойда бермайди. Риё бор ҳар қандай ишда зиё йўқдир”.

Мутафаккирнинг фикрича, пири комил инсон аввало, гурурга берилмасдан ақл билан иш тутиши ва нораво ишлардан ўзини тийиши, мансаб ва бойликда ўзидан паст бўлган кишиларнинг кўнглини огритмаслиги, доимо мол-давлат қўлнинг кири эканлигини унутмасдан, фақирларга садақа қилиши, насабфурушлик қилмаслиги, такаббурлик ва зўравонликдан узоқ бўлиши; худбин, манман ва ҳасадчи бўлмаслиги лозимлигини таъкидлайди: “Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари томонидан ислоҳ қилинур. Чунончи, еру кўк фақат ўз теграси кутблари атрофида айланар. Ловуллаб ёнаётган оловни сув ўчирганидек, нодон одамлардан чиқаётган алапгани оқил одамлар сўндирадилар. Сени касодга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл. Кўркма, зарари йўқ, зиёни йўқ деб юпатувчилардан узоқроқ бўл. Фақир мискинларга вожиб садақаларни адо қилмаган бойларга жаҳаннамда Вайли номли чуқур бордир. Ҳийлаю риё билан йиғлаш ва овоз чиқариб ўқишдан савоб ҳосил бўлмас. Тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан огирроқдир. Бахилу хасисни қўли очиқмас, токи тил билан қаттиқ гаширмагунча, тоғдаги бойликларни қазиб бўлмас, токи темир билан қаттиқ урилмагунча. Қанча одамлару қавмлар борки, сизга иш каби эшилиб мулозамат қиладилар, лекин улар пайт пойлаб, фасод ҳам чиқаришга интиладилар. Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишга ҳаракат қил. Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг кадр-қиммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, такаббурлик қилувчи нодон кимсаларнинг бурнини туцроққа тўлдирур”.

Зероки, ўқимишли “мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири - ўз биродарининг айбларини бекитиб,

унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш тутишидир”. Бундай баркамол инсон ҳалол ва пок, инсофли ва диёнатли бўлиши, ўз эътиқодига ҳилоф ҳаракатлар қилмаслиги лозим: “Ўз дининг ва шарафингни сақлайдиган нарсаларни қаттиқ тут, ўзинг учун қулайроқ, енгилроқ бўлган нарсани олма. Бинобарин, машаққатига яраша савоби ҳам бўлади”. Киши ўз эътиқодига садоқатни ҳалол меҳнати, ғайрати, шижоати, гапи билан ишининг бирлигида намоён қилади, дейди: “Кимки бахтиқболли, солиҳ кишиларнинг этагидан тутса, албатта у муродмақсадга етишар, хайру барака топар. Кимки денгиз тўлқинларини бошидан кечириб сафар қилмаса, турли-туман ташвишлару машаққатларнинг сувидан ичмаса, у ҳақиқий роҳату фароғатга муяссар бўла олмас. Ўз ваъдасида турмайдиган турли ваз-қарсонлар кўрсатувчи кимса мард ва ҳимматли инсон бўла олмас”. Алломанинг куйидаги ҳикматли сўзларини ҳар бир жамоа раҳбари ҳозирги кунда қулоғига қатъий куйиб олиши керак албатта: “Тоғ чўккисига чиққан киши ундан йиқилувидан кўпроқ огоҳ бўлиб турмоғи лозим. Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар пировардида қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлгуси”.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, аз-Замахшарийнинг илм-фанни турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ мусулмон Шаркида унга катта шон-шухрат келтирган. Шундан бўлса керак, араб мамлакатларида иқтидорли олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида мукамал тадқиқотлар яратилган. Жумладан, Бағдод университетининг профессори Фозил Солиҳ ас-Самарийнинг “Ад-Диросат аннаҳвия ва-л-луғавия инд-аз-Замахшарий” (“Аз-Замахшарийнинг наҳвия (грамматик) ва луғавий (лексик) таълимоти”), Муртазо Оятилла аш-Шерозийнинг “Аз-Замахшарий луғавий” (“Аз-Замахшарий луғатшунос”), фаластинлик олима Хинд Хусайне Тоханинг “ал-Адаб ул-арабий фи иқлим Хваразм” (“Хоразм ўлкасида араб адабиёти”) номли тадқиқотлари фикримизнинг тасдиғидир. Минг афсуски, Ўзбекистонда ватандошимиз аз-Замахшарийнинг мероси ўз баҳосини топганча йўқ. Бундан кўп йиллар бурун “Фан” нашриётида чиққан профессор А.Рустамовнинг “Маҳмуд

Замахшарий” рисоласи ўзбек китобхонларига аз-Замахшарий ҳаёти ва илмий фаолиятини таништиришда биринчи кадам бўлган эди. Кейинги йилларда иқтидорли шарқшунос олим Убайдулла Уватовнинг собит қадамлик билан чуқур изланишлари, тадқиқотлари туфайли аз-Замахшарийнинг илмий ва маданий меросидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдик. Дарвоқе, тадқиқотчи олим Убайдулла Уватов мутафаккир қаламига мансуб асарларни арабчадан ўзбек тилига ўгириб, кенг жамоатчиликка етказди.

### Аз-Замахшарий ҳикматлари

Тоннинг энг чўққисига чиққан киши ундан йиқилувдан ғоят кўп огоҳ бўлмоғи лозим.

\* \* \*

Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий.

\* \* \*

Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек.

\* \* \*

Агар ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси билан заҳарланасан.

\* \* \*

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқдир.

\* \* \*

Одам ичидаги энг ярамаси хасисидир, уларнинг ичидаги энг пасткаши ялқовдир.

\* \* \*

Одамларнинг энг азиз ва ҳурматлилари қайғу-ҳасрату ташвишли дамларда билинур.

\* \* \*

Ўтган умрингни мулоҳаза этиб тавба қилишга шошилгин, чунки ажал етса, уни кечиктириш ҳеч кимнинг қўлидан келмас.

\* \* \*

Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чирогини ҳам сўндириб бўлмас.

\* \* \*

Сенга эзгулик кўрсатган кимсага эзгулик қилгин.

\* \* \*

Илмли бўлиш бир баланд тоққа чиқиш каби кўп машаққатлидир, лекин ундан тушиш осон .

\* \* \*

Тилию дили тўғри ва ҳақгўй бўлган одамнинг хатою нуқсони кам бўлур.

\* \* \*

Ишонни кийинишига қарама, билимига қара.

\* \* \*

Савдогарнинг шарофати чўнтагида, олимнинг шуҳрати китоблардадур.

\* \* \*

Ёмон, хасис киши ҳар жойда лаънатланади, сахий, карим киши ҳар жойда иззат-икромда бўлади.

\* \* \*

Ҳалолу покиза киши доимо хотиржам тинчдур, бировга ёмонлик ва хиёнат қиладиган киши мудом беҳаловатдир.

\* \* \*

Такабурлик ҳеч бир кимсанинг қиммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди.

\* \* \*

Мард мағлуб бўлса ҳам, тубан йиқилмайди.

\* \* \*

Кишининг қадрини дину диёнати ва илму маърифати олшириб қўйгандан кейин унинг фақирлиги ва етимлиги тушириб қўя олмайди.

\* \* \*

Ёмон сифатлари ва подонлиги туфайли ўз қадрини ўзи тушириб қўйган кимса, ҳеч вақт бойлик ёки уруғ - аймоқлик билан уни тиклай олмайди.

\* \* \*



Охирги уловинг ёғоч от ва вужудинг тупроққа айланадиган бўлгандан кейин ховурингдан тушгин ва кибру хаводан узоқроқ юргин.

\* \* \*

Кимки ўз нафси балосию орзу-хаваси домига тушиб қолса, у бешак, ўз - ўзини чуқур қаърига ташлажаги муқаррардир.

\* \* \*

Тану баданнинг соғлиги энг буюк неъматлардан биридир.

\* \* \*

Хайру эзгуликдан бошқа инсонга кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқдир.

## **2.9. Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) қадим Хоразмнинг етук адибларидан биридир.**

Қадим Хоразмнинг таникли шоирларидан бири Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн-ул ҳаёт” асарида берган маълумотларига кўра, Хоразмнинг Боқирғон қишлоғида таваллуд топган (туғилган йили аниқ эмас). Тахминан 1186 йили вафот этган. “Ҳаким” сўзи эса ул мўътабар зотнинг лақабидир. Бу донишмандларга хос унвондир.

Сулаймон Боқирғоний хусусида кўпгина чет эл адабиётларида ҳам кўплаган маълумотлар берилган. Фуол Купрулузоданинг “Рашаҳот айн ул ҳаёт” ва “Турк адабиётида илк мутасаввуфлар” комли асарида мутасаввуф шоир Сулаймон Боқирғоний ҳақида куйидаги маълумотлар келтирилган: - Бул зот Хўжа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг тўртинчи халифаси (издоши) саналади. Забардаст туркигўй шоир Сулаймон Боқирғоний маърифий-ахлоқий ғоялари туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Ҳаким отанинг ҳикматларида кўллаб учрайдиган “Кимгаки ишқ сояси тушса, у бешак ошиқ бўлур”, “Ошиқ учун дояси ранж ва меҳнатдир”, “Ишқ йўли ғоят узоқ, кечаси кўрқинчлидир”, “Саҳар чоғи кушлар билан баробар туриб, ҳақ зикрини этмоқ керак” каби тасаввуфий ҳикматлар Хўжа Аҳмад Яссавий ҳикматларига ғоятда ўхшаш ва ҳамоҳангдир.

Ҳақиқатда, Сулаймон Боқиргоний дунёқарашининг шаклланишига ҳам, ижодига ҳам Хўжа Аҳмад Яссавийнинг кучли таъсири бор, буни куйидаги мисралардан англаш мумкин:

**Шарнати ораста, тариқати пайваста,  
Ҳақиқатда шойиста шайхим Аҳмад Яссавий**

Сулаймон Боқиргонийнинг шеърлари бузруквор устози Аҳмад Яссавийнинг шеърларидай кучли илоҳий-тасаввуфий оҳинг билан жаранглайди. Чунки у устози изидан бориб тасаввуф таълимотиянинг асосий негизи - Оллоҳ васлига етишиш йўлида таҳмат чекди, шу йўналишда ҳаёт кечирди, дин ва тасаввуф, илоҳий ишқ ва ахлоқдан сабоқ берувчи мазмундор шеърлар yaratди. Сулаймон Боқиргоний илоҳий ишқ ҳақидаги фалсафий-ахлоқий қарашларида ҳалоллик, покизалик ва тоат-ибодат орқали Оллоҳ васлига эришиш тоъсими илгари суришда ўрта аср фалсафасининг энг юқори чўққисин ҳисобланган “Ваҳдати вужуд” таълимотига суянган. Оллоҳ ҳар кимнинг қалбидадир, унинг билан гоншимоқ (севиш) учун эса инсондан риёзат (қалбни тозалаш), дунёни билиш (маърифат) талаб қилинади. Инсон унинг жамолига фақат ўзининг амалий ҳаракатлари, ахлоқий поклиги, беғуборлиги ва самимийлиги билан эришади, деган фикр илгари сурилади.

**Маърифат дарёсинда ғаввос бўлуб,  
Муҳаббат гавҳарларни олғум келур.  
Тариқат майдонида парвоз қилиб,  
Ул тубо дарахтига кўнғум келур.**

Демак, Боқиргоний таърифича, маърифат йўлидаги саъй-ҳаракат ахлоқий поклик ва маънавий камолот билан боғлиқдир:

**Ул бозорда дўконлари бил продат,  
Мояси маърифат бирла қилгу суҳбат.  
Даллоли эътиқод бирла хизмат,  
Йўқ эрса, сотугини қилса бўлмас.**

Маърифатнинг сўнги манзили ҳақиқат бўлиб, унга таҳсил ила эришган киши ахлоқий покликка ва маънавий етукликка эришган комил инсон ҳисобланади:

**Шариат бозорида таҳсил керак,  
Тарикат бозорида тақсир керак.  
Ҳақиқат бозорида асир керак,  
Олам йиғлаб ҳақ асприн билса бўлмас.**

Боқирғоний инсон камолоти ва маънавий етуклиги тўғрисидаги мулоҳазаларида илм-маърифат кишиларни инсонийликка, саҳоватга, ҳамдардликка ва меҳр-муҳаббатга элтувчи восита деган эзгу ғояни ифодалайди:

**Уйқуни ҳаром қилгил, узун тунда,  
Молингдан закот бергил, бу кун мунда.  
Қиёмат берган сенга ёрин анда,  
Ўғил-қизинг илм ўргансуи, бер устозга.**

Боқирғонийнинг нуқтаи назарида инсон “ақли комил” ва “маърифати шомил” бўлиши учун шариатнинг илмин билиб сўнгра “илм бирла тарикат йўлини” тутмоғи лозим. Шоир одоб-ахлоқ хусусида гапирганда эса, инсонда гўзал хулқ, нафси зоҳир ва нафси ботинни тарбия қилмоқни назарда тутиб, шариат адаби, тарикат адаби, маърифат адаби, ҳақиқат адабини узвий боғлиқ ҳолда олиб қарайди. Зеро, шоирнинг “Адабсизлик қилмагил, осий бўлма тедиё” мазмунидаги инсоний фазилатларга даъват этган ҳикматларини ҳар бир киши ўз ҳаётига тадбиқ қилса, яхши бўларди. Боқирғоний манманлик ва такаббурлик йўлини тутувчи одамнинг аҳмоқ ва нодон эканини қуйидагича ифодалайди:

**Ўзингни халқдин ортуқ ҳам кўрмагил,  
Улуғликни Ҳақга сазо кўрмиш керак.  
Йиновмагил, дунё нчра қатлан куни,  
Қилурлар то ҳазратда қабул сани.  
Кўтаргил бошингдин бу кибру мани:  
Манманликни ўзингга эзгу сонма,**

**Ҳалқа ичра халққа заҳмат сан киргузма,  
Риё нарса, амал елга бермиш керак.**

Шоир кишиларни камтар, олижаноб, мард, меҳр-муҳаббатли ва оқибатли, покиза, диёнатли бўлишга даъват этади. Баъзи имонсиз ва диёнатсиз кишиларнинг хатти-ҳаракатларини маърифатсизликдан ва жаҳолатдан, ғафлатдан, нодонликдан деб билади. Шунга кўра “ботил маъмурлиги” имондурки, имон ва Қуръон ажралмасдур дейди:

**На хуш дунёда Иймому Қуръон,  
Не бўлган дунёда Иймондан ортик.**

Шоир имонсизларча мол-дунёни йиғишга ҳирс қўйиш ахлоқий тубанлик ва ҳасислик нишонаси эканини алоҳида таъкидлайди:

**Ҳожат эрмас, бу дунёни мунча йиғмоқ,  
Бу ҳасис дунё учун мунча елмоқ.**

Шунга кўра, шоир Оллоҳни бундай тоифадаги одамларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи, уларни инсофга ва диёнатга келтирувчи, одамларни яхшиликка, ақл-заковатга эришишга даъват этувчи, уларни хушгабиатли, зийрак, нафсни худбиншиқдан ва бузук ишлардан сақловчи, инсонни ҳақиқий баркамолликка бошловчи шлоҳий куч сифатида тушунади.

## **2.10. Муҳаммад ал-Ҳусайн Абу Абдулло Фахриддин ар-Розий (1149-1209).**

XII аср Хоразмнинг машҳур аллома ва уламоларидан бири Муҳаммад ал-Ҳусайн Абу Абдулло Фахриддин ар-Розийдир. Маъбаларнинг гувоҳлик беришларича, ал-Розий 1149 йили Ҷрошнинг Рай шаҳрида туғилган. Оиласининг аждодий келиб чиқishi, маъбаларнинг шохидлигича, Хоразмдан бўлган. Бошланғич таълими Рай шаҳрида олгач, оиласи билан Гурганж шаҳрига кўчиб келади ва муқим бўлиб яшаб қолади. Гурганж

мадрасаларида ўқиб ўз билимини оширади. Табиатан туғма қобилиятга эга бўлган Фахриддин ар-Розийни Хоразмшоҳ аъёнлари саройга ишга таклиф қиладилар.

Хоразмшоҳ Султон Такаш саройида Фахриддин Розий имом фахри номи билан машхур бўлган. Хоразмшоҳлар илм-фан тараққиётига жонкуяр бўлганлар. Фахриддин ар-Розийдаги илмга интилишни сезгач, уни Макка, Мадина ва Бағдод мадрасаларига ўқишга юбордилар. У ерда машхур алломалардан ислом дини ва фикх илмидан чуқур билим олиб, етук олим сифатида Гурганжга қайтиб келади. Бу ерда у ислом тараққиёти, фикх, фалсафа, адабиёт, шеърят, мантик, тиббиёт ва бошқа илмлар соҳасида машхур бўлади. Ар-Розий ўз илмий фаолиятида қадимги юнон олимларидан Аристотел, Героклит, Эпикул, шарқ мутаффакирларидан ал-Форобий, Ибн Сино ва Беруний асарларидан ижодий фойдаланган, уларга бағишлаб шарҳлар ёзган. Гурганж мадрасаларида ана ўша илмлардан сабоқ берган. Фахриддин ар-Розий ўз даврининг етук олими ва шайхи бўлган. У 30 дан ортиқ асарлар муаллифидир. Шулардан Хоразмшоҳ Султон Такаш (1172-1200й) га бағишлаб ёзган 60 бобдан иборат бўлган “Илмлар йиғиндиси” асарида диний билимлардан ташқари, математика, астрономия, тиббиёт, физика, кимё, тарих, мантик фанларига доир қимматли маълумотлар берилади. Улар ислом қадриятларини ривожлантириш ҳамда мамлакатда тинчлик - осойишталикни қарор топтиришда муҳим рол ўйнаган. Афсуски, кўплаган хоразмлик олимларнинг асарлари каби Фахриддин ар-Розий асарларининг кўпчилиги бизгача етиб келмаган.

Фахриддин ар-Розий ва бошқа ўша давр олиму уламоларининг сайёи -ҳаракатлари билан Хоразмнинг пойтахти Гурганж Шарқ мусулмон дунёсининг энг мўътабар маконига айланади. Бу ерга буюк алломалар, авлиёлар қабрини зиёрат қилувчилар кўпая боради.

## 2.11. Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий-Хоразмнинг буюк алломаси.

Хоразмда Хоразмшоҳлар-Ануштегинлар ҳукмронлиги йилларида фан, маданият анча тараққий этган. Ўзларининг сербарака ижодлари билан жаҳонга танилган олимлар етишиб чиққан. Шундай машҳур олимлардан бири Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал Чағминийдир. Ўз дарига Чағминий кенг миқёсдаги ижоди билан жаҳон илм аҳлига яхши танилган. Афсуски буюк олимнинг асарлари ҳозиргача етарли ўрганилган эмас.

Маҳмуд Чағминий Хоразмнинг пойтахти Гурганж яқинидаги Чағминда туғилган. У бошланғич таълимни ўз туғилиб ўсган кенга олган, кейинчалик Гурганж шаҳридаги мадрасалардан бирида ўқиниш давом этдиради. У Гурганжда энг машҳур олимлар раҳбарлигида тарбия олиб, астрономия, математика, геометрия, география фанлари сирларини чуқур эгаллайди. Ўз билимини янада ошириш мақсадида Самарқанд мадрасаларидан бирида таҳсил олиб қайтгач Хоразмшоҳ Чағминийни саройга лизга таклиф этади. Олим шоҳ саройида илм билан шуғулланади. У араб, форс ва юнон тилларини мукаммал ўрганганлиги боис Итоломей, Платон, ал Хоразмий, Форобий, Абу Наср ибн Ироқ, Беруний асарларини жуда яхши ўзлаштиради ва ўзи ҳам бир қанча асарлар ёзади.

Унинг “Астрономия ҳақида қисқача рисола”, “Тўқкизликлар арифметикаси”, “Тўқ”, “Мерос тақсим қилишдаги усулларга шарҳ” каби ва табобатга доир “Қонулча” асарлари бизгача етиб келган.

Чағминий ўзининг ана ўша асарларида антик Юнон ва Рим ҳамда Марказий Осиёлик олимларнинг аниқ фанларга доир гояларини ўз мулоҳазалари ва кашфиётлари билан бойитган. Айниқса олимнинг “Ал-мулаххас фи ҳайъат ул басита” номли асари шарқ олимлари орасида катта шуҳрат қозонган. Чағминий ушбу асарининг муқаддимасида муддаосини таърифлаб шундай ёзади: “Мен осмон жисмлари ва улар орасидаги муносабатлар, ҳаракатлари тўғрисида фикр қилдимки, буларнинг ҳаммасини киши ақли билан фикрлаши, тушуниши осондир. Осмон

жисмлари билан шуғулланувчи кишилар кам бўлгани учун, ўзимдан кейин фалакиёт илми билан шуғулланувчи илми, доно одамларга атаб ёздим.”<sup>1</sup>

Ал Чағминий ўз даврининг етук табобат илмининг соҳибларидан бўлган. Унинг “Қонунча” номли асари табобат сирларини ўрганувчиларга қўлланма. У бизгача етиб келган. Олимнинг ушбу асари шарқнинг машхур табобат соҳасидаги алломалардан Абу Бакр ал-Розий, Абу Али ибн Сино, Исмоил Журжонийлар асарларини таҳлил қилиш ҳамда мазкур соҳага оид тажрибаларини илмий мужассамлаштириш асосида табобат илмини янада ривожлантиришга қаратилган.

Мазкур асарда одам анатомияси ва физиологияси ҳақида диагностика, терапия, жарроҳлик, доришунослик ҳамда касалликни олдини олишнинг кўп чоралари ҳақидаги долзарб масалалар хусусда ёзилган. Асарда инсон саломатлигини таъминлашда кўпгина тадбирлар, айниқса жисмоний тарбия, соғлом экологик муҳит, мусаффо ҳаво ва тоза ичимлик суви ҳамда сайёҳатлар энг муҳим омиллардан деб кўрсатилган.

“Қонунча” асари ўз даврида тажрибали табобат олимларининг эътиборларини қозонган ва улар ал Чағминийнинг мазкур асарига жуда юқори баҳо берганлар. Ҳиндистонлик машхур тиббиёт олими Жони Мухаммад Акбар Арзоний ўзининг “Юрак қувончи” (1780) асарида Чағминийнинг ушбу китобига илиқ фикрлар ёзиб қолдирган: “Мен тиббиётга доир жуда кўп китобларни ўқиганман. Айниқса, ал Чағминийнинг “Қонунча” асари менда алоҳида кизиқиш уйғотди. Дўстларим мендан ушбу рисолага шарҳ ёзишни илтимос қилдилар. Мен уларнинг илтимосини фойдадан ҳоли бўлмаса керак, деган умидда бажо келтирдим. “Қонунча”га ёзган шарҳимни “Муфаррих ал-қулиб” (қалбларни хурсанд қилувчи) номи билан тайёрладим,”<sup>2</sup> деб қайд қилади. Илмий жамоатчилик томонидан буюк аллома ижодига ҳамиша кизиқиш кучли бўлган.

Немис олимларидан В. Рудольф (1816-1893), Г. Зутер (1848-1922) ва А. Хохгейм (1840-1898) рус шарқшуноси Б. И. Беляев асарларида ал Чағминий асарлари ҳақида дастлабки маълумотлар

<sup>1</sup> Д.Бобожонов, М.Абдурашулов- Абдинег фарзандлари. 25-бет

<sup>2</sup> Уша жойда 25-26 бетлар

учрайди. Ўзбек олимларидан академик Қори Ниёзий ўзининг “Улугбекнинг астрономия мактаби” ва бошқа асарларида Чагминий ҳақида қимматли маълумотларни келтирган. Хоразмий машҳур математик олим Халил Сиддиқов ҳам ўз ижодида ал Чагминий ҳақидаги маълумотларни кенг миқёсда бера олган. У шу соҳада кенг кўламда илмий изланишлар олиб бориб, ал Чагминийнинг астрономиясига оид бир неча китобларни топишга ва улар ҳақида ўз асарларида кенг маълумотлар беришга муваффақ бўлган. Хоразмнинг буюк алломаларидан бўлган Маҳмуд ал Чагминий ўзининг ўлмас асарлари билан жаҳон фани ривожига салмоқли ҳисса қўнган ватандошимиздир.

## **2.12. Абу Иброҳим Исмоил ибн Хасан ал Журжоний (1045-1109).**

XI аср Хоразмининг кўзга кўринган табобат илми билан шуғулланган олимлардан бири Иброҳим ал Журжонийдир. Журжоний Хоразмнинг пойтахти Гурганжга кўчиб, то умрининг охиригача шу ерда яшаган. Журжоний Хоразмшоҳлар саройида шифокор табиб бўлиб ишлаш билан бирга, сарой қошидаги фозиллар уйида табобат илми бўйича тадқиқот ишларини олиб борган ва ўз замонасидаёқ Шарқда тиббиёт бўйича машҳур олим сифатида танилган. Журжоний ўз ижодида ибн Сино ва Абу Бакр Розий асарларидан кўп фойдаланган. Уларни ўзига устоз деб билган. Буюк олимларнинг илмий ғояларини ўз билими ва тажрибаси билан бойитиб, тиббиётга доир кўпгина асарлар ёзиб қолдирган. Шулардан бизгача олимнинг етиб келган энг машҳур асари “Захираи Хоразмшоҳий” номи билан юритилади. Бундан ташқари, олимнинг тиббиётга доир араб ва форс тилларида ёзилган “Ал-ағроз ат-тиббия вал-мабоҳис ал-алоқия” (“Табобат ва шифолари ва олий тадқиқотлар”), “Зубозат фиттиб” (“Табобат фанининг қаймоқлари”), “Ат-Тазкират ал-ашрафия фи синоат ат-тиббия” (“Табобат санъатида энг шарафли эсдалик китоби”) ва бошқа асарлари бор.

Журжонийнинг форс тилида ёзилган “Захираи Хоразмшоҳий” (“Хоразмшоҳлар захираси”) ўз мазмунига кўра қомусий асар бўлиб, кириш сўзи ва 9 бобдан иборатдир. У



Хоразмшоҳ Кутбиддин Муҳаммад (1097-1127) га бағишлаб ёзилган. Кейинчалик Исмоил Журжоний унга қўшимча ўнинчи бобни ҳам тайёрлаган. Бироқ алоҳида “Қарободни Захираи Хоразмшоҳий” номи билан алоҳида китоб қилган. “Захирати Хоразмшоҳий” китобининг сўзбошида Хоразмнинг ўша даврдаги табиий иқлим шаронти, табиат билан инсоннинг ўзаро муносабатлари, экологик муҳитнинг инсон соғлигига таъсири ҳақида илмий асосланган фикрларни баён қилади. Исмоил Журжоний ушбу асарни фақат табобат мутахассислари учун эмас, балки оддий фуқароларни ҳам ундан фойдалана олишлари мумкинлигини ҳисобга олиб ёзган. Асар форс тилида содда ва тушунарли тилда ёзилган.

“Захирати Хоразмшоҳий” китобининг 1 ва 2 бобларида тиббиёт фани ва унинг аҳамияти, инсон организми анатомияси, инсон баданидаги ҳар бир аъзосининг ўзига хос вазифаси, инсонда содир бўладиган касалликлар ҳамда уларни аниқлаш усуллари ҳақида сўз юритилади. Китобнинг 3-5 бобларида инсонларда юз берадиган касалликларнинг олдини олиш чоратадбирлари, атроф-муҳит мусавффолигини сақлаш, касалликни аниқлаш усуллари, тутканок касали, унинг белгилари ва бу касалликка чалинган беморларни даволаш усуллари ва бошқа масалалар ҳақида маълумотлар ва маслаҳатлар берилган. Китобнинг қолган бобларида инсон организмдаги турли хил оғриқлар, шунингдек, чиқиш, синиш, турли яралар ва бошқа жароҳатлар, уларни даволаш усуллари, захарланишга қарши усуллар ҳақида назарий ва амалий маълумотлар киритилган. Ушбу китобга қўшимча тарзда ёзилган “Қарободни заҳирайи Хоразмшоҳий” китобида олим содда ва мураккаб дорилар, уларни тайёрлаш ҳамда қўллаш усуллари ҳақида фикр юритади. Олимнинг “Заҳираи Хоразмшоҳий” асари шарқ мамлакатларидаги табиб ва ҳакимлари орасида жуда кенг тарқалган. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида ушбу асарнинг XVII-XIX асрларда кўчирилган 12 та қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Исмоил Журжоний ўз қўли билан ушбу асарнинг бир неча қистирма қўлёзма нусхаларини ҳам тайёрлаган. Бу қўлёзма “Мухтасари Алоий” яъни “Алоуддавлага бағишланган қистирма” деб юритилади. Бу қўлёзма ҳам

Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик институтида бор. “Заҳирайи Хоразмшоҳий” XVIII асрда Хоразмда ўзбек тилига ўгирилган. Ушбу асарнинг тўлиқ бўлмаган бир нусхаси (72 варак) ҳам юқоридаги институтда сақланмоқда. 1965 йилда Техронда Журжонийнинг “Заҳирайи Хоразмшоҳий” асарининг биринчи жилди нашрдан чиқарилган. Табобат илмининг ноёб асари бўлган “Заҳирайи Хоразмшоҳий”нинг ўзбек тилидаги изохли таржимасини тайёрлаш республикамиз олимлари олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

### **2.13. Хоразмийларнинг буюк ёрқин юлдузи – Нажмиддин Кубро.**

**О, ер устида юрган не-не кимсаларни биз тирик  
Санаймиз, аслида улар ўлик, ер остида ётган не-не  
Зотларни биз ўлик санаймиз, аслида улар тирикдир**  
*Абулхасан Ҳараконий*

XII-XIII аср тасаввуфининг энг ёрқин ва энг улуғ намоёндаларидан бири, мутаффақир олим Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хива шаҳрида туғилган. Унинг асл номи Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хевақий ал-Хоразмийдир. Отаси Умар, онаси Бибиҳожар. Қабри Хива яқинидаги Саёт қишлоғида. Нажмиддин, Кубро, Абулжаноб, Валийтарош - ул зотга берилган лақаб, унвон ва кунядир.

Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳотул унс” асарида ёзилишича: - “Аҳмад ёшлигидан илмга қизиқиб, ислом асослари, шариат илмларини жуда тез ўзлаштириб Хоразмнинг манаман деган уламоларидан ўзиб кетади ва илмий баҳсларда олқишларга сазовор бўлади. Шу боис, у “Тамматул Кубаро” , яъни уламоларнинг етуғи, улуғвори деган лақабни олади. Унинг ёнига Нажмиддин - диннинг юлдузи, деган мартабали унвон кўшилиб, Аҳмад ибн Умар Нажмиддин Кубро номи билан машҳур бўлади.

Абулжаноб - Нажмиддин Кубронинг куняси. Куня - арабларда ҳурмат юзасидан бериладиган лақабдир. Жомий ҳазратлари ёзадиларки, Нажмиддин Кубро Искандария шаҳрида

муҳаддис уламолардан ҳадис илмини ўрганиб қайтаётганида, йўлда бир кеча ҳазрати Пайғамбаримизни тушида кўради ва ул зотга мурожаат қилиб, менга куня бағишланг” дейди. Пайғамбаримиз Нажмиддинга: - Сенинг кунянг Абулжаноб - дунёдан ижтиноб, парҳез этувчи бўлади, деб марҳамат қиладилар.

Валийтарош - маъноси валийларни тарбияловчи, валийларни етиштирувчи демакдир. Зеро, Нажмиддин Кубронинг нафаслари, назарлари шунчалик зўр бўлганки, қалбларида илҳом жўш урган пайтда кимга назарлари тушса, валийлик мартабасига эришар экан. Нажмиддин Кубро ўн олти ўн етти ёшарлигида илм олиш ишқида Эрон, Миср, Шому Ироқ мамлакатларини кезади.

Нажмиддин Кубро Мисрда Шарқ фалсафаси билан шуғулланади. Нишопурда Абул Маккорим Лубон ва Абу Жафар Самдлоний, Табризда Абу Мансур Ҳафт, Маккаи Мукаррамада Абу Муҳаммад Таббеҳ ва Искандарияда Абу Тоҳир Салавий хизматларига етишиб, улардан ҳадис илмларини ўрганadi. Нажмиддин Кубронинг тариқат йўлидаги пирлари шайх Рўзбехон Мисрий, Шайх Аммор Ёсир ва Шайх Исмоил Қасрийлардир. Уларнинг устози шайх Абулнажиб Суҳравардий. Жомийнинг ёзишича, Суҳравардий зоҳирий ва ботиний илмларда баркамол киши бўлган. У кўп рисола ва китоблар ёзиб сўфийлик нисбатида Шайх Аҳмад Ғаззолийга бориб тугашади. Суҳравардий фақирлик билан футувватни – жавонмардликни тенг билган. Фақирлик, унинг талқишида, фақат қашшоқлик, бечоралик эмас, фақирлик - Худо олдида талабкорлик, ожизлик, аммо бандалари олдида адолат ва саҳоват нисбони бўлиш, ҳаммага ҳар ерда ёрдам кўрсатишдир. Пайғамбаримиз саллолоху алайҳи вассаламнинг: “Берувчи қўл олувчи қўлдан афзалдир” деган муборак ҳадиси шарифларига мувофиқ, бағишловчи қўл – фикр эшигини очувчидир. Суҳравардий бойликни қораламайди, балки зулму ситамни ва талончиликни, харомхўрликни ва хасисликни мазаммат этади. Абулнажиб Суҳравардий шогирдлари бўлган шайх Рўзбехон Мисрий, Шайх Аммор Ёсир ва Шайх Исмоил Қасрийларда қалб саҳовати билан бирга муриднинг тарбиясида қаттиққўл бўлиш, ботиний кўз билан

муриднинг хаёлларини, руҳиятини уқиб олиш ва унга руҳий таъсир ўтказиш қобилияти кучли бўлган.

Нажмиддин Кубро Табризда Абумансур Ҳафдахга шогирд тушиб, “Шарҳус-сунна” китобидан сабоқ олади. Бир куни, муридлар мадраса дарсхонасида сабоқ олиб ўтиришганида, бир дарвеш кириб келади. Шунда Нажмиддиннинг нигоҳи дарвешга кўзи тушиши билан, аҳволи ўзгаради. Дарвеш чиқиб кетганидан кейин, Нажмиддин сабоқдошларидан: “Бу одам ким?” деб сўрайди. Улар: “Шу ерлик ҳазрат Бобо Фараж Табризий”, дейдилар. Ўша куни кечаси билан Нажмиддин ухламай чиқади ва эрта тонгданок сабоқдошларига: “Юринглар, Бобо Фаражнинг олдига борамиз”, дейди. Улар Бобонинг хонақосига борганларида, хизматкор уларни келганлигини айтади. Бобо Фараж хизматкорига: “Агар улар Тангри - Таоло даргоҳига келгандай бўлиб кира олсалар, кирсинлар”, дейди. Ўшанда Нажмиддин дарров кийимларини ечади, ҳамсабоқлари ҳам унга эргашадилар. Улар Бобо Фараж хузурига кириб бир чеккада индамай ўтирадилар. Бобо Фаражнинг танаси куёш парчасидай порлаб, тўнининг йиртиқ - ёриқларидан нур тарала бошлайди. Бироздан сўнг Бобо Фараж ўрнидан турадида, тўнини ечиб, Нажмиддиннинг устига ёпади. Йиртиқ тўн Нажмиддин учун табаррук тухфа эди. Сўнгра Бобо Фараж Нажмиддинга: “Сенинг дафтару - китоб ўқиш вақтинг ўтди. Энди ўзинг бутун олам сардафтари бўладиган вақт етди”, дейди.

Бобо Фаражнинг хонақосидан қайтганларидан сўнг Нажмиддинга устози “Шарҳус-сунна” китобидан озгина қолди, бир-икки кунда ўқиб тугатасан. Кейин – ихтиёринг ўзингда дейди. Нажмиддин устозининг маслаҳатига кўра дарсхонага киради. Аммо ўша заҳоти Бобо Фараж келиб, унга танбеҳ беради: “Ҳозиргина илмул яқиндин мишг фарсах узоклашган эдинг. Энди яна илм қошига келдингму?!” дейди.

Нажмиддин Кубро Кубровия тариқатининг асосчис. У 1185 йилда Хоразмга қайтиб, катта хонақоҳ курдиради. Ва юзлаб шогирдларининг тарбиясига киришади. Кубровия тариқати ҳам Қуръони карим ва Ҳадиси шариф таълимот асосида шакллангандир. Комил инсонни тарбиялаш - тариқатнинг асосий вазифаси. Шайх Нажмиддин Кубронинг ҳаёти эса катта сабоқ ва

улкан мактабдир. Кубровия тариқатида талаб – адолат, садоқат, ишқ – муҳаббат яъни тангрига ошиқликнинг инсон учун нақадар зарур эканлигидир. Шайх Нажмиддин Кубро ўз рубойларида шундай дейди:

**Ишқ дарди ғариб танимдаги жон бўлғай,  
Дард чекса киши аҳийри инсон бўлғай.  
Ошиқ ману дўзах мен учун оташгоҳ,  
Бошқа учун у бир зимистон бўлғай.**

Нажмиддин Кубро ўз таълимотида инсон омилини биринчи ўринга қўяди. У инсон тафаккури кучига юксак баҳо бериб, шундай дейди: “Валийлик инсон боласига азалдан насибадир, чунки одам Оллоҳнинг суйган маҳлуқи, Парвардигор одамга онг-ақл берган, ботиний нур берган, уни барча мавжудотдан афзал қилиб яратган.”

**Юрмоқ учун Ҳақ йўлига етмоқ шарт,  
Бошқасидан кўзни юмиб кетмоқ шарт.  
Элга шифо бахш эту, оч кўзларни  
Одам ҳама-ул, унга назар этмоқ шарт.**

Шайх Нажмиддин Кубро ўнлаб асарлар муаллифи ҳамдир. Жумладан, унинг “Фиодобус солиқин” (“Солиқлар одоби ҳақида”), “Рисола атгул хайф ул хоим ан лавмат ил-лоим” (“Кўркувчи оворалар ва маломат этувчи маломатийлар ҳақида”), “Фавойилхул жамол” (“Гўзалликни эгаллаш”), “Рубойилар гўплами”, “Фавойихул жамол ва фавоғихул жалол” (“Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи”), “Ал-усул ва ашара” (“Ўнга усул”), “Рисола ат-турук” номли асарларида Оллоҳни таниш, ҳалоллик ва мардликни улуғлаб, илм олиш ва илм бериш савоби барча мўмин-мусулмоннинг бурчидир, деган фикрлар олдинга сурилган. Унинг тасаввуф тарихидаги яна бир хизмати - жавонмардлик ғояларини тариқатга жорий этиш бўлди. Натижада мардлик ва покдик, қаҳрамонлик ва фидойилик, маърифат ва жисмоний-рухий қудрат бирлаштирилди, инсон камолатида

ахлоқий юксаклик, ватанпарварлик ғоялари уйғун равишда ифодаланди.

Нажмиддин Кубро кишиларни эзгуликка, илмга, саховат ва мардликка даъват этган. Унинг шогирдлари орасидан Шайх Нажмиддин Бағдодий, Шайх Фариддин Аттор, Султонгул уламо Шайх Баҳовуддин Валад, Шайх Саъдиддин Ҳамавий, Шайх Сайфиддин Боҳарзий, Шайх Жлолиддин Гейлий сингари кўплаб мусулмон оламига донги кетган валийлар етишиб чиққанлар. Нажмиддин Кубронинг муридлари кўн бўлган. Эрон, Арабистон, Кавказ, Шому - Ироқнинг турли жойларидан келиб, улуғ шайх маърифатидан баҳраманд бўлганлар. Унинг муридлари Кубровия тариқатининг давомчилари ҳисобланадилар. Кубровия тариқати ўз даврида дунёнинг барча ерларига кириб борган. Хоразмлик буюк шайхнинг тариқати бутун дунёга тарқалган. Унинг истеъдодли муридлари донишмандлик, исломий ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифат ғояларини турли миллат ва элатлар орасига ёйганлар.

Кубровия тариқатидан кейинчалик бир қанча шаҳобчалар ажралиб чиқиб бутун дунёда тасаввуфнинг энг кўп тарқалган йўлларида бирига айланади. Булар Нажмиддин Кубронинг шогирдлари томонидан тарқатилган бўлиб, шу кунимизгача айрим мамлакатларда турли хил кўришишларда фаолият кўрсатмоқда.

Ҳиндистонда Фирдавсия, Бағдодда Нурия, Хуросонда Рукния, Кашмирда Ҳамодония, Эрон ва айрим гарб мамлакатларида Америка, Англияда Неъматуллоҳия ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Нажмиддин Кубро тарихда буюк алломагина эмас, балки ўз ватанининг озодлиги учун мислсиз мардлик намуналарини кўрсатган миллий қаҳрамон сифатида ҳам ном қолдирган. XIII асрнинг бошларига келиб Мўғилистонда Чингизхон бошчилигида кўчманчи мўғулларнинг улкан давлати пайдо бўлди. У даврда гарбда Хоразмшоҳлар давлати юксалиб ўз ҳудудини шарқдаги ўлкалар ҳисобига кенгайтириб, жуда катта ҳудудни эгаллаб тобора дунёга якка ҳукмронликни авж олдирмоқда эди.

Ҳар қандай давлат эзгулик тарафдори бўлиб ривожланса, мискинлар кўз ёшин оқизмаса ҳам, ички ва ташқи душманлар

хуружи туфайли инқирозга юз тутади, деган эди Нажмиддин Кубро. Дарҳақиқат, ўзаро урушлар оқибатида, Бағдод халифасининг Хоразмшоҳга қарам ўлкаларида ўз сиёсатини “Фақат Оллоҳга ва менга, бизнинг дўстларимиз (мўғуллар, исмоилийлар, ғурийлар ва христианлар) га хизмат қилинг” деб тарғиб қилиши, Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотуннинг, давлат учун хизмат қилган кишиларни камситиб, фақат қипчоқлардан чиққан амалдорларни кўкларга кўтариши ва бир қанча сабаб - оқибатлар натижасида қудратли салтанат инқирозга юз тута бошлаган эди. Чингизхон билан Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасида қисқа муддат (1215-1218) элчилик муносабатлари давом эткан бўлишига қарамай, охир-оқибат фожиа тугайди.

Ҳарбий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган мўғул қўшинлари Хоразмшоҳлар давлатига юриш қилиб, қисқа муддатда (1219-1221) давлат ҳудудини босиб олади. Мўғуллар қурган тузоқларга бир неча марта тушиб, ўз ҳарбий кучларининг (Ўтрорда 60 минг, Хўжандда 10 минг, Самаркандда 110 минг, Бухорода 50 минг) анчагина қисмидан ажралган Хоразмшоҳ Муҳаммад ўз юртини, пойтахти Гурганж шаҳрини ташлаб чиқади. Шаҳар аҳолиси ҳимоясиз, сардорсиз қолади. Шундай оғир вазиятда 76 ёшли Нажмиддин Кубро шаҳарни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади. Шайх муридларини, шогирдларини жамлаб, уларга шундай дейди: “Машриқдан келган бу бало Машриқу, Мағрибни яқсон этади, ёндириб кул қилади. Сизлар ҳар бирингиз ўз юртингизга боринг, ўз жонингизни асраш пайида бўлинг!” Шогирдлар: “От-уловлар тайёр. Бирга кетайлик шайх ҳазратлари?” дейдилар. Бунга жавобан шайх Нажмиддин Кубро: “Мен бу ерда шаҳид бўламан. Менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ”, дейди. Шайх шаҳар мудофаасини ташкил этиш билангина чекланмай, қўлига қилич олиб жанг қилади. Анча вақтгача мўғуллар шаҳар ҳимоячиларининг қаршилигини снга олмайдилар. Шунда улар ҳийла-найранг ишлатиш, сотқинлар кўмагидан фойдаланиш йўлига ўтадилар ва биладиларки, шаҳар мудофааси бошида шайх турибди, дарров шайхни олдига элчилар жўнатиб, биз томонга ўтинг, сизни омонлик ва бойлик билан сийлаймиз, дейдилар.

Амир Темурнинг невараси Улуғбек Мирзо ибн Шоҳрух Мирзо (1394-1449) ўзининг “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи, 1425”) номли тарихий асарида шайх Нажмиддин Кубро жанобларини таърифлаб, бундай ёзади: “Мана, етмиш йилдирки, Хоразм халқи билан яшаб келмоқдаман. Бугунги кунда қазойи илоҳий бало жазосини юборди. Уларнинг калласида мурувват деган нарса бўлмайдик, орасидан қочиб, ўзимни бир чеккага олсам. Балки, улар билан бирга бегамона ятмога дучор бўлганим тузукрок бўлар. Балоларга ҳам улар билан ёр бўлсам!”.

Назм (мазмуни): “Бир кекса умри охирашиб қолганди. Шу сабабдан унга сўз қор қилмади. Қуйидагича жавоб берди. Етмиш йилдирки, Хоразмда хушхол яшайман. Тақдир муруввати шуни тақозо қиладики, келган балога тан бергум. Қонимни шу ерда тўкадиган бўлишса, Тангри фармонидан қочмагум. Кийна олови ёнган экан, Гурганжда хўлу курук ёнгуси. Шоҳ лашкари ўку тиғ билан банд, доною нодон ҳоли билан иши йўқ. Унинг бошини кесмасанг яхши бўларди, деган пандни мўғулнинг эшитгиси йўқ. Қазо тиғи тақдир туфайли ўткирлашган экан, кексаю -ёшнинг боши кесулгуси.”

Нажмиддин Кубро шаҳар ҳимоячиларига қарата: “Ё Ватан, ё шарафли ўлим!” деб ҳитоб қилади. Мўғуллар ҳали бирон ерда бунчалик қаттиқ қаршилиққа дуч келмаган, ҳали бирон ўлкада мўғул аскарлари бунчалик кўп қирғин қилинмаган эди. Даҳшатли қирғинработ - Гурганж фожиаси етти ой давом этди. Сон жиҳатидан устун бўлган душман, машаққатлар ва ҳисобсиз қурбонлар эвазига ғалабага эришади. Қўлида қурол ушлашга мажоли қолмаган гурганжликлар иложсизликдан таслим бўлади. Жароҳатланган шайх Нажмиддин Кубро ўлими олдидан туг тутган мўғул сарбозига ташланади.

Машҳурдирки, қатл чоғи ҳазрати Шайх бузруквор бир қўли билан қатл этаётган кофирнинг яловини маҳкам чангалладилар. Кейин қанчалик уришишмасин, кофирнинг яловини ҳазратнинг қўлидан чиқариб олаолмадилар. Ахийри ул кофир яловини қирқиб олдилар. Яловнинг учи ҳазрати Шайхи шаҳиднинг муборак қўлларида қолди. Бу ҳазрати Шайхнинг минг-минг қароматларидан биридир.



Ҳазрати Шайхи бузрукворнинг қатли муборак туркий юнд йилига мувофиқ келадиган 618 ҳижрийда содир бўлди. Ҳазрати шайхи Валитарош шайх Нажмиддин Кубро, Тангри унинг руҳини муқаддас тутсин (вафотига битилган) тарихда шундай дейилади. Назм (мазмуни): “Муршиди аъзам шайх Нажмиддин Кубро Худо амри билан Хоразм учун бошини тикди. Бошини топширишда қотил яловига ёпишди. Дини ҳақ иқлимнинг шоҳи ул пийр сарпанжасидан ўн забардаст йигит яловни чиқариб ололмадилар. Сайидлар шайхи сарпанжасида кофир яловини кўриб хайратда қолган оқиллар бу ҳолни шундай шарҳлаганлар: „Ялов учини Шайх тутиб, тарих айтдики, вафотим санаси “Шоҳи шуҳадо” (“Шаҳидлар шоҳи”) дир.

Жами мусулмонлар аълосига Оллоҳи Таоло раҳмати ёғилсин. Яна дейдиларки, Ҳазрати мавлоно Жалолоддин Румий, унинг сири муқаддас қилинсин, Ҳазрати Шайхи бузруквор Валитарош шайх Нажмиддин Кубро, Оллоҳ унинг сирини муқаддас тутсин, яловни тутганига ишорат қилганлар. Назм (мазмуни): “Биз шундай улуғларданмизки, гавҳар тутамиз, ориқ эчки тутган пасткаш эмасмиз. Имом қадаҳидан бир кўлимиз билан май ичсак, иккинчи кўлимиз билан кофир яловини тутамиз”.

Гурганж таслим бўлгач ёндирилади, ҳамма тирик жон қиличдан ўтказилади, бойликлар таланади. Жувайнийнинг маълумотларига қараганда, 100 минг нафар ҳунарманд, косиб, рассом асирга олиниб, Мўғулистонга жўнатишган. Мўғуллар ваҳшийликнинг бор усуллари ишга солганлар, йўқларини эса ўйлаб топганлар. Мўғуллар шаҳарнинг кулини кўкка совуриш билан бир қаторда, Гурганждан ном-нишон қолдирмаслик учун Амударё тўғонини бузиб, сувни шаҳарга буриб юборадилар. Барча улкан тарихий обидалар, илм-маърифат манбалари сувга бостирилади. Натижада, узоқ муддат давомида барпо этилган улкан қадимий маданият ва маъмурий марказда ҳаёт тўхтайдди. Жувайнийнинг ибораси билан айтганда: “Гурганж қашқир макони бўлиб қолди ва у ерда бойўғли ва бургут ил курди”.

Шундай қилиб, Хоразмнинг буюк фарзанди ўз она Ватанини душманлардан ҳимоя қила туриб шарафли ўлим топди. Нажмиддин Кубро 1221 йилда ўзи муаллимлик қилган хонақоҳга дафн этилади. Кейинчалик Олтин Ўрдага бўйсинувчи ўлка

хукмдори Кутлуг Темур томонидан XIV асрда Гурганж шаҳрида буюк олим, тасаввуф таълимотининг асосчиларидан бири, ватанпарвар шайх Нажмиддин Кубро номига мақбара тикланган. Ҳозирги вақтда Нажмиддин Кубронинг қабри Туркменистон республикасининг Тошҳовуз вилояти, Кўхна Урганч шаҳридадир.

Шайх Нажмиддин Кубронинг бундай ватанпарварлиги асрлар оша тилларда дoston бўлиб, афсоналарга айланиб бизгача етиб келган. Мустақиллигимиз шарофати ила 1995 йилда республикамызда буюк аллома Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги кенг нишонланди ва бир қанча рисоалари чоп қилинди. Турон замини қадим-қадимдан ватанпарвар, миллатпарвар буюк сиймолар манзил-макони бўлган. Бу юртда яшаб ўтган кўплаб аллома, валий зотлар дунё тарихида ўчмас из қолдиришган. Шайх Нажмиддин Кубро инсоният тарихидаги энг эътиборли сиймолардан биридир, унинг номи Шарқда асрлардан буён ватанпарварлик тимсоли бўлиб келмоқда. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Нажмиддин Кубро қаламига мансуб асарлар сони ўнтага яқин. У асос солган Кубровия тариқати “олтин тариқат” деб ҳам юритилади. Нажмиддин Кубронинг ўзи “Рисолатут-турук” асарида уни “Тариқат шутто” (ишқ аҳли бебокликларининг йўли) деб аталганлиги маълум. Бу рисолада “Кубровия” тариқатининг ўнта қондаси қисқача зикр этилган.

1. Тавба - содир бўлган хатолар-ғуноҳлардан пушаймон бўлиб, худога юз тутмоқ.

2. Зухд – тақво - пархезгарлик. Оллоҳдан кўркиб, ман этилган ишлардан ўзини тийиш.

3. Худога таваккал қилиш - ўз ишларини бугунлай худога топшириш.

4. Қаноатга қойим, кўпдан воз кечиш - тамағирликнинг зидди.

5. Узлат – бошқалардан ҳоли бўлмоқ.

6. Доимий зикр – мудомо қалб ила худони ёд этмоқ.

7. Бутун вужуд билан тангрига таважжух қилмоқ.

8. Сабр – ҳар қандай ҳолатда ҳам чидамоқ.

9. Мувоқабат – танг ҳаёлига ботиб, илоҳий оламга боқмоқ.

10. Ризо - тангри иродасига қаршилик кўрсатмасдан, қазо ва қадар-тақдир ҳукмига бўйсунуш.

Кубровия тариқатида диний ва дунёвийлик чамбарсдирдир. Кубровия тариқатининг қатор ахлоқий қоидалари бизнинг кунларимизда ҳам ғоятда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Шайх Пажмиддин Кубронинг шеъриятидан сақланиб қолган баъзи бир намуналар ички дунёси нақадар гўзаллигидан хабар беради, ҳаёт нашидасини сурмоққа интилиши, катта дунёвий муҳаббат эгаси бўлганлиги ва олижаноб инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирганлигини ифодалайди:

**Ишқ етса кўнгилга, дилга дард айлар,  
Дарди дили мард мардни боз мард айлар.  
Ўз оташи ишқида ёнар у вале,  
Дўзахни чу ўзгалар учун сард айлар.**

#### **2.14. Шаҳобиддин Саъд ибн Имрон ал Хивақий (туғилган йили ноъмалум, 1221 йил вафот этган).**

Шаҳобиддин ал Хивақий Хоразмшоҳлар давлатининггина эмас, балки ўрта асрлар шарқининг буюк сиймоларидан бири бўлган. Хоразмнинг Хива шаҳрида туғилган. У ёшлигида Гурганж ва Бағдод мадрасаларида таҳсил олади, ўзининг ўткир зеҳни ва кўп қиррали билими билан замондошларидан ажралиб турган.

Шаҳобиддин Хивақий машҳур ҳуқуқшунос, олим ва давлат арбоби бўлган. Хоразмшоҳлар саройига хизмат қилган. У Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммаднинг дин ва давлат ишлари юзасидан энг яқин маслаҳатчиси бўлган.

Афсуски, Хоразмшоҳ Муҳаммад мўғулларнинг Хоразмшоҳлар давлатига ҳужуми бошланган пайтда яъни 1219 йил сентябрда Бухорода шу муносабат билан ўтказилган кенгашда Шаҳобиддин Хивақийнинг билдирган ягона тўғри маслаҳатига қулоқ солмайди. Натижада, ўз мамлакатини, салтанатини ва ўзини ҳалокатга маҳкум этади. Кенгашда Хоразмшоҳ ўз аъёнлари билан мўғулларга қарши кураш усулини маслаҳатлашган эди. Унда айрим аъёнлар Хоразмшоҳга, катта кўшинини шаҳарларга бўлиб ташлаб, ҳар бир шаҳар ўзини-ўзи химоя қилиш усулини тақлиф қилдилар. Шаҳобиддин Хивақий

эса Хоразм кўшинини Сирдарёнинг у ёғига тўплаб, (Хоразмнинг жанговар кўшинининг умумий сони 600 000 жангчидан кўп, Чингиз кўшини 200 000 кишига стар етмас эди) узоқ чўл азобидан чарчаган душман кўшинига тўсатдан хужум уюштириш ва уни яқсон қилишни таклиф этади. Афсуслар бўлсунки, Хоразмшоҳ Муҳаммад бу гал ўз маслаҳатчисининг ниҳоятда тўғри маслаҳатига қулоқ солмайди ва ўта нотўғри, ҳалокатли йўлни танлайди. Шаҳобиддин Хивақий ўз даврининг буюк ҳуқуқшуносларидан бири бўлган. У Гурганждаги бешта мадрасада ҳуқуқшунослик назариясидан мударрислик қилган. Шаҳобиддин Хивақийнинг ташаббуси билан Гурганжда катта кутубхона ташкил этилган бўлиб, унда жаҳоннинг энг ноёб китоблари тўпланган эди. Чингизхон кўшинларининг Гурганжга яқинлашгани ҳақидаги хабарни эшитгач, Шаҳобиддин Хивақий кутубхонадаги ноёб китобларнинг кўп қисмини олиб, жанубга Хуросон томонга жўнайди ва Балх шаҳрида жойлашади. Бирок, лаънати мўғул қузғунлари у ерга ҳам етиб, шаҳарни талайдилар. Хоразмшоҳнинг яқин маслаҳатчиси бўлмиш Шаҳобиддин Хивақийни қатл қиладилар. Унинг бисотидаги ноёб китобларни эса ўтда куйдирадилар. Бу маъшум воқеа 1221 йил октябрь ойида содир бўлган эди.

## **2.15. Қосим ибн ал Хусайн ибн Аҳмад ал Хоразмий.** **Ўрта асрлардаги етук хоразмлик аллома.**

Ўрта асрлар Хоразмидан етишиб чиққан яна бир ёрқин сиймолардан бири XII асрнинг иккинчи ярми, XIII аср бошида яшаб ижод этган шоир ал-Қосим ибн ал-Хусайн ибн Аҳмад ал Хоразмийдир. У ўзининг сермахсул ижодини араб тилида авлодларга мерос қилиб қолдирган алломадир. Шоир араб тилини мукаммал билган.

Аҳмад ал Хоразмийнинг баракали ижоди ўз замондошларига яхши таниш бўлган. Араб сайёҳи Ёқут ал Хамавий (1179-1229) ўзининг “Муъжам ал-удаъб” (“Адиблар қомуси”) номли асарида кўпроқ маълумот беради. Маълумки машҳур сайёҳ ал Хамавий мўғулларнинг Хоразм давлатига ҳужуми арафасида Хоразм-шехлар давлатининг кўпгина шаҳарларида бўлган. Айнан ўша

даврда ул зот шоир Аҳмад ал Хоразмийнинг уйида меҳмон бўлган ва у билан суҳбатлашган. Ўзининг юқоридаги асариди Аҳмад ал Хоразмий ҳақида кенг тўхталган. Ёқут ал Ҳамавийнинг таъкидлашича Аҳмад ал Хоразмий шоир бўлиши билан бирга, кучли олим ҳам бўлган. У тил, адабиёт, фикҳ, фалсафа, ҳадис каби фанларга оид кўпгина асарлар ёзган. Ёқут ал Ҳамавий ушбу китобда Аҳмад ал Хоразмийнинг асарлари рўйхатини берган. У рўйхатда Аҳмад ал Хоразмийнинг Замахшарий ва бошқа шоир, олимларнинг асарларига ёзган шарҳлари ҳамда айрим китоблари мавжудлигини таъкидлаган.

Ҳақиқатан ҳам, Аҳмад ал Хоразмий кўпгина шоиру олимларнинг асарларига шарҳ ёзган. Маҳмуд аз Замахшарийнинг “ал Муфассал” асарига ёзилган уч жилдлик “Шарҳ ал Муфассал ли аз Замахшарий”, шунингдек “Ас Сабика”, “Ёлеби”, “Ат Тажмир” (“Бирлаштириш”) асарларига шарҳ ёзган. Абу Аъло ал Маарийнинг “Сакт уз-Заид” асарига бағишлаб ёзган шарҳи, “Ат-Таъдик” (“Тушунтириш”), ал Хоририйнинг “Макомат”ларига бағишланган шарҳ, “Китоб ас-сир фи-л-иъраб”, “Китоб шарҳ ал-айнийя” (“Грамматик шакллар ўзгармаслигини шарҳловчи китоб”), “Китоб-ал мутахассин-ли-л муҳсила” (“Ўрганиладиган нарсанинг ҳосиласи ҳақидаги китоб”), “Китоб ужалсафар фи-ш-шиър” (“Шеърятга шошилиш сафар”), “Китоб бадоъал-милх” (“Нодир фасоҳатли иборалар китоби”) ва бошқа бир қанча асарлар яратган.

Ёқут Ҳамавийнинг таъкидлашича, олим фақирликда кун кечирган. Ўз истеъдодини бойликка алмаштиришга кўнмаган. Хоразмшоҳ амалдорларидан бири Аш-Шихоб ал Хуфий шоирга мансаб ва бойлик ваъда қилиб, ёнида шеър ўқиб ўтиришга даъват қилганида, шоир бунга кўнмайди. 1221 йилда мўғул босқинчилари Гурганжни вайрон қилганларида кўпчилик ватанпарварлар қатори Аҳмад ал Хоразмий ҳам қатл қилинади.

## 2.16. Паҳлавон Маҳмуд-Ўрта аср Хоразмийларининг фаҳри ва ғурури.

Ўрта асрлар Хоразми ижодкорларининг ёрқин юлдузларидан бири Паҳлавон Маҳмуд Пурёрвалий (1247-1327) дир. Паҳлавон Маҳмуд ўрта асрлар Хоразмининг буюк сиймоларидан. Паҳлавон Маҳмуд чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган мингдан ортиқ рубойиларнинг муаллифи. Рубойиларининг бир неча юзтасига яқини бизгача етиб келган.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Фсруз) ташаббуси билан XIX аср охирларида шоир Паҳлавон Маҳмуднинг 350 дан ортиқ рубойилари тўпланиб, нодир қўлёзма шаклига келтирилган. Паҳлавон Маҳмуд Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистонда ўзининг ниҳоятда бақувватлиги билан шуҳрат қозонган. Унинг кураги ерга тегмаган машҳур паҳлавон эканлиги ҳақидаги ривоятлар хатто Эрон ва Ҳиндистонда ҳам машҳур бўлган. Бутун умри халқ манфаати ва ватан туйғуси билан йўғрилган Паҳлавон Маҳмуд эл орасида катта ҳурмат ва эътибор қозонганлиги боисидан ҳам, Полвон ота, Полвон Пир, Авлиё, Пирёрвали деб аталган. Пирёрвали буюк шоирга ўз замонасида берилган юксак унвон. Буюк шоир ва мутаффақир ўзининг форс тилида ёзган рубойиларида Пирёрвалий ёки Қитолий тахаллусини қўллаган.

Ўзбекистоннинг буюк тарихчи олими академик Яхё Ғуломов ўзининг 1941 йилда чоп этилган “Хиванинг меъморий ёдгорликлари” асарида биринчи бўлиб Паҳлавон Маҳмудни замонасининг машҳур шоири ва паҳлавони бўлганлигини таъкидлаб, шоир қаламига мансуб теран фикрли бир неча рубойиларни мисол қилиб келтирган. Паҳлавон Маҳмудни кенг китобхонларга танитган яна бир шарқшунос олим Тўхтасин Жалоловдир. У ўша Қалтис замонда шоир рубойиларини синчковлик билан ўрганиб, илмий таҳлил қилади ва форсчадан ўзбек тилига ўгириб, 1962 ва 1979 йилларда шоирнинг 117 та рубойисини нашр қилдиради.

Паҳлавон Маҳмуд ижодини ўрганиш, унинг рубойиларини ўзбек тилига ўгириб, китобхонларга тақдим этишда хоразмлик шоир Матназар Абдулҳакимовнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Паҳлавон Маҳмуднинг таржимаи ҳоли ҳақидаги

маълумотлар бизгача кам етиб келган. “Мажолис ошиқин”, “Ғиёс-ул луғат”, “Оташкодан Озарий”, “Қомус ул альбом”, “Манокӣйи Паҳлавон Маҳмуд”, “Ҳазрати Паҳлавон ҳикоятлари” ва бошқа китобларида унинг ҳаёт йўли ҳақида баъзи бир маълумотлар сақланиб қолган. 1881 йилда Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида нашр қилинган “Оташкодан Озарий” номли машҳур тазкирада шоир ҳақида куйидагилар ёзилган: “Исми Паҳлавон Маҳмуд. Пурёрвали лақаби билан шуҳрат топган, унинг паҳлавонлик овозаси оламни тутган, ўз даврининг яғонаси бўлган. Шеърятда қудратли “Канзул Хақойиқ” номли маснавийси бўлган. Кейинги вақтларда ёзган тасаввуф мавзусидаги рубойилари анча яхши чиққан”.<sup>1</sup> Юқоридаги таъриф ва таъкид бениҳоя самимиятлиги билан эътиборга сазавордир. Машҳур турк олими Шамсуддин Сомибек ўзининг “Қомусул аълам” асарининг 5 ва 6-жилдларида Паҳлавон Маҳмуд ҳақида қимматли фикрларни билдирган. Шоир Камолиддин Гозургоҳийнинг “Мажолис ул-ушшоқ” (“Ошиқлар йнғини” XVI аср) асарида Паҳлавон Маҳмуд ҳақида қимматли фикрлар берилган. Буюк шоиримиз Алишер Навоий ўзининг “Насоимул муҳаббат мин шамоиймун футувват” (“Жувонмард ҳаракатларнинг сифатлари ҳақида муҳаббат шабадалари”) номли асарида “Паҳлавон Маҳмуд Хивадан курашчиликда азим шуҳрат топадур, шоирлик илмида ҳўб эрмиш”, деб унинг Ҳиндистонга бориб кураш тушгани, юртдаги хоразмлик асирларни бандликдан халос қилгани ҳақида ёзиб қолдирган.

Паҳлавон Маҳмуд 1247 йилда Хива шаҳрида, пўстиндўз - ҳунарманд оиласида туғилган. Ёшлик йилларида ота касби пўстиндўзлик билан шуғулланган, сўнгра хат-савод чиқариб, буюк шоир файласуф даражасига эришган. У жуда забардаст паҳлавон бўлиб 79 йиллик ҳаётида бирор марта кураги ерга тегмаган. Паҳлавон Маҳмуд ҳақида кўплаб ривоятлар сақланиб қолган. Шулардан бири: Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж мўғуллар томонидан вайрон қилинганидан кейин, унинг аҳолиси ҳар томонга тарқалиб кетган. Шу жумладан, Паҳлавон Маҳмуднинг онаси ҳам ҳомиладор холида Хива атрофига етиб,

<sup>1</sup> А.Сабдуллаев, А.Сотликов. Хоразм Маъмуи академиясининг тарихий илдизлари. Урганч 2003 йил. 144- бет

хозирги Қиёт кишлоғида ўғил туққан. У бола 15 ёшга етган, курашчи, машҳур паҳлавон бўлиб ном чиқарган. У узоқ мамлакатдаги бир подшонинг зўр паҳлавонларини енган. Подшо хивалик паҳлавоннинг кучига қойил қолиб унга: “Марҳамат, нима керак бўлса сўрагин?”- дебди. Паҳлавон Маҳмуд подшога: “Менга бир хўкизнинг хоми (териси) га сикқунчали ватандошларимни озод қилиб беринг”, дейди. Подшо рози бўлиб, хўкиз терисини келтиришни буюрибди. Паҳлавон Маҳмуд теридан ингичка тасмалар қирқиб олган ва уларни бир-бирига улаб узун камар (кўра) қилиб шунга сикқунча одамларни олиб Хивага жўнаган, у билан келган одамларни шаҳар ташқарисидаги Шихлар кишлоғига жойлаштирган. Ҳозирги вақтгача кишлок аҳолисининг кўпчилиги, ўша ривоят айни ҳақиқат, деб айтишади. Мазкур хикоя Паҳлавон Маҳмуднинг нақадар донишманд, буюк халқпарвар инсон бўлганини ёрқин ифодасидир. Уни замонасининг илғор ва хур фикрли файласуф олими, катта истеъдод ва заковат эгаси, шоирлик мушоҳадаси жиҳатидан “Хоразм Хайёми” деб аташган. Бу - бежиз эмас, албатта. Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, Паҳлавон Маҳмуд шеърда ҳам, фалсафада ҳам Умар Хайёмнинг заковатли давомчисигина бўлиб қолмай, балки форсий, туркий халқлар адабиётида ҳам Хайёмдан сўнг рубоий ёзишда унга тенг келадиган шоир бўлган эмас. Ҳатто Абдурахмон Жомий, Навоий, Фузулий, Бобур каби буюк шоирлар ҳам ўз кучларини рубоийда синаб кўрсаларда, бу жанр улар ижодида иккинчи ўринда турган. Фалсафий ва бадиий ғоялар ривожлантирилиб Хайёмшуносликни юксак даражага кўтаролган. Паҳлавон Маҳмуд Шарқ адабиётида алоҳида мавқега эга. Паҳлавон Маҳмудни, юқорида таъкидлаганимиздек, “Хоразм Хайёми”, “Мозандорон йўлбарси” деб улуғлашган. У “Қитоли” - “жангчи” тахаллуси билан ғазаллар битган, “Канз ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар хазинаси”, 1303-1304) номли асар ёзган, лекин асар ҳали топилмаган. Унинг теран мазмушли нафис ва ўйноқи, зўр санъаткорона рубоийлари Хайёмнома руҳида эканлигига қаранг:

Дунё бамисоли бир заррин кўза,  
Суви гоҳ ширину, гоҳ аччиқ бўза.  
Э ғофил, умрингга бини қўйма кўп,  
Қазон муаллиқ турар бош узра.



Бундай сатрларни ўқиган киши шоирнинг дунёқарашининг кудратини, унинг инсонпарварлик туйғуларини ҳам сезади. Асли тасаввуф тариқатини пантеизм (вахдат ул мавжуд) оқимига мансуб Паҳлавон Маҳмуд инсоннинг ақлий ва ижодий имкониятларига юксак баҳо беради. Паҳлавон Маҳмуднинг тарихий таржимаи ҳолини тиклашда кўп хизматлар қилган, унинг ноёб рубойларини нашрга тайёрлаган Тўхтасин Жалолов шундай ёзади: “Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, шоирнинг туғилиб яшаган даври Хоразм тарихидаги энг оғир мусибатлар келтирилган Чингизхоннинг қонли юришларидан кейинги 10 йилликларга тўғри келган шундай дахшатли балоларни бошидан кечирган ватанда, унга етказилган катта жароҳатлар ҳали битиб улгурмаган бир даврда келган буюк забардаст шоирнинг қалби денгиз тўлқинларидек қайнаб қуюлганлиги кишини ҳайратга солмоқда”.

Шоирнинг васиятига кўра, жасади ўзининг пўстиндўзлик устахонасига дафн қилинган. Унинг кўп қиррали амалий ва ижодий фаолияти шунчалар зўр бўлганки, шоир вафотидан кейин узоқ вақт ўтмай, улуг авлиёлар қаторига киритилган, қабри эса зиёратгоҳга айланган. Паҳлавон Маҳмуд жавонмардлик оқимига мансуб бўлган. жувонмард Оллоҳнинг номини тилидан кўймайдиган, ҳамиша тоат-ибодат билан шуғулланадиган киши бўлиши кераклиги “Футувватномаи Султоний” китобида қайта-қайта таъкидланади. Асар муаллифи Хусайн Воиз Кошифий пир-муридлик одоби, ҳирқа ва кулоҳ кийиш тартиблари, белбоғ бойлаш, қасамёд этиш удуми ва маросимлари ҳақида, футувватчиларнинг турли бурчлари, вазифалари, касб-кори хусусида гапиради. Асар савол-жавоб тариқасида оммавий китобхонларга мўлжаллаб тузилган. Китобнинг “Учинчи фасл”ида томша кўрсатувчи паҳлавонлар ҳақида шундай дейилади: Улар саккиз тоифадирлар: яъни кураш тушувчилар, тош ўйновчилар, лой ташувчилар, замбил кўтарувчилар, дарбозлар, гурзи кўтарувчилар ва зўрлар.

Кураш тушувчилар ҳақида. Билгинки, кураш одамлар кўп қизикадиган ҳамда султонлар, шоҳларга мақбул бўлган ҳунарлардандир, бу иш билан шуғулланувчи кишилар ҳар қандай вазиятда тўғрилик ва комилликнинг қонунияти билан яшайдилар.

Агар кураш тушиш илми ёки амали, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгилки, амал билан зич боғлиқ илmdir. Ҳар ким ҳаётдан ниманидир ўрганади, бироқ унга амал қилмаслиги мумкин. Аммо кураш санъатида илмга амал қилмасликнинг иложи йўқ. Бас, шундай экан, бунда илм ва амал бир-бирини безайди, тўлдиради, бир-бирига мадад беради.

Агар кураш усталарининг одоби нечта деб сўрасалар, ўн иккита деб айтгил:

1. Устозининг ўзи пок зийнат ва нуқсон, иллатсиз одам бўлсин.

2. Шоғирдларини покликка даъват этсин.

3. Шоғирдларидан ҳеч нарсани қизғонмасин.

4. Шоғирдларига меҳрибон бўлсин.

5. Шоғирдлар мол-мулкига таъмағир бўлмасин.

6. Ҳар бир одамнинг қобилиятига қараб таътил берсин.

7. Фириб-найранг, риё билан шуғулланмасин.

8. Ўз шоғирдларига ёмонликни раво кўрмасин.

9. Шоғирдларидан биронгаси ёмон кураш тушса, жеркиб ташламасин, балки мулойимлик билан тушунтирсин.

10. Шоғирдларига маъракада таълим бермоқчи бўлса, буни яширин ҳолатда қилсин, токи душман хабардор бўлмасин.

11. Дастур бўладиган кураш илмининг барча нозикларини муфассал билиши керак.

12. Ҳеч бир маъракада пири ва устозларини дуо билан хотирга олишни эрдан чиқармасинлар.

Худди шундай шоғирдлар одоби ҳам 12 тадир. Агар кимники паҳлавон дейиш мумкин деб сўрасалар, жавоб бериб, айтки: бақувват, жусса-гавдали, ширин тилли, кўркмас юракли, етук ақли, сабрли, баркамол илмли, доимий жидду жаҳд қилувчи, яъни ҳаракатчан, хуш ахлоқ, харомдан ҳазар қилувчи, сахий, ноз-неъмат дастурхони очик одам паҳлавонлик номига сазавор кишидир.

## 2.17. Носириддин Бурхониддин Рабғузий ўрта асрлар Хоразми алломаси.

Рабғузий XIII асрнинг охири, XIV асрнинг бошларида Хоразмда (ҳозирги Боғот туманининг Қизилработ қишлоғи худудида) туғилган ва яшаган. Унинг бизгача битта асари “Қиссасул амбиё” асари (1309-1310 йилларда ёзилган) етиб келган.

Асар муқаддимасида Рабғузий ўзи ҳақида тўхталиб шундай деб ёзган: “... бу китобни тузган, тоат - ибодат йўлида тизган, мавсият ёбонин кезган, оз озуклиғ Работ ўғзининг қозиси Бурхон ўғли Носириддин”. Бу сўзларга кўра, мазкур олим Хоразмнинг Работ ўғуз деган мавзисидан бўлиб, у ерда қозилик қилган. Унинг Рабғузий тахаллуси “Работ ўғуз” сўзларидан олинган. Рабғузийнинг қачон туғилгани ва қачон вафот қилганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Шунингдек, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумот ҳам жуда кам.

Рабғузий яшаган давр Хоразмийлар учун энг оғир давр бўлган. Чингиз бошчилигидаги мўғул bosқинчилари гуллаб - яшнаб турган Хоразм давлатини қисқа даврда босиб олиб, уни вайронага айлантирганлар. Яқин ўтмишда жаҳоннинг энг маданиятли ва саводхон мамлакатларидан бири бўлган Хоразм эндиликда жаҳолат ботқоғига кўмилади. Саводсиз қолақ ўлкага айланади.

“Қиссасул амбиё” Рабғузийнинг ушбу асари етмиш икки қисмдан иборат бўлиб, ундан ўрин олган пайғамбарлар (Довуд, Сулаймон, Мухаммад ва бошқалар) ҳақидаги афсонавий қиссалар, ҳикоят ва ривоятлар халқ оғзаки ижоди, тарихий асарлар ва “Таврот”, “Инжил”, “Қуръон” каби муқаддас китоблар асосида яратилган. “Қиссасул амбиё” туркий халқлар ўртасида машхур бўлиб, китобхонлар томонидан эъзозлаб ўқилувчи, баҳши ва оқинлар томонидан севиб куйланувчи асарлардан бири. Асар айрим манбаларда “Рабғузий қиссалари” деб ҳам номланади.

Хулоса қилиб айтганда, Рабғузийнинг “Қиссасул амбиё” асарига кирган ўнлаб ҳикоятлар бугунги кунда ҳам ғоят муҳим ахлоқий маърифий аҳамиятга эгадир.

## 2.18. Абулғози Баҳодирхон (1603-1663)

давлат арбоби ва етук тарихчи.

Хоразмнинг машҳур тарихнавис олимларидан бири, давлат арбоби, Хива хони Абулғози Баҳодирхондир. Абулғози ўзбекларнинг Шайбоний уруғига мансуб. Хивада 1644-1669 йилларда хонлик қилган. Ўзининг адолатли ва маърифатпарвар сийсати билан шухрат қозонган. У етук тарихчи адиб, тилшунос шоир ва давлат арбоби сифатида жаҳон илм фанига катта ҳисса қўнган олимлардан биридир. У ўзининг жаҳонга маълум “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима” асарлари билан тарихда ўчмас из қолдирган.

У Хива хони Араб Муҳаммадхон (1602-1628 йилларда хонлик қилган) нинг тўртинчи ўгли бўлган. Абулғозихон 1012 ҳижрийда раббанола аввал ойида, яъни милодий 1603 йилнинг 23 августида дунёга келади. У ёшлигида ога-инилар ўртасида тахт учун юз берган кураш машаққатларини бошидан кечиради ва 20 йилдан зиёд мухожирликда юришга мажбур бўлади. Ниҳоят, 1644 йилда у кўнчилик рақибларини енгиб, Хива тахтини эгаллашга муваффақ бўлади. У 20 йил ҳукмронлик қилса-да, унинг кўпчилик вақти мамлакатда осойишталикни қарор топтириш учун курашларда ва ҳарбий юришларда ўтади. Абулғозихон 1663 йилнинг апрелида оғир кассалликдан вафот этган.

Абулғозихон ўзбек халқининг маданият тарихида ўзининг икки асари “Шажараи турк” (“Турклар шажараси”) ва “Шажараи тарокима” (“Туркманлар шажараси”) асарлари билан машҳур. Ҳар иккала асар ҳам ўзбек тилининг Хоразм шеvasида ёзилган. Абулғозихон жуда истеъдодли олим бўлган. У тарих, адабиёт, география, этнография, табобат ва бошқа илмлардан чуқур билимга эга бўлиши билан бирга араб, форс, мўғул ва туркий тилларни ҳам жуда яхши билган. У ўз асарини ёзишда қўлёзма асарларидан ташқари, этнографик материаллардан кенг фойдаланган. Абулғозихоннинг юқоридаги асарлари тарихий маълумотларга ва воқеаларга жуда бой. У Зардушт ва Берукийдан кейин Хоразмда тарихнавислик илмининг давомчиларидан ҳисобланади.

Абулғозихоннинг “Шажараи тарокима” асари 1638 -1661 йилларда ёзилган. Унда туркий қавмларнинг, айниқса туркман халқининг келиб чиқиши ҳақида эътиборга лойиқ маълумотлар берилган. Бу асар туркманларнинг афсонавий подшоҳи Ўғузхон ва унинг авлодлари тарихи, туркман уруғларидан солур, бояндур, така, ёвмут, тевачи, Ҳизир эли, сариқ, Али эли ва бошқалар ҳақида, уларнинг хўжалик ҳаёти, урфу - одатлари ҳақида ёзилган. Асар туркманлар билан Хива, Бухоро хонликлари ўртасидаги сиёсий муносабатлар, уларнинг хонлик зулмига қарши олиб борган узлуксиз курашлари тарихини ўрганишда қимматли манбадир.

Абулғозихон ўзининг “Шажараи турк” номли асарида Хоразмнинг Чингизхон томонидан истило қилиниши ва ундан кейинги сиёсий воқеалар, айниқса XVI-XVII асрларда юз берган тарихий воқеалар жуда муҳим маълумотлар асосида ишонарли баён қилинган. Асар 1663-1664 йилларда ёзилган. Ўша пайтда хоразмликлар орасида ўз тарихига қизиқиш анча жонланган эди. Муаллиф асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида куйидагиларни хикоя қилади:- “Аmmo бизнинг ота-акаларимизнинг бепарволиги ва Хоразм халқининг бекувлиқи, бу икки сабабдин бизнинг жамиятимизнинг Абдуллахоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилган еридан то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали теб фикр қилдук, ҳеч муносиб киши топмадук, зарар бўлди (ва) ул сабабдин ўзимиз айтдук”<sup>1</sup> “Шажараи турк” асари қисқа муқаддима ва тўққиз бобдан иборат:

1- бобда Одам Атодан то туркларнинг қадимги хонларидан Мўғул хонгача кечган воқеалар;

2-бобда Чингизхонгача бўлган воқеалар;

3-бобда Чингизхоннинг то вафотигача бўлган воқеалар;

4-бобда Чингизхон ворисларининг подшоҳлик даври;

5-6 бобларда Мовароуннахрда Чигатой, Эронда Тўлуйхон авлодлари подшоҳлик қилган даври;

<sup>1</sup> “Шажараи турк”, Тошкент 1992 й, 11 бет.

8-бобда Жўжихон ва Шайбонийхон авлодларининг Хоразмда ҳукмронлик тарихи баён қилинади. Абулғозихон асарининг

7-9 бобларини ёзиб улгура олмаган. 1644-1664 йилларга алоқадор воқеалар Анушахон топшириғи билан Маҳмуд Ибн мулла Муҳаммад Урганжий томонидан ёзиб тамомланади.

Абулғозихон “Шажараи тарокима” ва “Шажараи турк” асарларини ёзишда 20 га яқин форс ва араб тилларида ёзилган асарлардан (Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Рашидиддиннинг “Жомъ ут-таворих”, яъни “Тарихлар мажмуаси” ва бошқа), шунингдек халқ оғзаки ижодидан ҳикоя, ривоят ва достонлардан кенг фойдаланилган. Олимнинг “Шажараи турк” асари ижтимоий ҳаётнинг турли воқеаларини ўзида мужассам этган. Асарда Хоразмнинг XV-XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, унинг Бухоро, Сибир, Қозок хонликлари, Эрон, Хуросон ва бошқа ҳудудлар билан ўзаро муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар берилади. Яна асардаги ўзбеклар, сартлар ва туркман қавмларининг этнографиясига доир маълумотлар ҳам алоҳида илмий аҳамиятга эга. Булардан ташқари, “Шажараи турк” асарида Хоразмнинг кишлок хўжалиги, ирригация, савдо-тижорат ишлари, солиқ тизими, маъмурий тузилиши ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. Дарҳақиқат, олимнинг ушбу асарида ўзи ва ўғли Анушахон замонида мамлакат кишлок хўжалигида боғдорчилик ва дончиликка алоҳида эътибор берилганлиги, Миздахкон қалъасидан то Куйгун даҳасигача бугдой экилганлиги, “Отда киши 10 кунда бугдойнинг тошиндин айланиб кела олмаганлиги... бир тангага ярим тева (туя) юки бугдой берилганлиги” ҳақида қимматли маълумотлар берилади. Абулғозий Баҳодирхоннинг ушбу асарларини тарих фани учун алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, рус ва европалик шарқшунос олимлар унга ўз вақтида юқори баҳо берганлар.

Абулғозихон асарларининг ўнлаб қўлёзма нусхалари жаҳоннинг кўпгина давлатлари кутубхоналарида - Тошкентда, Ашхободда, Санкт-Петербургда, Москвада, Истамбулда сақланмоқда. XIX-XX аср бошларидаёқ Абулғозихоннинг

юқоридаги асарлари қатор хорижий – рус, немис, инглиз, венгер ва бошқа тилларга таржима қилинган. Бу ҳақда машҳур венгер олими А. Вамбери “Абулғозийдан “Шажараи турк” асари учун бутун дунё олимлари миннатдордир”. деб ёзган. Мустақиллик шарофати туғайли олимнинг юқоридаги асарлари ҳозирги ўзбек имлосида кўп нусхада қайтадан нашр этилган. XIX асрга келиб Абулғозининг тарихшуносликда бошлаб берган хайрли иши Мунис, Огаҳий, Баёний каби олимлар ижодида яна давом эттирилган. Улар тарихнависликда ўзига хос мактаб яратган алломалар эдилар.

## **2.19. Муҳаммаднийёз Нишотий XVIII аср Хоразм шоири.**

Муҳаммаднийёз Нишотий XVIII асрнинг биринчи ярмида Хоразмда туғилиб вояга етган истеъдодли маърифатпарвар шоирдир. У Хоразмнинг гўзал табиати, ёқимли об-ҳавоси, хушманзара жойлари ҳақида меҳр тўла сўз юритиб “жаннат-мисол” диёрнинг олимлар ва шоирлар маскани эканидан фахрланади:

**Бор эди Хоразм диёри-ерим  
Ондин эди яхши-ёмон гуҳарим.**

Нишотий ана шу диёрда болалик ва ёшлик чоғларини ўтказди, мактаб ва мадрасада таълим олади. Бу даврдаги Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги ўзаро феодал урушлар бутун ўлкани ва халқни нотинч қилиб, обод жойларни вайронага айлантирганидек Нишотийнинг аҳволини ҳам қийинлаштиради. Шундан сўнг у Бухорога боради ва тинч ижод билан шуғуллана бошлайди. Нишотийнинг туғилган ва вафот этган санаси ҳозирча номаълум. Нишотийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда академик В. Абдуллаев, Х. Расулов, М. Қосимов, Ҳ. Г. Кори-ўғли ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлиб, шоир мероси илмий муомалага киритилди. Нишотийнинг кейинги вақтларда профессор А.Ҳайитметов томонидан топилиб нашр этилган кичик ҳажмдаги “Кушлар мунозараси” ва катта ҳажмдаги “Хусн

ва Дил” фалсафий-дидактик дostonлари дикқатга моликдир.

“Кушлар мунозараси” дostonида лайлак, зоғ, ҳакка, булбул, тўти, қирғовул, каклик, қарчиғай, товус, ҳумо, худхуд каби кушлар қатнашади. Шоир кушлар хулқ-атвори ва уларни сўзлатиш орқали, инсон ва инсоний фазилат тўғрисида мулоҳаза юритади, манманликни, беҳуда мақтанишни қоралаб, ҳар ким ҳаётда ўз ўрнини, ўз каддини билмоғи керак, деган маърифий-ахлоқий хулосани чиқаради. Демак, шоир кушлар мунозараси тасвири воситасида уларнинг фазилатлари билан ўқувчиларни таништиришни ҳам мақсад қилиб кўяди. Агар бу маълумотларнинг айримлари ҳозирги орнитологлар томонидан қайд қилингани ҳисобга олинса, унда Нишотий ўша замон паррандашунослик илмидан ҳам хабардор экани равшанлашади.

Шунингдек, Нишотий ҳар бир куш тимсолида ўша шароитдаги ижтимоий табақаларнинг жамиятда тутган ўрни ва вазифасини, ахлоққа зид бўлган иллатларни фош қилади. Шу жиҳатдан худхуд тилидан келтирилган масал “Кушлар мунозараси” асарининг ахлоқий-таълимий хулосасидек туюлади:

Эшитинг сизга бор бир тамсил,  
Келтирай сизга бир назиру далил,  
Бир кун тушти кўкдин борон,  
Кўрсаким, ер муҳити бепоён.  
Мунда туштию мунфаил бўлди,  
Тушканига басё ҳижил бўлди.  
Деди: “Ман бунда кимга жо қилсам,  
Баҳр ила баҳсу можаро қилсам”  
Кўргач ўзини кам ўшал ёмғур,  
Садаф ичига тушти-ю, бўлди дур.

Бу масал мазмунидан камтарлик камолга, манманлик эса заволга элтади, деган дидактик маъно келиб чиқади. Шу билан бирга, мазкур масал фалсафий-ахлоқий мазмун билан ҳам суғорилган бўлиб, академик В. Абдуллаевнинг ёзишича: “унда инсон ва табиатнинг бирлиги, инсоннинг табиатда камолга эришиши, табиат эса инсон камолотининг макони ва сабабчиси, деган фикр ҳам ифодаланган”. Бу ҳол, Нишотийнинг “Хусн ва



Дил” дostonи билан танишиш жараёнида янада ойдинлашади. Шоирнинг “Хусн ва Дил” фалсафий-дидактик дostonида ахлоқий-таълимий қарашлар етакчи ўринни эгаллайди. Нишотий дostonидаги Ақл, Фуод, Назар, Ишқ, Хусн, Ҳиммат, Қомат, Он, Хаёл, Вафобону, Ғамза, Ишва, Қарашма каби тимсоллар орқали ақл-фаросат, ишқ-муҳаббат, дўстлик ва садокат, Ҳиммат ва мурувват, илм ва ҳунар, ахлоқ-одоб сингари олийжаноб инсоний ҳислатларни улуғлайди. Шунингдек, Ваҳм, Рақиб, Форуқа, Фаҳр, Зарқ сингари тимсоллар орқали эса ўз давридаги жаҳолат ва адолатсизлик, зулм ва зўравонлик, ёвузлик ва ёмонлик, кўполлик ва дағаллик, ҳукмрон доираларнинг ахлоқсизлиги қаттиқ қораланади. Нишотий энг яхши ахлоқий-тарбиявий йўсинини тарғиб қиларкан, қачонлардир зулм ва зўравонлик, ёвузлик ва ёмонлик устидан эзгулик тантана қилишига ишонади:

**Дун элининг дунлиғ эрур пешаси,  
Яхши элнинг яхшидур андешаси.**

Айниқса, Нишотийнинг тил ва адабиётга оид муҳим назарий масалалар тўғрисидаги ҳулосалари юксак илмий-маърифий ва ахлоқий-таълимий аҳамиятга эгадир. Унинг фикрича сўз дури жон гавҳаридан ҳам азиз бўлиб, сўз кишига жон бағишлайди. Киши жисмонан нуқсонли бўлса ҳам, лекин ширин ва баъмани сўзлай билса, кишилар унинг билан доимо ҳамсухбат бўлишга интилишади.

Нишотий “Хусн ва Дил” дostonининг бош қаҳрамони Фуод тимсоли орқали ўзининг ўш замонга муносабатини ва ахлоқий-маърифий фикрларини илгари сурган. Шоир дostonда Фуоднинг инсоний олижаноб ҳислатларини -ёшлигидан билим олиш, ҳунар ўрганишга интиганини кенг тафаккурини, ақлий ва жисмоний куч-ҳусн эканлигини мамнуният билан қайд этади. Натижада, етти яшарлигида ўқитувчиларни ҳайратда қолдириб илм ўрганишга берилиб у фалсафа, тарих, адабиёт, риёзиёт ва бошқа илмларнинг сирларини ўрганиб олади. Унинг учун илмларнинг қийин масаласи йўқ эди, ҳаммасини осонгина ўзлаштирар эди.

## 2.20. Шермухаммад Мунис (1778-1829) машхур Хоразм тарихчиси.

Шермухаммад Авазбий ўгли Мунис Хоразмий XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразмда яшаб ижод этган йирик Хоразм шоири, моҳир таржимон, истеъдодли тарихнавис ва ҳуснихат мактабини яратган олимдир. У ўзининг ўлмас асарлари билан халқимиз маданияти хазинасига салмоқли ҳисса қўшганлардан. У “Мунисул-ушшоқ” девони, маърифий-тарбиявий “Саводи таълим” рисоласи, “Фирдавс-ул-икбол” солномаси ҳамда ўзбек тилига ўгирган “Равзат-ус-сафо” (Мирхонд) асарлари билан танилган олимдир.

Шермухаммад Мунис (Мунис-унинг адабий таҳаллуси бўлиб, “улфат”, “дўст” маъноларини билдиради) 1778 йилда Хиванинг Қиёт кишлоғида, бадавлат деҳқон оиласида туғилган. Отаси Авазбий ва бобокалонлари ҳам хон саройида бош мироблик вазифасида ишлаган маърифатпарвар кишилардан бўлганлар. Мунис бошланғич таълимни ўз кишлоғида олгач, Хивадаги мадрасалардан бирига ўқишга киради. “Фирдавс-ул-икбол”да таъкидланишича мадрасада илму-фанга чанқоқ Мунис тенгдошлари билан “базму китоб” қиларди. Чунончи, Муҳаммад Хонзор томонидан ёзилган (1798) “Мунтахаб-ал-луғат”дан фойдаланилган ўнларча дунёвий руҳдаги асарлар ана шу “базму китоб” ларда мунозара ва мушоҳадаларнинг асосий мавзуси ва манбаси бўлганлиги тўғрисида Мунис ўзининг “Фирдавс-ул-икбол” асарида “шеършунослар ва латифагўйликдан ўзга сўз жорий бўлмас эди”, деб ёзади. Мунис ёшлигидан илмга, айниқса тарих, адабиёт, шеърят ва бошқа илмларга жуда ихлос қўйган. Мадрасада араб, форс тилларини мукамал ўрганган олади. У ўзидан олдин ўтган классик шоирларининг шеърларини тарих ва адабиётга доир асарларини кунт билан мутолаа қилади. Айниқса Низомий, Хисрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Фирдавсий, Саъдий, Жомий ва Навоий каби сўз санъаткорлари ижодидан баҳра олганлигини мамнуният билан қайд этади. Мунис отасининг вафотидан сўнг Хива хони Муҳаммад Раҳимхоннинг фармони билан бош мироб вазифасига тайинланади.

Мунис мадрасада ўқиб юрган чоғлариданоқ дунёвий фанлар юзасидан кўплаган китоблар ўқиб, ўз билимини ошириб боради. У “Фирдавс-ул-иқбол”да ўз устози мадраса мударриси Саидэшонхўжанинг етук шоир, дунёвий фанларнинг чуқур билимдони бўлганлиги тўғрисида ҳам тўхталиб, мураббий хузуридаги фозил кишилар суҳбати, шеърят кечалари унинг зехнида таъсирчан из қолдирганини таъкидлайди. Мунис мадраса дастури бўйича таълим олибгина қолмасдан, балки бўш вақтларида илм ва маърифат аҳллари билан бўлган алоқалари ва дунёвий китобларни мустақил мутолаа қилишга берилганлиги тўғрисида “Мунисул ушшоқ” сўз бошисида бундай деб ёзади:

**Мадраса сари айлаб хиром,  
Қаю ерда аҳбоб базм айласа.  
Тараб иртиқобига азм айласа,  
Ўзимни алар ичра солур эрдим,  
Кўнгил қилгунча баҳра олур эрдим.<sup>1</sup>**

Гарчи Мунис ўз даври учун катта олий мансаб – мироб вазифасида ишласа-да, ўз шеърлари ва асарларида саройдаги хизмагидан мамнун эмаслигини, умри қийинчиликда ўтганлиги, саройдаги айрим мулозимларнинг адолатсизлиги, ахлоқсизлиги, шуҳратпарастлиги унда ғазаб ва нафрат уйғотганлигини ўқинч билан тилга олади. Саройдаги олий мансабдан кўра Мунисни ижод кўпроқ қизиқтирар эди. У ўзидан олдин ўтган шоиру олимларини қунт билан ўрганган, хизмат вазифасидан бўш вақтларида олиму фозил шоирлар билан суҳбатлашган ва ижодий иш билан шуғулланган. 1809 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I Мунисга Хоразм тарихини ёзиш тўғрисида топшириқ беради.

Мунис ўзидан олдин ўтган тарихчи олимларнинг Хоразм тарихи юзасидан ёзган ишларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ниҳоят ўзининг машҳур “Фирдавс-ул-иқбол” (“Иқболнома”) асарини ёзишга киришади. Мунис ўз асарида Хоразм тарихини Абулғози Баҳодирхондан сўнг битта ҳам олим ёзмаганлигини кўрсатиб тубандагиларни баён қилади: “Маълум бўлсинки, Хоразм

<sup>1</sup> Мунис. “Мунисул-ушшоқ”, 6-бет

диёрида подшолик қилган Чингиз авлодининг воқияти Абулғозихон биини Арабхондин сўнг Эшмуҳаммадбий ва Муҳаммад Амин Иноқнинг давридаги воқеалар ҳам ёзилмай қолган эди. Мен (Мунис) у даврда бўлиб ўтган воқеаларни кучим етгунча текшириб ва ашиқлаб ёздим”<sup>1</sup>.

Муниснинг “Фирдавс-ул-иқбол” (“Иқболнома”) асари муқаддима, хотима ва беш бобдан иборат бўлиб, унда Хоразм тарихининг қадимдан то 1813йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий ва хўжалик ҳаётига доир воқеалар ишончли далиллар асосида кўрсатилган. Асар қуйидаги тартибда ёзилган: 1-боб. Нух пайгамбар авлодларигача бўлган воқеалар; 2-бобда Ефасдан Кўнғирот шўъбасигача бўлган мўгул ҳукмдорлари тарихи; 3-бобда Курлос авлодига мансуб подшолар тарихи ҳақида; 4-бобда Элтузархон (1804-1806) нинг авлодлари давридаги воқеалар; 5-бобда Элтузархон даврида юз берган тарихий воқеалар баён этилган. Бир сўз билан айтганда, Муниснинг “Фирдавс-ул-иқбол” асари халқимиз ўтмиш тарихини ёритишга бағишланган асар бўлиб, хоразмий, туркман ва қорақалпоқлар тарихи ҳақида бой маълумотларни беради.

Йирик тарихчи олим, етук шоир ва таржимон бўлган бобокалонимиз Мунис 1828 йилда вабо касалидан вафот этади. Муниснинг тўсатдан вафот этиши билан унинг “Фирдавс-ул-иқбол” асари тугалланмай қолади. Кейинчалик уни Муниснинг жияни ва шогирди Огаҳий давом этдиради ва ниҳоясига етказди.

Мунис томонидан бошланган ва Огаҳий томонидан давом этдирилиб тугалланган “Фирдавс-ул-иқбол” асари Марказий Осиё халқларининг ўтмиш тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Ушбу асарнинг бир неча қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳамда Россия Ф. А. Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида, яна бир нусхаси эса АҚШда - Марказий Осиё институти фондида сақланмоқда. Мунис дан биз - авлодларига катта ижодий мерос қолган. Унинг “Фирдавс-ул-иқбол” асари Хоразм тарихига бағишланган бўлса, яна бир “Саводи таълим” асари билим олиш, маърифат ва маданиятга интилишга бағишлангандир.

<sup>1</sup> А.Салдулаев, А.Сотлиқов. Хоразм Маъмув академиясининг тарихий илдизлари. Урганч 2003 й, 178-бет.

Муниснинг 1815 йилда тўпланган 8500 байтдан иборат “Мунис ул ушшоқ” девонида шоирнинг асосий адабий мероси, ўткир фалсафий ғазаллари, мустахзод ва мухаммаслари, маснавий ва туюклари тўпланган. Муниснинг 1804 йилда назмда битилган “Саводи таълим” асарида, олдин таъкидлаганимиздек, маърифат, маданият ва хаттотлик санъати ҳақида сўз боради. Муниснинг ушбу асари икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида хат машқ қилишга тайёргарлик, иккинчи қисмида эса хат машқи, унинг усуллари ҳақида сўз юритилади ва ёзувнинг кишилик жамиятидаги алоҳида аҳамиятга эга эканлиги қайд қилинади. Шоирнинг ушбу девони Ўзбекистон Ф. А. Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Мунис Хоразмий шеърятда инсоний севги, ишқ-муҳаббат ғоялари билан бир қаторда ижтимоий адолат, ватанпарварлик ва инсоф - диёнат каби илғор умуминсоний қадриятлар юксак бадий маҳорат билан тараннум этилган. Ва, ҳақсизлик, зулмкорлик, жаҳолат каби бошқа иллатлар кескин қораланган.

## **2.21. Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1874) буюк классик шоир, тарихчи ва таржимон.**

Хоразм ўзининг узоқ ўтмиш тарихида буюк истеъдод соҳибларига жуда бой бўлган. XIX асрда яшаган Муҳаммад Ризо Огаҳий эса ўзининг юксак истеъдоди, сермаҳсул ижоди билан алоҳида мавқега эга. Огаҳий турли соҳада баракали ижод қилган алломадир. У сермаҳсул олим, хассос шоир, моҳир таржимон, етук тарихнавис ҳамдир. У “Таъзизул ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) девонини, бешта тарихий асар: “Фирдавс ул иқбол” (“Иқболнома”), “Риёз ул давла” (“Давлат ишлари”), “Зубдат ут таворих” (“Тарихлар қаймоғи”), “Жомеъ ул-воқеати султоний” (“Султонлар воқеаларига доир”), “Гулшани давлат” (“Давлат гулшани”), “Шоҳиди иқбол” (“Иқбол шоҳиди”) асарларини яратди. Булардан ташқари, Огаҳий фалсафий, ахлоқий-таълимий мазмундаги “Қобуснома”, Шарқнинг машҳур олимларидан Муҳаммад Вориснинг “Зубтад ул-ҳикоят”, Маҳмуд бинни Шайх Али бинни Имомиддин Ғиждувошийнинг “Мифтоҳ ул толибин” асарларини форс тилидан хоразмий тилига таржима қилган.

Бобокалонимиз Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзининг сербарака ижоди билан фанимиз ва адабиётимиз тарихида катта ўрин эгаллаган. Унинг шеърляти равонлиги, қофиядошлиги, чуқур мазмунлиги ва чин инсоний муҳаббатни тараннум этиши билан ажралиб туради. Унинг ғазаллари бугунги кунда ҳам севиб ўқилмоқда, санъаткорлар томонидан куйга солиб куйланмоқда. Мавлоно Огаҳий асарларига, айниқса, Ўзбекистонимиз миллий мустақилликка эришгач, эътибор янада ошди. Асарлари қайта-қайта нашр қилинмоқда. Огаҳий ижодига бағишланган Ўзбекистон олимларининг янгидан-янги китоблари яратилди. Бобокалонимиз ва ҳамюртимиз Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг ижоди шу даражада кенг ва серқирраки, бугунги кунда олимларимиз ва адибларимиз шеърлятда иккинчи Навоиймиз деб улуғламоқдалар.

1809 йилда Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида таваллуд топган адиб: “Биз Хивада яшовчи юз тоифасидан бўлган Амир Эшимбойнинг авлодиданлармиз”, деб ёзганди. Эрнийезбек мироб 1812 йилда вафот қилгандан кейин, Оллоқулихон Шермуҳаммад ибн Авазбей мироб, ўғли Мунисни мамлакатнинг бош мироби қилиб тайинлайди. Мунис - Огаҳийнинг амакиси, отаси ўрнида Огаҳийга 1829 йилгача ғамхўрлик қилган. Унинг болалик ва ёшлик йиллари Қиёт қишлоғида ўтди ва улғайгач, Хивадаги мадрасалардан бирида таҳсил кўрди. Араб, форс, туркий халқлар адабиёти, шунингдек, классик мусиқа ҳамда тарих фанини кунт билан ўрганди. Унинг тахаллуси Огаҳий – маъноси – огоҳман – сергакман, демакдир. У моҳир ҳаттот - куфий, райҳоний, ҳатти шикаста каби ҳатларни яхши билган. Хива хони Оллоқулихоннинг Хуросонга қилган сафарида вабо касалига чалиниб (1829) амакиси Мунис вафот этади. Оллоқулихон Муниснинг ўрнига Огаҳийни мироблик вазифасига тайинлайди.

Огаҳий жаҳон адабиёти, маданиятининг нодир дурдоналаридан саналган 20 дан ортиқ асарларни ўзбек тилига ўгириб, таржимоншунослик мактабини яратди. Огаҳий ўз ҳаёти давомида Хива хонлари Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825), Оллоқулихон (1825-1843), Раҳимқулихон (1843-1845), Муҳаммад Аминхон (1845-1855), Абдуллахон (1855-1855), Қутлуғмуродхон

(1855-1855), Сайид Муҳаммадхон (1855-1864), Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) даврларида яшаб ижод қилган. Огаҳийнинг ўзбек тилида ёзилган “Таъвиз ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) девони мавжуд бўлиб, унда шоир яшаган муҳитнинг амалдорларидан қаттиқ шикаят қилиб ёзган шеърларини кўпроқ учратамиз. Огаҳий шеърлари орасида ҳукмдорларга айтилган қасидалар ҳам бор. Бу девондан ғазаллар, мустаҳзод, мухаммас, мусаддаслар ўрин олган. Девонда 18 минг мисра шеър ва 83 мухаммас жам қилинган. Унинг кириш қисмида берилган маълумотларга кўра, Огаҳий қуйидаги тарихий китобларнинг муаллифи бўлган:

“Риёз ул-давлат” (“Давлат ишлари”, 1825-1842), “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”, 1846-1855), “Жомъе ул-воқеоти Султоний” (“Султонлар воқеалари тўплами”, 1856-1865), “Гулшани давлат” (“Давлат гулшани”, 1865-1872 ), “Шоҳиди иқбол” (1872).

Мохир таржимон сифатида Мунис тугаллай олмаган Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асарининг 2-3 жилдларини, Муҳаммад Махдихоннинг “Нодирнома ” (5 жилд), Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тазкираи Муқимхоний”, Низомиддин Аҳмад Ҳаравийнинг “Табокати Акбаршоҳий”, Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Равзат ус-сафои Носирий” номли асарлари, Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт пайкар”, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, Ҳусрав Дехлавийнинг “Ҳафт Биҳишт”, Муҳаммад Вориснинг “Зубдат ул-хикоят”, Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо”, “Саломон ва Ибсол”, “Баҳористон”, “Ҳафт авранг” асарлари, Бадриддин Ҳиолийнинг “Шоҳу гадо”, Восифийнинг “Бадоеъ ул-воқеъ” китобларини, Кайковуснинг фалсафа ва ахлоқ масалаларига бағишланган “Қобуснома” асарини, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, Имомиддин Ғиждувонийнинг “Мифот ут толибин” китобларини форс тилидан Хоразм тилига маҳорат билан таржима қилган. Қуйида биз уларни айримлари тўғрисида маълумот бериб ўтамиз.

“Гулистон” - Муслихиддин Саъдийнинг 8 бобли асари. Ушбу асарда умумбашарий орзулар, таълимий-тарбиявий хикоятлар баён қилинган. У адиб томонидан 1862-1863 йилларда таржима

қилинган. “Ҳафт пайкар” (“Етти гўзал”)- буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавий “Ҳамса” сининг тўртинчи достони. Унда мардлик, ростгўйлик, муҳаббат, халқ тақдири, умуман, шахс ва жамият масалалари Баҳром Гўр тимсолида ўз аксини топган. Асар 1865 йилда насрда таржима қилинган. “Ахлоқи Муҳсиний” XV асрда Ҳиротда яшаб ижод қилган алломалардан бири, Алишер Навоийнинг дўсти Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифийнинг маърифий асари. У асарда таълим-тарбия, бола тарбиясида ота-она, муаллимнинг ўрни каби масалалар кенг ёритилган. Асар 1873-1874 йилларда, яъни шоир умрининг охириги йилларида таржима қилинган. “Юсуф ва Зулайҳо” - буюк форс-тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий “Ҳамса” сининг тўртинчи достонидир. Бу дoston инсонни шарафини улуғлашга бағишланган гўзал бадиий обидадир. Огаҳий бу асарни 1869 йилда таржима қилган.

“Шоҳ ва Гадо” – форс-тожик шоири, Алишер Навоийнинг замондоши Бадриддин Ҳилолий достони. Ушбу дoston форс-тожик адабиётида “Шоҳ ва Дарвеш” номи ила машҳур. Унда одил подшоҳ тимсоли, инсондаги самимий, чин севги туйғулари тараннум этилади. Огаҳий бу асарни 1870 йилда насрда таржима қилган.

“Зубдат ул-ҳикоят” (“Ҳикоятлар сараси”)- Бобурийзода Аврангзеб ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда яшаган тарихчи олим Муҳаммад Вориснинг тарихий-бадиий асари. Ахлоқий-таълимий ҳикоялар подшоҳ Аврангзеб фаолиятига боғлиқ ҳолда тасвирланади.

Кайковуснинг “Қобуснома” (1082 йилда ёзилган) Шарқ халқлари орасида жуда машҳур асар. Асарни Огаҳий 1860 йилда таржима қилган. Асарда отани ўғилга ўғитлари, халқ мақоллари ва ҳикоятлари, асосан тарихий воқеалар ва тарихий шахслар тўғрисидаги ривоятлар у ҳикоятларга асосланган бебаҳо асардир.

Огаҳий тарихга оид асарлар яратиб, Муниснинг бу соҳадаги аънаналарини янада ривожлантирди ва юксакликка кўтарди. Мунис ва Огаҳий ҳамкорликда ёзган “Фирдавс-ул иқбол” ва ўзининг Хоразм тарихига оид бешта асари фақат ўзбек халқининг тарихини ўрганиш жиҳатидан аҳамиятли бўлиб қолмасдан, балки қардош тожик, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, рус, эрон, афғон



халқларининг тарихи, маданияти, санъати, урф-одатлари, психологияси ва мазкур халқларнинг келиб чиқиши, тирикчилигининг манбаи, қабилаларнинг тарихини ўрганишда бой манба бўлиб хизмат қилади. Шуниси характерлики, бу асарлар истеъдодли шоир, тараққийпарвар адиблар Мунис, Огаҳий томонидан ёзилганлиги сабабли уларда халқларнинг тарихи, ҳаёти, кундалик машғулоти, масжид, мадрасаларнинг қурилиши, турли хил ҳодисалар баёни, халқ кўзғолошлари, урушлар тарихи, буюк кишилар, олимлар, шоир-ёзувчилар ва шу каби маълумотлар проза, поэзияда реалистик асосда тўғри, аниқ ифодаланган.

Огаҳий Оллоқулихонга бағишлаб “Риёз уд-давлат” (“Давлат риёзатлари”, 1844) асарини ёзган. Асарда Огаҳий ўзи тўғрисида шундай ёзади: “Ёшлик чоғларимда ҳар тарафдан бошимга бало тоши ёғди, ҳамиша кўнглимда тинчсизлик ва таъбимда хон ҳукми ҳукм сураб эди. Лекин жаҳондан етган ҳар хил аламларни олимлар ва шоирларнинг суҳбатида бўлиш билан, бир оз тарқатар эдим”. “Зубдат ут -таворих” 1846 йилда ёзилган бўлиб, Раҳимқулихон даврига бағишланган. “Жомъе –ул воқеоти Султоний” 1856 йилда ёзилган, Муҳаммад Аминхон даврига бағишланган.

“Гулшани давлат” 1865 йилда ёзилган бўлиб, Сайид Муҳаммадхон даврига бағишланган.

“Шоҳиди иқбол” (“Иқбол шоҳиди”) асар Муҳаммад Раҳимхон соний даврига бағишланган бўлиб, 1865-1873 йиллар воқсалари қаламга олинган. Асар фақат Хоразм тарихи эмас, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонларини Россия билан олиб борган урушлари, битимлари ва унинг оқибатлари мукаммал равишда ёритилган.

1845 йилда Огаҳий мироблик вазифаси билан сафарда юрганида, отдан йиқилиб оёғи синади. Орадан кўп вақт ўтгач, бутунлай юра олмай қолади. Узоқ вақт хасталикни бошдан кечириши, ёлғизлик ва муҳтожликда яшаш шоирнинг ҳаётдан эрта кўз юмишига олиб келди. Огаҳий хонликда улкан ўзгаришлар бўлаётган бир вақтда, 1874 йилда 65 ёшида вафот этди.

Академик Ғ.Ғулом: “Мамлакатимизнинг бошиқа халқлари каби, ўзбек халқи ҳам ўзининг асрлар давомида яратилган бой. ўзига хос маданиятига эга. Бу ердан фан, адабиёт ва санъатнинг қатор улуг арбоблари етишиб чиққанлар. Шунини айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда ҳеч қандай асосиз Лутфий, Отойи, Саккокий, Бобур, Машраб, Турди, Мунис, Огаҳий, Ферузларнинг ижоди ўрганилмаётир, биз фақат Навоий, Муқумий, Фурқат, Завқий, Аваз каби шоирлар ижодини ўрганиш билан чекланиб қолганмиз” деган эди. Шундан кейин Огаҳийшунослик фани вужудга келди, 1958 йилда Хивага Тошкентдан Субутой Долимов (1907-1991) келган, у зўрға Огаҳий ва Муниснинг қабрини топган. 1959 йилда шоир қабрига Ғафур Ғулом, Иброҳим Мўминов, Қори Ниёзий, Зулфия, Уйғун, Айёмий, Субутой Долимов, Эгам Раҳим, Қувомиддин Муширов зиёратга борганлар. Шундан кейин Огаҳий боғи, қабри ташкил этилди ва унинг 150, 180, 190 йиллик тўйи давлатимиз миқёсида кенг нишонланди.

Адиб қаламига мансуб 26 асардан ҳозирги кунда 4 таси топилганича йўқ, унинг асарларининг 22 таси бизгача етиб келган. Жумладан, 6 асари (11 нусхада) Беруний номидаги Республика Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Санкт-Петербургда 10 та ва Душанба шаҳрида 8 та асари сақланмоқда. Ҳозирги кунда адиб асарларининг 22 таси, 72 та қўлёзма нусхада дунё фондларида сақланмоқда. Унинг асарларини биринчи бўлиб Армени Вамбери Сайид Муҳаммадхон даврида Хивага келган вақтида олиб кетган, 1873 йилда А. Кун хон хазинасидан 300 та нодир китоблар қаторида Мунис ва Огаҳий асарларини ҳам олиб кетган. Ундан кейин В. В. Бартольд жуда кўп Марказий Осиёлик тарихчиларнинг асарлари билан бирга Мунис ва Огаҳий асарларини ҳам ўрганиб ўзининг “Туркистон суғорилиш тарихи” (С.П.1914) ва “Туркман халқи тарихидан лавҳалар” (Л.1929й. китобларини ёзган). Ундан кейин П. П. Иванов ва А. К. Бороковлар ҳам ўзларининг “Ўрта Осиё халқлари тарихидан лавҳалар” (1958) ва “XIV-XIX асрларда туркманлар тарихи” деган асар ёзган. М. Йўлдошев, 1956 йилда “Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши” асарини ёзган. Я. Ғуломов 1976 йилда Огаҳий асарларига суяниб, ўзининг “Хоразм суғорилиш тарихи” асарини ёзган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Огаҳийнинг тарихий асарлари воқеаларга жуда бойлиги, хронологик жиҳатдан изчил ва холисона таҳлил қилинганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Огаҳийнинг тарихнавислик соҳасидаги асарлари нафақат Хоразм тарихини, шунингдек Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихини ўрганишда бсбаҳо тарихий манба бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг йирик шарқшунос олимлари Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарларига жуда юқори баҳо берганлар. Бу ҳақда йирик рус шарқшунос олими В. В. Бартольд шундай деб ёзади: “Мунис ва Огаҳийнинг адабий ва тарихий асарлари.... воқеаларни баён этишда, ҳамда уларга берилган аниқ материалларнинг қўплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича ёзилган ҳамма асарларини анча орқада қолдириб кетади”.<sup>1</sup>

Шуни кўрсатиш лозимки, Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарларида, “қорақалпоқ ва туркман” халқлари тарихига доир жуда қўп маълумотлар мавжуд. Бу ҳақда рус шарқшунос олими П. П. Иванов шундай ёзади: “XIX асрда Ўрта Осиёда ёзилган тарихий асарлар орасида Хива тарихчилари Мунис ва Огаҳийларнинг асарлари туркманлар тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир”.<sup>2</sup>

Субутой Долимов 1962 йилда “Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва ижодининг махсулдорлиги ҳамда асарларининг бадний гўзаллиги нуқтаи назаридан Огаҳий ўзбек адабиётининг буюк вакили Алишер Навоийдан кейинги энг забардаст деган илмий хулосага келди.

1970 йилда филология фанлари доктори Субутой (Усмонбек) Долимов ва профессор Фулом Каримов ҳамкорликда Огаҳийнинг 6 жилдлик асарлар мажмуасини нашрга тайёрлашга киришиб, бу ишни 1980 йилда муваффақиятли тугатдилар. Мажмуанинг 1-2 жилдлари Огаҳийнинг лирик девони “Таъвиз ул ошиқин”ни, 3-4 жилдлари шоирнинг таржима асарларини, 5-6 жилдлари эса Огаҳийнинг тарихий асарларини ўз ичига олади. 1991 йилда Субутой Долимов Огаҳий томонидан таржима қилинган

<sup>1</sup> В. В. Бартольд. “История культурной жизни Туркестана”. Л. 1927 й. 113-бет.

<sup>2</sup> А. Саъдуллаев, А. Сотников. Хоразм Маъмур академиясининг тарихий илдизлари. 182-бет.

Кайковуснинг “Қобуснома” асарини табдил қилиб, нашрга тайёрлаган.

Адибнинг қabri ҳозирги кунда амакиси Шермуҳаммад Мунис қabri билан биргаликда Шайх Мавлон бобо қабристониди. Уш қадамжо жой Хива яқинидаги Эски Қиёт қишлоғида жойлашган. 1999 йилда шоирнинг 190 йиллик тўйи республикада кўтаринки руҳда нишонланди ва Огаҳий ҳаёти, ижодига бағишланган кўплаб рисолалар нашр қилинди ҳамда ўзи туғилган қишлоқда “Огаҳий уй музейи” очилди. Яқин келажакда улуғ бобомизнинг 200 йиллик тўйлари дунё миқёсда нишонланади.

## 2.22. Комил Хоразмий етук Хоразм шоири.

Комил Хоразмий XIX асрдаги Хоразмнинг истеъдодли шоири, хассос санъаткори, хушхат хаттоти, моҳир таржимон, жонқуяр маърифатпарвари ва халқпарвар давлат арбоби, жаҳон маданиятининг илк тарғиботчиларидан бири эди. Унинг ижоди кўпгина адабиётшунос, тилшунос ва тарихчи олимларнинг шоир ва фозилларнинг диққатини ўзига тортади. Ўз замонасининг илғор кишиларидан бири бўлган Комил Хоразмий форс тилини мукамал билган. Хоразм мусикасидан яхши хабардор бўлган. У Хоразм тарихини иштиёқ билан ўрганган. Паҳлавон Муҳаммад Ниёз - Комил Хоразмий мадраса мударриси Абдулло Охун оиласида, Хивада, 1825 йилда таваллуд топган. Хива мадрасаларида ўқиб таълим олган. Комилнинг отаси Абдулла Охун замонасининг ўқимишли кишиларидан бўлган. Шунинг учун ҳам ўз ўғлининг тарбиясига катта аҳамият берган. Ёш Паҳлавон Муҳаммад Ниёз ёшлигиданоқ ҳар тарафлама тараққий этган катта қобилияти билан ажралиб турган. У бир неча хориж тилларида бемалол сўзлаша олган. Юксак қобилияти ва савияси туфайли Хива хонларининг назарига тушган.

Сайид Муҳаммадхон (1856-1864) ва Муҳаммад Раҳимхон II (1865-1910) хонлик қилган даврда Комил хон саройида котиблик, сўнгра мирзабошилиқ вазифаларини бажарган. 1873 йил 12 августда Россия ва Хива хонлиги ўртасида имзоланган сулҳ шартномаси (хонликнинг тобелиги ҳақида) шахсан Комил қўли

билан ёзилган. У тараққийпарвар давлат арбоби сифатида ободончилик, маданиятни кўтариш, воҳа халқларининг аҳиллигини таъминлаш соҳасида ҳам кўп ишлар қилган. Комил Хоразмий бой ижодий мерос қолдирди. Ижодининг асосий қисми шеърлар бўлиб, алоҳида девонга жамланган. Унда 3680 байт шеър бор. Аввало, Навоий, шунингдек Мунис, Огаҳий анъаналаридан рағбат олган Комил шеърятга ғазал, муҳаммас, рубоий ва бошқа жанрларда битилиб, уларда инсоннинг бой маънавий дунёси, лирик қахрамонона кечинмалари халқчил йўсинда тараннум этилади, олижаноблик улуғланиб, разиллик қораланади. Шоир “Фузало”, “Жухало”, “Эй кўнгил” радибли ғазалларида диёнатсиз ва жоҳил амалдорларни ва жамиятдаги бошқа иллатларни кескин фош этади, риёкор шайхларни сатира остига олади. Комил Хоразмий шеърятга ҳаётга умидворликни, руҳий тетикликни, инсоний комилликни куйловчи шеърятдир. У бадий жиҳатдан гўзал ифодалари, таъсирчанлиги билан ўзига хосдир. Унинг “Тошканд қасидаси” йирик поэтик асардир. Унинг Москва, Петербург ва бошқа шаҳарларга саёҳатлари асарларидаги реалистик йўналишни янада кучайтирган омиллардан бири бўлди.

Комил истеъдоди кўп қиррали - санъаткордир. У илк ўзбек нотасини ихтиро этиб, “Танбур чизиқлари” деб аталган Хоразм нотасини яратди. “Рост” мақомига боғланган “Мураббаи Комил”, “Пешрави Феруз” сингари куйларини нотага ёзди. Адабиётда демократик йўналишни бошлаб берган Комилнинг форс тилидаги шеърлари ҳам юксакдир.

Комил дейдики:

Ул қуёш мени, ваҳкий, асру хор этиб кетди,  
Заррадек дилу жоним беқарор этиб кетди.  
Холи анбарин бир гул узори ҳажрида  
Лола баргидек бағрим доғдор этиб кетди.

## 2.23. Муҳаммад Раҳимхон Соний-Феруз йирик давлат арбоби ва атоқли шоир.

Феруз XIX асрнинг иккинчи ярими XX асрнинг бошида ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаган зукко шоирлардан биридир. Бу давр Хоразм адабий муҳитни Ферузсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Негаки, у ҳам шоир, ҳам мусиқашунос, ҳам феодал ҳукмдор эди. Феруз хон сифатида Хоразмни 47 йилу 8 ой, 20 кун бошқарди. У ўзи ҳукмронлик қилган йилларда хонликда адабий ва мусикавий муҳитга жонкуярлик қилган.

Муҳаммад Раҳим 1844 йилда, Хивада, Сайид Муҳаммадхон оиласида туғилган. Отаси ўз фарзандларининг ҳар томонлама камол топишига жиддий эътибор берган. У дастлабки таълимни хусусий муаллимдан олади. Кейинчалик мадрасада ўқийди. Унга давлат ҳуқуқ илмини замонасининг забардаст олимлари ўргатадилар. Муҳаммад Раҳимхон II 1863 йилда отаси Сайид Муҳаммадхон вафот этгач, Хива тахтига ўтиради ва узоқ вақт хонликни бошқаради. Муҳаммад Раҳимхон II ҳукмдорлик қилган йилларда адабиёт ва санъат аҳлига ҳомийлик қилди. Ўзи ҳам Феруз (бахтли, саодатли, толели) тахаллуси билан шеърлар ёзади. Машҳур хоразмлик шоир, тарихчи Огаҳийни ўзига устоз деб билади. Огаҳий ҳам ўз шогирди Ферузга отадек муносабатда бўлади.

Алишер Навоийсиз Ҳусайн Бойқаро мамлакатни узоқ бошқара олмагани каби, Огаҳийсиз Феруз ҳам хонликни узоқ, муваффақиятли бошқара олмаган бўлур эди. Ҳар томонлама камол топган, юксак савияли устоз Огаҳий ўзининг сеvimли шогирдига давлатни адолатли бошқариш борасида тинмай ўзининг доно маслаҳатларини берар ва садоқатли шогирд доно ўғитларга сўзсиз амал қилар эди.

Агар Ҳусайн Бойқаро хаста Алишер Навоийни отга миндириб, унинг ўзи эса отнинг жиловдори бўлиб бутун Ҳирот кўчаларидан ўтган бўлса, Феруз хаста Огаҳийни бориб кўриш учун баҳона сифатида қазувни Полвонёшнинг охиридан (аслида юқорисидан Амударё ёнидан бошланар эди) бошлайди ва Огаҳийнинг уйи ёнига етганида бутун оломон кўзи олдидан мулозимлари билан бирга устозни кўришга киради. Ҳасанмурод

Қори Лаффасий ўзининг “Тазкираи шуоро” иккинчи номи “Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржимаи ҳоллари” номли китобида Муҳаммад Раҳимхон Ферузни зўр хурмат билан тилга олади. Унинг фуқаропарвар халқ аҳволига ачинувчи, уни яхшилаш учун қўлидан келган ишларни қилганлигини ёзади. Айниқса, Ферузнинг адабиёт, санъат ишларига алоҳида аҳамият бериб, ўзи ҳам ижод билан шуғулланганлигини қайд қилади.

**Феруз ким шаҳаншоҳ доно эрур,  
Фазилатда суҳандон эрур.  
Ёзиб неча тўртлик, баётлар,  
Битиб неча хил ашъорлар.<sup>1</sup>**

Адолатли ва маърифатпарвар ҳукмдор бўлган Феруз ўзининг хонлик йилларида, шоиру адиб, тарихшуносу мусиқашуносларни тўплаган, уларга ҳомийлик қилган. Хон саройида ҳафтада икки марта ғазалхонлик, мусиқахонлик кечалари ўтказилган. Бу ҳақда тарихчи Баёний шундай деб ёзади: “Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун жума ва душанба оқшомларида уламо билан суҳбат тузиб, китобхонлик эттирур эрдилар”.<sup>2</sup> Бу ажойиб ижодий кечаларда Ферузнинг ўзи ҳам фаол иштирок этиб, шеърлар ўқиган, ҳатто кўшиқлар куйлаган, мусиқалар ёзган. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик, Х. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтлари, Москва, Санкт-Петербург ҳамда Буюк Британия, Туркия каби мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланаётган “Ғазалиётий Феруз”, “Баёзий Феруз” асарлари юкоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Муҳаммад Раҳимхон II жонкуяр ҳомий эди. Унинг ҳомийлигида ва маслаҳати асосида қисқа вақт ичида Огаҳийнинг “Таъвиз-ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) майдонга келди. Шунингдек, устоз Огаҳийдан намуна олган хоразмлик шоирларнинг қисқа вақт ичида қуйидаги девонлари ташкил топди: “Хафт шуаро”, “Баёзи ғазалиёт”, “Баёзи муҳаммасат”, “Баёзи мусаддат” ва бошқалар.

<sup>1</sup> Ўша жойда 87-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда

Бундан ташқари, шахсан Ферузнинг ташаббуси билан шоир Аҳмаджон Табибий “Мажмуот уж шуарои Феруз шоҳи”, “Муҳаммасини майравий Феруз шоҳий” тазкираларини тузади. Бу мажмуалар Феруз хонлик қилган даврида яратилган ва ўша даврдаги 33 та шоирнинг 100 та ғазал ҳамда мухаммаслари ўрин олган. Ушбу мажмуаларда ҳар бир шоирнинг ижодий намуналари берилишидан олдин шоирнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар берилган.

Хоразмлик тарихчи Баёний ўзининг “Шажараи Хоразмшоҳий” номли асарида Аҳмаджон Табибий томонидан тузилган “Мажмуа”нинг майдонга келиши ва унинг тузилиши ҳақида куйидагиларни ёзади: “Хон ҳазратлари шеърга кўп завқ қилдилар ва ўзлари ҳам бундан “Феруз” тахаллуси бирла шеър айтур эрдилар. Сўнгроқ шеърга кучроқ хирс бўлдилар. Ҳар кишининг шеър айтмоққа қобилияти бўлса, даргоҳи олийга олиб борар эдилар, шоирнинг адади ҳам беш қирққа ёвуқ берди. Али маҳрамнинг Аҳмад отлик бир ўгли бор эди. Ул ҳам “Табибий” тахаллуси бирла шеър айтмоққа бошлади. Хон ҳазратлари ўз ғазалларидан юз ғазални бериб буюрдилар, бунга машравлик айтиб ғазал битинглар. Ҳар бири онга машравлик айтиб битдилар. Хон ҳазратлари Табибийга амр этдилар, токим ул ғазалларини маснавий заминида жам қилиб бир китоб этгай. Табибий фармон вожиб ила амал қилиб, тамом этиб ул китобга “Мажмуот уш шуаро” деб от қўйилди”.<sup>1</sup>

Феруз ҳукмронлик қилган даврда хонликда марказий ҳокимият анча мустаҳкамланиб, мамлакатда иқтисодий ривожланиш рўй берди. Бу эса хонликда аҳоли фаравонлигининг ўсишига ва илм фан, маданият, адабиёт ва маърифатнинг ҳийла ривожланишига олиб келди.

Хивада тош босма ташкил этилиб, унда Феруз фармонига мувофиқ Алишер Навоийнинг “Чор девон” ва бошқа асарлари чоп этилди. Мунис, Огаҳий, Комил, Баёний, Мирзо, Роғиб, Аваз Ўтар, Девоний, Ниёзий, Чокар каби шоирларнинг асарлари ҳам кўп нусхада нашр этилди.

<sup>1</sup> Ўша жойда, 88-бет



Феруз ҳукмронлик қилган йилларда меъморчилик, мусиқа, хаттотлик, наққошлик, таржимашунослик каби бир қатор санъат турлари ривожланди. Халқ турмуши тарзига гармон, граммафон, фотография, кино ва электр каби янгиликлар кириб келди. Тарих, тиббиёт, бадий адабиёт ва мусиқага доир янги асарлар битилди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Феруз лирик шоир бўлиши билан бирга, кучли мусиқашунос ҳам эди. Шоир Комилнинг ташвиқи билан Хоразм “Шошмаком”ини мукамал ўрганган ва Наво, Сегоҳ, Дугоҳ макомларига боғлаб куйлар яратган эди.

Огаҳий ўзининг тарихий асарларида Муҳаммад Раҳимхон Соний даврида чўллардаги кудукларни тозалашга, ариқлар қазиш, воҳани сув билан таъминлаш ишларига катта аҳамият берган. Фукаропарвар ҳукмдор бўлган Феруз ўз халқининг моддий аҳволини яхшилаш йўлида жон куйдирган. Адолатли шоҳ, зукко шоир, маърифатпарвар арбоб, уста мусиқашунос, адабий ва мусиқий муҳитнинг жонкуяр ҳомийси сифатида Муҳаммад Раҳимхон Соний Хоразм тарихида муҳим ўринни эгаллайди.

## 2.25. Аваз Ўтар хоразмлик маърифатпарвар шоир.

Аваз Ўтар Комил Хоразмий билан яқин замондош эди. У Бағний, Факирий, Мутриб, Чокар, Мирзо, Сўфи, Аҳмад Табибий, Девоний, Роғиб, Сафо Муғаннийлар билан бирга адабий ҳаракатда актив иштирок қилди ва ҳаракатнинг олдинги сафларида бўлди. Аваз ўзининг лирик ва сатирик асарларида ўзи шоҳид бўлган ва билган воқеаларни ростгўйлик билан қаламга олди.

Аваз Ўтар ўғли 1884 йилнинг август ойида, Хива шаҳрида, сартарош оиласида дунёга келди. Шоирнинг отаси Полвоғнийёз Ўтар Гадонийёз ўғли халқ орасида Уста номи билан машҳур эди. Ўтар бобо адабиёт хаваскори бўлиб, сартарошлиқдан келган даромад билан оиласини базўр тебратиб туришига қарамасдан, ўз ўғлининг ўқиши учун шароит яратиб берган.

Аваз дастлаб мактабда, кейин эса Мадамин Иноқ мадрасасида таҳсил олди. Унинг адабиётга ҳаваси жуда эрта уйғонди. У

мадрасада ўқиб юрган даврдаёқ Шарқ адабиёти классикларидан Ҳофиз Шерозий, Жомий, Фузулий, Лутфий, Навоий сингариларнинг ижоди билан яқиндан танишди ва уларга эргашиб машқий шеърлар ёза бошлади. Аваз тез орада халқ ўртасида машҳур бўлди. Унинг шеърлари созанда ва хонандалар томонидан куйга солиниб кўшиқ бўлиб айтила бошланди. Шоирнинг устозлари Баёний (“Шажараи-Хоразмишоҳий”), Аҳмад Табибий (“Мажмуа-зо-шуарои пайрави Феруз шоҳий”), (“Мажмуа Муҳаммасот уни шуаро Ферузшоҳий”), замондоши Жуманиёз Хивақий (“Тарихи Гулшан”) дўсти Хасанмурод кори-Лаффасий (“Тазкираи шуаро”) ва бошқалар унинг истеъдоди ва талантига юксак баҳо берганлар. Ёш шоир Аваз Ўтар ҳақидаги маълумотлар Хива хони Муҳаммад Раҳим Соний-Феруз кулоғига етиб боради ва хон саройга чақиртиради ва уни Табибийга шоғирд қилиб топширади. Табибий жуда кўп илм аҳлига ғамхўрлик қилганидек, Авазга ҳам аҳлок, илм ва шеърят бобида устозлик қилади. Аҳмад Табибий Аваз ижодининг ўсишида кўлидан келган барча ғамхўрликни қилган. Шоир бадий ижод ва ота касби сартарошлик билан шуғулланади. У ўз асарларида саройнинг “Қабиқ алфоз”, “Ёлғон нуқта” ларни ҳажв остига ола бошлайди. Шоир бу даврда яратган асарларида инсофсиз амалдорларни, очкўз кишиларни, замонасидаги адолатсизликларни аёвсиз фож килиш йўлидан борди ва ранг-баранг образлар яратди. Аваз эркин фикрли шоир бўлганлиги учун таъқиб остида яшашга мажбур бўлади ва неча бор жазога гирифторм бўлди. Аваз сил касалига чалинади ва даволаниш учун Кавказга (1905-1906) боради. Аваз Ўтар Кавказга бораётиб, Бокуда бир оз муддат тўхтайтиди. Шоир Озарбайжон демократлари билан учрашиб дўстлашган ва кейин ҳам ижодий алоқада бўлган. Кавказ сафари Аваз ижодида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. У сафар давомида Россия ва Кавказ халқлари ҳаёти, маданияти, адабиёти билан яқиндан танишади. Аваз айниқса Озарбайжон демократ шоири Муҳаммад Ходи ижодига қизиқади ва кейинчалик унинг “Ич, ич нақадар истар эсанг қонимни ич, золим, бир кун кўрурам қонингни саҳобалар ичинда” каби мисраларга ҳамоҳанг мисралар ижод қилди, илм-маданият янгиликларини тараннум этади. У рус, озарбайжон, татар

тилларида чиқарилган газеталарни мунтазам равишда олиб борди. Тошкентда чоп этилган газета ва журналлар билан бевосита алоқада бўлиб, ёзган ғазалларидан баъзиларини уларда нашр ҳам эттирди. Шоир ижоди жуда ранг-баранг ва қамрови ниҳоятда кенг бўлиб, поэзиянинг ғазал, мухаммас, мустаҳзод, мусаддас, мусамман, мурабба, сокинома, рубоий, қитъа, фард каби турларида ижод қилди. Аваз Ўтар ниҳоятда қисқа умр кўрди. У 1919 йилда, 36 ёшида вафот этди. Унинг бу қисқа умри ҳам фожеалар, машаққатлар, жазо ва таъқиблар билан ўтди. Шунга қарамаздан, шоир ёзишдан тўхтамади, овозини баралла янгатди. У ўзининг бутун ижодий кучини халқига хизмат қилишга бағишлади. Натижада унинг халқчиллик ва маърифатпарварлик ғазаллари, Хива хонлигидаги қабохатликларни аёвсиз фош этган оташин сатиралари ўзбек адабиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Аваз Ўтардан бизга жуда бой поэтик мерос қолди. У ҳаёт вақтидаёқ шеърларини жамлаб, икки девон тартиб қилди ва уни “Саодат-ул-иқбол” (“Бахтли иқбол”) деб номлади. Шоир девонларни 1908 йилда хаттот мулла Болтаниёз Қурбоншиёз ўғлига бериб кўчиртирган. Шоирнинг у девонлари Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 942, 7102 инвентар рақамлари билан сақланмоқда. Ундан кейин ҳам Авазнинг шеърлари тўплашиб, девон ҳолига келтирилган. Муҳаммад Ёқуб Девон томонидан кўчирилган. “Девоний Аваз” номида Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида (инв. № 3451) ва шоирнинг ўғли Авазов Каримберган қўлида сақланаётган қўлёзма девонлари шулар жумласидандир. Унинг ғазаллари Хива литография усулида ҳам ўзи ҳаёт вақтидаёқ чоп этилган эди. Аваз ижодидан намуналар Хоразмда кўчирилган турли хил баёз ва анатологиялардан муносиб ўрин олди. Шоир асарлари “Ойна”, “Вақт”, “Мулла Насриддин” каби вақтли матбуотда ҳам босилган<sup>1</sup>.

Инсон ва ҳаётни, севги ва садоқатни ўз ижодининг мазмун моҳияти деб билган Аваз севгини садоқатсиз, меҳрни - оқибатсиз

<sup>1</sup> Нурмухаммад Қобулов. Хоразм адабий муҳити. Урганч, 1992 й, 107-бет.

тасаввур қила олмайди. Бу эса шоир лирикасининг етакчи ғоявий асосини ташкил қилади.

Аваз Ўтарнинг Фузулий, Мунис, Огахий, Комил ва бошқа садафлари ғазалларига боғлаган мухаммаслари ҳақида ҳам шу хилдаги фикрларни айтиш мумкин. Шоир Озарбайжон адабиётининг буюк сиймоси Муҳаммад Фузулийнинг хур муҳаббат ва шахс эркилиги масаласига бағишланган “Ёзмишлар” радибли ғазалига гўзал мухаммас боғлайди. Мухаммасда шоир инсонларнинг бахтли бўлишлари ижтимоий тузум билан бевосита боғлиқ деган тўғри хулосага келади. Аваз шоир инсон руҳий дунёсининг кўзгуси ҳисобланган севги ва садоқатини бадий жиҳатдан юксак оригинал образ ва тасвирий воситаларга бой ҳамда ранг-баранг бўёқларда тасвирлашда катта муваффақиятларга эришди.

Аваз Ўтар ижодининг характерли бўлган асосий хусусият дастлаб XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё халқлари адабиётида асосий оқим сифатида майдонга келган маърифатпарварлик ғоясининг давом эттирилишидир. Аваз Ўтарнинг маърифий ғояси ва ижодий программаси XIX асрдаги маърифатпарварларнинг ғояси ва программасидан тубдан фарқ қилади. Чунки Аваз Ўтар яшаган даврда адабиётдаги маърифатпарварлик ғояси ривожланиб ўзининг энг юксак босқичига кўтарилади ва демократик маърифатпарварлик оқими бўлиб шаклланади.

Аваз Ўтар ҳам ўзининг ижодида даврнинг кечиктириб бўлмайдиган масалаларидан бири сифатида маърифатпарварликни тарғиб қилди. “Тил”, “Мактаб”, “Халқ”, “Фидойи халқим”, “Топар экан қачон?” каби асарларида феодал қолоқликка қарши маърифатпарварликни куйлайди. Аваз Ўтар ўз ижодида замондош адиблардан анча илгарилаб, ижтимоий тенгсизликни қаттиқ танқид қилади. Ўзининг “Хуррият”, “Сипоҳийларга”, “Халқ”, “Топар экан қачон?”, “Фидой халқим”, “Уламоларга” каби шеърларида жамниятдаги ижтимоий адолатсизликка қарши инқилобий фикрларни илгари сурди.

Хурриятпарвар шоир Аваз Ўтар ўз ижоди билан шеърятда халқчилликни юқори поғонага кўтарди. Ўз халқининг бахти учун ҳаётини қурбон қилишга тайёр бўлган шоир, ўзининг қисқа умри

давомида феодал жамиятдаги хурофотга, ижтимоий тенгсизликка қарши аёвсиз кураш олиб борди.

Фидойӣ халқим ўлеун танда жоним,  
Бўлуб қурбон анга руҳи равоним.  
Гар ўлсам дарбадар мазлумлар учун,  
Бўлдур мақсади фалби нотавоним.  
Мани солса фано йўлига даврон,  
Юрур устимдан авлоди замонам.  
Не яхши ўйлақим, маъқулу манзур,  
Аваз халқим учун тўқилса қоним.

Жавокаш, меҳнаткаш халқ манфаатига ўз ижодини ва ҳаётини бағишлаган буюк шоир, унинг истиқболига ишонч билан яшайди. Келгусида ўз халқи учун нурли кунлар келишига умид қилади.

Аваз Ўтар ўгли тарихга исёнкор демократ шоир сифатида кирган. Унинг шеърларида мавжуд тузумдан ва ҳукмрон синфлардан норозилик кайфияти жўш уради.

## 2.26. Аҳмаджон Табибий.

Адабиётимизда икки тиллилик аънарасини давом эттириб, ўзбек тилида учта, форс тилида иккита мукамал девон тузган шоир, таржимон, хаттот, тазкиранавис ва давлат арбобларидан бири Аҳмаджон Табибийдир. Аҳмаджон Табибий 1869 йилда Хива шаҳрида, табиб онасида туғилди. Унинг отаси Али Муҳаммад асли афғонистонлик бўлиб, Хивага келиб турғун бўлиб қолган эди. Али Муҳаммад Хоразм ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг укаси Отажон тўранинг хизматкорларидан бири эди. Шунинг учун ҳам Али Муҳаммад “Али Маҳрам” номи билан халқ ўртасида машҳур бўлган. Аҳмаджон Табибийнинг онаси Рўзи хола ҳам Отажон тўра хонадонининг хизматларини бажариб турган.

Али Муҳаммад (Али Маҳрам) ўз ўгли Аҳмаджонни Хива шаҳридаги маҳалла мактабига ўқитади. Мактабдан ташқари вақтларида Аҳмаджонга отаси илму одоб ва шеърятдан сабоқ

берди. Мактабни тугатгандан кейин Аҳмаджон Хива шаҳридаги мадрасалардан бирида ўқийди. Аҳмаджоннинг зеҳни ўткир бўлганлигидан мадраса илмини яхши ўзлаштирди, адабиётга ҳавас қўйди. Мадрасада ўқиб юрган даврдан бошлаб классик адабиёт вакиллариининг ижоди билан танишди. Айниқса, Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Дехлавий, Низомий Ганжавий, Фузулий, Алишер Навоий, Мунис, Огаҳий, Комил, Зийрак, Роқим, Андалиб каби шоирларнинг ижодларини зўр кизиқиш билан ўрганди. Дастлаб уларга эргашиб шеърлар машқ қилди. Кўп ўтмасдан, ўз даврининг стук шоири бўлиб танилди. У отаси ва Баёнийнинг акаси Яхшимуродбекдан тиб илмини ўрганди ва бу соҳада ҳам машхурликка эришди. Шунинг учун ҳам Аҳмаджон “Табибий” таҳаллуси билан шеърлар ёза бошлади. Достонлар ижод қилди. Бу ҳақда Лаффасий ўзининг тазкирасида шундай ёзади: “Аҳмаджон Табибий ким, ул асли афғонистонлик Али Маҳрамнинг ўғли бўлиб, илм саводи эски мактабда ўқиб хат саводли бўлган ҳолда форсий лисонни отасидан ўрганиб, бир хили форсий лисонга маҳоработлик бўлиб, табиб илмига ҳам ҳаваскор бўлиб, Яхшимуродбекнинг хизматига рўзи қатнаб, онинг тиб илмидан таълим олиб анча маҳорабатлик бўладур. Халқларга доғи анчақли манфаатлар етказиб, тиб орқали Ферузга доғи макрабалар жумласидан ҳисобланиб, бир хили яқин маҳрам бўлиб, Ферузнинг фармоши билан Аҳмаджон доғи “Табибий” таҳаллуси билан шеър машқин қилиб анча адабиётлар ёзади.

**Табибий ажаб суҳандон эрур,  
Табиблик ила машхур Аҳмаджон эрур”.**

Табибийнинг шоир бўлиб етишувида унга ўзбек, форс, озарбайжон ва бошқа халқлар шоирларининг ижоди катта таъсир кўрсатади. Айниқса, Мунис, Огаҳий, Комил ва бошқа шоирларнинг асарларини кунт билан ўрганиб, замондош адибларнинг суҳбатларида бўлиши, мушоираларида иштирок қилиши унга шуҳрат келтирди. Натижада, тез орада у замонасининг етук шоири, таржимони ҳамда Феруз саройидаги шоирларнинг бошлиқларидан бири бўлиб етишди. Муҳаммад Раҳимхон Соний Табибийнинг ўз саройидаги шоирларнинг

бошлиғи қилиб тайинлайди. Чунки у ҳозиржавоб, шеър ёзишда маҳоратли эди. Шу билан бирга, Аҳмаджон Табибий Муҳаммад Раҳимхон саройида табиблик ҳам қилди.

Табибий саройида шоирлар сардори сифатида жуда кўп илм аҳли ва санъаткорларга ҳомийлик қилди, устоз сифатида меҳрибонлик билан уларнинг бошини силади. Айниқса, Аваз Ўтар, Чоқар каби шоирлар уни ўзларига устоз деб билдилар. Аваз Ўтар бир ўринда:

**Эй Аваз, қил жаҳд, девонинг қилмоқ истасанг,  
Гар Навою, Табибий дафтарларига ҳамрафид.**

деб ёзса, бошқа бир шеърида эса:

**Не ғам эмди, Аваз, назм илмида бўлсанг Табибийдек,  
Ки дерлар, кўрган эл назмингни устодингга салламно.**

Яна бир мисол:

**Аваз гар назм аро бўлмоқ тиларсен, даҳр яктоси,  
Ҳамиша кўнглинг ичра қил Табибийга аён ихлос.**

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, Аваз ҳақида ёзилган айрим тадқиқотларда Аваз ва Табибий ўртасида дўстлик муносабатларига шубҳа билан қарайдилар. Филология фанлари номзоди Валижон Мирзаев, шоир Аҳмад Бобожон ва Юнус Юсупов - Аёмий уларни бир-бирига душман сифатида талқин қилганлар.

Айрим мисолларга мурожаат қилайлик: “Авазга қарши қаратилган қора гуруҳ сарой шоирлари - Табибий ва бошқалар унинг жанговар овозини ўчириш учун ҳаракат қилдилар, унинг устидан тухмат ва бўҳтонлар ёғдирдилар”. “Шоир бир вақтлар “Устоз” деб ихлос кўйган Табибийдан батамом юз ўгирди”. Табибий Аваз Ўтар ҳақидаги бу хилдаги қарашларни манбалар ва шоирнинг ўзи ҳам шеърларида юқорида кўрсатганимиздек рад этади. Чунки Аваз ижодининг турли даврларида ёзилган шеърларида ҳар доим Табибийни ўзига устод биллиб, зўр ҳурмат

билан эътироф этади. Аҳмадҷон Табибий ёшлигидан бошлаб шеърят билан бирга мусиқага ҳам ихлос кўйди. Аҳмад Табибий калта бўйлик, кўса, кўтир, чечактоплик бўлиб, у ёшлигидан танбурга хаваскор эди, бўш вақтлари танбур чертиб машқ қилар эди. Филология фанлари доктори Маҳмудали Юнусов ўзининг “Комил Хоразмий” номли монографиясида Табибийга юксак баҳо беради. У: “ўзининг маданий даражаси билан бошқалардан ажралиб турган эркин фикрли, тараққийпарвар шоир бўлган ва ўзбек, араб, форс, турк, озарбайжон тиллари билан бирга, рус тилини ҳам билган”, деган хулосага келади.

Табибий Хива хонлиги билан алоқа қилиш учун келган рус халқи вакиллари билан бемалол суҳбатлашган. 1908 йилда Хивага келган А. Н. Самойлович Табибий ҳақида шундай ёзган: “Мен билан бир неча бор кўнгли суҳбат қилган бу хивалик 30 ёшдан бир оз ошган бўлиб, анча қизиқарли шахс. Хивага кириб келган Европа илмларидан ҳам маълум даражада хабардор. У ўз қаламдошларини характерлаганда: уларнинг ҳаммаси учун Мир Алишер Навоий намуна ролини ўйнайди, аммо улардан биронтаси ҳам Навоий талантига эга эмас дейди”.

Табибий ўз замонасининг талантли шоири, моҳир санъаткори, табиби ва таржимони сифатида Хива хонлигида кўзга ташланиб турган. У Арабистон, Эрон, Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатларга сафар қилган. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг топшириқларини бажарган ва Шарқ мамлакатлари билан алоқа қилишда воситачилик қилган.

Филология фанлари номзоди Ф. Ғанихўжаев ўзининг “Табибий” номли рисоласида: “Табибий Арабистон, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистондан келган савдогарлардан турли китоблар сотиб оларди. Ўзи шу иш билан бир неча марта Машҳадга ҳам бориб келган”, деб ёзади. Дарҳақиқат, Табибий ўзининг таланти, ширин тиллиги, очик табиати, донолиги билан аҳли фозиллар орасида ҳам ҳурматга сазовор бўлган. Шоирнинг бу фазилати ҳақида замондош шоирлар, тарихнавис олим Баёний шундай ёзган эди:

**Табибийкидур шоири муҳтарам,  
Найдай онинг атворин айлаб рақам,  
Маорифда бордур бағоят айлаб рақам.**



Мажлисида боғи харифу зориф,  
Нур ойинадур сўзлари сарбасар,  
Румуз они аксидадур жилвагар.  
Сураи Нукта лутфила ул нуктадан,  
Кўриб сўзларини дедим: “Альмонок!”.

Шулардан маълум бўлдики, Табибий замонасининг талантили шоиру, қобилиятли санъаткорлардан бири эди. У нафақат шоир, мусиқашунос, балки, хаттот ва таржимон ҳам эди. Табибий халқ орасида машхур бўлган бўлса-да, ҳали шеърларини бир жойга жамлаб девон тузмаган эди. Буни билган Феруз бир куни Табибийни олдига чақириб нарқанда шеърларини бир жойга тўплаш ва девон тузишни таклиф қилади. Бундан таъсирланган Табибий ғазалларини икки турга, яъни ўзбекча ва форсчага ажратиб девон ҳолига келтиради. Бу ҳақда шоирнинг ўзи “Мунисул ушшоқ” девони дебчасида шундай ёзади: “Бу фақир кўлида жамъ бўлгон китобнинг сони 5 девондир. Аларнинг 3 таси туркий ва 2 таси форсийдир. Биринчисини адолатли шоҳга ҳадя қилиш сабабидан “Тухфа-тус Султон” деб атадим, иккинчиси девонга ошиқлар унсияти сабабийдин “Мунисул-ушшоқ” деб ном берилди. Учинчисига фақат иш ҳолатларидан гапирилган ваҳидин “Миръотул-ишқ” деб ном қўйдим. Тўртинчи девонга ошиқлар ўқиб ҳайрон бўлсинлар деб “Ҳайратул-ошиқин” деб исм берилди. Бешинчиси бедиллар иштиёқи жилвагоҳи бўлғони сабабийдин “Машҳарул-иштиёқ” деб аталди”<sup>1</sup>.

Бу девонлардан ташқари шоирнинг ғазалларидан ташкил топган алоҳида тўпламлар ҳам тузилган. 1906 йилда котиб Муҳаммад Ёқубдевор томонидан тузилган тўпламда унинг 170 дан ортиқ ўзбекча, форсча шеърлари киритилган. 1907 йилда Муҳаммад Шарифдевор шоирнинг ғазалларидан иборат 3 та тўплам тузган. Уларда Табибийнинг 500 га яқин шеъри ўрин олган. Булардан ташқари, Муҳаммад Юсуф Чокар шоир вафотидан бир йил илгари, яъни 1909 йилда 4 тўплам тузган. Бу тўпламларга Чокар шоирнинг 1200 га яқин ғазалини тўплаган. Улардан ташқари, шоирнинг форс-тожик шеърларини ўз ичига олган 2 та тўплами мавжуд.

<sup>1</sup> Хоразм тарихи. I-жилд, 303-304 бетлар

---

## III ҚИСМ. ХОРАЗМЛИК ҲУКМДОРЛАР ХУСУСИДА

Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айнан Хоразмда қўйилган. Шу маънода миллий давлатчилигимизнинг тарихи, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир каторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир.

*И.А.Каримов.*

Ушбу китобимизда совет даври тарихшунослигидан тубдан фарқ қилган ҳолда, хоразмлик ҳукмдорлар хусусида ҳам сўз юритамиз. Ленинча синфийлик принципига катъий амал қилган совет тарихчилари ўтмишдаги ҳукмдорлар ва уларнинг давлат фаолиятлари ҳақида имкони борича кам ёзишга ёки умуман ёзмасликка интилардилар. Совет тарихшунослигида ҳукмдорларнинг фақат салбий хусусиятлари тилга олинар эди. Уларнинг ўз мамлакатларида амалга оширган ижобий фаолияти ҳақида умуман сўз очилмас эди. Яна совет тарихшунослигидаги битта ўта потўғри илмий қараш мавжуд эдики, у ҳақда бугунги кунда гапирмаслик мутлако мумкин эмас. Гап шундаки, совет тарихчилари ўз асарларини синфийлик гоёси руҳида яратиб, уларда ҳукмдорларни эзувчи синфлар вакиллари деб кўрсатиб, ёшларда уларга нисбатан нафрат уругини сингдиришга интилардилар. Лекин, шуниси ажабланарлики, улар ўзларининг ашаддий бўҳтон ўтининг асосий йўналишларини ўтмишда Марказий Осиёда яшаб фаолият кўрсатган маҳаллий ҳукмдорларга қаратар, уларни жоҳил, золим, саводсиз, қонхўр кишилар деб кўрсатардилар. Аксинча золимликда тенги бўлмаган, ақидасида фақат бир фикр - ўзга халқлар ерлари ҳисобига рус ерларини кенгайтириш, ўзга халқларни русларга қарам - вассалларига айлантириш фикри бўлган рус

подшоларининг жоҳиллиги, золимлиги, босқинчилиги, қонхўрлиги ҳақида умуман миқ этмас эдилар. (Ҳурматли китобхон! Киев ва Москва шаҳарлари атрофида X асрларда яшаган славянларнинг XIX асрларга келганда Америка қитъаси-Аляскагача кириб бориб, у ердаги халқларни қурол кучи билан ўзларига бўйсундиришларини босқинчиликдан бошқа нима деб аташ мумкин?). Марказий Осиёдаги ҳукмдорларни жоҳил, саводсиз деб ўтмишда баҳолаган тарихчиларга битта савол билан мурожаат қиламиз. Маълумки, бугунги Ўзбекистон ҳудудида ўтмишда ўзида жаҳонга номи маълум бўлган олимларни тўплаган учта фанлар академияси мавжуд бўлган.

1. Хоразм Маъмун академияси XI аср.

2. Хоразмшохлар саройида ташкил топган фанлар академияси.

3. Самарқанддаги Улугбек академияси. Мазкур академияларда иш олиб борган алломалар жаҳонга машҳур бўлган асарларни яратганлар. Яхши маълумки, ҳар бир мамлакатда фан, маданият ақлли, доно, саводхон ҳукмдорлар мавжуд бўлганда ва улар фан, маданият, маърифат ривожига ҳомийлик қилган тақдирдагина олимлар, шоирлар, рассомлар баракали ижод қилиб, дунёвий асарлар яратишлари мумкин. Хўш, шундай экан, ўтмишдаги ҳукмдорларимиз жоҳил, саводсиз кишилар бўлган бўлсалар, қандай қилиб қадим-қадимдан Марказий Осиёда, жумладан Хоразмда фан, маданият, маърифат юксак даражада ривожланган? Нима сабабдан IX-XIII асрларда Марказий Осиёдан буюк олимлар етишиб чиқиб, жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшаолганлар? Ва, тарихда, фан оламида “Ислом уйғониш” ва “Хоразм уйғониш” даврлари вужудга келган? Албатта, юқоридаги далиллар яқин ўтмишдаги ҳукмдорларимизга нисбатан берилган ноҳақ баҳо ва қиёслашларнинг бутунлай нотўғри эканлигини кўрсатади. Шу далилни катта фахр ва ғурур билан қайд этамизки, мамлакатимиз ўтмишидаги ҳукмдорларимизнинг кўпчилиги саводхон, юксак савияли, маданиятли ва адолатпарвар кишилар бўлганлар. Улар ўз мамлакатларида адолатли бошқарув ишини олиб борганлар, фан, маданиятнинг ривожига ғамхўрлик қилганлар. Олимлар ва шоирларнинг баракали ижодларига ҳомийлик қилганлар.

Шаҳарлар ободонлиги хусусида катта ишларни олиб борганлар. Биз ушбу китобимизда ўтмишдаги Хоразм давлатларининг ҳукмдорлари ҳақида сўз юритамиз. Албатта, олдинги қисмларда таъкидлаганимиз каби, Хоразмнинг узок ўтмиш тарихи ҳақида ёзма маълумотлар бизгача етиб келмаган. Худди шундай Хоразмий ҳукмдорлар ҳақида ҳам бугунги кунда маълумотлар ниҳоятда кам. Биз қўлимиздаги мавжуд манбаларни чуқур ўрганиб ва мулоҳаза этиб, Хоразмий ҳукмдорлар ҳақида ҳурматли китобхонларимизга қисқача тушунча беришга ҳаракат қиламиз.

Албатта, Хоразм ҳукмдорлари ҳақида қалам тебратганда унга Хоразм давлатчилигидан ажралган ҳолда тўхталиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, гарчи, китобимизнинг биринчи қисмида Хоразм давлатчилиги ҳақида кенг тўхталган бўлсак-да, айти ўринда ҳам унга қисқача тўхталишга қарор қилдик. Хоразмийлар жаҳоннинг энг қадимий халқларидан бўлганлари каби, Хоразм давлатчилиги ҳам дунёдаги энг қадимий давлатлардан саналади. Қадимги Хоразм худудида қадим-қадимдан давлат тизими барпо қилинган. Қадим Хоразм тарихига оид ёзма манбаларни истилочи босқинчилар томонидан йўқ қилинганлиги бу жумбоқни аниқ ечишга тўсқинлик қилади. Бироқ, қадимги Хоразм заминида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган ашёвий далиллар таниқли археологик олимларнинг узок илмий изланишлари натижасида чиқарган хулосаларига асосланиб, бугунги тарихчи археологик олимлар Хоразм давлатчилигига асос солинганлигига қарийб 3,5-4 минг йиллар бўлган деган илмий тахминни илгари сурадилар. Албатта, бу тахмин қатъий тахмин бўлмасдан, Хоразм давлатчилигига бундан кўпроқ йил бўлган бўлиши ҳам мумкин. Қадимги Хоразм давлатчилиги ҳақида кўпинча ўтмишдош олимлар ёзиб қолдирганлар. Улардан бири буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Берунийдир. Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарларида Хоразм давлатчилигига тўхталиб, унга афсонавий Сиёвуш асос солганлиги, Сиёвушийлар сулосаси ҳукмронлиги Хоразмда милoddан аввалги 1292 йилдан 305 йилгача давом этганлигини кўрсатади. Сиёвушийлар сулосаси ҳукмронлик қилган даврда Хоразм давлати анча такомиллашиб, куч-қудрати

ошди, худудий кенгайди. Хоразм худудиди тарихда “Катта Хоразм” деб номланган катта худудни ўз қўли остида бирлаштирган буюк давлат вужудга келди. Албатта, бугунги кунда тарихчи олимлар қўлида Сиёвушийлар сулосаси вакиллари тўғрисида маълумотлар деярли йўқ. Лекин, шунга қарамасдан, Хоразмий ҳукмдорларнинг тарихан маълум бўлган вакили Сиёвуш ҳақидаги маълумот билан китобимизнинг учинчи қисмини бошлаймиз.

### **3.1. Хоразмшоҳ Сиёвуш ибн Кайковус.**

Сиёвуш (форс тилида) “қорабош”, қадимги туркий тилда “қорасоч Хоразмий” деган маънони англатади. Сиёвуш Эрон шоҳи Кайковуснинг ўғли. Милоддан аввалги 1292 йилда (Абу Райҳон Берунийнинг кўрсатишича-муалли) ёки Искандарнинг Марказий Осиёга келишидан 980 йил олдин қадимги Хоразм давлатига асос солган.

Тарихий манбаларда қайд қилинишича, дастлабки қадимий Хоразм давлатига афсонавий Сиёвуш асос солган. Сиёвуш (баъзи манбаларда-Сиёвахш) Эрон афсоналари ва эпосида катта ўрин эгаллайди. Сиёвуш “Авесто” китобида ҳам тилга олиниб, Сиёваржон номи билан тилга олинади. “Шоҳнома” асарига Сиёвушга каттагина бўлим бағишланган. “Авесто” да ҳам, паҳлавий адабиётда ҳам “Шоҳнома” да ҳам, ҳатто, Абу Райҳон Берунийда ҳам Сиёвуш фақат ярим худо-қаҳрамон образига берилган.

Манбаларда кўрсатилишича, Сиёвуш-Эрон афсонавий шоҳлар иккинчи сулосаси-Қаёнийларнинг ўғли. У Кайковус аскарлари Турон чегарасидаги ўрмонлардан топиб олган гўзал бир қиздан туғилган. Сиёвуш дунёга келиши биланоқ (онаси уни туғиш пайтида вафот этади) ўзининг бекиёс гўзаллиги билан ҳаммани мафтун этади. Ўғай онасининг ҳайвоний хирсини рад этгани учун, ноҳақ айбланган Сиёвуш ўт синовидан ўтиши, яъни олтиш дубулга кийиб, қора отда, катта аланга устидан сакраб ўтиши керак эди. У ўтни енгиб, ўз номусини қайтадан тиклаб олади ва Туронга юриш қилади. Уруш тамом бўлгандан кейин, Сиёвуш Турон подшоҳи Афросиёб хузурига боради ва Турон

ерларининг бир қисмини олиб, бу ерда Канглиз ёки Кангш-Сиёвуш номли ҳаҷаматли қаср-шаҳар куради. У хумдор сифатида адолатли сиёсат юргизади. Унинг олиб борган адолатли сиёсати айрим ҳукмдорларга ёкмай қолади. Унинг номига турли туман тухматлар ёғила бошлайди. Ниҳоят, у Турон подшоҳи Афросиёб юборган қотиллар томонидан ўлдирилади. Хоразм тахтига невараси (қизидан бўлган) Кайхусрав ўтиради. Табиатан кўркмас ва бобоси каби адолатпеша киши бўлган Кайхусрав Турон подшоҳи хиёнаткор Афросиёб устига юриш қилиб, уни тор-мор қилиб, бобоси учун ўч олади. Орифийларнинг ерларини Хоразм давлати атрофига бирлаштиради ва ривоятларга қараганда, Хоразмнинг биринчи ҳукмдорлари Сиёвушийлар сулоласига асос солади. Албатта, қадимги манбаларда қайд қилинган ривоятлар аниқ тарихий далилларга асосланмаса-да, бироқ, ҳақиқатга анча яқин ривоятлардир. Кайхусрав Хоразмшоҳлар сулоласига асос солган вақтда бошланадиган янги эрани қабул қилди.<sup>1</sup>

Берунийнинг ёзишига қараганда, бу сулола милоднинг X асригача форсларнинг йил ҳисобига амал қилдилар. Бунга кўра, йил ҳисоби хоразмликларнинг мамлакатларини идора этган ва шоҳ унвонига эга бўлган Сиёвушийлар сулоласидан ҳар бир подшоҳ ҳукмронлик қилган йилларга қараб юритилган. Сиёвушийлар сулоласининг кейинги вакиллари тўғрисида бугун ёзма манбаларда маълумот йўқ. Лекин, тарихни зийраклик билан кузатиш, шунингдек Қадимги Хоразм ҳудудидаги қалъа ва шаҳарлар қолдиқларини археологик ўрганиш - Сиёвушийлар сулоласи Хоразмни анча муваффақиятли бошқарганликлари, уни ҳудудий кенгайтирганликлари, обод шаҳарлар бунёд этганликлари, суғориш иншоотлари қурганликлари тўғрисида далолат беради.

### 3.2. Хоразмшоҳ Фарасман.

Афсуслар бўлсинки, олдин кўрсатганимиздек, қадимги Хоразм ҳукмдорлари ҳақида бугунги кунда ёзма маълумотлар

<sup>1</sup> С.П.Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. "Фан" 1964 й 16-бет

деярлик йўк. Фақатгина ўша даврни ўзида акс эттирган у ёки бу буюк хорижий шахсларга бағишланган тарихий адабиётларда айрим Хоразм хукмдорлари ҳақида қайсидир воқеа билан боғлиқ ҳолда жуда кам маълумот берилган. Биз, албатта, ушбу китобимизни ёзаётганимизда улардан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Ўтмишда Сиёвуший хукмдорлардан бири Хоразмшоҳ Фарасмандир. У тахминан милоддан аввалги IV асрнинг сўнги чорагида Хоразмда хукмронлик қилган.

Фарасман (милоддан олдинги IV аср 2-ярми) – грек-македонларнинг Ўрта Осиёга юришлари вақтида Хоразмнинг мустақиллигини сақлашга эришган шоҳ. Ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар деярлик йўк. (“Александрнинг юришлари”) китоби муаллифи Арриан (95-175) куйидагиларни ёзиб қолдирган: “Ўша пайтда Искандарнинг олдига бир ярим минг чавандозларга йўлбошчи бўлиб, хоразмликларнинг подшоҳи Фарасман етиб келади. У колхлар ва амазонка қабилаларига кўшни бўлиб яшаганлиги ҳақида ҳикоя қилиб, Искандарнинг амазонкалар, колхлар ва Эвиксин денгизидаги қабилаларни истило қилиш истаги бўлса, йўл кўрсатувчилик қилиша ва кўшинларнинг юриши учун барча шарт-шароитлар яратиб беришга хайрихоҳ эканлигини билдиради. ... Искандар Фарасманга миннатдорлик билдиради ва дўстлик иттифоқчилиги ҳақида шартнома тузиб, Понт денгизи томонга юришга ҳозир вақт йўк, деб жавоб беради. У Фарасманни Бақтрия сатрани форс Артабоз хузурига юбориб, ватанига жўнатади”.

Хоразмшоҳ Фарасманнинг 328 йилда Бақтрия маркази Зариаспуда (ҳозирги Мозори Шариф) қишлаётган Александр Македонский олдига бормаганлиги ҳақида тахминлар ҳам бор. Чунки, у император олдига борганда Искандар номига мактуб ёзишга ҳожат қолмасди. Фарасманнинг хатида эса шундай сатрлар бор: “Мен Александрга садоқатлиман. Мабодо Александр Қора денгиз бўйларидаги скифларга қарши уруш бошласа, мен унга йўл кўрсатаман ва жангчиларни озиқ-овқат билан таъминлайман”. Элчилар Хоразмшоҳнинг 20 миң кишилиқ кўшин билан грек-македонларга ёрдам бериши мумкинлигини айтганлар. Александр ўз лашкарбошиларига Хоразм давлати хукмдори билан яхши муносабатда бўлишни

маслаҳат берган. “Халқ қаҳрамонлари” (Урганч, “Хоразм”, 1995й) номли рисолада сиймоси воҳадан чиққан жасоратли инсонлар қаторида тилга олинади. Рим тарихчилари Плутарх, Арриан ва Курцийларнинг буюк жаҳонгир Александр Македонскийнинг тарихий жанговар юришларига бағишланган асарларида ўша даврдаги Хоразмий ҳукмдор Фарасман ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтадилар. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, милоддан аввалги IV-III асрларда Хоразм маданияти гуллаш даврига кирди. Оромий ёзувлари билан бир қаторда қадимги Хоразм ёзувлари ҳам у даврда муомалага киритилган. Қадимги Хоразм ёзувларида ёзилган хужжатлар Кўйқирилган қалъа (милоддан аввалги III-II асрлар) кўргони ҳудудида топилган. Милоддан аввалги IV-III асрларга таалуқли бўлган кулолчилик буюмлари ҳақида алоҳида тўхталмасдан бўлмайди. Уларга ов пайти сарой ҳаёти, қадимги Хоразм афсоналари қаҳрамонлари, бугулар, худоларнинг ажойиб ҳайкалчалари суръати туширилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришларича милоддан аввалги IV-III асрларда Хоразм давлати ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишида айрим кўшни давлатлардан анча ўзиб кетган. Шу боисдан ҳам кўплаган давлатлар ҳукмдорлари Хоразмни ўзларига иттифоқчи қилишга интидилар. Ҳатто, ўн йил ичида Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Финикия, Миср, Эрон, Ўрта Осиёни босиб олган Александр Македонский ҳам ўз даврининг қудратли давлатларидан бўлган Хоразм давлати билан ҳарбий тўқнашувга бормади ва милоддан аввалги 328 йили Хоразмшоҳ Фарасман билан иттифоқчилик шартномаси тузди. Юнон тарихчиси Аррианнинг (милоддан аввалги II аср) кўрсатишича Фарасман бошчилигидаги Хоразм элчилари Александр томонидан катта ҳурмат ва эътибор билан кутиб олинган.

Ўз даврининг уста сиёсатчиларидан бири бўлган Хоразмшоҳ Фарасман Александр билан иттифоқчилик шартномаси тузишдан ўз мақсадлари бор эди. Биринчидан, Хоразм давлати ва унинг кўшини қанчалик қудратли бўлмасин жангларда тобланган Александр кўшинига бас келаолмас эди. Шунинг учун ҳам давлатни, мамлакатни, тожу - тахтни, ўз халқини



вайронагарчилик ва ҳалокатдан сақлашнинг ягона тўғри йўли қудратли рақиб билан тил топиш, иттифоқчилик шартномаси тузиш эканлигини Хоразмшоҳ Фарасман яхши тушунар эди (афсуски, XIII аср бошида Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммадга ёвуз Чингизхон билан бўлган муносабатда бундай донолик етишмади).

Иккинчидан Хоразмшоҳ ўзининг рақиблари калх ва амазонларга қарши юриш бошлаш ва бу орқали бир вақтлар Хоразмий қабилалари яшаган Каспий денгизи бўйларини Хоразм давлатига қўшиб олиш истаги Хоразмшоҳ Фарасманда мавжуд эди. Уста сиёсатчи Хоразмшоҳ Фарасманнинг ташқи сиёсатда юқорида кўрсатилган иккита мақсаддан биринчиси тўла амалга ошганлиги тарихан яхши маълум. Узоқни кўра олиш асосида ўта тўғри сиёсат олиб борган Хоразмшоҳ Фарасман Хоразм давлатини қудратли рақиб билан ҳалокатли урушдан сақлаб қолди. Бекорга қон тўкилиши ва вайронагарчиликка йўл қўймади. Бироқ, иккинчи мақсадини амалга ошганлиги масаласида жавоб бериш мушкул. Чунки у ҳақда ёзма манбаларда ҳеч маълумот берилмаган.

Аррианнинг кўрсатишича, юнон подшоси Александр билан Хоразмшоҳ Фарасман ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилган. Фарасман Александрга дўстона совға сифатида 1500 та зотдор от совға қилган. Уста сиёсатчи бўлган Хоразмшоҳ Фарасман Александр Македонский билан иттифоқчилик сиёсатини юргизиш билан бирга, юнон босқинчиларига қарши озодлик кураши олиб бораётган Сўғд ва Бактрия халқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Уларга ёрдам қўлини чўзди. Сўғдиёнанинг мард ўғлони Спитамен юнонларга қарши курашда мағлубиятга учраганда, Хоразм уни ўз бағрига олиб душмандан яширган. Бир сўз билан айтганда, Хоразмшоҳ Фарасман уста сиёсатчи, доно ва адолатли ҳукмдор бўлган.

### 3.3. Хоразмшоҳ Офрий.

Қадимги Хоразм тарихида Хоразмни муваффақиятли мустақил идора қилган, унинг иқтисодий ва маданий тараққиётига муҳим ҳисса қўшган ҳукмдорлар-Офрийлар

сулосаси вакиллари дидлар. Милодий 305 йилдан бошлаб Хоразмшоҳлар тахтига Хоразм тарихида чуқур из қолдирган Офриғийлар сулосасини бошлаб берган Офриғ чикди. Офриғ дастлаб ўз қароргоҳи қилиб Тупроққальани танлади. Кейинчалик ўз қарорини ўзгартириб, Амударё бўйида Кат ёнида Фир шахрини қурдиради ва пойтахтини у ерга кўчиради. Хоразм тарихининг энг суронли ва маъсулиятли йиллари айнан шу сулола вакиллари нинг ҳукмронлик йилларига тўғри келади. Афсуски ушбу даврга ва сулола ҳукмдорларига оид ёзма маълумотлар бугунги кунда жуда кам. Абу Райҳон Берунийнинг кўрсатишича, Офриғийлар давлати ўз даврининг кудратли ривожланган давлатларидан бири бўлган. Офриғийлар сулосаси милодий 305 йилдан 995 йилга қадар ҳукмронлик қилган. Офриғийлар сулосасининг жами ҳукмдорлари 22 та бўлиб, уларнинг ҳар бири ўртача 31 йил ҳукмронлик қилганлар.<sup>1</sup>

Абу Райҳон Берунийнинг кўрсатишича, Офриғийлар сулосасининг давлатни бошқариш ишида меросийлик принципи ҳукмронлик қилган. Тахт, ҳукмронлик мавқеи отадан болага мерос сифатида ўтган. Буюк бобокалонимиз Абурайҳон Берунийнинг гувоҳлик беришларича, Офриғийлар сулосасининг шажараси қуйидагича: 1. Офриғ; 2. Бағра; 3. Сахҳасин; 4. Азхажамуқ; 5. Азкажавар I; 6. Сахр I; 7. Товуш; 8. Хамгари; 9. Бўзгар; 10. Арсамух; 11. Сахр II; 12. Сабри; 13. Азкажавар II; 14. Азхажамуқ II; 15. Шовшафар; 16. Турксабоса; 17. Абдуллох; 18. Мансур; 19. Ирок; 20. Муҳаммад; 21. Аҳмад; 22. Абу Абдуллох Муҳаммад.

Офриғийлар сулосасининг асосчиси шоҳ Офриғ, Берунийнинг кўрсатишича, ўз замонасида Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шахрини обод ва гўзал шаҳарга айлантирган, ариқлар қаздирган, серхосил боғлар барпо қилган. Унинг ҳукмронлиги йилларида хоразмликларнинг бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқалари учун йўллар қурилган. Ривоятларга кўра ал Фир шахри ортидаги улкан қасрни Искандардан кейинчи 616 йилда (милоднинг 305 йили) Офриғ қурдирган эмиш. Хоразмшоҳ Сиёвушийларнинг қуйи авлоди (бу авлодни Офриғ

<sup>1</sup> Ўша жойда

бошлаб берган) Хоразмда 995 йилга қадар ҳукмронлик қилди.<sup>1</sup> Офригийлар ҳукмронлик қилган йилларда Хоразмнинг гуллаб-яшнаганлигини, унинг қудратли давлатга айланганлигини ўша давр Хоразм ҳудудида қурилган ва бугунгача маълум даражада етиб келган кўҳна Хоразм қалъалари кўрсатади.

Тинмай олиб борилган ташқи урушлар, шунингдек мамлакат ичкарасидаги ички зиддиятлар қудратли Офригийлар сулосаси емирилишини тезлаштирди. Офриг қурдирган қасрнинг Амударё тошқинининг ювиб кетиши Офригийлар сулосаси ҳукмронлигининг тугаши билан бир даврга тўғри келди. Офригийлар сулосасининг сўнгги вакили Абу Абдуллоҳ Офриг қасрининг бузилиб кетишидан сал аввал қудратли рақиб Урганч амири Маъмуи ибн Муҳаммад кўлида жангда ҳалок бўлди. Шу билан бир неча юз йиллар давом этган Офригийлар сулосасининг Хоразмдаги ҳукмронлиги барҳам топди. Шунини таъкидлаш лозимки, Офригийлар сулосаси бошқарган қадимги Хоразм давлати ўз даврининг қудратли, ривожланган давлатларидан бўлган. Бу даврда Хоразм тупроғида ўз даврининг йирик шаҳар ва қалъалари, илғор суғориш иншоотларига эга қишлоқ хўжалиги мавжуд бўлган.

### 3.4. Хоразмшоҳлар Маъмунийлар даврида Хоразм.

Х асрнинг ўрталарига келганда Марказий Осиё ва Хуросонда жиддий сиёсий ўзгаришлар содир бўлди. Ҳозирги Афғонистон ҳудудида жойлашган Ғазна вилоятида Сабук-Тегин Ғазнавийлар сулосаси ҳукмронлигига асос солди. Ғазнавийлар давлатининг ҳарбий куч-қудрати ошиб, ҳудудий кенгайиб борди. Айрим бир вақтда Марказий Осиё ерларини кўп қисмини ўз кўли остида бирлаштирган Қорахонийлар давлати ҳам у даврга келиб, минтақада яқка ҳокимликни даъво қилмоқда эди. Ўз миллий мустақиллигини сақлай олган Хоразмнинг ҳудудий бутунлиги ва мустақиллигига реал хавф ҳам Ғазнавийлар, ҳам Қорахонийлар томонидан бор эди. Яқин ўтмишда арабларнинг Марказий Осиё

---

<sup>1</sup> Ўша жойда 17-бет

ерларига бостириб кирганларида, араб саркардаси Кутайба Хоразм давлатининг куч-қудратини билгани ҳолда, у билан тўқнашувдан ўзини тияди. Хоразмшоҳ Чаганга икки мамлакат ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш таклифи билан мурожаат қилади. Бунинг эвазига Хоразм давлати фуқаролари ислом динини қабул қилишлари шартини қўяди. Қудратли душман билан ҳарбий тўқнашув қандай оқибатларга олиб келишини сезган Хоразмшоҳ Чаган Кутайбанинг шартларига рози бўлади. Хоразм фуқароларига ўзларининг оташпарастлик динидан қайтиб, ислом динини қабул қилишлари тўғрисида фармон беради. Амалда Хоразмнинг осойишталигини ўйлаб берилган бу фармонни Хоразм аёнларининг бир қисми Хоразмийларга хиёнат деб тушунадилар. Улар Шимолий Хоразмда Хоразмшоҳ Чаганнинг укаси Хурзод бошчилигида ҳукмдорга қарши исён кўтарадилар. Чаган ҳокимияти учун реал хавф туғилади. Шундай бир шароитда Хоразмшоҳ Чаган амир Кутайбага ёрдам сўраб мурожаат қилади. Араб қўшини шимолий Хоразмга бостириб кириб, исёнчиларни тор-мор келтиради. Хурзод ўлдирилади. Эндиликда Хоразм сунъий равишда иккига - Шимолий ва Жанубий Хоразмга бўлинади. Шимолий Хоразмни араблар томонидан қўйилган амир бошқарилади. Унинг пойтахти Гурганж шаҳри эди. Жанубий Хоразм эса илгаридек Офрийгилар сулоаси вакили бўлмиш Хоразмшоҳ томонидан бошқарилиб, пойтахти Кат шаҳри бўлиб қолади. Олдин кўрсатганимиздек, Х аср охирларига келганда Хоразмнинг худудий бутунлигини ва мустақиллигига реал хавф ҳам Қорахонийлар, ҳам Ғазнавийлар томонидан бор эди. Уни фақат мамлакатни марказий ҳокимият остида бирлаштириш орқалигина даф қилиш мумкин эди. Аниқ ташқи хавфни сезган Шимолий Хоразм ҳукмдори Хоразмшоҳ амир Маъмун Шимолий ва Жанубий Хоразмни бирлаштириш ташаббуси билан майдонга чиқди. Бироқ, Жанубий Хоразм ҳукмдори сўнги Офрийгилар Хоразмшоҳ Абу Абдулла Муҳаммад ушбу ташаббусга қарши чиқди. Ўз қуролли кучлари билан Шимолий Хоразм кучларига қарши чиқди. Бироқ, у жанг арафасида, 995 йилда, пойтахт Катда исёнчилар томонидан ўлдирилди. Бирлашган Хоразм шоҳлик тожи Шимолий Хоразм ҳукмдори Хоразмшоҳ Маъмун I га ўтди. Шундай қилиб,

Офриғийларнинг қарийб 700 йил давом этган ҳукмронлиги барҳам топди.

Бироқ, Хоразмшоҳ Маъмун I нинг ҳукмронлиги ҳам узок давом этмади. 997 йилда у тўсатдан вафот этди. Хоразм тахтига унинг ўғли Али ибн Маъмун ўтиради. У Хоразмнинг иқтисодий ва ҳарбий кудратини оширишга қарата олиб борган отасининг сиёсатини давом этдириб, хавф солаётган ташқи хавфнинг олдини олишга интилади. Хоразм кўшинида ички тартибни мустаҳкамлаш, уни куроллантириш даражасини яхшилаш ва сон жиҳатидан кўпайтириш борасида қатор тадбирларни амалга оширди. Ташқи сиёсатда отасининг сиёсатини тўла давом этдириб, истисно тариқасида, Маъмун, Русга қарши қарийб 9 йил давомида олиб борган урушга чек қўйди. Бунинг ҳам маълум сабаби бор эди. Узок давом этган бу урушда Хоразмшоҳ Маъмун I кўзлаган мақсадга эришган эди. Хоразм қуйи Волгадаги истеҳкомларни қайта эгаллаб олганди, пачанак қабилалари Рус ва Волга бўйидаги Хоразм мулклари ўртасида мустаҳкам қалқон бўлиб турардилар. Отаси каби Маъмун II мамлакатда ободончиликка катта аҳамият берди. Хоразм пойтахти I урганжда катта шоҳона сарой қурдириб қароргоҳни унга жойлаштирди. Отаси каби уста сиёсатдон бўлган Маъмун II ўша даврда Хоразм давлати учун реал хавф Қорахонийлар ёки Ғазнавийлар томонидан бўлишини сеза олди. Шунинг учун уларга нисбатан ўта оқилона сиёсат юргизди. Ғазнавийлар ва Қорахонийлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлларини излай бошлади. Улар билан қариндошлик алоқаларини боғлашга интилади. 998 йилда Маҳмуд Ғазнавийнинг синглисига уйланиб, қариндош бўлади ва шу йўл билан Ғазнавийлар хавфининг олдини олишга эришади. Шу билан бирга, Қорахонийлар билан ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга интилади. Хоразм давлатининг мустақиллигини, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш Хоразмшоҳ Али ибн Маъмуннинг асосий шиори эди. Афсуски, узокқа мўлжалланган унинг бу эзгу ниятлари амалга ошмай қолди ва 999 йилда у тўсатдан вафот этди. Хоразмшоҳ Маъмун ва унинг ўғли Алининг бевақт вафоти сабаблари ҳақида тарихий манбаларда ҳеч канака маълумот йўқ. Уларнинг сарой фитналаридан ёки даҳшатли ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавий юборган котилнинг

қурбонлари бўлганмилар?.. Афсус уларнинг бевақт вафотининг асл сабаблари хақида бiron бир хулосага келишнинг имкони йўқ. Чунки, бу мудҳиш воқеаларнинг асл мохияти битилган ёзма манбаларга эга эмасмиз. Шу йили Хоразмшоҳнинг яна бир ўғли Маъмун ибн Маъмун ҳам ўз акаси Али каби Маҳмуд Ғазнавийнинг яна бир синглисига уйланган эди. Маъмун ибн Маъмун ҳам акаси каби ақли, узокни кўраоладиган сиёсатчи эди. Акаси Али ибн Маъмун каби отаси Хоразмшоҳ Маъмуннинг Хоразмнинг халқаро хавфсизлигини таъминлашга қаратилган сиёсатини давом этдиради. Хоразмшоҳ Маъмун ўз даврининг ўқимишли, маърифатли кишиларидан эди. У отаси ва акаси каби оқилона ички ва ташқи сиёсат юргизади. Мамлакат пойтахтида ажойиб қаср, бинолар ва қарвонсаройлар қурдиради. Нисбатан қисқа вақт ичида Хоразм пойтахти Гурганж Марказий Осиёнинг йирик илмий ва маданий марказига айланади. Хоразмшоҳ Маъмун II шу боисдан ҳам тарихга доно, юксак маданиятли, ўз мамлакатини кучли ва мустақил идора қилишга интилувчи ҳукмдор сифатида киради.

Ўта маърифатли, доно ҳукмдор бўлган Маъмун II унчалик журъатли киши бўлмаса-да академик П. Ю. Якубовскийнинг таъбири билан айтганда, ниҳоятда эҳтиёткор киши эди. Хоразмшоҳ Маъмун II ўзи ҳукмронлик қилган йилларда Хоразмда илм-фан ривожига ҳомийлик қилди. Натижада, Хоразм 999-1017 йилларда иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан жуда тез ривожланди. Араблар истилосидан сўнг деярли ўчиб қолган Хоразмдаги илмий ҳаёт яна жонланади. Хоразмшоҳ ўта маърифатли ҳукмдор бўлиб, илм фан вакилларига катта ҳурмат ва эътибор билан қарар эди. У Марказий Осиё ва Хуросондаги кўзга кўринган олимларни Хоразмга таклиф қилди. Уларнинг яшаш ва ижод қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратди. Натижада, фаннинг ҳар хил соҳаларини мукамал эгаллаган кўпгина олимлар жаҳоннинг турли мамлакатларидан Хоразмга, шоҳ саройига кела бошладилар. Айнан бу вақтда Эронда мусофирликда ҳаёт кечираётган машҳур хоразмлик қомусий олим, буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний ҳам Хоразмшоҳ Маъмун II нинг таклифига биноан Хоразмга қайтади ва ўзининг баракали ижодини давом этдиради. Шунингдек, бу даврда дунёга

донғи кетган яна бир машхур табиб ва олим Абу Али Ибн Сино ҳам доимий яшаш ва ижод қилиш учун Хоразмга келди. Бир сўз билан айтганда у йилларда Хоразм пойтахти Гурганж жаҳон илмий марказларидан бирига айланди.

Гурганжда Донишмандлар уйи ташкил этилди. У илмгоҳ тарихга Хоразмшоҳ Маъмун II нинг номи билан Маъмун академияси деб киритилди. (Биз китобимизнинг биринчи қисмида Маъмун академияси ҳақида кенг тўхталганмиз). Маъмун академияси хусусида тўхталганимизда, шунини эътиборга олишимиз лозимки, мазкур академия ўқимишли Хоразмшоҳнинг шунчаки эсига келиб рўёбга чиқарган шунчаки бир гоёсигина бўлиб қолмасдан, балки ушбу академия хоразмийларнинг қадим-қадимдан илм-фанга қатъий интиланлигининг амалий ифодаси ҳам эди. Хоразм фани анча илгари вақтлардан буён Шарқ фани тарихида кўзга кўринарли ўрин эгаллаган, ислом динидан анча аввал юқори даражада ривожланган эди. Афсуски, буни исботлаш учун бугунги кунда фанда ёзма манбалар йўқ. Бироқ ўша даврга оид археологик натижасида топилган қадимий ашёлар аждодларимизда илм-фан қадим-қадимдан анча ривожланганлигини кўрсатади.

Воқеалар измига қайтамыз. Хоразмнинг гуллаб-яшнаб ривожланиши, илм-фаннинг юксалиши дунёвий ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавийга ёқмас эди. Гарчи уни Хоразмшоҳ Маъмун II билан яқин қариндошлик иплари боғлаб турган бўлса-да, у Маъмун II нинг қатъиятсизлигидан фойдаланиб, Хоразмни ўзига вассал қилиб олишга интилади. У даврга келиб, Ғазнавийлар бутун Афғонистон ва Эронни бўйсундирган эдилар. У ўз айғоқчилари орқали Хоразм давлатидаги ички аҳволни пухта ўрганиб, Хоразмшоҳ ҳокимиятининг таянч кучлари анча бўшлигидан хабар топади. 1014 йилда у ўз элчилари орқали Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмун II га нома юбориб, ундан Хоразмнинг йирик шаҳарларида хутбани Маҳмуд номидан ўқитишини талаб қилади. (Хутба кимнинг номидан ўқитилса, мамлакатда ўша киши асосий ҳукмдор ҳисобланган-муалл.). Бу даҳшатли талаб ўзи ва мамлакат учун қандай оқибатларга олиб келишини яхши тушунган Маъмун II асладолар ва энг юқори мансабли ҳарбий бошлиқлар кенгашини чақиради. Талабнома мазмуни билан

уларни таништиради, аъёнлар, саркардалар, Маҳмуд Ғазнавий талабларига катъий қарши чиқдилар ва Хоразмшоҳдан бундай талабга ҳеч қачон ён бермасликни айтадилар.

Албатта, Маҳмуд Ғазнавий талабларига ён бериш - Хоразмнинг мустақиллигидан воз кечиш эди. Афсуслар бўлғайки, Хоразмшоҳ Маъмун II унчалик қатъиятли киши эмас эди. Шунинг учун бўлғуси даҳшатли тўқнашувнинг олдини олиш мақсадида у ўртача йўл тутди. У элчи Абул Қосим Маймандийга кенгаш фикрини тушунтириб, султондан унга муддат беришни илтимос қилади. Вақтинча эса катта аҳамиятга эга бўлмаган Фароб, Ниса ва бошқа шаҳарларда Маҳмуд Ғазнавий номига хутба ўқитишга буйруқ беради. Бироқ, Хоразмшоҳ Маъмуннинг бундай қарори кенгаш аъзоларини қониқтирмайди. Хоразм ўз даври учун яхши қуролланган узоқ муддатга уруш олиб боришга мўлжалланган кўшинга эга бўлиб, бу кўшин агар султон Маҳмуд Хоразмга ҳужум қилган тақдирда унга муваффақиятли қарши тура олар эди. Шундай имкониятларга эга бўла туриб, рақиб номига хутба ўқитиш, сиёсий ва маънавий мағлубиятга, миллий манфаатларни менсимаслик ва бир сўз билан айтганда, хоинликка тенг эди. Кенгаш аъзолари Хоразмшоҳ Маъмунни бундай қилмаслик юзасидан жиддий огоҳлантирадилар.

Ўз навбатида Хоразмшоҳнинг қисман ён босиши Маҳмуд Ғазнавийни қониқтирмайди. У яна Хоразмшоҳ олдида олдингисидан кескинроқ мазмунда мактуб йўллайди. Китобхонларимиз эътиборига ана ўша мактубдан бир парчасини ҳавола этамиз. У парча араб тилидан рус тилига академик В. В. Бартольд ўгирган: “Хоразмшоҳ билан ўртамизда шартнома ва иттифоқ қандай шартларга асосан тузилганлиги, у бизга қанчалик қарам эканлиги маълум. Хутба ўқитиш масаласида, у бизнинг иродамизга қарши бормади, чунки бунинг оқибатларини тушунар эди. Лекин, унинг одамлари бунга йўл қўймадилар. Мен у одамлардан газабландим ва шоҳ иродасига қаршилиқ қилган исёнкорларни жазолаш, уларни тўғри йўлга солиш мақсадида 100 минг кишилиқ отлиқ ва пиёдалар кўшини тўпладим. Шу билан



бирга, амирни - укамиз ва куёвимизни гафлатдан уйғотамиз, давлатни қандай бошқариш зарурлигини кўрсатамиз”.<sup>1</sup>

Жоҳил Маҳмуд ўз мактубида хоразмлик аъёнларнинг жиғига тегадиган ва уларни фавқулоддаги ишларга туртки бўладиган учта талабни илгари суради. Булар тубандагилар эди.

1. Хоразмшоҳ султон Маҳмуд Ғазнавий номига ўз мамлакатининг барча худудида хутба ўқитиши (бу иш сўзсиз, Хоразмнинг Ғазнавийларга тобе бўлиши деган гап эди);

2. Султон Маҳмудга Хоразмшоҳ муносиб равишда совғалар ва пул юборади. Улар Хоразмшоҳнинг ўзига яна яширинча қайтарилади, чунки султон Маҳмуд шунчалик бойки, уларга зор эмас.

3. Хоразмшоҳ султон Маҳмуд олдига энг яхши аъёнлари ва имомларини ундан раҳм-шафқат сўрашга юборади ва қайтишда султон Маҳмуд одамлари Хоразм ва унинг ҳукмдорлари қанчалик итоаткор эканлигини кўрситилар.<sup>2</sup>

Ушбу мактуб Хоразм билан Ғазнавийлар ўртасида бўлажак урушга ишора эди. Қатъиятсиз Хоразмшоҳ Маъмун Маҳмуд Ғазнавий иродасига қарши бора олмайди. Битимга рози бўлади. Ҳақиқатни айтганда, унинг бундан бошқа иложи ҳам йўқ эди. Хоразм кўшини қанчалар қудратли бўлмасин, жангларда тобланган, кўп сонли Ғазна кўшинига қарши узоқ тураолмас эди. Бу ерда, назаримизча, ягона тўғри йўл-рақибга вақтинчалик сиёсий ён бериш, оғир бўлса-да унинг талабларини қабул қилиш эди. Фақат шу йўл билангина босқинчи Маҳмуд Ғазнавийнинг Хоразм устига ҳарбий юриши олдини олиш ва мамлакатни вайроналиклардан сақлаб қолиш мумкин эди. Афсуски, Хоразмшоҳ аъёнлари юзага келган ўга таҳликали сиёсатни тўғри тушунмадилар. Ҳукмдорнинг сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, рақибга ён беришини - давлатга хиёнат, деб тушундилар. Ҳазораспдаги чегара кўшинлари бошлиқлари исён кўтардилар. Мамлакат пойтахти томон юриб, уни ишғол қилдилар. Исёнчиларнинг ҳукми билан Хоразмшоҳ Маъмун II қатл қилинади. Хоразм тахтига Аъёнлар кенгашининг қарорига мувофиқ валиаҳд Абул Харрис Муҳаммад ибн Али ўтиради.

<sup>1</sup> Р. Жуманиёзов. Қадимий Хоразм тарихи, 56-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда

Хоразмда бўлиб ўтган бу сиёсий воқеалар Маҳмуд Ғазнавий учун айни муддао эди.

1017 йил июлида Маҳмуд Ғазнавий кўп кишилиқ кўшин билан Хоразм давлати ҳудудига бостириб киради. Ўртада бўлиб ўтган жағда Хоразм кўшини енгиледи. 3 июлда Ғазна кўшини Катга кирди. Жиддий қаршилиқларсиз Маҳмуд кўшини Хоразмни эгаллайди ва эндиликда Хоразм Ғазнавийлар давлати таркибига киради. Қалтабин сарой аъёнларининг узокни кўрабилмас сиёсати ва фитнаси туфайли Хоразм мустақиллигидан ажралиб қолади. Маҳмуд Ғазнавий Хоразмга ўзининг яқин аъёнларидан Амир Олтинтошни ноиб этиб тайинлаб, унга Хоразмшоҳ унвонини беради. Дастлабки пайтларда Олтинтош Ғазнавийлар иродасига қараб иш юритган бўлса, кўп ўтмай, у мустақил сиёсат юргиза бошлайди.

Хоразм яна мустақил бўлади. Ўта шухратпараст Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олгач, Гурганжда Маъмур академиясида илмий-тадқиқот ишини олиб бораётган, поми жаҳонга таниқли олимларни ўзи билан Ғазнага - ўз саройига зўрлик билан олиб кетади. Уларнинг ичида хоразмлик буюк аллома Абу Райҳон Беруний ҳам бор эди. Маҳмуд Ғазнавий саройида ишлашни хоҳламаган буюк алломалар Абу Али ибн Сино ва Абу Саҳл Масихийлар яширинча Хоразмни тарк этадилар. (Масихий йўлда вафот этади). Маҳмуднинг Хоразм тахтига ўтказган амири - Олтинтош турк гвардиячи кул бўлиб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан сиёсат юргизади. У ўзидан олдинги Хоразмшоҳлар сиёсатини давом этдиради.

Олтинтошнинг вориси Хоруи даврида Хоразм ўзини Ғазнадан тўла мустақил деб эълон қилади. Лекин, бу мустақиллик узокқа бормаёди. 1034 йилда Хоразмни дастлаб Ғазна, сўнгра турк салжуқийлари босиб оладилар. Бирок, эрксевар Хоразмийлар чет эл босқинчиларининг қўл остида қолишни истамайдилар. Ўрта аср тарихчиси Мирхонднинг кўрсатишича, 1065 йилда Хоразмда Фағрур Жазий ва Ал Кашот бошчилигида чет эл босқинчиларига қарши умумхалқ кўзғолони бошланади. Салжуқийлар зулмидан ниҳоятда озор чеккан халқ бу кўзғолонда фаол иштирок этади. Кўзғолончиларнинг асл мақсади

Хоразм мустақиллигини тиклаш ва Офриғийлар сулосаси хукмронлигини қайта ўрнатиш эди.

Кўзғолончилар Хоразм тупроғидан салжуқий босқинчиларини тўла ҳайдайдилар ва Хоразмнинг мустақиллигини эълон қиладилар. Бироқ, салжуқ подшоси Алп Арслон асло бунга рози бўлолмас эди. У катта қўшин тўплаб Хоразм устига юриш қилади ва кўзғолонни шафқатсизларча бостиради. Хоразм салжуқийлар қўл остида яна 50 йилча қолиб кетади. Бироқ, бу йилларда ҳам эркесвар Хоразмийлар Салжуқий истилочиларга қарши тўхтовсиз кураш олиб борадилар. Бу умумхалқ кураши самарасиз қолмайди. Ниҳоят, Хоразм ўз мустақиллигини қайта тиклайди. Хоразм салтанатини энг юксак даври, Хоразм куч-қудратининг ва маданиятининг энг олий даражаси Хоразмшоҳлар Ануштегинлар салтанати даври бошланади. Бу йил (1097-1231) ларда Хоразм хукмдорларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Хоразм ривожланиб, худудий кенгайиб, дунёвий империяга айланади.

### **3.5. Хоразм хукмдорлари Хоразмшоҳлар-Ануштегинлар. Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад.**

Кўхна Хоразм тарихида олий юксаклик супасига кўтарилаолган давлат- Хоразмшоҳлар –Ануштегинлар давлатидир. Ғазнавийларга ўхшаб Салжуқийлар ҳам Хоразм устидан тўла назорат ўрнатиш, уни мустақиллигидан бутунлай маҳрум этиш учун кўн ҳаракатлар қилдилар. Бироқ, бу ишнинг тўла уддасидан чиқаолганлари йўқ. Эркесвар Хоразмийлар чет эл босқинчиларига қарши курашни сира тўхтатмадилар. 1072 йилда салжуқий султон Али Арслон қарийб 200 минг кишилиқ қўшин билан исёнкор Хоразм халқи устига юриш қилади. Катта қон тўкилиши табиий ҳол эди. Буни сезган, қалбида чет эл босқинчиларига нафрат жўш урган Хоразмнинг Амударё бўйидаги ҳарбий истеҳкомларидан бирининг бошлиғи Юсуф ал Хоразмий, қандай қилиб бўлса-да, султонни даф этиш, шу йўл билан катта қон тўкиш ва талончиликнинг олдини олишга мардларча қарор қилади. Қўшинлар дарёни кечиб ўтаётган пайтда, ўз мавқендан фойдаланган Юсуф ал Хоразмий султоннинг хопасига кириб, ўзи чиқарган хукмни амалга ошириб, уни ўлдиради.

Соқчилар ундан дархол қасос олишади. Юсуф ал Хоразмий ҳалок бўлади. Ватанпарвар ушбу инсон ўз ҳаётини қурбон қилиб, даҳшатли хавфни бартараф этади. Юриш тўхтатилади. Қўшинлар Эронга қайтиб кетади.

Салжуқийлар Хоразмда ўзларига қарши қаратилган халқ ҳаракатини бартараф этиш мақсадида Гурганждаги ўз нойибларини ўзгартирадilar. Салжуқий султон Малик шоҳ (1072-1092) Хоразмни узоқдан туриб бошқаришни ўзининг яқинларидан бири бўлмиш Ануштегин Гарчиғонийга топширади. Бирок, Ануштегин исёнкор Хоразмни жиловлаш учун на кучга ва на тайинли ҳокимиятга эга эди. У султонлик пойтахти Райдан чиқмас, Гурганж ҳокими тайёрлаб юборган садоқатномалар ва юқори лавозим учун олаётган катта даромад билан қаноатланар эди. Ўзининг жавоб мактубларида эса бўйсунмаётганларга қарши барча чораларини кўриш, Малик шоҳ I га истисносиз бўйсунмиш, султон хазинасига солиқларни ўз вақтида юборишни талаб қиларди. 1097 йилда Ануштегин тўсатдан вафот этади. Салжуқийлардан тахтини эгаллаган амир Додбек Хабаши, Хоразмга ҳоким этиб, Ануштегиннинг ўғли Кутбиддин Муҳаммадни тайинлайди ва унга Хоразмшоҳ унвонини беради. Айнан ўша йилдан Хоразмда Ануштегин Хоразмшоҳлар сулосаси ҳукмронлиги бошланади. Додбек Хабаши Кутбиддин Муҳаммадни бекорга танламаган эди. Манбаларнинг хабарича, жумладан ал Асири би Халдуннинг ёзишича: “У ҳар томонлама қобилиятли киши эди. Уни фан ва дин намоёндолари севардилар. У уларга яқин эди. У фуқароларга нисбатан адолатли эди ва улар уни севардилар, номини улуғлардилар”<sup>1</sup>.

Кутбиддин Муҳаммад ўзининг салжуқийларга садоқати билан уларнинг катта ишончига сазовор киши эди. Салжуқийлар тахтини эгаллаган янги Султон Санжар, Додбек Хабашни ҳокимиятдан четлаштирган бўлса-да, бироқ, у Хоразмга ҳоким этиб тайингач, Хоразмшоҳ унвонини олган Кутбиддин Муҳаммадга тегмади. Аксинча, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Хоразмнинг улуғворлик даражасига эришиши ва фожиаи инқирози, айни шу сулола вакилларининг ҳукмронлик фаолияти билан боғлиқдир.

<sup>1</sup> З. Бушиёдов. Хоразмшоҳлар - Ануштегинлар давлати (1097-1231 й) 1988 й, 7-бет

Хоразм тарихининг кўпгина шонли саҳифалари айнан шу сулола вакиллари ҳукмронлиги даврига тўғри келади.

1100 йилда Султон Баркёрук укаси Санжар билан биргаликда Хуросонда бой берган ҳокимиятини қайта тиклаш учун кураш бошладилар ва амир Додбек Хабаш қўшинларини тор-мор келтирдилар. Хуросонда ўз ҳокимиятини тиклагач, Қутбиддин Муҳаммадни Хоразм ҳокими даражасига кўтардилар.

Қутбиддин Муҳаммад ўз даврининг ўқимишли, доно кишиларидан бири бўлиб, Хоразм ҳокимлигига кўтарилгач, қобилиятли, жонкуяр ҳоким, ишбилармон, зийрак, адолатли ҳукмдор сифатида иш юритди. У илм аҳлига жонкуярлик қилди. Натижада, Хоразмда унинг обрўси кундан кунга ўсди. Қутбиддин Муҳаммад Султон Санжарга содиқлик билан хизмат қилиш баробарида Хоразмда ўз ўрнини мустаҳкамлашга катта куч ва ғайрат сарфлади. Хоразмнинг эски ноибининг ўғли Тўғрул Тегин Муҳаммад ибн Экинчи турк кўчманчиларини ишга солиб, Қутбиддин Муҳаммаднинг йўқлигидан фойдаланиб, Хоразмга бостириб киради. Султон Санжардан ёрдам келгунга қадар, Қутбиддин Муҳаммад ўз кучи билан босқинчиларни Хоразм ҳудудидан ҳайдаб чиқариши унинг куч-қудрати ва обрў-эътибори ўсганлигидан далолат беради. Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад салжуқийлар ўртасидаги ҳокимият учун бўлган ички курашларда маълум роль ўйнади. У Султон Санжар томонида туриб, унинг рақибларига, қарши курашларда фаол иштирок этди, унинг рақиблари устидан эришган ғалабасига ўз ҳиссасини қўшди. Натижада, Султон Санжар олдида унинг обрў- эътибори кун сайин ошиб борди.

Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад 30 йил давомида, умрининг охиригача (1127) Хоразмни бошқарди. Қутбиддин Муҳаммаднинг вафотидан сўнг Султон Санжар Хоразмшоҳлар тахтига унинг ўғли ал-Малик Абу Музаффар Аловуддин Жалолиддин Отсизни тайинлади.

### **3.6. Хоразмшоҳ ал Малик Абу Музаффар Алоиддин Жалолиддин Отсиз.**

Отсиз Хоразмшоҳлар тахтига 29 ёшида ўтирди. Ўз отаси каби Отсиз ҳам ўз даврининг ўқимишли кишиси бўлиб, у салжуқийлар пойтахти Марв мадрасаларида ўз даври илмидан баҳраманд

бўлган эди. У ислом динига ҳомийлик қилиши, художўйлиги билан бирга, фан-санъатнинг қадрига етувчи киши сифатида ҳам танилган эди. Шунингдек, форс тилида қасида ва рубоийлар битар, кўп шеърларни ёддан билар эди. Хоразм аҳолиси ўртасида Отсиз адолатли ва жонкуяр ҳукмдор сифатида танилган эди <sup>1</sup>.

Отсиз шерюраклиги ва жўшқинлиги билан ажралиб турар, Султон Санжарнинг кўп ҳарбий юришларида фаол иштирок этарди. Отаси Кутбиддин Муҳаммад каби Отсиз ҳам Султон Санжар олдида катта обрў ва мавқега эга эди. Улуғ Султоннинг ўз вассалига ҳурмат-эҳтироми, айниқса, 1130 йилда Отсиз Султон Санжарни ўлимдан кутқариб қолганидан сўнг ниҳоятда ошган эди <sup>2</sup>.

Салжуқийларнинг таъсири кучаяётганлигидан ҳавотирга тушган Аббосий халифалар <sup>3</sup> (Бағдод) Отсизни ўз томонларига оғдиришга, унинг қудратли кучидан салжуқийларга қарши курашда фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Айнан шу мақсадда халифа ал-Мустаршид (1118-1135) ташаббуси билан халифалик билан Хоразм ўртасида яқинлашув бошланди. 1133 йилда халифа катта ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида Хоразмшоҳга шохона сарполар тортиқ қилди <sup>4</sup>. Албатта, бу ҳолат халифанинг ниятини сезган Султон Санжарнинг норозилигига сабаб бўлар эди. Отсизнинг Султон Санжар олдидаги катта обрўсидан чўчиган амалдорлар бундан фойдаланиб, уни Отсизга қарши қайрай бошладилар. Хоразмшоҳ Отсиз ўн йил давомида (1128-1138) улуғ салжуқий Султон Санжарга содиклик билан хизмат қилди. Бу йиллар ичида Отсиз ўз улуғ Султонига қарши бош кўтариш ҳақида ўйламасдан, унга тобелик бурчига содик қолди. Шу билан бирга, ўз ҳокимиятини ҳам мустаҳкамлаб борди. Табиатан ақлли ва ҳушёр бўлган Отсиз Султон Санжарга содик хизмат қилиш билан бирга, Хоразмнинг мустақиллигига эришиш мақсадидан бир зум ҳам қайтмади, шу мақсад сари интилди. Куч тўплади. Ўзининг куч-қудратини юқоридаги мақсадга эришишда етарли

<sup>1</sup> З.М.Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097-1231 г). Изд-во "Наука", М., 1986, 8-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда

<sup>3</sup> Аббосий халифалар мусулмон мамлакатларининг гоъвий йўлбошчилари ҳисобланар эди-муалл.

<sup>4</sup> З.М.Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. (1097-1231 г), 8-бет

деб тошгач, ўз сарой аъёнлари ва амирларини тўплаб, бундан буён у (Отсиз) мустақил ҳаракат қилажагини, Султон Санжарга тобелик даври ўтмиш бўлиб қолганлигини эълон қилди. Бу жасур ҳаракат Хоразмнинг мустақиллиги йўлидаги биринчи қадам эди. Тез орада Отсиз ўз қарорининг қатъийлигини амалий иш билан кўрсатди. Тобелик йилларида Хоразмшоҳлар чегарадош кўчманчи турк (номусулмон) қабилаларини итоатда тутиб туриш учун, улуг салжуқий султонларнинг розилиги ва рухсати билан вақти-вақти билан улар устига ҳарбий юришлар қилиб турар эдилар.

Биринчи маротаба бу тартибга хилоф равишда Отсиз, кўчманчи, динсиз турк қабилалари устига Султон Санжарнинг рухсати ва розилигисиз, мустақил равишда юриш қилиб, Сирдарёнинг қуйи қисмидаги Жанд шаҳрини ва шимолдаги Манғишлоқни ўз ерларига қўшиб олди. Отсизнинг берухсат ва бетакаллуф мустақил ҳаракати Султон Санжарнинг газабини қайнатди. У исёнкор вассални жазолаш мақсадида 1138 йил октябрда Хоразмга қарши юриш қилди. Хазорасп қалъаси олдидаги жангда Отсиз қўшинлари тор-мор келтирилди. Жангда Отсизнинг сеvimли ўгли Отлиқ халок бўлди. Ўз қўшинининг асосий қисмидап ажралган Отсиз жанг майдонидан чекинишга мажбур бўлади. Хоразмни эгаллагач, Султон Санжар уни бошқариш ишини жияни Сулаймоншоҳга топширади. Сўнгра ўзи 1139 йили ўз пойтахти Марвга қайтиб кетади.

Султон Санжарнинг ўз пойтахтига қайтиб кетганини эшитгач, Отсиз ўз яқинлари билан тезда Хоразмга қайтади. Маҳаллий аҳоли ва феодаллар Отсизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар. Натижада у Сулаймоншоҳни Хоразмдан ҳайдаб юборади ва ўз ҳокимиятини қайта тиклайди. Шу билан бирга у Султон Санжарга элчилар юбориб, унга ўз содиқлигини изҳор этади. Сулаймоншоҳни ҳайдаб юборгани учун кечирим сўрайди<sup>1</sup>. Бироқ, Отсизнинг бу ҳаракатлари самимий бўлмасдан, нафасни ростлаб олиш, куч тўплаш ва мустақиллик учун дадилроқ қайта ҳаракат бошлаш учун вақтдан ютиш йўлидаги оқилона, узоқни кўзловчи сиёсатнинг амалий кўриниши эди. Кўп ўтмай, Отсиз

<sup>1</sup> З. М. Бунятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. (1097-1231 г), 9-10-бетлар

амалга оширган ишлар юқоридаги фикрларнииг тўғри эканлигини исботлади. Орадан кўп ўтмай, Отсиз ўзининг мустақил ҳарбий юришларини яна қайта бошлайди. Ўзининг дастлабки ҳарбий юришини Журжон томон қаратиб, 1139 йилда Қобуд-Жом вилоятини эгаллайди<sup>1</sup>. Шу вақтдан бошлаб Қобуд-Жом вилояти Хоразмшоҳлар ҳукмдорларига қарам бўлиб қолди. Бир неча ой ўтмасдан Хоразмшоҳ Отсиз Султон Санжар мулкларига янги ҳарбий юриш бошлайди. 1139 йилда Бухоро устига юриш қилиб, уни эгаллайди.

Отсизнинг юқоридаги ҳарбий ҳаракатларига Султон Санжар бефарқ қарайди. Унга қарши ҳеч қанақа ҳарбий ҳаракатлар уюшгирмайди. Бироқ, ўзининг дадил мустақил ҳаракатлари учун улуғ Салжуқий Султоннинг ғазабига дучор бўлишдан хавфсираган Хоразмшоҳ Отсиз Султон Санжарга 1141 йил май ойида содиқлик ёрлиғи (совға, номалар) юбориб, унда Улуғ Султонга ўз садоқати, тобелигини ҳамда унинг олдидаги мажбуриятини яна бир бор изҳор қилади. Шу билан бир пайтда Хоразмшоҳ Отсиз Бағдодга халифа ал-Муктафий (1136-1160) ҳузурига ўз яқин кишиларидан бирини мактуб билан жўнатиб, ўзининг тўла содиқдиги ва бўйсунини, унинг асосий мақсади ота-боболари каби салжуқийларга қарши ғазот олиб боришдан иборат эканлигини ва бу хайрли ишда Бағдод халифасининг кўмагига муҳтож эканлигини изҳор этади. Шу билан бирга, Отсиз халифадан уни Хоразм вилоятининг ва унга келгусида кўшиладиган (кўшиб олинадиган) Мағриб ва Машриқдаги ерларнинг ягона ҳукмдори деб эълон қилишни сўрайди. Салжуқийлар давлатини кучсизлантиришдан, Султон Санжарнинг таъсирини ва обрусини пасайтиришдан манфаатдор бўлган халифа ал-Муктафий бу номани зўр қониқиш билан қабул қилади.

Бироз вақт ўтгач, Хоразмшоҳ Отсиз Бағдоддан халифадан шоҳона, совгалар ва тўла мустақил ҳокимиятга эга бўлган Султон унвони берилганлиги ҳақидаги фармонни олади. Бинобарин, 1141 йилдан бошлаб Хоразмшоҳ Отсиз ўз номидан тангалар зарб қилдира бошлайди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда

<sup>2</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. 13-бет.



Султон Санжарга Отсизнинг садоқат изҳор этиб мурожаат қилишига келганимизда, у самимий бўлмасдан, устакор сиёсатчига хос фаолиятнинг кўриниши эди холос. Бу вақтга келиб ҳукмдор Отсиз салжуқийлар қарамлигидан қутулиш ва эркин мустақил ҳаракат қилиш учун вақт етганлигини англаши қийин эмас эди. Шу даврда Мовароуннаҳрға Шарқ томондан яна бир тажовузкор босқинчи-қорахитойлар кириб кела бошладилар ва улар ўз нигоҳлариши бой, тараққий этган Туркистон ва Хуросон ерларига қаратмоқда эдилар. Салжуқийларга қарамликдан қандай бўлмасин қутулишга ва Хоразмнинг мустақиллигини таъминлашга интиланган Отсиз, араб тарихчиси Ибн ал-Асирнинг кўрсатишича, уларни бой, гуллаб-яшнаган Султон Санжар мамлакатига юришга ундайди <sup>1</sup>. Ўз навбатида Султон Санжар Хоразмшоҳ Отсизнинг икки ёқлама сиёсати ва мустақиллик томон ҳаракатларидан бохабар бўлса-да, ўғузлар ва қорахитойлар қаби кучли рақиблари мавжуд бўлган шароитда Отсизга қарши қатъий ҳаракатлар қилишдан ўзини тийди. Қулай пайт келишини пойлашга қарор берди.

XII аср бошларида ўзаро урушлардан, жангу - жадаллардан заифлашган Ўрта Осиёни қорахитойлар босиб ола бошлади. Қорахитойларнинг ўзи ким, деган саволга тарих илмида ҳали аниқ жавоб йўқ. Баъзилар уларни тунгус, баъзилар мўғул қабилалари деб тахмин қиладилар. Академик Бартольд ўзининг “Қорахитойлар” номли мақоласида қорахитойларни ҳозирги хитойларнинг аجدодлари деб тахмин қилади <sup>2</sup>. Уларнинг сони 40 минг чодирга яқин, яъни 1,5-2 миллион киши эди. Аввалига улар Чуғучокда жойлашишди, кейин эса Болосоғун (ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри яқинидаги Окбешим номли кўҳна шаҳар) ни эгаллаб, уни ўзларининг бош шаҳарларига айлантиришди. Уларнинг ҳукмдори Ғурхон деб аталарди. Улар Мовароуннаҳр томон интилиб, йул-йўлакай қирғиз ва уйғур ерларини эгаллаб, ўз ҳудудларига қўшиб олдилар. Қашқар ва Хўтанни эгаллаб, Хоразм томон интилдилар. Хоразмшоҳ Отсиз кучли қорахитойлар қўшини билан курашишга ҳали тайёр эмаслигини сезиб, қорахитойларга йилига 30 000 динор тўлаб

<sup>1</sup> Ўша жойда

<sup>2</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч., т. V. 544-бет.

туриш мажбуриятини олади <sup>1</sup> ва шу билан ўз мамлакатини кўчманчилар ҳужумидан саклаб қолади.

Кучли душманга қарши урушга тайёрлана бориб, Султон Санжар Хоразмшоҳ Отсизнинг садақат ҳақидаги қасамёдига эришгач, 100 минг кишилиқ кўшин билан қорахитойларга қарши юриш бошлайди.

Қорахитойлар билан Султон Санжар кўшинлари ўртасидаги ҳал қилувчи катта жанг 1141 йил 9 сентябрда Самарқанд яқинида бўлиб ўтади. Жанг Султон Санжар кўшинларининг тамомила тор-мор келтирилиши билан тугайди. Султон Санжар бир неча навқари билан Термизга қараб қочади.

Бутун Шарққа машҳур Улуғ Салжуқий Султоннинг бу мағлубияти салжуқийлар давлатининг обру-эътиборини тушириб юборди. Шундан сўнг у таназзулга юз тутди. Салжуқийлар давлатининг бу қийин аҳволдан Хоразмшоҳ Отсиз зудлик билан моҳирона фойдаланди. 1141 йил 21 октябрда салжуқийлар пойтахти Марв шаҳрига юриш қилиб, уни эгаллади. 1142 йил май ойида Нишопур шаҳрига қарши юриш уюштирди ва уни ҳам ўз қаламравига олди. Деярли бутун Мовароуннаҳрни эгаллаган қорахитойлар Хоразмшоҳ Отсиз билан битим тузиб, бу битимга мувофиқ қорахитойлар эгаллаган бир қанча ерлар, жумладан, Бухоро шаҳрини бошқариш ишини Хоразмшоҳ Отсиз ва унинг қариндошлари кўлига берадилар.

Отсизнинг ўз Улуғ Султонига нисбатан қилган бу “бевафолиги” ва “хиёнати”ни Султон Санжар эътиборсиз қолдиролмас эди. Шунинг учун ҳам у катта кўшин тўплаб, 1143-1144 йилларда Хоразмга қарши ҳарбий юриш қилади. Султон Санжар кўшинлари Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганжни камал қилади. Бироқ, уни эгаллай олмайди. Сулҳ тузилиб, Отсиз Султон Санжарга ўз қарамлигини тан олади. Натижада, Султон Санжар кўшинлари Хоразмни тарк этади. Бироқ, серғайрат Хоразмшоҳ Отсиз Хоразмга мустақиллик олиш мақсадидан қайтмайди. Тезда ўзининг мустақил ҳаракатларини бошлайди. 1145 йил сентябрда Сирдарё бўйлаб ҳарбий юриш бошлаб, Жанд қалъасини яна эгаллайди. У ердан ҳамма томонга ғалаба ёрлиғи - фатҳнома

---

<sup>1</sup> Ўша жойда

жўнатиб, унда ўзининг ҳарбий мувафақиятларини мадҳ қилади. Хоразмшоҳ Отсизнинг бу “беодоблиги” Султон Санжарни лоқайд қолдира олмас эди. Шунинг учун ҳам у яна кўшин тўплаб, 1147 йил ноябрда Хоразмга учинчи юршни бошлади <sup>1</sup>. Бу сафар Хоразмшоҳ Отсиз Ҳазорасп қальасига ўз кўшинлари билан яширинади. Икки ойлик қамалдан сўнг Султон Санжар кўшинлари қальани эгаллайдилар. Ҳазораспни эгаллагач, Султон Санжар ўз кўшини билан Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж томон юриш бошлайди. Қаршилиқ кўрсатишга кучи қолмаган Хоразмшоҳ Отсиз Султон Санжар олдига элчилар жўнатиб, ундан сулҳ тузишни сўрайди. Султон Санжар бу таклифни қабул қилиб, учинчи марта Хоразмшоҳ Отсизнинг гуноҳидан кечади <sup>2</sup>.

Бирок, Отсизнинг бу тавба-тазарруси ҳам олдингилари каби носамимий эди. Хоразмшоҳ Хоразмнинг мустақиллигини таъминлаш йўлидан воз кечганича йўқ эди. У қайта куч тўплаб, Хоразм ерларини кенгайтириш мақсадида 1152 йил апрелда учинчи ҳарбий юришга чиқади. Ва учинчи марта Жанд қальасини эгаллайди. Отсиз ўз ҳарбий юришини давом этдириб, Сигнок қальасини эгаллаб, Хоразм ерларига кўшиб олади.

Бу сафар Султон Санжар Хоразмшоҳ Отсизнинг ҳарбий юришларига бефарқ қарайди, унга қарши ҳеч қанақа ҳарбий юришлар уюштирамайди.

Бу даврда Хуросонда содир бўлган жиддий воқеалар салжуқийлар давлатининг обрўсини бутунлай тушириб юборади ва унинг емирилишини жадаллаштиради. Хоразмнинг мустақил ривожланиши учун кенг истиқбол очилади. 1153 йилда Балх ва Хутталиён атрофида кўчиб юрган гуз (туркман)лар Султон Санжар кўшинини бутунлай яқсон қилиб, унинг ўзини асир олишди. Гузлар Балх ва Нишопур шаҳарларини талаб, култепага айлантиришди. Шундай фожиали кунларда Хоразмшоҳ Отсиз Султон Санжарни гузлардан ҳимоя қилди. Қулай имкониятдан усталик билан фойдаланишга ўрганган Хоразмшоҳ Отсиз салжуқийлар давлатининг емирилишидан фойдаланиб, унинг ўрнида Хоразмшоҳлар давлати ҳукмронлигини ўрнатишга интилади. Шу

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Агуштегинидов. 20-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда, 21-бет

мақсадда 1156 йил апрелда кучли кўшин билан Хуросон томон юриш бошлайди ва Шахристон шаҳри ёнида тўхтади.

Эндидикда Сижистон, Ғур ва Мозандарон ҳукмдорлари билан ўғузларга қарши иттифоқ тузиш пайти келганлигани тушунган Отсиз худди шундай таклиф билан уларга чопарлар жўнатади. 1156 йил октябрда Султон Санжар ўғуз асирлигидан қочади. Бу ҳолат Отсизни тезликда ўз йўлини ўзгартиришга мажбур этади. У Султон Санжарга нома йўллаб, уни тутқушлиқдан қутулгани билан муборакбод этади. Номада Хоразмшоҳ ўзининг Султон Санжарга содиқлигини, ўз ҳарбий кучлари билан унинг хизматига тайёрлигини билдиради ва ундан Хуросонда ўз ҳарбий кўшинлари билан қолиш ёки Хоразмга қайтиб кетиш кераклиги ҳақида фикр сўрайди. Султон Санжарнинг асирликдан қочиши, шунингдек Хоразмшоҳ Отсизнинг ўғузлар амири Насриддин Абу Шужо Тутибекка огоҳлангириш мазмунидаги мактуби ўғузларни Хуросон ерларига вайронагарчилик юришларини тўхтатишга мажбур этди.

Хоразмшоҳ Отсиз ўғузларни бутунлай тор-мор қилиш ниятига эриша олмади. У 1156 йил 30 июлда, 61 ёшида вафот этди. XIV асрларда яшаб ижод этган кўпгина муаллифларнинг ёзишларича, Хоразмшоҳ Отсиз ўз фуқароларига меҳрибон, адолатли ҳукмдор бўлган. 29 йиллик ҳукмронлик даврида 16 йил Хоразмни мустақил бошқарди. Хоразмнинг мустақиллиги учун салжукийларга қарши қатъий кураш олиб борди. Академик Бартольднинг уқдиришича, Отсиз “салжукийларга тобе ҳолда вафот этди. Бирок, у, адолат нуқтаи назаридан айтганда, Хоразмшоҳлар сулоласининг асосчиси ҳисобланади. Кўшни кўчманчиларни Хоразмга бўйсундириб ва ўз кўшинларини ёлланма турклар ҳисобига кучайтириб, кучли ва амалда мустақил давлатга асос солди.”<sup>1</sup>

Бирок, Отсизга Хоразмни тўла мустақил қилишга эришиш насиб этмади. У қорахитойларга хирож тўламоқда эди. Хоразмшоҳ Отсизнинг вафотидан 9 ойдан сўнг Султон Санжар ҳам вафот этди. Султон Санжарнинг вафотидан кейин салжукийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги бутунлай тугади.

<sup>1</sup> Академик В.В.Бартольд Соч., т. I, Изд-во Восточный литературы. М., 1963 г. 395-бет.

### 3.7. Хоразмшоҳ Абул Фатҳ Эл Арслон.

Хоразмшоҳ Отсиз ўзи олиб борган сиёсат, шахсий хислатлари - ҳушёрлиги, узоқни кўра олиши, устомонлиги ва сергайратлиги туфайли Марказий Осиёда қудратли давлатга асос солади. Бу йўлда у катта ишларни амалга оширди. Рақибларининг хатоларидан, улар ўртасидаги келишмовчиликлардан усталик билан фойдалана олди. Хоразмшоҳ Отсиз йирик давлат арбобига хос оқилона ташқи сиёсат юргизди. Натижада, давлатнинг обрў-эътибори халқаро майдонда мустақамланиб борди. Хоразмшоҳ Отсиз донолик билан ички сиёсат юргизганлиги туфайли фуқаронинг моддий турмуши, маданият даражаси юксалаверди. Кенг халқ оммаси Хоразмнинг мустақиллигини таъминлаш учун Хоразмшоҳ Отсиз олиб борган тинимсиз курашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Хоразмнинг куч-қудрати йилдан-йилга юксалиб борди.

Хоразмшоҳлар давлатини мустақамлаш бўйича Хоразмшоҳ Отсиз бошлаган ишни унинг ворислари муваффақият билан ривожлантирдилар. Хоразмшоҳ Отсиз вафотидан сўнг Хоразм тахти учун ўзаро кураш қизиқ кетди. Саройдаги бир гуруҳ амалдорлар тахтга Хоразмшоҳ Отсизнинг кичик ўғли Сулаймоншоҳни ўтказмоқчи бўлдилар. Отаси вафотидан сўнг Хоразмшоҳнинг катта ўғли Эл Арслон кўпчилик амирлар ва қўшиннинг ўзига содиқлиги тўғрисидаги ваъдасини олгач, Хуросондан Хоразмга йўл олади. Хоразмга келиши билан тахт учун кураш бошлаб, ўз рақибларини йўқ қилишга киришади. Укаси Сулаймоншоҳни зиндонга солади. Сулаймоншоҳни тахтга ўтказишга уринган амакиси Юсуфни, Сулаймоншоҳнинг Отабеги бўлмиш Ўғулбекни ва уларнинг тарафдорларини қатл қилдиради. Сулаймоншоҳ зиндонга солингач, уч кундан кейин вафот этади. Шундай қилиб, Эл Арслон ўз рақибларини бартараф этгач, 1156 йил 22 августда тахтга ўтиради. Унинг илк фармони олийларидан бири қўшиндаги жангчиларнинг маошларини ошириш ва уларга бериладиган ер -икта майдонини кенгайтиришдан иборат бўлди. Эл Арслон тахтга ўтирган даврда халқаро шароит жиддий эди. Хоразмшоҳ Отсизнинг вафотидан хабар топган кўчманчи турк қабилалари Хоразм давлати ҳудудига ҳужумни қайта бошлаб,

Жанд ва Манғишлоқни эгаллаган эдилар. Эл Арслон салжуқий Султон Санжарга нома йўллаб, унга ўз содиқлигини изҳор этади. Отаси Хоразмшоҳ Отсизнинг устакорона сиёсатини давом этдириб, Эл Арслон 1156 йил октябрда Султон Санжарга нома, уни (Эл Арслонни) Хоразмшоҳ деб тан олиш ҳақидаги хужжат ва қимматбаҳо сарупо билан элчи жўпатади.

Эл Арслон ўз қўшини билан кўчманчи туркларни Жанд ва Манғишлоқ ҳудудидан қувиб чиқариб, Хоразм давлати чегаралари хавфсизлигини таъминлайди. Султон Санжар вафотидан сўнг тахтга ўтирган вориси Султон Гиёсиддин Муҳаммад ибн Маҳмудхон ўз навбатида, Эл Арслонга нома йўллаб, унда ўз элчилари орқали Эл Арслонни Хоразмшоҳлар тахтига ўтириши билан табриклайди ва отаси Хоразмшоҳ Отсиз вафоти муносабати билан унга таъзия билдиради<sup>1</sup>.

Янги Хоразмшоҳ Эл Арслон Ўрта Шарқда салжуқийлар қаламравидаги ҳудудларда рўй бераётган воқеаларни хушёрлик билан кузатиб борди. Султон Санжар вафотидан сўнг, унинг ўғли бўлмаганлиги учун, салжуқийлар тахтига унинг жияни Султон Гиёсиддин Муҳаммад ибн Маҳмуднинг ўтириши тахтга ўтиришга ҳозирлик кўриб юрган айрим қариндошларига ёқмайди. Натижада, Хуросонда салжуқийлар тахти учун ўзаро ички кураш кизиб кетади. Салжуқийлар давлатининг кучсизлашишидан манфаатдор бўлган халифа ал-Муктафий бу ички низони ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Бағдодда салжуқийлар тахтига даъвогарлардан бири Султон Санжарнинг яқин қариндошларидан Сулаймоншоҳни тантанали қабул қилади. Унга қимматбаҳо султонлик либослари совға қилади. Муҳаммад ибн Маҳмуднинг хутбани унинг номига ўқитиш тўғрисидаги талабини рад қилиб, Сулаймоншоҳга уч минг кишилик қўшин беради ва уни Муҳаммад ибн Маҳмудга қарши курашга ундайди. Халифа бир вақтнинг ўзида Хоразмшоҳ Эл Арслонга ҳам чопар йўллаб, уни салжуқий Султон Муҳаммад ибн Маҳмудга қарши курашга киришишга ундайди. Бироқ Хуросондаги воқеалар боришини зийраклик билан кузатаётган Хоразмшоҳ Эл Арслон халифага жавобида ғайридишлар Султон Санжар вафотидан фойдаланиб,

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Алпунтегинидов. 32-бет.

Хуросон еригга ўз хужумларини кучайтираётган ва мусулмонларни қийратаётган бир пайтда Хуросон ерини ғайридишлардан химоя қила олувчи ягона шахс Султон Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд эканлигини кўрсатади ва халифани эски гиналарни унутиб Султон Маҳмуд билан ярашишга ва мусулмонлар кучларини бирлаштиришга чақиради. Академик Бартольд ўзининг “Қорахитойлар ва Хоразмшоҳлар” номли асарида Хоразмшоҳ Эл Арслоннинг халифа ал-Муқтафийга юқоридаги мазмундаги номалардан биттасини жўнатганини ва уларда мусулмон ҳукмдорларини бирлашишга чақирганини, халифа ал-Муқтафийга бу ишда бош бўлишни қайта-қайта таклиф қилганини кўрсатган. Булар Хоразмшоҳ Эл Арслон ўз даврида катта обрўга эга, уста сиёсатчи ҳукмдор бўлганлигидан ва бу даврга келиб Хоразмшоҳлар давлатининг халқаро обрўси анча ошганлигидан далолат беради.

Эл Арслон Хуросондаги воқеаларга катта таъсир кўрсата олмаган бўлса-да, бироқ унинг муҳим масалаларни ҳал қилишдаги фаол иштироки Хоразмшоҳлар давлатининг ва унинг ҳукмдорининг обрў-эътиборини анча кўтарди. Ўша даврда Мовароуннаҳрда шундай воқеалар юз бердики, улар Хоразмшоҳлар давлатининг халқаро таъсирини оширди. 1158 йили Самарқанд хони Қорақўл ва Жанд ўртасидаги кўчманчи туркманларни ёрдамга чақиради. Шунингдек, қорахитойларга мурожаат қилиб, улардан ёрдамга ўн минг кишилик кўшинни олади ва Бухорога юришга тайёрланади. Бухоро беклари Эл Арслонга мурожаат қилиб, кўмак сўрайдилар. Хоразмшоҳ Эл Арслон катта кўшин билан Бухорога ёрдамга келади. Кўшинлар Зарафшон дарёсининг ҳар икки қирғоғида бир-бирига қарама-қарши турдилар. Хоразмшоҳлар кўшини катта кучга эга эканини кўрган ва ўзидан устунлигига ишонч ҳосил қилган рақиб қайтиб кетишга мажбур бўлди<sup>1</sup>.

1159 йилда салжуқийлар султони Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд вафот этади. Янги салжуқий Султон Арслоншоҳ (1161-1176) тахтга ўтиради. Бироқ, узоқ давргача султонлик отабеклари Шамсиддин Илдениз ва унинг ўғиллари Жаҳон

<sup>1</sup> Академик В.В.Бартольд. Соч., т.I 397-бет

Пахлавон ва Қизил Арслон салтанатининг тақдирини ҳал қилувчи кишилар бўлиб қолдилар <sup>1</sup>. Эл Арслон Арслоншоҳга ҳам ғоят илиқ сўзлар билан мурожаат қилинган нома жўнатади ва ғайридинларга қарши бирлашишга чақиради. Салжукий султон Муҳаммад ибн Маҳмуд ҳукмронлиги даврида Хуросонда тўс-тўполон, тартибсизликлар ҳукмрон бўлиб, Султон Санжарнинг бир қанча амирлари ўртасида ҳокимият учун бетиним кураш борди. Шарқий Хуросондаги ерларни эгаллаган ўғузлар хали катта сиёсий куч бўлиб, воҳа сиёсий ҳаётига таъсир қилаётган эдилар. Кучли қўшинга эга бўлган Хоразмшоҳ Эл Арслон ўша гуруҳлар ўртасида катта обрўга эга эди. Хуросонда биринчилик учун ўзаро аёвсиз кураш олиб бораётган амирлар Хоразмшоҳ Эл Арслон олдига ёрдам сўраб галма-гал келар, бу билан маълум даражада унга тобе бўлиб қолмоқда эдилар. Амир Ойбекнинг мулклари бўлмиш Журжон ва Деҳистонда хутба Хоразмшоҳ Эл Арслоннинг номини такрорлаш билан ўқиларди. Бу унинг обрў-эътибори баландлигининг белгиси эди. Хуросонда Хоразмшоҳ Эл Арслон таъсирининг кучайиши - маҳаллий амирларнинг айримларига ёқмади. Улардан бири Муаййид Ой Аби бўлиб, у ўз қўшини билан 1162 йилда Нишопур устига юриш қилиб, уни эгаллайди. Ундан кейин ўз хужумини давом этдира бориб Тус, Обивард, Шаҳристон, Дамғон вилоятларини ўз мулкига қўшиб олади. Муаййид Ой Аби султон Арслоншоҳга тобе бўлиб, ўз мулкида султон номи билан хутба ўқита бошлайди. Амир Муаййид Ой Абининг кучайиб кетишидан хавотирга тушган Хоразмшоҳ Эл Арслон 1163 йили катта қўшин билан амир мулкларига қарши юриш қилади. Нишопур қалъасини қамал қилади. Бироқ, қалъани ола билмайди. Томонлар ўзаро битим тузадилар. Катта бож эвазига Хоразмшоҳ Эл Арслон ўз қўшинлари билан Хоразмга қайтиб кетади.

Хоразмшоҳнинг Хуросонда йўқлигидан фойдаланган амир Муаййид Ой Аби ўз мулклари ҳудудини кенгайтirmoқчи бўлади. У 1163 йил март ойида ўғузлар қўлида бўлган Наса шаҳрига ҳарбий юриш бошлаб, уни қамал қилади. Амир Муаййиднинг бу ишига Хоразмшоҳ Эл Арслон қатъий қарши чиқади. Ўз қўшини

<sup>1</sup> Буниязов З.М. Государство Атабеков Азарбейджана (1136-1225 г), Баку, изд. "Фан" 1975 й, 103-бет



билан Наса шахри томон йўл олади. Буни эшитган амир Муаййид тезда қамални бўшагиб чекинишга мажбур бўлади. Хоразмшоҳ Эл Арслоннинг бу ёрдамидан Наса шахри аҳолиси миннатдор бўлиб, шаҳарда хутба Хоразмшоҳ Эл Арслон номи билан ўқиладиган бўлди. Шундан кейин у Дехистон томон юриб, уни Хоразмшоҳлар давлати таркибига қўшиб олади. Дехистонни бошқариш Эл Арслон томонидан тайинланган хоразмлик ноибга топширилди. Ироқ султони Арслоншоҳ Хуросонда ўз таъсирини кучайтириш мақсадида амир Муаййид ва унинг тарафдорларини қўллаб-қувватлайди. Арслоншоҳ ва салжуқийлар султонларининг амалий бошлиғи отабек Илдениз амир Муаййидга қимматбаҳо либослар на байроқ жўнатиб, уни Ироқ султонлигининг Шарқдаги ноиби этиб тайинлайдилар. Бундан ғазабланган Эл Арслон 1166 йилда Хуросонга янгидан юриш бошлайди. Амир Муаййид Хамадонга, отабек Илдениз хузурига қочади. Отабек Илдениз Рай шахридан Хоразмшоҳ Эл Арслон олдига элчилар жўнатиб, Хоразмшоҳни бу йўлдаи қайтариш учун унга нома орқали пўписа қилали. Илденизнинг номаси Эл Арслоннинг ғазабини келтиради ва тезда катта қўшин билан Нишопур ёнига келиб тўхтайтиди. Илдениз ҳам катта қўшин билан йўлга чиқади. Бистом ёнида Ироқ султонлиги қўшинлари билан Хоразмшоҳлар давлати қўшинлари ўртасида биринчи қаттиқ жанг бўлади. Жангда ҳеч қайси томон ғалабага эриша олмаган бўлса-да, Эл Арслон бир қисм қўшинларини олиб амир Муаййидга тегишли бўлган Байхон ва Сабзавор шаҳарларини эгаллашга юборади.

1167 йил майда бу шаҳарлар Хоразмшоҳ қўшинлари томонидан эгалланади. Шу йили июнь ойида Эл Арслон Нишопур шахрини ўзига бўйсундиради ва бу ерда хутба Хоразмшоҳ Эл Арслон номига ўқиладиган бўлади. Эл Арслоннинг ҳарбий муваффақиятлари рақибларини у билан ҳисоблашинга мажбур этади. Амир Муаййид Хоразмшоҳ олдига элчи юбориб, тавба-тазарру қилади ва ўзининг унга қарамлигини тан олади. Эл Арслон ўзининг кечаги душманидан келган элчиларни яхши қабул қилади, амир Муаййиднинг гуноҳидан кечади, уни Нишопурдаги Хоразмшоҳларга қарам ҳукмдор қилиб тайинлайди. Буни эшитгач, Отабек Илдениз ўз қўшинлари билан Райга кетишга мажбур бўлади. Нишопур эгалланиши билан

Хоразмшоҳларнинг салжуқийлар билан ажралиб кетиши яқунланади. Эндиликда Хоразмшоҳлар Эрон Ироқининг ички ишларига доимо аралашиб турадиган бўлдилар. Хоразмшоҳлар давлатининг таъсири оша борди. Хуросон ва Эрон Ироқидаги маҳаллий ҳукмдорлар ўзаро курашларида тез-тез ёрдам сўраб Хоразмшоҳларга мурожаат қиладиган бўлдилар. Рай қалъаси ҳокими Инонч ўз ҳукмдори отабек Илдениздан ҳимоя қилишни сўраб Эл Арслонга мурожаат қилади. Ушбу мурожаатдан фойдаланган Хоразмшоҳ Эл Арслон катта кўшин билан Рай қалъаси томон йўл олади. 1167 йили Сава шаҳри ёнида Хоразмшоҳлар кўшини Султон Арслоншоҳ ва Илденизнинг ўғли Жаҳон Паҳлавон кўшинлари билан тўқнашди. Сон жиҳатидан кўп бўлишига ва жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатишига қарамай, Ироқ кўшинлари бу жангга мағлуб бўлади. Хоразм кўшини Фарбга томон силжиб, Озарбайжонга кириб боради. У ерда Абхар, Қанжон ва Қазвин шаҳарларини ишғол қилади, 2000 та зотдор туя ва катта бойликларни олиб, Хоразмга қайтиб кетади. 1168 йилда отабек Илдениз аъёнларни сотиб олиш йўли билан собиқ худудда ўз ҳокимиятини қайта тиклайди. Ироқ султонлигининг ерларини ўзига қўшиб олгандан сўнг Эл Арслон яна эътиборини Мовароуннаҳрда бўлаётган воқеаларга қаратади. Мовароуннаҳр ерларини ўз қўл остида бирлаштиришга ҳаракат қилади. У қарлуқ қабилаларининг ёнини олиб қорахитойларга қарши курашади. Сўгд (Зарафшон) дарёси ёнидаги жангда уларга зарба беради. Бутунлай тор-мор бўлишдан хавфсираган қорахитойлар саркардаси Илик Туркман Эл Арслондан сулҳ сўрашга мажбур бўлади. Сулҳ шартларига мувофиқ қарлуқ қабилалари ўзларининг эски яшаш жойларига қайтарилади.

Эл Арслон Мовароуннаҳрда мустаҳкамланиб олишга, қорахитойларга хирож тўлашдан Хоразмни халос қилишга қанча ҳаракат қилмасин, бунинг уддасидан чиқа олмади. Бунга Мовароуннаҳрда ўша даврда олиб борилган ички курашлар йўл бермади. Қорахитойлар 1162 йилда қарлуқларга қарши хужумини қайтадан бошлайдилар, уларни тайзик эта бориб, 1171 йилда Хоразмшоҳлар давлати худудига бостириб кирадилар. Амир Амурулло бошчилигидаги Хоразм кўшинлари қорахитойларга қарши жанг қилади. Бу жанг қорахитойлар ғалабаси

билан тугайди. Оғир бетоб бўлиб қолган Эл Арслон Гурганжга қайтиб келади ва у ерда 1172 йил 18 мартда вафот этади. Эл Арслон давлатни бошқариш фаолияти жараёнида Хоразмшоҳлар давлатини мустақкамлаш соҳасида катта ишлар қилди. Эл Арслон ҳукмдорлик қилган йилларда Хоразмшоҳлар давлатининг ҳудудий янада кенгайди. Унинг халқаро майдондаги обрўси кўтарилди. Хоразмшоҳ Эл Арслон ҳаракати ва ғайрати натижасида Хоразм давлатининг салжуқийлар давлатига қарамлигига бутунлай чек қўйилди. Бироқ Эл Арслон ўзи кўзлаган, мўлжаллаган ишларни тўла амалга оширишга эриша олмади. Мовароуннаҳрда ва Хуросонда ўзининг якка ҳокимиятини ўрната олмади. Хоразм давлатини қорахитойларга хирож тўлашдаи озод қила билмади. Бироқ, шуларга қарамасдан, Хоразмшоҳлар давлатини мустақкамлашда Хоразмшоҳ Эл Арслоннинг хизмати бениҳоя катта бўлди.

### 3.8. Хоразмшоҳ Аловуддин Текаш.

Хоразмшоҳ Эл Арслоннинг вафоти Хоразмшоҳлар тахти учун унинг ўғиллари Аловиддин Текаш ва Султоншоҳ Маҳмуд ўртасида узоқ, аёвсиз курашга сабаб бўлди. Хоразмшоҳ Эл Арслон вафот этган чоғда унинг катта ўғли Аловиддин Текаш Жанд қалбасида Хоразмшоҳнинг ноиби сифатида иш кўрмоқда эди. Эл Арслон тахтнинг вориси қилиб кичик ўғли Султоншоҳни тайинлайди. Бироқ, давлат ишларини ва кўшинни Султоншоҳнинг онаси Туркан хотун бошқарар эди.<sup>1</sup>

Текаш Гурганжга - Султоншоҳга қасамёд қилиш учун чақирилади. Текаш элчиларга Султоншоҳни давлат бошлиғи деб тан олмаслигини ва шунинг учун ҳам Гурганжга бормаслигини билдиради. Бу жавобдан ниҳоятда дарғазаб бўлган Туркан хотун Жандга кўшин юбориб, Текашни зўрлик билан пойтахтга олиб келишларини топширади. Бундан хабар топган Текаш Жандни тарк этиб, қорахитойлар маликаси Чень Тянь (1164- 1177) ҳузурига йўл олади ва ундан Султоншоҳ ва унинг онасига қарши курашда ёрдам сўрайди, бунинг эвазига ҳар йили қорахитойларга

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 38-бет.

хирож тўлаб туришни ваъда қилади.

Текашнинг ваъдасига ишониб қорахитойлар катта кўшин тўлаб, уни маликанинг эри Фума қўмондонлигида Хоразмга юбордилар. Текаш ва Фума кўшинлари Хоразмга яқинлашганларида Султоншоҳ ва Туркан хотун Нишопурга, амир Муаййид ҳимоясига қочиб кетадилар. 1172 йил 11 декабрда Текаш ҳеч қанақа қаршиликсиз расмий суратда Хоразмшоҳлар тахтини эгаллайди. Бироқ, воқеаларнинг ривожини шу билан тўхтаб қолмади. Ака-укалар ўртасидаги тахт учун аёвсиз кураш ҳали олдинда эди. Текаш тахтни эгаллагач, унга ёрдам берган қорахитойлар Хоразм срида ўзларини хўжайинларча тутдилар. Маҳаллий аҳолини таладилар. Бундан хабар топган Хоразмшоҳ Текаш фармон бериб, Хоразмдаги хаддидан ошган қорахитойларни қаттиқ жазолади. Бу эса қорахитойлар ҳукмдорларининг норозилигига сабаб бўлди. Туркон хотун амир Муаййидга катта инъомлар тортиқ қилиб ва Хоразм давлатининг бир қисм ерини ваъда қилиб, уни Хоразмга юриш учун кўшин беришга кўндиради. Ўз навбатида амир Муаййид ҳам бу қулай шароитдан фойдаланиб, Хоразмшоҳлар давлатига қарамликдан қутулишга ва ўз қаламравидаги ерларни Хоразм давлати ерлари ҳисобига кенгайтиришга интилди. Шу мақсадда кўшин тўлаб, Хоразм томон юрди.

1174 йил 11 июлда амир Муаййид, Султоншоҳ ва Туркон хотун кўшинлари Гурганждан 20 фарсах нарида, Супурли шаҳарчаси ёнида Текаш кўшинлари билан тўқнашдилар. Амир Муаййид кўшинлари тор-мор келтирилди. Унинг ўзи асир олиниб, Хоразмшоҳ Текаш фармони билан қатл қилинди. Туркан хотун ва Султоншоҳ Дехистон шаҳрига яшириндилар. Хоразмшоҳ Текаш Дехистонни қамал қилиб олди. Султоншоҳ Нишопурга қочиб, амир Муаййиднинг ўғли Тўғоншоҳ Абу Бакр (1174-1185) ҳузурда яширинди. Туркон хотун эса қўлга олиниб, қатл этилди. Шундай қилиб, Хуросон кўшинларининг бир қисми Хоразмда яқсон қилинган бўлса, бир қисми ҳар томонга тарқалиб кетган эди. Шундай шароитда Тўғоншоҳ Султоншоҳни қўллаб-қувватлай олмас эди. Буни тушуниб у ғурийлар султони Ғиёсиддин Муҳаммад олдинга ёрдам сўраб боради. Ғиёсиддин Муҳаммад бу даврда Хуросонда олий ҳокимият учун кураш олиб

бормокда эди. У Хоразмшоҳлар давлатининг кучсизланишидан манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам у Султоншоҳнинг келишидан ва илтимосидан ҳамда Текаш билан қорахитойлар ўртасидаги келишмовчиликдан фойдаланиб, Хоразмнинг ички ишларига аралаша бошлайди. Ўз навбатида ёрдам сўраб қорахитойларга мурожаат қилишни Султоншоҳга маслаҳат беради. Шу мақсадда Гиёсиддин Ғурий Султоншоҳни барча зарурий нарсалар билан таъминлайди. Болосоғунга келиб етгач, Султоншоҳ қорахитойларга ўзининг Хоразм тахтига бўлган ҳуқуқини ва уни Хоразм халқи кутаётганлигини айтади. Малика Чань Тянга мурожаат қилиб, уни Хоразмшоҳ Текашга қарши юришда қўшин билан таъминлашни илтимос қилади. Яқиндагина Текаш ва унинг тарафдорлари томонидан Хоразмда қорахитойлар жазоланганлигидан қаттиқ ранжиган малика ўч олиш мақсадида Султоншоҳга ўз эри Фума бошчилигида қаттагина қўшин ажратиб беради ва уларга Хоразмшоҳ Текашни ва бошқа айбдорларни қаттиқ жазолашни, Хоразмшоҳлар тахтига Султоншоҳни ўтказиб қайтишни топширади. Эндиликда Фума бошчилигидаги қорахитойлар қўшини Хоразмшоҳ Текашни тахтдан ағдариш ва Султоншоҳни тахтга ўтказиш учун Хоразмга кириб боради.

Бу воқеалардан яхши хабардор бўлган Хоразмшоҳ Текаш ўз вақтида мудофаа тадбирларини кўради. У пойтахт Гурганжни мудофаага яхши тайёрлаш билан бирга, Амударёдаги тўғонларни очиб, Гурганжга борадиган йўллари сувга бостиради. Хоразмга бостириб кириш унинг қўшинлари учун ҳалокат билан баробарлигини англаган Фума, ўз қўшинларини орқага, ўз ватанига қайтариб олиб кетади. Султоншоҳ Фумадан унга озгина қўшин қолдиришни, уларнинг ёрдами билан ўзига бошпана бўладиган битта қалъани эгаллаш орзуси борлигини билдиради. Фума Султоншоҳнинг илтимосини бажо келтиргач, кичкина қорахитой қўшини билан жануб томон юриб, 1180 йилда ўғузлар қўлида бўлган Серахс қалъасини эгаллайди, кейин Марв томон юриб, уни ишғол қилади ва ўз пойтахтига айлантиради. Шундан сўнг у қорахитойлар қўшинини юртига қўйиб юборади. Бир оз

вақт ўтгач, Султоншоҳ Тус, Зам, Наса ва Обивард<sup>1</sup> каби шаҳарларни ҳам ўзига бўйсундириб, кичкина бир давлатга асос солди.

Султоншоҳнинг Хуросонга кириб келиши ва бу ерда ўз давлатига асос солиши айрим Хуросон амирларига ёқмас эди. Шундай амирлардан бири Нишопур амири Тўғоншоҳ Абу Бакр эди. 1181 йил 13 майда Султоншоҳ кўшинлари билан Абу Бакр кўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, унда Абу Бакр кўшинлари тор-мор бўлди. Абу Бакрнинг катта хазинаси Султоншоҳ кўлига тушди. Бу ғалаба Хуросонда Султоншоҳнинг обрўсини анча кўтарди. Абу Бакр ёрдам сўраб Хоразмшоҳ Текашга ва ғурийлар ҳукмрони Ғиёсиддин ал-Ғурийга мурожаат қилса-да, улар воқеаларнинг ечимини кутиб, унга эътибор бермадилар.

1185 йил 15 апрелда Тўғоншоҳ, Абу Бакр вафот этди, Нишопур тахтини унинг ўғли Санжаршоҳ (1185- 1198) эгаллади. Бўш, лаёқатсиз Санжаршоҳ тахтга эга бўлса-да, ҳокимиятни унинг отабеги Менгли Тегин<sup>2</sup> бошқарди. Менгли Тегин қаттиққўл, серғайрат киши бўлиб, ўз қўл остидаги амалдорларни ва фуқарони турли хил солиқлар солиши, пора олиши билан норози қилиб қўйди. Натижада, кўпгина амирлар ўз кўшини билан Султоншоҳ хизматига ўта бошладилар. Хуросонда Султоншоҳ таъсири кучаяётганлиги, Нишопур ҳукмдори ўзининг Хоразмшоҳлар давлатига қарамлик бурчига лоқайдлик билан қарай бошлагани Хоразмшоҳ Текашни у ердаги воқеаларга фаол араланишига мажбур қилди. У Хуросон томон кўшин тортди. Султоншоҳ эса Хоразмшоҳ Текашнинг йўқлигидан фойдаланиб, Хоразмга юриш қилиб тахтни эгалламокчи бўлди. У ўз кўшини билан Хоразм томон юрди. Йўлда Хоразмшоҳ Текаш бу воқеадан огоҳ бўлиб, ўз кўшинини Султоншоҳ пойтахти Марв томон буради. Султоншоҳ ўзининг ассий кучларини Аму ёнида қолдириб, озгина кўшин билан Марвга келиб яширинади. Хоразмшоҳ Текаш ўз режасини ўзгартириб, кўшинини Нишопур томонга буради ва уни қамал қилади.<sup>3</sup> Икки ойлик қамалдан сўнг

<sup>1</sup> З.М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 41-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

Менгли Тегин ва Сапжаршоҳ Хоразмшоҳ Текаш кўйган барча шартларни қабул қиладилар ва бож тўлашга рози бўладилар. Ярашиш шартномаларини тузиш учун Хоразмшоҳ Текаш Нишопурда ўз вакиллари Улуғ Ҳожи Шаҳобиддин Масъуд, Сайиддин Мардоншар ва котиб Баҳоуддин Муҳаммад ал-Бағдодийларни қолдиради. Ўзи эса кўшини билан Хоразм томон жўнаб кетади, Шундай шароитда Нишопур отабеги Менгли Тегин Хоразмшоҳ вакилларини Султоншоҳ олдига жўнатади. Бундан ташқари, у ўша пайтда Нишопурда турган Хоразмнинг кўзга кўринган диний арбоби Шайхулисломо Бурхониддин Абдуазиз ибн Фахриддин ал-Куфийни қамоққа олдиради ва ўлимга буюради.<sup>1</sup>

Хуросон ҳукмдорлари томонидан амалга оширилган бу қатағон ва ноҳақлик Хоразмшоҳ Текашни янги ҳарбий юришга мажбур этди. 1187 йил 27 мартда Хоразмшоҳ ўз кўшинлари билан Нишопурни қамал қилади. 40 кунлик қамалдан сўнг Менгли Тегин ўзининг ночор аҳволини сезгач, шаҳардаги имом ва саййидларни ўртага кўйиб, Хоразмшоҳдан узр сўрайди. 1187 йил 27 майда шаҳар ҳимоячилари шаҳарни Хоразмшоҳга топширадилар ва Текаш ўз кўшини билан шаҳарга кириб боради.

Хоразмшоҳ шаҳарда адолат ўрнатишга киришади. Менгли Тегин фуқаро ва амалдорлардан тортиб олган мол-мулклар эгаларига қайтарилади. Хоразмшоҳ Менгли Тегинни жазолаш учун шаҳар имомлари қўлига топширади. Имомлар Менгли Тегинни жазолашни у қатл қилдирган Бурхониддин Куфийнинг отасига ҳавола қиладилар. Ота бу ёвуз, қабих жиноятчини ўлим жазосига ҳукм қилади. Ҳукм ижро этилади. Бундан буён хиёнат ва ўзбошимчалик содир бўлишининг олдини олиш мақсадида Хоразмшоҳ Текаш Нишопурни Хоразмшоҳлар давлати ҳудудига қўшиб олади ва катта ўгли Насриддин Маликшоҳни шаҳар ҳокими қилиб тайинлайди. Нишопурнинг собиқ ҳукмдори Санжаршоҳ Гурганжга олиб кетилади ва умрининг охиригача (1198) ўша ерда қолиб кетади.<sup>2</sup>

Хуросоннинг бир қисми Хоразмга қўшиб олинган бўлса-да, Марв ва унинг атрофида, Пешоварда Султоншоҳ ҳукмронлик

<sup>1</sup> Ўша жойда

<sup>2</sup> Ўша жойда, 42-бет

қилмокда эди. Табиатан ўжар, димоғдор бўлган шахзода ўзининг Хоразмшоҳлар тахтига ўтириш мақсадидан ҳеч қайтмас эди. Ўз акаси Текашга қандай қилиб зарба бериш йўлини излар эди. Текаш қўшинлари билан Нишопурдан Хоразмга жўнаб кетиши биланоқ Султоншоҳ Нишопурни қамал қилади ва уни эгаллашга жон-жаҳди билан интилади. Хоразмшоҳ Текашнинг ўғли, Нишопур ҳокими Маликшоҳ ёш бўлишига қарамасдан отаси каби ақлли, серғайрат йигит эди. Маликшоҳ шаҳар ҳимоясини яхши ташкил этиб, Султоншоҳ қўшинларининг шаҳарга киришларига йўл қўймайди. Хоразмшоҳ қўшинларининг ёрдамга келаётгани, уларнинг яқинлашганини эшитиб Султоншоҳ қамални бўшатиб Марв томон кетади.

Иккала ака-ука Хоразмшоҳ ва шахзода ўртасидаги тахт учун бораётган бетиним кураш мамлакат ва фуқаро учун ниҳоятда оғир ва хатарли эди. Хоразмнинг ва Хуросоннинг кўзга кўринган амалдорлари ва уламолари буни яхши англаб, ака-укаларни яраштириш йўлини излай бошлайдилар. Узоқ музокаралардан сўнг ака-укалар ярашишга рози бўладилар. 1188 йил баҳорида кўзга кўринган кишилар воситачилигида яраш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу даврга келиб Хоразмшоҳ Текашнинг обрў-эътибори, куч-қудрати шу қадар ошган эдики, натижада Султоншоҳ унинг барча талабларини сўзсиз қабул қилди. Яраш битимига мувофиқ Хоразмшоҳ томонидан Султоншоҳга Жом, Бохарз, Зирпул вилоятлари тухфа этилди. Эвазига Султоншоҳ Хоразмшоҳнинг қамокда сақланаётган учта амалдорини озод қилди.

Ниҳоят, Хоразм давлати қўқдаги куёш каби қалқиб чиқиб, ўзини оламга кўрсатди. Унинг куч-қудраги ўсди, худуди кенгайди. Хуросон ерида Хоразмшоҳлар давлатининг ҳокимияти қарор топди. Хоразм ва хоразмликлар учун ёқимли бўлган бу ўзгаришлар тезда ҳаётда ўз аксини топди. 1189 йил 4 июлда Хуросондаги Родикон шаҳрида Хоразмшоҳнинг султонлик тахтига ўтириш маросими бўлди. Хоразмшоҳ Текаш ўзини ҳокимиятга тўла эга бўлган ҳукмдор деб эълон қилди. Кўп кунлик байрам тантаналаридан сўнг 1189 йил кузида Хоразмшоҳ Текаш Гурганжга қайтади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> З.М.Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 42-бет.



Буюк ўзбек классик шоири ҳазрати Алишер Навоий, заҳар солмоқ эмиш касби илоннинг, деб ёзганларидек, Хоразмшоҳ Текаш ўз укаси Султоншоҳга нисбатан на қадар олижаноблик кўрсатган бўлса-да, худбин, ўжар Султоншоҳ акасининг бу олижаноблигининг кадрига етмайди. У ўзининг ёвуз ниятидан қайтмади. У Хоразмшоҳ Текашга қарши курашда ўзига иттифокчилар ахтарди. Тез орада уларни топади ҳам. Тогли тожикларнинг ҳукмдори Султон Ғиёсиддин Ғурий Хоразмшоҳлар давлати кучайиб бораётганидан қаттиқ хавотирда эди. Чунки, Хоразмшоҳ Текаш унинг ерларини ҳам Хоразмга қўшиб олиши эҳтимолидан ҳоли эмас эди. Султоншоҳга самимий ҳурмати бўлмаса-да, ака-ука ўртасидаги тахт учун кураш Хоразмшоҳлар давлатини томондан кучсизлантирса, иккинчи томондан, Хоразмшоҳ Текашни ўз укасига қарши кураши уни банд қилиб қўйиши, эътиборини Ғурийлардан четга тортишини тушунганди. Ҳийлакор сиёсатчи Ғиёсиддин Ғурий Султоншоҳга катта эҳтиром кўрсатди.

Бироқ калтафаҳм Султоншоҳ буни нотўғри тушуниб, яъни уни ўзидан кўрқиш аломати деб, Султон Ғиёсиддин Ғурийдан қатор шаҳарларни: Хирот, Бушанж, Бодғис ва уларнинг атрофларини ўзига беришни талаб қилади. Албатта, бу бажариб бўлмайдиган талаб эди. Шундан сўнг ўз кучига ҳаддан ташқари ишонган Султоншоҳ ғурийлар устига ҳарбий юриш бошлайди. Марв яқинида 1190 йилда бўлиб ўтган жангда Султоншоҳ кўшинлари яқсон қилинди. Қўшинсиз қолган Султоншоҳ қорахитойлар ҳузурига жўнашга тайёрланади. Улардан ҳарбий мадад олиб Хоразмга юриш қилмоқ нияти унинг эсидан чиққанича йўқ эди. Бироқ Хоразмшоҳ Текаш Султоншоҳнинг қорахитойларга ўтадиган барча йўлларини қаттиқ назоратда тутди. Қорахитойлар ҳузурига ўта олмагач, Султоншоҳ яна бош эгиб ғурийлар султони Ғиёсиддин Ғурий олдига боради. Султон Ғиёсиддин уни яна зўр эҳтиром билан кутиб олади. Бундан хабар топган Хоразмшоҳ Текаш Султон Ғиёсиддинга элчилар билан нома жўнатиб, унда Султоншоҳнинг мамлакатга етказган моддий-иқтисодий зарарлари, унинг айби билан олиб борилган ўзаро урушлар, тўкилган беҳуда қонлар ҳақида гапириб, уни ғурийлар мамлакатидан ҳайдаб юборишни талаб қилади.

Ака-укаларнинг тахт учун ўзаро курашидан манфаатдор бўлган Гиёсиддин Ғурий Хоразмшоҳнинг бу талабини рад этади. Аксинча, Султоншоҳга яна қўшин бериб, уни Хоразм устига жўнатади. Хоразмшоҳ Текаш ўз қўшини билан Хоразм тупроғида душманга пешвоз чиқади. Бироқ, Султоншоҳ Хоразм қўшинига қарши ҳужум қилишга юраги бетламай, орқага қайтади. Хоразмшоҳ Текаш ҳам Гурганжга қайтиб, ўз қўшинини бўлғуси жангларга тайёрлаш билан машғул бўлади. Хоразмшоҳ Текаш 1192 йил ҳарбий юришга чиқиб, Эрон Ироқидаги Рай шаҳри остоналарига етиб борди. Хоразмшоҳ ҳарбий юришга чиққанидан фойдаланган Султоншоҳ Ғурийлардан қўшин олиб, Хоразмга юриш қилади ва пойтахт Гурганжни қамал қилади. Буни эшитган Хоразмшоҳ тезда орқага қайтади. Султоншоҳ қамални бўшатиб, чекинишга мажбур бўлади.

Ношуд шахзода Султоншоҳ ўз акаси Текаш билан тахт таллашиб, Хоразм давлатига ва унинг фуқаросига етказган зиёти чексиз эди. Шунинг учун ҳам Хоразмшоҳ Текаш бунга қатъий чек қўйишга қарор беради. 1193 йил март ойида Султоншоҳга қарши ҳарбий юришга чиқади. Султоншоҳнинг қўлига аъёнлари Хоразмшоҳ томонига ўтадилар. Серахс қалъаси Хоразмшоҳ томонига ўтиши натижасида Султоншоҳнинг барча хазина бойликлари Хоразмшоҳ қўлига ўтади. Ўз аъёнларидан, қўшинидан, хазинасидан жудо бўлган Султоншоҳ 1193 йил 19 сентябрда вафот этди. Султоншоҳ вафотидан сўнг Хуросоннинг Талакон-Марвируд-Ҳирот йўналишигача бўлган ерлари Хоразм давлати қўл остига ўтди. Тахт учун йигирма йиллик ўзаро кураш мамлакатга анча моддий зарар етказган бўлса-да, унинг куч-қудрати ошиб боришини, худудининг кенгайиши жараёнини тўхтата олмади. Хоразмнинг энг истеъдодли ҳукмдори сифатида Текаш Олд ва Марказий Осиёда қудратли феодал давлатини барпо қилди. Хоразмшоҳлар давлатининг обрў-эътибори ўсиб борди, Шарқдаги мураккаб сиёсий шароитда маъмурий ашаратни ва армияни аниқ ташкил этиш асосидагина давлатни мустаҳкамлаш мумкин бўлди. Тез орада Марказий ва Олд Осиёдаги энг қудратли давлатга айланди.

Султоншоҳ билан узоқ йиллар ўзаро кураш шароитида Текаш қўшни мамлакатлардаги ва мамлакат ичкарисидаги сиёсий

вазиятни хушёрлик билан кузатиб борди. Ўтмишдаги Хоразмшоҳлардан фарқли ўлароқ Текаш қорахитойлар билан муносабатларни узди, бу билан Хоразмнинг уларга қарамлигига чек қўйди. Қорахитойлар бунга жавобан Хоразмшоҳлар давлатига очикдан-очик ҳужум қилишга юраклари бетламаса-да, бироқ Шарқдаги қипчоқ қабилаларини Хоразм ерига юриш қилишларига ундаб турдилар. Доимий ҳарбий юришлар учун Хоразмга кўп сонли кўшин лозим эди. Ўз умрини чўлда от ўйнатиб ўтказадиган қипчоқ йигитлари қудратли Хоразм кўшини учун жуда мос навкар эдилар. Шунинг учун ҳам Хоразмшоҳлар ўз кўшинларини қипчоқлар ҳисобига тўлдириб бордилар. Худди шу мақсад қипчоқлар билан мустаҳкам иттифоқ тузиш истаги Хоразмшоҳ Текашни қипчоқ хонининг қизи Жонкиши Туркон хотунга уйланишга олиб келади. Туркон хотун Баёт уруғидан бўлиб, Текашга турмушга чиққач, Хоразмга турк қабилаларидан удакийлар, қарлуқлар, уғронлар ва халажларни ҳам олиб келди. Улар орасидан Хоразмшоҳнинг Мовароуннаҳр ва Ўрта Шарқда олиб борган урушларида зарбдор куч бўлиб етишган ҳарбий феодал амалдорларнинг юқори қатлами етишиб чиқди.

Хоразмшоҳ Текаш ҳукмронлиги даврида Хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий феодал ташкилоти юзага келди. Яхши ўргатилган, замонавий қуроғлар билан қуроғланган, асосан туркий халқлардан ташкил топган катта ёлланма армия яратилган бўлиб, у қабилавийлик тамойиллари асосида тузилган эди. Хоразмшоҳлар кўшини сон жиҳатидан 150 минг отлик жангчидан зиёд бўлиб, бундан ташқари яна зарур бўлиб қолганда тўпланадиган 200 мингга яқин жангчи бор эди<sup>1</sup>. Бундан ташқари Хоразмшоҳлар мамлуклардан иборат бўлган 10 минг кишилик ўз шахсий гвардияларига эга бўлганлар. Хоразмшоҳлар пойтахтида фуқаролар ҳарбий ишга ҳурмат билан қараганлар. Ўз фарзандларига чавандозлик, мерганликни ёшлигидан ўргатиб борганлар. Шунинг учун ҳам фуқаролар орасида ҳарбий ишга лаёқатлилар кўп бўлган.

Зарур бўлиб қолганда Хоразмшоҳ Гурганжда бир кечада 30 минг чавандоз тўплаши мумкин эди.<sup>2</sup> Хоразмшоҳ кўшини ҳар

<sup>1</sup> Г. А. Хидоятлов. Моя родная история. Ташкент, "Ўқитувчи", 1990 й, 126-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда, 126-бет

бири ўн минг кишидан иборат бўлган кўшилмаларга бўлинган, уларнинг бошида турувчи кишиларга Малик унвони берилар эди. Хоразмшоҳ Текаш ўз ҳокимиятини мустақкамлаб бориб, давлати худудини Хуросон ерлари ҳисобига кенгайтириш билан бирга, уни қорахитойлар ерлари ҳисобига ҳам кенгайтирмоқчи бўлди. У динсизларга (номусулмон қорахитойларга) қарши курашни ўзининг энг муқаддас вазифаси деб ҳисоблади. Бу ишда у биргаликда ҳаракат қилиш учун кўшни давлат ҳукмдори Ғурийлар султони Ғиёсиддин Ғурийга нома билан мурожаат қилади. Худди шундай мазмундаги нома билан Ироқ ва Озарбайжон отабеги Жаҳон Паҳлавонга ҳам мурожаат қилади. Бироқ Хоразмшоҳлар давлатининг кучайиб кетишидан хавфсираган ғурийлар ҳукмдори ва Ироқ Озарбайжони отабеги Текашга ёрдам беришга шошилмайдилар.

Туркий қабилалардан иборат бўлган кўп сонли қипчоқлар ўз йўлбошчилари Алп Қора бошчилигида Текаш билан ҳамкорлик қилиш учун етиб келадилар. 1180 йилдан бошлаб Хоразмшоҳлар кўшини қорахитойлар пойтахти Болосоғунгача ва ҳатто қорахитойлар мамлакатининг ичкарасигача бостириб кира бошладилар. 1182 йил кузида Хоразмшоҳ Текаш Мовароуннаҳрга ҳарбий юриш қилиб, 14 октябрда унинг йирик шаҳарларидан Бухорони эгаллайди. Хоразмшоҳ Текаш доно ҳукмдор, серғайрат саркарда бўлиш билан бирга, уста сиёсатчи ҳам эди. Султоншоҳ билан олиб борилган кураш йилларида у кўшнилари билан яхши муносабатларни сақлаб туришга ҳаракат қилди. Хоразмшоҳ Текаш девонхонасининг бошлиғи Баҳоуддин ал-Бағдодий томонидан битилган, Хоразмшоҳ Текашнинг кўшни давлатлар ҳукмдорлари билан ёзишмаларидан иборат бўлган “Ат-тавассули-а-т-тарассул” тўплами Хоразмшоҳ Текаш ниҳоятда эҳтиёткор, уста сиёсатчи бўлганлигидан далолат беради. Афсуски, Текашнинг ўғли Хоразмшоҳ Муҳаммад Алоиддин бундай қобилиятдан маҳрум эди. У эҳтиёткорона ташқи сиёсат юргизиш ўрнига ўзига, ўзининг имкониятларига ҳаддан ташқари катта баҳо бериб, рақибини етарли баҳолай олмади. Бағоят кучли, ёвуз рақиб Чингизхонга нисбатан усталик қилиш ўрнига, кўпол, жоҳил, нодонларча сиёсат юргизди. У билан бўладиган тўқнашувнинг олдини олиш ўрнига уни тезлаштирди. Ҳал

қилувчи пайтда кескин, қатъий ҳаракат қилиш ўрнига кўрқоқлик қилди. Ўз давлати ва халқи манфаатларига хиёнат қилди. Шу қилмиши билан Ўрта Осиё ва Хуросон халқлари ва асосан Хоразм халқи бошига мисли кўрилмаган кулфатлар тушишига асосий сабабчи бўлди. Хоразмшоҳлар тарихини қайта-қайта ўқир эканмиз, тақдир Муҳаммад Аловиддиндек жоҳил, кўрқоқ кишини улуғ Хоразмшоҳлар тахтига раво кўргани, яна унинг шоҳлик йилларини Чингизхондек қатъиятли, ҳийлакор ҳукмдорнинг ҳукмронлик йиллари билан бир вақтга тўғри келтирганининг гувоҳи бўламиз. Хоразмшоҳлар давлатининг, Хоразмнинг шухратини Ўрта ва Олд Осиёгагина эмас, балки бутун дунёга тарқата олиш қобилиятига эга бўлган сўнгги Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангубердидан омад юз ўғиргани, унга шоҳлик 5-10 йил олдин эмас, балки ёвуз Чингизхоннинг қаттиқ зарбалари ва кўрқоқ Муҳаммад Аловиддиннинг нодон сиёсати туфайли Хоразмшоҳлар давлати қақшаган, йиқилган пайтда насиб қилгани ва бу улуғ инсон навқирон ёшида жувонмарг бўлгани ҳам ўша шум тақдир натижаси эканлигини билиб ўксинамиз.

Хоразмшоҳ Текашнинг давлат сиёсати саҳифаларини варақлашда давом этамиз. Хоразмшоҳ Текаш бошқа ҳукмдорлар билан бўлгани каби, Озарбайжон отабеклари-ҳукмдорлари билан ҳам яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилди. Бундай яхши муносабат Хоразмшоҳ Текаш билан Озарбайжон отабеги Қизил Арслон (отабек Жаҳон Паҳлавоннинг вориси) ҳукмронлиги даврида ҳам давом этди. Бироқ, Қизил Арслон ўлдирилгач, Озарбайжонда отабеклар давлати ички курашлар алангасида қолиб, мамлакат отабек Жаҳон Паҳлавоннинг ўғиллари ўртасида тўртта алоҳида - алоҳида мулкка бўлиниб кетади. Хамадон ва Эрон Ироқининг кўшни вилоятлари отабек Жаҳон Паҳлавоннинг кизи Инончхотуннинг ўғиллари Қутлуқ Инонч ва Амир Маҳмуд томонидан эгалланди. Шундай қилиб, Озарбайжондаги отабеклар давлати парчаланиб кетган, у ерда ҳокимият учун ўзаро ички курашлар бошланиши шубҳасиз эди. Шундай шароитда, 1192 йил май ойида илгари Қизил Арслон томонидан ҳибсага олинган ва зиқдонга ташланган сўнгги салжуқий Султон Тўғрул III зиқдондан халос бўлади, У тезда ўз тарафдорларини тўплаб, 1192 йил 28 июнида Қазвин ёнида Қутлуқ Инонч кўшинларини то-мор

келтиради. Ушбу ғалабасидан сўнг Тўғрул III тантанали суратда Хамадонга киради ва тахтни эгаллайди. Қутлуғ Инонч қолган озгина қўшинина олиб Рай шахрига, онаси Инонч хотун олдига қочади ва у ерда яширинади. Дадил ҳаракатлари билан Хуросонда ҳам катта обрўга эга бўлган Хоразмшоҳ Текашгина бу сўнги салжуқий султоннинг жазосини бера олиши мумкин эди. Худди шу мақсадда Қутлуғ Инонч Тўғрул III га қарши курашида кўмак сўраб, Хоразмшоҳ Текашга мурожаат қилади.

Хоразмшоҳ Текаш Ироқдаги бу мужмал шароитдан ўз давлати учун фойдаланиш мақсадида Ироқдаги воқеаларга аралашинишга қарор беради ва 1193 йил январда Тўғрул III га қарши курашини учун Ироққа қўшин юборади. Хоразм қўшинлари Рай ва Табран қалъаларини эгаллаб, у ерда ўзларини хўжайиндек тутадилар. Бундан кўрқиб кетган Қутлуғ Инонч ва унинг онаси Саржаҳон қалъасига яширинадилар. Тўғрул III юзага келган бундай қулай вазиятдан усталик билан фойдаланади. Хоразмшоҳ олдига катта совға-саломлар билан элчи жўнатади. Ўзининг Хоразмшоҳга тобе (вассал)лигини баён этиб, Хоразмшоҳ Текаш номидан тангалар зарб этиш ва унинг номига хутба ўқитишга ҳамда бож тўлаб туришга ваъда беради. Тўғрул III ўз қизини Хоразмшоҳнинг ўғлига турмушга бериб, қариндошлик ипини бошлайди. Шу асосда Тўғрул III билан Хоразмшоҳ ўртасида битим тузилади. Бу битимга мувофиқ Рай шахри Хоразм давлати таркибида қолади.

Шундай бир шароитда Хоразмшоҳнинг укаси Султоншоҳ ўз қўшинини билан Хоразмга ҳужум қилганлиги тўғрисидаги хабар етиб келади ва Текаш Рай ва Табранда амир Томғоч бошчилигида қўшин қолдириб юртига жўнаб кетади. Хоразмшоҳнинг йўқлигидан фойдаланган Султон Тўғрул III биринчи бўлиб битимни бузади. 1193 йил март-апрель ойларида ўз қўшини билан Рай шахри томон юради. Хоразм қўшинига ҳужум қилиб, уни яқсон этади. Ўлдирилган амир Томғочнинг бошини кесдириб Хоразмга жўнатади. Қутлуғ Инонч Занжон қалъасига қочиб яширинади ва ўша ердан туриб ёрдам сўраб Хоразмшоҳ Текашга мурожаат қилади. Султон Тўғрул III нинг хиёнаткорона мудхисини Хоразмшоҳни ниҳоятда ғазаблантиради. У ҳийлакор ва хиёнаткор Султон Тўғрул III га қарши юришга тайёрланади. Шу

вақт Хоразмшоҳ олдиға Бағдоддан элчилари ўзлари билан халифа ан-Носир (1180-1225)нинг номасини олиб келадилар. Халифа ўз номасида салжуқий Султон Тўғрул III нинг халифалик ерларига курулли хужумлар уюштираётганлигини, бу билан халифаликка таҳдид солаётганлигини ёзиб, шикоят қилади ва Хоразмшоҳдан бу маккор султоннинг шаккоклиги учун қаттиқ жазолашни сўрайди. Нома билан биргаликда халифа Хоразмшоҳга иқта<sup>1</sup> сифатида Тўғрул III қўл остидаги барча худудлар берилиши тўғрисидаги фармонни жўнатади.

Гарчи, Хоразмшоҳ Текашнинг ўзи ҳам халифалар фаолиятдан норози бўлса-да, шунингдек, кўнглида ниҳоятда катта бойликка, қулай жуғрофий ўринга эга бўлган Бағдодни эгаллаб, Хоразм давлатига қўшиб олиш истаги жўш урса-да, уста сиёсатчилиги боис вазиятни тўғри баҳолаб, ҳозирги шароитда Султон Тўғрул III устига юриш қилиб, уни тор-мор этиш, унинг мулкани ўз давлатига қўшиб олиш, яъни бир ўқ билан икки кўшни уриш - бир томондан, ўз давлатининг худудини кенгайтириш, иккинчи томондан, халифа билан алоқаларни яхшилаш ва мустақамлаш тўғри йўл бўлишини тушунди.

Хоразмшоҳнинг Султон Тўғрул IIIга қарши иккинчи юриши, академик З. М. Буниёдовнинг кўрсатишича, 1193 йилда<sup>2</sup> бошланди. Семнача қалъаси ёнида Хоразмшоҳ кўшинларига Қутлуг Инонч ўз кўшинлари билан қўшилди. Озарбайжон отабеги Қутлуг Инонч Хоразмшоҳ Текаш олдида ер ўпиб, бошига тушган кулфатларни сўзлаб берди. Хоразмшоҳ катта илтифот кўрсатиб, унга ва унинг ҳамроҳларига қимматбаҳо саруполар инъом қилади.

Хоразмшоҳнинг ҳарбий юришини эшитиб, Султон Тўғрул III шошилинич равишда ўз кўшини билан Рай томон юради. Хоразмшоҳ кўшини билан бўладиган жанг олдидан Султон Тўғрул III Хоразмшоҳнинг катта хожиби Шаҳобиддин Масъуддан нома олади. Шаҳобиддин Масъуд ўз номасида Султон Тўғрул III ни Хоразмшоҳ билан бўладиган урушдан қайтаришга, уни Хоразмшоҳга сулҳ сўраб мурожаат қилишга кўндиришга уринади. Нома билан танишгач, Султон Тўғрул III ўз

<sup>1</sup> Икта- инъом

<sup>2</sup> З.М.Буниатов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 52-бет.

аёнлари билан бу хусусда кенгаш ўтказди. Кенгашда кўп амирлар катта хожибнинг маслаҳатларини маъқуллайдилар. Бироқ, Султон Тўғрул III ўжарлик қилиб, уларнинг маслаҳатларига кулоқ солмайди. Бунинг устига, ўзининг асосий кучлари етиб келишини кутмасдан, 1194 йил 4 мартда Рай яқинида хоразмликларнинг олдинги қисмларига ҳужум қилади. Бу жангда Тўғрул III кўшинлари тор-мор келтирилади, Унинг ўзи ўлдирилади. Тўғрул III нинг бошини кесган Қутлуғ Инонч уни Хоразмшоҳ олдига келтирганда, Текаш бундан норози бўлади. Уни ўлдирмасдан тирик ҳолда келтириш лозим эканлигини айтади.

Бу воқеа буюк Хоразмшоҳ Текаш ақлли, доно сиёсатчи, сергайрат, ботир саркарда бўлиш билан бирга, кенг юракли, сахий қалбли инсон эканлигидан ҳам далолат беради. Сўнгги салжуқий Султон Тўғрул III нинг ўлдирилиши билан бир вақтлар Шарқда энг қудратли давлат бўлган, бошқа халқларга даҳшат солган салжуқийлар давлати бутунлай тугайди.

Хоразмшоҳ Султон Тўғрул III нинг бошини Бағдодга, халифа ан-Носирга юборади. Унинг боши Бағдоддаги Нубий дарвозасида бир неча кун мобайнида намоишкорона илиб қўйилади. Тўғрул III ни тор-мор қилгач, Хоразмшоҳ Текаш Ҳамадонни ва Эрон Ироқининг кўпгина қисмини эгаллаб, у ерларни ўз амирлари ўртасида тақсимлайди. Исфохонни - Қутлуғ Инончга, Ҳамадонни - амир Қорақўзга, Райни ўз ўғли Юнусга тақдим этади.

Хоразмшоҳ Эрон Ироқининг барча бойликларини қўлга киритади. Бу ердаги давлат амалдорларининг барчасини алмаштиради. Ироқлик амирларни ҳар қандай ҳарбий ҳаракатларини тўхтатишга мажбур этади. Собик амалдорлардан иқталарини тортиб олади. Бир неча кунлик тантаналардан сўнг Хоразмшоҳ ўз юрти Хоразмга қайтиб кетади. Халифа ан-Носир Султон Тўғрул III тор-мор келтирилгандан сўнг, унинг қўл остидаги ерларнинг бир қисми Бағдод халифалигига ҳам тегади, деб умид қилган эди. Чунки, оз бўлса-да, Тўғрул IIIга қарши ҳаракатларда унинг вазири ибн ал-Кассаба кўмондонлигидаги кўшинлари ҳам иштирок этган эди. Бироқ, оқибат у кутганидск бўлмади. Халифаликка ҳеч нарса тегмади. Бундан норози бўлган халифа ҳийла йўлига ўтиб, Хоразмшоҳ Текашга зарба бермоқчи



бўлади. У Тўғрул III қўл остида бўлган ерлар Хоразмшоҳ қўл остига ўтиши тўғрисида фармон тайёрлаб, қимматбаҳо кийимлар ва жуда кўп миқдорда совгалари билан вазир ибн ал-Қассабани курдлар ва араб бадавийларидан иборат бўлган 10 минг кишилик қўшин билан Ироқдан юртига жўнаб кетаётган Хоразмшоҳ олдига юборади.

Асадобод тоғидан ўтиш жойида (довонда) вазир ал-Қассаба Хоразмшоҳга етиб олади ва унга халифа ан-Носирнинг фармони ва совға-саломларини топширажагини, бунинг учун Хоразмшоҳ орқасига қайтиб, озгина соқчилар билан пиёда ҳолда халифа вакилига пешвоз чиқиши лозимлигини айтади. Зийрак Хоразмшоҳ бу хийлани дарҳол англаб етади ва халифа қўшинлари лагерига хужум қилишга буйруқ беради. Хоразм қўшинлари халифанинг қўшинини яқсон қилади. Вазир аранг қочиб қутулади. Бу тўқнашувдан сўнг халифа билан Хоразмшоҳлар ўртасидаги муносабат ёмонлашади. Улар ўртасидаги душманлик мўғуллар хужуми натижасида Хоразмшоҳлар давлати емирилгунгача давом этади.<sup>1</sup>

Академик Бартольд қадимий хужжатлар асосида халифа билан Хоразмшоҳ Текаш ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви сабабларини ўзининг “Қорахитойлар ва Хоразмшоҳлар” номли асарида қуйидагича тасвирлайди: Хоразмшоҳ Тўғрул III устидан қозонган ғалабадан сўнг халифа-ан-Носир Хоразмшоҳлар ҳам салжуқий султонлари каби улар учун энг хавfli душман бўлиб қолажагини тушуниди. Хоразмшоҳга халифанинг эътироз ва даъволари унинг вазири томонидан кўпол равишда баён этилди, яъни Хоразмшоҳ ўзининг юксак даражаси учун улуг девондан- халифадан миннатдор бўлиши лозимлиги уқдирилди. Халифаликнинг вазири билан учрашганда у (Хоразмшоҳ) биринчи бўлиб отдан тушиши лозимлиги кўрсатилди<sup>2</sup>. Араб тарихчиси ибн Асирнинг ёзишича, вазир Хоразмшоҳ Текашдан халифа юборган қимматбаҳо кийимларни қабул қилиб олиш учун вазир чодирига ёлғиз келишни талаб этади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Э. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 55-бет.

<sup>2</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч., т. I., 411-бет

<sup>3</sup> Уйна жойида

Албатта, халифанинг ва унинг вазирининг бундай кўпол муносабати юксак ғурурли Хоразмшоҳ Текашнинг газабиши қайнатиши турган гап эди. Шундай ҳам бўлди. Халифа ан-Носир Эрон Ироқи ерлари Хоразм давлатига ўтиб кетиши билан ҳеч келиша олмас эди. Шунинг учун ҳам очиқ курашда Хоразмшоҳга тенг кела олмаслигини тушуниб, унга зимдан зарба бериш йўлига ўтади.

Хоразмшоҳ Текаш Эрон Ироқидаги ўзи эгаллаган ҳудудларни учга бўлиб, ўз яқинларига тақдим этган эди. Хоразмшоҳ Хоразмга етиб келгунча, худди ана ўша ҳудудда ички низолар бошланиб кетди. Исфохон ҳокими Қутлуғ Инонч Хоразмшоҳга хиёнат қилиб, халифа билан тил бириктиради ҳамда Текашнинг ўғли Юнусхон ва отабек Мойочик билан тузилган иттифоққа хилоф равишда уларга қарши уруш бошлайди. Занжон ёнидаги жангда Қутлуғ Инонч кўшинлари тор-мор келтирилади. У қолган-қутган кўшинлари билан Хулвон тоғ довоида халифанинг вазир ибн ал-Қассаба ҳузурига келиб яширинади. Вазир Қутлуғ Инончни яхши кутиб олади, қимматбаҳо кийимлар совға қилади ва унинг ихтиёрига ўзининг отлиқ кўшинини беради. Қутлуғ Инонч ва вазир ал-Қассаба кўмондонлигидаги ҳарбий кучлар Қирмоншоҳон орқали Ҳамадон томон юради. 1195 йил сентябрда бўлиб ўтган қисқа жангдан сўнг Юнусхон ва Мойочик кўшинлари Ҳамадонни ташлаб кетишга мажбур бўладилар. Ҳамадон ва унинг атрофини эгалдагач, Қутлуғ Инонч ва вазир кўшинлари Рай шаҳрига етиб боради. У ерда ҳам Хоразм кўшинлари мағлубиятга учраб, Вистом ва Журжон томон чекинади. Тез орада Эрон Ироқи Хоразм кўшинларидан бутунлай тозаланади.

Бироқ, Қутлуғ Инонч билан халифалик ўртасидаги иттифоқ мустаҳкам эмас эди. Қутлуғ Инонч тез орада вазир ал-Қассабанинг ҳаракатлари Қутлуғ Инончни қувватлаш учун эмас, балки Ироқ халқини талаш, у ерда халифалик таъсирини кучайтириш учун эканлигини билиб олди. Ироқ амирлари ҳам худди шундай ҳулосага келадилар. Қутлуғ Инонч шу муносабат билан ўз норозилини вазирга баён қилганда, вазир унга жаҳл билан ташланади ва уни қувиб бориб, Қоража шаҳрида бутунлай тор-мор келтиради. Шундай сўнг вазир Ҳамадонга қайтади. Бир

неча вақтдан сўнг унинг олдига Хоразмшоҳ Текашнинг элчилари келади. Элчилар вазирнинг Эрон Ироқидаги ҳаракатларидан Хоразмшоҳнинг ниҳоятда норози эканлигини билдирадилар ва унга Хоразмшоҳнинг халифалик кўшинларини Ироқдан зудлик билан олиб чиқиб кетиши тўғрисидаги талабини топширадилар. Вазир бу талабларини бажаришдан бош тортади. Бундан ғазабланган Хоразмшоҳ Ҳамадонга кўшин юборади. Хоразмшоҳга вазир билан учрашиш насиб этмади. Вазир ал-Қассаба 1196 йил июлда вафот этди. Хоразм кўшинлари халифалик кўшинларини тор-мор келтириб Ҳамадонни эгаллайдилар. Хоразмшоҳнинг фармониға мувофиқ вазир ибн ал-Қассабанинг мурдаси қабрдан олиниб, ёқиб юборилди.<sup>1</sup> Албатта бу иш ўта жоҳиллик бўлганди. Ўз ҳукмдорига хиёнат қилган Қутлуг Инончни ҳам аянчли тақдир кутмоқда эди. Амир Мойочик ва бошқа амирлар Қутлуг Инонч олдиға чопар юбориб, уни тинч музокаралар олиб боришға чақирадилар. Музокаралар олиб бориш учун қароргоҳға келган Қутлуг Инонч ўлдирилади. Бироқ халифалик билан Хоразм ўртасида кураш хали давом этмоқда эди. 1196 йилда Хоразмшоҳлар кўшини билан халифалик кўшини ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Бу жангда халифалик кўшинлари қаттиқ мағлубиятға учради. Бу ғалаба натижасида Хоразмшоҳ Ҳамадон, Рай ва Исфахон устидан яна ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Ҳарбий куч билан Хоразмшоҳдан устун келаолмаслиғиға кўзи етган халифа ан-Носир яна ҳийла йўлиға ўтади. Хоразмшоҳ Ҳамадонда пайтида унинг олдиға жуда катта қимматбаҳо совғалар ва мунофиқона хушомадгўй сўзлардан иборат нома билан элчи жўнатади. У элчилар орқали Хоразмшоҳға бутун мусулмонларнинг халифаси - амири сифатида унинг куч-қудрати бекиёс эканини ва агар у барча муслимларға мурожаат қилса, уларни оёққа кўтарса, ҳар қанақа душманни ҳам тор-мор қила олажагини билдиради.

Бироқ, уста сиёсатчи Хоразмшоҳ Текаш халифанинг навбатдаги ҳийласини ҳам англаб ета олди. Элчиға жавоб қайтариб, Хоразмшоҳлар кўшини катта куч эканини, унга қарши

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 57-бет.

тура оладигаи куч ҳозирча йўқ эканлигини, бундай кўп сонли (170 000 кишилиқ) кўшинни таъминлаш учун Хоразмга янги ерлар зарурлигини айтади ва халифадан Хоразмга Хузистонни беришни сўрайди.<sup>1</sup> Шунингдек, Хоразмшоҳ кун ўтмай ўз элчиларини Бағдодга жўнатиб, улар орқали халифа ан-Носирдан Бағдодда хутба Хоразмшоҳ номига ўқитилишини талаб этади.

Халифа ан-Носир Хоразмшоҳнинг бу талабини жавобсиз қолдириб, унга қарши курашнинг янги режаларини туза бошлайди. Хоразмшоҳнинг яқин амирларини кўлга олиш, уларни ўз ҳукмдорига қарши кўйиш ва уларнинг кўли билан ўз рақибига зарба бериш усули халифага ёқиб қолди. Хоразмшоҳ Эрон Ироқини ўзига қаратиб, у ерда халифа кўшинларини ҳайдаб чиқариб, хиёнаткор Қутлуғ Инончни жазолагач, у ерга ўзининг вақтинчалиқ ноиби этиб амир Мойочикни тайинлаган эди. Амир Мойочик ниҳоятда золим, очкўз, шуҳратпараст киши бўлиб, Эрон Ироқида очкўзлиги билан ёмон ном чиқарган, Хоразмшоҳ эса бундан беҳабар эди.

Халифа ан-Носир эса ўз режасини амалга оширишда амир Мойочикнинг айни шуҳратпарастлигидан фойдаланмоқчи бўлади. Унга нома йўллаб, уни “иккинчи Рустами достон”, деб мадҳ қилади. Уни халифалиқнинг ноиби, халифалиқ чегараларини муҳофаза этувчи деб атади. Бу мақтовларга ишонган амир Мойочик, ҳатто, ўз кўшини билан Ҳамадон томон юради. Шаҳар ҳимоячилари унинг ташвиқотларига учиб шаҳарни топширмоқчи бўладилар ҳам. Ўша пайтда Хоразмшоҳдан чопар келиб, амир Шамсиддин Мойочик Эрон Ироқидаги барча ерларга ноиб этиб тайинлангани тўғрисида фармони олийни топширади.

Хоразмшоҳдан бундай олий мансабни олгач, амир Шамсиддин Мойочик ўз кўл остидаги ҳудудда босқинчилик ва талончиликни авж олдиради. Фуқароларнинг беғуноҳ қони тўкилади. Халқ ўртасида хоразмликлардан норозилик кескин кучаяди. Амир Шамсиддин Мойочикнинг навкарлари талончилик ва зўравонликда ўз хўжасидан қолишмайдилар. Ниҳоят, хоразмликларнинг Ироқдаги бебошликлари Хоразмшоҳга етиб боради. Ўз фуқароларига нисбатан адолатли бўлишга ҳаракат

<sup>1</sup> Ўша жойда, 58-бет

қилган Хоразмшоҳ Текаш амир Мойочиқ ва унинг навкарларининг Ироқдаги бебошлигидан ғоят газабланади. Уларни жазолаш учун кўшин юборади. Амир Шамсиддин Мойочиқ кўлга олиниб, қилган жиноятлари учун қатл этилади.

Хоразмшоҳ Текашга қарши курашда амир Мойочиқдан фойдаланиш режаси фойда бермагач, халифа ан-Носир ўзига янги иттифоқчи ахтара бошлайди. Ғурийлар амири Ғиёсиддин ал-Ғурийга нома жўнатиб, унга Хоразмшоҳнинг Эрон Ироқини ўзига бўйсундириш ҳаракатига қарши биргаликда кураш олиб боришни таклиф этади. Ғиёсиддин Ғурий Хуросонда ва Ироқда Хоразмшоҳлар давлатининг обрўси анча ортаётганлигидан хавотирда бўлса-да, бироқ Хоразмшоҳларнинг у ердаги сиёсатига очиқдан-очиқ қарши чиқишга юраги бетламаган эди. Халифа ан-Носир иттифоқ бўлишни таклиф этгандаи кейин, у қатъий ҳаракат қилишга қарор берди ва Хоразмшоҳ Текашга нома жўнатиб, агар Хоразмшоҳ Ироқнинг ички ишларига аралашившини тўхтатмаса, у (Ғиёсиддин Ғурий) зудлик билан Хоразм устига кўшин тортишини айтиб пўписа қилди.

Халифалик ва ғурийлар иттифоқи томонидан солинаётган бундай катта хавфни сеза олган Хоразмшоҳ ўзининг эски иттифоқчилари қорахитойларга ёрдам сўраб мурожаат қилади. 1198 йил апрелда кўп сонли қорахитойлар кўшини Хуросонга бостириб киради. Бироқ Ғиёсиддин Ғурий кўшинлари билан ҳал қилувчи жангда енгилиб, 10 мингдан ортиқ жангчидан маҳрум бўлади. Хоразмшоҳ Текаш билан Ғиёсиддин Ғурий ўртасидаги кейинги элчи алмашувлари улар ўртасидаги кескинликни баргараф этишга олиб келади. Бу даврда Хоразмшоҳ билан Халифа ўртасидаги муносабатлар ҳам мўътадиллашади. Хоразмшоҳ Халифани бутун ислом дунёсининг амири деб тан олган бўлса, Халифа ан-Носир Хоразмшоҳни Туркистон, Хуросон ва Эрон Ироқининг ягона ҳукмдори деб тан олади ва тасдиқлайди. Хоразмшоҳ Текашга, унинг ўғли Қутбиддан Муҳаммадга қимматбаҳо либослар ва совға-саломлар юборади.<sup>1</sup>

1195 йил ноябрда Бағдодга Хоразмшоҳнинг жияни амир Сайфиддин бошчилигида Хоразм элчилари боради. Улар халифага

<sup>1</sup> З.М.Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 60-бет.

Хоразмшоҳнинг кимматбаҳо совғалари ва дўстона мактубини топширадилар. Халифа ан-Носир хоразмлик элчилар таширифидан мамнун бўлади. Ҳар иккала давлат ўртасидаги муносабатлар анча яхшиланади. Бу вақтда Кирмондаги сўнгги воқеалар Хоразмнинг эътиборини ўзига тортди. 1195 йили у мамлакат ҳукмдори Динор вафотидан сўнг ҳокимият унинг ўғли Фаррухшоҳ кўлига ўтади. Фаррухшоҳ даврида мамлалакат тинчлиги бузилди. Ички низолар кучайди. Фуқаролар орасида норозилик кескин кучайди. Бурдешир қалъасининг аҳолиси марказ вакилларини қалъадан ҳайдаб юборадилар. Қалъада хутбани Хоразмшоҳ номига ўқита бошлайдилар ва Хоразмшоҳ Текаш номи билан танга зарб қилишга киришадилар. Қалъа аҳолиси Хоразмшоҳга мактуб йўллаб, ундан ёрдамга кўшин юборишни сўрайди. Худди шундай илтимос билан Кубнат қалъа аҳолиси ҳам мурожаат қилади.

Ўша қалъалар фуқароларининг илтимосига кўра, Хоразмшоҳ амир Нусратдин Умар бошчилигида кўшин юборди. Кирмонга юборилган кўшин Бурдешир қалъасига киради ва у ерда таниқли руҳоний Рукниддин бошчилигида ҳукумат тузилади. Бирок, у ерга Кирмонни босқариш учун юборилган шайх хожи Хусомиддин Умар жоҳил, қобилиятсиз раҳбар бўлиб чиқди. Унинг фуқарони ҳар томонлама сиқини ва чеклаши кагта оммавий норозиликка олиб келди. Натижада Кирмонда ҳокимият Шобонқора уруғи вакиллари кўлига ўтиб кетди. Хоразм давлатининг кўлга киритган макен бой берилди. Ўз ҳаётининг сўнгги йилларини Хоразмшоҳ Текаш исмоилийларга қарши кураш шаронтида ўтказди.

Хоразмшоҳ уларнинг худудларини ҳам ўз давлати таркибига кўшиб олишга қарор беради. Хоразмшоҳ кўшини 1199 йилнинг кузида исмоилийларнинг йirik шаҳарларидан бири Қоҳира (Арслон гушай) ни қамал қилди. Қамал 4 ой давом этди. Исмоилийлар<sup>1</sup> шаҳарни топширишга мажбур бўлдилар. Ундан сўнг Хоразмшоҳ кўшини исмоилийлар пойтахти Аламутни қамал қилади. Бирок, қамални узоқ давом этдирмасдан (сабаби номаълум), Хоразмшоҳ ўғли Тожиддин шоҳни Ироққа ноиб қилиб тайинлаб, 1200 йил 29 мартда Гурганжга қайтиб кетади.<sup>2</sup> Исмоилийлар ўрта асрларда ўзларининг террорчилик кураши

<sup>1</sup> Исмоилийлар- Яқин ва Ўрта Шарқда X-XI асрларда кенг тарқалган секта тарафдорлари.

<sup>2</sup> З.М.Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 60-бет.

усули билан Олд Осиёда машхур эдилар. Бу гал ҳам улар ўзларининг синалган усулларини ишга солдилар. Хоразмшоҳнинг исмоилийларга қарши юришини унинг унинг вазири Низомулмулк Маъсуд ибн Али уюштирган деб тахмин қилиб, уни ўлдиришни ташкил қилдилар. Бундан ниҳоятда газабланган Хоразмшоҳ исмоилийларга қарши ўгли Қутбиддин Муҳаммад бошчилигидаги жазо қўшинини юборади. Қутбиддин Муҳаммад қўшинлари исмоилийлар устига юриш қилиб, уларга зарба бериб, Туршиз қалъасини камал қилади. 4 ойлик камалдан сўнг исмоилийлар сулҳ сўрашга мажбур бўладилар. Улар ўз қилмишлари учун тавба қилиб, Хоразмшоҳга 100 000 динор товон тўлайдилар. Яраш битими тузилгач, Қутбиддин Муҳаммад ўз қўшини билан Хоразмга қайтади. У даврга келиб Хоразмшоҳ ва халифалик ўртасидаги муносабатлар янада ёмонлашади. Халифа ан-Носир қандай бўлмасин, Хоразмшоҳларнинг Ироқда мустаҳкамланишига йўл бермасликка интиларди. Хоразмшоҳ эса халифаликни бир ёкли қилмагунча Олд Осиёда Хоразм давлатининг мавқеини мустаҳкамлаб бўлмаслигини тушуниб етган эди. Бундан ташқари, ҳукмдорларга табиатан хос бўлган ўз таъсир доирасини, ҳукмронлик ҳудудини имкон борича кенгайтириш истаги Хоразмшоҳ Текашда ҳам кучли эди. Хоразмшоҳ эндиликда Араб Ироқини ва Бағдодни босиб олиш ҳамда халифаликни бутунлай тугатиш режасини тузади. Катта ҳарбий тайёргарлик олиб борилгач, Хоразмшоҳ Текаш бошчилигидаги кўп сонли қўшин Хуросонга, у орқали Бағдодга йўл олади. Бироқ бу сафар Хоразмшоҳ Текашга ўз режасини амалга ошириш nasib этмади. Йўлда у қаттиқ бетоб бўлиб қолади ва 1200 йил, 3 июлда вафот этади. Хоразмшоҳ Текаш жасадини Гурганжга олиб келиб, ўзи қурдирган катта мадраса олдига дафн этадилар.

Хоразмнинг қудратли феодал давлатга айланишида Текашнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Текаш ўз даври учун яхши қуролланган, кучли интизомга эга бўлган қудратли армияни барпо этди. Текаш даврида Хоразмда ўзаро мустаҳкам боғланган бошқарув-идора усули вужудга келди. Хоразмшоҳ Текаш қудратли давлат учун савдо-сотикнинг аҳамияти на қадар катта

эканлигини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам у Хоразмшоҳлар давлати худудиди савдо-сотик тараккий этишига ҳомийлик қилди. Хоразм давлатининг Осиё ва Европа мамлакатлари билан алоқалари кенгая борди. Хоразмшоҳлар давлатида шаҳарлар кўпайди, уларнинг аҳолиси ошди. Хунармандчилик, санъат, маданият, архитектура ривожланди. Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Гурганж дунёнинг кўркем шаҳарларининг бирига айланди. Хоразмшоҳ Текаш олиб борган ташқи ва ички сиёсатнинг кучли томонлари билан биргаликда заиф томонлари ҳам бор эдики, улар келгусида қудратли Хоразмшоҳлар давлатининг емирилиши учун замин тайёрлайди.

Хоразмшоҳ Текаш олиб борган сиёсатнинг заиф томони, унинг кипчоқ уругидан бўлган хотини - Туркон хотун ҳимоясидаги кипчоқ ҳарбий аслзодаларига алоҳида ҳомийлиги эди. Туркан хотун давлат ишларини ўз кўлига олишга уринар, бу билан кипчоқларга Хоразмнинг ички ишларига аралашиб имконини яратиб берар эди. Кипчоқларнинг саройда катта имтиёзларга эга бўла бориши асл хоразмлик туркий аъёнларга ёқмасди. Ички кураш, зиддият кучайиб, қудратли Хоразм давлатининг пойдевори нураб боради.

Ўрта аср тарихчиларининг гувоҳлик беришича, Хоразмшоҳ Текаш қудратли саркарда, уста сиёсатчи бўлиш билан бирга, истетьдод эгаси ҳам бўлган. У адабиётга, санъатга қизиққан. Ғазалларни ёддан билган. Замондошлари унинг уд<sup>1</sup> чалишидан катта завқ олганлар. Араб тарихчиси Сибт ибн ал-Жавзий ўз асарида қизиқ бир воқеани келтиради: исмоилийлар Хоразмшоҳ Текашдан ўч олмоқ учун уни ўлдиришга одам юборадилар. Ўша пайтда Хоразмшоҳ Текаш уд чалиб, ўзи яхши кўрган, “Мен сени билдим, жонингни қутқазгин, қоч” деган бир кўшиқни хиргойи қилиб ўтирган бўлади. Бу сўзларни эшитган қотил Хоразмшоҳ менинг кирганимни сезиб қолибди, деб кўрқиб, қочишга уринади. Уни сезиб қоладилар ва соқчилар ушлаб, қотилнинг асл мақсадини билиб оладилар. Душман қатл қилинади.

Хоразмшоҳ Текаш ўта ҳозиржавоб киши эди. Ривоятларга қараганда, кунлардан бир кун фуқароларидан бири унга мактуб

<sup>1</sup> Уд- мусиқа асбоби



йўллаб: “Эй Соҳибқирон! Мен сенинг оғайнингман. Менга ўз жавоҳирларингнинг ярмини бергин”, дебди. Текаш унга ўн динор беришни буюрибди. Ўн динорни олгач, ўша киши яна Текашга мактуб йўллаб, унда: “Мен сенинг оғайнингман. Агар сенинг жавоҳирларингнинг жамиси 20 динор бўлса, билки, мен рози бўлдим”,- деган сўзларни битибди. Ўшақда Текаш унга шундай жавоб қайтарган экан: “Агар менинг бошқа оғайниларим ҳам ўзига тегишли 10 динорларини талаб қилсалар, у ҳолда, сен уни ҳам ола олмай қоласан”.

Хоразмшоҳ Аловуддин Текаш давлатчилигининг асосий яқуни Хоразмшоҳлар давлатининг куч-қудратини янада кучайтирганлигидир. У ҳукмдорлик билан боғлиқ ҳаётининг деярли барини ҳарбий юришларда ўтказди. Порлоқ ғалабаларга эришиб, Хоразм давлатини оламга танитди. У ақлли сиёсатчи сифатида ўз душманларининг заиф томонларини сезиб, улардан усталик билан фойдалана олди. Хушёрлик билан ташқи сиёсат юргизиб, рақибларининг ўзига қарши бирлашишларига йўл қўймади.

Хоразмшоҳ, Аловиддин Текаш адолатли, фуқароларига жонкуяр ҳукмдор бўлган. У ўз давлатини адолат асосида бошқаришга ҳаракат қилган. Ўлими олдидан Хоразмшоҳ Текаш ўз ворисига кучли кўшинга эга бўлган, бирлашган қудратли давлатни мерос қолдираётгани учун ўзини бахтли ҳис қилган эди. Хоразмшоҳ Текашнинг катта ўғли Маликшоҳ Текаш ҳаётлиги даврида, 1197 йил баҳорида вафот этди. Шунинг учун ҳам Хоразмшоҳлар тахти иккинчи ўғил Қутбиддин Муҳаммадга насиб этди.

### 3.9. Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад.

1200 йил, 3 август куни Гурганж аҳолиси ва Хоразм давлатининг улуғ аъёнлари, амирлари иштирокида Хоразмшоҳлар тахтига унинг Туркан хотундан туғилган ўғли Қутбиддин Муҳаммад ўтиради. Қутбиддин Муҳаммад ўзига отасининг лақабини-Аловиддинни қўшиб олади. Кейинчалик ўзини Санжари соғий деб эълон қилади.

Қутбиддин Муҳаммаднинг Хоразмшоҳлар тахтига ўтириши маросимининг сал кечикиб ўтишига сабаб, Қутбиддин Муҳаммад билан Маликшоҳнинг ўғли Ҳицдухон ўртасида тахт учун

талашиш бўлди. Ҳиндухон Текаш ҳукмронлиги даврида Нишопур шахрининг волийси <sup>1</sup> даражасини эгаллаган бўлиб, у ўзбошимчаликлари учун, Хоразмшоҳ фармонига мувофиқ ўз вазифасидан олиб ташланган эди. Бироқ, у қилмишлари учун масъулиятдан кўриқиб, Хоразмшоҳ саройига келмасдан аввал Нишопур қалъасида яширинди. Кейинчалик эса Марв томон қочиб, ғурийлар ҳукмдори Ғиёсиддин Ғурий ҳузурига боради. Хоразмшоҳларнинг қудратидан хавфсираган Ғиёсиддин Ғурий бундан фойдаланишга қарор беради, Ҳиндухонни Хоразмшоҳлар тахтига ўтказишга ҳаракат қилади. Уларнинг яхши қуролланган кўшини Хоразм давлати ҳудудига кириб, Хуросондаги бир қанча шаҳарларни эгалладилар. Ғурийларнинг у шаҳарларда олиб борган очкўз сиёсати аҳолининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Худди ўша пайтда (1201 й февралда) ғурийлар ҳукмдори Ғурий вафот этди. Ўз мамлакатида ички келишмовчиликларни бартараф этган Қутбиддин бундан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилди. У катта кўшин тўплаб Хуросон устига юриш қилди ва Хуросон шаҳарларини бирин-кетин Ғурийлардан тозалай бошлади. 1203 йилда Хуросондаги ерларни Хоразмга қайта кўшиб олган бўлса, 1204 йилда, Хоразм давлати ҳудудини Хуросондаги янги ерлар ҳисобига янада кенгайтиришга киришди. Бодғис қалъасини эгаллаб, уни ўз ерларига кўшиб олади. Ҳеч қачон Хоразмшоҳ Текаш мулки таркибига кирмаган Хиротдан катта ўлпон (контрибуция) олди.

Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммаднинг Хуросонга қилган юриши ва унинг оқибатлари Ҳиндистондан ҳарбий юришдан қайтаётган Ғиёсиддин Ғурийниинг укаси амир Шаҳобиддинниинг қулоғига етади. У Қутбиддин Муҳаммаднинг Хоразмда эмаслигидан фойдаланиб Хоразмга юриш қилиб, уни эгаллаб олмоқчи бўлади ва тўғри Хоразм устига юриш қилади. Бундан хабар топган Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад Марвдан шошилишч равишда Хоразмга қайтади. Қутбиддин Муҳаммад ажодларининг тажрибасидан фойдаланиб, Амударёдаги тўғонни бузиб Гурганжга ўтадиган йўллари сувга бостиради ва шу йўл билан душманини Гурганжга интилишини 40 кунга тўхтата олади.

<sup>1</sup> Волий- Хоразмшоҳларда шаҳардаги юкери мартабали вакил

Қорасув канали ёқасида бўлган қаттиқ жангда Хоразм кўшинлари тор-мор бўлади. Амир Шаҳобиддин кўшини Гурганжни қамал қилади. Форс тарихчиси Жувайнийнинг ёзишича, Гурганж аҳолиси бир тану бир жон бўлиб она шаҳар ҳимоясига турдилар, Гурганж фуқароларига қурол-яроғ тарқатилади. “Дин устуни ва шоҳликнинг таянчи имом Шаҳобиддин Хивакий юксак минбардан туриб: “Ўз ҳаётини ва ўз мулкани ҳимояга қурбон қилган киши шаҳид ҳисобланади”, деган саҳиҳ хадиси шарифга асосланиб, фуқароларни душманга қарши жангга чақиради”<sup>1</sup>. Душман ватанпарвар Гурганж халқининг қаршилигини енга олмай, чекинишга мажбур бўлади. Ғурийларнинг Гурганжга ҳужуми ва Гурганжнинг ҳимоя қилиниши масаласида ўтмиш тарихчи алломаларнинг асарларида қарама-қарши фикрлар берилган. Эрон тарихчиси Авфий шахсан ўзи иштирок этган воқеаларни ўз асарида бошқача тасвирлайди. Унингча, Гурганж аҳолисини ёппасига қуроллантириш Туркон хотуннинг ҳарбий ҳийласи бўлиб, у ғурийлар шаҳар (Гурганж) остонасига етиб келиши биланок ўгли Хоразмшоҳ Кутбиддин Муҳаммадга шошилинич чопар жўнатиб, уни ёрдамга чорлайди. Хоразмшоҳ келгунга қадар вақтдан ютиш мақсадида шаҳар мудофаасини ташкил этади. Шаҳар фуқароларининг барчасига қурол-яроғ тутиш ва қогоздан дубулга ясаб қалқон кийиб олишни буюради. Натижада шаҳарда кўп сонли кўшин бордай кўриниб, ғурийлар ҳужумни пайсалга соладилар. Амалда бу пайтда шаҳарда ҳеч қанақа кўшин бўлмай, шаҳар ҳимоясиз қолган эди. Бир ҳафтадан кейин Хоразмшоҳ Муҳаммад ўз кўшини билан Гурганжга қайтади ва душманни шаҳар остоналаридан қувади. Шунингдек, ушбу муаллиф Қорасув олдидаги жангда Хоразмшоҳ Муҳаммад кўшинлари эмас, балки Гурганждан Туркон хотун томонидан юборилган кичик бир кўшин ғурийлар томонидан яқсон қилинганини таърифлайди.

Ғурийлар султони амир Шаҳобиддиннинг Гурганжга ушбу юришининг боришини Жувайний куйидагича тасвирлайди: Хоразмшоҳ Муҳаммад юзта отлик аскар билан шошилинич Хоразмга қайтади. Ва дарҳол кўшинни тўлдириш учун халққа

<sup>1</sup> Академик В.В.Бартольд. Соч., т. 1,414- бет

мурожаат қилади. Айни пайтда ёрдам сўраб қорахитойларга ҳам мурожаат қилади. Тезда Муҳаммад кўшини сони 70 000 кишидан ошиб кетади. Дарёининг нариги соҳилида бўлган ғурийлар кўмондонлиги Гурганжга хужум қилиш режасини тузиб, шаҳарга ёриб кириш учун мудофаанинг энг нозик жойини излаётган пайтда, Таянку Тороз кўмондонлиги остида кўп мингли қорахитойлар ва самарқандлик султон Усмон бошчилигидаги кўшинлар етиб келиб, ғурийлар устига ташланадилар. Ғурийлар қочишга мажбур бўладилар. Хоразмшоҳ Муҳаммад уларни Ҳазораспгача қувиб бориб, қайтади ва ғалабани нишонлашга киришади. Тороз самарқандлик султон Усмон кўмондонлигида ғурийларни таъқиб қилишни давом эттиради. Қорахитойлар Андхуд ёнида уларни ўраб оладилар. У ерда икки кунлик қатъий жанг бўлиб ўтади<sup>1</sup>. Жангда ғурийлар мағлубиятга учрайди. Амир Шаҳобиддин Андхуд қалъасига яшириниши лозим эди. Амир Шаҳобиддиннинг Андхуд қалъаси ёнидаги аҳволини академик Бартольд француз императори Наполеон III нинг прусслардан енгилгач, Седан қалъаси ёнидаги аҳволига ўхшатади. Андхуд қалъасига яшириниш амир Шаҳобиддин учун фожиали тугаши мумкин эди. Мусулмон бўлганлиги туфайли ислом султонининг ғайридинларга асир тушишини хоҳламаган султон Усмон қорахитойларга мурожаат қилиб, ўзини уларнинг амир Шаҳобиддин билан бўладиган музокараларида воситачиликка таклиф этади. Музокара натижасида яраш битими тузилиб, унга муофиқ ғурийларга катта тўлов эвазига ўз юртларига қайтиб кетишларига рухсат берилади<sup>2</sup>.

Ўз юртига қайтган амир Шаҳобиддин у ерда талон-тароҷ ва тартибсизликлар изини кўради. Айрим вилоятлар ҳокимлари тобелиқдан бош тортиб, ўз мустақилликларини эълон қилган эдилар. Мамлакатда ички тартибни сақлаш учун амир Шаҳобиддинга Хоразмшоҳ билан сулҳ керак эди. Сулҳ Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад учун ҳам зарур эди. Натижада улар ўртасида 1205 йил январда яраш битими имзоланади. У битимга мувофиқ Хуросоннинг Хиротдан ташқари барча шаҳарлари Хоразмшоҳлар давлатига берилади. Хиротгина

<sup>1</sup> Айрим манбаларда “икки ҳафта” деб кўрсатилган.-муаллиф.

<sup>2</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч.т.,I., 415-бет.

гурийлар хукмдорлиги остида қолади.<sup>1</sup> Хуросонда Хоразмшоҳлар хукмронлигининг қайта тикланиши осонлик билан бўлмади. 1205 йил баҳорда Балх шаҳрининг ноиби Тожиддин Занги<sup>2</sup> Хоразмшоҳнинг Хуросондаги мулкларига ўз хўжаси амир Шаҳобиддиннинг рухсатисиз босқин уюштиради. Гурийлар Марвируд қалъасини талайдилар. Бироқ, Сарахс ёнида Хоразмшоҳлар кўшини томонидан тор-мор келтириладилар. Тожиддин Занги ва у билан ўнга ҳарбий бошлиқ асир олинади ва Хоразмга олиб кетилиб, у ерда қатл этилади.

Амир Шаҳобиддин бу пайтда қандай килиб бўлмасин, қорахитойлардан ўч олиш, Мовароуннаҳрни улардан тозалаш режасини ўйламоқда эди. Хоразмликлар Ғазнани эгаллагач, у ерда халифа ан-Носирнинг амир Шаҳобиддинга ёзган мактубларини топиб оладилар. Уларга қараганда, халифа амирга Мовароуннаҳрни озод қилиш учун даставвал қорахитойлар билан иттифок тузиб, уларнинг ёрдамида Хоразмшоҳни бир ёкли қилишни таклиф этади. Бироқ, амир Шаҳобиддин Хоразмшоҳга қарши очик уруш ҳаракатларидан ҳозирча ўзини тийиб туради. Яқин ўтмишдаги аччиқ сабоқ унинг эсидан чикқанича йўқ эди. Шундай бўлишига қарамасдан у 1205 йил ёзида қорахитойларга қаршли бўлган Гермиз шаҳрини эгаллашни Балх ҳокими Имодиддин Умарга (Зангининг вориси бўлса керак) топширади. Бу бу топширикни бажаради. Бироқ, Ҳиндистонда бошланган ғалаёнлар амир Шаҳобиддинни қорахитойлар устига юришни вақтинча тўхтатиб, Ҳиндистонга юришга мажбур қилади. Жувайнийнинг маълумотича, амир Шаҳобиддиннинг мазкур ҳинд юриши қорахитойларга қарши бўладиган урувдан олдин хазинани ва кўшинини тўлдириш мақсадида амалга оширилган. 1206 йил баҳорида амир Шаҳобиддин Ғазнага келиб, қорахитойларга қарши урушга қаттиқ тайёрлана бошлайди. Амир Шаҳобиддиннинг фармонида мувофиқ Мовароуннаҳр устига бўладиган юришда жуда зарур Амударё кўприги қурилиши иши бошланади. Қорахитойларга қарши юришга ҳарбий тайёргарлик зўр кетаётган бир пайтда - 1206 йил 13 мартда султон Шаҳобиддин қотил томонидан ўлдирилади. Айрим

<sup>1</sup> Ўша жойда

<sup>2</sup> Бу шахс ҳам Гурийлардан бўлиб, Фахриддин Маъсуднинг ўгли-муаллифи

маълумотларга кўра, бу ишда ҳиндларнинг қўли бор, бошқаларида бу иш исмоилийларнинг иши дейилади.<sup>1</sup>

Султон Шаҳобиддин ўлдирилиши билан Мовароуннаҳрга қорахитойлар устига юриш режаси амалга ошмай қолди. Султон Шаҳобиддин Хоразмшоҳ Муҳаммад билан рақобат қила оладиган мусулмон ҳукмдорларининг сўнгиси эди. Султон Шаҳобиддиндан сўнг гурийлар тахтига ўтирган султон Ғиёсиддин Гурийнинг ўғли Ғиёсиддин Маҳмуд ҳукмдорлик қобилиятига эга эмас эди. Бинобарин, унинг ҳукмдорлиги даврида гурийлар давлати таназзулга юз тутди. Кўп сонли турк қўшиқларининг бошлиқлари янги султон Ғиёсиддин Маҳмудга қарши исён кўтариб, Ғазна шаҳрини эгалладилар. Гурийлар мамлакатида ички кураш авж олди. Бундан Хоразмшоҳ Муҳаммад жуда усталик билан фойдаланди. Ҳирот вилоятининг ҳокими қудратли Хоразмшоҳга мурожаат қилиб, бу вилоятни ўз мулклари қаторига олишни сўрайди. Акс ҳолда, Мовароуннаҳрдаги каби бу ерларда ҳам ғайридинлар - қорахитойлар хўжайинлик қилишлари мумкинлигини билдиради. Бу таклифдан жуда мамнун бўлган, агар таклиф бўлмаганда ҳам, Ҳиротни ўз химоясига олишга тайёр турган Хоразмшоҳ Муҳаммад ўз қўлини билан Хуросонга юриш қилади. Ҳирот вилоятини ўз мулкига қўшиб олиб, қорахитойлар хавфидан қутқариш мақсадида Балх устига юради. Балх ҳокими Имодиддин шаҳарни Хоразмшоҳларга беришни хоҳламайди. Шаҳар қамали 40 кунча давом этади. Кучлар нисбати тенг бўлмаганлиги учун, шаҳар химоячилари таслим бўладилар. Имодиддин ҳибсга олиниб, Хоразмга жўнатилади. Хоразмшоҳ Муҳаммад қорахитойлар билан иттифокда Термиз устига юради. Уни эгаллагач, қорахитойларга қайтариб беради. Бу билан мусулмон дунёсининг қаттиқ газабига дучор бўлади. 1206 йил декабрида Хоразмшоҳ Муҳаммад тантанали равишда Ҳиротга киради. Султон Ғиёсиддин Маҳмуд гурийлар султони даражасида қолдирилади. Бироқ, у ўзининг Хоразмшоҳга қарамлигини тан олиши, хутбани унинг номига ўқитиши ва Хоразмшоҳ Муҳаммад номи билан тангалар зарб қилдирилиши лозим эди. Шундай қилиб, Хоразмшоҳ

<sup>1</sup> Академик В.В.Бартольд. Соч. т. I, 416-бет.

Аловиддин Муҳаммад шоҳ аждодлари орзусини амалга оширади. Хуросонни тўла забт этади, уни Хоразмга бутунлай бўйсундиради.

1207 йил январда шундай мураккаб ва оғир вазифани амалга ошириб, Аловиддин Муҳаммад Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганжга қайтади. Бутун Хуросонни ўзига бўйсундиргач, Хоразмшоҳ Муҳаммад эндиликда ўзининг азалий мақсади - Мовароуннахрни қорахитойлардан тозалаш ишини кун тартибига қўяди. Шу мақсадда у 1207 йилда Мовароуннахрни ўз мулкларига қўшиб олишга тайёргарликни бошлайди. Кураш осон бўлмаслигини, қорахитойлар анча кучли рақиб эканлигини Муҳаммад яхши тушунар эди. Шунинг учун қорахитойлар билан бўладиган курашга тайёрланиб, юришдан аввал Амударёнинг ўнг қирғогидаги гурийлардан тортиб олинган ерларда ўз мавқеини мустаҳкамлашга қарор қилди. Нишопурга ноиб қилиб ўзига яқин бўлган Кезликхонни тайинлаб, унга султон қўшинларидан бир қисмини беради. Жом шаҳрига Иззаддин Жилдоқни, Заван шаҳрига эса Аминиддин Абу Бакрни ноиб қилиб тайинлайди. Марв, Сарахс шаҳарларида Хоразм қўшинларини қолдиради. Бироқ Хоразмшоҳ ўз вилоятларида шахсий ҳукмронлигини ўрнатишга интилаётган амирлардан садоқат кўриши амримаҳол эди. Хоразмшоҳнинг Мовароуннахрга юриш бошлагани ҳақидаги хабар Хуросонга бориб етгач, Ҳирот ноибни Иззаддин Ҳусайн ибн Хурмил Хоразмшоҳ Муҳаммад изми-ихтиёридан чиқишга ва мустақил сиёсат юритишга биринчи бўлиб қарор беради. У Хоразмшоҳ Ҳиротда қолдирган жангчиларни маҳаллий аҳолига қўпол муносабатда бўлганликда айблаб, хибсга олдиради. Бундай хиёнаткорона ишдан дарғазаб бўлган Хоразмшоҳ Муҳаммад Иззаддин Ҳусайндан қилмиши учун жавоб талаб қилади ва хибсга олинганларни зудлик билан Хоразмга жўнатишни талаб қилади. Шунингдек, Муҳаммад амир Жилдоққа чопар жўнатиб, унга хиёнаткор Иззаддин Ҳусайнни тутиб хибсга олиш ва Гурганжга жўнатишни буюради. Бироқ, Иззаддин Ҳусайннинг ҳаракатлари Хоразмшоҳ ва аъёнларига сирли кўринади. Шунинг учун ҳам улар Хоразмшоҳга хиёнаткор ноибни ўлимга ҳукм қилишни маслаҳат берадилар. Хоразмшоҳ Иззаддин Ҳусайнни ўлимга ҳукм қилади. Ушбу фармонни ижро этиш амир Жилдоққа

топширилади. Амир Жилдоқ икки минг кишилик кўшин билан Хирот устига юриш қилади ва шаҳар дарвозаси олдига етгач, Иззаддин Хусайндан ўз олдига чиқишни талаб қилади. Иззаддин Хусайннинг вазири унга қалъадан чиқмасликни ва амир Жилдоқ олдига бормасликни маслаҳат берса-да, у вазирнинг маслаҳатига кулоқ солмайди. Шаҳардан чиқиб, амир Жилдоқ олдига боради. Амир Жилдоқ кишилари уни ҳибсга олиб, Салумид қалъасига жўнатадилар. У ерда Иззаддин Хусайн ибн Хурмил қатл қилинади ва боши Гурганжга юборилади.

Изаддин Хусайн ибн Хурмил ҳибсга олинганини эшитгач, унинг вазири Саъиддин Ринди Хирот дарвозаларини бекитиб, амир Жилдоқни шаҳарга қўймайди. Амир Жилдоқ бу ҳақда Хоразмшоҳга маълум қилади. Муҳаммад Хоразмшоҳ Нишопур ҳокими Кезликхонга ва Завзан ҳокими Аминаддин Абу Бакрга ўз кўшинларини олиб, зудлик билан Хирот томон отланишни ва бетавфик вазир Саъиддин Риндини каттиқ жазолашни буюради. Амирлар 10 минг кишилик кўшин билан Хирот қалъаси қамалини бошлайдилар. Бироқ, қалъага кира олмайдилар. Қалъа атрофидаги чуқурликлар сувга тўлдирилганлиги туфайли қалъани бир ҳамла билан олиш қийин эди. Амирлар аҳволни аниқ баён қилиб, Муҳаммад Хоразмшоҳ олдига чопар юборадилар ва жавоб кутадилар.

Бироқ, жавоб тезда кела бермайди. Мовароуннаҳрда шундай муҳим ҳодисалар рўй берган эдики, улар Хоразмшоҳлар сулосаси ҳукмронлигини сал бўлмаса йўқ қилаёзган эдилар: 1207 йилда Самарқанд хони (қорахитойлардан) Усмон Хоразмшоҳ Муҳаммадга мурожаат қилиб, ундан қорахитойларга қарши курашда ёрдам сўрайди. Мовароуннаҳрни қорахитойлардан тозалаш ва Хоразм давлати кўли остига олиш ниятида бўлган Муҳаммад бу мурожаатни хурсандчилик билан қабул қилади ва ўз кўшини билан йўлга чиқади. Ўша кунларда Бухоро қорахитойларга тобе бўлган ўзига хос феодал теократик<sup>1</sup> давлат бўлиб, унга руҳоний феодаллар ва “садр”<sup>2</sup>ларнинг шаҳар зодагонларига суяниб иш тутувчи сулосаси бошчилик қилар эди. Қорахитойларнинг ва маҳаллий бекларнинг зулми халқ

<sup>1</sup> Теократия- сиссий ҳокимият руҳонийлар кўлида бўлган идора усули

<sup>2</sup> Садр- юқори мартабали амалдор



оммасининг сабр косасини тўлдирди. Омма ўз эзувчиларига қарши курашга кўзғалди.

Қалқон ясайдиган уста Санжар шаҳар камбағалларининг ва хунармандларининг кўзғолонига бошчилик қилди ва кўзғолончилар ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Жувайнийнинг ёзишига қараганда, Санжар шаҳар зодагонларига ниҳоятда илтифотсизлик қиладики, бу ҳол у юргизган демократик сиёсатнинг далилидир. Кўзғолончилар шаҳар садрларининг мол-мулкларини мусодара қилдилар. Кўзғолондан ниҳоятда таҳликага тушган Бухоро руҳонийлари ва садрлари ёрдам сўраб, қорахитойларга мурожаат қиладилар. Қорахитойлар ҳукмдори ўзига ўша вақтга келиб Малик унвонини олган Санжарга бир қанча фармонлар юборади. Бирок, Малик Санжар уларнинг ҳеч бирига эътибор бермайди. Шундан сўнг Бухоро руҳонийлари ва садрлари ёрдам сўраб Самарқанд сафарига йўлга чиқаётган Хоразмшоҳ Муҳаммадга мурожаат қиладилар. Бухоро аёнларининг илтимосини бажо келтириб, Муҳаммад Хоразмшоҳ 1205 йил баҳорида Бухоро устига юриш қилади ва уни эгаллайди. Жувайнийнинг ёзишича қараганда, “Қалқонфурушнинг ўғли қилмишига яраша мукофот”<sup>1</sup> олди.

Хоразмшоҳ Муҳаммад кўзғолончилардан қонли ўч олади. Хоразмшоҳ томонидан Бухоронинг олиниши ва кўзғолоннинг бостирилиши унинг Мовароуннаҳрдаги обрў-эътиборини оширди. Маҳаллий хумрон доиралар у томон ён боса бошладилар. Муҳаммад ўз юришларини давом этдириб, Самарқанд хони Усмон ёрдамида Самарқандни эгаллайди. Самарқанднинг қўлдан кетиши қорахитойларни хавотирга солмайди. Улар бўлғуси жангда Хоразмшоҳга нисбатан пухта тайёрланадилар. Улар Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг иттифоқчилари Самарқанд шихнаси амир Дўрт Обо ва амир Рукнаддин Қобуд Жомларни пора ва қатта ваъдалар билан ўзларига оғдиришга эришадилар. Рунаддин Қобуднинг амакиси Нусратдинни сал олдин Хоразмшоҳ ўлимга ҳукм қилган эди. Қорахитойлар ҳукмдори бу ҳолатдан усталик билан фойдаланди.

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 305-бет.

Хоразмшоҳ кўшини билан қорахитойлар ўртасидаги қаттиқ жанг пайтида амир Дўрт Обо кўшини билан жанг майдонини хиёнаткорона ташлаб чиқиб кетади ва шу билан қорахитойларга катта ёрдам беради. Хоразмликлар тор-мор келтириладилар. Кўп минглаб жангчилар ҳалок бўладилар. Араб тарихчиси Ибн ал-Асир ўз асарида Хоразмшоҳнинг Мовароуннаҳрдан Хоразмга чекинишига сабаб, унинг ва иттифоқчиларнинг қорахитойлар билан бўлган жангдаги мағлубияти, деб кўрсатади. Форс тарихчиси Жувайний далиллар билан исботланмаган айни масалага оид яна бир ҳикояни ўз асарларида беради. Эмишки, хоразмликларнинг қорахитойлар билан бўлган ушбу катта жангида хоразмликлар мағлубиятга учрайди. Одатда Муҳаммад жанг олдида ўзининг шоҳона кийимларини оддий кийимларга ёки душман аскарларининг кийимига алмаштирар экан. Юқоридаги муваффақиятсиз жангда Муҳаммад душман кўлига асир тушади ва ўзини у билан бирга асир тушган амир Фулон ибн Шаҳобиддин Маъсуднинг хизматкори деб таништиради, кейинчалик ҳийла билан асирликдан қутулиб Хоразмга қайтиб келади ва ўз ҳокимиятини тиклайди.<sup>1</sup> Албатта, латифага ўхшаш бу ҳикояга ишониш анча қийин. Лекин, ўзининг кейинги ҳарбий муваффақиятларидан сўнг, ўз кучига ва имкониятларига катта баҳо бериб юборган Хоразмшоҳ қорахитойлар билан курашда жиддий тайёрланмагани аниқ эди.

Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг жавобини кутаётган ва Ҳирот камалини давом эттираётган амир Кезликхон ва амир Аминаддин Абу Бакр Хоразмшоҳнинг қорахитойлар билан жангдаги мағлубияти ва унинг бедарак йўқолганлиги тўғрисидаги хабарни эшитгач, Кезликхон дарҳол кўшинларини Ҳирот камалидан олиб ўз мулки Нишопурга кетди. Мустақил ҳукмронлик қилиш, бутун Хуросонни ўзига бўйсундириш режасини ишлаб чиқа бошлади.

Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг қорахитойлардан енгилгани ва бедарак йўқолгани Гурганжга, унинг укаси Тожиддин Алишоҳга ҳам етиб боради. У дарҳол ўзини шоҳ деб эълон қилади ва хутбани Хоразмшоҳ Муҳаммад номи билан ўқитишни тўхтатади. Хоразмга қайтиб келган Хоразмшоҳ Муҳаммад хоразмликлар

<sup>1</sup> З.М.Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. М., 73-74 бетлар.

томонидан хурсандчилик билан кутиб олинади. Йўқлигида содир бўлган воқеаларни унга батафсил етказадилар. Укаси Тождиддин Алишоҳнинг ва энг ишонган амирлардан қипчоқ Кезликхоннинг хиёлати Хоразмшоҳни ниҳоятда ғазаблантиради. Муҳаммад хоинларни тутиб жазолаш учун махсус кўшинни юборади. Амир Кезликхон Ироқда кўлга туширилади ва қатл қилинади. Академик Бартольд “Қорахитойлар ва Хоразмшоҳлар” асаринда бу воқеани бошқачароқ тасвирлайди. Хоразмшоҳ Муҳаммад Нишопур устига 1208 йил 30 мартда юриш қилиб, уни эгаллайди. Кезликхоннинг ўғли ўзига содиқ кишилар билан қорахитойлар олдига қочади ва Амударё бўйида хоразмликлар кўшини томонидан ўраб олиниб, қириб ташланади. Кезликхоннинг ўзи Хоразмга, қариндоши Муҳаммаднинг онаси Туркан хотун олдига қочиб келади ва ундан ҳимоя сўрайди. Туркон хотун унга бошпана жойи деб Хоразмшоҳ Текашнинг қабрини маслаҳат беради. Ва зимдан топшириқ бериб ўша ерда Кезликхонни ўлдиртиради.<sup>2</sup> Яна бир хиёлатчи - Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг укаси Тождиддин Алишоҳни ҳам қаттиқ жазо кутмоқда эди.

Нишопурни эгаллагач ва уни амир Кезликхоннинг тарафдорларидан тозалагач, Хоразмшоҳ Муҳаммад Ҳирот томон юради. Ҳирот мудофаасининг бошлиғи вазир Саъиддин Риндини музокарага чорлаб, ундан қалъани топширишни талаб қилади. Бироқ, вазир рад жавобини бергач, бағоят ғазабланган Хоразмшоҳ Муҳаммад кўшинига Ҳиротни бир ҳамла билан олишни буюради. Ҳирот атрофи сувга тўлдирилган чуқур ҳандаклар билан ўралганлиги уни бир ҳамла билан олишни қийинлаштиради. Шунинг учун Хоразм кўшинининг ҳамласи муваффақиятсиз бўлади. Шаҳар камали давом этади. Деярли бир йилдан ошиқ камалда туриш шаҳар мудофаачиларини кучдан тойдирган эди. Шаҳарда очарчилик ва турли касалликлар кучайган эди. Шунинг учун ҳам шаҳар аҳолиси шаҳарни топшириш ҳақида хоразмликлар билан келишиб, шаҳарнинг ташқи деворидаги иккита минорани бузиб, шаҳарга киришга имкон тугдиради. 1208 йил 4 июлда хоразмликлар шаҳарни эгалладилар. Вазир ва унинг тарафдорлари кўлга олиниб қатл

<sup>1</sup> Ўша жойда, 74-бет.

<sup>2</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч. т. I, 425-бет.

қилинадилар. Хоразмшоҳ Ҳиротга ноиб қилиб тоғаси Амир Маликни тайинлайди. Амир Малик бу мансабда то хоразмликлар давлати қулагунча туради<sup>1</sup>.

Хуросонни ўзига қайта бўйсундиргач, Муҳаммад Хоразмшоҳ Амир Маликка ғурийларга қарши ҳарбий юриш қилиб, уларнинг пойтахти Фирузкўҳни эгаллаш, Хоразмшоҳга қарам бўлган, лекин унинг измидан чиқишга қарор қилган ғурий султон Маҳмудни ва унинг саройида бошана топган хиёнаткор укаси Тожиддин Алишоҳни ҳибсга олиш тўғрисида фармон беради. Бу фармон ҳақида хабар топган султон Маҳмуд ўзининг Хоразмшоҳга қарамлигини тан олиб, Амир Маликка жангсиз таслим бўлади. Амир Малик Тожиддин Алишоҳни ҳибсга олиб, уларнинг иккаласини Гурганжга жўнатади. Уларга нисбатан Муҳаммад ниҳоятда бешафқатлик кўрсатиб, ҳар иккаласини ҳам қатл қилдиради. Ғурийлар давлати бутунлай тугайди.

Шундай қилиб, 1208 йилга келиб бутун Хуросон яна Хоразмшоҳлар давлати қўл остига киради. Хоразмшоҳнинг бу ердаги ҳокимияти илгаригига нисбатан анча мустақкамланади. Эндиликда Хоразмшоҳ қорахитойларга қарши ҳал қилувчи курашга қайта тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1209 йилда Хоразмда жуда қаттиқ зилзила бўлди. Бу ҳодиса кундуз кuni рўй бергани туфайли кишилар уйларида, мол-мулкларини қолдириб бўлса-да, чиқиб кетишга улгурганликлари туфайли унинг мусибатли оқибати у қадар оғир бўлмади. Шунга қарамасдан, шаҳарларда ҳалок булганлар 2000 кишига яқин, қишлоқларда эса бундан ҳам кўп эди. Ҳатто, иккита қишлоқ бутун аҳолиси билан ер тагада қолиб кетди<sup>2</sup>.

Хоразмшоҳлар давлати Шарқдаги энг қудратли давлатлардан бирига айланган эди. Бироқ, унинг қорахитойларга ҳар йили бож тўлаб туриши эндиликда қудратли давлат - Хоразм давлати шаънига тўғри келмас эди. Бундан ташқари, қорахитойларни тор-мор қилмасдан туриб, Мовароуннахрнинг серҳосил ва бой вилоятларини Хоразм давлати қўл остига бирлаштириб бўлмас эди. Шундай шароитда қорахитойларга қарши Хоразмшоҳнинг

<sup>1</sup> З.М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 75-бет.

<sup>2</sup> Академик В.В.Бартольд. Соч., I.426-бет.

курашини енгиллаштирадиган халқаро воқеалар содир бўлдики, улар Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қорахитойлар устига янги харбий юришини тезлаштиришга тўртки бўлди. 1208 йилда Чингизхон Иртиш дарёси бўйида Кушлухон бошчилигидаги найманларга қаттиқ зарба беради. Кушлухон омон қолган қабилаларини олиб қорахитойлар мамлакатига қочади. У ерда қорахитойларнинг кўзғолон кўтарган вассаллари уйғур идикутлари билан қўшилиб, қорахитойлар империясининг шарқий вилоятларини эгаллайдилар.

Бу бир томондан, қорахитойлар давлатига қаттиқ зарба бўлиб тушган бўлса, иккинчи томондан, қорахитойлар империясининг инкирозидан далолат берар эди. Хоразмшоҳ Муҳаммад қорахитойлар мамлакатига бу ўзгаришни тезда сеза олди ва қорахитойлар устига юришга зўр тайёргарликни бошлади. Ўтган сафарги муваффақиятсиз юриш ҳали унинг эсидан чиққанича йўқ эди.

Шундай шароитда бу юришни тезлаштирувчи бир воқеа содир бўлди. 1209 йили Хоразмшоҳлар давлатидан бож олиш учун қорахитойлар вакили Туши Гурганжга ўз кишилари билан келади. Уни Хоразмшоҳ ўз аъёнлари иштирокида қабул қилади. Бу ерда Туши халқаро муносабатлар одобига тўғри келмайдиган иш қилади: Хоразмшоҳ билан ёнма-ён ўтириб олади. Ўша давр тартиби бўйича, бундай қилиш расман мумкин эмас эди. Бундан ниҳоятда ҳақоратланган ва дарғазаб бўлган Хоразмшоҳ Муҳаммад Тушини майда-майда қилиб ташлашни, унинг ҳамроҳларининг барчасини ўлдиришни амр қилади. Ҳукм ижро этилади.

Қорахитойлар ҳукмдори бундан хабар топиб, исёнкор Хоразмшоҳни жазолашга фармон бергунча, Хоразмшоҳ ўз қўшини билан қорахитойларга қарши урушга чиқиб, Мовароуннаҳр худудига киради. Маҳаллий аҳоли уларни ғайридинлар зулмидан халос қилувчилар сифатида қабул қилади. Хоразмшоҳ қўшини Мовароуннаҳр қишлоқ ва шаҳарларидан ўтиб, Сирдарё бўйларига етиб боради. Уни кечиб ўтиб, 1210 йил сентябрда тажрибали қорахитой саркардаси Тайанғу

<sup>1</sup> Ўша жойда. 426-427 бетлар.

қўмондонлигидаги қорахитойлар қўшини билан тўқнашади. Бўлиб ўтган қаттиқ жанг хоразмликларнинг порлоқ ғалабаси билан тугайди. Тайанғу хоразмликларга асир тушади<sup>1</sup> Мовароуннахрнинг барча шаҳарлари Хоразмшоҳлар давлати қўли остига ўтиб, уларга Хоразшоҳ томонидан ноиблар тайинланди. Хоразмшоҳ маҳаллий амалдорларни ўз томонига ағдариб олиш мақсадида улар билан ҳатто қариндош бўлишга интилди. Ўзига қорахитойларга қарши курашда анча хизмат кўрсатган Самарқанд султони Усмонхонга қизи Хон Султонни хотинликка беради ва уни Самарқанд ҳукмдори қилиб қолдиради<sup>2</sup>.

Қорахитойларнинг хоразмликлар томонидан тор-мор келтирилиши яшин тезлигида тарқалиб, уларнинг пойтахти Болосоғун шаҳрига ҳам етиб келади. Болосоғун амалдорлари хоразмликлар бу ерга ҳам етиб боради, деб тахмин қилиб, шаҳар дарвозаларини маҳкам бекитиб оладилар. Мағлубиятга учраган ва пойтахтига аранг етиб борган қорахитой қўшинларининг қолдиқларини шаҳарга қўймайдилар. Бундан дарғазаб бўлган қўшин ўз пойтахтини қамал қилишга киришади. Қамал 15 кун давом этиб, қўшин шаҳарга ёриб киришга улгуради ва шаҳарликлардан қонли ўч олади. Форс тарихчиси Жувайнийнинг ёзишича, бообрў амалдорларнинг ўзидан 47 мингдан ортиқ киши ўлдирилди<sup>3</sup>. Бу рақам қанчалик тўғри-ноғғрилигини текшириш имконига эга эмасмиз. Бироқ, бу маълумотлар бир вақтлар қудратли қорахитойлар давлатининг сўнгги кунлари яқинлашаётганлигидан далолат беради. Хоразмшоҳ Болосоғунга юриш қилмай, Гурганжга қайтади. Қорахитойлар давлатининг бутунлай емирилишига ҳам икки йилча вақт бор эди.

Бироқ, Хоразмшоҳнинг қорахитойлар устидан эришган ғалабаси мусулмонларнинг ғайридинлар устидан ғалабаси деб қабул қилинди. Бу ғалаба унга катта шон-шухрат ва бойлик келтирди. Хоразмшоҳлар давлати хазинасига катта миқдорда зебу - зийнат, олтин - қумушлар қўшилди. Хоразмлик жангчилар катта миқдорда ўлжага эга бўлдилар. Ушбу ғалаба Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг саркарда сифатидаги обрўсини ниҳоятда баланд

<sup>1</sup> З. М. Бунятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 75-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 76-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 76-бет.

кўтарди. Ушбу ғалабанинг асосий якуни шундан иборат эдики, Хоразм давлати ниҳоят тўла мустақилликни қўлга киритиб, қорахитойларга қарамликдан бутунлай халос бўлади. Хоразм давлатининг фуқаролари бу ғалабани катта тантаналар билан кутиб олдилар. Улуғ Султон Хоразмшоҳ Муҳаммад шаънига мадҳиялар ўқилди. Байрам тантаналари вақтида асир олинган қорахитойлар қўшинининг қўмондони Тайангу Амударёга чўктирилди.

Юқорида зикр қилинган ғалаба Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг шуҳратпарастлик хиссини жуда ошириб юборди. У ўзига Искандари соний - иккинчи Искандар унвонини беради. У сарой ҳашаматларини, қабул маросимлари дабдабаларини ҳам улуғ давлатга хос қилиб ўзгартиради. Тонг отиши билан унга тобе бўлган 27 мамлакатнинг ҳокимлари ёки у ҳокимларнинг гаров тариқасида юборилган ўғиллари Муҳаммаднинг саройи қошида тилла ноғора чалганлар<sup>1</sup>. Бу “тантана” то Хоразмшоҳдар давлати кулагунча давом этди. Кўп ўтмай, Искандар соний унвони Муҳаммадни қониқтирмай кўйди, кейинчалик у узок йиллар ҳукмдорлик қилган салжуқий Султон Санжарнинг номини ҳам олди ва ўзини Султон Санжар деб атаёт бошлади. Хоразмшоҳнинг кейинги унвони унинг ўғилларининг наслий унвонларида аке этган. Тахт вориси Ўзлокшоҳ ўзини Султон Абу Музаффар Ўзлокшоҳ ибн Султон Санжар деб атаган бўлса, Жалолодин Мангуберди Бағдод халифасига ёзган мактубларини “Сизнинг (халифанинг) содиқ хизматкорингиз Мангуберди ибн Султон Санжар” деб имзолаган<sup>2</sup>.

Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг қорахитойлар устидан эришган ғалабасига ва ўз кучига жуда катта баҳо бериб юборгани, ўзини энг кудратли ҳукмдор деб ҳисоблай бошлагани, ўз имкониятларини ниҳоятда улуғлаши келгусида унга зиён келтирди. Мўғуллар босқини пайтида Хоразмшоҳлар давлати қиска муддатда осонликча емирилгани фикримизнинг далилидир. Қорахитойлар устидан қозонилган ғалабадан сўнг Муҳаммад ўз аъёнлари билан Гурганжга қайтади. У билан бирга пойтахтга унинг куёви, Самарқанд султони Усмон ҳам хотини Хон Султон

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 292-бет.

<sup>2</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 77-бет.

билан келади. Муҳаммаднинг онаси Туркон хотун Хоразм удумини важ қилиб, Усмонни бир йилча Хон Султон билан Гурганжда олиб қолади. Усмон Гурганждалигида Самарқандда унинг ўрнига ҳокимлик қилиш учун қолган Хоразмшоҳ ноиб амир Дўрт Обо ва унинг одамлари Самарқанд халқига қаттиқ зулм ўтказадилар. Самарқанд халқи Хоразмшоҳнинг одамларидан жуда норози бўладилар.

Бу вақтда Хоразмшоҳ Муҳаммад қорахитойларга қарши иккинчи ҳал қилувчи юришга тайёрланмоқда эди. Самарқандликлар Хоразмшоҳ мулозимлари орасида ўз ҳукмдорлари Султон Усмоннинг йўқлигини сезиб, хоразмликларга нисбатан душманлик билан қарай бошладилар. Бундан хабар топган Муҳаммад Хоразмшоҳ Султон Усмонга зудлик билан Самарқандга етиб боришни буюради. Султон Усмон Самарқандга етиб келгач, натижа Муҳаммад Хоразмшоҳ кутганича чиқмади. Балки, аксинча, хоразмликларнинг зулмидан ниҳоятда норози бўлган халқ оммаси кўзғолон кўтаради. Султон Усмон уларга бошчилик қилади. Кўзғолончилар шаҳарда Хоразмшоҳнинг барча одамларини ушлаб қатл қиладилар.

Усмонхон Хоразмшоҳга бўйсуннишдан бош торғиб, қорахитойларга чопар билан мактуб юборади. Мактубда Самақандни уларга топширишга тайёр эканини билдиради. Бу мудхиш хабар Хоразмшоҳ Муҳаммадни ниҳоятда дарғазаб қилади. У катта кўпин билан Самарқанд устига юриш қилади. Самарқандликлар кўрсатган қаттиқ қаршиликка қарамай, шаҳар эгланади. Хоразмшоҳнинг фармониға мувофиқ шаҳар Хоразм кўшинлари томонидан уч кун давомида таланади. Самарқандликлардан қонли ўч олинади. Форс тарихчиси Жувайнийнинг ёзишича, Самарқандда ўша кунлари ўлдирилган кишиларнинг сони 10 мингдан ортик эди<sup>1</sup>. 1212 йилда Султон Усмон ва унинг барча қариндошлари Хоразмшоҳ фармониға мувофиқ қатл этилади ва шундай қилиб, бир вақтлар довруғи кетган қорахонийлар сулоласининг сўнгги вакиллари йўқ қилиниб, тарих саҳнасида сулола йўқ қилинди. Қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга бостириб киришининг

<sup>1</sup> З.М.Буғиятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 76-бет.



олдини олиш мақсадида Хоразмшоҳ Исфижоб шаҳри томон 10 минг кишилиқ махсус қўшин юборади. Бу пайтга келиб, бир вақтлар катта қудратга эга бўлган қорахитойлар давлати ўзининг сўнгги кунларини яшамокда эди. Чингизхон томонидан тор-мор қилинган найманлар ва уларнинг йўлбошчиси Қушлухон қорахитойлар ҳукмдори саройида бошпана топади. Ҳатто, унинг қизига уйланади. Мўғуллардан қочиб келган найманларни бирлаштириб, ўз қўшинини янгидан ташкил этади ва қорахитойлар ерларига босқинлар уюштириб туради. Асосий қўшинлари хоразмликлар томонидан яқсон қилинган қорахитойлар Қушлухонга монезлик кўрсата олмайдилар. Аста-секин қорахитойлар мулклари Қушлухон қўли остига ўта бошлайди. Қорахитой ҳукмдори - Ғурхон ҳукмдор деб саналса-да, мамлакатни амалда Қушлухон бошқара бошлайди. Бундай аҳволдан фойдаланиб қолишга қарор қилган Хоразмшоҳ Муҳаммад Қушлухондан қорахитойлар ҳукмдори Ғурхонни ва унинг барча хазинасини беришни талаб қилади. Қушлухон Муҳаммаднинг бу талабига рад жавоби бериб, қорахитойлар давлати ерларини найманлар билан хоразмликлар ўртасида бўлиб олишни таклиф қилади. Натижада Мовароуннаҳр ерларининг асосий қисми Хоразмшоҳлар давлати қўли остига ўтади.

Қорахитойлар давлатини тор-мор қилиш Хоразмшоҳ Муҳаммадга бутун Мовароуннаҳр ерларини ўз қўли остига бирлаштириш имконини беради. Мусулмон аҳли томонидан ғайридинлардан қутқарувчи сифатида кутиб олинган Хоразмшоҳ Муҳаммад бу ерда қорахитойларга қараганда ҳам оғирроқ сиёсат ўтказди. Араб тарихчиси Ибн ал-Асирнинг таърифича, Муҳаммад Мовароуннаҳрга мўғуллар босқини хавфини баҳона қилиб, Шош ва Шимолий Фарғонадаги бир қанча шаҳарларни бузиб ташлашни буюради. Чуқур ўйлаб қилинмаган бу тадбир ҳам мўғуллар босқини даврида ўзининг ёмон асоратини кўрсатди. Мўғуллар ҳеч тўсиқсиз Хоразмшоҳлар давлатига бостириб қирадилар. Ўрта аср тарихчиларининг кўпчилиги Хоразмшоҳ томонидан қорахитойлар давлатининг йўқ қилиниши ҳам катта, мудҳиш хато бўлганлигини таъкидлайдилар. Қорахитойлар давлати йўқ қилиниб, унинг худуди Хоразм давлати қўли остига ўтгач, мусулмон дунёси мўғуллар давлати билан бевосита ёнма-

ён чегарадош бўлиб қолди. Вахоланки, қорахитойлар давлати йиқитилгунга қадар у мўғуллар давлати билан ўртада тўсик вазифасини бажариб келган эди.

Хоразмшоҳ Муҳаммад қорахитойлар давлатини йўқ қилганига қарамай, унинг қолдиқларидан ташкил топган кўчманчи найман қабилаларини бутунлай тор-мор қилишга ва ўзига бўйсундиришга тўла эриша олмади. Аксинча, Қушлухон бошчилигидаги найманлар 1211 йилдан 1214 йилгача Шарқий Туркистонга босқинчилик юришлари қилиб, у ердаги аҳолини таладилар. Найманларга қарши Муҳаммад юборган кўшин кечиккан. Бу пайтга келиб кўчманчи найманлар Шарқий Туркистонни талаб, шип-шийдам қилиб кетган эдилар. Натижада, Шарқий Туркистонда очарчилик бошланди. Кўчманчи найманлар олдида ҳимоясизлигини кўрган маҳаллий аҳоли Муҳаммаддан ихлоси қайтиб, Қушлухонга фуқароликни изҳор қиладилар. Қудратли Хоразмшоҳ Шарқий Туркистонда кўчманчи найманлар мусулмонларни оммавий таъқиб этишига ҳам монелик қила олмади. Муҳаммад Хоразмшоҳ Қашқар ва Хўтандаги мусулмонларни Қушлухондан ҳимоя қилишни эплай олмадигина эмас, балки Мовароуннахрнинг шимолий вилоятларини унинг ҳужумларидан муҳофаза эта билмади ҳам<sup>1</sup>. Натижада, ушбу ерлардаги мусулмон аҳолининг Хоразмшоҳдан ихлоси қайтди. Мўғуллар босқини бошланганда, улар дарҳол Чингизхон томонга ўтиб кетдилар. Ибн ал-Асирнинг кўрсатишича, 1214 йилда Самарқандда дам олаётган Хоразмшоҳ Муҳаммад Исфижоб, Шош, Фаргона, Косон вилоятлари фуқароларига мамлакат ичкарасига кўчиб ўтиш тўғрисида фармон беради. Фармон амалга ошгач, бу вилоятлар хувиллаб қолади. Ибн ал-Асир фармоннинг берилишига асосий сабаб қилиб Қушлухон бошлик кўчманчиларнинг Шимолий Туркистонга ҳужум хавфи мавжуд эканлигини кўрсатади. Қудратли Хоразмшоҳ билан кўчманчи Қушлухон ўртасидаги рақобат 1218 йилгача давом этди. Ўша йили Чингизхон Қушлухон бошчилигидаги найманларни бир ҳамла билан яқсон қилиб ташлади. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг яна бир кўчманчи қабила - қипчоқларга қарши қураши осон

<sup>1</sup> Академик В.В.Бартольд. Соч., т.1,435-бет.

кўчди. Сигноқ ва унинг атрофидаги ерлар Хоразмга қўшиб олингач, Муҳаммад шимолдаги қипчоқ ерларини ўзига тўла бўйсундириш мақсадида Жанд қалъасидан шимолга қараб юради. Қирғиз чўлларида қипчоқларга қарши юриш пайтида Чингизхон қўшинлари билан мутлақо тасодифан тўқнашади. У тўқнашув тўғрисида тўртта тарихий манба хабар беради. Уларда Хоразмшоҳнинг ушбу юриши қачон бўлганлиги тўғрисида бири-бирига жуда зид, ноаниқ фикрлар мавжуд. Ҳар холда, ўша воқеаларнинг шахсан иштирокчилари билан суҳбатлашган, кейинчалик сўнги Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангубердининг муншиси (котиби) бўлиб, кўп йиллар хизмат қилган Шихобиддин ан-Насавийнинг “Сийрат-ус-Султон” (“Султон Жалолоддин Мангубердининг ҳаёт тасвирлари”) номли китобида келтирган маълумоти ҳақиқатга анча яқин бўлса керак. Мўғуллар билан Хоразмшоҳлар ўртасидаги ушбу биринчи тўқнашув, Насавийнинг ёзишича, 1215 йилда бўлиб ўтган. Кўчманчи маркит қабилаларини таъқиб қилаётган Чингизхоннинг кўзга кўринган саркардаси Субутой Баҳодур ва Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи бошчилигидаги мўғул қўшини Хоразмшоҳ қўшинига дуч келиб қолади. Ҳақиқатан ҳам мўғуллар маркитларни таъқиб қилиш ва йўқ қилиш вазифасини ўз мақсадлари қилган бўлиб, Хоразм қўшини билан тўқнашиш режаси йўқ эди. Улар Хоразмшоҳ олдига хабарчи юбориб, ўз фикрларини изҳор этадилар. Бироқ, Муҳаммад Хоразмшоҳ барча ғайридинлар менинг душманларимдир, деб ўз қўшинига мўғуллар устига ташланишни буюради. Қаттиқ жанг бошланиб кетиб, икки кунлик муҳораба натижасиз тугайди. Ҳар кккала қўшинида ҳам жангда ўнг қанотнинг қўли баланд келади, Хоразм қўшинининг ўнг қанотига Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг ўғли Жалолоддин Мангуберди қўмондонлик қилади. Ёш шахзоданинг бу жангда кўрсатган ботирлиги ва жасорати ҳатто мўғулларни ҳам лол қолдиради. Жалолоддиннинг шуҳрати Мўғулистонга - Чингизхонгача етиб боради. Қош қорайиши билан жанг тўхтайтиди. Ундан фойдаланган мўғуллар оркага, ўз юртига қайтиб кетадилар. Мўғул жангчиларининг қаҳрамонлиги, жангдаги уддабуронлиги ва ўзини тутуши Хоразмшоҳ Муҳаммадга каттиқ таъсир қилди. Балки, шу сабабдан у кейинги ҳал қилувчи пайтда мўғуллар

билан очиқ майдонда жанг қилишга қарор бермагандир. Форс тарихчиси Жувайнийнинг ёзишича, шаҳзода Жалолиддин Мангубердиннинг шахсий қаҳрамонлиги ушбу жангда мусулмонларни шармандали мағлубиятдан сақлаб қолган<sup>1</sup>. Бирок, Насавий “Сийрат ус-Султон” асарида ўз қаҳрамонининг бу жангдаги маҳорати ҳақида ҳеч нима демайди. Хива хони ва тарихчиси Абулғози Баҳодирхон (1603-1664) 1663-1664 йиллари ёзган тарихий асари “Шажараи турк” да ушбу жанг тафсилотларига тўхталиб шундай сўзларни битади:

“...Султон Муҳаммад бирлан урушти. Жўчихон (Чингизхоннинг катта ўғли.- муҳаррир) ўзи бошлаб неча мартаба чопти. Охирида тугга етиб, Султон Муҳаммаднинг қалқанига икки уч мартаба чопти. Яқин эрди ким, Султон Муҳаммаднинг лашкари қочқай. Султон Жалолиддин яхши ишлар қилиб лашкарнинг қочмасликига сабаб бўлди”<sup>2</sup>.

Абулғозининг ва бошқа ўрта аср тарихчиларининг ушбу жанг тафсилотларини ёритишларидан шуниси аёнки, ўзининг шахсий ботирлиги, довюраклиги билан ажралиб турган шаҳзода Жалолиддин Мангуберди кўшин орасида катта эътибор топган. Ушбу жангда ўз қаҳрамонлиги билан хоразмликларни ортидан эргаштира билган, бу билан Хоразм кўшинини шармандали мағлубиятдан сақлаб қололган.

Бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонни ўзига бўйсундириши натижасида Хоразмшоҳ Муҳаммад мусулмон дунёсида энг қудратли ҳукмдорга айланди. 1215 йил кузига келиб ўз давлати таркибига ғурийлар давлатининг қолган ерларини ҳам бўйсундириб, уларга ҳукмдор қилиб ўз ўғли Жалолиддин Мангубердини тайинлади. Отаси Текаш каби Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳам Аббосийлар халифалигига қарши қатъий кураш олиб борди. Халифалик йиллар давомида йилдан-йилга куч-қудрати ўсаётган Хоразм давлатининг равақини кўра олмай, унга қарши ҳар хил йўллар билан курашиб келди. Ўз навбатида Хоразмшоҳ Муҳаммад ҳам Аббосийлар халифалиги ҳукмронлигининг қолдиқларини тугатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Номигагина мусулмон оламининг ҳукмдори бўлиб

<sup>1</sup> Академик В.В.Бартольд. Соч., т.1, 437-бет

<sup>2</sup> Абулғозий. Шажараи турк. Тошкент, “Чўлпон”, 1992 й, 63-бет.

келаётган халифалик ҳарбий-сиёсий жиҳатдан заиф бўлса-да, унинг анъанавий ғоявий таъсири анча кучли эди. Хоразмшоҳ пайғамбарнинг куёви бўлмиш тўртинчи халифа Алининг авлодларидан бирини сиёсат майдонига чиқариб, уни халифа ан-Носирга қарама-қарши қўяди, шу тариқа аббосийларнинг азалий душмани бўлган шиа мазҳабидаги мусулмонлар билан аббосийларга қарши курашда бирлашади. Хоразмшоҳ Муҳаммад халифаликдаги ички зиддиятлардан ўз мақсадида фойдаланмоқчи бўлади.

1215 йилда Хоразмшоҳлар мулкига Хоразмшоҳнинг Завзандаги ноиби Аминаддин Абу Бакрнинг ёрдами билан Кирмон вилояти ҳам қўшиб олинади. Сўнг Хоразмшоҳ кўшинлари ўз йўналишини Шарққа томон ўзгартириб, Белужистон ва Макронни эгаллайдилар. Кейин кўшин Ормуз бўғозига чиқиб, Ормуз ҳокими Маликни хутбани Хоразмшоҳ номига ўқишга ва Хоразмшоҳлар давлатига бож тўлашга мажбур этади. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, ҳатто Оманда ҳам хутба Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад номига ўқиладиган бўлди<sup>1</sup>.

Хоразмшоҳлар давлати у даврга келиб ҳудудий жиҳатдан ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига етган эди. Хоразмшоҳлар давлатининг бу тахлит кучайиши, албатта, мусулмон дунёсида ўз таъсирини сақлаб туришга интилаётган Бағдодга, халифа ан-Носирга ёқмас эди. Унинг Хоразмшоҳлар давлатига муносабати салбийлигича қолмоқда эди. Айниқса, халифа ан-Носирнинг Хоразмшоҳлар давлатига душманлиги, Эрон Ироқида ноиб Сайфиддин Ўғламиш хутбани Хоразмшоҳ номига ўқитгач, бениҳоя кучайди. Сайфиддин Ўғламишнинг бу ишидан халифа ан-Носир бениҳоя дарғазаб бўлиб, буни Хоразмшоҳнинг халифалик мулкларига кўз олайтириши, деб баҳолади ва ноибни қаттиқ жазолашга қарор берди. Халифа исмоилийлар ҳукмдори Жалолоддин Ҳасан билан музокара бошлаб, уни Сайфиддин Ўғламишни ўлдириш учун қотил юборишга кўндирди. Жалолоддин Ҳасан томонидан махсус юборилган қотил Сайфиддин Ўғламишни Маккадан қайтаётган ҳожиларни қабул қилаётган пайтда ўлдиради<sup>2</sup>. Ўрта асрларда Эронда ҳукмдорлик

<sup>1</sup> З. М. Бунятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 80-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда.

қилган исмоилийлар бузгунчилик ишлари билан машхур бўлганлиги аввалги саҳифаларда ҳам ёзилган эди.

Сайфиддин Ўғламишнинг ўлдирилиши билан Ироқда хутбани Хоразмшоҳ номига ўқитиш тўхтатилди. Шу муносабат билан Хоразмшоҳ Ироқда бу аҳволни қайта тиклаш билангина чегаралазмасдан, балки бу мамлакатни ўз таъсирига олишга қарор қилади. Хоразмшоҳнинг бу қарорга келишига яна бир сабаб шундан иборат эдики, Сайфиддин Ўғламишнинг ҳалокатидан фойдаланган Озарбайжон Отабеги Ўзбек ва Форс вассали Саъд ибн Занги Ироққа қўшин юбориб, Исфохон, Рай, Қазвин, Хувар шаҳарларини ва унинг атрофидаги қишлоқларни эгаллайдилар ва Ҳамадонгача бориб етадилар.

Хоразмшоҳ бундай аҳволга бефарқ қараб тура олмас эди. У шошилинч суратда 100 минг кишилик отлик қўшин билан Ироқ томон йўлга чиқади. Қумисда иккинчи бор ўз қўшинини кўздан ўтказди. Бақувват ва эпчил отлик жангчилардан 12 000 кишини таппаб, Рай томон илдам юради. Хайли Бузрук деган жойда форс Отабеги Саъд ибн Занги қўшини билан тўқнашади. Тўқнашув Хоразм қўшинининг ғалабаси билан тугайди. Саъд ибн Занги ўз аъёнлари билан асир тушади. Ўз иттифоқчисининг мағлубияти ва қудратли Хоразмшоҳнинг яқинлашуви Отабек Ўзбекни даҳшатга солади. У қўшинни вазири Нусратдинга ташлаб, ўзи 200 та ғуломи билан ўтиш қийин бўлган тоғлар орқасига яширинади. Хоразмшоҳлар қўшини Мойаниж деган жойда Нусратдин қўшинлари кетидан етиб олади. Бўлиб ўтган қаттиқ жанг Хоразм қўшинларининг ғалабаси билан тугайди. Голиб Хоразмшоҳ Отабек Ўзбек олдига ўз элчисини юбориб, ундан ўзининг Хоразмшоҳга қарамлигини тан олишни, ўз мулкида Хоразмшоҳ номидан танга зарб килдириш ва хутбани унинг номига ўқитишни талаб этади. Ноилож қолган Ўзбек талабларга рози бўлади ва уларни бажаради. Бундан ташқари Отабек Ўзбек ўз қарамлиги ва содикдигининг ифодаси сифатида Хоразмшоҳга ўз мулкидаги Фарразин қалъасини тортиқ қилади. Отабек Ўзбекнинг бутун хазинаси қўлига тушганлигини назарда тутиб, Хоразмшоҳ Мухаммад уни бож тўлашдан озод этади. Хоразмшоҳга тобе бўлиб қолган Отабек Ўзбек, унинг мулкига грузинларнинг вақти-вақти билан ҳалокатли босқинчилик юришлари ҳақида шикоят қилади ва

ундан химоя сўрайди. Хоразмшоҳ грузин подшосига махсус элчи жўнатиб, унга Озарбайжон ерлари эндиликда Хоразмшоҳлар мулки эканлигини эслатади, ундан бу мулкка босқинчилик юришлари қилишдан тийилишни талаб қилади. Грузия подшоси Муҳаммад Хоразмшоҳ олдига катта микдордаги зебу - зийнатлардан иборат совға-саломлар билан ўз элчиларини юбориб, улар орқали ўзининг Хоразмшоҳга самимий ва чуқур хурматини ва унинг (Хоразмшоҳнинг) талабига қатъий риоя қилажагини билдиради. Хоразмшоҳ Грузияга қарши ҳарбий юриш учун шу вақтнинг ўзида 50 000 кишилиқ кўшин ажратади. Бироқ, Бағдодга қарши ҳарбий юриш тайёргарлиги муносабати билан Грузияга юриш тўхтатилади. Форс Отабеги Саъд ибн Занги ҳам Хоразмшоҳ томонидан афв этилади. Бунга жавобан Саъд ибн Занги Муҳаммадга Эрондаги душман кира олмайдиган иккита қалъани тортиқ қилади. Хоразмшоҳ ўз қариндошини Саъд ибн Зангига эрга беради ва унга мулкидан йиғиб оладиган хирожининг учдан бирини Хоразмга Султон хазинасига жўнатиш мажбуриятини юклайди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, 1217 йилга келиб Хоразмшоҳ ўз қўл остига Эрон Ироқи, Мозандарон, Арран, Озарбайжон, Ширвон, Форс, Кирмон, Макрон, Манғишлоқ, Кеш, Сижистон, Ғур, Ғазна, Бомиён вилоятлари ва шаҳарларини бўйсундириб, чегараларини Ҳиндистонгача олиб бориб тақаган эди. Бу давр Хоразмшоҳлар давлати энг кучайган, куч - қудрати ошган давр ҳисобланади. Ўша давр тарихчиларининг ёзишларича, Хоразмшоҳлар давлати таркибида 400 дан ортиқ шаҳарлар мавжуд бўлган. Гурганж, Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Нишопур ва бошқа шаҳарлар жаҳоннинг ўша даврдаги энг кўркам ва юксак маданиятли шаҳарларидан бўлган.

Ёзма манбаларга кўра, Хоразмшоҳ Муҳаммад ўз мулкига қирувчи Самарқанд шаҳрига зўр қизиқини ва хурмат билан қараган. Шаҳарнинг иқлими, географик жойлашуви Муҳаммад Хоразмшоҳга уни Хоразм давлатининг пойтахтига айлантириш ғоясини берган. Шу мақсадда Муҳаммад дастлабки ишларни бошлаган.

Самарқандда Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмронлиги даврида қурила бошлаган катта ҳашаматли сарой ва мачит фикримизнинг

<sup>1</sup> Э.М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Алпштегинидов, 82-бет

далилидир. Бироқ Муҳаммаднинг салтанат пойтахтининг Гурганждан Самарқандга кўчириш тўғрисидаги фикрига Туркон хотун каттиқ қаршилик кўрсатади, Онасининг гапини ҳеч қачон икки қилолмаган Муҳаммад юқоридаги фикрдан қайтишга ёки ишни вақтинча тўхтатиб туришга мажбур бўлади. Жуда катта империя ҳукмдори бўлиб олган Хоразмшоҳ Муҳаммад эндиликда ўзининг азалий душмани - халифаликни бир ёқли қилишга, жуда бўлмаса Бағдодда ўз таъсирини кучайтиришга қарор беради. У халифа ан-Носирдан Бағдодда хутбани бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдори Хоразмшоҳ Муҳаммад номига ўқитишни талаб қилади. Бу билан отаси Хоразмшоҳ орзу қилган ишни амалга оширмоқчи бўлади. Бироқ, халифа ан-Носир Хоразмшоҳнинг бундай талабини рад этади. Шундан сўнг Муҳаммад ушбу ниятини ҳарбий куч билан амалга оширмоқчи бўлади.

Хоразм давлатининг ва унга тобе бўлган бошқа давлатларнинг барча ҳарбий кучлари Бағдодга ҳарбий юриш қилиш мақсадида бир жойга тўпланади. Бағдод устига ҳарбий юриш учун тўпланган кўшин сонини ўрта аср тарихчилари ҳар хил кўрсатишади. Ироқ тарихчиси Сибт ибн ал-Жавзий Хоразм кўшинларининг сонини 400 минг, 600 минг киши деб кўрсатса, Насавий 400 минг киши бўлган, шулардан 70 минги қорахитойлардир, деб кўрсатади. Мирхонд ва Хондамирлар 300 минг киши бўлган, деб ёзадилар<sup>1</sup>. Хоразмшоҳ иложи борича кўпроқ кўшин тўплашга ҳаракат қилди. Бундай катта ҳарбий тайёргарлик Хоразмшоҳ Бағдод устига ҳарбий юришга нақадар катта-эътибор билан қараганлигидан далолат беради.

Хоразмшоҳнинг қудратли кўшини Асадобод довонига етганда, ўша йили куз эрта тушганлиги сабабли қаттиқ совуқ бошланиб, қалин қор ёғади. Қишга деярли тайёргарлик кўрилмаганлиги туфайли, Хоразм кўшинидан кўпчилик ҳалок бўлади. Бу воқеа 1217 йилнинг кузида содир бўлган эди. Уч кун давомида кутурган бўрон қудратли Хоразм кўшинини кийратади. Хоразмшоҳ Муҳаммад Бағдодни эгаллаш фикридан воз кечиб, орқага қайтишга мажбур бўлади. Бўрондан омон қолган ва

<sup>1</sup> З.М.Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 86-бст



Хоразм томон чекинаётган қўшин қолдиқларига йўлда Парчам кўчманчи қабилалари ва Хаккар қабиласидан курдлар хужумлар уюштириб, уларни деярли яқсон қиладилар <sup>1</sup>. Хоразм қўшинининг муваффақиятсизлигида Олий Бош кўмондон сифатида бутун айб Хоразмшоҳ Муҳаммад зиммасига тушади.

Чунки, ҳукмдор ва саркарда сифатида у юриш олдидан табиат инжиклиги ва шароитларини ҳисобга олиши шарт эди. Қудратли Хоразмшоҳ қўшинларининг Бағдодга юриши шу тариқа аянчли ва шармандали тугади. Бу юриш қудратли Хоразм қўшинига катта зарба бўлди. Унинг илғор кучлари ва ўша давр ҳарбий техникаси табиатнинг инжиклиги туфайли яқсон бўлди. Бу муваффақиятсизлик қудратли Хоразмшоҳ номига доғ бўлиб тушди.

Тарихий манбаларда кўрсатилмаса-да, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг Бағдод устига муваффақиятсиз юриши ҳамда унинг қудратли ва сараланган қўшини қор бўронлари ва қаттиқ совуқда ҳалок бўлишига оид тарихий манбаларни қунт билан ўрганиш Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг мўғулларга қарши очик курашга юраги бетламагани ва бу урушда мағлубиятининг асосий сабабларидан бири Хоразм қўшинининг сараланган жангчиларининг Асадобод довоидаги қор бўронларида ҳалок бўлганлиги бўлса керак, деган фикрга олиб келади. Чунки, Муҳаммад ўша юришнинг натижаси унинг учун ва Хоразм давлати учун на қадар катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниб, ўзининг энг сараланган, жанговар синовларда чиниққан жангчиларини олган эди.

Бағдодга ҳарбий юриш муваффақиятсиз чиққанидан ниҳоятда жиғибийрон бўлган Муҳаммад Хоразмшоҳ халифага қарши душманлик ниятидан воз кечмади, иккинчи юришни уюштиришни режалай бошлади. Бироқ, мамлакатнинг шарқий чегараларида мўғуллар қўшини анча фаоллашиб қолганлиги ҳақидаги хабар Муҳаммадни шошилиш суратда мамлакат ичкарасига жўнаб кетишга мажбур қилади. Йўл-йўлакай Хоразмшоҳ ўз ҳукмронлигидаги шаҳарлар - Нишопур, Марв, Серахс, Балх, Бухоро ва бошқаларда хутбадан халифа номини

<sup>1</sup> Ўша жойда.

чиқариб ташлашни буюради. Бағдодга муваффақиятсиз юришдан сўнг Муҳаммад Хоразмшоҳ Гурганжга эмас, балки сўнгги пайтларда унинг доимий ошени бўлиб қолган Самарқанд шаҳрига боради. Бунга сабаб, биринчидан, Хоразмшоҳнинг Самарқанд иқлимини ёқтиргани бўлса, иккинчидан, мўтуллар хавфига яқинроқ жойда туриш зарурияти эди.

Гурганжда Туркон хотун мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнаётган эди. Туркон хотун давлат ишларига аралашар, амалдорларни тайинлашда ўғлига маслаҳат берар, Муҳаммад эса онасининг айтганидан деярли чиқмас, унинг барча маслаҳатларига қулоқ солар эди.

Натижада, Туркон хотуннинг ҳаракати туфайли Хоразмшоҳлар давлатида Туркон хотуннинг уруғдошлари бўлмиш кипчоқларнинг обрў-эътибори ошиб боради. Хоразмшоҳлар давлатини вужудга келтирган маҳаллий турк (Хоразм) беклари Хоразмшоҳлардан тобора узоқлаштирила боради. Натижада хукмдордан уларнинг кўнгли аста-секин совий бошлайди. Фикримизча, Туркон хотуннинг давлат ишларига керагидан ортиқча аралашуви ва қудратли Хоразмшоҳнинг онасининг сўзидан чиқа олмаслиги натижасида мамлакатда юзага келган кучли ички зиддиятлар қудратли Хоразм давлатини ҳалокатга учратган сабаблардан яна бири бўлса керак.

Айнан Туркон хотуннинг ҳаракати билан давлатда ишларида кипчоқлар ҳал қилувчи мансабларни эгаллай борадилар. Вазир Низомулмулк мансабдан олиб ташлангач, Муҳаммад вазирликка, онасининг маслаҳати билан, унинг собиқ гуломи Муҳаммад Солиҳни тайинлайди. Туркон хотуннинг маслаҳати билан хукмдор тахт вориси қилиб ўта қобилиятли, шерюрак, туркман хотини Ойчечакдан туғилган ўғли Жалолиддинни эмас, балки кипчоқ хотинидан туғилган, қобилиятда Жалолиддиндан ўтолмайдиган ўртанча ўғли Кутбиддин Ўзлокшоҳни белгилайди. Натижада туркманларнинг Хоразмшоҳдан ихлоси қайтади. Тахтнинг қонуний меросхўри бўлиши лозим бўлган Жалолиддин Мангубердига Хоразмдан узоқ ғурийлар сри (Хиротдан ташқари) теккани ҳолда, худди ўша Туркон хотуннинг “доно” маслаҳати билан ҳали балоғатга етмаган шаҳзодалар Ғиёсиддин Пиршоҳ, Оқшоҳ, Рунаддин Гурсағжи, Хуршоҳлар Хоразм, Хуросон ва

Мозандарондаги мулкларга эга бўладилар. Бу вилоятлардаги асосий ҳукмдор амалда Туркон хотун бўлиб қолди.

Туркон хотуннинг давлат ишларига вақт-бевақт аралашishi аста-секин ҳукмдорнинг газабини чиқариши табиий эди. Натижада Хоразмшоҳ билан онаси Туркон хотун ўртасидаги муносабат кескинлаша боради. Бирок, фурсат қўлдан берилган эди. Гурганжда ва кўпгина вилоятларда Туркон хотуннинг таъсири кучли бўлиб, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг обрўсига анча путур етган эди. 1218 йил мартада Хоразмшоҳ Муҳаммад Низомулмулкни қобилиятсизлик ва ўз мансабини суистеъмол қилишда айблаб, вазирликдан олиб ташлайди ва: “Ўз устозининг хузурига бор”, деб хайдаб юборади. Бу қисқа гапда катта мазмун бўлиб, унда Туркон хотун номига кесатиш мавжуд эди. Мансабдан хайдалган вазирни Гурганжда, жуда яхши кутиб олган Туркон хотун билан ўгли ўртасидаги муносабатлар янада кескинлашади. Муҳаммадга бу ҳақда батафсил маълумот етиб боргач, у даргазаб бўлиб, яқин кишиларидан Иззаддин Тўғрулни собиқ вазир Низомулмулкни қатл қилиш тўғрисидаги фармон билан Гурганжга жўнатади.

Бирок Гурганжда Туркон хотун Иззаддин Тўғрулга бу фармонни амалга оширишга йўл қўймайди, аксинча, барча сарой аъёнлари олдида Хоразмшоҳ Низомулмулкни сарой девонбошиси қилиб тайинлади, деб эълон қилишга мажбур этади <sup>1</sup>. Қизиғи шундаки, Хоразмшоҳ Туркон хотуннинг бу қарорига розилик беришга мажбур бўлади. Бу мисол Туркон хотун таъсиридаги вилоятларда Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳокимияти тан олинмаганлигидан далолат беради.

Вазир Низомулмулк мансабдан олиб ташлангач, Хоразмшоҳ унинг ўрнига жамоа раҳбарлик ташкилотини тузди, яъни давлат вазири иши эндиликда саройнинг олтига вакили зиммасига юклатилиб, улардан бири саройдаги ҳужжатлар девони бошлиғи вазифасини бажарди. Хоразмшоҳнинг анъанавий бюрократак бошқариш усулини бундай шаклдан жамоа бошқариш усули билан алмаштариши ўша даврда ижобий натижа бериши мумкин эмас эди. Шундай қилиб, аббосийлар томонидан яратилган,

<sup>1</sup> Академик В.В.Бартольд. Соч., т1. 444- бет.

тоҳирийлар ва сомонийлар даврида ривожлантирилган шарқий мусулмон сиёсий тузуми эндиликда бутунлай емирилишга юз тутган эди. Зоҳиран ниҳоятда қудратли ва дабдабали кўринган Хоразмшоҳлар давлати чуқур ишқирозга юз тутган эди. Хоразмшоҳ ўз ҳукмронлик фаолиятининг сўнгги йилларида ўзининг амалга оширган айрим ишлари билан мамлакат ичида ўзининг таянч кучлари йўқолишига сабаб бўлган эди. Хоразмшоҳ Муҳаммад мамлакатни бошқаришда амалга оширган сиёсий ислохот Туркон хотун бошлиқ ҳарбий табақа ва сарой амалдорларини унга қарши қилиб қўйган эди. Хоразмшоҳнинг 1216 йилда диний арбоб шайх Маждиддин ал-Бағдодийни қатл қилдириши, 1217 йил кузида Бағдод халифаси устига қилган ҳарбий юриши диний уламоларнинг Муҳаммаддан ихлосини қайтарган эди. Шунинг учун ҳам Хоразмшоҳ ўз давлатида дин аҳллари ичида ҳам таянчга эмас эди.

Шунингдек, Муҳаммад ўз давлати фуқаролари орасида ҳам таянч кучга эмас эди. Чунки, дастлаб халқ оммаси Хоразмшоҳни адолатли ҳукмдор ва гайридинлардан халос қилувчи сифатида қабул этиб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган эди. Бирок, Хоразмшоҳ Муҳаммад зулмга, адолатсизликка қарши бош кўтарган ўз халқини қонга ботиради, унинг кескин норозилигига ва қаҳру ғазабига дучор бўлади. Шундай қилиб, мўғуллар хужуми арафасида Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз мамлакатадаги давлат тизимига ва аҳоли ичидаги ҳеч бир табақага суяна олмас эди.

Бинобарин, бундай давлат билан дунёда энг машҳур сиёсий ва ҳарбий ташкилотчилар бошчилик қилган кучли кўчманчилар ўртасидаги кураш натижаси қандай бўлишини англаш қийин эмас эди. Ҳақиқатан ҳам, кейинги воқеалар юқоридаги тахминлар тўғрилигини тасдиқлади. Бениҳоя катта ҳарбий куч, аҳоли ва моддий имкониятларга эга бўлган Хоразмшоҳлар давлати, афсуслар бўлсинки, ғоят қисқа вақт ичида, ўзидан анча кам ҳарбий кучга ва имкониятга эга бўлган мўғуллар босқини натижасида қулади. Мусулмонлар бошига дахшатли кулфатлар ёғилди. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг Бағдодга юриши муваффақиятсиз чиқиши унинг халқаро обрўсига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга, иззат нафсига ҳам қаттиқ теғди. Бу

муваффақиятсизлик Ҳоразмшоҳлар кўшинининг куч-қудратига ҳам анча зиён етказди. Асадобод доводнидаги қорбўронда Ҳоразмшоҳ кўшинининг илғор қисми ҳалок бўлганида Олий кўмондон сифатида Ҳоразмшоҳ Муҳаммад ҳам айбдорлиги ҳақида ёзган эдик. У тажрибали саркарда сифатида тоғ иқлимининг инжиқликларини ҳисобга олиб, Бағдод юришини кеч кузга тайинламаслиги лозим эди. Бироқ вақт ўтган эди. Ҳоразм кўшинига табиат катта зарба етказди. Хива хони тарихчи Абулғозий ўзининг “Шажарайи турк” китобида бу юриш ҳақида ҳам тўхталиб, уни “Султон Муҳаммад давлатининг қайтиши”<sup>1</sup> деб баҳолади.

Ўтмишдаги ва ҳозирги тарихчи олимлар таъкидлаганларидек, Ҳоразмшоҳнинг муваффақиятсиз Бағдод юриши ва унинг натижасида Ҳоразм кўшинларига етказилган катта миқдордаги зарар (400 минг кишилиқ сараланган кўшиндан маҳрум бўлиш) нинг ўрнини ўша давр шароитида қисқа муддат ичида қоплаш мумкинлиги, ҳарбий куч-қудратни илгариги даражага етказиш имконияти мавжудлиги шубҳа туғдиради. Мўғуллар ҳужуми бошланган пайтда Ҳоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад кўшинида 400 мингга яқин навқар бўлса-да, ҳар ҳолда Асадобод доводнидаги катта ҳарбий йўқотиш Ҳоразмшоҳнинг мўғулларга қарши кураш усулига ўз таъсирини ўтказган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Бағдод юришининг муваффақиятсиз чиқиши Аловуддин Муҳаммадга қаттиқ таъсир қилган бўлса-да, бироқ уни Бағдодни қўлга киритиш ва халифаликда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ниятидан қайтара олмади. У янгидан куч тўплаб бир ҳамла билан Бағдодни эгаллаш режасини бошлади. Бироқ, тақдир ўйини унинг бу режасини амалга оширишга йўл бермади. Муваффақиятсиз Бағдод юришидан кўп ўтмай, Ҳоразмшоҳ шарқий чегараларида мўғуллар ҳаракати кучаяётганлиги ҳақида хабар олади. Мамлакат пойтахти Гурганж бўлишига қарамасдан, у Самарқандда тўхтади. Унинг Самарқандга тўхташига иккита сабаб бор эди. Биринчидан, Самарқанд мўғуллар хавфи кучаяётган шарқий чегараларга яқин бўлиб, мўғуллар ҳужум қилган тақдирда, тезда уларга пешвоз чиқиш мумкин эди, иккинчи сабаби пойтахт

<sup>1</sup> Абулғозий. “Шажарайи турк”, 63-бет.

Гурганж ва унинг атрофидаги ерлар Аловиддин Муҳаммаднинг онаси Туркан хотун таъсиридаги ўгилларига такдим этилган ўлиб, у ерларда Аловиддин Муҳаммад Хоразм ҳукмдори деб тан олинса-да, бироқ амалда ҳукмдор Туркон хотун эди. Туркон хотун у вилоятларни ўзи мустақил бошқарар, мансабдор шахсларни ўзи тайинлар ва ўзи ишдан олар, ўзи жазолар ва ўзи афв этар эди. Бир сўз билан айтганда, у ерлар давлат ичидаги давлат эди. Шунинг учун ҳам Хоразмшоҳ Муҳаммад онаси Туркан хотун билан тез-тез кўришишдан ўзини олиб қочар эди. Насавийнинг ёзишича, агар хорижий мамлакатлар ҳукмдорларига Хоразм давлатидан бир масала юзасидан икки хил истак изҳор этилган ҳужжат келса, улар бу ҳужжатларнинг тайёрланган вақтига қарар эдилар ва сўнги вақт билан имзоланган ҳужжатга эътибор берар эдилар<sup>1</sup>. Насавийнинг гувоҳлигига қараганда, Аловуддин Муҳаммад у даврга келиб ўз онаси маккор Туркон хотуннинг таъсирига шу даражада тушиб қолганки, ёки бошқача қилиб айтганда, Хоразм давлатида Туркон хотуннинг таъсири шу қадар ўсганки, натижада қудратли Хоразмшоҳлар давлатининг ҳукмдори Муҳаммад мамлакат ичкарасидагина эмас, балки халқаро майдонда ҳам Хоразм юртининг ягона ҳукмдори сифатидаги ролини бой бериб қўйган эди.

Аловиддин Муҳаммаднинг Туркон хотунга қарши чиқа олмаслигига, унинг истакларини сўзсиз бажаришига ҳам иккита сабаб бор эди. Биринчидан, Аловиддин Муҳаммад ўгил фарзанд сифатида ёшлигидан ўз онасининг сўзига кулоқ беришга, унинг барча топшириқларини бажаришга одатланган бўлса, иккинчи сабаби Хоразмшоҳнинг катта қудратга эга бўлган саркардаларининг кўпчилиги онасининг уруғидан (қипчоқ) эди. Шунинг учун ҳам ҳукмдор ўз онаси билан орани бузишдан чўчир, ён берар, натижада ягона ҳукмдор сифатидаги унинг таъсири пасаймоқда эди. Қипчоқ саркардаларига Хоразмшоҳ кўп ҳам ишонавермас эди.

Ўтмишдаги тарихчи олимларнинг кўпчилиги Аловиддин Муҳаммад 400 минг кишилик қўшинини бир жойга тўплаб, Чингизхонга қарши чиқишни истамаганлиги сабабини унинг

<sup>1</sup> Шихабуддин ал-Насавий. Жизнисописание Султана Джелал ал-Дина Манкбурни. Баку. "ЭЛМ", 1973, 81-бет.

қилчок саркардаларига ишонмаганлигидан ва ўзининг тақдири учун хавогирда бўлганлигидан излайдилар. Бизнинг назаримизда, бу тахминларга эътироз билдириш мумкин. Тарихий манбаларн.: ўрганиш Хоразмшоҳлар давлатида мўғуллар босқини арафасида бир мамлакатда икки хукмдор мавжуд бўлганини кўрсатади. Ўша даврга келиб мамлакатда иккита пойтахт шаҳар - Гурганж ва Самарқанд, иккита хукмдор - Туркон хотун ва Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад мавжуд эди. Самарқандда Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммаднинг шоҳлик саройлари бўлиб, у ердан Муҳаммад Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад имзоси ва муҳри билан фармонлар берса, Гурганжда ўзига Худованди жаҳон (Бутун олам хукмдори) унвонини олган Туркон хотун ўз саройида “Исмаат ад-дунйа ва-д-дин Улуғ Туркан Малика нисо ал-аламайн”<sup>1</sup> (Жаҳоннинг ва диннинг ҳимоячиси, икки дунё аёлларининг хукмдори Улуғ Туркон хотун) унвони билан имзо ва муҳрлар қўйиб, фармонлар берар, ўзи билиб ёки билмай, ушбу қилмиши билан буюк Хоразмшоҳлар давлатининг илдизига болта урар эди.

Мўғулларнинг Хоразмга хужуми арафасида Туркон хотун ва унинг аёлилари Гурганжда Хоразмшоҳ саройида Хоразм давлатига кўшиб олинган мамлакат ва вилоятлар хукмдорларининг гаров сифатида сақланаётган фарзандларини жисмоний жихатдан йўқ қилишлари Чингизхон билан катта кураш олдидан Хоразм давлатини сўнгги иттифоқчилардан ҳам маҳрум қилди. Бундай ёвузлик Хоразмшоҳлар давлати обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатди.

Араб тарихчиси ибн ал-Асир ёзганидек, мўғуллар Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад ерларига ҳеч қанақа тўсқинликсиз, тўғридан-тўғри кириб келдилар. Чунки ўзга юртларни ва мамлакатларни босиб ола бориб, Муҳаммад уларнинг хукмдорларини ўлдириб, йўқ қилиб ташлаган эди. Бутун мамлакатнинг ягона султони бўлиб қолган эди. Муҳаммад мўғуллар билан уруш қилмасдан қочганида, мамлакатда мўғуллар йўлига тўсиқ бўлувчи ҳеч ким йўқ эди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 128-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 129-бет.

Хоразмшоҳлар давлатининг яна бир заиф томонларидан бири, тахт меросхўрлари орасида мавжуд бўлган тахт учун ўзаро ички кураш эди. Насавийнинг ёзишича, Туркон хотуннинг хоҳиши туфайли бу ишда ҳам адолат бузилди. Ўзидан катта икки акаси - Жалолиддин Мангуберди ва Рукнаддин Гурсанжий бўлишига қарамасдан, тахт вориси қилиб Туркон хотуннинг эркатойи Ўзлокшоҳ тайинланди<sup>1</sup>. Мўғуллар ҳужуми арафасида Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад мамлакат худудини катта-катта тўртга мулкка бўлиб, шундан Туркан хотун хукмронлиги остида бўлган Хоразм, Хуросон ва Мозандарон ерлари ҳам тахт вориси бўлмиш Ўзлокшоҳга тегишди. Бир сўз билан айтганда, Чингизхон бошлиқ кўчманчи мўғуллар ҳужуми хавфи туғилган шундай пайтда қудратли Хоразмшоҳлар давлатида ички зиддиятлар кучайган бўлиб, уларни баргараф этишга Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммаднинг иродаси ва кучи етмади.

Хоразм давлати ҳарбий жиҳатдан кучли бўлган мўғуллар давлати билан бевосита чегарадош бўлиб қолган бир пайтда ўзига керагидан ортиқча баҳо беришга ўрганган Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад дипломатлик қилишга, душманнынг заиф томонларидан фойдаланишга асосланган ташқи сиёсат юргизиб, бўлгуси тўқнашувнинг олдини олиш, фурсатдан фойдаланиб келгуси курашга тайёрланишга қобилиятсиз бўлиб чиқди. Аксинча, Чингизхон карвонига ҳужум қилиб ва элчиларни ўлдириб, бу тўқнашувни тезлаштирди. Ўтмишдаги алломаларнинг таърифича, Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад урушдан қочувчи эмас, балки уни изловчи эди. У беақл, нодон сиёсати туфайли фақат салтанатни эмас, балки бутун Шарқ маданиятини ҳалок қилди. Хоразм давлатининг бошига кулфат тушиб, мўғуллар бостириб кирган пайтда эса Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад мўғул босқинчиларига қарши курашни ташкил этишда аниқ ҳеч нарса қилолмади. Бир неча жиддий хатоларга йўл қўйдики, оқибатда бу хатолар ўз даврининг энг қудратли ва юксак маданиятли давлати бўлган Хоразмни чет эл босқинчилари олдида ҳимоясиз қилиб қўйди ва қисқа бир муддатда ҳалокатга учрашига сабаб бўлди. Энди Чингизхон бошлиқ марказлашган

<sup>1</sup> Шихабиддин ан-Насавий. Жизнисописание Султана Джелал ад-Дина Манкбурни. Бизу. "ЭИМ", 1973, 58-бет.



мўгул давлатининг ташкил топиши тўғрисида ҳам бир неча оғиз сўз айтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хоразмшоҳ Мовароуннаҳр, Манғишлоқ ва Эроннинг катта қисмини бирлаштириб, Хоразм давлатининг таркибига қўшиб олаётган бир вақтда, олис Мўғулистонда кўчманчи феодаал давлати вужудга келаётган эди. XII аср охири ва XIII аср бошларида доимий ўзаро низода бўлиб келган кўчманчи қабилалар - найманлар, қоритлар ва маркитлар (жами 12 дан ортиқ қабилла) ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши натижасида уруғ-қабилачилик муносабатлари қолдиқлари сақланиб қолган сиёсий феодаал жамиятига ўтишган эди. “Мўгул” атамаси этник мазмундан кўра кўпроқ сиёсий мазмунга эга. Халқ ўзини энг кўп сонли қабилаларнинг номи билан “тотор” деб атади. Русларга ва ўзлари босиб олган бошқа халқларнинг аксариятига улар мана шу номда маълум бўлишган. Қабилаларни бирлаштириб мўгул давлатини яратган Темучин 1206 йилдан сўнг Чингизхон номини олди. У баланд бўйли, малла соч, кулранг кўзли киши бўлган. Фашизм даврида Гитлер ана ўша сифатларни назарда тутиб, Чингизхон орийлардан эди, унинг ишини мен давом этдиришим керак, деб даъво қилган<sup>1</sup>.

Чингизхон кўп сонли ва яхши қуролланган қўшин тузишга, уни сафлашга ва интизомга жуда катта эътибор берарди. Хоразмшоҳлар давлатида қудратли қўшиндаги кўп эътиборли амирлар Туркон хотунга тегишли бўлиб, ҳукмдордан асло ҳайикмаган бир пайтда, Чингизхоннинг кўчманчилардан иборат қўшинида темир интизом мавжуд эди. Жанговарлик сифати, мардлиги, уруш техникаси, қуролланиш ва сон жиҳатидан Хоразмнинг қудратли қўшинидан сира ҳам устун бўлмаган, балки, ҳатто анча паст бўлган мўгул қўшини ундан бир жиҳати билан - темир интизом, метиндек бирлик ва Чингизхонга қулларча сизиниш ва бўйсунуниш билан устун эди.

Эрон тарихчиси Жувайний ўз асарларида мўғуллар қўшинининг тузилишини ёзиб қолдирган. Аҳоли жангу жадалдан бўш пайтида чорвачилик билан шуғулланар, ҳарбий ҳолатларда эса ўнлик санок бўйинча ўнлик, юзлик, минглик, туман (ўн

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи, I-жилд.

минглик) лардан иборат қўшинга бирлашар эди. Ёзилмаган қонунга мувофиқ ҳар бир жангчи ўзи учун керак бўладиган жами нарсани, яъни қурол-яроғ, камон, ўқ, қилич, от-улов, туя, эшак, хилма-хил асбоб-ускуна, арқон, қозон, игна, болта ва ҳоказо ашёларни олдиндан тайёрлаб қўйиши керак бўлган. Қўшинга юзбоши, мингбоши ва туманбоши деб аталган саркардалар раҳбарлик қилишган, улар мўғул ҳарбий аслзодаларининг вакиллари баҳодирлар, мерганлар, сеченлар ва нўёнлар эди. Туманбошилар гоҳо шахзодалардан бўларди. Асосий қўшиндан ташқари Чингизхоннинг хусусий лашкари “кешик” ҳам бор эди. Бироқ у ахъён- ахъёндагина жангга ташланар ва ўта хавфли ҳолатлар учун сақлаб туриларди<sup>1</sup>. Мўғулларни бирлаштириб бўлганидан кейин 1209 йили Чингизхон Хитойнинг Шимоли-Шарқидаги Тангит мамлакатига юриш қилди. Бой ўлжаларни қўлга киритди. 1211 йили Чингизхон катта қўшин билан Хитойга юриш бошлади. Унинг бир қанча шаҳарларини талагач, 1214 йилда орқага қайтди.

1215 йилдан у иккинчи марта юришга отланди. Бу сафар Пекини қўлга олиб, Цинь сулоласини ағдариб ташлади ва Шимолий Хитойни мўғул давлатига қўшиб олди. Бу юришда Чингизхон янада кўпроқ ўлжага эга бўлди. Бироқ, энг муҳими шу эдики, у хитойларнинг ҳарбий техникаси билан танишди ва уларни қўлга киритди. Мўғулистонга на фақат қўллаб миқдорда хитой қурол-аслаҳасини, балки, камал қурилмаларини, уларни тайёрлаб бошқара оладиган одамларни ҳам олиб келганди. Шу туфайли ҳам Чингизхон қўшинини ўз даврининг энг мукамал қурол-яроғ аслаҳаси ва ҳарбий техникаси билан қуроллантира олди<sup>2</sup>.

Шимолий Хитойни ўзига бўйсундиргач, Чингизхон ўтмишдаги душмани Қушлухонга зарба бермоқчи бўлади. Қушлухон пайман қабилаларининг сардори бўлиб, мусулмонларга қарши сиёсати билан ном чиқарган эди. Чингизхон томонидан 1211 йилда Қушлухон бошлиқ найманлар ва меркитлар тор-мор қилинган, Қушлухон қорахитойлар мамлакатига келиб Гурхон саройида бошпана топади. 1213 йилда

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи, I-жилд, 131-бет.

<sup>2</sup> Уша жойида.

қорахитойлар ҳукмдори Гурхон Жумху вафотидан сўнг, Қушлухон қорахитойлар давлатининг ҳукмдори бўлиб қолади. У Шарқий Туркистонда ўрнашиб олиб, маҳаллий мусулмонларга зулм ўтказди. У ердан туриб, Хоразмшоҳлар давлатининг шимолий ҳудудларига, Фарғона водийсига бир неча юришлар қилиб, мусулмонларни қийратса-да, ислом султони деб аталган Хоразмшоҳ Муҳаммад Қушлухонга қақшаткич зарба бера олмади. Унга қарши амалда кескин юриш ҳам уюштиргани йўқ. Аксинча, Чингизхон 1217 йилда Пекинни ишғол қилгач, найманларга қарши юришини қайта бошлади. Қушлухоннинг мусулмонларга қарши олиб борган сиёсати натижасида мусулмонларда вужудга келган каттиқ норозиликдан Чингизхон усталик билан фойдаланди. Қашқар ва Хўтандаги мусулмонлар Чингизхон қўшинини халоскорлар сифатида қабул қилдилар. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар. Чингизхон бу ерларда барча фуқаролар учун дин эркинлиги (ҳар бир кишининг қайси динга эътиқод қилиши ихтиёрийлиги) ни эълон қилди. Қашқар яқинида Жобо нўйон бошчилигидаги мўғул қўшини Қушлухон қўшинини тор-мор келтиради. Қушлухон Бадахшонга кочади ва Сариг Чопон (Помирда) қишлоғида маҳаллий овчилар томонидан қўлга олиниб, мўғулларга топширилади ва у қатл қилинади. Шундай қилиб, ўзини Султон Санжар, Ислом Султони деб атаган Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад енга олмаган Қушлухонни мўғуллар қисқа вақт ичида осонгина енгилар. Бу билан ўша ердаги мусулмон аҳолиси ўртасида катта обрўга сазовор бўлдилар. Кишиларни диний мансублиги учун таъқиб этмагани сабабли Чингизхон у ерда мусулмонларнинг қўллаб-қувватлашига ва ҳурматига сазовор бўлди.

Мовароуннаҳрни тўла эгаллаб олган Хоразмшоҳ эндиликда турли-туман афсонавий бойликлари бўлган Хитойни босиб олишни орзу қилмоқда эди. Унинг саройидаги яқин кишилари - аъёнлари Хитойнинг ниҳоятда узоқлиги, Хитой юриши мамлакат ва унинг хазинаси учун жуда қимматга тушиши мумкинлигини изоҳлаб, уни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилсалар-да, бироқ табиатан ўжар бўлган Аловиддин Муҳаммад ўз мақсадидан воз кечишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Худди шундай бир пайтда Хоразмшоҳлар саройига Хитой ва униинг пойтахти Пекин мўғуллар томонидан

истило қилинганлиги ҳақидаги хабар, миш-мишлар етиб келади. Бу хабарнинг тўғрилигини текшириб кўриш учун Хоразмшоҳ Баҳоуддин Розий бошчилигида ўз элчиларини Хитойга юборади. Форс тарихчиси Жувайнийнинг ёзишича (Жувайний Баҳоуддин Розий билан учрашганлигини ва бу маълумотларни унинг оғзидан эшитганлигини ёзади), элчиларнинг вазифаси, биринчидан, юқоридаги хабарларнинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириб кўриш бўлса, иккинчидан, Чингизхоннинг куч-қудрати ҳақида маълумот тўплаб келишдан иборат бўлади<sup>1</sup>. Элчилар Пекинга етиб борганларида Чингизхон ҳали у ерда бўлади. Чингизхон элчиларни 1215 йил июнда жуда катта ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олади. Улар орқали мўғуллар ҳукмдори Хоразмшоҳга катта миқдорда қимматбаҳо совға-саломлар бериб юборади. Совғалар орасида Хитой тоғларидан топиб олинган туянинг ўрқачига тенг келадиган соф олтин ёмбиси диққатга сазовор эди. Элчилар орқали Чингизхон Хоразмшоҳга ўз ҳурматини изҳор этиб, уни ғарбий ҳудудларнинг ҳукмдори деб таниганини, ўзи эса шарқий ҳудудларнинг ҳукмдори эканлигини таъкидлайди, ҳар иккала давлат ўртасида савдо-сотик муносабатларини ривожлантиришни таклиф этади. Шу мақсадда Хоразм элчилари билан биргаликда ўзининг элчилари ва катта савдо қарвонини Хоразмга жўнатади.

Чингизхоннинг элчиларини Аловиддин Муҳаммад Бухорода жуда яхши кутиб олади. Улар орқали Чингизхонга қимматбаҳо совға-саломлар юборади. 1218 йил баҳорда Хоразмшоҳ амир Хусайннинг ўғли Аҳмад Хўжандий ва Аҳмад Балхий бошчилигида Чингизхон мулкига янги савдо қарвонини жўнатади. Дастлабки ўзаро муносабатларда Хоразмшоҳ Муҳаммад ҳар иккала мамлакат ўртасидаги савдо муносабатларини ривожлантиришда ташаббус кўрсатади. Бироқ унинг бу ташаббуси узокқа чўзилмайди. Академик Бартольд “Чингизхон ва мўғуллар” асарида Хоразмшоҳ мўғуллар мамлакатига элчилар ва савдо қарвони жўнатганда ўз фуқароларининг тижоравий манфаатини кўзламасдан, балки сиёсий мақсадларни, ўз рақиби Чингизхоннинг куч-қудрати тўғрисида кўпроқ маълумот олиш мақсадини кўзлаганини ёзади<sup>2</sup>. Хоразм элчилари ва қарвони жўнаб кетгач, Чингизхон тезда Маҳмуд ал-

<sup>1</sup> Академик В.В.Бартольд. Соч., I, 461-бет.

<sup>2</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч., I, 462-бет.

Хоразмийни (Маҳмуд Ёловоч), Али Ҳожии ал-Бухорий ва Юсуф Кенка ал-Ўтрорийлардан иборат элчиларни ва қарвонни Хоразм давлати томон йўллайди. Чингизхон кўл остидаги Мўғулистон давлати ҳудудидан Мовароуннаҳрдан ва Хоразмдан кетган кўпгина мусулмон савдогарлар доимий истиқомат қилганларини эслатиш лозимки, номлари юқорида зикр қилинган Чингизхоннинг элчилари ҳам шулар жумласидан эди. Хоразмшоҳ Муҳаммад элчиларни ҳурмат-эҳтиром билан қабул қилади<sup>1</sup>. Элчилар Хоразмшоҳга Чингизхоннинг турли-туман қимматбаҳо совғаларини, мўғул ҳукмдорининг номасини топширадалар. Номада Чингизхон қудратли Хоразмшоҳ Муҳаммад ҳақида эшитганини, у билан яхши кўшничилик, дўстлик, тинчлик ҳақида шартнома тузиш ниятида эканини ва уни энг яхши фарзандларидан бири сифатида ҳурмат қилишини айтган эди. Чингизхон бу ўринда Хоразмшоҳнинг иззат-нафсига тегишни ўйламаган бўлиши ҳам мумкин.

Бироқ, ўша давр мусулмон Шарқи дипломатияси тилида бу сўзлар Чингизхон Хоразмшоҳни ўзинга тобе деб билишини аңглатар эди. Бу, албатта, кибр-ҳавоси баланд Аловиддин Муҳаммаднинг иззат-нафсига тегмасдан қолмади. Ўзини Иккинчи Искандар, Иккинчи Султон Санжар деб ҳисобловчи Хоразмшоҳга бундай истиқбол ёкмасди. Хоразмшоҳ иккинчи куни тунда элчилардан хоразмлик Маҳмуд Ёловочни ўз ҳузурига чақиртириб, у билан яширинча суҳбатлашади. Бу суҳбат мазмуни ҳақида Насавий ўз асарини (“Сийрат ус-султон”) да ёзиб қолдирган. Бироқ тарихий манбаларда Насавий бу суҳбат мазмуни билан қандай танишгани ҳақида маълумот йўқ.

Хоразмшоҳ Маҳмуд Ёловочдан Чингизхоннинг Хитойни босиб олганлиги тўғри-ноғрилигини сўрайди. Маҳмуд Ёловоч бу хабарнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Аловиддин Муҳаммад элчига унинг хоразмлик эканини эслатиб, сен Чингизхонга эмас, менга хизмат қилишинг керак, дейди. Хоразмшоҳ Маҳмуд Ёловочдан Чингизхон кўшинининг ҳақиқий куч-қудратини гапириб беришни сўраганда элчи Хоразмшоҳнинг вазоҳатини кўриб кўрқиб кетади ва сохта маълумотлар беради, “Қудратли Хоразмшоҳ кўшини қаршисида Чингизхон кўшини ёлғиз

<sup>1</sup> Ўша жойда.

суворийни эслатади”, дейди. Сухбат якунида Хоразмшоҳ Муҳаммад Маҳмуд Ёловочга, Чингизхон саройида унинг хуфяси бўлишини таклиф қилади, кўрққанидан Маҳмуд Ёловоч бунга кўнади. Хоразмшоҳ Чингизхон билан шартнома тузишга рози эканлигини айтиб, элчиларнинг қайтишига рухсат беради. Мўғулистонга етиб келгач Маҳмуд Ёловоч тунги суҳбатни батафсил Чингизхонга етказди ва мўғул ҳукмдори Хоразмшоҳ ниятидан огоҳ бўлади. Хоразмшоҳ билан шартнома тузилганидан кўнгли тўқ бўлган Чингизхон, Пекиндан Хоразмшоҳлар давлатига Умар ҳожи ал-Ўтрорий, ал-Жамол ал-Мароғий, Фахриддин ад-Дизаки ал-Бухорий бошчилигида 450 мусулмон савдогарлардан иборат катта карвонни жўнатади. Улар билан бирга карвонда яна мўғулларнинг ҳар қабиласидан 2-3 тадан кишилар бўлиб, улар Хоразм мамлакатидаги ноёб молларни Мўғулистон учун танлаш, харид қилиш иши билан шуғулланишлари лозим эди. Албатта, бу карвон ўз таркиби жиҳатидан савдо карвони бўлиши билан бирга, Хоразмшоҳлар мамлакатига келгусида қилинажак ҳарбий юришлар мақсадида маълумот тўплаш мақсадидаги жосуслик карвони ҳам бўлганлиги ҳақиқатга яқин.

Карвон Ўтрор шаҳрига келиб етганда шаҳар ҳокими, Туркон хотуннинг амакиваччаси Инолчиқхон буйруғига мувофиқ қўлга олинади, барча савдогарлар ва бошқалар ўлдирилади. Карвондаги моллар мусодара қилинади. Тасодиф туфайли омон қолган бир туякаш Чингизхон хузурига етиб бориб, фожиа ҳақида хабар беришга муваффақ бўлади. Насавийнинг ёзишича, Ўтрордаги фожиага асосий сабабчи Ўтрор ҳокими Инолчиқхон ва унинг очкўзлигидир. Карвондаги савдогарларнинг жуда қимматбаҳо молларидан кўзи ўйнаб кетган Инолчиқхон Хоразмшоҳга, карвондагилар ўзларини жосуслардек тутяптилар, деб шошилишч хабар юборади. Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад Инолчиқхонга карвонни мамлакат ичкарасига қўймасдан тўхтатиб туришни буюради. Бироқ, Туркон хотуннинг ҳимоясига ишонган Инолчиқхон катта фожиага қўл уради.

Араб тарихчиси Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Инолчиқхон катта бойликка эга бўлган карвон Ўтрорга етиб келгани ҳақида Хоразмшоҳга хабар беради. Хоразмшоҳ карвондаги барча

савдогар ва хизматчиларни ўлдириш ва бойликларни саройга юборишни буюради <sup>1</sup>. Жувайнийнинг ёзишича, Инолчиқхон ўзини аввалдан таниган ва карвон билан келган ҳинд савдогарининг беандиша муомаласи, яъни унинг исми шарифига “хон” сўзини қўшиб айтмаганидан каттиқ газаблангани учун карвонни тўхтатишга буйруқ беради. Карвондаги бойликларни кўргач, очкўзлиги тутиб, савдогарларни ўлдириш, молларини мусодара қилиш тўғрисида буйруқ беради.

Ҳинд савдогари билан Инолчиқхон ўртасидаги машаама фажианинг сабаби эканлиги ҳақиқатдан анча узоқдир. Фажианинг асосий сабаби Инолчиқхоннинг очкўзлиги ва Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг ниҳоятда гумондорлиги бўлиши мумкин. Чунки Алоиддин Муҳаммад Чингизхон олдига элчилар юборганда, у билан савдо муносабатлари ўрнатиш нияти самимий бўлмасдан, балки, ўз элчилари орқали Чингизхон ҳақида маълумот тўплашни кўзлаган эди. Ўз навбатида, Чингизхон ҳам ўз савдо карвони ва вакилларини юборар экан, худди шундай мақсадни кўзда тутганлига эҳтимолдан узоқ эмас. Чингизхон бу похуш хабарни ўзига хос совуққонлик билан тинглайди. Унинг ўғиллари Хоразмшоҳ устига дарҳол қўшин тортиб боришни талаб қилсалар-да, у масалани типчилик йўли билан ҳал қилишга қарор беради. Хоразмшоҳ ҳузурига элчи ибн Киррож Буғрони, ўзига содиқ икки киши ҳамроҳлигида юбориб, фажиана айбдорларини жазолашни ва Инолчиқни унинг ихтиёрига беришни қатъий талаб қилади. Бироқ, Хоразмшоҳ бу талабларни бажараолмас эди. Чунки, Инолчиқ Туркон хотуннинг амакиваччаси бўлиб, қипчоқ саркардалари билан қариндош эди. Табиийки, улар Хоразмшоҳ Инолчиқни ҳибсага олиб Чингизхонга юборишига йўл қўймас эдилар. Агар шундай қилса, қипчоқ саркардалари Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммадни сира кечирмас эдилар. Шу сабабдан Хоразмшоҳ “Ўтроқ фажиасига буйруқни мен берганман” деб тан олишга мажбур бўлади. Элчини ўлдиришни, ҳамроҳларининг соқолини олиб, қўйиб юборишни буюради. Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолоиддин Мангуберди отасига элчиларга нисбатан хушмуомала бўлишни, фажианинг асосий

<sup>1</sup> В.В.Бартольд. Соч. I, 465-бет.

айбдори Иполчиқни тутиб, Чингизхон хузурига юборишни маслаҳат беради. Сирдарё бўйларидан то Суриягача чўзилган катта давлатдаги мусулмонларнинг қони тўкилганидан кўра, битта одамнинг қони тўкилгани афзалроқ, дейди у. Бирок, Жалололдиннинг доно маслаҳатини инobatга олмасдан, Хоразмшоҳ Муҳаммад эндиликда Чингиз билан менинг ўртамиздаги баҳсни қилич ҳал қилади, дейди ва ўзининг машъум фармонини ўзгартирмайди.

Ўрта аср тарихчиларининг ёзишича, ўз элчисининг Хоразмшоҳ томонидан ўлдирилганлигидан хабар топган Чингизхон уч кеча-кундузни танҳоликда ўтказиб, худога сизиниб, айни мана бу таваллани такрорлаган: “Эй яратувчи таңғрим. Бу тўс-тўполонларнинг сабабчиси мен бўлган эмасман. Қасос олиш учун менга куч-қувват бағишла?”<sup>1</sup>. Шундай қилиб элчи ибн Киррож Бугронинг ўлдирилиши Чингизхоннинг сабр косасини тўлдирган охириги томчи, уни Хоразмшоҳлар давлати устига ҳарбий юришга бошлаган охириги сабаб бўлди.

Тарихчилар олдида, агар юқорида кўрсатилган фожиалар бўлмаганда, Чингизхон Хоразм давлати устига ҳарбий юриш қилармиди-йўқми, деган муаммога жавоб топиш туради. Хоразмшоҳлар давлатига қарши Чингизхоннинг ҳарбий юришига бағишланган асарларнинг муаллифлари Ибн ал-Асир, Жувайний, Насавийлар мусулмонларнинг қони дарё бўлиб оққан ушбу даҳшатли урушда асосий айбдор Хоразмшоҳ Муҳаммад ва унинг яқинларининг Чингизхонга нисбатан олиб борган кескин, нотўғри сиёсати, деб кўрсатадилар. Совет давридаги айрим тарихчилар эса аксинча, Чингизхонда бой, юксак ривожланган Хоразмшоҳлар давлатини босиб олиб, ўзига бўйсундириш режаси бўлган. Бирок, Хоразмшоҳ Муҳаммад ўзининг сўнгги ҳаракатлари билан Чингизхоннинг Хоразм давлатига ҳужумини тезлаштирди, деган фикрларни ёзадилар. Академик Бартольд “Чингизхон ва мўғуллар” номли асарида айни фикрларни келтиради<sup>2</sup>. Бу борада бизнинг ҳам ўз фикримиз бор, ёши 60 ларга бориб қолган Чингизхон, ўз давлатидан қудратлироқ бўлган Хоразмшоҳлар давлати каби кучли давлатга қарши уруш бошлаб,

<sup>1</sup> Э.М.Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 136-бет

<sup>2</sup> Академик В.В.Бартольд. Соч. т1,467 бет



ўз тақдирини таҳликага қўйиши, бизнингча, ҳақиқатдан анча узоқдир. Бизнинг назаримизча, Хоразмшоҳ узоқни кўра оладиган доно ташқи сиёсат юргизганида, бу тўқнашув бўлмаслиги ҳам мумкин эди.

Мирхонд ўз асарларида Чингизхоннинг Хоразм устига юришига асосий сабаб Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммаднинг Бағдодга қайта юришидан хавфсираган халифа ан-Носир Чингизхон хузурига элчи юбориб, ундан Хоразмга ҳарбий юриш бошлашни илтимос қилганлиги, деб кўрсатади. Бу ҳам бизнинг фикримизча, ҳақиқатдан анча йироқдир. Чингизхондек ҳийлакор, уста сиёсатдон ҳукмдор халифанинг илтимоси билан ўзи учун таҳликали бўлган бундай қалтис ишга қўл урмаган бўлур эди. Немис олими Мюллер ҳам “Ислоҳ” асарида Хоразмшоҳлар давлати билан Чингизхон давлати ўртасидаги тўқнашувни тезлаштиришга учинчи томоннинг аралашуви сабаб бўлди, деган фикрни инкор этади<sup>1</sup>. Шундай қилиб, Хоразмшоҳ ниҳоятда қалтис ва мудҳиш ишга қўл урди. Бир сўз билан айтганда, ўз ҳалокатини тезлаштиришда ташаббус кўрсатди. Икки ўртадаги савдо ва дипломатик алоқалар буткул узилди. Ҳар икки томон бўлғуси курашга тайёрлана бошлади. Хоразмшоҳнинг элчиларга нисбатан қилган бу жаҳолати ҳеч қанақа халқаро ҳуқуқ нормаларига тўғри келмас эди.

Эңдликда бу икки давлат ўртасида қонли уруш бўлиши муқаррар бўлиб қолди. Айрим манбаларда кўрсатилганидек, Чингизхон Хоразмшоҳга қарши урушга тайёрлана бориб, даставвал Қушлухонни бартараф этиши лозим эди. Шу мақсадда у Жобо нўён бошчилигидаги 20 минг кишилиқ мўғул қўшинини Қушлухонга қарши юборгани ва уни осонгина тор-мор қилгани ҳақида аввалги саҳифаларда эслатган эдик. Қушлухонни бартараф этгач, Чингизхон ўзининг 100 минг қўшини билан Хоразмшоҳлар давлати устига юришга чиқади. Хоразмшоҳлар хизматида бўлган қорахитойлар, хуросонликлар мўғуллар қўшини Хоразмшоҳлар мамлақати худудига кириши билан, ўз ҳукмдорига хиёнат қилиб, мўғуллар томонига ўтадилар. Чингизхоннинг ҳарбий муваффақиятларини таъмишлаган

<sup>1</sup> Ўша жойда.

омиллардан яна бири Хоразмшоҳнинг ўз амирларига, айниқса Туркон хотун уруғидан бўлган амирларига ишонмаслиги бўлди. Воқеаларнинг ривожини шуни кўрсатдики, Хоразмшоҳ, Аловиддин Муҳаммад унинг олдида, мамлакатнинг ҳаёт-мамоти каби ғоят масъулиятли вазифалар кўндаланг турган бир пайтда ҳукмдорга хос қатъиятлик, саркардага хос узоқни кўраолувчилик қобилиятини намойиш қила олмади.

Мўғулларнинг ҳужуми арафасида 1219 йил сентябрда Бухорода Хоразмшоҳ кўзга кўринган давлат арбоблари, бообрў амирлар, йирик саркардалар иштирокида ҳарбий кенгаш ўтказди. Кенгаш кун тартибига битта масала, яқинлашиб келаётган мўғуллар ҳужумига қарши қандай чора кўриш масаласи кўйилди. Бу масала юзасидан давлат ва ҳарбий арбобларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Ҳарбий кенгашда ягона тўғри таклифни (кўпчиликнинг фикрича) Шаҳобиддин ал-Хивакий киритди. У 400 минг кишилик Хоразм кўшинини Сардарёнинг нариёғига тўплаш, узоқ йўлдан чарчаб келган мўғул кўшинини дам олгани кўймай ҳужум бошлаб, яқин қилишни таклиф этади. Кенгашда иштирок этган шаҳзода Жалолиддин Мангуберди мўғул кўшинининг Мовароуннаҳрга кириб келишига йўл кўйиш, кейинчалик маҳаллий шароитни яхши билганликдан фойдаланиб, унга тўрт томондан ҳужум қилиб, тор-мор этиш таклифини ўртага ташлайди. Ҳарбий Кенгашда кўп таклифлар ўртага ташланиб, улардан бири кўп сонли Хоразм кўшинини қалъаларга бўлиб ташлаш ва ҳар бир қалъанинг муҳофаазасини ташкил этишни ўша қалъа ҳимоячиларга топширишни кўзда тутарди. Бу таклиф Хоразм давлати учун кучли маккор душман билан яккама-якка олишувда ҳалокатли таклиф эди. Афсуски, Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммадга ўша таклиф маъқул келади. Насавийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ ўзининг кўп сонли қудратли кўшинини қалъаларга бўлиб юбориб, тузатиб бўлмайдиган катта хатога йўл кўйди. Мўғуллар бўлиниб-бўлиниб кетган ҳарбий қисмларни - шаҳар кўриқчиларини осонгина тор-мор қилиб, қисқа фурсат ичида Мовароуннаҳрни эгалладилар. Европалик олимларнинг кўпчилиги ҳам Хоразмшоҳ Муҳаммад Чингизхонга қарши курашда нотўғри тактика қўллаб, ўз мамлакатини ҳалокатга олиб борган деб ҳисоблайдилар. Бундай фикр немис

олими Мюллер асарларида ҳам мавжуд. Академик Бартольд бундай фикрларга эътироз билдиради. Агар Муҳаммад ҳукмронлигининг сўнгги йилларини диққат билан кузатсак, деб уқтиради у, Хоразмшоҳда бошқа йўл йўқ эди, деб изоҳлайди. Кўп сонли кўшинлар, Чингизхон кўшини каби, темир интизомга эга бўлиб, бир марказга бўйсунгандагина уни бир жойга тўплаш мумкин бўлар эди. Афсуски, Хоразм кўшинида бунинг акси эди. Султон билан саркардалар ўртасида кучли адоват мавжуд бўлган ушбу шароитда юқоридаги ишнинг иложи йўқ эди. <sup>1</sup> Академик Бартольднинг юқоридаги фикрларига эътироз билдириб, шуни эслатардикки (буни аввалги саҳифаларда ҳам эслатганмиз) Хоразмшоҳ Муҳаммад 1217 йилги Бағдод юришида, жами ўз кўшинларини бир жойга тўплашга кўрқмаган эди-ку, нима учун икки йил ўтар-ўтмас, мамлакат ва салтанат учун муқаррар ҳалокат хавфи туғилган бир шароитда у бундай ишдан кўркиб қолди? Қандайдир сир бор. Албатта, агар Хоразмшоҳ кўшинни бир жойга тўплаб, унга Жалолоддин Мангубердидек қобилиятли жасур лашкарбошини тайинлаганида эди, Хоразмшоҳ кўшинлари Чингизхон кўшинларининг ҳужумини бартараф этиб, уларни яқсон қила олар эди. Бироқ, галабадан сўнг бу кўшин қуролини ўз султониغا қарши қаратиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас эди.

Европалик тарихшунос олим д'Оссоннинг таъкидлашича, Хоразмшоҳнинг ҳарбий куч-қудрати Чингизхоннинг қудратига нисбатан анча устун эди. Бироқ, саркардалари билан ўзи ўртасида душманлик муносабатлари мавжудлиги туфайли бу устунликдан у фойдалана билмади. Хоразм давлати учун ўлим хавфи туғилган шундай бир шароитда Хоразмшоҳ Муҳаммад яна бир катта хатога йўл қўйди. У ёлланма аскарларига ишониб, ўз фуқароларининг кўмагига суянмади. Уларни бирлаштириб душманга қарши курашга бошлаш ўрнига, уларни ўз ҳолига ташлаб, Хуросон томон кўрқоқларча қочди. 1219 йил сентябрда мўғуллар ўзларининг биринчи зарбасини Хоразм давлатининг чегара шаҳри бўлмиш Ўтторга қаратди. Шаҳар ҳокими аввалги саҳифаларда эслатганимиздек, Инолчиқхон бўлиб, Чингизхоннинг у билан алоҳида ҳисоб-китоби бор эди. Шаҳарни

<sup>1</sup> Академик В.В. Бартольд. Соч. т. I, 467-бет.

Инолчиқ бошчилигидаги 50 минг кишилик кўшин ва Хожи Қоража бошчилигидаги 10 минг кишилик кўшин ҳимоя қилиши лозим эди. Шаҳар яхши мустаҳкамланган ва узоқ мудофаага тайёрланган эди. Буни сезган Чингизхон кўшинининг бир қисмини ўз ўғиллари Чигатой ва Ўктой бошчилигида Ўтрорни қамал қилиш учун қолдирди. Қолган кўшинини уч қисмга бўлиб, бир қисмини катта ўғли Жўжи бошчилигида Ўтрордан шимолда жойлашган Жанд ва Барчинликкент қалъаларини эгаллашга, иккинчи қисмини Улоқ нўйон бошчилигида Бинокат ва Хўжанд шаҳарларини эгаллашга қолдиради, ўғли Тўли ва машхур саркардалари Жобе нўйон ва Субутой Баҳодир бошчилигидаги кўшинлар билан ўзи Мовароуннаҳр ва Бухоро томон йўл олади<sup>1</sup>. Шундай қилиб Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон халқлари тарихида янги давр - Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши даври бошланди:

Нихоятда мураккаб, у даврнинг тўс-тўполонли тарихи жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари тарихчи олимларининг диққат-эътиборини ўзига тортган. Жанубий Хитойдаги Сун сулоласи ҳукумати 1221 йили мўғуллар билан иттифок тузиш учун юборган вакилларининг раҳбари Мэн Хуннинг ёзма маълумотлари мўғулларнинг Хоразмшоҳлар давлати устига юриши тўғрисидаги маълумотлар қимматли ҳужжат сифатида катта аҳамиятга эгадир. Бошқа сайёҳларнинг ўша машҳур кўнлар тўғрисидаги хотиралари европалик олим доктор Бретшнейдернинг китобида, дао руҳонийси Чанчуннинг саёҳат дафтарида берилган.<sup>2</sup> Мусулмон манбаларига келганимизда, мўғулларнинг Хоразмшоҳлар давлатига ҳужуми ва уни босиб олишни тўғрисидаги маълумотларни ўша давр замондоши бўлган учта муаллиф асарларида кўриш мумкин. Булар араб тарихчиси Ибн ал-Асирнинг машҳур “Тарих ал-комиля” китоби, эрон тарихчиси ал-Жузжонийнинг “Носир жадваллари”, Насавийнинг “Сийрат ус султон” асарларидир.

Мўғул босқинида кейин Хоразмшоҳлар давлати худудида яшаган эрон тарихчиси Муҳаммад Жувайний ҳам (1283 й. вафот қилган) ўзининг “Жаҳонгир тарихи” асарида ушбу шиддатли

<sup>1</sup> З. М. Буниятов Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. 139-бет

<sup>2</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч. т.I, 467-бет.

йиллар ҳақида қимматли маълумотлар берган <sup>1</sup>. Бирок, помлари юкорида зикр қилинган муаллифларнинг ҳеч бири у воқеаларнинг бевосита иштирокчиси бўлмаган. Шунинг учун ҳам улар ўз асарларида мўғулларнинг Хоразм давлатига қарши юриши билан боғлиқ воқеаларнинг кўичилигини ўша воқеалар бевосита иштирокчиларининг хотиралари асосида тасвирлайдилар. Шунингдек, улар воқеаларни мухолиф томонларга муносабатидан келиб чиқиб тасвирлайдилар. Жувайнийнинг асарларида мўғулларни мадҳ қилиш, кўкларга кўтарши руҳи бўлса (евроналик олим д'Оссон уни ўз ватанини вайронага айлантирган мўғулларни мақташда айблади), аксинча, сўнгги Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангубердининг муншиси Насавийнинг асарида унинг аксини кўрамиз <sup>2</sup>. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, ушбу манбалар мўғул босқинчиларининг Хоразм давлатига бостириб киришлари, Ўрта Осиё ва Хуросон халқларининг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши тўғрисидаги воқеаларни ўзида акс этдирган тарихий ҳужжатлар сифатида катта аҳамиятга эгадир. Мустақиллик шарофати билан ўтмиш тарихимизга қараш ижобий томонга ўзгарган бугунги кунда у асарларнинг аҳамияти янада ошди. Уйлаймизки, яқин йилларда бу асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, кенг китобхонлар оммаси улардан баҳраманд бўладилар. Аввалги саҳифаларда айтиб ўтилганидек, Чингизхон Ўтрор олдида ўз қўшинини уч қисмга бўлиб, уч асосий йўналиш бўйича ҳаракат қилиб, ўзининг янги ҳарбий усули билан Хоразмшоҳ Аловоддин Муҳаммаднинг ва унинг ҳарбий саркардаларининг катта ҳарбий кенгашдаги режаларини пучга чиқарди. Чингизхон тезлик билан ҳаракат қилиб, Бухорога қараб йўлга чиқди. Қиш пайти эди. Чингизхон сувсиз чўлни энг қисқа йўл билан кесиб ўтди. Ўша давр тарихчиларининг ёзишича, тез ҳаракат қилишда, қийинчиликларга чидамли бўлишда мўғул жаңгчилари бекиёс эдилар. Бухоро томон интилган мўғуллар йўлида Зарнук қалъаси учрайди. Маҳаллий аҳоли ўша қалъага яширинган бўлиб, улар Чингизхондан омонлик сўрашади. Чингизхон уларни афв қилиб, қалъага тегмайди. Ўша қалъада битта сотқин топилиб, у йўл

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

кўрсатувчилик қилишга ва мўғулларни Зарафшоннинг ўнг соҳилидаги Нур (ҳозирги Нурота) шаҳрига энг қиска йўл билан олиб ўтишга ваъда беради.

Мўғулларнинг Нур деворлари остида пайдо бўлиши шу қадар қутилмаган ҳодиса бўладики, аҳоли аввалига қарвон келди деб ўйлади, кейин эса қаршиликсиз таслим бўлди. Шаҳар таланди ва 1500 динор товон тўлашга мажбур қилинди. Нурдан Бухорога эса бир қадам эди<sup>1</sup>. Ўша кунларда Ўтрор шаҳрининг қахрамонона мудофааси бораётган эди. Мўғулларнинг қутуриб қилган хужумларига қарамасдан, шаҳар химоячилари душман хужумини қатъий туриб қайтармоқда эдилар. Манбаларга кўра, Ўтрор қамали беш ой давом этди. Қамал пайтида қамалдагилар билан бирга мўғулларга ҳам қатта талафот етди.

Ўтрорнинг қахрамонона мудофааси борган сари оғирлашди. Лоқайд Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммаднинг мўғулларга қарши хужум уюштириб, уларни мамлакат худудидан ташқарига улоқтириб ташлашга юраги бетламас, шунинг учун ҳам қамалдагиларга ташқаридан ҳеч қанақа ёрдам йўқ эди. Бунинг устига шаҳарда озик-овқат танқислиги бошланди. Ташқи ёрдамдан ва қутулиб кетишдан умиди узилган шаҳар химоячиларининг жанговарлик руҳи сўнмоқда эди. Шаҳар химоясининг шундай оғир бир пайтида Ҳожи Қоража Инолчиқхонга қаршиликни тўхтатиш ва мўғулларга таслим бўлишини таклиф қилади. Инолчиқхон бу таклифни рад этади. Шаҳарни бир томчи қони қолгунча химоя қилажагини айтади. Албатта, Инолчиқхон ўзининг Ўтрор фожиасидаги ролини, шаҳар мўғулларга топширилган тақдирда, уни қандай оғир тақдир қутаётганлигини яхши тушунар эди. Инолчиқхоннинг розилигини ололмагач, Ҳожи Қоража ўзига тегшли қўшин билан шаҳардан чиқиб, мўғулларга таслим бўлади. Қоражанинг сотқинлиги туфайли мўғуллар Сўфихон дарвозаси орқали Ўтрорга ёпирилиб кирадилар. Инолчиқхон ўзининг 20 миң кишилиқ қўшини билан саройга яшириниб, қаршиликни давом этдиради. Бу қаршилик яна бир ой давом этади. Озик-овқат тугаб, қаршилик кўрсатиш имконияти қолмагач, химоячилар мажбуран

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи, I-жилд, 139-бет.

таслим бўладилар. Мўғуллар таслим бўлган шаҳар ҳимоячиларига нисбатан ваҳшийлик қилдилар. Уларнинг барчасини қириб ташладилар. Шаҳар ҳоқими Инолчиқхонни энг даҳшатли жазо кутмоқда эди. Мўғуллар унинг қулоғига эритилган қўрғошин куйиб, ваҳшийларча азоблаб ўлдирадилар.

Хоин Ҳожи Қоражанинг ҳам тақдири аянчли эди. Ўз ҳукмдорига содиқ бўлмаган киши ҳеч қачон бизга содиқ бўлмайди, деб Чингизхоннинг ўғиллари Қоражани ва унинг билан Ўтрор қамалини ташлаб чиққан жангчиларни ўлимга ҳукм қиладилар. Ҳукм ижро этилади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Ўтрор шаҳрининг қаҳрамонона мудофааси, Хоразмшоҳнинг лоқайдлиги, субутсизлиги, кўрқоқлиги туфайли фожиали тугайди. Воқеаларни манбалар орқали ўрганиб танишган кишини қачондир кудратли, душманлар учун даҳшатли бўлган Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммаднинг сеҳр-жоду таъсирига тушгандай ҳаракатсиз бўлиб қолиши таажублантиради. Ҳатто, ҳарбий илмдан хабари бўлмаган кишига ҳам шу нарса маълумки, Чингизхон ўз асосий кучларини, Ўтрор қамалидаги кучлар билан қўшганда, тўртга бўлиши муносабати билан, агар Хоразм қўшинлари кескин қарши ҳужумга ўтганида, ёвуз душманини яқсон қилиш учун яхшигина имкониятлар мавжуд бўлганлигини англаб ета олади. Минг афсусларки бундай бўлмади. Мамлакат бошига огир хавф-хатар келган пайтда хиёнат, соткинлик авж олди. Кўп амирлар, аъёнлар душман томонига ўтдилар. Шундай ҳал қилувчи пайтда ҳукмдор кўрқоқлик қилди. Оқибатда даҳшатли, маккор, ёвуз душманга қарши халқ оммаси курашга кўтарилди. Бироқ, кучлар нисбати тенг эмас, мўғулларга қарши курашувчилар тарқоқ эдилар. 1219 йил февраль ойида Ўтрор ишғол қилинган, сарой мўғуллар томонидан бузиб ташланди. Мўғуллар шаҳардаги омон қолган аҳолини шаҳар ташқарисига тўплаб, улар ичидан ҳунармандларни ажратиб олиб, Мўғулистонга жўнатдилар. Қолган фуқароларни эса Хоразмшоҳлар давлатининг бошқа шаҳарларини қамал қилишда фойдаланиш учун ҳайдаб кетдилар.

Ўтрор эгалланиши билан Чингизхон олдига Хоразмшоҳнинг

<sup>1</sup> Э. М. Бунятов Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. 140-бет

Ўтрордаги собиқ ноиби Бадриддин ал-Амид келади. У ҳали Ўтрор қамали давом этаётган пайтдаёқ мўғуллар томонига ўтган эди. У Чингизхонга ўзи ва уруғи Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммаддан ниҳоятда жафо чекканлигини билдириб, Чингизхон хизматиға ўтишға тайёрлигини изҳор қилади. Аловиддин Муҳаммад ҳали катта кучға эға эканлигини, унда мамлакат ичкарасида яна икки карра кўпроқ ҳарбий куч йиғиш имкони борлигини айтиб, Чингизхонни оғоҳ қилади. У сотқин собиқ амалдор Чингизхонга мўғуллар учун жуда ўз вақтида бир калтис, лекин фойдали режани таклиф қилади. Бу Хоразмшоҳнинг ўз ҳарбий саркардаларига бўлган ишончини йўқотишға эришишға қаратилган режа эди. Чингизхон уни маъқуллагач, хоин Бадриддин Хоразмшоҳ амирлари номидан Чингизхонга сохта мактублар тайёрлайди. Уларда амирларнинг ўз ҳукмдоридан норозилиги ва Чингизхон хизматиға ўтиш истағи тўғрисида сохта гаплар ёзилган эди.

У сохта мактублар турли йўллар билан Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад ҳузурига етказилади ва улар Хоразмшоҳға ниҳоятда даҳшатли таъсир кўрсатди. Унинг қатъияти сусаяди. Кимға ишонишни билмай қолади. Чингизхоннинг бу игвосига ишонган Хоразмшоҳ зўр қатъиятлилик билан ўзининг улкан кўшинини майда бўлақларға бўла бошлади. Бу билан ўз давлатининг ҳалокатини тезлаштиради<sup>1</sup>.

Бу пайтда Жўжи бошчилигидаги мўғул отряди Сирдарёнинг қуйи қисмида ҳаракат қилиб, Сигноқ шаҳриға яқинлашади. Жўжи шаҳарға мўғуллар хизматида бўлган савдогар Ҳасан ҳожини элчи қилиб юбориб, шаҳар фуқароларига таслим бўлишни таклиф этади. Шаҳар фуқаролари хоин Ҳасан ҳожини ўлдирадилар ва шаҳарни босқинчилардан ҳимоя қилишға қарор берадилар. Шаҳар ҳимоячилари шаҳарни 7 кун давомида қаҳрамонларча ҳимоя қилдилар. Бироқ, кучлар нисбати тенг эмас эди. Мўғуллар шаҳарни эгаллаб, шаҳар ҳимоячиларидан қаттиқ ўч оладилар. Абулғозийнинг ёзишича: “Ҳасан ҳожининг қони учун ўн минг мусулмонни шаҳид қилдилар. Таки Ҳасан ҳожининг ўғлини Сигноққа ҳоким қилдилар”<sup>2</sup>. Мамлакат мудофааси яхши ташкил

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Алуштегинидов, 141-бет.

<sup>2</sup> Абулғозий. “Шажараи турк”, 66-бет.



этилмаганлиги, ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги натижасида мўғуллар кетма-кет ғалаба қозониши, уларнинг ёвузликлари кишиларда кўрқинч туйғусини кучайтирди ва мудофаа қобилятини сусайтирди. Ҳарбий ва моддий томондан яхши таъминланган Жанд қалъаси ўзини яхшигина мудофаа қилиши мумкин эди. Жанднинг мудофааси Хоразмшоҳнинг амири Қутлуғхонга юклатилган бўлиб, у 10 минг кишилиқ Хоразм қўшинига эга эди. Мўғулларнинг яқинлашуви билан амир Қутлуғхон ўз ҳукмдорига, ўз бурчига садоқатни унутиб, қўшинни олиб, шаҳарни ўз ҳолига ташлаб, Хоразм томон кетади.

1219 йил 21 апрелда Жанд мўғуллар томонидан жангсиз ишғол қилинади. Мўғуллар бу ерда ҳам ўзига хос ваҳшийликларни авж олдирдилар. Шаҳар фуқароларини шаҳардан ташқарига ҳайдаб чиқариб, уларни тўққиз кун давомида ушлаб турдилар. Ўша кунларда шаҳарни шип-шийдам қилиб таладилар. Абулғозий бу воқеани шундай тасвирлайди: “Бижанд (Жанд) ҳокими Жўчихоннинг хабарин эшитиб, Бижанддан қочиб Хоразм кетди. Жўчихон муни эшитиб Чинтемур теган навқарини Бижанд халқи ва элчи қилиб юборди. Бижанд халқи итоат қилмай, Чинтемурни ўлтурмакка қасд қилдилар. Чинтемур ҳийлалар қилиб, аларнинг қўлидан қочиб, Жўчихоннинг хизматига келди. Тақи ҳар нима кўрганин хонга арз қилди. Жўчихон аччиқланиб Бижандга бориб Бижандни қабади. Тақи қалъани олди. Аввал кишиларки Чинтемурни ўлтурмакка қасд қилиб эрди, аларни шаҳид қилди ва ўзга халқнинг қонин бағишлаб барчасини қалъадан ташқари чиқариб, молларини талатиб Али ҳожаи Гиждувонийни Бижандга ҳоким қилди”<sup>1</sup>. Алақ нўйон бошчилигидаги мўғуллар Сирдарёнинг юқори оқими томон ҳаракат қилиб, Бинокат шаҳрига етиб келдилар. Илатгу Малик қўмондонлигидаги қангли қабилалари жангчиларидан иборат шаҳар гарнизони шаҳарни уч кун ҳимоя қилди. Кейинчалик таслим бўлди. Мўғуллар олдинги сафарлардаги каби ҳимоячилардан қаттиқ ўч олдилар. Бинокатни ишғол эгач, 20 минг кишилиқ мўғул қўшини ва 50 минг кишилиқ ҳашарчилар Хўжанд шаҳри томон юрдилар. Хўжанд

<sup>1</sup> Абулғозий. “Шажараи турк”, 66-бет

химоясига Хоразмшоҳлар давлатининг энг шерюрак саркардаларидан Темур Малик бошчилик қилди.

70 минг кишилик душмандан шаҳарни химоя қилиш имкони йўқлигига кўзи етган Темур Малик минг нафар жангчиси билан Сирдарё ўртасидаги мустаҳкамланган бир оролга ўрнашиб олди. Орол соҳилдан олисдалиги учун мўғулларнинг камон ўқлари ҳам, олов отувчи қурилмалари ҳам иш бермасди. Улар асирларга тош ташитиб тўғон қура бошлашди, аммо Темур Маликнинг одамлари тунда қайиқларда сузиб келиб, кундузи кўтарилган тўғонни бузар эдилар. Жувайнийнинг ёзишича, Темур Маликнинг буйруғи билан 12 та қайиқ усти беркитилиб, нам кигиз билан ўралгани, кейин лой ва сирка қўшиб сувалгани сабабли душмanning ёндирувчи ўқлари ҳам у қайиқларда ўтирган кишиларга шикаст етказа олмасди.

Озиқ-овқат тугаб қолганда эса Темур Малик 70 та қайиқ тайёрлатди ва тунда, машғалалар ёруғида, мўғулларнинг камон ўқларию, нефть ёниб турган идишлар ёмғири остида, дарё оқими бўйлаб сузиб кетди. Қайиқлари ва одамларининг қолган қисми билан Темур Малик Жандга етиб борди. Кейин йўлда кўп сонли мўғул лашкарлари орасидан катта қурбонлар билан ўтиб, бир гуруҳгина одамлари билан Гурганжга кириб борди ва қахрамон сифатида кутиб олинди<sup>1</sup>. Ўзбек халқининг миллий қахрамонларидан бири бўлмиш Темур Маликнинг мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган қахрамонликлари тилларда дoston бўлган. Абулғозий ўзининг “Шажарайи турк” асарида воқеаларни шундай баён қилади. “...Темур Малик етмиш кемага қўш ва асбоб юклаб, ул мазкур бўлган ўн икки кемасига минг йигити бирлан миниб кеча бўлгач рудхонасининг ичи бирлан юрийберди. Алак нўён бирлан Сукату Бўқа мўғулларга сизлар ҳам дарё лаби бирлан Темур Маликнинг ортиндан юринг деб, хукм қилди. Мўғуллар таки рудхонанинг лаби бирлан Темур Маликнинг кемасига ёнашиб уруша-уруша юрур эрдилар. Ногоҳ Темур Малик Фанокат шаҳрининг рўйбарўсига етти. Кўрди ким рудхонанинг устиндин бир улуг занжир тортиб турурлар, кема ўтабилмасун теб. Темур Малик ул занжирни бир табарзин бирлан урди ким, занжир пора- пора бўлди ва кемалари андин ўтуб кетди. Андин сўнг мўғуллар

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. I-жилд. 141-142 бетлар

рудхонанинг ҳар еринда ва ҳар манзилинда бориб тайёр бўлиб турдилар, Темур Малик бирлан урушмоқ учун. Темур Малик буларни кўриб дарёдин чиқиб сомон йўли бирлан Хоразм тарафига барқи ломийтект кетди.

Мўғул лашкари ҳам Темур Маликнинг ортундин етиб кўплар уруштилар. Темур Малик минг йигити бирлан мардоналиклар қилди. Ахирул амр йигитлари тамом шаҳид бўлдилар. Андин сўнг Темур Маликнинг ортундин уч мўғул етди. Темур Маликнинг уч ўқи қолиб эрди, бирисининг пайкони йўқ. Шул пайконсиз ўқ бирлан бу уч мўғулнинг бирисининг кўзига урди ким, кўзи кўр бўлди. Мўғуллар мун кўргандан сўнг кайтдилар. Темур Малик Хоразм борди”<sup>1</sup>. Босқинчиларга қарши курашда Темур Малик мундан кейин ҳам мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар кўрсатди. Академик Бартольд “Чингизхон ва мўғуллар” асарида Темур Малик бошчилигидаги Хўжанд ҳимоячиларининг қаҳрамонликларини кўрсатиб, шундай ёзади: “Темур Маликнинг жасорати Султон Жалолоддин Мангубердининг қаҳрамонлиги каби шахсий қаҳрамонлик намунаси бўлиб, умумий иш учун ҳеч қанақа нафи бўлмади. Мусулмонлар сафида мисли кўрилмаган қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганлар бўлса-да бироқ улар мўғуллар босқинини тўхтата оладиган катта кучни ташкил этишга ожизлик қилиб, тоторларнинг асосий кучлари олдида чекиндилар. Бу урушда мўғуллар томонда ўз қаҳрамонлиги билан бошқалардан кескин ажраладиган қаҳрамонларни кўрмаймиз. Мўғул саркардалари ўз ҳукмдорига тўла бўйсунадиган, унинг хоҳиш-истакларини тўла ва оқилона бажара оладиган, тасодифий муваффақиятсизликлар бўлиб қолганда уни бартараф этиш йўлида тўғри ва қатъий қарорлар қабул қиладиган кишилар эдилар. Қаттиқ ингиломга амал қилувчи мўғул жангчилари ўз бошлиқларининг буйруқларини тўла бажаришга ҳаракат қилар, лекин ҳеч қачон ўз шахсий қаҳрамонлиги билан ўз ўрғокларидан ажралиб туришга интилмас эдилар.”<sup>2</sup>

Таникли шарқшунос олимнинг юқоридаги мулоҳазаларига чуқур ҳурмат ва эътибор билан қарамасдан илож йўқ. Лекин шундай бўлса-да, бу мулоҳазаларга нисбатан эътирозли фикримизни билдиришни жоиз, деб ҳисоблаймиз. Темур Малик ҳам, Султон

<sup>1</sup> Абулғозий. “Шажараи турк”, 67-бет.

<sup>2</sup> Академик В.В.Бартольд. Соч., т.1. 486-бет.

Жалолиддин Мангуберди ҳам мўғулларнинг Хоразм давлатига ҳужумининг бошида, бош ҳукмдор - Аловиддин Муҳаммадга бўйсунувчи шахслардан бўлганлар. Мамлакатнинг мўғулларга қарши тура олувчи асосий ҳарбий кучлари расман бевосита Хоразмшоҳнинг ўзига бўйсунган. Бундан ташқари Хоразм кўшинларининг кўпчилигини ташкил этган ёлланма қипчоқ кўшинлари ва уларга бошчилик қилувчи қипчоқ амирлар Туркон хотуннинг қаттиқ таъсирида бўлиб, улар Жалолиддин Мангубердига ва унинг содиқ дўсти ва амакиси Темур Маликка душманлик кайфиятида эдилар. Шундай шароитда Жалолиддин Мангуберди ва Темур Малик мамлакат мудофаасини ташкил этиш имкониятига ҳам, ҳукукига ҳам эга эмас эдилар. Бундан ташқари олий бош қўмондон, ҳукмдор сифатида мамлакат ҳарбий кучларини бирлаштириб ягона мақсадга, мамлакат мудофаасига йўналтириш ишини Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад бажариши лозим эди. Шу сабабдан ҳам афсолавий қаҳрамонларимиз Жалолиддин Мангуберди ва Темур Малик шаънига айтилган юқоридаги фикрларга эътироз билдирамиз ва чуқур ишонч билан айта оламизки, миллий қаҳрамонларимиз босқинчиларга қарам курашда кўлларидан келган барча ишларни қилдилар.

Мўғуллар илдам қадамлар билан Хоразмшоҳ қалам - равидаги шаҳар ва кишлоқларни ишғол қилмоқда эдилар. Хоразмшоҳ Муҳаммад мўғул босқинига қарши танлаган курашнинг ҳалокатли усули ўз мевасини бермоқда эди. Яқин ўтмишда қудратли ва буюк бўлган Хоразм давлати оғир хасталикка учраб, жон таслим қилаётган беморга ўхшаб қолган эди. Унинг оғир дардига малҳам бўлувчи ҳозик табиб - қудратли, қатъиятли саркарда - ҳукмдор этишмас эди. 1219 йил 7 февралда мўғуллар Бутун Шарққа ислом маркази номи билан машҳур бўлган, Хоразмшоҳлар давлатининг катта шаҳарларидан бири Бухоро шаҳрига етиб келдилар. Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад Бухоро мудофаасига амир Ихтиёрдин Қушлу ва Инончхон Ўғилхожиб бошчилигида 30 000 киши ажратган эди (бу рақам Насавийнинг кўрсатишича, Жувайний эса Бухородаги Хоразм кўшинларининг сони 20 минг кишидан ошмас эди, деб кўрсатади). Мўғуллар Бухорони қамал қилдилар. Қамал жанглари уч кеча ва уч кундуз давом этди. Жангнинг энг қизгин ва оғир жойларига мўғуллар Ўтрор ва бошқа шаҳарлардан

хайдаб келган асирларни ташлар эдилар. Бухоро камали яна неча кун давом этиши мумкинлиги номаълум эди. Шундай бир ҳал қилувчи пайтда бухоролик эътиборли саркардалардан Инончхон Ўғилхожиб олий даражадаги рухонийларнинг сотқинлик қилиш ниятини пайқаб, Бухорони тарк этишга қарор беради. Шаҳарни ўраб турган душман ҳалқасини ёриб ўтиш мақсадида ўз қўшинлари билан мўғуллар устига ташланади. Бухороликларнинг хужуми шу даражада шиддатли бўлганки, мўғуллар ўзларини йўқотиб, тартибсиз қоча бошлаганлар. Афсуски, Инончхон қўшинлари мўғуллар ўртасидаги саросимадан фойдалана олмадилар. Улар ўз жонларини сақлаш мақсадида мўғуллар сафини ёриб ўтиб кочдилар. Бухороликларнинг дастлабки қаттиқ зарбасидан ўзини йўқотаёзган мўғуллар улар ғалабани мустаҳкамламасдан қочиб қолганликларидан хайратландилар, ўзларига келгач эса қайта хужумга ўтдилар.

Инончхон Ўғилхожиб қўшинига етиб олиб, кўпчиликни кириб ташлайдилар. Фақат Ихтиёриддин Кушлу бошчилигидаги озгина қўшин мўғуллар ҳалқасини иккинчи марта ёриб ўтиб, ҳалокатдан қутулиб, Хоразм томон кетади. Мўғуллар эл орасига шундай даҳшат солган эдиларки, ҳатто тажрибали саркардалар ҳам ўзларини йўқотиб қўйгандилар. Улар ўз ҳарбий маҳоратларини ва тажрибаларини ишга солиб, мўғулларга қарши фаол курашиш ўрнига, худди кучли йиртқич ўлим хавфини солаётган жонзодларга ўхшаб, фақат ўз жонини қутқаришни ўйлаб қолган эдилар.

Шаҳар уламолари Чингизхонга мурожаат қилиб, ундан “омон” (шафқат) тилайдилар ва шаҳар дарвозасини душманга очиб берадилар. Чингизхоннинг Бухорога кириб келишини Рашидуддин Жувайний, шундай тасвирлайди: “Чингизхон от устида жоме масжидига кириб, шаҳарнинг нуфузли кишиларини олиб келишни талаб қилади. Мўғуллар шаҳар омборларини очиб ғаллани олишди. Куръон рўйхатлари бор сандикларни отлари учун ем идиши қилишди, шароб тўла мешларни масжид ичига териб чиқишди, хонандалару созандаларни йиғиб ўйин-кулгу буюришди”. Мўғуллар ўз қўшиқларини қуйлашар, шайхлару уламолар эса отхонада отбоқар ўрнида туриб, босқинчиларнинг буйруқларини бажаришар эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. I-жилд, 141-142 бетлар

400 кишидан иборат ваташпарварлар Бухоро аркига кириб, 12 кун мобайнида босқинчиларга қарши кураш олиб бордилар. Мўғуллар ваташпарварлар қаршилигини сиқдириб, аркни эгаллагач, арк химоячиларидан омон қолганларининг барчасини қиличдан ўтказдилар. Мўғулларнинг Бухородаги ваҳшийликлари шаҳар уламоларининг асосли норозилигига сабаб бўлди. Улар Чингизхонга ўз норозилиklarини баён қилдилар. Бундан ғазабланган мўғул ҳоконининг фармониға мувофиқ, имом Рукниддин Имомзода, унинг ўғли, қози Садриддин ва бошқа кўзга кўринган уламолар қатл қилиндилар. Сўнг Чингизхон шаҳарнинг мўътабар кишилари ва оқсоқолларни чақириб, олтину кумуш буюмларнинг рўйхатини талаб қилди. Бу бойликларни тўплаб олгач, шаҳарни ўз жангчиларига талаш учун берди. Талон-тарож оқибатида шаҳарға ўт кетди. Иншоотлар асосан ёғочдан бўлганлиги туфайли Бухоро қарийб ёниб битди. Фақат ғиштдан тикланган жоме масжидию бир неча саройгина омон қолди, холос. Талон-тарож бошланишидан олдин аҳолиға шаҳардан чиқиб кетиши буюрилди. Чиқиб кетмаганлар беаёв ўлдирилди. Мўғуллар Бухородан кўп сонли асирларни, бошқа шаҳарлар камалида фойдаланиш учун ҳайдаб кетишди. Фақат Ўрта Осиёда эмас, балки бутун мусулмон дунёсининг савдо-хунармандчилик ва йирик маданий маркази бўлган, мусулмон Шарқиға кўпгина олимларни етиштириб берган Бухорони Шариф кўчманчи ваҳший мўғуллар томонидан бутунлай йўқ қилиб ташланган эди ва у ўткинчи йўловчи кўз олдида бир култета сифатида гавдаланар эди. Бухоро мўғуллар томонидан эгалланганини эшитган Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад ўзини бутунлай йўқотиб қўйди. Бир вақтлар қудратли бўлган, бошқа халқларға даҳшат солган Хоразмшоҳ Муҳаммад аяпчили ва жирканч кимсаға айланиб қолган, унда олдинги қатъият ва жасоратдан асар қолмаган эди. Мўғулларға қарши қакшаткич зарба бериш учун хали ҳам катта ички имкониятларға ва қўшинға эға бўлган ҳукмдор Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчиларидан шу даражада қўрқиб, ваҳимаға тушиб қолган эдики, уларға қарши курашиш ўрниға, мамлакатнинг узок, хилват жойларига қочиб, жон сақлашни ўйлар эди.

Хукмдорнинг бундай қатъиятсизлиги ва қўрқоклиги, унга энг яқин ва энг содиқ бўлган амирларнинг ҳам кескин норозилигига сабаб бўлди. Улар ўз хукмдорларини шундай оғир, таҳликали пайтда ташлаб кетдилар. Айримлар, ҳатто, душман хукмдори хизматига кирдилар. Қундуз ҳокими Аловиддин, Балх ҳокими амир Моҳрўй ва бошқалар ўз халқига, ўз мамлакатига ва ўз хукмдорига хиёнат қилдилар. Бухородан мўғуллар Самарқанд томон юрдилар. Йўлда уларга Дабусия шаҳар-қалъаси қаршилик кўрсатди. Самарқандга мўғуллар 1220 йил март ойида етиб келишди. Самарқанд Хоразмшоҳлар давлатининг иккинчи пойтахти, ўз даврининг гўзал шаҳарларидан ҳисобланарди. Хоразмшоҳ Муҳаммад Самарқанд мудофаасига катта эътибор билан қараб, унга бошқа шаҳарларга нисбатан кўпроқ куч, яъни 110 минг кишилик қўшин ажратганди. Бундан ташқари Самарқандда урушларда фойдаланилган 20 та жанговар фил ҳам бор эди. Самарқанд мудофаасини ташкил этиш Туркон хотуннинг укаси Тўқайхонга юклатилган бўлиб, Самарқанд ҳимоячиларидан 60 минг киши турклар, ғурийлар, халажлар ва хуросонликлар, 50 минг кишиси хоразмликлар эди. Афсуски, шаҳарда бирлик бўлмай, шаҳар мудофааси бошлиқларида муваффақиятга ишонч ҳам йўқ эди. Самарқандда кўпгина аҳоли тўпланган, уларда душманга нафрат ва ватанпарварлик ҳисси кучли эди. Агар шаҳар фуқаролари ҳам душманга қарши курашга жалб этилганда, Самарқанд ўзини кўп ойлар давомида муваффақиятли ҳимоя қилибгина қолмасдан, душманга қақшаткич зарба бериб, уни нарига улоқтириб ташлаши ҳам мумкин эди. Афсуски, бундай бўлмади. Тўқайхон бошлиқ амирлар душманга қарши оқилона ҳарбий кураш усулини қўллай билмадилар. Анча тажрибали саркарда бўлишларига қарамасдан, мўғулларнинг ҳарбий ҳийласига учиб, тузоққа тушдилар. Самарқанд қамалининг учинчи куни шаҳар мудофаачилари душман билан жанг қилиш учун шаҳардан чиқдилар. Маккор Чингизхон ҳарбий ҳийла ишлатди. Шаҳар қамалига озгина кучли юбориб, ўзининг асосий кучларини пистирмада қўйди. Шаҳар ҳимоячилари шаҳардан чиқиб, мўғулларнинг оз сонлигини кўриб, бундан руҳланиб, уларга хужум қилдилар. Душман чекинди. Уларни қувиб бориб, шаҳар ҳимоячилари душман пистирмасига дуч келдилар.

Мўғуллар томонидан ўраб олинган шаҳар ҳимоячиларидан бир неча ўн минг киши ўлдирилди <sup>1</sup>. Бу даҳшатли ҳодиса омон қолган шаҳар ҳимоячиларига ва аҳолига қаттиқ таъсир қилди. Уларнинг жанговарлик руҳи пасайди. Мўғуллар Самарқанд ёнига катта микдорда асирларни ҳайдаб келиб, уларни ўз тартиблари бўйича сафга тизиб, ҳар бир бўлинмага байроқ бериб, уларни шаҳар ҳимоячилари олдида катта куч қилиб кўрсатдилар. Шаҳар ҳимоячиларида кўрқув ва ваҳима янада кучайди. Шаҳар ҳимоячиларининг жанговар филлар иштирокида шаҳар ташқарисига чиқиб қилган иккинчи жанглари ҳам улар учун муваффақиятсиз тугади. Мўғуллар шаҳарга ҳужумни кундан-кунга кучайтирдилар. Шаҳар ҳимоячилари ўртасида ваҳима кучайди.

Бундан фойдаланган, аввалдан Хоразмшоҳга қалбида ўчи бўлган шаҳар аёнларидан баъзи бирлари шаҳарни мўғулларга топширишни маслаҳат бердилар. Шаҳар қозиси ва шайхулислом бошчилигидаги вакиллар Чингизхон ҳузурига бориб, шаҳарни мўғулларга топширишга рози эканликларини билдирдилар. Ҳозирги Афросиёб харобалари ўрнида бўлган Намозгоҳ дарвозасини очиб бериб, шаҳарни душманга топширишди. Кўчманчи ваҳшийлар ўз даврининг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлган Самарқандга кириб, ёндириш, бузиш, ўлдиришдан иборат ўз машъум касбларини бошлаб юборишди.

Бир неча минг мағрур ватанпарвар марказий кўрғонга яшириниб, маккор душманга қарши курашни давом этдирди. Мўғуллар кўрғоннинг атрофини сувга бостириб, деворларини ювиб юбордилар. Бундан салгина олдин, тунда кўрғон ҳимоячиларидан Алихон бошчилигида 1000 жангчи кўрғондан чиқиб, мўғуллар сафини ёриб ўтиб, Хоразмшоҳ кўшинлари билан бирлашишга эришадилар <sup>2</sup>. Абулғозий ҳам “Шажарайи турк” асарида бу ҳодисани тасдиқлайди: “Таки Султон Муҳаммаднинг хонларидин Албхон (Алихон) теган минг киши бирла уруша-уруша қутулиб кетди. Андин у эга жами хонлар лашкари бирлан шаҳид бўлдилар”. Қолган қаҳрамонлар Жоме масжидига чекиниб, қаршиликини давом этдирдилар. Мингга яқин киши

<sup>1</sup> З. М. Бушиёлов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 145-бет.

<sup>2</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч., I, 481-бет.



яширинган у иншоот ёқиб юборилди. 1915 йилда В. Л. Вяткин жоме масжиди майдонини қазиб очганида, ёнган ёғоч ва кулнинг жуда қалин қатламига дуч келинди .

Мўғллар икки кун ичида Самарқанддаги мудофаа иншоотларини ер билан яксон қилдилар. Чингизхон хизматиغا олинган 30 минг турк қангли жангчи ва 20 та амир, жумладан, Тўқайхон ўлдирилди. Самарқанд аҳолисининг кўпчилиги камал ишлари учун ҳайдаб олиб кетилди. Шаҳар фуқароларининг бойликлари таланди. Шаҳар қозиси ва шайхулислом, уларнинг яқинлари бу зўравонликдан қутулиб қолдилар. Омон қолган шаҳар фуқароларига икки юз минг диноҳ жарима солинди. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Самарқанд мўғуллар томонидан 1220 йил 17 мартда эгалланди.

Жуда катта ҳарбий кучга ва иқтисодий имкониятларга эга бўлган Хоразмшоҳлар давлатининг иккинчи пойтахти бўлмиш Самарқанд, афсуски, ўзини ҳатто бир ой ҳам ҳимоя қила билмади. Маккор душман ҳийлалари ва қобилиятсиз, ношуд саркардаларнинг кўрқоқлиги туфайли улуғ шаҳар кўчманчи ваҳшийлар олдида тиз чўқди.

Мўғуллар Самарқандга қаттиқ зарба бердилар. Мўғуллар ҳужумидан аввал Самарқанд аҳолиси 400 минг кишига яқин бўлса, мўғуллар шаҳарни олгач ва уларнинг хунрезлигидан сўнг унда 100 мингга яқин киши қолди холос. Шундай қилиб, қисқа вақт ичида Чингизхон қудратли Хоразмшоҳлар давлатини тормор келтиришга, унинг энг мустаҳкам шаҳар ва қалъаларини эгаллашга эриша олди. Энг кўп сонли, яхши курулланган Хоразм қўшини нодон ҳукмдорнинг машъум хатоси туфайли майда-майда бўлақларга бўлиниб, мўғуллар томонидан осонликча тормор этилди. Лекин ҳали бу Чингизхоннинг тўла ғалабаси эмас эди. Хоразмшоҳ Муҳаммад ҳали ҳам қатъият ва мардлик кўрсатиб, ўз халқига мурожаат қилиб, уни Ватан ҳимоясига чорлаганда, жанговар Хоразм, Хуросон, Эрон Ироқи, Озарбайжон вилоятлари ҳукмдорга маккор босқинчиларни яксон қилишга қодир бўлган кўп сонли жангчиларни берган бўлур эди. Бироқ, ваҳимадан ўзини йўқотган кўрқоқ Аловиддин Муҳаммад бундай қилмади. Минг афсус!.. Шу билан ўз мамлакатининг қолган қисмини ҳам мўғул босқинчиларига талаш

учун кўйиб берди. Чингизхон олдида эса бу урушда тўла ғалабага эришиш учун Хоразмшоҳ Муҳаммадни тириклай қўлга тушириш ва жазолаш вазифаси турар эди. Шу мақсадда у сараланган мўғул аскарларидан 20 минг кишилик қўшинни ажратиб, унга Жобо нўйон ва Субутой Баҳодурни бошлиқ қилади. Уларга Хоразмшоҳ Муҳаммадни кеча демай-кундуз демай таъқиб қилиш ва тириклайин қўлга тушириб, хузурига олиб келишларини топширади.

Мўғулларнинг сўнгги муваффақиятларидан хабар топган Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад Мовароуннаҳр худудини ташлаб чиқиб кетди. Унинг бу шармандали қочиши шу қадар шошилинич содир бўлган эдики, у, ҳатто, Амударёдан ўтиш чоғида Кирмон қалъасидан унга юборилган 70 туя олтинни ва Хоразмшоҳ ўзи билан хазинадан олган жавоҳирларни олиб кетнига улгурмасдан, сувга чўктириб юборади.

Мўғуллар олдидаги кўркинич, ваҳима Хоразмшоҳ Муҳаммадга шу даражада қаттиқ таъсир қилган эдики, аҳволни жиддий, совуққонлик билан мулоҳаза қилиш, душманга қарши курашни уюштириш ўрнига ўз яқинларининг ҳар қанақа маслаҳатларига ўйламай-нетмай қулоқ солар, ўзи ва мамлакат учун ниҳоятда ҳалокатли қарорлар қабул қилар эди.

Амударё қирғоқларида мўғулларни тўхтатиш, бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш, бир неча гуруҳга бўлиниб кетган мўғул қўшинига қарши Хоразм қўшинининг даҳшатли зарбасини уюштириш, мўғул босқинчиларига нафрати кучли бўлган оддий халқнинг жанговарлик кайфиятидан фойдаланиб, истилочиларга қарши унинг халқ лашкари урушини ҳам авж олдириш - мамлакатни, Хоразмшоҳлар давлатини, салтанатни қутқаришнинг ягона тўғри йўли эди. Афсуски, Хоразмшоҳ Муҳаммад бундай қилмади. Вазири Имодидмулк Муҳаммад ас-Савининг маслаҳатига қулоқ солиб, Мовароуннаҳрнинг эмас, ҳатто, Хуросонни ҳам қолдириб, Ироқ томон йўл тутди.

Хоразмшоҳлар давлати сўнгги йиллари тарихини ёзган Насавий Хоразмшоҳ вазирининг юқоридаги маслаҳатини бутунлай нотўғри маслаҳат деб баҳолайди. Кўп сонли лашкарлар ва халқ оммаси тўпланган Хуросонни ташлаб кетишга қарор бериб Хоразмшоҳ Муҳаммад тузатиб бўлмайдиган яна бир катта

хатога йўл кўйди деб куйиниб уқдиради Насавий. Ироқ йўлида Туркон хотуннинг ўрон қабиласидан бўлган қариндошлари Хоразмшоҳ Муҳаммадни ўлдирмоқчи бўладилар. Аммо ўз яқинлари томонидан оғоҳлантирилган Муҳаммад бир неча соқчилари ҳамроҳлигида Нишопур томон қочади ва у ерда 1220 йил 18 апрелда етиб боради <sup>1</sup>.

Аммо Нишопурда у узоқ қолмади. Мўғуллар етиб келишидан хавфсираб бир неча соатдан сўнг у ўз яқинлари билан у шаҳарни ҳам тарк этади. Ўз отасининг фаолиятсизлигидан ва мўғуллар олдидаги ваҳимасидан қаттиқ изтироб чеккан шахзода Жалолоддин Мангуберди уни ватанни тарк этмасликка, маккор душман олдида кўрқоқларча қочиб юрмасдан, балки унга ўлим зарбасини уюштиришга, умумхалқ курашига йўлбошчилик қилишга чақириб, бир неча бор мурожаат этди. Бирок, мўғуллар ваҳимасидан эс-хушини йўқотиб кўйган Аловиддин Муҳаммад Мангубердининг оқилона таклифларига кўнмайди. Устига устак, Жалолоддиннинг мустақил ҳаракат қилишига ҳам йўл бермай, зўрлик билан уни бирга олиб кетади.

Форс тарихчиси Жувайнийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ ўз яқинлари билан Мовароуннаҳрни ташлаб кетаётган пайтида Жалолоддин Мангуберди куйиниб отасига мурожаат қилиб, ундан юртни ташлаб кетмасликни, жуда бўлмаганда қўшинни ўзига Жалолоддинга қолдиришни сўрайди. Акс ҳолда, деб хитоб қилади Жалолоддин, халқ оммаси бизнинг сулоламизни, халқдан ўз вақтида хирож, солиқарши йиғиб олди-ю, бирок чет босқинчиларидан химоя қила олмади, ҳукмдорлик мажбуриятини бажармади, деб абадул-абал қоралайдилар, қарғайдилар <sup>2</sup>.

Академик Бартольд Жувайний асарига мурожаат қилиб, Жалолоддиннинг ўз отасига юқоридаги мурожаатини берадию, кейинчалик бу фикрларга берган изоҳида уларнинг тўғрилигига гумон билан қарайди. Академик Бартольд ўз гумонини асослаш учун: “Агар Жалолоддин ҳақиқатан ҳам мўғулларга қарши фаол кураш олиб бормокчи бўлса, у

<sup>1</sup> З. М. Бунистов. Государство Хорезмшахов-Агуштегинидов, 147- бет.

<sup>2</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч I, 487-488 бетлар.

ўзининг мулки Ғазнага бориб, кўшин тўплаб, шундай курашни ташкил этиши мумкин эди. Бу ишда унга ҳеч ким ҳалақит бермас эди”, деган фикрни келтиради <sup>1</sup>.

Академик Бартольднинг юқоридаги фикрларига қўшила олмаймиз ва маълум даражада у воқеалар юзасидан ўз эътирозимизни билдирамиз. Ўз мулоҳазаларимизни айтишда бизнинг фикримиз шундан иборатки, биринчидан, бизга маълумки, форс тарихчиси Жувайний ўз асарларида мўғулларнинг Хоразмшоҳлар давлатини босиб олишини ва Хуросон, Мовароуннахрнинг мўғуллар ҳукмронлиги давридаги ҳаётини ёритган. У ўз асарларини Хоразмшоҳлар давлати емирилгандан анча кейин ёзган бўлиб, уларда мўғулларга кўпроқ хушомад қилганини учун кейинчалик европалик олимлар танбеҳ ҳам берганлар. Бинобарин, Жувайний ўз асарида шаҳзода Жалолоддинни улуглаш учун ёлгон мактовлар айтиши ҳақиқатдан йироқдир. Бундан ташқари, Жувайнийнинг асарлари Хоразмшоҳлар сулоласи вакилларига нисбатан танқидий фикрлари кўпчилиги билан ажралиб туради. Хулоса шундан иборатки, Жувайнийнинг асарида берилган, Жалолоддин Мангуберди томонидан изҳор қилинган юқоридаги фикрлар ҳақиқатдир.

Иккинчидан, мамлакат учун, салтанат учун, отаси Хоразмшоҳ ҳаёти учун ниҳоятда масъулиятли, хатарли бўлган ўша кунларда ўз отасини тақдир тақозосига ташлаб, ўз мулки Ғазнада қаршилиқ ҳаракатини ташкил этиш - Жалолоддин Мангубердидек мардонатор ўғил шаънига тўғри келмас эди. Жалолоддин отаси учун оғир дамларида унинг олдида бўлишининг сабабини, академик Бартольд кўрсатганидек, ўз отаси каби мўғуллардан ваҳимага тушганида эмас, балки умрининг охиригача ўз фарзандлик бурчига содиқ қоладиган ҳаққоний мусулмон фарзанди, ҳақиқий Хоразм ўғли бўлганлигида деб тушуниш лозим. Учинчидан, академик

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

Бартольднинг, Жалолоддин Мангуберди мўғуллар босқинидан отаси каби ваҳимага тушиб қолган, деган фикрларига яна бир кучли эътирозимиз шуки, Хоразмшоҳлар тахти Жалолоддин Мангубердига салтанатнинг устуни қулаган, унинг ҳарбий кучлари пароканда бўлган, мамлакатда зиддият, хиёнат, сотқинлик авж олган бир пайтда насиб қилганига қарамасдан, шерюрак сўнги Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангуберди мўғулларга қарши мардона уруш олиб борди. Улар устидан бир неча бор зафар кучди. Бироқ вақт ўтган, ички низолар кучайган эди. Шунинг учун ҳам қаҳрамон ҳукмдор мўғул босқинчиларидан ўз Ватанини бутунлай тозалай олмади. У катта армон билан дунёдан кўз юмди. У миллий қаҳрамон сифатида бутун жаҳонга танилди. Умрининг охиригача ўз халқнинг ғаними мўғул босқинчиларига қарши курашди ва бу кураш йўлида ҳалок бўлди. Ҳатто, Озарбайжонда ўз Хоразмшоҳлик давлатини ўрнатган пайтда, Мовароуннаҳрдаги Чингизий ҳукмдорларнинг Жалолоддин билан сулҳ тўғрисидаги таклифини рад этди. Мана шу тарихий воқеаларни яна бир бор хаёлдан ўтказар эканмиз, табиий равишда бизда битта савол тугилади. Агар Жалолоддин мўғуллар босқинидан ваҳимага тушиб, унинг вужудини кўрқув камраб олиб, отаси билан биргаликда мамлакатни ташлаб қочиб кетган бўлса, Хоразм давлати қулагач, у қандай қилиб яна ҳам қудратлироқ бўлган мўғулларга қарши фаол кураша олди? Бу курашда у қатъият ва матонатни қайдан олди? Мана шу саволларга берилажак жавобнинг ўзиёқ академик Бартольднинг юқоридаги фикрларига, гумонларига бизнинг эътирозимизни қувватловчи далил бўлади.

Мўғулларнинг етиб келишидан хавфсираган Хоразмшоҳ Муҳаммад Нишопурда кўп тўхтамасдан, Бистом қалъаси томон жўнаб кетади. Бистомда ўз аъёнларидан амир Тожиддин Умар ал-Бистомийга 10 сандиқ қимматбаҳо тошларни бериб, уни Демаванд ва Мозандарон тоғлари ўртасида жойлашган мустақкам Ардахон қалъасига беркитишни топширади. Замондошларнинг таъкидлашларича, ўша ўнта сандиқдаги қимматбаҳо тошларнинг баҳоси “бутун жаҳон хирожига” тенг эди. Бироқ, у қимматбаҳо бойликларни сақлаб қолиш имкони бўлмади. Улар кейинчалик мўғуллар қўлига тушиб, мўғуллар

уларни Чингизхонга жўнатдилар <sup>1</sup>. Хоразмшоҳ Муҳаммад Бистомда ҳам узоқ қолмади. Бир қалъадан иккинчи қалъага кўркув остида қочиб юрди. Жобо нўйон ва Субутой Баҳодур бошчилигидаги мўғуллар уни деярли изма-из таъкиб этдилар. Фаррадин қалъаси ёнида Хоразмшоҳ ўз ўгли Рукнаддин Гурсанжийни 30 минг кишилиқ кўшини билан учратади. 30 минг кишилиқ кўшин билан ўзининг асосий кучларидан узоқлашиб кетган Жобо нўйон ва Субутой Баҳодур бошлиқ мўғулларни яқсон қилиш имконияти туғилган эди. Бироқ Хоразмшоҳ Муҳаммад бу имкониятни ҳам бой беради ва шу билан ўзига ўлим ҳукмини чиқаради. Мўғулларга юқорида кўрсатилган кўшин билан қарши чиқиб, уларнинг бетиним таъкибига чек қўйиш ўрнига, Муҳаммад ўз яқинлари ва кўшин билан Қорун тоғларида жойлашган Қорун қалъасига боради. У ерда у ўз ҳарамидагиларнинг бир қисмини қолдиради. Кейин ўз олдига маслаҳатчи сифатида Луристон Отабеги ва Форс вилоятларининг Отабеги Насриддин Ҳазораспни чақиради. Насриддин Хоразмшоҳ Муҳаммадга Луристон ва Форс ўртасида унумдор ерлардан иборат воҳа борлигини, у ерда Хоразмшоҳ ўзига 100 минг кишигача пиёда лашкар тўплай олишини айтиб, Муҳаммадга ўша воҳага боришини маслаҳат беради. Халқимизда, ҳар на бўлса тангрининг иродаси билан бўлур, деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам омади қайтган Хоразмшоҳ мўғул босқинчиларига қарши қақшаткич зарба бериш учун бир неча имкониятларга эга бўлса-да, уларнинг ҳеч биридан фойдаланмади. Фойдаланишга ҳаракат ҳам қилмади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Муҳаммад мўғулларга зарба бериш йўлидаги охирги имкониятдан ҳам фойдаланмади. Насриддин Ҳазораспнинг ақлли, тўғри маслаҳатларини нотўғри тушунди. Насриддин ўз вилоятига қайтиб кетади <sup>2</sup>. Хоразмшоҳ Муҳаммад Ироқда бир неча кун туради. Мўғуллар яқинлашиши билан у ўз ўғиллари ила Қорун қалъасига боради. У ерда фақат бир кун туради. Отларни алмаштириб, Бағдод йўли билан кетади. Таъкиб қилаётган мўғулларни алдаб, йулини ўзгартириб, Сар-Жаҳон қалъасига келади. У ерда етти кун туради. Насавийнинг ёзишича,

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 147-бет

<sup>2</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч., I.490-бет.

Давлатобод пасттекислигида Хоразмшоҳ Мухаммад бошчилигидаги 20 минг кишилик кўшин уни таъқиб қилаётган мўғуллар билан тўқнашади. Шундай қилиб мамлакатнинг энг ғарбий чегарасида Мухаммад мўғуллар билан биринчи ва охириги марта жанг қилади. Жангнинг якунига яна Мухаммаднинг ўз жонини қутқариш, мўғуллардан қўрқиб ҳиссиёти катта таъсир кўрсатади. Хоразмшоҳнинг ўз жанговарлик хусусияти ва сони жиҳатидан Жобо Нўйон ва Субутой Баҳодур бошчилигидаги мўғулларга ён бермайдиган кўшини ўз ҳукмдорининг қўрқоқлиги туфайли мағлубиятга учради. Кўшиннинг ва Хоразмшоҳнинг кўпгина ҳамроҳлари жанг майдонида шаҳид бўлдилар <sup>1</sup>. Ўша жангдан сўнг Ҳамадон атрофларида мўғуллар Хоразмшоҳнинг изини йўқотадилар. Орқага қайтиб Занжон ва Қазвин шаҳарлари томон борадилар. У шаҳарларни талаб, қишда Озарбайжон ерларига бостириб кирадилар. Ардабил қалъасини талаб, совуқ кунлар бошланиши натижасида Каспий денгизи бўйидаги Муғон қалъаси томон юрадилар. Йўлда грузинлар билан тўқнашиб уларни енгадилар. Мўғуллар Каспий денгизи бўйларига етиб борганларида Мухаммад Хоразмшоҳ ҳаётдан кўз юмган эди.

Мўғуллар таъқибидан қоча бориб, Гургон дарёси бўйидаги Абаскун портига етиб келиб, Хоразмшоҳ Мухаммад у ердан кемага ўтириб, Каспий денгизидagi Ашур Ода оролига боради. Ушбу орол Гургон дарёси бўйидаги Гургон шаҳаридан уч кунлик йўл эди. Хоразмшоҳнинг ушбу оролда неча кун яшаганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бироқ, Насавий кейинчалик Хоразмшоҳнинг ўша вақтдаги ҳамроҳлари билан қилган суҳбатдан шу нарса маълумки, мўғуллар таъқибидан бетиним қочиш, доимий қўрқинч ва ваҳима остида яшаш Хоразмшоҳнинг соғлигига ёмон таъсир қилади. У оролга келганида ўпка шамоллаши касалига мубтало бўлган эди. У оролда яшаганида ниҳоятда сахийлик қилиб, ўз хизматидаги кишиларга мансаблар ва иқталар улашган. Бироқ у инъомлар реал қимматига эга эмас эди<sup>2</sup>. Чунки, Хоразмшоҳлар давлати қарийб емирилган эди. Насавийнинг ёзишича, ўз фарзандлик бурчига содиқ қолган

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 498-бет.

Жалолиддин Мангуберди отаси берган ёрликларнинг барчасини кейинчалик тасдиқлаган.

Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад онаси Туркон хотуннинг таъзиёнки билан қабул қилган, тахт вориси тўғрисидаги фармонини ўлими олдидан ўзгартиради. Хоразмшоҳлар давлати тахтининг вориси қилиб катта ўғли Жалолиддин Мангубердини тайинлайди. "...Тахт учун, мамлакат учун, менинг учун мўғуллардан фақатгина ўғлим Жалолиддин Мангуберди ўч олиши мумкин!" деб хитоб қилади <sup>1</sup>.

Афсуски, бу тўғри тадбир Хоразмшоҳ томонидан анча кечикиб кўрилган эди. Бизнинг назаримизда, ўзига ишонмаган, мўғуллар ҳужумидан ақлу - ҳушини, қатъиятини йўқотиб қўйган Аловиддин Муҳаммад тахтни бир йил муқаддам, жуда бўлмаса, кўшишларга кўмондонликни Жалолиддинга берганида эди, Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари бошига бунчалар кулфат ёғилмаган бўлур эди. Мўғуллар босқини даф қилинган, Хоразмшоҳлар давлати сақлаб қолинган бўлур эди. Бироқ минг афсуски, бундай бўлмади. Аллоҳнинг иродаси шундай бўлган бўлса керак. Бир вақтлар ўзига Иккинчи Искандар, Иккинчи Султон Санжар номини олган Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад<sup>\*</sup> Ашур Ода оролида, 1220 йил декабрида вафот этди.

Насавийнинг кўрсатишича, Аловиддин Муҳаммад вафотидан сўнг уни дафн қилишда қафан олишга ҳеч вақо бўлмаганидан, ҳамроҳдаридан биттасининг куйлагига ўраб дафн қилинди <sup>2</sup>. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг фармонига мувофиқ, Аловиддин Муҳаммаднинг жасади Ардахон қалъасига кўчирилади. Жалолиддин Мангуберди ўз отаси номига бағишлаб Исфаконда мадраса қурилишини бошлаатади. Худди ўша мадраса худудига ўз отаси жасадини дафн қилишни ният қилди. Насавийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг аъёнларидан Муқарабаддин унга Аловиддин Муҳаммаднинг жасади Ардахон қалъасига кўчирилиши оқибатларидан хавотирда эканлигини билдирганда, Жалолиддин унга кулоқ солмайди. Натижада, Жалолиддин Мангуберди ҳалок бўлгач, мўғуллар Ардахон қалъасини оладилар. Аловиддин Муҳаммаднинг ҳокини гўрдан

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 148-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда.



олиб, ҳокон Ўғидой олдиға жўнатадилар. Худодан кўркмаган бу ваҳшийлар Аловиддин Муҳаммаднинг ҳокини ҳоконларининг буйруғига мувофиқ ёқиб, кул қиладилар.

Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросон юртларининг ҳукмдори, ўз даврининг энг қудратли давлатларидан бири бўлмиш Хоразм давлатининг султони ўз ҳаётини шундай шон-шуҳратсиз тугатади. У ўзининг манманлиги, шуҳратпарастлиги, жоҳиллиги ва узоқни кўра билмайдиган ташқи сиёсати билан Чингизхон бошлиқ кўчманчи мўғулларнинг Хоразмшоҳлар давлати устиға ҳарбий юришиға сабабчи бўлди. Мамлакат устини қора булут босганда Аловиддин Муҳаммад ҳукмдор сифатида барча кучларни тўплаб, душманға қарши чиқиб, унга зарба бериш ўрниға қочиб, мамлакатни ва фуқароларни ўз ҳолиға ташлади. Ўша давр воқеаларини ўрганиш ва мулоҳаза қилиш бизда шундай фикр туғдиради: Чингизхондек ҳарбий маҳоратға эға уста, маккор ҳукмдор бошчилигидаги юксак интизомли, кўп сонли мўғул лашкариға қарши чиқиб, унга бас келиш, уни тўхғатиш ва унга зарба бериш учун кўшинға шахсий қаҳрамонлик ва довурақлик кўрсатиш хусусиятларига эға булган саркарда бош бўлиши керак эди. Афсуски, Аловиддин Муҳаммад ўғли Жалолоиддин Мангубердидан кескин фарқ қилиб, юқоридаги фазилатларнинг ҳеч бириға эға эмас эди. Шунинг учун ҳам унинг мўғуллардан кочишини кескин қоралаш қийин. Тақдир тақозоси билан, юксак маданиятға ва тараққиётға эға бўлган қудратли Хоразмшоҳлар мамлакати ўлим хавфи билан юзма-юз келган даврда Хоразм тахтида шундай лаёқатсиз, кўрқоқ, қатъиятсиз ҳукмдор ўтирганлиги мамлакатни ва халқларни ёмон оқибатларға олиб келди, мусулмонларнинг қони дарё бўлиб оқди. Мамлакат фани, маданияти, хўжалиқ тараққиёти, шаҳарлар ҳаёти чуқур инқирозға юз тутди. Хоразм мўғуллар етказган зарардан ўзини ўнглаб ололмади ва кейинчалиқ шундай юксак даражаға кўтарилмади.

### **3.10. Хоразмшоҳ Султон Жалолоиддин Мангуберди.**

Инсоният тарихида номлари тилларда дoston бўлган миллий қаҳрамонлар анчагина. Бирок, уларнинг ичида халқимизнинг

севимли миллий қаҳрамони – мўғул босқинчи-ларига қарши олиб борган ўзининг аёвсиз кураши билан тарихда ўчмас из қолдирган Хоразмшоҳ Султон Жалолоддин Мангуберди алоҳида ўрин тутди. Жалолоддин Мангуберди (Манқбурни - бурнида ҳоли бор деган маънони беради) 1198 йилда Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад оиласида дунёга келган. Отаси Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад, онаси туркман аристократларининг қизи Ойчечак хоним. Болалигидан ёш Жалолоддин ҳарбий илмга қизиққан.

Замондошларининг ёзишларича, унда болалигиданоқ йирик ҳарбий саркардалик қобилияти бўлган. Ҳарбий машқларда ўта устамон, кўркиш нималигини билмаган. Ҳар қанақа тасодиф олдиди ҳам ўзини йўқотиб қўймайдиган, айнан шу хусусиятлари туфайли тарихда “Қорақум йўлбарси” деган ном олган Жалолоддин Мангуберди образи бугунги кунда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга моликдир.

Хоразмшоҳлар тахти Жалолоддин Мангубердига амалда давлат устунлари қулаган пайтда насиб этди. Бирок, шунга қарамасдан буюк қаҳрамонимиз босқинчи мўғулларга қарши Ватанимиз озодлиги учун бешафқат кураш олиб борди. Қатор ғалабаларга эришди ва тенгсиз курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Онаси Туркон хотуннинг таъсирига тушиб қолган Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад тахт валиаҳди масаласида жиддий хатога йўл қўйиб, валиаҳд қилиб, катта ўғли Жалолоддинни эмас, балки, қипчоқ хотинидан туғилган ўртанча ўғли Ўзлокшоҳни тайинлаган эди. Бирок, юзага келган сўнгги пайтдаги жиддий воқеалар унга валиаҳд масаласидаги ўзининг жиддий қарориши ўзгартиришга мажбур этди. У умрининг сўнгги кунларида 1220 йил ноябрь ойида тахт валиаҳди масаласидаги хато қарорини ўзгартириб, Хоразмшоҳлар тахти валиаҳди қилиб катта ўғли Жалолоддинни тайинлайди. Мамалакатни ёвуз душман чанғалидан фақат Жалолоддин қутқариши мумкин деб хитоб қилади. Аловуддин Муҳаммад кимсасиз оролда вафот этди. Жалолоддин ўз сафдошлари билан отасини дафн этгач, мамлакат пойтахти Гурганжга, Хоразмшоҳ сифатида мамлакат мудофаасини ташкил этиш мақсадида йўл оладилар ва тезда унга етиб борадилар. Сарой аъёнлари ва амирларига Аловуддин Муҳаммаднинг валиаҳд масаласидаги

сўнги фармонини стказадилар. Ватан ва халқ манфаатига нисбатан ифлос қалбларида шахсий хусумати кучлироқ бўлган сарой аъёнларидан баъзилари, қипчоқ амирлари ва Туркон хотун, мамлакат мудофаасини ташкил этишдан кўра, ўзлари ёктирмайдиган туркман хотиндан туғилган янги шоҳ Жалолиддинни бартараф этишни маъқул кўрадилар. Унга суиқасд қилиб уюштириб, ўлдирмоқчи бўладилар. Ўз яқинлари томонидан огоҳлантирилган Жалолиддин ўз яқинлари ва 300 кишилиқ отлиқ навкарлари билан яширин Гурганждан чиқиб кетади. Нобакор аъёнлар, калтафаҳм жодугар Туркон хотун Хоразм давлатини қутқариб қолишнинг сўнги имкониятига болта уриб уни майдалаб ташладилар. Афсус! Жалолиддин ўз навкарлари билан ўзининг ери бўлмиш (отаси Аловуддин Муҳаммад унга Ғазна вилоятини иқта қилиб берган эди. муалл) Ғазна томон йўл олади. Мўғуллар Гурганждан жанубга борадиган барча йўлларга ўз куролли посбонларини қўйган эдилар. Айнан Ғазна йўлида Наса шахри яқинида уларнинг каттагина ҳарбий қисми посбонлик қилмоқда эди.

Бироқ, у қонхўр душман - мўғулларга қарши умрининг охиригача курашди. Унинг қаҳрамонлиги тилларда дoston бўлди. Афсуски, Жалолиддин Мангубердининг умри қисқа экан. У атиги 33 йил атрофида умр кўрди. Унинг умрининг энг навқирон даври курашларда ўтди. У чет эл босқинчиларигагина қарши эмас, балки Ватанни мўғуллардан озод қилиш учун муқаддас курашда унга хиёнат қилган ички душманларга - феодалларга ҳам қарши аёвсиз курашди. Албатта, Жалолиддин Мангуберди ўз даврининг фарзанди бўлган. Унда шоҳларга хос золимлигу оқсуякларга хос улугворлик хусусиятлари ҳам бўлган. Жалолиддин Мангуберди ўз ҳамроҳлари билан Наса шахри томон юради. Наса яқинида уни 700 кишидан иборат мўғул суворийлари пойлаб турган эдилар. Жалолиддин Мангуберди жангчилари билан мўғуллар устига шердек ташланади. Қисқа жангда мўғуллар кириб ташланади. Насавийнинг ёзишича, мусулмонларнинг қиличи бу ерда биринчи бор мўғул қони билан бўялди <sup>1</sup>.

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 156-бет

Пасада озгина дам олиб, Жалолиддин Мангуберди ўз одамлари билан Нишопур томон жўнайди. Юрагида мўғул босқинчиларига қарши газаб ва нафрат алангаланган Жалолиддин Мангуберди Нишопурдан туриб ҳар томонга чопар юбориб, халқ оммасини зolim душманга қарши курашиш учун тўпланишга чақиради. Бирок маккор душман Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий истеъдодини билар, агар у ўз атрофига катта кўшин тўплай олса, мўғулларнинг аҳволи мушкуллашини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам Чингизхон Жалолиддинга бундай имкопийатни бермасликка ҳаракат қилди. Нишопур томон шошилинч юриб, Жалолиддиннинг куч тўплашига имкон бермади. Султон Жалолиддин ўз мулки Ғазна томон юрди. Қандаҳор ёнида унга отаси Аловиддин Муҳаммаднинг амакиваччаси амир Аминалмулк ўзининг 10 миң кишилиқ кўшини билан кўшилди. Балх яқинида Султон Жалолиддин ўз кўшини билан Қандаҳор шаҳарини қамал қилаётган мўғулларга ҳужум қилди.

Отаси Аловиддин Муҳаммаддан фарқли равишда, Султон Жалолиддин ўзининг довюраклиги, шиддатлилиги, чакқонлиги билан жангчилар ва амирларга шахсий намуна кўрсатарди, мўғуллардан ваҳимага тушиб қочмай, очиқ майдонда уларга қарши мардонавор кураш олиб борарди, бу курашда янги ҳарбий усуллар қўлларди. Қандаҳор атрофидаги жанг уч кеча-уч кундуз давом этди. Мўғуллар мусулмонлар устидан осонгина ғалаба қозонавериб, ўзларининг енгилмасликларига каттиқ ишониб қолган эдилар.

Бирок, Султон Жалолиддин кўшини ғайридинларга ҳали мусулмонлар билагида куч, юрагида шижоат борлигини, уларнинг қиличлари ўткир бўлиб, қонга ташна мўғулларни ўз қонига бўяшга қодир эканлигини кўрсатди. Мўғуллар тор-мор келтирилди, тирик қолганлари эса отларининг бошини буриб қочиб қолдилар. Мўғулларнинг Султон Жалолиддин кўшинидан каттиқ зарба еганлиги Чингизхоннинг юрагига гулгула ва кўркув солди. Маккор ҳокон ўз кўшинига Ғазнага кетаётган Султон Жалолиддинни таъқиб этиш, у билан ҳал қилувчи жанг қилиб, тор-мор келтиришни буюради. Ғазна атрофида турк ва ғурий амирлари ихтиёрида каттагина ҳарбий кучлар бўлиб, улар

бирлашиб ҳаракат қилган тақдирда, мўғулларга қарши даҳшатли куч бўла олиши мумкин эди.

Афсуски, бундай бўлмади. Ўрта аср Шаркидаги мусулмонлар ўртасида мавжуд бўлган кабилавий низолар бу ерда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ғурийлар билан туркийлар ўртасида ҳар икки кабиланинг тақдири учун ғоят масъулиятли бўлган ушбу дамда ҳам, улар ўртасида ўзаро анчагина келишмовчиликлар мавжуд эди. Академик Бартольд ҳам ўз асарида худди мана шу фикрларни тасдиқлайди<sup>1</sup>. Унинг тарихий манбалар асосида таъкидлашича, Султон Жалололдиннинг амири Аминалмулк Пешавор ҳокими Ихтиёрдин Муҳаммад ал-Харпуста иттифок тузиш ва биргаликда умумий душман бўлмиш мўғулларга қарши курашишни таклиф қилганда, ғурийлар билан турклар бирга ҳамжиҳат бўлиб яшаши мумкин эмас, деган жавобни олган<sup>2</sup>.

Султон Жалололдиннинг ҳарбий даҳоси, ўз қаҳрамонликлари билан орттирган обрў-эътибори вақтинчалик бўлса-да, ғурийлар билан турклар ўртасидаги келишмовчиликларни тўхтата олди. Бирок, афсуски, уни батамом йўқота олмади. Аввалги саҳифаларда қайд этилганидек, Султон Жалололдин 1221 йил баҳорида Ғазнага келади. Унинг Ғазнага келиши мўғуллар босқинидан катта хавотирда бўлган вилоят ва қўшни ерлардаги аҳоли руҳини кўтарди. Улар Султонни мўғул босқинчиларидан ўзларини ҳимоя этувчи ҳукмдор деб хурмат қилардилар. Ҳар томондан Султон Жалололдин атрофига ҳарбий кучлар кела бошлади. Кун сайин унинг кучига куч қўшила борди. Халаж кабиласи ҳарбий бўлинимасининг бошлиғи Сайфиддин Иғрок, Балх ҳокими Аъзам Малик, афғон халқ лашкарининг сардори Музаффар Малик ва қарлуқлар йўлбошчиси ал-Ҳасан бошчилигидаги кучлар Султонга келиб қўшилдилар<sup>3</sup>. Султоннинг ҳарбий куч-қудрати ошди. Эндиликда у мўғулларга қарши ҳужумга ўтиш имкониятига эга бўлди. Мазкур урушнинг боришида мусулмонлар биринчи бор ташаббус кўрсатиб, душманга қарши ҳужумга ўтдилар. Султон қўшинлари Тохачук ва Молгора бошчидигидаги Валиён қалъасини қамал қилаётган

<sup>1</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч., I. 506-507-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 306-бет

<sup>3</sup> З. М. Бунятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 156-бет.

мўгул кўшинларига хужум уюштириб уларни яқсон қилдилар. Мўгуллар қамалши ва мишгаб ҳалок бўлган ва ярадор қуролдошларини ташлаб, Панж дарёсидан ўтиб, кўприкни бузиб қочинишга мажбур бўлдилар. Мўгуллар дарё кўпригини бузиб кетганлиги уларнинг барчасини ҳалок бўлишдан қутқариб қолди.

Султон Жалолиддиннинг куч-қудрати ошаётганлиги, унинг кўшинлари мўгулларга бир неча бор жиддий талафот етказганлиги ҳақидаги хабар Чингизхонга етиб келади. Бу кўнгилсиз хабардан анча безовталанган Чингизхон қандай бўлмасин ўжар Султон Жалолиддинни бартараф қилмоқчи бўлади. Шу мақсадда у Султонга қарши ўзининг синалган саркардаларидан Шиқи-Хутуку Нўйон бошчилигида 45 минг кишилиқ мўгул кўшинини юборади. Бундан хабар топган Султон Жалолиддин ўз кўшини билан мўгулларга қарши чиқади. Икки кўшин Парвон яқинидаги пасттекислиқда учрашади. Султон кўшинининг ўнг қанотига амир Аминалмулк, чап қанотига Ағроқхон кўмондонлик қилиб, марказни шахсан Султоннинг ўзи бошқарди. Мазкур жангда Султон Жалолиддин ўзининг ҳарбий даҳосини яна бир бор намоиш этди. Жанг қатъий ва беомон эди. Золимлиги ва жаллодлиги туфайли одамлар қалбига ваҳима солиб, ўз ҳарбий усуллари билан кўп сонли рақиблари устидан осонгина ғалаба қозониб келган, енгилмаслигига қатъий ишонган, жангда мисли кўрилмаган қатъий тартиб ва интизомга риоя қиладиган мўгуллар устидан фақат ҳарбий маҳорат ва жасорат намуналарини кўрсатиш билан эмас, балки жанг олиб боришнинг янги усулларини қўллаш билан ғолиб келиш мумкин эди. Султон Жалолиддиннинг бу жангдаги саркардалиқ маҳорати ҳам шунда эдики, у ушбу урушда биринчи бор янги ҳарбий усулни қўллади. Жангнинг узоқ ва беомон бўлишини пайқаган Султон ўз жангчиларига отдан тушиб пиёда жанг қилишини буюрди. Жалолиддин ҳарбий илм тарихида биринчи бўлиб, пиёда ёй - андозлар сафини мўгулларнинг отлиқ аскарларига қарши қўйди. Жалолиддиндан анча кейин бу усулни инглизлар Кресс яқинидаги жангда ишлатишди<sup>1</sup>. Мазкур жангда Султон

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 310-бет.

Жалололиддин кучли, маккор мўғуллар устидан галабага эришиш йўлини амалда кўрсатди. Оддий сўзлар билан айтганда, уларни ўз куруллари билан урди. Икки кун қаттиқ жанг бўлди. Шиқи Хутуку нўйон ўз жангчиларига кигиздан одамга ўхшаган шакллар ясаб, уни бўш отларга миндириб чоптиришни буюради. Мўғул жангчилари худди шундай қиладилар. Жангнинг учинчи кунин Султон Жалололиддин жангчилари мўғулларнинг ҳийласига тушунмай душманга ёрдамчи кучлар келган деган хаёлга бориб, ваҳимага туша бошлайдилар. Шунда Султон ўз жангчиларига далда бериб, бу мўғулларнинг навбатдаги ҳийласи эканлигини айтиб, жангчиларини дам олган отларга миниб хужумга ўтишларини амр қилади. Ўзи хужумнинг бошида бориб, мўғуллар қўшинининг марказига шердек ташланади. Бир ҳамла билан мўғулларнинг байроқдорини ва байроғини парчалаб ташлайди. Султоннинг бу шижоати унинг жангчиларини руҳлантиради. Улар душман устига ёпирилиб, уни тутдек тўка бошлайдилар. Абулғозий ўзининг “Шажарайи турк” асариди Парвон жангини тасвирлар экан, Султон Жалололиддиннинг саркардалик маҳоратига мадҳлар ўқийди: “...Ахшомгача урушдилар. Ахшом мўғуллар кигиздин ва шолдин киши ясаб отларнинг ва теваларнинг устига беркитиб, орқаларинда ясов қилиб, эрта туриб урушга бордилар. Султон Жалололиддиннинг лашкари буларнинг эткан ишларин билмай, кўмаки келди теб, қочали тедилар. Султон Жалололиддин қичкурди ким мўғуллар ҳийла қилиб турур, кўркманг, андин сўнг кўшгилларин беркитиб бир мартаба ҳамла қилдилар. Таки мўғулларни ўрта ерга олдилар, Ахирул амр тоқат қилиб турабилмай қочтилар. Мўғуллардин кўи киши ўлди. Шангуй Қутуку оз киши бирлан қочиб хон қошига келди”<sup>1</sup>. Парвон ёнида мўғуллар Хоразм давлати ўртасидаги урушда биринчи бор катта мағлубиятга учрайдилар. Шиқи Хутуку омон қолган озгина жангчилари билан Чингизхон қароргоҳига етиб келади. Чингизхон бу нохуш хабарни ўзига хос совуққонлик билан қабул қилади. Султон Жалололиддин ўзига муносиб рақиблиги тўғрисидаги гумонлари тасдиқланганлигини

<sup>1</sup> Абулғозий. “Шажаран турк”, 71-бет.

сезади. Исёнкор, жасоратли ёш Султонга қарши қатъий ва ҳал қилувчи жангга шошилинич тайёргарлик кўради.

Парвон ёнидаги ғалаба мусулмонларнинг руҳини кўтарди. Мўғуллар Валиён қалъаси қамалини тўхтатдилар. Бир неча шаҳарларда халқ ғалаён кўтариб, шаҳардаги ноибларни ва мўғулларни ўлдирди. Бироқ Султон Жалолоиддин кўшини қўлга киритган бу ғалаба мустаҳкамланмади. Қочиб бораётган душманини таъқиб қилиб, унинг асосий кучларига ҳам тезлик билан зарба бериш ўрнига, асир тушган мўғуллардан ўч олиш, ўлжани ўзаро бўлиб олиш билан овора бўлиб, қимматли фурсат бой берилди. Афсуски, Хоразм давлати ички ҳаётига хос бўлган ўзаро зиддият бу ерда ҳам ўз кучини кўрсатди. Мўғуллардан олинган ўлжаларни бўлиб олиш пайтида Султон Жалолоиддиннинг амирлари битта отни таллашиб жанжаллашиб қоладилар. Султон Жалолоиддиннинг бу баҳсга аралашуви ҳам фойда бермади. Жанжал оқибатида амир Сайфиддин Ағроқ ва амир Музаффар Малик жангчиларини олиб, Жалолоиддин Мангубердини ташлаб кетдилар. Ёвуз душманга қарши кучларни бирлаштириб кураш олиб боришгина ягона нажот йўли эканлигини унутган худбин амирлар арзимаган ўлжа учун ўзаро аразлашиб, умумий ишга тузатиб бўлмайдиган даражада зиён етказдилар. Султон Жалолоиддин хузурида фақат амир Аминалмулк ўз турк жангчилари билан қолди. Султоннинг ҳарбий кучи анча заифлашди. Сайфиадин Ағроқ ва Музаффар Малик уни Чингизхон билан курашининг ҳал қилувчи пайтида ташлаб кетмаганида, ўта қобилиятли икки саркарда, икки ҳукмдор ўртасидаги кураш қандай натижа билан тугани номаълум эди. Бироқ, маккор Чингизхон ўз душмани Султон Жалолоиддин қароргоҳидаги воқеалардан хабардор бўлади ва ундан фойдаланиш мақсадида зудлик билан, барча кучларини йиғиб, Султон Жалолоиддинга қарши йўлга чиқади. Йул-йулакай ўзаро аразлар туфайли Султон Жалолоиддинни ташлаб кетган Сайфиддин Ағроқ ва Музаффар Малик бошчилигидаги афғон, халаж ва қарлуқлардан иборат кўшинларни якка-якка ҳолда тор-мор келтиради. Халқимиз, бўлинганни бўри ер, деб бсқорга айтмаган. Ўзаро нифоклашган амирлар ўжарлиги туфайли ҳам



умумий ишга катта зиён етказдилар, ҳам ўзларини ва ўз жангчиларини нобуд қилдилар.

Сайфиддин Ағроқ ва Музаффар Малик қўшинларини тор-мор келтиргач, Чингизхон Ғазна томон шиддат билан юради. Энди унга қаршилик кўрсата оладиган ягона куч Султон Жалолиддин қолган эди. Чингизхон бу рақибини йўқ қилмагунча хотиржам бўла олмас эди. Чингизхон ўз саркардаларига Султон Жалолиддинни Ғазнада ўраб олиб, қўлга тушириш тўғрисида буйруқ беради. Душманнинг бу разил мақсадидан огоҳ бўлган Султон кучи камайиб қолганлиги туфайли унга бас кела олмаслигини тушуниб, Ғазнани ташлаб, қўшинни жануб томон бошлади. Икки ҳафтадан сўнг мўғуллар Ғазнани ишғол қилдилар. Бошқа шаҳарлардаги каби бу ерда ҳам тинч аҳолига зулм ўтказдилар.

Султон Жалолиддиннинг Ғазнадан жўнаб кетганлигидан хабар топган Чингизхон махсус илдам қўшин ташкил этиб, унга Султонни қувиб етиб, қўшинини тор-мор этиш ва ўзини асир олишни топширади. Бу қўшин Жалолиддинга Ғазнадан тахминан 50 км шарқда жойлашган Гардиз деган жойда етиб олади. Ночор қолган Жалолиддин ўзини таъқиб этаётган мўғулларнинг устига шердек ташланиб, тор-мор келтиради.

Мўғуллардан озгина киши кочиб қутулади холос. Султон Жалолиддин Мангубердиннинг ушбу жасоратлари тўғрисида фикр юритар эканмиз, унга Қоракум йўлбарси номи бекор берилмаганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Мўғулларнинг илғор қўшинини тор-мор келтиргач, Султон ўз қўшини билан Синд дарёси томон йўлида давом этади.

Чингизхон ўзининг барча кучларини йиғиб, шошилинч йўлга чиқиб, Султонни таъқиб қилади. Амир Сайфиддин Ағроқ ва Музаффар Маликларнинг хиёрати туфайли анча заифлашиб қолган Султон энди ўзидан 2-3 барабар қудратли бўлган маккор душманга қарши майдонга очиқ туша олмас эди. Шунинг учун ҳам жанубга чекиниш, қўшимча куч йиғиб, ҳал қилувчи жангга тайёрланиш ушбу дамда энг тўғри йўл эди.

Бирок, ҳийлакор Чингизхон рақибни Султон Жалолиддинга бундай имконият бермади. У чекинаётган Султон қўшинини Синд дарёси бўйида қувиб етди. Султон нариги қирғоққа жангчиларни ўтказиш учун бир неча сол тайёрлашни буюрган эди. Шу билан

бирга ўша атрофдаги барча амир ва ҳокимларга ёрлик юбориб, уларни умумий душман- мўғулларга қарши кураш учун ўз атрофига тўпланишга чақирган эди.

Бироқ, мўғуллар бехосдан қилган ҳужум Султонга ҳар икки тадбирни ҳам амалга оширишга йўл бермади. Султон ўз кўшинидан бир неча баробар ортиқ кўшинга эга бўлган рақиби билан Синд дарёси бўйида жанг қилишга мажбур бўлади. Насавийнинг ёзишича, ушбу жанг 1221 йил 24 ноябрда, чоршанба куни бўлиб ўтди<sup>1</sup>. Ўша давр замондошларининг ёзишича, уч кун давом этган жанг ўзининг шафқатсизлиги билан олдинги жанглардан кескин фарқ қилиб, улар бунинг олдида гўё болалар ўйини эди. Чингизхон Султон Жалололдинни тириклайин қўлга туширишни амр қилади. Жалололдиннинг қаҳрамонлиги ва шижоатидан яхши хабардор бўлган Чингизхон эҳтиёт чораларини кўриб, ўн минг кишилик сараланган кўшинини пистирмага кўяди.

Султон Жалололдин Мануберди шер каби наъра тортиб, оз сонли кўшини билан мўғуллар устига от солади. Бундан рухланган жангчилар ўнгу сўлга қилич солиб душманни қийратадилар. Султон бошчилигидаги Хоразм кўшинлари марказининг ҳужуми шу даражада шиддатли бўлдики, мўғуллар чидаш беролмай, тартибсиз чекина бошлайдилар. Бироқ, бу ерда яна Чингизхоннинг хийлакорлиги иш беради. Пистирмада турган 10 минг кишилик мўғул кўшини Хоразм кўшинининг амир Аминалмулк кўмондонлигидаги ўнг қанотига тўсатдан ҳужум қилади. Бу ҳужум жанг оқибатини хал қилади. Хоразм кўшини ичида парокандалик бошланади. Султон Жалололдиннинг саккиз яшар ўғли мўғуллар қўлига асир тушади. Қонхўр жаллод Чингизхон норасида саккиз яшар гўдакнинг юрагини юлдириб итга беради.

Энди жангда мўғуллар устунлик қилмоқда эди. Уларнинг сон жиҳатидан Султон кўшинига нисбатан бир печа бор ортиқлиги ўз самарасини кўрсатди. Мўғуллар ўз ҳукмдорининг буйруғига амал қилиб, Султон Жалололдинни тириклай қўлга тушириш учун уни қуршаб олган эдилар. Тенги йўқ Хоразм баҳодири Султон Жалололдин ва унинг қатори сийраклашиб қолган жангчилари охириги кучини сарфлаб, кўп сонли мўғуллар билан жанг

<sup>1</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч. 1, 512-513 бетлар

қилмокда эдилар. Шундай вазиятда Синд дарёси бўйида яна бир оғир фожиа рўй беради. Қутулиб кетишнинг иложи йўқлигига кўзи етган Султон Жалолиддин онаси, хотини, болалари ва бутун харамни дарёга ташлашга амр қилади. Бу - ёвуз мўғулларнинг ифлос кўлидаги шармандадикдан уларни қутқарган ягона, тўғри тадбир эди. Душман сафини қилич билан ёриб ўтиб Хоразм шери - Султон Жалолиддин баланд тоғ дарасидан отини дарё устига солди. Жалолиддиннинг бу жасорати фотиҳ Чингизхонни ҳам ҳайратга солди. У жангчиларга Султонни таъқиб қилишни тўхтатишни амр қилди. Ўғилларига қараб: “Отадан ўғил туғилса, шунақаси туғилсин! У шундай оғир жангдан омон чиқа олдим, дўзах қаъридан дарёнинг нариги бетига эсон-омон етиб олдим, бас, ундан сон-саноксиз бебошликлар ва кўпгина қилмишларни кутиш мумкин”, дейди. Султон тезоқар Синд дарёсини отда сузиб ўтди. Кейинчалик уни ўлимдан қутқарган ушбу отини то Тифлисни ишғол қилгунга қадар ҳамиша безаб, ўз ҳузурида олиб юрди. Лекин ҳеч қачон унга минмади. Бундай эҳтиром отнинг садоқатли хизматига ўз хўжаси миннатдорлигининг рамзи эди.

Абулғозий ўз асаида Синд дарёси бўйидаги жангда Султон Жалолиддиннинг қахрамонлигини кенг тасвирлайди: “...Султон Жалоладдин беш-олти юз киши бирла ул ёқга ва бу ёқга от солиб эртадан то тушгача шул кўп лашкар бирлан урушиб мардоналиклар қилди. Ахир, ул амрни мўғуллар ўрта ерга олдилар. Яқин эрди ким дастгир қилгайлар. Зарурдин дарёга тушиб ўтуб юрий берди. Чингизхон Султоннинг қилган ишларина кўп таҳсинлар қилиб, ўғлонларина бокиб айтди ким: “Отадин ўғул туғса, шундағ туғсун”, деб. Султоннинг ўғлон ва ушоқин ва хазиначин олдилар”<sup>1</sup>. Омон қолган жангчилар ўз султонининг кетидан дарёга от солдилар. Дарёнинг нариги бетига 4 минггача жангчи эсон-омон ўтиб олди. Султон Жалолиддин мўғуллар билан Синд бўйидаги жангнинг охирида оти билан дарёга сакраган жойни ҳозир ҳам “От сакраган” деб атасалар, Султоннинг мўғуллар билан ушбу жангидан сўнг дарёнинг нариги қирғоқига етиб кадам қўйган ерни “Чўли Жалоли” (Жалолиддин чўли) деб атайдилар<sup>2</sup>. Бирок, ҳинд ерида ҳам

<sup>1</sup> Абулғозий. “Шажараи турк”. 72-бет.

<sup>2</sup> Академик В. В. Бартольд. Соч., I, 513-бет.

Султон Жалололидинни хузур - халоват кутмасди. Жангдан толиққан, очликдан силласи куриган 4000 кишидан сал кўпроқ жангчиси бўлган саркардани олдинда янги, жиддий синовлар кўрмоқда эди.

Ушбу сатрлар муаллифи 1978 йил қишида, ҳали аспирантлик чоғимда Москвага илмий командировкага бордим Давлат кутубхонасида илмий изланишга киришдим. Биринчи куниек китоблар рўйхатидан Султон Жалололидиннинг Муншийси Шиҳобиддин ан-Насавийнинг ўз ҳукмдори ҳаёти ва саргузаштлари ҳақидаги китобининг шифрини топиб, уни буюртма столдан сўрадим. Бу китобни академик, Совет Иттифоки Қаҳрамони Зиё Бунёдзода (Буниятов) Лондон кутубхонасида расмга олдириб, кейинчалик араб тилидан рус тилига таржима қилиб нашр этган эди. Бошқа барча ишларимни четга суриб қўйиб, бу ноёб китобни икки марта ўқиб чиқдим. Унинг барча саҳифаларидан кўчирма қилган бўлсам-да, расмга олдирмаганимдан ҳозиргача афсусланаман. Насавий ўз султони ҳаётининг сўнгги йилларининг бевосита шоҳиди бўлган. Унинг фаолиятдан, ички кечинмаларидан бохабар бўлган. Султон Жалололидиннинг ҳаёти ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақида кўп тарихчилар ёзиб қолдирганлар. Бироқ, улар орасида, бизнинг назаримизда, ҳақиқатга энг тўғри келадиган маълумотларга эга бўлган манба айпан Насавийнинг мана шу асаридир. Насавий асарида ўз қаҳрамонининг ички кечинмалари ҳақида куйидаги тасвирни беради. Бу тасвир ҳозир ҳам менинг эсимда жуда яхши сақланган.

“...Ёмғир майдалаб уриб ёғмоқда. Совук, ёкимсиз шамол эсмоқда. Султон ўз кўшини билан Хилот жангида (1230) қайтмоқда. Мўралаган ой нурида кўзим Султонга тушди. Султоннинг кўзларидан тинмай ёш оқар, у бир нималарни пичирлар эди. Дикқат билан кулоқ солдим. Шундай сўзларни эшитдим... Э, яратган Аллох! Нега мени оддий чўпон ёки дехкон қилиб яратмасдан, Султон қилиб яратдинг. Не гуноҳим учун менга тинчлик бермайсан. Не қилмишларим учун мени мунча қувғинга гирифтор қилгансан. На турмушимда, на юришимда халоват бор...”

Ҳақиқатан ҳам, ўн гулидан бир гули очилмаган, энди ўйнаб-кулиш пайти етган Жалололиддин Мангуберди шум толе тақозаси билан ҳаётини жуда мураккаб ва оғир синовларига дуч келди. Ва бу синовларга у бардош бера олди. Ўз халқи, ўз мамлакати, ўз салтанати, ўз ғояси учун умр бўйи курашди. Бу кураш йўлида буюк қаҳрамонликлар намунасини кўрсатиб келгуси авлодлар кўнглида ёрқин хотира қолдирди. Султон Ҳинд ерига ўтиши билан унинг қаршисида яна бир рақиб Шатра вилоятининг подшоси ўз кўшинлари билан пайдо бўлди. Султон ўз хамроҳлари билан жуда оғир аҳволда қолган эди. Орқага - Синднинг нариги бетига чекиниб бўлмайди. У ерда кўп сонли мўғуллар унга ташланиш учун турардилар. Олдинга ҳам юриб бўлмайди. Қаршисида ҳинд подшоси ўз кўшини билан Султоннинг кучсизланганидан фойдаланиб, унга ташланишга тайёрланмоқда эди. Кўшин ҳолсизланган, оч эди. Шундай шароитда ҳинд подшоси минг кишилиқ суворийси ва 5 минг кишилиқ пиёда жангчиси билан Султон кўшинларига ҳужум қилди. Чарчаган ва ҳолсизланганига қарамай Султон Жалололиддин ўз кўшинини душманга қарши жангга бошлайди. Ўзи душман кўшинининг марказига ҳужум қилиб, ҳинд подшосини ўлдиради. Султоннинг бу жасорати хоразмликларнинг руҳини кўтаради. Улар душман устига янги куч билан ташланадилар. Ўз подшолари ўлдирилганидан ва хоразмлик жағгчиларнинг шижоатидан ваҳимага тушган ҳиндлар жанг майдонидан қоча бошлайдилар.

Хоразмликлар ўзлари учун ўта зарур бўлган отлар, қурол-яроғ ва озиқ-овқатни кўлга киритадилар<sup>1</sup>. Султон Жалололиддин Шатра подшоси устидан кўлга киритган ушбу ғалаба Шимолий Ҳиндистондаги бошқа амирларга, ҳокимларга қаттиқ таъсир кўрсатади. Уларнинг Султонга бўлган муносабати яхши томонга ўзгарди. Улар Султонга садоқатларини изҳор қилдилар. Биринчи бўлиб Синд, Учча, Мўлтон, Лоҳур ва Пешовар вилоятларининг ҳокими Носириддин Кубачанинг ноибни Қамариддин Кирмоний Султонга мурожаат қилиб, ўзининг унга тобелигини изҳор қилди, сўнг Носириддин Кубачанинг ўзи ҳам тобеликни бўйнига олди.

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 158-бет.

Тез орада Султон Жалололиддинга укаси Гиёсиддин Пиршоҳ, хизматидан кетган амирлар Санжакон хон, Элчи Паҳлавон, Урхон Соёнржа ва Тақчорук Хонкишилар ўз қўшинлари билан келиб қўшилдилар. Бундай кучларнинг келиб қўшилиши Султоннинг куч-қудратини ва обрў-эътиборини оширди.

Унга хос бўлган жўшқинлик ва жасорат яна барқ урди. Султон Жалололиддин ўз қўшини билан Қалор вилоятининг ҳукмдори Кубача мулкларига қараб юрди. Кубача ўзининг Султон Жалололиддин ва унинг амирларига душманлик ҳаракатлари билан танилган эди. Султон Жалололиддиннинг вазири Шамсилмулкни, унинг ўғлини, шунингдек амир Аминалмулкнинг ҳам ўғлини ўлдиртирган эди. Бу жоҳил ҳукмдордан ўч олиш пайти келган эди. Султон қўшини Қалор шаҳрини, Парасравар, Тарнуж қалъаларини қисқа муддатли камалдан сўнг эгаллади<sup>1</sup>.

Ўзининг кўпгина вилоятларини қўлдан бой бергач, Кубача Шимолий Ҳиндистон ҳукмдори Султон Шамсиддин Элтутмиш ал-Муиззий (1211-1236) га мурожаат қилиб, ундан каттагина ҳарбий ёрдам олади. Нияти қандай қилиб бўлса-да Султон Жалололиддинга зарба бериш эди. Ўртада бўлиб ўтган қаттиқ жангда Кубача қўшинлари тор-мор бўлади. Кубача ва унинг қўшини қурол-аслаҳасини, карвонини ташлаб, жанг майдонидан қочадилар. Анча ўлжани қўлга киритган Султон ўз жангчиларини янгидан кийинтириш ва қуроллантириш имконига эга бўлди.

Шу ерда Султонга мўғулларнинг 20 минг кишилик қўшини уни таъқиб этиб келаётганлиги тўғрисида хабар келади. Жасур Султон ғайридинлар билан бўладиган ҳал қилувчи жангга тайёрланиб, Кубачага қарши уруш ҳаракатларини вақтинча тўхтатади. У ўз қўшини билан Кубача мулки орқали Мўлтон томон юриб, мўғулларга пешвоз чиқади. Бирок, уларни учрата олмайди. Ҳаво жуда иссиқлигига чидай олмаган мўғуллар Мўлтондан орқага қайтиб кетган эдилар. Султон ўз қўшини билан Учча, Хатисор, Дамрила қалъаларини эгаллайди. Кубача билан бўлган навбатдаги бир соатлик жангда унга яна бир марта қаттиқ зарба беради. Шу пайтда Султонга Шимолий Ҳиндистон

<sup>1</sup> Уша жойда.

хукмдори Султон Шамсиддин Элутмиш 30 минг кишилик суворий, 100 минг кишилик пиёда аскар ва 300 та жанговар фили билан қарши келаётганлиги ҳақида хабар стади. Султон олдида жуда катта ҳарбий кучга эга бўлган рақиб билан тўқнашиш хавфи турган эди. Элутмиш кўшини Жалолиддин кўшинининг баронғори билан бироз тўқнашади. Бирок, шу ондаёқ жанг тўхтатилади. Элутмиш Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши қахрамонона курашидан бохабар, унга катта ҳурмат билан қарар эди. Шунинг учун султон Элутмиш Жалолиддин ҳузурига ўз элчиларини нома билан юбориб, сулҳ тузишни таклиф қилади.

Султон Жалолиддин билан Элутмиш ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилади. Шимолий Ҳиндистон хукмдори ўз кизини Султон Жалолиддинга турмушга бериб, икки халқ ўртасида қариндошлик ипларини боғлайди.

Ҳиндистонда Султон Жалолиддин номидан кумуш ва мис тангалар зарб қилинади. Деярли барча маҳаллий вилоятларда хутба унинг номига ўқилди. Бирок, келгинди Султон ва унинг аъёнларининг обрў-эътибори кун сайин ошиб бориши Элутмиш, Кубача ва Шимолий Ҳиндистондаги бошқа хукмдорлару амалдорларга ёқмас эди. Шунинг учун ҳам улар Султон Жалолиддинга қарши биргаликда кураш олиб бориши ва уни Шимолий Ҳиндистондан суриб чиқаришни ўзаро келишиб олдилар.

Султон Жалолиддин учун янада масъулиятли, оғир дамлар бошланди. Шундай қийин бўлган шароитда унинг иккита саркардаси Йазиддак Пахлавон ва Сункуржиклар хукмдорларига хиёнат қилиб, Шимолий Ҳиндистон хукмдори Элутмиш томонига ўтиб кетдилар. Натижада Султоннинг ҳарбий қудрати анча заифлашди. Султон вужудга келган шароитни муҳокама қилиш учун ҳарбий кенгаш чақирди. Кенгаш кун тартибига битта масала, вужудга келган жиддий, оғир вазиятда келгусида нима қилиш лозимлиги масаласи қўйилди. Яъни, масала икки тахлит: биричиси, оғир, жиддий вазият бўлишига қарамасдан, Шимолий Ҳиндистондаги ўз қўл остидаги вилоятларда мустаҳкамланиб олишми ёки, иккинчиси, бу ерларни тарк этиб, Ироққа кетип лозимми, деган йўсинда қўйилди. Ҳарбий кенгашда амрларнинг

фикри иккига бўлинди. Султон Ироққа кетиш таклифи билан майдонга чиққан амирларнинг фикрини қўллаб-қувватлади. Ҳиндистондан Ироққа бориш анча мураккаб бўлиб, икки мамлакат ўртасида сувсиз қақраган катта чўл ётар эди. Қўшин жуда катта машаққатлар билан ушбу чўлни босиб ўтиб, Кирмонга етиб борди. Жазирамада, сувсиз чўлда унинг кўп жангчилари ҳалок бўлиб, Султон 4 мингга яқин жангчиси билан қолди. Кирмон Хоразмшоҳлар давлатининг собиқ чекка вилоятларидан бўлиб, мўғуллар ҳали бу ерга келишга улгурмаган эдилар. Ҳиндистонда Султон Жалолиддин деярли 5 йил турди. Бу даврда у Синд ва унинг атрофидаги вилоятларда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Ўз давлатидаги фуқароларнинг мушкулини имкони борича осонлаштиришга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, жасур Хоразмшоҳ ўз юрти - Хоразм давлати ҳудудини ёвуз мўғуллардан тозалашни бир дақиқа ҳам эсдан чиқармади.

Унинг кўнглида Ҳиндистонда катта куч тўплаб, мўғулларга қарши қатъий кураш бошлаш мақсади мавж урар эди. Бироқ Мовароуннаҳр ва Хуросондаги каби шимолий Ҳиндистондаги феодал тарқоқлик, мамлакат ҳукмдорларининг ўзаро душманликлари, улар ўртасидаги кучли зиддият Султонга мусулмонлар манфаати йўлидаги ушбу шиятини амалга ошириш имконини бермади. У Ҳиндистонни тарқ этишга мажбур бўлди.

Султон ўз кўшини билан катта қийинчиликлардан сўнг Кирмон вилоятига етиб борди. Кирмон ва унинг атрофидаги вилоятлар бу даврда Султон Жалолиддиннинг укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ қўл остида бўлиб, у мазкур вилоятлардаги шаҳарларга ўз кишиларини ҳоким қилиб тайинлаган эди. Акаси Жалолиддин Мангубердидан фарқли ўлароқ Ғиёсиддин Пиршоҳ қатъиятсиз, кўрқоқ эди. Кирмон вилоятида Ғиёсиддин Пиршоҳ томонидан кўйилган Бароқхон ҳокимлик қиларди. Султон Жалолиддин Ҳиндистондан Ироққа жўнаш тараддудини кўраётган бир пайтда Ироққа Тўлан Черби кўмондонлигидаги мўғул кўшинлари келаётганлиги ҳақидаги хабар етиб келади. Бундан чўчиган Бароқхон ўз кишилари ва кўшини билан ҳимоя излаб Шимолий Ҳиндистонга, Султон Жалолиддин хузурига отланади. Жируфт вилоятига етиб келганида, унга Жувошир (Гувошир) қалъасининг ҳокими Шужоиддин кўшини билан хужум қилади. Икки ўртада



бўлиб ўтган жангда туркларнинг Шужоиддинга хиёлати туфайли Бароқхон кўшини ғолиб чиқади. Шужоиддин асир олиниб қатл қилинади. Шундан сўнг Бароқхон Жувошир қалъасини ишғол қилишга ва унинг бойликларини талашга қарор беради. Бароқхоннинг бу мақсадидан огоҳ бўлган қалъа фуқаролари уни қалъага киритмайдилар. Натижада Жувошир камали бошланади. Қалъа камали Султон Жалолоиддиннинг ўз кўшини билан Жувошир остоналарига етиб келгунига қадар давом этди. Султон кўшини яқинлашгач, Бароқхон қамални бўшатишга мажбур бўлади. Қалъа ҳимоячилари Султонга қалъа дарвозаларини очиб бердилар ва Султон Жалолоиддин Жувоширни вақтинчалик пойтахт қилиб белгилади.

Султон Жалолоиддиннинг довуғи бу ерларга ҳам кенг тарқалган эди. Шунинг учун аҳоли барча табақалари Султонга уларни мўғуллар босқинидан ҳимоя қилувчи қахрамон сифатида қараб, унинг атрофига тўплана бошлади. Султоннинг обрўси ва куч-қудрати яна орта борди. Бироқ, Кирмонда ўзини мутлақ ҳоким ҳисоблаган ва Султон Жалолоиддиннинг бу ерга келишигача худди шундай бўлган Бароқхонга бу ҳолат ёқмаслиги табиий эди. Табиатан кўпол, жохил, хийлакор бўлган бу ҳоким ўз ҳукмдори Ғиёсиддин Пиршоҳдан унчалик ҳайқмас-да, бироқ донғи жаҳонга тарқалган Султон Жалолоиддиндан анча кўрқар эди. Шунинг учун ҳам Бароқхон Султон Жалолоиддин билан алоқани яхшилашга интилди. У Султонга ўз тобелигини билдирди. Бунинг рамзи сифатида ўз қизини Жалолоиддин Мангубердига эрга беради. Бироқ қариндошлик ришталари бу кекса фитначи ҳоким Бароқхонни Султон Жалолоиддинга қарши курашдан қайтара олмайди. У Султонга қарши ҳал қилувчи кураш учун куч йиға бошлайди. Бундан огоҳ бўлган Султон хиёнатчи Бароқхонни жазоламоқчи бўлади.

Аммо, Султоннинг аъёнлари, жумладан, вазир Шарафалмулк унга бу йўлдан қайтишни маслаҳат берадилар. Султон Жалолоиддин Кирмонни Бароқхонга қолдириб, Форс вилояти томон юради. Шероз шаҳрида Форс вилоятининг ҳукмдори Отабек Саъд ибн Занги Султонга тобелик изҳор қилиб, кўп миқдорда қимматбаҳо совғалар, жумладан, 500 та от ҳадя қилади.

Ўз қизи Малика Хотунни Султонга завжаликка беради<sup>1</sup>. Шерозга - Султон хузурига Язд вилоятининг ҳокими Отабек Алоуддавла жуда кўп миқдорда қимматбаҳо совға-саломлар билан етиб келади. У ўз қаламравидаги вилоятининг Султонга тобелиги ҳақидаги ёрликни ҳам топширади. Бу ёрликда Султон Жалолоддин Мангубердига Отахон деган унвон ҳам берилган эди.

Султоннинг куч-қудрати тобора ошиб бормокда эди. У Шероздан Исфохон томон юради. Исфохон Хуросоннинг катта ва бой шаҳарларидан бири бўлиб, аҳолиси яқиндагина мўғулларга қатъий қаршилиқ кўрсатган ва уларнинг биринчи ҳужумини даф қилган эди. Шаҳар мудофаасига шаҳар қозиси Рукниддин Масъуд Саъид раҳбарлик қилганди. Султон Жалолоддиннинг ўз кўнини билан шаҳар остоналарида пайдо бўлиши унга ва шаҳар мудофачиларига Аллоҳнинг инъоми бўлиб кўринди. Исфохонликлар Султонни зўр шоду хуррамлик билан кутиб олдилар. Исфохон мудофачилари Султон жангчиларининг камайиб қолган қаторини тўлдирдилар. Исфохонда Султон ўз қўшинларини қайта куроллантирди. Исфохон Жалолоддиннинг укаси Фиёсиддин Пиршоҳ қўл остидаги ерлар таркибига кирарди. Ўз акасининг Шимолий Ҳиндистондан қайтиб унинг мулкларида пайдо бўлиши Фиёсиддин Пиршоҳнинг юрагига гулгула сояди. У ўз акасига қарши уруш бошлаш учун баҳона изламокда эди. Исфохон шаҳри Султон Жалолоддинга ихтиёрий тобе бўлганлигига қарамай, Фиёсиддин Пиршоҳ буни акаси Жалолоддиннинг ўз ҳудудига тажовузи деб тушунди ва уни ўз еридан қувиб чиқариш учун унга қарши 30 минг кишилиқ қўшин юборди. Султон барча кучларни бирлаштириб, умумий ёвуз душман мўғулларга қарши ҳал қилувчи жанг орзуси билан ёнар, бинобарин, ўз укаси билан ер ва бойлик талашиб уруш қилиш умумий мақсадга хиёнат ва унга етказиладиган катта зиён эканлигини, ўз шаънига ярашмаслигини Жалолоддин Мангуберди яхши тушунар, бироқ Фиёсиддин буни тушунмас эди. Қандай қилиб бўлмасин, бу шармандали ва зарарли тўқнашувнинг олдини олиш лозим эди. Шу мақсадда Султон

<sup>1</sup> З. М. Бунятов. Государство Хорезмшахов-Алпугтегинидов, 161-бет.

укаси Ғиёсиддин Пиршоҳнинг амирлари ҳузурига ўзининг жуда “устамон” вазирларидан амироҳўр (мироҳўр) Одакни жўнатади. Мирохўр бир қанча амирларни Султон томонига ўтишга кўндиради. Ғиёсиддиннинг онаси ҳам бу таклифга кўниб, ўглини ҳам умумий иш ҳаққи акасига бўйсунушга ундаб кўндиради. Ғиёсиддин Пиршоҳ амироҳўр Одақ ва онасининг маслаҳатларига амал қилиб, акасига қарши жанг бошлаш мақсадидан қайтади ва мўғулларга қарши курашда унинг томонда бўлишини билдиради. Бироқ афеуски Ғиёсиддин Пиршоҳ ўз сўзида охиригача турмайди. Умумий ишга - акаси Султон Жалололдинга хиёнат қилади.

Ғиёсиддин Пиршоҳнинг кўпгина амирлари ботирлиги, қатъиятлилиги, довиюраклиги билан ўз ҳукмдорларидан ажралиб турган Султон Жалололдин томонга ўта бошлайдилар. Ғиёсиддин Пиршоҳ кўл остидаги ерлар аҳолиси Султон Жалололдиннинг келишини хурсандлик билан кутиб олдилар. Султон бу ерларда ички тартибни, адолатни тиклади. Ўғирлик, талончилик, зўравонликлар барҳам топди. Султон Жалололдин укасининг қаламравидаги ерларда узоқ қолиш ниятида эмас эди. У асосий мақсад - Хоразмшоҳлар давлатининг ушбу ҳудудида мўғулларга қарши тура оладиган катта давлат барпо этишга интиларди. Шунинг учун ҳам у Ироқда узоқ туриб қолмасдан, 1224 йилда Озарбойжон томон юради. Хоразмшоҳ Алолвиддин Муҳаммад Озарбойжон ерларини ҳам Форс Ироқи ерлари каби Хоразм давлати ҳудудига қўшиб олган эди. Хоразмшоҳларга азалдан душманлик кўзи билан қараб келган Бағдод халифалари Хоразмшоҳлар давлатининг кулашидан фойдаланиб, Ироқда ва Озарбойжонда ўз таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилардилар. Султон Жалололдиннинг Ҳиндистондан Ироққа қайтиши, унинг куч-қудрати ва обрў-эътибори ошиб бориши Бағдод халифаси ан-Носирни безовта қила бошлаган эди. У қандай қилиб бўлмасин, шерюрак Хоразмшоҳ Жалололдин Мангубердини йўқ қилиш ҳаракатига тушиб қолганди. Ўзини мусулмон дунёсининг маркази ва ҳомийси деб ҳисоблаган халифа ан-Носир мусулмонлар бошига катта хавф-хатар ва қулфат тушган бир пайтда, яъни мусулмонлар ерларига мўғуллар кузгундек ёпирилиб кириб, уларни ўлдириб, талаб, шаҳарларни ёндираётган

бир пайтда уларга қарши кучларни бирлаштириш ўрнига, аввалги йиллардаги каби, ўз шахсий манфаатларини барча мусулмонлар манфаатларидан устун кўяди. Барча мусулмонлар кўшинига ва кучларига бошчилик қилиб, уларни мўғулларга қарши ҳужумга бошлай оладиган ягона ҳукмдор, ягона саркарда Жалолоддин Мангубердини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, барча ҳукмдорларни ҳам шу ишга чорлаш ўрнига, аксинча, уни йўқ қилишга, бошқа мусулмон ҳукмдорларни унга қарши қўйишга ҳаракат қилади ва ўзининг бу хиёнаткорона хатти-ҳаракати билан мўғулларнинг мусулмонлар устидан ҳукмронликни ўрнатишига ўз ҳиссасини қўшади.

Халифа ал-Носир Султон Жалолоддиннинг Озарбойжон томон юриш ниятидан огоҳ бўлиб, Озарбойжон отабеги, Гиссиддин Пиршоҳнинг тоғаси Иғон Тойисийни Жалолоддинга қарши юришга кўндиради. Отабек Иғон Тойисий 50 минг кишилик кўшин билан Жалолоддинга қарши Ироқ томон йўлга чиқади. У катта кўшини билан Хамадон шаҳрига етиб келади. Бундан хабар топган Султон Жалолоддин ўз кучлари душманга нисбатан ҳийла оз бўлишига қарамасдан, унга пешвоз чиқиб, Иғон Тойисийнинг Хамадон яқинидаги қароргоҳини тунда ўз кўшини билан ўраб олади. Бунда Султоннинг ҳарбий маҳорати ва жасорати иш беради. Иғон Тойисий Султондан шафқат сўраб, жангсиз таслим бўлади. Унинг катта кўшини Хоразмшоҳ Жалолоддиннинг ҳарбий кучлари қаторига қўшилади<sup>1</sup>.

1218 йилда Миср ва Сурия Султони ал-Малик ал-Одил вафот этди. Мулклари унинг уч ўғли ўртасида бўлинди: Миср - катта ўғли ал-Малик ал-Комилга; Дамашқ, Қуддиси шариф ва Табария - ўртанча ўғли ал-Малик ал-Муаззамга; Жазира, Хилот, Майофарикин кичик ўғли - ал-Малик ал-Ашрафга тегди. Ака-укалар ўртасида биринчилик учун қаттиқ кураш кетди. Кураш энг юқори паллага етганда тўнғич ва кенжа ўғил ўрганчаси ал-Малик ал-Муаззамга қарши бирлашдилар. Ал-Малик ал-Муаззам бу биродарларига қарши курашда Хоразмшоҳ Жалолоддин билан бирлашишга қарор қилди. Шу мақсадда у Хоразмшоҳ билан ўзи

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. 163-бет.

ўртасидаги иттифоқ шартларини келишиб олиш мақсадида, 1222 йилда Султон Жалолоддин хузурига ўз элчиларини юборди<sup>1</sup>.

1225 йилда Хоразмшоҳ Жалолоддин Озарбойжонни ўзига бўйсундирган бир пайтда ал-Малик ал-Муаззам Хоразмшоҳ хузурига иккинчи бор ўз элчиларини жўнатиб, унга ўз номидан ва Ирбил хукмдори Музаффариддин номидан укаси ал-Малик ал-Лшрафга қарши курашда Хоразмшоҳ билан иттифоқ тузишга рози эканликларини билдиради. Хоразмшоҳ мўғуллар ва халифа ан-Носирга қарши курашида зарур бўлган иттифоқчиларга эга бўлиш мақсадида бу таклифга рози бўлди.

Игон Тойисийни тор-мор келтиргач, Султон ўз қўшинини Хузистон томон бошлаб, кишни шу ерда ўтказди. 1225 йил январда мустаҳкам қалъалардан бири бўлган Тустор қалъасини камал қилади. Хузистон тоғларида жойлашган, узоқ камалга бардош бериш имкониятига эга бўлган бу қалъани бир ҳамла билан олиш жуда мушкул эди. Шунинг учун ҳам Султон Жалолоддин Тустор қалъасини узоқ камал қилиш ниятидан қайтиб, Хоразмшоҳларнинг азалий душмани бўлмиш халифаликнинг пойтахти Бағдодга юришга қарор қилади. Султон Бағдод юришидан олдин мўғулларга қарши курашда ёрдам кўрсатиш тўғрисида илтимосномани ўз элчиси Аловиддин Муҳаммад ан-Насавий орқали ан-Носирга жўнатади. Моҳир саркарда мусулмонлар бошига катта кулфат тушган ҳозирги даврда гайридинларга қарши курашда халифа ан-Носир ўз ёрдамини аямас, деган умидда эди. Бирок, ҳийлакор халифа Хоразмшоҳлар билан ўз ота-боболари ўртасида бўлиб ўтган кескин зиддиятли муносабатларни эсидан чиқармас ва Султонга ишонмас, ундан ҳадиксирар эди. Хоразмшоҳ Жалолоддинни қандай бўлмасин йўқ қилишга уринар эди. Шунинг учун ҳам у Султон Жалолоддин билан ҳамкорлик қилишни истамади ва Султоннинг илтимосномасини эътиборсиз қолдирди. Бу ҳам етмагандай, Султон Жалолоддинга қарши ўз саркардаси Кўштемур кўмондолигида 20 минг кишилиқ қўшин жўнатди.

Номасига жавоб олмагач ҳамда халифа ан-Носирнинг қора ниятларидан огоҳ бўлгач, Султон Жалолоддин Бағдод томон қўшин

<sup>1</sup> Ўша жойда, 162-бет

юборади. Йўл-йўлакай бир неча қалъани ишғол қилиб, Гут деган жойда халифанинг Кўштемур кўмондонлигидаги 20 минг кишилик қўшини билан тўкнашади. Қаттиқ жангда Хоразмшоҳ кўшинлари Бағдод кўшинларини тор-мор келтиради. Кўштемур жангда ҳалок бўлади. Хоразмшоҳ кўшини учун халифаликнинг пойтахти Бағдодга томон йўл очилган эди. Араб тарихчиси Сибт ибн ал-Жавзийнинг ёзишича, Султон Жалолиддиннинг Бағдод устига юришининг сабаби унинг мўғулларга қарши курашида халифадан ёрдам ололмаганидагина эмас, балки мўғулларнинг Хоразмшоҳлар давлатига бостириб киришларида Бағдод халифаларини асосий сабабчи, деб билганидир. Зотан, халифа Чингизхонга яширин мактублар юбориб, уларда мўғул ҳукмдорини Хоразм давлати устига юриш қилишга даъват этганди. Халифанинг мусулмон дунёсига бу тариқа қилган хиёнаги Жалолиддинда ундан ўч олиш ҳиссини кучайтириб юборганди<sup>1</sup>. Бағдодга юриш олдидан Султон Жалолиддин ўз иттифокчиси ал-Малик ал-Муаззамга мактуб йўллайди. Унда шундай сўзлар битилган эди:

“... Ўзинг ва мен билан иттифок тузган бошқалар тайёр бўлиб турингизлар. Биз халифага қарши биргаликда борамиз. Чунки, у мусулмонларнинг ва менинг отамнинг ҳалокатининг, ғайридинларнинг мусулмонлар юртларига бостириб киришларининг сабабчисидир”. Шунини ҳам айтиб ўтиш жоизки, кўпгина тарихий манбаларда халифа билан мўғуллар ўртасида Хоразмшоҳлар давлатини йўқ қилиш мақсадида яширин ёзишмалар бўлганлигига ишора қилинган бўлса-да, бироқ буни исбот қилувчи ашъвий далиллар йўқ.

Халифа ан-Носир ўз ота-боболари халифа ал-Мустандид (1170-1180) ва ал-Мустаъжид (1160-1170) лар каби Хоразмшоҳларни ёмон кўрар, улардан кўрқар эди. Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг Бағдод томон юришини эшитиб у ҳатто ўзининг ҳеч тил топиша олмайдиган кўшниси, аййубийлар ҳукмдори ал-Малик ал-Ашрафга мурожаат қилиб, Хоразмшоҳга қарши курашда бирлашишга чақиради.

Кўштемур кўшини тор-мор бўлганлиги ҳақидаги хабар Бағдодга етиб келгач, Бағдодда мудофаа ишлари шошилинич

<sup>1</sup> Қаранг: З.М.Буниятов. Государство Хорезмшахов-Алпштегинидов. 163-бет.

бошлаб юборилди. Шаҳар ўз мудофаасига тайёрлана бошлади. Бу ишга халифа ан-Носир бир миллион динор ажратди. Хоразмшоҳ ўз кўшини билан Бағдод яқинига бориб, 12 кун туриб, яна орқага-Озарбойжон томонга қайтиб кетади. Султон Жалолоддиннинг нима учун бундай қарорга келганлиги бизга қоронгу. Тарихий манбаларда ҳам, ҳатто Бағдод юришида унга ҳамроҳлик қилган Насавийнинг асарида ҳам Султоннинг Бағдодга ҳужум қилмаганлигининг сабаби кўрсатилмаган. Бизнинг мулоҳазамизча, буюк жасоратга, довураклик, қахрамонлик хусусиятларига эга бўлган Султон Жалолоддин Мангуберди катта одамгарчилик, инсонпарварлик фазилатларига ҳам эга бўлган. У барча мусулмон ҳукмдорлари каби ислом динини ва унинг ақидаларини ҳурмат қилган. Шунинг учун ҳам халифалар ота-боболарига ва ўзига қанчалик ёмонлик қилган бўлсалар-да, юқоридаги эътиқод ва фазилатлар туфайли у мусулмонларнинг ғоявий маркази Бағдодга ҳужум қилиб, уни вайрон этишни истамаган бўлиши мумкин. Бағдод халифаларининг Хоразм-шоҳлар давлатига қарши душманлик сиёсати оқибати, натижада ўзларининг бошига ҳам шушдай оғир кулфатлар келтирди. 1258 йили мўғуллар Бағдодни босиб олиб, уни вайрон қилдилар ва таладилар. Кимки бировга гўр қазиса, унга ўзи тушади деб бежиз айтилмаган. Султон Жалолоддин Бағдоддан қайтаётиб, Озарбойжон чегараларига яқинлашганда Мароға шаҳри фуқароларидан мактуб келтиришади. Мактубда Гуржистон ҳукмдори Малика хотун кўшинлари Озарбойжон Отабеги Ўзбекнинг катъиятсизлигидан фойдаланиб Озарбойжон ҳудудига, жумладан, Мароға шаҳрига бостириб кирганликлари ва у ерда қилаётган бебошликлари ҳақида хабар қилинади. Мароға фуқаролари мўғулларга қарши курашда шуҳрат қозонган Султондан ўз ҳимоясига олишни илтимос қиладилар.

Озарбойжон Отабеги давлат ишларидан бутунлай четлашиб кетиб, давлат ишларини амалда унинг хотини, сўнгги салжуқий султон Турғул III нинг қизи Малика Хотун олиб борар эди. Султон ўз кўшини билан мусулмонлар ҳимоясига шошилади ва 1225 йил майда Мароға шаҳрини жангсиз эгаллайди. Мароғада туриб, у кўшни мусулмон давлатлар ҳукмдорлари Кўнъё султони Аловиддин Кайқубод I га, Жазира ҳукмдори ал-Малик ал-

Ашрафга, Дамашқ хукмдори ал-Малик ал-Муаззамга ва Миср хукмдори ал-Малик ал-Комилга мактуб билан мурожаат қилади. Хоразмшоҳ мактубида Озарбайжонни эгаллагани, энди гуржиларга қарши юриш қилмоқчи эканлигидан уларни хабардор қилади. Султон Жалолиддиннинг бундай мурожаатдан мақсади масъулиятли ҳарбий юриш олдида улар билан яхши кўшничилик муносабатларини ўрнатиш ҳамда ўзини бир қадар беҳатар ҳис қилиш эди.

Хоразмшоҳ элчилари кўшни давлатларда зўр ҳурмат - эҳтиром билан кутиб олинади. Кўшни хукмдорлар ҳам ўз навбатида, Султон Жалолиддинга нома ва совға-саломлар билан ўз элчиларини юбориб, Султонга чексиз ҳурматларини изҳор қиладилар. Дамашқ хукмдори ал-Малик ал-Муаззам ва Ирбил хукмдори Музаффариддин Кўкбўри жавоб номларида ўзларининг иттифоқчилик бурчларига содиқ эканликларини яна бир бор изҳор этдилар ва ўз мулкларида Хоразмшоҳ Жалолиддин номини ҳам хутбага қўшиб ўқитишларини маълум қилдилар. Султон Жалолиддин Мароғадан туриб Озарбойжон Отабеги Ўзбекнинг Табриздаги раиси Шамсиддин ат-Туғройига мактуб йўллаб, унда раисдан хоразмлик жангчиларга Табризга кириб озиқ-овқат сотиб олиб туришга рухсат беришини сурайди. Раис рухсат бергач, савдо-сотиқ қилишга кирган Султон жангчилари тез орада у ерда бебошликлар қила бошладилар ва фуқароларнинг ҳақли норозилигига сабабчи бўлдилар. Шаҳар фуқарolari шикоят билан Султонга мурожаат қиладилар. Султон Жалолиддин талончилик билан шуғулланган жангчиларни жазолаш учун ўз яқинларидан бирини махсус қисм билан Табризга жўнатади. Бироқ, бу ҳарбий қисм ҳам шаҳарда тартиб ўрнатиш ўрнига талончилик билан шуғулланишга киришиб кетади. Шундан кейин шаҳардаги жангчилар ва фуқаролар Шамсиддиннинг жияни Низомиддин ат-Туғройи бошчилигида хоразмликларга ҳужум қилиб, уларни қириб ташлайди. Асл воқеадан беҳабар бўлган ва табризликларнинг ушбу адолатли порозилик курашини душманлик иши деб тахмин қилган Султон Жалолиддин Табриз устига юриш қилади. Табриз мудофёлари шаҳарни 7 кун давомида ҳимоя қилсалар-да, уни қўлда сақлаб қола олмайдилар. 1225 йил 25 июлда Табриз Хоразмшоҳ



Жалололиддин кўшинларига таслим бўлади. Озарбойжон отабеги Ўзбек Султон Жалололиддин Мароға шахрида эканлигидаёқ Табризни тарк этиб, Ганжа шахрига қочган эди. Унинг хотини Табризда Озарбойжонни амалда бошқараётган Малика Хоразмшоҳ Жалололиддинга илтимос билан мурожаат қилиб, уни ўз химоясига олишини ва Хўй шахрига жўнатишини сўрайди. Султон унинг бу илтимосини бажаради. Маликанинг қароргоҳини кўриқлаш хоразмлик маҳсус қисмга юклатилади.

Табризни ишғол қилгач, Султон Жалололиддин ўзини адолатли ва жонкуяр ҳукмдор сифатида кўрсатди. У шаҳарда қаттиқ интизом ўрнатиб, тартибсизликларга чек қўйди. Талончилик билан шуғулланган жангчиларни жазолади. Шаҳар фуқароларининг арзларини тинглаб, уларга имкони борича ёрдам беришга ҳаракат қилди. Шаҳарни ободонлаштириш ишлари билан қизикди. Қурилиш ишларини бошлаб юборди. Афсуски, Султон Жалололиддин ўзи бошлаган бу хайрли ишларни поёнига етказа олмади. Феодализм жаҳияти, ундаги ички зиддият, курашлар қаҳрамон саркардага ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Озарбойжон ва Ироқда ташкил этган ўз давлати атрофига бошқа мусулмон давлатларини ҳам музокара ва дипломатия йўли билан уюштириб, уларни асосий душман - мўғулларга қарши курашга бошлаш ўрнига, минг афсуски, Султон Жалололиддин ўз кўшинлари билан ички курашларга берилиб кетиб, обрўсига ва ўз куч-қудратига путур етказди. Унинг Гуржистон билан қилган уруши ва гуржилар устига қилган юриши ҳам, бизнинг фикримизча, асло зарурияти йўқ уруш эди.

Табризга Низомиддин ат-Туғройини раис қилиб ва унинг ҳузурда ўз вазири Шарафалмулкни қолдириб, Султон Жалололиддин ўз кўшини билан Гуржистон устига юриш бошлайди. Форс тарихчиси Жувайнийнинг ёзишича, Озарбойжон ҳукмдорлиги отабек Ўзбек кўлидан Султон Жалололиддин қўлига ўтганлигидан хабардор бўлган гуржилар Озарбойжон устига юриш қилиб, Султон Жалололиддинни у ердан ҳайдаб чиқариш, унинг бой шахри Табризни эгаллаш, кейинчалик эса Бағдодга

юрнш килиб, уни ишғол қилишни мўлжаллаган эдилар<sup>1</sup>. 1225 йил август ойида гуржиларнинг Иван Мхаргрдзели кўмондонлигидаги 60 минг кишилиқ кўшини Гарни қалъаси ёнида тўшлади. Насавийнинг ёзишича, гуржилар кўшинини тўшлашдан мақсад Султонга ўз кўшини кўп сонли эканлигини ва куч-қудратини намойиш этиш эди<sup>2</sup>.

Гуржилар билан Султоннинг ҳам ўз ҳисоб-китоби бор эди. Гуржилар Озарбойжондаги отабек Ўзбек ҳокимиятининг кучсизлигидан фойдаланиб, вақти-вақти билан Озарбойжонга талончилик юришлари қилар, мусулмонларни қон-қақшатар эдилар. Шунинг учун ҳам Хоразмшоҳ Жалолоддин мўғулларга қарши юриш олдидан, ўз орқа томонининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида гуржилар устига юриш ва уларнинг ҳарбий қудратини синдиришга қарор беради. Ўз кўшини билан гуржиларнинг Двин шаҳрини эгаллаб, уларнинг асосий кўшини тўлқанган Гарнига қараб юради. Гарни ёнида Султон Жалолоддин бошчилигидаги Хоразм кўшини ўзидан қарийб 2,5-3 барабар кўп сонли гуржи кўшини билан тўқнашади. Қаттиқ жанг Хоразм кўшинининг порлоқ галабаси билан тугайди. Гуржилардан 20 мингдан ортиқ жангчи ўлдирилди. Кўплари асир тушди<sup>3</sup>. Омон қолган гуржи жангчилари мамлакат ичкарасига қараб қочдилар. Хоразм кўшини уларни таъқиб қила бориб, йўл-йўлакай бир неча шаҳарни ишғол қилдилар. Гуржистон пойтахти Тифлис томон юратуриб, Султон Табриздан ўз вазири Шарафалмулкдан Табриз раислари Шамсиддин ат-Туғройи ва унинг жияни Низомиддин устидан ёзилган шикоятлардан иборат мактуб олади. Насавийнинг ёзишича, вазир Шарафалмулкнинг шикоят хати тўхматдан иборат бўлиб, у вазирни кўра олмаслигининг оқибати эди. Султон ўз вазирининг мактубини олгач, Тифлисга ҳужумни вақтинча тўхтатиб, орқага - Табризга қайтади. Табризда ўз вазирининг сўзига ишониб, Низомиддин ат-Туғройини қатл қилдиради. Раис Шамсиддин зиндонга ташланиб, унинг мол-мулки мусодара қилинади. Бироқ, Султон Жалолоддин кейинчалик ўз хатосини англаб ва қаттиқ пушаймон

<sup>1</sup> З. М. Бунятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. 166-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 167-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 167-бет.

бўлиб, Шамсиддинни 1228 йилда зиндондан озод қилади ва уни Табризга раис қилиб қайта тайинлайди. Табризда Султон Жалолоддин шариат қонусларига хилоф равишда, отабек Ўзбекнинг хотини Маликанинг илтимосига биноан унга уйланади. Ва ўша давр учун бу мудҳиш қонун бузилиши эди. Шунинг учун ҳам ушбу никоҳга шаҳар қозиси ва кўпчилик уламолар қарши чиққан эдилар. Чунки, отабек Ўзбек ўз хотини Малика билан қонуний ажралмаган эди.

Хоразмшоҳ Жалолоддиндан қочиб, Алинжи қалъасида яширинган Озарбойжон отабегги Ўзбек хотини Малика бевафолик қилиб, Султоннинг никоҳига ўтганлигини эшитиб, қаттиқ қайгуриб жон беради. Отабек Ўзбекнинг вафоти билан Озарбойжонда отабеклар давлати тугайди. Унинг мулки, Ширвон ва Гуржистон ерлари билан биргаликда, 1231 йилнинг ўрталаригача Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангуберди қўл остида бўлди. Султон гуржиларнинг жанговар хусусиятларидан яхши хабардор бўлиб, 1226 йил январь-февраль ойларида Тифлис юришига яхши тайёргарлик кўради. Гуржистон устига икки бор қилган юришида бўлиб ўтган бир неча жангга гуржиларни тормор келтиради. Ўша даврда Гуржистонда Малика Русудана ҳукмронлик қилмоқда эди. Малика Тифлис мудофаасига қатта ҳарбий куч ажратиб, ўзи Кутаисига кетади. Гуржилар ўз пойтахтини жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилдилар. Тифлис ёнидаги жанг гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг устунлиги остида ўтди. Бироқ, гуржилар Хоразм қўшинининг ҳужумига бардош бера олмадилар. Хоразмликлар Ганжа дарвозаси орқали шаҳарга ёпирилиб кирдилар. Шиддатли кўча жанглари бошлашиб кетди. Шаҳар ҳимоячилари хоразмлик жангчилар ҳужумига тоб бера олмай, шаҳар ичкараси томон чекина бориб, шаҳар марказидаги Исани қасрига кириб яшириндилар. Шаҳарда Хоразм қўшини даҳшатли қирғинни бошлаб юборди. Исани қасрига яширинган шаҳар ҳимоячиларининг нажотсиз аҳволини кўриб, Малика Русудана душманга таслим бўлиш ҳақида буйруқ беради.

10 минг кишидан ортиқ гуржи жангчи асир олинди. Султон Жалолоддин уларга ислом динини қабул қилишни таклиф этади. Гуржи йилномачиларининг ёзишича, улар бу таклифни қабул

этмадилар. Натижада Кура дарёси кўпригида уларнинг танини бошидан жудо этдилар. Бу кўприкни кейинчалик “Ўн минг тифлислик шахидлар кўприги” деб ҳам атаганлар <sup>1</sup>. Султон Жалололдин Тифлисни 1226 йил 9 мартда ишғол қилди. Сўнг Хоразм кўшинлари Гуржистон бўйлаб ҳаракат қилиб унинг бошқа шаҳарларини ҳам ишғол этдилар.

Султон Жалололдин тенги йўқ довьорак, серғайрат киши бўлиш билан бирга, ўз даврининг, ўз синфининг вакили ҳам эди. Назаримизда, у Гуржистонга қарши лозим бўлмаган юришни бошлаб, гуржи халқини ва бошқа христиан халқларини ўзига қарши қилиб қўйди. Шунингдек, Тифлисте гуржиларга нисбатан мисли кўрилмаган хунрезлик ўтказиб, халқ кўнглида ёмон хотира қолдирди. Гуржи йилномачиларининг ёзишларича, минглаб гуржиларнинг боши кесилиши натижасида Кура дарёси суви қипқизил қон бўлиб оқди.

Султон Жалололдин кўп асрлар давомида жаҳон тарихчиларининг диққат-эътиборини ўзига тортган тарихий шахедир. Европа олимлари Султон Жалололдинни Франция қироли Ричард Шерюракка ўхшатадилар. Буюк ҳарбий маҳоратга эга бўлган ушбу саркарда яхши дипломат эмас эди. Давлат ҳукмдори ўта зарур бўлган бу хусусиятнинг йўқлиги унга умумий душман -мўғулларга қарши мусулмонлар иттифоқини тузиш ишини амалга ошириш имконини бермади. Бирок, бу хайрли ишнинг амалга ошмаслигида фақат Султон Жалололдиннинг дипломатия соҳасида пўноқлигини важ қилиш ҳам адолатдан эмас. У асосий сабаб бўла олмас ҳам эди. Мусулмонларнинг босқинчи мўғулларга қарши ягона фронтга бирлаша олмаслигига асосий сабаб, уларнинг ҳукмдорлари ўртасида ўзаро зиддиятнинг кучлилиги, бирликнинг йўқлиги, энг асосийси - кўпгина мусулмон ҳукмдорларнинг доғи кетган саркарда Хоразмшоҳ Жалололдинга ҳасад ва хавфсирани билан қарашлари эди. Айнан шу сабаблар туфайли Султон Жалололдин ўзининг асосий орзуси - мўғулларга қарши мусулмонларнинг кучли иттифоқини вужудга келтириб, мусулмонларни ғайридин мўғуллар зулмидан озод қилиш ишини амалга ошира олмади. У

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. 166-бет.

катта қўшин йиғиб, мўғулларга қарши бориб, уларни тор-мор келтириб, Хоразмшоҳлар давлати худудини маъжусийлардан тозалаш ўрнига, Озарбойжон ва Ироқда ўзи тузган давлатнинг гоҳ у бурчагида, гоҳ бу бурчагида маҳаллий феодалларнинг исёнларини бостириш, қўшни хукмдорларнинг унинг мамлакатига қарши юришларини даф этиш иши билан шуғулланишга мажбур бўлди. Бу ортиқча ташвиш эътиборини асосий мақсаддан четга тортиб, вақтини нозарур жангу жадалларга сарфлашга мажбур этибгина қолмасдан, балки унинг ҳарбий кучларини ҳам қақшата борди. Жангчиларининг асосий қисми хоразмликлардан иборат бўлган Хоразмшоҳ Жалолоддин қўшини ўзининг она - юрти Хоразмдан анча йироқда бўлганлиги туфайли, тинмай давом этаётган жанглар, тўс-тўполонлар натижасида сийраклашиб бораётган сафларини янги кучлар билан тўлдириш манбаига ҳам, имкониятига ҳам эга эмас эди.

Султон Жалолоддинга хавфсираш ва кўра олмаслик назари билан қараш, мўғуллар уни ўзларининг асосий рақиби деб билишлари машҳур саркарда тўғрисида китоблар ёзган тарихчиларга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Султон Жалолоддин хизматига ўз ҳаётини бағишлаган, унинг сўнгги 7 йили давомида доимий ҳамроҳи бўлган, Султон вафотидан сўнг унинг ҳаёт йўлини тасвирловчи асар ёзган ва унда Султонга хос бўлган довиорақлик, адолатлилик, камтаринлик фазилатларини бизнинг назаримизда, тўғри кўрсата олган Шихобиддин ан-Насавийдан фарқли ўлароқ айрим муаллифлар ўзлари ҳаётда Султон Жалолоддинни мутлақо кўрмаган ва ҳатто ундан бир неча йиллар сўнг яшаган бўлишларига қарамасдан, ўз асарларида машҳур саркардага баҳо беришга ҳаракат қилиб, уни жоҳил, золим, ахлоқий ва маънавий нопок қилиб тасвирлашга уринадилар. Шунинг ўзидан кўринадики, улар бундай сохта тасвир билан буюк саркарда номига доғ тушириб, ўз хўжаларининг кўнглини топишга интилганлар.

Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангубердининг шахсий котиби Шихобиддин ан-Насавий унинг вафотидан кейин 6 йил ўтгач ўз хукмдори тўғрисида шундай деб ёзади: “У (Жалолоддин) қора мағиздан келган, бурни олдида қора холи бор, ўрта бўйли, туркийзабон эди. Форс тилида ҳам бемалол сўзлаша олар эди. У

довюрракликда тенги йўқ, шерларнинг шерн, жасур суворий эди. У камтарин, жиддий одам бўлиб, ҳеч қачон бақирмас, сўкинмас, агрофдагилар олдида ўзини жуда яхши, сино тутар эди. У кўп гапирмас, хоҳолаб кулмас, ахён-ахёнда жилмаяр эди. У адолатни ҳурмат қилар, ўз фуқароларига нисбатан адолатли бўлишга интилар эди. У ўз халқининг мушкул аҳволини енгиллаштиришни яхши кўрар эди. Бироқ у яшаган тўс-тўполон давр унга бундай хайрли савоб ишни амалга ошириш имконини бермади. У ҳукмронлик қилган даврдаги суронли воқеалар уни зўрлик ишлатишга мажбур этиб, феъл-атворини маълум даражада ўзгартирди”<sup>1</sup>. Султон Жалолиддин энг оғир, энг мураккаб шароитларда ҳам қатъий тура олувчи, энг қийин синовлардан ҳам сира қўрқмайдиган, уларга бефарқ қаровчи киши эди.

Энди Хоразмшоҳларнинг азалий душмани – Бағдод халифалигида яшаб ижод этган араб тарихчиси Ибн ал- Асирнинг буюк саркарда ҳақида берган маълумотларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Ибн ал-Асир шундай ёзади: Жалолиддин бадфеъл одам бўлиб, ўз давлатини ёмон бошқарди. У барча кўшни ҳукмдорлар билан душманлик муносабатларида бўлиб, уларнинг мулкларига доимо кўз олайтирар, шунинг учун ҳам уларга ёкмас эди. Шунинг учун ҳам зарур пайтда ҳеч ким унга ёрдам қўлини чўзмади, барча уни ташлаб кетди<sup>2</sup>. Ибн ал-Асирнинг юқоридаги фикрларини ўқиганда, кўшни ҳукмдорларнинг, энг асосийси – Бағдод халифаси ан-Носирнинг Султон Жалолиддинга қандай хасадгўйлик ва мунофиқлик билан муносабатда бўлганини эсдан чиқармаслик лозим.

Ибн ал-Асирнинг вориси, мўғуллар Бағдодни босиб олган 1258 йилдаги даҳшатларни ўз кўзи билан кўрган, бироқ, Хоразмшоҳ Жалолиддинни ҳеч қачон кўрмаган ва у билан ҳеч қачон мулоқотда бўлмаган араб тарихчиси Ибн Восил буюк саркарда ҳақида бундай деб ёзади: қилган гуноҳлари учун Аллоҳ Жалолиддинни каттик жазолаб, уни таг-томири билан курутди. Лекин, барибир, унинг ҳалокати мўғуллар томонидан мусулмонларнинг ҳалок қилинишига сабаб бўлди. Отаси Аловиддин Муҳаммаднинг вафотидан сўнг

<sup>1</sup> Шихабиддин ан-Насави. Жизнисописание Султана Джелалаладдина Макибурни. -296-297 бетлар

<sup>2</sup> Ибн ал-Асир. Ал-Комил фит-тарих, 9-жилд,383-бет.

мамлақати мўғуллар томонидан вайрон қилинган, давлати емирилган, у Хиңдистонга қочади. Кейинчалик орқага қайтиб, Кирмон, Форс Ироқи, Озарбойжон, Арронни ишғол қилади. Унинг иши ривож топиб, куч-қудрати ошиб боради. Агар у ҳалол ва адолатли яшаганда эди, унинг обрў-эътибори ва куч-қудрати янада ошиб мўғулларга қарши узок йиллар кураш олиб бора олган бўлур эди, унинг қўшини эса биз билан мўғуллар ўртасида ўтиб бўлмайдиган катта тўсиқ эди. Аммо у бундай қилмади. Кўп қон тўқди. Адолатсизликларга йўл қўйди. Бузуқ ҳаёт кечирди. Ўз қўшиларига нисбатан хиёнаткорона муносабатда бўлиб, улар билан доимо жанжаллашиб турди. Шу сабабли ундан норозилик кучайиб борди. Бу эса оқибат натижада, унинг ўзини ва қўшинини ҳалокатга олиб келди<sup>1</sup>. Ибн Восилнинг Жалолиддин Мангубердига берган баҳосида ҳам халифаларнинг ва қўшни ҳукмдорларнинг таъсири кўриниб турибди. Хоразмшоҳдан анча кейин яшаган Ибн Восил Жалолиддин Мангуберди ҳақида ўзининг аламзада ота-боболаридан эшитганларини ёзган. Хоразмшоҳ Тифлисдалигида 1226 йил июнда Кирмондаги ўз ноиб Бароқхоннинг хиёнати ҳақидаги хабарни эшитади ва ўз қўшини билан Кирмон томон шошилишч йўлга чиқади. Хоразм қўшини тезлик билан ҳаракат қилиб, Тифлисдан Кирмонгача бўлган масофани 17 кун ичида босиб ўтади. Бароқхон мустаҳкам қалъалардан бирига кириб яширинади. Бу қалъа яхши мустаҳкамланган тоғда жойлашган бўлиб, уни эгаллаш учун узок вақт зарур эди. Бироқ, шу пайтда бир қисм қўшин билан Тифлисда қолдирилган Шараф-ал-мулк Хилот ҳукмдори ал-Малик ал-Ашрафнинг Султон мулкларига ҳужум қилганлиги тўғрисидаги хабарни беради. Шунинг учун ҳам Султон Жалолиддин хиёнаткор Бароқхон билан бўладиган ҳисоб-китоби кейинга қолдириб, қўшинини Тифлис томон бошлайди.

Султон Жалолиддин Кирмонга - Бароқхонга қарши қўшин тортган пайтда Тифлисда қолган вазир Шараф-ал-мулк қўшинга озик-овқат ҳамлаш мақсадида қўшни Арзирум вилоятига юриш қилади. Катта миқдорда ўлжани қўлга тушириб, Тифлисга қайтаётган пайтида Хилотдаги ал-Малик ал-Ашрафнинг ноиб хожи Али бошчилигидаги қўшин томонидан тўхтатилади.

<sup>1</sup> З. М. Бушятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 186-бет.

Шараф-ал-мулк кўшини тор-мор келтирилади. Ўлжа тортиб олинади. Вазир бу воқеани бутунлай бошқача тарзда тавсифлаб, Хоразмшоҳга етказди. Ўз вазирининг сўзларига ишонган Хоразмшоҳ Жалолиддин кўшни ал-Малик ал-Ашраф ерларига юриш қилади. Ани, Қарс шаҳарларига ҳужум қилади, Кемох, Арзинжон қалъаларини ишғол қилади. Ван кўли ёнида жойлашган, аййубийларнинг таянч қалъаларидан бири бўлган Хилот қалъасини қамал қилади. Хилот қамали 40 кундан ортик давом этди. Қаттиқ совуқлар бошланганлиги туфайли Хоразмшоҳ Хилот қамалини бўшатишга мажбур бўлади.

Ҳийлакор, маккор вазир Шараф-ал-мулкнинг очкўзлиги ва сохта маълумоти туфайли Султон Жалолиддин ўз кўшниси аййубийлар ерига юриш қилиб, ўзига душман орттирди. Ҳолбуки, унинг ғайридин мўғуллар билан олиб борадиган кураши учун душманлар эмас, балки имкони борича кўпроқ дўстлар, иттифоқчилар зарур эди. Султон Хилот қамали билан банд бўлиб турганида, унинг йўқлигидан фойдаланиб туркман ивойи қабилалари Озарбойжон ерларига ҳужум қиладилар. Улар аҳолининг мол-мулкларини талайдилар, чорваларини ҳайдаб кетадилар. Туркманлар Озарбойжоннинг Аштар, Урмия, Хой шаҳарларини ишғол қилиб, аҳолидан хирож оладилар. Бундан хабар топган Султон Жалолиддин туркман ивойилари устига юриш қилиб, уларни тор-мор келтиради. Улар Озарбойжондан талаб кетган бойликларни қайтариб олади ва 1226 йилнинг охирида Табризга қайтади.

Султон Жалолиддиннинг обрў-эътибори ва куч-қудрати ошаётганидан каттиқ хавотирга тушган халифа ан-Носир ва айрим кўшни вилоятлар ҳукмдорлари мўғулларни Жалолиддин мулкларига бостириб киришга ундай бошлайдилар. Мўғуллар ҳали ҳам Султон Жалолиддинни мусулмон дунёсидаги ўзларининг асосий рақиби деб билар, уни йўқ қилмагунча ўзларини хавф-хатардан холи деб ҳисоблай олмас эдилар. 1227 йил январиди мўғуллар катта куч билан Султон Жалолиддиннинг мулки бўлмиш Озарбойжон ерларига бостириб кириб, Домғон ва Рай вилоятларигача етиб борадилар. Ўз одатлари бўйича, мусулмонларни талаб, қиргин қиладилар. Бу хабарни эшитгач, Султон Жалолиддин Табризда дам олишини тўхтатиб, ўз кўшини



билан йўлга чиқади. Исфохонга келиб, ёрдамчи кучлар олади. Бу ерда ўз кўшинининг кўригини ўтказди. Шундан сўнг мўғулларга қарши юради. 1227 йил 5 сентябрда Исфохон яқинида 30 минг кишилик мўғул кўшини билан Хоразм кўшини ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Мўғул босқинчиларига қарши нафрат ўти билан ёнган Султон Жалолиддин бу жангда шахсий қаҳрамонлик кўрсатиб, жангчиларининг руҳини кўтаради. Мўғуллар тор-мор келтирилади, озгинаси қочиб омон қолади.

Султон Жалолиддин Мангубердининг бу қаҳрамонлиги мусулмонларнинггина эмас, балки унинг душманлари - ғайридин мўғулларнинг ҳам таҳсинига сазовор бўлган. Ушбу жангда иштирок этиб, Султон Жалолиддиннинг шахсий қаҳрамонлигини ўз кўзи билан кўрган етук мўғул саркардаларидан Тойнол нўйон “ҳақиқатан ҳам у (Жалолиддин) ўз даврининг буюк баҳодири, барча тенгдошларининг дохийсидир”, деган эди. Мўғуллар устидан муҳим ғалабани қўлга киритган Султон Жалолиддин уни сақлаб қола олмади. Мўғулларнинг яқсон қилинишидан фойдаланиб, ўз хужумини давом этдириш, уруш ҳаракатларини Хуросон ва Мовароуннаҳр худудига кўчириш ўрнига орқага, Озарбайжонга қайтишга мажбур бўлди. Бу масалада шуни айтиш мумкинки, мўғулларга қарши ўз хужумини ривожлантириш ва давом этдириш учун Султон Жалолиддинда бу даврда етарли ҳарбий куч ва имконият ҳам йўқ эди. Иккинчидан, кўшни мусулмон вилоят ҳукмдорларининг унга ишонсизлик ва душманлик кўзи билан қарашлари, бирлашиб, мўғулларга қарши ҳаракат қилишни истамаганликлари ҳам унга бундай масъулиятли ва хайрли ишни амалга ошириш имконини бермади. Қуйида келтириладиган воқеалар фикримизнинг далили бўлиши мумкин.

Султон Жалолиддин мусулмонларнинг умумий душмани бўлмиш мўғулларга қарши жанг қилиш билан овора бўлиб юрган пайгида, унинг йўқлигидан фойдаланиб кўшни ҳукмдор Ал-Малик ал-Ашрафнинг Хилотдаги ноиб ҳожиб Али Озарбайжонга бостириб киради. 1227 йил июль-август ойларида отабек Ўзбекнинг собиқ хотини Маликага тегишли бўлган Хой қалъасини ва унинг атрофини эгаллайди. Султон Жалолиддиннинг хазинасини қўлга тушириб, вазир Шараф-ал-

мулкнинг қизини асир олиб Хилотга қайтиб кетади. Ҳожиб Али билан бирга Малика ҳам кетади. Ўз золимлиги ва ҳийлакорлигига қарамасдан, ниҳоятда кўрқоқ бўлган Шараф-ал-мулк Султон йўқлигида, қўл остида етарли ҳарбий кучлар бўлишига қарамасдан, мамлакатни ҳожиб Алидан ҳимоя қила олмайди. У Табриз томон кочади. Ҳожиб Али Хой томон иккинчи марта юриш қилади. Хой ва Нахичеван шаҳарларини жангсиз олади на Султон Жалолиддин пойтахти Табриз томон юради. Бу пайтда Султон мўғуллар устидан ғалаба қозониб, Озарбойжонга қайтаётган эди. Ҳожиб Алининг хиёнаткорона юришини эшитиб, ниҳоятда газабланган Султон унга қарши юради. 1228 йил бошида Беркри (Ван кўлидан шимоли-шарқда) ёнидаги жангда Султон Жалолиддин қўшини ҳожиб Али қўшинини тор-мор келтиради. Ҳожиб Алининг ўзи зўрға кочиб қутилади. Султон Озарбойжоннинг ҳожиб босиб олган шаҳарларини тезда қайтариб олади.

Султон Жалолиддин мўғуллар билан курашда банд бўлиб турган пайтда унга қарши отабек Ўзбекнинг амирларидан бири Иззаддин Балбан ал-Халхалий исён кўтарди. Балбан Султоннинг йўқлигидан фойдаланиб, унинг мулкларига хужум уюштириб, Халхал қалъасини ва Ардобил вилоятидаги бир неча қалъани босиб олди. Ироқдан қайтгач, Султон Жалолиддин бу исёнкор амалдорга қарши юриш қилиб, уни Ферузобод қалъасида қамал қилади. Балбан таслим бўлишга мажбур бўлади. Султон Жалолиддин ерларидан талаб олган бойликларини қайтариб беради. Бундан буён Султон мулкларига кўз олайтирмасликка қасамёд қилади. Бироқ у ўз сўзида турмайди. Султон Жалолиддиннинг душмани ҳожиб Али томонига ўтиб кетади ва у билан биргаликда Султонга қарши ҳаракат бошлайди. Султон Жалолиддин Балбан қўшинларини иккинчи бор тор-мор келтириб, унинг ўзини қатл қилдиради.

Хоразмшоҳ Жалолиддин мулкларига тахминан 50 минг қораушли кўчманчи кипчоқ қабилалари кўчиб ўтадилар. Улар ўзларининг машҳур Султонга тобеликларини билдирадилар. Султон улар ёрдамида Дарбандни ўз мулкларига қўшиб олишга ҳаракат қилади. Бироқ, бу ишни амалга ошира олмайди. Лекин, Дарбанд ҳукмдори Ширвоншоҳ билан Султон Жалолиддин яхши

қўшничилик муносабатлари ўрнатишади. Табризга ўзининг чексиз садоқати ва ҳурмагини изҳор этиш учун келган Ширвоншоҳни, гарчи, вазир Шараф-ал-мулк уни ҳибсга олиш, мулкини эса қўшиб олиш тўғрисида маслаҳат берган бўлса-да, унга кулоқ солмай, жуда яхши кутиб олади, шоҳона сарупо ва совға-саломлар ҳадя этади.

Шундан сўнг Хоразмшоҳ Гуржисгонга қарши ўзининг иккинчи катта юришини бошлайди. Султоннинг Грузия томон юришидан хабар топган Малика Русудана мамлакатнинг барча вилоятларига чопар жўнатиб, гуржиларни Хоразмшоҳга қарши урушга чорлайди. Тифлистеда кўп сонли гуржи қўшини тўпланди. Гуржистон билан Хоразм қўшини ўртасида Тифлис яқинида даҳшатли жанг бўлиб ўтади. Жангда гуржи қўшинлари яна тор-мор келтирилади ва улар жанг майдонини ташлаб қочишади. Султон қўшинлари Тифлисни эгаллаб, уни талайдилар.

Гуржи қўшинларини батамом тор-мор келтиргач, Хоразмшоҳ ўз қўшини билан 1228 йилда Хилотни иккинчи бор қамал қилади. Бироқ бу сафар ҳам уни ола билмайди. Қаттиқ совуқ кунлар бошланиб, Хилот қамалини давом этдиришга имкон бермайди. Султон Жалолиддин ўз қўшини билан Озарбойжонга қайтади.

Султон Жалолиддин укаси Ғиёсиддин Пиршоҳга ака сифатида меҳрибонлик кўрсатиб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Унинг Ироқдаги ерларига кўз олайтирмади. Бироқ бошқа қўшни ҳукмдорлар каби, Ғиёсиддин Пиршоҳ ҳам ўз акасига ишонмас, ундан кўрқар эди. 1227 йил 5 сентябрда Исфохон яқинидаги мўғуллар билан бўлган каттиқ жангда у акаси Султон Жалолиддин томонида туриб қатнашди. Султон қўшинининг ўнг қанотида ҳаракат қилган Ғиёсиддин Пиршоҳ жангнинг ҳал қилувчи пайтида Хоразмшоҳ Жалолиддинга хиёнат қилиб, ўз қўшинини олиб, жанг майдонини ташлаб кетди. Бу жангда акаси Жалолиддин Мангубердиннинг ғалаба қозонганини эшитгач, хиёнати ва жинояти учун жавобгарликдан қочиб, жанг майдонини ташлаб кетган амирлари билан бирга Хузистон томон кетади. У ердан ўз вазирини Бағдодга, халифа аз-Зоҳир (1225-1226) ҳузурига жўнатиб, ундан Султон Жалолиддинга қарши курашда ҳарбий ёрдам кўрсатишни илтимос қилади. Халифа унга ёрдам учун 30 минг динар пул юборади. Лекин, ҳарбий ёрдам

бермайди. Шундан сўнг Ғиёсиддин Пиршоҳ ўз яқинлари билан исмоилийлар ҳукмдори Аловиддин Муҳаммад III қароргоҳига бориб яширинади. Бироқ, у ерда ҳам узоқ қолмасдан, ўзининг 500 суворийси билан Қирмон ҳокими Бароқхон хузурига жўнайди. Бароқхоннинг Султон Жалолиддинга душманлигидан бохабар бўлган Ғиёсиддин бундан фойдаланиб, у билан акасига қарши курашда иттифок тузмокчи бўлади. Бироқ, Ғиёсиддин муғомбир Бароқхоннинг хийлакорлиги ва сотқинлигидан, унинг Хоразмшоҳлар сулоласи вакилларига душманлигидан бохабар эди. Бароқхон Ғиёсиддин Пиршоҳни дуруст кутиб олади. Нажотсизлигини кўриб, унинг олдига ўз шартларини қўяди.

Шартларидан бири Ғиёсиддин Пиршоҳнинг онаси Бароқхонга хотин бўлиши эди. Ўз ўглининг тақдири учун куйинган, унинг учун жонини ва ҳаётини тиккан муштипар она ўзи хоҳламаса-да, кекса хийлакор Бароқхоннинг таклифига рози бўлади. Бироқ, бу оилавий ҳаёт узоқ давом этмайди. Бир ойларча вақт ўтгач, Бароқхон мудҳиш жиноятга қўл уради. Ғиёсиддин Пиршоҳ ва унинг онасини ўзига суиқасд уюштиришда айблаб, уларни бўғиб ўлдиртиради. Ғиёсиддин Пиршоҳнинг бошини мўғулларнинг ҳоқони, Чингизхоннинг ўғли Ўғидайга: “Сизда иккита душман бор эди. Жалолиддин ва Ғиёсиддин. Биттасини бошини Сизга юборяпман”, деган сўзлар битилган мактуб билан юборади.

Хоразмшоҳ Хилотни иккинчи марта қамал қилса-да, ололмай, оркага қайтган пайтида, Тугтоб қалъасида унинг олдига Кўнъё султони Аловиддин Кайкубод I дан элчилар келадилар. Кайкубод - аййубийлар билан доимий душманлик муносабатида эди. У Хоразмшоҳ номига ёзган мактубида уни аййубийларга қарши кенг миқёсда фаол кураш бошлашга даъват этади ва ўзи бу ишда Хоразмшоҳни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганини билдиради. Султон Жалолиддиннинг Хилот устига учинчи юришига сабаб ҳам Кайкубод I нинг ташвиқоти натижаси бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

1229 йил августда Хоразмшоҳ Жалолиддин учинчи бор ўз қўшинини Хилот устига ташлайди. Хилотнинг учинчи қамали бошланади. Хилот қамали Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг ҳарбий муваффақиятларининг сўнггиси, бутун ҳаёти ва фаолиятидаги

бурулиш нуқтаси бўлди. Султон ўз қўшини билан Хилотга яқинлашиб қолганида Ал-Малик ал-Ашраф унинг нима билан тугагини сезиб, Хоразмшоҳ Жалолоддинга ён беришга қарор қилди. Чунки Султон Хилотни эгаллагач, Ал-Малик ал-Ашрафнинг макони - Жазира устига юриши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди. Шунинг учун ҳам ал-Малик ал-Ашраф Султон Жалолоддинга мактуб йўллаб, унда Хилотдаги унинг ноиб хожиб Али унинг фармонисиз, ўзбошимчалик билан Султон мулкларига босқин уюштирганини билдиради. Ҳожиб Алини қатл қилдириб, Хилотга ноиб этиб Иззаддин Ойбекни тайинлайди.

Ўз мактубида ал-Малик ал-Ашраф яхши қўшничилик, дўстона муносабатларни таклиф қилади. Бирок, ички ҳиссиётларга берилган Султон Жалолоддин масалани тинч йўл билан ҳал қилиш ўрнига, ҳарбий куч қўллашга қарор беради. Назаримизда, бу иш буюк саркарданинг жиддий хатоси эди. Ҳеч зарурияти бўлмаган бу қамал ҳар икки томон учун ҳам оғир бўлди. Қамал қарийб бир ярим йил давом этди. Очликдан дармони қуриган Хилот мудофеълари 1230 йил 14 апрелда таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Хоразм қўшини уч кун давомида шаҳарни талади. Хилотда ал-Малик ал-Ашрафнинг хотини, гуржи саркардаси Иван Мхаргдзеленинг қизи Тамта асирга олинади ва Султон Жалолоддин унга уйланади.

Хоразмшоҳнинг сўнгги ҳарбий муваффақиятлари унинг қўшниларида Кўнъё султони Аловоддин Кайкубод I ни ҳам хавотирга солиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам у Хоразмшоҳ Жалолоддинга мактуб билан мурожаат қилиб, уни аййубийлар устига юришга чорлаган ва ўзининг иттифоқчилик хизматини таклиф қилган эди. Хоразмшоҳнинг Хилот ёнидаги талабасидан сўнг Кайкубод I Жалолоддин аййубийларни бир ёқли қилгач, албатта, унинг мулкига - Кўнъё султошлигига ҳам кириб келишдан хавотирга тушиб, эндиликда Султонни Фарбга, мусулмонлар устига юришдан кўра, мўғуллар билан сулҳ тузишга ундайди ва уни мусулмонлар қони тўкилишига барҳам беришга чорлайди.

Шу мақсадда Кайкубод I ўз элчиларини Султон Жалолоддин ҳузурига таклифлар битилган мактуб билан юборади. Бирок, айёр

**вазир** Шараф-ал-мулк маслахатларига кулоқ солган Султон **Жалолиддин** Кайкубод **И**нинг мактубини жавобсиз қолдиради. Ўлчилар бир ой давомида Хоразмшоҳ саройида турган бўлсаларда ўз ҳукмдорининг мактубига жавоб ололмасдан қайтиб кетадилар. Кўнъё султони таклифига кулоқ солмаслик ўша шароитда Хоразмшоҳ ташқи сиёсатидаги мудхиш хато, уни ҳалокатга етаклаган сабаблардан бири бўлди. Қудратли кўшинга, марказлашган ҳарбий давлат аппаратига эга бўлган мўғулларга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш учун жуда катта куч зарур эди. Шу боис улар билан сулҳ тузиб, мамлакатни улардан муҳофаза қилиш энг тўғри ва оқилона сиёсат бўлур эди. Хоразмшоҳ Жалолиддин учун шундай шароит туғилган ҳам эди. Минг афсуски, буюк саркардалиқ қобилиятига эга бўлгани ҳолда, яхши дипломат бўлмаган Султон Жалолиддин бу имкониятдан фойдалана олмади. Жиддий хатога йўл қўйди ва кўп ўтмай ўз хатосининг қурбони бўлди.

Хилоғ қамали давом этаётган пайтда Султон Жалолиддиннинг синглиси. мўғуллар қўлида асирликда бўлган, Чингизхоннинг катта ўғли Жўжининг хотини Хон Султон ўз акасига хуфъёна мактуб жўнатиб, унда акаси Жалолиддиннинг куч-қудрати ва шон-шухрати мўғулларгача етиб келганини, уларнинг Жалолиддинга муносабати яхши томонга ўзгарганини билдиради. Хон Султон акасига мурожаат қилиб агар, бу кўчманчи ваҳшийларни яқсон қилишга кучингиз етса, уларни қақшатиш, агар кучингиз етмаса, бундай қулай имкониятдан тез фойдаланинг. Зудлик билан элчиларингизни юбориб, улар билан сулҳ тузинг, деб ёзади. Султон Жалолиддин синглисининг мактубини ҳам жавобсиз қолдиради. Хўрланган юрти, емирилган салтанати, армонда ўлган отаси учун ёвуз мўғуллардан ўч олиш нияти, боққинчиларга нисбатан кучли нафрат, ундаги баланд иззат-нафс бунга йўл қўймайди. Бу билан яна бир жиддий хатога йўл қўйилади. Нафасни ростлаб олиш, куч тўплаш учун жуда зарур бўлган тинчликни қўлга киритиш учун зарур бўлган муҳим чора - душман билан сулҳ тузиш имконияти яна бой берилади.

Кўнъё султони Кайкубод **I** нинг амакиваччаси, Арзанаррум хокими Рукниддин Жаҳоншоҳ, Жазира ҳукмдори ал-Малик ал-Ашрафнинг вассали бўлиб, Аловиддин Кайкубод билан

душманлик муносабатида эди. Шу билан бирга Хилот ноиб  
хожиб Али билан бирга Султон Жалолиддинга ҳам қарши  
курашган эди. Бироқ, сўнгги пайтларда Хоразмшоҳ қўлга  
киритган ҳарбий ғалабалар, унинг обрў-эътиборининг ошиб  
бориши Рукниддин Жаҳоншоҳнинг ҳам унга бўлган  
муносабатини ўзгартирди. Рукниддин Жаҳоншоҳ Хоразмшоҳ  
саройига бош эгиб келади ва унга чексиз содиқлиги ва  
тобелигини изҳор этади. Хоразмшоҳ Жалолиддин уни зўр  
хурмат-эҳтиром билан қабул қилади, аййубийларга қарши  
биргаликда курашиш вазифасини зиммасига юклайди. Кўнъё  
султони Хоразмшоҳ олдига қимматбаҳо совға-саломлар билан  
юборган элчилар ҳам худди шу пайтда Султон Жалолиддин  
саройига етиб келадилар.

Кўнъё султони ўзининг Хоразмшоҳга чексиз ҳурматини ва  
иттифоқчилик садоқатини ўз элчилари орқали яна бир бор изҳор  
этмоқчи бўлди. Элчилар Хоразмшоҳ саройида беписанд, совуқ  
кутиб олинади. Уларга паст назар билан қаралади. Кўнъё  
султонининг Арзанаррум шаҳрини Рукниддин Жаҳоншоҳдан  
тортиб олишга ва унинг ўзини қўлга олиб қаттиқ жазолашга  
рухсат бериш тўғрисидаги илтимоси эса қатъиян рад этилди.  
Хоразмшоҳнинг вазири Шараф- ал-мулк уларга: “Агар Султон  
рухсат қилганда эди, мен жон деб сизларнинг мамлакатингизни  
босиб олган бўлура эдим”, деб қўпол жавоб беради. Ўз  
хукмдорини қониктира оладиган жавоб ололмаган элчилар куруқ  
қайтиб кетадилар. Хоразмшоҳ аъёнларининг ёмон дипломатлиги  
унга дўст бўлмаса-да, ҳар ҳолда душман ҳам бўлмаган, кучли  
хукмдор Аловиддин Кайкубод I ни султон душманига  
айлантирди. Натижада, Кўнъё султони Аловиддин Кайкубод I  
Хоразмшоҳ Жалолиддинга қарши кураш учун иттифоқ тузади.  
Унинг таркибига Кайкубод I дан ташқари, Дамашқ хукмдори ал-  
Малик ал-Ашраф, Хўмс хукмдори Иброҳим Ширкўх, Хартаберт  
хукмдори Ўртуқхон, Халаб хукмдори Шамсиддин Савоб,  
Майофарикин хукмдори Шаҳобиддин Ғозий, Банйос султони ал-  
Азиз Усмонлар кирдилар.

Кўнъё султони Кайкубод Жазира хукмдори ал- Малик ал-  
Ашрафга “Жалолиддинни тўхтатиш мутлақо мумкин эмас. Унинг  
кўнглини топишга ҳаракат қилиш ҳам мутлақо бефойда.

‘Эндиликда сўз билан ишни бирга қўшиб, давлатимизни ҳимоя қилишгига қолди’<sup>1</sup>, деб ёзади.

Хоразмшоҳ Жалололдиннинг ва унинг аъёнларининг дипломатия соҳасидаги ожизлиги туфайли унга қарши тузилган мусулмон ҳукмдорларнинг кучли иттифоқи Султон Жалололдин ҳилокатиининг асосий сабабларидан бири бўлди.

Мусулмонларнинг умумий қудратли ёвуз душмани - мўғуллар Мовароуннаҳр ва Хуросон мусулмонларини талаётган ва эндиликда ғарб ва жанубдаги мусулмонларга ҳам шундай кулфат хавф солаётган бир пайтда, мусулмонларнинг ўзаро қон тўкиб бир-бирини қириши, албатта, уларнинг кучини қирқар, уларни мўғулларнинг бўлғуси ҳужумларига тайёр ет қилиб қўяр эди. Буни яхши тасаввур этган янги Бағдод халифаси ал-Мустансир (1226-1242) мўғуллар хавфи мавжуд бўлган шундай шароитда мусулмонларнинг ўзаро ички уруши қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини уларга тушунтириб, Хоразмшоҳ билан иттифоқчиларни яраштиришга ҳаракат қилади. Бироқ, унинг урдасидан чиқа олмайди. Ўзаро душманлик кучайиб боради. Хилотни ишғол қилгач, Хоразмшоҳ ўз қўшинини Ғарбга, Малазгирд томон, яъни Кўнъё султони Кайкубод I мулки томон бошлайди. Шу пайтда Хоразмшоҳнинг тобеси Рукниддин Жаҳоншоҳ аййубийлар билан Кўнъё султони ўртасида музокаралар олиб борилаётгани, улар тезда ўз ҳарбий кучларини бирлаштириб, султон Жалололдинга қарши юриш бошламоқчи эканлиги ҳақидаги хабарни етказади.

Мухолифларнинг ҳарбий кучлари бирлашуви унинг учун қанчалик катта хавфга айланиши мумкинлигини тажрибали ва қобилиятли Султон Жалололдин яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам у амирлар билан маслаҳатлашиб, мухолифлари бирлашишига йўл қўймасдан, уларни якка-якка тор-мор қилишга қарор беради. Рукниддин Жаҳоншоҳ билан ҳам беш кундан сўнг шу мақсаддаги ҳарбий ҳаракатларни бошлашга келишиб оладилар. Бироқ, бахтга қарши, Султон Жалололдин оғир бетоб бўлиб қолади. Унинг юқоридаги режаси амалга ошмай, вақт бой берилади. Сивас ёнида иттифоқчилар қўшинлари тўпланиб, Арзинжон томон

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 180-бет.



юрадилар. Худди шу йўлдан уларга қарши Хоразмшоҳ Жалолоддин қўшинлари ҳам келарди. Бирок, ҳар иккала қўшин бир-бирининг юришидан беҳабар эди. 1230 йил 7 августда Арзинжон яқинидаги Йасси Чаман тоғи ёнидаги пасттекисликда Кайкубод I нинг сараланган 3 минг кишилиқ қўшини билан Султон Жалолоддиннинг унга қарши юборган 700 кишилиқ илғор ҳарбий қисми учрашади. Ўртада бўлиб ўтган жанг Кайкубод I қўшинининг бутунлай тор-мор келтирилиши билан яқунланди. Бирок, ҳал қилувчи жанг олдинда эди. Иттифоқчилар қўшини Хоразмшоҳ қўшинига қараганда деярли 3 баробар кўп эди. Хоразмшоҳ Жалолоддин қўшини билан иттифоқчилар қўшини ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1230 йил 10 августда бўлиб ўтди. Бу жангда Хоразмшоҳ қўшинлари мағлубиятга учради. Унинг қўшинининг кўпчилик қисми тарқалиб кетди. Айрим амирларини душман асир олди. Баъзи амирлар эса ўз султонини тақдир тақозосига ташлаб, кетиб қолдилар. Шундай қилиб, мусулмон ҳукмдорлари ғайридин мўғулларга қарши мусулмонлар иттифоқини тузиб, мусулмонларни уларнинг зулмидан озод қилиш ўрнига, ҳеч заруриятсиз бир-бирларининг қонини тўқдилар. Мўғуллардан ҳимоячи ва қалқон бўлган Хоразмшоҳ Жалолоддиннинг ҳарбий қудратига қаттиқ зарба етказдилар. Бу зарбадан сўнг Хоразмшоҳ ўзини ўнглаб ололмади. С.П. Толстов Хоразмшоҳ Жалолоддиннинг буюқ лашкарбошилиқ қобилиятини қайд қилиш билан бирга, унинг заиф сиёсатдон, ношуд дипломат бўлганлигини қайд этган. У гап қайтарганни ёқтирмайдиган, мурсога келмайдиган ҳукмдор бўлганлиги туфайли, маслаҳатчилари айтган, амалга ошай-ошай деб қолган режаларни ҳам барбод қилади. Жалолоддиннинг ҳукмдорлигини бўйнига олай деб турган халифа Мустансир, айниқса, Сурия, Арманистон ва Кичик Осиёнинг салжукий ва аййубий амирлари билан у тўғри муомала қила олмайди, бунинг ўрнига ҳарбий ҳаракатлар бошлаб юборишни маъкул кўради.

Хоразмшоҳ қўшинлари тор-мор келтирилганлигига қарамай, иттифоқчилар унинг мулкига бостириб кирмасдан, орқага қайтиб кетдилар. Ал-Малик ал-Ашраф иттифоқчилар номидан сулҳ музокаралари бошлаш учун Хоразмшоҳ вазири Шараф-ал-мулкка мурожаат қилади. Султон Жалолоддин сулҳ музокаралари

бошлашга бошда қайсарлик қилиб, қаршилик кўрсатган бўлса-да, кейинчалик ўз аъёнларининг маслаҳатлари билан рози бўлади. Икки ўртадаги келишувга мувофиқ Хоразмшоҳ ал-Малик ал-Ашрафга Хилот ва унинг атрофидаги ерлардан воз кечишга, Кайкубоднинг ерларига бундан буён минбаъд кўз олайтирмасликка ваъда беради. Афсуски, ўша жанг Хоразмшоҳ Жалололдиннинг ҳарбий қудратига катта путур етказган эди. Хоразмшоҳ Жалололдиннинг азалий душмани бўлган исмоилийлар Жалололдин ҳарбий кучларининг ожизлигидан фойдаланиб, мўғулларга қайта-қайта мактуб билан мурожаат қилиб, уларни Озарбойжонга, Хоразмшоҳ Жалололдин ерларига юришга чорлайдилар. Хоразмшоҳ Жалололдиндан 1227 йилда Исфахон ёнида қаттиқ зарба еган мўғуллар Хоразмшоҳ Жалололдин ерлари ва унинг қўшнилари устига босқинчилик юришларини тўхтатган эдилар.

Мўғуллар 1231 йил бошида жуда катта қўшин билан Озарбайжонга бостириб кирдилар ва унинг шаҳарларини бирин-кетин босиб ола бошладилар. Эндиликда Хоразмшоҳда уларга бас келаоладиган қўшин, минг афсуски йўқ эди. Шунинг учун ҳам у ёрдам сўраб, барча қўшни мусулмон ҳукмдорларга мурожаат қилади. Бироқ шундай оғир пайтда қўшни мамлакатлар ҳукмдорлари Хоразмшоҳ Жалололдинга ёрдам қўлини чўзмайдилар. Уни кўп сонли мўғул қўшинига қарши ёлғиз қолдирадилар.

Бундан ташқари, Хоразмшоҳга ҳалокат хавф солаётган бу пайтда унинг вазири Шараф-ал-Мулк хиёнат йўлига кириб, ал-Малик ал-Ашраф ва Кайкубод I га хуфёна мактублар йўллаб, уларда ўз ҳукмдорини ҳақоратлайди. Уни “нажотсиз золим”, деб атади. Уларга ўз хизматини ва тобелигини таклиф қилиб, эвазига Арран, Озарбойжон ҳукмдорлигини беришларини сўрайди. Вазирининг хиёнатидан ва мактубларидан огоҳ бўлган Хоразмшоҳ Жалололдин уни ҳибсга олдириб қатл эттиради.

Мусулмон ҳукмдорлардан ҳеч қанақа ёрдам бўлмаган, Хоразмшоҳ Жалололдин мамлакат бўйлаб қишлаш учун ёйилиб кетган қўшинини йиғишга қарор бериб, уларга чопарлар жўнатади. Бироқ Султоннинг бу ниятидан хоинлар томонидан огоҳлантирилган мўғуллар қишлаётган Хоразмшоҳ қўшинлари

олдига чопарлардан илгари етиб бориб, уларни тор-мор қиладилар. Бу пайтда Муғонда бўлган Хоразмшоҳ Жалололидин ал-Малик ал-Ашрафнинг укаси, Хилот яқинида асир олинган Мужириддин, Яъқуб билан овда эди, Бундан хабар топган мўғуллар унинг пайига тушадилар. Кечаси унинг қароргоҳига бостириб борадилар, Султон Жалололидин асир тушишдан аранг қочиб қутулади. Мужириддин Яъқубни ёрдам сўраб ёзилган мактуб билан акаси ал-Малик ал-Ашраф олдига юборади.

Мактубда Хоразмшоҳ давлатини қоплаган қора булут тез кунда ал-Малик ал-Ашраф давлати ҳудудига ҳам ўтажаги ҳақида огоҳлантирилиб, ғайридинларга қарши биргаликда курашиш таклиф этилади. Бироқ ал-Малик ал-Ашраф ўжарлик билан яна Хоразмшоҳ сўраган ёрдамни рад этади. Воқеаларнинг кейинги ривожини Султон Жалололидиннинг гумонлари ниҳоятда тўғри эканлигини кўрсатди. Кўп ўтмай мўғуллар Хоразмшоҳга ўта масъулиятли пайтда ёрдам кўлини чўзмаган ҳукмдорларнинг ерларига бостириб кириб, у ерларни таладилар.

Хоразмшоҳ Аррон томон бориб, у ерда ўз кўшинлариши тўплаш, уларнинг сафларини туркман қабилалари ҳисобидан тўлдиришга ва кейинчалик Ганжа шаҳри томон юриб, шаҳар яқинида мўғулларга қарши жангга киришга қарор қилади. Хоразмшоҳ мулки ҳисобланган Ганжа шаҳрида мудҳиш хиёнат содир бўлади. Ўз ҳукмдори ниҳоятда қийин аҳволдалигидан фойдаланган Ганжадаги бир гуруҳ кишилар шаҳар халқини Хоразмшоҳга қарши исён кўтаришга ундайдилар. Шаҳардаги хоразмликлар қўлга олиниб, қатл қилинадилар. Уларнинг бошларини кесиб, шаҳар вакиллари билан мўғулларга юборадилар. Шаҳар вакиллари Ганжа фуқаролари бундан буён Хоразмшоҳга бўйсунмасликларини, мўғулларга тобе бўлишларини билдирадилар. Ўз эътиқодларига хиёнат қилган бир гуруҳ бу муртадлар гоят масъулиятли дамда ислом қалқони, Қоракум йўлбарси Султон Жалололидин Мангубердига орқадан зарба бериб, унинг қақшаган кучларини янада заифлаштирдилар.

Хоразмликларнинг қони бегуноҳ тўкилиши, ганжалликларнинг хиёнати Султон Жалололидинни ниҳоятда габлантирди. Шаҳарга бостириб кириб, хоинларни қаттиқ жазолади. Сафлари сийраклашиб қолган оз сонли кўшин билан

кўп сонли мўғулларга қарши чиқиш қийин иш эди. Шунинг учун ҳам Хоразмшоҳ ўз кўшниларидан ёрдам ва жавоб кутди. Лекин на ёрдамдан, на жавобдан дарак бор эди. Ганжа шаҳрида 17 кун тургач, ҳар қанақа ташқи ёрдамдан умидини узиб, Хоразмшоҳ Аррон шаҳри томон юради. У ерда ҳам кўп турмасдан, Кичик Оснё орқали, Исфохон шаҳрига етиб олишга қарор қилади. Исфохон, Хоразмшоҳ Жалолиддин давлатининг энг катта ва бой шаҳарларидан бири бўлиб, у ерда Хоразмшоҳ анча кўп куч тўплаши мумкин эди. Хилот орқали Амид томон юриб, Хоразмшоҳ у ерда ўз оиласини ва карвонини қолдириб, ўз яқинлари билан енгилгина Исфохонга етиб олмоқчи бўлади. Хоразмшоҳ оиласи ва карвонининг Амидда қолдирилиши ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан хавотирланган Амид ҳукмдори ал-Малик ал-Масъуд Султон Жалоладдинга Исфохонга юришдан кўра Кўнъё султони Кайкубод I устига юришни маслаҳат беради. Кўнъё султонларининг пойтахти Рум шаҳрини ташласа, у ҳоюда султон кўп сонли кипчоқларнинг қўллаб-қувватлашига суяна олади ва мўғуллар илгаригидек ундан кўркиб орқага қайтиб кетадилар. Натихада яна ғалаба қўлга киритилади, деб маслаҳат беради. Хоразмшоҳ Кўнъё султони устига юриш қилган тақдирда, у 4 минг кишилиқ ҳарбий қисм билан ёрдам қилишини ваъда беради. Амид ҳукмдорининг Кўнъё султони билан ўз ҳисоб-китоби бор эди. Кайкубод I ундан 4 қалъани тортиб олган бўлиб, ал-Малик ал-Масъуд Хоразмшоҳ қўли билан ундан ўч олмоқчи ва шу баҳона билан Султон Жалолиддиннинг карвони ва оиласи учун бўлган масъулиятни ўз бошидан соқит қилмоқчи эди. Хоразмшоҳ ал-Малик ал-Масъуднинг таклифини қабул қилиб, Исфохонга боришдан воз кечади ва Амид яқинида ўз аъёнлари билан тўхтайдди. Бизнинг назаримизда, бу билан яна бир кўпол хатога йўл қўяди. Исфохонда ўз ҳарбий аҳволини бирмунча тузатиш имкониятини бой беради. Кўшни ҳукмдорларнинг ва ўз амирларидан айримларининг хиёнати Султон Жалолиддинга оғир таъсир қилади. Ҳамиша қатъиятли, кўрқмас, довиорак, ҳар қанақа қийинчиликлар олдида ҳам совуққонликни сақлаб, ўзини йўқотмайдиган Султон Жалолиддинга мусулмон оламида содир бўлаётган хиёнатлар қаттиқ таъсир кўрсатиб, у қисқа вақтда руҳан тушкунликка тушиб қолади. Насавий

Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг ўша пайтдаги аҳволини сузишни билмайдиган, лекин чўкиб бораётиб, чўпга ёпишиб нажот излаётган кишига ўхшатади<sup>1</sup>. Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг одатига бутунлай зид бўлган бу тушкунлик унинг тақдирига, Хоразмшоҳлар сулоласи тақдирига, унинг салтанати тақдирига, бутун мусулмон дунёси тақдирига фожиали таъсир кўрсатди.

Хиёнатдан, ўзаро нифоқ ва келишмовчиликлардан ҳафсаласи пир бўлган Султон Жалолиддин бутун кучини йиғиб, мўғул босқинчиларига қарши барча имкониятлардан фойдаланиб курашиш ўрнига 1231 йил августда майхурлик ва маишатбозликка берилади. Султон қароргоҳида деярли ҳар куни майхўрлик, базми жамшид давом этади. Майни камдан-кам истемол қиладиган, душманни ҳамиша сергаклик билан кузатиб юрадиган Қорақум йўлбарси, афеуски, айна маишатбозлиги туфайли мўғулларнинг хатти-ҳаракатини назардан қочириб қўйди. Насавийнинг ёзишча, Султон Жалолиддиннинг сўнгги зиёфат кечасида, унинг қароргоҳига маҳаллий чўпонлардан биттаси қароргоҳдан йироқ бўлмаган пастликда паст бўйли отларга минган, қисик кўзли жуда кўп суворийлар тўпланиб турганлигини хабар беради. Бироқ майдан ва яқиндагина харамга келтирилган ёш маликанинг эҳтиросли қарашларидан кайфи қаттиқ ошиб қолган Хоразмшоҳ Жалолиддин ушбу жуда муҳим маълумотга эътиборсиз қарайди<sup>2</sup>. Хоразм баҳодирининг навбатдаги бу хатоси унинг учун жуда қимматга тушади. Мўғуллар писиб келиб, ярим кечаси султон қароргоҳига хужум қиладилар. Жалолиддин катта зиёфатдан сўнг қаттиқ уйкуда эди. Мўғуллар унинг чодирини ўраб, султонни асир олишга ҳаракат қиладилар. Жангчилар билан султонга ёрдамга етиб келган амир Ўрхон мўғулларни қароргоҳдан улоқтириб ташлайди. Хизматкорлар султонни отга миндириб қароргоҳдан олиб чиқиб кетадилар. Мўғуллар Хоразмшоҳ кетига тушиб, уни қандай бўлмасин кўлга туширишга ҳаракат қиладилар. Мана шу ерда Хоразмшоҳ Жалолиддин яна бир катта хатога йўл қўяди. Мўғуллардан бир ўзининг қочиб қутулиши осон бўлишини ўйлаб, у амир Ўрхонга ўз жангчилари билан

<sup>1</sup> З. М. Бунятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 185-бет

<sup>2</sup> Шихабиддин ан-Нисави. Жизнеописание Султана Джелал ад- Дина Манкбурны, 247-бет.

мўғулларни чалғитиб туришни буюради. Ўша машъум кечадан ва жангдан хабар топган Хоразмшоҳ жангчилари ҳар томондан амир Ўрхон олдига етиб кела бошлайдилар. Улар мўғулларнинг хужумини даф этиб, эсон-омон Исфaxonга етиб борадилар. Амир Ўрхон бир неча вақт Исфaxonни бошқаради. Хоразмшоҳ Жалолоддин эса афсуски, хатоси туфайли ўз жангчиларидан йироқда ёлғиз қолиб кетади.

Мўғуллар таъқибидан қочиб, Султон Амид шаҳарига келади. Вақтинча у ерда яширинмоқчи бўлади. Бирок, Амид дивонхонадаги қоровуллар уни шаҳарга қўймадилар. Мўғуллар томонидан бетиним таъқиб қилинаётган, ўз яқинларидан ажралиб қолган Султон Жалолоддин Амиддан Майофарикин яқинидаги тоғу-тош томон кетади. Йўлда уни яна 15 кишидан иборат мўғул суворийлари қувлайди. Ҳатто, икки мўғул сарбози унга етиб ҳам олади. Бирок, жасур султоннинг қиличи уларни жаҳаннамга равона қилади. Қолган мўғуллар орқага қайтадилар. Айндор қишлоғига етиб келганда султон курдларнинг қўлига тушади. Курдлар уни талаб, қимматбаҳо кийимларини, қурол-яроғини ва отини тортиб оладилар. Султон Жалолоддин талончиларнинг бошлиғига ўзини танитиб, ундан Майофарикин ҳукмдори ал-Малик ал-Музаффар олдига олиб боришни сўрайди, эвазига унга кагта мукофот ваъда қилади. Бошлиқ Хоразмшоҳни уйда қолдириб, ўзи Майофарикинга бориш учун от излаб чиқиб кетади. Ўша пайтда Хилот яқинида хоразмликлар томонидан ўлдирилган биродари учун хун олиш пайида юрган бир курд воқеадан хабар топиб, бошлиқнинг уйига кириб келади. Бошлиқ хотинининг у одам Хоразмшоҳ эканлиги тўғрисидаги сўзларига ишонмай, уни оддий хоразмлик жангчи, деб ўйлайди ва хотиннинг қаршилиғига қарамай, Жалолоддин Мангубердига найза санчиб ўлдиради. Шунча суронли, оғир жангларда ур-ҳорур қилиб юриб, улардан омон чиққан тенгги йўқ баҳодир Жалолоддиннинг ҳаёт йўли шу тариха шухратсиз тугайди. Бу воқеа 1231 йил 17-20 августи ўрталарида содир бўлади.

Насавий бу воқеаларни тасвирлар экан, куйиниб шундай деб ёзади: "...Қудратли тоғ бургутни аянчли чумчуқ қўлида нобуд бўлди. Минг йилда бир марта дунёга келадиган шундай баҳодирнинг ўлимини фалак ҳам ғамалам, кўз ёши билан кутиб олди. Султон

ўлдирилиши арафасида осмон беғубор бўлиб, қуёш порлаб турган эди. Малъун курднинг ифлос пайзаси султонни нобуд қилгач, бир неча дақиқа ҳам ўтмасдан, осмонни қора булут босиб, момақалдироқ гумбурлаб, жала қуйди<sup>1</sup>. Ўз ҳукмдорини йўқотиб қўйган хоразмлик жангчилар уни ҳар томондан изламоқда эдилар. Султон Жалолоддин ўлдирилгандан анча кейин, унинг қимматбаҳо кийимларини ўзиники қилиб олган курд Султоннинг отида, унинг кийимларини кийиб Амид шаҳрига кириб келади. Бозорда уни султоннинг жангчиларидан бири кўриб қолиб, ўз ҳукмдорининг кийимларини, отини танийди ва бу ҳақда шаҳар ҳукмдори ал-Малик ал-Музаффарга шошилиш хабар қилади. Курд кўлга олинади ва у воқеани сўзлаб беради. Ал-Малик ал-Музаффарнинг фармонига мувофиқ, ўша курд ва ўша қишлоқдаги барча эркаклар қатл қилинадилар. Уйлар ёқиб юборилади.

Қишлоқда султоннинг кийимлари ва куруллари топилади. Уларнинг султонга тегишли эканини унинг амирлари тасдиқлайдилар. Султоннинг жасади Майофарикин шаҳрига келтирилади. Ал-Малик ал-Музаффар бузила бошлаган жасад ҳақиқатан ҳам султоннинг жасади эканлигини аниқлаш учун, уни султоннинг тоғаси Ўтурхонга кўрсатганида, у тасдиқлаб, хўшраб йиғлаб юборади. Насавийнинг ёзишича, Султон Жалолоддин ҳамиша бошида кокил қўйиб юрган. Ўтурхон ўз жиянининг жасадини ана ўша кокилидан таниган. Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангубердини тунда Майофарикин яқинида дафн қилдилар. Душманлар қабрини хўрламасликлари учун уни ер билан баробар қилиб текислаб қўйдилар.

Мустақил Ўзбекистонимиз қарор топган, кадр-қимматимиз, тарихимиз қайта тикланаётган айни кунларда Ватан мустақиллиги учун қаҳрамонона курашган ва ҳалок бўлган Султон Жалолоддин Мангубердининг қабрини излаб топиб, жасади қолдиқларини, ҳеч бўлмаса унинг хокини она - юрти Хоразмга олиб келиб, қайта дафн қилинса, жуда савоб ва улуғ иш бўлур эди.

Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангубердининг фожиали ўлиmidан сўнг Хоразмшоҳлар - Ануштегинлар сулосаси

<sup>1</sup> Шихабиддин ан-Нисави. Жизнеописание Султана Джелал ад- Дина Манкбурны, 256-бет.

хукмронлиги тугади. Уста сиёсатдон, кудратли хукмдор, сергайраг саркардаларни етиштирган ушбу сулола кудратли Хоразмшоҳлар салтанатини барпо этган бўлса-да, ички зиддиятлар, ташқи ва ички сиёсатда йўл кўйилган жиддий хатолар туфайли емирилди. Сўнгги Хоразмшоҳ қобилиятли саркарда Жалолоиддин Мангуберди ушбу салтанатни қайта тиклаш ва унинг кушандаси бўлмиш мўғулларга қарши кураш йўлида мардона ҳаракат қилди-ю, афсуски, бунинг уддасидан чиқа олмади. Феодал жамиятга хос бўлган ички зиддиятлар, ички ва ташқи сиёсатдаги машъум хатолар унга бундай улуг вазифани амалга оширишга йўл бермади. Хоразмшоҳ Жалолоиддин эзгу мақсад йўлида айнан юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли фожияли ҳалок бўлди.

Хоразмшоҳ Жалолоиддин Мангубердининг ҳалокатидан сўнг мўғулларга Яқин Шарқ мамлакатларига бостириб кириш учун йўл очилди. Султон Жалолоиддиннинг мўғулларга қарши биргаликда курашини ҳақида қайта-қайта қилган илтимосларига жавоб бермай, уни қийин пайтда маккор душман билан ёлғиз қолдириб мусулмон дунёсига хиёнат қилган хукмдорлар, ўз хиёнаткорона сиёсатларининг аччиқ мевасини тезда татиб кўрдилар, мўғул босқинига дучор бўлдилар.

Мусулмон дунёси ўз қаҳрамонининг ҳалокатига ишонмади. Уни тирик, яқинда қайтиб келиб, босқинчиларга қарши курашни давом эттиради, деб умид қиладилар. Ибн ал-Ибрининг ёзишича, айрим кишиларда Жалолоиддин эмас, балки унинг салоҳдори ўлдирилган, ўша куни Жалолоиддин ўз султонлик кийимларини киймаган ва қуроллар тақмаган ҳолда, вилоятлар бўйлаб кезиш учун сўфи кийимида чиқиб кетганди, деган фикр мавжуд эди. Кишилар, ҳатто, уни маълум шаҳарларда кўрганликларини ҳам гаширганлар.

Араб тарихчиси Рашидиддин қизиқ бир воқеани ёзади. “1254 йили бир гуруҳ савдогарлар Жайхун дарёсидан кечиб ўтаётган пайтда, чегарадаги кўриқчилар савдогарлар билан келаётган битта жудур кийимли номаълум камбагал кишини тутиб қоладилар. Кимлигини сўрашганда, у - Хоразмшоҳ Жалолоиддинман, дейди. Сўроқ пайтида ҳар қанча қийноқларга қарамасдан, у сўзидан қайтмайди ва қийноқларга дош беролмай



жон таслим этади. У Хоразмшоҳ Жалолиддин эмас эди, асло. Унга ишониш мумкин эмас. У сўзсиз, шунчаки ақлдан озган бир телба эди”<sup>1</sup>.

Султон Жалолиддиннинг ҳалокати ҳақидаги хабарни Жазира ҳукмдори ал-Малик ал-Ашрафга етказиб, уни ўз душманининг ҳалокати билан муборақбод этганларида, у таажжубланиб: “Сизлар унинг ўлими билан мени табрикляпсизларми? Яқин орада бунинг аччиқ мевасини таътиб кўрасизлар. Оллоҳ ҳаққи онт ичиб айтаманки, унинг ҳалокати ғайридин мўғулларнинг ислом мамлакатларига ҳужуми демақдир. Эндиликда биз билан яъжуж-маъжужлар ўртасида ўтиб бўлмас тоғ каби турувчи Хоразмшоҳ каби саркарда йўқ”<sup>2</sup> дейди.

Дарҳақиқат, ўша даврда Хоразмшоҳ Жалоладдин Мангуберди мўғулларга қарши курашда мусулмонларнинг суянган тоғи эди. Бироқ, унинг давлати мусулмон ҳукмдорлари ўртасидаги ички зиддиятлар туфайли завоқ топди. Бу эса ислом дунёси бошига янги-янги кулфатларни келтирди.

### **3.12. Хоразм ҳукмдорлари бўлмиш-Хива хонлари тўғрисида маълумотлар.**

Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчилари 1219-1221 йилларда Хоразмшоҳлар давлати ҳудудини нисбатан осонлик билан босиб олдилар. Яқин ўтмишда гуллаб-яшнаб турган шаҳарлари ниҳоятда обод, ривожланган, сугориш тизими ва қишлоқ хўжалиги тараққий этган, жаҳон савдосининг йирик марказларидан бири бўлган юрт - Хоразм золим босқинчилар томонидан бутунлай вайронага айлантирилди. Эндиликда Хоразм ўз мустақиллигини бой бериб мўғул давлатининг таркибий қисми бўлмиш Олтин Ўрда ва Чигатой улуси ўртасида бўлиб ташланган эди. Бироқ, эркесвар Хоразмийлар чет эл босқинчиларига қарши мустақиллик курашини бир зум ҳам тўхтатмадилар. Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг Марказий Осиёда ўз мустақил давлатини ташкил этиб, бу ҳудуддан мўғул босқинчиларини

<sup>1</sup> Ион ал-Ибри. Тарих мухтасар ал-дувал, 247-бет.

<sup>2</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 186-бет.

қувиб чиқариши келгусида мустақил Хоразм давлатини ташкил топишига катта кўмак бўлди.

Гарчи, XV аср охирида Хоразм ўз мустақиллигини қўлга киритган бўлса-да, бу мустақиллик узоққа чўзилмади. 1505 йилда Хоразмни Шайбоний ўзбеклари босиб олади. Шайбонийхон ўз истилочилик юришларини давом этдириб, бирин-кетин Темурийлар давлати ҳудудини босиб ола боради. Шайбонийхон давлати обрў-эътиборини ошиши ҳудудий кенгайиши Эрон шоҳларига ёқмас эди. Натижада, икки ўртада уруш чиқади. 1509 йили Марв остонасида бўлиб ўтган қаттиқ жангда нисбатан анча оз сонли Шайбонийхон кўшини тор-мор келтирилиб, Шайбонийхон ўлдирилади. Шу мағлубиятдан сўнг кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳр ва Хоразм ерларини ташлаб кетадилар. Бундан фойдаланган Эрон шоҳи Исмоил Хоразмга кўшин юбориб, эгаллаб олади ва уни ўз пойиблари орқали идора қила бошлайди. Эронийлар Хоразмда ўта талончилик сиёсатини олиб борадилар ва халқ оммасининг норозилигига сабабчи бўладилар. Хоразм қишлоқ ва шаҳарларида эронийларга қарши оммавий кураш бошланади. Эронийлар Хоразм ҳудудидан қувиладилар. Шундан Хоразм уламолари Дашти Қипчоқдаги Шайбонийларнинг Берка уругига мансуб бўлган Элбарс ва Билбарсга мактуб юбориб, уларни Хоразмда хонлик тахтига таклиф қиладилар. Улар Вазир қалъасига яширин келтириладилар. Ниҳоят, 1512 йилда Элбарс Вазир қалъасида Хоразмнинг хони деб эълон қилинди. Укаси Билбарс эса Янги шаҳар қалъасига ҳоким этиб тайинланади.

Хоразмда ҳокимият Элбарс ва Билбарс қўлларига ўтгач, улар ўз уруглари ўзбекларни Хоразмга кўчиб келишга чақирдилар. Хоразмга эндиликда ўзбекларнинг оммавий кўчиб келиш жараёни бошланди. Ўша асосда Хоразмда янги давлат тузуми Хоразм-Хива хонлиги даври бошланди. Хива хонлари ҳужмронлиги 1920 йил 2 февраль Хива инқилобигача давом этди. Биз ушбу китобимизда Хива хонларининг умумий рўйхатини бериб, улардан айримлари хусусида қисқача тўхталишга қарор қилдик. Китобхонларимиз эътиборига қўйида Хива хонларининг шажарасини ҳавола этамиз ва китобимизнинг кейинги саҳифаларда уларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталамиз.

### 3.13. Хива хони Элбарсхон.

Элбарсхоннинг Хоразм тахтига ўтириши билан мамлакатда ички курашларга анча чек қўйилди. Хоразм Эрон шоҳлари таъсиридан халос бўлди. Аксинча ўзбек хонларининг таъсири орта борди. Кейинчалик Хива хонлигига асос солинди ва бу сулоланинг Хоразмдаги ҳукмронлиги икки асрга яқин давом этди. Кўп йиллар давомида давом этган ички курашлар, чет эл босқинчиларининг Хоразм устига тинмай давом этган истилочилик юришлари, Хоразм халқининг иқтисодий аҳволини ночор аҳволга солиб қўйган эди. Хоразм мустақилликни қўлга киритгач, Хоразмни бошқарган ўзбек хонлари, Хоразмни худудий кенгайтиришга алоҳида эътибор берадилар. Хоразм тахтига ўтирган Элбарсхон ва унинг ворислари Хуросон ва Астробод устига бир қанча муваффақиятли юришлар қиладилар. У ерларда ўрнашиб олган эронийларни қувиб чиқариб, у худудларни Хоразмга бўйсундирдилар. Истило қилинган ерлардан талайгина бойлик Хоразмга олиб кетилди ва хошлик хазинаси тўлдирилди. Хоразм хонлари ўзларининг ҳарбий юришларини муваффақиятли давом эттириб, Манғишлок Абулхон Дурун ва бошқа худудларга юришлар қилиб, у ердаги туркман қабилаларини Хоразмга тобе қилдилар. Чет юртларга қилинган муваффақиятли ҳарбий юришлар, эришилган ютуқлар Хоразмдаги ўзбек феодалларини шошириб қўйди. Улар ўртасида ҳокимият учун кураш кучайиб кетди. Бу курашда айрим шаҳзодалар Бухородаги ўз қавм-қариндошларига ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. Хоразмнинг кучайишидан ўта хавотирга тушган Бухоро хони Убайдуллахон (1533-1539) га бу иш Хоразм ички ишларига аралаштиш учун қулай баҳона бўлди.

Убайдулла хон Хоразмни ўзига тобе қилишга аҳд этади ва 1537 йили катта қўшин билан Хоразм устига юриш қилади. Ўзаро ички зиддиятлардан анча кучсизланган Хоразм Бухоро қўшинига етарли қаршилиқ кўрсата олмайди. Бухоро қўшини томонидан Хоразм пойтахти Урганч эгалланади. Хоразм хони Аванишхон оиласи, яқинлари билан қўлга олиниб, қатл қилинадилар. Убайдулла хон Урганчга ўз ўғли Абдулазизни ҳоким қилиб қолдириб, ўзи қўлга киритган беҳисоб ўлжалари билан Бухорога

қайтиб кетади. Хоразмда қолдирилган бухоролик амалдорлар маҳаллий аҳолини ваҳшийларча талайдилар. Уларга оғир солиқлар соладилар. Бундай оғир зулмга чидай олмаган хоразмликлар босқинчиларга қарши кўзғолон кўтарадилар. Бундан хабар топган Убайдулла хон катта кўшин билан Хоразм устига иккинчи марта юриш қилади. Хива билан Ҳазорасп ўртасидаги Кардаранхос деган жойда Бухоро кўшини билан Хоразм кўшини тўқнашади. Бухоро кўшини гарчи хоразмликларга нисбатан анча кўп сонли бўлса-да, хоразмликларнинг шижоати ва мардлигига дош бера олмайди. Чекинишга мажбур бўлади. Бухороликлар Хоразмни ташлаб чиқиб кетадилар. Шундай қилиб, Хоразм деярли бир йилдан сўнг яна ўз мустақиллигини қайта тиклайди.

Бироқ, мустақиллик тикланган бўлса-да, Хоразмда осойишталик тикланмади. Тахт учун, ҳокимият учун феодаллар ўртасида аёвсиз кураш давом этди. Бир сўз билан айтганда, феодал тарқоқлик кучайди. Хоразмдаги Урганч, Қот, Янги шаҳар, Тирсак, Хива, Ҳазорасп ва бошқа жойларда ҳокимлик қилаётган ўзбек аъёнларининг мустақиллик учун кураши бошланди. Улар ўз қўл остидаги ерларни мустақил бошқариб марказий хон ҳокимиятига бўйсуннишдан бош тортдилар. Ўз мулкларини мустақил бошқарадиган бўлдилар.

Шуниси эътиборга лойикки, ҳар бир мустақил ҳукмдор, ўз бошқарув аппаратига ва навкарларига эга эди. Хонлар, шахзода ва султонлар ҳокимият, бойлик ва мулк учун ўзаро ички курашни янада авж олдирдилар. Айниқса, бундай кураш Элбарсхон ва Аванишхон фарзандлари ўртасида жуда кучайиб кетди. Бу ҳолат эса Хоразм тахти соҳибларининг тез-тез алмашинувига сабаб бўлди. Ўша вақтда Хоразмда бўлган англиялик элчи ва савдогар А.Женкинсон ана шу ўзаро курашлар туфайли Урганч шаҳри ўтган етти йил мобайнида тўрт марта қўлдан-қўлга ўтиб турганлиги ҳақида гапирди<sup>1</sup>. Тинмсиз давом этаётган ташқи босқинлар, сурункасига давом этаётган ички курашлар Хоразм иқтисодиётига катта зарар етказди. Шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлиб ишлаб чиқариш ҳамда савдо бутунлай издан чиқди.

<sup>1</sup> Хоразм тарихи, 1-жилд. 1996 й., 189-бет.

Хунармандчилик пасайиб кетди. Хонлик арбоблари ва маҳаллий феодаллар иқтисодий ночорликдан чиқиш учун меҳнаткаш халқ бошига турли-туман солиқлар ёғдирдилар. Бу эса халқ оммасининг иқтисодий аҳволини жуда қийин даражага туширди. Хоразми бошқарган ўзбек хонлари фуқаролардан олинган солиқлардан тушган маблағларга қоникмасдан, кўшимча фойдалар олиш мақсадида кўшни Эрон, Афғонистон ва Туркман ерларига вақти-вақти билан талончилик юришлари уюштириб турдилар ва бу юришлардан катта фойда олдилар. Ўша юришларда катта ютуқларга эришганлар, кўлига гоҳи Урганч гоҳи Вазир шаҳарлари ўтиб турди.

Тинмай давом этган тахт талашувлари, сиёсий тарқоқлик Хоразм мамлакати иқтисодини бутунлай издан чиқаради. Қимматчилик, очарчилик, йўқсиллик ва қаҳатчиликка сабаб бўлди. Хива хони Абулғози ўзининг “Шажараи турк” асарида бу ҳақда шундай деб ёзади. “Урганч улуғ шаҳар, тездаёқ қаҳатчилик бўла қолди. Бир эшакнинг калласи қирк-эллик танга бўлди. Андин сўнггисини мундан киёси қилинг. Халқ бузилиб, чиқа бошладилар. Киши оз қолди”<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам тинмай давом этган ички урушлар халқ оммасининг тинқасини қуритди. Мамлакатда юзага келган очарчилик кўп кишиларнинг ёстигини қуритди. Кўпгина фуқаро ҳар томонга тарқалиб, ўзга юртларга қочиб кетишга мажбур бўлди. Бир вақтлар ўзининг бойлиги, тўқ турмуши, савдо-сотик ривожланган гавжум бозорларга эга шаҳарлари юксак маданияти, олиму шоирлари билан бутун дунёга донғи кетган Хоразм лаънати кўчманчи мўғулларнинг ва ўзбекларнинг истилоси натижасида шундай аянчли аҳволга тушиб қолди ва бу оғир аҳвол анча вақт давом этди. Ношуд ҳукмдор, аклсиз, кўрқоқ Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммаднинг мўғул ҳукмдори, даҳшатли Чингизхонга нисбатан олиб борган ўша қалтис ва беақл сиёсати аجدодларимизга ниҳоятда қимматга тушади. Бир вақтлар 27 та хорижий мамлакатларни ўз қўл остида бирлаштирган дунёвий салтанатнинг маркази бўлган Хоразм эндиликда кўшни Темурийлар ва Шайбонийларнинг уруш ҳаракатлари майдони бўлишдек, аянчли аҳволга тушиб қолган

<sup>1</sup> Абулғози. “Шажараи турк”, 111-бет.

эди. Афеусе - надоматлар бўлсинки, эндиликда Хоразм ўзининг илгариги улуғлик салоҳиятини бутунлай йўқотган эди. Профессор Петрашевскийнинг таъбири билан айтганда, Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчиларининг Хоразмшоҳлар давлатига берган зарбаси шу даражада кучли бўлган эдики, у зарбадан сўнг Хоразм ўзини сира ўнглаб ола билмади. Ҳатто, XIX асрнинг охиригача ўзининг олдинги даражасига ета олмади. Бир сўз билан айтганимизда Хоразмшоҳлар давлати қулагандан сўнг, Хоразм ўзининг буюклик салоҳиятини бутунлай йўқотади.

Ўша давр Хоразмдаги аҳволни тўлароқ тасаввур этиш учун, илғиз сайёҳи Антони Женнисоннинг 1558-1560 йилларда Бухорога қилган сафари ҳақидаги хотираларини ўқиш кифоя: “Урганч шаҳри текисликда жойлашган бўлиб, 4 мил атрофдаги тупроқли девор билан ўралган. Бино ҳам тупроқдан бўлиб, тартибсиз ва бузилган ҳолатда. Битта узун кўчанинг усти ёпилган бўлиб, у бозор вазифасини ўтаган. Шаҳар етти йил давомида ўзаро урушлар натижасида қўлдан-қўлга ўтган, шунинг учун шаҳарда савдогарлар жуда кам ва аҳоли камбағал”<sup>1</sup>.

Бу ўринда ҳурматли китобхонларимиз эътиборини араб сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавийнинг 1219-1220 йили бир неча вақт Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж (Урганч) да турган Хоразм, Хоразмийлар ва буюк шаҳар Гурганж ҳақидаги таассуротларига қаратамиз. Ўтмишнинг сайёҳ олими Ҳамавий ва бошқалар Хоразмга, Хоразмийлар ва унинг бош шаҳри Гурганжга юксак баҳо берганлар.

Мўғуллар истилоси арафасида машҳур сайёҳ ва географ олим Ёқут ал-Ҳамавий Хоразмни келиб кўради. У ўзининг “Жўтрофия комуси” кўп томли асарида Хоразм давлати ва унинг халқи ҳақида қимматли фикрларни ёзиб қолдирган.

“Хоразм ерларидай кенг ва аҳоли кўп яшайдиган жой дунёнинг ҳеч бир ерида бўлмаса керак, деб ўйлайман Бунинг устига, аҳолиси машаққатли ҳаётга ва оз нарсага қаноат қилишга ўрганиб қолган. Хоразмнинг аҳоли ўрнашиб қолган аксари жойлари бозорлари, ғамлаб қўйилган нарсалари ва дўконлари бўлган шаҳарлардир. Аҳоли ўрнашган жойлар орасида бозори

<sup>1</sup> Таджикот, кашфиёт, ахборот. 1997 й., 1-сон, 6-бет.

йўқлари камдан-кам топилади. Шу билан бирга, бу ерларда умумий хавфсизлик ва тинчлик хотиржамлик ҳукмронидир”<sup>1</sup>. Ёқут ал-Хамавий Хоразм давлатлари шаҳарларининг тасвирига тўхталиб: “Бойликларининг мўллиги ва пойтахтнинг катталиги, аҳолининг кўплиги, яхшиликка яқинлиги дин ва мазҳаб буюрган амалларни бажариш жиҳатидан Хоразмнинг бош шаҳрига ўхшаш шаҳар дунёда бўлмаса керак”,<sup>2</sup> дейди. Айнан ушбу қиёслаш ўша машъум даврда яъни мўғуллар ва ўзбеклар истилоси натижасида аждодларимиз бошига қандай даҳшатли фалокат ёғилганини чуқур ва атрофлича англашга ёрдам беради. Бир вақтлар савдо маркази бўлган юрт қолоқ чекка ўлкага, жаҳон илм-фан марказларидан бири бўлган ўлка ғирт саводсиз, омий ўлкага айланиб қолди. Давлатни нобакор беакл ҳукмдор бошқарса, мамлакат қолоқ, вайрона аҳволга тушиши ҳеч гап эмаслигини Хоразм тарихидаги ушбу давр яққол кўрсатди.

### 3.14. Хива хони Ҳожи Муҳаммад Оқтой ўғли.

Ҳожимхон (Ҳожи Муҳаммад, 1558-1602) ҳукмронлиги даврида Хоразмда осойишталик қарор топди. Натижада, кишлок ва шаҳар ҳаёти жонланди. Мамлакатда суғориш ва деҳқончилик ишларига анча эътибор берилди. Табиатан ақлли бўлган Хоразм хони Ҳожимхон мамлакат ичкарисида осойишталикни таъминлаш билан бир қаторда, кўшни давлатлар билан ҳам яхши кўшничилик алоқаларини ўрнатишга интилади. Айнан Ҳожимхон ҳукмронлиги йилларида кўшни Эрон ва Россия давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўз мамлакатининг иқтисодий раванқи шаҳарлар ҳаёти билан боғлиқлигини сеза олган Ҳожимхон мамлакат пойтахти Урганч шаҳрига катта эътибор билан қарайди. Темур юришидан сўнг тамоман вайронага айланган шаҳарларни қайта тиклашга киришади. Сўнгги йилларда шаҳарларини ташлаб кетган аҳолини қайтадан шаҳар худудига кўчиради. Кўчиб келган фуқароларга ҳар хил имтиёзлар беради.

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 293-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Урганч ва Вазир шаҳарларида ҳаётнинг жонланиши ўз самарасини бера бошлади. Хорижий мамлакатлар ўртасидаги қулай савдо йўлида жойлашган Урганчга аста-секин хорижий савдогарлар хар томондан кела бошлайдилар. Айниқса Урганчнинг қайтадан Каспий денгиз орқали Макка сафарига бораётган мусулмонларнинг янги қўналгасига айланиши Хоразм учун муҳим воқеа бўлди. Хоразм хони Ҳожимхон мамлакат иқтисодини қайта тиклашда қишлоқ хўжалигининг аҳамияти ниҳоятда муҳимлигини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам у мўгуллар ва кейинги даврдаги босқинлар натижасида тамомила издан чиққан экин ерларини қайта ишга туширишга катта аҳамият беради. Мамлакатда зудлик билан катта иккита канал Янгиариқ ва Тошли Ёрмиш каналлари қазиб ишга туширилди. Натижада, хонликда ирригация системаси анча яхшиланиб, янги ерлар ишга солинди. Абулғозининг кўрсатишича, Тошли-Ёрмиш ариғи Хўжалиқ қалъасидан 15-17 км юқориқдан чиқарилиб у Хўжа эли билан Ойбугор кўли оралғидаги жуда кенг майдонни суғориш имконини беради. Ана ўша майдонларга буғдой экилиб юқори ҳосил олинган. Янгиариқ Пөлвонёп каналларидан тортилиб, Жанубий Хоразмнинг Янгиариқ қалъаси атрофидаги ерларга сув чиқариш имконини берган<sup>1</sup>. Юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши Абулғози ёзганидек, Хоразмда қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларининг етиштиришнинг анча яхшиланишига ва оқибат-натижада Ҳожимхоннинг обрў мавқеининг ошишига олиб келади. Хоразмнинг иқтисодий-сиёсий ривожланиши қўшни Бухоро хонига ёқмай қолади. Бухоро хони Абдуллахон (1557-1598) Хоразм устига ҳарбий юриш қилиб, уни истило қилишга ва унинг ривожланишига тўсқинлик қилишга қарор беради. Бу юришдан Бухоро ҳукмронининг асл мақсади Хоразм устидан ўтадиган савдо ва зиёратчилар йўлини ўз қўлига олиш эди. Абдуллахон бирданига Хоразм устига юриш қилишга юраги дов бермайди. У аввалига Хуросон ва Жанубий Туркманистондаги Хоразмга қарашли ерларга ҳужум қилиб, у ерларни босиб олади.

<sup>1</sup> Хоразм тарихи, I-жилд, 191-192-бетлар.



Фақатгина Хуросоннинг Дурун шаҳри Хоразм қўлида қолади, холос. Бухоро хонининг ўз қўшнисига нисбатан бундай хиёнаткорона сиёсати қўшни икки хонлик ўртасидаги муносабатларни ниҳоятда ёмонлаштириб юборади. 1593 йилда Абдуллахон Хожимхоннинг Хуросонга юришидан фойдаланиб, Хоразмга қарши хужум бошлайди. Бухоро хонининг хиёнаткорона хужумидан ниҳоятда дарғазаб бўлган Хоразм хони, ўз қўл остидаги барча ҳарбий кучларни бирлаштириб, душманга пешвоз чиқади ва Ҳазорасп қалъаси ёнида бўлиб ўтган жангда бухороликларга катта зарба беради. Бироқ, бухороликларнинг мағлубияти, уларнинг Хоразмни ўзига бўйсундириш орзусидан воз кечиш, дегани эмас эди.

Абдуллахон Ҳазорасп олдидаги мағлубиятдан тегишли хулоса чиқариб, ўз ҳарбий кучларини янги аскарлар ҳисобига тўлдириб, бир йилдан сўнг, яъни 1594 йилда Хоразмга иккинчи марта юриш қилади. Бу гал омад Бухоро хонига кулиб боқади. Икки рақиб ўртасидаги жанг Олма Отишган (Янгиариқ тумани, Аваз Ўтар жамоа хўжалиги) деган жойда бўлиб ўтди. Жанг натижасини Бухоро қўшинининг сон жиҳатидан устунлиги ҳал қилди. Улар бу жангда ғалаба қозонишди. Битта жангдаги мағлубияти - Хоразм давлатининг мағлубияти, деган сўз эмас эди. Бироқ, Хоразм тақдири учун таҳликали шундай бир шароитда, Марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланишидан норози булган Хива, Урганч, Вазир шаҳарлари ҳокимлари хиёнат йўлига ўтдилар. Улар ўз хонига ва юртига хиёнат қилиб, катта совғасаломлар билан Бухоро хони томонига ўтиб кетдилар. Бундан усталик билан фойдаланган Абдуллахон Хоразмнинг барча худудини осонлик билан эгаллаб, жойларга ўз нойибларини қолдириб, Бухорога қайтади. Хоразм яна қайтадан Бухоро тобелигига ўтади. Абдуллахон ниҳоятда золимлик қилиб, ўзи билан олиб келган ўзбек султонларидан 22 кишини қатл қилдиради.

Табиатан ўта қаттиққўл ва золим бўлган Абдуллахон Хоразмда ўта қаттиқ сиёсат олиб бориб, Хоразм халқига зулм ўтказди, Бухоро хони Хоразмдаги оддий фуқароларнинггина эмас, балки Хоразм оқсуяқларини ҳам ўзиининг оғир солиқ сиёсати билан безор қилди. Оммавий жон бошига зодагонлардан солиқ

йиниш билан бирга, айрим Хоразм феодалларидан, турли йўллар билан ерларини тортиб олди. Абулғозининг таъкидлашича, солиқ тўлашга қурби етмаган фуқаролар, ўз ўғил-қизларини сотиб, солиқ тўлашга мажбур бўладилар<sup>1</sup>.

Буюк Бухоро давлати ташкил этишни орзу қилган Абдуллахон Хоразмни ўзига бўйсундиргач, Хуросон устига юриш қилади. Бухоро кўшини билан бўлиб ўтган жангда мағлубиятга учраган Ҳожимхон ўша вақтда ўз яқинлари билан Хуросонда ўз ўғли Араб Муҳаммаднинг мулки Дурун шахрига келиб жойлашган эди. Хуросон ҳудудига ўз кўшини билан кирган Бухоро хони Абдуллахон Хуросонда ўз таъсирини ўтказган Эрон шоҳи Аббоснинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Натижада Эрон билан Бухоро ўртасида қаттиқ ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетди. Бундан усталик билан фойдаланган Ҳожимхон тахтини қайта қўлга олиш учун Хоразм томон йўл олади. Хоразмда қолдирилган оз сонли Бухоро аскарларини кириб ташлаб, янгидан Хоразм мустақиллигини таъминлайди. Ҳожимхон ўз кўшинларини Астробод ва Манғишлоқдаги туркманларнинг така ёвмут ва эрсари қабиласидан чиққан отлиқлар ҳисобига тўлдириб, Хоразмда ўз ҳокимлигини тўла ўрнатади. Яқинда ўз хонларига хиёнат қилиб Бухоро ҳукмдори тарафига ўтган хоинлардан қонли ўч олади.

Хоразмдаги бўлиб ўтган воқеалардан хабар топган Абдуллахон 1595 йилда қатта кўшин билан Хоразм устига учинчи бор отланади. Воқеаларнинг бундай давом этишини, ҳатто, хаёлига ҳам келтирмаган Ҳожимхон, ўз кўшинидаги иттифоқчиларга туркманларга рухсат бериб ўз юртларига жўнатиб юборган эди. Натижада, Ҳожимхон кучлари анча заифлашиб қолган эди. Шунинг учун ҳам у бу гал ҳам бухоролик истилочиларга етарли қаршилик кўрсата олмади. Хонқа ва Ҳазорасп қалъалари ёнидаги бўлган жангларда Хоразм хони кўшини мағлубиятга учради. Бу мағлубиятдан сўнг Ҳожимхон Урганчни қолдириб, озгина аскарлари билан паноҳ излаб, Эрон шоҳи Аббос олдига жўнайди. Айнан шу йили Бухоро хони вафот этгач, у Хоразмга қайтади ва тахтни қайтадан эгаллайди ва

<sup>1</sup> Ўша жойда, 193-бет.

умрининг охиригача 1602 йилгача Хоразмни бошқаради. У 83 ёшида Урганчда вафот этади.

Ҳожимхоннинг хонлик йиллари 42 йилдан кўпроқ давом этиб, у йиллар ўта мураккаб йиллар бўлди. Бу даврда у хонлик тахтида гоҳ Урганчда гоҳ Хивада ўтирди. Кўп йиллар Бухоро хони билан Хоразм мустақиллиги учун уруш олиб борди. Бир неча вақт Эрон шоҳи ҳимоясида яшади. У ўз ҳукмронлиги йилларида Хоразмда ўз салтанатини мустаҳкамлаш йўлида анча тadbирларни амалга оширди.

Бухоро хони истилоси муносабати билан Хоразмга келиб муқим бўлиб қолган бухороликлар Хоразмдан қувгин қилинадалар. Унинг хонлиги йилларида Хоразм қишлоқ хўжалигини ва шаҳар ҳаётини ривожлантириш соҳасида қатор тadbирлар ўтказилди. Мамлакатда ички низоларга чек қўйилиб, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш мақсадида, Хоразм худудини ўз фарзандлари ва невараларига бўлиб беради. Улар Марказий ҳокимиятга сўзсиз бўйсунушлари лозим эди. Ўзи Урганч ва Вазир ҳокимлигини олган бўлса, ўғли Араб Муҳаммадни Хива, Котга ҳоким этиб тайинлайди. Ҳазораспни эса набираси Асфандиёрга топширади<sup>1</sup>. Ҳожимхон ҳукмронлиги давридаги энг муқим тadbирлардан бири хонлик пойтахтини Урганчдан Хива шаҳрига кўчирилиши бўлди. Бунга маълум сабаблар бор эди. Булар қуйидагилар. XVI аср 70-йилларида Хоразмда юз берган воқеа ҳам Урганчнинг пойтахт сифатидаги мавқеини анча пасайтирди. Ўша вақтда Амударё ўзанининг тамоман Орол денгизи томон бурилиши билан, Шимолий Хоразмнинг узок давом этган вайронагарчиликлар сўнгра энди ривожланиш палласига кира бошлаган шаҳарлари Урганч, Вазир, Янги шаҳар ва Тирсак каби шаҳарлари аҳолисининг сув таъминотини қийинлаштириб қўйди. Бу шаҳарлар ва у атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси сувсизликдан азоб чека бошладилар.

Айни вақтда Қалмиқ ва Ёйиқ қозоқлари ҳам шимолдан ҳужум қилиб, шимолий Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларини тез-тез талаб турар эдилар. Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси Хоразм пойтахтини Урганчдан Хива шаҳрига кўчиришни тақазо этаётган

<sup>1</sup> Уша жойда.

эди. Шунинг учун, юқоридаги сабабларга кўра, табиий турмуш шурурияти туфайли шимолий Хоразм аҳолисининг бир қисми ҳам жанубий Хоразмга кўча бошлаган эдилар. Хива шаҳрининг хонлик маркази қилиниши тахминан 1598 йилга тўғри келади<sup>1</sup>.

### 3.15. Хива хони Араб Муҳаммад.

Ҳожимхон вафотидан сўнг Хива хонлиги ттахтига унинг ўғли Араб Муҳаммад (1602-1623) ўтиради. У жуда тадбиркор, қаттиқ кўл, ўта талабчан ва қатъиятли киши эди. Араб Муҳаммад ҳам Хоразмда давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, мамлакат иқтисодини яхшилаш борасида қатор тадбирларни амалга оширади. У аввало мамлакатда давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга катта эътибор беради. Марказий ҳокимиятга бўйсунмаган феодаллар қаршилиги синдирилди, улар қаттиқ жазоландилар.

Хива хони Араб Муҳаммад мамлакат мудофаа қобилиятини юксалтиришга ҳам катта эътибор берди. Узоқни кўра олувчи ҳукмдор Араб Муҳаммад мамлакат ҳарбий кучларини ривожлантирмасдан туриб, мамлакат мустақиллигини таъминлаб бўлмаслигини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам хонлик кўшинини ташкил этиш уни сон жиҳатидан кўпайтириш ва қуроллантириш масаласига хон ўта масъулият билан ёндашди.

Юқоридаги тадбирлар тезда ўз самарасини бера бошлади. Мамлакат иқтисодида аста-секин жонланиш сезила бошлади. Шунингдек, сон жиҳатидан кўпайтирилган ва янгидан ташкил эгилган хонлик кўшини мамлакатни чет эл босқинидан муваффақиятли ҳимоя қила бошлади. Араб Муҳаммад хонлик қилган йилларида Ёйиқ дарёси бўйидаги рус қозоқлари Хоразмга икки марта, қалмик (Уйрат) қабилалари бир марта ҳужум қилганлар. Хива хони Араб Муҳаммад ўз кўшини билан босқинчи рус қозоқлари ва қалмиқларга зарба бериб, уларни Хоразм худудидан ҳайдаб чиқарган эди. Бу тарихий воқеаларни ўтмишдаги Хоразм тарихчиси Баёний ўзининг “Шажарайи Хоразм шоҳий” китобида шундай тасвирлайди: “(Араб

<sup>1</sup> Ўша жойда. 194-бет.

Муҳаммад- муалл)... Баҳоёт диндор ва шариат шуор ва гам озор киши эрди. Хон бўлгондан 6 ой ўтгач, Қўш Ёйиқ деганда юриган (Ёйиқ;-Урал дарёси) ўруснинг қозоқларидан минг киши саратоннинг аввали кун (21 июнь) келиб, Урганч қалъасига кирди. Бу қозоқлар шу вақтларда қўллари етган ерларни талаб, талон-тарож қилган эдилар.

Бир кун улар Россияга мол олиб кетаётган бир неча савдогарларни (хоразмликларни-муалл.) тутадилар. Бу хивалик савдогарларни кўйлагигача тортиб олиб, Хива мамлакати ҳақида маълумот сўрайдилар. Хиванинг бойликлари кўпчилиги ва Хива қўшинларининг ёзда тарқалиб юборилишини билгач, ҳеч нарсадан тап тортмасдан, қозоқлар, ҳеч ўйланиб турмасдан минг кишигача тўпланиб, отларга миниб, эгарга ситган нарсанигина олиб, бойлик ортгириш мақсадида Хивага юриш қилдилар. Тезликда қирғиз кумидан ўтиб, Хива қўшинларининг мутлақо йўқлигидан фойдаланиб, Урганчга кириб келдилар. Шаҳарда оддий халқдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Хоннинг қўшинлари ва сипоҳилари Амударёнинг лабида эрдилар. Улар Хивага чопар юбориб, хонга воқеани баён қилдилар. Хон Хивадан етти кунда етиб келди. Рус қозоқлари бу вақтда Урганчдаги халқдан минг кишини ўлдирди. Минг аробага яхши мол дунёни босди. Минг қиз-жувонни олди. Шаҳарга ўт кўйиб, етти кундан сўнг кайтдилар. Улар Урганчдан чиқиб Аму лабига йўл тутдилар. Шу вақтда Араб Муҳаммадхон Хивадан етиб келди ва уларнинг олдидан чиқиб чуқур ўра қазирди, темир қозиклар қоқтириб кўйди. Бу ерда икки кун уруш қилдилар. Учинчи кун ўруслар келиб ўрдан ўтдилар. Ўруслар пиёда эди. Араб Муҳаммаднинг отлиқлари тез кетиб, олдидан яна ўр қазиб қозиклар қоқиб, кутиб турдилар. Мақсад сувсиз қумлоқда ўрусларни узоқроқ тутиб туриш ва ҳолдан тойдириб енгмоқ эди. Чунки улар Аму бўйига етса сув ичар ва куч тўплаб, шу ерда ёғочдан қалъа қуриб, русларга хабар юбориб дам олишар эдилар. Ушбу ерда ниҳоятда даҳшатли уруш содир бўлди. Руслар юклаган сувини тугатди. Хиваликлар учун чекиниш мумкин эмас. Хон ўлсак шу ерда ўлайлик, деган. Сувнинг йўқлиги ва иссиқнинг жазирамаси қозоқларни ўлган биродарларининг конини ичишга мажбур қилди. Бир неча кун мардона ҳимояланган қозоқлар, Урганчдан

олган ўлжаларини ташлаб юз нафари Амударёга чиқибди. Лекин у ерда ҳам уларни қамишлар орасидан чиққан хиваликларнинг ўки ўлдирди<sup>1</sup>. Ўша воқеадан олти ой ўтгач, Хоразмга қалмиқлар (ўйратлар) ҳужум қилдилар. Улар Тун қалъасигача дарёнинг ҳар иккала соҳилида аҳолини шафқатсиз таладилар. Кўп асир ва бойликларини олиб кетдилар. Бундан хабар топган Хива хони Арабхон ўз кўшини билан қалмиқларни қувиб етади. Бўлиб ўтган қисқа муддатли жангда қалмиқлар тор-мор келтириладилар. Хива хони асирлар ва молларни озод қилиб, юртларига қайтаради. Бир вақтлар қалмиқлар Хоразмни эгаллаб, у ерга ўзларидан хон кўтармоқчи бўлдилар. Бундан огоҳ бўлган Арабхон қалмиқларга ҳужум қилиб, уларнинг йўлбошчисини ўлдиради. Юқорида келтирилган воқеалар баёни шундан дарак берадики, бу даврга келиб, Хоразмда Марказий ҳокимият анча мустаҳкамланган ва Хива хонининг куч-қудрати ошган эди. Араб Муҳаммаднинг етти ўғли бор эди. Исфандиёрхон, Хабаш Султон, Элбарс Султон, Абул Ғозихон, Шариф Муҳаммад Султон, Хоразмшоҳ Султон, Авгон Султон. Албатта бошқа-бошқа оналардан туғилган бу оғайнилар ўртасида самимий ҳамжиҳатлик йўқ эди. Бу ҳолат эса келгусида мамлакат ички феодал зиддиятларини келиб чиқишига замин бўлди.

Отаси Ҳожимхон каби Араб Муҳаммад ҳам деҳқончилик ва сугориш иншоотларини яхшилашга катта эътибор берди. Туп қалъаси яқинидан бир ариқ чиқарилиб, унинг Оёғи Қуйгун деб аталган жойгача келтирилган. Натижада, Урганч билан Миздахин қалъаси оралиғида жуда кенг майдонга ана ўша ариқдан сув чиқарилиб, деҳқончилик қилинган. Мамлакат иқтисоди аста-секин кўтарилиб борди. Бироқ, шаҳзодалар ўртасида ўзаро тахт учун кураш юқоридаги ижобий жараённинг ривожига тўсқинлик қилди. Араб Муҳаммадхон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида фарзаңдлари ўртасида ўзаро кураш ниҳоятда кескинлашди.

Хабаш билан Элбарс Султоннинг онаси Найман қизи эди. Улар Хивада улғайдилар. Авгон Султоннинг онаси Абулхайрхон авлодидан эди. Исфандиёрхон билан Абулғозихон бир онадан туғилган эдилар. Араб Муҳаммадхон жойларда ўз ҳокимиятини

<sup>1</sup> Хива хонлари шажараси, 10-11 бетлар.

мустаҳкамлаш мақсадида, мамлакатни вилоятларга ажратиб, ўз ўғилларига бўлиб беради. Жумладан, катта ўғли Исфандиёр Хазорасида, Абулғози Котда, Хабаш билан Элбарслар Урганч ва Вазирда ҳоким эдилар.

Шаҳзодалар ўртасида ахиллик бўлмасдан, хонлик тахтини эгаллашга интилиш кучли эди. Улар ўз қўл остидаги вилоятларни мустақил бошқариб, оталарига бўйсунмай қўйдилар. Тахтни эгаллашга бўлган интилиш, айниқса, Хабаш билан Элбарсда кучли эди. Хоразмни иқтисодий ва сиёсий ривожидан анча хавотирга тушган ўзбек султонлари ўз отасига қарши кураш бошлаган шаҳзодаларни қўллаб-қувватладилар. Айниқса, уйғур ва найман қабилалари бу йўлда анча фаоллик кўрсатдилар. Улар Араб Муҳаммадхонга қарши исён кўтардилар. Араб Муҳаммадхон ва унинг ўғиллари ўртасидаги кураш кундан кунга кучайиб, оқибат натижада қонли тўқнашувларга олиб келди. Тўқнашувга олиб келган асосий сабаб, Араб Муҳаммаднинг ўғиллари Хабаш ва Элбарснинг ота розилигисиз Эрон ва Бухоро устига босқинчилик юришлари бўлди. Ваҳоланки, Араб Муҳаммад ушбу мамлакатлар билан дўстлик шартномасини имзолаб, унга қаттиқ амал қилишга сўз берган эди.

Хабаш ва Элбарс отасига қарши курашда найман ва уйғур қабилаларининг кўмагига таянар эдилар. Отасига қарши руҳда тарбияланган падаркушлар Марказий ҳокимиятга қарши курашни биринчи бор бошлаганларида анча ёш эдилар. Хабаш Султон 16 ёшда, Элбарс Султон 14 ёшда эдилар. Ўша вақтда Араб Муҳаммад исёнкор ўғилларига ён бериб, уларга Вазир шахрини туҳфа қилади ва бу билан ўзаро қонли тўқнашув беш йилча орқага сурилади. Икки ўртадаги тинчлик беш йил давом этади. Олтинчи йили Элбарс Арабхоннинг йўқлигидан фойдаланиб, ўз қўшини билан Хивага киради. Отасининг 30 йил давомида тўплаган хазинасини ва Арабхон сарой аъёнларининг бойликларини талаб, орқага қайтади. Арабхон ўз ўғиллари Асфандиёр, Абулғозиларнинг кучлари билан Элбарс қароргоҳи устига юради. Ўзига қарши отасининг катта куч билан келаётганидан хабар топган Элбарс қочиб кетади.

Абулғози исёнкор ўғиллари Элбарс ва Хабашларни зудлик билан қўлга олиб қатл қилишни отасидан сўрайди. Бироқ, отаси

бунга кўнмайди. Битта навкар орқали бу гапдан огоҳ бўлган Хабаш, Абулғозига ашаддий думанга айланади. Хабаш Элбарсни зудлик билан Вазирга чақиртиради ва отасига қарши биргаликда курашга тайёрлана бошлайдилар. Арабхон ҳам ўғиллари Исфандиёр ҳам Абулғозиларни Хивага ўз олдига чақиртиради ва биргаликда хиёнаткор ўғилларига қарши кураш режасини ишлаб, унга пухта тайёрлана бошлайдилар. Бироқ, кулай пайт кўлдан берилган эди. Бу даврга келиб исёнкор ўғиллар кўшини анча кўнайган ва кучайган эди. Араб Муҳаммад ва садоқатли ўғиллар кўшинлари билан Хабаш ва Элбарс кўшинлари ўртасида қонли жанг 1621 йилда Тошли Ёрмиш ариғи бўйида бўлиб ўтади. Бу жангда Хабаш ва Элбарс кўшинлари ғалабага эришдилар. Арабхон ўз оиласи ва яқинлари билан асирга тушади. Улар Хабаш Султон қароргоҳига жўнатилдилар. Ношуд, нопок, молпараст ўғилларининг буйруғи билан Арабхон кўр қилиниб, Хивага жўнатилади. Хабаш ва Элбарснинг ашаддий душманига айланган Абулғози Кот орқали Бухорога қочади. Исфандиёр Султон ўз навкарлари билан Ҳазорасп қалъасига чекинадилар. Элбарс ва Хабаш кўшинлари Ҳазораспни 40 кун қамал қилган бўлсалар-да уни олиб билмайдилар. Натихада икки ўртада сулҳ тузилади. Исфандиёрхонга Маккани зиёрат қилиб келиш учун рухсат берилади. Бироқ, Исфандиёр Маккага бормасдан, Эрон шоҳи Аббос (1587-1628) ёнига боради ва шоҳ саройда бошпана топади. Яна бир ўғил Шариф Муҳаммадга Кот ва унинг атрофидаги ерлар берилади. Ўн икки ёшли Хоразмшоҳ ва ўн ёшли Ангонни Хивага оналари олдига юборадилар. Шариф Муҳаммад тўрт ойдан кейин Бухорога Абулғозий ёнига қочиб борди. Юқоридаги воқеалардан сўнг бутун ҳокимият Хабаш ва Элбарс қўлига ўтади. Хабаш Султон Тун қалъаси яқинидаги баланд жойга ўзига махсус қалъа қурдириб (ҳозирги Хўжайли шаҳри ўрнида) ўз қароргоҳини ўша ерга кўчиради. Нопок ўғиллар отаси давлатини эгаллаш билан чекланиб қолмасдан, эндиликда уни жисмоний йўқ қилиш режасини ўйлай бошлайдилар. Маълумки, Тошли Ёрмиш ёнидаги жангдан сўнг ғолиблар оталарининг учта хотини ва икки кичик ўғиллари билан асирга олиб, улар Вазирдан олти-етти километр шарқдаги Қум қалъасида тутқинликда яшамокда эдилар. Отасининг катта



обрўсидан ва унинг давлат тєпасига бошқа ўгиллари ёрдамида келишидан хавфсираган ношуд фарзандлар - Хабаши ва Элбарси уни йўқотишга қарор берадилар. Шу мақсадда Элбарси Султон иттифоқдоши Хабаши Султонга билдирмасдан, отасини ва икки кичик укасини Хивага кўчирди. Падаркуш Элбарсининг буйруғи билан у ерда Араб Муҳаммад, унинг Хоразмшоҳ исмли ўғли, шунингдек Исфандиёрнинг уч ёшлик ва бир ярим ёшлик икки ўғли ўлдириладилар. Элбарси кичик иниси Авғон Султонни Хабаши Султон ўлдирсин деб унинг ёнига юборади. Хабаши Султон ўз укасини ўлдиришдан хайиқиб, уни рус элчиси И. Д. Хохлов билан Россияга юборади.

1622 йилнинг 12 декабрида Авғон Султон Москвага келди ва Подшо Михаил Федорович саройида қабул қилинди. Авғон Султон то умрининг охиригача, яъни 20 йил Россияда яшади ва 1648 йилда вафот этди ва Косимов шаҳрида дафн қилинди. Араб Муҳаммадхон ўз ўгиллари Хабаши ва Элбарси қўлида Қум қалъасида тутқунликда яшаган пайтида ўзи ҳақида шундай тўртлик тўкиган экан.

**Қаттиқ деб ичганим айрон эканин, билмадим,  
Ўстирган фарзандларим ҳайвон эканин билмадим.  
Қурдирган қошоналар вайрон эканин билмадим,  
Шоҳ эканман деб юрганим, жазо эканин билмадим<sup>1</sup>.**

Араб Муҳаммадхоннинг мустақил Хоразм хонлигини мустаҳкамлаш, унинг сиёсий - иқтисодий барқарорлигини таъминлашда хизматлари анча каттадир. Айнан Араб Муҳаммадхон ҳукумронлиги йилларида пойтахт Хива шаҳрига кўчирилади ва бундан буёқ мамлакат Хива хонлиги деб атала бошлайди. Араб Муҳаммадхон ҳукумронлиги даврида хонлик кишлоқ хўжалигига алоҳида аҳамият берилади. Ирригация соҳаси яхшиланади. Янги ерлар очилади. Каналлар қазилиб, ишга туширилди. Натижада ерлардан олинадиган ҳосилдорлик кўпаяди. Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпайиб, мамлакатда нарх-наво пасайди. Арзончилик вужудга келди. Араб Муҳаммад

<sup>1</sup> Хива хонлари шажараси, 13-бет

шаҳар ҳаёти ва савдога ҳам катта эътибор берди. Унинг ҳукумронлиги йилларида Хивада унинг номига атаб мадраса қурилди.

Араб Муҳаммад ҳукумронлиги йилларида қўшни давлатлар Эрон, Хуросон ва Россия давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди. Савдо-сотик анча ривожланади. Бироқ, Араб Муҳаммадхон мамлакатни бошқаришда жиддий хатоларга йўл қўйди. Ўз мамлакатини вилоятларга бўлиб, уларни бошқариш тизимини ўғилларига бериб қўйгани оғир ва фожиали натижаларга олиб келди. Бу хатолиги билан марказий ҳокимиятни кучсизлантиради ва ўзаро ички феодал урушларнинг келиб чиқишига шароит яратиб берди. Оқибат натижада, ўзи ўша феодал ички урушларининг қурбони бўлди. Араб Муҳаммад ва унинг гўдак болаларини Элбарснинг буйруғи билан ваҳшиёна ўлдирилиши бутун Хоразмни даҳшатга солди. Халқ оммасининг надаркушлардан ихлосини қайтарди. Омма ўртасида норозилик кучайди. Отасининг хиёнаткорона ўлдирилишидан ниҳоятда газабланган Исфандиёр қотил Хабаш ва Элбарсга қарши курашиш учун қўшин тўплашга киришади. У Хуросоннинг Дурун ва бошқа шаҳарларида бўлади. Абдуллахон ва Мангишлок туркманлари олдига боради. Бу ерда туркман қабилаларидан ҳарбий қисмлар йигиб, ўз қўшинига қўшади. Шунингдек Хоразмдаги Араб Муҳаммад тарафдорлари бўлган ўзбеклар ҳам Исфандиёрхон қўшинига келиб қўшиладилар. Ниҳоят, Исфандиёрхон катта қўшин билан Урганч томон юриш бошлади. Урганч яқинида Исфандиёр билан Хабаш-Элбарс қўшинлари ўртасида қонли жанг бўлиб ўтади. Жанг 20 кундан ортиқ давом этиб, Исфандиёр қўшинининг ғалабаси билан тугади. Элбарс Султон асир олинади ва ўша заҳотиёқ чопиб ташланади.

Хабаш Султон жанг майдонидан аранг қутилиб, Сирдарё бўйига қочади. Бироқ у ерда қўлга олинади. Хабаш Султон ва унинг тарафдорлари Исфандиёр султоннинг фармониغا мувофиқ қатл қилинадилар. Халқимизда узоқ ўтмишдан қолган бир мақол бор. “Ал қасосул минал ҳақ” (қасос олиниши ҳақиқатдир). Падари бузрукворини олдинига кўр қилиб, кейин ваҳшийларча қатл қилдирган бу нобакор фарзандлар Оллоҳнинг қаҳрига учрадилар ва қаттиқ жазосини олдилар.

Исфандиёр Элбарс ва Хабашни қўллаб-қувватлаган ўзбек қавмларидан қаттиқ ўч олади. Уларнинг бир қисмини кириб ташлаб, қолганларини қувғин қилади. Шу воқеалардан сўнг Хивада хонлик тахти Исфандиёр қўлига ўтади. Бироқ давлатни бошқаришда Исфандиёрхон ҳам жиддий хатога йўл қўйди. У Элбарс ва Хабашга қарши курашда уни қўллаб қувватлаган туркман қабилаларига мамлакатда керагидан ортиқ эрк беради. Уларга хонликда катта имтиёзлар берилади. Бу эса табиийки шаҳарлик аъёнларнинг норозилигига сабаб бўлди.

### **3.16. Хива хони Исфандиёрхон Араб Муҳаммад ўғли.**

Исфандиёрхон мамлакатни 20 йилча (1623-1642) бошқарди. Оқибатда хонликдаги барча юқори мансабларни эгаллаб олган туркманларнинг ўзбошимчалиги кучаяди. Улар мамлакатнинг истаган жойидаги ер сувларни ва чорваларни ўзбошимчалик билан тортиб ола бошлайдилар. Исфандиёр томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланган туркманларнинг очкўзона ҳатти-ҳаракатидан норози бўлган ўзбеклар аста-секин Хоразмни тарк эта бошлайдилар. Уларнинг бир қисми Бухорога ва яна бошқалари Сирдарё бўйлари ва Мангишлоққа кўчиб кетадилар. Бироқ, уларнинг айримлари у жойларга кўника олмасдан 3 йилдан сўнг, Хоразмга қайтиб келадилар. Ўзбеклардан уч минг хўжалиги Орол денгизи атрофларига келиб ўрнашадилар. Уларни “Оролликлар” ёки “Орол ўзбеклари” деб атаёт бошладилар. Кейинчалик улар ўзларининг мустақил ҳокимлигига асос солдилар. Шунини таъкидлаш лозимки, “Орол” атамаси Абулғози асарида кўчманчи ўзбекларнинг денгиз бўйларига кўчиб келиши муносабати билан биринчи бор тилга олинади.

XVII аср охири XVIII аср бошида Орол денгизи бўйларига шимолдан козоқ ва қорақалпоқ қабилалари ҳам кўчиб келдилар. Улар чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулландилар. Аҳолининг сон жиҳатдан кўпайиши, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши Орол ҳокимлиги аъёнларини Хивадан мустақил сиёсат юргизишга ундайди. Албатта Хива хонлари бундай ҳолат билан чиқиша олмас эдилар. Шунинг учун

ҳам Хива хонлиги билан Орол ҳокимлиги ўртасида ўзаро ички курашлар тинмай давом этди. Ниҳоят, бир муддатга Орол ҳокимлиги Хива хонлигидан мустақил бўлиб, ўзларига гоҳ Бухородан, гоҳ козоқлардан хон сайлаб, тамоман мустақил сиёсат юргиздилар. Бу билан чекланиб қолмасдан, вақти-вақти билан, Хива хонлиги ички ишларига ҳам аралашшишга интиладилар.

Исфандиёр ҳукмронлиги йилларида ҳам Хоразмда осойишталик бўлмади. Юқори мансабларни ва катта имтиёзларни туркманларга бериб қўйгани учун, оғайнилари Исфандиёрдан норози эдилар. Зимдан унга қарши иттифоқ туздилар. Бу иттифоққа Абулғозий бошчилик қилди. Исфандиёрнинг тўсатдан вафот этиши, тахтга унинг укаси Абулғозига йўл очади. Ўз акаси каби Абулғозий ҳам хонликни (1643-1663) 20 йил бошқаради.

### **3.17. Хива хони Абулғози Баҳодирхон.**

Хоразмдаги ички тахт учун курашлар Абулғозини ҳам четлаб ўтмади. Отаси ҳаётлигида отасини қувватлаб ўз оғайнилари Элбарс ва Хабашга қарши фаол курашган Абулғози, отасининг мағлубиятидан сўнг, Бухоро хони ҳимоясига кетган эди. Хивада хонлик тахтига Исфандиёр ўтиргач, Абулғози унинг марҳаматиغا сазовор бўла олмади. 1630 йилда Исфандиёрхон Абулғозини Эронга гаровга юборган эди. У Эрондаги Исфакон вилоятининг Таборк қалъасида ўн йил турди. Ўн биринчи йил ҳийла ишлатиб қочади. Хуросондаги туркманлар ичида икки йилча турди. У ердан Манғишлоққа боради. Манғишлоқ ҳокими уни Урганчга юборади. 1643 йилда оролликлар уни Орол хонлигига хон қилиб кўтардилар. Орол хонлигига хон бўлиш, албатта бутун Хоразмга хон бўлиш дегани эмас эди. Шунинг учун ҳам Хоразмни хонлик байроғи остида бирлаштиришни қалбига жо қилиб олган Абулғози зудлик билан Хива хонлик тахтини эгаллашга киришади. Айни ўша даврда Абулғозининг Хива хонлиги тахтини эгаллаши учун қудай пайт келган эди. 1642 йилда Хива хони Исфандиёр тўсатдан вафот эгади. Меросхўр сифатида Абулғозига Хива тахти учун йўл очилади. Шу боис ҳам Абулғози ўз қўшини билан Хива томон юради. Бироқ Хива туркманлари Абулғозини Хива тахтида кўришни истамадилар.

Улар Бухоро хони Нодир Муҳаммад (1642-1645) га мурожаат қилиб, ундан Хива хони тахтини эгаллашни сўрадилар. Хутбани Нодир Муҳаммад номига ўқитдилар. Бундан ниҳоятда даргазаб бўлган Абулғози Хива туркманларини жазолаш учун ўз қўшини билан улар устига юради. Буни олдиндан сеза олган Бухоро хони туркманларга ёрдам бериш учун ўз невараси Қосим Султон бошчилигида катта қўшин юборади. Икки ўртада бўлиб ўтган жангда Абулғози қўшини мағлубиятга учради. Абулғози қолган қўшини билан Оролга қайтиб кетади. 1645 йили Бухоро хони Нодир Муҳаммад вафот этгач, Бухоро хонлик тахтига Абдуллахон ўтиради. Хивадаги каби Бухорода ҳам тахт учун ички курашлар авж олади. Бундан усталик билан фойдаланган Абулғози Хива устига янгидан юриш уюштиради ва Хива тахтини эгаллайди. Абулғози Хива хонлиги тахтига ўтиргач, Хоразмдаги ўзбекларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Аксинча туркманлар масаласини усталик билан ҳал қилади. Уларга Исфандиёрхон даврида берилган имтиёзлар бекор қилинади. Бунинг устига, Абулғози тахтга ўтиргач, илгари Бухоро хонини қўллаб-қувватлаган ва кейинчалик Хоразмни тарк этган туркманларга мурожаат қилиб, мен улардан қасос олмайман. Майли қайтиб келаверсинлар деб эълон қилади.

Абулғозининг ваъдасига ишонган, илгари Бухоро хонини қўллаб-қувватлагани учун гуноҳкор бўлган туркманлар ҳар томондан Хоразмга қайтиб кела бошладилар. Ҳазораспда Абулғози улар учун кўп кишилиқ зиёфат уюштиради ва ўта қалтис бир гуноҳ ишни режалаштиради. Зиёфатда туркманларнинг қазо-қазоларидан минг кишидан ортиқроғи ўлдирилади. Туркманлар устига қаторасига икки марта ҳарбий юриш қилиб, Абулғози уларни ўзига тамоман бўйсундиради. Уста сиёсатчи бўлган Абулғози бу даврда Хоразм учун катта хавф Эрон давлати эканлигини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам у 1648 йилда ўз элчилари билан Эрон шоҳларига мурожаат қилиб, улар билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатади. Шимолдан Хоразм учун катта хавф қолмаган эди. Абулғози хукмронлигининг дастлабки йилларида қалмоқлар 1649 ва 1653 йилларида Хоразмга икки марта катта юриш қилдилар. Ҳар иккаласида ҳам Абулғози бошчилигидаги Хива қўшини уларни

тор-мор қилиб орқага суриб ташлади. Абулғози тахтга ўтиргач, акиси Исфандиёрдан фарқли равишда хонликда асосий мансабларга ўзбеклардан 360 кишини қўяди. Абулғози ҳокимият тепасига келган пайтда, Амударё ўзанини ўзгартириб, сувини Оролга қуйиши муносабати билан Хоразмнинг кўхна пойтахти Урганч ва унинг яқинидаги Вазир шаҳарларини сув билан таъминлаш иши ниҳоятда қийинлашиб қолган эди. Шунинг учун ҳам Абулғози Хива тахтига ўтиргандан бир йил ўтгач Хонқоҳ (Хонқа)нинг ғарб томонида янги Урганч шаҳрини қуриш учун ер ажратади. Бу жой Амударёга яқин бўлиб, сув сероб эди. Янги шаҳар қурилиши бошлаб юборилиб, унга Янги Урганч деб ном бердишар. У ерга Кўхна Урганч аҳолиси кўчирила бошланди. Янги қурилган қалъанинг деворлари пахсадан солинган тўртбурчак шаклда бўлиб, узунасига 226 сажин эди. Аста-секин шаҳар ривожланиб бориб, XIX асрда шаҳардаги пахса уйларнинг сони 300, маҳиллар 15, дўконлар 300, аҳолиси 2000 кишига етар эди.

Тамоман зийрак, узоқни кўра олувчи ҳукмдор бўлган Абулғозий мамлакатда осойишталик бўлиши учун Марказий ҳокимият қудратли бўлишини тушунар эди. Шунинг учун ҳам у ҳокимият тепасига келгач, вилоятларга ўзига яқин кишиларни ҳоким қилиб тайинлайди ва уларнинг ҳуқуқларини чегаралайди. Шунингдек, хонликнинг обрў-эътиборини қай даражада бўлиши исёнкор туркман қабилаларининг хонликка бўлган муносабати билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам Абулғози 1649-1650 йилларда туркманларни ўзига бўйсундиради. Вақти-вақти билан Хоразмга талончилик юришлари қилиб турувчи қалмоқлар устига қўшин тортиб Абулғозий уларни ҳам ўзига бўйсундиради. Азалдан Хива хонлигининг рақиби бўлиб келган Бухоро устига олти марта қўшин тортиб бориб, Кармана ва унинг атрофларини қўлга киритади. Бухоро юришларида Абулғози қўшини Бухоро хони Абдулазиз қўшини билан икки марта рўбарў келади. Айниқса, улар ўртасида бўлиб ўтган иккинчи жанг жуда қаттиқ кечди. Жангда шахзода Ануша ўта ботирлик кўрсатди. У ўзининг ва қўл остидаги жангчиларнинг мардлиги билан Хива қўшинининг ғалабасини таъминлади. Анушанинг ғоят қахрамонлигидан ўта хурсанд бўлган Абулғозийхон Хивада

Ануша номига катта ҳаммом курдирди. Ҳаммом ҳозир ҳам Анушахон ҳаммоми номи билан аталади.

Абулғозихон ҳукмронлиги даврида хонликда анча осойишталик ўрнатилди. Мактаб, мадрасалар қурилди. Бир қанча катта каналлар қайта қурилади. Қишлоқ хўжалиги хийла ривожланиб ҳосилдорлик ошди. Беш қалъа: Кат, Хонқа, Ҳазорасп, Боғот, Урганч ва Шохободнинг мавқеи кучайди. Хонликда савдо-сотик хийла ривожланди. Янги Урганч шаҳри хорижий савдогарларнинг учрашадиган жойига айланди.

Янги Урганч барпо этилган жойда сувнинг сероблиги атрофдаги қишлоқларда деҳқончиликнинг ривожланишига сабаб бўлди. Хоразмнинг кўҳна пойтахти Урганч шаҳрининг туб аҳолиси Янги Урганчга кўчирилиши муносабати билан у ерга кўплаган ҳунармандлар, савдогарлар кўчиб келдилар ва оқибат натижада савдо-сотик ва ҳунармандчилик гуркираб ривожлана берди. Ўз мамлакати Хоразмнинг иқтисодий раванкига катта эътибор билан қараган Хива хони Абулғози савдо ва ҳунармандлар аҳлига алоҳида ғамхўрлик қилди. Абулғози ўз отаси - Хива хони Араб Муҳаммаддан фарқли ўлароқ ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида хонликда ўзбекларга катта имтиёзлар берди. Аксинча, Араб Муҳаммадхон ҳукмронлиги йилларида катта имтиёзларга эга бўлган туркман қабила бошлиқлари ва аъёнларини таъқиб остига олди. Бунга сабаб, Хива хонлиги тахти учун курашда айнан туркман қабилалари бошлиқлари ва аъёнлари, Абулғозининг рақиблари бўлган биродарлари Элбарс ва Хабашларни қўллаб-қувватлаган эдилар. Бундан ташқари, улар яқин ўтмишда Бухоро хонлиги билан Хива хонлиги ўртасида бўлиб ўтган қонли тўқнашувларда Бухоро хони томонида туриб иштирок этган эдилар.

Табиатан ақлли бўлган Абулғози мамлакатни бошқаришда давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш на қадар катта аҳамиятга эга эканлигини тушунар эди. Шунинг учун ҳам у хонлик тахтини эгаллагач, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга ўз эътиборини қаратади. Маъсулиятли ўришларга ўзига яқин кишиларни қўяди. Туркман зодагонларини давлатни бошқариш ишларида четлаштиради. Уларнинг қўлларидаги ер - сувларни тортиб олиб, ўзларини мамлакат ичкарасидан қувғин қилдиради. Натижада,

туркманлар ўз оилалари билан Хоразмни тарк этиб, Хуросонга, Мангишлюкқа ва Жанубий Туркменистонга кўчиб кетишга мажбур бўладилар. Олдинги хонлардан фарқ қилиб, Абулғози хонликдаги юқори мансабларнинг барчасини ўзбекларга беради. Тарихчи Мунисининг ёзишича, Абулғози хонликда давлат бошқаришни ислоҳ қилиб уни тамоман янгидан ташкил этади. Олдин кўрсатганимиздек, ўзбек аъёнларидан 300 кишини хонликнинг турли лавозимларига тайинлайди. Шулардан энг обрўли 32 кишига саройда ўз ёнидан ўрин беради.

Юқоридаги қайта қуриш ишлари билан Абулғози ўзбекларни ва ерли аҳолининг нуфузли вакиллари билан давлат бошқарув ишларига жалб этиб, улар орасида маълум барқарорликни вужудга келтиради. Давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, Абулғози кенг кўламда ички ва ташқи сиёсат олиб бориш имкониятига эга бўлди.

Абулғози хонлиги даврида шаҳар ҳаёти билан биргаликда қишлоқ ҳаёти ҳам анча изга тушди. Хонликнинг ўша даврдаги аҳолиси асосан бир-биридан кескин фарқ қилувчи учта катта гуруҳга бўлинар эди. Биринчи гуруҳга Хоразмнинг асл қадимий аҳолиси – Хоразмийлар бўлиб, улар туркий-забон эдилар. Азал-азалдан давом этиб келаётган қадимий Хоразм деҳқончилик ва хунармандчилик маданияти айнан уларда акс этган эди. Хонликнинг оғир солиқ ва тўловлари ҳам худди шу туб аҳоли – Хоразмийлар зиммасига тушар эди. Мамлакатдаги иккинчи гуруҳ аҳолини хонликнинг чекка-чеккаларида жойлашган туркманлар ташкил этиб, асосан чорвачилик билан шуғулланар эдилар. Хонликдаги аҳолининг учинчи гуруҳи, энг мартабали ва обрўли гуруҳи – Элбарсхон билан бирга Дашти Қипчоқдан кўчириб келтирилган ўзбеклар эди. Улар асосан тўрт қабила: Қиёт-Кўнғирот, Уйғур- Найман, Қанчли-Қипчоқ ва Нукус-Мангит вакиллари эдилар. Улар билан бир қаторда хонлик аҳолисининг маълум қисмини, бошқинчилик юришлари натижасида қўлга туширилган асирлардан иборат бўлган қуллар ташкил этар эди. Қуллар асосан эронийлар ва руслардан иборат эдилар. Хива хонлигида деҳқончиликдаги оғир ишларда кенг қўллашда қуллар меҳнатидан фойдаланар эдилар. Шунини кўрсатиш лозимки, XVI-



XVIII асрларда Марказий Осиёдаги катта кул бозорлари Хоразмда ҳам мавжуд эди.

Абулғози доно хукмдор сифатида узоқни кўра олувчи ички ва ташқи сиёсат юргизди. У ташқи сиёсат бобида қўшни хорижий давлатлар билан дўстона сиёсат олиб бориш билан бирга, Хива хонлигини ташқи ҳарбий юришлар ҳисобига худудий кенгайтиришга интилди. Ички сиёсат бобида мамлакатда давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга интилди. Бу соҳада қатор ислоҳат тадбирларини амалга оширди. Унинг ички сиёсат борасидаги ўтказган тадбирлардан бири ўзбек қабилаларини бутун воҳа бўйлаб жойлаштириши бўлди. Атрофи кўплаган но дўстона кучлар билан ўралган Хива давлатининг одам ресурслари билан анча кўп сонли душманга бас келиб бўлмас эди. Кўп сонли ўзбек қабилаларининг Хоразм воҳаси бўйлаб жойлаштирилиши - Хива кўшинини жанговор ўзбек қабилалари ҳисобига тўлдирилишига имкон берар эди. Бу имкон эса мудофаа ва истилочилик юришларида Хива қўшини учун ниҳоятда асқотар эди. Иккинчидан кўп сонли ўзбек қабилаларининг Хоразм воҳасига жойлаштирилиши ва уларнинг ўтроқлашиши, улар томонидан воҳадаги бўш ерларнинг ўзлаштирилиши мамлакатда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини стиштиришни кўпайишига ва оқибат - натижада халқ фаравонлигини ошишига олиб келар эди. Хоразмлик тарихчи, Муниснинг хабар беришича, Абулғози ўзбек қабилаларининг воҳа бўйлаб тўрт гуруҳга бирлаштириб, уларнинг Даргон отадан то Орол денгизигача <sup>1</sup> кенг майдонга жойлаштиради.

Биринчи гуруҳга уйгур найманлар кирган; уларга яна дўрман, юз, минг, шайх, бирлак каби кичик гуруҳлар ҳам кирган. Иккинчи гуруҳга Қўнғирот-Қиётлар бирлашиб, уларга Жалабир ва Али-Эли уруғлари ҳам қўшилади. Учинчи гуруҳга Нукус-Манғит қабилалари бирлаштирилиб, Канагас ва Жўжаяли қабилалари ҳам уларнинг таркибига кирган. Тўртинчи гуруҳга кирган Қангли-Қипчоқ қабилалари таркибига яна ўзбекларнинг<sup>2</sup> ўн тўрт уруғи ҳам бирлашган эди.

<sup>1</sup> Хоразм тарихи, I-жилд, 201 бет.

<sup>2</sup> Уша жойда, 201-202 бетлар.

Абулғози юқоридаги ўзбек қабилаларини гуруҳларга бўлиб, воҳа бўйлаб жойлаштиришда, уларнинг ўзаро яқинлигига ката эътибор беради. Ўзбекларнинг анна ўша қabila ва уруғлари Хоразм воҳаси бўйлаб, куйидагича жойлаштирилган. Ҳазорасп қалъаси атрофига Питнақдан то Янгиариққача бўлган майдонга найман қабилалари ўтроқлаштирилган. Шайх ва бурлан уруғлари ҳам ўша атрофга жойлаштирилган. Улардан юқори Гурлан қалъасигача бўлган майдонда дарёнинг ҳар иккала соҳили бўйлаб, уйгур қабилалари; Гурландан то Лавзанг ариғига қадар қўшилган майдонда манғит қабилалари жойлаштирилди. Улардан нарида то Амударё ҳавзаси Ўрта қисмигача Нукус ва Манғит қабилалари, Амударё ҳавзасининг ғарбий томонида Куёғун деб номланган майдонда кўнғирот ва қиётлар ўрнашди. Амударёнинг сўл соҳилида ҳозирги Қипчоқ тумани атрофида ҳамда дарёнинг ўнг томонида Хўжа-кўл ва кўк- ўзак оралиғидаги майдонга, шушунидек Аму ҳавзасининг марказий томонидаги ерларда қангли ва қипчоқ қабилалари жойлаштирилди. Ўзбекларнинг қолган ўн тўрт уруғи ҳам улар билан бирга яшади. Яна ўзбекларнинг асосий қабилалари ҳам улар таркибидаги уруғ ва қабилаларидан яқинида гуруҳ, Хива ва Янгиариқ оралиғида яшадилар. Натижада, Абулғози ҳукмронлиги даврида ўзбеклар Хоразмнинг барча ҳудудларига тарқалдилар ва уларнинг ўтроқлашув жараёни бошланади<sup>1</sup>. Ўзбекларнинг Хоразмдаги ўтроқлашув жараёни XVIII аср охиригача давом этди.

Воқеаларнинг асл измига қайтамиз. Абулғози томонидан Хоразм воҳасига кўчирилган ўзбеклар асосан, хонликнинг ижтимоий ҳудудларидан Гурлан, Манғит, Кўхна Урганч, Вазир, Хўжайли, Қипчоқ туманларига жойлаштирилиб, улар ўзбеклар деб аталган бўлса, Хива, Янгиариқ, Янги Урганч, Ҳазорасп, Шаббоз, Хонқа, Боғот туманларида асосан туб аҳоли Хоразмийлар яшаганлар. Хоразмнинг ўша даврда туб аҳолисини сартлар деб атаганлар. Воҳага кўчириб келтирилган ўзбеклар билан маҳаллий аҳоли ўртасида аралашув жараёни давом этади.

Ўзбекларга нисбатан ижтимоий-маданий таракқиётнинг анча юқори поғонасида турган туб аҳоли, кўчманчи ўзбекларнинг

<sup>1</sup> Ўша жойда, 202-бет.

ўтроқлашувига уларнинг деҳқончилик илмини ўрганишига баракали таъсир кўрсатди. Ўз навбатида XVII аср иккинчи ярмида ўзбек қабилалари Хоразм худудига кенг ёйилиб, хонликнинг асосий халқига айлана бордилар ва давлат бошқарув ишларини ўз қўлларига олдилар. Ўзбек қабилалари ичида Уйғур, Найман, Дўрмонлардан чиққан бейлар ва иноқлар, давлат бошқариш ишларида, хон тайинлашда ҳал қилувчи рол ўйнаганлар. Абулғози Баҳодирхоннинг таъкидлашича, Араб Муҳаммаднинг ўзи ҳам найманлардан чиққан навкар бўлган. Хива хонлари тахт учун курашда асосан Найман, Уйғур, Дўрман қабилалари кучидан, зарур бўлганда туркманлардан ҳам фойдаланганлар. XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Амударё куйи ҳавзасида жойлашган Қўнғирот, Қипчоқ ва Манғит қабилаларининг мавқеи ҳам оша борди. Ўша даврда шимолий шарқдан, Сирдарёнинг куйи оқимидан Амударё ҳавзасига келиб жойлашган ўзбекларнинг Хоразм воҳасининг жағуб томонларига кўчиши содир бўлган. Дастлаб улар Вазир, Урганч, Кот, кейин Хива, Ҳазорасп ва Хонқани эгалладилар. XVII аср бошларида Урганч ва Вазир таназзулга учраб, Оролбўйи, Куйи Амударё ҳавзасининг аҳамияти ошади. Кўчманчилар ҳисобига худуднинг аҳолиси анча кучайди.

Орол бўйида яшаган Қўнғирот қабиласи зодагонлари хонлик ҳаётида муҳим рол ўйнайдиган бўлиб қолдилар. Улар на фақат Темурийлар даврида, балки Шайбонийзодалар ҳукмронлиги даврида ҳам давлат ишларида фаол қатнашдилар. Кўп йиллар давомида Темурийларга хизмат қилиб келган Қўнғиротлар, Шайбонийлар, истилоси даврида улар томонига ўтиб кетдилар. Манбаларда Абулғозихон даврида ва ундан кейинги йилларда ҳам уйғур ва найманлар қаторида “Оролли” манғитларнинг юқори мавқега эга эканлиги қайд этилади. Мунис ўзининг асарларида хон саройида юқори лавозимларни эгаллаган кўпгина ўзбек уруғлари вакилларининг исмини ёзиб қолдирган. Улар орасида Абулғозихон саройида иноқлар вазифасини бажарган қўнғиротли Убай иноқ номи алоҳида тилга олинади. Анушахон унга бош вазирлик лавозимини инъом этади.

Хонликда сиёсий мавқени эгаллаш учун, айниқса Манғит ва Қўнғирот султонлари ўртасида кураш узоқ давом этган. Хон

саройида юқори лавозимлар улар орасида доимо бўлиниб турган. Муҳаммад Амин Иноқ даврида сиёсий ҳокимият батамом кўнғиротлар кўлига ўтди. Муҳаммад Амин хоннинг ўғли Элгузархон даврида ҳам хонлик лавозимлари Кўнғиротлар сулоласи кўлида эди. Бизга маълумки, у сулоланинг ҳукмронлиги то Хива инқилобига (1805-1920) гача давом этди. Кўнғирот сулоласи ўз ҳукмронлиги остида хонликнинг жанубий вилоятларидан ташқари, унинг шимолий ҳудудларини ҳам бирлаштирди. У сулоланинг биринчи вакиллари ўз давлатини мустақкамлашда ўзбек уруғ-қабилалар гуруҳларининг юқори зодагонларига таянганлар.

Абулғози 60 йил умр кўрди. Шундан 20 йили қувғинлик ва муҳожирликда ва 20 йили салтанат тахтида ўтди. Абулғози ҳукмронлиги йилларида хонлик салтанати анча мустақкамланди. Хонликнинг халқаро мавқеи анча кўтарилди. Абулғозихон ўз ўғли талантили саркарда Ануша билан Бухоро ва Хуросон ерларига бир неча муваффақиятли ҳарбий юришлар уюштириб, Хива хонлигининг ҳудудий кенгайишига шароит яратди. Хусусан, Абулғози ўз даврида Хива хонлигининг рақобатчиси бўлган Бухоро хонлиги устига 7 марта ҳарбий юриш уюштирган эди. Абулғозихон Бухоро хонлигидаги ички курашлардан усталик билан фойдаланиб, ўз кўшини билан унинг Шимолий ва Ғарбий вилоятларига бостириб киради. Қорақўл, Чоржўй, Варденлий, Кармана шаҳарлари ҳамда ўша атрофдаги қишлоқларни эгаллаб, у ердан беҳисоб ўлжалар ва асирлар билан қайтади. Абулғози ҳукмронлиги даврида, хонликнинг куч-қудрати ва халқаро обрў-эътиборининг ошиши муносабати билан хонликка четдан бўладиган ҳарбий ҳужумлар барҳам топди. Бир сўз билан айтганда, Абулғозининг олиб борган оқилона ички ва ташқи сиёсати натижасида у даврга келиб Хива хонлигининг ички ҳаётида анча осойишталик вужудга келди. Натижада қишлоқ хўжалиги, шаҳар ҳаёти, хунармандчилик ва савдо хийла ривожланди.

Абулғозихон ҳали ҳаётлиги чоғидаёқ 1663 йилда ўз тахтини сеvimли ўғли Ануша (1663-1687) га мерос қилиб қолдиради. Ўз отасига ва унинг олиб борган сиёсатига ўта садоқатли бўлган Анушахон отаси Абулғози олиб борган ички ва ташқи

сиёсатини давом эттиради. Ўз ўглига хонликни мерос қилиб бергандан 6 ой сўнг Абулғози 60 ёшида вафот этади. Ул табаррук зот буюк давлат арбоби ва тарихчи олим сифатида тарихимизда ўчмас из қолдирган.

Унинг халқимиз тарихига оид “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарлари халқимиз ўтмиш тарихини ўрганишда бугунги кунда ҳам ғоят катта аҳамиятга эгадир. Маълумки, XIII аср бошларида Чингизхон бошчилигидаги мўғул қабилаларининг Хоразмшоҳлар давлати устига босқинчилик юриши натижасида гуллаб-яшнаб турган Хоразм юрти тамоман вайронага айланди. Ўз даврида жаҳоннинг энг саводхон мамалакатларидан бири бўлган Хоразм саводсиз, қоқоқ, қоронғу ўлкага айланади. Абулғози даврига келиб Хоразмнинг ўтмиш тарихини ёзишга қобилияти бўлган саводли киши юртда топилмайди. Айнан шунинг учун ҳам Хива хони, ўз даврининг етук саводхон давлат арбоби ва тарихчиси сифатида у аждодлар тарихини ёритишга бағишланган “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарларида ёзишга киришиб шундай шарафли вазифанинг урдасидан чиқади.

У “Шажарайи турк” китобини ёзишга киришар экан, қўл остида мавжуд ўн саккизта форсий ва туркий тилдаги манбалар билан танишиб чиққанлигини қайд этади. Эрон билан Туронда ўтган Чингизхон ўғилларининг отлари айтилган тарихларда ушбу замон фақирнинг (Абулғози) олдида ўн саккиз мужаллид ҳозир турар<sup>1</sup>. Буларнинг орасида тарихчи Фазуллоҳ Рашидуддиннинг (1277-1318) “Жомеъ-т-таворих” (“Тарихлар йиғиндиси”), Шарофиддини Али Яздийнинг “Шайбонийнома”, Мирхонднинг “Равзамус-саво”, Бобурнинг “Бобурнома”, Гулбаданбегимнинг “Хумоюннома” асарлари, шунингдек Хондамир, Самарқандий, Жувайний, Ибн Арабшоҳ каби алломаларнинг ўтмиш тарихимиз ёритилган асарлари ҳам бўлган.

“Шажарайи турк” XVI-XVII аср Хоразм тарихини, ўзбеклар ва туркманлар тарихини ўрганишда беқиёс аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеаларни ўзида акс эттирган асар бўлиб, унда Абулғозихоннинг ҳаёти ва давлат фаолиятига оид муҳим

<sup>1</sup> Абулғози. “Шажарайи турк”, 4-бет.

маълумотларни ҳам учратиш мумкин. Шунини таъкидлаш зарурки, мўғул босқинчиларининг дахшатли истилоси туфайли Хоразмда давлат ва маданиятнинг қарийб икки асрлик инқирозидан кейинги уйғониш даври айнан Абулғозининг ижтимоий-сиёсий ва ижодий фаолияти билан бошланади. Буюк Соҳибқирон Амир Темур вужудга келтирган ижтимоий-сиёсий ва маданий шароитда, буюк шоир, ва мутафаккир Алишер Навоий бошлик улкан алломалар майдонга келгани каби Абулғозидан кейинги даврдаги Хоразмда ҳам маданият ва илму - фан томон ривожланиш кўзга ташланади. Абулғозихондан сўнг Хоразм тупроғида дунёга келган ва шаклланган илм ва адабиёт намоёндалари Пахлавон Равнақ, Муҳаммад Нишотиб, Комил Хоразмий, Мунис Хоразмий ва ниҳоят ўз даврининг Навоийси Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг серқирра ижодий фаолияти шундан далолат беради. Абулғозининг тарихчи олим сифатидаги буюк хизмати шундан иборатки, у дахшатли мўғул истилоси натижасида вужудга келган илмий инқирозга маълум даражада чек қўйди. Халқимизнинг ўтмиш тарихи энг кам ёритилган даврни маълум даражада ёритишга ўз хиссасини қўша олди.

XVI-XVIII асрлар Марказий Осиё халқлари тарихи энг кам ёритилган даврдир. Бу ҳақда XX асрнинг 20-йилларидаёқ академик В. В. Бартольд шундай ёзган эди: "...Хонликларнинг биринчи манбага асосланиб ёзилган тарихий обзори йўқдир. У даврга оид манбаларнинг кўпчилиги, ҳатто, босилиб чиққан эмас. Ўзбекларнинг ҳукмронлик қилган даврлари Ўрта Осиё тарихининг энг қоронғу ва яхши ўрганилмаган даврларидан бири бўлиб қолмоқда"<sup>1</sup>. Буюк шарқшунос олимнинг юқоридаги фикрлари Хоразмнинг ўша давр ўтмиш тарихига ҳам тўла тааллуқлидир. Айнан тарих илмидаги ушбу бўшлиқни тўлдиришда буюк ҳамюртимиз Абулғозийнинг "Шажарайи турк" ва "Шажарайи тарокима"лари бениҳоя катта аҳамиятга эгадирлар. Шунинг учун ҳам мазкур асарларга эътибор Европа ва Россияда ҳаминиша кучли бўлган. У асарлар рус тилига қайта-қайта таржима қилинган. Шунингдек, Ғарбий Европада ҳам немис, инглиз, француз тилларига таржима қилинган. Шунини мамнуният

<sup>1</sup> Академик В. В. Бартольд. История изучения Востока в Европе и России. Изд. Второе. Т., 1925, 258-бет.

билан таъкидлаш лозимки, у асар, ҳатто, Америкада ҳам инглиз тилига таржима қилиниб нашр этилган.

Китобхонларимизнинг эътиборига шуни ҳавола қиламизки “Шажарайи турк” асари 1825 йилда Қозонда Румяниев, 1854 йилда Г. С. Саблуков, 1871 йилда П. И. Демизонлар томонидан, “Шажарайи тарокима” асари эса 1898 ва 1966 йилларда бир неча марта рус тилида нашр этилган.

Абулғозининг “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарларига таяниб илмий изланишлар олиб борган олимлардан Мунис, Огаҳийлар, “Фирдавс-ул-иқбол” асарларида, С. А. Толстов “Қадимги Хоразм маданиятини излаб” номли китобида Я. Гуломов “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” асарида, Баёний эса “Шажарайи Хоразмшоҳий” китобида ниҳоятда яхши фикрларни билдирганлар<sup>1</sup>.

Абулғози Баҳодирхон ўтмишимиз тарихида ёрқин из қолдирган ҳукмдорлардан бири саналади. Ўз даврида Хоразм маданияти, тарихи, адабиёти билимдони ва улуғ намояндаларидан бири саналган Абулғози Баҳодирхон ўз даврининг фарзанди бўлиб, уни XVII аср феодал жамияти тарих саҳнасига кўтарган эди. У ўз шон-шухратини қайта тиклаш, парчаланиб кетаётган хонликни кучли феодал давлатга айлантириш йўлида ҳам курул, ҳам қалам билан кураш олиб борган ҳукмдор эди. Абулғози доно ҳукмдорлар каби Шарқ халқлари тарихини, маданий-меросини ўрганган илм-маърифатга эътиқод қўйган мамлакатда осойишталик ўрнатишга ҳаракат қилган ҳукмдор, юксак иқтидорли олим, тарихчи ва адиб эди. Она - юрт ўтмиш тарихини ёзиш билан бир вақтда, таниқли Хоразм тарихчиси Шермуҳаммад Мунис таъбири билан айтганда “бағоят ашъор фаҳм” ва тарихдон киши бўлган Абулғози табобатга ҳам ўз ҳиссасини қўшган ҳукмдордир. Унинг тиббиёт илмига меҳр қўйишида ва бу соҳада ижод қилишида буюк ватандошимиз ва буюк табиб Абу Али ибн Синонинг таъсири каттадир. Абулғози Абу Али ибн Сино ва ўтмишда табобат соҳасида қалам тебратган олимларнинг асарларини қунт билан ўрганиб, “Манофёъ-ул-инсон” (“кишиларнинг сихат-саломат-

<sup>1</sup> Халим Худайназаров. Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб. Т., “Ўзбекистон”, 1994 й, 7-бет.

ликлари йўлида”) рисоласини ёзди. Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур асарни Абулғози тугата олмади. Китобнинг сўнги бобларини унинг вафотидан сўнг қариндоши Маҳмуд Урганжий 1664 йил ёзиб тугатади. Ушбу асар форс тилида ёзилганлиги, унинг муаллифининг ўз давридаги энг билимдон, энг юксак савияли инсонлардан бири эканлигини кўрсатади.

Баёний “Шажарайи Хоразмшоҳий” асарида Абулғози ва унинг “Манофёе-ул-инсон” китоби ҳақида шундай ёзади: “Манофёе-ул-инсон” ким Абулғози битиб мавсум этди ва тибда ҳам моҳир эканлар <sup>1</sup>. “Манофёе-ул-инсон” рисоласи тўрт қисмдан иборат бўлиб, ҳар бирида тиббиётнинг бир соҳаси ҳақида сўз юритилади. Инсоннинг турли аъзоларининг касаллиги, талоқ яллиғланиши каби 120 хил касаллик келтирилади.

### 3.18. Хива хони Анушахон Абулғози ўғли.

1663йилнинг баҳорида Абулғози ҳали ҳаётлигида тахтни сеvimли ўғли Анушага мерос тариқасида тақдим этади ва олти ойдан сўнг вафот этади. Ануша ибн Абулғози 1643 йилда таваллуд топган. Ҳали болалигаданоқ қобилияти билан ўз тенгқурлари орасида ажралиб турган. Ўзининг жасурлиги, хушбичимлиги ва оқиллиги билан отаси Абулғозининг қизғин меҳрига сазовор бўлган эди. Анушанинг исми тўғрисида кўпгина ривоятлар мавжуд. Шулардан биттасида ривоят қилинишича, Абулғози Эрон шоҳлари саройида тутқинлигида, Ануша исми арман қизига муҳаббатда куйган бўлади ва ўша арман қизига ўзининг эътиқоди сифатида ўз ўғлига Ануша деб исм қўяди.

Замондошларининг таърифларича, Ануша отаси каби шерюрак ва шерсавлат эди. У ёшлигидан ҳарбий ишга лаёқатли бўлиб, яхши устозлар ёрдамида ҳарбий илмни мукамал эгаллайди. У отаси билан кўпгина ҳарбий юришларда иштирок этади. Ўзининг шахсий қаҳрамонлиги билан аскарларни жанговарлик руҳини кўтаради ва уларнинг ғалабага эришишига кўмаклашади. Бундай ҳолатлар бир неча марта такрорланган.

<sup>1</sup> Баёний. «Шажарайи Хоразмшоҳий». Узбекистан ФАШИ кулёмалар фонди. Илв. №4107. 3596. 76-бет.



Абулғози 14 ёшли ўгли Ануша билан Бухоро устига юриш қилади. Юриш муваффақиятли яқунланади. Бехисоб ўлжаларни қўлга киритган Хива қўшини ватан томон қайтади. Карманадап ўтгач, сой устига қурилган кўприкнинг бузуқлиги, Абулғози қўшинини бирмунча тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Хива қўшини томонидан берилган зарбадан ўзини ўнглаб олган Бухоро қўшини, Хива қўшинини таъқиб қилиб, юқорида айтилган сой бўйида унга етиб олади. Олдинга ўтиб кетган асосий кучлардан ажралиб қолган Абулғози душман қуршовига тушиб қолади. Унинг ўз шахсий гвардияси билан ҳалок бўлиши аниқ эди. Чунки душман кучи хиваликларга нисбатан бир неча бор устун эди. Абулғози ёрдам сўраб олдинда қўшин билан бораётган ўгли Анушага чопар юборади. Отасининг ночор аҳволидан хабар топган Ануша кичкина қўшин билан ёрдамга шошилади. Ануша бошлиқ қўшин шу қадар шиддат билан душманга ҳужум қиладиларки, душман ўзини йўқотиб қўйиб, ҳар томон қоча бошлайди. Бу жангда Бухоро хони Абдулазизхон найза уриб ярадор қилинади. Ёш шаҳзода Анушанинг мисли кўрилмаган қаҳрамонлиги Хива хони Абулғозини ҳалоқатдан, Хива қўшинини эса мағлубиятдан сақлаб қолди. Абулғозихон голиб келиб, бениҳоя ўлжа ва асирлар билан Хивага келади. Бутун халқни чақириб, ўғлимнинг биринчи сафари эди, оёқ - юзи ярашди, муборак бўлди, деб катта ош тарқатади. Хива шаҳрида унинг номига ҳаммом қуришга фармон беради. Анушага катта ишонч ва ҳурмат белгиси сифатида хонлик байроғи, лашкар ва Ҳазорасп қалъасини унинг ихтиёрига топширади. Ушбу сатрларни ёзар эканмиз, ёш шаҳзода Анушанинг қаҳрамонлиги буюк миллий қаҳрамонимиз Жалолоддин Мангубердининг 1215 йили Тўрғай яқинидаги Тунғуз чўлида Жўжи бошчилигидаги мўғул қўшини билан Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад бошлиқ Хоразм қўшини ўртасидаги катта жангдаги қаҳрамонлигини эслатиб узоқ хаёлга толдик.

Сиз ҳам эслагандирсиз, азиз китобхон, ўша жангда ёш шаҳзода Жалолоддин Мангубердининг шахсий қаҳрамонлиги Аловиддин Муҳаммадни ҳалоқатдан, Хоразм қўшинини мағлубиятдан сақлаб қолган эди. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, Хива хони Анушахон ўзининг ҳарбий салоҳиятли ва

шахсий ботирлиги билан Хива хонлари ўртасида тамоман ажралиб турар эди. У Хива хонлигини кудратли бир давлатга айлантириши мумкин эди. Аммо барча шарқ феодал давлатларида мавжуд бўлган ички зиддиятлар унга бу улуғвор ишни амалга оширишга имкон бермади. У манфур феодаллар фитнасининг қурбони бўлди. Ануша ўзининг ички ва ташқи сиёсатида отасининг олиб борган сиёсатига оғишмай амал қилди. Хива хонлигининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, халқаро мавқеини оширишига ҳар томонлама ҳаракат қилади. Отасидан фарқли ўлароқ, Анушахон туркманларни мамлакатдан қувғин қилмади. Аксинча уларни мамлакат ҳудудига кириб яшашларига рухсат берди. Хонликнинг шимолий ва шимолий ғарбий қисмида Ғозобод, Шоҳобод ва Ёрмиш каналларининг адоқ қисмларига, кум билан чегарадош адрларга улар жойлаштирилдилар. Туркманлар бу ерларда чорвачилик билан бирга деҳқончилик билан ҳам шуғулланар эдилар. Бу ҳолатдан Хива хонлари усталик билан фойдаланар эдилар. Агар туркманлар хонлик сиёсатига бўйсунушдан бош тортган ҳолда уларга каналлар тўсилиб сув берилмай қуйилар ва оқибат натижада уларнинг экинлари сувсизликдан қуриб қолиши мумкин эди.

Шунинг учун ҳам туркманлар Хива хонлари сиёсатига сабр билан чидашга мажбур эдилар. Отаси Абулғозининг ички сиёсатини давом эттириб, Абулғози мамлакат ичкарасида деҳқончилик, хунармандчилик ва савдонинг ривожланишига ҳар томонлама ёрдам берди. Анушахон даврида янги Урганч шаҳри бирмунча кенгайди. Савдо расталари ва аҳоли турар жойлари қурилди. Хонлик пойтахти Хива шаҳрида ҳам кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилди. Кот каналининг суви қуриб қолиши натижасида Кот шаҳрида ҳаёт деярли тўхтаб қолган эди. Кот шаҳрига янгидан канал казилиб сув келтирилди ва янгидан Кот шаҳри бунёд этилди. Янги қазилган каналга Говмиш деб ном берилди. Азалдан Хоразм воҳасининг деҳқончилиги сув таъминоти билан узвий боғланган. Буни яхши тушунган Анушахон хонлик ирригация сиёсатини яхшилашга жиддий эътибор беради. Хонкоҳ (Хонқа) нинг шимолий тарафидан ва янги Урганч ва янги Котнинг жанубидан бир катта канал қаздириб, у канал Анор, Анбар ва Манок, деган қалъалар ёнидан

ўтказилиб, каналнинг узунлиги Тошхөвүзгача бориб етарди. Халқ у канални Шоҳобод канали деб номлайди. Шоҳобод канали курилиши 1681 йилга тўғри келади. Шунини таъкидлаш лозимки, у канал бугунги кунда ҳам мавжуд бўлиб, уни Шовот канали деб атайдилар ва у канал кўркам Урганч шаҳрининг ўртасидан оқиб ўтади. Анушахон даврида Шоҳобод канали йўлида Шоҳобод (Шовот) қалъаси бунёд этилади. Анушахон ҳукмронлиги йилларида Вазир халқи иккига бўлиниб, биринчи гуруҳ Гурланнинг шимолроғида қалъа қуриб ватан тутдилар. Иккинчи гуруҳи Анбор билан Шоҳободнинг орасида қалъа солиб ўрнашдилар. Уста сиёсатчи бўлган Анушахон қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга интилди. У 1668 йилда подшо Алексейга ёзган мактубида шундай фикрлар изҳор қилинади. “Биз истаёмизки, сиз ва бизнинг орамизда дўстлик, муҳаббат ҳамма нарсада бўлсин. Ҳамма савдогарларимиз ҳар икки томонга бемалол ўтиши мумкин бўлсин. Биз томонларда немис нақшли моллари, сувсар мўйнаси, паҳанг тиши, яхши қизил мовут, оқ пўстин ва бошқа моллар Урганч, Бухоро ва Самарқандда жуда яхши ўтади”<sup>1</sup>.

Анушахон даврида Россия давлати билан Хива хонлиги ўртасида анча илиқ муносабатлар ўрнатилди. Ҳар икки томон элчи ва савдогарларига хавф туғилмаслиги учун 1675-1676 йилларда Хива хони Анушахон Москва ҳудудига расмий равишда Манғишлоқ ярим оролида денгизнинг кемалар тўхтайдиган жойида “Мустаҳкам қалъа” қуришни таклиф қилди. Бироқ ички қийинчиликларга тўла бўлган Москва ҳукумати шу таклифни эътиборсиз қолдирди.

Анушахон оқилона ички ва ташқи сиёсат юргизиш билан бирга, хонликни ҳудудий кенгайтиришни ҳам бир зум эздан чиқармади. Хуросон ва Мовароуннаҳр устига бир неча бор ғолибона юришлар қилди. Бу юришлар даврида Анушахон бошлиқ Хива қўшини Эрон ва бухороликларга катта талофатлар етказди. Бухоро юриши даврида Бухоро шаҳрининг ярмини ишғол этган. 1685 йилги ҳарбий юришлар даврида Анушахон Самарқандни эгаллаган. Ҳатто самарқандликлар уни хон деб

<sup>1</sup> История народов Узбекистана. Т., 2-3-бет.

эълон қилганлар. Бирок, Анушахон бу муваффақиятни мустақкамлай олмади. Ғиждувон остонасидаги мағлубиятдан сўнг, Хива кўшинлари Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлганлар.

Анушахон Хуросон ерларига ҳам анча самарали юришлар қилган. У Эрон кўшинига зарба бериб, Машҳад шаҳрини эгаллаган. У шаҳардаги Эрон тахти ҳам кўлига ўтган. Машҳадни кўлга киритгач, Анушахон ўзига шоҳ унвонини қабул қилади ва ўзини Ануша шоҳ деб эълон қилади. Орадан узок вақт ўтмасдан, Ануша Хуросон устига юриш қилиб, иккинчи бор Машҳадни эгаллайди. Бу ҳолат Хива хонлигининг куч-қудрати ошганлигидан дарак беради. Анушахоннинг олиб борган мустақил ички ва ташқи сиёсати, айрим сарой аъёнларига ёқмас эди. Шунинг учун ҳам улар Хива ҳукмдори Анушахонга қарши фитна уюштирдилар. Анушахон Бухорода яна бир олиб, қайтишда манфур сарой аъёнларининг фитнасига дучор бўлади. Мангит Одинакул бошлиқ уламолар йўлда зўрлик билан хонни кўлга олиб, унинг кўзига нил тортиб кўр қиладилар. Сал фурсат олдинроқ хоннинг буйруғи билан Хивага жўнатилган Умбой иннокнинг ўғли Саййид Инок бу воқеадан хабар топиб, хоннинг қатта ўғли Худойдодни ота ўрнига хон деб ўтказди. Хонга қарши фитнада иштирок этган хиёнаткорлардан қонли ўч олинади. Хон Одинакул Оталиқ Бухорога қочиб қутилади.

Машғум фитнадан қарийб бир йил ўтгач, Анушахон 46 ёшида вафот этади. У 26 йилдан кўпроқ Хива хонлигини бошқарган. Анушахон ҳукмронлиги даврида Хива хонлиги анчагина иқтисодий ривожланди. Унинг халқаро мавқеси ҳам анча кўтарилди. Анушахон васиятига мувофиқ Хива тахтига 1689 йилда унинг ўғли Худойдод ўтиради. Бирок, унинг хонлиги узок давом этмади.

### **3.19. Хива хони Арағхон Худойдод ўғли.**

Худойдоднинг олиб борган адолатли сиёсати кўпгина сарой аъёнларига ёқмади. Сарой аъёнлари Худойдодга қарши унинг укаси Арағхонни қайрайдилар. Натижада, хонлик тахтига ўтирганига икки йилча бўлгандан сўнг, 17 яшар Худойдодхон

укаси Арангхон томонидан ўлдирилади. Отасини ўлдиргач, Хива тахтига Арангхон ўтиради. Арангхон хушсурат, келишган, жуда шўхтабиат ва ишратбоз йигит эди.

Арангхон даврида мамлакатда ички курашлар кучайди. Манғитлар ва Амин иноқнинг ўғли Одина Муҳаммад бошчилигидаги Орол кўнғиротлари Хивадан ажралиб чиқадилар. Одина Муҳаммад хондан бир важ билан аразлашади. Хонликка кўп хужум қилиб у ерлага катта зиён етказди. Арангхон Одина Муҳаммад билан мурасага келиб, ўзаро зиддиятни анча пасайтирган бўлса-да, бироқ, уни бутунлай йўқота олмади. Ўз отаси Анушадан кескин фарқ қилиб, Арангхон давлат ишларига етарли эътибор бермас эди. Натижада, унинг қисқа (1687-1688) ҳукмронлиги даврида ички тўс-тўполонлар авж олди.

Арангхон Хива қалъасининг ғарбий томонида бир фарсах узоқликда (6-7 км) Оқ сарой мавзесида қалъа ва иморатлар бино қилдириб, давлат бошқариш аппаратларини ўша ерга кўчиради. Давлатни бошқариш ишига етарли эътибор бермасдан, ишрат маншат билан машгул бўлади. Қош қорайгач, иккита маҳрами билан Хива шаҳрига бориб, гўзал қизлар билан ишрат кечаларини ўтказадилар ва эрталаб тонг отмасдан бурун яна изларига қайтадилар. Кунлардан бир куни, қалъага келишда Бадирхон ариғининг кўпригидан ўтишда хоннинг оти суринкиб кетиб, устидан Арангхон боши билан ерга йиқилиб тушади ва ўлади. Айрим манбаларда Арангхон Орол ўзбеклари билан бўлган жангда ҳалок бўлган деб кўрсатишади. Арангхон Хоразм ўзбекларининг Амнокхон сулоласидан чиққан охирги хон бўлди. Шундан сўнг Хива тахти яна анча вақтгача Бухоро хонлари таъсири остига ўтди. Арангхондан бошлаб Хива хонлигида сиёсий бирлик бузилди. Тинч ҳаёт тугалланди ва ички курашлар авж олди. Гарчи, Абулғозихон ва Анушахон ҳукмронлиги йилларида Хива хонлигида марказлашган ҳокимият мустаҳкамланиб, савдо ва ҳунармандчилик хийла ривожланган бўлса-да, Арангхон ҳукмронлиги ва ундан кейинги даврда мамлакатда феодал тарқоқлик авж олди. Марказлашган ҳокимиятнинг обрўсига путур етади. Мамлакат ичкарасида сиёсий кескинлик авж олади.

Бир - бирига зид иккита гуруҳ - бир тарафдан марказлашган ҳокимиятни мустаҳкамлаш тарафдорларидан иборат гуруҳ бўлса, иккинчи тарафдан марказий ҳокимиятни ожизлангириш, мамлакатни майда-майда ҳокимликларга бўлиш тарафдорлари бўлган гуруҳ ўртасида аёвсиз кураш бошланди. Шу сабабли XVIII асрда Хива хонлиги ўз бошидан энг оғир ва қонли воқеаларга тўла бўлган воқеаларни кечирди.

Арангхон вафотидан сўнг Хива тахти Хиванинг йирик мулкдори ва сиёсий арбоби Одина Муҳаммад томонидан тайинланган Жўжихон кўлига ўтади. Гарчи Жўжихон хон деб тан олинса-да, амалда хонликни бошқариш Одина Муҳаммад кўлида эди. Жўжихон Хива хонлигини 1695-1696 йиллари бошқарган бўлса-да, бироқ бу ишда эътиборга лойиқ бирор иш қилаолмади. 1696 йили у вафот этгач, тахтга Одина Муҳаммад тавсияси билан Валихон ўтиради. Валихон табиатан иродаси бўш, қатъиятсиз одам эди. У ўзининг қарийб 1,5 йиллик хонлик даврида хўжаси Одина Муҳаммаднинг ишончини оклай олмади. Бундан газабланган Одина Муҳаммад Валихонни тахтдан тушириб қозоқлар орасига ҳайдаб юборади. Бу воқеа 1698 йил ёзида содир бўлди. У даврда, Хива хонлигида ички зиддиятлар ниҳоятда кучайган ва марказий давлат ҳокимиятининг таъсири жуда пасайган эди. Хонликдаги аҳволдан фойдаланган Бухоро хони Субхонқулихон 1698 йилда Хива тахтини эгаллаб олади ва унга ўз кишиси Шох Ниёзни ҳоким сифатида ўтказди. Хива хонлиги амалда Бухорога вассал бўлиб қолган эди. Шох Ниёзхон Хива хони Жўжихоннинг ўғли эди. Шох-Ниёзхон хон сифатида гарчи мустақил сиёсат юргизишга уринган бўлса-да, унинг уддасидан тўла чиқа олмади. Хива хонлигидаги ўзаро ички курашлардан ва марказий ҳокимиятнинг ожизланишидан ўта манфаатдор бўлган Бухоро хонлари Хива хонлигидаги ички курашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлар эдилар. Аммо шох Ниёзхон ҳукумронлиги даврида хонлик ҳаётида анча ижобий силжишлар бўлди.

Шох Ниёзхон ниҳоятда шижоатли ва баҳодир одам бўлган. Гарчи, у Бухоро хони томонидан қўйилган ҳоким бўлса-да, Хивада марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга, хонликнинг халқаро обрўсини оширишга, мустақил ташқи ва ички сиёсат

юргизишга интилади. У хонлик ҳарбий кучларини мустаҳкамлаб, Хуросон устига бир неча бор муваффақиятли юришлар уюштирган. Кейинги йиллардаги туркманларнинг бебошликларига чек қўйиб, уларнинг хонликка бўйсуниларига ва уларни солиқ тўлашга мажбур қилади. Шоҳ Ниёзхон марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва хонликни бухороликлар ва ороликлар таъсиридан қутқариш мақсадида қудратли Россия давлатига мурожаат қилиб, ундан ёрдам сўрайди. Ҳатто, у 1700 йил 30 июлида рус подшоси Пётр I га мактуб йўллаб, унда Хива хонлиги ҳудудини ва аҳолисини рус фуқаролигига қабул қилишларини сўрайди. Пётр I бунга розилик билдиради. Бироқ, хиваликларнинг истаклари фақат қоғозда қолиб, бу борада амалий ҳаракат бўлмади. 1702 йилда Шоҳ Ниёзхон тўсатдан вафот этади ва Хива тахтига унинг ўғли Шоҳ Бахтхон ўтиради. Шоҳ Бахтхон иродаси бўш, кўнгилчан одам бўлиб, давлатни бошқариш ишига умуман қизиқмас эди. Шу туфайли, бир йилдан сўнг ўз ихтиёри билан тахтдан воз кечган. Бу воқеа 1703 йилда содир бўлади. Хива тахтига Шоҳ Ниёзхоннинг кичик ўғли Саййид Алихон ўтиради. Саййид Алихон ўта укувсиз, қайсар одам бўлган. У сарой аъёнлари билан чиқишаолмаган. Натижада, 1705 йилда тахтдан олиб ташланган. Эндиликда Хива тахтига Шоҳ Ниёзхоннинг иниси Мусохонни таклиф этадилар. Мусохон ўз даврининг маърифатли - саводхон кишиларидан бўлган. У ўз ҳукумронлиги даврида хонлик фуқароларнинг саводли бўлишларига қарата сиёсат олиб боради. Мамлакатда адолатли сиёсат юритишга интилади. У марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаб, Хива хонлигига қарам бўлган ҳудудлар Марвдан то Астрободгача бўлган ҳудудлардан хонлик хазинасига солиқ - хирож ундиришга эришади. Бунинг натижасида хонликнинг иқтисодий қудрати бирмунча яхшиланади. Ўзининг номидан танга зарб қилдиради. Ички бебошликлар авж олган Хива хонлигида Мусохоннинг олиб борган юқоридаги сиёсати феодалларнинг кескин норозилигига сабаб бўлади. Улар Мусохонни ўлдириш режасини тузадилар. Бундай кескин вазиятда мамлакат ҳарбийлари ҳам Мусохондан юз ўгирадилар. Дўстлари томонидан фитна ҳақида огоҳлантирилган Мусохон Марв томонга қочади. Бироқ, манфур фитначилар уни Марвда

ҳам тоғиб оладилар. Фитнанинг ташкилотчиларидан бири Аваз Мехтар Мусахоннинг бошини кесиб, Хивага жўнатади. Бу машғум воқеа 1706 йилда содир бўлган эди.

Мусахон вафотидан сўнг Хива тахтига Ҳожимхон наслидан бўлган Ёдгорхон ўтиради. У хонликини 1713 йилгача бошқаради. Унинг ҳукмронлиги йилларининг сўнггида Хива хонларининг ҳомийси бўлган Одина Муҳаммад оталик вафот этади. Ёдгорхон хонлик ҳудудида марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилади. Шу мақсадда у Орол ўзбеклари устига беш марта муваффақиятли юриш уюштириб, улардан катта миқдорда хирож олади. Бироқ, Орол ўзбекларини Хива хонлигига тўла бўйсундиришнинг уддасидан чиқа олмайди. Ёдгорхон ақлли ва адолатли хон бўлган.

У ҳукмдор сифатида мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётида унинг ҳудудидаги иқтисодий ва сиёсий бирлик на қадар зарур эканлигини яхши тушунар эди. Бироқ, ўша даврдаги хонлик ҳаётида мавжуд бўлган феодал тарқоқлик, унга мамлакатни хонлик тахти атрофида бирлаштириш имконини беради. 1713 йилда Ёдгорхон вафот этади.

### **3.20. Хива хони Шерғозихон.**

Хива тахтига 1714 йил бошида Шерғозихонни Бухородан келтириб хон этдилар. Шерғозихон Бухоро шаҳрида таваллуд топган ва тарбия олган бўлиб, Султонғозий султоннинг авлодларидан бўлган. Шерғозий жасур ва ақлли киши эди. Унинг ҳукмронлик қилган йиллари Хива хонлигида улкан сиёсий воқеаларга бой йиллар бўлди. Мамлакатнинг равнақи унинг ички тинчлигида ва марказий ҳокимиятнинг куч-қудратида эканлигини яхши тушунган Шерғозийхон ўз ички ва ташқи сиёсатини юқоридаги мақсадларга қарата олиб борди. Шунинг учун ҳам у хонлик йилларида ўзбек, туркман, қорақалпоқ феодалларининг ўзбошимчалик ҳаракатларига қарши аёвсиз кураш олиб борди.

Худди ўша вақтда Орол бўйидаги ўзбеклар орасида ҳам сиёсий вазият кескинлашиб қолди. Бу ерда ўзбек ва қорақалпоқларнинг хонликка қарши кучли сиёсий оппозицияси вужудга келди. Орол бўйида яшаётган ўзбекларнинг Қўнғирот,



Манғит, Хўжайли ва Қипчок уругига мансуб аҳоли Хива хонлигидан мустақил бўлиб, ажралиб чиқишга ҳаракат қилдилар. Хива хонидан норози бўлган бошқа ўзбекларнинг вакиллари ҳам у ерга тўпландилар. Қарши турганларга Манғит бийларидан Шерали бошчилик қилди. Шерали бошчилигидаги оппозиция Орол бўйидаги ерларни Хива хонлигидан мустақил хонлик деб эълон қилади.

Шерали тарафдорлари Орол бўйини Орол бўйи хонлиги деб эълон қилдилар ва Шоҳ Темурни хон қилиб кўтардилар. Албатта, Хива хонлигининг бирлигига ва куч-қудратига путур етказадиган бундай ҳаракатни Хива хонларининг азалдан рақиби Бухоро хонлари ҳар тарафлама қўлаб-қуватлар эди. Орол бўйидаги Қўнғирот ва Манғит бийлари бу билан чекланмасдан, эндиликда улар, ҳатто, Хива хонлиги тахтига ҳам даввогарлик қилдилар. Улар бу мақсад йўлида Хива хонлари саройида юқори лавозимларга жойлашган Қўнғирот ва Манғит бийларидан фойдаланишга уринадилар. Бундай вазият эндиликда Хива хонлиги тахтини Манғит ёки Қўнғирот бийлари қўлига ўтиши хавфини туғдирган эди. Бундай хабарни ўз вақтида сеза олган Хива хони Шерғозихон Орол хонлигини тугатишга ва унинг ерларини Хива хонлиги ерларига қўшиб олишга қарор берди. Шу мақсадда у Орол хонлиги устига бир неча ҳарбий юришлар уюштирган бўлса-да, Орол хонлигини тугатиб, унинг ерларини Хива хонлиги ерларига қўшиб олишга эриша олгани йўқ. Лекин, шунга қарамасдан, Орол бўйи ўзбеклари ва қорақалпоқлар Хива хонлигига ҳар йили мунтазам равишда солиқ тўлаб турадиган бўлдилар.

Хива хонлигининг ҳудудий кенгайтириш мақсадида Шерғозихон Хуросон устига бир неча муваффақиятли юришлар қилади. Шундай юришлардан бирига сабаб Машҳадда ҳоким Рустам Алихоннинг мусулмонларга озор бераётгани бўлди. Бу нобакор бақдани жазолаш мақсадида Шерғозихон ўз қўшини билан йўлга чиқиб Тажанг дарёси бўйларини эгаллайди. У ердаги туркманлардан қўшимча куч олиб, Машҳад томон юради. Рустам Алихон шаҳарни душманга бермасликка ғоят даражада ҳаракат қилса-да, бунинг уддасидан чиқа олмайди. Хива қўшини икки кунлик камалдан сўнг Машҳадни эгаллайди. Рустам Алихон

қочиб кетади. Шаҳар хиваликлар ихтиёрига ўтади. Шерғозийхон Маишхадга ўз ичиси Шарифхонни ҳоким қилиб кўтариб, ўз кўшини билан Нишопур томон юради. Нишопур учун қаттиқ жанг бўлиб, жангда Нишопурнинг ҳокими Ҳасанхоннинг ўғли Жаъфар Али гоят мардлик кўрсатади ва ҳалок бўлади. Оғир жангдан сўнг Нишопур таслим бўлади. Нишопурни эгаллагач, талай бойликларни қўлга киритгач, Шерғозихон ўз кўшини билан Хивага қайтади. Хива кўшини қайтганидан хабар топган Нишопур атрофида ўз қабиласи билан тинч яшаётган Нодиршоҳ (ҳали бу даврда у шоҳ эмас эди) ўз лашкари билан Хива кўшини ичига тушади. Икки ўртада бўлиб ўтган жангда Нодиршоҳ аскарлари енгилди. Шерғози ўз кўшини билан эсон-омон Хивага етиб келади. Уста сиёсатчи бўлган Шерғози халқаро майдонда оқилона иш тутди.

XVIII аср бошларида Россия ва Марказий Осиёдаги хонликларнинг ўзаро муносабатларида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Рус подшолари серунум ерлари, табиий бойликлари, қулай иқлими ва меҳнаткаш аҳолиси бўлган Марказий Осиё ерларига тобора кўпроқ қизиқиш билан қарадилар. Бу ерларни Россия қўл остига олиш режасини туздилар. Шу ниятда улар Марказий Осиё халқларининг урф-одатларини ўрганиш мақсадида экспедиция туздилар. Шуни унутмаслик керакки, кутилган асосий мақсад битта, у ҳам бўлса Марказий Осиё хом ашёсига, бозорларига эгалик қилиш эди. 1713 йилда Россияга туркманларнинг таниқли савдогари Хўжа Нафас бориб, Хива хонлигида олтин қум борлигини, хиваликлар уни руслардан яшириб кўмиб ташлаганларини айтади. Пётр I бу сўзларнинг рост ёки ёлғонини билиш учун одам юбориб, ростлитига ишонч ҳосил қилгач, Хоразмни босиб олишга қарор қилади. 1714 йил 29 майда катта тайёргарликдан кейин Пётр I бу иш билан Бекович-Черкасский шугулланиши учун буйруқ беради. У Хўжа Нафас ҳамроҳлигида ҳамроҳлари билан келиб, дарё тўсилиб бошқа ердан оқизилганини кўради. Чунки, олтин қуми кўмиб ташлаган жойдан Амударё оққан эди. Амударёни яна аввалги оқимга қайтариш керак бўлиб, унча кўп меҳнатни талаб қилмас эди. Бекович-Черкасский қайтиб бориб, Пётр I га воқеани аниқлаб, ҳақиқий юришга тайёргарлик бошланди. Чунки, катта

тайёргарлик кўрмаган ўзидан аввалги рус босқинчи экспедициялари халокатга учраганлигини Пётр I тарихдан яхши билар эди. Рус подшоси Пётр I томонидан Хивага экспедициялар юборилиши ва уни Хива хони Шерғозихоннинг ўта тадбиркорлиги билан йўқ қилиниши тўғрисидаги тарихий маълумотлар “Хива хонлари шажараси” китобида атрофлича аниқ ёритилган. Биз ўша воқеаларни айнан ушбу китобдан ўзгаришсиз китобхонларимизга хавола қилишни лозим деб топдик.

Ўта Ёйиқ рус қозоқлари жасур Олтаман Нечай бошчилигида яна келишади. Улар ҳам худди аввалгидек шаҳарларни талаб, молу дунё ва хотин-қизларини олиб кетишларида, хиваликлар томонидан батамом кириб ташландилар. XIX аср рус олими О. Лобысевич у воқеаларни: “Русларнинг учинчи юриши янада даҳшатли бўлган. Қишнинг изғиринли совуғида камалда қолган қозоқлар, қура ташлаб навбат билан бир-бирларининг гўштини едилар. Ўлмаётганлари хиваликларга асир тушдилар. Хиваликлар уларни ўзларига қул қилиб олдилар”, деб ёзади. Пётр I нинг юборган босқинчилик экспедицияси тўртинчи бўлиб, унга қабардинлик княз Давлат Кизден Мирзо Бскович - Черкасский бошчилик қилди. Пётр I унга шундай топшириқ берган эди: “Дарёнинг эски ўзани ёнида 1000 кишилик қалъа қуриш. Амударёнинг эски оқимини яхшилаб ўрганиш ва агар имкони бўлса, дарёнинг сувини аввалги оқимига қайтариш дамбанинг ёнида хиваликларга билдирмасдан шаҳар қуриш. Хивага бориб хонга подшоҳнинг иззатли меросхўри бўлишини ваъда қилиб, уни Россияга содиқ фуқаро бўлишига кўндириш, хонликнинг ҳисобидан сақланиш шарти билан ўрус гвардияси беришини таклиф қилиш. Хивада ўрнашгандан кейин маҳаллий аҳолидан олтин кумни кўриш учун одам юборишни ва уларга икки рус кишисини кўшишини хонга таклиф қилади. Хоннинг ёрдами билан Ҳиндистонга савдогарлар бориб, Ҳиндистоннинг Каспийга чиқадиган энг яқин йўлни топиш, Хивадан Бухорога бориб, уларга ҳам фуқароликни, ҳеч бўлмаганда дўстликни таклиф қилиш”. Бу ишларни бажариш учун ёш капитанга 4000 пиёда, 100 отлик, 6 тўп, 200 туя ва 300 та юк хачир берилди. Князь 1726 йил сентябрда Астрахандан сузиб кетди.

1727 йил ёзида Хива хонлигига келиб, Шайжалил тоғидаги олтин ва кумуш кони орзусида фатх (ғалаба) таманноси билан Орол худудига тушдилар. Икки кунлик урушдан кейин руслар Хива қўшинларини тор-мор этдилар. Шерғозихон очиқ жангда душманни енгиб бўлмаслигини билиб, ҳийла йўлига ўтди. Хон Кўнғирот Қул Муҳаммад оталиқ ва Найман Амир Аваз иноқни руслар ёнига юборади. Улар Давлат Гадоё ва Андрей губернатор билан бўри яраши имзолаб, бу уруш хоннинг ихтиёрисиз бўлгани, хон тинчликни исташини билдирадилар. Алданган Бекович музокарага киришади. Ҳатто, олдиндан шартлар ҳам келишиб олинади. Лагерларда шарқ удуми бўйича совғалар ҳам алмашинади. Шундан кейин Бековичдан қўшинларни бўлиб бериш илтимос қилинди, чунки шунда меҳмондорчилик қилиш қулай бўлади, дедилар. Князь ҳеч нарсадан шубҳаланмай, аскарларни бўлиб берди. Хиваликлар уларни келтириб, педальсофилнинг меҳмонхонасига туширдилар. Князь Давлат Мирзо-Бекович-Черкасскийнинг терисини шилиб, сомон тикдилар ва Бухоро амирига совға қилиб юбордилар <sup>1</sup>. Бекович-Черкасский экспедициясининг фожиали ниҳоясидан сўнг ҳам Россия подшоларининг Хива хонлигига қизиқиши тўхтаб қолгани йўқ. Олдинги экспедицияларнинг ташкил этишдаги йўл қўйилган қўнол хатолардан тегишли хулосалар чиқариб, рус ҳукумати кейинги йилларда ҳам Хива ва Бухоро хонларига ҳарбий ва дипломатик мулозаматларини ташкил этдилар. Ва серунум, жаннатмакон худудни босиб олиш учун қулай пайт пойладилар. Бу даврга келиб Хива хонлигида ўзаро ички курашлар яна кучая бошлайди. Шаҳзодаларнинг тахт учун курашлари, тинмайин давом этаётган хорижий-ҳарбий юришларининг барча оғирликлари халқ зиммасига тушади. Оммавий норозилик кучая борди. Шундай бир шароитда Шерғозини юриш уюштиришга мажбур бўлди. Олдин таъкидлаганимиздек, Шерғозихон ҳукмронлиги даврида ички ва ташқи сиёсат, у даврдаги муҳим сиёсий воқеалар, Хива хонлари шажараси китобида атрофлича берилган. Биз яна ўша манбага мурожаат қиламиз.

<sup>1</sup> Хива хонлари шажараси. 31-32 бетлар.

Шерғозихон Машҳадни укаси Шарифхонга топшириб қайтган эди. Рустам Алихон яна Машҳадни олиб, Шарифхонни ўзига ёрдамчи қилиб қўйди. Шерғозихон Машҳадга бориб, уни талон-тарож қилди. Қизилбошдан 5000 дан зиёд асир ва кўп ўлжа билан қайтди. Хивадаги Шерғозихон мадрасасини ўша куллар кургани ва қурилиш битмасдан хон куллар томонидан мадраса ичида тошбўрон қилиб ўлдирилгани ҳақида ривоят бор. Лекин мадраса хоннинг ўлиmidан олти йил бурун битказилган 1718 йилда Шердолини ғаразғўйлар хонга ёмон отли этиб кўрсатадилар. Оқибат Шердолихон хон билан келишмай оролга кетади ва душманга айланади. Орадан бир йил ўтгач Бухородан Мусохоннинг ўғли Шоҳ Темурни келтириб ороллик ўзбекларнинг иштирокида хон кўтарадилар.

Оролбўйи яна мустақил бўлиб, Хива хонлигининг қалъаларига ҳужумлар уюштириб, кўп қалъаларга таҳдид солади. Беш қалъага беш марта юриш қилиб, ҳар сафар енгилдилар. Кейинги сафар келганда ғалаба қозониб, Вазир, Гурлан, Шохобод, Боголон, Уйғур, Хонкоҳ ва Ҳазораспнинг ҳамма музофатларини олиб, Шоҳ Темурхон Ҳазораспда салтанат тахтига ўтиради. Хива умаролари ҳам Шерғозихондан юз ўгириб, оролликлар ёнига кетишади. Хон ёнида Амир Эшмуҳаммадбий ва Амир Эшимбой ва Ёрим Девон, Дўсим арбооб қоладилар. Бир кун кечаси Шерғозихон уларнинг ҳаммасини чақириб, кенгаш қилиб айтади: “Ҳамма умаролар бизни ташлаб кетдилар. Бизда Хива, Кат ва Қаҳрамондан бўлак вилоят қолмади. Энди бизга бу ерда турмоқ ақлдан йироқдир. Сизлар на маслаҳат берасиз.” Эшмуҳаммад буни эшитиб, хоним, бизлардан ҳам бевафолик кутманг, биз охириги томчи қонимиз қолгунча сиз билан бирга бўламиз. Иншооллоҳ кетган умаролар ҳам қилган ишига пушаймон бўлиб, қайтиб келурлар, деди. Ҳақиқатдан ҳам Эшимбой, Эшмуҳаммаднинг саъйи ҳаракатлари билан кетган умаролар қайтиб келиб, хондан узр сўрадилар. Эшмуҳаммадбийнинг илтимоси билан, хон уларнинг гувоҳларини кечириб, яна ўринларига тайин қилди. Шундан кейин Эшмуҳаммад Орол Кўнғиротлари ичидаги икки ҳокимга хат ёзиб юборди. Одамбой ва Бекмуродбой исмли у икки ҳоким Эшмуҳаммадга қариндош эдилар. Улар олган номада, агар

қариношлиқларингиз янада камол топишини истасангизлар, Орол кўшинларини бузиш керак, деб уқтирилган эди. Улар мактубни олган заҳоти Кўнгирот кўшинларидан чиқиб, Хива хони хузурига келдилар. Буни билган Шердолибий қочиб, Оқёқишдаги қорақалпоқ ичига борди. Ҳазорасида ўтирган Шоҳ Темур ҳам у ерда туrolмасдан кум ичи билан Шердолининг олдига келди. Тамоми қалъалар яна Хива хонига таалуқли бўлиб қолди. Фақат Шоҳобод халқи фитнакор эди, они ҳам ʻОшмухаммад хоннинг фармони билан бориб, ой камал қилгач, гарқ қилиб олди. Шоҳободда ўтирган Манғит Муҳаммадбек бошлиқ Шоҳободли саркашларни тутиб ўлдирди Бирок буни умум ишга катта таъсир кўрсата олмади.<sup>1</sup>

Шерғозийхон қанча сабот-матонат билан мамлакатни бирлаштиришга уринмасин, афсуски, бунинг уддасидан чиқа олмади. Аксинча, феодалларнинг ўзаро ички курашлари, шахзодаларнинг тахт талашувлари ва беҳисоб турли-туман соҳилқлар хонлик аҳолисининг турмуш шароитини ниҳоятда оғирлаштириб кўйди. Натижада хонликдаги бойларнинг бир қисми нажот излаб Бухоро ва Орол хонлиқларига ўз оилаларини олиб кўчиб кета бошладилар. Айрим вилоятларда юқоридаги даражада чидаб бўлмайдиган оғир турмуш аҳволига қарши ғалаёилар бўлиб ўтди. Ана шундай ғалаёнлардан бири 1728 йилда Шерғозихон мадрасаси қурилишида юз берди. У ерда хоннинг зулмига қарши қуллар бош кўтарган эдилар. Кўзғолончилар олдиларига келган Шерғозихон ва унинг мулозимларининг тутиб, қатл қилдилар. Шерғозихон мамлакатни адолатли идора қилишга интилувчи хонлардан эди. У илм йўлида кўп ишлар қилди. Унинг замонида кўп олим ва фузало камол топди. Бағоят оқил ва одил хон олим, фозил, фузало ва шоирлар суҳбатидан баҳра олар эди. Хон ҳафтада икки марта фуқаролари олдида кўриниш берар эди. Унинг ҳукмронлиги йилларида Хива хонлиги Хуросоннинг кўпгина шаҳарларида хирож олар эди. Шерғозихон битта олий мадраса курдирди. Тарихчилар уни “Маскани фозилон” - олимлар уйи деб аташган. У мадраса Паҳлавон Маҳмуд

<sup>1</sup> Ўша жойда, 33-бет.

мақбараси олдида қурилган. Мадрасанинг кун ботиш томонидаги хужрага Шерғозихон дафн қилинган.

Шерғозихон ўлдирилгач, Хивада феодал тарқоқлик янада авж олди. Хива тахтида гоҳ ўзбек, гоҳ қозоқ ва қорақалпоқ хонлари ва гоҳ Эрон шоҳлари тез-тез алмашиб турдилар. Бу аҳвол Хива хонлигининг куч-қудратини ва имкониятини ниҳоятда заифлаштириб юборди. Бундай ҳолат хонликда Шерғозидан сўнг тахтга ўтирган қозоқ султони Элбарсхон (1728-1740) даврида ҳам давом этди. Шерғозихон вафотидан сўнг Хива тахтига қозоқ подшоҳи Абулхайрхоннинг иниси Сарик Айғирхонни келтириб хон кўтардилар. Бу кун жума куни эди, номозга боришда ёш хон Сарик Айғир оддан йиқилиб ўлади. Тарихга бир кунлик хон номи билан кирган хон.

Сарик Айғирхондан сўнг Хива тахтига қозоқ хоши Абулхайрхоннинг иниси Баҳодирхонни ўтказдилар. Баҳодирхон ҳам Хивада атиги олти ой хонлик қилиб, кейин тахтни ташлаб қочиб кетади.

Ушбу жойда хурматли китобхонларимизда табний битта савол туғилади. Бу ҳам бўлса, нима учун Хива тахтига маҳаллий аҳоли Хоразмийлардан хон таклиф этилмасдан ўзбек ёки қозоқлардан таклиф этилган? Бу эътирозли саволга жавобимиз шуки, Чингизхон Хоразмшоҳлар давлати ҳудудини ва у ерда яшовчи халқларни босиб олгандан сўнг Мўғул давлати қонунларига шундай модда киритган. Яъни, мўғуллар қўли остидаги ҳудудда хонлик ёки ҳокимлик лавозимларига фақатгина Чингизхон оиласига қариндошлиги бўлган қабилалар вакилларидан қўйилиши мумкин. Ўзбек ва қозоқ қабилалар тарихан мўғул қабилаларига қариндошлик иплари билан боғлангандирлар. Шу туфайли ҳам юзаки бўлса-да, Чингизлар мулки бўлган Хоразмда ҳукмдорлар мўғулларга қариндош бўлган ўзбек ёки қозоқлардан қўйилган. Бу ҳолат 1920 йилгача давом этган. 1728 йилда Хива тахтига Шоҳ Ниёзнинг ўғли Элбарсхон ўтиради. Элбарсхон ҳукмронлиги йилларида ҳам Хива хонлиги ички феодал урушларига тўла бўлди. Хонликдаги йирик феодаллар Эшмуҳаммад, Олланазар иноқ ва Жиян Парвоначилар ўртасида хон олдида таъсир доираси учун аёвсиз кураш давом этди. Кейинчалик бу курашга Шердош ва Шоҳ Темурлар ҳам

аралашиб, Орол ва қорақалпоқ кўшинлари хонлигининг беш қанаси томон юриб, уларни қамал этиб, вайрон қилдилар. Бир сўз билан айтганда, бебош феодалларнинг беақл хатти-ҳаракатлари мамлакат иқтисодини ва ҳарбий куч-қудратини пихоятда пасайтирди. Хива хонлигининг нотинч ички аҳволидан яхши хабардор бўлган Эрон шоҳи Нодир шоҳ 1739 йили Бухорога юриш қилиб, уни босиб олди ва 1740 йилда Хива хонлиги томон ўз кўшини билан от суради. Ички курашлардан ўта заифлашган Элбарсхон бошчилигидаги Хива кўшини Эрон кўшинига старли қаршилик кўрсата олмайди. 1740 йил баҳорида Шигнакда Эрон кўшини билан Хива кўшини ўртасида бўлиб ўтган қаттиқ жангда Хива кўшини енгилади.

Элбарсхон эронийлар томонидан асир олиниб, Нодир шоҳ фармониغا мувофиқ қатл қилинади. Юқоридаги воқсалардан хабар топган хиваликлар қозоқларнинг Кичик Жуз хони Абулхайрхонга вакил юбориб, уни Хива тахтига ўтиришини таклиф қиладилар. Абулхайрхон 8 йил муқаддам Россия тобелигини қабул қилган эди. У Хива тахтига ўтиргач, Нодиршоҳга сулҳ сўраб, мурожаат қилади. Бироқ, Нодиршоҳ у таклифни қабул қилмайди ва ўз кўшини билан Хива томонга жадаллайди. Бундан хабар топган Абулхайрхон Хива тахтини ташлаб, қозоқ чўли томонга қочади. Унинг хонлиги атиги 6-7 кун давом этади.

Нодиршоҳ кўшини Хивани эгаллайди. Нодиршоҳ Манғит бекларидан Ортиқ бек ва Хўрозбек иноқларни Хивага ўз ноиблари этиб тайинлайди. Хоразмда Нодиршоҳ ва унинг яқинлари ўзларини истилочиларга хос тутдилар. Аҳолига турли хил солиқлар солдилар. Хизмат ёшига етган ёшларни Эрон кўшинига хизматга олдилар. Нодиршоҳ Хоразмга ўзга юртлардан зўрлик билан олиб келинган 30 мингдан ортиқ қулларни озод қилди. Улардан 15000 кишидан ортиғи эронийлар бўлиб, улар шоҳ фармониغا мувофиқ Обивард шаҳри яқинидаги Хива обод қишлоғига кўчирилди.

Бироқ, Нодиршоҳ Хоразм ҳудудини тўла ўзига бўйсундира олмади. Орол бўйи аҳолиси эронийларга бўйсунишдан бош торгдилар ва Абулхайрхоннинг ўғли Нуралини ўзларига хон



килиб кўйдилар. Хива халқи ҳам эронийларнинг олиб бораётган босқинчилик сиёсатидан норози бўлиб, исён кўтардилар.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Хива хонлигида Муҳаммад Амин Иноқ кўзга кўринган йўлбошчилардан бир эди. У Хива хонларининг фаолиятини ҳам назорат қилар, кўнглига ёқмаганини тахтдан туширар эди ва ўрнига янгисини кўяр эди. Маълумки, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Хива хонлигида ёвмутларнинг таъсири кучайган бўлиб, халқ оммаси улар зулмидан азоб чекмоқда эди. Келиб чиқиши кўнғиротлардан бўлган Муҳаммад Амин Иноқ ўз атрофига ўзбек уламолари, савдогарлари ва руҳонийларини тўплайди. Уларнинг ёрдамида 1770 йилларда ёвмутларга қакшатгич зарба беради. Уларни хонлик ҳудудидан ҳайдайди. 1782 йилда эса Бухоро билан иттифоқ бўлиб, унинг мададига таяниб, рақиб ўзбекларни ҳам енгади. Хонликда у тапқо киши бўлиб қолади. Ҳеч ким у билан рақобатлаша олмас эди. Қарийб 20 йил давомида у Хива хонларини ўзи кўяр ва олиб ташлар эди. Муҳаммад Амин Иноқ вафотидан сўнг, унинг юқоридаги фаолиятини унинг ўғли Аваз Иноқ давом эттиради. У қарийб 15 йил давомида Хива хонлиги ички ва ташқи сиёсатини белгилайди. Муҳаммад Амин Иноқ ва Аваз Иноқлар гарчанд Хива хонлигини бошқарган бўлсалар-да, бироқ ўзларини хон деб эълон қилмадилар. Қозоқ шаҳзодалари ва шайхларидаи кўйилган сохта хонлар хон деб ҳисобланганлар.

### **3.21. Хива хони Элтузархон.**

Аваз Иноқ вафотидан сўнг унинг ўрнига ўтирган Элтузар бу анъанага чек кўяди. Қалбаки хонни олиб ташлаб, тахтга ўзи ўтиради ва ўзини хон деб эълон қилади. Элтузар хонлик даври 1804 йилдан бошланиб, Хива хонлигида янги давр, Кўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги даври бошланади ва бу давр 1920 йилгача давом этади. Элтузархон яхши тарбия олган, ҳарбий ишда маҳоратли киши эди. Элтузархон мамлакат ичида тинчлик ўрнатишга ва кўшни давлатлар билан яхши кўшничлик муносабатлари ўрнатишга қаратилган сиёсат олиб борди. Мамлакат ичида осойишталикни сақлашга интилди. Тинчликни бузганларни қаттиқ жазолади. Жумладан Хива хонлиги ҳудудида

Бухоро савдогарларини талаган қароқчиларни тутиб жазолайди. Бухоро савдогарларининг молларини қайтарди. Бирок, Бухоро амири Элтузархонни қароқчилар билан итифоқчи деб гумонлаб ва Бухоро амирлиги ҳудудида Хива савдогарларини талатади. Хуросондаги Марв шаҳрида хутбани Элтузархон номига ўқиши икки ўртада уруш чиқишига сабаб бўлди. Урушнинг дастлабки пайтида устунлик хиваликлар томонида бўлди. Бухоро яқинидаги ҳал қилувчи жангда хиваликларнинг иттифоқчилари уйгурлар хиёнат йўлига кириб, душман томонига ўтиб кетадилар. Хиваликлар чекинишга мажбур бўладилар.

Шоҳ Аббос яқинидаги жанг кичик устунлик бухороликлар томонида бўлади. Жанг бой берилганига кўзи етган Элтузархон кўшинни кемага юклаб, дарёнинг нариги четига ўтишга буйруқ беради. Юкнинг оғирлигидан кема ағдарилади ва кўпгина жангчилар, жумладан Элтузархон ҳам ҳалок бўлади. Бу вақтда Элтузархон 37 ёшда эди. У атиги 2 йилу 2 ой Хива хонлигини бошқарган.

### 3.21. Хива хони Муҳаммад Раҳим I.

Элтузархон ҳалокатидан сўнг унинг ўғли Муҳаммад Раҳимхон I Хивага қайтиб, тахтга қозоқ шахзодаларидан Абулғозихонни ўтказди. Бирок, 5 ой ўтгач, сарой аъёнлари Абулғозихонни олиб ташлаб, ўрнига Муҳаммад Раҳимхон I ни хон қилиб кўтардилар. Муҳаммад Раҳимхон болалигида дунёвий ва ҳарбий илмдан яхши таълим олган шахс эди. У бобоси Муҳаммад Амин Иноқ бошлаб берган Хива хонлигидаги халқларни бирлаштиришни муваффақиятли давом эттиради. Хонлик ҳудудида ўзбек ва бошқа халқларни, қабила ва уруғларни хонлик ҳокимиятига бўйсундиради. Орол ва хонликнинг шимолий шарқидаги қорақалпоқларни, кейин қозоқларни ўзига тобе қилади. Хива хонлиги таъсир доирасини кенгайтириб, Сирдарё бўйидаги қозоқ хонларини ҳам ўзи тайинлайдиган бўлади ва улардан хонлик хазинасига бож ундиради.

Муҳаммад Раҳимхон мамлакат иқтисодини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берди. Хонлик ҳудудида бир неча каналлар қазилиб, суғориш ишлари яхшиланди. Дехқончиликда ҳосил

унумдорлиги ошди. Муҳаммад Раҳимхон туркманларни хонлик марказий туманларига кўчириб, уларни дехқончилик ишларига жалб қилди. Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги йилларида хонлик ҳудуди кенгайди. Қоқушувоз тумани, Пойкент шаҳри ишғол қилиниб, Хива хонлиги таркибига кўшилди. У оқилона ташқи сиёсат юргизишга интиларди. 1825 йилда Бухоро амири Ҳайдарнинг ташаббуси билан Бухоро ва Хива хонлари ўртасида яраш битами имзоланди.

Муҳаммад Раҳимхон даврида хонлик ҳудудида ички урушларга чек қўйилди. Марказлашган давлат аппарати мустаҳкамланди. Кўҳна Арқда зарбхонага асос солиниб, Муҳаммад Раҳимхон I номидан олтин ва кумуш тангалар зарб қилина бошланади. Муҳаммад Раҳимхон I хонликни бошқариш ишини ислоҳ қилишга катта эътибор беради. Унинг фармони билан ўзи бошчилигида 11 кишидан иборат Олий Кенгаш тузилди. Олий Кенгашга хонликнинг энг обрўли ва эътиборли кишилари тўпланган эди. Давлат аҳамиятига молик масалалар Давлат кенгашида муҳокама қилинар ва овозга қўйилар эди. Кенгашнинг биринчи аъзоси - хоннинг энг ишончли кишиларидан бири Муҳаммад Юсуф меҳтар, 50 ёшлар атрофида, табиатан қаттиқ қўл ва хонга садоқатли одам эди. Хон хазинасининг қирим-чиқими, чет элдан кишиларни қабул қилиш ва уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш вазифаси унинг зиммасида эди. Хон бошқа жойга сафарга кетса, ўз ўрнига Муҳаммад Юсуф меҳтарни қолдирар эди.

Вазир Мадиёр қушбеги ҳам Кенгаш аъзоси эди. У жуда ақлли, илтифотли ва жасур киши эди. Кенгашнинг яна бир аъзоси Хўжаш меҳтар бўлиб, хон уни жуда қадрлар эди. Урушдаги шахсий ботирлиги учун Озодлик мукофотини олган эди. Хонлик катта қозиси ҳам Кенгаш аъзоси ҳисобланарди. Кенгашда тўртта ўзбек қабилаларининг йўлбошчилари ҳам аъзо сифатида қатнашар эди. Гарчи, феодал демократик давлат бўлган Хива хонлигида демократик бошқариш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин бўлмаса-да, хон саройида, Олий Кенгашнинг мавжудлиги ва унда давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларнинг муҳокама этилиши ўз даври учун катта иш бўлган. Кенгаш ҳар жума куни хон саройининг кўриниш хонасида иш олиб борган. Кенгаш аъзолари

анвал овқатланиб, кейин муҳокамага киришганлар. Кенгаш аъзолари ишлари учун ҳеч қанақа маош олмаганлар. Муҳаммад Раҳимхон I мамлакатда ўта изчил ва қаттиққўл сиёсат олиб борган. Ўғирлик қилганлар қаттиқ жазоланганлар. Хонликда ичимлик ичиш қатъиян ман қилинган. Қонунни бузиб ичимлик ичганларнинг оғзини қулоғигача кесиб, жазолаганлар. Муҳаммад Раҳимхон I адолатли хон бўлган. У шаҳар ободончилигига катта эътибор берган. Унинг ҳукмронлик йилларида Хивада мадраса ва мачитлар қурилган. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси қайта қурилган. Хонликда божхона иши йўлга қўйилган.

Муҳаммад Раҳимхон I баланд бўйли, салобатли (уни ҳар қанақа кучли от ҳам икки соатдан ортиқ кўтариб юра олмаган) соғлом ва қаттиққўл, баъзан шафқатсиз одам бўлган. Унинг кўзлари кичкина, нигоҳи ўткир, кичкина соқоли сарғиш бўлиб, иродаси кучли, жасур ва тadbиркор, ақлли, чакқон, олдиндан кўра биладиган қобилиятига эга киши эди. У араб ва форс тилларида бемалол сўзлашар, ўқир ва ёзар эди. Шунинг учун ҳам оддий халқ уни “Охунхон” деб атаган. Кўп ухлашни ёқтирмаган, шахмат ўйнашни яхши кўрган, байрамларни ардоқлаган, кишига баҳо беришда унинг маънабиغا қараб эмас, балки ишига қараб баҳо берган, Муҳаммад Раҳимхон I ўта тақводор одам бўлган. Қабристонларни ободонлаштиришга ва уларнинг зиёратига катта эътибор билан қараган. Муҳаммад Раҳимхон I 50 ёшга тўлганда касалга чалиниб вафот этади. У 20 йил давомида Хива хонлигини бошқарган. Унинг ҳукмронлик йилларида Хива хонлигида осойишталик ҳукм сурди. Шаҳар ободончилиги ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ижобий силжишлар амалга оширилди. Марказий ҳокимият анча мустаҳкамланиб, уни бошқаришда Олий Кенгаш кашф этилди. Муҳаммад Раҳимхон I вафотидан сўнг сарой аъёнлари хонлик тахтига унинг ўғли Оллақули тўрани маъқул кўрадилар. Маълумки, Муҳаммад Раҳимхон I нинг етгита ўғли бор эди. Шулардан Оллақулихон ўқимишли, ақлли киши бўлиб, тахтга ўтирган пайтида 30 ёшда эди.

### 3.22. Хива хони Оллақулихон.

Оллақулихонга отасидан иқтисоди анча изга тушган, ҳарбий салоҳияти анча кучли кўшинга эга бўлган мамалакат қолди.

Оллақулихон мамлакатни янада кучлантириш ва бойитиш соҳасида тер тўқди. У Хива хонлигини ҳудудий кенгайтириш мақсадида Бухоро ва Хуросон устига муваффақиятли юришлар қилади. 1826 йилда Хуросоннинг Оқдарбанд қишлоғини босиб олиб, у ернинг аҳолисини Хоразмга ҳозирги Қўшқўпир тумани ҳудудига кўчиради. Табиатан зийрак Оллақулихон қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосилдорлигини сув иноотларини яхшиламасдан туриб, ошириб бўлмаслигини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам унинг ҳукмронлиги йилларида хонликда янгидан-янги каналлар қаздирилиб, суғориладиган ерлар кенгайтирилди. Табиийки қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ҳам ошди. Аммо, Оллақулихон даврида Хива хонлиги аҳолисини кўпайтиришга ҳам катта аҳамият берилди. Чунки аҳоли бир томондан меҳнат резервлари бўлса, иккинчи томондан хонлик қуролли кучларига навқар манбаси эди. Оқдарбандликлардан сўнг Хуросондан 12000 уйлик жамшидлар қабиласини Қилич Ниёзбой канали бўйига, Бухородан Лабоб қишлоғи халқини Бўз сув канали бўйига кўчириб келади. Уларнинг деҳқончилик билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиб беради. Жамшидлар уста чавандоз бўлиб, тезда Хива кўшинида мустаҳкам ўрин оладилар. Оллақулихон даврида Россия билан савдо ва дипломатик алоқалар ёмонлашади. Бунга алоҳида сабаблар мавжуд эди. Биринчидан, Хива хонлиги ҳудудида кўп минглаган рус қуллари мавжуд бўлиб, ўзларини ўз даврининг буюк давлатларидан бири ҳисоблаган рус подшоларн бу ҳолат билан сира келинаолмас эдилар. Иккинчидан, Россия таъсир доирасига ўтган қозоқ хонлари ички ишларига Хива хонлари тез-тез аралашар, ҳатто вақти-вақти билан улар устига талончилик юришлари уюштирар эдилар. Бу билан улар рус подшоларининг иззат - нафсига тегар эдилар. Шунинг учун ҳам Россия ҳукумати XIX асрнинг 30-йилларида Хива хонлиги билан савдо-сотикни тўхтатади ва ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган молларни Хивадан эмас, балки бошқа мамалакатлардан сотиб ола бошлайди. Ўз навбатида Хива савдогарлари Россия бозорларига кўйилмайди. Албатта, бу сиёсатдан қудратли Россия эмас, балки Хива иқтисоди катта зиён кўрмоқда эди.

1836 йилда рус подшоси вакили граф Перовский Хива хони Оллакулихонга ёзма мурожаат қилиб, хонлик билан Россия ўртасидаги муносабатларни яхшилаш мақсадида хон олдига бир неча талаблар қўяди. Булар рус асирларини озод этиш, хонлик худудида Россия савдогарларига шарт-шароитлар яратиб бериш, қирғиз ва козоқларнинг ички ишларига аралашмаслик. Албатта ўз имкониятларига ҳаддан ташқари катта баҳо бериб юборган Оллакулихон рус подшосининг бу талабларига беписанд қаради. Натижада, Хива бозорлари хувиллаб қолиб, Хива моллари халқаро бозорга ўта олмай қолади.

Оллакулихон бир йилдан сўнг Россия билан алоқани яхшилаш мақсадида 25 нафар рус кулини озод қилиб, катта совға-саломлар билан Россияга жўнатади. Бироқ, руслар асирларни олиб қолиб совғаларни қабул қилмай орқага қайтарадилар. Натижада, Россия-Хива муносабатлари ёмонлашади. Хива бозорларида олди-сотти камаяди, хонлик иктисоди пасаяди. Бундан ташқари, ўз талабларини бажармаган Хива хонлиги каби кичик бир давлат устига Россия каби қудратли давлатнинг ҳарбий юриши хавфи аниқ бўлиб қолган эди. Барча бу аҳволдан кўрқув ва ваҳимага тушган эди. Шундай бир шароитда 1839 йилда Оллакулихон олдига Англиянинг Ҳиндистондаги элчихонасидан Аббат деган кимса келиб, унга Англия ҳукумати помидан мактуб топширади. Мактубда Хива хонлигига инглиз фуқаролигига ўтиш таклиф этилади. Акс ҳолда 50 йилдан сўнг Россия сизнинг юртингизни босиб олади, деб тахмин қилинади. Сизлар учун бирдан бир Россия босқинидан қутулиш чораси, инглиз фуқаролигини қабул қилиш.

Англияга сизнинг юртингиз керак эмас. Бу - русларнинг Ҳиндистонга ўтишига имкон бермаслик чораси, дейилади мактубда. Оллакулихон мактубни диққат билан ўқиб, элчини катта ҳурмат-эҳтиром билан юртига жўнатади. Рус подшоси қайсар хиваликларни жазолаш мақсадида хонлик устига ҳарбий юриш уюштириш тўғрисида буйруқ беради. Оренбурглик граф Перовский бошчилигидаги ҳарбий экспедицияда каттагина ҳарбий куч тўпланган эди. Пиёдаларнинг 3,5 батальони, Урал козоқларининг икки полки, 500 Оренбург козоқлари ва 22 тўп, ҳаммаси бўлиб 5000 аскар, 200 қирғиз йўлбошловчисидан

ташқари, 1000 туяда юк бор эди. Бу отряд 1839 йил ноябрда йўлга чикади. Шу йили киш жуда қаттиқ бўлиб, экспедиция аъзоларининг учдан бири совуқда нобуд бўлади ва руслар Хивага ўта олмай орқага қайтиб кетадилар.

Россия хавфини аниқ сезган Оллақулихон махсус фармон чиқариб, хонлиқдаги барча рус асирларини озод қилади ва Рус-Хива муносабатлари бирмунча яхшиланади. Рус элчилари ва савдогарлари Хивага кела бошлайдилар. 1841 йилда капитан Никифоров Оллақулихон олдига келиб, Россия манфаатларини кўзловчи бир қанча талаблар қўяди. Хон бу талабларни рад қилади ва ўз элчиларини Никифоров билан Россияга юборади. Хон элчилари рус подшоси олдида ўз давлат манфаатларини химоя қила биладилар. Ўзаро манфаатли битим имзоланади. Оллақулихон ўз даврининг йирик давлат арбоби бўлиши билан бирга, йирик мутафаккир эди. Маърифатпарвар адиб, таржимон, тарихчи, мусиқашунос, мухандис, мироб Огаҳийнинг “Риёз уд-давла” асарида баён этилишича, Хива хонлигида кўнғиротлар сулоласининг забардаст вакиллари билан бўлган Оллақулихон даврида (1825-1842 йиллар) сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалар билан бир қаторда, маданий-маърифий ҳаёт равнақ топади. Оллақулихон (1794 йилда таваллуд топган) болалигидан илм олиш билан банд бўлган. Огаҳийнинг ёзишича, у “Илму фазл чўққисига саъй ва шитоб кўргузуб, оз фурсатда умум ақли ва нақшийга маҳорати тамон хоҳиш қилди. Хусусан, тавориххонлиғ ва шеършунослиғ ва латифагўйлиғ укувининг хайлида диққат тирногин андоғ ишлатур эрдиким, фузалойи замонга ҳайрат бармогин тишлатур эрди”<sup>1</sup>. Демак, Оллақулихон илм-фан чўққисига эришиб, оз фурсатда илм соҳасида камолатга етишган, айниқса, тарихшунослик, шоирлик ва латифагўйликни ўзлаштиришда унга тенг келадигани бўлмай, ўз замонасининг олиму-фузалоларини ҳайратда қолдирган. Амир Авазбой ўғли Шермухаммад Муниسدск (1778-1829) буюк адиб, тарихчи ва таржимоннинг энг қобилиятли ва зукко шогирдларидан бири бўлиб қолган. Оллақулихон ўзидан олдинги ўтган хонлар каби (Элтузар ва Муҳаммад Раҳим хонлар) Мунисга Абулғозидан

<sup>1</sup> Огаҳий. Гиез уд-давла, 10-бет.

сўни даврдан бошлаб Хива тарихини битишни топширади ва шу асосда “Фирдавс ул-икбол” асари ёзилиб қолади. (Мулиснинг ўлими туфайли мазкур китобни Огаҳий поёнига етказиб қўйган). Бундан ташқари, Оллақулихон кўрсатмаси билан тарихга оид қатор китоблар форс ва араб тилларидан таржима қилинган. Шулар жумласидан, Хумомиддин Мирхонд бин Ховандшоҳнинг форс тилида ёзилган умумий тарихга оид машҳур “Равзат ус-сафо” асарини Мунис 1818-1819 йилларда ўзбек тилига ўғирган. Бу йиллар шаҳзода Оллақулихоннинг талабалик даврига тўғри келиб, ушбу ҳайрли ишда унинг ҳам моддий, ҳам маънавий томондан ҳиссаси катта бўлган. Забардаст адиб Огаҳий, юқорида қайд этганимиздек, Оллақулихонни “шеършунос” деб аташи унинг учун ўта адолатли, юксак баҳодир. XIX асрнинг бошида шеършунос бўлиш учун араб (аруз қоидалари), форс ва туркий тилларни мукаммал билиш лозим эди.

Демак, Оллақулихон нозик таъб, бир неча тилларни ўзлаштирган ижодкор бўлган. У назм ва насрда қалам тебратган. Чиндан ҳам шундай эканлигини келажакда тадқиқотчи олимлар тасдиқлашларига ишончимиз комил. Мазкур асарда Огаҳий Оллақулихоннинг ёшлик тафсилотларини ёритар экан, ҳаётининг янги қирраларини очиб беради: “...давлат бўстони ва саҳийлик айвонида табиатан саҳоват эгаси бўлганлигидан зиёфатлар ташкил этиб, улуғ мартабали уламою, фузалолар ва шоирлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, гоҳо ҳал қилиши лозим бўлган илмий масалалар, гоҳо тарих фанининг очилмай қолган саҳифалари устида гап борганда барча фузалодан аввал ақл-идроқ билан ҳал қилар эрди, дейди. Ва, мажлис аҳлига айни ғамхўрликлар кўрсатиб...ул жамоанинг оғирларини енгил этиб... кўнгилларига шодликлар етказар эди”<sup>1</sup>.

Демак, шаҳзода Оллақулихон ўта зукко, замонасининг барча фанларидан бохабар, олиму фузалоларнинг суҳбатига ўч, ижодкор, саҳоватпеша шахс бўлиб етишган. Албатта, “Риёз уд-давла”да Оллақулихоннинг ёшлик йиллари, унга хос бўлган яхши фазилатлар маълум даражада бўрттириб таърифланган бўлиши мумкин. Бу ҳол на фақат Шарк, балки бутун жаҳонда мавжуд

<sup>1</sup> Огаҳий. Риёз уд-давла, II-бет.



бўлган ва ҳукмдорларга бағишланган тарихий асарларнинг кўпчилигига хос услубдир. Манбалардан маълум бўлишича, Оллақулихон тахтга ўтирган дастлабки онлариданок маданий-маърифий ишларнинг ривожига янада кўпроқ аҳамият бера бошлаган. Унинг даврида биргина Хива шаҳрида қуйидаги мадрасалар мавжуд бўлган.

- Мадрасайи Арабхон-1616 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Хўжамберди-1688 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Шерғозийхон-1719 йилда бино этилган,
- Мадрасайи Муҳаммад Амин Иноқ-1765 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Қози Фозилбеку-1799 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Қутлумурод Иноқ-1809 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Арабхон-1810 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Полвон ота-1810 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Оллақулихон-1835 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Кўхна Иморат-1836 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Хўжаш Маҳрам-1839 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Годой Ниёзбой-1840 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Ёқуб Меҳтар-1840 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Тўра-1841 йилда бино этилган.
- Мадрасайи Мирзотожик-1842 йилда бино этилган<sup>1</sup>.

Агар мадрасалар рўйхагига аҳамият берилса, 15 тасидан 8 таси Оллақулихон даврида бунёд этилгани маълум бўлади. Бундан ташқари, манбаларнинг шохидлик беришича, Оллақулихон ўзидан олдин кўрилган барча мадрасаларни таъмирлатган ёки қайтадан бино қилдирган. Шундан ҳам билса бўладики, маърифатпарвар хон бўлган. У олимларга меҳрибонлик қилиб, уларга имкониятлар яратиб берган.

Шойтахт Хива шаҳридан ташқари, хонлик худудидаги Марв, Кўхна Урганч, Тошҳовуз, Ҳазораси, Хонқа, Питнак, Шохобод, Хўжайли каби ўнлаб шаҳарларда кўплаб мадрасалар мавжуд бўлганлигини маълумотлардан ўқиб биламиз. 1842 йилда Хивага келган Россиянинг элчиси подполковник Г. Данилевский ўз

<sup>1</sup> Хива хонлари шажараси. 47-бет.

хотираларида Ҳазорасп тўғрисида ёзаркан: “Шаҳарда тўққизта мактаб, Қутлумурод Иноқ даврида - 1827 йилда қурилган бир мадраса бор”<sup>1</sup>лигини таъкидлайди. Ўқув юртлари-мадрасаларнинг умумий ахволи ва фаолияти шахсан хоннинг диққат-эътиборида бўлган. Хива хонлиги мадрасаларида кўшни Бухоро, Қўқон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Яқин Шарқ мамлакатларидан турли миллат ва элатларга мансуб, билим олишга чанқоқ ёшлар келиб таълим олганлар. Ривоят қилишларича, Жавоҳарлал Нерунинг бобоси ҳам Хива мадрасаларидан бирида таълим олган. Туркман халқининг буюк фарзанди, дунё адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган, туркий халқларнинг фаҳри ва ғурури бўлмиш Махтумқули ҳам Хивада таҳсил олган. Унинг отаси - замонасининг машҳур шоири, олими ва маърифатпарвари Давлатмамед Озодий (1700-1760) Хива мадрасаларидан бирида дарс берган. Хива хонлиги тарихида муҳим ўринлардан бирини эгаллаган Оллақулихон 1842 йилда 49 ёшида вафот этади. Оллоқулихон ҳукмронлиги даврида Хива хонлиги иқтисодий - сиёсий ва маданий соҳада катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

### 3.23. Хива хони Раҳимқулихон.

Оллақулихон вафот этгач, Хива тахтига Муҳаммад Амин бошлиқ сарой аёнлари унинг ўғли Раҳимқулихонни ўтказадилар. Раҳимқулихон 1814 йилда туғилган бўлиб, Оллоқулихон вафот этган вақтда Ҳазораспда ҳоким эди. Отасидан фарқли ўлароқ Раҳимқулихон русларни Оллақулихон рад этган талабларини қабул қилади. Русларнинг юборган совғаларини қабул қилади. Россиянинг хонлик ҳудудида рус савдогарларига ҳар томонлама ёрдам бериш, уларни ҳимоя қилиш, улардан олинадиган божни ерли халқдан олинадиган бож билан тенглаштириб қўйиш. Сирдарё бўйи қирғизларидан ва Россияга қарам бўлган қирғизлардан солиқ тўпламокчи бўлган хиваликларни ўлимга маҳкум бўлиши тўғрисида фикрлар битилган хон фармонини 1842 йил 27 декабрда тасдиқлайди.

<sup>1</sup> Данилевский. Описание Хивинского Ханства, записки РБО. Кн.5,11-бет.

Раҳимқулихон даврида Марв устига юришлар уюштирилади. Хонлик худудига бостириб кирган Амир Насрулло бошчилигидаги Бухоро қўшини Хазорасп қалъаси ёнида тор-мор келтирилди. 1846 йилда Раҳимқулихон 32 ёшида оғир касалликдан вафот этади. Сарой аёнлари хонлик тахтига Муҳаммад Амин Инокни ўтказадилар.

### 3.24. Хива хони Муҳаммад Амин.

Муҳаммад Аминхон ўз даврининг ўқимишли ва ақлли кишиларидан бири бўлган. У ўз ўтмишдошларининг хонликни иқтисодий ва сиёсий куч-қудратини ошириш томон тутган сиёсатини давом этдиради. У хонликни худудий кенгайтириш борасида Хуросон ва туркманлар устига бир неча юришлар қилади. Мамлакат ичкарасида суғориш ишларини яхшилаб янги ерлар очдиради. Хонлик аҳолисининг турмуш аҳволи анча яхшиланади. Хоразмда Муҳаммад Аминхонни Мадаминхон деб атайдилар. Ўша даврдан бизгача етиб келган халқ оғзаки ижодидаги тубандаги мисралар Муҳаммад Аминхон хонлик даврида халқнинг иқтисодий фаровонлиги анча яхшиланганлигини билдиради.

“Мадаминхон хон бўлди, оғзимиз тўла мой бўлди”. Муҳаммад Аминхон ўз ҳукмронлиги йилларида хонликнинг таъсир зонасини кенгайтириш мақсадида Хуросон ерларига юришлар қилган. Шулардан бирида 1855 йилда Серакс қалъасини қамал қилади. Қамалдагилар катта пора ҳисобига хон қўшинидаги туркманларни ўз томонига оғдирадилар. Икки томон ўртасида жанг қизиб турганда туркманлар жанг майдонини ташлаб қочадилар. Кучлар нисбати душман фойдасига ўзгаради. Бу жангда хон Муҳаммад Амин ҳалок бўлади. Бу ўта мудҳиш ва биз учун қайғули воқеа Хива хонлари шажараси китобида шундай тасвирланган. “...Шу жангда Мадаминхон ўқ тегиб отдан йиқилди. Қурбон кал деган така турман келиб унга қилич урмоқчи бўлганида Абдулла маҳрам ўзини хон устига ташлаб, уни химоя қилди. Қурбон уни уриб шаҳид қилди. Шундан кейин етиб келган кози Раҳмонберди, Мусотура ҳам шаҳид бўлдилар. Ўрозхон деган Серакс хони келиб, Мадаминхоннинг бошини

танасидан жудо қилиб, у билан яна олти шаҳидни бошини кесиб, Техронга шох Насриддиннинг ёнига олиб бордилар. Шох Насриддин буйруғи билан бу бошларни ювиб, кафанга ўраб, амирлик унинг дарвозаси ёнида макбара этиб, шунда қўйдилар ва устида тошдан олий гумбаз бино қилдилар. Шундан кейин Хивада бир нақл пайдо бўлган.

**Мадрасаси битиб минораси битмаган,  
Мадаминхон муродига етмаган,  
Гавдаси келиб, иморатда ётибдур,  
Така бошин кесиб Техрон қўйибдур.**

Муҳаммад Аминхон 38 йил умр кўриб, Хива хонлигини 9 йилу 6 ой, 2 кун бошқарган.

### **3.25. Хива хони Абдуллабекхон.**

Муҳаммад Аминхон ҳалокатидан сўнг тахтга Қутлумурод Иноқнинг ўгли Абдуллабекни ўтқаздилар. Бу ҳолат Мадаминхон ҳалок бўлган Серакс қалъаси ёнида содир булди. Сарой аёнларидан Ёқуб Мехтар ва Мир Аҳмадхон мамлакатда хоннинг ҳалокати муносабати билан тўс-тўполон бошланмаслиги учун тахтга жасур жангчи Абдуллабекни ўтказишни лозим топдилар. Пароканда бўлаётган хон қўшини, беклар лашкарбошилари бир марказга янги хон атрофига тўпланиб душман устига ташландилар ва Серакс қалъасини ишғол этиб, душмандан шаҳид бўлган Мадаминхон учун қонли ўч олдилар.

Мадаминхон йирик давлат арбоби бўлиши билан бирга ободончиликни ўйлайдиган киши эди. Унинг ҳукмронлиги йилларида Хивада бир неча муҳташам бинолар қурилди. Жумладан Марказий Осиё ва Шарқда энг баланд бўлган ва бўлиши мўлжалланган минора қурилиши бошланди. Минора қад кўтариб, бўйи ярмидан ошганида Мадаминхоннинг ҳалокати билан қурилиши тўхтатиб қўйилди. Бугунги кунда Қалта минор номи билан аталадиган бу архитектура ёдгорлиги дунё саёхатчиларининг эътиборини торттиб келмоқда.

Абдуллабек тахтга ўтириш билан бир неча ўзига ёкмаган кишиларни мансабдан ҳайдади, ҳатто баъзиларини қатл қилдирди. Абдуллабек замондошларининг таъкидлашларича мард ва жасур киши бўлиши билан бирга ўта ишонувчан ва шешма-шошар киши бўлган. У тахтга ўтирганидан тахминан 5 ой ўтгач такалар билан бўлган урушда, навкарларидан айрилиб қолиб, қоронгуликда ёвмутлар қўлига тушиб шаҳид бўлади. У эндигина 40 ёшга кирган эди. Бу мудҳиш воқеадан хабар топган ва Хивага қайтиб келган Ёқуб меҳтар Бобо Қушбеги билан маслаҳатлашиб тахтга Қутлумурод Иноқнинг набираси Абдуллабекнинг ўғли Қутлумурод Иноқни хон деб эълон қиладилар.

### 3.26. Хива хони Қутлимуродхон.

Қутлимуродхоннинг хонлиги ҳам узоққа бормади. У ички қурашлар қурбони бўлди. Воқеа бундай содир бўлган эди. Ёвмутлар билан бўлган жангда хиваликлар мағлубиятга учрайдилар. Сарой аёнларидан Муҳаммад Ниёз бий туркманларга асир тушади. Унинг йўқлигида Қутлумуродхон вақтинчалик Раҳимберди бекни бий этиб тайинлайди. Бундан хабар топган Муҳаммад Ниёз ўзича “Мешинг қайси гуноҳим учун лавозимимни бошқага бериб, асир эканлигимни била туриб, менга бундай бевафолик қилган бу хонни ўлдираман,<sup>1</sup> - деб режа тузади. Ўз режаси билан туркман Тўйлини таништиради ва уни ўз томонига оғдириб олади. Ҳеч нарсадан хабарсиз Қутлимуродхон асирликда турган Муҳаммад Ниёзни қутқариб келиш учун, сарой мухрдорини ва мулозимларини юборади. Юраги қоронгулик гирдобига учраган Муҳаммад Ниёз бий, хоннинг бу илтифотини назар-писанд қилмай туркманлар ҳамроҳлигида Хивага жўнайди. У билан хиваликлар ҳисобига бойлик орттириш илинжида бўлган кўп сонли туркманлар ҳам Хивага жўнайдилар ва зўравонлик билан хиваликлар хўжаликларидея жойлашадилар. Муҳаммад Ниёз ва Тўйли ўз

<sup>1</sup> Ўша жойда, 67-бет.

хамроҳлари билан Мулла Иброҳимнинг уйига тушадилар ва зўрлик билан ундан 2000 тиллосини тортиб оладилар.

Қутлумуродхоннинг Муҳаммад Ниёзни ўз олдига чақиришига 2-3 марта назар писандсизлик билан қараган бу баттол, тўртинчи мартасида рози бўлади ва Тўйли билан бешта туркман хамроҳлигида хон олдига жўнайди. Муҳаммад Ниёзнинг ташрифидан ўта хурсанд бўлган хон, кучоқ очиб унга пешвоз юради ва шу пайтда Муҳаммад Ниёз яшириб қўйган ханжарини олиб хонни пичоқлаб ўлдиради ва ўзи хон тахтига ўтиради. У билан келган туркманлар Хивани талашга киришадилар. Шаҳид бўлган Қутлумуродхоннинг ёши 18 да бўлиб, хонлик тахтини атиги 7 ойу 10 кун бошқарган эди. Хонни ўлдиргач қотил Муҳаммад Ниёз хонлик жигали телпакни кийиб тахтга ўтиради ва хонлик уламоларининг бошлиғи Ёқуб меhtarга зудлик билан олдига келишини сўраб, одам юборади. Муҳаммад Ниёзнинг хиёнаткорона ишидан ўта норози бўлган Ёқуб меhtar навкарлари билан Арк дарвозаларини бекитади. Бу ҳолат Хива хонлари шажараси китобида шундай берилган: "...Ёқуб меhtar дарвозахона устига чиқиб фарёд қилиб халойиқ бу келган ёвмутлар молларингизни талон-тарож этиб, шаҳрингизни хароб этмокчилар. Уларнинг ўзларини ўлдиришлар. Қалла келтирганга 10 тилло, тирик келтирганга 20 тилло берамиз деб чақираверди. Бу сўздан қувват топган халқ қўлларига қурол олиб, ёвмутларни ўлдира бошладилар. Учаклардан туриб, милтиқ билан отдилар. тош билан урдилар. Қилич, болталар ҳам ишга тушди. Бировлар учи найзали ҳассалари билан, ёвмутларни отни устидан уриб тушурса, яна бировлар бел, ёва билан шундай қилди. Ҳатто кампирлар ҳам қўлига қурол олиб, ёвмутларни ўлдира бошладилар.

Ёвмутлар қўлларида ялангоч қиличи билан ҳеч кимга тиф уришга ботина олмай "Оға Омон" сўздан бошқани айтаолмай шолдек қотиб қолган эдилар. Шаҳарнинг ҳамма кўчаси ўликларга тўлиб кетди. Қон ҳамма ердан оқиб кела бошлади. Отлар жасадлар устидан ўтар эди. Шоҳимардон дарвозасини ташқаридан ёвмутларга Сайид Назарбой очиб берди. Ичкарига

кирган ёвмутларни ўлдирди бошладилар. Ёвмутлар қайтиб қочиб кета бошладилар. Уларга қўшилиб Сайид Назар бой ҳам қочди”<sup>1</sup>.

Хоин Муҳаммад Ниёзни ҳам аянчли тақдир кутмоқда эди. У бир неча ўн ёвмутлар билан Арқда қамалиб қолган эди. Қўзғолончилар хон навкарларига кучли ҳамла қилиб, Арқда қамалиб қолган ёвмутларни ва Муҳаммад Ниёзни ўлдирдилар.

### 3.27. Хива хони Сайид Муҳаммадхон.

Мамлакат уламоларининг сардори Ёқуб меҳтарнинг таклифи билан 1856 йил 12 феврал кuni Хива тахтига 33 ёшли Сайид Муҳаммад хон тўрани таклиф этадилар. Сайид Муҳаммадхон Оллақулихоннинг ўгли эди. У саройда Амирал Умаро олий лавозимини таъсис этиб, бу лавозимга оғаси Сайид Махмудни тайинлади. Бу лавозим саройдаги энг юқори лавозим бўлиб, хошликнинг ҳарбий ишлари ва мудофаа ишлари унинг қўлида эди. Ойлек маош йилига 500 тилло қилиб белгиланган эди. Сайид Муҳаммадхон ёвмутларга қарши халқ қўзғолонини ташкил этиб, унинг тахтга ўтиришига сабабчи бўлган Ёқуб меҳтарни қатл қилдиради. Бунга сабаб, Муҳаммад Аминхон ҳалокатидан кейин Ёқуб меҳтар хон авлоди қолиб, тахтга иноқлардан Абдулла хонни таклиф этганлиги бўлди. Бу ишдан ўша даврда ўта норози бўлган Сайид Муҳаммад номардларча иш тутиб кекса, ўта обрўли одамнинг қонини тўқди. Бу билан чекланмасдан Ёқуб меҳтарнинг Ҳазораспдаги ҳоким инисини ва бир қанча яқин қариндошларини ҳам ўлдиртирди.

Сайид Муҳаммадхон ҳукмронлиги йилларида ҳам мамлакатда ички низолар тинчимади. Ёвмутлар яна бош кўтардилар. Уларни бостириш учун юборилган Жамшид қабилаларидан тузилган қўшин хондан норози бўлиб, ўз юртларига кўчиб кетдилар. Сайид Муҳаммадхон бундай шароитда ёвмутларни тинчиттиш учун янги усул қўллади. Яъни уларга сув беришни чеклаш сиёсатига ўтди ва бу усул билан уларни итоатда тутиб туришга эришади.

<sup>1</sup> Уна жойда, 68-69 бетлар.

Саййид Муҳаммадхон даврида пойтахт Хива янада ободонлашади. Арк қайта таъмирланади. Хоннинг Нуруллабойдаги янги саройига асос солинади. Сайид Муҳаммадхон даврида Россия билан савдо муносабатлари йўлга кўйилади. 1858 йил июлида Россиядан полковник Н.П.Игнатъев бошлиқ делегация Амударё орқали Хива хонлигига келиб, хон қабулида бўлдилар. Игнатъев бошлиқ бу делегация таркибида фаннинг турли соҳасида ижод қилаётган олимлар бўлиб, улар Амударё ва Хоразм воҳасини табиатини, иқлимини, географик тузилишини, тупроқ таркибини ва халқлари улар одамларини ўргандилар. Хон улар орқали Россия ҳукумати билан савдо-сотиқ, дипломатик ва савдо алоқалари ҳақида ҳужжатга имзо чекади ва ўз навбатида рус кемаларини берухсат Амударёда сузиб юришларига розилик билдиради. Саййид Муҳаммадхон 43 ёшида огир касалликдан вафот этади. Унинг хонлик даври 8 йилу 8 ой бўлган эди.

### **3.29. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II Соний Феруз йирик давлат арбоби.**

Саййид Муҳаммадхоннинг еттита ўғли бўлиб, улардан катта ўғли Саййид Муҳаммад Раҳимхонни Хива тахтига ўтказдилар. Тарихда йирик давлат арбоби ва Феруз тахаллуси билан шеърлар битган Муҳаммад Раҳимхон II Хива хонлигини 47 йилдан зиёд бошқаради. Муҳаммад Раҳимхон II 1845 йилда Хива шаҳрида таваллуд топган. Болалигидан дунёвий ва диний илмлардан етук сабоқ олган. Ўз замонасининг ҳар томонлама юксак тарбиясини олган ёрқин шахслардан бири бўлган. У 19 ёшида Хива хонлиги тахтига ўтириб 1910 йилгача бошқарган. Шундан 10 йил хонликни мустақил идора қилган.

У ҳукмронлик қилган йилларда хонликда осойишталик ҳукм суриб, адабиёт ва санъат анча ривожланган. Феруз тахаллуси билан ғазаллар ёзган. Унинг ғазалларида инсонпарварлик, адолат ва ҳақиқий муҳаббат ғоялари акс этган. Муҳаммад Раҳимхон II Феруздан бизгача унинг 2та ғазаллар тўплами етиб келган. Муҳаммад Раҳимхон Соний (у ўзига Соний тахаллусини ҳам олган) ўзининг кўп йиллик ҳукмронлиги йилларида, хонликда



илм-маърифатига ва унинг аҳлига ҳар томонлама ғамхўрлик қилган. Саройда хон шоир ва уламолар билан тез-тез суҳбатда бўлган. Тонготар адабий мушоиралар бўлган. Феруз ҳукмронлиги даврида ўзбек классик адабиётининг етук вакилларидан Мунис, Хоразмий ва Огаҳийларнинг баракали ижод қилганликлари фикримиз далилидир.

**Феруз ким шаҳаншоҳ доно эрур,  
Фазилатда суҳандон эрур.  
Ёзиб неча тўртлик баётлар,  
Битиб неча хил ашъорлар.<sup>1</sup>**

Адолатли ва маърифатпарвар ҳукмдор бўлган Феруз ўзининг хонлик йилларида шоиру адиб, тарихшуносу мусиқашуноларни тўплаган, уларга ҳар томонлама ҳомийлик қилган. Хон саройида ҳафтада икки марта ғазалхонлик, шеърхонлик, мусиқaxonлик кечалари ўтказилган. Бу ҳақда тарихчи Баёний шундай деб ёзади: “Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун, жума ва душанба окшомларида уламо билан суҳбат тузиб, китобхонлик эттирур эрдилар”. Бу ажойиб ижодий кечаларда Ферузнинг ўзи ҳам фаол иштирок этиб, шеърлар ўқиган, ҳатто кўшиқлар куйлаган, мусиқалар ёзган. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик, Ҳ.Сулаймонов номидаги кўлёмалар институтлари Москва, Санкт-Петербург ҳамда Буюк Британия, “Туркия каби мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланаётган Ғазалиётгий Феруз”, “Баёзий Феруз” асарлари юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Муҳаммад Раҳимхон II жонкуяр ҳомий эди. Унинг ҳомийлигида ва маслаҳати асосида қисқа вақт ичида Огаҳийнинг “Таъвиз-ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) майдонга келди. Шунингдек устоз Огаҳийдан намуна олган хоразмлик шоирларнинг қисқа вақт ичида куйидаги девонлари ташкил топдилар: “Хафт шуаро”, “Баёзи газалиёт”, “Баёзи муҳаммасат”, “Баёзи мусаддасат” ва бошқалар. Бундан ташқари шахсан Ферузнинг ташаббуси ва хоҳиши билан шоир Аҳмаджон Табибий

<sup>1</sup> Ўша жойда, 87-бет.

“Мажмуот уш шуарои Феруз шоҳи”, “Муҳаммасини майравий Феруз шоҳий”, таскираларини тузади. Бу мажмуалар Феруз хонлик қилган даврида яратилган бўлиб, ўша давр адабий мухитини ўрганишда қимматли манбалардан ҳисобланади. Табибий томонидан тузилган мажмуаларда эса ўша даврдаги 33 та шоирнинг 100 та ғазал ҳамда муҳаммаслари ўрин олган. Ушбу мажмуаларда ҳар бир шоирнинг ижодий намуналари берилишидан олдин, шоирнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар берилган. Хоразмлик тарихчи Баёний ўзининг “Шажараи Хоразмшоҳий” номли асарида Аҳмадгон Табибий томонидан тузилган “Мажмуа” нинг майдонга келиши ва унинг тузилиши ҳақида тўхталиб қуйидагиларни ёзади: “Хон ҳазратлари шеърга кўп завқ қилдилар ва ўзлари ҳам бундан “Феруз” таҳаллуси бирла шеър айтур эрдилар. Сўнроқ шеърга кучроқ хирс бўлдилар. Ҳар кишининг шеър айтмоққа қобилияти бўлса, даргоҳи олийга олиб борар эдилар, шоирларнинг адади ҳам беш қирққа ёвуқ берди.

Али маҳрамнинг Аҳмад отлиқ бир ўғли бор эрди. Ул ҳам “Табибий” таҳаллуси бирла шеър айтмоққа бошлади. Хон ҳазратлари ўз ғазалларидан юз ғазални бериб буюрдилар, бунга машравлик айтиб ғазал битинглар. Ҳар бири онга машравлик айтиб битдилар. Хон ҳазратлари Табибийга амр этдилар, токим ул ғазалларни маснавий заминиде жам қилиб, бир китоб этгай. Табибий фармон можиб ила амал қилиб, тамом этиб, ул китобга “Мажмуот уш шуаро” деб от қўйилди”.<sup>1</sup>

Феруз ҳукмронлик қилган даврда хонликда Марказий ҳокимият анча мустаҳкамланиб, мамлакатда иктисодий жонланиш рўй берди. Бу эса хонликда аҳоли фаровонлигининг ўсишига ва илм фан, маданият, адабиёт ва маърифатнинг ҳийла ривожланнишига олиб келди. Хивада тош босма ташкил этилиб, унда Феруз фармонига мувофиқ Алишер Навоийнинг “Чор девон” ва бошқа асарлари асарлари чоп этилди. Мунис, Оғаҳий, Комил, Баёний, Мирзо, Роғиб, Аваз Ўтар, Девоний, Ниёзий, Чокар каби шоирларнинг асарлари ҳам кўп нусхада нашр этилди.

Феруз ҳукмронлик қилган йилларда меъморчилик, мусиқа, хаттотлик, наққошлик, таржимашунослик каби бир қатор санъат

<sup>1</sup> Ўша жойда, 88-бет.

турлари ривожланди. Халқ турмуши тарзига гармон, граммафон, фотография, кино ва электр каби янгиликлар кириб келди. Тарих, тиббиёт, бадиий адабиёт ва мусикага доир кўплаган қўлёзма манбалар қайта тикланди ҳамда янгидан-янги асарлар вужудга келди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Феруз лирик шоир бўлиши билан бирга, кучли мусикашунос ҳам эди. Шоир Комилнинг ташвиқи билан Хоразм шошмақомини мукамал ўрганган ва Наво, Сегоҳ, Дугоҳ мақомларига боғлаб куйлар яратган эди.

Огаҳий ўзининг тарихий асарларида Муҳаммад Раҳимхон Соний даврида чўллардаги кудукларни тозалашга, ариқлар қозиш, воҳани сув билан таъминлаш ишларига катта аҳамият берган.

Фуқаропарвар ҳукмдор бўлган Феруз ўз халқининг моддий аҳволини яхшилаш йўлида жон куйдирган. Адолатли шоҳ, зукко шоир, маърифатпарвар арбоб, уста мусикашунос, адабий ва мусиқий муҳитнинг жонкуяр ҳомийси сифатида Муҳаммад Раҳимхон Соний Хоразм тарихида муҳим ўринни эгаллайди.

### ***ХИВА ХОНЛАРИ ШАЖАРАСИ***

Мавжуд маълумотларга кўра, Хива хонлиги 1512 йилда ташкил топган. Ушбу йилда Шайбонийхонлардан ажралиб чиққан ўзбекларнинг бир гуруҳи Элбарсхон бошчилигида мустақил Хоразм хонлигини ташкил қилди. Дастлаб Хива хонлигининг пойтахти Вазир, кейинчалик Урганч ва Хива шаҳарлари бўлган.

1512-1538 й. Хоразмда ўзбеклар сулоласининг асосчиси Элбарсхон хонлик қилган.

1538-1556 й. Аванишхон ҳукмронлиги. Хива шаҳри - хонлиқнинг пойтахти, деб расмий равишда эълон қилинган.

1557-1558 й. Дўстхон Бучрахон ўғли; Окатоёхон Аминакхон ўғли; Юнусхон Сўфиёхон ўғли.

1558-1602 й. Ҳожи Муҳаммадхон (Ҳожимхон) Октой ўғли хон бўлган.

1603-1623 й. Араб Муҳаммадхон Ҳожимхон ўгли ҳукмронлиги. Фарзандлари томонидан азоблаб ўлдирилган. 1623-1642 й. Исфандиёрхон Араб Муҳаммадхон ўгли хонлик қилган.

1643-1663 й. Абдулғозий Баҳодурхон Араб Муҳаммадхон ўгли ҳукмронлиги.

1663-1684 й, Анушахон Абулғозихон ўгли ҳукмронлиги. 1684-1689 йй. Худойдодхон Абулғозихон ҳукмронлиги, ўгли хонлик қилган. Ўз иниси Арангхон томонидан ўлдирилган.

1689-1895 й. Арангхон Анушахон ўгли хонлик қилган.

1695-1698 й. Жўжихон ҳукмронлиги.

1698-1699 й. Валихон ҳукмронлиги.

1699- 1702 й- Шохниёзхон Жўжихон ўгли ҳукмронлиги.

йй. Шобатхон Шохниёзхон ўгли ҳукмронлиги.

1703-1705 й. Саид Алихон ҳукмронлиги.

1706 й. Мусахон Жўжихон ўгли тахтга ўтирди. Бир йилга сўмасдан ўлдирилган.

1706-1713 й. Ёдгорхон ҳукмронлиги

1713-1726 й. Шерғозийхон ҳукмронлиги. У қуллар томонидан тошбўрон этиб ўлдирилган.

1727 й. Абулхайрхоннинг кичик укаси Сорий Айғир хон тахтга ўтирган ва шу куниёқ отдан “йиқилиб” ўлган.

1727 й. Абулхайрхоннинг яна бир иниси Баҳодирхон 6-ой хонлик қилган ва тахтни ташлаб қочган.

1727-1738 й. Элбарсхон Шохниёзхон ўгли ҳукмронлиги Эрон шоҳи Нодир шоҳ томонидан қатл этилган.

1738-1739й. Абулхайрхоннинг иниси Нур Али тахтга ўтирган. У ҳам эронийлар томонидан ўлдирилган.

1745 й. Абулғози Соний (иккинчи) ҳукмронлиги. Қозоқ бийлари томонидан ўлдирилган.

1745-1755 й. Ғойибхон Баҳодир ўгли ҳукмронлиги.

1755 й. Абдулла исмли Қорабийхон тахтга ўтирган ва эртаси куниёқ ҳайдаб юборилган.

1755-1762 й. Темир Ғозий Муҳаммад Рейим Султон ҳукмронлиги. Сарой амалдорлари томонидан ўлдирилган.

1762-1764 й. Худайдод исмли Тавкахон хонлик қилган.

1764-1768 й. Шогозийхон Абдулғозийхон ўгли ҳукмронлиги.

1768-1770 й. Муҳаммад Рейим Султон ҳукмронлиги.

1770-1772 й. Нуралихон Ғорак Султон ўғли хукмронлиги  
1772-1773 й. Жаҳонгирхон Ғойибхон ўғли хукмронлиги.  
Тахтдан ҳайдаб юборилган.

1774 й. Бўлакайхон Нуралихон ўғли бир неча кун хонлик қилган ва сирли равишда “вафот” этган.

1774-1780 й. Оқимхон Одилсултон ўғли хонлик даври.

1781 й. Абдул Азиз Ғойибхон ўғли. Бир ойга етар-етмас тахтдан ағдарилган.

1781-1785й. Абдуллахон хукмронлиги. Сарой амалдорлари томонидан қатл этилган.

1785 й. Ортик Ғозихон бир неча ҳафта хонлик қилган ва сўнгра ҳайдаб юборилган.

1786-1790 й. Ёдгорбекхон (Қорақалпоқ тўраларидан) хукмронлиги.

1790 й. Пўлат Ғозийхон ҳам бир неча ҳафта хонлик қилган ва сўнгра тахтдан ҳайдалган.

1791й. Абулфайзхон Ғойибхон ўғли тахтга ўтирган ва кўп ўтмай чечак касалидан вафот этган.

1791-1802 й. Абулғози (IV) Абдуллахон ўғли хукмронлиги.

1802-1805 й. Абулғози (V) Ёдгорхон ўғли хукмронлиги.

1805-1807 й. Элгузархон Аваз Иноқ ўғли (Кўнғирот ўзбеклари сулоласининг биринчи вакили). Дарёга ғарқ бўлиб ўлган.

1807-1826 й. Муҳаммад Раҳимхон I хукмронлиги.

1826-1843 й. Оллақулихон Муҳаммад Раҳимхон II ўғли хукмронлиги.

1843-1845 й. Райимқулихон Оллақулихон ўғли хукмронлиги.

1845-1855 й. Муҳаммад Аминхон Оллақулихон ўғли хукмронлиги. Туркман қабилалари билан Сарахс шаҳри ёнидаги жангда ҳалок бўлган.

1855 й. Абдуллахон Қутлимурод Иноқ ўғли ҳам ярим йил хонлик қилмасдан туркманлар томонидан қатл этилган.

1855 й. Қутлимуродхон Ибодулла бей ўғли. Ярим йил хонлик қилгач, ўз тоғаси Матниёз бей томонидан қатл этилган.

1855-1864 й. Саид Муҳаммад Раҳимхон ўғли хукмронлиги.

1864-1910 й. Бобожон Тўра Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) хукмронлиги.

1910-1918 й. Исфандиёрхон Муҳаммад Раҳимхон II ўғли Ёвмут туркманлари томонидан қатл этилган.

1918-1920 й. Хиванинг сўнги хони Саид Абдуллахон ҳукмронлиги. У 1920 йил 1 февралда қамоққа олинган ва шу йили 12 июлда сургун қилинган. Аввало Москва, сўнгра Украина қамоқхоналарида сақланган. 1934 йилда қамоқдан озод қилинган ва Тошкент шаҳрида вафот этган.

Биз юқоридаги саҳифаларда Хоразм ҳукмдорлари рўйхатинигина ҳавола этдик, холос. Аммо шуниси маълумки, Хоразм ҳукмдорларининг аксарияти ўз даврининг юксак маданиятли, саводхон, зиёлари бўлиб, ўз мамлакати ободонлиги учун, ўз халқининг турмуш фаровонлиги учун жон куйдирганлар. Она юрглирида фан-маданият ривожини учун ҳомийлик қилганлар.

---

## **IV ҚИСМ. ХОРАЗМНИНГ МАШҲУР КИШИЛАРИ. I-БЎЛИМ. ЎТГАН АСРЛАРДА ЯШАБ ИЖОД ҚИЛГАН МАШҲУР ХОРАЗМЛИКЛАР**

Инсониятнинг кўҳна маконларидан бири бўлган Хоразм ўзининг узоқ асрлик тарихида ўз бағрида не - не буюк фарзандларини ва не - не машҳур хоразмликларни тарбиялаб етиштирган. Китобимизнинг IV қисмида биз Хоразм тупроғида туғилиб ўсган, тарбияланган, фаолият кўрсатган машҳур хоразмликлар ҳақида сўз юритамиз.

### **1-боб. 4.1.1. Абу Ҳасан ибн Ирок ас Санжари (туғилган йили ноъмалум 1143 йилда вафот этган).**

У Гурганж яқинидаги Мозона қишлоғида туғилган. Саводини ўз қишлоғида чиқаргач, Гурганж мадрасаларидан бирида таълим олади. Анча вақт Бухорода яшайди. Сўнгра Гурганжга қайтади. У бир неча илмий асарлар муаллифи. Бизгача унинг битта-“Шамарих ад-дурар фи тафсир ал Куръон” (“Куръоннинг изоҳларидаги умумий марваридлар”) асари етиб келган.

### **4.1.2. Абу Ҳасан ибн Абу Али ибн Мунтажаб Али ибн Муҳаммад ибн Арслон ибн Муҳаммад ал Хоразмий (Хоразмшоҳ Отсизнинг Марв устига юришида 1141 йилда ўлдирилган).**

Хоразмнинг кўзга кўринган шоирларидан бўлган. У “Хоразм тарихи” асарини ёзган.

### **4.1.3. Муҳаммад ибн Нажиб Баҳрон.**

Хоразмшоҳлар давлатининг буюк сиймоларидан бири Муҳаммад ибн Нажиб Баҳрон - ўз даврининг кўзга кўринган географ олими эди. У Хоразмшоҳлар саройида хизмат қилган. Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад талаби билан жаҳон харитасини тузган ва унга “Жаҳоннома” деб аталган шарҳлар ёзган.

### **4.1.4. Ал Ҳаким Али ибн Муҳаммад ал Хи Жозий ал Коиний (туғилган йили ноъмалум, 1151 йилда 90 ёшида вафот этган).**

Хоразмшоҳлар давлатининг табибларидан бири. У тиббиёт соҳасига оид ўнлаган асарлар ёзган. Улардан иккитасини Султон Санжарга атаб ёзган. “Китоб мавохир ал-атрак” (“Туркларнинг эътиборли хусусиятлари тўғрисида китоб”) ва адолатли Хоразмшоҳ Аловуддин Отсизга бағишлаб “Китоб мафохир ал-атрак” (“Донолик ҳақида китоб”) асарлари бизгача етиб келган. Ал Коиний форс файласуфи ва шоири Умар Хаёмнинг шогирдларидан бири бўлган.

### **4.1.5. Баҳовуддин Абу Муҳаммад Абдужаббор ибн Абдалжаббор ибн Муҳаммад Собит ал Харокий.**

Хоразмшоҳлар давлатининг кўзга кўринган арбобларидан бири. Хоразмшоҳ Отсизнинг ҳурматини қозонганлардан. Ўзининг ўта юксак қобилияти ва нотиклик санъати билан Хоразм ҳукмдорларининг обрў-эътиборига сазовор бўлган. У Марвнинг энг доноларидан бири. Фалакиёт ва мантик бўйича асарлар ёзган. Шунингдек, тарихга доир ҳам асарлари ҳам маълум. 1141 йилда Хоразмшоҳ Отсизнинг кўрсатмаси билан у Хоразмга кўчирилади ва саройда хизмат қилади.



#### **4.1.6. Абу Мафохир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал Умарӣ ал Хотиб ал Бухорӣ ал Хоразмшохӣ.**

Хоразмшохлар саройида котиб лавозимида хизмат қилган. Ноёб қобилияти ва катта хизматлари билан Хоразмшохнинг эътиборига сазовор бўлган. Улуғ ва олий амир имом унвонлари билан тақдирланган. У ўз даврининг бетакрор билимдони ва нотикларидан бири.

#### **4.1.7. Рашидиддин Муҳаммад ал Умарӣ (1114-1182).**

Ўша даврнинг кўзга кўринган шоирларидан бири Ватвот тахаллуси билан ном чиқарган, Рашидиддин Муҳаммад ал Умарӣ (1114-1182) бўлган. Унинг Ватвот дейилишига сабаби паст бўйли, кал бўлганлигидадир. Муҳаммад ал Умарӣ Гурганж мадрасаларида ўз билимини ошириб замонасининг етук шоири ва ёзувчиси даражасига эришади ва учта Хоразмшохлар - Отсиз, Эл Арслон, Такашлар ҳукмронлиги йилларида саройда девонбеги вазифасида ишлаган. Ўз асарларида Хоразм давлатини ва Хоразмшохларни улуғлайди. Рашидиддин ал Умарӣ ўзининг “Ҳадоӣқ ас-сеҳр фи лақоӣқ, аш шеърӣ” (“Сеҳр боғлари ва шеър нозиклари”) тўпламини Хоразмшох Отсизга бағишлаган. Унинг “Ар Расоӣл номалар” номли асари катта аҳамиятга эгадир. Ушбу асар икки қисмдан иборат. Рашидиддин ал Умарӣнинг асарлари Хоразмшохлар ҳукмронлиги даврининг тарихий ҳужжати сифатида бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

#### **4.1.8. Камолиддин Исмоил (1172-1232).**

Камолиддин Исмоил — Хоразмшохлар даврининг атоқли адибларидан. У Гурганж мадрасаларида билим олган. Араб ва форс тилларини мукамал билган. Камолиддиннинг отаси каби шофӣя мазҳабида бўлиб, тариқатга кирган сўфӣй эди.

Камолиддин болалик чоғларидан шеър ёза бошлайди. Ўш ширма ёшида отасининг ўлимига бағишланган машхур марсиясини ёзди. Унинг овозаси саройга етади ва Хоразмшоҳ Такаш уни хизматга чақиради. Камолиддин Исмоил Хоразмшоҳлар - Такаш, Аловуддин Муҳаммад, Жалолиддин Мангуберди, Гиёсиддин Пиршоҳларга, шунингдек Форс отабеги Саъд ибн Зангий ва унинг ўғли Абу Бақрга атаб қасидалар ёзган.

Кейинчалик Камолиддин машхур шайх - авлиё Шаҳобиддин Умар ибн Муҳаммад Сухравардийнинг таъсирида тасаввуфий шеърлар ёзди. Ўз шеърларида гўзал маъноларни очгани учун “Ҳиллоқий маоний” (“маънолар яратувчи ижодкор”) лақабини олган.

У ўз мамлакати ва халқига садоқатли сифатида ўз тақдирини ўз ҳукмдори Жалолиддин Мангуберди билан боғлаган. У билан Хоразмни тарк этиб, мўғулларга қарши унинг қаҳрамонона курашида ҳамроҳлик қилган. Жалолиддиннинг ҳалокатидан сўнг (1231) у тузган давлат пойтахти Исфажонда муқим бўлиб қолади. Мўғул босқинчилари 1237 йил декабрда Исфажонга бостириб борганларида, ҳазина излаб юрган очкўз мўғул жангчиси томонидан оғир ярадор қилинади ва у сўнгги рубойисини ўз қони билан ёзади.

#### **4.1.9. Абу Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад ибн Марван ал Умроний ал Хоразмий (1164 йил вафот этган).**

Хоразмнинг кўзга кўринган шоирларидан. У бир вақтлар Хоразмнинг буюк ашумаси Маҳмуд ибн Умар аз Замахшарийга одоб ва эътиқод илмидан сабоқ берган. Унинг ғазал ва қасидалари эл орасида кенг тарқалган.

#### **4.1.10. Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн ал Аббос ибн Арслон ал Аббосий ал Хоразмий.**

Хоразмнинг кўзга кўринган диний арбоблари ва тарихчиларидан бири. У “Ал-Кафи фи-л-фикҳ” (“Эътиқод

қоидалари”) ва “Тарихи Хоразм” (“Хоразм тарихи”) асарларининг муаллифидир.

#### **4.1.11. Зайниддин Муҳаммад ибн Абул Қосим ал Бакқолий ал Хоразмий (1166 йилда вафот этган).**

Ўз даврининг етук таржимонларидан бўлган. У “Тарожим ал-а-аджим” (“Қуръонга лугат”) асарини ёзган.

#### **4.1.12. Абу Карам Абдусалом ибн Муҳаммад ибн Абул Хасан ал Хижжи ал Фирдавси ал Хоразмий ал Андарастаний.**

У ўз даврининг етук саводхонларидан бири бўлган. Гурганж яқибидаги Андарастан қишлоғида тугилган. 1142 йилда Хадислар тўпламини яратган ва биографик лугат тузган.

#### **4.1.13. Муайянаддин Маҳмуд ибн Умар ибн Халидаддин Муҳаммад ибн Умар ал Хоразмий.**

Ўз даврининг йирик фалакиёт соҳасидаги алломалардан бири. Унинг “ал-Мулаххас фи-л-хайа” (“Фалакиётнинг моҳияти”) асари бизга маълумдир.

#### **4.1.14. Аловуддин Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Маҳмуд ат Таржимон.**

Ўз замонасининг кўзга кўринган дин арбоби ва шоирларидан. Буюк аллома Маҳмуд аз Замахшарийнинг барча асарларини қайта тайёрлаган. 1247 йилда Гурганжда вафот этган.

#### **4.1.15. Абу Муаййид ал-Муваффақ ибн Аҳмад ал Макки (1172 йилда вафот этган).**

Хоразмнинг эътиборли кишиларидан бўлган. Катта обрў-эътиборига сазавор киши бўлган. Уни ўз даврида Ахтаб Хваразм (Хоразмнинг энг гапга чечан нотиғи), Садр ал-аимма (“имомлар пири”) деб атаганлар.

#### **4.1.16. Абу Мадар ад Дабби ал Хоразмий.**

Хоразм фанининг буюк арбобларидан бири бўлган. Уни ўз даврининг “Маҳшур кулл фанн ал устоз ал-фадил фарид ал аср” (“Фаннинг барча соҳаларида ўта машҳур , саҳий қалб, устоз, ўз даврининг ягона улуғи”) деб атаганлар.

#### **4.1.17. Малик Нусратаддин Хамза ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Хамза ан Насавий.**

Хоразмнинг Наса вилоятининг ҳокими бўлган. У араб ва форс тилларини мукамал билган. Бу тилларда ёзилган айрим асарларни ёддан билган. У ўта уста мунажжим бўлган. Унинг юлдузларга қараб қилган башоратлари кўпчилиги тўғри чиққан. У ўзининг Хоразмда қанча давр яшаган юлдузларга қараб аниқлаганда 19 йил бўлиб чиққан. Амалда ҳам у Хоразмда 19 йил яшаган.

#### **4.1.18. Тўрабек хоним.**

Гурганж ҳокими Қутлуғ Темурнинг (1321-1350) хотини ва Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг (1312-1342) қизи. Ўзининг ақл-заковати, айёрлиги ва тadbиркорлиги билан ном қолдирган. Ривоятларга қараганда Тўрабекхонимнинг топширигига билан катта мақбара қурган уста Қул Гардон хизмати эвазига пул олишдан бош тортган ва маликага муҳаббатини изҳор қилган. Малика эса: “Агар бинонинг тоmidан ўзингни ташласанг, муҳаббатингнинг чинлигига ишонаман”, деб шарт қўйган. Чин

муҳаббат ўтида ёнган уста ўйлаб - нетмасдан томдан ўзини отган ва ҳалок бўлган. Мазкур мақбаранинг қурилиши ҳақида Шайх Шароф тўғрисида ҳам афсона мавжуд.

#### **4.1.19. Сирожиддин Ёқуб ас Саккокий ас садр ал аллома (“билимдорларнинг сардори”).**

Хоразмнинг кўзга кўринган олимларидан. Фаннинг кўп соҳаларида ижод қилган. Айниқса, фалакиёт соҳасида тенги йўқ эди. Кўпгина асарларининг муаллифи бўлган ушбу зот юлдузларнинг ҳаракат йўналишларига қараб келгусига башорат қилиб ва бу башоратлар амалда тўғри чиқар эди. У султон Аловуддин Муҳаммад ва унинг онаси Туркон хотин саройида жуда катта нуфузга эга бўлган.

#### **4.1.20. Мажаддин Муҳаммад ан Насавий.**

Хоразмшоҳ Аловоддин Муҳаммаднинг ҳукмронлик йилларида яшаб, ижод қилган. Унинг Султон Аловоддин Муҳаммаднинг ғолибона юришларига бағишланган форс тилида ёзилган “Шаҳаншоҳнома” шеърлар тўплами ва араб тилида ёзилган “Тарихи Хоразмшоҳий” асарлари бизга маълум.

#### **4.1.21. Маж ал Мугарризи ал Нахавий ал Хоразмий.**

Хоразмшоҳлар даври грамматикасининг етук билимдони. 1209 йилда вафот этган.

#### **4.1.22. Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ал Марвази ас Сомоний (1167 йилда вафот этган).**

Хоразмнинг қадимий шаҳри Марвда, зиёли оиласида туғилган. Кўп мамлакатларга сайёҳат қилган адиб ва тарихчи. Унинг бизгача “Нисб китоб ал-ансаб” луғати ҳамда “Зайл тарихи Бағдод”, “Марв шаҳрининг тарихи” китоблари етиб келган.

#### **4.1.23. Шамсиддин Муҳаммад ибн Қайс ар Розий.**

Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад саройига яқин олимлардан. Унинг маълум “ал Мужам фи маъсир ашар ал-алжами”, “Тиббиан луғат ат турки ала лисан Кангли” асарлари бор.

#### **4.1.24. Аловуддин Абу Фатх Муҳаммад ибн Абдул Ҳамид ал Асманди ас Самарқандий.**

Унинг асл келиб чиқиши Самарқанддан. Хоразмшоҳлар саройида хизмат қилган. 1095 йилда туғилган ва 1142 йилда вафот этган. Унинг “Мухталиф ар ривойа и интика хаср ал-масаил ва каср ал-далаил” асари бизга маълум.

#### **4.1.25. Қутб Хоразмий.**

Қутб Хоразмий XIV асрда яшаган Хоразм адабиётининг йирик намоёниси. У ўзининг “Хусрав ва Ширин” достони билан машҳурдир. Унинг “Хусрав ва Ширин” достони Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг (1312-1342) ўғли Тинибек ва унинг хотинига бағишланган бўлиб, 1330-1340 йилларда Сиғнок шаҳрида ёзилган. Қутб Хоразмийнинг ушбу асари Низомий Ганжавийнинг шу номидаги достонининг эркин таржимаси бўлибгина қолмасдан, балки кўпгина фазилатлари билан бир қаторда одил шоҳ ғоясини илгари суради.

#### **4.1.26. Ҳофиз Хоразмий.**

Ҳофиз Хоразмий- XIV аср охири XV аср бошларида Хоразм ва Эронда яшаб ижод этган. Унинг исми Абдулрахим бўлиб, Ҳофиз Хоразмий унинг адабий тахаллусидир. Бу шоирнинг кашф этилишида профессор Ҳ. Сулаймонов ва С. Хасановларнинг хизматлари ниҳоятда бекиёс бўлган. Улар Ҳиндистонга уюштирилган экспедицияси натижасида Ҳайдаробод шаҳридаги

Саларжанг музейи фондидан шоирнинг девонини топиб, унинг фото нусхасини олиб келадилар.

Маълум бўлишича, Ҳофиз Хоразмий умрининг бир қисмини Шерозда ўтказди. Унинг девони 586 саҳифа бўлиб, Шерозда тартиб берилган. Унинг девони 9 та қасида, таркибанд, таржеъбанд, мухаммас, марсия, ғазал, мустаъзод, қитъа, рубоий каби шеър шаклларида тартиб берилган. Ҳофиз Хоразмий девонида 18632 байт, яъни 37264 мисрадан иборат шеърларни ўз ичига олади. Унинг девонидаги шеърлардан ташкил топган.

#### **4.1.27. Ҳайдар Хоразмий.**

Ҳайдар Хоразмий XIV аср охири XV асрнинг бошларида Амир Темурнинг невараси Умаршайх Мирзонинг ўғли Искандар Мирзо хукмронлиги даврида Хоразмда яшаб ижод этган шоирдир. Унинг “Маҳзанул асрор” (“Сирлар хазинаси”) асари ахлоқий фалсафий дostonчиликнинг йирик намунаси ҳисобланади. Унда шоир Озарбайжон адабиётининг йирик вакили Низомий Ганжавийнинг ўзига устоз билиб, унинг шу номдаги дostonига жавоб сифатида яратган.

#### **4.1.28. Хоразмий (Абу Бақр Муҳаммад ибн ал-Аббос, 935, Хоразм-993 Нишопур).**

“Расоил” (“Рисолалар”) номли назмий асар қолдирган хоразмлик аллома. Хоразмдан 20-25 ёшларида кетиб, Ироқ, Шом, Ҳалаб, Шероз, Бухоро, Исфохон, Нишопурда яшаган ва ўз даврининг кўплаб олимлари билан таниш бўлган. Шогирди ва яқин дўсти бўлган Абу Мансур ас-Саолибий ўзининг “Йатимат ад-даҳр фи-маҳосин аҳл-ал-аср” (“Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси”) асарида устози ҳақидаги қуйидагиларни ифтихор билан ёзган: “У замонасининг энг доноси, адаб денгизи, наср ва назмнинг туғи, фазл ва идрок олимидир.

#### **4.1.29-боб. Хоразмий (Абулхайр ибн Сивор ибн Баҳром ал-Ҳаммор, 942 й, Бағдод-1018 й , Ғазна).**

Маъмун академияси аъзоси, табиб ва олим. “Мақола фиримтихон ил ат-тиб” (“Табиблар билимини синаш”), “Одам аъзоларининг тузилиши”, “Тутканоқ кассаллиги ҳақида”, “Кекса одамларнинг овқати” каби китоблар ёзган.

#### **4.1.30. Хоразмий (Абулҳаким Муҳаммад ибн Абдумалик ас-Солих, X-XI асрлар).**

Маъмун академиясининг машҳур кимёгар олими. 1017 йилда Султон Маҳмуднинг буйруғи билан кўпгина олимлар қаторида Ғазнага олиб кетилган. 1034 йилда “Айн ас-санъат ва ави ас-санъат” (“Санъатнинг моҳияти ва унинг ёрдами”) асарини ёзган. Ҳаёти ва мероси ҳақида маълумотлар тўла аниқланмаган.

#### **4.1.31. Хоразмий (Абулқосим Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Адиби, вафоти 1165).**

Хоразмшоҳ-Ануштегинлар давлатида катта ҳурмат қозонган шоир ва мутафаккир. Ҳаёти ва мероси кам ўрганилган.

#### **4.1.32. Хоразмий (Адиб Музаффариддин ал-Муборак ибн Муҳаммад ибн Сухроб ал-Қиётӣй, XII аср).**

Хоразмшоҳ Отсиз даврида фаолият кўрсатган олим. Ижоди ҳақида ибн ал Фуватӣй ва З. М. Буниятов қисман маълумотлар беришган.

#### **4.1.33. Хоразмий (Албиддин Ойтуғди, XIVаср).**

Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг (1312-1342) Миср давлатига юборган элчиси. Фаолияти ҳақида маълумотлар кам ўрганилган.



#### **4.1.34. Хоразмий (Али Шох Муҳаммад ибн Қосим, 1226-1300).**

Машхур астроном ва математик Насриддин Тусийнинг шогирди. 1264 йил 23 июлдан бошлаб Марказий Осиё осмонида 85 кун чарақлаб турган кометани кузатган ва у ҳақда маълумотлар ёзиб қолдирган. Эрон ҳукмдори Хулагид Илхон Арғун (1284-1291) даврида “Ашнар ва асмар” (“Шоҳлар ва мевалар”), “Зижи умдат” (“Таянч жадвали, 1296”) номли асарлар ёзган.

#### **4.1.35. Хоразмий (Ал-Мажид ал Мунтазири ан Нахави, 1209 йилда вафот этган).**

Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад даврида фаолият кўрсатган йирик тилшунос олим. Ижоди ҳақида Ибн ал-Асир ва З. М. Буниятов маълумот берган.

#### **4.1.36. Хоразмий (Ал-Қосим ибн ал-Хусайн ибн Аҳмад Мажиддин ал-Хоразмий ан Нахавий).**

Ҳассос шоир, шарқшунос олим. Бухорода машхур шоир ва адиб Абул Фаттоҳ Носир ибн Абусаид ал-Мағрабийдан араб тили ва ислом таълимотини ўрганган. Ислом қонуншунослиги - фикҳ илмининг билимдони бўлганлиги сабабли “Садр ал-Афзоил”, яъни “Фозиллар сардори” деб тан олинган. “Лаҳжат аш-шорийа”, “Китоб ас-сир фи-л ихраб” (“Флекция сирлари ҳақид китоб”), “Китоб шарҳ ал-абнийя” (“Грамматик шакллар ўзгармаслигини шарҳловчи китоб”), “Китоб ал-заваййа ва-л-хабайя” (“Пучмоқлар ва махфий нарсалар ҳақида китоб”), “Китоб ал-муҳассил ли-л муҳсида” (“Ўрганиладиган нарсаларнинг ҳосиласи ҳақида китоб”), “Китоб ўжала ас-сафар фи-шеър” (“Шеърятга шошилич сафар ҳақида китоб”), “Китоб бадоҳ-ал-миях” (“Нодир фасоҳатли кишилар китоби”) номли асарлар ёзган. Машхур олимлардан Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг “Ал Муфассал” асарига бағишланган “Шарҳ ал-Муфассали аз-Замаҳшарий”, “Ас-

Сабик”, “Ат-Тажмир” номли 3 томлик китоб, Абу Наср ал-Утбийнинг “Тарих ал-йаминий” китобига бағишланган асарлар ёзган. Мўғуллар босқини вақтида жангда ҳалок бўлган. Обрўси ҳақида гувоҳлик берган машҳур сайёҳ Ёқут ал-Ҳамавий уни “Ўз даврининг яғонаси, ўша аср кишининг пешвоси, илм ул-маоний ва услуб эгаси, Шарку-Ғарбнинг фахри”,- деб атаган.

#### **4.1.37. Хоразмий (Аҳмад ибн Муҳаммад Мувафиқаддин Хатиб ал-Хоразмий ).**

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг шогирди, ислом қонуншунослиги билимдонларидан бири. Устозидан араб тилини яхши ўрганган. Ҳафтанинг жума ва диний байрам кунлари масжидларда хутбани юқори маҳорат билан ўқиган.

#### **4.1.38. Хоразмий (Жамолиддин Аҳмад, XIV аср).**

Амир Темур саройида хизмат қилган ҳофиз ва диншунос олим. Ибн Арабшоҳнинг “Темур тарихи” китобида у “Қуръонни кироатда ҳам, савтда ҳам тажвид билан ёд олган ҳофизлар” қаторида қайд этилади.

#### **4.1.39. Хоразмий (Қамолиддин Ҳусайн Маҳдуми. 1435 йилда вафот этган).**

Кубровия тариқатининг йирик намоёндаси. “Қашфи худо” номли асар ёзган. Кўп йил Самарқандда яшаган. Юртига кетаётган вақтида вафот этган. Хондамирнинг “Ҳабиб ус-суяр” асарида (4 жилд, 9 варақ) кўчманчи ўзбеклар томонидан 1426 йилда ўлдирилган деб маълумот берилган. Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида (157 б), шайх 1435 йилда вафот этган, деб ёзган. “Қашфи худо” асари Германияда сақланмоқда. Левин Дениснинг маълумотларига қараганда, асар инглиз тилига таржима қилинган.

#### **4.1.40. Хоразмий (Махмуд Мухрих, XIV аср).**

Амир Темур саройида хизмат қилган ҳофиз ва диншунос олим. Ибн Арабшоҳ “Темур тарихи” китобида: “Яна машхур қорилардан мавлоно Фаҳруддин, Куръонни қироатда ҳам, савтда ҳам тажвид билан ёд олган ҳофизлардан Абдулатиф Дамгоний, мавлоно Асаддудин, Шариф Ҳофиз ал-Ҳусайний, Махмуд Мухриқ ал-Хоразмий ва Жамолиддин Аҳмад ал-Хоразмий ҳамда мусика илмида устоз Абдулқодир ал-Мароғий бор эди”, деб ёзган.

#### **4.1.41. Хоразмий (Мужириддин Умар ибн Саъд, XII-XIII асрлар).**

Хоразмшоҳ - Ануштегинлар давлатининг йирик олими ва амалдори. Ўрта асрлар тарихчиси Ибн Бибининг гувоҳлигича: “Кўпгина фанлар соҳасида билими тан олинган ва ҳамма жойда маълум бўлган. Хоразм давлатининг энг буюк олими”. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг топшириғи билан араб ҳалифалиги пойтахти Бағдодга бир неча бор элчи сифатида бориб келган. Кейинчалик Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг топшириғи билан, Кония вилояти ҳокими ва Миср султони саройига элчи бўлиб борган. Кония султони Аълоиддин Кай-Қуббод I га юборилган номада “Сизнинг олдингизга “Ас-садр ал муҳаззам ал-аҳлам мутжаҳид қавам ал-мулк” (“Давлат таянчи, ишлар чўққисини юксак даражада эгаллаган жаҳонда буюк садр”) Мужир ад-Давла ва-д-дин Тохир Шараф ал-Ислом ва-л муслимни Ифтиҳори Хоразм ва Хуросон, давлатимизнинг энг мўътабар ва мустақкам таянчи, амалдорлар ичида энг улуғини, қалбларимиз ойнасидан шубҳа чангларини тозалаш ва ўртамизда дўстлик йўлини очиш учун юборяғимиз”, деган сўзлар битилганди эди.

#### **4.1.42. Хоразмий (Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Зокирхўжа ал-Ҳусайн ал-Хоразмий, XIX аср иккинчи ярми- XX аср бошлари).**

1882 йилда машхур табиб Муҳаммад Юсуф ал-Ҳаравийнинг “Жамий ал-фавойид” (“Фойдалар мажмуи” 1512) китобини ўзбек

тилига таржима қилган олим. Мазкур таржима нусхаси ЎзРФАШИ қўлёзмалар фондида сақланмоқда (инв № 8931). “Ҳофиз” тахаллуси билан шър ва ғазаллар ҳам ёзган.

#### **4.1.43. Хоразмий (Муҳаммад ибн Аҳмад, XIV аср).**

Мисрда яшаган хоразмлик олим. Тарихчи Жалолиддин Абдурахмон ас-Суйтийнинг (1344-1405) гувоҳлик беришича “Ўзининг теран билими билан Аҳмад ал-Хоразмий ўша даврда Мисрда катта обрўга эга бўлган.

#### **4.1.44. Хоразмий (Муъаййаниддин Абу Саъд Иброҳим ибн Фарис ибн Руста, XII аср).**

Хоразмшоҳ - Ануштегинлар давлатида катта хурмат қозонган шоир ва мутаффакир. Ижоди ҳақида ўрта аср олими Ибн ал-Фуватий ва шарқшунос З. М. Буниятов маълумот қолдирган.

#### **4.1.45. Хоразмий (Муқарабаддин Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Паҳлавон, вафоти 1228).**

Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммаднинг ишончли амалдорларидан бири. Султон Жалолиддин Мангубердиннинг буйруғи билан Аловиддин Муҳаммаднинг хотирасига Исфахонда мадраса қурилишига бошчилик қилган. Мадраса қурилишига ажратилган 30 минг динордан ташқари, Ироқ ҳокимига бинони тиклаш ва уни тилла билан жиҳозлаш учун кўшимча маблағ ажратиш буюрилган. Шаҳобиддин ан-Насавийнинг гувоҳлик беришича, мадрасанинг қурилишида Муқарабиддиннинг хизматлари катта бўлган.

#### **4.1.46. Хоразмий (Нўъмонуддин, XIV аср).**

Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг (1312-1342) хизматида бўлган гурганжлик шайх. Фалсафа, мантиқ, тиббиёт илмларидан яхши хабардор бўлган ва Сарой Беркадаги хон амалдорлари орасида

нуфузли ўринни эгаллаган. Аммо, Ибн Арабшоҳ (1189-1450) ўзининг “Темур тарихи” асарида Нўъмонуддин Хоразмийни Соҳибқирон олимлари орасида санаб: “Унинг кўзи ожиз эди ва мавлоно Абулмаликнинг амакиваччаси Ҳожи Абдуаввал - ўз амакисининг ўғлидан - кейин Мовароуннаҳрда илм аҳлига саркорлик қилди”, деб ёзилган.

#### **4.1.47. Хоразмий (Фаҳриддин ал-Афадил Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ибн Умар. 1155 йилда вафот этган).**

Хоразмшоҳлар давлатида катта ҳурмат қозонган шоир ва мутаффақир.

#### **4.1.48. Хоразмий (Хўжа Абдул Вафой, вафоти 1457).**

“Лавоҳи асрор”, “Наср ул-жавоҳир” каби асарлар муаллифи. Кубровия тариқатининг йирик намоёндаси. Рубойиларидан 146 таси Нажиб Мойил Ҳаравийнинг Техронда нашр қилинган “Дар шабистони ирфон” тўпламида босилган.

#### **4.1.49. Хоразмий (Хусайн ибн Хасан ал-Хоразмий, вафоти 1435).**

1412 йилда таниқли олим Қозизода Румий билан биргаликда Маҳмуд ал-Чағминийнинг “Ал-Муллаҳас фи-л-хайз” (“Қоинот ҳақида билимлар мажмуи”) номли асарига “Ал-Муллаҳас” номли шарҳ ёзган машҳур фалакиёшунос олим.

#### **4.1.50. Хоразмий (Хўжаддин Абдурахмон, XIV аср).**

Олтин Ўрда пойтахти Сарой Беркада тилмочлик қилиб, катта обрў орттирган хоразмлик арбоб.

#### 4.1.51. Сайфи Саройи-етук Хоразм адиби.

Мўгул босқинчилари гуллаб-яшнаётган Хоразмни вайронага айлантирдилар. Бироқ босқинчилар Хоразмийлар ирсиятидаги истеъдодни йўқота билмадилар. Тарихан қиска - юз йилларча - танаффусдан сўнг қадим Хоразмда яна янгитдан янги истеъдодлар етишиб чиқа бошладилар. Ана ўша истеъдодлардан бири шоир Сайфи Саройидир. Сайфи Саройи (1321-1396) Хоразмнинг Қамишли деган жойида, ҳунарманд оиласида туғилган. Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой Берка шаҳрида, Туркия ва Миср давлатларида яшаган. Сайфи Саройи араб, форс, турк тилларида ижод қилган. Ундан бугунги авлодга бир неча газал, қасида, рубоий, китълардан гашқари “Сухайл ва Гулдурсун” достони етиб келган. Сайфи Саройи таржимонлик билан ҳам шуғулланган. “Синдбоднома” ҳамда 1391 йили Саъдийнинг “Тулистон” асарини хоразмий тилига таржима қилган. Сайфи Саройи 1396 йилда Мисрда вафот этган.

Сайфи Саройи Мисрнинг Искандария шаҳрида яшаган пайтларида шаҳар ҳокимига бағишлаб 24 байтли қасида ёзади. Қасида бугунгача етиб келган. У XIV асрда яратилган хоразмий тилидаги қасиданинг илк намунаси дир.

Сайфи Саройи ижодининг шоҳ асари – “Сухайл ва Гулдурсун” достони. Достон лирик –эпик характерга эга. Ушбу асарда Амир Темур томонидан Урганч шаҳрининг қамал қилиниши воқеалари тасвирланган. Шаҳар ҳимоячилари жон-жаҳдлари билан “Она” шаҳарини ҳимоя қиладилар. Бироқ, кучлар тенг эмас эди. Натижада, Темур кўшини шаҳарни эгаллайди. Шаҳар ҳимоячиларидан кўпчилиги ўлдирилади. Улар орасида Сухайл деган йигит ҳам бор эди. У Темур аскарлари томонидан қўлга олиниб, зиндонга ташланади. Тасодифан уни Темурнинг қизи Гулдурсун кўриб, ошиқ бўлиб қолади. Гулдурсун Сухайлни зиндондан озод қилишга эришади ва бирга қочадилар. Уларнинг йўлида катта чўл бўлиб, Гулдурсун сувсизликка чидайолмай ётиб қолади. Сухайл узоқда кўринган қишлоққа бориб, сув ва нон олиб келгани кетганда, Гулдурсун вафот этади. Сухайл эса:

**“Менга яхши бу кун ёр бирла ўлмоқ,  
На лозим ғам билан дунёда қолмоқ”.**

деб ўзига пичоқ санчиб, ҳалок бўлади. Ушбу дoston мўғул босқинчиларининг Хоразм ерларини босиб олиб, вайрон қилганларидан кейинги адабиётимизнинг энг муҳим ёдгорликларидан бири бўлиб, ўша даврдаги хоразмий-туркий тилини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

#### **4.1.52-. Муҳаммаднийёз Нишотий ўрта асрлар Хоразм шоири.**

У ўз замонасининг етук билимдонларидан. Адабиёт, тарих, фикҳ соҳаларида чуқур илмга эга бўлган аллома. У бадиий ижод соҳасида шуғулланиш билан бир қаторда давлат ишларида ҳам фаол иштирок этган. Унинг бизгача етиб келган “Ҳусн ва Дил” достони диққатга сазавордир. Ушбу дostonда шоир инсоний муҳаббат, чинаккам дўстликни улуғлайди, ардоқлайди.

Ушбу дoston асосида ахлоқий, таълимий йўсиндаги дарсликлар вужудга келган. Жумладан XIX аср охири XX аср бошида яшаган кўқонлик маърифатпарвар шоир, муаллим Мирзо Хайрулло ўзи очган мактаблар учун Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” дostonидан ижодий фойдаланиб “Гулшанул хаёл” номли дарслик яратган.

#### **4.1.53. Роқим - маърифатпарвар шоир.**

Роқим (1742-1814) ўша давр Хоразмнинг маърифатпарвар шоири. Замондошлари Андалиб, Равнақ, Зийрак, Нишотий, Мунис каби забардаст шоирлар қаторида туриб, адолат ва ҳақиқат тантанаси учун курашган.

Роқим, шеърларидан маълум бўлишича, мактабда муаллимлик қилиб, талабаларга дарс ҳам берган.

Роқим устоз ва шогирдларнинг ўзаро муносабатларига тўхталаркан, кимки устозига ихлос қўйиб, уни ҳурмат-иззат

қилса, албатта у ўз мақсадига эришади, агар устозини таққир этса, у хору-зор бўлади, деган хулосага келади:

#### **4.1.54. Муҳаммад Солиҳ.**

XV аср охири, XVI аср бошларида яшаб ижод этган шоир. У 1455 йилда Хоразмда, Амир Нурсайидбек оиласида туғилган. Унинг отаси 1465 йилда Хуросон ҳокими томонидан подшо Хусайн Бойқарога садоқатсизликда айблаб ўлдирилган. Муҳаммад Солиҳ ўн ёшида отасидан етим қолади. У бир неча вақт Темурий ҳукмдорларга, жумладан отасини ўлдиртирган, Хуросон подшоҳи Хусайн Бойқарога хизмат қилишга мажбур бўлади. Бироқ, Муҳаммад Солиҳнинг ўз отасини ўлдиртирган қотилга адовати кучли эди. Шу сабабли, кейинчалик унинг хизматида кетади ва Султон Аҳмад Мирзонинг ўғли Султон Али Мирзонинг хизматида бўлади. Кейинчалик ундан ҳам айниб, 1499 йилда Мовароуннаҳрда янги ташкил топган ўзбек давлати ҳукмдори Шайбонийхон (1451-1510) хизматида бўлади ва унга Бухоро, Дабусия қалъаларини олишда жуда катта ёрдам беради. Хон миннатдорлик юзасидан унга Хоразмда кўпгина мулклар инъом қилган. Муҳаммад Солиҳ хон билан барча юришларда қатнашиб, кўрганларини ва эшитганларини бир жилдга жамлаб, ўзининг “Шайбонийнома” асарини ёзган ва хонга тақдим қилган.

Муҳаммад Солиҳ қисқа умр кўрган, 1506 йилда Бухоро шаҳрида вафот этган. У форс ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Муҳаммад Солиҳ ўзининг “Шайбонийнома” асарида ўша давр ҳаётини реал ифодаган.

#### **4.1.55. Андалиб Қорабозий (Нурмуҳаммад 1710-1770, Тошҳовуз беклиги, Илонли тумани, Қорамози қишлоғи).**

Ўз даврининг кўзга кўринган шоири, таржимони, Шарқ афсоналари ва ривоятлари асосида “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”, “Зайнул араб”, “Саид Ваққос”, “Саид Насавий”, “Ўғузнома” номли дostonлар ёзган.



“Мирзо Ҳамдам” достони ва XIV аср шоири Саид Имомиддин Насимийнинг шеърларини Хоразм тилига таржима қилган.

#### **4.1.56. Муҳаммад Юсуф Баёний (1858-1923). Етук хоразмлик тарихчи.**

Мунис ва Огаҳидан кейин тарихнавислик билан шуғулланган олим. Баёний айна пайтда истеъдодли шоир ва моҳир таржимон бўлган. У араб ва форс-тожик тилларини мукамал билган, шу тилларда бир қанча асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Баёний мусиқа санъати соҳасида ҳам алоҳида шуҳрат қозонган алломалардандир. Баёний тарихчи сифатида машхур икки асарни, яъни “Шажараи Хоразмшоҳий” ва “Хоразм тарихи” ни, ҳамда шоир сифатида шеърлар тўпламини ёзиб мерос қолдирган. Шунингдек, Баёний табобат илми билан машғул бўлганлигини тасдиқловчи айрим маълумотлар ҳам мавжуд.

Баёний машхур тарихчи, шоир, таржимон бўлиши билан бирга, жуда моҳир хаттот ҳам бўлган. У сулс, куфий, райҳоний, шикаста ва бошқа хил хатларни билишда алоҳида маҳорат кўрсатган. Баёнийнинг отаси Бобожонбек Оллоберди тўра Хива хони Элгузархон (1804-1806) нинг набираси бўлган. У хон авлодидан бўлса ҳам, саройда катта мартабага эриша олмаган.

Хоразм Республикаси (1920-1924) даврида Баёний халқ маорифи нозирлигида Вақф шўъбасида мудирлик қилган ва ҳукумат бошлиғи Полвонниёз Ҳожи Юсупов топшириғи билан “Хоразм тарихи” асарини қайтадин ёзган. Олим ва шоир Баёний 1923 йилда Хива шаҳрида 83 ёшида вафот этган.

#### **4.1.57. Худойберди ибн Кўшмуҳаммад.**

Хивада яшаб ижод этган. Саройда у қимматли тарихий, жўғрофий ва бошқа асарларни ўзбек тилига ўгириш билан шуғулланган. Жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарини ўзбек тилига таржима қилган. Ушбу асар таржимаси 1822-1825 йилларда Шермуҳаммад Муниснинг

кўрсатмаси билан бажарилган. Кейинчалик у ўзининг машхур “Дили ғаройиб” асарини ёзишга киришади. Бу асар 1831-1832 йилларда хоннинг амалдори Раҳимқули Иноқ топшириғи билан ёзилган ва Хива хони Оллоқулулихонга (1825-1842) бағишланади. Асар ёзилган вақтда муаллиф 60 ёшларда бўлган. Худайберди ибн Қўшмуҳаммад Хивакийнинг ушбу асарида Хоразм тарихининг X-XVII ҳамда XVIII-XIX асрларга доир қимматли маълумотлар бор. Айниқса “Дили ғаройиб” асарида Хива шаҳрининг пайдо бўлиши ва унда кейинги асрларда амалга оширилган меъморий қурилишлар, Кўҳна Урганч, Журжония, Измухшир, Гурлан, Хўжаэли, Қўнғирот ва Хоразмнинг бошқа шаҳарлари, Хоразмнинг ўша даврдаги табиати, қишлоқ хўжалиғи ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақида сўз юритилади. Асарда Хоразмнинг машхур кишилари, олиму уламолари, давлат арбоблари ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Хуллас, “Дили ғаройиб” асарида Хоразмнинг минг йиллик тарихига доир қимматли маълумотларни топиш мумкин.

#### **4.1.58. Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи (1860-1916).**

Сўфи 1860 йилда Хоразмнинг Гурлан туманида туғилган. Дастлабки маълумотни маҳалладаги мактабда олади. Кейинчалик у Хива ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олади. Талабалик йилларидаёқ Сўфи адабиётга қизиқади. Классик ва замонавий шоирларнинг асарларини кунт билан ўқиб, аста-секин ўзи ҳам ижод қила бошлайди. Шоир ижодининг гуллаган даври XX аср бошларига тўғри келади. Ўтмишдош ва замондош забардаст шоирлар Хисрав, Деҳлавий, Абдурахмон, Жомий, Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Баёний ва шу каби жуда кўп сўз санъаткорларининг ижоди ёш Сўфига баракали таъсир кўрсатган. Сўфи мадрасани катта иқтисодий қийинчилик билан тугатган бўлса-да, унга ҳаётда ҳеч қанақа мансаб тегмайди. У доимо иқтисодий қийинчиликда яшайди. Бу эса унинг ижодида ўз аксини топади. Унинг ижодида жамиятдаги ижтимоий тенгсизликка қарши қайфият ўз аксини топган. Унинг “Қаҳат”, “Қарз”, “Хирс”, “Нафс”, “Дўст”, “Яхши”, “Уламо”, “Ҳайф” каби шеърлари фикримизнинг далилидир.

#### 4.1.59. Мирзо (1840-1923).

Муҳаммад Расул Мирзо XIX аср охири, XX аср боши Хоразм адабий муҳитининг намоёндаларидан бири. У 1840 йили Хива шаҳрида, хоразмлик машҳур аллома, шоир ва санъат арбоби Комил Хоразмий оиласида туғилган.

Ўз ўғлининг тарбиясига жиддий эътибор берган Комил Хоразмий Муҳаммад Расулнинг ёшлигиданоқ замонавий илмлардан бахраманд бўлишига катта аҳамият беради. Мирзо ёшлигиданоқ ёлланма ўқитувчи орқали саводини чиқаради, хусниҳат сирларини ўрганади. Кейинчалик отасининг тавсияси билан Хива мадрасаларидан бирига кириб ўқийди. Араб ва форс тилларини мукаммал ўрганади. Классик адабиёт вакилларининг асарларини кунт билан ўрганади.

Муҳаммад Расул-“Мирзо”-(хат ёзувчи, кўчирувчи) тахаллуси билан шеърлар ёза бошлайди. Мирзо шунингдек кўпгина араб, форс тилидаги асарларни ўзбек тилига таржима қилади. Мирзо отаси Комил Хоразмий каби Хоразм классик куйларини сақлаб қолиш ва авлодларга етказиш мақсадида уларни нотага туширди.

Мирзо мусиқа илмига ниҳоятда кизиқади, отасининг ижоди бўлган чизик нотасини тугаллаш устида ишлайди. Ўзи янги куйлар басталайди. Отаси каби ўта сермахсул ижодкор бўлган Мирзо бир дақиқа ҳам вақтини бекорга ўтказмайди.

Асрлар оша яшаб халққа баракали хизмат қилиб келаётган Хоразм мақомларини нотага туширган биринчи санъаткор Комил Хоразмий бўлса, отанинг ушбу хайрли ишининг илк давомчиси - ўғли Мирзо эди. Мирзо отасининг нота услубига ижодий ўзгариш киритиб, уни янада ривожлантиради. Натижада, у яратган нота услуби XX аср бошларида хоразмлик санъаткорлар учун дастур амал бўлиб хизмат қилади. Мирзо мусиқа билан бирга адабиётга ҳам кизиқади. Ўзидан олдин яшаб, ижод қилган классик адабиёт вакилларининг ижодларини кунт билан ўрганиб, ўзи ҳам баракали ижод қилади.

#### 4.1.60. Саид Исломуҳжа Хоразм тарихидаги стук сиёсий арбоб.



Хива шахрига ташриф буюрган ҳар бир киши учун кўркем мадраса, мачит ва кошинкор баланд минора, Нуруллабойдаги ёзги сарой, почтателеграф, биринчи касалхона биноси каби тарихий меъморчилик обидалари ҳақидаги сўз юритилганда қонуний равишда Исломуҳжа исми арбобнинг номини эшитади. XIX аср охири ва XX аср бошларида Хива хонлигида мавжуд бўлган мураккаб шароитда давлатнинг кўплаб масъулиятли ишларини ўз зиммасига олган, илм-фан ва маърифатга ҳомийлик қилган Исломуҳжа ким эди ва у нима сабабдан 41 ёшида бевақт ҳаётдан кўз юмди, деган савол кўп вақтлардан бери тарихга қизиқувчиларни ўйлантириб келади.

Исломуҳжа – Хива хони Муҳаммад Раҳимхоннинг қайнотаси ва Хонқа ҳокими Иброҳимхўжанинг иккинчи ўғли бўлиб, 1872 йилда дунёга келган. Бадавлат ва обрўли оилада ўсган Исломуҳжа ёшлигидан яхши тарбия олди. Олдин у махсус ўқитувчилар ёрдамида савод чиқарди, кейинчалик эса мадрасада ўқиди. Отаси 1882 йилда вазир лавозимида тайинланиб, оиласи Хивага кўчгандан сўнг, ёш Исломуҳжа хоннинг фарзандлари билан бирга саройда тарбияланди.

1889 йилда вазир Иброҳимхўжа вафот қилган вақтдан ўғли – 15 ёшлик Исломуҳжа, хонликнинг Бош закотчиси ҳисобланарди. Амакиси Саид Абдуллахўжа янги вазир қилиб тайинлангач, Исломуҳжа Ҳазораспга ҳоким қилиб юборилди. Ўша даврда Ҳазорасп хонликнинг йирик шаҳарларидан бўлиб, жанубий бекликлар орасида энг сердаромадлиси эди. Ҳазораспдаги 10 йиллик фаолияти давомида Исломуҳжа етук давлат арбоби сифатида танилди. Оқибатда 1898 йилда Муҳаммад Раҳимхон уни яқинда вафот қилган Бош вазир Саид Абдуллахўжанинг

ўрнига тайинлади. Шундай қилиб, 26 ёшида Бош вазир бўлган Исломхўжа кейинги 15 йил давомида жуда катта ишларга бошчилик қилди.

XX аср бошларидаги ўта мураккаб сиёсий шароит Сайид Исломхўжа хонликда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишларини йўлга қўйиш, савдо-сотикни ривожлантириш ва маданий ҳаётни жонлантириш ишларига катта эътибор берди. У 1903, 1907, 1911, 1913 йилларда Россия шаҳарларига сафар қилган вақтида фойдали музокаралар олиб борди ва кўплаб шартномаларни имзолади. Натижада Урганч ва Хонка шаҳарларида янги ёғ заводлари қурила бошланди. Урганчда “Рус-Осиё банки”нинг бўлими очилди. Исломхўжа билан бирга Россияга борган Муҳаммад Расул Мирзабоши, Худайберган Девон, Матвафо Баққол ва бошқалар хонликнинг манфаатлари учун зарур бўлган алоқалари ўрнатдилар. Хусусан, Худайберган Девон Исломхўжанинг розилиги билан Петербургда қолиб сураткашликни ўрганганди ва дастлабки кинофильмларни ярата бошлади. Шу билан у Туркистонда илк бор кино санъатига асос солди.

Исломхўжа жуда катта қурилиш ва маърифий ишларнинг бошида турди. 1908 йилда унинг шахсий маблағига катта мачит, мадраса ва минора барпо этила бошланди. 1912 йилда қурулиши тугалланган мадраса рўпарасида рус меъморчилиги услубида 2 қаватли иморат тикланиб, рус-тузем мактаби очилди. Исломхўжанинг ташаббуси билан қурилиш ишлари 1912-13 йилларда ҳам давом эттирилди. Шу даврда тажрибали усталар хоннинг Нуруллабойдаги ёзги саройи, Тозабогдаги дала ҳовлиси, Полвон ариқ яқинидаги касалхона биноларини тезкорлик билан қуришди.

Исломхўжанинг хонликда обрўси ва салоҳияти кундан кунга ошиб борди. У кўп марта Муҳаммад Раҳимхоннинг топшириғи билан туркман сардорлари билан музокаралар юритди. Хусусан, солиқларнинг кўплигидан ва хон амалдорларининг зулмига қарши бош кўтарган туркманлар билан тинчлик шартномалари имзоланиши натижасида Тошҳовуз, Кўхна Урганч ва Хўжайли вилоятларида осойишталик таъминланди.

Исломхўжа узоқни кўра биладиган арбоб сифатида хонликни сақлаб қолиш, давлатни мустаҳкамлаш ва Россиянинг

мустамлакачилик асоратидан қутилишнинг ягона йўли шу деган хулосага келган. Чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган Афандиёрхон унинг ворисларига бундай талаблар ва таъйиқлар манжул бўлмаслиги аниқ эди. Шунинг сабабли ҳам бош вазир Исломуҳжа ўз атрофида ишончли амалдорларни йиғишга ва уларга таяниб иш қўришга интилди. Унинг яқин маслақдошлари орасида девонбеги Хусайнбек, ясовулбоши Шихназарбой, Хонқанинг ҳокими Ҳожибой, йирик мулкдор Муҳаммад Ёқуб ва бошқалар бор эди.

Исломуҳжа Афандиёрхоннинг лаёқатсиз ва бебурд ҳукмдор эканлигини яхши биларди. Бу нарса, айниқса, хон ва Исломуҳжанинг 1911 йилда Петербургга қилган сафари вақтида кўзга ташланди. Россияга сафар янги хонни рус императори Николай II Романовга таништириш мақсадида уюштирилган бўлиб, 2,5 ой давомида Хиваликлар Петербург, Москва, Нижний Новгород шаҳарларида бўлдилар. Ана ўша вақтда Исломуҳжа императордан Хивада почта, телеграф, касалхона қуриш учун рухсат олди ва жуда кўплаб амалдорлар билан мулоқотда бўлди. Афандиёрхон эса маишатга муккасидан кетиб, Хивага заҳм касаллигини орттириб қайтди.

Юртига қайтаётган хиваликлар Москва ҳокими Н. И. Гучков томонидан қабул қилинди. Сухбат чоғида Исломуҳжа қурилиши қўзланган почта ва касалхона иморатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун архитектор ва Хивага таклиф қилиш учун рус врачларини танлашда ёрдам сўради. Бундан ташқари Исломуҳжа шаҳардаги Солдатенков касалхонаси бош врачлари А. Ф. Гетьс билан биргаликда жуда кўплаб шифохоналар иши билан танишди. Натижада, лойиҳаларни тайёрлаб беришни зиммасига олган инженер А. П. Роопга Хивадаги иморатларнинг Европа ва Шарқ услубларини ўзида мужассамлаштириши зарурлигини уқдирди. Ҳақиқатдан ҳам келгусида барпо этилган бинолар Исломуҳжанинг режаси, маслаҳатлари ва раҳбарлиги остида қурилди. 1913 йил майда Исломуҳжа куёви Афандиёрхон билан охириги марта Россияда бўлиб, Романовлар сулоласининг 300 йиллик ҳукмронлигига бағишланган тантанали маросимларда қатнашди. Император ва амалдорлар билан суҳбатлар чоғида ваъда берилган иморатлар қурилганлигини айтиб, уларнинг

очилиши маросимига меҳмонларни таклиф қилди. Шу сабабли, касалхона биноси очилиши муносабати билан Хивага Россия ҳарбий министрлигининг Осие департаменти бошлиғи генерал С. Цейль келади. Россиядан қайтган Асфандиёрхон қайнотасини йўқ қилиш режасини тузди. Бу борада унга Ашур Маҳрам ва Матвафо Баққолов маслаҳат берадилар. Ислохўжани ўлдиришни ясовулбоши Шихназарбойга топшириш кўзланди. Аммо Шихназарбой хошнинг қотиллик билан боғлиқ буйруғини бажаришдан бош тортди. Шундан сўнг, Курбонбой бўзчи исмли навкарни танладилар ва унга қаттиқ таъйиқ ўтгаздилар.

8 август куни кечкурун давлат ишларидан чарчаган Ислохўжа Нуруллабойдаги маҳкамасидан чиқиб, Тозабобдаги янги уйига қайтди. У тушган юмшоқ ўриндиқли фаэтон арава Рафаник боғидан ўтиб, Ўғлон азиз қабристонини мачитига яқинлашганда, бир гуруҳ ёвузлар ҳужумига учради. Йўлтўсарлар аравакашни чавақлаб, Ислохўжанинг қорнига ҳам ханжар санчадилар. Оғир ярадор бўлган аравакаш бир иложини қилиб, Ислохўжанинг уйига етиб боради ва бўлган воқеани айтиб беради. Қабристондаги мазорлар орасидан топилган Ислохўжанинг жасади эртаси куни Сирчали ёни бўйидаги Мохирўйи жаҳон мақбарасига – отасининг қабри ёнига дафн қилинади.

Шундай қилиб, ношуд падаркуш Асфандиёрхон ўз давлатининг мустақкам таянчларидан бири-қайнотаси Ислохўжа ва унинг фарзандлари ҳаётига зомин бўлди. Ислохўжа режалаштирган ислохотлар амалга ошган вақтда Хива хонлигининг тараққиёти тезлашган, иқтисодий ва сиёсий ҳаёти анчагина демократлашган бўлар эди. Россияда бўлаётган мураккаб жараёнлар ва орадан бир йил ўтгандан сўнг бошланган жаҳон уруши, туркманларнинг тинимсиз хуружлари, маънавий ва маиший жиҳатдан тушкунлик ҳолатлари Ислохўжа ҳаётлиги чоғида воҳа аҳолининг турмушига ҳаддан ташқари катта зиён етказмаган бўларди. Чунки, давлатнинг тепасида турган одил ва маърифатли, фуқаропарвар арбоблар халқнинг ҳаёти ва давлатнинг мустақкамлигини ўзларининг шахсий манфаатларидан устун қўярдилар. Шундай нохуш ишлар бўлишига қарамасдан Ислохўжа олиб борган сиёсат Хива хонлигининг

мустақиллигини таъминлаш ва унда хон ҳокимиятининг максисини оширишга қаратилган.

#### **4.1.61. Худойберган Девонов- ўзбек киносининг отаси.**

XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда яна бир бўлғуси буюк инсон Худойберган Девонов дунёга келган. У 1879 йилда Хива шаҳрида туғилган. Унинг отаси маърифатли инсон бўлиб, ўз ўғли Худойберганнинг болалигиданоқ илм олишга катта эътибор берган. Ёш Худойберганда болалигиданоқ дунёвий билимларга қизиқиш кучли бўлган. Бу давр Хива хонлигининг Россия вассалилига ўтган йиллари бўлиб, Россия орқали Хива хонлигига Европа маданияти кириб кела бошлайди. Ёш Худойберган ёшлигидан рус тилини ўрганган. Жаҳонда рўй бераётган сиёсий ва маданий воқеалардан яхши огоҳ бўлган.

Хива хонлигидаги демократик фикрлашдаги кишилар билан ҳар томонлама яқинлашган ва XX аср бошида хонликдаги демократик ҳаракат “Ёш хиваликлар” билан ҳамкорлик қилган. 1905-1907 йилларда Мрсква, Петербург шаҳарларига саёҳат қилган. У ерда фан-техника янгиликлари билан танинади.

Ушбу сайёҳатдан у ўзи билан фотоаппарат, киноаппарат, граммафон каби техника янгиликларини Хоразмга олиб қайтади. XX аср бошларида Хоразмдаги ижтимоий-маданий ҳаёт ҳақидаги бугунги кунимизгача етиб келган ўта ноёб кино материаллар Худойберган Девонов ижодиша тегишлидир. Инкилобдан олдин у Хива ёдгорликлари, сарой ҳаёти, хиваликларнинг турмуш тарзи, Хоразм табиати ҳақида бой ва қимматли фото, кино лавҳалар яратди. Худойберган Девонов “Ёш хиваликлар” ташкилоти аъзоси сифатида 1920 йил 2 февралдаги Хива инқилобида фаол иштирок этди. У Хоразмда республика ташкил этилишини зўр хурсандлик билан кутиб олди.

Янги Урганч шаҳрида фотолаборатория очиб кўплаб шоғирдлар тарбиялади. У республикада кўплаган маданий муассасалар ташкил этилишида фаол қатнашди. Хивада мактаб-интернат, клуб ва маданият уйлари ташкил этишда бевосита унинг иштироки бўлган. У республика маданий ҳаётига доир кўпгина воқеаларни, қурултой йиғилишлари ва митингларни, Хивадаги



Қизил Армия қисмининг фаолияти, янгича усулдаги биринчи мактаблар Хива санъаткорлари, республика фаоллари, Хоразмда биринчи трактор, деҳқонларга ер тақсимоли каби воқеаларни акс этдирган жуда кўп қимматли фото ва кино лавҳаларни мерос қолдирган.

Ҳақли равишда шуни кўрсатиш лозимки, Худойберган Девонов республикамизда маданиятнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган биринчи фотосуратчи ва кинооператор. У ўзбек киносининг отаси ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳам катта тарихий аҳамиятга эга бўлган Худойберган Девонов томонидан суратга олинган бир мингга яқин фото суратлар ва ўнга яқин ҳужжатли киноленталар Тошкент, Москва ва бошқа шаҳарларнинг санъат даргоҳларида авайлаб сақланмоқда. Афсуски буюк Хоразмий-Худойберган Девоновнинг ҳаёти фожиали тугади. У совет ҳокимиятининг XX аср 30-йилларидаги қатағонлик сиёсатининг қурбони бўлди. Ўзбекистон Республикаси раҳбарларидан бири бўлган, миллатчиликда айбланиб қамоққа олинган Файзулла Хўжаевнинг раҳбарлиги даврида, фидойий хизматлари учун унинг топшириғига биноан Худойберган Девоновга берилган “Лейка” фотоаппарати бошига бало бўлди.

Файзулла Хўжаевнинг думи деб, Худойберган Девоновни 1937 йилда қамоққа оладилар. Ноҳақ айбланиб бандиликка олинган буюк санъаткор 1940 йилда турмада вафот этади. 1956 йилда СССР ҳукумати ҳуқуқий комиссияси Худойберган Девонов ишини қайта кўриб чиқиб, уни бутунлай айбсиз деб топди ва оқлади.

Халқимиз, ўзбек киносининг отаси ҳисоблашимиз, ўзбек маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшган улуғ маданият арбоби - Худойберган Девоновнинг азиз хотирасини ҳеч қачон унутмайди, эъзозлайди, қадрлайди.

#### **4.1.62. Саъдулло хатиб Эшон ибн Ҳабибулла.**

1830 йилда Хива шаҳрида таваллуд топган. 1908 йилда ҳаж зиёратидан қайтишда Каспий денгизи яқинида вафот этган. Саъдулло хатиб Эшон XIX аср Хива хонлигининг кўзга кўринган диний арбобларидан бири. У бошланғич таълимни Хива

инҳридаги мактабларда олади. Ундаги ўта ноёб қобилият уни мадрасада билим олишга етаклайди.

Хива мадрасаларидан бирида ўқишини давом этдириб, диний таълимотлар билан биргаликда адабиёт, тарих, фикрдан аъло даражада маълумот олади ва ўз замонасининг етук арбоби бўлиб етишади. Отаси Абдуҳалимбек ҳожи ибн Абдураззоқ ўз замонасининг саводхон кишилари эди.

Саъдулло зўр иштиёқ билан Куръони Каримни ўрганиш ва ёдлаш билан бирга, форс ва араб тилларини мукаммал ўрганишга киришади. Саъдуллодаги ноёб қобилиятни сезган Хива хони Муҳаммад Аминхон уни саройга ишга таклиф қилади. Тиришқоклиги туфайли Саъдулло қисқа вақт ичида хонликнинг олий диний арбоби – хатиб даражасига етади.

Хива хонининг махсус фармони билан унга Хатиб Эшон унвони берилади. Саъдулло хатиб эшон хонликдаги барча диний маросимларга бошчилик қилади. Унинг ташаббуси билан хар йили камбағал хўжаликларга ёрдам уюштирилиб турилади. Саъдулло хатиб эшон Хива мадрасаларидан бир нечтасида ислом назарияси бўйича талабаларга маърузалар ўқийди.

Саъдулло хатиб эшон хон ҳазратларининг махсус фармони билан хонлик фуқароларининг ҳаж зиёратига бориш ишларини ташкил этиш ишига бошчилик қилади. Ўзи ҳам етти марта ҳаж зиёратига боради. Юксак даражадаги диний арбоб бўлиш билан бирга, Саъдулло хатиб эшон ўта халқчил, камбағалпарвар инсон бўлган. Шахсий мулкидан камбағал хўжаликларга ёрдам уюштириб турган. Саъдулло хатиб эшон Куръони Каримга шарҳ ёзган. У ўзининг она қишлоғи Чаркас қишлоғида дафн қилинган.

#### **4.63. Юсупов Полвонниёз (Полёзхожи, 1861-1936).**

XXСр МИК раиси, (1920 йил майдан 1921 йил 6 мартигача), йирик саноатчи ва завод эгаси. Савдогар оиласида туғилган ва бошланғич диний мактабни тамомлаган. 1918 йил 12 майда Тошкентда “Ёш хиваликлар” партиясига асос солган ва раис вазифасини бажарган. Туркия, Сурия, Миср ва Арабистонда бўлган. Маккаи Мукаррамани зиёрат қилган. Ҳожи, XXСР Матлубот кооперацияси ишларини ташкил этган (1921). Нижний

Новгород ярмаркасига юборилган. ХХСР савдо-сотик делегацияси раҳбари (1922) ва Хива инқилоби тарихи музейи илмий ходими бўлиб ишлаган. 1876-1925 йиллардаги воқсаларни ўз ичига олган 645 бетлик хотираларини мерос қилиб қолдирган. Унинг 1935 йилда ёзувчи Б.Чепурнов томонидан рус тилига ўгирган нусхалари Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамаси архиви, ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими кутубхонаси ва Хива “Ичан қалъа” кўриқхонаси архивида сақланмоқда. Қўлёманинг араб имлосидаги нусхасини 1996-1997 йилларда таниқли адиб Болта Давлатов, УрДУ профессори Матёкуб Матниёзов ва доцент Абдулла Сатлиқов ўзбек тилига ўгирганлар. Кўп йиллар аксинқилобчи унсур сифатида айбланган.

#### **4.1.64. Салимов Бобо охун (Мухаммад, 1874-1929 , Гурлан).**

Хоразмда совет тузумини ўрнатиш учун кураш йилларида кенг жамоатчиликга танилган “Ёш хиваликлар” партияси вакили. Хивада машҳур бўлган диндор қозикалон Салим охуннинг фарзанди. Оллоқулихон мадрасасида таълим олган. Араб, форс, рус тилларини яхши ўзлаштирган, шеърлар ёзиб турган. 1910-1917 йилларда Хива хонлигининг шайхулислом қозикалони вазифасини бажарган. 1917 йил 5 апрелда Хивада ташкил қилинган “Идораи Машрутия” номли бошқарув Кенгаши раиси бўлган. 1918-1920 йилларда Тўрткўлда муҳожирликда яшаган. Хоразм ХСР Адлия нозирлигининг биринчи бошлиғи (1920). ХХСР ва Россия ўртасида Москвада тузилдган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаган (1920.19.09.). Коминтерн II конгрессида иштирок қилган ва ёрқин нутқ сўзлаган (03.08.1920). 1921 йил 6 март воқеаларидан сўнг вазифасидан четлатилган. Кейинчалик яна Адлия нозири муовини (1923) ва нозири (1924) лавозимларида ишлаган. Колхозчилик ҳаракати бошланиш арафасида номаълум шахслар томонидан ўз уйида ўлдириб кетилган.

#### **4.1.65. Харратов Матёқуб (1867-1939).**

Хоразмлик машхур мақомчи хонанда, созанда, хаттот. Дастлабки сабоқларни устозлари Худойберган Мухркон, Ниёзжон Хўжа ва Комил Хоразмийлардан олган. 1886-1891 йилларда Муҳаммад Расул Мирзабоши (Комил Хоразмийнинг фарзанди) билан ҳамкорликда “Хоразм танбур чизиғи” усулини қайтадан ишлаган. Хоразм мақомларини нотага ёзиш учун ижрочи, тадқиқотчи ва хаттот сифатида катта ишларни амалга оширган. 1888-1906 йилларда Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) саройида мақомчилар гуруҳига етакчилик қилган. Хоразм Халқ Совет Республикаси Инқилобий кўмитаси (Ревкоми) секретари (1920-1922), Хивадаги мусиқа мактаби ўқитувчиси (1923-1928), созчилар ансамбли (1928-1932) ва Хоразм вилояти мусикали драма театрида (1932-1939) хизмат қилган. Созанда сифатида танбур, дутор ва гижжакни маҳорат билан чалган. 1934 йилда ЎзССР Санъатшунослик институти ходимлари Е.Е.Романовская ва И.А.Акбаровга Хоразм мақомларининг чолғу йўлларини танбурда чертиб берган ва нотага олишга ёрдамлашган. “Хоразм классик мусикаси” (Тошкент, 1939) номли асари нашр қилинган.

#### **4.1.66. Харрратов Матюсуф (тахаллуси Чокар, 1889, Хива тумани Шайхларқ-1952, Тошкент).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” (1944). машхур шоир, мусиқашунос, педагог, хонанда, санъаткор. Дастлабки сабоқларини бобоси Хожиниёз, отаси Матёқуб Харрот, ҳамда машхур мусиқашунос Комил Хоразмийнинг ўгли Муҳаммад Расул Мирзо, машхур хонанда ва созандалар Матёқуб Позачи, Қаландар Дўнмас, Абдурахмонбек, Абдулла Межана, Машарип Қамбар, “Ўзбекистон халқ шоири”, гармончи Қурбон Созчилардан олган. Хивадаги мадрасалардан бирида ўқиган ва Аваз Ўтар билан ҳамкорлик қилган. Муҳаммад Шариф Таррох ўрнига котиб этиб тайинланган. Чокар тахаллуси билан шеърий девон ёзган. Асфандиёрхон

даврида йирик мулкдор Муҳаммад Вафо баққол хизматида турган. Инқилобдан кейин ХХСР Маориф нозирлиги секретари (1920) сифатида Хива, Урганч, Хазорасп, Мангит, Хўжайли туманларида мактаб, клуб, қизил чойхоналар ташкил қилишда қатнашган. 1922 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан ҳамкорликда “Илм натижаси” номли 3 пардали пьеса ёзган. 1923 йилда Хивадаги мусиқа билим юртига асос солган ва 5 йил директорлик қилган. Кейинчалик Самарқанддаги Ўзбекистон мусиқа ва хореографияинститутида ўқитувчи (1928-1932), Ўзбекистон радиоси (1935-1937) ва Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театрида созанда (1937-1950) бўлиб ишлаган. 1936 йилда Тошкент давлат консерваторияси тайёрлов бўлимида таҳсил кўрган. 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати ва адабиёти ўн кунлигида чангчи сифатида маҳоратини намойиш қилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида “Севикли Ватан” (1941), “Баҳодир йигитлар” (1941), “Май байрами”, “Фарҳод уфориси” (1943) кўшиқлари ва “Қизил кўшин марши” номли мусиқали асар яратган. Комил Хоразмийнинг “Хоразм чизиклари нотаси” асосида 7 та Хоразм макомини бекаму-кўст ижро этган. Чолғу асбобларини ўзи ясаган. 1931 йилда чанг чолғу асбоби товушини кенгайтириб, янада такомиллаштирган. 1938 йилда 80 дан ортиқ, 1937 йилда 47 та, 1940 йилда 62 та Хоразм кўшиқ ва куйларини нотага туширган, ҳамда уларни Ўзбекистон Санъатшунослик институти ходимларигиша тақдим қилган. Ўзи мустақил равишда 100 дан ортиқ кўшиқ ва куйлар яратган. (“Колхоз марши”, “Яша пахтакор”, “Мустаҳизод” ва бошқалар). Таниқли арбоб Муллабекчон Раҳмонов билан ҳамкорликда “Хоразм мусиқа тарихи” (Хива, 1925) китобини ёзган. Шеърлий девони мерос бўлиб қолган. 1924 йилда ХХСР “Қизил Байроқ” ордени билан тақдирланган. Отаси касбинини давом эттирган ўғли-Фозил Харратов “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига сазавор бўлган ва республикада чанг ижрочилиги мактабига асос солган. Қизи-Муслима Харратова ҳам ўзбек санъати тараққиётига катта ҳисса қўшган.

#### **4.1.67. Ниёзий (Отаниёз қори Хўжа Ниёз қори ўғли, 1844, Шовот тумани, Бўйрачи қ-1928, Хива шаҳрида вафот этган).**

Шоир хаттот, гўянда ва дин арбоби. Машҳур санъаткор Комилжон Отаниёзовнинг отаси. Хивадаги Арабхон мадрасасида ўқиган ва Абдуллахон мадрасасида мударрислик қилган. Хива хони Ферузнинг таклифи билин хон саройида биринчи котибликка тайинланган. Исфандиёрхон даврида ҳам саройда девон лавозимида ишлаган. Огаҳий, Комил Хоразмий, Мирзо, Табибий каби шоирлар билан таниш бўлган ва улар таъсирида ёзган 3063 байтдан иборат шеърини девони мерос бўлиб қолган. Ҳозирги вақтда девони қўлёзмаси Комилжон Отаниёзовнинг вориси Одилбек Отаниёзов хонадониде сақланмоқда. Айрим шеърлари ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Ниёзий мусиқа илмидан ҳам яхши хабардор инсон бўлган. Бастакор сифатида Хоразм Шошмақоми учун нота чизиқли тизимни яратишда Комил Хоразмийга яқиндан ёрдам берган. Ниёзий таржима илмидан ҳам бохабар инсон бўлган. 1907 йилда Абдурахмон ибн Хасан Жабрутийнинг “Ажойиб ул-сор” асарининг бир қисмини арабчадан форс тилига таржима қилган.

#### **4.1.68. Мутриб Хонахаробий. (Муҳаммад Хасан Ҳожи Табиб ўғли 1860-1925, Хива ш.).**

Катта иқтидорли ғазалнавис шоир, мусиқашунос ва адабиётшунос адиб. Отаси Эрондан келтирилган кул бўлиб, ўз даврида табиблик билан шуғулланган. Сарой аёнларини жумладан Хива хони Ферузни даволаган отаси Мутрибнинг тарбиясига катта эътибор билан қараган. Мутриб Хивадаги Муҳаммад Амин мадрасасида таҳсил олган. Мутрибда катта иқтидорни сезган Хива хони Феруз уни саройга ишга таклиф қилади. Мутриб саройда созанда, ҳажвчи шоир сифатида хизмат қилган ва ўз ижоди билан жамоат эътиборини қозонган. Унинг “Шоҳи Камрон” номли ҳажвий ва “Девони Мутриб” номли асарлари бизга мерос бўлиб етиб келган.

---

## II-БЎЛИМ.

# ХОРАЗМНИНГ XX ВА XXI АСРЛАРДАГИ МАШХУР КИШИЛАРИ

### 1-боб. Ўтган ва бугунги кун Хоразмнинг машхур кишилари

Хоразмийлар тарихан азалдан-азал ақлли, ишбилармон, меҳнаткаш кишилар бўлганлар. Улар орасидан кўплаган элга танилган кишилар етишиб чиққан. Китобимизнинг IV қисмида “Хоразмнинг машхур кишилари” сарлавҳаси остида улар ҳақида қисқача маълумот берамиз. Албатта биз китобимизда машхур хоразмликларнинг барчаси ҳақида маълумот бериш имкониятига эга бўлмадик.

#### 4.2.1.1. Абдалов Отажон (1836, Боғот тумани Бешариқ қ-1939, Хива).

Хоразм воҳасида китоб босиш ишини ташкил қилган дастлабки матбаачиларидан бири. Бошланғич таълимни Хива туманидаги Пирнаҳос қишлоғидаги масжидда олган. Кейинчалик билим олишни Хивадаги мадраса ва Тўрткўлдаги рус-тузем мактабида давом эттирган. 1874 йилда эронлик Иброҳим Султон исмли матбаачи томонидан Хивада ташкил этилган литографияда ишлаган. 1876 йилда литографияда илк бор Абу Наср Фароҳийнинг “Нисобус сибён” (“Боалалар насибаси”) номли асарини босмага тайёрлаган. Кейинчалик Мулис Хоразмийнинг “Мулис ул-ушшоқ” (1879), Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр” (1880) ва “Чор девон” (“Тўрт девон”), (1882), Ёқубхўжа ибн Иброҳимхўжанинг “Девони холис” (1880) тўплами, Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”, 1882), Комил Хоразмийнинг сўзбошиси билан Ферузнинг “Девони Феруз” (1887) ва “Хафт шаҳзода” (1906), Аҳмаджон Табибийнинг “Мажмуат аш-шаро” (“Шоирлар мажмуаси”, 1909), Мирзо Бағдодийнинг “Соқийнома” (1909), Мирзонинг “Девони Мирзо” (1909) каби

асарларини нашрга тайёрлаш ва босмадан чиқаришга ҳисса қўшган. 1912 йилда нашрдан чиққан “Гулшани роз” китобини илк бор типографик усулда босишга ёрдам берган.

1920 йил 8 мартда “Инқилоб қуёши” газетасини нашр қилишга бошчилик қилган. 1922 йилда Москвадан янги типография учун дастгоҳлар ва 700 кг ҳарфларни келтирган. 1923 йил 1 майда “Тигел” ҳарф териш машинаси ёрдамида газеталар нашр қилишни бошлаган. Умрининг охиригача босмахонада ишлаб, юзлаб шоғирдлар тайёрлаган. Жумладан, шоғирди Матрасул Машарипов босмахонага 40 йилда ортиқ вақт давомида директорлик қилган. Номига Хоразм вилояти матбуот бирлашмаси босмахонаси қўйилган.

#### **4.2.1.2. Абдуллаев Ибодулла (1914-1971).**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, вилоят тери-таносил касалликлари диспансери бош врач (1967-1971) лавозимида ишлаган. Хива болалар интернати (1929), Тошкент тиббиёт техникуми (1933) ва Самарқанд тиббиёт институтини тугатган (1944). Меҳнат фаолиятини 1939 йилда Ҳазорасп тумани соғлиқни сақлаш бўлими санитар-инструктори лавозимидан бошлаган. Кейинчалик Урганч шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими муdiri (1937-1940), Самарқанд тиббиёт институти аспиранти (1944-1946), вилоят касалхонаси бош врач (1949-1951), вилоят тери-таносил касалликлари диспансери врач (1951), вилоят соғлиқни сақлаш бўлими муdiri (1951-1967) лавозимларида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ” ва “Хурмат Белгиси” орденлари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.3. Абдурахимов Раҳимбой (15.05.1927-10.04.1985, Урганч тумани Қорамонқ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор” (1964), Урганч туманидаги Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги бошқарув раиси (1950-1985) лавозимида фаолият кўрсатган ташкилотчи. Тошкентда жамоа хўжаликлари раислари курси (1950) ва қишлоқ хўжалиги институтини тугатган (1969). Меҳнат фаолиятини 1943 йилда табелчиликдан бошлаган ва 1945-1947 йилларда бригадир



бўлиб ишлаган. “Ленин”, “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Халқлар Дўстлиги”, “Ҳурмат Белгиси” орденлари, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

#### 4.2.1.4. Абдусаломов Маткарим.

Маткарим Абдусаломов 1898 йилда Устюрт чўлининг Қўнғирот шаҳрида туғилган. Қўнғирот шаҳри бу пайтда ҳали Хива хонлигининг таркибида бўлган. Балоғат ёшига етгач Маткарим Хива шаҳрига келиб, ёлланма ишчи бўлиб ўз тирикчилигини ўтказган. 1919 йилга келганда Маткарим Петро-Александровск шаҳрида пахта тозалаш заводига ишга киради ва инқилобий ҳаракатларда фаол қатнашади. Аксинқилобий кучларга қарши кузатувчи қизил партизанлар отрядига кўнгли бўлиб ёзилади. Чимбойдаги Орол казакларининг исёнини бостиришда, шунингдек, Жунайидхон тўдаларининг Хўжайли ва Шаббоз уездларидаги ҳужумларини даф этишда фаол иштирок этади.

Маткарим Абдусаломов Қизил Армия сафида Хивада хонлик тузумини ағдаришда, шунингдек, Хива шаҳрини босмачилар қамалидан озод қилишда фаол иштирок қилган. Ўзининг мардлиги ва жасорати билан катта обрў орттирган Абдусаломов Қизил Армия сиёсий бошқармасига ишга жалб қилинди. Ўша йилларда Хоразм Халқ Республикасида сиёсий майдонга кириб келган ёшлар Карим Болтаев, Давлат Ризаев, Қурбон Берегин, Рўздат Юсунов, Аҳмаджон Иброгимовлар билан яқиндан танишади ва ҳамкорликда ишлайди.

1923 йил октябрда Бутун Хоразм вакилларининг IV қурултойи бўлиб, унинг делегати бўлган Маткарим Абдусаломов мандат комиссияси раиси этиб тайинланди. Бу йиллар Хоразм Халқ Республикаси учун ички курашларга тўла давр эди. Шундай оғир кунларда Маткарим Абдусаломов Бутун Хоразм Советлари Марказий Ижроия Комитети Президиуми раиси вазифасини бажарди. Ички синфий душманларнинг маҳаллий ҳокимиятга қарши курашининг фаоллашганлиги туфайли у барча кучларни синфий душманларга қарши бирлаштириш мақсадида Республика

Инқилобий Комитетини тузишни таклиф қилди. 1924 йил 17 январда ташкил этилган Ревком раиси қилиб унинг ўзини сайлашди.

СССР ҳукумати ҳузуридаги Хоразм ССР вакили сифатида ишлай бошлаган М.Абдусаломов РКП (б) XIII сизди ва Коминтерннинг V конгрессида Хоразм коммунистик партиясининг вакили сифатида ишгирок этди. 1924 йилда ўтказилган миллий давулат чегараланиши пайтида Қ.Одинаев билан биргаликда тарихий асослар билан Хоразм Совет Республикасини сақлаб қолиш зарурлиги тўғрисидаги фикрни ҳимоя қилиб чиқди.

Хоразм Совет Республикаси тугатилгач у Шарқ халқлари Коммунистик Университетига ўқишга кириб, уни 3 йилдан сўнг муваффақиятли тугатди. Ўқишдан сўнг М.Абдусаломов Хоразмга қайтиб партия совет ташкилотларида ишлади. Айнан шу даврда фидокор меҳнат соҳиби М.Абдусаломовга тухмат тошлари ёғдирилди. Партия сафидан ўчирилди. 1929 йил 3 июлда кўпгина бошқа ходимлар каби М.Абдусаломов иши ЎзКомпартияси секретариятида кўриб чиқилди ва у оқланиб партия сафига қайта тикланди. У бир неча йиллар давомида республиканинг раҳбарлик лавозимларида ишлаб, ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатди. Қатағон сиёсати бошлангач М.Абдусаломов қамокқа олинган дўсти Д.Ризаев билан яқин алоқада бўлганлиги гумонланиб, яна қамокқа олинди. Қамокда олти ой ўтирди. Лаънати кузгунларнинг берган азобларига матонат билан чидаб ўз дўстларини сотмади. НКВД ходимлари ўз мақсадларига эришаолмагач, уни қамокдан бўшатишга мажбур бўлишди.

1938 йил 8 мартда у иккинчи марта партия сафига қайта тикланди. Фидокор инсон яна қайта раҳбарлик лавозимларига тайинланиб, самарали меҳнат қилди. М.Абдусаломов “Меҳнат Қизил байроқ ” ордени, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан тақдирланган. М.Абдусаломов 1954 йилда вафот этган.

## **■.1.5. Авазмуродов Отамурод (1912-2000).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”. “Хоразм ҳақиқати” газетасида узоқ йиллар самарали хизмат қилган таниқли журналист. Хива педагогика техникуми (1933) ва Ташкент ўқитувчилар тайёрлаш институтини тугатган (1938). Меҳнат фаолиятини 1933 йилда “Инқилоб қуёши” газетасида ҳарф терувчи вазифасидан бошлаган. Кейин Гурлан туманидаги “Колхоз ҳаёти” газетасида ҳарф терувчи (1935), маъсул котиб (1938), “Дошқовуз колхозчиси” вилоят газетаси бўлим мудирини (1940-1942), ҳарбий хизматда (1942-1947) бўлган. “Хоразм ҳақиқати” газетасида мухбир, бўлим мудирини, муҳаррир ўринбосарини лавозимларида ишлаган (1948-1997). Редакция қошида очилган “Ишчи-деҳқон мухбирлари” халқ университетига раҳбарлик қилган ва ёш журналистларни тарбиялашга катта ҳисса қўшган.

### **4.2.1.6. Авазмуродов Раҳим (1924-1983, Бўйрачик).**

Учта “Шуҳрат” орденлари кавалери, 1943 йилда пулемётчилар полки командири сифатида жасорат кўрсатган. 1945 йил 31 мартда душманнинг 20 та фашистини асир олган. Урушдан сўнг В.П.Чкалов номидаги жамоа хўжалигида механизатор бўлиб ишлаган (1945-1983).

### **4.2.1.7. Авасенов Ақоп Григорьевич (27.11.1912, Қўнғирот-1999 Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор” (21.10.1963), вилоятдаги сув хўжалиги ташкилотларида самарали меҳнат қилган тажрибали мутахассис. Қизил Ўрда сув хўжалиги билим юрти (1929) ва ТИИИМСХ ни тугатган (1933). Хива тумани сув хўжалиги идорасида гидротехник ва бошлиқ ўринбосари (1933-1943), Хива тумани сув хўжалиги бўлим бошлиғи (1943-1949), Полвон-Ғозовот каналлари бошқармаси бошлиғи (1949-1955), Хива тумани сув хўжалиги бошқармаси етакчи мутахассиси ва

бошлиги (1955-1969), “Хорезмводстрой” трести бошлиги (1969-1983) лавозимларида ишлаган. Янги канал, ариқ, зовурларни қазииш, Урганчдаги “Парвоз” меҳмонхонаси, “Қорақум”, “Россия”, “Дўстлик”, “Қўшқўпир”, “Шовот”, “Қизилжар” давлат хўжаликларини ташкил этиш, сув хўжалиги темир-бетон заводини барпо қилиш ишларида жонбозлик кўрсатган. “Ленин” (1981), “Меҳнат Қизил Байроқ” (1966), “Октябрь инқилоби” (1971), “Хурмат Белгиси” (1957) орденлари, медаллар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. 1983 йилдан республика аҳамиятидаги пенсионер.

#### **4.2.1.8. Асқаров Абдуқодир (1900, Қўшқўпир к.).**

“Асқар фирқа” лақаби билан машхур бўлган фаол ходим. 1921 йилда Хоразм Компартияси сафига кирган ва шу йили сентябрида Боқуда ўтгазилган Шарқ халқлари курултойида катнашган. Қўшқўпир қишлоқ шўроси (1923-1925) ва тумани Ревкоми раиси (1925), Ғозовот тумани Ижроқўми масъул секретари (1925-1956), Урганч ва Хонқа туманлари халқ суди раиси, Гурлан тумани прокуратураси терговчиси, Хива тумани ижроқўми раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган. Сталинча катагонлар даврида 1937 йил октябрида қамалган ва 1938 йил 25 мартада оқланган. Уруш йилларида Ер ишлари нозирлиги Урганч туманидаги вакили лавозимида меҳнат қилган. Сўнгра СССР Тайёрлов вазирлигининг Хоразм вилоятидаги масъул ходими бўлган. 1956 йилдан Янгиариқ тумани тайёрлов идораси бошқарувчиси бўлган. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиги ва медаллар билан тақдирланган.

#### **4.2.1.9. Асқарова Ленинза.**

1934 йилда Янгиариқ туманида туғилган. Таниқли партия, давлат ва жамоат арбоби. Хоразм давлат педагогика институтини тугатган. Шунингдек Москвадаги Олий партия мактабини тугатган. Кўп йиллар вилоят партия ва комсомол ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Жумладан Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи котиби лавозимида анча

муваффақиятли ишлаган. Ленинза Асқарова шаҳар партия комитетига раҳбарлик қилган йилларда Урганч шаҳрида ободончилик анча яхшиланди. Корхоналарда меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Ленинза Асқарова вилоят касб-хунар ўқув юртлари бошқармаси, 4-мактаб интернат директори, вилоят ижроқўми раиси ўринбосари, шунингдек республика меҳр-шафқат жамғармаси Хоразм вилояти бўлимнинг раиси лавозимларида ишлаган.

#### 4.2.1.10. Асқаров Наримон.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, халқ таълими фидойиси, Наримон ака Асқаров 1930 йил 15 февралда Қўшқўпир туманида туғилган. Кейинчалик Асқаровлар оиласи хизмат юзасидан Янгиариқ туманига кўчиб келдилар. Наримон Асқаров 1953 йилда Хоразм педагогика институтини тил ва адабиёт мутахассислигини битказиб келиб Янгиариқ туманидаги 1-сонли (собик М.Горький)

номли мактабда ўқитувчи ва директор бўлиб ишлади. Шундан кейин Янгиариқ туман “Машғал” хозирги “Янгиариқ овози” газетасига муҳаррир бўлди.

1957 йилдан то 1994 йилгача 37 йил Янгиариқ туман халқ маорифида мудир бўлиб ишлади. Кўплаган шогирдлар етиштирди. Наримон ака Асқаров узоқ йиллар Янгиариқ туман халқ маорифига раҳбарлик қилиб илм ва фан тараққиётига катта ҳисса қўшди. Янгиариқ туманидан жуда кўплаган кадрлар етишиб чикди. Таълим сифати ва самарадорлиги юқори даражага кўтарилди. У мактаб ўқувчиларини ҳомийлар ҳисобидан бепул иссиқ овқат билан таъминлаш ва уларни бир марта бепул овқатлантириш ташаббуси (Ш.Рашидов даврида) Ўзбекистон Республикасида ҳукумат томонидан мақулланиб барча республика мактабларида амалга оширилди.

Янгиариқ тумани Наримон ака қурилишга кўп эътибор берди. У 1994 йилдан кейин Янгиариқ шаҳарчаси ҚФЙ раиси бўлиб ишлади. Ҳозирда ҳам ёшларга устозлик қилиб яшамокда.

#### **4.2.1.11. Атабаев Бобожон (1894-1973, Ҳазорасп тумани).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор” (1950), вилоятдаги сув хўжалиги соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатган тажрибали мутахассис. Меҳнат фаолиятини батракликдан бошлаган. Инқилоб ҳаракатларида фаол қатнашган. Кейинчалик Ҳазорасп тумани Инқилобий кўмита раиси (1920-1921), Фавкулотда комиссия раиси ва туман ижрокўми раиси ўринбосари, туман ижрокўми раиси (1925-1927), Амударё суғориш тармоқлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари (1927-1932), Хоразм вилояти суғориш бошқармаси бошлиғи (1934), Шовот канали қурилишида прораб (1939-1942), Ҳазорасп туман суғориш бошқармаси бошлиғи (1942-1949), Тошсоқа суғориш тармоқлари бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган. Хоразм ССР “Қизил Байроқ” (1924) ва СССР “Меҳнат Қизил Байроқ” орденлари, “Шавкатли меҳнати учун” (1944) медали билан тақдирланган.

#### **4.2.1.12. Аҳмедов Илҳом (1939, Хива).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноатчи”. “Хива гилами” ҳиссадорлик жамияти раиси (1992) бўлиб ишлаган. Бухоро кооператив техникумини кейинчалик Москва кооператив институти (1962) ва Олий партия мактабини тугатган. Ўз фаолиятини 1963 йилда Бухоро шаҳар савдо-сотик бошқармасидан бошлаган. Кейинчалик Бухоро кооператив техникуми директори ўринбосари, Хива тумани партия комитети саноат бўлими мудир (1966-1969), туман халқ назорати комитети раиси (1973), Хива шаҳар ижрокўми раиси (1973-1974), вилоят партия комитети инспектори (1966-1977), Хива гиламчилик комбинати директори (1977-1989), Хива гилам ишлаб

чиқариш бошқармаси бирлашмаси бош директори (1989-1990, 1992-1994), вилоят партия комитети ижтимоий-иқтисодий бўлими мудири ва секретари (1990-1992) лавозимларида ишлаган. “Дўстлик” ордени (25.08.2000), “Шавкатли меҳнати учун” медали, Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раёсати Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати (1994) бўлган.

#### **4.2.1.13. Бекчонов Исмоил (1932, Янгиариқ тумани).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”. Янгиариқ туманидаги “Гулистон” ширкат хўжалиғи бошқарув раиси (1992-1995) лавозимида ишлаган. Тошкент педагогика институтини тугатган (1959).

#### **4.2.1.14. Бекчонов Нурилла.**

1946 йилда Боғот туманида туғилган. Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган. Боғот туман марказий касалхонаси хирургия бўлими мудири (1975 йилдан буён ишлаб келмоқда). Олий тоифадаги хирург. Меҳнат фаолиятини 1969 йилда Боғот тумани марказий шифохонасида хирург сифатида бошлаган. 1973-1979 йилларда шу касалхонада бош врачнинг ўринбосари вазифасини ҳам бажарган. “Хурмат Белгиси” (1981), “СССР соғлиқни сақлаш аълочиси” (1980) фахрий унвонлари билан тақдирланган. Ўзининг юксак касбий билим савияси, беморларга меҳрибонлиғи, беминнат хизматлари билан элда катта обрў топган инсон.

#### **4.2.1.15. Берегин Қурбон Оллоберганович.**

1904 йилда Хивада мардикор оиласида туғилган, мусулмон мактабида, сўнгра Хивадаги мадрасалардан бирида ўқиган, ўқиш билан бирга мардикорлик қилган. Тадқиқотчи Мадраҳим Маҳмудовнинг мақоласида шундай ёзилган: “Хива хонлигининг Хонқа беклигидаги Навхаск қишлоғида асли рус, ammo ота-бобоси шу ерда кўпдан яшаганлиғи сабабли ўзбеклашиб кетган Оллоберган

Берегин оиласи ўзининг 1,5 таноб ерига экин экиб, деҳқончилик қилар ва оила тебратарди”<sup>1</sup>.

Болалар уйида, Янги Ургангдаги интернатда ўқиган, 3 ойлик педагогика курсини ботириб, ўқитувчилик қилган. Қозон шаҳридаги ярим йиллик ҳарбий-сиёсий мактабда ўқиган. Хоразмга қайтиб келиб 1922 йил 15 январда фавқулодда комиссияда, сўнгра давлат сиёсий бошқармасида (ГПУ) хизмат қилган.

1922 августида уни Москвадаги Шарқ халқлари коммунистик университетига ўқишга юборишади. Хива шаҳар комсомол комитетига секретарь қилиб сайланади. 1923 йил декабрда Тошқовуз область комсомол комитети мафкуравий бўлимига мудирлик қилади, тез орада Хоразм комсомоли Марказий комитетида инструктор бўлиб хизмат қилади, 1924 йил партияга қабул қилинди. 1925 йил 11 июнда Қ.Берегин Хоразм область комсомол комитети биринчи секретари лавоҳимида кўтарилди, айни вақтда “Инқилов қуёши” газетасига муҳаррирлик қилади.

1925 йил апрелдан 1929 йил августгача Хоразм округ партия комитетининг бюро аъзоси бўлди. 1929 йил 23 майда Қ.Берегин Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ихтиёрига чақириб олиниб, Ўзбекистон ССР Маориф Халқ комиссариатининг коллегия аъзоси ҳамда “Маори ва ўқитувчи” журнали таҳририяти аъзолигига тавсия этилган.

Қ.Берегин 1931 йили “Коммунистик маориф учун” номли ўқитувчилар газетасига маъсул муҳаррир, ўша йили октябрдан республика давлат матбуоти правлениясига раис бўлади. У “Китоб ва инқилоб”, “Қурилиш”, “Совет адабиёти” журналларининг ҳам муҳаррири бўлган, ЎзКомпартия Марказий комитетининг маданий тарғибот бўлимининг матбуот қисмига раҳбарлик қилади, Ўзбекистон ёзувчилар союзи раиси лавозимида фаолият кўрсатган<sup>2</sup>.

Аммо “Катта террор” бошланиши муносабати билан бошқалар қатори Қурбон Берегин ҳам қатагон объекти бўлиб қолди. 1937 йил июнида Ўз Компартиясининг VII съездида

<sup>1</sup> Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар (Қатагон қурбонлари хақида лавҳалар). Тошкент, “Ўзбекистон”, 1991 й, 139-140 бетлар

<sup>2</sup> Ўша жойда, 96-105 бетлар



таниқли арбоблар каби унга ҳам миллатчи ва халқ душмани деб айб қўйилди. 1937 йил август охирида бўлиб ўтган Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениясининг IV пленумида унга “миллатчи ва аксинқилобчиларнинг ҳомийси” деган тухмат ёпиштиришди, уни ҳатто ёзувчилар союзи аъзолигидан ҳам ўчирдилар. Ўз Компартияси Марказий комитети бюросида уни партия сафидан чиқардилар<sup>1</sup>.

“Эртаси куни,- деб ёзади тадқиқотчи М.Маҳмудов,- ҳибсга олинган Қ.Берегин кўп вақтгача бедарак кетди. Унга 1938 йил 5 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган суд томонидан олий жазо белгиланиб, ҳукм ижро этилган”<sup>2</sup>.

#### 4.2.1.16. Билолов Гусмат Мингалиевич (1921-1990).

Татирстон Республикасида туғилган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”, педагогика фанлари номзоди, профессор. Чистопиль ўқитувчилар институтини тугаллаган ва Татаристон Республикасида ишлаган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (1942-1945). Урушдан сўнг Хоразмга ишга келиб шу ерда муқим бўлиб қолади. Хоразм вилояти халқ таълими бўлими бошлиғи (1945-1967). Хоразм давлат педагогика институти “Педагогика ва психология” кафедраси мудири (1967-1990) лавозимларида ишлаган. Хоразмда маданият ва маорифни ривожлантириши ҳақида 3 марта монография ва 200 дан ортиқ мақолалар ёзган. “СССР халқ маорифи аълочиси” унвони билан тақдирланган. I ва II даражали “Ватан уруши”, “Қизил Юлдуз” орденлари, 9 та жанговар медаллар билан тақдирланган.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда, 105 бет

<sup>2</sup> Ўша жойда, 149-бет

#### 4.2.1.17. Бободдинов Бобожон (1940-1989).

Боғот туманининг Бешариқ қишлоғида туғилган. Хоразм давлат педагогика институтини тугатган (1961). Иш фаолиятини



Боғот туманидаги Маяковский номидаги мактабда директор (1964-1968), Ойбек номи мактабда ўқув бўлими мудири (1970-1973), туман халқ таълими бўлими мудири (1970-1973), туман ижрокўми раиси (1973-1980), Боғот туман партия комитетининг биринчи котиби (1981-1985), тумандаги Нариманов номи жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари (1986-1989) лавозимларида ишлаган. Фидокорона меҳнатлари учун “Меҳнат Қизил Байроқ” (1981), “Хурмат Белгиси”

(1975) орденлари билан тақдирланган.

#### 4.2.1.18. Бобожонов Латифбой Латифжон хожи Баҳовуддин ўғли.

1939 йилда Боғот туманида туғилган. Тиббиёт фанлари номзоди (1982). Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугатган (1960). Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Боғот қишлоқ касалхонасида бошлаган. Боғот туман стоматология поликлиникаси врачлари (1971-1981) ва кейинчалик унинг раҳбари бўлган (1981-1994). “Қишлоқ жойларида тиш кариеси касаллигининг тарқалиши ва уни эпидемиологик тадқиқотлар асосида олдини олиш чора-тадбирлари” (Москва, 1984) мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Фидокорона меҳнатлари учун “Соғлиқни сақлаш аълочиси” (1979) фахрий унвони ва “Санитария мудофааси аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган. 1982-1994 йилларда вилоят стоматологлар илмий жамияти раиси вазифасини бошқарган. Ўзбекистон (I-II) ва Бутуниттифок (VII-VIII) стоматологлари съездлари делегати

бўлган. Болгария, Руминия, Ирок, Қувайт, Саудия Арабистони, Туркия, Сурия, Ливан каби давлатларда бўлган.

#### **4.2.1.19. Бобожонов Матқурбон (1914-1989, Гурлан тумани Боғолонқ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ташкилотларида жамоа хўжалиklarини ташкил этишда қатнашган. Меҳнат фаолиятини колхозчиликдан бошлаган. Кейинчалик табелчи ва омбор мудирини бўлган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1944-1945), Гурлан туманидаги Куйбишев ширкат хўжалиги бошқарув раиси (1955-1976) лавозимларида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Хурмат Белгиси” орденлари, “Меҳнатда ўрнатилган кўрсатилганлиги учун” медалари билан тақдирланган. ЎзКП ХХ съездининг делегати бўлган.

#### **4.2.1.20. Бобожонов Карим (1917, Хива – 1989).**

Таниқли партия арбоби. Меҳнат фаолиятини Хивадаги типографияда ҳарф терувчиликдан бошлаган. Тошкент Олий партия мактабини ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатган (1968). 1940 йил декабридан Хоразм вилояти комсомол комитетининг инструктори, Урганч шаҳар комсомол комитетининг секретари, ЎзЛКСМ МК секретари (1942), Хоразм вилояти партия комитетининг бўлим мудирини (1946), Янгиарик ва Хонқа тумани партия комитетининг биринчи секретари (1946-1959) лавозимларида ишлаган. 1959 йилдан хўжалик ишида ва 1986 йилдан нафақада бўлган. “Хурмат Белгиси” (3 марта) ордени, медаллар, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Фахрий ўрликлари (3 марта) билан тақдирланган.

#### **4.2.1.21. Бобожонов Йўлдош (15.11.1906, Гурлан -01.06.1971, Тошкент).**

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг биринчи раҳбарларидан бири (1945-1957), генерал-майор (1945). Ички

ишлар министрлиги Москвадаги Олий офицерлар мактабини тугатган (1947). Гурлан милицияси отликлар отряди жангчиси (1925-1927), Урганч, Гурлан, Қорадарё, Оққўрғон ва Оҳангарон туманлари комсомол ва партия ташкилотлари бўлими мудир ва секретари (1925-1927), ЎзКП МК хузуридаги Партия – совет мактаби директори (1934-1935), ЎзССР Савдо халқ комиссари (1938-1939), Ички ишлар халқ комиссарлиги Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи (1939-1940), Республика Ички ишлар халқ комиссари ўринбосари (1940-1945), Ички ишлар министрлиги транспорт милицияси бўлими бошлиғи (1957-1971) лавозимларида ишлаган. ЎзКП МК аъзоси (1938-1960), СССР Олий Совети (2 марта) ва Ўзбекистон Олий Кенгаши (5 марта) депутатлигига сайланган. 1939 йилда Катта Фарғона канали курилишини таъминлашдаги хизматлари учун “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени билан тақдирланди. Кейинчалик эса “Қизил Юлдуз” (4 марта), “Хурмат Белгиси” орденлари ва медаллар билан мукофотланган. 1959 йилда истеъфога чиққандан кейин ҳам жамоатчилик фаолиятини давом эттирган. Тошкентдаги ўзи яшаган уйига хотира тахтаси ўрнатилган. Урганчдаги вилоят Ички ишлар бошқармаси жойлашган кўча ва Гурландаги катта кўчалардан бири номига қўйилган.

#### **4.2.1.22. Бобожонов Пўлат Раззоқович (1.01.1961, Боғот қ.).**

1961 йилда Боғот тумани Боғот қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Тошкент ҳарбий командирлар ўқув юрти курсанти (1982). Гурлан тумани прокурори ёрдамчиси (1982-1983), вилоят прокуратураси назорат бўлими прокурори (1983-1985) ва мудир (1985-1991), Гурлан тумани прокурори (1991-1992), Боғот тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари (1992-1996) ва вилоят назорат инспекцияси бошлиғи (1996-1999), Ўзбекистон Республикаси Президент Маҳкамаси масъул ходими (1999-2001), Ўзбекистон Республикаси Прокурорининг 1-ўринбосари (2001), Республика Солиқ департаментининг раиси (2002-2006), Жиззах вилояти

Прокурори (2006-2010), Бухоро вилояти прокурори (2011-2012)  
)Хоразм вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (2012)  
лавозимларида ишлаган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига  
сайланган (1994). (“ХХ,”1996,17 авг.) Бугунги кунда П.  
Бобожонов Хоразм вилояти ҳокими лавозимида фаолият  
кўрсатмоқда.

#### **4.2.1.23. Бобоҳон Муҳаммад Шариф (Шарипов Бобоҳон).**

1949 йилда Хонқа туманининг Олажа қишлоғида туғилган.  
Тошкент давлат университетини (1971), Тошкент  
сиёсатшунослик ва бошқарув институтини тугатган. Меҳнат  
фаолиятини 1971 йилда “Муштум” журналида адабий  
ҳодимликдан бошлаган. Кейинчалик “Тошкент оқшоми” газетаси  
муҳбири, “Ўзбекистон” нашриёти ижтимоий-сиёсий адабиётлар  
таҳририяти мудири, Ўзбекистон давлат матбуот комитети бош  
муҳаррири, сиёсий адабиётлар таҳририяти мудири, Ўзбекистон  
давлат матбуот комитети бош муҳаррири, Ғафур Ғулом номидаги  
“Адабиёт ва санъат” нашриёти директори, “Голос Узбекистана”  
газетаси бош муҳаррири (1994-1999). Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси  
“Академия” нашриёти директори (1999-2003) лавозимларида  
ишлаган. Бобоҳон Муҳаммад Шариф Ўзбекистон Ёзувчилар ва  
Журналистлар уюшмаси аъзоси, халқаро Маҳмуд Қошғарий  
мукофоти соҳиби, таниқли адабиётшунос, таржимон ва ношир.  
“Шоир ва жамиятчи”, “Пламенный певец” (Боту), “Қатрада акс  
этган куйш” китоблари, “Туркча сўзлашайлик” ва “Ўзбекча  
сўзлашайлик” номли сўзлашгичлари нашр қилинган. Таржимон  
сифатида турк олими Ойдин Тоҳирийнинг “Жалолиддин  
Хоразмшоҳ ва унинг даври” китобини (1999) ва турк ёзувчиси  
Явуз Баҳодир ўғлининг “Хоразм” романини (2010) ўзбек тилига  
ўғирган. Шунингдек ўзбек ёзувчиларидан Абдулла Қодирийнинг  
“Ўтган кунлар”, Одил Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна  
дунё”, “Адолат манзили”, Шукруллонинг “Кафансиз  
кўмилганлар”, Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”  
романларини ўзбек тилидан турк тилига ўғирган ва нашр

қилдирган. Буюк Хоразм фарзанди Нажмиддин Кубро ҳақидаги мақоласини Эронда чоп этдирган. Бугунги кунда ҳам машхур адиб ва журналист Бобоҳон Муҳаммад Шариф фаол ижодий ишлар билан шуғулланмоқда.

#### **4.2.1.24. Болтаев Карим (1901, Хива-04.10.1938, Тошкент).**

Бутун ҳаётини ва фаолиятини Она юрти ва жонажон халқи манфаати йўлига бағишлаган азиз инсонлардан бири Карим Болтаевдир. Қорақолпоғистон вилояти партия комитети биринчи секретари (1937), таниқли партия ва давлат арбоби. Хоразм комсомолини ташкил этишда қатнашган. Хива тумани ва Хоразм республикаси комсомол МК секретари (1922-1924), босмачиликка қарши кураш комиссияси раиси, Фавкулудда комиссия ва давлат сиёсий бошқармаси бошлиғи (1923-1924), Хоразм вилояти партия комитети секретари (1926-1927), ЎзКП МК бўлими мудирлари (1928-1929), ЎзССР Ер ишлари халқ комиссари (1929), Андижон шаҳар ва Фарғона вилояти партия комитети биринчи секретари (1929-1936) лавозимларида ишлаган. ЎзКП (1925-1937) ва ЎзССР МИК аъзоси (1925-1935), СССР МИК аъзолигига номзод (1925) ва аъзо (1927) бўлган. Хоразм ХСР “Меҳнат” ва СССР МИК “Қизил Юлдуз” орденлари билан тақдирланган. Қатагон йилларида ноҳақдан айбланиб, нобуд қилинган (04.10.1938). 1957 йилда бегуноҳлиги тан олинди, СССР Олий суди томонидан оқланган.

#### **4.2.1.25. Ваисов Матчон (1935).**



“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” (1983), Боғот ва Қўшқўпир туманлари партия комитети биринчи секретари (1983) лавозимида ишлаган ташкилотчи.



#### 4.2.1.26. Вапоев Мадрахим (1931-1969).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор (1965). Ўзбекистон сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари (1967-1969) лавозимида ишлаган таниқли ташкилотчи раҳбар. ТИИИМСХ ни тугатган (1954). Меҳнат фаолиятини 1954 йилда Урганч гидромелиоратив техникумида ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик вилоят суғориш бошқармаси ишлаб чиқариш бўлими мутахассиси ва бошқарма бошлиғи (1961-1967).

Байрамсоқа, Карвонсоқа, Тўранғи, Гурлан, Октябрь арна каналларини ишлатиш, Қизилжар массивида ерларни ўзлаштириш, вилоят сув хўжалиги бошқармасини бошқариш ишларига раҳбарлик қилган. 1969 йилда рўй берган Амударё тошқинига қарши курашни ташкил этишда жасорат кўрсатган ва вертолет ҳалокати оқибатида Нукус шаҳри яқинида ҳалок бўлган. Номига Урганч гидромелиоратив техникуми қўйилган.

#### 4.2.1.27. Давлатов Болта

(1909, Ҳазорасп тумани Муҳомон қ.- 7.08.2001, Урганч).

Таниқли партия, давлат ва жамоат арбоби, шоир (тахаллуси-Бодил). Хивадаги Шерғозийхон мадрасаси, Самарқанд молия техникуми (1931), Тошкент молия ходимларини қайта таёрлаш курси (1934) ва Масква Олий партия мактабини тугатган (1950), меҳнат фаолиятини 1926 йилда маҳсидўзликдан бошлаган. Кейинчалик Юқори Муҳомон кишлоқи шўроси секретари (1927-1930), Ҳазорасп (1931-1933, 1935-1938), Фарғона (1933-1934), Хива тумани ижрокўми молия бўлими (1938-1941), вилоят партия комитети ташкилий бўлими мудирини ўринбосари (1941-1942) лавозимларида ишлаган. 1942 йилда Орол денгизи орқали фронтга жўнатилаётган вақтида ЎзКП МК телеграммасига биноан қайтарилган ва Хонқа тумани партия комитети биринчи секретари этиб тайинланган. Туманда ер ости сизот сувлари юқорилиги сабабли 400 км. коллектор ва зовурлар қурдирган. 1947-1950 йилларда Москвадаги Олий партия мактабида ўқиб қайтгач, вилоят ижрокўми раиси (1950-1954), Урганч шаҳар

партия комитети биринчи секретари (1954-1956), вилоят партия комитети қишлоқ хўжалиги бўйича секретари (1956-1960) лавозимларида ишлаган. 1969 йилда нафақага чиққанлигига қарамасдан жамоатчилик асосида вилоят халқ назорати комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудири ва вилоят партия комитети лектори сифатида ишлаган. 1965-1975 йилларда ЎзФА Тил ва адабиёт институти илмий ходими бўлган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (2 мара), “Ҳурмат Белгиси”, “Қизил Юлдуз”(2 та) орд. ва 18 та медаль билан тақдирланган. 1947-1960-йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати (4 марта) этиб сайланган. Ҳазорасп туманидаги Карл Маркс (ҳоз. “Хоразм”) ва Янгиариқ туманидаги Ленин (ҳоз. Мадамин Маткаримов) номидаги ширкат хўжалиги тарихини ёзган. Алишер Навоий, Авдурахмон Жомий, Ҳофиз Шерозий, Мунис, Огаҳий каби шоирларнинг ижодидан завқланиб ўзи ҳам жуда кўплаб шеърлар яратган. “Ширин ва Шакар” достони, Султой Увайс ва Амир Ҳамза қиссаларини назм шаклида қайта ишлаган. 1996-1997 йилларида таниқли арбоб Полвонниёз хожи Юсуповнинг хотираларини ўзбек имлосига ўгиришда ёрдам берган. Ижоди намуналари ва мақолалари матбуотда мунтазам чиқиб турган. 1998 йил июлида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга йўллаган мактуби ва шеъри “Ўзбекистон овози” газетасида босилди. Юртбошимизнинг жавоб мактубида куйидаги сўзлар бор: “Менга йўллаган мактубингиз ва юрак қўрингиз билан битган шеърингиз учун Сиз нуроний отахонга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман. Уни 95 йил умри давомида ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотган, мустабид тузумнинг бедодликларини ўз бошидан кечирган, бугунги истиклолнинг туб моҳиятини чуқур англаб, озодлигимиз неъматларини астойдил қадрлаган оқсоқолнинг самимий дил изҳори деб тушунаман”.



#### 4.2.1.28. Давлатов Сафо (Сафо Полвон) Марказий Осиё ва бир неча бор оғирвазндаги миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони.

Хоразмийлар азал-азалдан спортнинг кураш турига ўта ишқибоз халқ бўлганлар. Ўзининг беқиёс куч қудрати билан асрлар бўйлаб тилларда дoston бўлган Паҳлавон Махмуд ҳам Хораз мий бўлган. Хоразмийлар ичидан кўп йиллар давомида афсонавий Паҳлавон Махмуднинг издошлари етишиб чиққан.



Шундай паҳлавонлардан бири, кураги ерга тегмаган алпқомат паҳлавон боғотлик Сафо полвон Давлатов эди. Афсонавий куч-қудратга эга бўлган Сафо полвон 50 йиллар бошида кураш майдонига чиқиб, ўз рақибларини кетма кет енгиб, порлоқ ғалабаларни қўлга киритди. Кураш бўйича Ўрта Осиё чемпиони, Ўзбекистон чемпиони унвонларига сазовор бўлди. Кураш бўйича СССР спорт устаси нормасини бажарди. 1949 йилнинг ноябрь ойлари эди. Дадам, ойимлар билан биргаликда

мени олиб кўшни Туркменистоннинг Тошҳовуз шаҳрига аммамиз Юсупова Салима опани кўриб келишга бордик. Бир неча кун у кишиларнинг уйларида меҳмон бўлдик. Кунларнинг бирида аммамларнинг кўшнилари катта тўй қилдилар ва бизларни ҳам таклиф қилдилар. Тўйда одамлар катта давра қуриб, унда Хоразм ва Тошҳовузнинг машҳур полвонлари курашга тушдилар. Ғолибларга катта мукофотлар кўйилди. Бош мукофот учун хоразмлик Сафо полвон ва тошҳовузлик туркман Ота полвон курашдилар. Ҳаётимда илк бор ҳамқишлоғим Сафо полвоннинг ечиниб, кураш кийими чекмонда Ота полвон билан олишувини кўрганман. Бу икки полвон афсонавий баҳодирларни эслатар эдилар. Сафо полвон кенг елкали, куюқ қошли, ўрта бўйли, танасида мускуллари ўта таранглашган афсонавий куч-қудратга эга полвон бўлса, Ота полвон Сафо полвонга нисбатан бўйи

хийла узун, лекин анча бақувват йигит эди. Икки полвон кучлари деярли тенг келиб, кураш бир соатларча давом этди. Бутун вужудим билан ёнимдаги хоразмликлар билан биргаликда Сафо акага мухлислик қилдик. Сафо полвоннинг ўзига нисбатан ёши каттароқ тажрибалироқ рақибига қарши олиб борган курашини фахр ва ғурур билан кузатдик. Ниҳоят бир соатдан ортиқ давом этган олишув Сафо полвоннинг ғалабаси билан тугади. Олқиш ва қарсақлар кўкка чиқди. Хоразм удуми бўйича даврадаги томошабинларнинг ҳар бири ғолиб полвонга пул берадилар. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Даврани ғолиб сифатида айланиб юрган Сафо полвон тўсатдан дадамларга ва менга кўзи тушиб қолди. Дадамлар билан саломлашиб, мени ўпиб, кўлимга мукофот пулларидан бир қисм пулни тутқаздилар. Юртимиз паҳлавонининг рақиб устидан эришган порлоқ ғалабаси Она юртимиз вакилининг ғалабаси сифатида мени ниҳоятда руҳлантирди ва бу кун қалбимда ўчмас из қолдирди. Сафо Давлатов Хоразмнинг оғир вазндаги XX асрнинг энг донгдор, энг номдор полвони эди. У кураги ерга тегмаган полвонлардан бўлиб, 60 йилларнинг ўрталаригача, вилоятда ва қўшни Тошховуз вилоятларида бош полвон сифатида танилди.

Сафо Давлатов 1925 йилда Боғот туманидаги Бўзарик қишлоғида туғилган. Мактабни битиргач, жамоа хўжалигида ишлади. 1942 йилда армия сафига чақирилиб, Ленинград камалида иштирок этди. Совет Армияси сафида Берлингача етиб борди. Икки марта оёғидан ярадор бўлди. Жангларда кўрсатган мардлиги учун бир неча орден, медаллар билан мукофотланган. 1947 йилда армия сафидан бўшаб, ўз қишлоғига қайтиб келади. Туман миқёсида спорт ишлари билан шуғулланади. Аста-секин тўйларда, спорт маросимларида курашчи полвон сифатида элга танила бошлайди. 1950 йилда кураш бўйича Ўзбекистон биринчилигида иштирок этиб, оғир вазнда Ўзбекистон чемпиони бўлади. 1951 йилда Москвада эркин кураш бўйича бир неча бор мамлакат чемпиони бўлган Г.Марков билан расмий мусобақада учрашиб, уни енгади. Шу йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўрта Осиё республикалари полвонларининг эркин кураш бўйича ўтказилган мусобақасида оғир вазн бўйича иштирок этиб, ғолиб чиқади. Ўрта Осиё чемпиони бўлади. 1960 йилгача у чемпионлик

унвонини ўзида сақлаб қолади. Хоразм юртининг доврўгига доврўғ қўшган машхур паҳлавон Сафо полвон Давлатов 2002 йил 12 сентябрда вафот этади.

#### **4.2.1.29. Давлатов Ҳожи (1923, Урганч тумани Юқори Дўрмон қ-1993).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига катта ҳисса қўшган ходим. Меҳнат фаолиятини “Коммунизм” жамоа хўжалигида асаларичилиқдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Кейинчалик молия инспектори, Энгельс номидаги ширкат хўжалиги ферма мудир, ширкат хўжалиги бошқаруви раиси лавозимларида ишлаган. Қишлоқни газлаштириш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, асфалтлаштириш, туманда касалхона қуришда ташаббускор бўлган. “Қизил Юлдуз”, “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Хурмат Белгиси” (2 марта) орденлари билан тақдирланган. Халқ депутатлари вилоят ва Урганч тумани Кенгашига сайланган.

#### **4.2.1.30. Девонов Ёқуб Юсупович.**

1906 йили Хива шаҳрида канцелярия амалдори хонадонида туғилган, ўзбек, 1915 йилдан эски ўзбек усулидаги мактабда ўқиган, мактабни битирмасдан ота-оналари Амударё вилоятидаги Тўрткўл шаҳрида яшаётган тоғасига уй хизматига бериб юборишган, рус-тузем мактабида 3 синфни битирган, мактабни битириш олдидан Хивага қайтиб келган, инқилобий ҳаракатда иштирок эта бошлаган. 1920 йили Хоразм совет республикасида комсомол ташкилотини тузишда иштирок этади. 1920 йил майда Хоразм Компартияси марказий комитети Туркбюро партия мактабига ўқишга юборади, ўқишни тугатгач, Бухорога сиёсий ишлар учун юборилади, Чоржўйда фавкулотда комиссияда комендант ўринбосари, 1921-1923 йиллари Хоразм комсомол ташкилоти марказий комитети раиси ўринбосари, ташкилий ишлар мудир бўлиб ишлайди, 1923 йил август ойдан 1924

Йил мартгача Хоразм фавқулотда комиссиясида фаолият кўрсатади. 1924 йили ВКП (б) сафига қабул қилинади, 1920 йилдан комсомол аъзоси бўлган. 1924 йил март, октябрида Хоразм комсомоли марказий комитети котиби, ундан сўнг Ўзбекистон комсомоли марказий комитети котиби, ундан сўнг Ўзбекистон комсомоли ташкилий бюроси раиси, Ўзбекистон комсомол марказий комитетида иқтисодий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўлими мудирлари лавозимида меҳнат қилади, 1927 йил апрелидан 1928 йил октябригача Ўзбекистон комсомол комитети марказий комитети котиби, 1928 йил октябридан 1930 йил ноябригача Москвада коммунистик ёшлар интернационали ижроия комитети Яқин Шарқ бўлими мудирлари, 1930 йил ноябридан 1931 йил сентябригача III коммунистик интернационалида Шарқ бўлими бўйича референт бўлиб ишлайди. 1931-1933 йиллари Москвада Қизил профессорлар институтида ўқийди, 1933 йил апрелидан 1935 йил февралигача Тошкент области Янгиариқ райони Қовунчи қишлоғида МТС сиёсий бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилади, 1935 йил февралда Тошкент шахрининг Калинин райони партия ташкилотининг секретари бўлиб 1937 йил 4 июнигача фаолият кўрсатади<sup>1</sup>.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишининг 1938 йил 4 октябрдаги йиғилишида Девонов Ёкуб Юсупович отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилган. У реабилитация қилинган, партиявий стажи қайта тикланган<sup>2</sup>.

#### 4.2.1.31. Дукно Иван Иванович.

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор”, вилоятда сув ҳўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган инженер-гидротехник. 50-70 йилларда вилоятда жуда кўплаб ирригация ва мелорация иншоотларини тиклаш ва ишга туширишга катта ҳисса қўшган. 1967 йилдан пенсионер бўлсада, вилоят сув

<sup>1</sup> ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 224-иш, 35-61 varaқлар

<sup>2</sup> РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варақ

хўжалиги бошқармаси ишларига жуда катта амалий ёрдам берган.

**4.2.1.32. Дўстжон Матжон (Матжонов Дўстжон,  
17.06.1924, Урганч -31.03.1990,  
Янгибозор посёлкаси).**

Радиотелевидение комитети Хоразм вилояти раиси ўринбосари лавозимида ишлаган истеъдодли болалар шоири. Урганч ўқитувчилар институти қошидаги курс (1941) ва Хоразм давлат педагогика институтини тугатган. Мехнат фаолиятини 1941 йилда Гурлан туманидаги “Маданият” мактабида муаллимликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида кўнгилли бўлиб қатнашган (1942-1945). 1946 йилда фронтдан қайтгач, ўқитувчи ва “Хоразм хақиқати”газетаси бўлими мудирини (1957-1963) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими масъул секретари (1963-1970), лавозимларида ишлаган. “Ўзбекистон” деб номли илк шеъри 1939 йилда “Бўл тайёр” тўпламида босилган. “Велько ботир” (1963), “Ўғилларингиз кўшиғи” (1966), “Танти айиқ, айёр тулки ва асал” (1975), “Кичкинтойлар гапиради” (1977), “Менинг озуларим” (рус тилида, 1979), “Ёнар тош”, “Дўстлик” (1981), “Хоразмнома” (1983), “Кўшмағиз”, “Менинг шахрим Хива” (рус тилида, 1984) номли китобларни нашр қилинган. Таржимон сифатида Булғор халқ эртаклари тўплами “Гавҳартош” асарларини ўзбекчага ўгирган ва 1959 йилда Тошкентда нашр қилдирган. Асарлари рус, украин, белорусс, қозоқ, литва ва бошқа халқларнинг тилларига таржима этилган. 1962 йилдан Ўзбекистон журналистлар ва 1973 йилдан Республика ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлган. “Халқлар дўстлиги” ордени, медаллар, Ўзбекистон Олий Кенгаши Риёсати Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

**4.2.1.33. Ёвбосаров Отажон (1911-1980).**

Ўзбекистон хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ таълими аълочиси Отажон Ёвбосаров 1910 йилда Қўшқўпирдаги



Кенагас қишлоғида чорикор деҳқон оиласида таваллуд топган. Аввал эски, сўнг шўролар ташкил этган янги мактабда савод чиқарган. 1924-1925 йилларда Хива шаҳридаги мактаб-интернатда ўқиган. 1925 йилдан 1929 йилгача Хива педагогика техникумида ҳам ўқиб ва шу билан бирга Хива эрлар мактабида 1928 йилдан 1930 йилнинг сентябрь ойигача ўқитувчи ҳам бўлиб ишлади. Ўқитувчилик касбига меҳр қўйган Отажон Ёвбосаров 1930 йилда

Самарқанд Давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, уни 1935 йилда муваффақиятли тамомлади. 5 йиллик талабалик давлари вақтида САМДУнинг олимлари Қори Ниёзий, Ҳамид Олимжон, Ҳамид Сулаймонлар билан бирга ўқиган, дўстлашган.

1935 йилда Хоразм давлат ўқитувчилар тайёрлаш институти ташкилотчиларидан бири, биринчи кўнғироқни чалган ҳам Отажон Ёвбосаров бўлди. Ўша йиллари институт ўқитувчиларидан фақат икки нафари Отажон Ёвбосаров ва Иван Иванович Буровлар олий маълумотли педагог эди. Отажон Ёвбосаров Хоразм Давлат ўқитувчилар тайёрлаш институтида 1939 йилгача ўқитувчилик қилди. 1939 йилдан 1943 йилгача Урганч шаҳридаги 1-сон мактабда директор лавозимида ишлади, 1943 йилдан 1944 йилгача эса Хоразм вилояти халқ таълими бошлиғининг муовини вазифасида хизмат қилди. 1944 йилдан 1963 йилгача Хоразм Давлат педагогика институти физика-математика кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. 1949 йилдан то умрининг охиригача вилоят марказига қатнаб сиртдан ўқийдиган мактабда директорлик ва ўқитувчилик қилди. Ушбу мактабнинг асосий мақсади урушдан кейинги оғир давларда вилоятимизда саводсизликни тугатиш ва аҳолига ўрта маълумот бериш бўлган. Шу вақтнинг даври талабига биноан кўпчилик раҳбарлар ушбу мактабда ўқиб ўрта маълумот олишган. У қаерда ишламасин фидокорлик, жасорат ва матонат



намуналарини кўрсатиб фаолият юритди. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, Отажон Ёвбосаров Хоразмга ўзининг экспедицияси билан келган академик Сергей Толстов билан бирга юриб таржимонлик қилган. Бир сўз билан айтганда Отажон Ёвбосаров Хоразмда маърифат тарқатган инсонлардан бири ҳисобланади.

#### **4.2.1.34. Ёмғуров Марат (1922, Боғот тумани Найман к).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”, “Огаҳий” (илгариги “Ленинизм”) жамоа хўжалигида оддий ишчи, тракторчи ва бригада бошлиғи лавозимларида ишлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (1972) ва “Жасорат” орденлари (1994), “Шавкатли меҳнати учун” медали билан тақдирланган.

#### **4.2.1.35. Ёқубов Абдулла (1913 -05.11.1971, Ҳазорасп тумани Карвак к).**



“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига улкан ҳисса қўшган тажрибали раҳбар. Меҳнат фаолиятини 1930 йилда “Қизил куч” жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган. Кейинчалик шу хўжаликда бригада бошлиғи (1940-1943) ва бошқарув раиси (1943-1945), “Ошоққарвак” (1955-1957) ва “Ленинизм” (1957-1963) ва “Ленинград” (1963-1981) жамоа хўжаликлари раҳбари сифатида узок йиллар ишлаган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ривожлантириш ширкат хўжалиги иқтисодий қудратини оширишга, меҳнаткашларнинг турмуш

даражасини яхшилашган эришган. “Ленин” ва “Хурмат Белгиси” орденлари, медаллар ва Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрликлари билан тақдирланган. 1993 йилда номи Хазораспда раислик қилган жамоа хўжалигига қўйилган.

#### **4.2.1.36. Ёқубов Аҳмад (1922, Шовот тумани Арбек қ-21.07.1984).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими”. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1941-14943). “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Хурмат Белгиси” орденлари, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

#### **4.2.1.37. Ёқубов Раҳим (05.05.1934-02.05.1987, Хива).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” (1981). Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатган (1956). 1956-1968 йилларда Янгиариқ туманидаги “Москва” жамоа хўжалигида аграномлик қилган. Кейинчалик шу туман пахта тозалаш заводида хом-ашёни тайёрловчи (1968), “Партия XXII съезди” ширкат хўжалиги бош аграноми (1970-1975), Огаҳий (1975-1979), Паҳлавон Маҳмуд номидаги жамоа хўжаликлари бошқарув раиси (1979-1986) лавозимларида ишлаган. “Хурмат Белгиси” ордени, ВДНХ бронза медали, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрликлари билан тақдирланган. “Ўзбеклар иши” юзасидан тўқилган иш асосида ноҳаддан жабрланган.

#### **4.2.1.38. Ёқубов Рўзимат (30.07.1926, Шовот тумани Чигатойқалъа қ.).**

Хоразм вилояти архив бошқармаси бошлиғи (1992) бўлиб ишлаган. Тошкент Олий партия мактабини тугатган (1960). Меҳнат фаолиятини 1942 йилда Шовот туманидаги Чигатойқалъа





қишлоғидаги “Ғайрат” жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган. 1945-1950 йилларда харбий хизмат ўтаган. Кейинчалик Шовот тумани партия комитети инструктори ва ташкилий бўлими мудир (1950-1956), Ҳазорасп тумани партия комитети ташкилий бўлими мудир (1960-1962), вилоят партия комитети партия ташкилотлари бўлими мудир ўринбосари (1962-1964), вилоят ижрокўми масъул секретари (1964-1987) ва архив бўлими мудир (1987-1992) лавозимларида ишлаган. 1994 йил 25 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий хокимият органларига депутатларини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти вақолатини узайтириш тўғрисидаги умумхалқ референдумини ўтгазиш вилоят комиссиясига раҳбарлик қилган. Маданий меросни сақлаш ва кенг тарғиб қилиш ишларига катта ҳисса қўшган.

#### 4.2.1.39. Ёқубова Марям.

“СССР халқ ўқитувчиси”, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Хоразм давлат педагогика институтини тугатган. Меҳнат фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Урганч шаҳар халқ маорифи бўлими мудир бўлиб ишлаган. Кейинчалик узоқ йиллар Урганч шаҳар 94-мактаб-интернат директори лавозимида ишлаган. КПСС XXVII съезди делегати (1986) ва СССР Олий Кенгашига депутат бўлиб сайланган (1990). “Ленин”, “Ҳурмат Белгиси” орденлари ва медаллар билан тақдирланган.

#### 4.2.1.40. Ёқубов Собир.

Хоразмда кўзга кўринган қишлоқ хўжалиги ташкилотчиларидан бири Собир Ёқубов эди. Собир Ёқубов 1920 йил 15 апрелда Хоразм вилояти Янгибозор тумани Уйғур қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. У меҳнат фаолиятини 15 ёшидан она қишлоғидаги “Тельман”, ҳозирги “Ўзбекистон” жамоа хўжалигида колхозчиликдан бошлаган. Ўзининг тиришқоқлиги ва



меҳнатсеварлиги туфайли мансаб курсисиди кундан кунга ўсаборди. 1950-1955 йилларда Янгибозор МТС да ҳисобчи, бош ҳисобчи, 1955 йилдан 1974 йилгача ўзининг она қишлоғидаги “Ўзбекистон” жамоа хўжалигига раислик қилган. Собир ака ўзининг ишбилармонлиги ва юксак ташкилотчилиги туфайли мазкур жамоа хўжалигини қолоқликдан илғорлар даражасига олиб чиқди. Жамоа хўжалигида катта миқёсда ободончилик ишлари олиб борилди. Жамоа аъзоларининг моддий фаровонлиги кўтарилди.

Собир Ёқубов 1974-1990 йилларда Янгибозор туман қурилиш монтаж бошқармасида бошлиқ ўринбосари, қасаба уюшмаси раиси лавозимларида ишлади. У қаерда ишламасин ўзининг одамгарчилиги, ҳалоллиги, принциналлиги билан кўпчиликнинг ҳурматни қозонган. Ҳукуматимиз Собир Ёқубовнинг кўп йиллик меҳнатини қадрлаган. У бир неча ҳукумат ордени, медаллари билан мукофотланган. Собир Ёқубов 1993 йил 15 сентябрда вафот этган.

#### **4.2.1.41. Жабборов Бекжон (1922, Янгиариқ тумани-18.09.1984).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор” , Хоразм балиқчилик хўжалиги собиқ раҳбари (1979-1984). Меҳнат фаолиятини 1936 йилда Янгиариқ тумани газетасида ҳарф терувчиликдан бошлаган. Самарқанд автомобиль ва йўллар техникумини тугатган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (1942-1943) ва ногирони. “Меҳнат Қизил Байроқ” ва “Ҳурмат Белгиси” ордени билан тақдирланган.

#### 4.2.1.42. Жабборов Иброҳим (21.02.1920-20.08.1989, Боғот тумани Қизилравот к).



“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор” (1979), Боғот туманидаги “Коммуна” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (1950-1961) лавозимида ишлаган ташкилотчи. Хива қишлоқ хўжалиги техникумини тугатган (1968). Меҳнат фаолиятини 1936 йилда “Роҳат” ширкат хўжалигида табелчиликдан бошлаган. Кейинчалик шу хўжалиқда бош ҳисобчи (1937-1938), Қизилравот қишлоқ шўроси раиси (1938-1941) бўлиб ишлаган. 1941-1942 йилларда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва ярадор бўлиб қайтган. 1942-1944 йилларда “Коммуна” ширкат хўжалигида бош ҳисобчи, Ҳазорасп тумани молия бўлими мудирини (1944-1950), “Коммуна” ширкат хўжалиги бошқарув раисини (1950-1981) лавозимларида ишлаган. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришда техникани жорий қилиш ташаббускори сифатида танилган. 1962 йилда ширкат хўжалигида вилоятда биринчи бўлиб пахта териш машинаси билан 80 % ҳосилнийғиб олишга эришган. “Ленин” (1965), “Октябрь инқилоби” (1980), “Меҳнат Қизил Байроқ” (1975), “Ҳурмат Белгиси” (1957) орден ва медаллари билан тақдирланган.

#### 4.2.1.43. Жабборов Шоназар (1938-2006).

Янгиариқ туманида туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институти (1960) ва Олий партия мактабини тугатган (1975). Меҳнат фаолиятини Янгиариқ тумани суғориш иншоотлари бошқармасида техник сифатида бошлаган. Кейинчалик туман Ижроқўмининг маъсул ходими (1961 й), туман комсомол комитети 2-чи ва 1-секретари (1961-1970), Хоразм вилоят комсомол комитети 1-чи секретари (1970-1973), вилоят партия



комитети мафкура бўлими мудир, вилоят ижроқўми раисининг ўринбосари, Гурлан тумани партия комитетининг биринчи секретари, Янгиариқ тумани ҳокими ва бир неча маъсулиятли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Фидокорона меҳнатлари учун “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Ҳурмат Белгиси” орден ва медаллари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.44. Жуманазаров Матназар (18.02.1936-03.2000).**



Боғот туманида туғилган. ТИИИМСХ ни тугатган (1959). Меҳнат фаолиятини тумандаги Жданов номли жамоа хўжалигида табелчиликдан бошлаган. 1959 йилда Хива қишлоқ хўжалик техникумида ўқитувчи, Хива механизация ўқув юрти директори (1961-1963), “Узселхозтехника” вилоят бирлашмаси директори 1-ўринбосари (1963-1965), вилоят партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудир (1965-1968), Ўз КП МК инспектори (1968-1972), Хоразм вилояти партия назорат комиссияси раиси ўринбосари (1972-1973), Урганч тумани партия комитети секретари (1979-1985), “Узселхозтехника” вилоят бошқармаси бўлими мудир (1985-1990), вилоят томорқа хўжалиги уюшмаси бўлими раиси лавозимларида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ” ва “Ҳурмат Белгиси” орденлари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.45. Жуманиёзов Отабой (1918-1989, Қўшқўпир тумани Хайробод қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор” (1964). Меҳнат фаолиятини 1935 йилда “Иттифок” жамоа хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган. Кейинчалик “Ҳаваскор” жамоа хўжалигида ҳисобчи ва раис (1939-1948), туман қорамолларни тайёрлаш идораси бошлиғи (1948 -1949), Қўшқўпир тумани партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудирини (1949-1950), Киров номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (1951-1973) лавозимларида ишлаган. “Ленин”, “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Хурмат Белгиси” орденлари ва медаллар, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати бўлган (1959). Номига ўзи раҳбарлик қилган ширкат хўжалиги қўйилган.

#### **4.2.1.46. Жуманиёзова Ойша (1932-1997, Урганч тумани Чандарқиёт қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор” (1965), Урганч туманидаги “Пахтакор” ширкат хўжалиги илғор бригада бошлиғи (1962-1993), қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашда катта ташаббускорлик кўрсатган механизатор. Хива қишлоқ хўжалиги техникуми механизаторлар курсини тугатган (1958). Меҳнат фаолиятини “Пахтакор” ширкат хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган. Кейинчалик звено бошлиғи (1952-1958), механизатор (1959-1962) бўлиб ишлаган. Бригадаси 200 га ерда деҳқончилик қилган ва пахта ҳосилини машинада терган. “Ленин” (1965) ордени, I, II, III даражали “Жасоратли меҳнати учун” медали (1964, 1969, 1976) билан мукофотланган. СССР Олий Кенгаши депутати бўлган (1962 , 1966).

#### 4.2.1.47. Жуманиёзов Султонқори.

Хоразм ССР Марказий Ижроия Комитети раиси (март-август 1924). Хоразм ХСР Адлия ва Маориф нозири лавозимларида ишлаган (1923). Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланишнинг дастлабки босқичида бўлғуси Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети раиси лавозимига номзод бўлган, ammo дин арбоби бўлганлиги боис сайланмаган. Сталинча қатағон йилларида бегуноҳ қурбон бўлган

#### 4.2.1.48. Жуманиёзов Маркс (1938-2012).



Хоразм вилоятининг биринчи ҳокими. 1938 йил 18 августда Янгибозор тумани Оёқ дўрмон қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат Ирригация институтини тугатган. Ўзининг самарали меҳнатлари билан катта обрў қозонган. Тошкент Олий партия мактабини тугатган. Ўз меҳнат фаолиятини “Узсельхозтехника”, Урганч тумани бўлим бошлиғи (1959-1961) лавозимида бошлаган. Кейинчалик Давлат техника назорати катта муҳандиси, “Узсельхозтехника” бирлашмаси бошқарувчиси ўринбосари (1961-1970), “Хоразмсовхозстрой” трести бошқарувчиси (1970-1985), вилоят Ижроўми раиси ўринбосари (1975), Хонқа (1975-1985) ва Урганч туманлари партия комитетининг биринчи котиби (1985-1991), “Агроснабремонт” вилоят бирлашмасининг раиси (1991-1992), Хоразм вилояти ҳокими (22.01.1992 – 04.01.1996), Ўзбекистон республикаси сув ва қишлоқ хўжалиги вазири (1996-1997), Ўзбекистон республикаси Карантин бошқармаси бошлиғи (1997-2000) лавозимларида ишлаган. Фидкорона меҳнатлари учун “Ленин” ва “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени, Ўзбекистон республикаси “жасорат” ордени (1994) ва медаллар билан тақдирланган.

1994 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланган, фидокор, меҳнаткаш,



юксак ташкилотчи азиз инсон Маркс Жуманиёзов 2013 йилда вафот этган. Она Ватан ва халқи учун ҳаётини бахшида қилган азиз инсоннинг охирати обод бўлғай!

#### **4.2.1.49. Иброҳимов Аҳмаджон (1899-1957, Тошҳовуз).**

Таниқли партия ва давлат арбоби. Ашхобод ва Боқуда қора ишчи (1915-1916), Хивадаги савдо фирмасида бошқарувчи (1916) бўлиб ишлаган. 1917 йил декабрида Қизил гвардияга ёзилган. Тошҳовуз тумани Революцион комитети, ҳамда Фавкуллда комиссия раиси (1922), Хоразм вилояти ва Боғот тумани ижрокўми раиси (1924-1930), Шовот тумани партия комитети секретари (1931-1932) лавозимларида ишлаган. Ўрта Осиё Коммунистик университетида ўқиган (1932-1934). Бухоро ва Наманган вилояти, қатор туманларнинг партия комитети биринчи секретари (1934-1937), Хоразм вилояти партия комитети секретари (1937-1941), Тошкент вилоятидаги давлат хўжаликларидан бири директори (1941-1946), Пскент тумани партия комитети секретари (1946-1950) лавозимларида ишлаган. СССР Олий Совети депутати (2 марта) бўлган. Ленин, “Меҳнат Қизил Байроқ” (3 марта), “Қизил Юлдуз” (2 марта) орденлари ва медаллар билан тақдирланган. Номи Урганч шаҳридаги 14-сон ўрта мактабга берилган.

#### **4.2.1.50. Иброҳимов Машарип (1931-1998).**

##### **Халқ маорифи аълочиси.**



Машарип Иброҳимов 1931 йилда Хоразм вилояти Боғот кишлоғида туғилган. Отаси Иброҳим эшон номи билан элга танилган мўтабар шахс бўлиб, замонасининг ўқимишли кишиларидан бири бўлган. Машарип Иброҳимов ўрта мактабни тугатгач, Хоразм Давлат Педагогика институтига ўқишга киради ва уни тугатгач, Боғот туманидаги бир неча

умумтаълим мактабларида муаллифлик қилади. Шу билан бир вақтда аҳоли ўртасида диний эътиқодларни мустахкамлаш ишларида фаол иштирок этади. Айниқса, Боғот кишлоғи атрофидаги кабристон-ларни ободонлаштириш ишига аҳолини жалб этишда катта иш олиб борган.

Ёш авлодни тарбиялашдек ўта муҳим ишда ҳам Машарип Иброҳимовнинг хизматлари каттадир. Намунали иш фаолияти учун Машарип Иброҳимов бир неча бор ҳукумат фахрий ёрликлари билан мукофотланган.

#### **4.2.1.51. Иброҳимов Саъдулла (1929-2002).**

Самарқанд тиббиёт институтини тугатган (1955). Меҳнат фаолиятини 1946 йилда Урганчда оддий ишчиликдан бошлаган. Олийгоҳни тугатгач вилоят касалхонасида хирург (1955-1956), Урганч шаҳар поликлиникаси ўсма касалликлари кабинет мудир (1957), вилоят ўсма касалликлари диспансери бош врач (1957-1990) лавозимларида ишлаган. Вилоят ўсма касалликлари диспансери ташкилотчиси ва биринчи раҳбари (1957-1990). Диспансердаги ўринлар сони Саъдулла Иброҳимов раҳбарлик қилган йилларда 10 тадан 120 тагача етказилган. Диспансер қошида 150 беморни қабул қилиш имкониятига эга бўлган поликлиника очилган. Радиология бўлими “Луч-1”, “Агат-РМ” , “Агат-Б” каби замонавий ускуналар ўрнатилган. Бу ҳайрли ишларда Саъдулла Иброҳимовнинг хизматлари беқиёсдир. Саъдулла Иброҳимов 1979 йилда Бутуниттифоқ онкологлар жамиятига аъзо қилиб сайланган. 1986 йилда Венгрияда ўтказилган рақ касаллигига қарши XIV Халқаро онкологлар конгрессида иштирок этган. “СССР соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони ва Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.



**4.2.1.52. Ирисметов Йўлдош**  
**(1897, Чимкент-07.01.1939,**  
**Пермь области, Соликамск шахри).**

Хоразм вилояти партия комитети биринчи секретари (1930-1931) лавозимида ишлаган ташкилотчи. Меҳнат фаолиятини 1914 йилда Арис темир йўл бекатида оддий ишчиликдан бошлаган. Фуқаролар урушида қатнашган. Кейинчалик Мирзачўл уезди Ер комитети раиси ва партия комитети секретари (1922-1923), Чимкент тумани партия комитети секретари (1924-1925), Қазали тумани “Кўшчи” уюшмаси раиси (1925), Катта Қўрғон уезд партия комитети секретари (1926-1927), “Ўзбекбирлашув” бошқармаси раиси (1928-1929), Қашқадарё вилояти партия комитети секретари (1929), ЎзССР МИК раиси ёрдамчиси (1929), Наманган МТС директорининг Сиёсий ишлари бўйича ўринбосари (1933-1934), ЎзССР Ер ишлари комиссариати масъул ходими (1934-1937), Сурхондарё вилояти партия комитети биринчи секретари (1937) лавозимларида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени билан тақдирланган (1927). Сталинча катагонлар даври қурбони бўлган.

**4.2.1.53. Исроилов Нормат**  
**(1904-08.10.1938, Тошкент).**

Хоразм вилояти партия комитети биринчи секретари (1934-1937) лавозимида ишлаган таниқли арбоб. ЎЗКП МК бўлими мудири бўлган. Вилоятда қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Сталинча катагонлар даври қурбони бўлган.

#### 4.2.1.54. Йўлдошева Дилбаржон Жуманазаровна.



1948 йилда Урганч шаҳрида туғилган. Украинадаги Тернополь шаҳрида жойлашган Тиббиёт институти тугатган. Олий тоифадаги врач. Дилбаржон Йўлдошева меҳнат фаолиятини 1972 йилда Хоразм вилоят I сон касалхонаси кўз касалликлари бўлимида врач ординаторликдан бошлаган. Кейинчалик шу касалхона бош врачининг жаррохлик бўйича ўрин-босари (1982-1984) ва врач (1986-1987), тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти комитети раиси (1987-1998). Хоразм вилояти кўз касалликлари шифохонаси бош врач (1998-2000) бўлиб ишлаган. Бугунги кунда шу касалхонада бўлим бошлиғи бўлиб ишламоқда.

Дилбаржон Йўлдошева (1984-1986 йилларда Ангола (Африка) республикасида байналмилал ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаган. Ўз устида доим ишлаб бориш, меҳнат интизомига қатъий амал қилиш Дилбаржон Йўлдошевага хос хусусиятлардирлар. Тиббиёт соҳасидаги фидокорона меҳнатлари учун ҳукумат унга Ўзбекистон Республикаси “Соғлиқни сақлаш аълочиси” медали берилган.

#### 4.2.1.55. Йўлдошев Жуманазар (1923-2005).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси, Хоразм вилояти педагогика оламининг ёрқин юлдузларидан бири Жуманазар Йўлдошев эди. Жуманазар Йўлдошев 1923 йил 9 майда Тўрткўл шаҳрида туғилган. 1941 йилда Урганч шаҳридаги Максим Горький (ҳозирги I-сонли) мактабини тугатган. 1942-1945 йилларда армия сафида хизмат қилган. Улуғ Ватан уруши иштироқчиси. Курск, Орёл ва Шарқий Пруссиядаги жангларда фаол иштироқ этган. Бир



неча марта яраланган. Жангларда кўрсатган мардлиги учун бир неча ҳукумат ордени ва медаллари билан мукофотланган. Ўқитувчилик фаолиятини 1946 йилда Урганч шаҳридаги Ҳамза мактабида бошлаган. Аввалига ўқитувчи, кейинчалик илмий бўлим мудири ва директорлик лавозимларида ишлаган.

1960-1975 йилларда Урганч шаҳридаги Куйбишев номи, 1975-1980 йилларда Урганч шаҳридаги Аҳмаджон Иброҳимов номи, 1980-1985 йиллар вилоят халқ таълими

қошидаги кечки мактабда директор лавозимларида ишлаган. 1948-1952 йилларда Хоразм Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини муваффақиятли тугатган. Жуманазар Йўлдошев ёшларга меҳрибон, олийжаноб, камтарин инсон бўлган. У қаерда ишламасин, ўзини ёшларнинг жонкуяр тарбиячиси, моҳир педагог сифатида кўрсатган. Ўзининг узок йиллик фаолияти давомида кўплаган иқтидорли шогирдлар тарбиялаб етиштирди. Бугунги кунда улар республика ва вилоят халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Ёшлар тарбиясида қилган фидокорона меҳнатлари учун 1970 йилда Жуманазар Йўлдошев Халқ маорифи аълочиси нишони ва 1980 йил 8 майда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони билан тақдирланган.

#### 4.2.1.56. Йўлдошев Ғофур.

1954 йилда Хазорасп туманида туғилган. Тиббиёт фанлари номзоди (1988). Ғофуржон Йўлдошев Хоразмнинг сўнгги йилларидаги энг малакали жарроҳларидан биридир. Ўзининг фидокорона, ҳалол меҳнатлари билан вилоятда катта обрў-эътиборга эга бўлган шахс. Ғофуржон Йўлдошев Самарқанд тиббиёт олийгоҳини тугатган. Меҳнат фаолиятини (1977) йилда

вилоят 1-сон касалхонаси хирургия бўлимида врач-интерналикдан бошлаган. Кейинчалик шу муассасада ординатор (1978-1979, 1988-1991) ва Урганч шаҳар касалхонасида хирург (1979-1984, 1991-1993) лавозимларида ишлаган. 1984-1987 йилларда Бутуниттифоқ хирургия илмий марказида клиник-ординатурани ўтаган ва 1988 йилда Москвада “Экинокакхоз касаллиги қайталаниши диагностикаси ва жарроҳлик даволаниши” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1993 йилда вилоят бош хирурги ва 1994 йилда Биринчи Тошкент медицина институти Урганч филиали “Факультет хирургияси” кафедраси доценти бўлиб ишлаган. 1991 йилдан буён Урганч шаҳар касалхонаси хирургия бўлими мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

#### **4.2.1.57. Каримов Раҳим (1917-1974, Хива).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос” (1967). Тошкент ҳуқуқшунослик техникуми (1951) ва Ўрта Осиё давлат университетини тугатган (1963). Меҳнат фаолиятини 1933 йилда Хива тумани комсомол комитетида бошлаган. Кейинчалик шу туман прокуратураси масъул ходими (1937-1939), Манғит (1939-1946), Янгиариқ (1946-1953), Ҳазорасп (1953-1959), Урганч (1959-1961), Хива туманлари прокурори (1961-1967), Шовот туманлари прокурори (1967-1974) лавозимларида ишлаган.

#### **4.2.1.58. Каримов Тожи (05.05.1938, Урганч тумани Юқори Дўрмон қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор”, Урганч туманидаги Карл Маркс (хоз. “Дўрмон”) номидаги жамоа хўжалигида 40 йил механизатор бўлиб ишлаган (1953-1993). Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

**4.2.1.59. Курдин Константин Трофимович**  
**(24.03.1916, Волгоград в., Камишин т.**  
**1- Рудня қ.- 1989, Урганч).**

Вилоят ижрокўми раиси ўринбосари (1947-1973) лавозимида ишлаган ташкилотчи. Меҳнат фаолиятини 1931 йилда Саратов вилоятининг Покровск темир йўл бекатида электрик бўлиб бошлаган. 1932 йилда Саратов темир йўл техникуми ва 1937 йилда Москва темир йўл транспорти электротехника институтида ўқиган. 1942-1947 йилларда темир йўл қўшинлари харакати бошқармасида ишлаган. Умрининг сўнги йилларда “Аэрофлот” бошқармаси Урганч шаҳар агентлиги бошлиғи бўлган. Меҳнат “Қизил Байроқ ва” ва “Хурмат Белгиси” (2 марта) орденлари, медаллар, Ўзбекистон Олий Кенгаши Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

**4.2.1.60. Ли Мирон Данилович**  
**(05.05.1932, Приморье ўлкаси**  
**Ханкай тумани Синтухинец қ.).**

Вилоят ҳокимияти Иқтисодий гуруҳи собиқ бошлиғи (1992). 1937 йилдан Гурлан туманидаги “ Коммунизм” жамоа хўжалигида яшаган. Ташкент молия иқтисоди институти (1955) ва Олий партия мактабини тугатган (1968) . Меҳнат фаолиятини вилоят молия бўлими МТС бўйича тафтишчи-ҳисобчилик бошлаган. Урганч шаҳар молия бўлими катта ҳисобчиси (1958) ва бошлиғи (1961) лавозимларида ишлаган. 1964-1966 йилларда халқ назорати комитетида инспектор бўлган. 1968-1989 йилларда партия ишида – вилоят партия комитети инструктори, Хива туман партия комитети иккинчи ва биринчи секретари (1987) лавозимларида ишлаган. 1990 йилларда вилоят ижрокўми раиси ўринбосари этиб сайланган. 1992 йилда Республика аҳамиятидаги нафақахўр. “Меҳнат Қизил Байроқ” ва “Хурмат Белгиси” орденлари, Ўзбекистон Олий Кенгаши Риёсати Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган (16.10.1994).

#### 4.2.1.61. Мадримов Адушарип (25.03.1932, Хива тумани Саёт қ.).

ЎзҚХФА фахрий академиги (1993), Хоразм Маъмун академияси етакчи илмий ходими (1998), қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди (1965). Хива қишлоқ хўжалик техникуми (1950) ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатган (1956). Мехнат фаолиятини Хива тумани пахтачилик бўлими аграноми лавозимида бошлаган. Хива қишлоқ хўжалиги техникуми сиртки бўлими мудири (1956-1960), Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти аспиранти ва Сирдарёдаги марказий мелиорация тажриба станцияси катта инженер-мелиоратори (1960-1966), Хоразм пахтачилик тажриба станцияси катта илмий ходими (1968-1971), туман халқ депутатлари Кенгаши ижроия комитети раиси (1971-1976), “Хива” (1976-1977) ва Рўзмат Мадаминов номидаги жамоа хўжаликлари бошқаруви раиси (1977-1992), Хива тумани агросаноат давлат ширкати уюшмаси раиси (1992-1997) лавозимларида ишлаган.

#### 4.2.1.62. Мадаминов Одилбек Саидмуродович.

Олий тоифадаги врач РШТЁИМ Хоразм филиали хирургия бўлими мудири. Одилбек Мадаминов 1951 йилда Хива шаҳрида туғилган. 1984 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтини тугатган. 1984-1985 йилларда Хоразм вилоят 1-сон касалхонасида хирургия бўлимида интернатурани ўтаган. 1985 йилдан мазкур касалхонанинг хирургия бўлимида врач, кейинчалик 1987 йилдан 1992 йилгача урология бўлимида врач бўлиб ишлаган. Одилбек Мадаминовга хос доимо ўз устида ишлаб бориш, янгиликка интилиш, унинг хизмат лавозимида доимо ўсиб боришига олиб келди. 1991 йилдан 1999 йилгача экстракорпорялитотрипсия бўлими мудири вазифасида ишлади. Айнан бу вазифада Одилбек Мадаминов ўзининг етук тиббий илми беморларга гамхўрлиги билан катта обрў ортирди. Натижада



уни 1999 йил Хоразм вилоят 1-сон шифохонасининг бош врачлари ўринбосари лавозимига ишга таъин қилдилар. Ушбу таъин қилиш вазифида Одилбек Мадаминов 2003 йилгача ишлади. 2003 йилда эса уни РШТЎИМ Хоразм филиали урология бўлими мудири лавозимига ўтказишди. Одилбек Мадаминов бу ишда юзлаган беморларни жарроҳлик усули билан оғир дарддан ҳалос қилди. 2008 йилда эса уни намунали хизматлари учун лавозим курсисидан яна улуғлаб РШТЎИМ Хоразм филиали директорининг даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари лавозимига ўтказишди. 2010 йилдан 2012 йилгача РШТЎИМ Хоразм филиали урология бўлими мудири лавозимида ва қаерда ишлагани, унинг қалбида битта эзгу ниёт-инсонларни оғир дарддан ҳалос қилиш ниёти туради. У ўз врачлик бурчига ўта садоқатли, ўта ҳалол ва ўта одамий инсондир. Бугунги кунда Хоразмнинг машҳур кишиларидан биридир.

#### **4.2.1.63. Мадаминов Рўздат (1933-1977, Хива тумани Саёт қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”, Хива туманидаги Фрунзе номидаги жамоа хўжалигидан 18 йил раислик қилган (1959-1977), мутахассис. Қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларидан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлган. Пахта ҳосилдорлигини 19 центнердан 44,5 центнергача кўтаришга муваффақ бўлган. Саёт қишлоғини ободонлаштириш (маданият саройи, газ, асфальт, электрлаштириш ва ҳк.) ишларига катта эътибор берган. Раҳбарлиги даврида ташкил этилган футбол командаси Ўзбекистон чемпионати мусобақаларида қатнашган. Номи ўзи бошқарган хўжалигига қўйилган ва унинг маданият саройи олдида бюсти ўрнатилган.

#### **4.2.1.64. Матёкубов Отаназар (1946, Урганч).**

Ўзбекистон Маданият вазирининг 1-чи ўринбосари (1997), санъатшунослик номзоди, профессор. Тошкент Давлат консерваториясини тугатган ва шу илгоҳда ўқитувчилик қилган. Ўзбекистон телевидениясида кўплаб эшиттиришлар тайёрлаган.

Ўзбек музыка меросининг билимдони ва оташин тарғиботчиси сифатида кенг омма орасида танилган. Комилжон Отаниёзов, Ҳожиҳон Болтаев каби хонандаларнинг ҳаёти ва ижодини ёритишга катта ҳисса қўшган. 1998 йил декабрида ташкил этилган “Фидойилар” демократик партияси ташкилотчилар бири ҳисобланади. Машҳур уста Абдулла Жиннинг невараси ва таникли хонанда Матёкуб Раҳимовнинг фарзанди.

#### **4.2.1.65. Матқаримов Иброҳим (1922, Янгиариқ -1979, Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат қўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”, Ўрта Осиё пахтачилик институти (СоюзНИХИ) Хоразм вилояти бўлими директори (1968-1979) лавозимларида ишлаган ташкилотчи. Тошкент ветеранирия техникумини тугатган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1941-1943). Янгиариқ тумани ижроқўми раиси ўринбосари (1943-1945), Хоразм давлат наслчилик станцияси директори (1949-1958), Ҳазорасп тумани партия комитети биринчи секретари (1958-1968) лавозимларида ишлаган. “Ҳурмат Белгиси” ордени билан тақдирланган.

#### **4.2.1.66. Матчонов Машарип (1905-1977) Ўзбекистонда хизмат қўрсатган савдо ходими.**



Машарип Матчонов 1905 йилда Хива шаҳрида туғилган. Отаси Матчон Хотиб Эшон, дадаси Саъдулло Хотиб Эшон каби ўз даврининг етук саводхон кишиларидан бири бўлиб, хон саройида хотиб имомлик лавозимида хизмат қилган. Ўз ўғли Машарипнинг тарбиялашга зўр эътибор билан қараган. Табиатан қобилиятли бўлган Машарип шаҳар мактабларида ўқиб, ундан сўнг мадрасада ўқишни давом этдиради. Бироқ хонликда бўлиб ўтган



сийсий воқеалар унга ўқишни давом этдиришга имкон бермайди. Рўзгорни тебратиш учун ишлашга мажбур бўлади. Янги ташкил этилган “Инқилоб кўши” газетасида ҳарф терувчи бўлиб ишлайди. Бу иш унинг соғлигига ёмон таъсир кўрсатади. Ўпка касаллиги бошланади. Тиббиёт вакиллари унга зудлик билан иш шароитини ўзгартиришни таклиф қиладилар. Бундан хабар топган Машарипнинг боғотлик дўстлари уни Бўсолок Найман қишлоқ советига саркотиб лавозимига ишга таклиф қиладилар. Бу воқеа 1934 йил кузида содир бўлган эди. 1936 йилда Матлубот кооперацияси ташкил этилганлиги муносабати билан уни ишга таклиф қиладилар. Машарип Матчонов шу соҳада дўкон мудир, туман матлубот кооперацияси бошлиғи, савдо бўлими бошлиғи каби лавозимларда ҳалол меҳнат қилган. Тошсоқа канали қурилишларида савдо бўлими бошлиғи лавозимлариджа хизмат қилиб, ҳукумат мукофотларига сазавор бўлган. Уруш йилларида туман газетасини чиқаришда фаол иштирок этган. Уруш йилларида ўндан ортиқ етим болаларини ўз оиласига олиб тарбиялаган.

#### 4.2.1.67. Эркин хожи Матсапаев

#### Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими (1984).



1939 йилда Шовот туманидаги “Ўзбекистон” қишлоғидаги “Қизил Шарқ” жамоа хўжалигида зиёли оиласида туғилган. Отаси Ёқуб Матсапо ўғли туманда кўзга кўринган арбоб (жамоа хўжалиги раиси) бўлиб, 1942 йилда урушда ҳалок бўлган.

Самарқанд кооператив институтини битказган (1966). Меҳнат фаолиятини Моноқ қишлоғидаги савдо магазинида сотувчига шогирдликдан бошлаган. Халқимиз орасида битта доно нақл бор.

Унинг мазмуни тубандагича: Хоразмда баланд-баланд тоғлар йўқ. Лекин уларга арзидиган мард, танти инсонлар кўп. Айнан юқорида тарифга тўхталганимиз, хоразмлик мўътабар инсон-

Эркин ҳожи Матсапаев шундай инсонлардан. Ўзининг бутун умрини, кучини, ақлу-фаросатини халқига хизмат қилиш ишига бағишлаган, буюк инсон-ўз иш фаолиятини савдода шоғирдликдан бошлаб, тиришқоклиги, хушмуомалиги, меҳнат-севарлиги туфайли хизмат лавозимида тобора ўсиб борди. Турли савдо бўлимларида директор бўлиб ишлади. Самарқанд кооператив техникуми ва кейинчалик кооператив институтига ўқишга кириб уни муваффақиятли тугатиб савдо соҳасидаги ўз билимларини оширди.

1966 йилда Эркин Матсапаев ҳаётида туб ўзгариш рўй берди. Тошкент тиббиёт институтини битказиб вилоят касалхонасига ишга келган врач қиз Мафура Сайфиддин қизини учратиб қолади. Шу гўзал қизга кўнгили кўяди. Икки ёш ўртасида пайдо бўлган инсоний муҳаббат уларни оила куришга олиб келади. Ҳақиқий муҳаббат заминида қурилган бу оила ҳаётининг барча синовларидан муваффақиятли ўтди. Эркин ака ва Мафура опалар бугунги кунда ҳам ўзаро дўстона бахтли ҳаёт нашидасини суриб яшамокдалар.

1966 йил кузида Эркин Матсапаев вилоят матлубот кооперациясига қарашли савдо базасига аввалига товаршунос, кейин директор ёрдамчиси қилиб ишга тайинланади. Эркин Матсапаевда мавжуд бўлган ноёб қобилият, бетакрор изланувчанлик ва янгиликка интилиш хусусиятлари унга жамиятда катта обрў келтиради. Савдо базасида ишлар яхшилик томонига ўзгаради. Иш интизоми яхшиланади. Ойлик ва квартал режалари бажарила бошланади. Эркин Матсапаевдаги юқори даражадаги ташкилотчиликни кўрган вилоят раҳбарлари уни 1974 йилда Шовот туманида қурилган янги типдаги савдо базасига директор қилиб юборадилар. Бу ерда Эркин Матсапаевни ташкилий характердаги кўпгина муаммолар кутиб турмоқда эди. Катта ғайрат ва матонат билан Эркин Матсапаев ўз жамоасини бу муаммоларни ҳал қилиш ишига киришади. Қисқа вақт ичида ташландиқ ва шўрхок ерлардан иборат бўлган база ҳудуди ободанлаштирилди. Эркин аканинг ташаббуслари ва шахсий иштироклари билан дам олиш масканига айлантирилди. Базадаги товаршунослик соҳасида ишлар тўла механизациялаштирилди. Базада янги типдаги савдо шаклининг меха-

низми ташкил топади. Кўпгина қўл меҳнати механизациялаштирилди. Харидорларда осонлик туғдириш учун кўргазма зали ташкил этилиб унга товарлар ассортименти қўйилди. Савдо базаси қошида махсус автобаза ташкил этилиб, базадан савдо дўконларига ўз вақтида товар етказиб бериш яхши йўлга қўйилди.

Эркин Матсапаевнинг Шовот савдо базасида қилган катта ишларининг шов-шув сурони бутун Ўзбекистонга тарқалди. Республикадаги кўплаган база раҳбарлари ва ходимлари иш ўрганиш ва тажриба алмашув мақсадида Шовот савдо базасига келабошладилар. Айнан Ўзбекбирлашув бошқармасининг қарори билан 1979 йилда Шовот савдо базасини иш услубини республикага ёйиш мақсадида мазкур база худудида Ўзбекбирлашувнинг республика кўрик танлов семинари бўлиб ўтади. Семинарда республиканинг барча жойларидан савдо соҳаси раҳбарлари иштирок этадилар. Улар Шовот савдо базаси хизматчиларининг шахсан унинг директори Эркин Матсапаевнинг иш усули ва тажрибаларини кунт билан ўргандилар. Албатта Эркин Матсапаевнинг кўрсатган бу улугвор ишлари эътиборсиз қолмади.

1984 йил сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекбирлашувнинг съездида Эркин Матсапаев делегат сифатида иштирок этди. Съездда ҳукумат қарорига мувофиқ унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими” Фахрий унвони берилди. Шу йили декабрь ойида бўлиб ўтган СССР Марказий матлубот жамияти (центросоюз) съездида ҳам Эркин Матсапаев делегат сифатида иштирок этган. Унга савдо хизматида ўрнак кўрсатганлиги учун СССР Марказий матлубот жамиятининг Фахрий ёрлиғи берилди. 1970 йилда унга “СССР савдо аълочиси” белгиси берилди.

1990 йилнинг декабрида вилоят матлубот кооперациясида янги савдо бўлими очилиб, шу соҳа ишини йўлга қўйишда ёрдам кўрсатиш учун Эркин Матсапаев шу бўлимга бошлиқ қилиб ишга ўтказилди. Бу янги лавозимда ҳам Эркин Матсапаев ўзини энг яхши томонидан кўрсатаолди. Ҳолат қисқа давр ичида бўлим иши янгича усулда ташкил этилди. Туман ва қишлоқларда дўконлар ташкил этилиб, улар товарлар билан таъминландилар.

1992 йилда Эркин Матсапаев Урганч улгуржи савдо базасига директор лавозимига ишга ўтказилди. Кўп ўтмай истиқлол туфайли савдо базаси “Хоразм Сарбон” ишлаб чиқариш маъсулияти чекланган жамиятига айлантирилди. Машхур хоразмлик инсон Эркин Матсапаев бугунги кунда ҳам мазкур базага раҳбарлик қилиб халқимиз фаравонлиги йўлида фидокорона хизмат қилмоқда.

#### **4.2.1.68. Матрасулов Ҳасанбой (1926, Урганч тумани-15.11.1996 Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи” (30.08.1976), иқтисод фанлари номзоди, Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатган. Меҳнат фаолиятини табелчиликдан бошлаган. Кейинчалик Урганч тумани партия комитети инструктори ва секретари, Урганч тумани ва вилоят партия комитети секретари (1968-1977) лавозимларида ишлаган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати бўлган.

#### **4.2.1.69. Маҳмудова Пошша (1918, Гурлан тумани).**

Гурлан туманида истиқомат қилаётган меҳнат фахрийси, шахсий нафақахўр (1987). 1938 йилда СССР Олий Кенгаши депутатлигига сайланган. 1938-1940 йилларда Гурлан тумани Ижрокўми раиси, 1940-1942 йилларда Хоразм вилоят ижрокўми раиси ўринбосари, сўнгра 1942-1947 йилларда ЎзССР Марказий Ижроия Комитети раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган.

#### **4.2.1.70. Маҳмудов Отахон (1932-1991).**

Ҳазорасп тумани Ошаккарвак қишлоғида туғилган. “Ўзбекбирлашув” матлубот жамияти бошқаруви раиси (1984-1989) бўлиб ишлаган. Қишлоқ хўжалиги ва савдони ривожлантиришга катта ҳисса қўшган инсон. Хива қишлоқ хўжалик техникуми, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Москва Олий партия мактабини тугатган (1967). Меҳнат

фаолиятини 1944 йилда Ҳазорасп туманидаги Чапаев номли жамоа хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган (1954). 1954-1957 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. Кейинчалик Ҳазорасп тумани тайёрлов пунктида тайёрлов инспектори (1957-1961), туман ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи (1961-1965), Хоразм вилояти ижрокўмининг қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича ўринбосари (1967-1969), “Ўзбекбирлашув” республика матлубот жамияти бошқарув раисининг тайёрлов ишлари бўйича биринчи ўринбосари (1969-1984) лавозимларида ишлаган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайланган.

#### 4.2.1.71. Машарипов Маҳмуд.

#### Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос.



Маҳмуд Машарипов 1922 йил 25 сентябрда Урганч туманидаги Чотқўпир қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, бошланиб кетган иккинчи жаҳон урушига чақирилган. Сталинград жангининг иштирокчиси. Урушда бир неча марта яраланган. М.Машарипов 482 батальон таркибида Берлингача борган. Урушда кўрсатган жасорати учун орден ва медаллар билан тақдирланган.

Урушдан сўнг Маҳмуд Машарипов ҳуқуқшунослик касбига қизиқиб, дастлаб шу соҳадаги техникумни, кейинчалик Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини муваффақиятли тугатади. У ўзининг касбий фаолиятини 1950 йилда вилоят адвокатлар бошқармасида адвокатликдан бошлайди. Ўз касбига меҳр, доимо ўз устида ишлаб бориш Маҳмуд Машариповнинг жамиятдаги обрў-эътиборини ошириб боради. У хизмат лавозимида поғонама-поғона кўтарилиб боради. 1955-1959 йилларда Боғот тумани халқ судьялигига сайланади. 1959-1963 йилларда Янгиариқ туман халқ суди раиси ва 1963-1973 йилларда Урганч шаҳар халқ судининг раиси, 1973-1975 йилларда Хоразм вилояти

юстиция бошқармаси раисининг биринчи ўринбосари, 1975-1976 йилларда Хоразм вилояти судининг аъзоси, 1976-1979 йилларда Хива тумани халқ судининг раиси, 1980 йилдан бошлаб эса Хива тумани кишлоқ хўжалик бошқармасининг катта ҳуқуқшуноси ва 1996 йилдан то умрининг охиригача Хива тумани ҳокимининг катта ҳуқуқшуноси лавозимларида ишлаган.

Маҳмуд Машарипов бир неча бор туман ва шаҳар халқ депутатлигига сайланган. Маҳмуд Машарипов қаерда ва қайси лавозимларда хизмат лавозимига жиддий ва ҳалол муносабати билан ўз атрофидаги инсонларга ғамхўрлиги билан шта инсофли одамий характери билан ажралиб турган. Жамиятимиздаги обрў ва ардоқли инсонлардан бўлган. Халқимиз тарихида ёрқин из қолдирган муҳтарам азиз отахонимизнинг охиратлари обод бўлғай!

#### **4.2.1.72. Машарипова Ойша.**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. 1914 йилда Боғот қишлоғида туғилган. Ўқитувчилар тайёрлайдиган курсни 1930 йилда тугатган. Иш фаолиятини Боғот қишлоғидаги К.Маркс номи мактабда бошлаган. Шуниси қизиқки Ойша она Машарипова 40 йилдан ортиқроқ, нафақага чиққунча шу мактабда катта обрў билан ишлаган. Бир неча бор вилоят, туман, кишлоқ Кенгашларига депутатликка сайланган. Фидокора меҳнатлари учун ҳукумат томонидан “Ленин” , “Меҳнат Қизил Байроқ” орденлари ва мукофотлар билан тақдирланган.

#### **4.2.1.73. Машарипова Онагул.**

Ўзининг бутун умрини, вужудини, ақлу-фаолиятини ўз Она Ватанига, халқига баҳшида қилган ўта ҳалол, ўта виждонан пок мўътабар аёл-Онагул ҳожи она Маша-рипова бўладилар. Онагул Машарипова 1930 йилда Боғот қишлоғида туғилган. Болалигидан илмга чанқоқ Онагул Машарипова етти йиллик мактабни аъло баҳолар билан тамомлагач, Урганчдаги ўқитувчилар тайёрлаш курсига ўқишга боради. Уни аъло баҳолар билан тугатгач, ҳали уруш давом этаётган бир пайтда, яъни 1944 йилда ўз меҳнат





фаолиятини Боғот қишлоғидаги К.Маркс номли мактабда ўқитувчиликдан бошлайди. Унинг орзуси олийгоҳда ўқиб ўз билим савиясини ошириш бўлганлиги туфайли урушдан сўнг 1952 йилда Урганч давлат ўқитувчилар тайёрлаш институтига ўқишга киради ва 1954 йилда уни муваффақиятли тугатади. Институтдан сўнг ўз иш фаолиятини кадрдон қишлоғи Боғотда давом этдириб Карл Маркс номли етти йиллик мактабда илмий бўлим мудири (1954-1956), директор (1956-1958) лавозимларида

ишлайди.

Доимо ўз устида тинмай ишлаб бориш Онагул Машариповага хос асосий сифатлардан биридир. Айнан ўша хусусият уни ўша даврда Ўзбекистондаги энг обрўли олийгоҳлардан ҳисобланган Тошкент Олий партия мактабига ўқишга кириб уни муваффақиятли тугатади (1958-1962). Бу ерда шу нарсани алоҳида қайд қилиш лозимки, ўша давр шароитида ўз оилавий ҳаётини аллақачон бошлаган ўзбек аёли учун ғоят қисқа бир даврда шундай баландпарвозни амалга ошириш осон иш эмас эди. Айнан шуни таъкидлаш лозимки, Онагул Машарипова учун ғоят мураккаб ва маъсулиятли ўша кунларда уни марҳум турмуш ўртоғи Раззоқ ҳожи Бобожонов ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганлар, руҳлантирганлар. Оллоҳим у азиз инсоннинг охиратларини обод қилсин!

Олий партия мактабини битказган Онагул Машарипова учун кенг истиқбол эшиклари очилган эди. Чунки бу даврга келиб бу азиз инсон ўзининг ўта ноёб ташкилотчилик қобилияти, атрофдагиларга ниҳоятда ғамхўрлиги, одамийлиги, ҳалоллиги, обрў-эътибори билан элга танилган эди. У қисқа вақт ичида лавозим курсисида кўтарила борди. Туман ижроўми раиси, матлубот жамиятининг раиси, жамоа хўжалигининг раиси лавозимларида иш фаолияти у кишининг раҳбарлик фаолиятидан бир парчагина холос.

Онагул Машарипова қаерда ишламасин у ўз атрофидагиларга шахсий намуна кўрсатиб, улардан хизмат лавозимигача садоқат, ростгўйлик, ҳаллоллик, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш, ўз атрофидагиларга гамхўр бўлиш хусусиятларини намоён қилишни талаб қилган. Айнан мўътабар онахонимиз ўз хизматдошларидан талаб қилган ушбу хусусиятлар бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодий равнақини таъминлашда ниҳоят зарур бўлган хусусиятлардандир. Мўътабар онахонимиз икки марта ҳаж зиёратига борган азиз инсондирлар. У киши ўзининг узоқ иш фаолияти давомида кўплаган ҳукумат мукофотларини олганлар. Ўзларининг айтишларича, улар учун булардан энг бебаҳоси муҳтарам Президентимиз томонидан онахонимизга берилган “Мустақиллик” медалидир. Умрингиз боқий бўлсин азиз мўътабар онахонимиз!

#### **4.2.1.74. Машарипов Ғайрат Назарович (1935-2002).**

Тимирязов қишлоқ хўжалиги (1959) ва КПСС МК Ижтимоий фанлар академиясини тугатган. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди (1968). Меҳнат фаолиятини 1959 йилда вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасида бош агрономликдан бошлаган. Кейинчалик вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси уруғчилик бўлими мудири ва бошлиқ ўринбосари (1961-1962), вилоят қишлоқ хўжалиги тажриба хўжалиги директори (1962-1968), вилоят партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудири (1970-1974), Гурлан туман партия комитети биринчи секретари (1974-1980), вилоят партия комитети қишлоқ хўжалиги секретари (1989-1991). Ўзбекистон халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши биринчи котиби лавозимларида ишлаган. Қишлоқ хўжалиги мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган (1968). “Меҳнат Қизил Байроқ” ва “Ҳурмат Белгиси” орденлари билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига 2 марта, Республика Олий Мажлисига бир марта депутат бўлиб сайланган.



#### **4.2.1.75. Миршаропов Миркомил (1900, Жамбул шаҳри- 1943, Ростов).**

Таниқли ўзбек давлат ва ҳарбий арбоби, ўзбеклардан етишиб чиққан биринчи дивизия командири. 1919 йил январида Ташкент бўлган исён вақтида эски шаҳар дружинасига бошлик қилган. Тошкент Олий ҳарбий командирлар курсини тугатган (1920). 1920 йилда алоҳида эскадрон командири сифатида Хоразмга келгач, ХХСР Революцион Ҳарбий Кенгаши аъзоси ва раиси бўлган. Хоразм ХСР Ҳарбий Нозири ўринбосари (1923), Бухоро ХСР Ҳарбий Нозири (1924), лавозимларида ишлаган. М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академиясини тугатган (Москва, 1929). Ўзбек отлиқ полкининг командири (1929-1932), алоҳида терма бригада, отлиқ дивизия командири ва комиссари (1932-1935) бўлган. СССРнинг Мўғулистон халқ республикасидаги ҳарбий вакили (1935), Шимолий Кавказ ҳарбий округида дивизия кўмондони (1938) бўлган. Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети (1929-1935) аъзо қилиб сайланган. “Қизил Байроқ” ордени ва медаллар билан тақдирланган. ЎзКП секретари Акмал Икрамовнинг яқин дўсти бўлган.

#### **4.2.1.76. Митянов Николай Герасимович (1909-1964).**

Вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаган (1958-1964). Ўрта Осиё ирригация ва пахтачилик институтини тугатган (1933). Меҳнат фаолиятини 1933 йилда Хонқа МТС да катта гидротехник лавозимида бошлаган. Кейинчалик Хонқа тумани сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи (1936-1938), “Упрадис” инженери (1938-1941) ва бошқарувчиси (1950-1958) лавозимларида фаолият кўрсатган. Тошсоқа (1939-1941) ва Қилич Ниёзбой (1941-1942) каналлари, Дарёлик ва Озерний магистрал коллекторларининг куриш ишларида катта хизматлари бор. “Хурмат Белгиси” ордени билан мукофотланган, номига Хонқа туманидаги магистрал каналларидан бири қўйилан.

#### **4.2.1.77. Мусаев Тельман Раззоқович (1939-1999).**

Хоразмнинг XX аср сўнги чорагидаги кўзга кўринган ташкилотчи арбоблардан бири. Кўп йиллар давомида “Урганч ёғ-мой” хиссадорлик бирлашмаси бош директори (1985-1999) лавозимида ишлаган етук мутахассис. Хоразмда ёғ-мой ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган инсон. Меҳнат фаолиятини 1956 йилда Урганч халқ санъати уйи мусиқа тўғарагида раҳбарликдан бошлаган. Тошкент политехника институтини тугатган (1963). Урганч ёғ-мой заводида инженер (1963-1964) бўлиб ишлаган. Ҳарбий хизматни ўтагач, яна Урганч ёғ-мой заводида инженер, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи (1965-1974), Урганч нон комбинатида (1974-1979), Урганч ёғ-мой комбинати директори (1979-1985) лавозимларида ишлаган. Самарали меҳнатлари учун “Хурмат белгиси” ордени билан тақдирланган.

#### **4.2.1.78. Муқашев Худойберган (18.08.1922, Қозоғистон Республикаси Актюбинский вилояти-1987, Урганч т).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор”, вилоятда сув хўжалиғи соҳасини ривожлантиришда катта ҳисса қўшган ходим. Тошкент гидромелорация техникуми (1943) ва ТИИИМСХ ни тугатган (1951). Вилоят сув хўжалиғи бошқармаси бўлим мудирини (1951-1964), Амударё суғориш каналлари бошқармаси (УПРАДИК) бошлиғи лавозимларида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (2 марта), ва “Халқлар Дўстлиғи” орденлари ва медаллар, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Номи Тошсоқа посёлкасида қурилган мактабга берилган.

#### **4.2.1.79. Надимий (Болтаниёз Қурбонниёз ўғли) 1938 йил вафот этган, Хива ш.**

Таниқли шоир, хаттот ва таржимон. Ҳуснихат санъатини яхши ўзлаштирган. Кўплаган китоб ва қўлёзмаларни зўр маҳорат

билан оққа кўчирган. Надимийнинг меҳнат маҳсули бўлган 3 та девон ЎзРФАШИ қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Улар 1908 йилда ёзилган. Шиносийнинг девони, 1909-1910 йилларда Табибий томонидан ёзилган шеърӣ девонлар шулар жумласидандир. Шунингдек Надимий 1910 йилда “Волик ва Узро” достонини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

#### **4.2.1.80. Назаров Полвон (1920, Қўшкўпир тумани-1998, Урганч).**

Таниқли партия арбоби ва ташкилотчи. Меҳнат фаолиятини 1940 йилда ўқитувчиликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1942-1945). Кейинчалик Қўшкўпир, Янгиариқ, Ҳазорасп, Шовот, Урганч туманлари партия комитетларига раҳбарлик қилган (1949-1973). Нафақада бўлишига қарамасдан 1976-1988 йилларда “Хоразмсовхозводстрой” трестининг қурилиш-монтаж бошқармасига раҳбарлик қилган ва Урганч туман Беговот чўлини ўзлаштиришга катта ҳисса кўшган.

#### **4.2.1.81. Назарий Раҳим (19.01.1909-1990. Хива).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” (1968), Хива туманида кўп йиллар меҳнат қилган педагог. Самарқанд давлат университетини тугатган. Инқилобгача бўлган даврда эски мактабда ўқиган, шоир ва наққош Абдураззоқ Фақирӣдан таълим олган. Хива инқилобидан сўнг, округ таълим-тарбия мактабида таҳсил кўрган. 1929 йилда Богот туманидаги Зейкал эшон қишлоғида мактаб очган. Хивага қайтгач, бошланғич мактаб директори (1930-1933), халқ маорифи бўлими инспектори (1933-1935) лавозимларида ишлаган. Университетни тугатгандан сўнг, ўқитувчи ва директор бўлган. Ўзи ишлаётган мактабда бадий санъатни тарғиб қилиши натижасида 20 дан ортиқ спектаклларни ўқувчилар ёрдамида сахнага олиб чиққан. Бу борадаги ишлари республика микёсида таҳсинларга сазавор бўлган.

#### **4.2.1.82. Назаров Дада**

**(1916- 16.02.1959, Қўшқўпир тумани Ших қ.).**

Меҳнат Қаҳрамони (1956). Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатган (1957). Қўшқўпир туманида жамоа хўжаликларини ташкил қилиш ишида қатнашган. Охунбобоев ширкат хўжалиги бошқаруви (1951-1958) ва туман ижрокўми раиси (1958-1959) лавозимларда ишлаган. Номи Ших қишлоғидаги умумтаълим мактабига қўйилган.

#### **4.2.1.83. Ниёзматова Робияжон**

**(1920, Урганч тумани Қорамон қ-2000, Урганч т).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи”, Урганч туманидаги Охунбобоев жамоа хўжалигида кўп йиллар бош ҳисобчи лавозимида ишлаган мутахассис. Ёшлигида шу жамоада оддий ишчи, табелчи ва бош табелчи лавозимларида ишлаган. (1933-1941).

#### **4.2.1.84. Ниёзметов Эрмат**

**(1911-23.04.1986, Ҳазорасп тумани Шовот қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ҳисса қўшган деҳқон. Меҳнат фаолиятини 1930 йилда “Социализм” ширкат хўжалигида бошлаган. 1931-1935 йилларда шу хўжаликда омбор мудури ва кейинчалик “Ленинград” жамоа хўжалигида пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаган (1936-1976). Пахтадан 40 ц. ҳосил олишга эришган. СССР Халқ хўжалиги кўرғазмаларида (ВДНХ) қатнашган. Туман ва қишлоқ шўроси Кенгашига сайланган. Бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланган.

#### **4.2.1.85. Нодирметов Султон.**

1937 йилда Урганч туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1980). Таниқли журналист. Хоразм

давлат педагогика институтини тугатган (1958). Меҳнат фаолиятини 1958 йилда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик матбуот соҳасига ишга ўтиб, “Колхозчилар овози” газетасида мухбир, “Хоразм ҳақиқати” газетасида адабий ходим, муҳаррир ўринбосари (1989-1993) лавозимларида ишлаган. Кейинги йилларда “Хоразм ҳақиқати” газетаси ижтимоий-сиёсий бўлим мудирини (1993) лавозимларида фаолият кўрсатган. Катта таъсирчан мазмунли оммавий очерк ва мақолалари, долзарб масалаларни қамраб олган лавҳалари билан матбуотда чиқиб туради. Фидокорона меҳнатлари учун “Хурмат белгиси” ордени ва Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрликлари (3 марта) билан тақдирланган.

#### **4.2.1.86. Нуржонов Комилжон.**

1941 йилда Хива туманида туғилган. Кўкон давлат педагогика институтини тугатган. Ўлкашунос, Хоразмшунос, библиограф, журналист, олим. Ҳарбий хизматни ўтагач Комилжон Нуржонов Хоразм вилояти комсомол ва партия комитетлари маъсул ходими, вилоят китоб савдоси (1977-1985) ва туризм бошқармаси бошлиғи, вилоят марказий кутубхонаси директори ўринбосари, Республика маданият фонди Хоразм вилояти бўлими раиси (1990-1996) лавозимларида ишлаган. Бугунги кунда Халқаро “Олтин мерос” жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси (1996) лавозимида самарали меҳнат қилмоқда.

Вилоятда китоб савдосини ташкил этиш, Устюрт ва Қорақумда ишлаётган геолог ва чорвадорларга хизмат кўрсатиш ишларига катта ҳисса қўшган. 40 дан ортиқ рисола ва 200 дан ортиқ мақолалар муаллифи. Комилжон Нуржонов юртимиз тарихига оид масалалар юзасидан ҳам қалам тебратган ижодкордир. Унинг “Урганч сифати”, “Хоразм тарихидан лавҳалар”, “Кўҳна ва Янги Урганч”, “Тўрткўл”, “Урганч эраси”, “Хоразм фарзанди”, “Журён жилолари”, “Жалололдин Мангуберди: Қаҳрамонлик ва сотқинлик саҳифалари”, “Хоразм ва жаҳон маданияти” асарлари фикримизнинг далилидир. Комилжон Нуржонов муҳаррир сифатида ҳам катта фаолият кўрсатган. “Хива қомуси” (50 б.т.), “Хонқа тарихи” (1996),

“Хоразм тарихи” (1996), “Хоразм юлдузлари” (1994), “Хоразм хазинаси” (1995), “Остона” (1995), “Оқдарбанд” (1993), “Мадир” (1995), “Ипак йўли” (1995), “Уллибиби шажараси” (1996), Эрон генерали Исмоил Мирпанжийнинг “Хива хотиралари (1854-1864)” (1997) ва бошқа кўплаган тарихий ва ўлкашунос китобларга мухаррирлик қилган.

#### **4.2.1.87. Носиров Фатхулло (1911, Тошкент).**

Хоразм вилоят партия комитети биринчи секретари (1944-1947). Ленинград саноат қурилиш институтини тугатган (1937). Меҳнат фаолиятини 1937 йилда Беговот шаҳар қурилиш идораси бошлиғи лавозимида бошлаган. Кейинчалик ҳарбий хизматчи (1937-1939), Ўрта Осиё ҳарбий округи лойиҳаси инженери (1939-1941). Тошкент вилояти партия комитети қурилиш бўлими мудири (1941), Тошкент вилояти партия комитети қурилиш бўлими мудири (1941), Тошкент шаҳар Фрунзе тумани партия комитети 2-чи (1941-1942) ва Октябрь тумани партия комитети биринчи секретари (1942), Фарҳод ГЭС парторги (1942-1943), Бухоро вилояти партия комитети 2-секретари (1943-1944), Ўзбекистон пахтачилик ва енгил саноат министри (1947-1952) лавозимларида ишлаган. Хоразм воҳасига темир йўл келтириш учун кўп меҳнат сарфлаган. “Қизил Байроқ”, “Қизил Юлдуз”, “Ҳурмат Белгиси” орденлари, Ўзбекистон Олий Кенгаши Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

#### **4.2.1.88. Нуниёзов Қадам Маҳмудович.**

1956 йилда Хива шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтини тугатган (1978). Меҳнат фаолиятини 1978 йилда “Хива Ичонқалъа давлат музейи кўриқхонаси” да директор ўринбосари лавозимида бошлаган. Кейинчалик Хива тумани комсомол комитети инструктори (1982-1986), Урганч тумани партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудири (1986-1989), Урганч тумани партия комитети иккинчи секретари (1989-1991), Ўзбекистон халқ демократик партияси Урганч тумани кенгаши биринчи секретари (1991-1992), вилоят



ҳокимияти ташкилий ва кадрлар бўлими мудири ўринбосари (1992-1993) ва секретариат бошлиғи (1999), Урганч тумани ҳокими (1994-2001) лавозимларида ишлаган. Урганчдаги 167-сонқурилиш трести бошқарувчиси бўлиб ишлаган (2001-2006). 1994 ва 1999 йилларда Урганч сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланган.

#### 4.2.1.89. Нуруллаев Нурмат (1917 – 1989).



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочилиги Нурмат Нуруллаев XX асрнинг 50 – 70 йилларида вилоятда халқ маорифини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган инсонлардан бири эди. Нурмат Нуруллаев 1917 йил 2 майда Хоразм вилояти Янгиариқ тумани “Коммуна” жамоа хўжалиги Олға қишлоғида туғилган. 1934 – 1935 йилларда Урганч шаҳридаги ишчи ёшлар (рабфак) факультетида таълим олган. У ёшлигидан педагогликка қизиққан. Шу туфайли ҳам 1935–1937 йилларда Урганч ўқитувчилар институтида ўқиб, уни муваффақиятли тугатган. У ўз иш фаолиятини Боғот туманидаги Наримонов номли мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1940 йилда шу мактабга директор лавозимига ўтгазилади. 1942 йилда армия сафига чақирилиб, иккинчи жаҳон урушида 1945 йил май ойигача иштирок этади. Жангларда кўрсатган мардлиги учун орден ва медаллар билан мукофотланган. Урушдан кейин тинч меҳнат фронтига қайтиб, олдин ишлаган Наримонов номли мактабда директор лавозимида фаолият юритган. 1952 – 1959 йилларда Боғот тумани халқ таълими бўлими мудири, 1959–1977 йилларда 92–интернат мактаб, “Янги қадам” ва Ушинский (ҳозирги И.Дўсов) ўрта мактабларида директор лавозимларида ишлаган. Нурмат Нуруллаев қаерда ишлагасин ўзини яхши тарбиячи ўқитувчи сифатида кўрсата олган. Унинг педагогик

хизматлари ҳукумат томонидан тақдирланган. 1968 йилда унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони берилган. 1972 йилда СССР ВДНХ сининг кичик олтин медали, 1977 йилда Ленин ордени билан мукофотланган.

#### **4.2.1.90. Нурматов Исмоил (1924, Хива тумани Дошқоқ қ- 02.04.1945, Польша).**

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган жангчи. 109-гвардиячи ўқчи полкда пулемётчилар бўлими командири бўлган. “Мертвая Висла” дарёси бўйидаги жангда мардларча ҳалок бўлган. 1944 йил 30 апрелда II даражали “Ватан уруши” ордени билан тақдирланган.

#### **4.2.1.91. Одилов Юнус.**

Шовот туманидан Иккинчи жаҳон уруши ва 1945 йил ўтказилган Ғалаба парадида қатнашган жангчи.

#### **4.2.1.92. Одинаев Қаландар (1897- 1938).**

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти иш фаолиятига унинг қилган ишлари, эзгулик йўлидаги ҳаракатлари нуқтаи назаридан баҳо берилади. Биз қуйида ҳаёти хусусида ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз Қаландар Одинаев ҳам ўзининг ғайрат-шижоати, инқилоб ишига содиқлиги, адолат учун толмас курашчанлиги билан халқнинг муносиб баҳосини ололган азиз инсондир.

Қаландар Одинаев 1897 йилда Петро-Александровск (ҳозирги Тўрткўл) уездининг Бибозор қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Отасининг бир парча ери бўлиб, тирикчилик ўтказиш учун тинмай меҳнат қилар, онаси шолча ва бошқа нарсалар тўқиб сотиш билан оилани тебратишда унга кўмаклашиб турарди.

Қаландар тўрт ёшга кирганида отаси вафот этади ва орадан кўп ўтмай онаси бошқа кишига турмушга чиқди. Отасининг



синглиси уни ўз тарбиясига олди. Лекин Қаландарга бу хонадонда бахтли яшаш ҳам nasib этмади. Икки йил ўтар ўтмас аммаси ҳам дунёдан кўз юмди. Ҳали гўдак бўлган Қаландар яна қаровсизликка маҳкум этилди. У ўзига тўқ одамларнинг подасини боқди, ерларини ҳайдашга қарашди. Аммо жуда ўжар ва бетга чопар бўлганлиги сабабли бирон ерда узоқ яшай олмасди.

Ўн беш ёшида Петро-Александровскда мардикорлик қилиши билан бир қаторда Қаландар имкон топиб дастлаб бошланғич мактабда, сўнгра эса шаҳардаги ўқув юртида билим олди. Уч йил давомида Колчинский деган полковник хонадонида боғбон бўлиб ишлаган кезлари рус тилини ўрганди. 1916 йилги халқ кўзғолони бошлаган вақтда Қаландар ер ўлчовчи рус техниксига ёрдамчилик қиларди. У меньшевик бўлиб, ёш йигитчага инқилобий ҳаракат тарихидан жуда кўп воқеаларни ҳикоя қилиб берарди. Бирга далаларни кезган вақтида Қаландар овқат пиширар, кирларни ҳам ўзи юварди. 1917 йилдан бошлаб у “Нобель” компаниясига қарашли керосин заводида ошпаз бўлиб ишлай бошлади. Дастлаб шу завод ишчиларидан Россияда подшо ҳукумати ағдарилгани ҳақидаги хабарни эшитган Қаландарда янги ҳаёт бошланганига умид туғилди.

1917 йил майидан бошлаб Қаландар Петро- Александровскка яқин бўлган Қалтаминор деган жойда пахта экиладиган тажриба участкасида ишлай бошлади. Меҳнаткашларнинг аксарият кўпчилиги очлик азобидан қийналаётганини кўрган Қаландар бошқарувчининг дўқ-пўписаларига қарамасдан деҳқонларга ер ажратиб, уруғлик донини ҳам бўлиб берди. Табиийки, унинг бу ҳаракати хўжайинлар билан муносабати бузилишига ва икки ўртада низо чиқишига олиб келди. Шу туфайли ишдан ҳайдалган Қаландар бошқа жойга кетиб, озик- овқат бўлимига тарозибон бўлиб ишга қиради. Лекин у ерда ҳам узоқ ишлай олмади. Унинг хатти- ҳаракатларидан воқиф бўлган янги хўжайин ҳам уни ишдан бўшатди. 1918 йил августида сарсон- саргардон бўлиб ишсиз юрган кезларида Қаландарда қизил партизанлар отряди сафига кириш истаги туғилди. Шу отряд жангчилари қаторида у Амударёнинг қуйи оқимидаги районларда зўравонлик қилаётган урал казаклари ва босмачилар тўдаларига қарши курашда

иштирок этди. Шу йил ноябрида у РКП (б) сафига қабул қилинди ва Тошкентдаги партия мактаби қошидаги очилган агитаторлар курсига ўқишга юборилди. Ярим йил ўтиб, Амударё областига қайтган Қаландар социал- таъминот бўлимига ишга юборилди. Бошқа ходимлар қаторида у очликдан қийналаётган одамлар учун ошхоналар ташкил этиш, уларни бошпана билан таъминлаш ишларида фаоллик кўрсатди.

Хива халқ инқилоби арафасида Қаландар ҳарбий таржимон сифатида Қизил Армия штабига юборилди. Инқилоб ғалабасидан сўнг, Петро- Александровска қайтган Қаландар Чимбой уездига комиссар этиб тайинланди. Уездга келгач, ярадор жанчиларни даволаш учун лазерет очиш, болалар интернетлари ташкил этиш, РКП (б) ячейкасини тузишга бевосита бошчилик қилди. Қ.Одинаев раҳбарлигидаги Чимбой ва Шўраҳон уездларида советларга сайловлар ўтказилди. Қаландар Одинаев томонидан Чимбой уездига партиянинг янги иқтисодий сиёсати асоси бўлган озиқ- овқат солиғини жорий қилиш, ер ислохотини ўтказиш ва суғориш шаҳобчаларини такомиллаштириш соҳасида ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди.

Ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан танила бошлаган Қ.Одинаев 1921 йил ёзида Амударё область Ижроия комитетига раис этиб сайланди. Шу йил августида у Тошкентда чақирилган Туркистон Компартиясининг VI съездида иштирок этди ва ўлка Советларининг X курултойи делегати бўлди. Ҳар иккала анжуманда ҳам делегатлар эътибори ўлкадаги иқтисодий ва сиёсий аҳвол муҳокамасига қаратилди. Янги иқтисодий сиёсат жорий этила бошлаганлиги сабабли саноат ва транспорт соҳаларида жонланиш сезилган бўлса-да, ўлкадаги қишлоқ хўжалигининг аҳволи кўнгилдагидек эмас эди. Ер-сув ислохоти тўла ўтказилмаганлиги оқибатида ҳосилдор ерларнинг ҳали кўп қисми маҳаллий бойлар ҳамда рус кулоқлари қўлида бўлиб, батрак ва камбағал деҳқонларнинг кўплари уларга ёлланиб ишлар ва зўрға кун кечирардилар. Туркистон Советлари Марказий Ижроия Комитети аъзолигига киритилган ва Амударё область партия комитетига саркоитб этиб сайланган Қ.Одинаев халқнинг ҳаёти ва ташвишларини яхши биларди. Шу сабабли Тўрткўлга қайтгач, областда бир қатор зарурий иқтисодий тадбирларни

амалга оширишга алоҳида эътибор берди. 1922 йил баҳорида Хоразм Коммунистик партияси РКП (б) составига кирган бўлиб, унга Ўрта Осиё бюроси раҳбарлик қила бошлади. Шу сабабли октябрь ойида Қ.Одинаев РКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси вакили сифатида Хоразмга ишга юборилди. Бу ерда бир йил давомида ишлаб ташаббускорлигини намоён этгач у 1923 йил октябрида Хоразм Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига маъсул секретарь этиб сайланди.

Қ.Одинаев раҳбарлигидаги Хоразм Коммунистик партияси воҳадаги бойлар, диндорларнинг мол-мулкани мусодара қилиш, маориф соҳасида амалга оширилаётган тадбирларни мукам-маллаштириш каби масалаларга катта эътибор берди. Бу ишларни бажаришда жуда кўп куч ва жасоратни аксилинқилобчиларнинг хуружларига қарши қаратишга тўғри келди. Айниқса 1924 йилнинг январида юз берган босмачиларнинг ҳаракатлари воҳадаги Совет ҳокимиятининг тақдирига жуда катта хавф бўлди. Шу боисдан ҳам Ревком ва ҳарбий Трибунал аъзоси бўлган Қ.Одинаев бошқа раҳбарлар қатори Хива ва Урганч шаҳарларининг мудофаасини таъминлаш, Қизил Армия қисмларини мустаҳкамлаш ишларига бошчилик қилди.

1924 йилнинг баҳоридан бошлаб Марказий Осиёда миллий-давлат чегараланишига тайёргарлик кўрила бошланди. 28 апрелда Қ.Одинаев Хоразм Республикаси вакили сифатида РКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси томонидан тузилган махсус комиссияга аъзо қилиб киритилди. Аммо Хоразмда ишлаётган кўпгина партия ходимлари қатори Қ.Одинаев ҳам республиканинг мустақиллигини сақлаб қолиш тарафдорларидан бири бўлиб, бу масалани ҳал қилиш сал кам уч ой давом этди. Баҳс ва мунозаралар шу билан яқунландики, Қ.Одинаев Хоразм Коммунистик партияси саркотиблигидан олинди.

РКП (б) XIII съезди делегати сифатида Москвада бўлиб қайтган Қ.Одинаев Марказий Комитетнинг Ўрта Осиё бюроси ихтиёрига чақириб олинди. Тошкентда биров ишлагач у Қозоғистон область партия комитети ихтиёрига юборилди. Лекин у бу ерда узок муддат бўлмади. Қ.Одинаев яна Тўрткўлга қайтарилиб, янги ташкил этилаётган Қорақалпоғистон область партия комитетининг ташкилий ишлар бўлими мудири этиб тайинланди. Бу даврда

область партия ташкилоти раҳбарлари О.Дўстназаров, Т.Непесов, А.Кудабоев ва бошқалар орасида юқори лавозимлар учун кураш қизгин бўлиб, Қ.Одинаев каби тажрибали ва баобрў ходимларнинг область партия комитети маъсул ходими бўлиши кўпчиликка маъқул бўлмади. Натижада Тўрткўлда бироз вақт ишлаган Қ.Одинаев Қозоғистон ўлка партия ташкилоти раҳбарлари В.Ненайшвили ва С.Хўжановга иш сўраб мурожаат этишга мажбур бўлди. Шундан сўнг у Чимкент область Ер ишлари бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди. Шу ерда икки йил давомида меҳнат қилиб, Қ.Одинаев ўртоқлик билан деҳқончилик қиладиган оилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилди, уларни кооператив ҳаракатга жалб қилишга интилди. 1925 йил декабрида Қ.Одинаев Бутунқозок Советларининг V съездида делегат сифатида қатнашган. 1927-1929 йилларда Қ.Одинаев Қозоғистон АССР сув хўжалиги вазирлигида инструктор, Орол денгизидаги балиқчилик хўжалигида назоратчилар бошлиғи, Қизил Ўрда области сув хўжалиги идорасининг бошлиғи бўлиб ишлади. У қаерда меҳнат қилмасин, ўзининг ташаббускорлиги, кўп жиҳатдан муросасизлиги билан ажралиб турарди. Шу сабабли ҳам унинг устидан ҳар хил ғийбатлар ҳам тарқалиб, баъзи ҳолларда партиявий ишлар ҳам кўзғатилганди.

1934 йил августида Қ.Одинаевни Тошкентга ишга ўтказишиб, Ўрта Осиё ершунослик илмий текшириш институтига директорликка тайинлашди. Бу лавозимда у ярим йилча ишлади, холос. Илмий ишдан бирон- бирташкилий ишга ўтказишларини сўраган Қ.Одинаевни 1935 йил баҳорида Олма-Ота областига юборишиб, область Ер ишлари бошқармасига бошлиқ этиб тайинладилар. Қозоғистоннинг кўпгина ерларида бўлган Қ.Одинаев учун пойтахт областидаги шароит бироз нотаниш эди. Шунга қарамадан, билими ва тажрибаси юқори бўлгани сабабли тез орада кўникиб, маҳаллий раҳбарлар орасида танилди. Орадан бир йил ўтгач, уни Олма-Отадаги машина-трактор станцияси директорининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинладилар. Бу у озодликда ишлаган охириги лавозими бўлиб, унинг меҳнатига Қозоғистон ўлка партия ташкилоти бюросининг 1937 йил 29 апрелидаги қарори чек қўйди. унда “ёмон ишлагани” учун Қ.Одинаевни ўз вазифасидан озод қилиб, Олма-Ота шаҳар партия комитети ихтиёрига юборилсин, дейилганди. Бу қарор НКВД орган

ходимлари учун ўзига хос кўрсатма бўлиб, Қ.Одинаевни тез кунларда қамоққа олиш билан тугади. Ўзининг бегуноҳ эканлигини Қ.Одинаев қанчалик исботлашга уринмасин, сталинча қатағон чангалидан кутилиб чиқишига кўзи етмаганди.

Эндигина 40 баҳорни қаршилаган бу инсоннинг умри, унга ўхшаган фидойиларнинг ҳаёти каби ноҳақдан қилинган зулм ва ҳақоратлар асосида бевақт тугади. Қ.Одинаевнинг порлоқ хотирасини абадийлаштириш иши авлодлар олдидаги муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу хайрли ишни бажармоқ даркор.<sup>1</sup>

#### **4.2.1.93. Оллоберганов Боймурод (19.03.1940, Урганч тумани Юқори Дўрмон қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”, Урганч туманидаги “Гулистон” ширкат хўжалиги ҳосилоти (1963). Хива қишлоқ хўжалиги техникумини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда “Гулистон” ширкат хўжалигида участка агрономилигилан бошлаган. Ҳарбий хизматни ўтаган (1960-1963). “Ҳурмат Белгиси” ордени ва Ўзбекистон Республикаси “Мустақиллик” нишони билан тақдирланган.

#### **4.2.1.94. Оллаберганов Оллаберган Хайитбоевич.**

1961 йилда Урганч туманидаги Ғойбу қишлоғида туғилган. Андижон пахтачилик институтини тугатган (1983). Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Урганч туманидаги “Пахтакор” жамоа хўжалигида участка агрономи лавозимидан бошлаган. Ҳарбий хизматни ўтагандан сўнг (1984-1985) “Пахтакор” жамоа хўжалигида участка агрономи, бош агроном, туман агросаноат уюшмаси агрономи (1985-1987), “Сотим Қаландаров” номидаги ширкат хўжалиги раиси ўринбосари (1987-1988), Урганч туман ҳокимияти бўлим мудирини, туман агросаноат уюшмаси раисини (1992-1995), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиш академияси тингловчиси (1995-1996),

<sup>1</sup> М.Махмудов. Барҳаёт сиймолар. Т., “Ўзбекистон”, 1991 й 185-190 бетлар.

Боғот тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари (1996-1997), “Ўзбекмеватаъминот” ишлаб чиқариш вилоят бошқармасининг раиси (1997-1999), вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят ҳокимлиги назорат инспекцияси бошлиғи (1999-2000), Боғот тумани ҳокими (2000-2002), вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи (2002). Вилоят ҳокими (2008-2012) лавозимларида ишлаган. Бугунги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигида етакчи мутахассис бўлиб ишламоқда.

#### **4.2.1.95. Оллоберганов Саид Иброҳимович (20.12.1929, Хонқа тумани).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”, вилоят ўрта ва махсус билим юртлири директорлар Кенгаши услубчиси (1989), педагогика фанлари номзоди (1975), Урганч ўқитувчилар (1944) ва Хоразм давлат педагогика институтларини тугатган (1951). Меҳнат фаолиятини 1936 йилда Урганч шаҳридаги Файзулла Хўжаев номидаги пионер вожатийлигидан бошлаган. 1940-1942 йилларда Урганч ўқитувчилар институтида таҳсил кўрган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (1942-1943). Кейинчалик Урганчдаги М.Горький номидаги мактабда катта ўқитувчи, ўқув бўлими мудири, директор (1943-1946), шаҳар халқ маорифи бўлими инспектори (1946) ва мудири (1947-1953), Ленин номидаги мактаб (1953-1965) ва Урганч қурилиш техникуми директори (1965-1988) лавозимларида ишлаган. 1975 йилда Москва Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида “Элементлар таркибий ҳисоблашишлар” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. “Мактабда яқин ҳисоблашишлар услубини ўрганиш” мавзусида рисоласи ва 100 дан ортиқ мақолалари эълон қилинган. халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашига сайланган (1947-1988), “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” фахрий унвони (1954), I даражали “Ватан уруши”, “Халқлар дўстлиги” орденлари ва 15 та медаль билан тақдирланган. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4

Йиллиги муносабати билан “Жасорат” медали билан мукофотланган. Ҳаёти ҳақида журналист Елена Зонина ёзган “Шаҳардаги оила тасвири” номли мақола ва қатор суратлар Франция, Япония, Польша, Мексика, Ҳиндистон каби 20 дан ортиқ мамлакатлардаги рангли журналларда нашр қилинган.

#### **4.2.1.96. Оллоёров Матёқуб (1905-1981).**

Хива шаҳрида туғилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кўзга кўринган ташкилотчиси. Хива қишлоқ хўжалиги техникумини тугатган (1931). Хива тумани МТС директори (1935-1939). Хива шаҳар омонат кассаси ва ижроқўми ер-сув бўлими мудир, “Учқун” артели бошқаруви раиси вазифаларини бажарган. Сўнгра 1946-1959 йилларда Янгиариқ, Кўшкўпир, Гурлан туманлари ижроқўми лавозимларида ишлаган. Вилоят “Заготскот” идораси бошқарувчиси (1959-1963), Урганч бўрдоқчилик давлат хўжалиги директори (1963-1973) лавозимида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (2 марта), “Ҳурмат Белгиси” орденлари ва медаллари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.97. Ортиқов Шермат (1921-2000, Кўшкўпир тумани Ўзбекёп қ.) “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос”.**

Ички ишлар ва жамоа тартибини сақлаш идораларида кўп йиллар меҳнат қилган мутахассис, истеъфодаги милиция полковниги (07.05.1982). Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (1941-1945). Меҳнат фаолиятини 1946 йилда оддий колхозчилик бошлаган. 1949 йилда ички ишлар хизматида кирган. Тошкент (1950) ва Рига милиция мактабларини тугатган (1964). Урганч шаҳар, Шовот, Хива, Хонқа, Ҳазорасп, Янгиариқ, Боғот туманлари ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарган. “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени ва медаллар билан тақдирланган.

#### **4.2.1.98. Отабоев Матназар (1945, Урганч).**

Урганч туман прокурори (1997-2000), адлия хизмати III-даражали маслаҳатчиси. Тошкент политехникуми (1977) ва давлат университети тугатган (1974). Меҳнат фаолиятини Урганч шаҳар алоқа узели катта электриги лавозимида бошлаган. 1974 йилдан Урганч шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси, 1979 йилдан вилоят прокуратураси ички ишлар органларида тергов устидан назорат бўлими катта ёрдамчиси, Урганч шаҳар прокурори ўринбосари ва прокурори, Урганч тумани прокурори, вилоят прокурори вазифасини бажарувчи (1990) ва вилоят прокурори ўринбосари (1991-1997), Жиззах вилояти прокурори (1997-2000) вазифасини бажарган. Урганч шаҳар депутатлар Кенгаши ва вилоят партия комитети аъзоси бўлган.

#### **4.2.1.99. Отажонов Аҳмаджон (1912, Урганч тумани- 1994).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқа ходими”, вилоятда алоқа соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшган мутахассис. Тошкент алоқа техникумини тугатган. Уруш йилларида Тошкент алоқа бўлимида ишлаган. 1942-1943 йилларда Шовот тумани алоқа корхонасига бошлиқ бўлган. Кейинчалик Шовот тумани ижроқўми раиси ўринбосари (1944), вилоят алоқа бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1975-1988 йилларда махсус алоқа корхонасига раис бўлган. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

#### **4.2.1.100. Отамуродова Ҳосилпошша (1939, Урганч тумани Чаккашоликор к).**

Урганч туманидаги Жалололдин Мангуберди ширкат хўжалиги аъзоси сифатида кўп йиллар фаолият кўрсатган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор”.



#### 4.2.1.101. Отаниёзов Жуманиёз (1925, Ҳазорасп тумани Каганович ширкат хўжалиги-11.03.1944).

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган жангчи. 9-гвардиячи ўқчи дивизиясининг 22-ўқчи полкида хизмат қилган. Псков вилоятидаги Идрица тумани Рог қишлоғи атрофларидаги жанглarda ҳалок бўлган. Ўлимидан сўнг 1944 йил 18 июнда III даражали “Шуҳрат” ордени билан тақдирланган.

#### 4.2.1.102. Очилов Ҳасанбой (1936-2002).



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи. Ҳасанбой Очилов Боғот тумани Бешариқ қишлоғида туғилган. ТИИИМСХ ни тугатган (1982). Меҳнат фаолиятини Нариманов номли жамоа хўжалиги қурилиш бригадасида ишчиликдан бошлаган. Кейинчалик мазкур бригадада бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Ҳасанбой Очилов ўзининг эгаллаган вазифасига ўта маъсулият билан қарши, унинг ўта ишчанлиги ва ҳалоллиги кўпгина корхона раҳбарларининг эътиборларини ўзига тортди. Уни Урганч шаҳридаги циликат заводига ишга таклиф қилдилар. Ҳасанбой Очилов ушбу заводда ишлаб чиқариш бошлиғи ва омборхона мудирини лавозимларида фидокорона меҳнат қилди (1971-1978).

1978 йилда Ҳасанбой Очилов УзГУМТС идорасига қурилиш материаллари майдонига мудирликка ишга таклиф қилдилар (1978-1986). Ҳасанбой Очилов ушбу маъсулиятли ишда ўзига хос фидокорона меҳнат қилиб катта обрў орттирди. Унинг вилоятдаги обрў-эътибори кундан-кунга ўсиб борди. 1986 йилда уни қурилиш моллари базасига директорлик лавозимига ишга таклиф қилдилар. Мазкур лавозимда бу улуғ инсон 1992 йилгача касаллиги туфайли, нафақага чиққунга

кадар ишлади. Ўта ҳалол, ўта диёнатли, ўта ишчан, ўта одамий бўлган азиз акахонимизнинг охиратлари обод бўлсин!!!

#### **4.2.1.103. Оҳангаров Матёкуб (1897, Хива-1979, Тошкент).**

Хоразмда партия, давлат ва адлия ишларига катта ҳисса қўшган арбоб хуснихат устаси наққош Муҳаммад Юсуф Охун ва Муҳаммад Шариф ҳожи девонининг шоғирди бўлган. Инқилобдан сўнг, Хоразм ХСР Нозирлар Кенгаши маъсул секретари (1920-1921), Марказий Ижроия Комитети маъсул секретари (1924-1925) ва округ Ижтимоий таъминот бўлими мудирини бўлиб ишлаган (1925-1927). Сўнгра Хоразм округ халқ суди аъзоси (1927-1929), Ҳазорасп ва Хива туманлари халқ суди раиси (1929-1932), Ўзбекистон Олий суди коллегияси аъзоси (1932-1933), Тошкент шаҳар Октябрь тумани халқ судининг раиси (1934-1939) лавозимларида ишлаган. Кейинги 10 йил давомида адлия ташкилотларида ҳимоячи бўлган. 1957-1962 йилларда ЎзРФАШИ илмий ходим сифатида ишлаб, Хива хонлари архивини ўрганиш ва нашр этишга ҳисса қўшган. “Хоразм тарихи учун материаллар” номли қўлёзмаси сақланиб қолган (1964), “Меҳнат”, “Қизил Байроқ” ордени (1922, 1924) билан тақдирланган.

#### **4.2.1.104. Полвонниёзов Вапо (1899-25.02.1966, Урганч тумани Ғойбу қ.).**

“Ўзбекистон китоб савдоси аълочиси” (19.03.1953). Хоразм комсомоли Урганч тумани секретари (1920-1924), вилоят фавқулодда комиссияси (ЧК) раиси ўринбосари (1920-1925), Урганч шаҳар партия комитети ҳисоб-тафтиш бўлими мудирини (1925), Хива тумани “Қўшчи” уюшмаси раиси ўринбосари (1925-1926), Ҳазорасп туман партия комитети секретари (1926-1927), Урганч (1927-1928) ва Хива тумани матлубот жамияти раиси (1928-1930), Хоразм вилоят матлубот жамияти раиси ўринбосари (1932-1934),

“Ўзбекбирлашув”нинг Қуйи Чирчик туманидаги вакили ва Тўйтепа базаси мудир (1934-1935), Орололди худуди жамғарма базаси омбор мудир (1935-1936), Урганч шаҳар ижоқўми раиси ўринбосари (1937-1939), Хоразм вилоят маҳаллий саноат кооперацияси раиси ўринбосари (1939-1940), республика гўшт-сут саноати бошқармаси вакили (1941-1944), Хоразм вилояти ногиронлар кооперация савдоси ташкилоти раиси (1944-1948), Хоразм вилояти ўрмон хўжалиги бош ишженери ва бошлиги (1948), Шовот туман матлубот бошқармаси раиси (1948), вилоят китоб савдоси бошқармаси бошлиги (3.03.1949-1.012.1959) лавозимларида ишлаган. 1922 йил ёзида Хоразмга келган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан 13 кун давомида мулоқот қилган. У билан биргаликда Хоразмда дастлабки халқ театри ва ёшлар мактабини ташкил этиш, “Средазтурклопок ” идорасини тафтиш этиш ва Урганч милициясини унсурлардан тозалаш ишларида қатнашган. Сталинча қатағонлари даврида таъкиб қилинган 1957 йилда китоб савдоси ходимларининг Бутуниттифоқ Кенгашида қатнашган ва Ўзбекистон Олий Кенгаши Риёсати Фаҳрий ёрлиқлари (12.02.1944, 23.012.1944), “1941-1945 йилларидаги жасоартли меҳнати учун ” медали билан тақдирланди<sup>1</sup>.

#### **4.2.1.105. Полвонов Ота (Ота Полвон, 1867-1972, Хива).**

Хоразм ёғоч ўймақолиги мактабининг йирик номояндаси. Бобоси Уста Абдусаттор отаси Уста Полвондан таълим олган. Хивадаги ноёб Жума масжидини таъмирлаш ишига кўп меҳнат сарф қилган. 30-40 йилларда “Умид” артелида ўймакор усталарга бошчилик қилган. Наққош Абдулла Болтаев чизмаси асосида ишлаган устун ва икки табокли эшиги Париж халқаро амалий санъат кўرғазмасида намойиш қилинган (1939), 1947-48 йилларда Алишер Навоий номидаги Ўзбек академик опера ва балет театрининг кичик фойеси ва Хива зали, Республика Амалий

<sup>1</sup> Полвоновиёзов в. Ҳамза билан ўн уч кун // “Кўрганмиз, билганимиз, ёдимизда” тўнламида. - Т. Ўзбекистон”, 1967, 109-111-бетлар.

санъат музейи учун эшиklar ясаб берган. 1952 йилда янги очилган Урганч темир йўл вокзали учун 4 та эшик ясаган. 1962 йилда Ўзбекистон Маданият министрлигига қаршли Бадий кўргазма ва панорамалар дирекцияси илтимосига кўра ноёб эшик ва устулар ясаб берган. Санъати намуналари Москва, Санкт-Петербург, Ташкент, Хива шаҳарларидаги музейларда қўйилган. Кўн йиллар давомида Абдулла Болтаев, Рўзимат Машарипов, Сафо Богбеков каби моҳир наққошлар билан ижодий ҳамкорлик қилган. Кўплаб талантли шоғирдлар тарбияланган. Ижоди намуналари “Ўзбекистон санъат музейи”, Хива “Ичан қалъа” музей кўриқхонасида сақланади.

#### **4.2.1.106. Ражабов Турсунбой (1931-1997).**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Урганч ўқитувчилар институтини (1951) ва Тошкент давлат педагогика институтини тугатган (1962). Меҳнат фаолиятини 1951 йилда Богот қишлоғидаги Карл Маркс номи мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик Нариманов (1954-1955) Маяковский номидаги мактабларда ўқитувчи (1956-1962), Куйбишев номидаги мактабда (1963-1964) ва Богот мактаб-интернатда директор (1966-1975), туман халқ маорифи бўлими мудири (1975-1986) лавозимларида ишлаган. Ўзбекистон ўқитувчилари съездида 3 марта қатнашган. “Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси” фахрий унвони билан тақдирланган.

#### **4.2.1.107. Раҳимов Комилжон (1946, Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи” (22.02.1996), “Ўзбекистон Почтаси” корпорацияси бош директори (1998). Тошкент алоқа электротехника институтини тугатган (1968). Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Хоразм алоқа техникаси ишлаб чиқариш бошқармасида инженерликдан бошлаган. Сўнгра Урганч шаҳар алоқа бўлими бош инженери ва бошлиғи (1971-1974). Хоразм вилояти алоқа бошқармаси бошлиғи (1974-1981), Ўзбекистон алоқа министри

ўринбосари (06.09.1995-1998) лавозимларида ишлаган. Республикада алоқа ишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган.

#### **4.2.1.108. Раҳимов Хударган (1920, Хива-1988).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”. Тошкент (1950) ва Москва Олий партия мактабини тугатган (1956). Меҳнат фаолиятини 1936 йилда Гурлан туманидаги В.П.Чкалов номидаги мактабда бошлаган. Сўнгра Хива туманидаги Оқёп қишлоғида ўқитувчилик қилган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1941-1943). Кейинчалик Хива тумани ҳарбий комиссариати ҳисобга олиш бўлими бошлиғи, инструктор, шаҳар ижроқўми маъсул секретари, Ҳазорасп тумани партия комитети иккинчи секретари, Гурлан (1953-1954, 1960-1980) ва Хива (1956-1960) туман партия комитетлари биринчи секретари лавозимларида ишлаган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати бўлган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (2 та), “Ҳурмат Белгиси” (2 та) орденлари ва медаллари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.109. Раҳимов Ўктам (1932, Ҳазорасп тумани Боғдор к.).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос”, 3-даражали адлия маслаҳатчиси, “Урганчтрансгаз” давлат корхонаси юридик бўлими бошлиғи (1998). Ўрта Осиё давлат университети тугатган (1956). Меҳнат фаолиятини 1956 йилда Урганч шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасида адвокатликдан бошлаган. Хоразм вилоят суди аъзоси ва раиси, Урганч шаҳар халқ суди (8 йил) раиси, вилоят адлия боқармасида (20 йил) маслаҳатчи, ўринбосар, бошлиқ лавозимида узоқ йиллар фаолият кўрсатган.

#### **4.2.1.110. Раҳмонов Бекчон (Муллабекчон, 1887-1929, Хива).**

Хоразмликлардан биринчи бўлиб олий маълумот олган арбоб, 1913-1917 йилларда Туркиянинг Истамбул шаҳридаги

семинарида ўқиган. Хоразм ХСР Маданият ва маориф вазирлигининг биринчи бошлиғи бўлган (09.04.1920). 1920 йилда раҳбарлигида Хивада 7 та мактаб, болалар боғчаси, қариялар уйи, бидиш труппа, ўқитувчилар курси ташкил этилган ва “Инқилоб кўшини” газетаси, “Алифбо”, “Халқ адабиёти”, “Ҳисоб” каби директорлар, “Югурмия”, “Оталар сўзи” номли тўпламлар нашр қилинган. Бокуда ўтказилган Шарқ халқлари вакилларининг I съезида қатнашган (1920, сентябрь). Давлат Илмий Кенгаши раиси, Сийсий маориф бўлими мудири (1925-1926) лавозимларида ишлаган. Туркшуносларнинг совет шарқи халқлари ёзувини лотинлаштиришга бағишланган Бокудаги конференцияда қатнашган. Таниқли санъаткор Муҳаммад Юсуф Девонозда билан ҳамкорликда “Хоразм мусиқий тарихчаси” (Хива, 1925) китобини ёзган. 1929 йилда номаълум шахслар томонидан ўлдирилган. Ҳаёти ва фаолияти профессор Оллоназар Собиров ва доценти Мақсуд Маткаримов томонидан ўрганилган.

**4.2.1.111. Раҳмонов Юсуфбой**  
**(16.01.1941, Ҳазорасп тумани Питнак қ. –**  
**09.12.1998, Урганч).**

Хоразм вилояти прокурори (1990-1998) лавозимида ишлаган III даражали давлат адлия маслахатчиси. Хива қишлоқ хўжалиги техникуми (1960) ва Тошкент давлат университетини тугатган (1969). Меҳнат фаолиятини 1960 йилда аграрномликдан бошлаган. Хоразм вилояти прокуратураси масъул ходими, Ҳазорасп тумани прокурори, вилоят прокурори ўринбосари ва прокурори (1986-1989), Ўзбекистон Республикаси Прокурорининг биринчи ўринбосари (1989-1990) лавозимларида ишлаган. Республикада қонунлар устиворлигини таъминлаш ва фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш ишларига катта ҳисса қўшган.

**4.2.1.112. Рахимов Сафарбой (1923-1979).**

Урганч тумани К.Маркс номли жамоа хўжалиги раиси (1959-1979). Узоқ йиллар давомида мазкур ширкат хўжалигига



раҳбарлик қилган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моҳир ташкилотчиси. Меҳнат фаолиятини 1936 йилда мазкур хўжаликда оддий колхозчиликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1942-1944). Кейинчалик мазкур ширкат хўжалигида бош ҳисобчи (1944-1959) лавозимида ишлаган. 1959 йилдан то умрининг охиригача мазкур хўжаликда бошқарув раиси бўлиб ишлаган. Ленин, “Октябрь инқилоби” ордени ва медаллар билан тақдирланган.

#### **4.2.1.113. Раҳимов Хударган (1924).**

50-70 йиллар оралиғида Ҳазорасп, Хива, Гурлан туманлари партия комитетлари биринчи секретари лавозимида ишлаган таниқли ташкилотчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Пахтачилик ва шоличилик соҳаларини ривожлантириш учун янги ерларни ўзлаштириш (Хивадаги “Қорақум”, Гурландаги “Коммунизм” ва “Гулистон” давлат хўжаликлари) ва мутахассислар тайёрлаш ишларига катта хисса қўшган.

#### **4.2.1.114. Раҳманов Мадрим (1912-01.12.1993, Урганч).**

Хоразм вилояти партия комитети биринчи секретари (1950-1960). Хива қишлоқ хўжалиги техникуми (1932), Хоразм давлат педагогика институти (1950) ва КПСС МК Олий партия мактабини тугатган (1950). Меҳнат фаолиятини 1932 йилда участка агрономлигидан бошлаган. Кейинчалик “Инқилоб қуёши” газетаси бўлими мудири (1933-1937), вилоят халқ таълими бўлими масъул ходими (1937-1938), вилоят радио комитети муҳаррири (1938-1948), Урганч техника-таъмирлаш станцияси директори, “Узсельхозтехника” Урганч тумани

бирлашмаси бошқарувчиси (1960-1967), вилоят маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи (1967-1977) лавозимларида фаолият кўрсатган. ЎзКП МК аъзоси (1946-1960), Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати ва Раёсати аъзоси (1947-1960) бўлган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (2 марта), “Хурмат Белгиси” орденлари, “Шавкатли меҳнати учун” медали, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. КПСС XIX, XX, XXI съездлари делегати бўлган.

#### **4.2.1.115. Раҳмонов Эркин Абдуллаевич (1937, Хива).**

Хоразм вилояти Меҳнат бошқармаси бошлиғи (1997). ТИИИМСХ (1962) ва Тошкент Олий партия мактабини тугатган (1978). Меҳнат фаолиятини 1962 йилда суғориш тармоқлари бошқармаси инженер, катта инженер, бўлими бошлиғи (1964-1966) бошлаган. Кейинчалик Урганч шаҳар ёшлар ташкилоти котиби (1966-1973), “Ўзтрансспецстрой” қурилиши бошқармаси Урганч бўлими бошқарувчиси (1970-1972), Урганч шаҳар партия комитети саноат, транспорт ва ташкилий бўлими мудирини (1972-1973), Урганч шаҳар ижрокўми раисини (1973-1975) ва партия комитети секретарини (1975-1985), вилоят партия комитети котибинини (1985-1989), Хива тумани партия комитети 1-чи котибинини (1989-1991) ва туман Кенгаши раисини (1991-1992), Хива шаҳар-тумани 1-чи хокимини (1992-1997) лавозимларида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (2 марта) ордени, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан тақдирланган. 1994 йил 25 декабрида Хива сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати этиб сайланган.

#### **4.2.1.116. Ризаев Давлат (1903, Урганч-1937, Тошкент).**

Бутун ҳаётини Она Ватан равнақи учун бахшида қилган азиз инсонлардан яна бири Давлат Ризаевдир. Хоразм округ партия комитети биринчи секретарини (1929-1930) лавозимида ишлаган йирик раҳбар



ходим. Инқилобий ҳаракатларда қатнашган. Оренбург ва Тошкент шаҳарларида таълим олган. Кейинчалик Хивада халқ маорифи нозирлиги инструктори, Хоразм комсомоли МК ташкилий бўлими мудири (1922), маъсул секретари (1923-1924), ЎзКП Ижроия бюроси ва Ўзбекистон МИК аъзоси (1924-1925), СССР МИК Миллатлар Кенгаши Ўзбекистон вакили (1925), Ўзбекистон Маориф халқ комиссари ўринбосари (1925-1928), Ўзбекистон Маориф халқ комиссариати коллегияси аъзоси (1930-1931), Москвадаги марксизм-ленинизм курслари тингловчиси (1932), Норин тумани партия комитети секретари (1932), Самарқанд шаҳар партия комитети секретари (1933-1934), ВКП (б) МК Партия назорати комиссиясининг Ўрта Осиё бюроси раиси ўринбосари (1934-1937), ЎзКП Қорақолпоғистон вилояти партия комитети биринчи секретари (1937) бўлган. Сталинча қатағонлар авж олган 1037 йил 3 августда хибсга олинган ва хўрлик, азобларга чидамасдан шу йили 1 октябрда турма касалхонасида вафот этган. Имкон топиб қамоқхонадан яқинларига ёзган мактубларида қуйидаги сўзлар бор эди : “Мен ҳеч қачон миллатчи, троцкийчи бўлмаганман. Сохта кўргазмалар ёзилиб, икки ой мобайнида не-не қийноқларга солдилар, ахийри мени миллатчи, троцкийчи деб эълон қилдилар. Бу ҳукмдан ўлимни афзал кўрдим. .. Оламдан ёш кетяпман. Сохта кўргазмалар билан халқ душманига чиқариб қўйдилар. Ортиқ яшашни истамайман. Афсус фарзандларим ёш етим қоляпти. Шуни билиб қўйинглар мен халқ душмани эмасман”.<sup>1</sup>

#### **4.2.1.117. Ризаев Полвонийёз Муродович (08.03.1918, Хива-1981, Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор”, Туямўйин гидроузели қурилиши бирлашган дирекцияси бошлиғи (1970-1981), сув хўжалиги соҳасида меҳнат қилган мутахассис. Тошкент сув хўжалиги политехникуми (1935-1937), Москва гидромелорация институти (1939-1941) ва Олий партия мактабида (1949-1952) ўқиган. Иккинчи жаҳон урушида кўнгли бўлиб қатнашган (1941-1945). Хоразм вилояти ижрокўми раиси (1957-1960), ҚҚАССР Халқ хўжалиги Кенгаши раиси ўринбосари (1960), Хоразм вилояти партия комитети

<sup>1</sup> М.Маҳмудов. Барҳаёт сиймолар, 139-бет

саноат, қурилиш ва транспорт бўлими мудири (1960-1967), Ўзбекистоннинг СССР Министрлар Совети хузуридаги доимий нақиллиги маъсул ходими (1967-1970) бўлган. II даражали “Қизил Юлдуз”, “Меҳнат Қизил Байроқ” орденлари ва медаллари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.118. Рўзметов Хўжабой (1919-1995).**

Урганч тумани Юқорибоғ қишлоғида туғилган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”. Урганч ўқитувчилар (1940) ва Хоразм давлат педагогика институтини тугатган (1956) меҳнат фаолиятини 1940 йилда Гурлан туманида ўқитувчиликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1943-1945). Кейинчалик Урганч туман халқ таълими бўлими назоратчиси (1950-1952), вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти кабинет мудири (1950-1952), (1956-1983), Урганч тумани халқ маорифи бўлими услубият кабинети мудири (1983-1994) лавозимларида ишлаган. 2 марта “Қизил Юлдуз” ордени ва медаллар билан мукофотланган.

#### **4.2.1.119. Рўзметов Қурбон (10.06.1911-1996, Урганч).**

Ўзбекистон Республикаси Прокурори (1968-1972) лавозимида ишлаган ҳуқуқшунос, генерал-майор (1956). Ташкент фабрика- завод билим юрти (1927), Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) бир йиллик курси (1935), СССР Давлат хавфсизлиги комитети Олий мактаби (1947) ва Тошкент ҳуқуқшунослик институтини тугатган (1953). Меҳнат фаолиятини Урганч ёғ-мой заводида ишчиликдан бошлаган (1926). Кейинчалик Тошҳовуз пахта тозалаш заводида слесарь, смена мастери бўлган (1927-1933). Қизил Армия сафида хизмат қилган (1933-1935). Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги бошқармаси ишлаган (1936-1939). Хоразм (1939-1941), Наманган (1941-1943), Бухоро вилоятлари Ички ишлар бошқармаси бошлиғи (1943-1945), Ўзбекистон Давлат

хавфсизлиги халқ комиссари ўринбосари (1945) ва министрнинг 1-чи ўринбосари (1946-1953), Республика Ички ишлар министри ўринбосари (1954), Ўзбекистон Министрлар Совети қошидаги Давлат хавфсизлиги комитети раисининг 1-чи ўринбосари (1954-1968) бўлган. Истеъфога чиққач Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти раиси вазифасини бажарган. Ўзбекистон Олий Кенгаши II-VIII чақириқ халқ депутати. ЎзКП МК аъзолигига номзод (1949-1971) бўлган. “Қизил Байроқ” (2 марта), “Мехнат Қизил Байроқ” (2 марта), “Қизил Юлдуз” (2 марта) орденлари ва медаллар билан тақдирланган.

#### 4.2.1.120. Рўзметов Сотимбой (1934 – 1979).



Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси. Олий педагогик маҳоратга, юксак инсонийлик хусусиятларга ва иқтидорга эга устоз. Ўзининг бутун онгли хаётини, куч қудратини ёш авлодни тарбиялашдек ўта муҳим, маъсулиятли ишга бағишлаган ва сарфлаган ажойиб заҳматкаш инсон. Яхши инсонларга хос бўлган олийжаноб хусу-сиятларни ўзида мужассамлаштирган хазрати инсон. Сотимбой Рўзметов нисбатан қисқа хаёти йўлида ўз халқи ва ватани манфаатлари йўлида тер тўкиб халол меҳнат қилдилар.

Ўзининг ўта меҳнаткашлиги, камтаринлиги, инсонпарварлиги ва олий-жаноблиги билан фақатгина туғилиб ўсган қишлоғи Олажадагина эмас, балки бутун Хоразм вилоятида катта обрў-эътиборга сазовор бўлдилар.

Сотимбой Рўзметов 1934 йил 8 октябрда Ҳонқа туманидаги Тўпчи қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Дастлаб қишлоқдаги етти йиллик мактабда таълим олган. Кейинчалик 1949–1952 йилларда туман марказидаги ўрта мактабда тахсил кўрди. Иш фаолиятини 1952–1954 йилларда Ҳонқа туманидаги “Қизил байроқ” номли мактабда пионер бош етакчиси бўлиб

ишлаган. 1954—1959 йилларда Хоразм давлат педагогика институтининг физика-математика факультетида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тамомлаган. Шундан сўнг, 1963 йилгача Жданов номли ўрта мактабда физика, математика фанлари ўқитувчиси бўлиб иш бошлаганлар. Кейинчалик, 1971 йилгача дастлаб Боғот туманидаги А. Гайдар номли, Ҳ.Олимжон номли, сўнгра эса Жданов номли ўрта мактабларда директорлик қилганлар.

Айниқса, ундаги ташкилотчилик, ташаббускорлик фазилатлари ўзи истиқомат этган Ҳонқа тумани, Навоий кишлоғидаги Гагарин номли ўрта мактабга директорлик қилган 1971—1979 йилларда яққол намоён бўлган.

Сотимбой Рўзметов педагогик фаолияти билан бирга катта жамоа ишлари билан ҳам шуғулланганлар. Ижтимоий-сиёсий тарғибот ишларида фаол иштирок этганлар. Юқоридаги фидокорона фаолияти билан омма ўртасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлганлар.

Табиийки, Сотимбой Рўзметовга хос бўлган меҳнат ва шижоат ўз мевасини берган. Хамқишлоклари уни бир неча бор туман ва вилоят кенгашларига депутат қилиб сайлаганлар. Депутатлик мавқеида ҳам Сотимбой Рўзметов эл ободончилиги ва фаровонлиги учун фаол иш олиб борганлар.

Мохир педагог сифатида Сотимбой Рўзметов Республика ўқитувчилар съездида иштирок этганлар. Ўзининг илғор педагогик фаолиятлари юзасидан республикадаги хамкасблари билан тажриба алмашишганлар ва вилоятлардаги мактаблар ўқув ишларини такомиллашувига ўзининг самарали хиссаларини қўшганлар.

У киши қаерда ишламасинлар, ўзининг ўта ташаббускорлиги билан ажралиб турар эдилар. Шунингдек, Сотимбой Рўзметов янги мактаблар қурилишида жонбозлик кўрсатиб, бу ишларга ҳам бош-қош бўлганлар. Илмий ишлар билан шуғулланганлар. Шу каби бир қатор илмий мақолалар муаллифи бўлганлар. Сотимбой Рўзметовнинг катта хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1974 йилда унга "Халқ маорифи аълочилиси" нишони берилган. У "Шухрат" ордени ва "Шавкатли меҳнати учун" медали соҳибидир.

Бундан ташқари бир неча бор республика ва вилоят халқ таълими муассасаларининг эсдалик совғалари билан мукофотланган. Мохир педагог, мўътабар инсон, бутун кучи ва билимини келажак авлод камолоти йўлида сарфлаган Сотимбой Рўзметов 1979 йилнинг 6 апрелида тўсатдан вафот этган. Ҳамқишлоқлари қишлоқда янгидан қуриб битказилиб, ишга туширилган мактабни унинг номи билан аташга қарор қилганлар. Бу эзгулик иши туман ва вилоят раҳбарлари томонидан маъқулланиб, 1991- йил 5 сентябрь куни 44-сонли мактабга унинг номи берилиб, у кишининг номлари абадийлаштирилди. Сотимбой Рўзметов эл орасида қисқа, аммо ўта мазмунли ҳаёт йўлида ўзининг халол тинимсиз давом этган меҳнати билан сўнмас из қолдирди. Бугунгача Олажа қишлоғи аҳолиси мўътабар инсон – Сотимбой Рўзметов номини зўр ҳурмат билан эсга оладилар. Бу азиз инсоннинг хотирасига дуо қиладилар. Мухтарам устоз Сотимбой Рўзметовнинг ёрқин хотираси қалбларда абадий яшайди.

Мухтарам устозимиз Сотимбой Рўзметовнинг охиратлари обод булғай!

#### **4.2.1.121. Саъдуллаева Анажон (1908, Хонқа тумани Қирқёп к).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор” (1964), қишлоқ хўжалигига катта ҳисса қўшган деҳқон. Меҳнат фаолиятини 1931 йилда жамоа хўжалигида ишчиликдан бошлаган. Кейинчалик пиллачилик (1940-1954) ва пахтачилик бригадаси бошлиғи (1954-1969) ишлаган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати бўлган. “Шавкатли меҳнати учун” медали ва Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

#### 4.2.1.122. Сагиров Анвар Мидхатович. Тиббиёт фанлари номзоди. Олий тоифадаги врач.



Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Хоразм филиали директори. Ўзининг тиббиёт соҳасидаги чуқур билими, юксак савияси, ўта меҳнаткашлиги, одамийлиги, изланувчанлиги ва доимо ўз устида ишлаб бориши билан Анвар Сагиров фақат Хоразмдагина эмас балки бутун республикада донг таратган инсонлардан биридир.

Анвар Сагиров 1952 йил 10 августда Сирдарё вилоятининг Сирдарё шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб уни 1975 йилда тугатган. Ўз иш фаолиятини оддий врачликдан бошлаган Анвар Сагиров меҳнаткашлиги, камтаринлиги, доимо ўз устида ишлаши натижасида республиканинг етук тиббиёт ходимларидан бирига айлана борди. Гиппократ қасамига садоқати, беморларга ўта эътиборлиги, уларнинг соғлом ҳаётга қайтариш борасидаги жон куйдириб ҳаракатлари унга жамиятда катта обрў келтиради. Элнинг назарига тушди. Анвар Сагиров 1975 йилда Хоразм вилояти касалхонасида иш фаолиятини бошлайди.

Ёшлигидан илмга интилиш Анвар Сагировга хос хусусиятлардан бири бўлган. Айнан ушбу хусусият уни 1980 йилда Москва шаҳар Иттифок кардиология марказий клиникасига етаклайди. У бу ерда дастлаб ординатор бўлиб ишлайди. Сўнгра аспирантурага кириб ўқийди ва номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. 1985 йилда Хоразм вилояти I клиник шифохонасида шифокор кардиолог лавозимида ишлайди. 1990 йилда Анвар Сагиров хорижга ишга таклиф қилинади. 1990-1991 йилларда Анвар Сагиров Оман Араб Республикасида шифокор-кардиолог бўлиб ишлайди. Ўзининг етук билими ва самарали меҳнати билан хорижда ҳам катта обрў ортиради. 1991 йил охирларида Ватанга қайтган Анвар Сагиров



Хоразм вилояти Кардиология диспансерида бўлим мудирини лавозимига ишга тайинланади. У бу лавозимида 2000 йилгача ишлайди. Ўзининг ҳалол меҳнати билан катта обрў ортиради.

2000 йилда Анвар Сагиров мазкур кардиология марказига директор лавозимига кўтарилди. Ўзининг хизмат бурчига ўта маъсулиятли бўлган Анвар Сагиров ўзининг раҳбарлиги йилларида мазкур корхонада меҳнат интизомини яхшилашга эришди. Марказга янги даволаш ускуналари келтирилиб ишга туширилди. Ёш иқтидорли кадрлар ишга таклиф қилинди. Марказдаги муҳит яхшиланди.

2005 йилда Анвар Сагиров Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи лавозимига кўтарилди. У ўта маъсулиятли ушбу вазифада ҳам ўзига хос ташкилотчилик, ишбилармонлик ва беморларга ҳамиша ғамхўрлик хусусиятларини намоён қила олди. У раҳбарлик қилган йилларда вилоятдаги касалхоналарда меҳнат интизومي ва моддий шарт-шароитлар яхши томонга ўзгарди. Шуларни алоҳида таъкидлаш лозимки Анвар Сагиров вилоят кардиология марказининг директори лавозимида самарали иш олиб бориши натижасида вилоят кардиология худуди кенгайтирилган, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари янада кучайтирилган, марказнинг аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари яхшилана бошлаган.

У 2005 йилдан 2009 йилгача Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида бошлиқ лавозимига тайинланиб Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Хоразм филиалини бюджет ҳисобидан ажратилган 2,19 млрддан ортик маблағ ҳисобига реконструкция ва капитал таъминлаш ишлари амалга оширди, янги операция ва реанимация блокларини барпо этишда катта ҳисса қўшган. Кейинчалик А.М.Сагировнинг сайи-ҳаракатлари билан вилоятдаги кардиохирургия бўлими янги бинога кўчириб ўтказилди ва Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Хоразм филиали тўлақонли марказ сифатида иш юрита бошлади.

Филиалда 2009 йилда пуллик хизматдан тушган маблағ 250 млн.сўмни ташкил қилган бўлса, Анвар Сагиров бошчилигида иш фаолияти олиб борилганда бу кўрсаткич 2012 йилда 1 млрд.995 млн.сўмга етказилди яъни 4 йил ичида пуллик хизмат

кўрсатиш 7,9 мартага ошди. Унинг ташаббуси билан филиалнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши яхшиланди. Жумладан, замонавий янги ЭЭГ аппаратлари, янги ВЭМ-синама аппарати, ЭКГ ни ва артериал босимини суткалик мониторинг аппаратлари, кардиохирурлик беморларни мунтазам назорат қилиш учун кровать олди мониторинглари, ташқи нафас фаолиятини текшириш учун замонавий коагулометр, 20 дан зиёд кўрсаткичларни ифодалай оладиган гематологик анализаторлар олиб келинди. Шунингдек кардиохирургик бўлим учун марказлашган ламинар ҳаво билан таъминлаш системаси ўрнатилди. Бунинг оқибатида филиалда юрак қон-томир касалликлари билан оғриган 15000 дан ортиқ беморни амбулатор текшириш, 3000 дан зиёд беморни стационар даволаш имкони вужудга келди. Ҳозирги кунга келиб филиалда йилига 150 дан ортиқ туғма ва ортирилган юрак нуқсонлари билан оғриган беморларни оператив даволаш ишлари ўтказилмоқда, шулардан 80-90 таси сунъий юрак аппарати иштирокида амалга оширилмоқда. Филиалга нафақат Хоразм вилояти аҳолиси балки Қорақалпоғистон ва қўшни Туркменистон Республикасидан ҳам беморлар шифо излаб келмоқдалар.

Анвар Сагиров бошчилигида юрак қон-томир касалликлари билан оғриган беморларни стационар шароитида даволаш билан биргаликда уларни амбулатор кузатувини амалга ошириш, ҳавф гуруҳларини шакллантириш, текшириш ва даволаш стандартларига тўлақонли амал қилиш, кардиология ва кардиохирургия хизматини бирлашган ҳолда олиб бориш, операциядан кейинги даврдаги реабилитация жараёнларини тўғри ташкиллаштириш каби тадбирлар оқибатида беморлар ҳаёт сифати ва давомийлиги яхшиланиб бормоқда, юрак қон-томир касалликларидан ногиронлик кўрсаткичлари анча камайишига эришилди.

Анвар Сагиров мунтазам равишда республикамизда ва хорижий мамлакатларда ўтказиладиган конференцияларда фаол қатнашади, уларда бир неча бор маърузалар билан чиқиш қилган. Тиббиёт соҳасида ўз обрўсига эга, ўз ишига ва қўл остидаги тиббиёт ходимларига талабчан устоз. У ўз иш фаолияти давомида 60 дан ортиқ шогирдлар тайёрлаб, уларга ўзининг билими ва



тажрибаларини ўргатиб келмоқда ва уларни етук мутахассис қилиб етишишларига ҳиссасини қўшиб келмоқда.

#### **4.2.1.123. Саидов Ҳажи (1921-2000).**

Давлат мукофоти совриндори. Боғот туманидаги Наримон номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи (1937-1986). Меҳнат фаолиятини 1942 йилда шу жамоа хўжалигида оддий колхозчиликдан бошлаган. Ҳарбий хизматни ўтаган (1945-1957). Кейинчалик механизаторлик қилган (1951-1957). Фидокорона меҳнатлари учун 4 марта “Ленин” ордени, 3 марта “Халқлар Дўстлиги” ордени, 1 марта “Меҳнат Қизил Байроқ” орденлари, ВДНХ бронза медали, Ўзбекистон Олий Кенгаши Фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.124. Сапарниёзов Хўжамурод (1933-27.11.1999, Гурлан тумани Бўзқалъа қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”. Янгибозор тумани “Нуроний” жамғармаси раиси (1994-1999). Меҳнат фаолиятини Янгибозор туманидаги “Ленинизм” (Ҳозирги “Бўзқалъа”) ширкат хўжалигида оддий колхозчиликдан бошлаган. Кейинчалик ҳисобчи, бош ҳисобчи ёрдамчиси, бош ҳисобчи, ширкат хўжалиги ишлаб чиқариши, меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, тажрибали пахтакорларни тарбиялаш ишларига улкан ҳисса қўшган.

#### **4.2.1.125. Сапоев Самандар.**

XX асрнинг сўнги чорагидаги Хоразм деҳқончилигининг етук вакил-ларидан бири Самандар Сапоевдир. Самандар Сапоев 1933 йилда Боғот туманидаги Найман қишлоғида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1958 йилда Боғот туманидаги “Ғалаба” жамоа хўжалигида бош агрономликдан бошлаган. Деҳқончилик яхши хабардор, ўта тиришқоқ Самандар Сапоев



тез орада ўз ҳамқишлоклари орасида катта обрў ортирди. Натижада у хизмат лавозими даражасида тобора кўтарилиб борди. Уни 1972 йилда Боғот тумани кишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинлайдилар. Бу вазифада Самандар Сапоев олий савияда 1974 йилгача хизмат қилади. Туман кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлар анча яхшиланди. Қолоқликка барҳам берилади. 1974 йилда уни Тошкент жамоа хўжалигининг раиси лавозимига таклиф қилдилар. 1981 йилда эса она қишлоғи Найман қишлоғида жойлашган “Ғалаба” жамоа хўжалиги бошқаруви раиси лавозимига ўтказадилар. Қаерда ва қайси лавозимда ишламасин Самандар Сапоев ҳамиша қийинчиликда кўркмас, янгиликка интилувчи, атрофдагиларга ўта ғамхўр раҳбар бўлган. Шунинг учун жамоа хўжалиги аъзолари қаттиқ ҳурмат қилишар ва эъзозлар эдилар. Тиниб-тинчимас Самандар Сапоев жамоа аъзоларининг моддий, маданий фаравонлигини ҳар томонлама ошириш ҳақида тинмай ҳаракат қилар эди. У уч марта мазкур жамоа хўжалиги бошқаруви раислигига сайланиб, шу лавозимда 1995 йилгача ишлаган. Фидокорона меҳнатлари учун уч марта “Ҳурмат Белгиси” ордени ва СССР Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари билан уч марта тақдирланган.

#### **4.2.1.126. Саттаров Йўлдош**

**(1.10.1935- май 2005,**

**Янгиариқ тумани Гулобод к.).**

Янгиариқ туманида республикалараро балиқчилик саноати комбинати директори (1989-1998) лавозимида ишлаган ташкилотчи. ТИИМСХ тугатган (1959). Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Янгиориқ тумани “Узсельхозтехника” бирлашмасида муҳандисликдан бошлаган.



Кейинчалик туман комсомол комитети секретари (1960-1961), Ҳазорасп туман қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи (1970-1973), вилоят ижрокўми раиси муовини (1973-1974), Ҳазорасп тумани партия комитети 1-чи секретари (1975-1981), Янгиариқ “Коммуна” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (1981-1989) лавозимларида ишлаган. Туямўйин гидроузели ва Дружба шаҳри қурилишига катта хисса қўшган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (2 марта),

“Ҳурмат Белгиси” орденлари, медаллар билан тақдирланган. Халқ депутатлари вилоят кенгашига бир неча бор сайланган (1970, 1975, 1994). “Ҳаёт сабоқлари” (Урганч: “Хоразм”, 1997, 60 б.) номли хотиралар китоби бор.

#### 4.2.1.127. Сафоев Рўздат Матёқубович.

Бугунги Ўзбекистонимизнинг етук журналистларидан. 1958 йилда Хонқа туманидаги Олажа қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тугатган (1982). Украина полиграфия институти (Львов, 1986) ва Тошкент халқаро муносабатлар университетини тугатган (1993). Меҳнат фаолиятини 1971 йилда Хонқа туманидаги Шароф Рашидов жамоа хўжалигидан бошлаган.

Ҳарбий хизматни 1976-1978 йилларда ўтаган. Ўзбекистон нашриётида инженер (1980-1983), Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги нашриёт бўлими мудири (1983-1985), “Меҳнат” нашриёти ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи (1985-1990), “Ўзбекистон” нашриёти директорининг тижорий ишлари бўйича ўринбосари (1980-1992) ва директори (1992-1995), республика матбуотини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раиси (1995-1996), “Ўзбекистон” нашриётининг директори (1999-2001),

Ўзбекистон Республикаси Матбуот Давлат Комитети раиси ўринбосари (2001 йилдан бошлаб) лавозимларида ишлаган ва ишлаб келмоқда. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий ҳаётини акс этдирган адабиётларни нашрга тайёрлашга катта ҳисса қўшган. 1994 йилда Туркия нашрлари ёрдамида босилган “Хива” номли рангли альбомига маъсул муҳаррирлик қилган.

#### **4.2.1.128. Сафо Муғанний (1886-1941).**

Хива тумани Гандимиён қишлоғида туғилган. Машҳур хонанда гармончи, маданият ходими. Моҳир созчи-Хужошукур гармончидан таҳсил олган. Шерозий, Қурбон созчилар билан ҳамкорлик қилган. 50 дан ортиқ кўшиқ ва 80 дан ортиқ куйларни маҳорат билан чалган. 1922 йил февралда Хивада биринчи театрни ташкил қилишда қатнашган. Ўзбекистон МИК раиси Йўлдош Охунбобоевнинг Хоразмга келишига бағишлаб шеър ва кўшиқлар яратган (1929). Машҳур санъаткор Тамарахоним билан бирга Хоразмнинг кўшиқ ва рақс санъати намуналарини жамлаб сахнага олиб чиққан (1934-1935). 1937 йилда Москвада ўтказилган Ўзбекистон санъати ва адабиёти кунларида қатнашган вақтида “Хоразм” ва “Маври” сахна асарларини сўз ва куйларини ёзган. “Хирмондали”, “Авазхон”, “Гўрўғли”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonларида кўшиқларни маҳорат билан ижро этган.

#### **4.2.1.129. Собиров Аҳмаджон (1934, Хонқа)**

**“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос”.**

Ўрта Осиё давлат университетини тугатган. Ўзбекистон комсомол МК инструктори, жаҳон ёшлар ташкилотининг Вена бўлими вакили, Сурхондарё вилояти комсомол комитети секретари, Хоразм телестудияси Ёшлар ва ўсмирлар таҳририяти мудири, вилоят прокурори ёрдамчиси, тергов ва

фуқаролик бўлими бошлиғи, Урганч шаҳар прокурорининг умумий назорат бўйича ёрдамчиси (1986-1994) лавозимларида ишлаган.

#### **4.2.1.130. Собиров Илгизар Матёқубович (1959, Қўшқўпир тумани).**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ҳарбий тайёргарлик ва мудофаа ишлари бўйича комитет раиси (2000), ҳуқуқшунослик фанлари номзоди (1987). Тошкент давлат университетини тугатган (1982). ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида илмий ходим (1982-1994), Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти илмий ишлар проректори (1994-1995), Республика Олий суди раиси ёрдамчиси (1996-1997), Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамаси маъсул ходими (1998-1999), Хоразм вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи (1999-2000) лавозимларида ишлаган. 2000 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланган. Бугунги кунда Илгизар Собиров Ўзбекистон Республикаси Сенатининг раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

#### **4.2.1.131. Собиров Машарип (1938-1997, Хонқа тумани Тамадургадик қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”, Ал-Хоразмий номидаги жамоа хўжалиги бошқарув раиси (1988-1997) лавозимларида ишлаган ташкилотчи. Меҳнат фаолиятини 1957 йилда Хонқа туманидаги жамоа хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган. Кейинчалик шу хўжалик пахтачилик ва Ал-Хоразмий номидаги давлат шолчилик хўжалиги бошқарув раиси (1982-1988) ишлаган. Ал-Хоразмий номидаги давлат хўжалигида гектарига 100 центнердан шоли ҳосилини етиштирган. Хўжалиқда саноат корхоналари, иссиқхоналар, чорвачилик, балиқчилик ҳавзаси куриб жамоа аъзоларининг қўшимча даромад олишлари ва уларнинг фаровонлигини ошириш учун

имкониятлар яратган. 2004 йил декабрда Хонқа сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод бўлган.

#### **4.2.1.132. Собиров Ражаббой (1947, Хонқа тумани).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор”, Ҳазорасп тумани ҳоқими ўринбосари ва туман суғориш иншоотлари идораси бошқармаси бошлиғи (1994). Узунлиги 26 км. ва ҳажми 40 куб. м/сек. Бўлган канални куриш ташкилотчиларидан бири. Кўп йиллар давомида Тошсоқа курилиш бошқармасида ишлаган.

#### **4.2.1.133. Советников Рудольф Александрович (1914-1994).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”. Урал педагогика институтини тугатган (Екатеринбург). Меҳнат фаолиятини 1931 йилда бошланғич мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1939-1944). Урушдан сўнг 1946 йилда Урганч мактабларида бирида ўқитувчи, Хоразм давлат педагогика институтида ўқитувчи, вилоят халқ таълими бўлими мудирининг биринчи ўринбосари, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти услубчиси лавозимларида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ”, “I даражали Ватан Уруши” орденлари ва медаллар билан тақдирланган.

#### **4.2.1.134. Сотим Аваз.**

1952 йилда Урганч туманида туғилган юксак иқтидорли шоир, таржимон ва журналист. Хоразм давлат педагогика институтини тугаллаган. “Хоразм ҳақиқати” газетасида мафкура бўлими мудир, Хоразм вилояти ҳокимияти маъсул ходими (1992-2001), Урганч тумани газетасида муҳаррир лавозимларида ишлаган. “Мадрахим Шерозий” (О.Мадрахимов билан ҳамкорликда), “Темурғози тўра” (1999) номли монографиялари,



“Кечиккан баҳор”, “Тонгги ҳислар” (Т., Ғ.Ғулом, 1989), “Ҳуқуқ” шеърӣ тўпламлари ва кўпгина оммавий публицистик асарлар муаллифидир. Адабий меросимизни тарғиб қилишга катта ҳисса қўшиб келаётган зиёлилардан биридир. Сотим Аваз таржимонликда ҳам катта фаолият кўрсатган адибдир.

Шаҳобиддин ан Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангубердиннинг ҳаёти тавсифи”, “Кўндикдаги белгилар” номли асарларни ўзбек тилига ўгирган ва нашр қилдирган (Урганч, “Хоразм”, 1998).

#### 4.2.1.135. Султонов Жумабой.



Хоразмнинг сўнги йилларидаги юқори савияли, заҳматкаш, катта ташкилотчи, жамиятда катта обрў-эътиборга эга кишилардан бири “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Хоразм филиали директори Жумабой Султоновдир.

Жумабой Султонов 1955 йил 25 январда Хоразм вилояти Боғот туманида туғилган. 1978 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини имтиёзли диплом билан тугатган. Бугунги кунда шуни таъкидлаш лозимки, Жумабой Султонов ўзининг мутахассислиги бўйича фақатгина Хоразм вилоятидагина эмас балки, бутун республикада кўзга кўринган мутахассислардан бири.

Юқори савияга эга бўлган Жумабой Султонов Халқ демократик партияси аъзоси. Муҳтарам Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатнинг жонқуяр тарғиботчиси ва амалиётчиси. Ўзининг меҳнатсеварлиги ва ташкилотчилиги туфайли жамиятда катта обрўга эга бўлган Жумабой Султонов Халқ депутатлари вилоят советига уч марта сайланган. Депутат сифатида вилоятда амалга ошириляётган ободончилик ва хайрия ишларида фаол иштирок этган.

Жумабой Султонов тиниб-тинчимас, ўта меҳнаткаш инсон сифатида Муҳтарам Президентимизнинг қишлоқ аҳолиси турмуш

маданиятини ошириш, қишлоқларни ободонлаштириш юзасидан кўрсатмаларини амалга ошириш борасида тинмай фаолият кўрсатмоқда. Жумабой Султоновнинг иш фаолиятига назар ташлаганимизда унинг хизмат супасида йилдан-йилга кўтарилиб бораётганининг шоҳиди бўламиз. У ўзининг иш фаолиятини Янгиариқ тумани Давлат банкида иқтисодчи лавозимидан бошлаган. Кейинчалик Давлат банки вилоят бошқармаси АПК бўлими бошлиғи муовини, ундан сўнг Давлат банкининг вилоят бошқармаси бошлиғи муовини, 1987 йилдан бошлаб эса СССР Агросаноат банки Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи, 1990 йилдан 1991 йил охиригача “Ўздекхон саноат банки” Хоразм филиали раиси, 1991-1995 йилларда “Ўздекхон саноат банки” Хоразм филиали бошқармаси бошлиғи ва 1995-1996 йилларда “ЎзПахтабанкнинг” Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Ишчанлик, тадбиркорлик, ўз қўл остидаги ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатлари ҳақида жон куйдириши Жумабой Султоновга хос фазилатлардандир. У республикамиз банк тизимини такомиллаштириш борасида фаол иштирок этган мутахассислардан. Шу соҳада бир неча иқтисодий фойда келтирадиган таклифлар билан республика миқёсида майдонга чиққан.

Жумабой Султоновга хос шижоат, ғайрат унга катта обрў келтирди. У хизмат лавозимида яна кўтарилиб, 1996 йилда Хоразм вилояти ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича муовини вазифасига тайинланади. Ушбу вазифада вилоятнинг иқтисодий ривожлантириш борасида катта ишларни амалга оширишда фаол иштирок этди. Шу йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиғи ва саноатда қўлга киритилган ютуқларда Жумабой Султоновнинг каттагина ҳиссаси бор. Муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз кўрсатмалари оғишмай амалга оширишдаги юксак даражадаги фаолияти учун Жумабой Султонов бир неча бор ҳукумат фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо мукофотлари билан тақдирланган.



#### **4.2.1.136. Султонов Рустам (10.08.1938, Урганч тумани Қорамон қ.).**



Урганч шаҳрининг биринчи ҳокими. “Хорезмсовхозво-строй” трести бошқарувчиси ўринбосари (2001). Тошкент политехника институтини тугатган (1963). Меҳнат фаолиятини 1995 йилда оддий қолхозчиликдан бошлаган. Кейинчалик ҳарбий хизмат ўтаган (1956-1958). Урганч уйсозлик комбинатида инженер ва директор (1963-1971), 167-сон қурулиш трестида бош инженер, вилоят партия комитетида бўлим мудири, Урганч шаҳар ижрокўми раиси, шаҳар партия комитети биринчи секретари, “Хорезмсовхозводстрой” трести бошқарувчиси (1971-1990), Урганч шаҳрининг биринчи ҳокими (1992-22.01.1997), “ЎзДЭУ” автосервиз корхонаси бош директори ўринбосари (1997), Ўзбекистон Республикаси Ташқи алоқалар вазирлигининг Хоразм вилояти бўлими бошлиғи (1997-2001) лавозимларида ишлаган.

#### **4.2.1.137. Тангриберганов Мадрим (1914-2002).**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос. Хоразмнинг кўзга кўринган ҳуқуқшуносларидан бири бўлган. Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи (1952), Янгиариқ тумани халқ суди раиси (1959), вилоят халқ суди раиси (1963) бўлиб ишлаган.

#### **4.2.1.138. Умар Қурбоний (тахаллуси Афлотун).**

1903 йилда Хонқа тумани Сарапоён қишлоғида туғилган. 1956 йилда вафот этган. “Инқилоб қуёши” (Хива) газетасида адабий ходим (1925), “Маданий инқилоб” (Тошкент), Ғуздор, Қарши, Хонқа (“Қурилиш”), Янгиариқ (“Ленин йўли”), Хива (“Хива тонги”) туманлари газеталарида маъсул ходим бўлиб

ишлаган, таниқли шоир, журналист, рассом, маданият ходими. Хивадаги партия совет мактаби, Тошкентдаги почта, телеграф, Бокудаги театри ўқув юртида таълим олган. Огахий номидаги вилоят театрида бош режиссёр ва Хива халқ театри раҳбари бўлган. Озарбайжон композитори Умар Хожибековнинг “Аршин мол олон” асарини ўзбек тилига таржима қилган. Таниқли рассом, сураткаш, таржимон ва тилшунос сифатида ҳам эътибор қозонган. “Терма қўшиқлар” (1934) китобига халқ оғзаки ижодига яқин ашулаларни киритган. “Муштум”, “Тепки” каби республика журналларида мақолалар билан чиқиб турган.

#### **4.2.1.139. Хван Александр (29.12.1927, Приморье ўлкаси, Уссурийск тумани).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор” (1964). ТИИИМСХ ни тугатган (1951). Меҳнат фаолиятини 1951 йилда Нукус эксковатор станциясида механикликдан бошлаган. Кейинчалик Тахтақўпир тумани МТС (1953-1955), Хоразм вилояти МТС бош инженер (1955-1965), Хива тумани МТС директори (1965-1974) лавозимларида ишлаган. “Хурмат Белгиси” ордени (2 марта) билан тақдирланган.

#### **4.2.1.140. Файзуллаев Баҳром Рустамович (06.06.1960).**

Тиббиёт фанлари номзоди (1994), Урганч туман касалхонасининг бош врач. Самарқанд давлат тиббиёт институтини тугатган (1983). Меҳнат фаолиятини 1976 йилда Урганчдаги 2-сон қурилиш бошқармасида бўёқчиликдан бошлаган. Кейинчалик Хоразм вилояти 1-сон касалхонасида врач-интернет (институтдан сўнг) (1983-1984) беморларни қабул қилиш бўлими мудир, (1984-1985) терапия бўлими врач ординатори (1985-1990), сўнгра Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги Кардиология илмий тадқиқот институти клиник-ординатори (1990-1991), Хоразм вилояти Кардиодиспансери

поликлиника ва реанимация бўлими мудири (1991-1992), Хоразм вилояти I-сон касалхонаси бош врачлари ўринбосари (1995).

Хоразм кардиология маркази директори (2005-2010) ва нихоят 2010 йил июнь ойидан Урганч туман тиббиёт бирлашмасининг бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Ўзининг ўта серғайратлиғи ва ишчи-хизматчиларга ғамхўрлиғи билан ажралиб туради. Баҳром Файзуллаев чуқур билимли шифокор бўлиши билан бирга бадиий ижодга ўта қизиқувчан инсон ҳамдир. Унинг “Ҳаётим қувончлари” (2012) ва “Шифокор илҳоми” (2013) шеъррий тўплами кўпчилик китобхонлар таҳсинига сазавор бўлган.

#### **4.2.1.141. Фақирий Абдураззоқ Абдужаббор қози ўғли (1880-1925).**

Хива тумани Бўзхона қишлоғида туғилган. Қисқа вақт ичида Каломуллони ўрганиб қози унвонига сазавор бўлган. Йирик лирик шоир ва дин арбоби. Хивадаги Оллоқулихон мадрасасида таҳсил олган. “Янги мактаблар”, “Муллалар”, “Кўринг” каби ғазалларида илм-маърифатнинг кадри, сўзнинг салоҳияти каби нозик масалалар устида фикр юритган.

1920 йилдан шўролар ҳукуматида хизматга кирган. Янги жаҳид мактаблари ташкил қилган.

#### **4.2.1.142. Хақирий (Муҳаммад Шариф Муҳаммад Қадам ўғли).**

“Йўл бузар охун” лақабли шоир ва ҳуқуқшунос Хивадаги мадрасаларнинг бирида таҳсил кўрган. Хива хони Ферузнинг буйруғи билан Хўжамберди Оталиқ мадрасасига мударрис этиб тайинланган. Мансабига қаноат қилмасдан норози бўлиб Тўрткўлга кетган ва у ерда қозилик лавозимига сайланган. Хивага қайтгач унинг даромадсиз яшаётганлигидан хабар топган Ферузхон Хақирийни катта мадрасага мударрис этиб тайинлайди. Хақирий Феруз шеърларига пайровлар ёзиб турган ва девон яратган. Исфандиёрхон даврида муфтилик мансабига эришган.

Татар домласи Тўфон Бекхон билан Исфандиёрхонга 1917 йилда “Ёш хиваликларнинг” Олий Мажлиси ва Нозирлар кенгашини тугатишга ёрдам берган.

#### **4.2.1.143. Хошимова Халима (1929 -10.11.1985, Боғот тумани Қизилравот к).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор” (1963), “Коммуна” ширкат хўжалиги механизатори (1960-1980). Ҳазорасп механизаторлар тайёрлаш курсини тугатган. Қишлоқ хўжалигида техникани жорий қилиш ва хотин-қизларни пахта териш машиналарида ишлашга жалб этиш ташаббускорларидан бири. “Меҳнат Қизил Байроқ” (1965), “Хурмат Белгиси” (1971), “Октябрь инқилоби” (1973), “Ленин” (1978) орденлари, ВДНХ олтин, бронза (1973) медаллари билан тақдирланган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати бўлган (1970).

#### **4.2.1.144. Худойберганов Мадийр.**



Мадийр Худойберганов 1923 йилда Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги Кангли қишлоғидаги оддий деҳқон оиласида таваллуд топган. 1941 йили ўрта мактабни тугатиб, Тошҳовуз вилоятининг Тозабозордаги “Коммуна” тўликсиз етти йиллик ўрта мактабда илмий бўлим мудирини ва тил-адабиёт ўқитувчиси лавозимида иш фаолиятини бошлаган.

1943 йил ҳарбий сафарбарликка чакирилган. Душанбадаги пиёда зобитлар тайёрлайдиган билим юртига курсант тайёрлов курсига ўқишга кирган. 1943 йил декабрь ойида биринчи Белоруссия фронтининг 81-Калинкович ўқчи дивизияси 467-полкининг учинчи батальони

взвод командири ёрдамчиси қилиб тайинланган. Ғарбий Украина, Киев шаҳри атрофидаги жангларда қатнашган.

1944 йил 3 август куни Висла дарёсини кесиб ўтиш жангида оғир ярадор бўлиб, Львов, кейин Киевдаги госпиталларда бир ойлар давомида даволангач, Ворошиловоград вилоятининг Краснқй Луч шаҳрида узоқ даволаниб, мудофаа вазирининг буйруғи, тиббиёт комиссиясининг хулосасига кўра, иккинчи гуруҳ уруш ногирони, деб топилиб, 1945 йил январь ойида ҳарбийдан озод қилинган. 1945 йил февраль ойида ҳарбийдан озод қилинган. 1945 йил февраль ойида Шовот туман Кангли қишлоғидага “Гулистон” номли етти йиллик мактабда илмий бўлим мудир ва ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1946 йили Урганч шаҳридаги икки йиллик ўқитувчилар институтини сиртдан тамомлаган. 1951 йил 14 январда Шовот тумани партия кўмитаси учинчи котиби бўлиб сайланган, кейинчалик иккинчи котиб бўлиб ишлаган.

1954 йил Москвадаги Олий раҳбарлар тайёрлаш мактабига кириб, 1957 йил сентябрдан вилоят партия кўмитаси тарғибот ва ташвиқот бўлими мудир, 1959 йил 7 январда Хива туман партия кўмитаси биринчи котиби, 1965 йил май ойида вилоят ижро кўмитаси раиси, 1968 йил 10 февралда вилоят партия кўмитаси биринчи котиби қилиб сайланган ва 1986 йилгача ушбу лавозимда ишлаган, меҳнат фаолияти давомида туман, вилоят советлари, 2-чақириқ Ўзбекистон Олий Советига, 4-чақириқ Иттифоқ Совети депутатлигига сайланган. Улуғ Ватан уруши 1,2 даражали ордени, 10 дан ортиқ медал ва орденлари, 4 та Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, 10 га яқин медал, 10 дан ортиқ ВДНХ медаллари, “Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими”, “Синовларда кечган умр” (1997), “Эгилган ҳақиқат сўнмаган умид” (2000), “Умримнинг давоми” (2008) Тошкент шаҳрида нашрдан чиққан.

#### **4.2.1.145. Худойберганов Йўлдош (10.05.1934, Гурлан тумани).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”, Гурлан туманидаги “Зарбдор” ширкат хўжалиги бошқарув раиси (1986). Хива қишлоқ хўжалиги техникумини тугатган (1952). Ўз меҳнатини 1952 йилда Гурландаги 2-чи МТС да агрономликдан бошлаган. Ҳарбий денгиз флотида хизматни ўтаган (1952-1957). Кейинчалик Гурлан туманидаги “Коммуна” ширкат хўжалиги бош агрономи (1957-1961) ва бошқарув раиси ўринбосари, (1962-1964, 1968-1971) туман бўрдоқчилик базаси директори (1976-1986) лавозимларида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Хурмат Белгиси” орденлари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.146. Хўжаев Шокир Ниёзматович (2.04.1929, Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач”, Хоразм вилояти 1-сон касалхона етакчиси хирурги (1992) ва Санитария авиацияси бошқармаси Бош врачлари (1992), Олий тоифадаги шифокор, медицина фанлари номзоди (1980). Ташкент Давлат медицина институтини тугатган (1953). Меҳнат фаолиятини 1953 йилда Урганч шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирини лавозимида бошлаган. Кейинчалик вилоят 1-сон касалхонаси бош врачлари (1959-1983), вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бош хирурглари (1983-1992) лавозимларида ишлаган. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморларни даволаш ва тиббий билимларни оммалаштириш ишларига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Вилоят касалхонасида бош врач бўлган вақтида беморлар учун ўринлар сонини 100 тадан 825 тага кенгайтиришга эришган. “Хурмат белгиси” ордени, “Соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

#### **4.2.1.147. Хўжаниёзова Шакаржон Юсуповна.**

1955 йилда Боғот туманидаги Бешариқ қишлоғида туғилган. Тошкент ирригация олийгоҳини тугатган. Меҳнат фаолиятини



1977 йилда Боғот туманидаги Нариманов номли жамоа хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган. Сўнгра Бешарик қишлоғидаги 6-сон хунар-техника билим юрти директори ўринбосари (1978-1982) ва директори (1982-1983), Нариманов номидаги жамоа хўжалиги бошқармаси раиси ўринбосари (1983), партком котиби (1983-1985), Боғот туман партия комитети котиби (1985), иккинчи котиби (1985-1988), халқ депутатлари туман ижроқўми раиси (1988-1990), туман партия комитетининг биринчи котиби (1990-1992), халқ депутатлари туман кенгаши раиси (1991-1992), Боғот тумани ҳокими (1992-2000), вилоят хотин-қизлар комитетининг раиси (2000 йилдан бошлаб) лавозимларида ишлаган. Бугунги кунда вилоят ҳокимининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўринбосари лавозимида самарали меҳнат қилмоқда.

Тошкент олий партия мактаби (1989), Давлат ва жамият қурилиш академиясини тугатган (1996). Шакаржон Хўжаниёзова ўзининг ўта ишчанлиги, ўз хизмат вазифасига ўта маъсулиятли қараши билан ажралиб туради. Боғот туманининг кейинги ижтимоий-маданий тараққиётида Шакаржон Хўжаниёзованинг алоҳида хизматлари мавжуд. Вилоят хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясида амалга оширилган кейинги йиллардаги тадбирларда Шакаржон Хўжаниёзованинг ҳам каттагина хизматлари борлигини таъкидлаш лозим. Шакаржон Хўжаниёзова Ўзбекистон Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. (1981). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланган (1999).

#### **4.2.1.148. Хўжаниёзов Юсупбой (1932-1989, Боғот тумани Нукус қ.).**

Боғот тумани марказий касалхонаси бош врачлари ўринбосари (1975-1982) лавозимида ишлаган шифокор, Олий тоифадаги хирург. Тошкент Давлат медицина институтини тугатган (1958). Меҳнат фаолиятини 1958 йилда Боғот қишлоқ касалхонаси хирургия бўлими мудири лавозимида бошлаган. Кейинчалик Наримонов номидаги жамоа хўжалиги касалхонаси бош врачлари (1962-1969) ва хирургия бўлими мудири (1971-1975)

лавозимларида фаолият кўрсатган. “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени (1971) ва “Соғлиқни саклаш аълочиси” кўкрак нишони (1968) билан тақдирланган. Номи Боғот туман марказидаги кўчалардан бирига берилган ва туман “Хурмат китоби”га ёзилган.

#### **4.2.1.149. Худойберганов Матрасул Матжонович (1916-1983).**

Шовот туманида туғилган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”. Урганч ўқитувчилар (1938) ва Хоразм давлат педагогика институтини тугатган (1953). Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (1942-1945). Меҳнат фаолиятини мактаб ўқитувчилигидан бошлаган. Шовот ва Янгиариқ туманларида мактаб директори, “Хоразм ҳақиқати” газетаси мухаррири ўринбосари (1954-1959), вилоят халқ маорифи бўлими мудири (1959-1980) лавозимларида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Хурмат Белгиси” орденлари ва медаллар билан мукофотланган. Узоқ йиллик фидокорона меҳнатлари учун эл таҳсинига сазовор бўлган. Номига Урганч шаҳар ўқитувчилар ва ёшлари, Шовот туманидаги касб-хунар колледжи қўйилган.

#### **4.2.1.150. Худойберганов Юсупбой.**

1936 йилда Боғот туманидаги Маданият қишлоғида туғилган қишлоғида туғилган. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Қишлоқ ишлаб чиқаришнинг уста ташкилотчиси ва билимдонларидан бири. Самарқанд давлат қишлоқ хўжалик институтини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1958 йилда Боғот-Янгиариқ хўжалик инспекциясида агрономликдан бошлаган. Кейинчалик Боғот туманидаги “Ғалаба” жамоа хўжалиги бошқаруви (1959-1971), (1978-1984) ва Боғот тумани ижрокўми раиси (1971-1973), Хоразм пахтачилик тажриба станцияси бўлим мудири (1976-1977), Боғот тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси бошлиғи (1987-1990), Боғот тумани агросаноат уюшмаси раиси (1991-1992), “Зарбдор” ижара хўжалиги бошқаруви раиси (1992-



1996), “Олтин мерос” халқаро жамғарма Боғот тумани бўлими раиси (1996-1997), Боғот тумани деҳқонлар уюшмаси раиси (1997-2000) лавозимларида ишлаган. Фидокорона меҳнатлари учун 2 марта “Хурмат белгиси” (1962, 1968) ордени билан мукофотланган.

#### **4.2.1.151. Хўжаев Болтабой.**

1927 йилда Боғот қишлоғида туғилган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”. Урганч ўқитувчилар институти (1949) ва Самарқанд давлат университетларини тугатган. Математика фанининг етук билимдонларидан бири саналади. Боғот туманидаги Нариманов номли мактабда ўқитувчи (1949-1957) ва директор (1958-1982). Шу тумандаги 3-лицей интернатда ўқитувчи лавозимларида ишлаган. СССР (1958) ва “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” (1953,1963) унвонлар билан, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан тақдирланган.

#### **4.2.1.152. Хусайнов Рустам Иброҳимович (Тиббиёт фанлари номзоди. Олий тоифадаги врач).**



Бугунги Хоразмнинг кўзга кўринган шифо-корларидан бири Рустамбек Хусайновдир. Ўзининг илмга интилиши, хушмуамалигги меҳнаткашлиги билан Рустамбек Хусайнов қисқа вақт ичида эл орасида катта обрў-эътиборга сазовори бўлди.

1960 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Манғит туманида туғилган. Самарқанд тиббиёт институтини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1985 йилда вилоят касалхонасида интернатурадан бошлаган. 1986 йилдан бугунги кунгача Урганч туман касалхонасида интернатурадан реанимация бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаб келмоқда. Доимо изланиш, беморларга ғамхўрлик, хамиша ўз устида ишлаш Рустам

Иброҳимовичга хос хусусиятдир. У 2006 йилда регионар методи билан оғриқсиз-лантириш усулини даволашда вилоятда биринчи бўлиб қўллаган врачлардан саналади.

Акушерлик ва гинекология бўйича регионар методи оғриқсизлантириш усулини қўллашни вилоятда биринчилар қаторида Рустам Хусаинов қўллаган. Рустам Хусаиновнинг ижтимоий келиб чиқишига назар солганимизда, унинг улуғ бобокалонларини эсга олмасдан иложимиз йўқ. Бу табаррук оиланинг аجدодлари Хива хонлигида юксак мавқега эга бўлган меҳтарлар Юсуп, Якуб, Ёрмуҳаммад меҳтарларга такалади. Ўз даврида бу улуғ инсонлар Хоразм ва хоразмийлар учун катта савоб ишларни амалга оширганлар.

Айнан дунёга донғи кетган Жума мачит минораси шу азиз инсонлар-меҳтарлар оиласининг моддий кўмагида амалга оширилган. Рустам Хусаиновнинг келиб чиқиши тиббиёт вакиллари оиласидан. Отаси Хусаинов Иброҳимжон Абдуқодир ўгли Тошкент тиббиёт олийгоҳини битказган. Ўз даврининг етук шифокорларидан бири бўлган. 1955-1977 йилларда Манғит туман касалхонасининг бош врачлари бўлиб ишлаган.

#### **4.2.1.153. Чўпонов Отажон (12.04.1936-24.04.1997, Урганч тумани Ғойбу қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиги ходими” (1992-1997), “Урганчтрансгаз” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (илг. “Факел”) ёрдамчи хўжалиги директори (1994-1997) лавозимида ишлаган ташкилотчи. Хива кишлоқ хўжалиги техникуми (1959), Самарқанд кишлоқ хўжалиги институти ва Тошкент Олий партия мактабини тугатган (1976). Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Урганч туманидаги Ленин (ҳоз. Сотим Қаландаров) жамоа хўжалигида агрономликдан бошлаган. Кейинчалик шу жамоа хўжалигида бош агроном бўлиб ишлаган. Урганч тумани партия комитети инструктори (1973-1974) ва ташкилий бўлими мудири (1976-1978), туман агросаноат бирлашмаси раиси (1978-1983), тут кўчатлари бўйича давлат хўжалиги директори (1983-1985), “Чапаев” (ҳоз. “Оқ-олтин”)

ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (1985-1994) лавозимларида ишлаган. “Шавкатли меҳнати учун” ордени билан тақдирланган. Вилоят (1990-1994) ва туман халқ депутатлари Кенгашига сайланган.

#### **4.2.1.154. Шержонов Султон (22.04.1916, Хива).**

“Ўзбекистон сув хўжалиги аълочиси”. Вилоятда ирригация ва мелорация ишларини ривожлантиришда катта ҳисса қўшган ташкилотчи. Самарқанд гидромелорация техникумини тугатган (1935). Меҳнат фаолиятини Амударё сув иншоотлари бошқармасида (УПРАДИС) гидротехникликдан бошлаган (1934-1941). 30-йиллар охирида Тошсоқа, Полвон, Шовот, Қилич Ниёзбой каби каналларни қайта таъмирлашда қатнашган. Иккинчи жаҳон уруши (1941-1945) ва Москвадаги Галаба парадида қатнашган. Фронтдан қайтгач, Хоразм вилояти партия комитети инструктори (1946-1950), суғориш шаҳобчалари Шовот бошқармаси бошлиғи (1950-1957), Тошсоқа МЭС бошлиғи (1957-1961), Урганч тумани суғориш тармоқлари бошқармаси бошлиғи (1961-1978) лавозимларида ишлаган. Нафақада вақтида вилоят сув хўжалиги бошқармасида инженер (1980-1987) бўлган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (2 марта), II даражали “Ватан уруши” орденлари, 12 та ҳарбий медаль, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

#### **4.2.1.155. Шержонов Юсуф (1924-1995).**

Янгиариқ туманида туғилган. Тошкент Олий партия мактабини тугатган (1946). Меҳнат фаолиятини Янгиариқ тумани комсомол комитети секретарлигидан бошлаган. Кейинчалик вилоят комсомол комитети секретари (1946-1950), Шовот тумани партия комитетининг 2-секретари, Қўшқўпир тумани партия комитетининг биринчи секретари (1950-1956), Хонқа пахта тозалаш заводи директори, “Узглавлит” нинг вилоят бўйича вакили, Янгиариқ туманидаги “Хоразм” жамоа хўжалигининг бошқарув раиси (1956-1963), вилоят маданият бошқармасининг

бошлиғи (1965-1972) ва кўпгина маъсулиятли юқори лавозимларида ишлаган. Ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотланган.

#### 4.2.1.156. Шерметов Рахимбой Қозоқович.

##### Олий тоифадаги врач.

Бугунги Хоразмнинг стоматология соҳасидаги етук мутахассислардан бири, олий тоифадаги врач, республика стоматологлари конкурсининг ғолиби Рахимбой Шерметовдир.



Рахимбой Шерметов 1957 йил 6 январда Шовот туманининг Шовот қалъа қишлоғида ишчи оиласида туғилган. 1974 йилда Суворов номли мактабни аъло баҳолар билан битказиб, Тошкент давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатади. 1979 йил июнь ойидан ТошМИ нинг ортотодик стоматология кафедрасида врач-интерна бўлиб иш бошлаган. 1980 йил ноябрь ойидан 1981 йил июнь ойигача

Тошкент шаҳар №8 сонли стоматология поликлиникасида ортопед стоматолог бўлиб ишлайди. 1981 йилда Рахимбой Шерметов она юрти Хоразмга қайтади ва шу йилнинг август ойида вилоят стоматология марказида врач стоматолог бўлиб иш бошлайди. 1982 йил май ойидан вилоят тиббиёт бошқармасининг кўрсатмасига биноан Рахимбой Шерметов Урганч тумани стоматология поликлиникасига ишга ўтказилади. У бу ерда ишни ортопед-стоматологлиқдан бошлайди.

У тиббиёт матбуотида ва Хоразм тарихига оид масалалар юзасидан вилоят телевидениясига чиқиб туради. Ўзининг янгиликка интилиши, тинмай ўз устида иш олиб бориши, касалларга ўта эътиборлилиги ва хушмуомалилиги уни бу ерда мансаб курсида ўсишига сабаб бўлади. Мазкур поликлиникада 1985 йилдан бош врач ўринбосари ва 1990 йилдан бош врач лавозимларига кўтарилади. Рахимбой Шерметов бир неча ўз соҳаси бўйича

ташаббускорлик таклифларининг муаллифи. У катта жамоат ишларини олиб боради. Хоразм тарихининг билимдони

#### **4.2.1.157. Шиносий (Шиҳназар Муҳаммад Мурод ўғли, вафоти 1918).**

Хивалик шоир ва давлат арбоби. Бошланғич таълими Хивадаги мадрасалардан бирида Қози Иноятулло Охундан олган. Отаси Матмурод девонбеги (Муҳаммад Мурод) вақтида Кўҳна Урганчга хоким этиб тайинланган. Кейинчалик Хивага қайтиб, Феруз хизматида бўлган. Ясовулбоши лавозимида вақтида Асфандиёрхон буйруғи билан ҳибсга олиниб 18 ой қамокда ётган. 1913 йилда озод этилиб, 700 навкар билан Шомурод бахши (лақаби Шомми кал) бошчилигида туркманлар кўзғолонини бостириш учун юборилган. Келгуси йили яна бир марта Шомурод бахши исёнини бостирган ва уни тутиб Хивага олиб келган. Ёвмутлар хони Жунаид билан ҳам жанг қилган ва Ғозовотда сулҳ тузган. 1915 йил июнида Хивага келган рус генерали Геппенер томонидан Олма- Отага 18 ойга сургун қилинган. Хивага қайтгач, садоқат билан хизмат қилсада, 1918 йилда Асфандиёр буйруғи билан қатл этилган.

#### **4.2.1.158. Шоликоров Назир (1888, Хива-1938, Тошкент).**

“Ёш хиваликлар” партия асосчиларидан бири (1918), йирик саноатчи, завод эгаси. Хива Марказий Ижроия Комитети аъзоси. ХХСР Нозирлар Кенгашининг маъсул секретари (1920), Ички ишлар нозири ва Хива шаҳар мудофаа комитети раиси вазифаларни бажарган. Жунайидхон кўшинларига қарши курашда 400 отлик аскарга бошлиқ бўлган. Саъдулла боланинг босмачи тўдаларига қарши курашган. Унинг ҳақида урганчлик фахрий С.Машарипов шундай ёзган: “1920 йилда Хива милицияси бошлиғи қилиб тайинланди. Хонлик тузумини тугатишда, Жунайидхонга қарши курашда фаол қатнашди. Январь воқеасида (1924 йилдаги исён кўзда тутилган) актив иштирок этди. Н.Шоликоров бир неча вақт

Хоразм республикаси ички ишлар нозири вазифасини бажарди. 1931 йилдан пенсионер бўлган, 1938 йилда ноҳаддан қатагон қилинган. 1958 йил 4 декабрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси қарори билан айбсиз деб топилган ва оқланган”.

#### **4.2.1.159. Эшчонов Комилжон.**

1934 йилда Хива шаҳрида туғилган. Самарқанд кооператив институтини тугатган (1956). Меҳнат фаолиятини Хива шаҳар савдо бошқармасида товаршунос лавозимида ишлашдан бошлаган. Кейинчалик вилоят матлубот кооперациясига тафтишчи –бухгалтер лавозимига ишга ўтказилади. Комилжон Эшчоновдаги меҳнатсеварлик, ишга жиддий муносабатда бўлиш, унинг хизмат лавозимида кўтарилиб боришига сабаб бўлди. У вилоят матлубот кооперациясида назорат тафтиш бўлимини 12 йил давомида муваффақиятли бошқарди. Бу ишда катта обрў орттирди. Натижада уни вилоят матлубот кооперацияси уюшмаси раислиги лавозимига таклиф этадилар. Ўта маъсулиятли бўлган, бу юксак лавозимда Комилжон Эшчонов саккиз йилдан ошиқроқ меҳнат пенсиясига қадар ишлади. Фидокорона меҳнатлари учун Комилжон Эшчонов ҳукумат орден, медаллари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.160. Эшжонов Раҳим**

**(20.06.1921, Шовот тумани Чўқли қ-04.02.1994,  
Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”, Ўрта Осиё пахтачилик институти Хоразм вилоят бўлими директори (1980-1994) лавозимида ишлаган ташкилотчи. Меҳнат фаолиятини 1937 йилда ўқитувчиликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1942-1945). Халқ депутатлари Шовот тумани Кенгаши секретари, шу туман маориф бўлими мудирини, вилоят ижроқўми ташкилий ва инструкторлик бўлими бошлиғини. Хива тумани ижроқўми раиси (1954-1956) ва туман партия комитети биринчи секретари (1956-1961), Кўшкўпир тумани



партия комитети биринчи секретари (1961), Хоразм вилояти партия комитети секретари (1961-1968), вилоят халқ депутатлари Кенгаши раиси (1968-1980) лавозимларида ишлаган.

#### 4.2.1.161. Юлдашев Баҳром Жуманазарович.

Мустақиллигимизнинг шарофатидан муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида бутун Ўзбекистонимиз халқлари каби Хоразм вилояти фуқаролари ҳам мамлакатимиз иқтисодий кучқудратини мустаҳкамлашда ва оширишда самарали меҳнат қилмоқдалар. Азалдан-азал қонида ўз ватанига ва фуқаролик бурчларига садоқат руҳи мавж урган хоразмийлар мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона ишлаб жиддий ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар орасидан кўплаган ёш меҳнат фаоллари етишиб чиқмоқда. Бундай кишилардан бири республика “Автоўл ва кўприклар тизими” корхонасида бош мутахассис бўлиб ишлаётган Хоразм фарзанди Баҳром Жуманазарович Юлдашевдир.



Баҳром Юлдашев 1957 йил 16 апрелда Хоразм вилояти Урганч шаҳрида зиёли оиласида туғилган. 1980 йилда Тошкент Автомобиль йўллари институтининг (кўприклар ва тонеллар мутахассислиги бўйича) тамомлаган. Мутахассислиги муҳандис-қурувчи.

Баҳром Юлдашев ўз иш фаолиятини Хоразм Кўприк бошқармасида мастер лавозимида бошлади. Ўзининг ишчанлиги, янгиликка интилиши ёш мутахассиснинг обрў-эътиборини ошириб борди. Тез орада уни прораб лавозимига кўтардилар. Иш жараёнида Баҳром Юлдашев бир неча рационализаторлик таклифлари билан чиқиб, ўз корхонасида каттагина маблағни иқтисод қилишга эришади. Натижада у мансаб курсида янада кўтарилади. 1999 йил 16 июндан бошлаб “Хоразм автоўл” га қарашли КТФК ташкилотининг бош муҳандиси лавозимига кўтарилади. Қарерда фаолият кўрсатмасин, Баҳром Юлдашев ўз устида ишлаб, ўз

билими савиясини ошириб боради. Ўз мутахассислигига доир мамлакатимизда ва хорижда чиққан адабиётларни ўқиб ўрганиб боради. Айниқса, унинг фаолиятида 2004 йилда Германия тажриба алмашув мақсадида қилган 6 ойлик хизмат сафари катта аҳамиятга молик бўлди.

Бу хизмат сафарида Баҳром Юлдашев ўз мутахассислиги юзасидан хорижий мамлакатлар мутахассисларининг энг сўнгги иш тажрибаларини кунт билан ўрганди ва уларни ўз Ватанида ҳаётга тадбиқ этишга интилди. Натижада Баҳром Юлдашев меҳнат қилаётган жамоа ўз ютуқлари билан бутун вилоятда катта обрў топди. Эндиликда Баҳром Юлдашев бутун республика миқёсида танилган мутахассисга айланди. У 2008 йилдан буён республика “Кўприк ва йўл қурилиши” корхонасининг бош мутахассиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Унинг ўта тиришқоқлиги, меҳнаткашлиги, янгиликка интилиши унга катта обрў келтирмоқда. Баҳром Юлдашев 1991-1995 йилларда Урганч шаҳар советлари депутати бўлиб сайланган. Ушбу муддатда сайловчиларнинг талабларини бажариш соҳасида жонбозлик кўрсатган. Айнан депутат Баҳром Юлдашевнинг сайёҳ-харакатлари билан шу йилларда шаҳарнинг 4-микрорайонидаги йўллар, атроф-муҳитни ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шу ҳудудда жойлашган мактаб атрофига асфальт ётқиўилди, маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга бир неча бор моддий ёрдамлар уюштирилди.

#### **4.2.1.162. Юсупов Искандар (14.10.1943, Ҳазорасп тумани Питнак қишлоқи) .**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари (2000), бўлиб ишлаган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтини тугатган (1965). Меҳнат фаолияти 1957 йилба “Ўзбекистон” жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган. Кейинчалик Питнак қурилиш-монтаж бошқармасида бўлим мудири (1965-1967), участка бошлиғи ва бош инженер (1967-1971), “Туямўйинсувқурилиш” трести 2 ва



3-сон бошқармалари бошлиғи (1971-1979), трест парткоми секретари ва бош инженери (1979-1981), Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сув хўжалиги бўлими инструктори (1981-1983), “Туямўйинсувқурилиш” трести бошқарувчиси (1983-1989), “Ўзқишлоққурилиш” Давлат бирлашмаси (1989-1994) ва республика давлат сув хўжалиги концерни раиси (1994-1995) лавозимларида самарали фаолият кўрсатган. 1995 йил 12 январда Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (1995) ва ҳокими (1996-1999), Ўзбекистон Республикаси “Агроводстрой” концерни бошлиғи (1999-2000) лавозимларида ишлаган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган курувчи” фахрий унвони билан тақдирланган. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши (1990) ва Республика Олий Мажлисига (05.05.1996) депутати этиб сайланган.

#### **4.2.1.163. Якубов Ботир.**

1938 йилда Хива шаҳрида туғилган. Хоразмлик фаол ташкилотчилардан бири. Кўп йиллар давомида қурилиш соҳасида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Тошкент политехника институтини тугатган. Хоразм вилоятидаги 21-сон қурилиш бошқармаси бошлиғи, вилоят ижроқўми раисининг қурилиш бўйича ўринбосари, вилоят ҳокимининг қурилиш, транспорт, алоқа ишлари бўйича ўринбосари (1992-1997), “Жанубгазстрой” бошқармаси бошлиғи ўринбосари (1997-2000), Хоразм вилояти бозорлар бошқармаси раиси (2000-2005) лавозимларида ишлаган. Фидокорона меҳнатлари учун ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган. Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган (1990-1994).

#### **4.2.1.164. Қаландаров Сотим (1921 -10.07.1987, Урганч тумани Ғойбу қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”, Урганч туманидаги Ленин номидаги жамоа хўжалиги бошқарув раиси (1960-1987) лавозимида ишлаган ташкилотчи.



Меҳнат фаолиятини 1942 йилда қишлоқ шўросида ҳарбий хизматга олувчи лавозимидан бошлаган. Урганч туманидаги Ленин номидаги жамоа хўжалигида ферма мудир (1947-1956), шу хўжалик бошқаруви раиси ўринбосари (1956-1960) лавозимларида ишлаган. “Октябрь инқилоби” (2 марта), “Меҳнат Қизил Байроқ” (2 марта) орденлари ва медаллар билан тақдирланган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати ва вилоят партия

котиби бўлган. Номига ўзи раислик қилган ширкат хўжалиги қўйилган.

#### 4.2.1.165. Қодирали Муҳаммаджон (Қодир Матжон).



1935 йилда Урганч туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Меҳнат фаолиятини Юқори Дўрмон қишлоғида ўқитувчиликдан бошлаган. Сўнгра Урганч тумани Комсомол комитети секретари ва партия комитети бўлими мудир лавозимларида ишлаган. 1953 йилдан матбуот соҳасида самарали меҳнат қилган. Урганч тумани “Пахтакорлар овози” газетаси муҳаррири (1958-1961), вилоят телеви-денциясининг катта муҳаррири (1961-1963), “Хоразм ҳақиқати” газетаси бўлим мудир (1963-

1965), Урганч тумани “Октябрь байроғи” (1965-1992) ва “Урганч ҳақиқати” (1992) газеталари муҳаррири бўлиб ишлаган. Сўнгги йилларда Урганч тумани фахрийлар Кенгаши раиси бўлиб ишлаган. Таниқли иқтидорли журналист ва матбуот ходими.

Ҳиндистон, Афғонистон, Арабистон, Туркия, Болгария, Руминия каби мамлакатларда бўлган ва хориждаги халқларнинг ҳаёти ҳақида республика газеталарида мақолалар чоп қилдирган.

Очерклари “Ўзбекистон хотин-қизларининг истиқболлари” (Т., 1959), “Жайхун узра нур” (Т., 1980) ва бошқа тўпламларда босилган. “Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари тарихи” кўп жилдлик нашрнинг IV ва VII жилдларидаги Урганч тумани “Ғалаба” ва “Охунбобоев” номидаги жамоа хўжаликлари тарихи муаллифи. “Истиқбол уфқлари” (1992), “Урганчим-Ганжим” (1996) китоблари Қодирали Муҳаммаджон қаламига тегишли. Фидокорона меҳнатлари учун Қодирали Муҳаммаджон “Хурмат белгиси” ордени, 6 та медал, Ўзбекистон Олий Кенгаши Риёсати Фахрий ёрлиқлари (3 марта) билан тақдирланган. Тарихимизни ўрганиш, маънавий қадриятларимизни тиклаш, ёш авлодларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига самарали ҳисса қўшмоқда.

#### **4.2.1.166. Қодиров Эгамберган (1927-1997, Урганч тумани Ғойбу қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор”, вилоят сув хўжалиги фахрийси. Урганч гидромелорация техникумини тугатган. Кейинги 15 йил давомида Урганч ва Шовот туманлари сув хўжалиги бошқармаларида инженер ва бошлиқ бўлиб ишлаган. 1968-1987 йилларда сув хўжалиги иншоотлари дирекцияси бошлиғи сифатида самарали фаолият кўрсатган. “Қорақум”, “Кўшкўпир”, “Янгиариқ”, “Колос”, “Россия” давлат хўжаликларини ташкил этиш учун янги ерлар ўзлаштирилишида фаол иштирок этган.

#### **4.2.1.167. Қодирова Шукуржон (1934, Боғот тумани Найман қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллакор”, Боғот туманидаги “Ленинизм” (ҳоз.Огаҳий) ширкат хўжалиги аъзоси (1959). “Меҳнат Қизил Байроқ” (1977), “Шавкатли меҳнати учун” (1972) ордени ва медаллар билан тақдирланган.

#### 4.2.1.168. Қориев Машарип (1903, Хива – 3.01. 1939, Урганч ).

Хоразм вилояти Советлари Ижроия комитети раиси ўринбосари бўлиб (1934-1937) ишлаган фаол. Хоразмдаги инқилобий ҳаракатлар қатнашчиси. Хоразм комсомоли ташкилотчиларидан бири ва тарғибот бўлими мудир (1920), Хива тумани Ревкоми ва Бош сиёсий бошқармаси аъзоси (1923), Фавкулудда комиссияси аъзоси (1924), Хива тумани ижрокўми раиси ўринбосари (1925-1927), Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва маъмурий бўлими бошлиғи (1925-1927), ЎзССР Ички ишлар комиссариати жиноят қидирув техника бўлими инспектори (1929), Қашқадарё вилояти маъмурий бўлими бошлиғи (1929), Бехбудий ( ҳоз. Қарши) шаҳар милицияси бошлиғи (1930-1931), ЎзССР Ер ишлари комиссариати мутахассислар таёрлаш бўлими бошлиғи (1932), Фуқаролар ҳаво флоти Ўрта Осиё бошқармаси бошлиғи ўринбосари (1932-1934) лавозимларида ишлаган. Ўзбекистон Советлари V създида қатнашган. Хоразм ССР нинг “Меҳнат” (1924) ва СССР ҳукуматининг “Қизил Байроқ” (1930) орденлари билан тақдирланган. Сталинча қатағонлар қурбони бўлган ва ҳибсга олинган вақтида Урганчдаги турмада вафот этган.

#### 4.2.1.169. Қурбонбоев Болтабой (1935-2006).

Урганч туманининг Чандиркиёт қишлоғида туғилган. Тошкент молия-иқтисод институти (1959) ва КПСС МК Олий партия мактабини тугатган (1975). Тошкент молия-иқтисод институтида илмий ходим, Урганч ёғочсозлик комбинати режа бўлими бошлиғи, вилоят ижрокўми раиси ўринбосарининг ёрдамчиси, Урганч шаҳар партия комитетининг инструктори, бўлим мудир, секретари (1962-1975), шаҳар ижрокўми раиси (1975-1980), вилоят халқ назорати комитети раиси (1980-1985), ЎзССР халқ назорати комитети Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи (1990-1994), вилоят ҳокими ўринбосари ва давлат инспекцияси бошлиғи (1994-1996) лавозимларида ишлаган.

“Хурмат Белгиси” “Халқлар Дўстлиги” орденлари билан тақдирланган.

#### 4.2.1.170. Қурбонов Олтибой (1905-1965).



Қўшқўпир тумани Ғазовот қишлоғида туғилган. Вилоят қишлоқ хўжалигининг кўзга кўринган ташкилотчиларидан бири. Хива туманидаги “Коммунизм” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (1944-1964) лавозимида ишлаган. Иш фаолиятини бошланғич мактабда ўқитувчи (1933-1939), қишлоқ шўроси котиби (1939-1940) лавозимида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (2 марта), “Қизил Байроқ” (2 марта) орденлари билан тақдирланган. Ўзбекистон

Олий Кенгашига 3 марта депутат этиб сайланган.

#### 4.2.1.171. Қурёзов Иброҳим

#### Олий тоифадаги врач, тиббиёт фанлари номзоди.

Бугунги кунда ўз она юртига ўз халқига беминнат ҳалол хизмат қилаётган инсонлардан бири Иброҳим Қурёзовдир. У 1947 йил 4 апрель куни Хива туманидаги Саёт қишлоғида туғилган. 1965 йилда ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд давлат медицина институтига ўқишга кирган. 1971 йилда ўқишни тугатгач ўз касбий фаолиятини вилоят кўз касалликлари касалхонасида окулист врач лавозимида бошлаган. Ўз устида доимий ишлаб бориш Иброҳим Қурёзовга хос ажойиб хусусиятлардандир. Ўз устида тинмай ишлаш, доимий илмий изланиш уни Москвага, академик Федоров бошчилигидаги кўз касалликлари илмий текшириш институтига етаклайди.

Иброҳим Қурёзов мазкур олийгоҳда бир неча йиллар давомида илмий изланишларини давом этдириб, номзодлик диссертациясини тайёрлайди ва муваффақиятли ёқлайди ва

олим сифатида ўз она юрти ва халқи олдидаги ўз бурчини адо этиш мақсадида Хоразмга қайтади. Вилоят кўз касалликлари касалхонасида ўз хизмат бурчини давом этдиради. Замона руҳига мос қадам ташлаш одати Иброҳим Қурёзовга хос одатлардан биридир. Айнан шу одат Иброҳим Қурёзовга Муҳтарам Президентимизнинг “Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, хусусий секторни ривожлантириш” тўғрисидаги қарорларига амал қилган ҳолда, 1995 йилда Урганч шаҳрида “Окулус” хусусий тиббиёт фирмасини ташкил қилишга олиб келди. Мазкур фирма тиббиёт соҳасининг бугунги кундаги барча талабларига тўла жавоб бераоладиган бино ва тиббиёт ходимларига эга. Ушбу корхонада тиббий хизмат кўрсатиш юқори даражада. Тиббиёт фирмаси фақат Хоразм вилояти аҳолисигагина эмас, балки қўшни Қорақалпоғистон Республикаси, ҳатто Туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятининг аҳолисига ҳам хизмат қилади.

Шахсан Иброҳим Қурёзовнинг ташаббуси билан корхонада ҳайрия фонди ташкил этилган бўлиб, шу фонд ҳисобига айрим қария ва ногиронларга бепул хизмат кўрсатмоқда. Ўзининг кўп йиллик ҳалол хизматлари учун Иброҳим Қурёзов “Соғлиқни сақлаш аълочиси” ва “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик” кўкрак нишони билан тақдирланган.

#### 4.2.1.172. Қурёзов Қодир (1919-2007).



Ҳазорасп туманидаги Карвак қишлоғида туғилган. Москва дон маҳсулотлари технологияси техни-кумини битказган. Меҳнат фаолиятини жамоа хўжалигида табелчи, ҳисобчи лавозимларидан бошлаган. Уруш йилларида жамоа хўжалигида иш юритувчи бўлмаганлиги туфайли ҳарбий сафарбарликдан озод қилиниб, иш юритувчи бўлиб ишлаган. 1948 йилда Ҳазорасп тумани дон маҳсулотлари базасига мудир қилиб тайинланади. 1951



Йилдан эса Ҳазорасп тумани дон маҳсулотлари базасига директор қилиб тайинланади. Шу йилларда Қодир Қурёзов ташаббуси ва шахсий иштирокида мазкур базада янгича ишлаш усули жорий қилинади. Меҳнат унумдорлиги оширилди. 50-йилларнинг охирларига келганда маҳаллий шароитда етиштирилган бугдой қайта ишлашга мослаштирилган. Венгрия Республикасида ишлаб чиқарилган замонавий тегирмон куриб ишга туширган. Мазкур лавозимда Қодир Қурёзов 1964 йилгача ишлаган. Раҳбарларнинг тавсияси билан тумандаги бир гуруҳ дўконлар директори лавозимига ишга ўтказилган.

1966 йилдан 1984 йилгача Ҳазорасп пахта тозалаш заводида савдо бўлими бошлиғи, Октябрь тайёрлов пункти мудирини лавозимларида фаолият кўрсатган. У ўзининг бутун иш фаолияти давомида ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, одамлилиги, янгиликка интилувчанлиги билан ажралиб турган. Самарали меҳнат фаолияти учун бир неча бор ҳукумат медаллари ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланган.

#### 4.2.1.173. Қўчқоров Қўзибой (1909-1972).



Хива туманида туғилган. Қишлоқ хўжалиги ишининг ташкилотчиларидан бири бўлган. Меҳнат фаолиятини тумандаги “Ўзбекистон” номли жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаб, меҳнат-севарлиги ва ташкилотчилиги туфайли колхоз раислиги даражасига етган. 1937 йилдан 1955 йилгача шу жамоа хўжалигига раислик қилган. Катта яхши савоб ишларни амалга оширган.

#### 4.2.1.174. Ғарибжонов Исмоил.



Исмоил ота 1900 йилда (1897) Янгиариқ туманидаги Каттабoғ қишлоғида туғилган. 7 ёшидан 16 ёшигача қишлоқ мактабида (эски мактаб) ўқиб бошланғич таълим олган. 1916 йилдан деҳқон хўжалигида ёлланма ишчи бўлиб ишлаган. 1919 йилдан инқилоб ишларида ишлаган. Шунинг билан биргаликда 1920 йилдан “Қўшчи союзи” ташкил қилиб (батрак ва ўрта деҳқонлар ташкилоти) унга раҳбарлик қилган.

1921 йилда туман партия ташкилоти секретари бўлган. Шу йили ғалла, сув ширкатлари тузиб унга ҳам раҳбарлик қилган. 1921 йил сентябрдан Хива туман ижроия кўмитасига аъзо ва депутат бўлиб Янгиариқдан сайланган. 1922 йилда Хива шаҳар туман ижроия кўмитасида маъсул секретарь, армияга сафарбарлик комиссияси ва ички ишлар ташкилий комиссиясида аъзо бўлиб хизмат қилган. 1923 йилда Хоразм Халқ Республикаси Қўнғирот туманига Инқилоб кўмитаси раиси бўлган. 1923-1924 йилларда ҳарбий учлик раиси ва Чека (миллий хавфсизлик) бошлиғи қилиб тайинланган. 1924 йилдан Манғит туман партия кўмитаси секретари бўлган. 1924 йилдан 1925 йил октябргача Боғот туман Ревкомини раиси қилиб тайинланган. 1926 йил январдан Ҳазорасп туман Халқ суди раиси бўлган. 1928-1929 йилларда Янгиариқ туман Халқ суди раиси бўлган. 1930 йилдан Жиззахда Халқ суди раиси бўлган. 1931 йилдан 1935 йилгача давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси бўлиб ишлаган.

1935 йилда Ҳазораспга коммунал хўжалик раиси бўлиб ишлаган. 1937 йилда Тошкент вилоят Паркент туманида зам пред уполком бўлиб ишлаган. 1938-1939 йилларда Хоразм вилояти бўйича Упол Минзагда ревизор бўлиб ишлаган. 1939-1940 йилларда Манғит туманида ишлаган. 1940-1948 йилларда Тошҳовуз вилояти адвокатлар коллегиясида



ишлаган. 1948 йилдан Хоразмга қайтиб Хива, Урганчда 1953 йилгача адвокатлар уюшмасида агент бўлиб ишлаган.

#### 4.2.1.175. Ҳайитов Қўчқорбой Мадиримович.



Қўчқорбой Мадиримович Ҳайитов 1957 йил Хоразм вилояти Урганч туманининг Бекобод қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатгандан кейин 1975 йилда Тошкент политехника институтининг “нефть ва газ” факультетига ўқишга кириб 1980 йилда уни муваффақиятли тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1980 йилда “Хоразмгаз” бирлашмасида омилкор бўлиб иш фаолиятини бошлаган. 1981-1983 йилларда “Урганчшаҳаргаз” ишлаб чиқариш корхонасининг газ билан таъминлаш

ва уй-жой хўжалигига хизмат қилиш бўлимларида катта омилкор вазифасида фаолият кўрсатди.

1983 йил апрель ойидан “Урганчшаҳаргаз” ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Урганч туман газ эксплуатация участкасига катта омилкор қилиб юборилди. Шу пайтда участкада 5 та ходим ишлаган. У ўзининг дастлабки иш кунидан бошлаб тумандаги муаммоларни ҳал қилишга киришди. 1984 йилнинг сентябрь ойида туманда “Хоразмвилоятгаз” ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли мустақил “Урганчрайгаз” ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилинди.

Корхонада авария диспечерлик хизмати, газ билан таъминлаш, уй-жой хўжалиги хизмати, ер ости газ қувурлари хизмати, ҳисоб-молия бўлинмалари ташкил қилинди. Корхонанинг моддий-техника базаси яратилди. Янги малакали ходимлар ишга жалб қилиниб туман аҳолисига табиий газ етказиб бериш тубдан яхшиланди. У шу корхонага 1988 йилгача раҳбарлик қилди. Вилоят раҳбарияти ундаги меҳнатсеварлик ва талабчанлик қобилиятини сезиб уни 1988 йилда “Хоразмгаз”

ишлаб чиқариш бирлашмасига бош муҳандис вазифасига тайинлади. У ушбу лавозимда 1992 йилгача фаолият кўрсатди, ўзининг иш фаолияти давомида тизимдаги энг оғир ҳудудларда табиий газ таъминотини яхшилашга эришди.

1992 йилда у “Хоразмгаз” ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи лавозимига тайинланди ва ушбу лавозимда 2001 йилгача фаолият кўрсатди. У раҳбарлик фаолияти давомида республика ҳукуматининг қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлашга эришди яъни 1500 км. дан кўпроқ газ қувурлари ётқизиблиб қишлоқларни газлаштириш даражаси 57 фоиздан 95 фоизга ошди ва республикада юқори кўрсаткичга эришилди. Шунингдек Урганч тумангазининг янги замонавий бошқарув биноси қисқа муддатда қурилиб ишга туширилди. Шаҳар ва тумангаз корхоналарининг моддий-техника базалари мустаҳкамланди.

Мутахассис кадрларни тайёрлашда ва жой-жойига қўйишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди, 300 дан ортиқ ишчи ўринлари яратилди. Бу билан аҳолига хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланди. Унинг бу хизматлари инобатга олиниб “Ўзкоммуналхизмат” вазирлигининг “Коммунал хизмат аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Вилоят раҳбарияти ундаги талабчанлик, раҳбарлик қобилиятини сезиб 2001 йилда Урганч шаҳар ҳокимининг қурилиш, транспорт, алоқа ва уй-жой коммунал хўжалиғи масалалари бўйича биринчи ўринбосар лавозимига тайинланди ва ушбу лавозимда 2004 йилгача фаолият кўрсатди. У ўзининг раҳбарлик фаолияти давомида шаҳардаги Амир Темур номидаги истироҳат боғини қайтадан реконструкция қилишда, Урганч шаҳрида “Умид ниҳоллари” республика спартакиадасини ўтказишда фаол қатнашди.

2004-2005 йилларда вилоят коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи лавозимига фаолият кўрсатди. 2005-2006 йилларда “Хоразм вилоят иссиқлик манбаи” ОАЖ бошқаруви раиси лавозимига фаолият кўрсатди. 2007 йилдан буён “Хоразмгазтўлдириш” МЧЖ да бош мененжер вазифасида ишлаб аҳолини суултирилган газ билан таъминлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. У вилоят жамоат ишларида ҳам фаол

иштирок этиб 2-чакирик Халқ депутатлари Хоразм вилояти депутати бўлиб сайланган. Оилалик, 5 нафар фарзанди бор.

#### **4.2.1.176. Ҳасанов Нурум (1916-1967, Хива).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиги ходими”. Хива туманидаги Энгельс номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (1954-1967). Меҳнат фаолиятини 1930 йилда Хива туманидаги Ленинобод қишлоғида оддий ишчиликдан бошлаган. Хивадаги партия-совет мактаби, педагогика билим юрти ва ўқитувчилар комитетида инструктор ва ташкилий бўлим мудир (1940-1946), “Тулистон” жамоа хўжалигининг раис ўринбосари (1946-1947), “1-Май” ширкат хўжалиги бошлиғи (1947-1953), “Заготживсырьё” бошқармаси Хива бўлими директори (1953-1954) лавозимларида ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени билан тақдирланган.

#### **4.2.1.177. Ҳусайнов Баҳодир Раҳимбердиевич (25.12.1943, Урганч).**

Хоразм вилояти 1- сон касалхонаси 2- хирургия бўлими мудир (1999) бўлиб ишлаган, медицина фанлари номзоди (1975). Самарқанд медицина институтини тугатган (1967). Меҳнат фаолиятини 1967 йилда Хоразм вилояти 1- сон касалхонасида ординаторликдан бошлаган. Кейинчалик Ташкент врачлар малакасини ошириш институти аспиранти (1971-1974), Хоразм вилояти 1- сон касалхонаси хирургия бўлими (1975-1987), бош врач ўринбосари (1987-1991) ва бош врач (1991-1999) лавозимларида ишлаган, 30 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган. 1994-2000 йилларда Биринчи Тошкент Давлат медицина институти Урганч филиали директорининг Даволаш ишлари бўйича ўринбосари вазифасини ҳам бажарган. Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашига сайланган (1994).

## ХОРАЗМЛИК ҚАҲРАМОНЛАР

Хоразмийлар қадим-қадимдан ўзининг жасурлиги, мардлиги, заҳматқашлиги билан донг чиқарган халқ бўлганлар. Кейинги йилларда ҳам улар ичидан кўплаган қаҳрамонлар етишиб чиққанлар. Китобимизнинг навбатдаги саҳифаларида биз Хоразмдан етишиб чиққан уруш ва меҳнат қаҳрамонлари, шунингдек эл оғзига тушган, тан олинган, хизмат кўрсатган кишилар ҳақида қисқача тўхталамиз.

Инсоният тарихида энг даҳшатли урушлардан бири бўлган иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистонимиздан қарийб 1,5 млн киши иштирок этган бўлсалар, шулардан 67300 киши хоразмлик эдилар. Жангларда ҳалок бўлган 38457 нафар хоразмликлардан 7312 нафари бедарак йўқолган. Урушда иштирок этган хоразмлик жангчиларнинг 7 мингга яқини орден ва медаллар билан тақдирланганлар. Хоразмда ҳарбий хизматга чақирилган 4 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазавор бўлганлар. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони СССР МИК нинг 1934 йил 16 апрелдаги қарорига асосан жорий қилинган бўлиб, илк бор Челюскинчиларнинг кутб экспедицияси аъзоларини ҳалокатдан қутқозишда қатнашганлиги учун берилган

## ХОРАЗМЛИК СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

### 4.2.1.178. Нурматов Сотим (1925-1994).

Ўзбек халқининг донгдор фарзанди Сотим Нурматов Хива шаҳрида туғилган. Немис фашистлар билан жангда кўрсатган мисли кўрилмаган қаҳрамонлиги учун 1945 йилда апрель ойида СССР Олий Совети Президиумининг қарорига мувофиқ Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони билан тақдирланган. Тошкент Олий партия мактабини тугатган (1950). Меҳнат фаолиятини 1940 йилда Хива электростанциясида монтажликдан бошлаган. 1943 йилда Қизил Армия сафига чақирилиб

Улуғ Ватан урушида қатнашган. Шарқий Пруссиянинг Кенисберг шахрини фашистлардан озод қилишдаги жасорати учун Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони билан мукофотланган. Москвадаги эвакуогоспиталда даволангач, Фрунзе номидаги ҳарбий академиянинг тайёрлов курсида таҳсил кўрган (1946). Вилоят саноат ишчилари касаба уюшмаси раиси ўринбосари (1947-1965), Ҳазорасп тумани ижроқўми раиси (1950-1953), Урганч сут (1953-1965) ва ёғ заводи директори (1965-1978), нон комбинати (1978-1982). I даражали “Ватан уруши”, II- III даражали “Шухрат” ва Ленин орденлари, “Жасорати учун” медали билан тақдирланган.

**4.2.1.179. Санфирова Ольга.**  
**(02.05.1917-13.12.1943. Гродно вилояти**  
**Домослава тумани).**

1932-1935 йилларда Урганчда яшаган ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони (23.02.1945) унвонига сазавор бўлган гвардиячи капитан. Ростов вилоятидаги Батайск учувчилар мактабини тугатган (1940). Хоразм округ прокуратурасида техник секретарь ва Урганч ёғ-мой заводида лаборант бўлиб ишлаган. 1935 йилда онаси билан Коломнага кўчиб кетган. 1936-1937 йилларда Москвадаги санитария авиацияси бошқармасида статист бўлган. Уруш арафасида Тошкентда яшаган ва кўнгли бўлиб фронтга борган. 46-чи енгил бомбардимончи авиаполкнинг учувчиси, эскадрилья командири, комсомол комитети ва бошланғич партия ташкилоти секретари бўлган. “Лайли” номи билан Сталинграддан Польшагача бўлган жангларда 630 марта жанговар учиш қилган ва душман устига 77 тонна бомба ташлаган. Ёнаётган самолётдан парашютда тушаётганида мина майдонига дуч келиб ҳалок бўлган. Гродно шахридаги биродарлар қабристонига дафн қилинган.

**4.2.1.180. Сизов Петр Иванович**  
**(1909, Запорожье вилояти Терпение қ-21.10.1944,**  
**Литва республикаси).**

Хоразмдан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазавор бўлган гвардиячи капитан. Донбассдан Сталино шаҳрида металл қуювчи бўлиб ишлаган. 1941 йилда Урганчга келиб вилоят ҳисоблаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари бўлган. 1944 йил 21 октябрда Литванинг Пятигай шаҳри яқинидаги Байнай қишлоғини фашистлардан озод қилишда мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган. Номи Дружба шаҳридаги ўрта мактаб ва Урганч шаҳридаги кўчалардан бирига берилган. Ҳаётини журналист В.С.Мильготин ўрганган ва “Память о павших” (1979) номли китобчасида ёритган.

**4.2.1.181. Солиҳов Гатаулла**  
**(1924, Қозон-1989, Москва).**

Хоразмдан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1942-1945) ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони (27.08.1943) унвонига сазавор бўлган сержант. Урганчдаги 4-сон мактаб ва Тошкент пиёдалар ўқув юртида таҳсил кўрган. 518-ўкчи полкининг 129- дивизиясида хизмат қилган. Орлов вилоятидаги Сетуҳа қишлоғи учун жангдаги жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазавор бўлган. 1945 йил апрелида Кенигсбергни фашистлардан озод қилиш вақтида оғир яраланган ва ғалабани госпиталда қарши олган. Урушдан сўнг Москвадаги пиёдалар ҳарбий ўқув юртини тугатган. Москвадаги олий ўқув юртларидан бирида ишлаган ва иссиқлик электростанцияларини лойиҳалаштириш устида изланишлар олиб бorgan. Полковник унвонида истеъфога чиққан.

## **МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ**

СССР давлатида фидокорона меҳнатлари учун тақдирланадиган энг олий мукофот-социалистик меҳнат қаҳрамони унвони бўлган. Бу унвон СССР Марказий ижроия

комитети Риёсатининг 1938 йил 27 декабрдаги Фармони билан жорий этилган ва Ленин ордени ҳамда махсус Фахрий ёрлик билан топширилган. 1940 йил 22 майдаги Фармонига асосан меҳнат қаҳрамонларига тақдим қилиш учун “Ўроқ ва болға” олтин юлдуз медали жорий қилинган. Советлар даврида хоразмликликлардан 30 дан ортиқ киши Социалистик Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Улар ишлаб чиқариш соҳасида юқори натижаларга эришган ва эл-юрт олдида катта ҳурмат эътибор қозонган инсонлар бўлганлар. Биз келгуси саҳифаларимизда улар ҳақида қисқача тўхталамиз.

#### **4.2.1.182. Абжонов Жуманиёз (1912-1990).**

Хива тумани Дошёқ қишлоғида туғилган. Меҳнат қаҳрамони (1957). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига улкан ҳисса қўшган инсон. Меҳнат фаолиятини 1930 йилда Орджнокидзе номидаги жамоа хўжалигида ишчи бўлиб бошлаган. Сўнгра 35 йил давомида пахтачилик бригадасига бошчилик қилган (1935-1970). Ишлаб чиқаришни юқори технология асосида ташкил қилиш натижасида ҳосилдорликни 1965 йил 36,5 центнердан 1966 йилда 38,8 , 1967 йилда 39,8 центнерга кўтаришга эришган. Ленин ордени, “Шавкатли меҳнати учун” ва “1941-1945 йиллардаги фидокорона меҳнати учун” медаллари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.131. Азизова Онабиби (1918-1995).**

Урганч тумани Қоровул қишлоғида туғилган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). Урганч тумани “Победа” (Ғалаба) ширкат хўжалиги илғор пахтакори, звено бошлиғи ва бригадири. 1956 йилда пахтадан 55 центнер ҳосил етишгирган. ВДНХ 1957 йил, “Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлари учун” медали, фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

#### **4.2.1.184. Давлатов Қилич (1922, Хонқа тумани Қорақош к.л).**

Меҳнат қаҳрамони (1971), таниқли пахтакор. “Правда” жамоа хўжалигида ишчи (1933-1936), табелчи (1936-1941) бўлган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1941-1943) ва ярадор бўлиб қайтгач, ўз қишлоғидаги жамоа хўжалигида табелчи (1943-1948), бригадир (1948-1959, 1961-1977), қишлоқ шўроси раиси (1959-1961) лавозимларида ишлаган. Бригадасида пахта ҳосилдорлигини 1963 йилда -29 ц, 1966 йилда- 54 ц, 1967 йилда-62,2 ц, 1968 йилда 60,2 ц га кўтаришга эришган. Ленин, “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени ва медаллари билан тақдирланган. 1977 йилда Иттифоқ аҳамиятидаги пенсионер.

#### **4.2.1.185. Довбня Михаил Иванович (1930, Полтава вилояти, Таранашучи к.).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор” (1969), меҳнат қаҳрамони (1980), машҳур эксковаторчи. Меҳнат фаолиятини 1946 йилда ҚиличНиёзбой арнанинг Тошҳовуз вилояти қисмида бригадирликдан бошлаган. 1953 йилда “Хорезмводстрой” трести Урганч қурилиш монтаж бошқармаси эксковаторчилар бригадир бўлиб ишлаган. “Дарёлик”, “Давдон”, “Озерный” каби йирик коллекторлар ва каналлар қуриш ишларига катта ҳисса қўнган. 40 дан ортиқ ёшларга эксковаторчилик касбини ўргатган. Ленин (1970) ва “Меҳнат Қизил Байроқ” (1965) орденилари, ВДНХ медали билан тақдирланган. Вилоят партия комитети бюроси аъзоси бўлган.

#### **4.2.1.186. Дўсов Искандар (1916-25.11.1976, Боғот тумани Боғот қ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”, меҳнат қаҳрамони (1957), Боғот туманидаги Нариманов номи-даги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (1945-1976). Хонқадаги колхоз ёшлари мактабида ўқиган (1930-1932). Меҳнат фаолиятини 1932 йилда Боғот туманидаги “Бирлашув” жамоа





хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган, сўнгра “Қизил милиция” жамоа хўжалигида табелчи (1932-1935) ва омбор мудир (1935-1937), Янгиарик тумани Истеъмолчилар уюшмаси омборчиси (1937-1938), “Қизил милиция” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (1938-1939), туман ижрокўми ер бўлими мудир (1939-1940), Боғот кишлоқ шўроси раиси (1940-1942) лавозимларида ишлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1942-1944) ва ярадор бўлиб қайтгач Нариманов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раислик қилган (1944-1976), ЎзКП МК аъзоси, (1960-1976), КПСС XXIII, XXIV, XXV ва ЎзКП XVI, XVII, XVIII, XIX съездлари, Бутуниттифок колхозчиларининг III съезди (1969) делегати бўлган. СССР ва Ўзбекистон Олий Кенгаши (4 марта) депутатлигига сайланган. Ленин ва “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Октябрь инқилоби” орденлари, ВДНХ олтин ва кумуш медали билан тақдирланган.

#### **4.2.1.187. Дўсова Оводон (1935, Шовот тумани Шовотқалъа к.).**

Меҳнат қаҳрамони (1956), таниқли пахтакор, механизатор. Киров номидаги жамоа хўжалигида звено бошлиғи бўлган. 1956 йилда пахтадан 65 ц, кейинги йилларда эса 70 ц. ҳосил етиштирган. 1959 йилда таниқли механизатор Турсуной Охунованинг ташаббусини қўллаб вилоят хотин-кизлари орасида биринчи бўлиб пахта териш машинасини бошқарган. 1966 йилдан бошлаб йирик пахтачилик бригадасида етакчилик қилган. КПСС XXVI съезди делегати бўлган (1980).

#### **4.2.1.188. Ёқутова Дурдипошша (1930, Қўшқўпир тумани Ғозовот қ.).**

Меҳнат Қаҳрамони (1949). Пахтачиликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган ва 1949 йилда бригадасида 56,4 ц. ҳосил етиштирган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (1650) ва “Қаҳрамон она” (1973) орденлари билан тақдирланган. Ўнта фарзандни тарбиялаб вояга етказган.

#### **4.2.1.189. Ким Николай Васильевич (1904, Приморье ўлкаси Покровский тумани I–Синельникова қ. –1988, Урганч).**

Меҳнат Қаҳрамони (10.12.1973), таниқли партия ва давлат арбоби, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган мутахассис. Сталинча қатағонлар авж олган 1937 йилда элдошлари билан бирга Хоразм вилоятига кўчириб келтирилган. Гурлан тумани ижроқўми раиси ўринбосари, МТС директорининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари (1937-1938), туман партия комитети секретари (1938), вилоят матлубот уюшмаси инструктори (1938-1939) лавозимларида ишлаган. Кейинчалик Қўшқўпир (1939-1941), Урганч (1941-1950), Янгибозор (1950-1951) туманлари партия комитетлари 2-чи секретари, вилоят партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудир (1951-1952), вилоят партия комитети 1-чи секретари ёрдамчиси (1952), Урганч тумани партия комитети 2-чи секретари (1952-1955), вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи (1955-1960), “Узглавснаб” (1960-1961) ва “Узсельхозтехника” вилоят бошқармаси бошлиғи (1961-1963) бўлган. 1963-1980 йилларда Хонқа туманидаги шолчилик ихтисослаштирилган Ал-Хоразмий номидаги давлат хўжалигини бошқарган ва ҳосилдорликни 25 центнердан 65 центнерга кўтаришга эришган. Пахтадан юқори ҳосил олиш ва балиқчиликни ривожлантиришда ҳам катта тажриба тўплаган. Ўзбекистон Олий Кенгашига бир

неча бор сайланган. Ленин, “Октябрь инқилоби”, “Халқлар дўстлиги”, “Хурмат Белгиси” (4 та) орденлари ва медаллар, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.190. Мавлонов Машарип (1920, Хива тумани Гандимиён қ.).**

Меҳнат Қаҳрамони (1978), қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга улкан ҳисса кўшган деҳқон. Меҳнат фаолиятини 1940 йилда “Партия ХҲІІ съезди” жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. 1947 йилдан бошлаб пахтачилик бригадири бўлган. 1979 йилда пахта хосилдорлигини 49.4 ц. га кўтаришга эришган. Ленин (2 та) ордени ва медаллар билан тақдирланган. Ёшларнинг мураббийси сифатида катта обрў қозонган.

#### **4.2.1.191. Матёқубов Абдулла (1920, Янгиариқ тумани).**

Меҳнат Қаҳрамони (1956), таниқли пахтакор ва механизатор. Янгиариқ туманидаги МТСда тракторчи (1939-1943) бўлиб ишлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1943-1946). Кейинчалик Янгиариқ туманидаги Киров жамоа хўжалигида механик (1946-1958), бош инженер (1958), Янгиариқ тумани йўл қурилиш идорасида бош механик (1968) бўлган. Ленин ордени билан тақдирланган.

#### **4.2.1.192. Матназаров Матёқуб (1915, Ҳазорасп тумани Мухомон қ.).**

Меҳнат Қаҳрамони (1976), Карл Маркс (ҳозирги “Хоразм”) ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Меҳнат фаолиятини 1933 йилда Давлат кемачилик бошқармасида оддий ишчиликдан бошлаган (1933-1944). Кейинчалик Карл

Маркс номидаги жамоа хўжалигида оддий ишчи (1944-1947), ТошМЭС землесосчилар бригадирлари (1947-1950), Карл Маркс номидаги ширкат хўжалиги раиси ўринбосари (1950-1957) ва пахтачилик бригадирлари (1957) бўлиб ишлаган. Механизм ва химиявий ўғитлардан самарали фойдаланиш натижасида бригадаси 1976 йилда — 58,3 ц. ва 1977 йилда — 61,5 ц., 1980 йилда — 65 ц. пахта хосили етиштирган. Ленин ва “Октябрь инқилоби” орденлари, медаллар (4та) билан тақдирланган.

#### **4.2.1.193. Раҳимов Тўра (1929 — 13.11.1988, Хонқа тумани Тамадурқадик қ.).**

Меҳнат Қаҳрамони (1966). Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1945 йилда Хонқа туманидаги “Аэроплан” жамоа хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган. Ҳарбий хизматни ўтаган (1949-1952). 1956 йилда пахтачилик бригадасини бошқарган. “Октябрь 40 йиллиги” жамоа хўжалигида табелчи (1945-1949, 1953-1956), бригада бошлиғи (1956-1968), ширкат хўжалиги паркоми секретари (1968-1973), чорвачилик бўйича раис ўринбосари (1974-1976), “Тамадурқадик” қишлоғи шўроси раиси (1976-1982), чорвачилик фермаси мудири (1982-1984), бригада бошлиғи (1984-1988) лавозимларида ишлаган. Ленин, “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Ҳурмат Белгиси” (2 марта) орденлари, медаллар билан тақдирланган. ЎзКП МК аъзолигига номзод бўлган.

#### **4.2.1.194. Раҳимова Дурхоним (1923—1970, Хонқа тумани Қирқён қ.).**

Меҳнат Қаҳрамони (1957). Хонқа туманидаги “Хоразм” жамоа хўжалигида ҳисобчи (1940-1948), звено (1949-1955) ва бригада бошлиғи (1956-1957), ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (1957-1967), к.ф.й. раиси (1967-1970) лавозимларида самарали меҳнат қилган. 1956 йилда

бригадаси 55 ц. пахта хосили олган. Жамоа хўжалигида раислик қилган 1958 йилда 870 га майдондан — 28.4 ц., 1966 йилда — 38,7 ц. хосил етиштирган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати бўлган. Ленин ва “Меҳнат Қизил Байроқ” орденлари, медаллар билан тақдирланган. Номи Айрончи қишлоғидаги ўрта мактабга қўйилган.

**4.2.1.195. Саидмуродова Бикажон**  
**(21.6.1935, Қўшқўпир тумани Қатағон қ.).**

Меҳнат Қаҳрамони (28.2.1957). Ленин (хоз. Машарип раҳимов) номидаги жамоа хўжалигида ишчи, звено ва бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. 1956 йилда 52 ц. пахта хосили етиштирган. 2 та ўғил ва 4 та қиз фарзандларини тарбиялаб, вояга етказган. 1985 йилдан нафақахўр.

**4.2.1.196. Собиров Эшимбет**  
**(15.6.1926 — 1976, Гурлан тумани Вазир).**

Меҳнат Қаҳрамони (1971), таниқли шоликор. Гурлан туманидаги “Коммунизм” жамоа хўжалигида ишчи (1950-1956), звено (1956-1966) ва бригада бошлиғи (1967-1976) бўлган. 1971 йилда 75 га майдонга шоли экиб, 58.7 ц. хосил олган. Ленин ордени билан тақдирланган.

**4.2.1.197. Тожиев Раззоқ**  
**(02.01.1915-08.12.1982, Ҳазорасп тумани Шовот қ.).**

Меҳнат қаҳрамони (1957), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига катта ҳисса қўшган пахтакор. Меҳнат фаолиятини 1928 йилда Шарловук пристанида юк ташувчиликдан бошлаган. Кейинчалик “Ленинград” жамоа хўжалигида колхозчи, омбор мудири (1930-1939), “Социализм” жамоа хўжалигида ферма мудири (1939-1949)

ва “Ленинград” жамоа хўжалигида бригада бошлиғи (1949-1979) бўлиб ишлаган. ЎзКП XV съезди делегати бўлган (1956). Москвада ўтказилган кишлок хўжалиги илғорлари курултойларида қатнашган (1954, 1956). Ленин, “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Хурмат Белгиси” орденлари, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

#### **4.2.1.198. Худойкулиев Солай (1935-1990, Ҳазорасп тумани Саноат қ).**

Меҳнат Қаҳрамони (1973), таниқли пахтакор. Меҳнат фаолиятини 1950 йилда Ҳазорасп МТС да механизаторликдан бошлаган. Кейинчалик Фрунзе номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси ўринбосари (1962-1964) ва бригада бошлиғи (1964-1989) бўлган. 1980 йилда 107 га майдондан 62,3 ц пахта ҳосили олган. Ленин (2 марта), “Октябрь инқилоби”, “Хурмат Белгиси” орденлари билан тақдирланган. СССР Олий Совети депутати бўлган. Номига Оппоқ Атов худудидаги 31-сон мактаб қўйилган.

#### **4.2.1.199. Эралиев Хайитжон (ваф 10.09.1980).**

Гурлан тумани “Гулистон” совхозида бригадир бўлиб ишлаган таниқли шоликор. Меҳнат Қаҳрамони.

#### **4.2.1.200. Юсупов Аҳмаджон (1915-1983, Хонқа тумани Сарапоён ).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”, Меҳнат Қаҳрамони (1981). Меҳнат фаолиятини жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган. Хива педагогика билим юрти, Урганч ўқитувчилар институти, ЎзКП МК хузуридаги кишлок хўжалиги раҳбарлари курсини тугатган (1955). Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1941-1943). Хонқа,





“Хурмат Белгиси” орденлари ва медаллар билан тақдирланган.

Боғот, Янгиариқ туманлари партия комитети инструктори, бўлим мудир, секретари лавозимларида ишлаган. Карл Маркс (1955-1956) ва Йўлдош Охунбобоев (1956-1983) номидаги жамоа хўжалиқларини бошқарган. 1980 йилда пахта ҳосилдорлигини 53,6 ц га етказган. Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида уруш қурбонлари хотирасига ёдгорлик қурдирган. КПСС XXVI съезди делегати бўлган. Ленин (4 марта), “Октябрь инқилоби”, “Меҳнат Қизил Байроқ”,

#### **4.2.1.201. Югай Герман (вафоти 1979, Гурлан тумани Вазир қ.).**

Меҳнат Қаҳрамони. Гурлан туманидаги “Коммунизм” (ҳозирги “Вазир”) ширкат хўжалиги илғор шоликори. Тошкент қишлоқ хўжалиқ институтини тугатган (1957) Чорвачилик соҳасида ҳам фаолият кўрсатган.

#### **4.2.1.202. Матёкубова Розия (01.06.1930, Боғот тумани Бешариқ қ.).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор” (1975), Меҳнат Қаҳрамони (1981), Боғот туманидаги Наримонов (хоз. Искандар Дўсов) номидаги ширкат хўжалиги илғор сутсоғари. Меҳнат фаолиятини шу хўжалиқдан оддий ишчиликдан бошлаган (1944-1956). Кейинчалик 32 йи л давомида (1966-1988) сутсоғар бўлиб ишлаган. “Меҳнат Қизил Байроқ” (1964) ордени билан тақдирланган.

#### 4.2.1.203. Вансжонов Шержон (1911, Урганч тумани Чаккашоликор қ-1991).

Меҳнат қаҳрамони (1957), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган деҳқон. Урганч туманидаги “Фаолият” жамоа хўжалигида оддий колхозчи ва бригадир (1930-1947), “Қизил Аскар” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (1948-1950). Калинин номидаги ширкат хўжалиги бригада бошлиғи (1951) бўлиб ишлаган. 1956 йилда 51 га майдонда 47 ц. пахта етиштирган. Ленин ордени ва ВДНХ медали билан мукофотланган. 1987 йилдан Иттифок аҳамиятидаги пенсионер бўлган.

#### 4.2.1.204. Маткаримов Мадамин (1918, Янгиариқ тумани Баёт қ. – 1986, Хива).



“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном” (1956), Меҳнат Қаҳрамони (1965). Хива қишлоқ хўжалиги техникуми (1939) ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатган (1962). Меҳнат фаолиятини 1939 йилда Янгиариқ туманидаги МТСда агрономликдан бошлаган. Туман пахтачилик бўлими бош агрономи (1945-1952) ва МТС директори (1952-1957), Боғот (1957-1959), Хива (1973-1985) туманлари партия комитети 1-чи секретари лавозимида ишлаган. Хива туманида пахта ҳосилдорлигини 39 центнердан 42,6 центнердан кўтарилишига эришган. СССР ва Ўзбекистон Олий Кенгаши депутаты, КПСС XXIII – XXIV ва ЎзКП XI – XVIII съездлари делегати бўлган. ЎзКП аъзолигига сайланган. Ленин (3 марта), “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Октябрь инқилоби” орденлари ва медаллар билан мукофотланган. Номи Янгиариқ туманидаги Жамоа хўжаликлардан бирига берилган.



#### **4.2.1.205. Маткаримов Оллам.**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”, Мехнат Қаҳрамони (1986), Гурлан туманидаги “Вазир” (илг. “Коммунизм”) ширкат хўжалиги бригада бошлиғи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (1941-1945). Пахтадан юқори ҳосил олишга эришган. Ленин ва “Октябрь инқилоби” орденлари, медаллар билан тақдирланган. (“ХХ”, 1986, 26 июль).

#### **4.2.1.206. Маткаримов Пўлат (1941- 1986, Шовот тумани Бўйрачи қ.).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор” (1971), Мехнат Қаҳрамони. Шовот туманидаги В.П.Чкалов номидаги ширкат хўжалиги комплекс механизациялаштирилган бригадаси бошлиғи (1971- 1986). Мехнат фаолиятини 1957 йилда оддий колхозчиликдан бошлаган. 1965 йилдан хўжаликнинг “Эшвой” чўлида далачилик бригадаси бошлиғи бўлган. I, II, III, даражали “Шавкатли меҳнати учун” медаллари билан тақдирланган (1970).

#### **4.2.1.207. Маҳмудов Ваисёз (08.01.1925-1995, Хонка тумани Тамадурғадик қ.).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”, Мехнат Қаҳрамони (1982). Хивадаги механизаторлар курсини тугатган. Кўп йиллар давомида “Ўзбекистон” жамоа хўжалигида табелчилик қилган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1943-1945). Кейинчалик пахтачилик бўйича раис ўринбосари, бригада бошлиғи лавозимларида ишлаган. Ҳосилдорликни 55ц.кўтарган.

#### **4.2.1.208. Назаров Дада (1916- 16.02.1959, Қўшқўпир тумани Ших қ.).**

Мехнат Қаҳрамони(1956). Самарқанд кишлоқ хўжалиги институтини тугатган (1957). Қўшқўпир туманида жамоа

хўжаликларини ташкил қилиш ишида қатнашган. Охунбобоев ширкат хўжалиги бошқаруви (1951-1958) ва туман ижрокўми раиси (1958-1959) лавозимларда ишлаган. Номи Ших кишлоғидаги умумтаълим мактабига қўйилган.

#### **4.2.1.209. Нуруллаева Ўғилжон (1938, Қўшқўпир тумани Кенагас қ.).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор” (1964), Меҳнат Қаҳрамони (1973). Қўшқўпир туманидаги “Тошкент” жамоа хўжалигида ишчи (1951-1961), меҳнат хайдовчи (1961-1963), комплекс мех. бригада бошлиғи (1964) бўлиб ишлаган. Пахтадан (1970 йилда – 52ц, 1971 йилда – 57ц.) ҳосил етиштирган. 1970 йилда пахта териш машинасида 312 тонна, 1971 йилда – 315 тонна, 1972 йилда – 302 тонна пахта терган. КПСС XXIII (1966) ва Бутуниттифоқ колхозчиларининг III съезди (1969) делегати бўлган. ЎзКП МК аъзолигига номзод ва Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат этиб сайланган. Ленин ва “Меҳнат Қизил Байроқ” (2та) орденлари, медаллар билан тақдирланган.

#### **4.2.1.210. Раматов Зариф (17.10.1933 – 19.05.1995, Шовот тумани Бўйрачи қ.).**



“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор”, Меҳнат Қаҳрамони (1971). Меҳнат фаолиятини 1974 йилда Шовотқалъа МТС ҳисобчиликдан бошлаган. Кейинчалик шу ерда механизатор (1947-1952) ва механик (1956-1959) бўлиб ишлаган. Ҳарбий хизмат ўтаган (1952-1955). Шовот туманидаги В.П.Чкалов номидаги ширкат хўжалиги бригада механиги (1957-1959) ва бош инженер (1959-1965), Эшвой чўлида ташкил этилган комплекс механизациялаштирилган бригада бошлиғи (1965-1971), В.П.Чкалов

номидаги ширкат хўжалиги раиси (1971-1991) лавозимларида ишлаган. 1969 йилда 125га пахта майдондан 47 ц. ҳосил етиштирган. Ўзи ҳар йили пахта териш машинасида 200 тоннадан ортиқ ҳосилни териб берган. Бутиниттифоқ колхозчиларининг III съезди делегати (1969) ва СССР Олий Кенгаши депутати бўлган (1970-1975). Ленин ва “Октябрь инкилоби” орденлари, “Меҳнатда ўрнатқани учун” (1965) медали билан тақдирланган.

#### **4.2.1.211. Пак Николай (1925, Приморье ўлкаси Уссурийск тумани – 25.11.1983, Гурлан тумани Вазир қ.).**

Меҳнат Қаҳромани (1966), Гурлан тумани қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган шоликор. 1941 йилдан Гурландаги “Коммунизм” жамоа хўжалигида ишлаган. 1958 йилда шу хўжалиқда бригадир бўлиб, шолдан юқори ҳосил етиштирган. Ленин ва “Халқлар дўстлиги” орденлари, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан тақдирланган.

#### **4.2.1.212. Қурбонов Зарип (01.01.1921, Боғот тумани Бешарик қ.).**

Меҳнат Қаҳрамони (08.04.1970), қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган пахтакор. Меҳнат фаолиятини 1936 йилда Наримонов номидаги жамоа хўжалигида оддий колхозчиликдан бошлаган. 1945-1987 йилларда шу хўжалиқда пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлган. 1980 гектар ердан 65ц. ҳосил етиштирган. Ленин (1966), “Меҳнат Қизил Байроқ” (1957), “Халқлар дўстлиги” (1976) орденлари, ВДНХ олтин ва кумуш медали билан тақдирланган. 1987 йилдан нафақахўр.

#### 4.2.1.213. Қурбонова Моможон (1922, Урганч тумани Чаккашоликор қ.).

Меҳнат Қаҳрамони. Кўп йиллардавомида Калинин номидаги жамоа хўжалигида фидокорона меҳнат қилган ва пахтадан юқори ҳосил олишга эришган.

#### 4.2.1.214. Ғоибов Рўзмат (1930 – 1985, Урганч тумани).

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном” (17.03.1972), Меҳнат Қаҳрамони. Урганч тумани МТС директори, партия комитети секретари, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари партия комитети 1-чи секретари лавозимларида ишлаган. СССР Олий Кенгаши депутати бўлган. Ленин (05.01.1973) ордени билан тақдирланган. 1992 йилда номи Урганч шаҳридаги кўчалардан бири ва туманидаги паррандачилик фабрикасига берилган.

### ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони Ўзбекистон Республикасининг олий даражадаги мукофоти бўлиб у 1994 йил 5 майда таъсис этилган. Ушбу олий унвон давлат ва халқ олдида буюк жасорат кўрсатган инсонларга берилади. Мукофотнинг белгиси сифатида “Олтин Юлдуз” медали топширилади.

Биринчи бўлиб мазкур мукофот ва орден билан мухтарам президентимиз И.А.Каримов тақдирланган (1994 й, 5 май). Хоразмликелардан биринчи бўлиб мазкур мукофотга Машарип Қувоқов (1997 й), Бектурди Жуманиёзов (2000 й) сазовор бўлганлар.

#### **4.2.1.215. Бобожонов Ислон Алимович (1957 й, Хонқа тумани).**

Хоразм вилояти ҳокими (26.03.1999 й), Ўзбекистон қаҳрамони, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (1979 й) ва Тошкент иқтисодиёт университетини тугатган. Халқаро бизнес магистри. Ўз фаолиятини 1979 йилда Хонқа пахта тозалаш заводида мастерликдан бошлаган. Кейинчалик шу корхонада техника хавфсизлиги нозирини (1981-1984 й), вилоят пахта тозалаш ва уни қайта ишлаш бирлашмасида катта инженер (1984-1986 й) ва директор (1986-1996 й), Хонқа тумани ҳокими (22.05.1996-1997 й), Ўзбекистон Республика суви ва қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари (1997-1998 й), вазири (05.11.1998-26.03.1999 й) лавозимларида ишлаган. 1994 ва 1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланган. “Олтин Юлдуз” медали (1998 й) ва “Меҳнат шухрати” (1999 й) ордени билан мукофотланган.

#### **4.2.1.216. Каримов Эгамберган.**

Ўзбекистон қаҳрамони. 1950 йилда Урганч шаҳрида туғилган. Техника фанлари номзоди (1988 й). Урганч автомобил-йўллар касб-ҳунар колледжи директори. Хоразм давлат педагогика институти (1967 й) ва Тошкент давлат автомобил йўллари институтини тугатган (1989 й). Меҳнат фаолиятини 1971 йилда Урганчдаги 12-сонли мактабда физика-математика ўқитувчиси лавозимида бошлаган. Кейинчалик маданият ходимлари касба уюшмаси Урганч шаҳар (1974-1979 й) ва вилоят Кенгаши раиси (1979-1982 й), Урганч автомобил йўллари техникуми директори ўринбосари (1982-1986 й) лавозимларида ишлаган. 1990-2001 йилларда вилоят ўрта махсус ўқув юртлиги директорлари кенгаши раиси вазифасини бажарган. Ўзбекистон Республикаси “Фахрий автотранспортчиси” унвони билан тақдирланган. 1999 йил 5 декабрда халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган.

#### 4.2.1.217. Пак Вера Борисовна (23.01.1938 й, Қўнғирот тумани).

Хива шаҳрининг 20-сон болалар уйи директори (1985). Нукус педагогика институтини тугатган (1961). Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Хива шаҳридаги ўрта мактабда химия-биология фани ўқитувчилигидан бошлаган. Кейин шу мактабнинг тарбиявий ишлар ташкилотчиси (1975-1984), Хива шаҳри халқ таълими бўлими инспектори (1984-1985) лавозимларида ишлаган. Ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун 2001 йил 23 августида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазавор бўлган ва “Олтин Юлдуз” медали билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси ва Марказий Кенгаш аъзоси, Хива шаҳар Кенгаши депутати.

#### 4.2.1.218. Қувоқов Машарип (13.05.1938-02.01.2003 й, Боғот тумани Бешариқ к).



Хоразмликлардан биринчи “Ўзбекистон Қаҳрамони” (1997), “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” (1994), “Боғот” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (1991-2003) лавозимларида ишлаган ташкилотчи. Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатган (1966). Меҳнат фаолиятини 1955 йилда Наримонов номидаги жамоа хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган. Кейинчалик шу жамоа хўжалик комсомол комитети секретари (1965-1968), бош иқтисодчи (1968-1971), Боғот туман комсомол комитети 1-чи секретари (1971-1973), “Боғот” давлат хўжалиги директори (1973-1986) лавозимларида ишлаган. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмалари совриндори (1980, 1983). “Меҳнат Қизил Байроқ” (1976), “Халқлар Дўстлиги” (1981), “Хурмат Белгиси” (1974) орденлари, медаллар ва Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрликлари билан тақдирланган. 1994 йил декабрда халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган.



## IV ҚИСМ.

### 2-боб. ХОРАЗМЛИК ОЛИМЛАР

Кўхна Хоразм замини тарихан юксак талантли буюк зотларга бой замин бўлган. Бу муқаддас юртдан қадим-қадимда етишиб чиққан буюк зотлар ўзларининг сербарака ижодлари билан инсоният тарихида ўчмас из қолдирганлар. Кишилиқ жамияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган Хоразмийлар тўғрисида мазкур китобимизнинг иккинчи қисмида “Буюк Хоразмийлар” қисмида кенг тўхталганмиз. Мазкур китобнинг IV қисм II бобида эса биз яқин ўтмиш ва бугунги хоразмлик олимлар ҳақида тўхталамиз.

Воқеаларнинг бориши шуни кўрсатадики, узоқ ўтмишдаги каби бугунги кунда ҳам Хоразм юрти илм-фан тараққий этган жонажон Ўзбекистонимизнинг вилоятларидан биридир. Бу ерда фаннинг турли соҳалари тараққий этган бўлиб, айнан шу соҳаларда хоразмлик олимлар, Ўзбекистондан етишиб чиққан бошқа олимлар қатори самарали ижодий фаолият кўрсатмоқдалар. Биз навбатдаги саҳифаларда уларнинг ижодлари ҳақида қисқача тўхталамиз.

#### 1. ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИЮ

##### 4.2.2.1. Саидов Мухтор Сафарбоевич.

1931 йилда туғилган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” (1980), Ўзбекистон ФА физика-техника институти ярим ўтказгичлар лабораторияси мудирини бўлиб кўп йиллар ишлаган. Физика-математика фанлари доктори (1970). Ўз ФА нинг ҳақиқий аъзоси, академик (1984). Хоразм давлат педагогика институтини тугатган (1951). Меҳнат фаолиятини шу институтда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик Москвада аспирант (1954-1957). Хоразм давлат педагогика институтида “Физика”

(1954-1957) ва Самарқанд давлат университети “Оптика” кафедраси мудири (1957-1959), Ўзбекистон ФА Физика-техника институти лабораторияси мудири (1960-1964) ва директор ўринбосари (1964-1967), Ўз ФА Электроника институти директори (1974-1985). Ўз ФА Физика-математика фанлари бўлими академик котиби (1977-1979), (1985-1990). “Ўзтепло техника тармоқлари” илмий ишлаб чиқариш маркази раҳбари (1987-1992) лавозимларида ишлаган. Бутун Ўзбекистон каби Хоразм вилояти учун ҳам илмий кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшган.

#### **4.2.2.2. Искандаров Саъдулла.**

1936 йилда Боғот туманидаги Бешариқ қишлоғида туғилган. Узоқ йиллар ТИИИМСХ ва Тошкент фармацевтика институтининг ректори лавозимларида ишлаган (1978-1994). Химия фанлари доктори (1973), профессор (1974), Ўз ФА нинг ҳақиқий аъзоси (1994). Тошкент ФАРМИ ни тугатган (1961). Хоразм давлат педагогика институтида доцент, проректор (1977), ЎзФА, Нефть маҳсулотларини қайта ишлаш илмий тадқиқот институтида катта илмий ходим (1978), Республика “Химия” концерни раиси (1990-1991) лавозимларида ишлаган. Республикада Химия фани соҳасини ривожлантиришга ва илмий кадрлар тайёрлаш ишига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. “Органик химия” дарслигини яратган. “Хурмат Белгиси” ордени ва қатор медаллар билан тақдирланган.

#### **4.2.2.3. Қўшчонов Матёқуб (1918-2005).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” (1978), Ўз ФА академиги (1994), Ўз ФА Тил ва адабиёт институтида узоқ йиллар бош илмий ходим бўлиб ишлаган. Филология фанлари доктори (1972), профессор (1973). Тошҳовуз ўқитувчилар институти (1946), Ўрта Осиё давлат университети (1950) ва Москвадаги ижтимоий фанлар академиясини тугатган (1957). Меҳнат фаолиятини 1941 йилда Тошҳовуз вилояти Андреев



туманида ўқитувчиликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1942-1945). Кейинчалик Ўз КП МК хузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг аспиранти (1953-1957), Ўрта Осиё давлат университети ўқитувчи (1957-1961), Ўз ФА Тил ва Адабиёт институти катта илмий ходими (1961-1975) ва директори (1975-1992) лавозимларида ишлаган. Ўзбек адабиётининг турли мавзуларида 150 дан ортиқ илмий мақолалар, рисоалар ва монографиялар ёзган. Ўзбекистон Ҳамза мукофоти совриндори, иккинчи даражали “Ватан Уруши” ордени билан тақдирланган.

#### 4.2.2.4. Саъдуллаев Азимбой.

1947 йилда туғилган. Узоқ йиллар Урганч давлат университети ректори лавозимида ишлаган (1992-2006). Ўз ФА нинг ҳақиқий аъзоси (1995), академик. Физика-математика фанлари доктори (1983), профессор (1985). Тошкент давлат университетида ўқишни бошлаб (1963), кейинчалик уни Москва давлат университетида давом этдиради ва уни тугатган. Москва давлат университетида аспирантурани ўтаган ва ўша жойда 1972 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. Кейинчалик Тошкентга қайтиб, Тошкент давлат университетида хизматни давом эттириб доцент, математика факультети декани лавозимларида ишлаган. Докторлик диссертациясини ёқлаган (1983). 100 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган. Урганч давлат университетига ректорлик қилиш билан бир вақтда Хоразм Маъмун академиясига раислик қилган.

Бир неча хорижий мамлакатларда бўлиб, хорижий олимлар билан ҳамкорлик қилган. Илмий мутахассислар тайёрлаш ишига салмоқли ҳисса қўшган. Олимнинг раҳбарлигида 3 та фан доктори, 10 дан ортиқ фан номзодлари тайёрлаган. 1995 ва 1999 йилларда Ўзбекистон Олий Мажлисига депутат этиб сайланган.

## 2. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ФАНЛАР АКАДЕМИЯЛАРИНИНГ ХОРАЗМЛИК АЪЗОЛАРИ

### 4.2.2.6. Бобожонов Бахтиёр Рахматуллаевич (1949-2000).

XX аср охири XXI аср бошларидаги кўзга кўринган хоразмлик тиббиёт олимларидан бири. Россия Лазер академияси академиги (1997). Узоқ йиллар давомида вилоят 1-сон касалхонаси хирургия бўлими бошлиғи, шунингдек, Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали “Умумий хирургия” кафедраси мудирини бўлиб ишлаган. Тиббиёт фанлари доктори (1992), профессор (1994). Самарқанд давлат тиббиёт институтини тугатган (1972). Меҳнат фаолиятини 1964 йилда Хоразм вилоят тери-таносил касалликлари интернатурасида ўтаган (1972-1973) ва 1-сон вилоят касалхонасида хирург (1973-1982), фуқаро муҳофаази бўйича бош врач ўринбосари (1982-1987) лавозимларида ишлаган. 1987 йилда “Яраларни лазер ва иммун дориларини ишлатган ҳолда жарроҳлик усули билан даволаш” (Самарқанд, 1987) мавзусида номзодлик ва “Экинококоз касаллиғи ва унинг асоратларини жарроҳлик усули билан даволашда лазер ва плазмали скалпелларни ишлатиш” (Москва, 1992) мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган.

Хирургияда лазер усулини қўллаш бўйича Ўзбекистонда етакчи мутахассис ҳисобланган. Кўплаган шогирдлар тарбиялаган. 200 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган. “Ал Хоразмий” номидаги вилоят мукофотиغا сазовор бўлган. Италия, Кипр, Франциядаги илмий анжуманларда иштирок этган. “СССР соғлиқни сақлаш аълочиси”, “Кашфиётчилик ва рационализаторлик ҳаракати аълочиси” унвонларига эга бўлган. Республика жарроҳлар уюшмаси аъзоси ва Хоразм вилояти жарроҳлар уюшмаси раиси бўлган.

#### 4.2.2.7. Машарипов Озод

### Тарих фанлари доктори, профессор.



Россия диалектик тизимдаги тадқиқотлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик (2002). Озод Машарипов 1941 йил 9 январда Боғот туманидаги Бўсолоқ Найман қишлоғидаги Комсомол жамоа хўжалигида хизматчи оиласида туғилган. Боболари Саъдулло Хатиб Эшон ва Матчон Хатиб Эшонлар ўз даврининг етук илмли кишиларидан бўлганлар. Хива хони Ферузнинг устозларидан бири бўлганлар. Саъдулло Хатиб Эшон хон саройида диний ишларни назорат қилганлар. Шунингдек етук уламо сифатида хонликдаги ҳаж ишларини ҳам назорат қилганлар. Шу муносабат билан бўлган бўлса керак, бу мухтарам зот ўз ҳаёти даврида Маккаи Муқаррамага 7 марта ҳаж зиёратларига борганлар. Озод Машариповнинг дадалари Машарип Матчонов асли хивалик бўлиб, хизмат мавқеи туфайли Боғотга, Бўсолоқ Найман қишлоғига келиб бу ерда муқим бўлиб қолганлар. Ўз оталари ва боболари каби Машарип Матчонов ўз даврининг етук саводхон ва юксак маданиятли кишиларидан бири саналганлар. (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими унвонига сазовор бўлганлар, 1968). Озод Машариповнинг оналари Ёқутжон Мадрахимова ўз даврининг маданиятли аёлларидан бўлиб, бутун умрини савдо хизматига бағишлаганлар.

Озод Машарипов 1961 йилда Хоразм давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Боғот туманидаги 2-сон мактаб-интернатда ўқитувчи тарбиячиликдан бошлаган. Сўнгра шу тумандаги Куйбишев, Янги Қадам ўрта мактабларида ўзбек тили ва адабиёт, тарих фанларидан ўқитувчилик қилган.

Озод Машариповда илмга бўлган интилиш уни Тошкент шаҳрига етаклайди. У 1969 йилда катта конкурсда иштирок этиб Тошкент халқ хўжалиги институтининг “Тарих” кафедраси

аспирантурасига ўқишга киради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори профессор Маҳмуд Мусаевич Мусаев Озод Машариповни ўз шогирдлигига олади. Аспирантурани муваффақиятли тугатган Озод Машарипов “Ўрта махсус билим юртларида ёшлар тарбияси” (1959-1965) мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлайди (1979).

Халқ хўжалиги институти раҳбарияти Озод Машариповдаги иқтидор, ишчанлик ва ташкилотчиликни кўриб, уни институтнинг “Тарих” кафедрасида ишга қолдирадилар. Озод Машарипов тез орада ассисентликдан доцент даражасига етади. Сайлов ва пахта кампанияларида фидокорона меҳнатлари учун 1980-1987 йилларда Ўзбекистон Компартияси МК нинг ва Ўзбекистон Министрлар Советининг Фахрий ёрлиқлари билан 5 марта, шунингдек қимматбаҳо буюмлар ва “Жигули” автомашинаси билан мукофотланади.

Ишчан ва тиришқоқ Озод Машарипов ўз устида доимо ишлашда давом этади. У ўзининг илмий изланиш мавзуси қилиб Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг 1970-1990 йиллардаги меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси соҳасидаги фаолиятини танлайди. Бу соҳада бир неча йиллар кунт билан ишлайди. Айнан шу соҳага бағишлаб 1987 йилда “Профсоюзы и перестройка” (9,5 б.т.) (Қасаба уюшмалари ва қайта қуриш) ва 1999 йилда “Социальная защита интересов трудящихся” (10,5 б.т.) (Меҳнаткашларнинг моддий манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш) монографияларини тайёрлаб “Ўзбекистон” нашриётида нашр қилдиради. Ниҳоят 1991 йил 23 декабрда Тошкентда тарих ва археология институтининг илмий кенгашида “Меҳнаткашларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг 1970-1990 йиллардаги фаолияти” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. 1992 йилда Давлат аттестация комиссияси Озод Машариповнинг илмий педагогик хизматларини назарга олиб унга профессор унвонини беради.

Профессор Озод Машарипов халқар илмий анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда. Буюк қомусий олим Ал Хоразмий таваллудининг 1200 йиллиги, миллий қаҳрамонимиз Хооразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги,

шунингдек муқаддас ёзма бойлигимиз “Авесто” китобининг 3000 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуманларда фаол иштирок этиб, маърузалар қилган. Айнан шу тарихий саналарга бағишланган Республика ва Хоразм телевидениесига чиқишлари (35 мартадан ошиқроқ) билан омма орасида машхур бўлади.

Илмий шогирдлар тайёрлаш ишида ҳам профессор Озод Машарипов катта ишлар қилган. Бугунгача унинг раҳбарлигида Ўзбекистон тарихининг муҳим масалалари юзасидан 2 та докторлик ва 8 та номзодлик диссертациялари тайёрланган ва муваффақиятли ҳимоя қилинган. 1994 йил майда профессор Озод Машариповни Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Урганч филиалига директор қилиб ишга жўнатадилар. Бу ўта маъсулиятли ишда Озод Машарипов ўзини яхши ташкилотчи раҳбар сифатида кўрсатиб жамоатчиликнинг ҳурматиغا сазавор бўлди. Қисқа бир вақтда филиалда катта ободончилик ва ташкилий ишлар амалга оширилди. 1995 йил июлда республикадаги барча олийгоҳларнинг барча филиаллари, жумладан Урганч филиали ҳам тугатилди. Шу муносабат билан Озод Машарипов Тошкент давлат иқтисодиёт университетида янги ташкил этилган “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедрасига мудир қилиб тайинланади. Тиниб-тинчимас Озод Машарипов бу ерда ҳам катта ишларни амалга оширади. 1996 йил май ойида Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Урганч шаҳрида-янги ташкил этилган “Ўқув-услубий маркази” га Хоразм вилояти ҳокимининг тавсияси билан Озод Машарипов директор қилиб ишга тайинланади. Ўзига хос шижоат, ғайрат кўрсатган Озод Машарипов бу ўта маъсулиятли лавозимда 10 йилдан ортиқ муваффақиятли фаолият кўрсатиб, вилоят халқ хўжалиги учун иқтисодчи мутахассислар етказиб бериш ишига салмоқли ҳисса қўшади.

Профессор Озод Машарипов сермахсул олимлардан. 15 та монография, 3 та ўқув қўлланма, 30 дан ортиқ рисола ва 100 дан ортиқ ҳар хил мавзулардаги мақолалар Озод Машарипов қаламига тегишлидир. Озод Машариповнинг бугунги кунгача бўлган ёзма илмий маҳсули 500 босма табоққа яқиндир.

Профессор Озод Машарипов ижодида Хоразм тарихи алоҳида ўрин тутди. Олим томонидан яратилган Хоразмнома

номи билан аталган олти жилдлик тўшамда Хоразмнинг ибтидоий жамоа тузумидан то бугунги кунгача бўлган тарихи атрофлича берилган бўлиб, Хоразм тарихини ўрганувчилар учун бетақрор манба бўлиб хизмат қилади.

Профессор Озод Машарипов илмий ва хизмат сафарлари билан Европа мамлакатлари Дания, Голландия, Германия, Франция, Испания, Португалия, Италия шунингдек Осиё мамлакатлари Сурия, Малайзия, Сингапур мамлакатларида бўлган. 1998 йилда Малайзияда ўтказилган Олий таълим ходимларининг симпозиумида иштирок этган.

#### **4.2.2.8. Дўсчонов Тангриберган. Иқтисод фанлари доктори, профессор.**

Тангриберган Дўсчонов 1950 йилда туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги ТДИУ) ни 1971 йилда тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1971 йили Ўзбекистон Республикаси ФА иқтисод институтида кичик илмий ходимликдан бошлаб, катта, етакчи ва бош илмий ходим лавозимларида ишлаган. 1992 йил февралдан Хоразм вилояти ҳокимининг умумиқтисодий масалалари бўйича ўринбосари қилиб тайинланди. 1995-1999 йиллари вилоят ҳокимининг фан, таълим, маданият ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари бўлиб ишлади. 1999 йилдан, олдин Урганч иқтисодиёт колледжи директори, кейин колледж ахборот-ресурс маркази раҳбари лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Илмий-педагогик фаолиятини 1978-1991 йиллари Тошкент давлат аграр университетида доцентликдан бошлаб, 1992 йилдан эса Урганч давлат университети “Иқтисодий назария” кафедраси профессори лавозимида давом эттирмоқда.

1971-1973 йилларда Москвадаги марказий иқтисод-математика (ЦЭМИ) институтида илмий тадқиқотчи бўлиб ишлаш билан бирга ушбу институт аспирантурасида ва 1988-1990 йиллари эса докторантурасида таҳсил олди. Институтнинг махсус илмий кенгашида 1976 йили номзодлик, 1990 йили докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1992 йили унга профессорлик унвони берилди.

Тангрибергаи Дўсчонов таниқли олим, педагог сифатида кўп йиллар давомида Москва, Тошкент, кейинчалик қадимий Хоразмдаги илмий даргоҳларда, вилоят ҳокимлигида самарали фаолият кўрсатди, бир қатор иқтисодий, ижтимоий, экологик ва маънавий-маърифий йўналишларда илмий-амалий тадқиқотларни ва ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширди. Жумладан, унинг Москвадаги “Атроф-муҳитни химикатлар билан зарарланишдан келадиган иқтисодий-ижтимоий харажатларни ҳисоблаш қўлланмаси ва уни режа, тахминлар ишлаб чиқаришда қўллаш”, “Халқ хўжалиги “Пахта” комплексини кимёлаштиришни иқтисодий-экологик баҳолаш” ва “Атроф муҳит сифатини бошқариш моделлари” каби қатор илмий ишлари собиқ Иттифок ва Ўзбекистон илмий жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланди ва бу тадқиқотлари учун 1979 йили республика, 1980 йили бутуниттифок ёш олимларнинг иқтисодий-ижтимоий соҳа фанлари кўрик танловларининг лауреати бўлди.

Унинг бевосита иштирокида ва раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси ФА иқтисод институтида “Ўзбекистонда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси”, “Ўзбекистонда табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг 2005 ва 2010 йилларга мўлжалланган комплекс дастури” ва Қозоғистон Республикаси фанлар академияси география институти билан ҳамкорликда “Орол бўйларидаги экологик шароитни яхшилашнинг алтернатив тадбирларини иқтисодий баҳолаш йўриқномаси” ҳамда ЎзР ФА си Қорақолпоғистон бўлими Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолар институти билан ҳамкорликда “Нукус шаҳри халқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар объектларини хусусийлаштиришни иқтисодий асослаш учун асосий фондларни инвентаризация қилиш ва баҳолаш усуллари” каби ўта долзарб мавзуларда илмий тадқиқотлар амалга оширилди.

Профессор Тангрибергаи Дўсчонов сермахсул олимлардан. Унинг илмий, тарихий, маънавий қадриятларга оид “Авесто ва унинг инсоният тарихидаги ўрни” (Урганч, “Хоразм”, 2002), “Роль “Авесты” в духовном развитии человечества” (Урганч, “Хоразм”, 2002), “Авесто”-шарқ халқларининг бсбаҳо ёдгорлиги (Тошкент, ТМИ, 2004 (ўзбек, рус ва инглиз тилларида)) ,

“Маънавиятимиз сарчашмалари. Нажмиддин Кубро, аз-‘Замахшарий мероси” (“Хива”, 1998, №9-10), “Хоразм Маъмур академияси олимларининг иқтисодий-ижтимоий қарашлари” (Тошкент, Молия институти, 2004), “Хоразм Маъмур академиясининг олис ва яқин юлдузлари” (Тошкент, “Иқтисод-молия”, 2005), “ал-Хоразмийнинг мерос тақсим қилиш ҳақидаги иқтисодий ғоялари”, “Экономический взгляды ал-Беруни” ва “Социально-экономические взгляды Авиценны” (Нукус, Вестник Каракалпакского отделения АП РУз, 2005, № 3-4) каби монографиялари, рисолалари, илмий мақола ва маърузалари ўзи ва ҳаммуаллифликда чоп қилинган. Шунингдек, бу тадбирлар доирасида ўрта махсус ўқув юртлари учун “Авесто” ва Маъмур академияси меросини ўрганиш ўқув дастурлари ишлаб чиқилган, ҳамда “Авесто” стипендиясини ташкил қилган.

Олим замонамиз экологияси, ижтимоий соҳалари муаммоларига оид ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб борган. Жумладан, “Социально-экономические проблемы окружающей среды” (Тошкент “Фан” 1980), “Оролбўйи экологик шароитни яхшилашнинг алтернатив тадбирларини иқтисодий баҳолаш йўриқномаси” (М,ВНИИТИ, 1991), “Эколого-экономическая оценка производства и использования продукции химической промышленности в АПК Узбекистана” (Тошкент, Урганч, “Материалы конференции ОБСЕ”, 1995), “Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида” (Тошкент, Молия институти, 2004), “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари” (Тошкент, “Иқтисодий-молия”, 2007) каби монографиялари, рисолалари ва маърузалари чоп қилиниб, илмий ва маърифий жамоатчиликда юқори баҳоланади.

Профессор Тангриберган Дўсчонов томонидан 150 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан 14 монография нашр қилинган. Унинг илмий раҳбарлигида 11 нафар тадқиқотчилар номзодлик ва докторлик диссертацияларини химоя қилганлар. Олимнинг педагогик ва ташкилотчилик фаолияти юксак баҳоланиб “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”, “Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълими фидойиси” каби фахрий унвонлари, ҳамда қатор медаллар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган.



#### 4.2.2.9. Оллаёров Худоёр.

Оллаёров Худоёр (15.01.1930, Урганч)- Янгибозор тумани “Халқ табобати” маркази бошлиғи (1996), тиббиёт фанлари доктори (1994), ЮНЕСКО қошидаги Халқаро информатика академияси академиги (1994). Самарқанд давлат тиббиёт институтини тугатган (1955). Хива шаҳар касалхонасида хирур (1955-1957), “Ўзбекистон” (Ялта) санаториясида даволовчи врач (1957-1961), Москва врачлар малакасини ошириш институтида аспирант (1961-1963), СССР Медицина Фанлари академияси “Кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари” илмий-тадқиқот институтида илмий ходим (1963-1969), Москва давлат университети Фониатрия кабинети (1969-1994) ва Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали марказий илмий-тадқиқот лабораторияси мудири (1994-1995), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Урганч марказий илмий-тадқиқот лабораторияси мудири (1995-1996) лавозимларида ишлаган. Машҳур дикторлар Юрий Левитан, Герцог, халқ артисти Роза Багланова ва бошқа таниқли санъаткорларни даволаган. “Хиқилдоқнинг қисман олиб ташлагандан кейинги овоз ўзгариши ҳолатлари” мавзусида номзодлик (1963) ва “Ўрта Осиё халқ табобати тарихи” мавзусида докторлик диссертацияси ёқлаган (1994). “Халқ табобатида озуқабоп ўсимликлар”, “Хоразм халқ косметикаси” номли монографиялари бор. Илмий асарлари дунёнинг 134 мамлакатида 29 тилда нашр қилинган. Халқ табобати муаммолари бўйича илмий изланишлари жараёнида Хитой, Муғулистон, Болгария, Вьетнам мамлакатларида бўлган ва “Халқ табобати” институти билан ҳамкорлик қилган. Мусиқа ва бошқа товушларнинг инсонлар саломатлигини мустаҳкамлашга таъсири муаммоларини ўрганган.

#### **4.2.2.10. Собиров Матрасул Собирович.**

Генерал майор Собиров Матрасул Собирович 1950 йил 15 майда Боғот тумани Найман қишлоғида таваллуд топган. Отаси Сафаров Собир 1903 йилда туғилган. Найман қишлоғида мироб бўлиб ишлаган. Онаси Рахимова Ханифа 1918 йилда туғилган, қишлоқ фаолларидан бири бўлган.

Матрасул Собиров 1956-1958 йиллар “Правда” мактабида 1958-1964 йиллар Боғот туманидаги 2-мактаб интернатида, 1964-1966 йиллар шу туманининг “Янги-кадам” номли ўрта мактабида ўқиган. 1966-1971 йилларда Россия Федерацияси Таганрог педагогика институтида ўқиб уни аъло баҳолар билан тугатган. 1972-1975 йиллар куролли кучлар сафида хизмат қилган. 1974 йилда Миллий хавфсизлик хизматида ишга кирган ва унинг олий ўқув юртини тугатган. 1981 йилгача Хоразм вилоят миллий хавфсизлик хизмати бошқармасида турли лавозимларда ишлаган. 1981-1983 йилларда Сурхондарё вилоят МХХ бошқармаси Денов шаҳар туманлараро бўлимига бошлиқ этиб тайинланган. 1983-1990 йилларда Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг 1-ўринбосари, 1990-1994 йилларда шу бошқарма бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

1991 йилда Москва шаҳридаги ички ишлар вазирлиги академиясини тугатган. 1994 -2010 йиллар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабига бошлиқ лавозимида ишлаган. Иш фаолияти давомида кўп маротаба давлат орден ва медаллар билан тақдирланган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, юридик фанлари доктори, профессор. Халқаро комплекс хавфсизлик академияси академиги.

#### **4.2.2.11. Қалаандаров Полвонбой Искандарович Халқаро фанлар академиясининг экология ва ҳаёт хавфсизлиги бўйича академиги.**

Қалаандаров Полвон Искандарович 1955 йил 27 августда Урганч шаҳрида ишчи оиласида туғилган. П.Қалаандаров Тошкент

политехника институтида таҳсил олган. 1989 йилда “Табиий муҳит, моддалар, материаллар ва маҳсулотларни назорат қилиш асбоблари ва усуллари” ихтисослиги бўйича техника фанлари номзоди, 1996 йилда шу ихтисослик бўйича техника фанлари доктори илмий даражаларни олган. 2003 йил 29 май куни Халқаро фанлар академиясининг экология ва ҳаёт хавфсизлиги бўйича академиги этиб расман тайинланган. Унинг 250 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий ишлари чоп этилган, шулардан: 7 та ўқув-услубий қўлланма, 6 та авторлик гувоҳномаси ва патент, 200 га яқин илмий мақолалар республика, халқаро, хорижий журналларда ва илмий конференциялар материалларида чоп этилган. Профессор П.Қаландаровнинг асосий илмий изланишлари “Табиий муҳит, моддалар, материаллар ва буюмларни назорат қилиш усуллари ва асбоблари” ихтисослигига қаратилган.

2011-2012 ўқув йилидан бошлаб, “Электроника ва автоматика” факультети “Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш” кафедрасида профессор лавозимида ишлади. П.Қаландаров Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, ўқув-таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда ҳамда олий таълим муассасасида илм-фанни ривожлантиришда фаол иштирок этиб келмоқда.

1991 йилдан бошлаб Тошкент давлат техника университети проректори, кейинчалик умумтехника факультети декани лавозимларида фаолият олиб бориб, шу илм даргоҳларида таълим тизимини бошқарди. Урганч давлат университети инженер-техника факультетида декан, проректор “Озиқ-овқат машина аппаратлари ва автоматика” кафедрасига мудирлик қилди. 1995 йилдан бошлаб П.Қаландаровга олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, касб-хунар таълими маркази томонидан ишонч билдирилиб у мазкур вазирлик ҳузуридаги муассасаларда педагогик фаолият олиб бориш билан биргаликда таълим соҳасидаги ягона услубий масаларга раҳбарлик қилиш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, педагог ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда фаол иштирок этиб келди.

П.Қаландаров кўп қиррали жамоатчилик фаолиятини олиб боради ва унинг ташаббуси билан 2005 йилдан “Таълим технологиялари” республика миқёсидаги илмий-услубий журнал чоп этила бошланди ва у ушбу журналнинг бош муҳарриридир.

П.Қаландаров республикаимиз саноати ривожига катта ҳисса қўшган олим ҳисобланади, айниқса у “Ўзоғир-нефтьгазкимёлойиҳа” институтида раҳбарлик қилган бир нечта стратегик аҳамиятга эга бўлган катта инвестицион лойиҳаларни лойиҳалаш, экспертиза қилиш ва қурилишнинг техник назоратини олиб боришда унинг хизматлари бор. П.Қаландаровнинг юқори илмий ва амалий ютуқлари белгиси сифатида машинасозлик, энергетика, тоғ-металлургия соҳаларида лойиҳалаштирилган объектларда ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, уларда ўлчов воситаларини қўллаш каби тажрибалари ўқув жараёнида кенг қўлланилмоқда. 2013 йилдан бошлаб Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказида директор лавозимида фаолият олиб борди. П.Қаландаров томонидан ўқув фаъларидан яратилган дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалари бугунги кунда талабалар, магистрантлар, илмий ходимларга фанни яхши ўзлаштиришларида хизмат қилмоқда.

#### **4.2.2.12. Рўзметов Бахтиёр.**

Таникли, етук ўзбек олими, математик, иктисодчи, иктисод фаълари доктори, профессор, АҚШ Нью-Йорк Фаълар академияси аъзоси, минтақавий иктисодиёт соҳасида халқаро эксперт, Бахтиёр Рўзметов 1950 йилда Янгиариқ туманида зиёли оиласида туғилган. Самарқанд давлат университетини тугатган. 1971 йилда университетни тамомлагандан кейин, Тошкент шаҳрига, Ўзбекистон Фаълар академияси кибернетика институтига кундузги аспирантурага ўқишга кирган ва профессор И.Б.Табакман илмий раҳбарлигида 1978 йилда “Кўн агрегатли комплекслар тизимида оптимал оператив режалаштириш (темир йўл транспорти ишлатадиган карьерлар мисолида)” мавзусида

техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган.

У ўзининг илмий изланишлари натижасида илмий раҳбари И.Б.Табакман томонидан тузилган иқтисодий математик моделни ривожлантириб, кўп агрегатли комплекслар учун янги оптималлаштириш масаласини тузган. Масаланинг ечиш усули йўқлиги сабабли Бахтиёр Рўзметов томонидан чегаравий шартларни чизиқли ҳолатга (линеаризация) келтиришга асосланган янги усул ишлаб чиқилган ва компьютер дастури яратилган. Унинг илмий ишланмалари Навоий ва Олмалик тоғ-металлургия комбинатларида тадбиқ қилинган ва ҳозир ҳам фойдаланилмоқда. У 1979-1982 йилларда Хоразм вилоятида Ўзбекистон ФА “Кибернетика” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг вилоят филиалини ташкил қилган ва бошқарган ҳамда Хоразм давлат педагогика институти илмий кенгаш аъзоси, математика факультети доценти сифатида фаолият кўрсатган. 1982-1997 йилларда вилоят бошқарув тизимида маъсул лавозимларда ишлаган.

Бахтиёр Рўзметов ўз илмий ишланмалари билан халқаро танловларда иштирок қилган ва 1995 йилда АҚШ пинг минтақавий иқтисодиёт соҳасидаги гранти соҳиби бўлган. У 1977 йилда Урганч давлат университетининг иқтисод факультетида “Менеджмент ва маркетинг” кафедрасини ташкил қилган. 1998 йилда макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институтида “Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида минтақани комплекс ривожлантириш (Хоразм вилояти мисолида)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ва иқтисод фанлари доктори илмий даражасига эга бўлган. 2000-2009 йилларда Урганч давлат университети иқтисод факультети декани лавозимида ишлаган.

Проф. Бахтиёр Рўзметов 250 дан ортиқ илмий мақола, монографиялар, ўқув-услубий қўлланмалар муаллифи. Унинг илмий ишлари Германия, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва республиканинг марказий нашрларида эълон қилинган. Бахтиёр Рўзметов педагогик ва тадқиқот фаолияти билан бир қаторда юқори малакали илмий ва илмий-педагогик ходимларни тарбиялашга ва тайёрлашга катта эътибор бериб

келмоқда. Унинг раҳбарлигида 5 нафар фан номзоди тайёрланган, яна 5 нафар илмий тадқиқотчига докторлик диссертацияларини тайёрлашга раҳбарлик қилмоқда. У Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент молия институти қошидаги бирлашган фан доктори илмий даражасини берувчи ихтисослашган кенгашга аъзо бўлган.

Бахтиёр Рўзметов “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари бирлашган тахририяти ҳайъати, “Ил сарчашмалари” журналининг тахририят ҳайъати аъзоси. Бахтиёр Рўзметов ўзининг илмий ва педагогик фаолиятини кенг қўламли жамоат ишлари билан ҳамкорликда олиб бориб, 1990-1994, 2004-2009, 2009-2014 йилларда халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутати, доимий комиссия раиси сифатида фаолият кўрсатган.

#### **4.2.2.13. Рахимов Рахимбой Отажонович.**

Техника фанлари доктори, профессор, Россия табиий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик. Рахимбой Рахимов 1965 йилда Хива шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтини тугатган (1989). Меҳнат фаолиятини Урганч қурилиш техникумида ўқитувчиликдан бошлаган. 1995 йилда Урганч давлат университетидан бошлаб ўқитувчилик қилади. 1999 йилда 052305 “Қурилиш материаллари ва буюмлари” ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган. 2004 йилда унга доцент илмий унвои берилган. 1999 йилдан Тошкент давлат иқтисодиёт университети олий бизнес мактабининг директори лавозимларида ишлайди. Илмга бўлган интилиш Рахимбой Рахимовни 2001 йилда Тошкент архитектура –қурилиш институти докторантурасига етаклайди. 2008 йилда узоқ машаққатли илмий излашишларидан сўнг Рахимбой Рахимов 05.17.11 “Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси” ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ёқлаган.

Рахимбой Рахимовнинг ўзига хос доимо ўз устида ишлаб боришидир. 2006-2008 йилларамалий-илмий тадқиқотларни бажариш бўйича ДИТД-5 115 рақамли илмий лойиҳанинг Хоразм Маъмун академияси томонидан давлат гранти катга илмий ходим

сифатида катнашиб, 2009-2010 ва 2010-2011 йилларда юқори совринли ўринларга эришган.

Рахимбой Рахимов кўпгина хориж мамлакатларида бўлиб (Россия, БАҲ, Туркия, Хитой, Малайзия ва бошқалар) ўз малакасини ошириш билан у ерлардаги анжуманларда маърузалар билан чиққан. Проф Рахимбой Рахимов халқаро майдонда танилган олимлардан. Илмий ишлари юқори баҳоланиб у ҳақида маълумотлар россиялик олимлар энциклопедиясида [www.tamoussie\\_ntisis](http://www.tamoussie_ntisis)-да рўйхатга олинган. Шунингдек проф. Рахимбой Рахимов XXI асрнинг етакчи олимлари қаторида “Россиялик олимлар энциклопедиясининг VI томига киритилган”.

Проф. Рахимбой Рахимов Тошкент кимё-технология институти хузуридаги ДТ 0672401 рақамли Ихтисослашган илмий кенгаши аъзосидир. Проф. Рахимбой Рахимов 2012 йил октябрдан Россия табиий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, академигидир. 3 монография, 5 та ўқув қўлланма, 9та илмий-амалий тавсиялар, 14 та услубий қўлланма проф. Рахимбой Рахимов қаламига тегишлидир.

### **3. ХОРАЗМЛИК ФАН ДОКТОРЛАРИ, ХОРАЗМЛИК АЛЛОМАЛАР**

#### **4.2.2.13. Жабборов Исо Муродович**

Фалсафа фанлари доктори, профессор. Ўзбекистонимизнинг кўзга кўринган йирик файласуф, тарихчи, этнограф олимларидан бири Хоразм фарзанди профессор Исо Муродович Жабборовдир. Исо Жабборов 1929 йилда туғилган. 1951 йилда Москва давлат университетини тугатган. Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон ФА тарих институтида кичик илмий ходимликдан бошлаган. Кейинчалик ушбу институтда катта илмий ходим, 1964-1967 йилларда Тошкент давлат университетиде доцент бўлиб ишлаган. Исо Жабборовдаги чуқур илмий савия республика раҳбарларининг эътиборини ўзига тортади. Уни Ўзбекистон Компартияси МК аппаратида раҳбарлик ишига тақлиф этадилар. 1967-1970 йилларда у ушбу маъсулиятли лавозимда

ишлайди. Бироқ илмга бўлган интилиш уни яна илм даргоҳига чорлайди.

1970-1972 йилларда Исо Жабборов Москвадаги илғимий фанлар академиясида докторантурани ўтаб, докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. Сўнгра Тошкентга қайтиб Тошкент давлат университетида (1973-1997) кафедра мудири ва 1997 йилдан бошлаб Темурийлар тарихи давлат музейи мудири лавозимларида ишлаган. 1954 йилда номзодлик ва 1973 йилда докторлик диссертацияларини ёқлаган.

Профессор Исо Жабборов ўзининг тарих, фалсафа, этнография соҳасидаги серқирра ижоди билан фақат мамлакатимиздагина эмас балки жаҳонда кенг танилган олимлардан бирidir. Унинг “Кўхна харобалар сири” (1968), “Жаҳон халқлари этнографияси” (1984), “Ўзбек халқи этнографияси” (1994), “Антик маданият ва маънавият хазинаси” (1999), “Буюк Хоразмшоҳлар давлати” (1999), “Ўзбеклар” (2007) ўзбек ва рус тилларидаги асарлари кенг илмий жамоатчиликка яхши танишдир. Проф. Исо Жабборов таниқли Хоразмшунос олим Сергей Толстовнинг иқтидорли шогирдларидан ҳисобланади.

#### **4.2.2.14. Дўсчонов Бахтиёр Оллоберганович.**

1950 йилда туғилган. Тиббиёт фанлари доктори (1995), профессор (1999). Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган (1974). Хоразм вилояти СЭС ида врач (1974-1976) ва бўлим мудири (1976-1977), Урганч шаҳар (1977-1984) ва вилоят СЭС ининг бош врачлари (1984-1995), вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи (1995-1998), Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали директори (1998-2005) ва бошқа лавозимларда ишлаган. 2 монография ва 80 дан ортиқ илмий мақолалар нашр қилган. СССР “Соғлиқни сақлаш аълочилиси” фахрий унвони билан тақдирланган. 2002 йилда Тернополь (Украина) Академияси академиги этиб сайланган. “Тилла омад” (Золотая фортуна) соврини билан мукофотланган.



#### **4.2.2.15. Шарипов Жуманиёз.**

1911 йилда Хивада туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1971), филология фанлари доктори (1968), профессор (1969). Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (1941-1943). Самарқанд педагогика академиясини тугатган (1932). Ўзбекистон халқ маорифи комиссарлиги Давлат услубий илмий Кенгаши раиси (1932-1934). Ўзбекистон ўқув педагогика нашриёти директори (1941-1949), Ўз КП МК маданият бўлими мудири (1937-1940), республика ёзувчилар уюшмаси марказқўми маъсул котиби (1945-1952), Ўз ФА нашриёти директори (1952-1959), катта илмий ходим (1959-1970) ва сектор мудири (1970) лавозимларида ишлаган. Жуманиёз Шарипов республикадаги кўзга кўринган адиблардан биридир. Унинг биринчи китоби “Ёлқинли шеърлар” деб аталган (1931). Сўнгра Адабиёт дарслиги (1933), “Максим Горький” поэмаси (1948), “Саодат” қиссаси (1958), “Хоразм” романи 4 китоб (1960-1970, 1976-1979) нашр қилинган.

Жуманиёз Шарипов Ш.Руставели, А.С.Пушкин, М.Горький, Махтумқули, Сулаймон Стальский, Бердикербобоев каби адибларнинг асарларини ўзбек тилига ўгирган.

#### **4.2.2.16. Жумабоев Йўлдош (1932-1998) Фалсафа фанлари доктори, профессор.**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” (19.03.1982), Тошкент Иқтисод университети “Фалсафа” кафедраси мудири (1998) лавозимида ишлаган таниқли олим. Хоразм давлат педагогика институтини тугатган (1954). Меҳнат фаолиятини 1951 йилда Хоразм вилояти комсомол комитетида инструкторликдан бошлаган. Кейинчалик Хоразм вилояти ижрокўми бўлим мудири ва раиси ёрдамчиси (1959-1961), Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспиранти (1961-1964), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти “Фалсафа” кафедраси мудири (1965-1978), Ўзбекистон Олий ва махсус таълим министрлиги Ижтимоий фанлари ўқитиш

бошқармаси бошлиғи (1978-1979), Тошкент халқ хўжалиги институти (1979-1992) ва Иқтисодиёт университети “Фалсафа” кафедраси мудири (1979-1998) лавозимларида ишлаган. “Этикада бахт масаласи” мавзусида номзодлик (1964) ва “IX- XV асрларда Ўзбекистон ва Қозоғистонда ахлоқий фикрлар тарихидан” мавзусида докторлик диссертациялари ёқлаган (1975). Олим раҳбарлигида 5 та докторлик ва 20 та номзодлик диссертацияси ёқланган. 120 тадан ортиқ илмий ишлар, жумладан 5 та монография, 10 та ўқув қўлланмаси, 15 та рисола муаллифи бўлган. “Маданиятшунослик”, “Маънавият ва маърифат асослари” фанининг биринчи дастури ва қўлланмаларини яратишга раҳбарлик қилган. Хоразм ёшларидан қобилиятли олимлар ва мутахассисларни тарбиялаш, вилоятдаги ўқув юрларида ижтимоий фанларни ўқитиш ишларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган.

#### **4.2.2.17. Абдуллаев Отаназар тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

Хоразмда камол топган ва тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига эришган олимлар орасида Отаназар Абдуллаев алоҳида нуфузли ўринни эгаллаб туради. У Самарқанд Давлат тиббиёт институтига 1955 йилда тугатган кейин Хива шаҳар касалхонасида жарроҳлик бўлими мудири, туман сил касалликлари диспансери бош врач, тиббиёт билим юрти директори лавозимларида ишлади. Илмга чанқоқлик О.Абдуллаевни ўзи тугатган институтнинг жарроҳлик кафедраси аспирантурасига етаклади. Тинимсиз изланиш ва меҳнат натижасида ёш олим 1962 йилда номзодлик диссертацияси ёқлади. Хоразмга қайтгач малакали жарроҳ сифатида эл-юрт хизматида бўлди, беморлар дардига даво бериб, обрў-этибор орттирди. 1967 йилда О.Абдуллаевга вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди. Шу йилги унинг ташаббуси билан республикада биринчи тиббиёт музейи ташкил этилди. Хива шаҳрида очилган музей кўرғазмалари учун ноёб қўлёмалар, халқ табobatiда қўлланилган асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар намуналарини тўплаш борасида

катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Вилоятда соғлиқни сақлаш ишларини ташкил этишга сал кам ўн йил раҳбарлик қилиш билан бир қаторда О.Абдуллаев тиббиёт тарихига оид хужжатларни чуқур ўрганишга киришди. Устози-СССР Медицина Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Б.Д.Петровнинг маслаҳати ва амалий ёрдами билан “Хоразмда тиббиётнинг ривожланиши тарихи” мавзусида докторлик диссертациясни тайёрлади ва уни 1972 йилда Тошкентда муваффақиятли ёқлади.

1976-1986 йилларда профессор О.Абдуллаев Тошкент Давлат тиббиёт институти “Тиббиёт тарихи” курси мудири лавозимида ишлади. Шу йилларда педагогик фаолияти билан бир қаторда серҳаракатли олим институтнинг касаба уюшмаси кўматаси раиси ва 1 – клиник касалхонаси бош врач вазифасини ҳам бажарди. Кейинчалик 1986-1990 йилларда О.Абдуллаев Хива “Ичан қалъа” Давлат музей кўриқхонаси директори лавозимида ишлаб, тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш ишларига катта ҳисса қўшди. Профессор О.Абдуллаев ўз она юрти- Хоразмнинг инсоният цивилизацияси илк бешиқларидан бири эканлиги ва ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари шу ерда қўйилганлигини фахрифтхор билан тарғиб қиладиган ватанпарвар олим эди. У бундан 3 минг йиллар илгари вужудга келган Хоразмшоҳлар давлатида иктисодий-сиёсий соҳалар каби ижтимоий ҳаётнинг муҳим ҳисобланган таобат ва тиббиёт илми ҳам ривожланганлигини исботлашга астойдил ҳаракат қилди.

Тинимсиз изланишлар натижасида олимнинг Хоразмшоҳ Маъmun академиясида тиббиёт фани, Исмоил Журжоний ва Умар Чағминийнинг илмий мероси, Абулғози Баҳодирхон ва Жаъфархўжа Ҳазораспийнинг таобат соҳасидаги фаолияти ҳақида 20 дан ортиқ рисола ва мақолалари нашр қилинди. О.Абдуллаев Хоразм халқ таобатининг дастлабки намуналари зардуштийлик дини муқаддас китоби “Авесто” да мужассамланган деб ҳисобларди. Кўплар қатори ушбу китобнинг Хоразмда ёзилган ва у милoddан олдинги IX асрдан янги эранинг III асригача бир неча бор тўлдирилганини яхши билган олим жуда кўплаган тадқиқотчиларнинг асарларини ўрганиб чиқди. Жумладан, буюк Абу Райҳон Беруний ва Абулқосим Фирдавсий, академиклар В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, С.П.Толстов, Б.Ф.Ғофуров,

профессорлар А.А.Фрейман, А.О.Маковельский ва бошка олимларнинг “Авесто” ҳақидаги ғоялари, ундаги тиббиётга оид билимлар тўғрисидаги хулосаларни таҳлил қилди. Олим “Авесто”да тилга олинган биринчи шифокорлар – Йима (Жамшид) ва Трита ҳақида, уларнинг қўллаган усуллари орасида пичоқ, доривор гиёҳлар ва сўз билан даволашга алоҳида эътибор қаратилганини қайд этади. Ҳозирги замонавий тиббиётнинг хirurgия (жарроҳлик), терапия, психиатрия ва доришунослик соҳаларига яқин бўлган, аммо ўз вақтида оддий ва содда муолажалардан иборат даволаш усуллари табиб ва ҳакимларни энг фойдали касб эгалари қаторига кўтарганди.

О.Абдуллаев Жафархўжа ал-Ҳазораспийнинг китобига шарҳ сифатида битилган бир нечта кўлёмаларни Хоразмда учратган бўлсада, уларнинг ҳеч бири Тошкентда сақланаётган нусха каби тўла эмаслигини қайд қилган. Кўлёманинг биринчи боби оллоҳ ва унга ҳамду санолар айтишдан бошланади. Ҳазораспийнинг фикрича оллоҳ одамзодни яратиш билан бирга унга бир неча турдаги касаликларни ҳам берди ҳамда беморларни даволаш учун мингдан ортиқ шифобахш дори-дармонларни ҳам яратди. Шифокорнинг вазифаси эса одамларни барча касалликлардан озод қилиш ҳисобланади. Шу сабабдан ҳаким касалликлар турлари, уларни даволаш усуллари, дори-дармон воситалари ҳақида Ибн Сино китобларидаги шаклда ўз билганларини баён қилади. Профессор О.Абдуллаев рус мустамлакаси ва шўролар даврида Хоразмда тиббиётнинг ривожланиш тарихини ёзишга биринчилар қаторида қўл урган олим эди.

Олимнинг “Хоразмда тиббиёт” (Тошкент, 1971) номли рисоласида XX аср бошларида Хивада очилган дастлабки касалхона (1913), воҳада ишлаган В.Шумейко (1901), А.Ф.Ансимов (1913-1916), Г.Ж.Асфандиёрова (1913-1916), И.И.Орлов (1920), Н.Николаев (1925-1932) каби врачлар фаолияти ҳақида маълумотлар бор. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда тиббиётни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида вилоятдаги даволаш ва профилактика муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, уларда ишлаётган врачлар ва ўрта махсус маълумотли ходимларнинг сонин

кескин равишда ўсди. Вилоят тиббиёт ходимларининг фаолиятини ташкил қилишда О.Абдуллаев ҳам улкан хизматлари бор эди.

#### **4.2.2.18. Сиддиқов Халил (1914-1987). (Физика-математика фанлари номзоди, доцент).**

Хива шаҳрида тугилган. XX аср 50-йилларидага Хоразмда кўзга кўринган олимлардан бири. Хоразмда математика ва астрономия фанларини ўқитишда катта ҳисса қўшган олим. Отасидан ёш етим қолиб Хива болалар уйида тарбияланган. Хива педагогика техникуми (1932) ва Самарқанд давлат университетини тугатган (1944). Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Кейинги йилларда Хоразм давлат педагогика институти математика кафедраси мудирини ва физика-математика факультет декани лавозимларида ишлаган. Буюк ўтмишдош олимлар Фахриддин Розий ва Умар Чағминийларнинг илмий меросларини ўрганган. Илмий ижод билан шуғулланиб 50 босма табоқдан ортиқ илмий ишлар нашр қилдирган.

1979 ва 1983 йилларда Хоразмда ўтказилган математиклар симпозиумларида фаол иштирок этган. “Хурмат Белгиси” ордени, Қори Ниёзий номидаги медал ва “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими” фахрий унвони билан тақдирланган. Номига Урганч давлат университети қошидаги академик лицей қўйилган.

#### **4.2.2.19. Абдуллаев Ҳамдам филология фанлари доктори, профессор.**



Бугунги ўзбек адабиётшунослигининг кўзга кўринган вакилларида бири Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Ҳамдам Жуманиёзович Абдуллаевдир. Ҳамдам Жуманиёзович Абдуллаев 1939 йил 15 августда Хоразм вилояти Шовот туманида зиёли оиласида таваллуд топган.

1956 йилда Хоразм давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кириб, уни имтиёзли диплом билан тугатган. Меҳнат фаолиятини Шовот туманидаги мактабларда тил ва адабиёт фани ўқитувчилигидан бошлаган. Сўнгра 1963 йилдан то бугунги кунгача Хоразм давлат педагогика (бугунги УрДУ) институтида ёшлар ташкилотининг сардори, кафедрада ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор даражасида, шунингдек, кафедра мудири, проректор (1964-1981) лавозимларида хизмат қилди. 1981-1983 йилларда докторантурада бўлиб, илмий-тадқиқот ишлари билан шугулланди. Кейинги йилларда эса факультет декани ва ўзбек адабиёти кафедраси мудири ва айни вақтда Хоразм Маъмур академиясининг етакчи илмий ходими вазифаларини адо этди. Ҳозирги кунда эса кафедра профессори сифатида малакали илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Проф. Ҳамдам Абдуллаев илмий фаолиятида ўзбек адабиётшунослигининг энг долзарб йўналишларидан бири халқлар адабиёти алоқалари ва ўзаро таъсир масалаларини тадқиқ этиш, Хоразм адабий муҳитининг оғзаки ва ёзма анъаналарини, унинг намоёндалари ижодини ўрганиш асосий ўрин тутди. Олимнинг ижодида қардош туркман халқининг классик шоири Махтумқули ижоди алоҳида ўрин тутди. “Махтумқули ва ўзбек адабий муҳити” монографиси, “Махтумқули ва Хоразм шоирлари”, “Махтумқули ва Хоразм бахшилари”, “Махтумқули сиймоси ва Хоразм ривоятлари” каби илмий мақолалари фикримизнинг далилидир. Айнан шу йўналишда олим 1969 йилда Ашхободда “Махтумқули ва ўзбек адабиёти” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлайди. У ўз илмий изланишларини давом этдириб, 1988 йилда “Ўзбек қорақалпоқ эпоси алоқалари ва типологияси” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. Профессор сермахсул олимлардан. Унинг фолклор ва ёзма адабиёт масалаларига бағишланган 18 та алоҳида китоблари, 150 дан зиёд илмий оммабоп мақолалари фикримизнинг далилидир. Улардан 8 таси монографиялардир. Проф. Ҳамдам Абдуллаевга 1999 йилда “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони берилган. Унинг кўплаган монографиялар ва мақолалари мустақиллик даврида яратилган асарларидир. “Ҳайрат бўстони”

(2001), “Ғафур Ғулом ва Хоразм” (2003), “Сўз сехри” (2005), “Эркин Воҳидов-замонамиз классиги” (2006), “Комил Девоний” (2007), “Бадиий сўз файзи” (2009) китоблари фақатгина Хоразмда эмас балки республикадаги кенг китобхонлар оммасига яхши таниш.

Проф. Ҳамдам Абдуллаев ўзбек адабиёти ва фолклоридан чуқур билимга эга истеъдодли шогирдларнинг устозидир. Унинг раҳбарлигида 13 та номзодлик ва 10 та магистрлик диссертациялари тайёрланди ва муваффақиятли ёқланди. Проф. Ҳамдам Абдуллаев 1984 йилдан бери Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг аъзоси. “Олий ва ўрта махсус таълим фидойиси” (1999) нишондоридир. Бугунги кунда олим 2 та докторлик диссертациясига илмий маслаҳатчилик қилмоқда.

#### **4.2.34. Бобожонов Ортиқбой Ўрозбоевич. Иқтисод фанлари доктори, профессор.**



Ўзбекистон Республикаси иқтисодчи олимлари орасида бухгалтерия ҳисоби йўналиши бўйича профессор Ортиқбой Ўрозбоевич Бобожоновнинг алоҳида катта хизматлари бор. Ўзининг унча ўзок бўлмаган умр йўлида профессор Ортиқбой Бобожонов Тошкент давлат иқтисодиёт университетида намунали педагогик фаолият кўрсатиши билан бирга, ўз мутахассислиги — бухгалтерия ҳисоби фани юзасидан бир неча ўлмас асарлар яратди. Бу асарлар бугунги кунда ҳам республикамиз иқтисо-диётининг бўлғуси мутахассислари — талабалар учун бутакрор ўқув қўлланмалари бўлиб ҳисобланадилар. Ортиқбой Бобожонов 1945 йилда Хоразм вилояти Гурлан туманининг Вазир қишлоғида туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институтини бухгалтерия ҳисоби факультетини тугатган. Айнан шу йўналишда номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаган. Шуниси таҳсинга сазаворки, Ортиқбой Бобожонов иш фаолиятини Тошкент халқ хўжалиги

институтини (Тошкент давлат иқтисодий университетини)да бошлаб, то умрининг охиригача шу жамоада ҳалол меҳнат қилган.

Олдин кўрсатганимиздек, профессор Ортиқбой Ўрозбоевич Бобожоновнинг олийгоҳ талабалари учун ёзган йирик асарлар «Молиявий ҳисоб» ва «Бошқарув ҳисоби» асарлари бухгалтерия илмини мукамал ўрганишда ёшларимиз учун бетакрор қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари Ортиқбой Бобожонов республикамызда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг янги миллий стандартларини ишлаб чиқариш ва амалиётга тадбиқ қилиш борасида лойиҳалари фаол иштирок этган. Профессор Ортиқбой Бобожонов 2007 йилда вафот этган. Азиз ҳам касб дўстимизнинг охирати обод бўлғай!!!

#### **4.2.2.20. Содиқов Отабой.**

1928 йилда туғилган. Тарих фанлари доктори (1966), профессор (1967). Тошкент давлат университетини «Социология» кафедрасини мудирини бўлиб ишлаган. Хива педагогика билим юрти (1944), Хоразм давлат педагогика институтини ўқиган (1944-1945). Ўрта Осиё давлат университетини тугатган (1950). СССР ФА тарих институтини аспирант (1951-1954). Ўрта Осиё давлат университети «СССР халқлари тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси (1954), доцент (1956-1966), Тошкент давлат университети «Ўзбекистон тарихи» (1966), «Илмий коммунизм» ва «Сиёсатшунослик» кафедралари мудирини бўлган (1965-1992). Ўзбекистон тарихини ёритиш ишига салмоқли ҳисса қўшган олим. «Россиянинг Хива устидан ҳукмронлигини ўрнатилишининг иқтисодий оқибатлари» номзодлик (1954), «XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Россия ва Хива ўртасидаги иқтисодий муносабатлар» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган (1965). Илмий ишлари асосан Хоразм тарихига бағишланган. Республикада тарихчи мутахассислар тайёрлаш ишларига катта ҳисса қўшган. Тош ДУ қошидаги тарих фанидан номзодлик диссертациясини ёқлаш учун ташкил қилинган махсус иқтисослаштирилган Кенгаш раиси (1993-1995) бўлган.



#### 4.2.2.21. Сафаев Абдулла Собирович.

Ўзбекистоннинг XX аср иккинчи ярмидаги кўзга кўринган олимлардан бири, иқтисод фанлари доктори (1969), профессор (1982). 1931 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иқтисод институтида бош илмий ходим бўлиб ишлаган. Ўрта Осиё давлат университетини тугатган (1955) ва СССР ФА иқтисод институтида аспирантурада ўқиган. Ўз ФА математика ва кибернетика институтларида катта илмий ходим, иқтисод институтида бўлим мудирини бўлиб ишлаган. Ўзбекистонда илмий кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшган. 20 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилган.

#### 4.2.2.22. Собиров Ражаббой.

Фармацевтика фанлари доктори (1992). 1936 йилда туғилган. Тошкент фармацевтика институтини тугатган (1960). Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Хива сил касалликлари диспансерида аптекадан бошлаган. 1961-1969 йилларда Хонқа туманидаги 441 ва 507-сонли дорихоналарни ташкил этган ва уларга мудирлик қилган. Кейинчалик фармацевтика институтида ассисент ва аспирант (1969-1974), Хоразм вилояти аптекалари бошқармасига қарашли 168-сон аптека мудирини (1974-1978) республика “медтехника” савдо-ишлаб чиқариш бошқармаси Хоразм вилояти бўлими бошлиғини (1978-1996). Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч бўлими “Фармакология” кафедрасини мудирини (1993-1995) лавозимларида ишлаган. Илмий фаолият билан шуғулланган. 50 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган ва 5 та кашфиёти рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси “Мустақиллик нишони” билан тақдирланган. Хоразмда ўсадиган доривор ўсимликларни кўпайтириш борасида катта ишлар қилган.

#### 4.2.2.23. Қаландаров Нураддин Хўжаевич (1914-1980). Тарих фанлари доктори, профессор.

Н.Х.Қаландаров 1914 йилнинг 25 октябрида Хоразм вилояти Хонқа туманидаги Намуна қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У умумтаълим мактабида ўқиб билим олгач, меҳнат фаолиятини 1932 йилда бошланғич мактабда ўқитувчилик қилишдан бошлади. Армия сафида хизмат вазифасини ўтагандан кейин 1934 йилда Хоразм ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт факультетини тамомлади. Унда педагогга хос хислатлар, ўз билимини доимий равишда кенгайтириш ва чуқурлаштиришга интилиш мужассам эди. Н.Х.Қаландаров қатор йиллар мобайнида Хонқа туманидаги Пушкин номи ўрта мактабда илмий бўлим мудири, директор бўлиб ишлади. 1942-1944 йилларда Хонқа туман маориф бўлимига мудирлик қилди. Кейинчалик Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетини тамомлади. 1946-1953 йилларда Н.Х.Қаландаров Хоразм Давлат педагогика институтининг ректори лавозимида ишлади. 1953 йилдан 1956 йилгача Ленинград университети қошидаги ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтида ўқиди ва КПСС тарихи бўйича кандидатлик диссертациясини ёқлади. Институтни тамомлагандан кейин яна Хоразм Давлат педагогика институтининг ректори бўлиб ишлади. Н.Х.Қаландаров 1959 йилда Хоразм вилоят партия кўмитасининг қотиби қилиб сайланади. У ана шу вазифасида 1963 йилгача ишлади. Ўзбекистон компартияси Марказий кўмитаси аъзолигига кандидат қилиб сайланди. 1963 йилнинг июль ойидан бошлаб, Н.Х.Қаландаров яна илмий ва педагогик фаолиятини давом эттиради. 1967 йилнинг ноябрида педагогика институтининг КПСС тарихи кафедрасига мудир қилиб сайланди. У ана шу бўлимга ҳаётининг охиригача раҳбарлик қилди. Н.Х.Қаландаров самарали илмий тадқиқот ишларини олиб борди. “Хоразм Коммунистик партиясининг ташкил топиши ва фаолияти (1920-1924 йиллар)” мавзусидаги йирик монографиясини ёзди. У ана шу мавзу юзасидан докторлик диссертациясини ёқлади. Олимнинг ана шундан кейин эълон

қилинган қатор илмий ишларида Хоразм партия ташкилотининг иш фаолияти чуқур ёритилди. Н.Х.Қаландаров педагог кадрларни тайёрлаш юзасидан катта ишлар олиб борди. Олим ўзининг илмий ва педагогик ишини ижтимоий фаолият билан қўшиб олиб борди. Н.Х.Қаландаров бир неча марта вилоят ва Урганч шаҳар партия кўмиталарининг аъзолигига, бошланғич партия ташкилоти котиблигига сайланди. Н.Х.Қаландаровнинг хизматлари муносиб тақдирланди. У “Меҳнат Қизил Байроқ” ва “Хурмат Белгиси” ордени, “Шавкатли меҳнати учун” медали, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиуми вилоят партия кўмитасининг Фахрий ёрликлари билан мукофотланди.

#### 4.2.2.24. Жуманиёзов Ражаб (1928-1997)

##### Тарих фанлари доктори, профессор.



Р.Жуманиёзов 1928 йил 31 декабрда Хива шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган. 1933 йилда Хива шаҳридаги Ворошилов номи мактабда ўқишни бошлаб, уни 1945 йилда тамомлаган. Р.Жуманиёзов 10-синфда ўқиб юрган давридаёқ ўзи ўқиётган мактабда ёшлар етакчиси сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган. 1946 йил январдан 1947 йил августгача Хива Госсортфонди пунктининг бошлиғи лавозимида ишлаган. 1947 йилда Самарқанддаги А.Навоий номи Ўзбекистон Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, 1952 йилда уни аъло баҳолар билан тамомлаган. Кейин М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети қошидаги ижтимоий фанлар ўқитувчилари тайёрлаш курсининг фалсафа бўлимига ўқишга юборилган. Курсни тамомлагандан кейин 1959 йил ноябргача Хоразм давлат педогогика институти марксизм-ленинизм асослари кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 1957 йил сентябрдан 1958 йил январгача Киевдаги

Т.Шевченко номли университет қошидаги ижтимоий фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтида таҳсил олган. 1959 йил ноябрдан 1961 йил ноябргача Хоразм вилоят партия кўмитасининг маърузачилар гуруҳига раҳбарлик қилган. 1961 йил ноябрь ойдан 1963 йил майгача Москва Давлат университети қошидаги КПСС тарихи бўйича аспирантурада ўқиди ва шу мутахассислик бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. 1963 йил май ойдан 1975 йил 25 октябргача Хоразм вилояти партия кўмитасининг секретари лавозимида ишлади ва ижтимоий маданий соҳаларга раҳбарлик қилди. Бир неча бор халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашларига депутатликка сайланди. Деярли 15 йил давомида (1975 йил 26 октябрдан 1990 йил 5 январгача) Хоразм давлат педагогика институтига ректорлик қилди. Профессор Р.Жуманиёзов юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш, вилоят ва республика миқёсида халқ таълими соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Институт талабаларининг яхши ўқиши, ҳордиқ чиқариши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун зарур шарт-шароитларни яратишга бош қош бўлди. Олийгоҳлар ичида биринчилардан бўлиб талабалар, профессор-ўқитувчилар учун профилактория-сиҳатгоҳ замонавий ётоқхоналар ва катта мажлислар зали куриб ишга туширилди. Профессор Р.Жуманиёзовнинг қилган ишлари ва самарсли меҳнати муносиб тақдирланди. У “Хурмат Белгиси” (1965), “Меҳнат Қизил Байроқ” орденлари соҳибидир. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг қатор Фахрий Ёрликлари, “Халқ хўжалиги ютиқлари” кўргазмасининг бронза ва кумуш медаллари билан тақдирланган. Ўзбекистон ССР халқ таълими аълочиси. Проф. Р.Жуманиёзов-раҳбарлик ва педагогик фаолияти билан бир қаторда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ҳам самарали меҳнат қилди. 3 та монография, 20 дан ортиқ брошюра, журналлар ва газета саҳифаларида эълон қилинган умумий ҳажми 157 босма табоқни ташкил қиладиган ишлари шулар жумласидандир. Проф. Р.Жуманиёзов жамоат ишларида ҳам фаол иштирок қилди. Бир неча йиллар “Педагогика” ва “Билим” жамиятларини жамоатчилик асосида бошқарди. У ҳақиқий олим, инсонпарвар раҳбар, мулоқот ва муомала маданиятини зарур

даражада эгаллаган. Р.Жуманиёзов бошлаган ишлари ва орзуларини унинг шогирдлари давом килдирмоқда.

#### **4.2.2.25. Матниёзов Матёқуб. (Тарих фанлари номзоди, профессор).**

Профессор Матёқуб Матниёзов 1927 йил 1 сентябрда Хива шаҳрида хунарманд оиласида таваллуд топган. 12 ёшигача ўз оиласида тарбияланган. Хива туманидаги “Коммуна” мактабида ўқиган. Кейин Хива шаҳар меҳрибонлик уйида тарбияланган ва ўқишни давом эттирган. 1939 йилдан 1942 йилгача Ҳазорасп туманидаги Пушкин номи мактабда ўқиган ва Ҳазорасп пахта заводида чилангар шогирди бўлиб ишлаган. 1942 йилда Урганч пахта заводи қошида очилган 3 ойлик саводсизликни тугатиш курсини битказиб, бешинчи даражали чилангар мақомини олган. 1943-1944 йилларда Хива педагогика билим юртида ўқиган ҳамда туманда курилайётган ёғ заводида чилангар бўлиб ишлаган. Хива педагогика билим юртини 1944 йилда битказган. 1945 йилдан 1949 йилгача Ўрта Осиё Давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олган. 1950 йилда Ўзбекистон Маориф вазирлигининг йўлланмаси билан Хоразм Давлат педагогика институтига тарих ўқитувчиси қилиб юборилган. 1950 йил 15 августдан 1953 йил сентябргача марксизм-ленинизм кафедрасининг ўқитувчиси, 1953-1954 йиллар давомида Хоразм Давлат педагогика институти тарих-филология факультетини декани лавозимида ишлаган. 1955-1958 йиллар мобайнида Москва давлат университетининг аспиранти, 1958-1960 йилларда Хоразм давлат педагогика институти марксизм-ленинизм кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1960-1961 йилларда рус тили ва адабиёти факультетининг декани, 1964-1973 йилларда Хоразм давлат педпгогика институтининг ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори лавозимларида ишлаган. 1974-1986 йилларда кафедра мудири. 1990 йилдан Ўзбекистон тарихи бўйича профессор илмий унвонига сазовор бўлган. 1974 йилдан 1987 йиллар мобайнида Тошкент, Киев, Ленинград университетлари қошидаги ижтимоий фанлар ўқитувчиларнинг малакасини ошириш

институтларида малака оширган. 1988-1992 йилларда Хоразм Давлат педагогика институти қошидаги халқ таълими педагогларининг малакасини ошириш факультети декани, 1990-2002 йилларда жаҳон тарихи кафедраси мудир лавозимларида ишлаган. Профессор М.Матниёзов ўзининг ярим асрлик илмий педагогик фаолиятини давомида минглаб педагог кадрлар тайёрлашда фаол иштироқ қилган. Профессор М.Матниёзов 6 та монография, 4 та илмий-услубий ўқув кўллаималари, 50 дан зиёд илмий, илмий-оммабоп мақолалар муаллифи. 1986 йилда Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши депутатлигига сайланди. 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан профессор Матёқуб Матниёзовга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълим ходими” фахрий унвони берилган. Ҳозирги кунда тарих кафедрасининг профессори сифатида талабаларга дарс бериш билан бир қаторда ўнлаган ёш кадрларни тайёрлашда, магистрлик диссертацияларига ва битирув малакавий ишларига илмий раҳбарлик қилишда фаол катнашмоқда.

#### **4.2.2.26. Сотлиқов Абдулла. (Тарих фанлари номзоди, профессор).**

Сотлиқов Абдулла Янгибосвич 1929 йилда Хоразм вилоятининг Шовот туманида ўқитувчи оиласида таваллуд топди. Отаси Янгибой Сотлиқов иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, жангда оғир яраланган ва 1950 йили шу жароҳат туфайли вафот этган. А.Я.Сотлиқов Урганч шаҳридаги Максим Горкий номи мактабини тамомлагач, 1943-1944 ўқиш йили Хоразм Давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга қабул қилинди. Институтда проф. Х.Иноятлов, Х.Абдуллаев, доцент Тохирий, Х.Сиддиқов, О.Явбосаров каби этук муаллимлар қўлида таҳсил олди. Уруш даври ва урушдан кейинги оғир қийинчиликларга қарамай, институтда барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиди. 1949 йили ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлаб, илмий кенгаш қарорига биноан ХДПИ да тарих кафедрасида ўқитувчи қилиб ишга қолдирилди. 1949 йилдан то ҳозиргача дастлаб ХДПИ да, 1992 йилдан эса шу

институт негизида ташкил этилган Ал-Хоразмий номли Урганч Давлат университетида узлуксиз 58 йилдан буён ўқитувчилик қилиб келаяпти. Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтида сиртдан аспирантурани тамомлади. 1967 йили академик Яҳё Ғуломов раҳбарлигида “Хоразмда ирригациянинг тараққиёти (1917-1941 йиллар)” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва тарих фанлари номзоди илмий даражасига ҳамда кафедра доценти унвонига мушарраф бўлди. Педагогик фаолияти давомида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва кафедра доценти лавозимларида ишлаб келмоқда. Узоқ йиллар тарих кафедрасида Ўзбекистон халқлари тарихидан дарс берди. 1999 йилдан буён Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти кафедрасида доцент, 2003 йилдан кафедра профессори вазифасида ишлаб келмоқда. Абдулла Янгибоевич 1967-1980 йилларда ХДПИ да тарих кафедраси мудири ва табиатшунослик факультети декани лавозимларида ишлаб, институтда таълим ва тарбия ишларининг самарадорлигини оширишга катта хисса қўшди. Узоқ йиллар институтнинг жамоат ташкилотларига ҳам раҳбарлик қилди. Ўзининг меҳнат фаолияти давомида чуқур билими, меҳнатсеварлиги, ташаббускор ва ташкилотчилиги, маъсулиятни чуқур ҳис қилиши, ахлоқи ва одоби билан алоҳида ажралиб турганлиги боис университет педагоглари ва талабалар жамоаси орасида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди.

Маъруза ва амалий машғулотларни ҳозирги талаб даражасида ташкил этишга, ёшларни миллий истиқлол гоилари руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берган. Абдулла Янгибоевич педагогик фаолиятини илмий тадқиқот изланишлари билан қўшиб олиб борди. Олийгоҳда узоқ йиллар “Хоразм тарихи ва маданиятини ўрганиш” илмий-тадқиқот лабораториясига, талабалар илмий жамиятига, магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилиб келган. Хоразм тарихи, фани ва маданияти, ирригация тарихи юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борган. Унинг 20 дан зиёд монография, рисола, ўқув қўлланмалари ҳамда бир юздан ортиқ илмий мақолалари нашр қилинган. Нашр қилинган асарлари илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган. Асарлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида эълон

қилинган, катта хорижий давлатларга (АҚШ, Франция, Германия, Хитой, Жанубий Корея каби) ҳам тарқатилган. Айниқса, ҳамкорликда ёзилган икки жилдлик “Хоразм тарихи” (1997), “Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангуберди” (1999), “Авесто-бебаҳо маданий мерос” (2000), “Хоразм Маъмун академиясининг тарихий илдизлари” (2003), “Сайид Исломхўжа” (2005), “Хоразм Маъмун академияси” (2006) ва бошқалар мустақиллик даврида ёзилган ва олимга шуҳрат келтирган асарлардир. Олимнинг кўпгина илмий-маърифий мақолалари “Ўзбекистон овози”, “Туркистон”, “Ўрта Осиё маданияти”, “Хоразм ҳақиқати” газеталарида чоп этилган. Абдулла Янгибоевич узоқ йиллик фидокорона меҳнати, илмий-тадқиқот ва жамоат ишларида фаол иштироки учун ҳукумат томонидан “Фидокорона меҳнати учун” (2006) ордени, 2001 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони ва “Ҳурмат белгиси” (1989) ордени, “Шуҳрат” ва “Меҳнат фахрийси” медаллари ҳамда бир қанча фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Устоз педагог 2012 йилда вафот этди.

#### **4.2.2.27. Эшчанов Рўзимбой биология фанлари доктори, профессор.**

1956 йилда тугилган. Эшчанов Рўзимбой – 1980 йилда Тошкент давлат университетининг муваффақиятли тамомлагандан сўнг, 1981 йилдан меҳнат фаолиятини шу университетда муҳандис вазифасидан бошлаб, 1982-1988 йилларда кичик илмий ходим, кейинчалик катта илмий ходим вазифаларида ишлаган. 1985 йилда Москва молекуляр-кимёвий технология институтида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1988 йилда Урганч шаҳридаги 17-сонли умумтаълим мактабида ўқитувчи вазифасида ишлаган. 1989-1992 йилларда Хоразм вилояти халқ таълими бўлимига қарашли илмий-ихтисослашган мактабда катта ўқитувчи вазифасида ишлаган. Р.Эшчанов 1992 йилдан меҳнат фаолиятини Урганч давлат университетида давом эттириб, тарбиявий ишлар бўйича проректор лавозимида ишлаган. 1992-2006 йилдан ўқув ишлари бўйича



проректор лавозимида иш бошлаган. 2007 йил январ ойидан Урганч давлат университети ректори лавозимига тайинланган. 2007 йил март ойидан ўриндошлик асосида Хоразм Маъмун академияси раиси, 2007 йил июлдан ФА-А7-ТО28 шифрли илмий лойиҳа раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда. У 2008 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, биология фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. Р.Эшчанов 2007-2011 йилларда Хоразм Маъмун академиясидаги 3 та илмий тадқиқот грант лойиҳалари хусусан, “Хоразм давлатчилиқ тарихи (энг қадимги даврдан 1924 йилгача)”, “Хоразм вилояти шўрланган ерлари шароитида фаол штамм микрохужайраларни яратиш”, “РАХМАД” гўзасининг янги турини яратиш ҳозирги даврда давлат экспертизасидан ўтказилмоқда) каби лойиҳаларнинг раҳбари ва иштирокчиси бўлди. Шунингдек, йўқолиб бораётган балиқ тури бўлган “Амударё сохта курак бурун” майда балиқларни кўпайтириш ва йўқолган “Орол шипи” балиқ турини қайта тиклаш лойиҳасига ҳам раҳбарлик қилмоқда. Бевосита унинг саъй-харакатлари билан “Фан-таълим ишлаб чиқариш” интеграциясини мустаҳкамлаш йўлида тули фан соҳалари бўйича кўплаб олимларни қамраб олган Хоразм Маъмун академияси ёшларнинг таълим марказига ҳам айланган. Университет ва академия олимларининг ҳамкорлигида яратилган инновацион ғоялар ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда. Р.Эшчанов 180 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар муаллифи бўлиб, уларнинг 35 таси “Biology Science”, “Springer”, “Journal of Knowledge Management, Economics and Information Technology ” каби нуфузли хорижий нашрларда чоп қилинган. Шунингдек, 7 та дарслик ва ўқув қўлланмаси хусусан, “Табий фанларни ўқитишда экологик таълим ва тарбия” (2000 йил), “Термитларга қарши кураш профилактик тадбирлар” (2001 йил), “Экология асослари” (2004 йил), “Термитлар билан кураш бўйича тавсиялар” (2007 йил), “Глобал иқлим ўзгариши ва Ўзбекистон шароитида унинг оқибатларидан ҳимоялаш йўллари” (2010 йил), “Сайдана дурдоналари” (2011 йил),

“Хоразм давлатчилиқ тарихи” (нашрда), Ўзбекистон Республикаси Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари учун “Экологик муаммолар ва раҳбар маъсулияти” ўқув дастури қабилар муаллифи. Р.Эшчанов илмий раҳбарлигида Ғ.К.Якубовнинг “*Indigofera Tinctoria L* ўсимлигини етиштиришнинг агроэкологик ва биотехнологик хусусиятлари” мавзуси бўйича қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси ҳимоя қилинди. 2012 йилда Р.Эшчанов “ОЎЮ бошқарувини такомиллаштириш жараёнида замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш” мавзусидаги лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Фонд Форумининг педагогик грантлар танлови ғолиби бўлди. Р.Эшчанов Германиянинг Бонн университети билан ҳамкорликда 2002-2012 йилларда Урганч Давлат университетида амалга оширилаётган умумий ҳажми 13 млн еврога тенг “Хоразм вилоятида ер ва сувдан фойдаланишнинг иқтисодий ва экологик қайта қуриш” мавзусидаги ЗЕФ/ЮНЕСКО йирик илмий тадқиқот лойиҳасининг ташкилотчиларидан бири ва миллий координатори ҳисобланади. Чунончи, бевосита унинг раҳбарлигида университетда амалга оширилаётган халқаро лойиҳаларнинг умумий моливий ҳажми 2005 йилдаги 842,3 млн сўмдан 2010 йилда 1,806 млрд сўмга етди. Бу эса таълим ва илми тадқиқотчилик фаолиятидаги корпорация ва халқаро ҳамкорликни самарадорлигининг яққол ифодасидир. Ҳозирги даврда университетда қатор илмий ва таълим лойиҳалари амалга оширилаётган бўлиб, уларнинг кўпчилиги ўқув тарбиявий ишларни модернизациялаш, сифат жиҳатдан янгилаш, инновацион ҳамкорликни мустаҳкамлаш жараёнида асосий ўрин тутади.

#### 4.2.2.28. Сатишов Ғайипназар Матвапаевич.



Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор 29.04.1948 йил Хоразм вилояти Урганч тумани Чаккашоликор қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1972 йил Хоразм Давлат педагогика институтини “Биология” факултетини тугатган. 1982 йилда “Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди” илмий даражасини олиш учун илмий тадқиқот ишини муваффақиятли химоя қилган 1987 йилда доцент унвонига сазовор бўлган. 1999 йилда “Қишлоқ хўжалик фанлари доктори” илмий даражасини олиш учун илмий тадқиқот ишини муваффақиятли химоя қилган. 2006 йилда Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий аттестация комиссияси (ОАК) томонидан ўсимликшунослик мутахассислиги бўйича профессор унвонига сазовор бўлган. 1 та дарслик, 3 та монография, 8 та ўқув-услубий қўлланма, 160 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

#### 4.2.2.29. Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич Физика-математика фанлари доктори, профессор.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, 1971 йил 23 июлда Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманида туғилган. 1987 йили Тошкент шаҳридаги Республика ёш физик ва математиклар мактаб интернатини тугатган. 1987 йили М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети “Механика-математика” факультетига ўқишга кириб, уш бу олий ўқув юртини 1992 йили тугатган. 1993 йилдан бери Урганч давлат университетиде ишлаб келмоқда. 2001 йил Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги математика иститутиде номзодлик диссертациясини химоя қилган. 2007 йил Ўзбекистон миллий университетиде докторлик диссертациясини химоя қилган. Германия, Италия, Испания,

Украина, Россия давлатларининг илғор университетидида илмий маърузалар қилган. Битта фан номзоди тайёрлаган.

#### 4.2.2.30. Қутлиев Учқун Отобоевич

#### Физика-математика фанлари доктори, профессор.

Қутлиев Учқун Отобоевич, 1972 йил 16 майда Хоразм вилояти Янгиариқ туманида туғилган. 1979-1989 йилларда Янгиариқ туманидаги 16-ўрта мактабда таҳсил олган. 1989 йилда Тошкент политехника институтининг “Физикавий электроника” кафедрасига ўқишга кириб, 1994 йилда Тошкент давлат техника университети имтиёзли диплом билан тугатган. Ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг электроника институтида бошлаган. 1994-1995 йилларда стажёр-тадқиқотчи, 1995-1998 йилларда кундузги аспирантурада ўқиган, 1998-1999 йилларда кичик илмий ходим сифатида иш фаолиятини олиб борган. 2000 йилнинг январь ойидан бошлаб Урганч давлат университетида илмий бўлим мудири, “Физика” кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган. 2002 йил АҚШнинг Пенсильвания давлат университети илмий изланишлар олиб борди. 2003-2010 йилларда “Умуминженерлик фанлари” кафедраси мудири, кафедра доценти лавозимларида ишлаган. 2010-2011 йил апрель ойигача “Физика” кафедраси мудири лавозимида ишлаган. 2011-2012 йилларда ТАТУ Урганч филиали директори лавозимида ишлаган. 2012 йил сентябр ойидан Урганч давлат университети “Физика” кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқда. 1999 йилда “GaP (100) сиртига кичик бурчак остида йўналтирилган Ag<sup>+</sup> ва Ne<sup>+</sup> ионларининг сочилишини компьютерда моделлаштириш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2010 йил эса “GaP (100) ва муз монокристалларининг сиртини Ne<sup>+</sup> ва Ag<sup>+</sup> ионлари билан бомбардимон қилганда ионларнинг сочилишини ва сиртни кластер кўринишида чангланишини компьютерда моделлаштириш” мавзусидаги докторлик диссертацияси ЎзРФАнинг электроника институтида ҳимоя қилган. Ф.-м.ф.д. У.О.Қутлиев бир нечта чет эл грантлари соҳиби бўлган. 2003

йилда IMG TEMPUS, ICTP(India) ва INTAS грантларини сохиби бўлган. 2004 йилда Нобел лауреатларининг Германияда бўлиб ўтган 54- йиғилишида қатнашди, ҳамда шу йили Кембридж университетининг гранти бўйича Резерфорд лабораториясида илмий изланишлар олиб борди. Шу йили НАТОнинг ёш олимлар грантини ютиб Сицилияда Халқаро йиғилишида маъруза билан қатнашди. 2005 йил Либре университетининг (Бельгия) грантини 2006 йилда эса Вена Технологиялар университети (Австрия)нинг грантига сазовор бўлган. 2012-2013 йилларда ф.-м.ф.д. У.О.Кутлиев томонидан 2та монография Германияда чоп этилди. Шу кунгача 80 дан ортиқ илмий нашрлари бор, шулардан 24 таси халқаро нашриётларда чоп этилган илмий мақолалардир.

#### **4.2.2.31. Раҳмонов Каримберган (1942-1998).**

Тарих фанлари доктори, профессор К.Раҳмонов 1942 йил 22 февралда Урганч шаҳрида туғилган. У ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Хоразм давлат педагогика институтига (ҳозирги Ал-Хоразмий номли Урганч давлат университети) ўқишга киради. 1967 йилда мувафакқиятли битказди. К.Раҳмоновдаги илмга бўлган ташналик ва қизиқиш уни фан оламига етаклади. Тинимсиз илмий изланишлари туфайли, 1974 йилда “Чоржўй – Кўнғирот темир йўлнинг Хоразм воҳаси учун халқ хўжалигидаги аҳамияти” мавзусида номзодлик диссертациясини мувафакқиятли ҳимоя қилади. У 30 йилга яқин ёшларга ўтмиш тарихидан ва Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича сабоқ берди. Хоразм, Туркменистон Республикасининг Тошҳовуз вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси учун педагогик кадрлар тайёрлашга ўзининг катта ҳиссасини қўшди. К.Раҳмонов ўзининг қимматли маслаҳатлари ва амалий ёрдами билан университетимиз ёш ўқитувчилари ва талабаларининг ҳурматиغا сазовор бўлган ажойиб инсон эди. Илм-фан тараққиёти йўлидаги тинимсиз машаққатли меҳнати туфайли Каримберган Раҳмонов 1990 йилда “Қишлоқ социал структураси ўзгаришига аграр сиёсат таъсири” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. К.Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон

бўлими қошидаги тарих фани бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш кенгашининг аъзоси сифатида ёш олимлар тайёрлашда фаол иштирок этди. Унинг кўплаб монография, рисола, услубий кўлланма ва илмий мақолалари чоп қилинган.

#### **4.2.2.32. Маҳмудов Мадирим Тарих фанлари доктори, профессор.**

Хоразмнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётининг кўп қирраларини тарих фани саҳифаларида муҳрлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимлар орасида тарих фанлари доктори, профессор М.Маҳмудовнинг ўз ўрни бор. У ўзининг 40 йилдан ортиқ умрини Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш ва ёш авлодга ўргатишдек савобли ишга бахшида қилиб келмоқда. М.Маҳмудов 1950 йил 24 февралда азим Амударё соҳилидаги Тошсоқа посёлкасида таваллуд топди. Бошланғич таълимни посёлкадаги мактабда олиб, 1966 йилда Ҳазорасп туманининг Янгибозор қишлоғидаги ўрта мактабнинг 11 синфини тугатган. Ёшлигидаги орзуси уни Тошкент давлат университетига етаклади. Натижада кундузги бўлимга танлов балли етмаган М.Маҳмудовга сиртдан ўқиш таклиф этилди. Қишлоққа қайтгач, у жонажон мактабида катта пионер вожатий, “Туямўйинқурилиш”да электрик, Тошкент самолётсозлик заводида тракторчи бўлиб ишлади. 1972 йилда ТошДУни тугатгач, бир йиллик ҳарбий хизматни Тинч океан флотига ўтади. Тошкентга қайтгач, 156-мактабда қисқа муддат тарих фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1974 йил февралдан Тошкент давлат тиббиёт институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1982 йилдан Тошкент политехника институтида доцент, 1988 йилдан Ўзкомпартия МК хузуридаги партия тарихи институтида катта илмий ходим, 1990 йилдан ЎзФА тарих институтида етакчи илмий ходим, 1992 йилда Биринчи Тошкент тиббиёт институти Урганч филиалида ижтимоий фанлар кафедраси мудири, 1995-1998 йилларда Урганч давлат университети профессор ва кафедра мудири, 1998 йилдан

Биринчи Тошкент тиббиёт институти Урганч филиалида ижтимоий фанлар кафедраси мудир лавозимларида ишлаган. 2006 йилда Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилгандан кейин ҳам М.Маҳмудов малакали врачларни тайёрлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу билан бир қаторда кейинги ўн йилдан ортиқ вақт давомида унинг Урганч банк коллежи ва УрДУда тарихчи мутахассисларни тайёрлашда ўз улуши борлигини қайд қилиш лозим. Юқоридаги меҳнат фаолияти билан бир қаторда М.Маҳмудов изланувчан тадқиқотчи сифатида тарих фанининг долзарб муаммоларини ўрганиш ишида фидойилик кўрсатди. Оқибатда оддий бир ишчи оиласидан чиққан элдошимиз тарих фанлари доктори даражаси ва профессор унвонига сазовор бўлди. Бугунги кунда олимнинг 10 дан ортиқ монографиялари ва 100 га яқин илмий мақолалари чоп этилган.

#### **4.2.2.33. Абдуллаев Озод Бегназарович. (Тарих фанлари номзоди, доцент).**

Абдуллаев Озод Бегназарович 1953 йил 17 ноябрда Хоразм вилоятининг Ҳазорасп тумани, Янгибозор қишлоғида ишчи оиласида туғилган. 1970 йилда ўрта мактабни имтиёзли тамомлаган. 1972-1974 йилларда ҳарбий хизматда бўлди. 1978 йилда Тошкент давлат университетининг тарих факультетини, 1991 йилда Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтини имтиёзли диплом билан тугатган. Тарихчи, сиёсатшунос. 1978-1989 йилларда жамоат ва партия ташкилотларида масъул лавозимларда ишлаган. 1991 йилда “Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижодий фаоллигини оширишдаги иштироки (Хоразм вилояти мисолида)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, тарих фанлари номзоди илмий даражасини олган. Ҳозирда “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг иштироки” мавзусида докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 1991-1992



Йилларда халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши ижроия кўмитаси ва вилоят хокимлигида етакчи мутахассис лавозимларида фаолият кўрсатган. 1992 йилдан хозиргача Ал-Хоразмий номли Урганч давлат университетида катта ўқитувчи, доцент, декон муовини, тарих цикли бошлиғи, кафедра мудири лавозимларида ишлаган. 1999 йил августдан Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, 2006 йил апрелдан Маънавият ва маърифат ишлари проректори лавозимларида ишламоқда. Унинг 2 та монография, 3 та услубий кўлланма, 15 дан ортиқ рисоалари, 60 га яқин илмий-услубий мақолалари чоп қилинган. У 2 жилдлик Хоразм тарихини ёзишда фаол қатнашган. Унинг раҳбарлигида “Сиёсатшунослик”, “Социология” фанлари “Мустақиллик дарслари” дан маъруза матнлари, ишчи дастурлари тайёрланиб чоп қилинди. “Сиёсатшунослик”, “Социология”, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанларидан маърузалар матнларининг компьютер версиялари тайёрланди. О.Абдуллаев ташаббуси ва раҳбарлигида маънавий-маърифий ишларни янада яхшилаш бўйича амалий ишлар қилинмоқда, талабалар турар жойларида, вилоят аҳолиси орасида маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. О.Б.Абдуллаев Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, халқаро муносабатлар, ҳукумат қарорлари, Олий Мажлис сессиялари материаллари юзасидан университет талабалари, профессор-ўқитувчилари ва вилоят аҳолиси орасида мунтазам маърузалар ўқимоқда. 2001 йилдан буён Урганч туман саноат касб-хунар коллежида “Умумиқтисод ва ижтимоий гуманитар фанлари” кафедраси мудири сифатида касб-хунар коллежларида ўқув тарбия ишларини замон талаблари даражасига чиқаришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. У тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши аъзоси, халқ депутатлари Урганч шаҳар кенгаши депутати сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, муҳтожларга моддий ёрдам кўрсати, талабалар турар жойларини яхшилаш ишларида фаол қатнашмоқда.



#### 4.2.2.34. Рўзиев Эркин Искандарович Педагогика фанлари доктори, профессор.

Рўзиев Эркин Искандарович, 1959 йил 25 ноябрда Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Олажа қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилган. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг фуқаро ва саноат қурулиши факультетини тугатган (1982), меҳнат фаолиятини Урганч шаҳридаги 21-сонли қурилиш трестида бошлаган, Армия сафида хизмат қилган. 1985 йил сентябрь ойидан Хоразм давлат педагогика институти (ҳозирги Урганч давлат университети) да ишлаб келмоқда. Э.Рўзиев 1988-1990 йилларда Москва давлат педагогика университетининг “Машинасозлик” кафедрасида стажёр-тадқиқотчи бўлиб, 1990 йилнинг июнь ойида шу университетнинг К.113.08.02. Ихтисослашган кенгашида “Методические основы преподавания строительного черчения на ИПФ педвузов” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2005 йил май ойида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти (Тошкент ш.) қошидаги К 67.68.01. Ихтисослашган кенгашида “Научно-методические основы подготовки учителей графики в высших учебных заведениях” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси қарорларига асосан унга 1994 йилда доцент, 2008 йилда профессор илмий унвонлари берилган. 1992-1994 йилларда УрДУ умумтехника фанлари кафедраси мудири лавозимида ишлаган. 1994 йилда Хоразм вилоятида биринчи марта тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси ўқитувчилари тайёрлаш йўлга қўйилиб, Э.Рўзиев шу муносабат билан янги ташкил қилинган “Техникавий ва бадий графика” кафедрасига мудар лавозимига сайланган ва шундан буён Хоразм вилоятида тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси ўқитувчилари тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. 2002-2010 йилларда педагогика факультети, 2010-

2011 йилларда санъат факультетлари декани лавозимида ишлаган. Ҳозирги даврда “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедрасида мудир лавозимида ишлаб келмоқда. У 100 дан ортиқ илмий ишлари ва 3 та муаллифлик гувоҳномаси (патент) муаллифи, УрДУ “Илм сарчашмаси” журнали реакциясига аъзо. Э.Рўзиев раҳбарлигида битта номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган ва ҳозирги кунда графика йўналиши бўйича 2 та диссертация ҳимояга тайёрланмоқда. Илмий ижодий фаолияти давомида тайёрланган 1 та монография, 1 та дарслик, 4 та ўқув қўлланма ва 40 дан ортиқ ўқув-методик қўлланмалари ва 9 та фанлар бўйича намунавий дастурлари мамлакатимиз олий ўқув юр்தларининг мос мутахас-сисликлари ўқув жараёнига жорий қилинган.

#### **4.2.2.35. Каримов Тоҳир** **Фалсафа фанлари номзоди, профессор.**



Бугунги Ўзбекистонимизнинг етук файласуф ва тарихчи олимларидан бири Тоҳир Каримовдир. У ўзининг фалсафа, тарих соҳасидаги серқирра ижоди билан ушбу фанларнинг бугунги ривожига катта ҳисса қўшган олимдир. Тоҳир Каримов 1946 йилда Янгибозор туманида туғилган. Тошкент давлат университети тарих факультети фалсафа ва иқтисод бўлимини тугатган (1971).

1971-1982 йилларда Ўз ФА фалсафа ва ҳуқуқ институтида илмий ходим ва 1982 йилдан то бугунгача Тошкент халқ хўжалиги институти (бугунги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) фалсафа кафедрасида доцент, профессор лавозимларида ишлаб келмоқда. Тоҳир Каримов катта илмий салоҳиятга эга олимлардан. Унинг тарих, фалсафа муаммоларига оид 200 дан ортиқ китоб, рисола, мақолалари нашр қилинган. Тоҳир Каримов мамлакатимиздаги етук авесташунос

олимлардан саналади. Халқимизнинг қадимий ёзма бойлиги бўлиши “Авесто” китобига бағишланган профессор Тоҳир Каримовнинг 5 та йирик монографияси, бугунги кунда республикада авестошуносликни ўрганишда салмоқли ҳисса қўшмоқда. Самарали илмий-педагогик фаолияти учун Тоҳир Каримов 2001 йилда “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

#### **4.2.2.36. Юсупов Жумабой (1947-2009).**

Филология фанлари доктори, профессор. Урганч давлат университети Тил маркази директори лавозимида ишлаган. Хоразм давлат педагогика институтини тугатган (1969). Шу олийгоҳда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Кейинчалик Тошкент халқ хўжалиги институти рус тили кафедрасида катта ўқитувчи (1971-1985), ТДИУ нинг Урганч филиали директори ўринбосари лавозимларида ишлаган. 70 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган.

#### **4.2.2.37. Янгибоев Зарипбой Ражабович.**

1948 йилда туғилган. Тиббиёт фанлари доктори, профессор. Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган (1972). Меҳнат фаолиятини 1972 йилда хирург-травмотолог сифатида бошлаган. Москвада клиник-ординатор (1976-1978), аспирант (1978-1981). Тошкент тиббиёт институти хирургия кафедраси ассисенти (1982-1985), докторанти (1985-1987), Урганч давлат университети тиббиёт маркази директори (1995-1997) лавозимларида ишлаган. 18 та муаллифлик ва 6 та патентлик гувоҳномаси, 30 та рационализаторлик таклифлари, ҳамда 100 дан ортиқ илмий ишлари мавжуд. Австралия ва АҚШ давлатларида малакасини оширган.

#### **4.2.2.38. Эшчонов Мадрахим Иқтисод фанлари номзоди, профессор (1930-2001).**

Узоқ йиллар Урганч давлат университетининг география кафедрасида мудирлик қилган. Тошкент давлат университетини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1958 йилда Шовот туманидаги Стрельцов номи мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик Ленинград давлат университетида аспирант (1961-1964), Хоразм давлат педагогика институтида ўқитувчи (1965), тарих ва география факультети декани (1965-1970), “География” кафедраси мудири (1971-1984) лавозимларида ишлаган. 50 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган.

#### **4.2.2.39. Қиличев Ибодулла Абдуллаевич (31.10.1956, Боғот тумани Боғот қишлоғида туғилган).**

Биринчи Ташкент Давлат медицина институти Урганч бўлими “Асаб ва руҳий касалликлар” кафедраси мудири (1995), медицина фанлари доктори (1999), профессор (2002). Тошкент Давлат медицина институтини тугатган (1980) ва “Асаб касалликлари” кафедрасида клиник ординатурини ўтаган (1980-1982). Кейинчалик Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон Физioterапия ва курортология илмий-тадқиқот институти кичик (1982-1989) ва катта (1989-1993) ва Республика “Неврология маркази” катта илмий ходими (1993-1995) лавозимларида ишлаган. 1989 йилда “Сурункали церебрал лептоменингитларда клинико-цитохимик кўрсаткичларнинг диагностик аҳамияти” мавзусида номзодлик ва 1999 йилда “Ўзбекистоннинг ҳар-ҳил иклимий минтақаларида бош миё инсултлари” мавзусида докторлик диссертацияси ёқлаган. 2000 йил 1чи мартдан ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасини ҳам бажаради.

#### **4.2.2.40. Қобулов Нурмуҳаммад (1932-2004, Боғот тумани Қизилравот қишлоғида туғилган).**

Урганч Давлат университети “Ўзбек адабиёти” кафедраси профессори (1989), филология фанлари номзоди (1971), Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси (1981). Хоразм Давлат педагогика институтини тугатган (1954). Ҳарбий хизматни ўтаган (1956-1958). Боғот туманидаги Шчерс номидаги мактабда ўқитувчи (1954-1956) ва ўқув бўлими мудирлари (1958-1968), ЎзФА Тил ва адабиёт институти илмий ходими (1969-1970), Хоразм Давлат педагогика институти “Ўзбек адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси (1970-1972), доценти (1972-1977, 1982-1989) ва мудирлари (1977-1984) лавозимларида ишлаган. Адабий фаолиятини 1968 йилда бошлаган. “Хоразм Совет Республикада ўзбек совет адабиётининг шаклланиши (1920-1924)” мавзусида номзодлик диссертацияси ёқлаган (1971). Алишер Навоий, Роғиб, Соиб Назарий, Абдураззоқ Фақирий каби шоирлар ижодини чуқур ўрганган.

#### **4.2.2.41. Қурбонниёзов Рустам (1945-2003).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” (25.08.2000), Урганч Давлат университети “География” кафедраси мудирлари (1994-2003), педагогика фанлари номзоди (1988), доцент (1992). Тошкент Давлат педагогика институти (1967-1969) ва Гурлан тумани Алишер Навоий номидаги мактабда ўқитувчи (1969-1982), Тошкент халқ хўжалиги институти Хива бўлими директори ўринбосари (1982-1987), Тошкент Давлат университети “География” факультети ўқитувчиси (1987-1993), Урганч Давлат университети “Зоология” кафедраси доценти (1993-1994) лавозимларида ишлаган. “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” фахрий унвонига сазовор бўлган. 50 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган.

#### 4.2.2.42. Қурбонов Равшанбек Давлатович (05.12.1947, Хива).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кордиология илмий-тадқиқот институти директори (1997), медицина фанлари доктори (1988), профессор (1994). Самарқанд Давлат медицина институтини тугатган (1972). Меҳнат фаолиятини Гурлан тумани марказий касалхонасидан терапевтликдан бошлаган. Хива шаҳар тез ёрдам бўлими врач, участка терапевти, шаҳар поликлиникаси терапия (1973-1976) ва реанимация бўлими мудир (1978), Москва Кордиология илмий маркази кичик ординатори (1976-1978), аспиранти (1979-1981). Ўзбекистон Республикаси Кордиология илмий-тадқиқот институти реабилитация лабораториясида катта илмий ходими (1981-1989), “Юрак ритмлари” (аритмия) лабораторияси мудир (1989-1992). Иккинчи Тошкент давлат медицина институти “Госпитал терапия” кафедраси профессори (1992), Биринчи Тошкент давлат медицина институти Урганч филиали директори (15.03.1992-1995) ва “Ички касалликлар” кафедраси мудир (1993-1995), Республика Кордиология илмий-тадқиқот институти “Юрак аритмияси” лабораторияси мудир (1995-1997) лавозимларида ишлаган. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ички касалликлар” бўйича бош мутахассиси. “Экологик ҳалокат зонасидаги оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш” муаммоларидан тадқиқотларга раҳбарлик қилган. Шогирдларидан 7 таси номзодлик диссертацияси ёқлаган ва 3 таси докторлик диссертацияси устида иш олиб бормокда. 70 дан ортиқ илмий ишлари бор. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор” (1997). Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод бшлган (1994) ва сайланган (1999). Кордиологлар Халқаро уюшмаси президенти этиб сайланган (1997).



#### 4.2.2.43. Карриева Якутджан Каримовна. Иқтисод фанлари доктори, профессор.

1958 йил 25 апрелда Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани, Кенагас қишлоғида туғилган. У 1976 йилда тумандаги 11- сонли автомобиль соҳасига ихтисослашган ўрта мактабни 3-категория профессионал хайдовчилик гувоҳномаси ва олтин медал билан тугатган. Кейин Тошкент атомобил йўллари институти тайёрлов бўлими тингловчиси ва талабаси бўлган. 1983 йилда мазкур институтни имтёзли диплом билан тугатган. “Ўзавтотранстехника” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандиси, Тошкент автомобил йўллари институтининг кундузги бўлими аспиранти, Тошкент автомобил йўллари институти “Йўл ҳаракатини ташкил этиш” кафедраси ассистенти, “Транстех-комплект” акционерлик жамияти муҳандис-иқтисодчиси, “Ўзавтотранстехника” илмий ишлаб чиқариш ОАЖ етакчи иқтисодчиси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси доценти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси мудири, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси профессори лавозимларида меҳнат қилиб келмоқда.

Карриева Якутджан Каримовна 2000 йилда “Халқаро юк ташишнинг устувор йўналишларини танлаб олиш масаллари” мавзусида иқтисод фанлари номзодлиги диссертациясини ёқлаган, 2003 йилда доцент унвонини олган. 2004 йилда “Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқиши учун халқаро йўлаклардан фойдаланишнинг логистик-транспорт муаммолари” мавзусида иқтисод фанлари доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2008 йилда маркетинг- менежмент фан йўналиши бўйича профессор унвонини олган.

Я.Карриева ўз меҳнат фаолияти давомида 190 дан ортиқ номдаги илмий-ўқув ва услубий ишларнинг муаллифидир.

Я.Карриева ушбу йиллар давомида 11 та Республика илмий-амалий конференцияларида қатнашиб ўз маърузалари билан чиқишлар қилган. Я.Карриева 3 та фан номзоди тайёрлаган ва

ҳозирги кунда 4та фан доктори илмий ишларига раҳбарлик қилмоқда. Шунингдек, кафедрани етакчи профессори сифатида инновацион гуруҳга, хўжалик шартномаларига, иқтидорли талабалар билан иш олиб боришга, "Инвестор" тўғарагига, талабалар билан ўтказиладиган турли маънавий-маърифий тадбирларга раҳбарлик қилиб келмоқда. Кафедрани турли вазирлик ва ташкилотлар, компаниялар билан реал интеграцион алоқаларни, чет давлатлар ва республика олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишда фаол иштирок этмоқда.

Я.К.Карриева Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб логистика тамойилларига асос солган олимпиадир. Унинг илмий ишларининг асосий йўналишлари иқтисодий тизимлар фаолиятини оптималлаштириш, маркетинг-менеджмент, транспорт ва логистикага бағишланган бўлиб, мустақиллик йилларида самарали илмий фаолият олиб бориб, мамлакатимизда ушбу фанларнинг ривожланишига ва ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшган.

Я.К.Карриева 2005-2008 йилларда ТДИУ ва ТДТУ қошидаги ихтисослашган кенгаш аъзоси, ТДИУ хотин- қизлар кўмитаси раиси муовини, 2004-2011 йилларда ТДИУ илмий кенгаши аъзоси бўлган. 2009 йилдан "Ўзбекистон- Америка дўстлик жамияти" аъзоси. У доимо изланувчи иқтисодчи олима бўлиши билан бир қаторда ўзининг ҳуқуқий билимларини ҳам ошира бориб, 2006 йилда иккинчи мутахассислик бўйича ТДЮИ ни тугатган ва адвокатлик лицензияси олган.

#### **4.2.2.44. Ибрагимов Одамбой Умарович Сиёсатшунослик фанлари номзоди.**

О.У.Ибрагимов Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилинганидан кейин янги сиёсатшунослик йўналиши бўйича илмий иш олиб борган олимлардан бири ҳисобланади. Унинг илмий ишларининг асосий йўналишлари сиёсий институтлар ва жараёнлар, кадрлар сиёсатига бағишланган бўлиб, мазкур соҳа бўйича самарали илмий фаолият олиб бориб,



мамлакатимизда ушбу фанларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Ибрагимов Одамбой Умарович 1960 йил 23 январда Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани, Шихмашит қишлоғида туғилган. У 1977 йилда тумандаги 8-сонли А.Навоий номи ўрта мактабни тугатган. 1979-1980 йилда ҳарбий хизматга чақирилган ва ҳарбий хизматни Германияда ГСВГда ўтаган. Кейин Тошкент атомобиль йўллари институти тайёрлов бўлими тингловчиси ва талабаси бўлган. Мазкур институтни 1986 йилда имтёзли диплом билан тугатган.

О.У.Ибрагимов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида тадқиқотчи сифатида “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати янги тизимнинг шаклланиши ва амалга ошириш муаммолари” мавзусида илмий иш олиб борди.

О.У.Ибрагимов бир қанча халқаро конференциялар ва илмий амалий анжуманларда маърузалар қилган. О.У.Ибрагимов ушбу йиллар мобайнида “Мустақиллик ва кадрлар сиёсати”, “Демократия и власть”, “Кадры обеспечивает прогресс”, “Интеграция как фактор стабильности”, “Давлатнинг кадрлар сиёсати”, “Давлат сиёсатида кадрлар янги тизими”, “Жамият ривожиди кадрларни ўрни” каби илмий мақолалар ва “Ислохотни кадрлар бошқаради” номи монографияларини чоп этган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ушбу соҳада юқори малакали раҳбар мутахассисларни шаклланишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. О.У.Ибрагимов 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати янги тизимнинг шаклланиши ва амалга ошириш муаммолари” мавзусида, 23.00.02. “Сиёсий институтлар ва жараёнлар” мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

#### **4.2.2.45. Хайитметов Каримбой (09.07.1938) Филология фанлари доктори, профессор.**

Нукус Давлат университети “Тилшунослик” кафедраси доценти (1975-1983), филология фанлари доктори (1983). Тошкент давлат педагогика институтини тугатган (1961). Гурлан туманида ўқитувчи (1961), мактаб ўқув бўлими муdiri (1961-1962), туман халқ маорифи бўлими инспектори (1963-1967), Хоразм давлат педагогика институти “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси катта ўқитувчиси (1967-1975) лавозимларида ишлаган. “Ҳозирги замон ўзбек тилида инверсия” мавзусида номзодлик (1967) ва “Актуальные членение и позиционные вопросы предложение в узбекском языке” (1983) мавзусида докторлик диссертацияси ёқлаган. “Ҳозирги замон ўзбек тилида инверсия” (Т.: “Фан”, 1967), “Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши ва позицион масалалари” (Т.: “Фан”.1984) мавзусида монографиялари ва 30 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган. 2000 йил мартада Гурлан туманидаги Фурқат номидаги мактабда ҳамкасблари иштирокида хотираси кечаси ўтказилган.

#### **4.2.2.46. Ҳасанов Ақназар Бекдурдиевич (1952 йилда туғилган).**

Урганч Давлат университети физика-математика факультети декани (1995), физика-математика фанлари доктори (1995), профессор (1997). Самарқанд давлат университети тугатган (1975). Кейинчалик Самарқанд архитектура ва қурилиш институти “Олий математика” кафедраси ўқитувчиси (1975-1976, 1982-1993), Москва Давлат университети аспиранти (1976-1978) ва илмий ходими (1978-1982) бўлган. УрДУ “Олий математика” кафедраси профессори сифатида малакали мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб хисса қўшиб келмоқда.

#### 4.2.2.47. Ҳасанов Солий (1947 йилда туғилган).

Тошкент ҳуқуқшунослик институти “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори (2000). Тошкент давлат университети журналистика факультетини тугатган (1972). Тошкент халқ хўжалиги институти ўқитувчи бўлиб ишлаган. Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Отажон Абдалов, Худойберган Девонов, Абдулҳамид Маждий, Мадраҳим Ёқубов (Шерозий), Мадраҳим Аҳмедов ва бошқаларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида 200 дан ортиқ мақолалари ва монографиялари бор. “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” унвони билан тақдирланган.

#### 4.2.2.48. Ҳақбердиев Бобоҳон (1927-1996).

Урганч Давлат университети Табиатшунослик факультети “Умумий биология” кафедраси профессори (1991-1996), биология фанлари доктори (26.01.1995). Байрамали қишлоқ хўжалиги техникуми (1949) ва Ўрта Осиё давлат университети тугатган (1955). Меҳнат фаолиятини 1942 йилда Фароб туманидаги “Комсомол” жамоа хўжалигида табелчиликдан бошлаган. Кейинчалиқ Фароб МТСи механиги (1949-1950), Ўрта Осиё давлат университети “Умуртқали ҳайвонлар зоологияси” кафедраси препаратори (1953-1955), Урганч туманидаги Низомий (1955-1958) ва Урганч шаҳридаги М.Горький номидаги мактабларда химия-биология ўқитувчиси (1958-1960), Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти “Химия-биология” кабинети мудири (1960-1963), Хоразм давлат педагогика институти “Умумий биология” кафедраси ўқитувчиси (1963-1967), катта ўқитувчи (1967-1972), доценти (1968-1986), “Зоология ва тиббий тайёргарлик” кафедраси мудири (1986-1991) лавозимларида ишлаган. 1981-1987 йилларда институтнинг Илмий ишлари бўйича проректори вазифасини бажарган. 70 дан

ортиқ илмий нашр қилинган. “Экология рыб и биологические основы рационального рыбного хозяйства в водоёмах коллекторно-дренажных вод среднего и нижнего течения реки Амударья” мавзусида докторлик диссертацияси ёқлаган (1994).

#### **4.2.2.49. Раҳимов Султон (1933 йилда туғилган).**

Андижон медицина институти “Болалар жарроҳлиги” кафедраси мудири (1981), медицина фанлари доктори (1979), профессор (1983). Чоржўй фельдшерлар мактаби (1950) ва Ашхобод медицина институтини тугатган (1956). Меҳнат фаолиятини Чоржўй темир йўл касалхонасида хирург сифатида бошлаган. Кейинчалик шу шифохона бош врачлари (1959), Андижон медицина институти “Умумий хирургия” кафедраси ассисенти (1960-1972), “Болалар хирургияси” курси ташкилотчиси ва бошлиғи (1972-1981) лавозимларида ишлаган. Фарғона водийсида илк бор болалар касалликлари диагностикаси, оператив жарроҳлик билан даволаш усуллари, болаларда сийдик йўли ва портал импотенция хасталикларини ўрганиш, юқори малакали мутахассислар таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари ташкилотчиси ҳисобланади. 1968 йилда номзодлик ва 1979 йилда докторлик диссертацияси ёқлаган. 1991-1995 йилларда “Болалар жарроҳлиги” мутахассислиги бўйича Давлат Аттестация Комиссияси эксперти. 1995 йилдан Республика “Хирургия” илмий жамияти аъзоси 3 та монография, 20 дан ортиқ услубий қўлланма, 200га яқин илмий мақолаларни (жумладан 100таси халқаро ва маркази журналларда) нашр қилинган. Халқаро ва республика илмий анжуманларида фаол қатнашган. Хусусан, 1993 йилда “Эхоноккокоз хирургияси” мавзусида Урганчда ўтказилган халқаро симпозиумда фаол иштироқ этган. Хоразм вилояти учун малакали шифокор ва олимларни тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда. Учта фарзанди хирург бўлиб ишлайди ва фан номзоди унвонига эга.

#### 4.2.2.50. Рўзимбоев Сапарбой (1942 йилда туғилган). (Филология фанлари доктори, профессор).



Урганч Давлат университети “Умумий тилшунослик” кафедраси мудири (1991), филология фанлари доктори (12.04.1994), профессор (1992). Хоразм давлат педагогика институтини тугатган (1965). Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Ҳосиён пахта қабул қилиш пунктида техник-ҳисобчиликдан бошлаган. Кейин Хоразм давлат педагогика институти “Ўзбек тили” кафедраси лаборанти (1961-1965), ўқитувчиси (1967-1970), катта ўқитувчиси (1970-1978), доценти (1978-1991) лавозимларида ишлаган.

Филология факультети декани вазифасини бажарган (1975-1981). “Специфика, типология и поэтика Хорезмских дастанов” мавзусида докторлик диссер-тацияси ёқлаган (1991). “Шахриёр”, “Хирмон пари”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Ошиқ Ғариб ва Хилола Пари”, “Гўрўғли”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” каби дostonларни яхши билaди. Ожиза, Бола-бахши, Полвон-бахши, Қодир Каримов, Турсун Жуманиёзов, Хоним созчи, Саидамат қизи, Анаш-халфа, Сорахон Оллобергенова, Назира Собирова каби ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодини яхши ўрганган. Хоразм Маъмун академияси “Адабиёт ва фольклор” бўлими мудири лавозимида ҳам ишлайди ва маданий меросни тарғиб қилиш ишига катта хисса қўшмоқда.

#### 4.2.2.51. Орипов Ғойибназар (1935 йилда Тошҳовуз туманида туғилган).

Урганч Давлат университети “Физика” кафедраси мудири (1992, физика-математика фанлари доктори (12.07.1992). Ашхобод давлат университети тугатган (1959). Меҳнат

фаолиятини 1959 йилда ЎзФА Ядро физикаси институтида катта лаборантликдан бошлаган. Кейинчалик шу даргоҳда кичик илмий ходим (1960-1967), Хоразм давлат педагогика институти “Физика” кафедраси мудири (1967-1971), ЎзФА Ядро физикаси илмий-тадқиқат институти катта илмий ходими (1971-1992) лавозимларида ишлаган. Нейтронларни радиоактив жамлаш бўйича йирик мутахассис ҳисобланади. Докторлик диссертациясини Москва инженер-физика институтида ёқлаган. Учта шогирди номзодлик диссертацияси химоя қилган. Учта кашфиёти ва қилинган 60 дан ортиқ илмий ишлари бор.

#### **4.2.2.52. Отамуродов Саъдулла (1944 йилда туғилган).**

Тошкент химия-технология институти “Ижтимоий-сиёсий фанлар” кафедраси мудири (1992), фалсафа фанлари доктори (1992), профессор (1993). Тошкент давлат университетини тугатган (1971). Мехнат фаолиятини катта пионер вожатийликдан бошлаган. Ҳарбий хизматни ўтаган. Кейинчалик Тошкент давлат университетиде аспирант, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаган. Миллий муносабатлар, миллий маданият ва тарбия масалаларига бағишланган 60 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган. Сиёсатшунослик мутахассислиги бўйича ихтисослашган илмий Кенгаш аъзоси. Республика телевиденияси ва матбуотида мустақиллик мафкураси масалаларидан чиқишлар қилиб туради. 1994 йилда Янгибозор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод бўлган.

#### **4.2.2.53. Раҳимбоев Фарид Мадиримович (1930 йилда туғилган).**

“Қорақалпоқистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” (1981), ТИИИМСХ “Кишлоқ хўжалик мелиорацияси” кафедраси мудири



(1971), техника фанлари доктори (1990), профессор (1983). ТИИИМСХ тугатган (1953). Меҳнат фаолиятини 1946 йилда Хивадаги А.С.Пушкин номидаги мактабда катта пионер вожатийликдан бошлаган. Кейинчалик ТИИИМСХ да аспирант (1953-1955), Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот катта гидротехник (1955-1956), Республика гидрогеология станцияси бошлиғи (1956-1966), Ўзбекистон мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги лойиҳалаш институти директори ўринбосари (1966-1967) лавозимларида ишлаган. Декан ўринбосари ва ўқув ишлари проректори бўлган. Ер ости сувлари геологияси ва сизот сувларини пасайтириш муаммолари мавзусида 320 босма табоқ хажмда 100 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор” фахрий унвони билан тақдирланган (1977). Шогирдлари орасида 1 та фан доктори ва 31 та фан номзоди бор. Жумладан , Куба, Миср, Бангладеш, Яман, Ирок, Сурия, Судан, Мўғилистон каби мамлакатлар ёшларидан 9 та фан номзоди таёрланган. Куба (1969-1971), Сирия (1980) , Мўғилистон (1992) суғориш ва мелорация ишларини яхшилашда кўмаклашган. 1966 йилда “Сув ресурсларидан комплекс асосда фойдаланиш” мавзусида Фарғонада ўтказилган халқаро семинарга раҳбарлик қилган. Бир нечта илмий ва ихтисослашган кенгашлар аъзоси.

#### **4.2.2.54. Наврўзов Қуролбой (1946 йилда туғилган).**

Урганч давлат университети проректори, физика-математика фанлари доктори (05.04.1991), профессор (1992). Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институтини тугатган (1967). Меҳнат фаолиятини 1967 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат инженерлари институти Марғилон бўлими “Олий математика” кафедрасида ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик Хоразм давлат педагогика институти “Математика” кафедраси катта лаборант (1970-1973), ЎзФА М.Ўрозбоев номидаги механика ва иншоотлар мустаҳкамлиги институти аспиранти (1973-1976) ва кичик

илмий ходими (1976), Хоразм давлат педагогика институти “Математика” кафедраси катта ўқитувчиси (1976-1980), доценти (1980-1982), муdiri (1982-1990), институт ректори (05.01.1990-21.04.1992), “Химия-технология” ва “Инженер-техника” факультети декани (1992-1994, 1999-2001), “Умумтехника фанлари” кафедраси муdiri (27.10.1994) лавозимларида ишлаган. “Пульсирующие течение двухфазных и неьютоновских жидкостей в трубах и каналах” мавзусида докторлик диссертацияси ёқлаган (1991). “Основные вопросы гидродинамики в биологических системах” мавзусида илмий иши учун Ўзбекистон ёшлар уюшмаси мукофоти совриндори бўлган. Касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари малакасини ошириш ишига хисса қўшиб келмоқда.

#### **4.2.2.55. Наримов Шермат (1949 йилда туғилган).**

Республика касб-хунар таълимини ривожлантириш институти декани (2002), физика-математика фанлари доктори (1989), профессор (1991), Тошкент давлат университети тугатган (1971). Меҳнат фаолиятини 1966 йилда Бухоро шаҳридаги нон комбинатида ишчиликдан бошлаган. Кейинчалик Ўзбекистон Фанлари академияси Сейсмология институтида инженер (1972), кичик илмий ходим (1973), аспирант (1973-1975), Тошкент халқ хўжалиги институтида ўқитувчи (1975-1978), Тошкент политехника институти “Олий математика” кафедрасида катта ўқитувчи (1978-1988) ва доцент (1989-1992), Урганч давлат университети “Амалий математика” кафедраси муdiri (1992-1994) ва университет ўқув ишлари проректори (1992-1997), Урганч давлат университети қошидаги “Иктисодий таълим регионал маркази” директори (1997-2002) лавозимларида ишлаган. 1997 йилдан Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси бош директори ҳам ҳисобланади. Москва ва Киев давлат университетларида малакасини оширган. 1989 йилда Москва Давлат электроника ва математика институтида



докторлик диссертацияси ёқлаган. 1999 йилда Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Олий мажлиси депутатлига номзод бўлган.

#### **4.2.2.56. Норбоев Ботир Жуманиёзович (1947 йилда туғилган).**

Тошкент медицина педиатрия институти “Ўзбек тили ва адабиёт” кафедраси мудири (1991-1998), филология фанлари доктори (1996). Тошкент давлат университети тугатган (1971). Меҳнат фаолиятини 1991 йилда Алишер Навоий номидаги Адабиёт ва санъат музейида лаборантликдан бошлаган. Кейинчалик Ғофур Ғулум номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриётида муҳарир ва бўлим мудири (1986-1988), Тошкент давлат маданият институтида катта ўқитувчи (1988-1991) лавозимларида ишлаган. “Ҳаёт ҳақиқати ва лирик қаҳрамон” мавзусида номзодлик (1978) ва “Ҳаётни поэтик тадқиқ этиш таомиллари ва маҳорат муаммолари” (1996) мавзусида докторлик диссертацияси ёқлаган. “Курашчан шеърят”, “Истеъдод,эътиқод, замон”, “Маънавият мезони”, “Ҳақиқат ва бадият кудрати”, “Истиклол ва истеъдод тарбияси” (1996) каби монографиялари ва 40 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган.

#### **4.2.2.57. Нуруллаев Рустам Бобожонович (1953 йилда туғилган).**

Урганч шаҳридаги Урология маркази директори, медицина фанлари доктори. Тошкент давлат медицина институтини тугатган (1977). Меҳнат фаолиятини 1977 йилда Хива шаҳар марказий касалхонасида интернатурани ўташдан бошлаган. Кейинчалик Тошкент давлат медицина институти клиник ординатори (1979-1981) ва аспиранти (1981-1985), Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-сон (1986-1987) ва Хива тумани марказий касалхонасида бўлими мудири лавозимларида ишлаган.

1994 йил декабрида Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлига номзод бўлган.

#### **4.2.2.58. Матжонов Назар Маткаримович (1923 йилда туғилган).**

Таниқли партия ва давлат арбоби, ветеринария фанлари доктори (1969), профессор (1971). Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатган (1949). Карамана тумани қишлоқ хўжалиги бўлими ветврачи, Бухоро ва Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси ветеринария бўлими бошлиғи, министр ўринбосари, ЎзКП Бухоро вилоят комитети секретари (1960-1961), Ўзбекистон Министрлар Совети раиси ўринбосари (1961-1962), ЎзКП Бухоро вилояти партия комитети биринчи секретари (1962-1965), ЎзКП МК секретари (1965-1970), Ўзбекистон Олий Кенгаши Риёсати раиси (1970-1978) лавозимларида ишлаган. ЎзФА Зоология ва паразитология институти директори (1978-1990) вазифасини бажарган. КПСС XXIV съездида делегати ва МК аъзоси, ЎзКП XVI-XVIII съездлари делегати ва МК аъзоси, Ўзбекистон ва СССР Олий Кенгаши депутати бўлган. Гельминтология соҳасидан 60 дан ортиқ илмий ишлари эълон қилинган. Ленин (2 марта), “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Хурмат Белгиси” орденлари ва медаллар билан тақдирланган.

#### **4.2.2.59. Машарипов Собир (1950 йилда туғилган).**

Биринчи Тошкент давлат медицина институти Урганч филиали “Биологик кимё” кафедраси мудири (26.06.1992), химия фанлари доктори (1992), профессор (1994). Тошкент давлат университетини тугатган (1971). 1971-1973 йилларда взвод командири бўлиб хизмат қилган. Сўнгра ЎзФА Химия институтида илмий ходим (1973-1978), Тошкент давлат медицина институти “Неорганик химия” кафедрасида ўқитувчи (1979-1984) ва доцент (1984-1992) лавозимларида ишлаган. 1993-1995 йилларда Биринчи Тошкент давлат

медицина институти Урганч филиали Даволаш ва Педиатрия факультетини декани вазифасини бажарган. 150 дан ортик илмий ишлари, кашфиётлари ва рационализаторлик таклифлари бор. Хоразм Маъмун академияси бош илмий котиби вазифасини ҳам бажаради.

#### **4.2.2.60. Сотимов Умрбек (1950 йилда туғилган).**

Урганч давлат университети “Жаҳон тиллари” кафедраси мудири, филология фанлари доктори (1999), профессор (2000). Хоразм давлат педагогика институтини тугатган (1973) ва шу ўқув юртида педагог сифатида меҳнат қилган. “Инкордан иқроргача” (Адабий-бадий танқид.- Урганч, 1994, 136 б.) монографияси бор. Илмий, назарий, публицистик мақолалари “Гулистон”, “Ёшлик”, “Абадий мерос”, “Ўзбек тили ва адабиёти” каби журналларда чоп этилган

#### **4.2.2.61. Таганов Рейимбой (1937 йилда туғилган).**

Урганч давлат университети “Фалсафа” кафедраси мудири (1994-1997) лавозимида ишлаган олим, фалсафа фанлари доктори (14.09.1984), профессор (05.02.1987). Тўрткўл педагогика техникуми (1954) ва Тошкент давлат педагогика институтини тугатган.(1961). Меҳнат фаолиятини 1954 йилда Беруний туманидаги 60-сон ўрта мактабда география ва биология фанлари ўқитувчилигидан бошлаган. Тошкент политехника институти Анрен бўлими (1965-1967) Вилнюс давлат педагогика институтини тугатган, (1957-1964) Тошкент қишлоқ хўжалик институти фалсафа кафедрасида доцент (1969-1985) ва мудири (1985-1999 й), УрДУ фалсафа кафедраси мудири бўлган.

#### 4.2.2.62. Йўлдошев Тўли (1940-1996).

Урганч Давлат университети “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси мудири (1994-1996), филология фанлари доктори (12.07.1991). Тошкент давлат педагогика институтини тугатган (1963). А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти “Ўзбек диалектологичси” бўлими катта лаборанти (1963), аспиранти (1963-1965), Хоразм давлат педагогика институти “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси ўқитувчиси (1968), доценти (1980-1991), профессори (1991-1994) лавозимларида ишлаган. “Миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири ва уларни ўзаро бойитиш тадқиқи муаммоси” мавзусида докторлик диссертацияси ёқлаган (1991). “Ақ- аффикси хақида”, “Тожикистондаги ўзбек шевалари морфологияси” (Т.,1986), “Жанубий Тожикистонда ўзбек шеваларини Хоразм ўғиз (Хива) шевасига муносабати”, “Оғаҳий ижодида атеистик қарашлар” каби рисола ва мақолалари нашр қилинган.

#### 4.2.2.63. Мадраҳимов Отаназар (17.12.1921, Хива – 07.07.2003, Урганч).



“Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси”, Урганч давлат университети “Ўзбек тилшу-нослиги” кафедраси профессори (1991-2003), филология фанлари доктори (1980), профессор (1981). Машхур ҳофиз Шерозийнинг (Мадраҳим Ёқубов) фарзанди. Хива педагогика билим юрти (1938), Урганч ўқитувчилар институти (1940) ва Хоразм давлат педагогика институтини тугатган (1949). Меҳнат фаолиятини 1938 йилда Хива туманидаги Дошёқ кишлоғида ўқитувчиликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1942-1945). Кейинчалик Хива туманида муаллим (1945-1947), Хоразм давлат педагогика

институтида ўқитувчи (1949-1951), ЎзФА А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида аспирант (1951-1954), Хоразм давлат педагогика институтида катта ўқитувчи (1954-1956), “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири (1956-1969), ректор (1960-1975), катта илмий ходим (1975-1978), “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси мудири (1978-1991) лавозимларида ишлаган. Ўзбек тили диалектологиясига бағишланган 60 дан ортиқ илмий-оммабоп асар ва мақолалари нашр қилинган. “Прилагательные новообразование в современном узбекском языке” мавзусида номзодлик (1957) ва “Исследование по лексике огузского наречие узбекского языке” мавзусида докторлик диссертацияси ёқлаган (1979). “Ўзбек тилининг ўғиз лаҳжаси лексикаси” номли монографияси бор. Адабиётшунос Сотим Аваз билан ҳамкорликда отаси ҳақида “Мадраҳим Шерозий” номли китоб ёзган. Хоразм маданий мероси, халқ анъана ва удумларининг фаол ташвиқотчиси бўлган. “СССР халқ маорифи аълочиси” (1971, 1981). Ўзбекистон Олий Кенгаши Риёсати фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Урганч шаҳар халқ депутатлари Кенгашига бир неча бор сайланган.

#### **4.2.2.64. Абдалниёзов Бахтиёр (1941 йилда туғилган).**

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг зооветеренария факультетини тугатган. Хива туманидаги қатор хўжаликларда чорвачилик бўйича раис муовини, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва вилоят ижроқўми раиси ўринбосари, Хива туман ижроқўми раиси, республика қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Хоразм вилояти бўлими директори (1977) лавозимларида ишлаган. “Хоразм чорвачилиги қадим замонлардан ҳозиргача” (Урганч, - 382 б.) номли монографияси, 20 дан ортиқ рисола ва илмий мақолалари нашр қилинган.

#### **4.2.2.65. Аллаев Қахрамон Рахимович (1945 йилда туғилган).**

Тошкент техника университети ректори (2001), техника фанлари доктори (1989), профессор (1990). Москва энергетика институтини тугатган. Тошкент политехника институти “Энергетика” факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, декан ва Тошкент техника университети проректори (1990-1993) ва ректори (2004), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари (1993-2001) лавозимларида ишлаган “Асинхрон кучланишли электр двигателлар ва юқори кучланишли электр қувватларни узатиш” муаммолари устида илмий изланишлар олиб борди. 100 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган.

#### **4.2.2.66. Бакиев Машарип (1947 йилда туғилган).**

ТИИИМСХ “Гидротехника иншоотлари” кафедраси мудирини (1985), техника фанлари докторини (1992), профессорини (1993). ТИИИМСХ тугатган (1969) ва “Гидротехника иншоотлари” кафедраси ассистентини бўлган. Ҳарбий хизматни ўтаган (1971-1972). Кейинчалик институтда ассистент (1973-1975), катта ўқитувчи (1975-1979), доцент (1979-1992) лавозимларида ишлаган. 1993 йилда “Дарё ўзанларини ростлаш иншоотлари конструкцияларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш” мавзусида докторлик диссертацияси ёқлаган. “Гидротехника иншоотлари” номли дарслигини ва 90 дан ортиқ илмий рисола ва мақолаларини нашр қилинган. 7 та шогирдини номзодлик диссертацияси ёқлаган.



#### **4.2.2.67. Дўсимов Зарипбой (1946 йилда туғилган).**

“Қорақолпоқистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” (1998), филология фанлари доктори (1990), профессор (1993). Тошкент давлат педагогика институтини тугатган (1966). Амударё туманидаги М.Ю.Лермонтов номидаги мактабда ўқитувчи (1966), ҳарбий хизматчи (1966-1968), ЎзФА Тил ва адабиёт институт илмий ходими (1968-1971), Хоразм давлат педагогика институти катта ўқитувчиси (1971-1978), доцент (1978-1990), “Умумий тилшунослик” кафедраси профессори (1990-1992) ва мудир (1992-1994), Урганч давлат университети “Филология” факультети декани (1996-2001) лавозимларида ишлаган. 1992-1994 йилларда УрДУ Илмий ишлар проректори вазифасини ҳам бажарган. “Топонимы Северного Хорезма” мавзусида номзодлик диссертацияси ёқлаган (1970). Монографиялари ва 40 дан ортиқ илмий мақолалари бор. 1994-1997 йилларда Республика Тест маркази Хоразм вилояти бўлими ва “Миллий тикланиш” партияси вилоят кенгашини бошқарган. “Университет” номли кўп нусхали газетанинг ташкилотчиси ва биринчи муҳаррири (1997) ҳисобланади.

#### **4.2.2.68. Бобожонова Дилором (1952 йилда туғилган).**

Тошкент давлат жаҳон тиллари университети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудир (2000), тарих фанлари доктори (1998). Тошкент давлат университети тугатган (1977). Меҳнат фаолиятини 1977 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида бошлаган. Кейинчалик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ва Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти кичик ва катта илмий ходим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президуми илмий-ташқилий бошқармаси бош мутахассиси (1996-2000) бўлиб ишлаган. 1992-1995 йилларда докторантурани ўтаган. “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-жиҳатлари” мавзусида докторлик

диссертацияси ёклаган (1997). “Миллатлараро муносабатлар ривожининг ижтимоий-иқтисодий омиллари” (1994), “Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий муносабатлар” (1999) номли монографиялари, 10 дан ортиқ рисола ва мақолалари нашр қилинган.

#### **4.2.2.69. Ваисов Адҳамжон Шавкатович (1947 йилда туғилган).**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тери-таносил касалликлари илмий тадқиқот институти директори (1995), медицина фанлари доктори (1988), профессор (1990). Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган (1972). Институт комсомол ва партия комитети секретари вазифасини бажарган. Тошкент давлат тиббиёт институти “Тери-таносил касалликлари” кафедраси ассисенти, доценти ва мудири (1991-1995), Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлиги мутахассислар ва ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган. Республика “Витилиго” ташхис-даволаш маркази бош директори (1992) вазифасини ҳам бажаради.

#### **4.2.2.70. Жабборов Каримбой (1943 йилда туғилган).**

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти “Томоқ, кулоқ, бурун, кўз ва тиш касалликлари” кафедраси профессори (2001), тиббиёт фанлари доктори (02.04.1993). Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган (1966). Янгиариқ тумани марказий касалхонаси “Кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари” бўлими врачлари (1966-1967), Тошкент давлат тиббиёт институти “Томоқ, кулоқ, бурун касалликлари” (Лор) кафедраси клиник ординатори (1967-1968), аспиранти (1968-1969), ассисенти (1971-1985), доценти (1985-1990), катта илмий ходими (1990-1992), Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти “Лор” кафедраси доценти (1992-1993), Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бўлими мудири (30.04.1993–18.06.1995), вилоят жисмоний тарбия ва соғломлаштириш диспансери бош врачлари (1995-1996), Биринчи Тошкент давлат



тиббиёт институти Урганч филиали “Томоқ, кулоқ, бурун, кўз ва тиш касалликлари” кафедраси мудирлари (1995-2001) лавозимларида ишлаган. 1996-1999 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали педиатрия факультети декани вазифасини бажарган. 30 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган.

#### **4.2.2.71. Жабборова Юлдуз Қосимовна (1943 йилда туғилган, Қўқон).**

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти “Доялик ва гинекология” кафедраси профессори (2001), тиббиёт фанлари доктори (17.06.1988), профессор (31.05.1990). Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган (1967) ва “Доялик ва гинекология” кафедраси аспиранти бўлган (1967-1970). Кейинчалик “Доялик ва гинекология” кафедраси ассисенти (1970-1975), доценти (1975-1983, 1985-1988), катта илмий ходими (1983-1985), Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлиги оналар ва болаларга тиббиёт хизмати кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари (1988-1989), Тошкент давлат тиббиёт институти “Доялик ва гинекология” кафедраси профессори (1989-1990), Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти 1- сон “Доялик ва гинекология” кафедраси мудирлари (1990-1994), Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали “Доялик ва гинекология” кафедраси мудирлари (03.01.1994-2001) лавозимларида ишлаган. 1993-2000 йилларда Республика “Соғлом авлод учун” жамғармаси Хоразм вилояти бўлими директори вазифасини бажарган. 150 га яқин илмий ишлари (1 та дарслик, 3 та монография, 17 та услубий қўлланма, 3 та илмий ишлар тўплами) нашр қилинган. “Аъло ўқиши, интизоми ва меҳнат тарбияси учун” олтин (1961) ва Бутуниттифоқ ютиқлар кўргазмаси бронза (1986) медаллари, “Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочилиги” (1995) кўкрак нишони билан тақдирланган.

#### **4.2.2.72. Жуманиёзов Мақсуд Жаббиевич (1960 йилда туғилган, техника фанлари доктори профессор).**

Тошкент политехника институтини тугатган (1982). ЎзФА Химия институти аспиранти (1982-1986) ва инженери (1986-1987), Гурлан туманидаги Навоий номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси ўринбосари (1987-1989), “Сов-Ҳалиж” номли Совет-Қувайт қўшма корхонаси директори ўринбосари (1989-1991), “Вафо” кичик корхонаси директори ўринбосари (1991-1992), Урганч давлат университети “Умумий ва органик химия” кафедраси доценти ва мудири (1992), Тарбиявий ишлар бўйича университет проректори (1992-1994), Урганч давлат университети “Химия технологияси” цикли бошлиғи (14.09.1994-1998), Гурлан касб-хунар коллежи директори (1998-1999) Урганч давлат университети проректори лавозимларида ишлаган. 40 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган.

#### **4.2.2.73. Эшчанов Комил – Тарих фанлари доктори, профессор.**

Эшчанов Комилжон–тарих фанлари доктори, профессор, 1942 йил 1 августда Хоразм вилояти Шовот туманидаги Чўқли қишлоғида таваллуд топган. 1958-1963 йилларда Хоразм давлат педагогика институтига ўқишга кириб, уни “бошланғич таълим методикаси” мутахассислиги бўйича муваффақиятли тамомлади. 1964 йилда шу олийгохнинг тарих-филология факультетига ўқишга кирди ва уни 1969 йилда тарих мутахассислиги бўйича якунлади. 1960 йилладан Комилжон Эшчановнинг педагогик, фаолияти бошланади. Университет базасида бир қанча Бутуниттифоқ ва Республика илмий ва амалий конференциялари ўтказилди. Профессор К.Эшчанов тажрибаси халқ таълими соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги энг мураккаб даврда (90-йиллар) муҳим аҳамиятга эга эди. Тинчлик Фонди раисининг биринчи ўринбосари (1992-1994) сифатида ва Ўзбекистон Республикасининг қўллаб-қувватлаши натижасида К.Эшчанов

таълим соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантириш борасида муҳим ишларни амалга оширди. У Ўзбекистон Республикаси маориф вазирлиги ўқув услубий маркази директори сифатида 1994-1998 йилларда Ўзбекистон таълим концепциясини ривожлантиришга катта ҳисса кўшди. 1996-2000 йилларда К.Эшчанов Москва маиший хизмат академиясининг филиали - Марказий Осиё иқтисодий - юридик институтининг ректори лавозимида ишлади. Профессор К.Эшчановнинг илмий фаолияти тобора кенгайиб борди. Илмий фаолияти учун К.Эшчанов ёш олимларнинг Бутуниттифок лауреати бўлди. 2000 йилда К.Эшчановнинг “Оиланинг ахлоқий асослари” проф. (Э.Юсупов билан ҳамкорликда) 2001 йилда “Ўрта Осиё халқлари давлатчилигининг вужудга келиши ва ривожланиши” ва “Тарих фанининг фалсафий муаммолари” монографиялари нашрдан чиқди. 30 дан ортиқ мақоласи чоп этилган. К.Эшчанов илмий ва ташкилотчилик фаолияти муносиб тақдирланди. 1995 йилда у Москва турмуш ва маиший хизмат академиясининг фахрий профессори, 1998 йилда Қозоғистон Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланган (“Экология” бўйича), 1999 йилда Халқаро кадрлар академиясининг ҳақиқий аъзоси (академик), 2000 йилдан Россия Федерацияси педагогик ва ижтимоий фанлар академиясининг мухбир аъзоси ҳисобланади. Профессор К.Эшчанов раҳбарлигида 4 та докторлик ва 8 та номзодлик диссертацияси ёқланди.

#### **4.2.2.74. Салаев Санъатбек Комилович. (Иқтисод фанлари доктори профессор).**

1973 йилда Хива шаҳрида туғилган. Иқтисод фанлари доктори (2008), доцент (2004). Фан оламига эрта кириб келган истиқболи порлоқ ёш олимлардан бири. Мехнат фаолиятини Тошкент давлат иқтисодиёт университети Урганч филиалида “Иқтисодиёт фанлари” кафедрасида ассисентликдан бошлаган. Кейинчалик Урганч давлат университети “Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни бошқариш” кафедрасида ўқитувчи, “Математика моделлаштириш ва менеджмент” кафедрасида катта ўқитувчи

бўлиб ишлаган. Санъат Салаевдаги ишчанлик, янгиликка интилиш университет раҳбарларининг эътиборини ўзига тортди. Натижада Санъатбек Салаев хизмат лавозимида тобора кўтарилиб борди. У тезда кафедра мудири (2007-2009) ва 2009 йилдан бошлаб “Иқтисодиёт” факультети декани (2009) даражасига кўтарилди. 2 та монография, 1 та ўқув кўлланма, 130 дан ортиқ илмий ишлар Санъат Салаев қаламига тегишлидир. Санъат Салаевнинг илмий ишлари фақат мамлакатимиздагина эмас, балки Англия, Германия, Польша, Россия, Хитой, Малайзия каби хорижий мамлакатларда ҳам эълон қилинган.

#### 4.2.2.75. Давлатов Икром Юсуфбоевич

1966 йилда туғилган. Физика-математика фанлари доктори, доцент. Тошкент политехника институтини тугатган. Меҳнат фаолиятини Хоразм давлат педагогика институти “Электра техника” кафедрасида стажер-тадқиқотчи лавозимидан бошлаган (1990-1992).



Кейинчалик УрДУ “Физика” кафедраси катта ўқитувчиси, университет илмий тадқиқот бўлими бошлиғи, маркетинг бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2000-2005 йилларда университет “Ишлаб чиқариш асослари” кафедраси мудири. 2005-2009 йилларда университет илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида ишлаган. 2009 йилдан Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали директори лавозимида самарали меҳнат қилмоқда. 6 та ўқув кўлланмаси ва 71 та илмий услубий ишлар доцент

Давлатовнинг қаламига мансубдир. Олим Италия, Хитой, Испания, Бельгия, Польша, Германия давлатларида илмий сафарларда бўлган.

### 3-боб. ХОРАЗМЛИК АДИБЛАР

Азалдан-азал Хоразм халқи ижодкор халқ ҳисобланади. Бу муқаддас юрт инсоният дунёсига ўзининг кўп минг йиллик тарихида қанчадан-қанча ижодкорларни етказиб берган. Улар ўзларининг баракали ижодлари билан жаҳон адабиётига самарали ҳисса қўшаолганлар. Мазкур бобда биз XX асрнинг 2-ярми ва XXI аср бошидаги хоразмлик адиблар ҳақида маълумотлар берамиз.

#### 4.2.3.1. Айёмий

**(Юсупов Юнус, 1907, Урганч тумани Юқорибоғ қ.- 1983, Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган секретари (1921-1926), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши маданият ходими”, адабиётшунос олим, маданият арбоби, драматург. Урганч шаҳар, Хонқа, Кўшкўпир, Илонли, Ҳазорасп туманлари комсомол комитетлари, масъул ташкилотчиси (1926-1933й), вилоят эстрадаси директори ва санъат бошқармаси мудири, Огаҳий номидаги вилоят театри директори, Республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими секретари, Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш давлат комиссияси масъул секретари бўлиб ишлаган (1933-1941). Биринчи драматик асари- “Турма умрлари” 1922 йилда ёзилган. Илк шеъри – “Қонли қамчи” 1925 йилда “Инқилоб куёши” газетасида босилган. “Музаффарият”, “Республика ўт ичида”, “Мавлано Огаҳий”, “Қизлар исёни”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Маузерли қиз”, “Тун ва нохун”, “Қалбимда давроним” (1978) драмалари, “Ўт чакнаган сатрлар” (1983) шеърий тўпламлари ва адабиётшуносликка оид асарлари бор. Аваз, Сўфи, Мирзо, Рожий, Баёний, Мутриб, Чокар, Партав, Сафо Муғоний ва шоирларнинг ижодини ўрганган. 1957 йил 29 октябрда ёзган “Хоразм” шеърида куйидаги сатрлар бор.

#### 4.2.3.2. Бобожон Аҳмад (Бобожонов Аҳмад Олланазарович, 1909- 25.08.1963, Урганч).

Ўзбекистан Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими масъул секретари, таниқли шоир, драматург ва педагог. Хива педагогика билим юртини тугатган (1928). “Армуғон”, “Азиз ва Санам”, “Ошиқ Ғариб” мусикали драмалари, Аваз Ўтар ҳаётига бағишланган “Ғазал фожиаси” пьесасини яратган. “Қизил Юлдуз”, I, II даражали “Ватан уруши”, “Хурмат Белгиси” орденлари ва медаллари билан тақдирланган.

#### 4.2.3.3. Аҳмадий Ражаб (Ражаб Аҳмадjon ўғли, 1903, Хива- 1974й).

Шерғозийхон мадрасаси ва урфоп мактабида таҳсил олган шоир, тилшунос ўқитувчи маданият тарғиботчиси. Инқилобдан сўнг, шўролар ташкил этган мактабда ўқитувчилик қилган. Самарқанд педагогика академиясини тугатгандан сўнг, Хива, Қўшкўпир, Хонка, Урганчда адабиёт ўқитувчиси ва кутубхоначи (1962) бўлиб ишлаган. Сафо Оялоберганов (Мугоний), Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Ёқуб (Чокар), Отамахсум Охун ўғли (Партавий) каби шоирлар билан замондош бўлган. Навоий, Мунис, Огаҳий ғазалларига тақлид қилиб, 400 дан ортиқ мумтоз шеърлар ижод қилган. Қаламига мансуб бўлган “Наврўзи олам келди”, “Менинг орамижоним”, “Не етгай” шеърларини машҳур халфа Онабиби Отажон қизи (Ожиза) кўшиқ қилиб куйлаган. 1969-1970 йилларда ўзи томонидан оққа кўчирилган 440 шеър ва 5491 мисрадан иборат “Нигористон” тўплами ЎзРФАШИ қўлёзмалар фондида “Девони Ражаб Аҳмадий” номи билан сақланади.



#### **4.2.3.4. Бекниёз Раҳим (Бскниёзов Раҳим, 05.04.1920, Богот тумани Кулонкорабоғ к - дек 1991, Урганч).**

"Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" (1981), Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси (1951), таниқли ёзувчи, шоир, драматург, журналист. 1940 йилда Урганч ўқитувчилар институтига кирган ва Хоразм давлаг педагогика институтини тугатган (1953). Меҳнат фаолиятини 1933 йилда оддий колхозчиликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1941-1945). Кейинчалик ўз қишлоғида ўқитувчи, мактаб директори, Хонқа туман ижрокуми масъул секретари (1946-1949), матбуотда давлат сирларини сақлаш бўлими бошлиғи (1950-1953), "Хоразм ҳақиқати" газетаси бўлими мудир, Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театри директори (1954-1957), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими масъул секретари (1957-1961, 1970-1981) лавозимларида ишлаган, Вилоят мусиқали драма театрида "Сенсиз яшолмайман", "Икки ўт орасида", "Кўк кўйлақлар", "Оқибат" драмалари сахнага кўйилган. I даражали "Ватан уруши" ордени ва медаллар билан тақдирланган. Ҳаёти ва ижоди шоир Э.Мадрахимов томонидан ўрганилган. 1990 йил 5 апрелда Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрида таваллудининг 70 йиллиги тантанали нишонланган.

#### **4.2.3.5. Хушнуд (Абдуллаев Отабой, 1920, Хива-1988 й, Урганч).**

Шоир, маданият ва жамоат арбоби. Урганчда рабфак ва 2 йиллик ўқитувчилар курсини тугатган. Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва оғир ярадор бўлиб асирликка тушган. Кейинги йилларда "Хоразм ҳақиқати" газетасида адабий ходим, вилоят кутубхонасида библиограф, шаҳар маданият уйи ва вилоят халқ ижодиёти уйида директор. Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрида адабий эмакдош бўлиб ишлаган. Навоий, Огаҳий, Фузулий, Мунис, Муқимий, Аваз Ўтар, Фурқат

ғазалларини яхши билган ва уларга тақлид қилиб шеърлар ёзган. Кўпгина ғазал ва шеърлари қўшиқ қилиб қуйланган. Ижоди намуналари “Назм элисан”, “Хоразм” (Урганч, 1994) тўпламида нашр қилинган. Ватан, эл-юртга меҳр-муҳаббат, садоқат, дўстлик ва муҳаббат ришталари тараннум этган. Хоразм воҳаси ҳақида қуйидаги мисралари бор:

**Мафтун этар умрбод, мени васлинг Хоразм,  
Зардўштилардан асли, насаб-наслинг Хоразм,  
Гулистондур тўрт ёғинг, ҳам тўрт фаслинг Хоразм,  
Азал буюк замининг, аждод аслинг Хоразм.**

**Аз-Замахшарий, Кубро, донолигигингга тимсол,  
Ал-Хоразмий, Беруний кўкда порлаган ҳилол,  
Рабғўзий, Полвон пирим бамисоли Рустами зол,  
Азал буюк замининг, аждод аслинг Хоразм,  
Шеърим, қўшиқларимда, сенинг васлинг Хоразм.**

**Ҳеч қачон ҳам ерга урмай номусин, орини,  
Келса меҳмон, боши осмон сарф этиб ўз борини,  
Баҳра олсин деб чалиб ҳам Комил уста торини,  
Шод этолган ҳар мудомо барча дўсти-ёрини,  
Хоразм бу, Хоразм бу, Хоразм бу, Хоразм.**

#### **4.2.3.6. Эгам Раҳим (Раҳимов Эгам, 06.09.1918, Урганч тумани Қоровул қ-15.07.1977 й, Урганч)**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” (1968), СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси, “Хоразм ҳақиқати” газетаси муҳаррири (1953-1977), таниқли шоир ва матбуот ташкилотчиси. Хоразм давлат педагогика институтини тугатган (1942). Меҳнат фаолиятини 1942 йилда Урганч тумани Киров қишлоқ шўроси клуби мудирининг лавозимидан бошлаган ва ўқитувчилик қилган. Кейинчалик “Хоразм ҳақиқати” газетасида адабий ходим (1943-1953) ва кўп йиллар “Ўзбекистон



журналистлар уюшмаси” Хоразм вилояти бўлими маъсул секретари бўлган. 1947 йилда Чоржўй-Кўнғирот темир йўл қурилиши, 1961 йилда Амударё тошқинини тўхтатиш, 1962 йилда Бухоро-Урал магистрал газ қувурларини ётқизишда қатнашган меҳнаткашлар жасорати ҳақида лавҳалар ёзган. Серқирра ижодкор сифатида “Бахт йўли” (1951), “Хоразм кўшиқлари” (1955), “Янги қадам” (1958), “Салом сизга, Хоразмдан” (1969), “Нур дарёси” (1974) номли шеърӣ тўпламлари, “Юрак садоси” (1967), “22-лар” номли поэмалари, “Хоразм достони”, “Маърифат қурбонлари” (1959) каби драматик ва насрий асарларини яратган. “Маърифат қурбонлари” достони асосида мусиқали драма ва либретто ёзилган. “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Хурмат Белгиси” (2 марта) орденлари ва медаллар билан тақдирланган. 1998 йил 6-7 сентябрда таваллудининг 80 йшглиги кенг нишонланган.

#### 4.2.3.7. Эркин Самандар

Хоразмлик шоир, драматург, романшунос Хоразмнинг оташқалб, оташнафас фарзанди Эркин Самандар 1935 йил 22 мартда Урганчда туғилган. Хоразм давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Ўз меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган. Ўзининг ўта тиришқоклиги ва юксак интизомлиги туфайли хизмат курсларида тобора кўтарилиб боради. Туман газетаси, вилоят радиосига раҳбарлик қилади. Сўнгра қарийб 15 йил давомида вилоятнинг “Хоразм ҳақиқати” газетасида бош муҳаррирлик лавозимида ишлайди. Сўнгра республика ҳукуматининг қарори билан Ўзбекистон телевидениясига ишга ўтказилади ва 10 йил давомида Ёшлик студияси адабий- драматик кўрсатувлар дастурининг директори лавозимида ишлайди.

Кейинчалик партиявий ишга ўтказилиб. Хоразм вилояти партия комитетининг котиби, Республика Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари лавозимларида ишлади. Эркин Самандар қаерда ва қайси лавозимларда ишlamасин, ўз фуқаролик бурчига ўта пок инсон сифатида элнинг катта ҳурматига сазавор бўлган инсон. Бугунги кунда нафақахўр. Бадиий ижод билан шуғулланиб келаяпти. Эркин Самандар болалигидан адабиётга жуда

қизиққан. У ўтмишдош буюк шоирларимиз А. Навоий, Огаҳий, К. Хоразмийларнинг ғазалларини севиб ўқиган, қайта- қайта мутолаа қилган ва ёд олган. У ўзбек адабиёти сахнасига ёшлигидан кириб келган. Ўзининг жуда катта файласуфона мазмунга эга шеърлари, она юртга, ўз халқига чексиз мухаббат руҳи билан суғорилган ғазаллари билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортади. Республика ва вилоят матбуотида унинг шеър ва ғазаллари кўплаб босилиб чиққан. Қисқа муддат ичида унинг “Аму-жилолар”, “Дунёнинг ёшлиги”, “Вафо деган гавҳар”, “Севги фасллари”, “Бу боғни қайси боғ дерлар” каби 20 га яқин шеърый тўпламлари нашр этилган. Эркин Самандарнинг “Осмоннинг тош тулпори”, “Қабул соатлари”, “Эрк садолари” каби 9 та достони босиб чиқарилган. Унинг “Франция дафтари”, “Сурия дафтари”, “Тўқсон дақиқа”, “Ёз фасли” каби шеърый туркумлари китобхонларга яхши маълум.

Эркин Самандарнинг шеърый тўпламлари республикадан ташқарида ҳам нашр қилинган. Жумладан унинг икки китоби “Шедроствь рассвета”, “Яблоня во дворе” шеърый тўпламлари Москвада нашр этилган. У поэзия жанри билан бир қаторда проза жанрида ҳам ижод қилади. Унинг илк насрий асари “Дарёсини йўқотган қирғоқ” 1989 йилда эълон қилинган бўлиб, унда инсон ва табиатнинг ўзаро алоқаси аларнинг бош мавзусидир.

Табиатга тажовузона муносабат, Орол фожиаси, инсон маънавиятидаги бузилишлар, миллий қадриятимизнинг дарз кетиши каби 80-йиллардаги жамиятдаги негатив ҳолатлар асарда катта бадиий дид билан кўрсатилган. Ёзувчи Эркин Самандар тарихий романшунослик йўлагига ҳам қадам ташлади. Унинг 1996 йилда ёзилган “Тангри кудуғи” асари Хива хонлигидаги XVII- XVIII асрлар воқеалари хусусан Хива хонлари Араб Муҳаммадхон ва Абулғозихонлар давридаги ижтимоий- сиёсий ҳаёт ёрқин бўёқлар билан акс этдирилган.

Ёзувчи халқимизнинг миллий қаҳрамони Хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангубердиннинг босиб ўтган жанговорона ҳаёт йўлига, унинг Ватан мустақиллиги учун олиб борган озодлик курашига зўр қизиқиш ва қатта ҳурмат билан қарайди. Уни ҳар томонлама кунт билан ўрганади. Ниҳоят узоқ изланишлар ва оғир машаққатли меҳнатлардан сўнг 2005 йилда

унинг тарихий романи “Султон Жалолоддин” китоби дунёга келди. Ушбу асарда ёзувчи Хоразмшоҳ Султон Жалолоддин Мангубердининг фожиали ҳаёт йўли асосида XIII аср биринчи ярмидаги суронли воқеаларни ўта бадиий устакорлик билан ҳаққоний акс этдирилган. Эркин Самандарнинг “Суянч” (Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий қиссаси), “Хоразму Бухоро”, “Минг отлилар диёри”, “Огаҳий ҳаётидан ҳикоялар” китоблари ҳам ҳалқимиз ўтмиш тарихига бағишланган асарлардир.

Эркин Самандар драма соҳасида ҳам қалам тебратган устоз адиблардан. Унинг “Жавоҳир”, “Олма пишганда келинг”, “Аждодлар қиличи”, “Башорат”, “Жалолоддин Мангуберди”, “Араб Муҳаммадхон” драмалари фикримизнинг далилидир. Улар республикамизнинг кўпгина етакчи театрлари саҳналаштирилиб, томошабинлар эътиборларига ҳавола қилинганлар.

Она диёр- Хоразм воҳаси ҳақида 1971 йилда ёзган шеърида куйидаги оташзабон сатрлар бор:

Мен туғилган кўҳна воҳа шуҳратин олам билар,  
Кўп замондин кўп шуаро унга ашъор битдилар.  
Доғини мен ҳам жаҳонга бонг ургим келар,  
Хоразм фарзандиман, мен Хоразм фарзандиман.

Кўҳна Урганч тошлари сайр айлаган боғим менинг,  
Ястаниб ётган қадим Султонвайс тоғим менинг,  
Ушбу боғу ушбу тоққа кўмдилар оҳим менинг...  
Хоразм фарзандиман, мен Хоразм фарзандиман.

Бу улуғ маскан кўнгилларга зиё қилди ато,  
Қаҳридин шамшир ясаб, ёвларга санчди бехато,  
Қалбига илми алфу ал-жабрни қилди жо,  
Мен алифдек яшаб ўтган диёр фарзандиман.

Мен зикр этсам асрлар қаърида кўргум шуур,  
Мен тикилсам, ўтган ул зулмат ичида ёнди нур,  
Ал-Берунийга забон берган диёр ҳам шул эрур,  
Илмини нурдек таратган дониш эл фарзандиман.

Гоҳ булут остида қолди, гоҳ кулди юлдузи,  
Қирди бу юртни неча ёв, босди Жўжи, Чингизи,  
Сув бўлиб қон оққанини сўйласин Жайхун ўзи,  
Сўйласам шу жабридийда Ватан фарзандиман.

Сурга ғарқ бўлганда Урганч, бормиди дарёда айб,  
Йиғласа мотам йўлида йўқдир ҳеч гирёда айб,  
Тожу тахт изгида айбу бераҳм дунёда айб,  
Айбсиз айбдорлар саналган танти эл фарзандиман.

Мен у кунлар ҳасратидин ўрганиб ёнмай нечки,  
Кўҳна ул вайроналарда изғиди аччиқ тутун,  
Мард Жалоладдин йиқилди жангда шу тупроқ учун,  
Мен шу тупроқ ворисиман, мен шу эл фарзандиман.

Ҳаммадан кўпроқ билан бу юрт надир қайғу, алам,  
Дардини дафтарга чизди, қалбини этди рақам,  
Куйлади ошиқ Ғариб, нола урди Шохсанам,  
Нола урган ошиқ элнинг ошиғи-фарзандиман.

Хива бу гумбаз, минора, нақшу нуқра шаҳри бу,  
Токчада қолган китоблар-одамийлик шаҳри бу,  
Паҳлавон Маҳмуд сўзин ёд олди Машрик, Мағриби,  
Машрику, Мағрибда машхур ўлканинг фарзандиман.

Ким ғазал битди юракда қайнаган илҳом билан,  
Ким давр сурди қўлида май лиммо-лим жом билан,  
Мен мулоқотда эрурман Огаҳий бобом билан,  
Боболар изин ўпарман, кутлуғ эл фарзандиман.

Нурли воҳам насфига лойиқ қиёс йўқдир бугун,  
Кўҳна Жайхун ёш ўғилдай эркалаб шўхдир бугун,  
Бор бисотин очди инсонга кулиб тақдир бугун,  
Хур диёрнинг бахтиёр фарзандиман, фарзандиман.

Етти иқлимга овоза бўлди машъал ёғдуси,  
Базм аро мағрур жаранглар бахтиёрлар кулгуси,

Жонима пайвастадирлар ёш кичик, ёшуллиси,  
Лазгичи, шеърхон диёр, ёшулли эл фарзандиман.

Оқ сутни ичдим ва унда ташладим мен илк қадам,  
Илк меҳр, илк севги шавқин шу заминда тобладим,  
Гулларнинг рангларини кўз ичига жойладим,  
Минг жило, минг ранг сочиб ёнган замин фарзандиман.

Нежаб товланса хил-хил боғу-бўстон бу ахир,  
Янгилик кашф этмадим, мен тилда дoston бу ахир,  
Ўзбекистон бу ёронлар, Ўзбекистон бу ахир,  
Не учун фахр этмагай мен ахир фарзандиман!

#### 4.2.3.8. Омон Матчон Ўзбекистон халқ ёзувчиси

XX асрнинг сўнги чорагидаги ўзбек адабиётининг етук ижодкорларидан бири шоир Омон Матчондир. Омон Матчон 1943 йил 14 февралда Хоразм вилояти Янгибозор тумани Боғолон қишлоғида туғилган. Ўз қишлоғида ўрта мактабни тугаллаб, кейин Самарқанд давлат университетининг филология факультетига ўқишга киради. Уни муваффақиятли тугатгач, ўз меҳнат фаолиятини Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида бошлайди. Адабиётга қизиқиш, шоирлик қобилияти Омон Матчонда мактаб деворий газеталарида, туман ва вилоят газеталарида иштирок этиб туради. Талабалик йилларида унинг ижоди янада раванқ топиб элга танилабошлади. У ўз ижоди билан иш фаолиятида халққа янада кўпроқ танила бошлади. Лавозим курсисиди ҳам аста-секин юқорига кўтарилди бошлайди. Тез орада мазкур нашриётда бўлим мудир, кейинчалик узоқ йиллар “Ёшлик” журналининг бош муҳаррири лавозимида ишлайди. У республика матбуот давлат комитети раисининг ўринбосари. “Чўлпон” нашриёти директори, Ўзбекистон Республикасини Президентининг Давлат Маслаҳатчиси лавозимларида фаолият кўрсатади. Бугунги кунда нафақада. Ижод билан шуғулланади. Омон Матчон ижод камолининг юксак

чўққисига эришган шоирлардан. У баракали бугунги Ўзбекистонимизнинг атоқли адиблари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқалар билан бир қаторда туради. Омон Матчоннинг илк шеърий тўплами 1970 йилда “Очиқ деразалар” номи билан нашр этилди. Кейинчалик унинг “Карвон кўнғироғи” (1973), “Қуёш соати” (1974), “Ёнаётган дарахт” (1977), “Ярадор чақмоқ” (1979), “Ҳаққуа кичқируви” (1979), “Сени яхши кўраман” (1981), “Эркин ҳаволарда” (сайланма), “Ардахива” сингари ўнлаб китоблари чоп қилинди. Унинг кўплаган китоблари республикадан ташқарида рус, украин, белорус, тожик, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа тилларда нашр қилинди.

Омон Матчон поэзия соҳаси билан бирга драматургия соҳасида ҳам ижод қилади. Унинг тарихий драматик дostonлардан иборат “Беруний”, “Паҳлавон Маҳмуд”, “Тўғон” асарлари 1975 йилда нашр қилинди. Омон Матчон баракали халқчил ижоди учун бир неча бор ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган. 1975 йилда унга “Очиқ деразалар”, “Карвон кўнғироғи”, “Қуёш соатлари” китоблари учун Ўзбекистон ёшлар ташкилотининг нуфузли мукофотига сазовор бўлган. Мустақиллик йилларида янада унинг ижодий фаолияти янада кенг қулоч ёзди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси мақомида фаолият кўрсатди. Шунингдек, республика матбуот давлат комитети раисининг ўринбосари, “Чўлпон” нашриётининг директори лавозимида ишлади. Адабиёт соҳасидаги катта хизматлари учун Омон Матчон Ҳамза номидаги Давлат мукофоти ва Ҳамид Олимжон номидаги мукофотга сазовор бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Омон Матчонга 1994 йилда “Ўзбекистон халқ шоири” фахрий унвони берилди.



#### 4.2.3.9. Ошиқ Эркин (Мадрахимов Эркин).

**Ўзбекистонда, Қорақалпоғистонда  
хизмат кўрсатган маданият ходими.**



XX аср сўнги чорагида ўзбек адабиёти саҳнасига дадил кириб келган хоразмлик оташнафас, лирик шоирлардан бири Ошиқ Эркин (Эркин Мадрахимов) дир. Шоир ижодида ёр ишқи, юрт ишқи, ўз халқига, ўз Ватанига самимий муҳаббат ва садоқат руҳлари чамбарс ўзаро боғлангандир. Шоир ҳаётда ўта самимий, ҳалол, одамий, заҳматқаш, софдил одам бўлгани учун ҳаётда ўта зарур бўлган ўша хусусиятлар унинг ижодида жўшқин авж уради. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Ошиқ Эркин етук

ижодкор сифатида бу йилларда ўзбек адабиётида мустаҳкам ўрин эгаллаган, бетакрор инсон сифатида жамиятда юксак мавқега эга бўлган улуғ зотдир.

Ошиқ Эркин (Эркин Мадрахимов) 1937 йилнинг 7 май куни Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. У ўрта мактабни тугатгач, Тошкент давлат университетининг филология факультетида (1956- 1961 йиллар) журналист мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Ўқишдан ажралмаган ҳолда ўша университетнинг “Ўрта Осиё университети” кўп нусхали рўзномасида маъсул котиб бўлиб ишлади. Университетни тугаллагандан кейин Ошиқ Эркин “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) рўзномаси муҳарририятида адабий ходим, республика радиосининг Хоразм вилояти бўйича ўз муҳбири, Боғот туман “Хуррият” (олдинги “Ленин йўли”) рўзномасида муҳаррир, Ўзбекистон радиосининг “Ёшлик” эшиттиришни катта муҳаррири, “Қишлоқ ҳақиқати-Сельская правда” рўзномаларининг Қорақалпоғистон республикаси ҳамда Хоразм вилояти бўйича ўз муҳбири

вазифаларида хизмат қилди. 1986 йилдан 2010 йилга қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Хоразм вилояти бўлимига етакчилик қилди.

Ошиқ Эркиннинг турли йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, “Янги аср авлоди” нашриётларида “Иқбол”, “Охулар”, “Йилга татиган бир кун”, “Чақмоқ”, “Кўнгиш гавҳари”, “Кўймадингиз, кўймадингиз”, “Туямўйин тонги”, “Ёлғоннинг умри қисқа”, “Пўлат ва бобоси ҳикоялари”, “Тилла қуш”, “Меҳринг тушди юракка”, “Азим дарё”, “Ўлгунча сизни дейман”, “Мужтони Салламо” (Огаҳий ғазалларига мухаммаслар), “Хоразм” нашриётида “Бир ҳикмат бор муҳаббатда”, “Шунқор”, “Ҳайрат”, “Олмаҳон Ҳайитова”, “Муҳаббатдан тўйганин йўқ”, “Бунёдкор”, “Қорақалпоқ қасидаси” “Самандар”, “Азизлар”, “Ўн саккиз ёшиндадур” (Навоий ғазалига мухаммас) сингари шеърлар, ғазаллар, очерк ҳамда қиссалар китоблари чоп этилган.

Ишчилар синфи мавзусида ёзилган энг яхши очерклар танловига бағишлаб 1972 йилда ўтказилган республика кўриктанловида Ошиқ Эркиннинг “Туямўйин тонги” деб аталган асари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари республика Кенгашининг учинчи даражали мукофотига, “опа- сингиллар” номли бир пардали пьессаси эса 1978 йилда Ёзувчилар уюшмаси ҳамда республика Ёшлар Иттифоқи ўтказган кўриктанловда рағбатлантирувчи мукофотга сазавор бўлган.

Ошиқ Эркин асосан кўшиқнафис шоир, муҳаббат ва садоқат, меҳру вафо, сеҳргар ишқ куйчиси. Унинг мингга яқин шеър ва ғазалларига куйлар басталанган. Кўшиқларини машҳур манъаткорлардан Ортиқ Отажонов, Олмаҳон Ҳайитова, Бобомурод Ҳамдамов, Равшан Матёкубов, Ғуломжон Ёкубов, Каримбой Раҳмонов, Кумуш Раззоқова, Оғабек Собиров, озарбайжонлик жаҳонга машҳур эстрада куйчиси Зайнаб Хонларова, Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиев, Хайрулла Лутфуллаев, Султонпошша Ўдаева, Татаристон халқ артисти, Ҳамза мукофоти совриндори Отажон Худашкуровнинг ўзи Ошиқ Эркиннинг 50 дан ортиқ кўшиғига дилрабо куйлар басталаб, эл хизматига бахшида этган эди.



Халқ ижодига яқинлик, айниқса Хоразм кўшиқчилик санъатидаги ўзига хос жўшқинлик, талаффуз оҳангидаги дилбарлик ва дилраболикни топиб уларни иложи борича содда ва халқнинг кўнглидагидек қилиб айтишга интилиш- шоир ижодий услубининг бош йўналишидир. Ошиқ Эркин камтарона хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг “Шухрат” медали, Хоразм вилояти ҳокимлигининг Огаҳий номидаги, шунингдек “Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвонлари билан тақдирланган. Ҳа, Ошиқ Эркин ёр ва диёр, севги ва муҳаббат, вафо ва садоқат, гўзаллик ва чирой, дўстлик ва қардошлик ҳақидаги эл севган ўнлаб шеърлари билан чиндан ҳам, ўзбек кўшиқчилиги санъати ривожига салмоқли ҳисса кўшиб келаётган сермахсул, сербарака ижодкорларимиздан биридир. 2012 йил 27 августда Ўзбекистон Президентининг фармониға мувофиқ Ошиқ Эркинга (Эркин Мадраҳимов) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилди.

#### **4.2.3.10. Матназар Абдулҳаким.**

##### **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

Хоразмнинг ХХ аср сўнги чорагидаги юксак истеъдодли адиблардан бири Матназар Абдулҳакимдир. Таниқли файласуф, шоир, моҳир таржимон, иқтидорли адабиётшунос Матназар Абдулҳаким (1948 йил 20 февраль- 2010 йил сентябрь) ўтган асрнинг 80- 90 йиллари ҳамда ХХІ асрнинг дастлабки ўн йиллиги давомида воҳада қалам тебратган истеъдод соҳибларининг энг ёрқин, шеърятти тонглардай тиниқ, бадиий гўзал, ташбеҳ ва теран мазмунға эға бўлган мумтоз шоир эди. У шеърят йўналишида республика миқёсида “Офарин” бошқа қатор нуфузли мукофотлар ҳамда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирланган бўлиб, катта ва салмоқли ижод йўлини босиб ўтган чинаккам сўз заргаридир. Матназар Абдулҳакимнинг халқимиз ва келажак авлод учун мерос бўлиб қолдирган 30 га яқин, жумладан, “Тиниқ тонглар”, “Фасллар кўшиғи”, “Қор кўшиғи”, “Ёнимдаги дарёлар”,

“Бир кужоқ гул”, “Иккинчи муаллим сабоқлари” (“Хоразм” нашриёти 2005 йил), “Азизлар анжумани” (2008 йил. Тошкент, “Ўзбекистон ” нашриёти), “Мангулик жамоли” (“Хоразм Маъмур академияси” нашриёти 2009 йил), дoston ва илмий мақолалардан иборат “Кўприк” (Тошкент, “Янги аср авлоди” нашриёти, 2009 йил) ва бошқа асарлари, “Кўчки” достони бадиий ижоднинг республикамик миқёсида тан олинган ёрқин намуналар ҳисобланади. Матназар Абдулҳаким таржимон мақомида ҳам ўзининг беназир истеъдодини ёрқин намойиш қилаолди. Элдoshимиз Паҳлавон Маҳмуднинг (1247- 1326) 400 га яқин рубойиларини, Шарқ адабиётининг мумтоз вакили Мирзо Абдуқодир Бедилнинг 200 дан ортиқ ғазалларини, Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг ҳам форсийда ижод қилган барча асарларини маҳорат билан ўзбек тилига ўгириб, алоҳида китоблар ҳолида нашр қилдирди, Нажмиддин Кубро, Мажиддин Бағдодий, Вафой сингари кўплаб рубойи ва ғазалларни форс тилидан ўзбек тилига ўгириб, назм мухлисларига туҳфа қилди. Матназар Абдулҳакимнинг адабиётшуносликка оид кўплаб тадқиқотлари ҳам республикамикнинг таниқли олимлари ва жамоатчилик томонидан ҳам ниҳоятда юқори баҳоланган ва шоиримизни таҳсинларга сазавор қилган. Хоразмнинг юксак савияли етук адиби Матназар Абдулҳаким 2010 йилда вафот этди.

#### 4.2.3.11. Отаев Рўзимат.

Ёрқин истеъдод соҳиби, меҳри дарё шоир Рўзимат Отаев ҳам воҳанинг иқтидорли, республикага танилган, туйғулари таниқ талант соҳибларидан бири эди. у адабиётга ўтган асрнинг 60 йиллари ўрталарида Эркин Самандар, Ошиқ Эркин, Фозил Зоҳид, Янгибой Худайберганов, Ҳамдам Абдуллаев, Мадамин Кўчқоров сингари бир гуруҳ ёш талантлар сафида чакмоқдек қақиб кириб келди. Саксонинчи йиллар воҳа адабий муҳитида ғоят нуфузли ўринга эга бўлган Рўзимат Отаевнинг (у 1937 йил 5 январиди Хива туманининг Чонашиқ қишлоғида туғилган, 1986 йилнинг мартада оламдан ўтган) қисқа фурсат ичида “Зумрад япроқлар”, “Улкан муҳаббат”, “Сўқмоқли соялар” қиссалари, “Баҳорни қаршилаб” (1968), “Менинг боғим” (1975), “Юракдаги

Ватан” (1978) шеърӣй мажмуалари, “Сиз нима дейсиз?” (1965), “Кувғин булутлар” (1965) “Кўнгил кўнгилдан сув ичар” (1969), “Излар” (1970), “Мусаффо осмон”, “Чироқ кўтарган киши” каби очерк, ҳикоя, повестлари ҳамда 1983 йилда буюк ватандошимиз Мусо ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига бағишлаб яратган “Асрлардан келган нур” деб аталган достони алоҳида китоб ҳолида шеърӣят мухлисларига тухфа этилди. Рўзимат Отаев ижоди таниқли адабиётшунослар томонидан юксак баҳоланган.

#### 4.2.3.12. Отаева Уллибиби.

Хассос шоира Уллибиби Отаева XX аср ўзбек модерн шеърӣятини таниқли вакиллари сафидан ўрин олишга мушарраф бўлган воҳамизнинг ёрқин соҳибаларидан биридир. 1948 йилда Хива туманининг Пирнаҳос қишлоғида таваллуд топиб, ўрта мактабни тугатгач А.Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган бўлғуси шоира 1971 йилдан то умрининг охиригача-1996 йилнинг сентябрига қадар “Хоразм ҳақиқати” рўзномаси таҳририятида аввал адабий ходим, кейинчалик адабиёт ва маънавият бўлими мудири лавозимида эҳтирос билан фаолият кўрсатди. Тинимсиз ижод қилди. Ўша пайтлардаёқ шеър ва очерклари республикамининг “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”), “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Гулхан”, “Ғунча”, “Тонг юлдузи” сингари газета ва журналларида мунтазам нашр этила бошлади. Пировард кўп сонли муштарийлар эътиборигасазавор бўлди.

Шоиранинг биринчи шеърлар тўплами 1976 йилда Ғафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида кўп нусхада чоп этилди. 1980 йилда “Бармоқлар сеҳри” кейинчалик “Замин дарғаси” шеърӣй гулдасталари китоб жавонларидан ўрин олди. Ёниқ дард ва алангали эҳтирос билан битилган бу китобларни шеърӣят мухлислари ниҳоятда мамнуният билан кутиб олишди.

Атиги 48 йил умр кўрган Уллибиби Отаева оз ёзди, аммо оз бўлсада соз ёзди, мухлислар эҳтиромига сазавор бўлди. Унинг вафотидан кейин садоқатли турмуш ўртоғи Одилбек Ёқубовнинг

саъйи ҳаракатлари натижасида шоиранинг “Шукрона” деб аталган шеърлар китоби нашр қилинди ва ўқувчилар кўлига тегди.

### 4.2.3.13. Қурбон Муҳаммадризо.

Эл назарига тушган шоир ва драматург, адиб ва публицист Қурбон Муҳаммадризонинг номи ҳам фақат Хоразм адабий муҳитидагина эмас, балки бугунги ўзбек адабиётида ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Адабий ҳаракатчанлигимизнинг ўтган ярим асрлик тарихида ёрқин иқтидор ва хуштаъб талант соҳиби Қурбон Муҳаммадризонинг ҳам ўзига хос муносиб улуши бор.

1938 йилнинг 18 февралда Туркменистон Республикасининг Тошҳовуз вилоятида туғилган Қурбон Муҳаммадризо ўрта мактабни тугаллагач Хоразм давлат педагогика институти (ҳозирги УРДУ) нинг ўзбек филологияси ва тарих факультетида таълим олиб, меҳнат фаолиятини Хоразм радиосининг муҳбири бўлиб ишлашдан бошлаган адиб кейинчалик турли нуфузли вазифаларда фаолият кўрсатди, қатор ижодий ташкилотларга раҳбарлик қилди, шу биланг бирга баракали ижод ҳам қилди. 1966 йилда Огаҳий номидаги вилоят музыкали драма ва комедия театрида Қ.Муҳаммадризонинг “Мақтумкули” драмаси сахналаштирилиб, пировардида бу асар унга янги ижодий кучкуват бахш этди. Кейинги йилларда унинг “Мунозара этади давом”, “Айбдорлар”, “Сотқиннинг қабри”, “Қасам ва виждон” (Қурбон Омаров билан ҳаммуаллифликда), “Бугуннинг шум боласи”, “Заҳриқотил”, “Сўнги шарт”, “Бахт ва тахт”, “Тўй” сингари драмалари сахналаштирилди ва ўзбек драматургияси ривожига салмоқли улуш қўшилди.

Қурбон Муҳаммадризо қаламига кўпгина манзумалар, жумладан, 1986 йилда “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат” нашриётида чоп этилган драмалардан иборат “Қасам ва виждон”, “Хоразм” нашриётида чоп этилган “Гул ва кўнгил”, “Юракдаги зилзила”, “Юрак тирнаганда” деб номланган шеър ва ғазаллар тўпламлари, “Фалакнинг гардиши” қиссаси, “Нурли излар”, “Боқий дўстлик”, “Саёҳатнома” деб аталган очерглари, китоблари ҳам мансуб бўлиб, ўқувчилар унинг бу ижод

намуналарини ҳам илиқ кутиб олишгани диққатга моликдир. Кейинчалик у китобхонларга икки жилддан иборат “Сайланма” асарларини, 2011 йилда эса йирик эпик асар- “Мақтимқули” романини (“Хоразм” нашриёти) тухфа этди. Бу роман шу йилнинг ўзида Тошкент нашриётларидан бирида иккинчи бор кўп нусхада нашр қилинди. Қурбон Муҳаммадризо ҳамон қайнок ижод оғушида.

#### 4.2.3.14. Фозил Зоҳид.

Фозил Зоҳид воҳанинг жўшқин ва талантли шоирларидан биридир. 1926 йилда Гурлан туманининг Эшимжирон қишлоғида таваллуд топган Фозил Зоҳид 1942-1946, 1950-1958 йилларда тумanning “Пахтакорлар овози” деб аталган газетасида маъсул котиб, 1958- 1965 йилларда “Хоразм ҳақиқати” рўзномасида бўлим мудирини ҳамда маъсул котиб вазифаларида хизмат қилди. 1965-1988 йиллар давомида эса “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасининг Хоразм вилояти бўйича ўз муҳбири мақомида фаолият кўрсатди. Шу йиллар ичида у шоир мақомида ҳам танилди ва шуҳрат топди, зеро шоир Фозил Зоҳид адабиётга шоир мақомида 1950 йиллар бошларида кириб келган эди. Унинг биринчи шеърини китоби эса 1971 йилда “Ассалому алайкум” номи билан Тошкентдаги “Ғафур Ғулом номи Адабиёт ва санъат” нашриётида чоп этилди. Шундан кейин унинг “Очкўзлик”, “Гужумлар диёри”, “Туямўйин қўшиғи”, “Супрақокди”, болалар учун “Қорбобо эртаклари” номи шеърлар китоблари, “Комилжон Отаниёзов” номи хужжатли қиссаси, умумий ҳисобда эса 30 дан ортиқ назмий ва насрий китоблари нашр қилинган. Унга 1991 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони берилган. Айни пайтда ҳам у 86 ёшдан ошиб қолганига қарамай ниҳоятда баракали ижод қилмоқда. Истиқлол йилларининг ўзидагина унинг 20 дан ортиқ китоби чоп этилди.

#### 4.2.3.15. Комил Аваз.



Комил Аваз 1942 йили Хива туманида тугилган. У 1963 йили Тошкент тўқимачилик институтини тугатган. Мутахассислиги инженер-механик. Иқтисод фанлари номзоди. Касби бўйича, узоқ йиллар Хоразм вилоят пахта тозалаш саноати тизимида ишни смена чилангирлигидан бошлаб, пахта тозалаш заводлари директори (Янгибозор, Урганч), вилоят пахта тайёрлаш трести бошлиғининг ўринбосари, бош мухандиси вазифаларида фаолият кўрсатди. Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусикали драма театрида

аввал адабий эмакдош, кейин узоқ давр мобайнида директор, Огаҳий номидаги ҳайрия жамғармаси раиси бўлиб ишлади. Албатта, у институтни тамомлагач, пахта саноати тизимида ишлаётиб, пахта тозалаш саноатига, унинг техника-иқтисодий тараққиётига боғлиқ қатор илмий мақолалар ёзди, илмий конференцияларда маърузалар қилди. Лекин, бадиий ижод ҳаётининг асосий мазмуни бўлиб қолди. “Илк бора қўлимга қалам тутқазган устозим, қўлимдан ушлаб, мусика мактабига олиб борган, мусикага ошно қилган - оғам Эркин Самандардир” дея, ҳавасланиб юриши, катта адабиёт оламига кириб келишига, назму наво аталмиш тилсим дунёга ошно бўлишига доҳиллигидан далолатдир. 1957 йилда “Хоразм ҳақиқати” ҳамда “Хорезмская правда” газеталарида унинг биринчи “Мактабим” номли шеъри ўзбек ва Н.Гацунаев таржимасида рус тилида чоп этилган.

Унинг биринчи “Жаҳаннам” деб аталувчи пьесаси 1989 йили Огаҳий номли театр сахнасида ўйналади. Шу баҳона билан у театрга боғланиб ҳам қолади. Унинг “Уч талок” номли достони, “Жобби жўжакнинг ҳийласи” номи билан элда машхур бўлди. Ушбу комедия беш юз маротабадан зиёдроқ ўйналди. Кейин Республика “Телерадиокомпания”сининг режиссёри, Ўзбекистон



халқ артисти Маҳкам Маҳамедов томонидан шу пьесанинг видеофильми тасвирга олинди.

Шундан кейин драматург бўлиб танилган Комил Авазинг қатор драмалари республикамиз театрлари сахналарида намойиш қилина бошланди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят театрининг бош режиссёри, Ўзбекистон санъат арбоби Карим Йўлдошев томонидан сахналаштирилган “Муноқаша” спектакли, Тошкент Муқимий номидаги давлат театрида Ўзбекистон халқ артисти Рустам Саъдиев сахналаштирган “Диёнатга ҳиёнат”, шу ном билан Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрида Ўзбекистон халқ артисти Маҳкам Маҳамедов, Абдулхамид Мажидий номидаги Каттақўрғон театрида, ажойиб режиссёр Равшан Ёриев сахналаштирган спектакль, Юнус Ражабий номидаги Жиззах театрида сахналаштирилган “Телбалар” (гротеск) ва Хоразмда, Огахий номидаги вилоят театрида ўйналган мусиқий драмалар: “Жаҳаннам”, “Жобби жўжакнинг ҳийласи”, “Марварид таққан аёл”, “Сақили наво” (Феруз), “Хива дилбанди” (Огахий)”, “Авесто-меҳр фарзанди”, “Жавлон журра”, “Тулиравза”, “Ташкилдаги ҳангома”, “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” (драмадан лавҳалар), “Тандир”, “Сўнган умидлар” каби спектакллар уни эл-юртга танитди. Шу кунларда драматургнинг “Паймона” спектакли сахналаштирилмоқда.

Шунингдек, янги ёзган “Тўли тиммитнинг тўйи” (3 қисм 7 кўринишли мусиқий драма), “Изтироб” (2 қисмли мусиқий драма), “Келин кийинтириш” (2 қисмдан иборат мусиқий комедия), “Сахродаги одам” (киносценарий) каби кино ва драматик асарлари сахналаштириш навбатини кутиб турибди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси ва “Арт-мадад” махсус жамғармаси Огахий номли театрда сахналаштирилган “Жавлон журра” драматик асари учун Комил Аваз 2000 йилнинг “Энг яхши драматурги” номинацияси ғолиби деб топилди. “Соғлом авлод йили” га бағишлаб республикада ўтказилган сахна асарлари очик танловида “Авесто” - меҳр фарзанди” пьесасига совринли ўрин беришди.

Комил Авазнинг сценарийлари асосида Тошкент телевидениеси томонидан кўп қисмли “Соқили наво”, “Дейишма”, “Жобби жўжакнинг ҳийласи”, “Ташкил” видеофилмлари, шунингдек, Хоразм мақом ва сувораларига бағишланган 3 қисмли “Дилу жоним санга қурбон”, телефильми яратилди. Комил Аваз 2003-2004 йиллари кино санъатига дохил бўлди. У.Зуфаров билан ҳамкорликда ёзган “Мухаббатимсан” сценарийси асосида кенг форматли фильм яратилди. Унинг наркоманияга қарши бонг урувчи “Хазон” фильми суратга олинди. У “Довдир” бадиий фильмини ёзди.

У Огаҳий номидаги ҳайрия жамғармаси раиси сифатида ҳам унумли ишларни амалга оширди. Хусусан, Тошкент телестудияси томонидан Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги муносабати Комил Аваз сценарийси асосида Огаҳий ҳаёти ва ижодига бағишланган 10 қисмли “Латиф лутфу наволар” видефильми тасвирга олинди. Огаҳий номидаги вилоят театрида унинг қаламига мансуб “Огаҳий” драмаси сахналаштирилди. Ҳар йили 17 декабрь, мавлононинг таваллуд куни Хивадаги Огаҳий боғида ижодий учрашувлар бевосита Огаҳий номидаги жамғарма ва унинг раиси Комил Аваз иштирокида кенг нишонланади.

Комил Авазнинг Огаҳий таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб ёзган “Муҳаммадризо Огаҳий” рисоласи ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди. Шунингдек, “Шарқ юлдузи” журналида (2009 йил №1 сонида) босилган “Огаҳий” мусиқий достони адабиёт аҳли томонидан юқори баҳоланди. Урганч давлат университети олимлари билан ҳамкорликда нашр қилинган “Огаҳий абадияти” Хоразм адабий муҳитида алоҳида ўрин тутади “Авторнинг илк китоби” рукни билан ёш ижодкорларнинг жамғарма ҳисобидан илк китобларини нашр қилиниши ва мунтазам равишда вилоят аҳли, университет, коллежлар, академик лицейларнинг талабалари, кенг сонли мактаб ўқувчилари билан ижодий учрашувлар, мушоиралар, мулоқотлар Алишер Навоий, Бобур, Махтумкули, Огаҳий, Комил Хоразмий, Феруз, Комил Девоний ва бошқа қатор мумтоз адабиётимиз намоёндалари ҳаёти ва ижодидан баҳрамандлик жамғарма фаолиятининг унумли фаоллигидан далолатдир.



Комил Аваз носир сифатида ҳам кенг кўламда ижод қилаётган адибдир. Унинг Тошкентда нашр қилинган “Хива дилбанди”, “Жаҳаннам кўшиғи”, “Олис оҳанглар” (ўзбек, инглиз тилларида) китоблари улкан адабиётимиз хазинасига бойитди. Айниқса, мустақиллик йилларида у янада баракали ижод қила бошлади. Унинг “Қоракўз”. “Умидли дунё”, “Мухтасар”, “Киракаш”, “Қайтар дунё” ва бошқа катор ҳикоялари, Алишер Навоий, Машраб ҳақидаги, “Насимий”, “Фузулий”, Огаҳий” (Мукошифот), “Комил Девоний” (адабий-бадий тадқиқот) лари республика газеталарида босилди. 2003-2012 йиллари унинг Тошкент нашриётларида “Кўналға”, романи, “Тонг эпкини” (ҳикоялар, эсселар, мақолалар, суҳбатлар, хатлар), “Ўтаётган вақт”, (шеърлар, дostonлар, ғазаллар, мухаммаслар, рубоийлар, туюқлар, таржималардан иборат сайланма), “Ибрат манзили” (ҳикоялар, мақолалар, хатлар), “Шоҳ бўлди ишқ ичинда”, (пьесалар, киносценарийлар) “Ўзликни англаш хиёбони” (Нурсафардий билан суҳбатлар), “Қировли тонгдаги гурунглари”, (ёзувчи Рўзимбой Ҳасан билан суҳбатлар) “Муҳаммадризо Огаҳий” каби китоблари, “Созанда” романи нашр қилинди. “Руҳият манзаралари” (кўнглимга мактубларим, эсселар, мақолалар) китоби нашрга топширилган. У “Созанда” романининг давоми, иккинчи китоби устида ишляпти.

#### **4.2.3.16. Кўзи Давлат (Давлатёр).**

Воҳа адабиётига кеч, 54 ёшидан кейин дадил ва залворли қадам билан кириб келган, қисқа вақт ичида салмоқли ижод намуналарини яратган адиб Кўзи Давлат (Давлатёр) XX аср охирларидаги Хоразмнинг забардаст адибларидан биридир. Узоқ йиллар собиқ партия ва Шўро ташкилотлари тизимида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган Кўзи Давлат бой ҳаётий тажриба орттирган ҳолда адабиётга кириб келганини амалда намоён қилишга муваффақ бўлди. Демак, бадий ижодга истиқлол давридагина, мустақиллигимизнинг илк одимлари билан барабар кириб келган шоир ва адиб 1994 йилдаёқ “Хоразм” нашриётида “Нола” деб аталган дастлабки шеърлар тўпламини назм мухлисларига тўхфа этди ва эътиборга тушди. 1995 йилда

“Тугён”, 1996- 1997 йилларда “Кўзларинг хумориман”, “Истиклол илҳомлари”, 1999 йилда “Ҳижрон доғи” ҳамда Тошкентдаги “Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат” нашриётида “Кўнгил чиройи” деб номланган назмий китоблари ўқувчиларга бирин- кетин инъом этилди. Шундан кейин Кўзи Давлат бирданига катта эпик жанрга- роман ёзишга қўл урди ва тагин кисқа фурсатда 2001 йилда “Қорақалпоғистон” нашриётида “Хусумат” деб аталган романини эълон қилди. 2004 йилда “Хоразм” нашриётида “Йиллар сурони”, 2006 йилда эса “Тунги ёғду” деб аталган учта романдан иборат тарихий трилогиясини яратди ва у Хоразмдан етишиб чиққан Матёқуб Абдуллаев (“Қилич” романи муаллифи), Саид Назар (“Яшил лойлик” романи муаллифи), Жуманиёз Шарипов (тўртта романдан иборат “Хоразм” эпопеяси муаллифи, хивалик), шунингдек, Эркин Самандар, Комил Аваз, Қурбон Муҳаммадроиз, Сотим Аваз, Саломат Вафо (шовотлик), Сайёра Жабборова (Урганч туманидан) сингари романнавислар қаторидан нуфузли ўрин эгаллади. 1938 йилнинг 2 декабрида Урганч туманининг Юқоридўрмон қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган Кўзи Давлат 75 ёшни қаршилаётганига қарамай ҳамон баракали ижод қилмоқда.

#### **4.2.3.17. Пўлатов Оллаберган.**

Республикамиз адабий жамоатчилиги ва таниқли адабиётшунослари эътиборига мушарраф бўлган иқтидорли болалар шоири Оллаберган Пўлатов 1935 йилнинг 10 декабрида Хонқа туманининг Навхос қишлоғида таваллуд топган. У дастлаб қишлоқдаги ўрта мактабда, 1952- 1954 йиллар давомида эса Урганч давлат педагогика институтида таълим олди. Бир муддат туман мактабларидан бирида ўқитувчилик қилди.

Оллаберган Пўлатов асосан 1960 йилдан кейин ижод оламига кириб келди. 1960 йилдан 1974 йилгача туманда чиқадиган “Шонли меҳнат” рўзномаси муҳаррирининг ўринбосари, 1974 йилдан 1997 йилгача эса ўша рўзнома муҳаррири вазифасида хизмат қилди. Унинг кундалик матбуотдаги фаолияти 1992 йилдаёқ “Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган журналист” фахрий унвони билан юксак эъзозланди. 1984 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси ҳисобланган Оллаберган Пўлатов бугунги кунда ўзбек болалар адабиётида кўзга кўринган таниқли намоёндаларидан бири ҳисобланади. Муҳтарам шоиримиз ўтган давр ичида бир қатор болаларбоп шеърини китоблари, жумладан, “Ажабтовур болалар”, “Кўнгирокча”, “Ғунчалар кўшиғи”, “Жалоладдин шамшири”, “Чўлда булбул сайрайди”, “Бир кўза олтин”, “Тонгга очаман қучоқ”, “Юлдузлар жамоли”, “Қанотли дўстлар”, “Куллар кўшиғи”, “Она қишлоқ соғинчи”, “Қушлар хониши” сингари шеърини тўпламлари нашр қилинди. Бу китоблардан “Олтин куз”, “Боғбон”, “Умри боқий ғазалдон”, “Беруний”, “Хоразм” номли дostonлари, бир неча балладалар ва шеърини эртақлари ўрин олган. Унинг ижодидан намуналар кўпгина дарслик китобларда ҳам жой олгани- ижоди кенг миқёсда эътироф этилганидан ёрқин далolatдир.

Оллаберган Пўлатов, шунингдек, “Берунийшунос олим”, “Маърифат чаманзори” номли публицистик китобларнинг ҳам зарқалам муаллифидир. Унинг ўзбек болалар адабиёти хусусан шеърини ривожига кўшган ҳиссаси инobatга олиниб, таниқли болалар шоирлари қаторида “XX аср ўзбек болалар шеърини” анатологиясига замондошларимиздан Дўстжон Матҳон, Рустам Назар билан бирга киритилгани шоирнинг чиндан ҳам катта ютуғидир.

#### **4.2.3.18. Отаева Бибисора.**

1938 йилда Қўшқўпир туманидаги Незаҳос қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси (1960). Урганч давлат университетининг филология факультети ўқитувчиси. Хоразм давлат педагогика институтини тугатган (1962). Меҳнат фаолиятини 1962 йилда шу институтда бошлаган. Кейинчалик Урганч шаҳридаги ал-Хоразмий номли мактабда ўқитувчилик қилган. Адабий фаолияти 1957 йилда бошлаган. Устозлари Эгам Раҳим, Раҳим Бекниёзлар бўлган. “Таъзим” (Т.,

1978), “Сўрасам майлими” (Т.,1982), “Юрак риштаси” (Урганч, 1994), “Яраш яраш” (Т.,1992) каби тўпламлари бор.

#### **4.2.3.19. Сафоев Абдулла.**

1952 йилда Хива шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. “Хива тонги” газетасининг махсус котиби бўлиб ишлаган. Хоразм давлат педагогика институтини тугатган. “Кўнгим сиздадир”, “Ўчмас чироқ”, “Хива гилами”, “Сўнмас юлдузлар”, “Сайётлик академик”, “Сўзи ҳикмат, умри ибрат” рисолаларини ёзган ва нашр қилдирган.

#### **4.2.3.20. Ожиза (Отажонова Онабиби) (1901-1952).**

Кўзи ожизлиги сабабли эл орасида Онабиби қори деган ном билан машҳур бўлган, талантли шоира ва халфа. Жуда ўткир хотирага эга бўлган. Машраб, Огахий, Мақтумқули, Аваз Ўтар каби кўплаган шоирларнинг шеърларини ёддан билган. Уларга кўшиқ басталаган ва моҳирона ижро этган. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Албанд”, “Хурмш ва Ҳамро”, “Юсуф ва Зулайҳо” каби халқ достонларини ёддан билган ва маҳорат билан куйлаган. Ўзи ҳам ғазаллар битиб, уларни куйга солиб куйлаган. 1923 йилда Москвада ўтказилган кишлоқ хўжалиги кўрғазмасида ўз санъатини намойиш қилган.

#### **4.2.3.21. Партав**

#### **(Ота Махсум Муҳаммад Латиф ўғли 1905-1956).**

Янгиариқ туманида туғилган. Катта иқтидорли шоир, маданият арбоби. Хивадаги мадрасалардан бирида ўқиган. 1920-1921 йилларда ўқитувчи ва ХХСР маориф нозирлигида маъсул котиб лавозимида ишлаган. 1922-1937 йилларда “Инқилоб куёши” рўзномасида адабий ходим бўлиб ишлаган. Унинг дастлабки ижоди 1920-1923 йилларга тўғри келади. Хоразм ижодкорларининг “Йўлдан гулга” (Т., 1934) номли тўпламига

Партовнинг бир неча шеърлари киритилган. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини тайёрлаш ва ўтказишда фаоллик кўрсатган. 1947 йилда шоир Хабибий билан бирга Чоржўй-Кўнғирот темир йўли қурилишида фаол қатнашган. 1953 йилдан бошлаб Огаҳий номли мусиқали драма театрида адабий эмакдош бўлиб ишлаган.

## **IV-боб. ХОРАЗМЛИК САНЪАТКОРЛАР**

Хоразмнинг нафис санъати, Хоразмнинг моҳир санъаткорларининг ижодлари азалдан-азал эл оғзига тушган. Офатижон Хоразм мусиқавий санъати, унинг устакор ижодкорлари қадим-қадимдан бугунгача халқимиз эътиборини қозониб келмоқда. Биз китобимизнинг ушбу бобида ХХ аср 2-ярми ва ХХІ аср бошидаги хоразмлик санъаткорлар ҳақида қисқача сўз юритамиз.

### **4.2.4.1. Абдуллаев Рустам (1948, Хива).**

Ўзбекистон Республикаси Композиторлар уюшмаси раиси (1994), истеъдодли мусиқашунос. Тошкент Давлат консерваториясини тугатган (1970). “Хива ордени” номли опера яратган (1990). Ўзбекистон Республика мустақиллигини нишонлаш байрамларини музикали сахна асарлари билан безашда ва иқтидорли мусиқашуносларни тарбиялашда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Хоразмдан етишиб чиққан бугунги кун санъат юлдузларидан яна бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофотининг совриндори, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаев бўлади.

Рустам Абдуллаев 1947 йилда Хива шаҳрида таваллуд топган. Ўрта мактабни Хива шаҳрида тугатиб, Тошкент давлат консерваториясига ўқишга кирди. 1972 йилда уни муваффақиятли тугатиб, шу олийгоҳда ишлаб қолади. Ўз ижоди устида тинимсиз ишлаб, қисқа вақт ичида республиканинг таниқли бастакорлари орасида ўрин олади. Хоразм юртининг фарзанди бўлган Рустам

Абдуллаевнинг ижодида ўзбек санъатининг қадимий хусусиятлари акс этади.

Рустам Абдуллаев ўзбек мусиқа санъатининг барча соҳаларига тегишли бўлган кўп сонли мусикавий асарларнинг муаллифидир. Унинг ижоди мусикавий-саҳнавий асарлар муҳим ўрин тутади. “Шодимулк”(1979.), “Садоқат”(1981), “Хива” (1987), “Куёшга таъзим қил” балет ораторияси (1985) Рустам Абдуллаев ижодининг маҳсулидир. Унинг “Опера драматургияси” (2007) асари ўқув услубий характердаги асар бўлиб, санъатнинг опера соҳасига янги кириб келаётган ёшларимиз учун ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Рустам Абдуллаев ижодида вокал-симфоник асарлар муҳим ўрин тутади, “Навоий хотираси”, “Т.Шевченко хотираси” (1971), “Муҳаббат ва ҳижрон”, “Муҳаббат достони” (1975), Торли оркестр учун полифоник симфония (1975) камер оркестр корейс ва япон пьесалари, “Полифоник эскизлар” (1976), “Тайланду гимнлари” (1991), “Шўх мусичалар” (1999) увертюралари, яққалон кўшиқчи учун терроризмга қарши қаратилган “Фарёд” мусикавий асари, симфоник оркестр учун ёзилган “Шодлик таронаси ” (2006), оркестр ва хор ижроси учун ёзилган “Наврўз гимни” (1997), солист, хор ва оркестрга мослаб ёзилган “Тантанали кўшиқ” (1991) фикримизнинг яққол дониридир. Рустам Абдуллаев 1995 йилдан буён Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасини бошқариб келмоқда. У мусикавий ижодиёт билан шугулланиш баробарида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Қозғоғистон, Грузия, Швецья, Туркия, Россия, Таиланд ва бошқа мамлакатларда ўтказилган халқаро мусикавий фестивалларда фаол иштирок этди. Унинг асарлари фақатгина мамлакатимиздагина эмас, балки хорижий ешларда ҳам мусиқа ихлосмандларига яхши таниш.

#### **4.2.4.2. Абдуллаев Қурбонназар**

**(тахаллуси – Бола бахши, 1899, Хива тумани Саёт қ.- 17.06.1994, Хива).**

“Ўзбекистон халқ бахшиси” (1938), машхур хофиз, созанда ва достончи. Деҳқон Абдулла Авазнийез оиласида таваллуд топган. Бобоси Усмон ота катта бахши ўтган. 5 ёшидан эски

мактабда ўқиган ва 9 ёшидан дoston айтадиган кўшикчи сифатида халқ орасида танила бошлаган (шу боисдан “Бола бахши” лақабини олган). Устозлари орасида Раҳима халфа, Жуманазар бахши, Чўлоқ бахши, Нурмамат бахшилар бўлган. “Авазхон”, “Хирмондали”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Базиргон” каби 40 дан ортик дostonлари ёддан билган. Тор билан дoston айтишга биринчилардан бўлиб ўтган. Тўйлар, халқ сайиллари, байрамларда дostonлардан кўшикларни юқори маҳорат билан ижро этган. Хоразм дostonчилиқ мактабини ривожлантиришга катта ҳисса кўшган. Шогирдлари орасида Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов каби машҳур санъаткорлар бўлган. Ўғиллари Норбек, Матёкуб, Матназар, Етмишбой ҳам ота изидан бориб, қобилиятли санъаткорлар сифатида эл орасида танилганлар.

#### **4.2.4.3. Абдуллаева Лола (18.04.1918, Тошкент вилояти Ўзгариш к).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат ходими” (1964), Огаҳий номидаги Хоразм вилояти музикали драма театри бош рассоми (1948-1978, 1995). Тошкент Беньков номидаги рассомчилик билим юртини устозлари В.И.Уфимцев, И.Г.Карахан, В.Ган, В.Хамдамийлар ёрдамида тугатган (1938). Меҳнат фаолиятини 1938 йилда Олма-Ота шахридаги Қозоғистон драма театрида бошлаган. Кейинчалик Қирғизистон драма театри (1941) ва Республика саратлар галлереясида (1941-1942), Ўзбекистон Телеграф агентлиги (ЎзТАГ, 1942-1944) ва Республика Ёш томошабинлар театрида (1944), Ўзбекистон музика фонди маданият бошқармасида (1946-1947), Республика халқ ижодиёти уйида (1946-1948) рассом бўлиб ишлаган. Хоразм вилояти музикали драма театрида сахналаштирилган “Лайли ва Мажнун”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Уйланиш”, “Майсаралинг иши”, “Бой ила хизматчи”, “Жон қизлар”, “Тоҳир ва Зухра” кабиасарларни юқори савияда беаган.Саҳна учун 500 дан ортик акварель билан ишланган манзаралар, “Хоразм тонги”, “Ватан хақида кўшиқ”, “Механизатор”, “Тановвар”, “Хонзада”,

“Сахнага чиқишдан олдин”, “Беруний бемор олдида”, “Фарход ва Ширин”, “Ожиза”, “Анабиби қори”, “Автопортрет” каби йирик асарлари юқори баҳоланган. Театр жамоатчилиги томонидан ташкил этилган барча кўргазмаларда фаол қатнашган ва Фаҳрий ёрликлар билан тақдирланган.

#### **4.2.4.4. Бекчонов Жуманазар (05.07.1932, Шовот тумани Бешмерган қ.).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”(1964), Қори Ёкубов номидаги Ўзбекистон давлат филармонияси солисти (1949-1986). Меҳнат фаолиятини 1943 йилда Огаҳий номидаги вилоят музикали драма театрида солист-яккаҳон ашулачи сифатида бошлаган. Кейинчалик Шовот тумани халқ ансамбли раҳбари бўлиб ишлаган (1947-1949). Бирлашган Араб амирлигида гастроль сафарига бўлган (1974). Ўзбекистон Олий Кенгаши Фаҳрий ёрлиғи билан тақдирланган (1959).

#### **4.2.4.5. Бойжонова Ражаббиди (1915, Хива).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”. Огаҳий номидаги вилоят музикали драма театрининг етакчи санъаткори (1933). Хунарманд оиласида таваллуд топган. Меҳнат фаолиятини 1931 йилда Хивадаги хотин-қиз ўқитувчилар тайёрлаш 2-йиллик курсини тугатгандан сўнг, Шомохулум қишлоғида муаллимликдан бошлаган. Кейинчалик Хива колхоз-совхоз театрида (1932-1933) ишлаган. Театр сахнасида 200 дан ортиқ образларни маҳорат билан яратган (“Лайли ва Мажнун”да Лайли, “Фарход ва Ширин”да Ширин, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” да Шоҳсанамнинг онаси, “Кремль курантлари” да Гадой, “Нодира” да Нодира, “Махтумкули” да Она, “Қасам ва виждон” да Маша хола, “Аждодлар қиличи” да Туркон хотун, “Жавоҳир” да китоб сотувчи ва бошқалар). Кучли ва жозибали овоз соҳибаси сифатида Хоразм воҳаси кўшиқларини маҳорат билан куйлаган. “Хурмат Белгиси”



ордени, “Меҳнатда ўрнатқан кўрсатқани учун” медали билан тақдирланган.

#### **4.2.4.6. Болтаев Абдулла (1896-1966, Хива).**

“Ўзбекистон халқ рассоми” (1950), СССР Давлат мукофоти лауреати (1948), машхур ўймакор, наққош ва музей ходими. Таниқли уста Эшмуҳаммад Худойбердиевдан таълим олган. Узоқ вақт давомида машхур усталар Каримберган Раҳимберганов, Ота Полвонов, Рўздат Машарипов билан ҳамкорлик қилган. Хива меъморчилик обидаларини тиклашда маслаҳатчи бўлиш билан биргаликда Кўхна Арқ, Тошховли, Нуруллабой саройлари шифтлари, устунлари, эшикларидаги нақшларни қайта тиклаган. Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театри учун ўйма эшиклар ясаган ва унинг Хива залини безашда қатнашган. Ижоди намуналари Москвадаги “Шарқ халқлари санъати музейи”, Санкт-Петербургдаги “Этнография музейи”, Тошкентдаги “Ўзбекистон Давлат санъат музейи”, “Ўзбекистон халқ амалий санъати музейи”, “Хива тарихи” музейларида сақланади. Хоразм тарихи ва Хива хонлари ҳақида қизиқарли маълумотларни тўплаган. “Хива тарихига оид материаллар” (96 ыарак), “Тошховли” (76 ыарак) каби хужжатлар тўпламлари ЎзРФАШИ кўлөзмалар фондида сақланади (инв. № 9320,9321). “Хурмат Белгиси” ордени билан тақдирланган (1950). Ҳаёти ҳақида ўғли – доцент Комил Абдуллаевнинг “Нақшларга битилган умр” номли рисоласи бор.

#### **4.2.4.7. Болтаев Ҳожихон (1902, Хонқа тумани Намуна қ. – 08.08.1987, Чоржўй шахри).**

“Ўзбекистон халқ артисти” (1966), машхур хонанда ва созанда, мақом санъати устаси. Мақомчилик санъати сирларини устози Матпона ота Худойберганов, Полли Дўзчи, Куржон отадан ўрганган. Репертуарида Хоразм мақомларидан Дугоҳ, Сегоҳ, Наво, Рост, Бузрук, Ироқ, Чапандози сувора, Якпарда



сувора ва бошқа вилоятларнинг классик ашулаларидан Ушшок, Чоргоҳ, Чўли Ироқ кабилар 200 дан ортиқ мақом ғазаллари ва мусикалари кенг ўрин олган. Кўп йиллар Полли дўзчи, Бобожон бола, Мадрахим Шерозий каби машхур ҳофизлар билан беллашиб (дира-лашиб) келган. 1934-1941 йилларда профессионал созанда сифатида Хоразм вилояти музикали драма театрида хизмат қилган. Тошсоқа ва Байрамсоқа каналлари (1939), Чоржўй-Урганч темир йўли қури-лишларида (1947-1952) қатнашган.

1949 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига сазовор бўлган. 1966 йилда Урганч шаҳар маданият уйи қошида “Халқ талантлари” номли мақомчилар гуруҳини тузган ва бу гуруҳ 1972 йилда Тошкентда ўтказилган кўрикда биринчи ўринни эгаллаган. Талантли шогирдлари орасида укаси Нурмамат Болтаев, Қутлимурод Хажиев, Рўзимат Жуманиёзов, Кувондик Искандаров, Ўринбой Отажонов, Олланазар Ҳасанов, Рўзимат Бекжонов, Назира Юсупова ва бошқалар бўлган. 1992 йилда Хонқада номига “Хоразм мақомлари” санъат музейи ташкил этилган. Ҳаёти ва ижоди ҳақида рисола ва видеофильмлар яратилган. 1994 йил 4 декабрда Урганчдаги янгидан таъмирланган эски театр биносига ва Хонқада таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тантаналар ўтказилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг ўринбосари Ш.Усниддинов, Қорақалпоқистон Республикаси Маданият вазири Н.Муҳаммадиев, “Ўзбекистон халқ хофизлари” Ориф Алимахсумов ва Орифхон Хотамов, вилоят хокими Маркс Жуманиёзов ва бошқа масъул раҳбарлар қатнашганлар.

#### 4.2.4.8. Герман Анна (16.02.1936, Урганч – август 1982, Варшава).

“Польша кўшикчилик санъатининг оқ фариштаси” номини олган машхур эстрада юлдузи. Иккинчи жаҳон уруши тугагач, онаси– Ирма билан Польшанинг Вроцлав шаҳрида яшаган. Баланд бўйли (186 см.) ва истараси иссиқ хонада поляк ва рус тилидаги кўшиқларни (“Один раз в год сады цветут”, “Мы – эхо друг друга”, “Надежда” ва бошқалар) маҳорат билан ижро этган эстрада хонандаси сифатида катта шухрат қозонган. 1967 йилда Италиянинг Милан шаҳрига гастрол сафари вақтида тоғ йўлида автомобиль ҳалокатига учрагач, 15 йил давомида тинмай ўз саломатлигини тиклаш ва маҳоратини ошириш устида ишлаган. 1972 йилда Збигнев исмли инженер йигит билан турмуш қурган ва 1975 йил ноябрда Збишек исмли фарзанди туғилган. Кўп марта Россия, АҚШ ва охириги марта Австралияга гастрол сафарига борган. Рак касали билан огриган ва 3 та жаррохлик муолажасидан кейин вафот этган. Варшавадаги қabri устига қўйилган қора мрамарга скрипка калити тасвири туширилган ва “Оллоҳ менинг отам” деган илоҳий сўзлар ёзиб қўйилган .

#### 4.2.4.9. Давлатов Солий (1940, Урганч).

Ўзбекистон хужжатли фильмлар киностудияси етакчи оператор, таниқли режиссёр Малик Қаюмовнинг шогирди. Москвада К.А.Тимирязов номидаги қишлоқ хўжалиги академиясида таҳсил олган. Комилжон Отаниёзов (1967), “Худайберган Девонов” (1970), “Хива хонлигининг тақдири”, “Чархнинг даврий айланиши”, “Аму оқаётган ўлка”, “Ер меҳри”, “Зулфияхоним”, “Ҳамид Олимжон”, “Мухтор Ашрафий”, “Наврўз”, “Хоразмнинг нурафшон тонги” каби хужжатли фильмлар муаллифи ҳисобланади. “Хоразмфильм” киностудиясини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлган.

#### 4.2.4.10. Девонов Санъат (09.05.1932, Хонқа тумани Навхос қ.).

“Ўзбекистон халк артисти” (1976), Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма театри етакчи актёри (1991). Тошкент театр рассомчилиги институтини тугатган (1973). Ижодий фаолиятини 1945 йилда Хива колхоз-совхоз театрида бошлаган. Кейинчалик 1946 йилда Хоразм вилояти мусикали драма театри актёри (1946-1964, 1967-1984), директори (1964-1967), “Ўзбекфильм” киностудияси актёри (1984-1986), “Ёш гвардия” (1986-1987) ва Ҳамза номидаги Ўзбек академик (1987-1990) ва Огаҳий номидаги вилоят мусикали драма театри директори (1990-1991) лавозимларида ишлаган. Хоразм вилояти театрида ишлаган даврида сахнада 200 дан ортиқ сиймоларни яратган (“Шоҳи сўзана” да Одамбой, “Гулсара” да Толибжон, “Ҳамза” да Эргаш, “Аршин мол-олан” да Аскер, “Тоҳир ва Зухра” да Тоҳир, “Майсаранинг иши” да Чўпонали, “Қутлуг қон” да Алиохун, “Бой ила хизматчи” да Холмат, “Алишер Навоий” да Мўмин Мирзо, “Тошболта ошиқ” да Тешабой, “Шикоятга ўрин йўқ” да Масаддик, “Маузерли қиз” да Давронов, “Тули сиёҳ” да Нодир, “Гамлет” да Гамлет, “Олтин девор” да Мўмин, “Тун ва ноҳун” да Комил Хоразмий, “Беруний” да Беруний, “Абу Али ибн Сино” да Ибн Сино, “Лайли ва Мажнун” да Мажнун, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” да Ғариб, “Кавказли келин” да министр ва бошқалар). “Ўзбекфильм”, “Мосфильм”, “Тожикифильм”, “Мафильм” (Венгрия), “Заигралиш фильм” (Болгария), “Игрлфильм” (Ҳиндистон), “Довженко” (Украина), киностудияларида 50 дан ортиқ фильмларда суратга тушган ( “Амирнинг ағдарилиши” фильмида Шерали, “Қутлуг қон” да Йўлчи, “Қизил Кум” да Жума, “Мафтунигман” да Шариф, “Али бобо ва 40 қароқчи” да Али бобонинг дўсти, “Семург” да Куёв, “Севги достони” да хизматкор, “Шашмақом” да Одилхон, “Чўлоқ дарвеш” да Амир Насрулло ва бошқалар). “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1954). “Меҳнатда ўрнатилган кўрсатганлиги” (1952) медали, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиқлари (1955, 1959, 1982) билан тақдирланган. Вилоят партия комитети

аъзолигига номзод (1966-1968), халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши аъзолигига сайланган (1980-1982).

#### **4.2.4.11. Жабборов Юсуф (1917-1993, Хива).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, таниқли созанда, мураббий. Ижодий фаолиятини Хива колхоз-совхоз театрида бошлаган. Кейинчалик мусиқа мактабида муаллим, Огаҳий номидаги вилоят театри солисти, Хива педагогика билим юртида музика ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1942-1945). Сиртдан ўқиб Хоразм педагогика институтини тугатган. Чоржўй-Қўнғирот темир йўли, Тошсоқа, Полвон-Ғозовот каналлари қурилишларида меҳнаткашларга хизмат кўрсатган.

#### **4.2.4.12. Жуманиёзов Рўзимат (20.12.1933 – дек. 2001, Урганч тумани Ғойбу қ.).**

“Ўзбекистон халқ ҳофизи” (1991), машҳур мақомчи, созанда ва хонанда. Таниқли созандалар Ҳожихон Болтаев ва Қутлимурод Ҳожиевнинг шогирди. Ҳарбий хизматни ўтаган. Кейинчалик Урганч шаҳар маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган ижодий гуруҳда фаолият кўрсатганва устоз хонанда Хўжа ота Отажоновдан мақом сирларини ўрганган. Огаҳий номидаги вилоят мусикали драма театрида 1958 йилдан хонанда ва актёр сифатида мухлислар ҳурматига сазовор бўлган. 1966 йилда Урганч маданият уйи қошида ташкил этилган Ҳожихон Болтаевнинг мақомчилар дастасида ишлаган ва кейинчалик шу гуруҳга раҳбарлик қилган. 1976 йилда раҳбарлигидаги мақомчилар дастасига “Халқ ансамбли” унвони берилди. 1972 йилда Қорақалпоғистонда ўтган Хоразм санъати ва маданияти кунларида фаол иштироқ этган ва биринчи даражали диплом билан тақдирланган. 1988 йилда ташаббуси билан Урганч туманидаги Ленин (ҳоз. Сотим Қаландаров) номидаги жамоа хўжалигида “Дилнавоз” номли ашула ва рақс ансамбли тузилган. 1988 йилдан бошлаб вилоят телерадио эшиттириш комитети

мақомчилар ансамбли етакчи хонанда сифатида фаолият кўрсатиб, Хоразм мақомчилик санъати ривожига улкан хисса қўшган. Хоразмнинг “Рост”, “Бузрук”, “Наво”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ироқ” каби мақомларни меъёрига етказиб ижро этган.

#### **4.2.4.13. Исломов Хошим (1928, Тошкент – 1998, Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1982), Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрининг бош режиссёри (1969-1973) лавозимида ишлаган санъаткор. Тошкент театр рассомчилиги институтини тугатган (1952). Ижодий фаолиятини 1952 йилда Мирзачўл колхоз-совхоз театрида бошлаган. Кейинчалик Тошкент бадиий-хроникал фильмлари студиясида режиссёр ассисенти (1954-1955), Хива колхоз-совхоз театри бош режиссёри (1955-1959), Огаҳий номидаги вилоят театри навбатчи (1959-1969) ва сахналаштирувчи режиссёри (1973) бўлган. 80 дан ортиқ асарларни сахналаштирган (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Бой ила хизматчи”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Аяжонларим”, Узеир Гаджибековнинг “Аршин мол-олан”, Фарҳод Мусажоновнинг “Хизматингизга тайёрмиз”, А.Шаламаевнинг “Изтироб”, Ўткир Хошимовнинг “Сиздан угина...”, Нодар Думбадзенинг “Куёшни кўраяпман”, Б.Абдуллиннинг “Ўн учинчи раис”, Т.Мирзонинг “Аҳмад ила Оқбилак” Қурбонбой Матри зоевнинг “Маҳтумкули”, И.Афандиевнинг “Яраланган юраклар”, ва бошқалар). Ибодулла Ниёзматов билан ҳамкорликда “Талтаевнинг саргузаштлари”, Тешабоев билан бирга “Милиционернинг ўғли”, Раҳим Бекниёзов билан бирга “Икки ўт ўртасида” драмалари яратган. Бутуниттифоқ театрлари фестивали совриндори бўлган (1973).

#### **4.2.4.14. Исмоилов Карим (07.05.1913, Хива – 1996, Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”(1950), Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театри актёри (1946). Хивадаги педагогика курсини тугатган (1937). Иккинчи жаҳон уруши



қатнашчиси. Театр сахнасида кўплаб тўлақонли образларни яратган (“Тухматчилар жазоси” да Муроджон, “Алишер Навоий” да Қулмуҳаммад, “Бой ила хизматчи” да Қози ва элликбоши, “Қутлуг қон” да Домла, “Азиз Ватан” да Вазир Ҳасан, “Майсаранинг иши” да Қози, “Равшан ва Зулҳумор” да Эрсан Ботир, “Оқ нилуфар” да Семиз Жаллод, “Ватан ишқи” да Рўзмат, “Тоҳир ва Зухра” да Тоҳир, “Офтобхон” да Умарали, “Тор-мор” да Мирхоликбой, “Алпомиш” да Кокил Дев, “Тоғ қизи” да Салман, “Номаълум киши” да Чорибой, “Маърифат қурбонлари” да Сапар Юзбоши “Паранжи сирлари” да Мадамин ва бошқа кўпчилик ролларда ўйнаган).

#### **4.2.4.15. Исмоилов Қурбон ота (1866-1943), “Ўзбекистон халқ шоири” (1938).**

Таниқли санъаткор, гармончи. Бошланғич таълимни Хивада эски масжид мактабида олган. Ёшлигидан адабиётга қизиққан. Навоий, Ғузулий ғазалларини ёд билган. Гармон чалишни ўрганиб 12 ёшлигидан халқ оғзаки ижоди-достонларни куйлаган. Хукмдор синфлар сиёсатидан норози бўлиб, Исфандиёрхонга қарши сатирик шеърлари учун ўлимга ҳукм қилинган. Хивадан қочиб кетишга мажбур бўлган. Чимбой, Хўжайли, Тўрткўл шаҳарларида яшаб ижод қилган. “Давронимиз”, “Қирон келсин”, “Ўғлимга хат”, “Уч ўғлон”, “Душманга нафрат”, “Йўл қўйманг” каби 300 дан ортиқ шеърлар ёзган. Уларнинг кўпчилиги кўшиқ қилиб куйланган. “Хоразм тарихи” номли достон ёзган. “Кексалар” номли бадиий ансамбль тuzган.

#### **4.2.4.16. Исмоилова Коммуна (1927-2013).**

Ўзбекистон халқ артисти. Узоқ йиллар Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси қошидаги мақомчилар ансамбли ва фронтга аёллар гуруҳи солисти бўлиб ишлаган. Ўзбек, Хоразм кўшиқларининг моҳир ижрокчиси бўлган. Урганчдаги 6 ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсини тугатган (1943). 1944 йилда Гавҳар Раҳимова (Лиза Петросова) раҳбарлигидаги хотин-қизлар концерт бригадаси билан 1,2,3-чи Украина, 1,2-чи Белоруссия, 1,2-чи Болтиқбўйи фронтларида

бўлган. Хоразм вилояти мусиқали драма театрида ишлаган (1946). Ўзбек ашула ва рақс ансамблида (1947), ўзбек давлат эстрадасида (1948-1951), ўзбек давлат филармониясида (1952-1959) ишлаган.

#### 4.2.4.17. Искандаров Қувондиқ (1930-2004).



50-йилларда вилоятнинг Огаҳий номли драматик театрида талант-ли санъаткорларнинг бутун бир авлоди етишиб чикди. Бу йилларда Хоразмда ашулачилик санъати ҳам анча ривожланди. Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Нурмуҳаммад Болтаев, Бола

бахши Абдуллаевлар билан бир қаторда кўшиқчилик санъати соҳасига Қувондиқ Искандаров, Искандар Пирматов, Ибодулла Жабборов, Раззоқ Абдуллаев, Абдушариф Вафоев каби санъаткорлар кириб келдилар. Шу йилларда Хоразм кўшиқчилиги саҳнасига кириб келган умидли ёш санъаткорлардан бири Қувондиқ Искандаров эди. Ҳазораспнинг Янгибозор қишлоғида таваллуд топган Қувондиқ Искандаров ёшлигидан ўзининг мусиқага бўлган таланти билан ажралиб турган. Унинг кучли, ёқимли овози ҳамюртларининг эътиборини ўзига тортган. Ёш Қувондиқнинг таърифи Хоразм мумтоз кўшиқларининг моҳир ижрочиси Ҳожихон Болтаевгача етиб боради. Таниқли санъаткор кучли ва ёқимли овоз соҳиби Қувондиқ Искандаровни шогирдликка олади. Устознинг раҳнамолиги ва назорати остида шогирдликда ўтган йиллар давомида Қувондиқнинг овози ва санъати сайқал топа боради. У етук санъаткор бўлиб етишади. Қувондиқ Искандаров вилоятда ташкил этилган ансамблларда, труппаларда фаол иштирок этиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлади. Кўплаб мухлислар орттиради. Унинг ёқимли овози, юксак ижрочилик маҳорати республика филармонияси раҳбарларининг



этиборларини ўзига тортади. 1961 йил кузида у Тошкентга Ўзбекистон филармониясига яқка хонанда сифатида ишга таклиф этилади. Санъаткор бу ишда меҳнат нафақасигача ишлайди. Ўзбек ва Хоразм классик кўшиқларининг моҳир ижрочиси сифатида бутун республикага танилади. Унинг ўта юксак ижрочилик маҳорати учун 1969 йилда республика ҳукумати “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” ва 1994 йилда “Ўзбекистон халқ ҳофизи” фахрий унвонларини берган. Қувондиқ Искандаров республиканинг ҳамма вилоятларида минглаб мухлисларига ва шогидларига эга буюк санъаткор эди. У республикада кўшиқчилик санъати ривожланишига катта ҳисса қўшиши билан бирга кўшиқчи ёшларни тарбиялашда ҳам фаол иштирок этди. 1994 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Давлат Консерваториясида классик кўшиқчилик санъати кафедрасида доцент лавозимида ишлаган. Қувондиқ Искандаров 2004 йилда вафот этган. Қувондиқ Искандаров юксак маҳоратли санъаткор бўлиши билан бирга камтарин, диёнатли, меҳнатқаш, дўстликни кадрловчи инсон эди.

#### 4.2.4.18. Юсупов Матниёз.



50-йилларда санъат майдонига кириб келган хоразмлик яна бир буюк санъаткор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, етук бастакор Матниёз Юсуповдир. 1925 йилда Урганч шаҳрида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач армия сафига чақирилиб, иккинчи жаҳон урушида иштирок этади. Бир неча марта яраланади. Жангларда кўрсатган мардлиги учун бир неча давлат ордени ва медаллари билан тақдирланган. Матниёз Юсупов табиатан ширин овоз соҳиби бўлиши билан бирга уста мусиқачи ҳам бўлган. Танбур, гижжак, тор Матниёз Юсуповнинг қўлида худди булбулдек сайраб эди. У ўта изланувчан одам бўлиб, ўтмишдаги Хоразм

классик куй ва қўшиқларини тинмай излар, ўрганар эди. Ўтган аср 40-йилларнинг охирларида у Комилжон Отаниёзов билан танишади. Келгусида буюк санъаткор бўлиб етишган икки шахс ўртасида умрларининг охирларигача дўстлик ва ҳамкорлик давом этади. 50-йилларнинг бошларида Комилжон Отаниёзов каби Матниёз Юсупов ҳам Тошкент шаҳарига келади ва Комилжон ака билан ҳамкорликда ишлай бошлайди. Мусиқага бўлган интилиш Матниёз Юсуповнинг Ҳамза номли мусиқа мактабига ўқишга етаклайди. Мусиқа мактабининг тугатгач, Тошкент давлат консерваториясига ўқишга кириб уни ҳам муваффақиятли тугатади. Мусиқа юзасидан катта-катта асарлар ёзиб бутун республикага танилади. Хоразм мақомлари, классик қўшиқ ва куйларни нотага тушириб, бир неча жилдлик китоб чоп қилдирди. XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек сахнасида муваффақиятли ижро этилган ўнлаб опера ва балетлар, симфоник оркестрлар учун сонаталар айнан ноёб истеъдод соҳиби Матниёз Юсупов қаламига тегишлидир.

#### 4.2.4.19. Отажонов Абдушариф.



50-йиллар Хоразм мусиқашунос-ларидан яна бири бастакор Абдушариф Отажоновдир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда ва бастакор Абдушариф Отажонов 1924 йилнинг 1 январида Хоразм воҳасининг Хива шаҳрида созандалар оиласида дунёга келди. Унинг бобоси Хива хонлигида Машариф сурнайчи номи билан яхши танилган эди. Отаси Отажон ака эса “созчи уста” номи билан танилган сурнайчи эди. Улар Абдушарифда туғма мусиқий қобилият борлигини сезиб, мусиқадан сабоқ бера бошладилар. 1932 йили бошланғич ўрта таълим мактабида, сўнгра ёшлар мактабида ўқиди, 1937 йили Хива қишлоқ хўжалиги техникумига ўқишга кирди. Мазкур ўқув даргоҳида

музыка тўғаракларига ҳам қатнашди. Ўзининг ижрочилиги билан обрў-эътиборга эга бўлган 15 ёшли Абдушариф 1939 йили Хива шаҳридаги вилоят колхоз-совхоз театрига ишга таклиф қилинди ва бу пайтдан унинг меҳнат фаолияти бошланди. Театрда ишлаб юрган пайтларида Абдушариф шу театр актрисаси Бикажон Раҳимовани севиб қолади ва унга уйланади. Афсуски Абдушариф аканинг Бикажон Раҳимова билан бахтли кунлари узоқ давом этмади. 1942 йили А.Отажонов ҳарбий хизматга чақирилди ва Калиган, 2-Белоруссия фронтларида жанг қилди. 1944 йили 23 июнь куни Польшанинг Белосток шаҳрини озод қилишдаги жангда оғир ярадор бўлиб, бир оёғидан ажралди. Госпиталларда даволангандан кейин 1945 йили армия сафидан озод этилиб, ўз Ватанига қайтди.

1945-1951 йилларда А.Отажонов Огаҳий номидаги Хоразм вилоят музыкали драма ва комедия театрида созанда, музыка бўлими маслаҳатчиси бўлиб ишлади. Ёшлигидан ижрочилик ила музыка басталашга жуда қизиқади ва музикадан машқ қила бошлаган Абдушариф замонавий Европа нота тизимини, кўп овозли музыка қоидаларини ўрганиш эҳтиёжи билан 1951 йили Ҳамза номидаги Тошкент музыка билим юртининг музыка назарияси бўлимида Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов ва Султон Ҳайитбоевлар билан биргаликда ўқиди. Эл-юрт орасида обрў-эътиборга сазовор бўлган санъаткорларга ўқув юрти директори Иброҳим Ҳамроев шароитлар яратиб берган эди. 1955 йили ўқишни имтиёзли диплом билан битириб, Хива шаҳрига ишга йўлланма олди ва шу йили А.Отажонов Хива шаҳрида болалар музыка мактабини ташкил этди. Шу боис бу санъат мактабига Абдушариф Отажоновнинг номи берилди. Унга раҳбарлик қилиш билан бир вақтда Хива шаҳар маданият бўлими колхоз-совхоз театрида музикачи бўлиб ишлади. 1961-1966 йилларда Огаҳий номидаги Хоразм вилоят музыкали драма ва комедия театри директори ва дирижёри лавозимларида ишлади, айна пайтда Тошкент давлат консерваториясида композиция бўйича сиртки бўлимда профессор Б.И.Зейдман синфида ўқийди. 1964 йили А.Отажонов чанг ва симфоник оркестр учун концерт билан консерваторияни муваффақиятли битирди. Олий маълумотли мутахассис Урганч шаҳар М.Харратов номли музыка

билим юртида ишлади. 1967-1973 йилларда у Огаҳий номидаги театр директори ва дирижёри, 1973-1980 йилларда мусиқа билим юрти директори бўлиб ишлади. 1980-1986 йилларда Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусикали драма ва комедия театри директори ва бош дирижёри лавозимларида ишлади ва нафақага чиқди.

Бастакор Абдушариф Отажоновнинг ижоди серкирра, унинг дилрабо кўшиқ ва ашулалари, чолғу куйлари, оркестр учун ёзган асарлари, мусикали драма ва комедиялари, симфоник ва вокал-симфоник асарлари мухлислар қалбидан муносиб ўрин олган.

Абдушариф Отажонов 1969 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони билан тақдирланди. 1975 йилда республика бастакорлик уюшмаси аъзоси бўлди. Абдушариф Отажонов 1987 йилда 5 декабрда 63 ёшида вафот этди. Ўз умрини халқига беминнат хизмат қилишга бағишлаган, бетакрор талант соҳиби Абдушариф Отажоновнинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди. Эндиликда ўша давр Хоразм хонандалари ҳақида сўз юритамиз.

#### 4.2.4.20. Мусаев Улуғбек.

60-70 йиллар ўзбек мусикашунослигининг ёрқин юлдузларидан бири, санъат арбоби Улуғбек Мусаев (1948-2000) эди. Улуғбек Мусаев қисқа давр ичида ўзбек санъатининг ёрқин юлдузларидан бирига айланди. Улуғбек Раззоқович Мусаев 1948 йил 12 сентябрда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида таваллуд топди. Ёшлигидан мусикага меҳр қўйган Улуғбек 1962 йилда М.Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юртига ўқишга киради. 1964 йили Ўзбекистон Давлат консерваториясининг тайёрлов курсига ўқишга кириб, бастакор ихтисослиги бўйича профессор Борис Гиенко синфида таҳсил олди. Ўзининг истеъдоди, билими билан консерватория ўқитувчилари ва талабалари орасида хурмат қозонди. Бу давр мобайнида У.Мусаев кўшиқлар, романслар, турли чолғу асбоблари ва фортепьяно учун пьесалар, Лутфий сўзларига “Ғазаллар” вокал-

симфоник туркуми, симфония-поэма ва бошқа кўпгина асарлар яратди.

У.Мусаев яратган бир қатор асарлар республика ва халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллаган. Хусусан, 1968 йилда яратилган “Навий хотирасига” фортепьяно триоси ёш бастакорларнинг республика танловида биринчи ўринни, скрипка ва фортепьяно учун ёзилган 3 қисмли сонатинаси эса 1969 йилда Москвада ўтказилган танловда совринли ўринни эгаллади. 1972 йилда У.Мусаев консерваторияни Э.Раҳим либереттоси асосида ёзилган “Мангулик” операсининг муқаддимаси билан муваффақиятли тамомлади. Кейинчалик бу опера тўлиқ кўринишда Тошкент шаҳридаги Навий номидаги опера ва балет театрида сахналаштирилди. Операнинг алоҳида лавҳалари Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси пленумида ҳам муваффақият билан ижро этилиб, Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ёш бастакор мустақил ижодкорлик ишини муаллимлик фаолияти билан боғлаб олиб борди. Дастлаб Урганч, 1975 йилдан эса Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртларида ўқитувчилик қилди. 1982-1991 йилларда У.Мусаев Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси котиби, 1992-1995 йилларда эса уюшма раиси вазифасида фаолият юритди. Бастакор турли жанрларда баракали асарлар яратди. Бирин-кетин яратилган “Байрамона” симфоник поэмаси, фортепьяно ва оркестр учун “Поэма”, турли чолғулар таркиби учун камер асарлар, романслар, кўшиқлар, “Халқ”, “Ғалаба”, “Шон-шараф” қасидалари композиторнинг ижодий етуклик даврини ташкил этади.

У.Мусаев айниқса мусиқали театр соҳасида катта муваффақиятларга эришди. “Мангулик”, “Робия” опералари, Ш.Рашидовнинг “Кашмир кўшиғи” достони асосида “Ҳинд достони”, “Тўмарис”, Навийнинг “Хамса”си асосида “Поэтик миниатюралар”, “Электра” балетлари бастакорнинг йирик сахна асарлари қаторига киради. Айниқса, унинг балетлари халқаро миқёсда шухрат қозонди. Бастакорнинг “Афсоналар водийси” балети 1978 йилда опера ва балет театрида сахналаштирилди, кейинчалик эса Москва Катта театрида “Ҳинд достони” номи билан Ю.Григоревич раҳбарлигида балетмейстлар Р.Панко ва Ю.Скот томонидан юқори баҳоланди. О.Узоқов либереттоси

асосида яратилган “Тўмарис” балети эса биринчи маротаба 1981 йилда Қирғизистонда Катта опера ва балет театрида бош балетмейстер Уран Сарбагишев томонидан сахналаштирилди. 1984 йилда эса балетмейстер И.Юсупов томонидан Тошкентда қўйилди. Композитор яратган ҳар бир сахнавий асар республиканинг муסיкий хаётида катта қувончли воқеага айланарди. Бунга нафақат юқорида тилга олинган балетлар, балки “Поэтик миниатюралар” балети ҳам ёрқин мисол бўла олади. Бу балет ҳам “Тўмарис”, “Ҳинд достони” сингари Навоий номидаги опера ва балет театри балет труппаси томонидан Германия, Малайзия, Австралия, Россия, Қозоғистон каби кўпгина мамлакатларда намойиш этилди. Улуғбек Мусаев ҳозирги замон ўзбек профессионал муסיқа санъатига улкан ҳисса қўшган ижодкорлардандир. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” фахрий унвони ва республика Давлат мукофотиға мушарраф бўлди. Композитор Улуғбек Мусаев қисқа ва мазмунли умр кўрди. Ўзидан бебаҳо санъат дурдоналарини халқига мерос қилиб қолдирди.

#### 4.2.4.21. Раҳимова Султонпошша.

Жайхун дарё сандан Ғариб ўтдим?  
Жўшқин дарё сандан Ғариб ўтдим?



Бу мисралар асосида қуйланган қўшиқ ва унинг ижрочиси бўлган Ўзбекистон халқ артисти Султонпошша Раҳимованинг ёқимли ва бетакрор овозини хаёлан эслар эканман, ҳаяжондан юрагим қаттиқ уради. Чунки бу булбулмисол овоз инсон қалбининг бевосита тўрига етиб боради. Султонпошша опанинг ўта ширали, ёқимли овози инсон юрагини тўлқинлантиради. Уни эзгулик, муҳаббат боғига етаклайди.

Хоразм санъатининг ёрқин юлдузларидан бири бетакрор овоз соҳибаси



Султонпошша Раҳимова 1929 йилда Хива шаҳрида туғилган. Отаси Раҳим ака (Раҳим масхарабоз) Хоразмда ном чиқарган санъаткорлардан бўлган. Ёшлигидан Султонпошшада санъатга интилиш кучли бўлган. У ўз тенгқурлари орасида Хоразм кўшиқларини маҳорат билан куйлаб юрган. Султонпошшадаги сеҳрли овоз, юксак талант вилоят театри раҳбарларининг эътиборини ўзига тортган. 1946 йилда Султонпошша Раҳимова Огаҳий номидаги вилоят мусикали драма театрига таклиф қилинади. У 1946-1971 йилларда ушбу театрда солист-вокалист вазифасида ишлаган. Санъат соҳасидаги хизматлари учун унга 1955 йилда “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” унвони берилган. Султонпошша Раҳимова мазкур театрда 100 дан ортиқ мусихали спектаклларда ролларни зўр маҳорат билан ижро этган. Унинг “Паранжи сирлари” да Холисхон, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” да Шоҳсанам, “Лайли ва Мажнун” да Лайли, “Алишер Навоий” да Гули, “Мақр ва муҳаббат” да Луиза каби яратган ёрқин образлари халқимиз эътиборига сазовор бўлган. Хушовоз санъаткор Султонпошша Раҳимова 1996 йилда вафот этган.

Болалигим Боғот туманининг Бўсалок-Найман қишлоғи (Комсомол колхоз)да ўтган. Аҳён-аҳёнда қишлоққа келадиган кўчма кино ва концерт труппа гуруҳининг ҳар гал келиши биз болалар учун унутилмас байрам бўлар эди. Айниқса труппа гуруҳида ўша давр машҳур санъаткорлари Ваҳобжон Фаёзов, Султонпошша Раҳимова, Назира Юсуповаларнинг чиқишлари ҳамманинг олқишларига сабаб бўлар эди. Менга, ёшгина болакайга хонанда Султонпошша Раҳимованинг ёқимли, жарангдор овози жуда ёқар эди. Султонпошша опа ўзи жуда гўзал, ширинсўз ва ўта камтарин инсон эди. Труппа қишлоғимизга келгач, Султонпошша опа ёнидаги бир қанча ҳамкасб қиз ва аёллар билан албатта бизникига кириб келардилар. Онамга “аммажон” деб мурожаат қилар эдилар. Бунинг сиридан беҳабарман. Наҳотки қариндош бўлсалар? Онамдан сўраб-суриштиришга тортинганман. Хўжалигимизда иккита сигир бўлганлиги учун уйимизда сут, қатиқ сероб эди. Султонпошша опа ва шериклари ҳар гал келганларида ўзлари ўз қўллари билан ош дамлар ва сут-қатикдан баҳраманд бўлар эдилар.

Султонпошша опа фақат Хоразм санъатининггина эмас, балки бутун ўзбек санъатининг ёрқин юлдузларидан бири эди. Унинг бетакрор ёқимли овози тингловчиларнинг юрагига етиб борар, уларга ҳаяжон ва илҳом бағишлар эди. Султонпошша Раҳимова фақатгина юксак маҳоратли кўшиқчи бўлиб қолмасдан, балки ўта юксак маҳоратли актриса ҳам эди. Ўтган асрнинг 50-70 йилларида Огаҳий номли вилоят театри саҳнасида кўйилган асарларнинг бош қаҳрамони ролларини Султонпошша Раҳимова олий даражада ўйнаган. “Лайли ва Мажнун”да Лайли, “Фарҳод ва Ширин” да Ширин, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”да Шоҳсанам ролларининг Султонпошша опа ижросидаги ёрқин кўриниши бугунги кунда ҳам бизнинг ёшимиздаги хоразмликлар таассуротида мавжуддир.

#### 4.2.4.22. Фаёзов Ваҳобжон.



Уруш арафасида ва ундан кейинги йилларда Хоразмнинг яна бир кўзга кўринган санъаткори Ўзбекистон халқ артисти Ваҳобжон Фаёзовдир. Ваҳобжон Фаёзов 1912 йилда туғилган. 1934-1976 йилларда Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театрида режиссёрлик қилган. Санъат соҳасида катта хизматлари учун 1950 йилда “Ўзбекистон халқ артисти” унвонига сазовор бўлган. Ваҳобжон Фаёзов театр саҳнасида режиссёрлик фаолиятини олиб бориш билан бирга спектакллардаги асосий ролларни ижро этган моҳир устоз санъаткордир. Улуғ Ватан уруши даврида ўз юртдошлари қаҳрамонлиги ҳақида Ваҳобжон Фаёзов “Қалам” спектаклини ёзган ва саҳналаштирган. Табиатан ўта ёқимли ва кучли овоз соҳиби бўлган Ваҳобжон Фаёзов саҳнада кўпгина бош ролларни ўта маҳорат билан ижро этган.

“Лайли ва Мажнун” да Қайс, “Фарҳод ва Ширин” да Фарҳод, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” да Ошиқ Ғариб, “Махтумқули” да



Махтумкули, “Бой ила хизматчи” да Ғофир каби юзлаб спектаклларда яратган образлари халқимиз қалбидан муносиб жой эгаллаган. Ваҳобжон Фаёзов 1976 йилда вафот этган.

#### 4.2.4.23. Юсупова Назира.

Шу давр Хоразмнинг забардаст санъаткорларидан яна бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Назира Юсуповадир. У 1924 йилда Хонқа туманида туғилган. 1942-1958 йилларда Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театрида солист-вокалист вазифасида ижодий 22фаолиятини олиб борган. Назира Юсупова 1950 йилда “Ўзбекистон Респуб-ликасида хизмат кўрсатган артист” унвони билан тақдирланган. Назира Юсупова спектаклларда кўплаб роллар ижро этиш билан бирга Хоразм мақомчилик санъатига мансуб “Феруз-1”, “Феруз-2”, “Сафту суваро” каби айтган бетакрор қўшиқлари билан халқимиз қалбида ўчмас из қолдирган Назира Юсупова 1992 йилда вафот этган.



#### 4.2.4.24. Бобожонов Қодир.



XX асрнинг иккинчи ярмидаги хоразмлик уста санъаткорлардан бири Ўзбекистон халқ артисти Қодир Бобожонов эди. У 1912 йилда Қўшқўпир туманидаги Кўктом қишлоғида туғилган. Ёшлигида ота-онасидан ажралиб етим қолади ва машхур мусиқачи амакиси Жуманиёз сурнайчи уйида тарбияланади. Ўз тенгқурлари каби хунар ўрганиб дурадгорлик касбини эгаллайди. Бироқ ёш Қодир ўз амакисидан мусиқа сирларини пухта эгаллайди ва қисқа вақт

ичида машхур мусиқачи бўлиб етишади. У сурнай, боломон, гижжак, доира каби мусика асбобларини ниҳоятда усталик билан чалар эди. Қодир Бобожоновдаги юксак талантни сезган Тошҳовуз мусиқали драма театри раҳбарлари уни 1938 йилда чолғучи лавозимига ишга таклиф қиладилар. Театрда ўзининг меҳнатсеварлиги ва уста санъати билан катта обрў қозонади.

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси мамлакатга хиёнаткорона хужум қилганда Қодир Бобожонов кўнгилли бўлиб урушга бориш истагини билдириб, ҳарбий комиссарликка ариза беради. Бироқ фронт орқасида ҳам уста санъаткорларга талаб кучли бўлганлиги учун Ҳарбий Комиссарлик Қодир Бобожоновнинг аризасига рад жавоб бериб, унга имтиёз беради. Бироқ тиниб-тинчимас Қодир Бобожонов фронтга бориб манфур душманга қарши курашиш орзусидан воз кечмайди ва қайта-қайта фронтга жўнатишларини сўраб бир неча марта ариза беради. Ниҳоят Ҳарбий Комиссарлик Қодир Бобожоновнинг илтимосини эътиборга олиб 1942 йил апрель ойида уни фронтга жўнатади. Қодир Бобожонов махсус тайёргарликдан ўтгач фронтнинг энг оғир жанггоҳларида жанг қилиб, мардлиги учун бир неча ҳукумат орден, медаллари билан тақдирланади. Урушдан сўнг Хива колхоз театрида, Огаҳий номли вилоят театрида хизмат қилади. Машхур бетакрор ҳофиз Комилжон Отаниёзов билан ҳамкорлик қилади. 1965 йилдан 1975 йилгача Тошкент шаҳрида жойлашган Республика Филармониясининг “Хоразм” ва “Лазги” ансамблларида мусиқа раҳбари бўлиб хизмат қилади. Санъат соҳасидаги кўрсатган хизматлари учун республика ҳукумати 1964 йилда унга “Ўзбекистон халқ артисти” унвонини беради. Қодир Бобожонов Хоразм классик мақомчилик санъатини пухта эгаллаган Хоразм кўшиқчилик ва мусиқачилик санъатига ҳисса қўшган атоқли санъаткор эди. Қодир Бобожонов 1993 йилда вафот этган. Қодир Бобожонов уста санъаткор бўлиши билан бирга ажойиб оила бошлиғи ҳам эди. У киши рафиқаси Салимажон Юсупова билан бахтли ҳаёт кечириб фарзандларини тарбиялаб вояга етказдилар. Қодир отанинг ўғли Султонназир Бобожонов ҳукуматимиз томонидан 2002 йилда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланган. Султонназир Бобожонов бугунги

кунда Огаҳий номли вилоят мусиқали драма театрида директор лавозимида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

#### 4.2.4.25. Худошукуров Отажон.



Отажон Худошукуров. 1944 йилнинг 4 октябрида Тўрткўл шаҳрида таваллуд топган Отажон Худошукуровнинг асл насл-насаби Хоразм вилоятининг Боғот туманига қарашли Эшонбозор (ҳозирги Дехқонбозор) қишлоғида истиқомат қилаётган ослар уруғидан эди. Унинг бобоси Худошукур Ос XX асрнинг йигирманчи йилларида ҳам барҳаёт бўлиб, воҳанинг эрк учун фидойи кишиларидан бири мақомида шуҳрат таратганлардан бири эди. Аввал рассомликка кўнгили қўйган

ёш Отажоннинг кўнглини кўп ўтмай кўшиқ сеҳри чулғаб олди. Зеро у ўша XX аср 50 йилларининг таниқли санъаткорларидан бири тоғаси Йўлдош Оллашукуров ёнида турли халқ базм ва тўйларга боравериб санъатни кўшиқ ижрочилигини ғоятда ёқтириб қолган эди. Йўлдош Оллашукуров машҳур Комилжон Отаниёзовнинг яқин дўсти ва кадрдони бўлиб, улар концертларда, тўй томошаларда бирга иштирок этишар ва кўп ҳолларда ёш Отажон ҳам “ёрдамчи доирачи” мақомида бирга олиб юришгач, Отажон ўзини узил-кесил санъатга бахш этди. У 8-9 ёшларида ҳам ширали овоз ва маҳорат билан кўшиқлар ижро қилабошлаган эди. “Бу бола келажакда машҳур санъаткор бўлиб етишади, бизларнинг изимиздан ҳам етиб олиб, ҳатто ўзиб ҳам кетади!” дея башорат қилган эди Комилжон Отаниёзов ифтиҳор ва ишонч билан. Негаки, устоз санъаткор Отажоннинг илк ижроларини тинглаб, унда илоҳий бир талант борлигини таъкидлаб ҳам қўйган эди. Комилжон Отаниёзов янглишмаган эди.

Энди тўққиз ёшга тўлаётган Отажон Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчиларининг 1953 йилда Нукус шаҳрида бўлиб

Ўтган ёш ижрочилар кўрик- танловида илк бор ғолиблик мартабасига мушарраф бўлди. 1958 йилда 14 ёшида эса Ўзбекистон Республикаси миқёсида ўтказилган ёш кўшиқчиларнинг кўрик- танловида ғолибликни қўлга киритиб, биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Шу- шу у ёшлигиданоқ эл оғзига тушди ва хурматга сазовор бўлди. 23 ёшида (1967) “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”, 25 ёшида (1969) “Қорақалпоғистон халқ артисти”, 33 ёшида эса (1977) Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвонлари билан тақдирланди. У 1974 йилда Ўзбекистон республикасининг Ҳамза номидаги Давлат мукофоти соҳиби мақомига эришганида эндигина 30 ёшни тўлатган ва бу ёшда ҳеч бир санъаткор бундай юксак Давлат мукофоти билан тақдирланмаган эди.

Отажон Худошукуров ўзининг илк меҳнат фаолиятини 1963 йилда Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат филармониясида яккаҳон ашулачиликдан бошлади. Кўп ўтмай ўзи бошқош бўлган “Аму тўлқини” деб аталган ашула ва рақс ансамбли (1964) тузиб, унга 1990 йилгача бадиий раҳбарлик қилди. Мумтоз мақомлар ва Хоразм халқ кўшиқларидан сараланган дастурлар асосида дунёнинг кўпгина хорижий мамлакатларида ўзбек кўшиқчилиқ санъатининг довуғини намойиш қилди. Отажон Худошукуров ижросидаги “Кажан сувора”, “Якпарда сувора”, “Чапандози сувора”, “Она сувора” туркумидаги мумтоз халқ ашулалари, “Самарқанд ушшоғи”, “Сегоҳ”, “Тошкент ироғи”, Хоразм халқ дostonларидан танлаган юзлаб кўшиқлар унинг эл-юртга, келажак авлодларга мерос қилиб қолдирган бебаҳо инъомлари бўлди. Унинг “Кўзларинг”, “Ўзбекистоним”, “Раъно бўлайин деб”, “Соғиниб келдим”, “Мужғонларинг”, “Сен менинг жоним олгил”, “Сенга ёниқ мухаббатимни”, “Ўлтираман-ўйланаман”, “Оламда бир”, “Жайхун шамоллари”, “Биринчи мухаббатим”, “Ёр уйғонмадинг” сингари умуман 500 дан ортиқ бир- бирдан дилрабо кўшиқлари санъат мухлисларининг қимматли мулки бўлиб қолди. У Алишер Навоий, Ҳофиз Шерозий, Мақтумқули, Огаҳий, Партав, Комил (Хоразмий) Девоний, Абдулла Орипов, Омон Матчон ва бошқа шоирларнинг шеър ва газалларини ниҳоятда ихлос ва мароқ билан ижро этар ва

ўзининг хузурбахш талқинларидан ўзи ҳам олам- жаҳон завқ – шавқ олар эди. у ўзбек шериятининг таниқли кўшиқнафис шоирларидан бири Ошиқ Эркин билан ниҳоятда қалин дўст ва ижодий ҳамкор эди. Отажон биргина Ошиқ Эркиннинг 50 дан ортиқ шеър ва ғазалларига ниҳоятда дилкаш мусиқалар басталаб, минглаб мухлисларга камоли эҳтиром билан армубон этган.

Отажон Худошукуров 1987 йилда Россия Федерациясининг Татаристон Республикасида ўтказилган Қорақалпоғистон Адабиёти ва санъати кунларида фаол иштироки учун “Татаристон халқ артисти”, 1992 йилда эса Мақтумкули кўшиқларининг таниқли тарғиботчиси мақомига сазавор бўлиб, “Туркменистон халқ артисти” унвонлари билан тақдирланишига ҳам мушарраф бўлган эди. Отажон Худошукуров 50 ёши жамоатчилик томонидан кенг нишонланиб, энди 51 га қадам кўйганида 1994 йилнинг 22 декабрида оламдан ўтди ва Тўрткўл яқинидаги машҳур Норинжонбобо қабристонига дафн этилди. У ўзидан абадийликка даҳлдор ном қолдирди. Бугунги кунда Эллиққалъа туманидаги санъат саройи, санъат коллежи ва Бўстон шаҳридаги битта кўча, ҳамда 1999 йилдан буён фаолият кўрсатаётган битта Халқаро Жамғарма, шунингдек, буюк ҳофиз туғилган Тўрткўл шаҳрида ҳам битта Маданият саройи, ҳамда катта шоҳ кўча Отажон Худошукуров номи билан аталмоқда. Тўрткўл Маданият саройи рўпарасида эса Отажон Худошукуров ҳайкали қад кўтариб турибди.

#### **4.2.4.26. Мажидий (Абдулҳамид Мажидов, 1902, Катта Кўрғон—1938, Тошкент).**

Хоразм округ театри асосчиларидан бири ва биринчи директори (1931-1934). Катта Кўрғонда ўқитувчи (1918-1922) ва уезд комсомол комитети масъул ходими (1922-1924), “Зарафшон” (1926) ва “Озод Бухоро” газеталари муҳаррири (1926), “Қизил Ўзбекистон” газетаси Хоразм вилояти муҳбири (1929-1934), “Муштум” журнали муҳаррири (1924-1937) лавозимларида ишлаган. Хоразм шоирлари ижоди намуналари киритилган

“Чўлдан гулга” (1934) тўпламини нашр қилиш, ташаббускорларидан бири бўлган.

#### 4.2.4.27. Матёкубова Гавҳар (18.10.1948, Қўшқўпир тумани Ғозовот қ.).



“Ўзбекистон халқ артисти” (25.8.2000), “Ўзбекрақс” миллий бирлашмасининг Хоразм вилояти бўлими бош балетмейстери (1997), Олий тоифадаги раққоса (1977). Хоразм давлат педагогика институти (1972), Урганч музика билим юрти (1976) ва Тошкент давлат университетини тугатган (1980). Ижодий фаолиятини 1963 йилда Ўзбекистон давлат филармониясида раққоса сифатида бошлагн. Кейинчалик Туркменистон Давлат филармонияси қошидаги “Хоразм” ансамблида раққоса (1967-1975), Огаҳий номидаги вилоят музикали театри балет гуруҳи артисти (1975-1979), Комилжон Отаниёзов номидаги вилоят филармонияси раққосаси (1979-1991), вилоят маданият бошқармаси Халқ ижодиёти бўлими мудир (1991-1997) бўлган. Машҳур хонанда Комилжон Отаниёзовнинг шогирди сифатида унинг “Дилбаргина”, “Жафо қилурсан”, “Мафтунинг сенинг”, “Ул хаста вужудим”, “Сарвиравон”, “Келмадинг ёр”, “Гулдаста”, “Оташи дил”, “Гулсанам”, “Тонг шабадаси” каби кўшиқларига жозибали рақслар яратган. Шарқ халқлари (ҳинд, афғон, эрон, сурия, тожик, туркман ва ҳоказо) куйлари асосида 120 дан ортиқ рақсларни ўрганган. Балетмейстр сифатида Гурлан тумани “Гулдаста”(1981) ва “Аму-Ганг”(1986), Ҳазорасп тумани “Хумор” (1990), вилоят халқ таълими бошқармаси “Мерос” болалар фольклор дасталарини тузган (1993). Бу гуруҳлар Россия, Белоруссия, Тожикистон, Туркияда томошабинлар олқишларига сазовор бўлган. Руминия (1987), Польша, Исландия (1989),



Туркия (1990,1995), Афғонистон (1990), Бирлашган Араб амирликларида (1996) гастроль сафарларида бўлиб, ўз санъатини намоён қилган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (26.4.1981) фахрий унвони ва “Ибтидоий Жазва” номли 3 қисмли рақс-композицияси учун Мукаррама Турғунбоева номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти биринчи совриндори бўлган (30.12.1994). “Офатижон Лазги” (Т.:“Фан”,1992) номли рисоласи ва 50 дан ортиқ мақолалари нашр қилинган. Маданий меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш ишига катта ҳисса қўшмоқда. “Хоразм халқ рақсларининг ижро услуби” номли китоби устида иш олиб бормоқда.

#### **4.2.4.28. Матжонов Раҳмонберди (1909, Хонқа тумани Мадир қ.).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”(1979), Республика рассомлар уюшмаси аъзоси, машхур кулол ва наққош. 12 ёшлигидан бошлаб отасидан мерос бўлиб қолган устахонада ишлаган ва Хивадаги кўплаб иморатларни кошинлар билан беъзаган машхур уста Эшим кулолдан таълим олган. Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси (1956), Ислохўжа минораси, Мадаминбек мадрасаси, Тошҳовли саройи, Қўҳна Арк (1973), Нукус шахрининг Тўрткўл кўчасидаги қаҳвахона(1980), Богот тумани маданият саройи (1982) каби кўплаб биноларини безашда қатнашган. СССР Рассомлар уюшмаси аъзоси бўлган. 1995 йилда БМТ 50 йиллигига бағишланган, биринчи кўргазмада БМТ, ЮНЕСКО ва Республика маданият вазирлиги Бош соврини ва 1000 долларлик сертификатини олган. 1997 йилда Беҳзод номли Республика давлат мукофотига сазовор бўлган. Хаёти ва санъати ҳақида 1991 йилда “Ўзтелерадио” компанияси томонидан фильм суратга туширилган.

#### 4.2.4.29. Ниёзматов Ибодулла Абдуллаевич (17.10.1942, Хива тумани Дошёқ қ.).

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби”(1980), Огахий номидаги Хоразм вилоят музыкали драма театри бош режиссёри (1974-1998) лавозимида ишлаган ижодкор. Тошкент маданий оқартув техникуми (1960) ва театр рассомчилиги институтини тугатган(1971). 1962-1965 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. Меҳнат фаолиятини “Ўзбекфильм”да оддий ишчиликдан бошлаган (1966-1968). Сўнгра “Главташкентстрой” 153-трестида диспетчер (1968-1969), Республика ёш томашабинлар театрида сахналаштирувчи режиссёр (1969) бўлиб ишлаган. Тошкентда ишлаган вақтида “Шолғом” (Моляровский), “Сирли хат” ва “Романтиklar” (Латиф Маҳмудов), “Сехрли соатча” (К.Мешков, М.Либин) каби асарларни сахналаштирган. Огахий номидаги Хоразм вилоят музыкали драма театрида режиссёр (1971-1973) ва директор (1974-1979) бўлган. Театрда 60 дан ортиқ асарларни сахналаштирган (“Қасос” (И.Юмагулов асари), “Оқибат” (Раҳим Бекниёз), “Али масҳарабоз” (Л.Бобохонов), “Абу Райхон Беруний” (Уйғун); “Тузоқ” ва “Сўнгги пушаймон” (Алп Жамол), “Тошлар тилга кирганда” ва “Муҳаббат кўшиғи” (П.Тлегенов), “Инсонликга номзод”(Мустай Карим), “Шайтон қиз” (Анатолий Кобулов, Борис Привалов), “Раҳмат капитан” (Н.Рўзимухамедов), “Тошкентнинг нозанин маликаси” (Хайдар Муҳаммад), “Миндагуас” (Ю.Марцинкявичус), “Ибн Сино” (А.Шаламаев), “Хижрон” (С.Раҳмон), “Даҳшатли тун” (Хаинский), “Бировнинг ташвиши” (Ўткир Хошимов), “Мунозара давом этади” (Қ.Матризоев), “Қасам ва диёнат” (К. Омаров, Қ. Матризоев), “Йўлчи юлдуз” ва “Нурхон” (Комил яшин), “Тўғон” ва “Фотима кампирнинг лотареяси” (О.Матжон), “Остона” (А.Дударев), “Кремль курантлари” (Николай Погодин), “Олма пишганда келинг” (Эркин Самандаров), “Жобби жўжакнинг ҳийласи ” (Комил Аваз), “Ўлимдан кучли” (Роблес), “Чироқни ким ёқади” ва бошқалар).



Мансуровнинг “Саҳродаги фарёд”, Нодар Думбадзенинг “Куёшни кўраяпман” асари асосида инсценировка яратган. Режиссёр Х. Исломов билан ҳамкорликда “Ягона гувоҳ”, Комил Аваз билан бирга “Жобби жўжакнинг хийласи” драмаларини сахналаштирган. Тар-жимаси асосида яратилган П.Тлегеновнинг “Онalar” асарини Санъат Девонов сахнага қўйган. Болалар учун ёзилган “Янги йил эртаги” асари ёш томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган. 1995 йилда драматург Комил Авазнинг “Феруз” драмасини сахналаштиришдаги хизмати учун Хоразм вилоят ҳокимиятининг Огаҳий мукофотиغا сазовор бўлган. “СССР маданият аълочиси”, Бутуниттифоқ театрлаштирилган томошалар кўриги совриндори бўлган. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашига сайланган (1986). ЎзКП ХХІ съезди делегати бўлган.

#### **4.2.4.30. Ниёзматов Матназар (Ниёзимбетов Мамбетназар, 20.05.1939, Тўрткўл тумани).**

“Қорақалпоқистонда хизмат кўрсатган артист”(28.12.1989), “Ўзбекнаво” концерт-гастроль бирлашмаси Комилжон Отаниёзов номидаги Хоразм давлат филармонияси солисти (1996). Меҳнат фаолиятини 1957 йилда кутубхоначиликдан бошлаган. Сўнгра Бердак номидаги Қорақалпоқистон давлат филармонияси (1959-1964), Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясининг “Лазги” ансамбли (1964-1966), Огаҳий номидаги Хоразм вилоят музыкали драма театрида солист ва актёр (1967), Комилжон Отаниёзов номидаги Хоразм давлат филармонияси директори (1967-1996) бўлиб ишлаган. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган (23.5.1963).

#### **4.2.4.31. Оллаберганов Отахон** **(17.11.1947, Тошҳовуз вилояти Иллонли тумани** **Гулистон қ.).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” (1981), Огахий номидаги вилоят музикали драма театри Бош рассоми (1998). Тошкент театр рассомчилиги институтини тугатган (1974). Огахий номидаги Хоразм вилоят музикали драма театрининг бош рассоми (1974-1996) ва директори (1997-1998) лавозимларида ишлаган. “Мовий чироқлар”, “Нурхон”, “Тошлар олов сочганда”, “Тунги қисса”, “Тўғон”, “Миңдагуас”, “Майсаранинг иши”, “Тош ва қон”, “Қон сачраган чинор”, “Муҳаббат қўшиғи”, “Икки бойга бир малай”, “Остона”, “Беруний”, “Ибн Сино”, “Марварид таққан аёл”, “ОшиқҒариб ва Шоҳсанам”, “Жобби жўжакнинг хийласи”, “Феруз” каби 90 дан ортиқ спектакллари саҳна безаклари билан жиҳозлаган. Машҳур арбобларнинг портретларини (Нажмиддин Кубро, Феруз, Исломхўжа, Ислом Каримов, Омон Матжон ва бошқалар) маҳорат билан чизган. Хиванинг 2500 йиллигини нишонлаш ишига катта хисса қўшган. “Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмаси” хақиқий аъзоси ҳисобланади. “Меҳнат шухрати” ордени (2000) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Риёсати Фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

#### **4.2.4.32. Оллаберганов Раҳим.**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, Машҳур кизиқчи, масҳарабоз. Таниқли санъаткор Султонпошша Рахимованинг отаси.

#### **4.2.4.33. Оллаберганов Раҳмон** **(01.01.1910, Хива – 1986, Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” (1968), талантли бастакор, музикашунос ва педагог. Тошкент мусиқа билим юрти (1928), Самарқанд мусиқа ва хореография илмий-тадқиқот

институти (1930) ва Тошкент давлат консерваторияси ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлимини тугатган (1965). Хива тумани халқ театри мусиқа раҳбари (1930-1933), Хоразм вилояти мусиқа драма театри гижжакчиси ва дирижёри (1933-1940), Урганчдаги 1- сон мусиқа мактаби ўқитувчиси (1940-1942) бўлган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1942-1944). Кейинчалик Урганч мусиқа мактаби (1944-1962, 1964-1980) ва Матёқуб Харротов номидаги мусиқа билим юрти директори (1962-1964) лавозимларида ишлаган. Кўшиқ яратувчи санъаткор сифатида самарали ижод қилган. Мақсуд Шайхзоданинг “Жалололдин Мангуберди” драмасига куй басталаганлиги учун республика бастакорлар уюшмасига қабул қилинган. И.Икромовнинг “Адолат”, Эгам Раҳимнинг “Маърифат қурбонлари”, Юнус Юсуповнинг “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” (А.Отажонов билан ҳамк.) драмалари ва 100 дан ортиқ музикали асарларга куй басталаган. Ўз даврида “Ёшлигим”, “Бир келиб кетинг қишлоғимизга”, “Ўзбекистон диёрим”, “Атлас кийинг баҳорда”, “Бора билмадим” каби кўшиқлари эл орасида шуҳрат қозонган. Кўшиқлари ва ноталари Ислом Оллаберганов томонидан 1995 йилда Урганчда нашр қилинган. Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида профессор С.Рўзимбоев рисола ёзган (1993).

#### **4.2.4.34. Оллаберганова Сорахон (1911-1975, Хива).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, Хива медицина билим юрти “Феруза” ансамбли ташкилотчи ва бадий раҳбари (1968). Ижодий фаолиятини 1931 йилда Хивада санъаткорлар гуруҳида бошлаган. Кейинчалик Тамарахоним ташкил этган “Тармончилар” ансамблига (1938) таклиф қилинган. Тошсоқа, Полвон-Ғозовот каналлари қурилиши ва таъмирланиши қатнашчилари учун кўплаб томошалар ташкил қилган. Уруш йилларида санъати билан меҳнаткашларнинг кўнглини кўтаришга интилган.

#### 4.2.4.35. Омонбоев Бахтиёр Йўлдошев (06.07.1960, Гурлан тумани Чўболончи к.).

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1995), Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театри етакчи актёри (1985). Тошкент театр рассомчилиги институтини тугатган (1984). Меҳнат фаолиятини 1985 йилда вилоят мусиқа драма театрида яккахон кўшиқчи сифатида бошлаган. Драматик актёр сифатида илк бор “Муҳаббат кўшиги” спектаклида Нажим ролини ўйнаган. Кейинчалик “Лайли ва Мажнун” да Қайс, “Менинг нафсим балодур” да Нураддин, “Жалолоддин Мангуберди” да Ихтиёр, “Юракдаги дард” да Давлатёр, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” да Ғариб, “Феруз” да Ферузшоҳ каби ролларни маҳорат билан ижро этган. Ёқимли ва кучли овози бор. “Сакили наво” видеофильмида Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) сиймосини юқори маҳорат билан яратган. Вилоят музикали драма театрида саҳналаштирилган “Феруз” спектаклида бош ролни юқори савияда ижро этганлиги учун Хоразм вилоят хокимиятининг Огаҳий номидаги мукофотига сазовор бўлган (1995). Бир неча йил давомида Урганч автомобил – йўл техникумида маънавият ва маърифат бўлими мудири лавозимида ишлаган.

#### 4.2.4.36. Омонбоев Мунаввара (15.01.1964, Наманган вилояти Поп тумани).

Огаҳий номидаги вилоят музикали драма театрининг талантили акрисаси (1985). Тошкент театр рассомчилиги институтини тугатган (1984). Саҳнада илк бор яратган образи – “Муҳаббат кўшиги” спектаклидаги Зубайда роли ҳисобланади. Ёқимли овози ва катта актёрлик қобилияти мавжудлиги сабабли кўплаб мусиқа ва драматик спектаклларда бош ролларни ижро этган (Лайли, Тозагул, Маъсуда, Чинора, Бика ва бошқалар). Ўзбекистон ёшлар уюшмаси мукофоти совриндори бўлган (1990). Урганч автомобил – йўл техникумида маънавият ва маърифат бўлими услубчиси лавозимида ишлаган.

#### **4.2.4.37. Ортиқов Ҳожихон** **(11.09.1950, Хонқа тумани Навхоз қ.).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (04.03.1988), Огаҳий номидаги мусиқали драма театри актёри (1999). Тошкент театр рассомчилиги институтини тугатган (1977). Ижодий фаолиятини 1969 йилда Тошкент “Ёш гвардия” театрида бошлаган. Кейинчалик Хоразм вилоят телевидениясида режиссёр ёрдамчиси (1970), ҳарбий хизматчи (1970-1972), вилоят мусиқа драма театри балет гуруҳи артисти ва вокалисти (1972-1990), вилоят телевидениясида режиссёри (1990-1993) ва тематик кўрсатувлар таҳририяти муҳаррири (1993), вилоят маданият бошқармаси санъат ишлари бўйича бош мутахассис (1993-1996), Хонқа тумани ҳокимият маданият бўлими мудир (1996-1999) лавозимларида ишлаган. Н.Погодиннинг “Кремль курантлари”, К.Яшиннинг “Йўлчи юлдуз” спектакларида В.И.Ленин сиймосини маҳорат билан гавдалантирган. “Нафосат” кўрик-танловлари хайъатига бир неча бор раислик қилган.

#### **4.2.4.38. Отажонов Бекжон** **(15.1.1937, Янгиариқ тумани Чикирчи к. –** **25.1.1996, Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1991), Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театри етакчи актери ва кўшиқчиси (1960-1996). Тошкент театр рассомчилиги институтини тугатган (1970). Меҳнат фаолиятини 1957 йилда Ўзбекистон давлат филармонияси Комилжон Отаниёзов раҳбарлигидаги “Лазги” ансамблида яккаҳон кўшиқчи сифатида бошлаган. Кучли ва ноёб овоз соҳиби сифатида кўшиқ куйлаш билан бир қаторда, “Лайли ва Мажнун” (Қайс), “Сўнгги хон” (Даврон), “Бағри тош” (Шероз), “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” (Ғариб), “Бир ғунча очилгунча” (Нодир), “Сўнгги хон” (Даврон), “Тош юрак” (Шероз), “Бўронли йиллар” (Абдусолих).

#### 4.2.4.39. Отажонов Ортик (30.1.1947, Боғот тумани Хитой қ.).



“Ўзбекистон (9.11.1991),  
Туркменистон (4.5.1993) ва  
Қорақалпоқистон халқ артисти”  
(19.11.1993), “Ўзбекнаво” гастроль-  
концерт бирлашмаси “Лазги” ансамбли  
етакчи солисти (1968) бўлиб ишлаган.  
Урганч 6-сон қурилиш (1962) ва мусиқа  
билим юрти (1966), Тошкент маданият  
институтини тугатган (1980). Меҳнат  
фаолиятини 1968 йилда Тошмуҳаммад  
Қориёқубов номидаги Ўзбекистон давлат  
филармонияси Гавҳар Раҳимова  
раҳбарлигидаги “Лазги” ансамблида  
солист бўлиб ишлаган. Кейинчалик

Муқимий театри солисти (1970-1971) ва “Лазги” ансамблини 1981-  
1988 йилларда бадий раҳбари бўлган. “Она диёрим”, “Сенинг  
қулишларинг”, “Эй нурли Ватан”, “Тинчлик учун”, “Зеболаниб  
келибсиз”, “Хоразм фарзандиман”, “Кўнглимдадир” каби 500 дан  
ортиқ лирик ва классик кўшиқларни маҳорат билан ижро этган.  
Дания, Сурия, Иордания, Исроил, Саудия Арабистони, Жазоир,  
Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Япония каби 50 дан ортиқ  
мамлакатларда Хоразм кўшиқчилиги санъати намуналарини тарғиб  
қилган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1980). Иордания  
қироллигининг 1 даражали “Мустақиллик” (1984), СССРнинг  
“Шавкатли меҳнати учун” (1987) ва Ўзбекистон Республикасининг  
“Мустақиллик” (1992) медаллари билан тақдирланган.



#### 4.2.4.40. Отажонов Ўринбой (1931–март 2001, Хонқа тумани Хоразм қ.).

Ўзбекистон радио ва телевиденияси қошидаги мақомчилар ансамбли етакчи солисти (1987-2001). Хонқада ташкил этилган туманлараро мусиқа гуруҳида 14 ёшлигидан иштирок эта бошлаган. Ҳарбий денгиз флотида хизматни ўтаган. Кейинги йилларда Хонқа туманидаги “Сарапаён гуллари” ва “Сайқал”, Урганч туманидаги Наримонов ж.х. музыкали гуруҳларида фаол иштирок этган. Таниқли мақом ижрочиси ва устаси сифатида республика ва вилоят музыкали фестиваллари ва кўрик танловларида голиб бўлган.

#### 4.2.4.41. Отажонова Ровия Оллобергановна (1.1.1924, Урганч).

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1965), “Оразибон” халқ жамоаси машҳур раққосаси, драматик актриса. Тошкент Гавҳар Раҳимова (Лиза Петросова) ташкил этган гармончилар ансамбли солисти (1939-40), Огаҳий номидаги Хоразм вилояти музыкали драма ва комедия театри актрисаси (1940-1990) бўлган. Саҳнада 70 дан ортиқ ролларни маҳорат билан ижро этган (“Алангали йиллар” да Пари, “Гамлет” да Малика, “Бой ила хизматчи” да Пошшаой, “Нурхон” да Кумри, “Тоҳир ва Зухра” да Хоразм маликаси, “Холисхон” да Зебо, “Тоштешар” да Муҳаббат, “Икки ўт ораси” да Жилохон, “Жон қизлар” да Милиционер, “Аяажонларим” да Шакархон, “Аршин мол-алан” да Осие, “Меҳрибон” ларда Она, “Равшан ва Зулхумор” да Оққиз, “Паранжи сирлари” да Зебихон, “Тули сиёҳ” да Саодат ва ҳоказо). “Лазги”, “Норим-норим”, “Бартовул”, “Эй меҳрибоним” рақсларини юқори маҳорат билан ижро этган. “Хурмат Белгиси” ордени (1950), “Шавкатли меҳнати учун”(1945) медали, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Фахрий (2 марта) ёрлиқлари билан тақдирланган. Урганч санъат гимназиясида ёшларга сабоқ беради. Ижоди ҳақида

Роза Каримова “Ровия Отажоновна рақси” номли китоб ёзган.  
Фаолияти санъатшунос С.Собирова томонидан ўрганилган.

#### 4.2.4.42. Отаниёзов Комилжон (20.7.1917, Шовот тумани, Бўйрачи қ.—5.11.1975, Тошкент).



“Ўзбекистон (1949),  
Туркменистон (1964),  
Қорақал-покистон (1968)  
халқ артисти”, устози  
машҳур хонанда Матпано  
Худойберганов бўлган.  
Тошкентдаги Ҳамза  
номидаги билим юрти  
(1955) ва Тошкент давлат  
консерваториясини

тугатган (1956). Меҳнат фаолиятини Урганчдаги ўқитувчилар тайёрлаш курсини тугатгандан сўнг, ўз қишлоқда муаллимликдан бошлаган. Кейинчалик Шовот колхоз театри (1938), Гурландаги туман театри (1940-1941), Хивадаги колхоз-совхоз театрида (1941-1943) хонанда ва режиссёр бўлиб ишлаган. 1943 йилдан Огаҳий номидаги вилоят театрига ишга таклиф қилингандан кейин актёр сифатида “Тоҳир ва Зухра”, “Фарҳод ва Ширин” спектаклларида бош ролларни маҳорат билан ўйнаган. 1949 йилдан вилоят театрида Хоразм ашула ва рақс ансамблини тузган ва эл орасида юқори савияда ташкил қилинган томошалар кўрсатган. Кейинчалик Ўзбек давлат филармониясида хонанда (1956-1967) ва Хоразм халқ ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари (1958-1967) бўлган. 1967 йилда Туркменистон давлат филармонияси Тошҳовуз бўлимига асос солган ва шу ерда халқ ансамбли тузган. 1973-1974 йилларда Шовот тумани “Феруз” ашула ва рақс ансамбли ишини йўлга қўйишга кўмаклашган. Хоразм дostonлари, суворалари ва мақомлари моҳир ижрочиси



сифатида кенг жамоатчилик орасида танилган. Хонанда Коммуна Исмоилова билан ҳамкорликда Ўзбекистон Санъатшунослик институтида Хоразм мақомларидан Рост, Наво, Дугоҳ ва Сегоҳнинг ашула йўллари магнит лентасига туширган. Бастакор сифатида “Салом сенга Хоразмдан”, “Муборак”, “Азиз Ватаним”, “Салом ҳинд халқига”, “Ўзбекистон”, “Хоразм” каби машҳур кўшиқларни яратган. 1954 йилда Аҳмад Бобожонов пьесалари асосида “Азиз ва Санам” (А.Степанов билан ҳамк.), 1958 йилда “Ошиқ ва Ғариб” (А. Степанов ва М.Юсупов билан ҳамк), 1967 йилда А.Бобожонов ва С.Мухамедовларнинг “Сўнги хон” (С.Хайитбоев билан ҳамк.) каби мусиқали драмаларига куй басталаган. Кўплаб истеъдодли ёшларни танлаб, улардан созанда ва бастакорлар тарбиялаган (Отажон Худойшукуров, Ортиқ Отажонов, Бобомурод Хамдамов ва бошқалар). Хитой, Ҳиндистон, Бирма, Афғонистон, Комбоджа, Таиланд каби 22 та давлатларда гастрол сафарларида бўлган. 1957 йилда Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларида фаол қатнашган ва маҳоратини намойиш қилган. “Хурмат Белгиси” (3 марта) ордени ва медаллар билан тақдирланган. Шовот туманидаги Иморат бобо қабристонида дафн қилинган. Номига “Ўзбекнаво” концерт-гастроль бошқармаси Хоразм Давлат филармонияси, Шовот туманидаги жамоа хўжалиги, мактаб ва кўчалар қўйилган. 2003 йилда “Олтин мерос” халқаро жамғармаси вилоят бўлими раиси К.Нуржоновнинг сазй-ҳаракатлари ва ҳофизнинг умр йўлдоши Имсиной Полвонованинг амалий ёрдами билан уй музейи ташкил этилган.

#### **4.2.4.43. Файзуллаев Шермат (14.04. 1947, Боғот тумани Бешарик қ.).**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1976), Боғот тумани “Қалдирғоч” халқ ансамбли бадий раҳбари (1970). Тошкент давлат педагогика институтини тугатган (1968). Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Хоразм давлат педагогика

институтида ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик Богот тумани “Искандар Дўсов” жамоа хўжалиги ташкил этилган “Қалдирғоч” ансамбли бадиий раҳбари (1970-1994), туман маданият ишлари бўлими мудири (1994-1995) лавозимларида ишлаган. Ҳожихон Болтаев ва Комилжон Отаниёзов ўз устозлари деб биледи. Бастакор сифатида 200 дан ортиқ музыка асарлари яратган. Илк бор ёзган кўшиғи Қаландар Қурбоний сўзи билан “Хоразм” бўлиб, у 1973 йилда Тошкентда ўтказилган республика колхозчи ёшлар кўриктанловида ижро этилган. Кейинчалик “Хоразм-бу”, “Танҳо”, “Ўзбекистон”, “Она юртим”, “Диёрим Хоразм”, “Айта олмасман”, “Ёра тегсун”, “Ўтар юрак”, “Бўлмас”, “Муҳаббат”, “Ишқ сеҳри”, “Қор айлама”, “Дерлар сени”, “Шаъло”, “Боғбон эмас”, “Яширма”, “Фраккинамни”, “Тинчлик кўшиғи”, “Ватаним”, “Қўшиқ айтиб” каби кўплаб кўшиқларни яратган ва ўзи маҳорат билан куйлаган. Қадам Раҳимов ва Хайитмат Расулов билан ҳамкорликда “Тилим асалим” номли мусиқали драма яратган. Раҳбарлигидаги “Қалдирғоч” гуруҳи билан 20 дан ортиқ грампластинка чиқарган ва 50 дан ортиқ ашулалари Ўзбекистон радиоси “Олтин фонди”га киритилган. Канада, Болгария, Югославия, Россия, Туркменистон, Тожикистонда ижодий сафарда бўлган. 1972 йилда “Мархабо талантлар” республика кўриктанлови ғолиби бўлган. Хоразм вилояти (1977) ва Республика Ёшлар иттифоқи мукофоти совриндори (1978). “Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси” аъзоси (1992). Қорақалпоқистон АССР Олий Кенгаши Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган (1990).

#### **4.2.4.44. Хайитбоев Жуманиёз (Лақаби – Жумёз созчи, 1890-1970, Урганч).**

Таниқли хофиз, мусиқачи ва созчи. Хоразм республикаси вакиллари қаторида Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кўргазмасида ўз санъатини намойиш қилган (1923). Хоразм вилояти миллий концерт эстрадаси ташкилотларидан бири (1941). 1956-1957

йилларда ижросидаги мақомлари ва куйлари Ўзбекистон Санъатшунослик институти ва Ўзбекистон радиосида ёзиб олинган. Мадраим қори, Комилжон Отаниёзов, Рўзика Жуманиёзова, Матёқуб Раҳимов, Абдушариф Отажонов, Матниёз Юсупов, Карим Искандаров каби ўнлаб санъаткорларнинг маҳоратини оширишга хисса қўшган.

#### 4.2.4.45. Хайитбоев Султон (1928, Янгиариқ тумани).

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат ходими”, таниқли композитор, профессор. “Азиз ва Санам” (К.Отаниёзов билан ҳамк.) музикли драмасини яратган. “Лазги” ашула ва рак ансамблининг бадий раҳбари сифатида Хоразм қўшиқчилик санъати ривожига улкан хисса қўшган. Тошкент Давлат консерваторияси, маданият ва театр рассомчилиги институтлари талабаларига мусикадан сабоқ бермокда.

#### 4.2.4.46. Хайитова Олмаҳон

(02.03.1940, Хонқа тумани-02.01.2014 й, Урганч ш).



“Ўзбекистон” (09.04.1992) ва “Қорақалпоғистон халқ артисти” (1993), “Ўзбекнаво” концерт-гастроль бирлашмаси Комилжон Отаниёзов номидаги Хоразм вилояти бўлими директори (1996) бўлиб ишлаган. Машҳур хонандалар Ҳожихон Болтаев ва Комилжон Отаниёзовнинг шоғирди. Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси “Лазги” ансамбли солисти (1963-1981) ва “Гўзал” ансамблининг бадий раҳбари (1981-1986) бўлиб ишлаган. Лирик қўшиқ ва мақомлардан 500 дан ортиғини маҳорат билан ижро этади. Репертуарида “Ўзбекистон гуллари”, “Онам дерман”, “Найлайн”, “Баригал”, “Ояма отиб”, “Сен бўлмасанг ёнимда”,

“Ишқинг ўтинда” каби халқ калбидан жой олган кўшиқлар бор. “Сувора”, “Феруз”, “Сегоҳ”, “Дугоҳ”, “Чоргоҳ”, “Талқини рост” мақомлари, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Лайли ва Мажнун” дostonларидан ёқимли ашула ва кўшиқларни завқ билан, жўшиб ижро қилади. АҚШ, Англия, Франция, Италия, Руминия, Ҳиндистон, Покистон, Мексика, Сурия, Афғонистон, Саудия Арабистони, Ливия, Исроил каби 40 дан ортиқ давлатларда гастроль сафарларида бўлган. Маккага 2 марта ҳаж сафарига борган. Хоразм кўшиқчилик санъати ва маданиятини дунёга тарғиб қилишда самарали меҳнат қилиб келмоқда. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1968) фахрий унвонига сазовор бўлган. Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзолигига сайланган (1998).

#### 4.2.4.47. Курёзов Тўра (1938 й, Хива тумани Хосёп қ).

Ўзбекистон халқ рассоми (1999). Ўзбекистон бадиий академияси ҳақиқий аъзоси (1995). Бентков номидаги Тошкент рассомчилик билим юрти (1960) ва Тошкент театр рассомчилик институтини тугатган (1975). Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Қорақалпоғистон рассомлар уюшмасида бошлаган. Хоразм археология-этнография экспедициясида ишлаган (Нукус, 1961-1964). Ҳарбий хизматни ўтагандан кейин республика рассомлар уюшмаси Хоразм вилояти бадиий фонди директори (1966-1970), Тошкент политехника институти ва Беньков номидаги рассомчилик билим юрти ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 40 йилдан ортиқ ижодий фаолияти давомида 1000 дан ортиқ ранг-тасвир асарлари яратган. Ал-Хоразмий, Хоразмшоҳ Маъмун, Абулғозий Баҳодирхон, Нажмиддин Кубро, Жалоладдин Мангуберди суратларини чизган. Ўзбекистон тарих ва санъат музейи, Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат музейи, Урганч суратлар галереясида кўйилган. “Огаҳийнинг ёшлиги”, “Аёзқалъа”, “Тупроққалъа”, “Оташпарастрлар”, “Тож Маҳал”, “Тунги Бомбей”, “Индира Ганди” каби тасвирий санъат асарлари томошабинлар томонидан юқори баҳоланган. Хоразмлик ёшлардан С.Қосимов, Б.Боғбеков, Э.Матниёзов, К.Бобожонов каби иқтидорли шоғирдлар тарбиялаган.

#### 4.2.4.48. Ғаффарова Зайнура Юсуповна (10.04.1923 Фрунзе шахри).

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1973), Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театри раққосаси, балетмейстри (1944). Евгений Ваганов номидаги Ленинград хеография билим юртини тугатган (1941). Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1944). Ўзбек халқ рақслари (“Танавор”, “Роҳат”, “Дутор баёти”, “Оразибор”, “Пахта”, “Марҳабо”, “Санам”, “Гул шайдоси” ва бошқалар) юқори маҳорат билан ижро этган. Уйғур, Афғон, Озарбайжон, Араб рақсларининг моҳир ижрочиси сифатида тан олинган. Кўпгина спектаклларда ролларни маҳорат билан ўйнаган (“Биринчи муҳаббат”да Роҳила, “Алишер Навоий”да Гули, “Ишқ билан ўйнашма” да Тамара, “Маърифат қурбонлари” да Елена, “Паранжи сирлари” да Зухра, “Сингиллар қиссаси” да Адиба, “Пўлат қандай тобланди” да Валя, “Меҳрибонлар” да Анжелика, “Оқ нилуфар” да Палава ва бошқалар). Театрда 50 дан ортиқ мусиқали спектаклларга рақслар сахналаштирилган (“Тоҳир ва Зухра, “Равшан ва Зулҳумор”, “Алпомиш”, “Бағри тош”, “Сўнгги хон”, “Рустам”, “Нурхон”, “Гулсара”, “Олма пишганда келинг”, “Жобби жўжакнинг ҳийласи”, “Яллолашайлик”, “Феруз”, “Маърифат қурбонлари”, “Фарҳод ва Ширин”, “Маҳтумқули”, “Лайли ва Мажнун”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” ва бошқалар). Жуда кўплаб маҳоратли раққоса ва драматик актрисалар тайёрлашга ҳисса қўшган. “Қалдирғоч” ансамблининг Югославия давлати, Қўшқўпир ва Янгиариқ туманлари бадиий ҳаваскорларининг Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кўргазмасидаги тамошаларини тайёрлашга ёрдам берган. Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Риёсати Фаҳрий ёрлиғи билан тақдирланган (1989).

#### 4.2.4.49. Ғоипова Ўрозгул (1914, Тошхóвуз шахри).

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, Оғаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган етакчи санъаткор. Меҳнат фаолиятини 1930 йилда Тошхóвуз вилояти мусиқали драма театрида бошлаган. 1934 йилдан Хоразм вилояти мусиқали драма театрида фаолият кўрсатган ва қатор спектаклларда ажойиб образлар яратган (“Мавлоно Оғаҳий” да Бисмилло, “Қизлар исёни” да Расво, “Зангори охулар” да Кавалиха, “Сўнгги пушаймон” да Муаззам, “Бой ила хизматчи” да Ҳожи она, “Уйланиш” да Арина Пантелеймоновна, “Назира” да Увайсий, “Фарҳод ва Ширин” да Моҳимбону, “Паранжи сирлари” да Мастура сатанг, “Аяжонларим” да Бўстон буви ва бошқалар). Ўзининг таланти ва қобилияти билан тамошабинларнинг катта хурмат-эътиборига сазовор бўлган.

#### 4.2.4.50. Раҳимов Карим (06.11.1917, Хива – 15.11.1991, Урганч).

“Ўзбекистон халқ артисти” (1964), истеъдодли драматик актёр, хонанда, режиссёр. Хива таълим-тарбия педагогика техникуми (1930) ва Ҳамза театри қошидаги драматик студияни тугатган (1937). Саҳна фаолиятини 1933 йилда Хоразм округ театрида бошлаган. 1937 йилдан Оғаҳий номидаги вилоят музикали драма ва комедия театрида ишлаган. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг “Тухматчилар жазоси”, “Маърифат қурбонлари” спектакларида кўшиқлар айтган. “Маликаи турандот”, “Варка ва Гулшан”, “Лайли ва Мажнун”, “Ойдин”, “Тормар”, “Навой”, “Фарҳод ва Ширин”, “Оқ олтин”, “Ойдин”, “Икки комунист”, “Нодира”, “Мақр ва муҳаббат”, “Гамлет” каби спектаклларда ажойиб образлар яратган. 1941 йил 2 парелида Хоразмда биринчи бўлиб, “Майсаранинг иши” спектаклини саҳналаштиргани учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” ўнвонига сазовор бўлган. 1943-1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва Чехославакияда фашистларга қарши жанг қилган. 1946 йилдан яна Хоразм вилояти театрида актёр ва режиссёр



бўлиб хизмат қилган. Н.Гоголнинг “Ревизор” да Хлестяков, К.Яшиннинг “Тор-мор” да Баҳодир, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Бой ила хизматчи” да Домла, “Майсаранинг иши” да Хидоят, Иззат Султон ва Уйғуннинг “Алишер Навоий” спектаклида Мансур, В.Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” да Вурм, Абдулмўминовнинг “Шикоятга ўрин йўк” драмасида Ниёз, Соҳиб Жамолнинг “Тули сиёҳ” пьесасида Мулло Башир, “Биринчи муҳаббат” да Усмон Акбарович, “Тошболта ошиқ” да Муҳаммад Солиҳ, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” да Охун каби 100 дан ортиқ образларини юксак маҳорат билан ижро этган. Режиссёр сифатида Назир Сафаровнинг “Шарқ тонги” (1956), Рамз Бобожановнинг “Тоға-жиянлар” (1958), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Паранжи сирлари” (1959), Аҳмад Бобожонинг “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” (1964), “Ишқ билан ўйнашма”, “Алангали йўллар”, “Чин муҳаббат” каби спектаклларни сахналаштирган. “Гусбанд”, “Оразибор”, “Ўйнар”, “Тўёна”, “Наврўз” каби ранг-баранг рақсларни сахнага олиб чиққан. Туманларда ашула ва рақс ансамбллари тузган (“Қалдирғоч” (1969), “Оразибор”), кўплаб шогирдлар етиштирган. Умрининг охириги йиллари “Оразибор” фольклор этнографик-халқ ансамблида ишлаган ва уни халқаро мукофот совриндори даражасига кўтарган. II даражали “Ватан уруши” ордени ва медаллар билан мукофотланган. Урганч шаҳар Кенгашига 2 марта депутат қилиб сайланган.

#### **4.2.4.51. Раҳимов Матёкуб**

**(25. 10.1918, Хива тумани Гандимиён қ. – 1993, Урганч).**

“Ўзбекистон халқ артисти” (1967), Огаҳий номидаги вилоят муסיқали драма театри солисти (1949-1993). Урганч ўқитувчилар тайёрлаш институти (1942) ва Тошкент Олий партия мактабини тугатган (1946). Меҳнат фаолиятини 1940 йилда Хива туманида ўқитувчиликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушидан (1942-1943) ярадор бўлиб қайтгач, Хивада ўқитувчилик қилган. Янгиариқ тумани партия комитети тарғибот бўлими мудири (1946-1947), Хива колхоз-совхоз театри директори (1947-1948), вилоят муסיқали драма театри директори (1948-1949) ва актёри

бўлиб ишлаган. “Фарҳод ва Ширин” да Фарҳод, “Азиз ва Санам” да Азиз, “Оқ нилуфар” да Чорвиуага, “Гули сиёҳ” да Давид, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” да Ғариб, “Равшан ва Зулхумор” да Равшан, Собир Абдулла ва Тўхтасин Жалиловларнинг “Алпомиш” спектаклида Алпомиш, Комил Яшин, Тўхтасин Жалилов, Г.Собитовларнинг “Нурхон” драмасида Хайдар, Хуршид, Т.Содиқов, Р.Глиэрларнинг “Лайли ва Мажнун” спектаклида Қайс, К.Матризов ва А.Отажоновларнинг “Маҳтумқули” спектаклида Маҳтумқули, Аҳмад Бобожон ва Матниёз Юсуповларнинг “Ғазал фожеаси” драмасида Аваз каби 50 дан ортиқ қаҳромонлар сиймосини сахнада гавдалантирган. “Мақоми Дугоҳ”, “Насри Чоргоҳ”, “Талқини Наво” каби мақом ва суворалар, халқ ашулалари ва замонавий кўшиқларни маҳорат билан куйлаган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1957). “Хурмат Белгиси” ордени (1947) ва медаллар билан тақдирланган. Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашига 2 мартда сайланган ва вилоят партия комитети аъзоси бўлган.

#### **4.2.4.52. Раҳимова Бикажон (31.10.1923, Хива – 1997, Урганч).**

“Ўзбекистон халқ артисти” (1910, Огаҳий ном идаги вилоят мусиқали драма театри артисти (1943-1997). Хива педагогика билим юртини тугатган (1938). Ижодий фаолиятини 1936 йилда Урганчдаги ёш тамошабинлар театрида бошлаган. 1943 йилда Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрида фаолият кўрсатиб, 300 дан ортиқ бадий ва комик ролларни маҳорат билан ижро этган (“Майсаранинг иши” да Майсара, “Тоғ кизи” да Ашура, “Нурхон” да Хайри хола, “Паранжи сирлари” да Дуржон кампир, “Фарход ва Ширин” да Ёсумон, “Гулсара” да Ойсара, “Уйланиш” да Фёкла Ивановна, “Бой ила хизматчи” да Хожи она, “Аршин мол-олан” да Зебо, “Шикоятга ўрин йўқ” да Шапоат, “Қайнона” да Жаннатхола, “Фолбин” да Фолбин, “Кечиккан севги” да Шаблова, “Хижрон” да Қизбоши, “Ёш кўнгилли қариялар” да Марго, “Хонума” да Хонума, “Зангори охулар” да Кавалиха, “Олма пишганда келинг” да Бикажон-ая ва бошқалар).



Хоразм ашула ва рақсларини маҳорат билан ижро этган. “Хива вақти билан соат 7.00 да” музикали телевизион фильмда суратга тушган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1982). “Шавкатли меҳнати учун” медали, Ўзбекистон Олий Кенгаши Риёсати Фаҳрий ёрлиғи (1952), Ўзбекистон Маданият министрлиги ва Республика театр арбоблари уюшмасининг махсус дипломи билан тақдирланган.

#### 4.2.4.53. Раҳимова Гулора (25.03.1948, Боғот тумани Бешариқ к.).

“Ўзбекистон халқ артисти” (1992), Огаҳий номидаги вилоят



музикали драма театри солисткаси (1976), Хоразм давлат педагогика институти (1970) ва Урганч Давлат музика билим юртини тугатган (1978). Меҳнат фаолиятини 1970 йилда журналистика соҳасида бошлаган. Кейинчалик Урганч музикали билим юртида рус тили ва адабиёти ўқитувчиси (1971-1976) бўлиб ишлаган. Драматик актриса сифатида кўплаб эса қоларли роллар яратган (“Абу Райхон Беруний”да Гулсанам, “Тошлар тилга кирган”да Марта, “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам ”да

Шохсанам, “Мансеро”да Она, “Муҳаббат кўшиғи”да Боғдагул, “Жалололдин”да Она, “Нурхон”да Нурхон, “Фотима кампирнинг лотореяси”да Зухра, “Тунгги повест”да Қизча, “Майсаранинг иши”да Майсара, “Ибн Сино”да Саидабегим, “Марвариб таққан аёл”да Хотин, “Паранжи сирлари”да Мастура, “Йўлчи юлдуз”да Гуласар, “Заҳар ичган давогар”да Секретарь, “Олма пишганда келинг”да Зухра, “Жавоҳир”да Саломат, “Оналар”да Келин, “Айбдорлар”да Она, “Тошкентнинг нозанин келини”да Қиз, “Муҳаббат”да Муҳаббат, “Нафсим менинг балодур”да Карима, “Феруз”да Она ва бошқалар ). “Феруз ва Гулобод” кинофильмида Она ролида суратга тушган. Ёқимли ва кучли овоз соҳибаси

сифатида кўплаб классик ва лирик кўшиқларини маҳорат билан ижро этади.

#### **4.2.4.54. Раҳмат Мажидий (1906, Хива – 1983, Тошкент).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”(1965), талантли журналист, матбуот ташкилотчиси. Тошкентда бошланғич мактаб (1922-1924), Ўрта Осиё давлат университети ишчилар (1924-1925) ва Москва давлат университети ҳуқуқшунослик факультетида (1925-1928) таҳсил кўрган. Боғот тумани ва Урганч шаҳар партия комитетлари секретари лавозимларида ишлаган. “Инқилоб кўеши” (Хива) газетаси муҳаррири (1930), “Ленин йўли” (Самарқанд) газетаси ташкилотчиси ва биринчи муҳаррири (1931), “Қизил Ўзбекистон” (Тошкент) газетаси муҳаррири ўринбосари (1932-1934), “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси” раиси (1934), “Совет адабиёти” ва “Гулистон” журнали муҳаррири бўлган. Адабий фаолияти 1928 йилда бошланган. “Огаҳий лирикаси” мавзусида номзодлик дисертацияси ёклаган (1961). “Ўзбек адабиёти” (5 жилд. 7 китоб. Т., 1959-1968) хрестоматиясини тузиш ва таҳрир этишда фаоллик кўрсатган. Умрининг сўнгги йилларида ЎзФА Қўлёзмалар институтида бўлим мудирини бўлиб ишлаган. Номига Урганч шаҳарида кутубхона ва Хива шаҳрида кўча қўйилган. 1986 йилда Республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан 80 йиллиги нишонланган.

#### **4.2.4.55. Раҳмонберганов Каримберган (1880-1959, Хива).**

Хаттот, наққош, ўймақор уста. Отаси—машҳур уста Раҳмонберган, Худойберган ўғли ва бобоси Худойберган Пано ўғлидан таълим олган. Асосан мармар ва металлга ишлов берган. Музика асбоблари ҳам ясаган. Қабр тошлари, устунлар асосига қўйиладиган мармарга нақш ва ёзувлар ўйган. Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳукуматининг биринчи муҳрларини

металлга ўйиб ясаб берган. 1930-1940 йилларда Хивадаги “Умид” артелида ишлаган 1947-1948 йилларда Ота Полвонов, Абдулла Болтаевлар билан биргаликда Тошкент Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театрини безашда қатнашган.

#### **4.2.4.56. Рўзметов Бахтиёр (23.02.1940, Ҳазорасп тумани Пичокчи қ.).**

“Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси” аъзоси (1985), Ҳазорасп хайкалтарошлик устахонаси мудири (1971). Хоразм далаат педагогика институти бошланғич таълим услубияти (1965) ва тарих-филология факультетларини тугатган (1968). Меҳнат фаолиятини 1957 йилда Жданов номидаги жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган. Кейинчалик Обод қишлоқида ўқитувчи (1965-1971) бўлган. Хайкалтарош сифатида гужум дарахти ғўласидан “Ўғилжон мома”, “Комилжон отаниёзов”, “Ҳазорасп гўзали”, “Амударё”, Тўмарис, Жалолоддин Мангуберди каби 100 дан ортиқ хайкалларни ясаган. Мусаввир сифатида замондошларининг 500 дан ортиқ портретлар чизган. Ижоди намуналари Москва, Тошкент, Нукус, Урганч шаҳарларида намойиш қилинган.

#### **4.2.4.57. Самандаров Саъдулла (1918, Ҳазорасп тумани Саноат қ. – 1972, Урганч).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”. Хоразм давлат педагогика (1939) ва Тошкент ҳуқуқшунослик институтларини тугатган (1947). Иккинчи жаҳон урушида қатнашган (1939-1944). Кейинчалик комсомол ва партия ташкилотларида масъул ходим (1947-1953), вилоят ижроқўми маданият бўлими мудири (1953-1963) лавозимларида ишлаган.

#### 4.2.4.58. Сапаев Маҳмуджон (1917, Шовот тумани Кўрақлар қ. – 15.02.1981, Урганч).

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1964), Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри актёри (1934–1981). Меҳнат фаолиятини 1934 йил 15 ноябрда комсомол йўлланмаси билан вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бошлаган. Илк бор сахнада яратган образи – жодугар кампир Ёсумон роли ҳисобланади. Кейинчалик “Аршин мол-олан”да Вали, “Алишер Навоий”да Мажиддин, “Кутлуг қон”да Йўлчи, “Бой ила хизматчи”да Ғофур, “Тоҳир ва Зухра”да Қоработир, “Фарҳод ва Ширин”да Хусров, “Равшан ва Зулхумор”да Гўрўгли, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”да Йўлбузар охун, “Нурхон”да Мамат, “Майсаранинг иши”да Чўпонали, “Паранжи сирлари”да Рустам, “Муқимий”да Асқарали, “Азиз ва Санам”да Генерал, “Сенсиз яшай олмайман”да Эркавой, “Жон кизлар”да доцент Ҳасанов, “Алпомиш”да Инок ва Улжон, “Тули сиёҳ”да Ботир мулла, “Фотима кампирнинг лотореяси”да Карим почта, “Ибн Сино”да Тожиулмулк, “Сепсиз киз”да Парадов, “Ревизор”да Городничий, “Шарқ тонги”да Шумилов, “Скопиннинг найранглари”да Скопин, “Оқ нилуфар”да Соистонека каби бош ролларни юқори маҳорат билан ижро этган. 1951 йилда Москвада ўтган Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасида маҳоратини юқори даражада намоиш қилган ва “Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун” медали билан тақдирланди. Турмуш ўртоғи– “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” Анабиби Сафоева билан бирга 7 та фарзандни тарбиялаган ва сахнада ўнлаб образлар яратган.

#### 4.2.4.59. Сапаева Дилором.

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, Муқимий номидаги мусиқали драма театри актрисаси. Кўп йиллар давомида Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрида ишлаган ва кўнлаб ролларни маҳорат билан ижро этган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”лар Маҳмуджон Сапаев ва Онабиби Очилованинг фарзанди.

#### 4.2.4.60. Шерозий (Ёкубов Мадрохим) (1890-1973).



Ўзбекистон халқ артисти (1970). Машхур хонанда ва созанда. Гармон чалиб кўшиқларни зўр маҳорат билан куйлаган. Устозлари Курбон ота Авазматов, Полли Дўзчи, Курбон ота Исмоиловлардан санъат сирларини ўрганган. Хивадаги сиёсий бошқарма қошидаги концерт бригадаси (1970) ва театр труппасида (1972) хонанда ва созанда бўлган. Москвада Бутуниттифок қишлоқ хўжалик кўرғазмаси (1923 йилда) доирачи Мулла Юсуф ота, тамбурча Раззоқ ота Омонов, бўломончи Худойберган ота, Вовоқ лақабли Хударган раққос, масхарабоз Раҳим Оллоберганов, сурнайчи Жуманиёз ака билан бирга ишлаган. Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадаси (1937), Катта Фарғона канали (1939) ва Чоржўй-Кўнғирот темир йўли қурилишида (1947-1952) қатнашган иккинчи жаҳон уруши йилларида Янгийўл мусикали драма ва комедия театрида ишлаган. Халқ кўшиқлари (“Тассадиқман”, “Қора шомлар”, “Алиқамбар”), Хоразм суворалари (“Кажҳанг”, “Якпарда”, “Чапандозий” ва бошқалар) мақомлари, дostonлари, Машраб (“Санамо”), Фурқат (“Бўлурми”, “Олам муаттар бўлмас”), Партовнинг (“Қора сочинг”), Рожий (“Айтинг сўзимни”), Сафо Муғаний, Чоқар каби шоирларнинг кўшиқларини маҳорат билан куйлаган. Ўзи басталаган “Гул Ватан”, “Асрлар орзиқиб” каби қатор кўшиқлари эл орасида кенг тарқалган. 1934 йилда Матёқуб Харратов, Сафо Муғаний билан бирга Хоразмга келган Ўзбекистон санъатшунослик институти ходимлари Е.Е.Романовская ва И.Ақбаровларга мақомлари ва халқ куйларини ёзишда ёрдам берган. Кўшиқлари Матниёз Юсупов томонидан нотага олинган ва “Ўзбек халқ мусикаси” тўпламининг 7-жилдига киритилган (1960 й). Шогирдлари орасида В.Фаёзов, К.Отаниёзов, М.Рахимов, С.Рахимова, М.Юсуповлар бўлган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” (1949), “Хурмат Белгиси” (1937), “Меҳнат Қизил Байроқ” (1957) ордени билан тақдирланган.

#### **4.2.4.61. Шомуродов Жуманазар (1951 й, Қўшқўпир тумани Ўртаёп қ).**

Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусикали театри етакчи артисти (1971). Театр сахнасида 50 дан ортиқ спектаклларда ролларни ижро этган (Ёвқочботир, Ал-Бузургоний, Жобби жўжак, Рустам, Мўминжон, Тоҳир ва бошқалар). Драматург Комил Аваз ва режиссёр Ибодулла Ниёзматов яратган “Жобби жўжакнинг ҳийласи” спектакли асосида суратга олинган видеофильмда бош қаҳрамон ролини юқори маҳорат билан ижро этган.

#### **4.2.4.62. Юсупов Йўлдошбой (8.05.1943, Янгиариқ тумани Қўриқтом қ.).**

Хоразм вилояти кинолаштириш бошқармаси бошлиғи (2000) бўлиб ишлаган. Тошкент давлат педагогика институти (1967) ва Олий партия мактабини тугатган (1981). Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Янгиариқ туманидаги Огаҳий номидаги ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик Хоразм телестудиясида муҳаррир ва суҳандон (1968-1973), вилоят партия комитетида лектор (1973-1975) ва тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирини ўринбосари (1975-1981), вилоят Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи (1981-2000). Лавозимларида ишлаган. Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш (1995, “Ўзбекистон Ватаним маним” кўшиқлари кўрик-танловини (1996) ўтказиш ишларига катта хисса қўшган. Ўзбекистон Театр арбоблар уюшмаси (1991 ва халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган (1982, 1986, 1990, 1994). “Ўзбекистон Республикаси маданий-маърифий ишлар аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

#### **4.2.4.63. Юсупов Собир (20.09.1932- 2001, Хива).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” (1977), Хивадаги “Ичан калъа” музей-кўриқхона ходими (1992). Ўрта Осиё давлат университетини тугатган (1956). Меҳнат фаолиятини 1956



йилда Хоразм давлат Тарих-инқилоб музейида бошлаган. Кейинчалик шу музейда директор ўринбосари (1957-1959), директор (1959-1977), тарих (1977-1984) ва ҳунармандчилик бўлими мудири (1984-1992) бўлиб ишлаган. “Кўрганмиз, биламиз” (1957), “Хоразмдаги муқаддас жойлар” (1963), “Помнить старые стены”(1970), “Хива” (1971, 1995) номли китобчалари нашр қилинган. “Соғлиқни сақлаш аълочиси”(1976), “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” (1982) кўрак нишонлари билан тақдирланган.

#### 4.2.4.64. Ҳамдамов Бобомурод (1940, Чоржўй шаҳри).



“Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти”, Хоразм кўшиқчилилик санъатиға улкан ҳисса қўшган санъаткор. Бухоро уй-жой комбинати мактабида таҳсил олган (1960). Кейинчалик Чоржўй шаҳрида кранчи (1960) ва филормония солисти (1961-1967), Тошҳовуз (1967-1971) ва Ўзбекистон давлат филормония солисти (1971-1986) бўлиб ишлаган. Комилжон Отаниёзовнинг иқтидорли шогирдларидан бири ҳисобланади. Ўзбек, туркман, ҳинд, афғон, козоқ ва бошқа халқларнинг 500дан ортиқ кўшиқларини юқори маҳорат билан

ижро этади. Кўшиқ ёзувчи ва куй басталовчи ижодкор сифатида шараф қозонган. Чет давлатларида гастроль сафарларида бўлган (Ҳиндистон), Хоразм кўшиқчилилик санъати ва маданий меросининг фаол тарғиботчиларидан бири сифатида ҳурмат-эътибор қозонган. 1998-1999 йилларда Хоразм вилояти туманлари ва маркази Урганчда катта концертлар берган.

#### **4.2.4.65. Харротов Матёқуб (1867, Хива – 1939, Урганч).**

Хоразмлик машхур мақомчи хонанда, созанда, хаттот. Дастлабки сабоқларни устозлари Худайберган Муҳркон, Ниёзов Хўжа ва Комил Хоразмийлардан олган. 1886-1891 йилларда Муҳаммад, Расул, Мирзабекнинг (Комил Хоразмийнинг фарзанди) билан ҳамкорликда “Хоразм танбур чизиғи” усулини қайтадан ишлаган. Хоразм мақомларини нотага ёзиш учун ижрочи, тадқиқотчи ва хаттот сифатида катта ишларни амалга оширган. 1888-1906 йилларда Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) саройидаги мақомчилар гуруҳига етакчилик қилган. Хоразм Халқ Совет Республикаси Инқилобий кўмитаси (Ревкоми) секретари (1920-1922), Хивадаги мусиқа мактаби ўқитувчиси (1923-1928), созчилар ансамбли (1928-1932) ва Хоразм вилоят мусиқа драма театри (1932-1939) хизмат қилган. Созанда сифатида танбур, дутор ва гижжакни маҳорат билан чалган. 1934 йилда ЎзССР санъатшунослик институти ходимлари Е.Е.Романовская ва И.А.Акбаровга Хоразм мақомларининг чоғу йўлларини танбурда чертиб берган ва нотани олишга ёрдамлашган. “Хоразм классик мусиқа” (Тошкент, 1939 номли асари нашр қилинган).

#### **4.2.4.66. Харротов Матюсуф (тахаллуси Чокар, 1889, Хива тумани Шайхлар қ. – 1952, Тошкент).**

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” (1944), мусиқашунос педагог, хонанда, санъаткор. Дастлабки сабоқларни бобоси Хожиниёз, отаси Матёқуб Харрот, ҳамда машхур мусиқашунос Комил Хоразмийнинг ўғли Муҳаммад Расул Мирза машхур хонанда ва созандалар Матёқуб Позачи, Қаландар Дўнмас, Абдурахмонбек, Абдулла Межана, Машарип Қамбар, “Ўзбекистон халқ шоири”, гармончи Қурбон созчилардан олган Хивадаги мадрасалардан бирида ўқиган ва Аваз Ўтар билан ҳамкорликда қилган. Муҳаммад Шариф Тарроҳ ўрнига котиб этиб тайинланган. Чокар тахаллуси билан шеърий Девон ёзган, Асфандиёрхон даврида, йирик мулкдор Муҳаммад Вафо баққол хизматида турган. Инқилобдан кейин ХХСР Маориф нозирлиги секретари (1920)



сифатида Хива, Урганч, Ҳазорасп, Манғит, Хўжайли туманларида мактаб, клуб, қизил чойхоналар ташкил этишда қатнашган. 1922 йилда Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий билан ҳамкорликда “Илм натижаси” номли 3 пардали пьеса ёзган. 1923 йилда Хивадаги мусиқа билан юртигаасос солган ва 5 йил директорлик қилган. Кейинчалик Самарқанддаги Ўзбекистон мусиқа ва хореография институтида ўқитувчи (1928-1932), Ўзбекистон радиоси (1935-1937) ва Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театрида созанда (1937-1950) бўлиб ишлаган. 1936 йилда Тошкент давлат консерваторияси тайёрлов бўлимида таҳсил кўрган. 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати ва адабиёти ўн кунлигида жангчи сифатида маҳоратини намойиш қилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида “Севикли Ватан (1941), “Баҳодир йигитлар” (1941), “Май байрами”, “Фарҳод уфориси” (1943) кўшиқлари ва “Қизил кўшин марши” номли мусикали асарлар яратган. Комил Хоразмийнинг “Хоразм чизиклари нотаси” асосида 7 та Хоразм мақомини бекаму-кўст ижро этган. Чолғу асбобларини ўзи ясаган. 1931 йилда чанг чолғу асбоби товушини кенгайтириб, янада такомиллаштирган. 1935 йилда 80 дан ортиқ, 1937 йилда 47 та, 1940 йилда 62 та Хоразм кўшиқ ва куйларини нотага туширган, ҳамда уларни Ўзбекистон Санъатшунослик институти ходимларига тақдим қилган. Ўзи мустақил равишда 100 дан ортиқ кўшиқ ва куйлар яратган (“Колхоз марши”, “Яша пахтакор”, “Мустаҳизод” ва бошқалар). Таниқли арбоб Муллабекчон Раҳмонов билан ҳамкорликда “Хоразм музика тарихи” (Хива, 1925) китобини ёзган. Шейрий девони мерос бўлиб қолган. 1924 йилда ХХСР “Қизил Байроқ” ордени билан тақдирланган. Отаси касбинини давом эттирган ўғли – Фазил Харратов “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига сазовор бўлган ва республикада чанг ижрочилиги мактабига асос солган. Қизи–Муслима Харратова ҳам ўзбек санъати тараққиётига катта ҳисса қўшган.

## ХОТИМА

Ўзбекистонимизнинг миллий мустақилликни қўлга киритганлиги ва мухтарам Президентимизнинг оқилона раҳнамолиги туфайли бугунги кунда ўтмиш тарихимизни ёритишда ҳаққонийлик ва адолат мезони тикланди. Совет давридаги синфийлик ва партиявийлик анъаналарига чек қўйилди. Узоқ ва яқин ўтмишда халқимиз манфаати йўлига жонини тиккап буюк аждодларимизнинг пок номлари қайта-қайта эъзозланди. Бир сўз билан айтганда тарихий адолат қарор топди. Мазкур китоб муаллифлар томонидан Хоразмнома циклида ёритилаётган китобларнинг олтинчиси ҳисобланиб, “Буюк Хоразмийлар ёхуд Хоразмнинг машхур кишилари” деб номланади.

Муаллифлар ушбу китобдаги воқсаларни баён этишда юртбошимизнинг ватанимиз тарихчилари олдига қўйган “Ўтмиш тарихимизни ҳеч қандай бўёқларсиз ҳаққоний кўрсатиш” тўғрисидаги кўрсатмаларига қатъий амал қилдилар. Инсониятнинг кўхна ошёналаридан бўлган Хоразмнинг ўтмиш тарихи, унинг буюк ва машхур фарзандлари ҳаёти мазкур китобда ўз аксини топди.

Мамлакатимиз бўйлаб ҳар жабҳаларда мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилаётган бугунги кунда ёш авлоднинг инсонларварлик руҳида тарбиялаш ўта муҳим аҳамият касб этади. Ана шу ўта муҳим ишга мазкур китобимиз ўзининг камтарона хиссасини қўшса, биз муаллифлар ўзимизни ниҳоятда бахтиёр сезар эдик.

**Ушбу китобни тайёрлашда фойдаланилган ва шу мавзу юзасидан фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. “ Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли”. Т., “Ўзбекистон”, 1992 й.
2. Каримов И.А. “ Биздан озод ва обод Ватан қолсин”. Т., “Ўзбекистон”, 1996 й.
3. Каримов И.А. “ Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат , мафкура”. Т., “ Ўзбекистон”, 1996 й.
4. Каримов И.А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби”. Т., “ Ўзбекистон”, 1997 й.
5. Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т., “Шарқ”, 1998 й.
6. Каримов И.А. “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. Т., “ Ўзбекистон”, 2000 й.
7. Каримов И.А. “Миллий истиклол мафкураси-ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”. Т., “ Ўзбекистон”, 2000 й.
8. Каримов И.А. “ Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. “ Ўзбекистон”, 2012 й.
9. Каримов И.А. Ватан сажлағоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. Т.: “ Ўзбекистон” 1996 й.
10. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. Т.: “Ўзбекистон”, 1996 й.
11. Каримов И.А. “ Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5.Т.: “Ўзбекистон”, 1997 й.
12. Каримов И.А. “ Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида”.Т.6.Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
13. Каримов И.А. “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.Т.: “ Ўзбекистон” 1999.
14. Абдулла Абдурасулов. “ Хива”, “Ўзбекистон”, 1994й.
15. Абдурахмонов А. “Ўзбек фанининг асосчиси”. «Гулистон» журнали. 1981, №2.
16. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1-4 жилдлар. Т. ҚБТ, 1991-1997.
17. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ҳадис. 1-китоб. Ал Жомий ас саҳиҳ (ишонарли тўплам). Т, қомуслар бош таърифияти, 1991.
18. Абу Насра ибн Ирака. Сб. «Историко-астрономические исследования». Вып. XIII., 1977.
19. Абу Тохир хўжа; Самария; Норшохий; “ Бухоро тарихи”;
20. Баёний; Шажарайи ; Хоразмшохий; Ибрат; Фарғона тарихи. Т., “Мерос”, 1991 й.
21. Абулғози Баҳодирхон. “ Шажарайи турк”. Т., “Чўлпон”, 1992 й.
22. Абулқосим Фирдавсий. “ Шохнома”. Уч жилдлик, Т. Ғофур Фулом, 1984.

23. Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шарҳи”. Т., “Фан”, 1993 й.
24. Абу Райхон Беруний. “Қадимги халқлардан қолган ёд- горликлар”.  
Танланган асарлар. I жилд. Т., “Фан” 1998 й.
25. Абу Наср Форобий. “Рисолалар”, -«Фан», 1968 й.
26. Абу Райхон Беруний. “Танланган асарлар”, I жилд, Т «Фан» 1968.
27. Абу Райхон Беруний. “Танланган асарлар”, II жилд, Т «Фан» 1995.
28. Абу Райхон Беруний. “Танланган асарлар”, III жилд, Т «Фан» 1996.
29. Абу Райхон Беруний. “Танланган асарлар”, IV жилд, Т «Фан» 1973.
30. Абу Райхон Беруний. “Танланган асарлар”, V жилд, Т «Фан» 1974.
31. Абу Райхон Беруний. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» , Т «Фан» 1968.
32. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Норшохий. “Бухоро тарихи”, Т. «Фан», 1966.
33. Абу Али ибн Сино. “Тиб қонунлари, уч жилдлик сайланма”. Т. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992.
34. Абу Исо Термизий. “Саҳихий Термизий. Танланган асарлар”. Т, Гафур Ғулом нашриёти, 1993.
35. Абулқосим Фирдавсий. «Шохнома» Т, Гафур Ғулом нашриёти, 1984.
36. Абу Наср ас-Саолибий. “Ажойиб маълумотлар”. Т, «Фан», 1995.
37. Абу Наср ас-Саолибий. «Йатимат ад даҳр». Т, «Фан», 1976.
38. Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарий. “Нозик иборалар”. Т, «Мерос», 1992.
39. Аҳмедов А. “Улуғбек Муҳаммад Тарағай”. Т., 1994 й.
40. Аҳмедов Б. “Ўзбек улуси”. Т., “Нур”, 1992 й.
41. Аҳмедов Б. “Тарихдан сабоқлар”. Т., “Ўқитувчи”, 1994 й.
42. Аҳмедов Б. “ Соҳибкирон Темур” (хаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти). Т., 1996 й.
43. Аҳмедов Б. “ Амир Темур ўғитлари” . Т., 1992 й.
44. Аҳмедов Б. “Ўзбекистон халқлари тарихий манбалари”. «Ўқитувчи», Тошкент, 1991.
45. Аҳмедов Б. “Тарихдан сабоқлар”. Тошкент. Ўқитувчи, 1994.
46. Аҳмедов В. “Абу Али ибн Синога замондош математик ва астрономлар. Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллиги”. Тўплам. «Фан», Тошкент, 1980.
47. Аҳмедов Г. “Ўрта Осиёда математика ўқитиш тарихидан”. «Фан». Тошкент. 1977.
48. “Амир Темур ажодлари”. Қомуслар бош таҳририёти. Тошкент, 1992.
49. Аҳмедова М. Ўрта Осиёлик машҳур олимлар ва уларнинг математикага доир ишлари. Т.»Ўқитувчи», 1983.
50. Аҳмедов А. Абу али ибн Синога замондош математик ва астрономлар шмий тўплам. Т, 1980.
51. Алихонтўра Соғуний. «Тарихи Муҳаммадий», 2-нашр, Т, 1997.

52. Ал-Беруний. "Трактат об поределении хорд а круге при помощи ломаной линии в писанной в него". «Из истории науки и техники в странах Востока» (Вып. III) тўпламида. М., 1963.
53. Алексеевко П. "Хивинское восстание 1916г". Ташкент, 1930г.
54. Алексеевко П. "Что такое босмачество". Ташкент, 1931г.
55. Алиев А. "Маънавият, кадрият ва бадийят". Т., "Шарк", 2000 й.
56. Алимова Д., Рашидова Д. "Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури". Т., Академия. 1999 й.
57. Ал Макризий. "Китоб ас-сулук ли-маърифат дувал ал мулук". I-жилд, 2-кисм.
58. Амир Темур Кўрагон. "Сомон йўли". Т., "Нур", 1992 й.
59. Азамат Зиё. "Ўзбек давлатчилиги тарихи". Т., "Шарк", 2007й.
60. Баёний. "Шажаарайи Хоразмшоҳий". Т.: "Мерос", 1992.
61. Бартольд В.В. "События перед Хивинским походом 1873 года по рассказу Хивинского историка".
62. Бартольд В.В. Сочинения, I-IX., «Наука», М., 1963-1977.  
Беруний тугилган куннинг 1000 йиллигига. Тўплам. Тошкент, 1973.
63. Бартольд В.В. "Туркестан в эпоху монгольского нашествия". Т.П.М., "Наука", 1964 й.
64. Бартольд В.В. Соч. I-IX "Наука". М., 1963-1977 й.
65. Березиков Е.С. "Святые лики Туркестана". Т., «Камалак», 1992 й.
66. Буниятов З.М. Сведения по истории хорезмшахов в сочинении османского историка XVII в. Ибрахима Эфенди Печеви. Известия АН АзССР. Истории, философия и право. 1984, № 4.
67. Буниятов З.М. Государство. Хорезмшахов-Ануштегинидов. (1097-1231 гг.) «Наука», М., 1986.
68. Буниятов З. Ануштегин-Хоразшоҳлар давлати (1097-1231) Тошкент, Фафур Фулом, 1998.
69. Бобобеков Х.Н. "Кўкон тарихи". Т., "Фан". 1996 й.
70. Бобур З.М. "Бобурнома". Т., "Фан", 1960 й.
71. Бойназаров Файзулла. "Антик дунё". Т., "Мехнат", 1989 й.
72. Вамберн, Херман. «Бухоро ёки Мовароуннахр тарихи». Т., 1990 й.
73. Вамберн. А. Путешествие по средний Азии. М.: 1968.
74. Валихўжаев Б. "Хожа Ахрор тарихи". Т., "Ёзувчи", 1994 й.
75. Виноградова А."Хорезмская Советская народная республика". Журнал "Жизнь национальностей", №1, 1923г.
76. Владимировцев Б.Я. общественным строй Монголов. (Монгольский кочевой феодализм) АН СССР. 1934.
77. Воробьева М.Г. Рожанская М.М., Веседовский И. Н. Древне-хорезмский памятник IV в.до н. э Койкырылган кала с точки зрения астрологии. Историко астрономические исследования. Сборник, выпуск X. М., 1989.

78. **Гонбов Г.К.** «Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (Жизнь и творчество). Душанбе, «Ирфон», 1983.
79. **Гулямов Я.** История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Т. «Фан», 1957.
80. **Гумелов Л.Н.** Древние трюки. «Наука», М., 1967.
81. **Греков В.Д., Якубовский А.Ю.** Олтин Ўрда ва унинг кулаши. В поисках вымышленного царства. Санкт Петербург, 1994.
82. **Давлатёр Рахим.** Шихназар Матрасул Ферузох ва шоир кисмати. Т.: 1991.
83. **Д. Бобожонов, М. Абдурасулов.** “Абадият фарзандлари”, “Хива”, 2009 й.
84. **Ҳасанов Х.** “Сайёҳ олимлар”. «Фан», Тошкент, 1981.
85. **Ҳасанов С.** Маъмур академияси юлдузлари. Мозийдан садо, 2002 йил, 4-сон.
86. **Жабборов И.** “Ўзбек халқи этнографияси”. Т., “Ўқитувчи”, 1994 й.
87. **Жабборов И.** “Антик маданият ва маънавият хазинаси”. Т., “Ўзбекистон”, 1994 й.
88. “Жамият ва бошқарув ойнаси”. 1 сон, 2009 йил.
89. **Жомбокиев Х, С.Ҳасанов.** Хоразм кўҳна маданият ўчоғи. Тошкент, «Ўзбекистон». 1983.
90. **Жумабоев Й.** “Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан”. Т., “Ўқитувчи”, 1997 й.
91. **Жуманиёзов Р.** “Қадимий Хоразм тарихи”. Урганч, 1993 й.
92. **Жўрасев Н., Файзуллаев Т.** “Ўзбекистон тарихи”. II-жилд, “Шарк”, 2000 й.
93. **Зиёев Х.** Воли ва Урал бўйи ўзбеклари. «Фан ва турмуш», 1972, № 1.
94. **Ибодов Ж.** «Алгоритм» -Хоразмий дегани. «Фан ва турмуш», 1981, № 2.
95. **Ибн ал Асир.** Ал-Комил фиғ тарих. 9-жилд.
96. **Иброхимов Б.** Хоразм темир йўлида. Хива, 2001 й.
97. **Ибрагимов И.** “Некоторые заметки о Хивинских туркменах и Киргизах”. В.С. 1874г №9.
98. **Иванин М.И.** “Хива и река Аму-Дарья”. М., 1960г.
99. **Иванин М.** Икки саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. Т.: “Фан”.
100. **Иванов А.И., Абдуллаев М.А., Якубов Р.Я.** “Победа народной советской революции в Хиве и Бухаре”. “Образование”, ХНСР и БНСР (1920-1923гг). ВНИ. “История Узбекской ССР”. Т., 11. Ташкент, 1957г.
101. **Игнатъев Н.В.** Миссия в Хиву и Бухору в 1897 г. Флигел адютанти полковника Н.Игнатова. см в. 1897 г.
102. **Ирисов А.** Абу Райхон Беруний. Т., «Фан», 1960.
103. **Ирисов А.** Беруний ва Ҳиндистон. Т., «Фан», 1963.
104. **Ирисов А.** Ҳаким ибн Сино. Т., «Ўзбекистон», 1992.

- История Хорезма (с древнейших времен до наших дней). Т., «Фан», 1976.
105. Исо Жабборов. “Узбеки”. Т., “Шарк”, 2007г.
  106. Исхоков М. “Сўғдиёна- тарих чоррахасида”. Т., “Фан” 1990 й.Т., “Абдулла Кодирий”. 2002 й. “История Бухарской и Хорезмской народных советских республик”. Изд-во “Наука”, главная редакция восточной литературы. Москва 1971г. “Ипак йўли афсоналари”. Т., “Фан”, 1993 й. “История узбекской литературы”. Т.П. Т.: “Фан”, 1989.
  107. Исхаков Ф. “Нашоильная политика”.
  108. Йўлдошев М. “Хива хонл игида феодал ер эгалити ва давлат тузилиши”. Т., 1959й, 241 бет.
  109. Кары-Ниязов Т.Н. “Астрономическая школа Улугбека”. М., 1950.
  110. Касимова Э. Г. “Трактат Беруни осферической тригонометрии”. «Беруни. К 1000 летию со дня рождения» тўпламида. Тошкент, 1979.
  111. “Коризма в Туркестане” (1861-1917). Т.: “Фан” 1997.
  112. Каландаров Н. “Образование и деятельность Хорезмской Коммунистической партии”. Изд-во “Узбекистан”, 1975г.
  113. Каримов Ш.К., Шамсутдинов Р. “Ваган тарихи”, “Ўқитувчи”, 1997й.
  114. Кичанов Е.И. Жизнь Темучина, думавшево покарить мир. Бишкек,
  115. “Кыргизистан”, 1993.
  116. Кондратов С. “Орошаемое хозяйство и водопользование Хивинского оазиса”. М., 1916г.
  117. Кондратов С.К. “Орошаемый Хорезм”. М., 1931г.
  118. Костенко Л. “Хива в 1873 году”. Военный сборник СПб., 1873г.
  119. Костенко Л. “Хивинское ханство в сельскохозяйственном отношении”. Военный сборник №4 1874г.
  120. Косбергенов Р. “Положение Каракалпакского населения в Хивинском ханстве в конце XIX века и начале XX века”. Историко-этнографический очерк М. 1942г.
  121. Кун А.Л. “Доходы хивинского ханства”. ТВ. 1873г. №32
  122. Кун А.Л. “Заметки о хивинском ханстве”. ТВ. 1873г. №46
  123. Кун А.Л. “Культурный оазис Хивинского ханства”. ТВ. 1874г. №2,3,9,11,12.
  124. Кун А.Л. “Порядок взимания податей в Хивинском ханстве”. ТВ. №33, 1873г.
  125. Мадрахимов О. «Хоразм» сўзининг маънолари. «Фан ва турмуш», 1974, №2.
  126. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи, «Ўқитувчи», Тошкент, 1976.
  127. Матвиевская Г.П., Тиллашев Х.О. О научном наследии астронома X-XI вв.
  128. Мак Гахан. “Хиванинг истило қилиниши”. Т., 2000й.

129. **Марков Г.И.** “Очерк истории формирования туркменского населения Хорезмского оазиса в XVII начале XX вв” М., ТГУ, 1954г.
130. **Марков Б.К.** “К вопросу о формировании туркменского населения Хорезмского оазиса”. Журнал “Советская этнография” №4, 1953г.
131. **Махмуд Қошиарий.** «Девону лугати турк». I-III жилдлар. Т, «Фан». 1960-1963 йиллар.
132. **Матчонов Қ.** “Урганч ганжинаси”. Урганч, 2006 й.
133. **Махмудов М.** “Барҳаёт сиймолар”. Т., “Ўзбекистон”, 1991 й.
134. **Матчонов Қ.** “Истиклол уфклари”. Урганч, 1992 й.
135. **Машаринов О., Машаринов А.** “Хоразм тарихига бир нигоҳ”. “Хоразм”, 2011 й.
136. **Машаринов О.** Аждодлар фожиаси. Урганч 2003 й. “Маънавият асослари”. Т. “А. Қодирий”, 2002 й. “Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”. Т., “Ўзбекистон”, 2000 й. “Мустақил Ўзбекистон”. Т., “Мехнат”, 1999 й.
137. **Машаринов О.** X-XIII асрларда Хоразм, Хоразмишоҳлар давлати. Урганч, 1993.
138. **Машаринов О.** Хоразм тарихидан саҳифалар. Тошкент. «Ўзбекистон», 1994 йил.
139. **Машаринов О.** “Хоразмнома” 1-китоб .“ Қадимги Хоразм”, “Урганч”, 2005й.
140. **Машаринов О.** “Хоразмнома” 2-китоб . “Хоразм. Юксалиш ва инкироз” “Урганч”, 2007й.
141. **Машаринов О.** “Хоразмнома” 3-китоб. “XIVасрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бириинчи чорагида Хоразм. Хива хонлиги”. “Урганч”, 2009й.
142. **Машаринов О.** “Хоразмнома” 4- китоб. Хоразм Халк Республикаси. “Хоразм”, 2010 й.
142. **Машаринов О.** “Хоразмнома” 5-китоб. “Хоразм Ўзбекистон Республикаси таркибида”. “Урганч”. 2013 й.
143. **Машаринов А.** “Страницы из истории Хорезма”. “Ташкент”, 2008г.
144. **Мадириим Махмудов.** “Хоразм(Тарих, одамлар, воқеалар)”, “Урганч”, 2004 й.
145. **Мирзо Улуғбек.** Тўрт улус тарихи. «Чўлпон», 1994.
146. **Миркарим Осим.** «Аждодларимиз фожиаси» тарихий киссалар. Т., Гафур Ғулом нашриёти, 1983.
147. **Мирзо Улуғбек.** “Тўрт улус тарихи”. Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1994 й.
148. **Михайлов С.** “Хивинский фронт”. Журнал “Военная мысль”, кн.1, 1920г. 1сентября.
149. **Мухаммедбердиев К.Б.** “История Хорезмской революции”. Т., Изд.”Фан” 1986г.
150. **Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий.** “Танланган асарлар”. Т, «Фан», 1983.



151. Мухаммаджонов А., Нематов Т. "Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар". Т., 1957й.
152. Мухаммаджонов А. "Ўзбекистон тарихи"(V асрдан XVI аср бошларигача). "Ўқитувчи", 1994 й.
153. Мухаммаджонов А.Р. "Городие Пойкенд". Т., "Фан", 1983 й.
154. Мўминов И.М. Танланган асарлар, I-том, «Фан», Тошкент, 1960.
155. Насимхон Раҳмон. "Турк хоконлиги". Т., "Абдулла Қодирий", 1993 й.
156. Насириддин Бурхониддин Рабғузий. "Қиссан Рабғузий". Т., "Ёзувчи", 1990 й.
157. Нарзулла Жўраев, Турсунбой Файзуллаев. "Ўзбекистон тарихи". Т., "Ўзбекистон", 2000 йил.
158. Непесов Г. "Из истории Хорезмской революции". Госиздат УзССР.Т., 1962г.
159. Норкулов Н.К. "Беруний, ал-Хоразмий". Тошкент, 1979.
160. Норкулов Н. Беруний ва Хоразм. Т., «Фан», 1979.
161. Норшохий. "Бухоро тарихи". Т., "Камалак", 1991 й.
- "Первые кооперативы в Хорезме". "Хорезмская Правда", 1990г 18 апрель.
- "Первая советская школа Хорезма". Хорезмский Государственный педагогический институт и Хорезмское областное педагогическое общество. (Тезисы докладов). «Урганч», 1988г. Озод Абдуллаев. "Хоразм Тарихи II жилд", "Урганч", 1997 й.
162. Кабулов Н. "Хоразм адабий муҳити", Урганч, 1992 й.
163. Қахрамон Ражабов. "Хоразмда истиқлол ҳаракати ва Жунайидхон".
164. Қориев Мақсуд. "Спитамен". Тарихий роман. Т., Ғафур Ғулум нашриёти. Т., 1989 й.
165. Қурбанғалиева Р.С. "Ўрта асрлар тарихи". Т., "Ўқитувчи", 1992 й.
166. Раджабов С.А. "Государственный строй Узбекской ССР". Ташкент, 1947г.
167. Ртвсладзе Э.В."Великий шелковый путь". Т., 1999 й.
168. Рустамов А. "Махмуд Замахшарий". Т., "Фан", 1979 й.
169. Саъдуллаев А. "Қадимги Ўзбекистон тарихи илк ёзма манбалари". Т., "Ўзбекистон", 1996 й.
170. Саъдуллаев А. ва бошқалар. "Ўзбекистон тарихи, давлат ва жамият тараққиёти". Т., "Академия", 2000й.
171. Саидкулов Т. "Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар". Т., "Ўқитувчи", 1993 й.
172. Саматова Х. "Государственное устройство Хорезмской народной советской республики". АН.УзССР. Ташкент 1946г.
173. Сазанова М.В. "К этнография узбеков южного Хорезма". Труды Хорезмской экспедиции АН.СССР. Т.1, М., 1952г.

174. Саъдуллаев А., Соғлиқов А. “Хоразм Маъмур академиясининг тарихий илдизлари”. Урганч, 2003 йил, 120-121 бетлар.
175. Салье Я. “Мухаммад ал-Хорезми-великий ученый”. Тошкент, 1954.
176. Сибт ибн ал Джаузи. “Соч. изд. во Восточной литературы”. Т. 1950 г.
177. Сиддиков Ҳ. “Ўрта Осиё. Яқин ва Ўрта Шарқ олимларининг ишларида геометрия (IX-XIII асрлар)”. «Фан», Тошкент, 1981
178. Смирнов В. “Археологические экскурсии в Крым”. 1886. ВЗД.
179. Снесеров Г.Н. “Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма”. М., “Наука”, 1969 й.
180. Собиров О.С., Қозоқов Э.К. “Хоразм тарихидан лавҳалар”. Урганч 1994й. СССР ФА. «Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды» изд. во АН СССР. М. 1961.
181. Сулаймонова Ф. “Шарқ ва Фарб”. Т., “Ўзбекистон”, 1997 й.
182. Татыбаев С.У. “К истории преобразования Каракалпакской Автономной области в Автономную Советскую Социалистическую Республику”. Нукус, 1959г.
183. Ташлиев Ш. “Установление и управление Советской власти в Туркестане (1917-1918гг)”, Ашхабад, 1957г.
184. Терентив М.А. “Россия и Англия в борьбе за рынок. СПб. 1876 й.
185. “Темурнома”. Т.: “Чўлпон”, 1990 й.
186. Тохир Карим. “Мукаддас «Авесто» изидан”. Тошкент, Чўлпон, 2000.
187. Толстов С.П. “Древний Хорезм”. М. –Л., 1946.
188. Толстов С.П. “Қадимги Хоразм маданиятини излаб”. «Фан», Тошкент, 1964.
189. “Темур тузуклари”. Т.: 1991 й.
190. Тулямов Я. “Памятники города Хивы”. Т.: 1941 й.
191. Усмонов К.У., Садиқов М.С., Обломуродов Н. “Ўзбекистон тарихи”. Т., “Абдулла Қодирий”, 2002 й.
192. Файзуллаев О. Хоразмнинг буюк фарзанди. «Гулистон», 1970, № 1.
193. Ф.Расулов, Т. Дўстжонов, С.Ҳасанов. “Хоразм Маъмур академиясининг олис-яқин юлдузлари”. Тошкент, 2005.
194. Ҳасанов Ҳ. “Маҳмуд Қашғарий”(ҳаёти ва географик мероси). Т., “Фан”, 1969 й.
195. Ҳасан Ато Абуший. “Туркий кавмлар тарихи”. Т., “Чўлпон”, 1993 й.
196. Хидоят Г.А. “Менинг жонажон тарихим”. Т., “Ўқитувчи”, 1992 й.
197. Хидоят Г.А. “Менинг жонажон тарихим”. Т., “Ўқитувчи”, 1992 й.
198. Хилда Хункем. “Властитель семи созвездий”. Т.: изд-во “Адолат”, 1995 й.
197. Хусайн Раҳмон. “Хоразмлик раислар”. “Урганч”, 2011 й.  
“Хоразм тарихи”. I- жилд. Урганч, 1996 й.

“Хоразм тарихи”. II- жилд. Урганч, 1996 й. “Хозяйственный план Хорезмской Народной Советской Республики за 1923-1924гг”. Ташкент, 1924г.

“Ўзбекистон Республикасининг қонунари”. Т., “Ўзбекистон”, 1999 й.  
“Ўзбекистон халқлари тарихи”. Академик Ахмадали Аскарлов тахрири остида. I- жилд. Т., “Фан”, 1992 й. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” IX том, Т., 2009й.

199. **Ғафуров.** “Таджики”. М., 1972, т. I.

200. **Ғуломов Я.** “Хоразмининг сугорилиш тарихи”. (қадим замонлардан хозиргача). Т., “Фан”, 1959й.

201. **Ғуломов Я.Ғ.** “Қадимги маданиятимиз изидан”. Т., “Фан”, 1960 й.

202. **Шарифхўжаев М.,Рахимов Ф.** “Даврни белгилаб берган инсон”. Т. “Шарк”, 2004 й.

203. **Шайх Нажмиддин Кубро.** “Жамолинг менга бас. Рубонийлар”. Т., «Мерос», 1994.

204. **Ш.Каримов. Р.Шамсутдинов.** “Ватан тарихи”. Тошкент, «Ўқитувчи», 1997 йил.

205. **Шарофиддин Али Язлий.** “Зафарнома”. Т., “Шарк”, 1997 й.

206. **Шахобиддин ан-Насавий.** “Сийрат ас-Султон Жалолиддин Мангуберди” (Султон Жалолиддин Мангубердининг хаёт тасвирлари).

207. **Шихабиддин ан-Насави.** “Жизнеописание Султана Джелаладдина Манкбурны”. «Элм», Баку, 1973.

208. **Шоанизов К.Ш.** “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., 2008й.

209. **Шоаниёзов К.Ш.** “Қанг давлати ва Қанглилар”. Т., “Фан”, 1990 й.

210. **Чспрунов Б.** “Поход Джунаидхана на Турткул”. В КН., “Сборник статей к 10 летию Бухарской и Хорезмской революции”. Ташкент, 1930г.

211. **Юсуф Хос Хожиб.** “Қутадғу билиг”. Т., “Юлдузча”, 1990 й.

212. **Якубовский А.Ю.** “Развалины Ургенча”. М., 1946 й.

213. **Якубовский А.Ю.** “К вопросу об этногенези узбекского народа”. Т., “Фан”, 1941 й.

# МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	3
<b>I қисм. Хоразм кишилик жамиятининг қадимий маконларидан бири</b> .....	7
I-боб. Қадимги Хоразм ҳақида умумий маълумотлар .....	7
1.2-боб. Хоразм маданиятининг тарихий даврлари .....	22
1.3-боб. Қадимги Хоразм қабилалари. Уларнинг тили, дини, ёзуви, маданияти хусусида мулоҳазалар .....	47
1.4-боб. Хоразм давлатчилиги ва шаҳар ҳаёти хусусида мулоҳазалар .....	74
1.5-боб. Ўрта асрларда Хоразмда фан. Бағдоддаги “Байт ул ҳикмат” да Марказий Осиё олимларининг фаолияти ..	111
1.6-боб. Хоразм Маъмун академиясининг ташкил топиши ва унинг фаолияти .....	118
1.7-боб. Хоразмшоҳлар- Ануштегинлар ҳукмронлиги даврида Хоразмда фан ва маданият .....	125
1.8-боб. Хива хонлари ҳукмронлиги йилларида Хоразмда маданият, адабиёт ва санъат .....	133
<b>II-қисм. Буюк Хоразмийлар</b> .....	156
<b>III-қисм. Хоразмлик ҳукмдорлар хусусида</b> .....	275
<b>IV. қисм. Хоразмнинг машҳур кишилари</b> .....	512
<b>I-бўлим. Ўтган асрларда яшаб ижод қилган машҳур хоразмликлар</b> .....	512
<b>II-бўлим. Хоразмнинг XX ва XXI асрлардаги машҳур кишилари</b> .....	544
I-боб. Ўтган ва бугунги кун Хоразмнинг машҳур кишилари ..	544
II-боб. Хоразмлик олимлар .....	680
III-боб. Хоразмлик адиблар .....	750
IV-боб. Хоразмлик санъаткорлар .....	774
Хотима .....	827
Адабиётлар рўйхати .....	828




Озод МАШАРИПОВ, Алишер МАШАРИПОВ

# Хоразмнома

(Олтинчи китоб)

Жамоатчилик асосида  
масъул муҳаррир: М. Худойбергандов

Муҳаррир: Ф.Исмоилова  
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов  
Мусаввир: Д.Азизов  
Мусаххиха: М.Ҳайитова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова



Босишга рухсат этилди 15.05.2014.

Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 52,0. Нашр босма табағи 52,5.

Тиражи 600. Буюртма №70.



Озод Машарипов, тарих фанлари доктори, профессор, Россия диалектик тизимдаги тадқиқотлар академиясининг хақиқий аъзоси, академик. Озод Машарипов 1941 йил 9 январда Хоразм вилояти, Боғот туманида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1961 йилда Хоразм Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тугатган.

1979 йили номзодлик, 1991 йилда докторлик диссертацияларини ёқлаган. Профессор Озод Машарипов сермахсул олимлардан. 15 та монография, 3 та ўқув қўлланмаси олимнинг қаламига мансубдир. Озод Машариповнинг ижодида Хоразм тарихи алоҳида ўрин тутади. «XII–XIII асрларда Хоразм», «Хоразмшоҳлар давлати», «Хоразм тарихидан саҳифалар», «Аждодлар фожиаси», «Хоразм тарихига бир нигоҳ», «Страницы из истории Хорезма», «Хоразмнома» 1-китоб-«Қадимги Хоразм», «Хоразмнома» 2-китоб-«Хоразм. Юксалиш ва инкироз», «Хоразмнома» 3-китоб-«XIV асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чорагида Хоразм. Хива хонлиги», «Хоразмнома» 4-китоб-«Хоразм халқ республикаси», «Хоразмнома» 5-китоб-«Хоразм, Ўзбекистон Республикаси таркибида», «Хоразмнома» 6-китоб-«Буюк Хоразмийлар ёхуд Хоразмнинг машҳур кишилари» каби асарлари фикримизнинг далилидир. Озод Машариповнинг ижодий махсули ҳажми 500 босма табоқдан ортиқроқдир. Бугунгача Озод Машарипов томонидан яратилган олти томдан иборат бўлган «Хоразмнома» номи билан аталган тарихий асарлар тўплами Хоразмнинг қадим ибтидоий жамоа тузумидан то бугунгача бўлган тарихини ўзида акс эттирган бебаҳо тарихий манбадир.

Алишер Машарипов Хоразм вилояти Боғот туманида 1971 йил 30 майда зиёли оиласида туғилган. 1988 йилда Боғот туманида ўрта мактабни тугатиб, Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кириб, 1993 йилда Тошкент Молия институтини «Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича тугатган. 1996 йилдан, 2002 йилгача ТДИУ Урганч ўқув-услубий марказида методист, 2008 йилдан 2013 йилгача ТДИУ «Ташки иқтисодий фаолият» кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаган.

Муаллиф мамлакатимиз тарихи соҳасида ҳам бир қанча изланишлар олиб бориб, жумладан, 2011 йилда «Хоразм тарихига бир нигоҳ» 9,5 босма табоқдан иборат тарихий китобда ҳаммуаллиф ва Хоразмнома 6-китоб «Буюк Хоразмийлар ёхуд Хоразмнинг машҳур кишилари» китоби (49,5 босма табоқда) ҳаммуаллифдир. Бу тарихий китоблар орқали халқимиз тарихини ўрганишда ўзининг иқтидори билан юксак натижаларга эришган муаллифлардан биридир.

Муаллиф «Хорижий инвестициялар» фанидан таълим технологиясида ҳаммуаллифлик, «Реклама фаолиятини ташкил этиш» фанидан ўқув қўлланма ва бир қанча илмий мақолалар муаллифи. Унинг бугунгача нашр қилинган ишлари 125 табоқдан ошиб кетган. А. Машарипов бухгалтерия соҳасида ҳам фаолият кўрсатиб, 2002 йилдан 2012 йилгача «Тошкент тажриба механика заводи» МЧЖ да бош бухгалтер, 2013 йилда «2-сон ТБМЗ» IQC МЧЖ да бош бухгалтер ўринбосари ва айна пайтда «USDIAL» МЧЖ да бош бухгалтер вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.



ISBN 978-9943-4304-4-0



9 789943 430440